БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

2

ФЕВРАЛЬ

1981

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 2
ФЕВРАЛЬ
1981 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

СССР Олий Советн Президиумининг
ФАРМОНИ

„ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ" („КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА") ЖУРНАЛИНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Марксизм-ленинизмни пропаганда қилишдаги хизматлари, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этиш соҳасидаги самарали иши учун **«Ўзбекистон коммунисти» («Коммунист Узбекистана») журнали Халқлар дўстлиги** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1981 йил 8 январь

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ
Тошкент

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XX СЪЕЗДИ

1981 йил 3—5 февралда Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съезди бўлиб ўтди.

Съезднинг кун тартиби: 1) Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисоботи; 2) Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг ҳисоботи; 3) КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси тўғрисида; 4) Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Марказий Комитетини ва ревизия комиссиясини сайлаш.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номидан ҳисобот доклади, ревизия комиссияси номидан комиссия раиси ўртоқ **Ш. Ёқубов** ҳисобот доклади қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилишда: Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов,** Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари **Қ. Камолов,** Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари **Б. Р. Раҳимов,** Тошкент электрон-техника заводининг бош директори **В. Г. Мушкарев,** Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари **А. Қ. Каримов,** Андижон трикотаж фабрикасининг тикувчи-моторчиси **С. Мўйдинова,** Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони **Ю. П. Максимов,** «Узбекшахтострой» трестининг ғишт терувчилар бригадири **Д. А. Зазулин,** Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари **Р. Ғ. Ғоипов,** Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри **А. А. Уркинбоев,** Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти **О. С. Содиқов,** «Красний водопад» экспериментал базасининг машинада сут соғиш оператори **А. И. Чудная,** Хўжайли районидаги «Тошкент» совхозининг директори **Б. Қурбонов,** Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари **М. Ҳ. Худойберганов,** Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри **И. Ҳ. Жўрабеков,** Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **У. У. Умаров,** Марғилон «Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси **Ф. Камолбоева,** Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари **В. А. Хайдуров,** Наманган машинасозлик заводининг штамповкачиси **С. Обиджонов,** Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг раиси **Хван Ман-Гим Г.,** Андижон область партия комитетининг биринчи секретари

С. М. Мамарасулов, Ильич районидаги «Правда» газетаси номли совхознинг бригадири **М. Мирбобоева**, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **С. О. Азимов**, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари **А. Қ. Каримов**, Ўзбекистон ССР Маориф министри **С. Ш. Шермуҳамедов**, Фориш районидаги Ильич номли совхознинг директори **А. Еримбетов**, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари **М. Қ. Камолов**, Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг раиси **Н. М. Маҳмудова**, Баҳористон район партия комитетининг биринчи секретари **С. Н. Аметов**, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Э. Ғ. Ғафуржонов**, «Ховос» станцияси локомотив депосининг машинисти **С. Я. Широких** ўртоқлар қатнашдилар.

Съезд «КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси тўғрисида»ги докладни тинглади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Н. Ж. Худойбердиев** бу масала юзасидан доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари **Ҳ. У. Умаров**, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси **Е. Айтмуротов**, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари **Т. Боймиров**, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани Раиси **Қ. А. Аҳмедов**, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи **Н. Р. Ҳамроев**, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри **М. Ҳ. Қурбонов**, Ўзбекистон ССР Савдо министри **М. Ҳ. Ҳасанов**, Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министри **А. Ҳ. Ҳамидов**, 11-«Висотстрой» трести дурадгорлари бригадири **Ҳ. Қорабоев** ўртоқлар қатнашдилар.

Съездда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов** якунловчи нутқ сўзлади.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан бир овоздан резолюция қабул қилди.

Съезд делегатлари Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини бир овоздан тасдиқладилар.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси тўғрисидаги доклад юзасидан ҳам бир овоздан қарор қабул қилинди.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ва Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясини сайлади.

Съезд делегатлари ғоят баланд руҳ билан КПССнинг ленинчи Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома қабул қилдилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Биз, Ўзбекистон Коммунистик партияси XX съездининг делегатлари республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан жонажон партиянинг ленинчи Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига ва, азиз Леонид Ильич, шахсан Сизга қизғин коммунистик салом йўллаймиз ҳамда меҳнаткашларнинг фаровонлиги тўғрисидаги, Совет Ватанимизнинг равнақи ҳақидаги тинимсиз ғамхўрлик учун астойдил миннатдорчилик сўзларини изҳор этамиз. Ўзбекистон меҳнаткашлари ўтган беш йилликда мамлакатимизнинг қудратли иқтисодий ва мудофаа потенциали ўсганлиги билан, унинг замонавий фан ва маданияти, бутун дунёдаги юксак обрў-эътибори билан фахрланадилар.

Ҳурматли Леонид Ильич, Ўзбекистон Коммунистик партияси ўзининг XX съездини ленинчи Марказий Комитет теварагида маҳкам жипслашиб кутиб олганини КПСС Марказий Комитетига ва шахсан Сизга қувонч ва чуқур мамнуният туйғуси билан маълум қиламиз. У сон жиҳатдан ўсди, омма орасида ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг ҳар томонлама, бой тажрибасини орттирди, республика турмушининг ҳамма соҳаларига ўз таъсирини кучайтирди.

Совет Ўзбекистони ўнинчи беш йилликнинг саноат маҳсулоти реализация қилиш ҳажми юзасидан белгиланган топшириқларини муддатидан илгари бажарди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантириш таъминланди. Миллий даромад 29 процент кўпайди. Газ қазиб олиш, электр энергия ҳосил қилиш планлари ошириб бажарилди. Машинасозлик, химия, электроника, рангли ва қора металлургия жадал ривожланди. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш 45 процентдан зиёд ўсди.

Фан-техника тараққиётини ифодаловчи тармоқлар илдам суръатлар билан ривожланди. Ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш, чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш соҳасида анчагина иш қилинди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари партиянинг аграр сиёсатини сабот билан амалга оширдилар. Колхоз ва совхозлар ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми тўққизинчи беш йилликка нисбатан қарийб 26 процент, пахта етиштириш 16,5 процент, дон етиштириш икки баравар, сабзавот-полиз маҳсулотлари ва картошка етиштириш 1,5 баравар, ҳўл мева ва узум етиштириш 1,7 баравар, гўшт етиштириш 31 процент, сут етиштириш 42 процент ва тухум етиштириш 65 процент кўпайди. 1980 йилда тарихда биринчи марта 6 миллион 240 минг тонна пахта тайёрланди.

Қапитал қурилиш программаси муваффақиятли тугалланди. Асосий фондларни ишга тушириш юзасидан белгиланган беш йиллик план 102 процент, капитал маблағларни ўзлаштириш плани 109 процент, қурилиш-монтаж ишлари плани 108 процент адо этилди. Уй-жой биноларини, мактабларни, мактабгача тарбия ва даволаш муассасаларини фойдаланишга топшириш беш йиллик плани бажарилди.

Партиянинг социал программасини рўёбга чиқариш давомида халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини анча юксалтириш таъминланди. Иш ҳақи, ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўлов ва имтиёзлар кўпайиши асосида Ўзбекистон ССР аҳолиси жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар беш йил мобайнида 17 процент ортди. Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти, шунингдек аҳолига кўрсатилган маиший хизматлар ҳажми ўсди. 27 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой фойдаланиш учун топширилди.

Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, фан, адабиёт, санъат янада ривож топди.

Азиз Леонид Ильич, Сизнинг табрикномаларингизда республика ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлиларининг шонли меҳнат зафарлари юксак баҳоланди. Бу табрикномалар астойдил миннатдорчилик туйғуси билан кутиб олинди ҳамда омманинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини ривожлантиришнинг қудратли омили бўлди. Республиканинг муваффақиятлари Ватаннинг юксак мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди. Юксак мукофот бизга қанот бахш этади, кучимизга куч қўшади, янги-янги қаҳрамонона ишларга руҳлантиради.

Леонид Ильич, бутун улуғ мамлакатимиз каби Ўзбекистоннинг муваффақиятлари ҳам КПСС Марказий Комитети Сизнинг ғоят самарали ва олисни кўзловчи раҳбарлигингизда коммунистик қурилишнинг бирдан-бир тўғри, ленинча йўлини ишлаб чиқиб, амалга ошираётганлиги, Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлаётганлиги, совет жамиятининг турмушида Коммунистик партиянинг ролини ошираётганлиги натижаси эканини равшан англаб турибмиз.

Кейинги 16 йил мобайнида Сиз Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини ошириш, фан ва маданиятни ривожлантириш, совет кишиларининг турмуш шароитларини яхшилаш учун ҳаммадан кўра кўпроқ иш қилдингиз. Сизнинг раҳбарлигингизда ва Сизнинг актив иштирокингизда СССРнинг янги Конституцияси ишлаб чиқилиб, қабул этилди, унинг ҳамма моддалари ҳозир зўр самарадорлик билан ишлаб турибди.

Сизнинг коммунизм тантанаси йўлидаги баҳодирона меҳнатингиз, Ватанга, партияга, халққа қилаётган фидокорона хизматингиз, Сизнинг ўзингизга хос битмас-туганмас куч-ғайратингиз, партиявий принципиаллигингиз, халқ турмуши билан чамбарчас боғлиқ эканлигингиз, халқ бахт-саодати тўғрисидаги доимий меҳрибонлигингиз, одамларга ленинча сезгир муносабатингиз туфайли ҳамма меҳнаткашларнинг меҳр-муҳаббати ва чуқур ҳурматини қозондингиз.

Сизга шуни маълум қиламизки, «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитети партия XXVI съездига тайёрлаган лойиҳаси Ўзбекистонда актив муҳокама қилинди. Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди, республиканинг барча меҳнаткашлари партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, ўн биринчи беш йилликка мўлжалланган социал-иқтисодий ривожланиш ва маданий қурилиш программасини тўла-тўкис маъқуллай-

дилар. Бу программа меҳнаткашларнинг сиёсий активлигини ва ишлаб чиқаришдаги ғайратини ғоят жўш урдириб юборди. Ҳамма меҳнат коллективлари, районлар, шаҳарлар, областлар ва умуман республика беш йилликнинг биринчи йили учун юксак социалистик мажбуриятлар, муқобил планлар қабул қилишди. Янги беш йилликнинг биринчи ойи планлари ошириб бажарилди.

Азиз Леонид Ильич, Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари жонажон Коммунистик партия теварагида янада маҳкамроқ жипслашадилар ва ўн биринчи беш йилликда коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини шараф билан бажариш учун ҳамма ишни қиладилар, деб съезд КПСС Марказий Комитетини, шахсан Сизни тантанали равишда ишонтиради.

Яшасин тинчлик ва коммунизм!

Яшасин коммунизм бинокорлари партияси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XX СЪЕЗДИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XX СЪЕЗДИГА ҲИСОБОТИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади

Делегат ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездидан кейин орада беш йил вақт ўтди. Шу йиллар давомида зўр ғайрат билан самарали меҳнат қилинди. Коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида бу йиллар КПСС XXV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш, ўнинчи беш йиллик режаларини бажариш учун умумхалқ кураши белгиси остида ўтди.

Ленин партиясининг социал-иқтисодий стратегияси амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз бутун халқ хўжалигини ривожлантиришда, катта ва муҳим социал вазифаларни ҳал этишда олға томон янги шахдам одим ташлади. Мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа потенциали анча ўсди.

КПСС XXV съезди қарорларини бажаришнинг бош сиёсий якуни мана шундай бўлди. Бу — барча совет кишилари, чет эллик дўстларимиз ҳақли равишда фахрланаётган илҳомбахш, қувончли якундир.

Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг иттифоқи янада мустаҳкамланди. Совет жамиятининг социал бир хиллиги ўсмоқда. Социалистик демократия янада ривож топди, жамият ва давлат ишларини идора қилишда меҳнаткашлар тобора кенг иштирок эта бошладилар. Партия билан халқнинг улуғвор бузилмас бирлиги яна бир бор намойиш қилинди.

Ўнинчи беш йиллик КПСС билан Совет давлатининг ленинча ташқи сиёсатида катта-катта муваффақиятлар билан нишонланди. Партия XXIV ва XXV съездлари олға сурган Тинчлик программаси жаҳондаги воқеаларнинг ривожига жуда катта ижобий таъсир ўтказиб келди ва ўтказиб турибди. Кейинги вақтда мураккаблашган халқаро вазиятда партиямиз кескинликни юмшатиш учун, ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашни қатъият ва сабот билан давом эттирмоқда.

Совет халқи ўзининг ҳамма ғалабалари ва ютуқларини Коммунистик партиянинг собитқадам ва кўп қиррали фаолияти билан чамбарчас боғлиқ деб билмоқда. Партия билан халқнинг метин бирлиги, совет кишиларининг партия ўртага қўйган вазифаларни бажаришга тайёр бўлиб турганлиги — партия сиёсати ҳақлигининг, унинг бош йўли тўғрилигининг энг яхши исботидир.

Партиямиз ички ва ташқи сиёсатининг муваффақиятлари КПСС-нинг раҳбарлик, йўналтирувчилик ва сафарбар этувчилик кучи доимо ошиб бораётганининг, у улуғ Ленин васиятларига чексиз содиқлигининг ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган далилидир. Бу — КПСС Марказий Комитети, унинг Ленин ва Улуғ Октябрь социалистик революцияси ишининг атоқли давомчиси, совет халқининг содиқ фарзанди, Коммунистик партия, Совет давлати ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг оташин арбоби, тинчлик ва социал тараққиёт учун толмас курашчи, изчил марксчи-ленинчи Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси баҳодирона фаолиятининг натижасидир.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС нинг доно ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиб, амалга оширишга, илмий коммунизм назарияси ва практикасига чинакам улуғ ва бебаҳо ҳисса қўшди. Леонид Ильич ҳамиша халқ фаровонлиги тўғрисида, меҳнат аҳлининг бахт-саодати ҳақида, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисида жуда катта ғамхўрлик қилиб келаётганлиги учун совет кишилари ундан астойдил миннатдордирлар.

Шу кунларда коммунистлар, барча совет кишилари бир муддао билан — партия билан халқ турмушидаги энг муҳим воқеа — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш муддаоси билан яшамоқдалар. Ленинчи партиямиз съездни аниқ ҳаракат программаси билан кутиб олмоқда. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига тайёрлаган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси бунинг яққол тасдиғидир. Бутун халқ бу лойиҳани қўллаб-қувватламоқда ва маъқулламоқда.

Ҳисобот даврида зўр ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеалар жуда кўп бўлди. Мамлакатимиз, бутун тараққийпарвар инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини, Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 35 йиллигини кенг миқёсда нишонладилар. СССРнинг янги Конституцияси — ривожланган социализм конституцияси қабул этилди.

Бу воқеалар марксизм-ленинизм сўнмас ғоялари тантанасининг ёрқин намойишига, социализм, жаҳон революцион жараёни тарихий ғалабаларининг, совет жамияти ҳақиқий демократизмининг, улуғ рус халқи бошчилигидаги СССР халқлари бузилмас дўстлиги ва қардошлигининг улкан кўригига айланиб кетди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликни якунлар эканлар, ўз бурчларини бажо келтирганликларини ҳис этиб турибдилар. Шу йиллар мобайнида ишлаб чиқарувчи кучлар анча ўсди, фан ва маданият янада ривож топди, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ошди. Республикада яхши маънавий-сиёсий ва ишчанлик вазияти вужудга келтирилди.

Республика ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлиларининг меҳнатдаги шонли зафарларига Леонид Ильич Брежневнинг табрикномаларида юқори баҳо берилди. Зўр сафарбар этувчилик кучига эга бўлган бу ҳужжатлар самимий миннатдорчилик туйғуси билан кутиб олинди. Улар омманинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини ривожлантиришнинг қудратли омили бўлди.

Бизнинг муваффақиятларимиз Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди. Энди Ўзбекистон ССР байроғида бешта орден порлаб турибди. Ватан мукофотлари Ўзбекистон меҳнаткашларининг ватанпарварлик ифтихори туйғуларини кучайтирмоқда, янги-янги қаҳрамонона ишларга чорламоқда.

КПССнинг содиқ ва жанговар отряди — Ўзбекистон партия таш-

килоти ўзининг XX съездини ленинчи Марказий Комитет теварагида метиндек жипслашиб кутиб олди. Ҳисобот даврида у сон жиҳатдан ўсди, омма орасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишда янги хилма-хил тажриба орттирди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот давридаги иши тўғрисида съездга гапириб беришга ижозат этгайсизлар.

Ўртоқлар! КПССнинг иқтисодий сиёсатини амалга ошириш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, партия, совет ва хўжалик органлари ҳамда жамоат ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим йўналиши бўлди. Айни шу, ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаси коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтириш учун курашнинг энг асосий участкасидир.

Республика коммунистлари, барча меҳнаткашларининг куч-ғайратлари ҳисобот даврида ишлаб чиқариш потенциалини янада кўпайтиришни ва ундан ғоят тўла-тўкис фойдаланишни, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни, меҳнат унумдорлигини ўстиришни, иш самарадорлиги ва сифатини оширишни таъминлашга қаратилди.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида республиканинг миллий даромади 29 процентдан зиёд кўпайди. Асосий ишлаб чиқариш фондлари бир ярим баравар ортди. Бутун мамлакатда бўлгани каби Совет Ўзбекистонининг экономикасида ҳам чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги янада ошди.

Республика Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ҳар йили ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди. Халқ хўжалигининг ўн минглаб илғорлари СССР орден ва медаллари билан мукофотланди, яхшиларнинг энг яхшилари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Республиканинг шавкат ва жасорат, маҳорат ва ғайрат кўрсатиб ишлаган, социалистик Ватан йўлида фидокорона меҳнат қилган ишчиларига, колхозчиларига, зиёлиларига, ёшларига съезд номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Янги беш йилликда Ўзбекистон янги, янада мураккаб ва масъулиятли марраларни эгаллаши керак. Бу марралар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасида аниқ белгилаб берилган. **«Ўн биринчи беш йилликнинг бош вазифаси,**— деб уқтирилади Асосий йўналишларда,— **халқ хўжалигини барқарор, тобора ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциалидан янада оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ҳар томонлама тежаш ва иш сифатини яхшилаш асосида совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишни таъминлашдан иборат».**

Республикада партиянинг улуғ режаларини муваффақиятли бажариш учун ҳамма имкониятлар бор.

Саноатни ривожлантиришнинг интенсив омилларидан тўлиқроқ фойдаланайлик

Ўртоқлар! Ҳисобот даврида бутун экономиканинг негизи ва пойдевори бўлмиш индустрияни муттасил юксалтиришга алоҳида эътибор берилди. Унинг жадал ривожлантирилиши республиканинг ишлаб чиқарувчи кучлари нисбатини ўзгартирди. Эндиликда жами ялпи иж-

тимоий маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи саноатнинг ҳиссасига тўғри келади.

Республика индустрияси беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарди. Бир ярим миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот қўшимча равишда реализация қилинди. Ўтган беш йил мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми 27,4 процент ошди. Ўсишнинг ҳар проценти салмоғи энди тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 42 миллион сўм кўп эканлиги характерлидир. Бутун бешинчи беш йиллик мобайнида ишлаб чиқарилган миқдордаги маҳсулотни ҳозир саноатимиз бир йилда ишлаб чиқармоқда.

Янги объектларни ишга тушириш ва ўзлаштириш, корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш ишлари юксак суръатлар билан амалга оширилди. Янги техникани жорий этиш учун тўққизинчи беш йилликка нисбатан 1,3 баравар кўп маблағ сарфланди. Янги машина ва механизмларнинг, аппарат ва приборларнинг, рўзғор ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг саккиз мингга яқин ҳар хил турларини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Рационализаторлар ва ихтирочилар ижодкорлигининг миқёси бизни қувонтиради. Уларнинг таклифларини жорий этиш туфайли 700 миллион сўм иқтисодий самара олинди.

Партия ташкилотлари, ишлаб чиқариш коллективлари асосий фондлардан, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўлини ўтказдилар. Қора ва рангли металлар прокати, материаллар ва хом ашё сарфлаш улуши камайтирилди. Беш йиллик мобайнида икки миллиард киловатт-соатдан кўпроқ электр энергия, 70 минг тонна қора металлар прокати тежаб қолинди.

Фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар аввалгидек илдам суръатлар билан ривожлантирилди. Бунда ёқилғи-энергетика комплексига биринчи даражали аҳамият берилди. Сирдарё ГРЭСида бешта энергетика блоки қуриб битказилди, энди бу ёқилғи билан ишлайдиган станция Ўрта Осиёдаги энг катта нурхона бўлиб қолди. Беш йиллик мобайнида икки миллион 115 минг киловатт янги қувватлар ишга туширилди. Сўнгги ўн йил мобайнида эса республика электр станцияларининг жами қуввати икки ҳисса кўпайди.

Энергетика системасини такомиллаштириш давом эттирилди. 25 минг километр электр узатиш линияси қурилди. Энергетика базасининг ўсганлиги умуман халқ хўжалигида электр энергия ишлатишни 24 процент, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида эса 55 процент кўпайтириш имконини берди.

Ёқилғи саноатида жуда бой газ манбалари — Шўртан, Қултак, Зеварда, Памуқ конлари ишга туширилди. Улар орасида Шўртан кони алоҳида ўрин олади, бу кон ўз запаслари жиҳатидан машҳур Газли конидан кейин иккинчи ўринда туради. Ҳозир Сирдарё ГРЭСи тўлатўкис Шўртан гази билан ишламоқда. Муборак газни қайта ишлаш заводининг иккинчи навбати ишга туширилиши билан бу комплекснинг газни қайта ишлаш қуввати йилига 10 миллиард куб метрга етди.

Республика кўмир саноати ходимлари топширилган иш учун юксак масъулият туйғусини сезиш намунасини кўрсатдилар. Улар беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажардилар.

Бизнинг ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантиришдаги ютуқларимиз кишига қувонч бахш этади. Аммо биз экономиканинг жуда катта миқёслари тобора кўпроқ миқдорда ёқилғи ва энергия талаб қилишини эътиборга олишга мажбурмиз. Шу сабабли республиканинг ёқилғи-энергетика базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ҳамон энг муҳим вазифаларнинг бири бўлиб қолмоқда.

Янги беш йилликда Муборак газни қайта ишлаш заводида катта қувватлар ишга туширилиши, Шўртан газни қайта ишлаш комплексини қуриш бошланиши, кўмир қазиб олиш икки ҳисса кўпайтирилиши зарур.

Электр энергетика соҳасида Янги Ангрен ва Толимаржон электр станцияларида катта-катта блоклар қурилиши лозим. Ҳозирги кунларда ҳам энг муҳим иқтисодий ва социал-сиёсий вазифаларни ҳал этишда электрлаштириш бош ролни ўйнашини доимо эсда тутиш керак.

Химия саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми салкам 40 процент кўпайди. Янги беш йилликда уни жадал ўстириш йўли давом эттирилади. Минерал ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари, пластмасса, синтетик смолалар ишлаб чиқарадиган қўшимча қувватларни ишга тушириш белгилаб қўйилди.

Рангли металлургияни ривожлантириш соҳасида катта иш қилинди. Маржонбулоқ олтин-руда комбинати ишга туширилди. Афсуски, бу тармоқни ривожлантириш соҳасидаги баъзи вазифалар ҳал этилгани йўқ. Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис-руда қазиб олиш ва қайта ишлаш, мис, қўрғошин ишлаб чиқариш планини бажармади.

Рангли металлургиядаги ишларнинг аҳволини яхшилаш учун Олмалиқ комбинатининг хом ашё базасини мустаҳкамлаш, Қалмоққир, Олтинтопган руда конларини реконструкция қилиш, Учқулоч руда конининг биринчи навбатини ишга тушириш зарур. Самарали технология жараёнларини жорий этиш, хом ашёдан комплекс фойдаланиш юзасидан кўп иш қилишга тўғри келади.

В. И. Ленин номидаги Бекобод металлургия комбинатида чинакам техника революцияси амалга оширилди. Бу ерда катта ҳажмдаги пўлат эритувчи электр печлари, узлуксиз заготовка қуйиш машиналари, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларига монанд келадиган бошқа қувватлар барпо этилди.

Республиканинг битмас-туганмас бойликларини қидириб топаётган геологларимиз мис, олтин, қўрғошин, рух, табиий газ запасларини кўпайтириш юзасидан белгиланган беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажардилар. Кўпчилик конлар саноат усулида ўзлаштириш учун топширилди.

Машинасозликни ривожлантиришга доимий эътибор берилди. Бу тармоқ машина-ускуналарнинг айрим турларини яратишдан машиналарнинг тугал системасини ишлаб чиқиб, жорий этишга ўтмоқда. Беш йиллик мобайнида машинасозлик маҳсулоти ишлаб чиқариш 1,6 баравар кўпайди.

Жаҳондаги энг яхши намуналар билан тенглашадиган янги техника яратиш — иқтисодий вазифагина бўлиб қолмай, шу билан бирга сиёсий вазифа ҳамдир. В. И. Ленин бунинг аҳамиятини таъкидлаб, «...кимнинг техникаси, уюшқоқлиги, интизоми энг юксак даражада бўлса ва кимнинг машиналари энг яхши бўлса ўша устун бўлиб чиқади», деб ёзган эди. Машинасозлик олдида бениҳоя муҳим вазифалар турган ҳозирги пайтда ҳам доҳийнинг бу фикри ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев халқ хўжалиги самарадорлигини оширишда, меҳнат унумдорлигини юксалтиришда машинасозликнинг ролини алоҳида куч билан уқтириб ўтди. Айниқса қишлоқ хўжалик машинасозлигини янада такомиллаштириш, унинг орқада қолишини тугатиш зарурлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш учун республикада ишлаб чиқарилаётган баъзи машиналарнинг сифати паст эканлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда. Ўн биринчи беш йилликда янги

машина ва механизмларни жорий этишни тезлаштириш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш зарур. Улар ўзларининг хусусиятлари жиҳатидан ҳозирги энг юксак талаблар даражасида бўлиши муҳимдир.

Мана шуларнинг ҳаммаси Тошкент трактор заводининг қувватларини 80—100 от кучига ва келгусида 150 от кучига эга бўлган тракторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берадиган қилиб амалий тарзда кўпайтириш вазифасини объектив равишда биринчи ўринга чиқариб қўймоқда. Универсал ўзиюрар пахта териш машинаси ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, бункерининг ҳажми катта бўлган прицеплар ишлаб чиқаришни қисқа муддатларда ўзлаштириш, пахтани қабул қилиш ва қайта ишлаш учун керакли машиналар, агрегатлар ва приборлар комплексини яратиш лозим.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларнинг турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш халқ хўжалигининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Мана шу соҳаларнинг ҳаммасида олға томон сезиларли силжишга эришилди. Ўтган беш йиллик мобайнида «Б» группаси тармоқларининг маҳсулоти тўққизинчи беш йилликка нисбатан 5,6 миллиард сўмлик миқдорда кўпайганлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари йилига ўрта ҳисобда 7,8 процентга етганлиги фактининг ўзи шундан далолат беради. Мазкур комплекс корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришга аввалги беш йил мобайнида бўлганидан кўра 1,6 баравар кўп маблағ сарфланди.

Чинни-фаянс идишлар ишлаб чиқариш икки баравар, мебель 1,7 баравар, тикилган буюмлар бир ярим баравар, шойи ва атлас газламалар ишлаб чиқариш 1,2 баравар кўпайди. Халқ бадиий ҳунармандчилигининг анъанавий маҳсулотлари кўпгина турларини ишлаб чиқариш янада ривож топди. Сут маҳсулотлари, кондитер маҳсулотлари, яхна ичимликлар, консерваларнинг турлари кўпайтирилди.

Оғир индустрия ва машинасозлик корхоналарида халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш кўпайтирилди.

Бироқ, истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун ҳамма имкониятлардан ҳам тўла-тўкис фойдаланилмаётганини таъкидлаб ўтмоқ керак. Пойафзал, кийим-кечак, мебель, рўзғор асбоблари, болаларга аталган молларнинг турлари суст кўпайтирилмоқда ва сифати ҳам суст яхшиланмоқда.

Партия ўн биринчи беш йилликда халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни янада юқори суръатлар билан ривожлантириш вазифасини ўртага қўйди. Республика Министрлар Совети ва Госпланини, партия, совет органлари, министрликлар ва идоралар ўз ишларида мана шу принципиал йўл-йўриққа амал қилишлари керак. «Б» группаси тармоқларини планлаштириш ва пул билан таъминлаш системасини яхшилаш, бу ишни савдога, истеъмолчига қаттиқ боғлиқ қилиб қўйиш зарур.

Ҳисобот даврида пахта тозалаш саноатининг моддий-техникавий базаси мустаҳкамланди. Бу эса тайёрланган пахтани ўз вақтида қайта ишлаш, тола сифатини ошириш имконини берди. Пахтани қайта ишлаш технологиясини бундан буён ҳам такомиллаштириш, «оқ олтин»дан ишлаб чиқариладиган жамики маҳсулот энг юқори сифатли бўлишига сабот билан ҳаракат қилиш лозим.

Саноатда қилинган ишларни танқидий назардан ўтказар эканмиз, беш йиллик топшириқлари айрим кўрсаткичлар бўйича тўла-тўкис бажарилмаганини, айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг белгиланган ҳажмига эришилмаганини очиқ-ойдин эътироф қилмоқ керак.

Министрликлар, идоралар, корхоналар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказишни ҳали

ҳам секинлик билан амалга оширмоқдалар. Ишлаб чиқаришни механизациялашда номутаносиблик борлиги сезилмоқда, меҳнат ва технология интизомини бузиш, қувватларни иш билан тўла-тўкис таъминламаслик ҳоллари содир бўлмоқда.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва сифат йўли — қисқа муддатли кампания эмас, балки мамлакат иқтисодий ва социал ривожининг истиқболдаги кўп йилларга мўлжалланган белгиловчи омилидир. Ўртоқ Л. И. Брежнев уқтириб ўтганидек, биз етмишинчи йилларда бутун экономикани интенсив ривожланиш, самарадорлик ва сифатни ошириш, хўжалик фаолиятининг пировард натижаларига асосий эътибор бериш томонига бура бошладик. Саксонинчи йилларда партия иқтисодий стратегиясининг ўзаги бўлмиш мана шу жуда муҳим ишни давом эттириш ва тугаллаш керак.

Республика саноатини янада ривожлантиришнинг ҳамма масалаларини мана шу талаблар асосида кўриб чиқмоқ керак. Фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишни жадаллаштиришга, ҳосил қилинган ишлаб чиқариш потенциалидан янада оқилона фойдаланишга, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришга, қўлда бажариладиган ва оғир жисмоний меҳнатни тугатишга энг асосий эътибор берилиши лозим.

Ҳисобот даврида Марказий Комитет фондларнинг самарадорлиги пасайиб бораётганлигидан иборат салбий тенденцияни бартараф қилиш зарурлигига неча марталаб эътиборни қаратди. Афсуски, кўпгина министрликлар, идоралар, корхоналар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланмаяптилар. Баъзи корхоналарда машина ва асбоб-ускуналарни ишлатиш сменалари коэффициенти ҳамон пастлигича турибди.

Хўжалик фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш, асбоб-ускуналарни янгилаш ва модернизациялаш, маънавий жиҳатдан эскирган техникани ўз вақтида алмаштириш билан чамбарчас боғланган. Шу сабабли иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан тўлиқроқ фойдаланиш, хўжалик ҳисобининг ролини кўтариш, корхоналарни реконструкциялашни тезлаштириш, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва станокларни модернизациялаш тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилиш — министрликлар ва идоралар раҳбарларининг энг муҳим вазифасидир.

Партия, совет, хўжалик органларининг диққат-эътиборини айниқса маҳсулотнинг сифатига қаратиб ўтмоқчиман. Бу соҳада ҳали ҳал этилмаган проблемалар кўп. Маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси суст жорий этилмоқда. Гарчи республикада сифат белгиси қўйилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми беш йиллик мобайнида уч баравар кўпайган бўлишига қарамай, шу фахрий белги билан чиқарилаётган маҳсулотнинг салмоғи бизда умумиттифоқ кўрсаткичидан орқада қолмоқда.

Озиқ-овқат саноати министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги, Қурилиш министрлиги, Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети, «Узтекстильмаш», «Узхлопкомаш» бирлашмалари маҳсулот сифатини ошириш проблемалари билан қониқарсиз шуғулланмоқдалар.

Вазифа маҳсулотнинг сифатини қатъиян яхшилашдан, унинг истеъмол қилиш хусусиятлари юқори бўлган янги турларини тезроқ ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга эришишдан иборат.

Ўн биринчи беш йилликда республикада саноат ишлаб чиқариш ҳажми 28—31 процент кўпайтирилиши лозим. Маҳсулотнинг абсолют кўпайиши ўнинчи беш йилликда эришилган даражадан анча ошиб кетиши характерлидир. Машинасозлик, рангли ва қора металлургия,

энергетика, химия саноати ва «Б» группаси тармоқлари илдам суръатлар билан ривожлантирилади.

Ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун партия комитетлари, бошлангич партия ташкилотлари, министрликлар ва идоралар, хўжалик раҳбарлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ўсишнинг сифат, интенсив омилларидан фойдаланиш, ички резервларни қидириб топиш, жуда қаттиқ иқтисод қилиш ва тежамкорлик асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришни таъминлашлари зарур. КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарорлари, Асосий йўналишлар лойиҳаси бизни худди ана шу вазифаларни бажаришга йўналтиради.

Ун биринчи беш йиллик план топшириқларини гоят юксак уюшқоқлик, тартиб ва интизом билан мустаҳкамлаш керак. Кадрларни ишчанлик ва масъулиятни сезиш руҳида тарбиялаш, ҳар бир иш жойида, ҳар бир участкада, ҳар бир коллективда ижодий ва юксак даражада унумли ишлаш учун шароит яратиш — муваффақиятларнинг зарур гаровидир.

Ўртоқлар! Халқ хўжалиги миқёслари доимо мураккаблашиб бораётганлиги транспорт ва алоқа ишига нисбатан оширилган талаблар қўймоқда. Темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспорти коллективлари беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариб бўлдилар, автомобилчиларнинг ўзигина пландан ташқари 25 миллион тонна ҳар хил юк ва 159 миллион пассажир ташиб бердилар.

Ҳамма турдаги транспортнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, ҳаракат состави кўпайди. Темир йўлларни электрлаштириш, янги шох йўллар қуриш, станциялар хўжалигини, аэропортларни ривожлантириш давом эттирилди. Йўллар тармоғи айниқса қишлоқ жойларда жадал суръатлар билан ўсди ва реконструкция қилинди. Янги автомобиль йўллар қуриш ва мавжуд йўлларни реконструкция қилиш топшириқлари анча ошириб бажарилди.

Шу билан бирга халқ хўжалигининг кучайиб бораётган эҳтиёжлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узлуксиз ҳамкорлик, пассажир ташиш интенсивлиги транспорт ишини, йўлларнинг ҳолатини анча яхшилашни, республиканинг яхлит транспорт системасини ривожлантиришга доир комплекс тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Янги беш йилликда ҳамма турдаги транспорт, айниқса темир йўл транспорти самарадорлигини оширишга қаратилган катта-катта тадбирлар кўзда тутилмоқда.

Ўрта Осиё темир йўли ва граждан авиацияси бошқармалари, Автомобиль транспорти министрлиги, Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлиги, республиканинг бошқа министрликлари ва идоралари транспортни техника билан қайта қуроллантириш ишини жадаллаштиришлари лозим. Локомотивлар, вагонлардан, ҳаво ва автомобиль транспортидан янада унумли фойдаланиш, йўл тармоғини зўр ғайрат билан ривожлантириш, меҳнаткашларга хизмат қилиш маданиятини ошириш керак. Бутун юк ва пассажир ташиш жараёнининг ташкил этилишини такомиллаштириш, вагонлар ва автомобилларнинг бекор туришини ва бўш ҳайдалишини имкони борича қисқартириш, интизомни мустаҳкамлаш — мана шуларнинг ҳаммаси транспортчиларга, уларнинг ташаббускорлиги ва қатъиятига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир.

Партия ва совет органлари транспортдаги ишларнинг аҳволини мунтазам равишда, эътибор билан муҳокама қилиб туришлари, транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш учун барча бўлинмалар ва муассасаларнинг раҳбарларига нисбатан юксак талабчанлик қилишлари лозим.

Ўнинчи беш йилликда алоқанинг ҳамма турлари янада ривож топ-

ди. Шаҳарлараро телефон каналларининг узунлиги икки баравардан зиёд, шаҳарлардаги телефон станцияларининг қуввати 1,7 баравар, қишлоқ жойларда эса икки ҳисса ортди.

Бироқ, бу муҳим ишда ҳали бирталай камчиликлар бор. Республика Алоқа министрлиги ўз ишини, ўзига қарашли корхоналарнинг фаолиятини яхшилаши, илғор тажрибани кенг жорий этиши, интизомни мустаҳкамлаши ҳамда шу асосда аҳолининг эҳтиёжларини тағин ҳам тўла-тўкис ва ҳар томонлама қондиришга эришиши лозим.

Тез, тежамли ва замонавий техника асосида қурайлик

Ўртоқлар! Республика партия ташкилоти КПСС XXV съезди ишлаб чиққан кенг иқтисодий ва социал программани амалга ошириб, капитал қурилиш масалаларига жуда катта аҳамият бермоқда, ўртоқ Л. И. Брежневнинг тез, тежамли ва замонавий техника асосида қуриш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш йўлидан қатъият билан бормоқда.

Капитал маблағдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида қурилиш ишларини ташкил этиш ва бошқаришни яхшилашга, унинг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлашга, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишга доир тадбирлар ишлаб чиқилиб, қунт билан амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш ва уларнинг ўрнашиб қолишига эришиш, қурилиш, монтаж ва лойиҳа ташкилотларининг, қурилиш индустрияси корхоналарининг барқарор меҳнат коллективларини вужудга келтириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинди. Республиканинг энг зарур манфаатлари талаб қилганидек, бутун куч ва ресурсларни ишга тушириладиган ҳамда энг муҳим қурилишларга марказлаштиришга, халқ хўжалигининг мана шу муҳим тармоғига партия раҳбарлигини такомиллаштиришга асосий эътибор қаратилди.

Бу тадбирлар республиканинг асосий фондларни ишга тушириш, капитал маблағларни ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари юзасидан ўнинчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажаришга ёрдам берди. Электр ёрдамида пўлат эритадиган, электр энергия ҳосил қиладиган, минерал ўғит, химиявий смола, гербицидлар ишлаб чиқарадиган пландаги ҳамма қувватлар ишга туширилди, уй-жой, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар ва поликлиникалар қуриш программаси ўз вақтида бажарилди. 1980 йилда чала қолган қурилиш даражаси 13 процент қисқаришига эришилди. Республика бинокорлари, архитекторлари ва лойиҳачилари Ўзбекистон Компартияси XX съездига ажойиб совға тайёрладилар, улар қисқа муддат ичида В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги муҳташам саройини барпо этдилар. Бугун бизнинг съездимиз шу бинода ўз ишини бошлади.

Қуйидаги рақамлар капитал қурилиш миқёси ва суръатларини яққол кўрсатади. Ўнинчи беш йиллик мобайнида салкам 25 миллиард сўм, яъни тўққизинчи беш йилликка нисбатан 1,3 баравар кўп капитал маблағ ўзлаштирилди. Олмалиқ ва Самарқандда минерал ўғит ишлаб чиқарадиган қувватлар, Фарғонада триацетилцеллюлоза, Навоийда которан ва Чирчиқда капролактам ишлаб чиқарадиган корхоналар, жами юзга яқин йирик саноат корхонаси ва ишлаб чиқариши ишга туширилди. Умумдавлат аҳамиятига эга бўлган бу корхоналар ҳозирги замон фан-техника тараққиёти талабларига мувофиқ келади.

«Б» группаси тармоқларида кўпгина объектлар қурилди. Саноатнинг шу тармоқларидаги янги қувватларни ишга тушириш ва ўзлаштиришни жадаллаштириш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик

мусобақасининг ташаббускорлари ва доимий иштирокчилари бўлган қурувчилар, монтажчилар, лойиҳачилар ва буюртмачиларнинг аҳиллик ва уюшқоқлик билан ишлаганлиги бу объектларнинг ишга туширилишини тезлаштирди.

Хивадаги гилам комбинати, Қувасойдаги чинни заводи, Андижон тўқимачилик комбинатининг биринчи навбати, Бухоро тўқимачилик комбинатида калава ип, Наманган ва Марғилонда шойи газлама, Қўқонда пайпоқ ишлаб чиқарадиган янги қувватлар, Поп нотўқима материаллар фабрикаси, Тошкент тўқимачилик комбинатининг учта филиали, Урганч ва Гулистонда ёғ-экстракция заводлари, бир қанча сут ва нон заводлари, шунингдек маҳаллий, мебель ва балиқ саноати корхоналари ишга туширилди.

Қишлоқда катта қурилиш программаси амалга оширилди. Қишлоқ қурилишини ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлик партия аграр сиёсатининг жуда муҳим таркибий қисми бўлиб қолди. Беш йиллик мобайнида қишлоқ қурилиши янада кўпроқ мустаҳкамланди, халқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлиб шаклланди. 50 минг сигир боқиладиган сут етиштирувчи, 79 минг бош бузоқ, 157 минг бош чўчқа боқиладиган чорвачилик комплекслари, 2,3 миллионта тухумга кирган товуқ ва 4 миллионта бройлербоп жўжа боқиладиган паррандачилик фабрикалари қуриб битказилди. Кўпдан-кўп элеваторлар, дон омборлари, агрохимия лабораториялари ва бошқа объектлар барпо этилди.

Республика бинокорлик материаллари ва деталлари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг қувватларини доимо кўпайтирганлиги, қурилиш ишларининг техникавий даражасини оширганлиги туфайли капитал қурилишнинг юксак суръатларига эришиш мумкин бўлди. Беш йиллик мобайнида цемент ишлаб чиқариш 18 процент, йиғма темирбетон ишлаб чиқариш 15 процент, пардозбоп керамик материаллар ишлаб чиқариш 30 процент ва табиий тошдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 70 процент кўпайди. Йиғма темир-бетон ишлаб чиқарадиган заводларни, уйсозлик комбинатларини техника билан қайта қуроллантириш ва янгиларини қуриш кенг жабҳа бўйлаб олиб борилди.

Айни вақтда шуни таъкидлаш керакки, айрим министрликлар ва идоралар асосий фондларни, ишлаб чиқариш қувватларини ва объектларини ишга тушириш юзасидан белгиланган беш йиллик топшириқларини тўла-тўкис бажармади. Айрим қурилиш ташкилотлари пудрат ишлари планларини, меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқларини уддалай олмади.

Қишлоқдаги капитал қурилишда содир бўлган ижобий ўзгаришларга қарамай, ҳозирча бу иш танг жойлигича қолмоқда. Ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш етарли суръатлар билан олиб борилмаяпти, колхоз ва совхозларнинг қурилишларида кўпинча қиммат турадиган оғир материаллар ва конструкциялар ишлатилмоқда. Баъзан улар мураккаб, бесўнақай машина-ускуналар билан ўринсиз равишда тўлдириб юборилмоқда, бу эса мазкур объектлар қурилишини қимматлаштиришга, шунингдек уларни ишлатиш учун катта чиқимлар бўлишига олиб бормоқда.

Хўжалик ҳисобидаги бригада пудрати меҳнат унумдорлигини оширишнинг ғоят муҳим резервидир. Шу усулни жорий этиш туфайли бултур республика қурилиш-монтаж ишларининг қарийб ярмисини бажаришга муваффақ бўлди. «Узбекшахтострой» Ангрен трестининг ва бошқа баъзи қурилиш бошқармаларининг коллективлари мана шу илғор усулга тўла-тўкис ўтиб олдилар.

Бу ишни қилиш осонликча бўлмади. Қурилишда бригада пудратини муваффақиятли жорий қилиш учун тартиб бўлиши, ишлар пухта йўлга қўйилиши, омилкорлик билан оператив раҳбарлик қилиниши,

ишларнинг инженерлик таъминоти яхшиланиши лозим. Мана шу шартларга риоя қилинмаган жойларда бригада пудратини сингдириб бўлмайди, чунки бу янгиликни лозим даражада ташкилотчилик ишини ўтказмай туриб, буйруқ бериш йўли билан жорий этиш қийин.

Бошқармалар ва трестларнинг ҳамма бригадаларини Злобин методига кўчиришни, бригада пудратидан бригада потокларининг узлуксиз пудратига ўтишни турмуш қаттиқ талаб қилмоқда.

Капитал маблағ самарадорлигини ошириш ишида министрликлар ва идораларнинг, яъни буюртмачиларнинг роли катта. Аммо уларнинг баъзилари, жумладан Озиқ-овқат ва Маҳаллий саноат, Мева-сабзавот хўжалиги министрликлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида етказиб бераётганлари йўқ. Улар ишга тушириладиган комплекслар ва объектларга етарли маблағни кўпинча бермаяптилар, асбоб-ускуна ва махсус материаллар етказиб бериш муддатларини бузмоқдалар, эксплуатацион ходимлар кадрларини тайёрлашни чўзиб юбормоқдалар.

Ўн биринчи беш йилликда республикада капитал маблағ ҳажми 22—25 процент, яъни умуман мамлакатда бўлганига нисбатан қарийб икки ҳисса кўп ортади. Бу ҳол зиммамизга янада яхшироқ ишлаш, планлар билан шу планларнинг қурилиш министрликлари томонидан бажарилиши ўртасида анча катта тафовут бўлишига йўл қўйиш практикасини тугатиш мажбуриятини юклайди.

Беш йиллик мобайнида бир қанча йирик объектлар, шу жумладан В. И. Ленин номидаги Бекобод металлургия комбинатидаги прокат стани, Янги Қўқон химия заводи, Учқулоч қўрғошин-рух руда кони қурилиши керак. Катта химия, қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари, Олмалиқ кон-металлургия комбинатини реконструкция қилиш кенг миқёсда давом эттирилади.

Андижон тўқимачилик комбинатини, Бухоро тўқимачилик комбинатининг иккинчи навбати ва Нукус тўқимачилик комбинатининг биринчи навбати, Жиззах ип йигирув фабрикаси, бир қанча пахта тозалаш, сут, нон-булка заводлари ҳамда оммавий равишда талаб қилинадиган моллар ишлаб чиқарувчи бошқа завод ва фабрикалар қуриб битказилиши зарур.

Қишлоқ хўжалигининг ва, жумладан, чорвачиликнинг моддий-техника базасини янада ривожлантиришнинг катта программаси амалга оширилади. Бу ишларга кўп маблағ ажратилади. 67 минг бош сигир боқиладиган сут етиштириш комплекслари, 110 минг бош қорамол боқиладиган, 594 минг бош чўчқа боқиладиган чорвачилик комплекслари, 3 миллион 300 мингта тухумга кирган товуқ ва 82,5 миллионта гўшт бон парранда боқиладиган паррандачилик фабрикалари қурилиши лозим.

Дон етиштириш ва тайёрлашнинг кескин кўпайиши уни асрайдиган ва қайта ишлайдиган корхоналар қурилишини жадаллаштиришни жуда ўткир масала қилиб қўяди. Ўнинчи беш йилликда республикамизда бир қанча элеваторлар ва дон омборлари ишга туширилди. Аммо мавжуд қувватлар дон етиштириш ҳажмидан ҳозирча орқада қолмоқда. Шунинг оқибатида дон ташиш учун тобора кўпроқ унумсиз чиқимлар қилинмоқда, хўжаликлар чорва молларга бериладиган анчагина миқдордаги маҳсулотни ололмай қолмоқда. Шу сабабли беш йиллик режаларида донни қайта ишлайдиган янги корхоналар ва омихта ем заводлари қуриш белгиланган.

Меҳнаткашларнинг уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилашга катта маблағ сарфланади. Қишлоқ меҳнатчиларини томорқа участкаси ҳамда уй ҳайвони, парранда боқиладиган ҳамда шахсий транспорт воситалари сақланадиган қулай иморатлари бўлган алоҳида шинам уйлар билан таъминлаш вазифаси кўзда тутилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми талабла-

рига мувофиқ республика министрликлари ва идоралари, Госстройи, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотлари қишлоқ хўжалик объектларини лойиҳалаш ва қуриш вақтида республиканинг ўзига хос шароитларини тўлиқроқ эътиборга олишлари зарур. Маҳаллий қурилиш материаллари ва енгил конструкцияларни кенгроқ жорий этиш, объектларнинг кўпол асбоб-ускуналар билан қалаштириб ташланишини камайтириш, қишлоқлардаги иморатлар ва иншоотлар қийматини арзонлаштиришга, уларни ишга тушириш муддатларини қисқартиришга ҳаракат қилиш керак.

Республика партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари қишлоқ қурилишига бундан буён ҳам зўр эътибор билан қарашлари, қурувчиларга ҳар томонлама ёрдам ва мадад беришлари лозим. Шаҳарлар ва саноат марказлари томонидан қишлоққа оталиқ ёрдамини кучайтириш, қишлоқ учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, барқарор коллективларни шакллантириш зарур.

Капитал қурилишнинг улуғвор программасини амалга ошириш ҳар бир қурувчидан, қурилиш ва монтаж ташкилотларининг коллективларидан, улардаги партия ташкилотларидан қурилиш ишларига инженерлик ҳозирлигини янада такомиллаштиришни, ишларни индустриялаш даражасини оширишни, қўл меҳнатини қисқартиришни, ўз ишлаб чиқариш базасини жадал ривожлантиришни талаб қилади.

Бинокорлик материаллари саноатини илдамроқ ривожлантиришни таъминлаш лозим. Бу тармоқнинг ходимлари давлатдан катта қарздор бўлиб қолдилар. Цемент, ғишт, оҳак, пардозлаш материаллари ва бошқа материаллар ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш керак.

Республика Госстройи ва унинг жойлардаги органлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари лойиҳа-смета ишини яхшилаш учун, бинолар ва иншоотларни қуриш, ишлатиладиган материалларни қисқартириш учун кескин кураш бошлашлари зарур. Лойиҳаларнинг сифати учун, уларда қўл меҳнатини қисқартириш имконини берувчи янги материаллар ва конструкциялар қўлланилиши учун ижрочиларнинг масъулиятини ошириш лозим. Илмий-тадқиқот лойиҳаларини тайёрлаш ишларини ва уларнинг жорий этилишини доимо кенгайтириш экспериментал қурилиш ҳажмини кўпайтириш жуда муҳимдир.

Республикадаги капитал қурилишда ишларни юксак самарали ташкил этиш соҳасида салмоқли тажриба орттирилган. Ажойиб кадрлар, зарур материал ва техника ресурслари бор. Шулардан моҳирона фойдаланиш партия, совет ҳамда хўжалик ташкилотларининг бурчи ва вазифасидир. Капитал маблағ самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини доимо ошириш, қурилиш ишларининг ташкил этилишини такомиллаштириш, куч ва ресурсларни ишга тушириладиган объектларга жамлаш, қурилишдаги ишларнинг аҳволи учун масъул бўлган кишиларга нисбатан талабчанликни янада ошириш лозим.

Бизнинг съездимиз саноат, транспорт, алоқа, қурилиш ходимлари республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга бундан буён ҳам кўпроқ хисса қўшаверадилар, ўн биринчи беш йилликнинг улуғвор режаларини шараф билан муносиб равишда бажарадилар, деб тўла асос билан қатъий ишонч изҳор этади.

Партиянинг аграр сиёсатини сабот билан амалга оширайлик

Ўртоқлар! Партиянинг ленинча аграр сиёсатини оғишмай ҳаётга татбиқ эта бориш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини янада юксалтириш ва қишлоқни социал ривожлантириш ма-

салалари республика партия ташкилотининг доимий диққат-эътиборида бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деган эди: «Партия мамлакатни озиқ-овқат билан ва саноатни қишлоқ хўжалик хом ашёси билан мустаҳкам равишда таъминлашга эришишдан иборат стратегик вазифани ҳал этганида механизациялаш, химиялаштириш ва ерларни мелиорациялаш суръатларини жадаллаштириш, шу тармоқни ривожлантиришга доир масалаларни комплекс ҳал этиш йўли билан қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини анча мустаҳкамлашни ўзининг биринчи навбатдаги бурчи деб билди».

Республиканинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари шу бош йўналишларда планли равишда ва изчиллик билан иш олиб бордилар. Бугун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш, унинг самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Ўтган беш йиллик якунларини қараб чиқар эканмиз, тўла асос билан шундай дея оламиз: КПССнинг ҳозирги замон аграр сиёсати ҳаётга татбиқ этилиши қишлоқ хўжалигимизни янада юксак поғонага кўтариш, уни экономиканинг юксак даражада ривожланган ва юқори самарали секторига айлантириш, республиканинг бутун аграр саноат комплексини янада ривожлантиришнинг барқарор суръатларини таъминлаш имконини берди.

Ўнинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти аввалги беш йилликка нисбатан топшириқдаги 22 процент ўрнига 25,4 процент кўпайди. Ўртача йиллик пахта етиштириш 16,5 процент, дон тайёрлаш 2 баравар, сабзавот-полиз экинлари ва картошка 1,6 баравар, ҳўл мева ва узум — 1,7 баравар ўсди. Гўшт, сут, тухум, пилла, тамаки, каноп ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга топшириш ҳажмлари кескин ортди.

Ҳисобот даврида қишлоқ меҳнаткашлари биринчи маротаба жуда муҳим босқич марраларини эгалладилар, бу марралар халқ хотирасида абадий сақланиб қолади. Беш йилликнинг якунловчи йилида биз пахта етиштиришда олти миллионли маррадан ўтдик, пахтани машинада теришда тўрт миллионли маррага эришдик, бир миллион тоннадан зиёд маккажўхори дони ва ярим миллион тонна шоли етиштирдик. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш беш миллион тоннага, пилла етиштириш эса 30 минг тоннага етди.

Бу — деҳқонларимизнинг мамлакат экономикаси ва озиқ-овқат ресурсларига қўшган салмоқли ҳиссаси бўлди.

Шонли пахтакорларимизга, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги раҳбарлари ҳамда мутахассисларига, ўз ақл-заковати ва меҳнати билан, мардлиги ва фидокорлиги билан беш йиллик топшириқларининг муддатидан илгари бажарилишини таъминлаган ҳамда кўпмиллатли Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида қўлидан келган ҳамма ишларни қилаётган республиканинг барча меҳнатчиларига Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди номидан қизғин миннатдорчилик ва умумхалқ ташаккурини изҳор қилишга рухсат этгайсиз.

Эришилган муваффақиятлар бизда чуқур мамнуният, партия ва халқ олдидаги адо этилган бурчни англаш туйғусини уйғотади. Айни пайтда бу муваффақиятлар қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун, деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча турдаги маҳсулотларини етиштиришни тўхтовсиз кўпайтириб бориш учун бизнинг масъулиятимизни оширади.

Умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистон пахта етиштириб берувчи асосий республика ҳисобланади. Шу сабабли партия ташкилоти пахта тайёрлаш ҳажми йилдан-йилга кўпайиб, унинг сифати яхшиланиб бориши учун ҳамма чораларни кўрди. Республика деҳқонлари, барча

меҳнаткашлари пахта етиштиришни муттасил кўпайтириб боришни умумхалқ вазифаси деб, СССРдаги барча қардош халқлар, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари олдидаги ўзларининг энг биринчи ватанпарварлик ва интернационал бурчлари деб билмоқдалар.

Ўнинчи беш йиллик даврида пахтачилик юксак даражада ривожланиш йўлига кирди. Ғўзани парвариш қилиш ва пахта ҳосилини йиғиб-териб олишнинг илғор механизациялашган технологияси ўзлаштирилди. деҳқончилик маданиятини оширишга қаратилган жуда муҳим тадбирлар кўрилди. Алмашлаб экишнинг жорий этилиши, ерлар унумдорлиги яхшиланганлиги, минерал ва органик ўғитлардан, гербицидлар, дефолиантлар ва бошқа хил химиявий препаратлардан анча самарали фойдаланилганлиги, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик методлари қўлланилганлиги «оқ олтин» ҳосилдорлигини ошириш ва уни етиштириш даражасини анча кўтариш имконини берди.

Ўтган беш йилликда колхоз ва совхозлар давлатга 28,5 миллион тонна — тўққизинчи беш йилликдагига қараганда 4 миллион тонна кўп пахта сотдилар.

1980 йили, айниқса, катта ютуқлар қўлга киритилди: Ватанимиз деҳқончилигининг бутун тарихида пахтадан рекорд ҳосил етиштирилди ва йиғиб-териб олинди. Бугунги тантанали кунда биз республика пахтакорлари ва партия ташкилоти КПСС XXV съездига берилган ваъдани шараф билан бажардилар, деб съезд делегатларига маълум қиламиз. Ўтган йили давлатга 6 миллион 237 минг тонна «оқ олтин», шу жумладан 358 минг тонна қимматбаҳо ингичка толали пахта сотилди.

Бу ажойиб ғалабага Қорақалпоғистон АССР, республиканинг барча областлари муносиб ҳисса қўшдилар. Улар пахта етиштириш ва давлатга топшириш планларини анча ортиғи билан адо этдилар. Пахта тайёрлашни кескин даражада кўпайтиришга асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришилди. Ҳисобот даврида ҳосилдорлик умуман республикада 5 центнер ўсди ва ўтган йили гектар бошига 33,2 центнерга етди. Қиёслаш учун эслатиб ўтиш мумкинки, аввалги босқичларда ҳосилдорликни 5 центнер оширишга 10—15 йил мобайнида эришилар эди.

Ўтган йили Хоразм областида ҳар гектаридан ўртача 42 центнердан, Бухоро областида —37,4, Тошкент ва Самарқанд областларида — 35,6, Сурхондарё областида —35,5, Андижон ва Наманган областларида —35 центнердан ҳосил кўтарилди. 22 районда пахта ҳосилдорлиги 40 центнердан ортиқ бўлди, кўпгина колхозлар, совхозлар ва бригадалар ҳосилдорликни гектар бошига 50—55 центнерга етказдилар ва ундан ҳам оширишга муваффақ бўлдилар.

Пахта фронтида юксак марраларнинг қўлга киритилишида механизаторлар ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Йиғим-терим пайтида 34 минг пахта териш машинаси, 94 минг трактор прицепи, кўплаб бошқа хил терим ва транспорт техникаси ишлаб турди. Механизаторлар ҳосилнинг 64 процентини териб бердилар. Кунлик пахта топшириш ҳажми 200 минг тоннага — йиллик планнинг 3 процентидан ҳам кўпроққа етди, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областларида 5—6 процентни ташкил этди. Ана шу областларда машина терими 80—85 процентга етди. Бир қанча районлар ва кўпчилик хўжаликларда тайёрланган жами пахтанинг 90—95 проценти машинада териб олинди.

Республикада минглаб машина терими усталари етишиб чиқдилар, улар меҳнатга ҳақиқий коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатдилар. Уларнинг кўплари мавсумда ўз агрегатлари билан 300—400 тоннадан ва ундан ҳам ошириб пахта тердилар. Бу ҳол йиғим-теримни жуда қисқа муддатда ўтказиш, шаҳар аҳолисини, студентлар ва ўқувчиларни ҳосил теримига камроқ жалб этиш, жами пахтани ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан, юқори сифат билан ва нес-нобуд қилмасдан саранжомлаб олиш имконини берди.

Техника, мана, қандай ҳал қилувчи, чинакамига революционлаштирувчи роль ўйнамоқда, ўртоқлар!

Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, резервларни излашни кучайтириш, пахтачиликни ривожлантиришда тобора ўсиб борувчи суръатларга эришиш — бизнинг бурчимиздир.

Янги беш йилликда ҳар йили ўртача ҳисобда камида 5,9 миллион тоннадан пахта етиштирилиши таъминланиши зарур. Беш йил мобайнида қарийб 30 миллйон тонна пахта етиштириш керак бўлади. Ингичка толали пахта тайёрлашни анча кўпайтириш, беш йиллик охирига бориб давлатга топшириладиган ана шу пахта миқдорини 500 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Бу — қийин, бироқ реал вазифадир. Уни ҳал этиш учун республика партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозлари кучларини ва мавжуд резервларни мумкин қадар тўлароқ сафарбар этишлари, қишлоқ ихтиёрида бўлган бой моддий-техника ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишлари зарур.

Бу вазифани ҳал этаётганда шуни назарда тутиш керакки, ҳосилдорликни ошириш пахтачиликда ҳамон асосий йўналиш бўлиб қолаверади. Тўғри, ўн биринчи беш йилликда республикада янги суғориладиган ерларни ўзлаштириш давом эттирилади. Бироқ, бундай ерларнинг катта қисмини алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш учун, ем-хашак ва озуқа экинлари майдонларини кенгайтириш учун ажратиб бериш зарур. Чунки, озуқасиз чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириб бўлмайди. Бундан ташқари, дон экинлари, айниқса, маккажўхори ва шоли экиладиган майдонларни анча кенгайтириш, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўтариш зарур бўлади.

Қолоқ хўжаликлар ва участкаларни кўтариш муҳим резерв ҳисобланади. Бундай хўжалик ва участкалар эса бизда ҳали ҳам оз эмас. 1980 йили 307 колхоз ва совхоз гектар бошига 30 центнердан паст пахта ҳосили олди. Вазифа шундан иборатки, қишлоқ хўжалик органлари, мутахассислар ҳамма жойда пахта етиштиришнинг илғор технологиясини жорий этишлари керак.

ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими, СоюзНИХИ, республика Фанлар академиясининг илмий муассасалари олимлари кўп иш қилишлари мумкин ва лозим. Улар пахта етиштириш агротехникаси ва технологиясини тинмай такомиллаштириб боришга, далалар ҳосилдорлигини оширишда колхоз ва совхозларга фаол ёрдам беришга даъват этилгандирлар

Селекциячилар эришган муваффақиятлар ҳаммага маълум. Улар яратган юқори ҳосилли навлар пахта ялпи ҳосилини ошириш ва сифатини яхшилашда катта роль ўйнамоқда. Бироқ, янги вазифалар селекция ишларини янада кучайтиришни талаб этади. Ишлаб чиқариш пахтанинг янги, янада серҳосил, вилтга чидамли ва тезпишар навларига эҳтиёж сезмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ юқори сифатли толага эга бўлган янги пахта навлари экиладиган майдонларни кенгайтириш зарур. Айни вақтда пахтанинг юқори сифатли бўлишини таъминлаш учун уни тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш системасини қатъият билан яхшилаш; ана шу иш жараёнида унинг технологик хусусиятлари пасайиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Юқори сифатли уруғлик тайёрлаш билан боғлиқ бўлган масалаларга алоҳида эътибор бериш лозим. Қорақалпоғистон АССРда ва республиканинг ҳар бир областида бу йил биттадан пахта тозалаш заводини уруғлик пахтани дастлабки қайта ишлаш, чигитни туксизлантириш ва саралаш, уларни дорилаш ҳамда стимуляторлар ёрдамида ишлов беришга ихтисослаштириш кўзда тутилмоқда. Бу тадбир уруғликни юқори даражадаги экиш кондициясига етказиш имконини беради.

Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам катта му-

ваффақиятлар қўлга киритилди. Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришга эътибор кучайтирилди.

Ғаллакорлар беш йиллик мобайнида 11,5 миллион тонна—тўққизинчи беш йилликдагига қараганда 6 миллион тонна кўп дон етиштирдилар. Маккажўхори етиштириш 3,2 баравар, шоли етиштириш 1,6 баравар ўсди. Давлатга 5 миллион тоннага яқин — аввалги беш йилликдагига қараганда икки баравар кўп дон сотилди.

Республика партия ташкилотининг маккажўхори ва шоли экиладиган майдонларни кенгайтириш ҳисобига суғориладиган ерларда дон етиштиришни кескин кўпайтиришга қаратилган йўли ўзини тамомила оқлади. Ана шу йиллар мобайнида Амударё этакларида, асосан Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида йирик шоликорлик райони барпо этилди, шоли етиштиришга ихтисослашган 28 та совхоз ташкил қилинди. Ана шу ерларда шоли ҳосилдорлиги 50 центнерга етди ва ундан ҳам ошиб кетди.

Ўн биринчи беш йилликда ялпи дон ҳосилини 30—35 процент кўпайтиришимиз зарур. Маккажўхори ва шоли экиладиган майдонларни кенгайтириш — бизнинг асосий резервимиздир. 1981 йили дон учун маккажўхори экиладиган майдонлар 240 минг гектарни, унинг ялпи ҳосили 1,5—1,6 миллион тоннани, шолининг ялпи ҳосили эса 540—550 минг тоннани ташкил этиши керак.

Экин майдонларини кенгайтириш билан бир қаторда ҳосилдорликни ўстиришга эришиш, деҳқончилик маданиятини сабот билан ошириб бориш зарур. Баҳорикор ерлардан янада самарали фойдаланиш лозим.

Ўтган беш йилликда мева ва сабзавотчиликни янада ривожлантириш йўлида муҳим қадам қўйилди. Сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева ва узумнинг ялпи ҳосили ўсди, натижада аҳолини ана шу маҳсулотлар билан таъминлаш анча яхшиланди. Давлатга 13,7 миллион тонна, шу жумладан планга қўшимча 2,5 миллион тонна мева ва сабзавот сотилди.

Мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга асосан ана шу тармоқни ихтисослаштириш ва марказлаштириш ҳисобига эришилдики, бу тадбир ҳосилдорликни сезиларли даражада ошириш имконини берди. 1975 йилга нисбатан гектар ҳисобига сабзавот ҳосилдорлиги 44 центнер, картошка ҳосилдорлиги 17, узум ҳосилдорлиги 13 центнер ўсди.

Вазифа мева ва сабзавотчиликда деҳқончилик маданиятини янада юксалтиришни таъминлашдан, бу тармоқни ихтисослаштириш ва индустриялашни тезроқ тугаллашдан иборатдир.

Янги беш йилликда аҳолининг картошкага бўлган эҳтиёжини ана шу экинни ўзимизда етиштириш ҳисобига қондириш учун кўп иш қилишга тўғри келади. Картошка — иккинчи нонимиз. Уни етиштиришни кўпайтириш мақсадларида бир қанча областларда ихтисослаштирилган хўжаликлар ташкил этилмоқда, уларнинг моддий базаси мустаҳкамланмоқда.

Боғлар ва токзорлар, биринчи навбатда тоғ этаклари зонасидаги боғлар ва токзорлар майдони кенгайтирилади, янги совхозлар ташкил этилади. Маҳсулотни қайта ишловчи қувватларни, уни сақлаш базаларини ривожлантириш, аҳолини йил бўйи ҳўл мева ва сабзавот билан таъминлашга эришиш, ана шу маҳсулотлар билан савдо қилишни яхшилаш зарур.

Каноп пояси ва тамаки барги етиштириш ҳамда тайёрлаш ўсди. Янги беш йилликда ана шу техника экинлари етиштиришни интенсивлашни сезиларли равишда ошириш, уларни етиштиришни механизациялаш даражасини кўтариш лозим.

Чорвачиликни жадал юксалтириш масалалари ҳисобот даврида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг алоҳида диққат-эъти-

борида бўлди. Республика партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, бутун аҳолининг диққат-эътибори чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш вазифаларини ҳал этишга қаратилган.

Чорвачиликни ихтисослаштириш ва саноат негизига ўтказиш соҳасида катта иш амалга оширилди, кўплаб чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикалари қурилди ҳамда реконструкция қилинди, молларни бўрдоқига боқадиган ва ғунажинлар етиштирадиган хўжаликлараро корхоналар тармоғи кенгайтирилди. Чорвачиликнинг ем-хашак базаси мустаҳкамланди. Мол ва паррандаларнинг барча турлари сони кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ошди.

Кўрилган чоралар сезиларли даражада ижобий силжишларга эришиш имконини берди. Ўртача йиллик гўшт етиштириш тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 31 процент, сут —42, тухум — 65 процент ўсди. Чорвачилик маҳсулотларини давлат томонидан харид қилиш ҳам шу зайлда кўпайди.

Биз бундан буён ҳам чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришнинг юксак кўрсаткичларини таъминлашимиз, резервлардан тўлароқ фойдаланишимиз керак бўлади. Бизнинг резервларимиз ва имкониятларимиз эса кам эмас. Турли хўжаликлардаги ишнинг аҳволини таҳлил этиш буни рўй-рост кўрсатиб турибди. Агар Тошкент областида ҳар юз гектар ҳайдаладиган ерга 16 сигир тўғри келса ҳамда 129 центнер гўшт ва 455 центнер сут етиштирилаётган бўлса, Қашқадарё областида ҳар юз гектарга атиги 6 бош сигир тўғри келиб, гўшт 2,5 баравар, сут қарийб 4 баравар кам етиштирилмоқда.

Бошқа бир қанча областларда ҳам тахминан худди ана шундай аҳволни кўриб турибмиз. Демак, асосий резерв моллар туёғи зичлигини кўпайтиришдан, чорва маҳсулдорлигини ошириш, сифат кўрсаткичларини яхшилашдан иборат.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг ана шу масалага доир қарорларини оғишмай амалга ошириш — бизнинг чорвачилик соҳасидаги бош вазифамиздир. Ўртача йиллик гўшт етиштириш 400—410 минг тоннага (сўйилган вазнда), сут —2,5—2,7 миллион тоннага етказилиши зарур. Шу йилнинг ўзидаёқ республика хўжаликларининг барча категориялари бўйича камида 360 минг тонна гўшт ва 2,3 миллион тонна сут етиштириш таъминланиши лозим.

Белгиланган марраларга эришиш учун мустаҳкам замин яратилмоқда. Бу энг аввало капитал маблағларга тааллуқлидир. Чорвачилик объектлари қурилишини жадаллаштириш соҳасидаги Андижон тажрибасидан тўла фойдаланиш керак. Шу билан бир қаторда мавжуд фермаларни кенг кўламда реконструкция қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш, уларни мол боқишнинг илғор, индустриал технологиясига ўтказиш лозим.

Молларни бўрдоқига боқиш ва паррандаларни кўпайтириш, аҳолини гўшт билан таъминлашни яхшилаш соҳасида «Ўзбекбирлашув» ва Савдо министрлиги ташкилотлари фойдали иш қилмоқдалар. Ана шу системаларда чорвачилик хўжаликларини кенгайтиришни бундан буён ҳам давом эттириш, озиқ-овқат чиқиндиларидан чорва озуқаси сифатида тўлароқ фойдаланиш, ўз чорва молларини урчитиб кўпайтиришни йўлга қўйиш зарур.

Заводлар, фабрикалар, ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари, шунингдек, колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг шахсий хўжаликлари ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилиш лозим. Бу соҳа озиқ-овқат ресурсларини тўлдириб боришнинг катта резервидир. Гражданларнинг

шахсий ёрдамчи хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги вазифалар КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Советининг ана шу масала юзасидан қабул қилган қарорларида тўла-тўкис баён қилиб берилган. Ана шу қарорларнинг оғишмай амалга оширилишини таъминлаш — партия ташкилотларининг бурчидир. Гражданларнинг хўжаликларига боқиш учун ёш мол олишда, ем-хашак билан таъминлашда кўпроқ ёрдам бериш, шахсий мол ва паррандаларга ветеринария хизмати кўрсатишни яхшилаш лозим.

Ем-хашак базаси чорвачиликни муваффақиятли ривожлантиришнинг асосидир. Шу беш йилликда колхоз ва совхозларда озуқа етиштиришни кескин даражада яхшилаш, унга ихтисослашган тармоқ характерини бериш зарур.

Озуқа экинлари учун ажратиладиган ерлардан интенсив фойдаланиш, ҳар гектардан юз центнер ва ундан ҳам ошириб озуқа бирлиги олинишини таъминлаш учун беда, маккажўхори ва бошқа озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш лозим. Аралаш, такрорий ва оралиқ экинлар экишни кенг қўлланиш, озуқанинг юқори тўйимли ва сифатли бўлишига эришиш, озуқа оқсили етиштиришни кўпайтириш, хўжаликларда озуқа цехлари, силос, сенаж, ўт талқони ва бошқа хил ем-хашак сақлаш учун типовой омборхоналар қурилишини жадаллаштириш керак.

Кўл ва ҳовуз балиқчилигига алоҳида диққат-эътибор бериш даркор. Бу борада бизнинг имкониятларимиз амалда чекланмагандир. Республика ҳар йили сунъий сув ҳавзаларида 143 минг центнер балиқ етиштирмоқда. Бу — 1975 йилдагига нисбатан икки баравар кўпдир. Ҳозир тармоқни интенсивлашни ошириш чоралари кўрилмоқда. Бу тадбир 1985 йилга бориб балиқ етиштиришни 500 минг центнергача етказиш имконини беради.

Пиллачилик тўхтовсиз равишда юксак суръатлар билан ривожланиб боряпти. Ўнинчи беш йилликда 141 минг тонна — пландагидан 20 минг тонна кўп пилла етиштирилди. Ана шу қимматбаҳо хом ашё етиштиришни кўпайтириш мақсадида пиллачиликнинг моддий-техника ва озуқа базасини ривожлантириш соҳасида қўшимча тадбирларни амалга ошириш, тармоқни индустриал негизга ўтказишни тезлаштириш зарур.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўсиши ҳақида ғамхўрлик қилар эканмиз, шу тариқа аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилган бўламиз. Бу масалалар совет кишиларининг манфаатларига бевосита даҳлдордир. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси озиқ-овқат программасини тайёрлаш ҳақида махсус қарор қабул қилди. Бу ерда гап қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат қилувчи саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, ташиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалаларини, озиқ-овқат индустрияси билан савдони ривожлантириш масалаларини бир бутун қилиб бирлаштириши лозим бўлган программа ҳақида боряпти.

Ўртага қўйилган вазифани амалга ошириш учун иттифоқ мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, республикаларда эса иттифоқ-республика министрликлари тузилди. Ана шундай министрлик бизнинг республикамизда ҳам «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмаси базасида ташкил этилди. Сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева ва узум етиштиришга ихтисослашган совхозлар, бутун консервачилик ва виночилик саноати мана шу министрликка жамланган. У бошқа системадаги колхоз ва совхозлардан маҳсулот тайёрлаш, бу маҳсулотларни умумиттифоқ фондига етказиб бериш ишлари билан шуғулланади.

Ишлаб чиқариш манфаатлари янги системанинг катта имкониятла-

ридан тўлиқроқ фойдаланишни талаб этади. Республика ҳар йили миллионлаб тонна мева, полиз маҳсулотлари, сабзавот, узум етиштирмоқда. Бироқ, сир эмаски, ана шу муҳим маҳсулотнинг анчагина қисми пештахтага етиб боргунча нобуд бўляпти ёки истеъмолчига ўзининг таъм хусусиятларини бирмунча йўқотган ҳолда етиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССРнинг озиқ-овқат программаси ишлаб чиқилмоқда. Ушбу программада қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини, қайта ишлаш саноатини, транспорт, савдо ва тайёрлаш ишларини узлуксиз ва мутаносиб тарзда ривожлантириш, шунингдек қишлоқни ривожлантиришнинг социал масалаларини ҳал этиш кўзда тутилади.

Суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришда сув хўжалиги қурилиши муҳим ўрин тутади. Ўнинчи беш йилликда давлат республикада ирригация-мелиорация ишларини ўтказишга олти миллиард сўмдан кўпроқ, яъни тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 1,5 миллиард сўм ортиқ маблағ ажратди. Ана шу давр мобайнида 500 минг гектарга яқин янги ер фойдаланишга топширилди.

Суғориладиган ерларни ва янги ўзлаштириладиган ерларни сув билан пухта таъминлаш мақсадида Чорвоқ, Андижон сув омборлари, шунингдек Толимаржон ва Туямўйин сув омборларининг биринчи навбати қурилди. Ирригация каналлари, коллектор-зовурлар, насос станциялари ва бошқа гидротехника иншоотлари қурилиши зарбдорчасига олиб борилди.

Ўн биринчи беш йилликда республика сув хўжалиги ва ерларни мелиорациялаш соҳасида мураккаб вазифаларни ҳал этиши зарур. Ана шу мақсадлар учун 6,4 миллиард сўм ажратилмоқда. Ҳамма областларда ва Қорақалпоғистон АССРда 500 минг гектарга яқин янги ер ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Биринчи навбатда Қарши ва Жиззах даштларини ўзлаштириш давом эттирилади.

Толимаржон, Туямўйин, Ҳисорак ва Қоровултепа сув омборлари фойдаланишга топширилади. Оҳангарон ва Каттақўрғон сув омборларининг сиғими оширилади, Тўпаланг, Сўх ва Шўркўл сув омборлари қурилиши авж олдириб юборилади.

Мана шу ва бошқа хил сув хўжалиги ишларини бажариш учун республикада қудратли ишлаб чиқариш базаси вужудга келтирилган, кадрлар тайёрланган. Буларнинг барчаси қўриқни ўзлаштиришни кенг жабҳаларда олиб бориш, янги совхозлар тузиш, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимларидан суғориладиган ерлардан юқори самара билан маҳсулот олишни талаб қилиш имконини беради.

Шу билан бирга партия ташкилотлари, республика Қишлоқ, Мелиорация ва сув хўжалиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой», халқ депутатлари маҳаллий Советлари янги совхозларда шинам ва қулай уй-жойлар, яхши йўллар, маданий-маиший ва ишлаб чиқариш объектларининг ўз вақтида қурилишига жиддий эътибор беришлари зарур.

Илгаридан суғорилиб келинаётган ерларни мелиорациялаш, мелиоратив шохобчалардан, бутун коллектор-зовурлар тармоқларидан фойдаланишни яхшилаш марказий вазифа бўлиб қолиши лозим. Бу ишларни марказлаштириш, республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигида жамлаш, бунга ички хўжалик тармоқларидан фойдаланишни ҳам киритиш керак.

Келгуси беш йиллик учун узоқ муддатли прогнозлар сувнинг танқис бўлиши ва сув ресурсларининг камчиллиги ўсиб боришидан дарак бермоқда. Мана шундай шароитда далаларни комплекс реконструкция қилиш, сувдан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланиш, сув тақсимотининг қатъий режимини жорий этиш, қўшимча манбаларни излаб топиш вазифаси биринчи ўринга қўйилади. Худди мана шу вазифа Ме-

лиорация ва сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой», «Госкомводстрой», илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари ходимлари, партия ва совет органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, барча кадрлар учун, сув хўжалиги қурилишининг мана шу муҳим участкасидаги иш ишониб топширилган кишилар учун активлик ва масъулият мезонини белгилаб бериши зарур.

Республикада суғориш учун яроқли унумдор ерларнинг катта майдонлари бор. Сув ресурслари етарли бўлган тақдирда 8 миллион гектардан зиёдроқ янги ерни ўзлаштириш ва ана шу ерларда қўшимча равишда кўплаб пахта, дон ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиш мумкин. Бироқ, бу потенциал имкониятлар Сибирь дарёлари оқимининг бир қисмини Ўрта Осиёга олиб ўтиш асосидагина рўёбга чиқарилиши мумкин. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мана шу ишларни мазкур беш йилликдаёқ амалий жиҳатдан бошлаб юборишни тезлаштириш масаласини қатъият билан қўймоқда.

Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан кенг фойдаланиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашнинг қудратли омилидир. Бизнинг колхоз ва совхозларимиз ҳар йили тобора кўплаб миқдорда минерал ўғитлар, гербицидлар, дефолиантлар ва бошқа хил химиявий воситалар олмоқдалар. Булардан энг юксак самара билан фойдаланиш, ерга солинган ҳар бир килограмм ўғит ва гербицидлар салмоқли натижа беришига эришиш зарур.

Ўғитлардан фойдаланиш нормасининг ошиши маҳсулотнинг кўпайиши билан қопланиши лозим. Деҳқонлар республика Фанлар академиясидан, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимидан, СоюзНИХИдан, агрохимик олимлардан минерал ўғитлар ва бошқа хил химиявий препаратларни қўлланиш самарадорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар беришларини кутмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва ўсимлик касалликларига қарши янги, юксак даражада танлаш хусусиятига эга бўлган гербицидлар, ўсиш стимуляторлари, заҳари камроқ бўлган дефолиантлар ва химиявий препаратлар яратиш олимларнинг энг муҳим вазифасидир. Зараркунандаларга қарши курашда боилогик методларни такомиллаштириш ва тобора кенгроқ қўлланиш, уларнинг самарадорлигини оширишга эришиш, биологик методларни ривожлантириш учун ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш лозим.

Ҳисобот даврида республика партия ташкилоти қишлоқ хўжалигида техника тараққиётини жадаллаштириш, комплекс механизацияни ҳар томонлама ривожлантириш йўлини собитқадамлик билан амалга оширди. Техника тараққиёти меҳнат унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва таннархини арзонлаштиришнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қолди. Ҳозирги пайтда пахтачиликда, дон, озуқа экинлари етиштиришда кўп меҳнат талаб қиладиган ишларнинг асосий ҳажми машиналар ёрдамида бажарилмоқда.

Мева-сабзавотчилик, озуқа етиштириш ва чорвачиликда кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнларнинг механизация даражаси анча ўсди. Қишлоқ хўжалигида беш йил мобайнида меҳнат унумдорлиги 16 процент кўтарилди. Буларнинг барчаси давлатимизнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш ва меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисидаги ғамхўрлиги самарасидир.

Афсуски, қудратли техникадан ҳамма жойда ҳам тўла фойдаланилаётир, деб бўлмайди. Бир қанча хўжалик ва районларда кўп меҳнат талаб қиладиган айрим иш жараёнлари қўлда бажарилмоқда, маҳсулот бирлигини етиштириш учун меҳнат ва маблағ сарфининг кўп миқдорда ортиб кетишига йўл қўйилмоқда.

Вазифа барча энг муҳим қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришни механизациялаш даражасини оширишга қатъият билан эришиш, чорвачиликдаги иш жараёнларини тўла механизациялаш, қишлоқда инженерлик-техника хизматининг роли ва аҳамиятини кўтаришдан иборат.

Бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчининг пировард натижадан маънавий ва моддий манфаатдорлиги системасини такомиллаштириш зарур. Меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг нарядсиз системаси бу вазифани ҳал этишга яхши хизмат қила олади. Республиканинг пешқадам колхоз ва совхозлари тажрибаси буни жуда яққол тасдиқлаб турибди.

Ҳисобот даврида партия XXV съезди қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини хўжаликлараро кооперациялаш ва агросаноат интеграцияси асосида ихтисослаштириш ва марказлаштириш программаси изчиллик билан амалга оширилди. Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг ихтисослаштирилган совхозлари билан бир қаторда республикада қорамолларни сўқимга боқувчи, ғунажинлар етиштирувчи хўжаликлараро корхоналар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларидаги ихтисослаштириш ва марказлаштириш ўзининг юксак самарадорлигини кўрсатиб турибди.

Янги беш йилликда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва марказлаштиришни чуқурлаштириш соҳасидаги ишларни давом эттириш зарур. Хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, сарф-харажатни камайтириш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш ва хўжаликларнинг молиявий-иқтисодий аҳволини яхшилаш тадбирлари системасини амалга ошириш лозим.

Область ва район партия комитетлари, Қишлоқ хўжалиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой» ва уларнинг жойлардаги органлари колхоз ва совхозларга раҳбарликни яхшилашлари, хўжаликларнинг экономикасига чуқурроқ кириб боришлари, камчиликларни тугатишда уларга оператив тарзда ёрдам беришлари зарур.

Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш — умумхалқ вазифасидир. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун партия комитетлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари кўп куч-ғайрат сарфлашлари, дала ва фермаларнинг меҳнатчилари ғайрат-шижоат ва ижодий ташаббускорлик кўрсатишлари, барча кадрларимиз ўз билими ва ташкилотчилик санъатини ишга солишлари талаб этилади. Ўн биринчи беш йилликда деҳқончилик ва чорвачиликнинг, бутун агросаноат комплексининг ҳар томонлама, узлуксиз ривожланишини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўриш керак.

КПССнинг ленинча аграр сиёсатини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш бундан буён ҳам республика партия ташкилоти фаолиятининг энг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

Меҳнаткашлар фаровонлиги, турмуш маданиятининг юксалиши

Ўртоқлар! Бизнинг барча планларимиз, партиянинг бутун сиёсати совет кишилари учун энг яхши турмуш яратишдан иборат бош мақсадни кўзлайди. «Халқ бахт-саодати тўғрисидаги ғамхўрлик диққат марказига қўйилган тақдирда,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумида,— бу — партиявий ёндашишнинг худди ўзгинаси деб ўйлаймиз».

Республика партия ташкилоти партиянинг иқтисодий стратегияси-

ни назарда тутиб, ҳисобот даврида меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини изчиллик билан юксалтиришга доир бутун бир тадбирлар системасини амалга оширди. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи, колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ оширилди, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдори кўпайтирилди. Улуғ Ватан урушининг инвалидлари билан ветеранлари учун қўшимча имтиёзлар жорий этилди. 630 мингдан зиёд кўп болали оналар ҳар ойда давлат нафақасини олиб турибдилар.

Аҳоли жон бошига реал даромадлар беш йил мобайнида 17 процент ошди. Ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёзлар 36,8 процент кўпайди. Болаларга дори-дармонларни, сут маҳсулотларини бепул ва имтиёзли шартлар билан бериш, мактабгача тарбия болалар муассасаларини таъминлаш учун бюджетдан анча кўп маблағ ажратиладиган бўлиб қолди.

Чакана товар обороти ва умумий овқатланиш юзасидан беш йиллик план ошириб бажарилди. Ўтган йили у биринчи марта ўн миллиард сўмдан ошиб кетди. Бу — 1970 йилдагига қараганда икки баравар ортиқдир. Асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш кўпайди, меҳнаткашларнинг маданий-маиший ва уй-рўзғор буюмлари билан таъминланиш даражаси ошди. Республика аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш яхшиланди. Маиший хизматлар ҳажми салкам икки баравар ортди.

Бироқ, план топшириқларини ҳамма савдо ва маиший хизмат корхоналари бажаряпти, деб бўлмайди. Кўпгина ходимларда ресурсларни энг зарур жойларда ишлатиш борасида эпчиллик етишмайди, хизмат кўрсатишнинг илғор формалари суст жорий этилмоқда. Растрата қилиш, харидорларни алдаш, маҳсулотлар ва молларни тақсимлашда қоидаларни бузиш ҳолларига барҳам берилмаган.

Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув», Аҳолига маиший хизмат министрлиги ўз корхоналари ишининг маданиятини оширишлари, камчиликларни зўр ғайрат билан бартараф этишлари, суиистеъмолликларга йўл қўяётган кишиларни қаттиқ жавобгарликка тортишлари керак. Хом таомлар ва кулинария маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, завод ва фабрикаларда, қурилишларда, ўқув юртларида, меҳнаткашларнинг оммавий дам олиш жойларида ошхоналар, умумий овқатланиш корхоналари тармоғини кенгайтириш зарур.

Озиқ-овқат программасини бажаришда хизмат кўрсатиш соҳасидаги ташкилотларнинг ролини бутун чоралар билан ошириш керак. Савдо корхоналари хўжаликлар билан бевосита алоқаларни ривожлантиришлари, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашни, ташиш, асраш ва қайта ишлашни яхшилашлари лозим.

Ўн биринчи беш йилликда чакана товар обороти ва маиший хизмат ҳажмини бир ярим баравар ошириш вазифаси қўйилмоқда. Бу эса партия, совет, касаба союз ва хўжалик органлари зиммасига савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишга раҳбарликни кун сайин яхшилаш, уни тобора амалий раҳбарликка айлантириш, ишчилар назоратини кучайтириш мажбуриятини юклайди. Савдо ва маиший хизмат соҳасидаги кадрларни софдиллик, ҳалоллик, социалистик омилкорлик руҳида, жамият олдидаги юксак масъулиятни ҳис этиш руҳида тарбиялаш керак.

Меҳнаткашларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга зўр эътибор берилди. Ўнинчи беш йилликнинг ўзидагина республикада 27 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой қурилди. Бу — уч миллиондан ортиқ киши янги квартираларга кўчиб ўтганлигини ва ёки ўзининг уй-жой шароитини яхшилаб олганлигини билдиради.

Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, водопровод, канализация, иссиқлик ва газ билан коммунал жиҳатдан таъминлаш даража-

си ошди, аҳолига транспорт хизмати яхшиланди. Техника ва архитектуранинг сўнгги ютуқлари асосида барпо этилган Тошкент метрополитени пойтахт, бутун республика меҳнаткашларининг ифтихори бўлиб қолди.

Шундай бўлса ҳам уй-жой қурилиши ва коммунал хўжалигида жиддий камчиликлар бор. Бир қанча областлар, шаҳарлар ва районлар уй-жойларни фойдаланишга топшириш беш йиллик планларини уддалай олмадилар, ободончилик етарли даражада бўлишини таъминламадилар.

Ўн биринчи беш йилликда республикадаги уй-жой қурилиши кўламлари яна ҳам кенгаяди, унинг сифатини яхшилаш борасидаги ишлар давом эттирилади. Бунинг учун ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, ишлаб турган уйсозлик комбинатларини тезроқ реконструкция қилиш, техника билан қайта қуроллантириш ва шундай янги комбинатларни ишга тушириш, ўн биринчи беш йиллик охирига бориб уларнинг қувватини икки баравар ошириш, уй-жой қурилиши кооперациясини активлик билан ривожлантириш зарур. Госстрой, унинг жойлардаги органлари, архитектура ва шаҳар қурилиши ташкилотлари қурилишнинг бош планларига риоя этилиши, юксак даражадаги ободончилик таъминланиши, уй-жойларнинг шинамлиги оширилиши устидан контролликни кучайтиришлари лозим.

Уй-жой қурилиши халқ депутатлари Советларининг диққат марказида, область, шаҳар ва район партия комитетларининг қаттиқ назорати остида бўлиши керак. КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумида уқтириб ўтилганидек, бу ишни партия Марказий Комитетининг бевосита топшириғи деб билиш лозим.

Республика Коммунал хўжалиги министрлиги, бошқа министрлик ва идоралари коммунал хизмат яхшиланишига эришишлари, уй-жой фондининг авайлаб асралиши тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилишлари керак. Жумладан, бирлашмалар, ташкилотлар ва корхоналарнинг ҳисса қўшиб иштирок этишлари ҳисобидан инженерлик коммуникациясини илдам ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Социал вазифалар орасида совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқлигини КПСС XXV съезди уқтириб ўтди. Беш йиллик мобайнида республика халқ соғлиғини сақлаш системаси катта-катта муваффақиятларга эришди. Соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун уч миллиард сўм ёки тўққизинчи беш йилликка қараганда учдан бир баравар кўп маблағ сарфланди.

Кўпдан-кўп касалхоналар, айниқса болалар касалхоналари, поликлиникалар, профилакторийлар, пансионатлар ва санаторийлар барпо этилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг янги формаси— она ва болага мўлжалланган касалхоналар вужудга келди ва тобора ривожланмоқда. Одамларнинг соғлиғини сақлашдек олижаноб соҳада 46 минг врач ва бошқа медицина ходимлари, жами бўлиб 139 минг киши меҳнат қилмоқда.

Шу билан бирга бир қанча медицина муассасалари фаолиятининг даражаси аҳолининг ҳаққоний шикоят ва арзларига сабаб бўлмоқда. Даволаш-профилактика ишини ҳам яхшилаш керак. Оналар ва болаларга медицина хизмати кўрсатишни доимо такомиллаштириш талаб этилади. Энг янги даволаш асбоб-ускуналари, фан ва тажрибанинг замонавий ютуқлари амалда суст жорий этилмоқда.

Республика партия ва совет органлари, соғлиқни сақлаш министрлиги, бошқа министрликлари ва идоралари янги беш йилликда кишиларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун энг қулай шароитларни вужудга келтириш, соғлиқни сақлашнинг янада ривожлантирилиши ва такомиллаштирилишини, даволаш сифатининг яхшиланишини таъминлаш учун кўп иш қилишлари керак бўлади. Совет меҳнаткаши

унинг соғлиғи тўғрисида давлат зўр ғамхўрлик қилаётганлигини ҳамиша сезиб туриши учун ҳамма ишни қилиш лозим.

Меҳнаткашлар моддий фаровонлигини ошириш уларнинг турмуш маданиятини юксалтириш билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати, область, шаҳар, район партия комитетлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ана шу масалаларга катта эътибор бермоқдалар.

Ҳисобот даврида хусусан қишлоқда меҳнаткашларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилашга қаратилган катта-катта тадбирлар амалга оширилди. Тарқоқ қишлоқлар ва хуторлар ўрнига аҳолига маданий ва маиший хизмат кўрсатиш юксак даражада бўлган шаҳар типидаги посёлкалар тобора кўпроқ барпо этилмоқда.

Мактабгача болалар жамоат тарбияси тез суръатлар билан ривожланмоқда. Ўнинчи беш йиллик мобайнидагина 234 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари қурилди, улардаги болалар қарийб 338 минг нафар кўпайиб, ҳозир уларнинг сони бир миллионга яқинлашиб қолди.

Маданий-маърифий муассасалар ўз ишларини активлаштириб юбордн. Қишлоқда социал ва маданий қурилишга раҳбарлик яхшиланди. Уч юздан кўпроқ маданий-маиший комплекс барпо этилди. Хўжаликларнинг кўпчилигида колхоз раислари ҳамда совхоз директорларининг маданият ва турмуш масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари лавозими жорий этилди.

Биз турмуш маданиятини юксалтириш учун қилинган ва қилинаётган барча ижобий ишларга баҳо берар эканмиз, шуни ҳамиша ёдда тутишимиз керакки, халқнинг моддий фаровонлигини муттасил ўстириш, унинг маънавий эҳтиёжларини қондириш бу соҳада яна ҳам кўпроқ куч-ғайрат сарфланишини талаб этади. Партия ташкилотларининг вазифаси аҳолининг турмуш маданиятини ошириш борасидаги ишларни ҳар томонлама такомиллаштиришдан, мана шу муҳим ишга республикадаги барча министрликлар, идораларни, корхоналар ва хўжаликларнинг раҳбарларини, ҳамма жамоат ташкилотларини кенг жалб этишдан иборатдир.

Янги урф-одатлар ва расм-русмларни одамларнинг турмушига сингдириш борасидаги собитқадам фаолият аҳолининг турмуш маданиятини оширишга ёрдам бериши керак. Илғор халқ анъаналаридан ўз манфаатларимиз йўлида кенг фойдаланишимиз, уларга янги социалистик мазмун киритишимиз, аҳолини атеистик руҳда тарбиялашни бутун чоралар билан яхшилашимиз керак.

Халқнинг турмуш даражасини ошириш, унинг маънавий эҳтиёжларини қондириш — Ленин партияси сиёсатининг буюк инсонпарварлик мақсадидир. Байроғига: «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» деб ёзиб қўйилган бу сиёсатни бутун халқ астойдил қўллаб-қувватламоқда, бу сиёсат ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларида, барча меҳнаткашларда партиянинг улуғвор режалари сўзсиз амалга оширилишини фидокорона ишлар билан таъминлаш иштиёқини туғдирмоқда.

Фан ва техникани янада тараққий эттириш учун

Ўртоқлар! Партия иқтисодий сиёсатининг ишлаб чиқаришни янада интенсивлашга қаратилган стратегик йўли илм-фаннинг ролини яна ҳам юқори кўтаради, ривожланган социализм шароитида илм-фан тобора кўпроқ бевосита ишлаб чиқарувчи куч бўлиб қолмоқда.

Бизда қудратли илмий потенциал вужудга келтирилган. Ўзбекис-

тонда 35 мингга яқин илмий ходим, шу жумладан 900 дан кўпроқ фан доктори ва 12,8 минг нафар фан кандидати ишлаб турибди. Кейинги йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий базаси талай даражада мустаҳкамланди.

Ўзбекистон олимларининг математик статистика, электроника, биоорганик химия, алкалоидлар химияси, генетика ва селекция соҳасидаги ишлари мамлакатда ва чет элларда кенг эътироф этилди.

Тадқиқотларнинг натижаларини халқ хўжалигига татбиқ этиш борасидаги ишлар сезиларли равишда яхшиланди. Республиканинг илмий ташкилотлари ҳар йили иқтисодий самараси ярим миллиард сўмликдан ошадиган салкам 500 та илмий-техникавий лойиҳаларни ишлаб чиқаришга топширмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси илмий муассасаларнинг фаолияти камчиликлардан холи, деган маънони билдирмайди, албатта. Масалан, илмий лойиҳалар ҳамда тугалланган тадқиқотларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиш даражаси ҳали бизни қаноатлантира олмайди. Илмий тадқиқотлар социал-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишлари ва конкрет эҳтиёжлари билан чамбарчас боғланишини ҳаёт тақозо этмоқда. Илмий лойиҳаларни Ўзбекистоннинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги ўрнидан ва республиканинг эҳтиёжларидан келиб чиқадиган тармоқ комплекс проблемаларига тобора зўр ғайрат билан йўналтириш керак.

Хом ашё ресурсларини бундан буён ҳам излаш, «Пахта», «Сув», «Меҳнат ресурслари» йирик комплекс илмий-ишлаб чиқариш программаларини тузиш каби халқ хўжалик вазифалари умумдавлат аҳамиятига эгадир. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари йил сайин тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Энергетика ресурсларини ошириш билан боғлиқ проблема ҳамон актуал бўлиб қолмоқда. Гап янги газ, нефть, кўмир конларини топиш ва уларни қазиб чиқаришни кўпайтириш билан бир қаторда республика олимлари энергетиклар билан бирга қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ишларини давом эттиришлари кераклиги тўғрисида бормоқда.

Асосий йўналишларнинг лойиҳасига мувофиқ, республикада экономикани интенсивлаш катта программасини амалга ошириш лозим бўлади. Фан-техника тараққиёти жадаллаштирилишини таъминлаш ниҳоятда муҳимдир. Принципиал янги илмий ғоялар ва техника ечимлари, кучларни халқ хўжалигининг энг муҳим йўналишларига жамлаш шу соҳадаги бош вазифалар ҳисобланади.

Республика Фанлар академиясининг, ВАСХНИЛ бўлимининг, бошқа илмий муассасаларнинг олимлари экономиканинг структураси ва уни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиб, техника соҳасидаги тадқиқотларни кенгайтириш сари қатъий бурилиш қилишлари шарт. Ишлаб чиқаришни интенсивлаш халқ хўжалигимизда хом ашё, материал, энергия, меҳнат ресурслари сезиларли даражада тежаб қолинишига, меҳнат унумдорлиги оширилишига, таннархнинг арзонлаштирилишига, маҳсулот сифати яхшиланишига ва пировард натижада, умуман экономика самарадорлигининг оширилишига олиб келиши керак.

Автомат бошқариш системаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш алоҳида эътиборга лойиқдир. Ўнинчи беш йиллик мобайнида республикада 150 та автомат бошқариш системаси жорий этилди, электрон-ҳисоблаш машиналари икки баравар кўпайиб, 400 тага етди. Автомат бошқариш системаси ва электрон-ҳисоблаш машиналари халқ хўжалигининг барча тармоқларида мавжуд бўлиб, республика автомат бошқариш системасини ишлаб чиқиш давом эттирилмоқда.

Автомат системалар замон талабига тўла даражада мос келиши учун ҳали талайгина ишларни қилиш керак бўлади. Кўпгина министр-

ликлар ва идоралар электрон-ҳисоблаш машиналари ўз вақтида фойдаланишга топширилишини ва уларнинг тўла қувват билан ишлашини таъминламаяптилар. Тармоқ автомат бошқариш системаларини яратиш тўғрисидаги масала кўпгина идораларнинг баҳамжиҳат ишламасликларига дуч келмоқда. Госплан, Министрликлар ва идоралар автомат бошқариш системалари вужудга келтирилишини жадаллаштиришга ва уларнинг аниқ-пухта, самарали ишлашини ташкил этишга доир кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўрсалар жуда соз бўлур эди.

Ишлаб чиқаришни ва илмий фаолиятни интенсивлаш олимларнинг кучлари, қобилият ва истеъдодларидан янада тўлиқроқ фойдаланишни, фан-техника потенциалининг ҳамма резервлари ишга туширилиши зарурлигини ниҳоятда тақозо этади. Илмий кучлар ва моддий ресурслар баъзида халқ хўжалиги ва илм-фан учун аҳамияти кам бўлган майдачуйда ишларни бажаришга сочиб юборилаётганлиги сир эмаску, ахир.

Республика Фанлар академияси, ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими, министрликлар ва идоралар тадқиқотлар ҳамда лойиҳаларнинг актуаллиги устидан контролликни кучайтиришлари, фан-техника тараққиёти талабларига мувофиқ уларнинг йўналишини ўз вақтида белгилашлари ва ўзгартиришлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг тажриба-ишлаб чиқариш базасини доимо мустаҳкамлашлари керак. Шу муносабат билан планлаштириш ва бошқариш механизмини, илмий лойиҳаларни рағбатлантиришни такомиллаштириш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Фундаментал фанлар ривожлантирилишини бутун чоралар билан рағбатлантира бориб, амалий ишларнинг у билан узвий боғланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш, илмий кашфиётлар ишлаб чиқаришга жорий этилишини жадаллаштириш зарур.

Фан-техника революциясининг муваффақияти, унинг жамият ҳаётининг ҳамма томонларига ўтказадиган баракали таъсири олимлар ҳамда ижтимоий ишлаб чиқариш барча қатнашчиларининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан таъминланади, буни ҳамиша назарда тутиш керак. Фан ва техника соҳасидаги тараққиёт хўжалик фаолиятининг услуб ва методлари муттасил такомиллаштирилишини, қолоқлик ва эскиликка қарши қатъий курашишни, илм-фанга чинакам ҳурматни, фан соҳасида маслаҳатлаша билиш ва шундай қилиш истагида бўлишни, у билан ҳисоблашишни тақозо этади.

Кадрлар проблемаси, уларнинг сифат состави ҳозирги илмий фаолиятнинг муҳим проблемасидир. Республика олимларини тарбиялаш системасини яхшилаш, аспирантурага танлаб олиш, илмий даражалар ва унвонлар бериш, илмий ходимларни аттестациядан ўтказиш чоғида талабни ошириш керак.

Ҳар бир илмий коллективда чинакам ижодий вазиятни, дадил изланиш, самарали мунозаралар, ўртоқларча талабчанлик, танқид ва ўз-ўзини танқид муҳитини вужудга келтириш фанни тобора ривожлантиришнинг зарур шартидир. Партия ташкилотлари олимларнинг ғоявий чиниқиши учун доимо ғамхўрлик қилиши керак.

Фанлар академияси, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг, илмий муассасалар, олий ўқув юртлари раҳбарлари ва партия ташкилотларининг вазифаси илмий тадқиқотлар самарадорлиги янада оширилишини, шундай тадқиқотларнинг ютуқлари ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этилишини таъминлашдан иборат.

Республика олимлари олдида турган сифат жиҳатидан янги талаблар асосида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг роли яна ҳам кўпроқ ортади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Фанлар академиясининг коммунистик қурилиш эҳтиёжлари билан тобора кўпроқ боғлаб олиб борилаётган фаолиятини юксак қадрлайди. Биз совет фанини ривожлантиришга, фан-техника тараққиётини жа-

даллаштиришга муҳим ҳисса қўшиши лозим бўлган республиканинг олий ҳамда етакчи комплекс илмий ташкилоти сифатида Фанлар академиясини ривожлантириш тўғрисида бундан буён ҳам доимо ғамхўрлик қилаверамиз.

Бошқарув ва хўжалик юритиш методларини такомиллаштирайлик

Ўртоқлар! Республика экономикасининг келгусидаги катта вазифаларини ҳал этиш кўп жиҳатдан бугунги куннинг муваффақиятлари билан, том маънода бошқарувни яхшилаш, бутун хўжалик механизмини такомиллаштириш билан белгиланади.

Партия XXV съезди бошқарувни такомиллаштиришнинг асосий принципларини аниқ таърифлаб берган эди. Ана шу принциплар КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия иқтисодий стратегияси масалаларига доир программавий нутқларида ривожлантирилди ва конкретлаштириб берилди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети ана шу қоидаларга амал қилиб, ўзининг хўжалик механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорларида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсир ўтказиш тадбирлари комплекс системасини ишлаб чиқдилар.

Бошқариш ва планлаштиришни яхшилаш масалалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳамиша диққат марказида турибди. Ҳисобот даврида республиканинг кучлари ва ресурсларини юксак пировард натижаларга эришиш учун жамлаш борасида кўпгина ишлар қилинди.

Госплан аппаратининг сифат состави ва структураси яхшиланди, унинг илмий муассасалар билан, жойлардаги партия ва совет органлари билан алоқалари мустаҳкамланди.

Мана шу ва бошқа тадбирлар планларнинг илмий асосланганлиги ва улар амалга оширилиши устидан контроллик қилиниши, ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларига планларнинг таъсирини кучайтириш учун план органларининг масъулиятини анча оширишга ёрдам берди.

Қабул қилинаётган қарорларнинг илмий савияси, планларнинг комплекс ҳолда ва балансли бўлиши юксак даражага кўтарилди, халқ хўжалигининг катта вазифаларини ҳал этишга программалар асосида тармоқ нуқтаи назаридан ёндашишнинг аҳамияти ошди. Автомат бошқариш системаларини жорий этиш соҳасида замонавий илмий методлардан, шу жумладан иқтисод-математика методларидан фойдаланиш учун янада кенг имкониятлар очилди. Ишлаб чиқарувчи кучларни мутаносиб равишда жойлаштириш жараёни изчиллик билан амалга оширилаётганлиги Қорақалпоғистон АССРнинг, республика областлари, шаҳарлари ва районларининг ривожланиш даражасини бараварлаштиришга ёрдам берди.

Бошқарув ва план фаолияти даражасининг ошганлигини қайд этиш билан бирга шуни айтиш керакки, планлаштириш ва халқ хўжалигини бошқаришда хатоларга йўл қўйилмаганида, республика экономикасини ривожлантириш суръатлари яна ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Бир қанча министрликлар ва идоралар ўз қарамоғидаги корхоналарнинг ишини белгилашда қувватлар тўлиқ ишга солинишини, техника даражаси оширилишини ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш такомиллаштирилишини ҳануз ҳисобга олмаяптилар.

План интизоми ва давлат интизомини қўпол равишда бузиш, план-

ларни камайтириш мақсадида уларга асоссиз тузатишлар киритиш ҳолларига ҳали ҳам барҳам берилмаган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бундай фактларни эътибордан четда қолдирмади, конкрет айбдорларни қаттиқ жазолади. Кўрилган чоралар планларнинг барқарорлигини анча оширишга ёрдам берди, топшириқларни барбод этаётган корхоналар сони камайди.

Ҳали бу соҳада кўп ишлаш керак бўлади, албатта. Айрим раҳбарларнинг ҳисоботлар кўнгилдагидек бўлишини кўзлаб ва номуносиб мукофотлар кетидан қувиб планларнинг сафарбар қилувчи кучига путур етказишларига, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасидаги ишларнинг аҳволи учун шахсий ва коллектив жавобгарликни сусайтириб юборишларига мутлақо йўл қўймаслик керак.

Янада мукаммал планлаштириш методларини қўлланиш, халқ хўжалик планининг, ундаги барча бўлим ва қисмларнинг уйғунлигини таъминлаш, маҳкамачилик ва маҳаллийчилик тенденцияларига қатъий қаршилик кўрсатиш — республика Госпланининг биринчи даражали вазифасидир. Айни вақтда Қорақалпоғистон Автоном республикаси, областлар, шаҳарлар ва районларни, халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш хусусиятлари ва манфаатларини тўлиқроқ ҳисобга олиш зарур. Госплан, министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ўз фаолиятларида меҳнат коллективларининг ташаббусига кўпроқ таянишлари, ҳамма босқичлардаги план ишини яхши ташкил этишлари керак.

Республикада бошқарувнинг ташкилий структурасини яхшилаш, ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштириш даражасини ошириш борасида талайгина ишлар қилинди. Саноат тармоқларини бошқаришнинг бош схемалари ишлаб чиқилди, бу схемалар бирлашмалар ташкил этилишини, ортиқча бўғинлар қисқартирилишини, икки ва уч бўғинли структурага ўтилишини кўзда тутади. Ҳозир саноатимизда 117 та бирлашма ишлаб турибди. Беш йиллик мобайнида уларнинг сони қарийб тўрт баравар кўпайди. Уларнинг маҳсулот реализация қилиш ҳажмидаги улуши кўпайиб, 12 процентдан 38 процентга етди.

Электрон техника заводининг тажрибаси бошқаришни такомиллаштириш соҳасидаги самарали ишнинг яққол намунаси бўлиб хизмат қилади. Ташкилий структура моҳирлик билан қайта тузилганлиги, энг янги техника жорий этилганлиги, ёрдамчи ва тайёрлов хизмати бўлимлари марказлаштирилганлиги, филиаллар ташкил қилиниб, улар ихтисослаштирилганлиги заводнинг беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажариб, маҳсулот ишлаб чиқаришни 2,6 баравар кўпайтиришига имкон берди. Ўсишнинг 80 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобидан эришилди. Фонд самарадорлиги 1,8 баравар ортди.

Ўн биринчи беш йилликда саноатнинг хўжалик ҳисобидаги асосий бўғини сифатида бирлашмалар ташкил этишни ниҳоясига етказмоқ учун орттирилган тажрибани ҳисобга олган ҳолда тармоқларни бошқариш схемалари аниқлаб олинади.

Республика экономикасини янада юксалтиришнинг Асосий йўналишлардан келиб чиқадиган вазифалари қўриқ областларнинг бой ер ва минерал хом ашё ресурсларини ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланишга самарали жалб этишни, планлаштиришга программа-тармоқ асосида ёндашув кучайтирилишини, Қарши ва Жиззах территориал-ишлаб чиқариш комплекслари барпо этилиши жадаллаштирилишини тақозо этади.

Маълумки, Ўзбекистон — аҳолиси табиий жиҳатдан жуда тез ўсиб бораётган республикадир. Прогнозларга кўра, 1990 йилда республика аҳолисининг сони 22 миллион кишига етади. Демак, иш жойларини анча кўпайтириш, малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш талаб қилинади.

Шу муносабат билан индустриямизни ҳар жиҳатдан ривожлантириш тўғрисидаги, меҳнат ресурслари жамланган жойларда корхоналар ва уларнинг филиалларини ташкил қилиш тўғрисидаги масала ўткир масала бўлиб туради. Бу — муҳим иш бўлиб, иқтисодий жиҳатдан жуда фойдали, истиқболлидир, бизнинг шароитларимизда эса катта социал аҳамиятга ҳам эга бўлган ишдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати кичик шаҳарларга, посёлкалар ва район марказларига янги ҳаётий омил бахш этиш йўлидаги биронта ҳам қимматли ташаббусни эътибордан четда қолдирмадилар. Ўнинчи беш йилликда 290 та филиал ва цех ташкил қилинди, уларда салкам 30 минг киши меҳнат қилмоқда, йилига 300 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиши таъминланди.

Жойлардаги партия ва совет органлари, Госплан, меҳнат масалалари билан шуғулланувчи давлат комитети, министрликлар ва идоралар хўжалик соҳасидаги ташаббуснинг, истиқболни кўра билишнинг амалдаги ифодаси бўлган мана шу ишни янги беш йилликда ҳам давом эттиришлари зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республиканинг партия, совет ва хўжалик органлари партия ва ҳукуматнинг хўжалик механизмини такомиллаштиришга доир қарорларида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш соҳасида кўпгина ишларни қилдилар. Иқтисодий ва социал ривожланиш планларига янги кўрсаткичлар киритилди. Масалан, қурилиш ташкилотларининг фаолиятига товар қурилиш маҳсулотининг ҳажми ва объектларнинг ишга туширилишига қараб баҳо берилади. Регионга доир фан-техника проблемаларини ҳал этишнинг комплекс программалари биринчи марта ишлаб чиқилди ва планда акс эттирилди. Планнинг социал йўналиши кучайтирилди, халқ фаровонлигини яхшилаш юзасидан катта-катта тадбирлар кўзда тутилди.

Партия ва ҳукуматнинг хўжалик механизмини такомиллаштиришга доир принципиал қоидалари асосида республикадаги план, молия, банк, таъминот ҳамда бошқа экономика органлари ва идораларнинг вазифалари анча кенгаяди ва ишининг сифати даражасига талаб ортади.

Госснаб, министрликлар ва идораларнинг таъминот органлари маҳсулот етказиб бериш юзасидан мажбурият ҳамда топшириқлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан контролликни кучайтиришлари керак. Материал-техника таъминотининг илғор форма ва методларини ривожлантириш, хом ашё, материал ва ёқилғини тежаб-тергаб сарфлаш учун курашиш, иккиламчи ресурсларни хўжалик оборотига кенг жалб этиш лозим. Таъминотни бошқариш структурасини такомиллаштириш, корхоналар ва қурилишларни материал-техника билан таъминлаш вазифаларини ягона орган — республика Госснабига жамлаш борасидаги ишларни ҳам давом эттириш керак.

Бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган янги вазифалар асосида молия-кредит механизмининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилашга ўтказадиган таъсирини кучайтириш, давлат маблағларидан оқилона фойдаланилиши, молия ва тўлов интизомига риоя этилиши устидан контроллик қилишга кўпроқ эътибор бериш зарур.

Нарх белгилаш органлари улгуржи нархларнинг янги буюмлар ўзлаштирилишини жадаллаштиришга, уларнинг сифати яхшиланишига, хом ашё ва ресурсларнинг маҳаллий турларидан янада оқилона фойдаланилишига, маҳсулотнинг таннархи пасайтирилишига ўтказадиган рағбатлантирувчи таъсирини кучайтиришга эришишлари лозим.

Бошқариш ва планлаштиришни яхшилаш, хўжалик юритиш меха-

низмини такомиллаштириш соҳасида партия ишлаб чиққан тадбирларни амалда рўёбга чиқариш республика экономикасининг яна ҳам зўр юксалтирилишини, халқ фаровонлиги тобора оширилишини таъминлайди.

* * *

Ўртоқлар! Марказий Комитет ҳисобот даврида республикада қилинган ишлар тўғрисида съезд делегатларига маълум қилди, ўн биринчи беш йилликда Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари олдида турган энг муҳим халқ хўжалик проблемалари, биринчи навбатдаги вазифалар белгиланди.

Мутлақо равшанки, партия ўртага қўйган вазифаларнинг ҳал этилиши республика партия, совет, хўжалик органларидан, жамоат ташкилотларидан бутун социал-иқтисодий жараёнларга раҳбарликни қатъиян яхшилашларини, омма ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни янада такомиллаштиришларини талаб этади.

Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар самарадорлигини оширайлик

Ўртоқлар! Совет жамиятининг иқтисодий ва социал ривожланиш истиқболлари, планларимизнинг миқёси, ҳаёт илгари сураётган проблемаларнинг қамрови ва мураккаблиги, жаҳон майдонидаги воқеаларнинг умумий жараёни идеология иши самарадорлигини ҳар томонлама оширишни тақозо этади. Партия меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни коммунизм учун курашнинг муҳим фронти деб билмоқда.

Бутун ҳаётимиз совет кишиларида коммунистик онглиликни шакллантиришнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади. «...Тарихнинг ўзи бизнинг қарашларимизни ёқламоқда, воқеликнинг ҳар бир одимида ёқламоқда», — деб ёзган эди Владимир Ильич Ленин. Партиянинг бутун тажрибаси, совет халқининг буюк зафарлари Ленин айтган бу сўзларнинг ҳаётийлигини ва адолатлилигини яққол исботламоқда.

КПСС XXV съезди ҳозирги босқичда идеология иши моҳиятини белгилаб берди. Бу — ҳар бир совет кишисида юксак ғоявийликни, меҳнатга коммунистик муносабатни, маданиятни, ахлоқий поклик ва жисмоний камолотни тарбиялашдан, ҳаётда актив позицияни шакллантиришдан иборат. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга комплекс ёндашув ҳам ана шу барча омилларнинг узвий бирлигидан иборатдир.

КПСС Марказий Комитети съезд қарорларини ривожлантира бориб, бир қатор қарорлар қабул қилди. Бу қарорларда оммага ғоявий таъсир кўрсатиш назарияси ва практикаси бойитилди. «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарор шулар орасида энг муҳимдир, у барча партия, совет, хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари, идеология муассасалари учун жанговар ҳаракат программаси бўлиб қолди.

Ҳисобот даврида республика партия ташкилоти сиёсий-тарбиявий ишларни сезиларли равишда кучайтирди. Партия комитетлари бу ишнинг мазмунига чуқурроқ ёндашадиган, ғоявий таъсир кўрсатишнинг барча воситаларига анча малакали раҳбарлик қиладиган бўлиб қолдилар.

Шаҳарлар, қишлоқлар, меҳнат коллективларини социал-иқтисо-

дий ривожлантиришни перспектив планлаштириш, комплекс тадбирларни, социологик тадқиқотларни ишлаб чиқиш, партия ташкилотларининг тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш идеология иши практикасидан мустаҳкам ўрин олди. Пропаганда ва агитациянинг юксак илмий даражасини таъминлаш, унинг таъсирчанлиги ва конкретлилигини ҳаёт билан, хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан алоқасини кучайтириш, унинг актив, ҳужумкорлик характерини ҳар томонлама ривожлантириш учун алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда.

Коммунистик эътиқоднинг кучи унинг марксизм-ленинизмнинг ўзгармас пойдеворига асосланганлигида, КПССнинг революцион назарияси ва сиёсатини чуқур ўрганишга асосланганлигидадир. Республикада Маркс ва Энгельс асарлари, В. И. Ленин Тўла асарлар тўпламининг 55 томлиги ўзбек тилида нашр этилди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарлари, унинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари кишиларни уюштириш ва тарбиялашнинг бебаҳо тажриба манбаи, ялпи сафарбарлик муҳити, ғоят улкан собитқадамлик манбаи бўлиб хизмат қилади.

Интернационализм, ривожланган социализм, миллий озодлик ҳаракати ва бошқа проблемаларга бағишлаб республикада ўтказилган халқаро ва Бутуниттифоқ илмий-назарий ҳамда илмий-амалий конференциялари, симпозиумлар муҳим роль ўйнади.

Жамиятшунослик янги босқичга кўтарилди. Республика олимларининг куч-ғайрати билан етук социализм шароитида миллатлар ва элатларнинг янада яқинлашуви, Ўрта Осиё республикаларида социалистик қурилиш тажрибасининг хусусиятлари ягона халқ хўжалиги комплексида, Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучлари ривожланиши каби энг муҳим проблемалар, марксча-ленинча назариянинг бир қатор туб масалалари кенг миқёсда тадқиқ этилмоқда. Коммунистик тарбия проблемаларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқишни янада яхшилашга катта эътибор берилди.

Жамиятшунос олимларнинг вазифаси — илмий тадқиқотлар сифатини бундан буён ҳам яхшилашдан иборат. Бу ишда Фанлар академияси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти, олий ўқув юртларининг ижтимоий фанлар кафедралари ролини ҳар томонлама ошириш зарур.

Коммунистлар ва партиясизларнинг марксча-ленинча таълими коммунистик эътиқодни шакллантиришнинг ўзаги ҳисобланади. Ҳозирги пайтда партия ва комсомол маорифи системасида иқтисодий таълимнинг турли формаларида, коммунистик меҳнат мактаблари ва халқ университетларида уч миллиондан зиёд киши — ишлаб турган барча кишиларнинг қарийб 70 проценти ўқимоқда. Бундан ташқари, Асосий йўналишлар лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жараёнида республикада оммавий-сиёсий мактабларнинг кенг шохобчаси ташкил этилди. Буларда асосий ҳужжатни икки миллион нафар ишчи, колхозчи, хизматчи ўрганмоқда.

Биз сиёсий ва иқтисодий ўқувни ташкил этишдаги муайян муваффақиятларни қайд қилар эканмиз, шуни ҳамиша ёдда тутишимиз керакки, социализмнинг кучи омманинг онгли ижодкорлигида, унинг коммунистик қурилишнинг иқтисодий ва социал-сиёсий проблемаларига манфаатдорлик билан муносабатда бўлишидадир. Шу боисдан партия ташкилотлари сиёсий маориф практикасидаги расмиятчилик, қироатхонлик ҳолларини қатъият билан бартараф этишлари, революцион назария ва сиёсатни ўрганишни қатъий эътиқодга, ҳаракат учун қўлланмага айлантиришга эришишлари керак.

Оммавий агитация иши ва лекция пропагандаси идеологик таъсир ўтказишнинг бой арсеналида муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда 270 минг докладчи, сиёсий ахборотчи, агитатор, партия комитетлари-

нинг олти ярим минг нафардан кўпроқ лекторлари, «Билим» жамиятининг 135 минг аъзоси партия сўзини меҳнаткашлар оммасига етказмоқдалар.

Аҳолининг яшаш жойида, узоқ жойларда, янгидан ташкил этилаётган коллективларда, хизмат кўрсатиш тармоқларида сиёсий ишни янада кучайтириш ҳақида партия ташкилотлари доимий ғамхўрлик кўрсатишлари керак. Одамлар билан якка тартибда ишлашга кўпроқ эътибор бериш, кўргазмали агитациядан кенг фойдаланиш лозим. Бундан буён ҳам меҳнаткашларни сиёсий тарбиялашда раҳбар кадрларнинг доимий ва мажбурий иштироки ҳақидаги ленинча анъанани ривожлантириш зарур.

Совет кишиларининг коммунистик онглилиги аввало уларнинг ишлаб чиқаришдаги активлигида намоён бўлади. Меҳнат тарбияси юзасидан собитқадам иш олиб борилиши бунга ёрдам беради. Сиёсий ва меҳнат тарбиясини қўшиб олиб боришнинг таъсирчан воситаси социалистик мусобақа, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда салкам тўрт миллион киши, ёки республика барча меҳнаткашларининг 93 проценти мусобақада қатнашмоқда. 350 дан зиёд корхона, 11 мингдан кўпроқ цех ва 35 мингдан зиёд бригада коммунистик меҳнат коллективи номини олишга сазовор бўлди.

«Қолоқларсиз ишлаймиз», «Бир беш йилликда икки беш йилликни бажарамиз», «Барвақт қурамиз, барвақт ўзлаштирамиз», «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз» шиори остида бошланган қимматли ташаббуслар, мусобақалар кенг қулоч ёзди. 1300 дан зиёд корхона ва ташкилот, 25 мингдан зиёд цех, участка, бригада, ферма, республиканинг пешқадам меҳнаткашларидан салкам 450 минг киши ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажарганликлари ҳақида рапорт берди.

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига, социалистик мусобақа ғолибларига, Советлар мамлакатининг оташин ватанпарварларига шон-шарафлар!

Социалистик мусобақани, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини бундан буён ҳам ривожлантириш ва такомиллаштириш лозим. Партия, касаба союз, комсомол, хўжалик органларининг кенг программали фаолиятида ўн биринчи беш йиллик социалистик мусобақасининг «совет кишилари фаровонлигини янада ошириш йўлида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширайлик» деган илҳомбахш шиори мужассамлашиши керак.

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларини актив қўллаб-қувватлаш билан бирга виждонан ишламаётган, интизомни бузаётган, бракка йўл қўяётган кишиларга нисбатан қаттиқроқ чоралар кўрилиши лозим. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС қарори талаб қилганидек, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш, прогулчиларга, кадрлар қўнимсизлигига қарши кураш олиб бориш энг зарур вазифадир.

Маълумки, барча планларимиз бажарилишининг муваффақияти меҳнат коллективларида ҳал этилади. Бизда барча ишларда давлат вазифалари нуқтаи назаридан қатнашаётган, кишиларни фидокорона меҳнат қилиш, бутун куч-ғайратни сарфлаб ишлаш, коллективизм, бир-бирига ўзаро ёрдам бериш, коммунизмнинг актив бунёдкорлари бўлиш каби олижаноб принципларга содиқ кишилар қилиб тарбиялаётган коллективлар озмунча эмас.

Кундалик яратувчилик меҳнатида совет кишисининг, янги турмуш бунёдкорининг характери шаклланади. Актив ҳаётий позиция, онгли ишлаш, ижтимоий бурчга онгли муносабат, юксак ахлоқий маданият инсонни ҳамма нарсадан кўра кўпроқ юксакликка кўтаради. Шун-

дай позицияни ҳосил қилиш ахлоқий тарбиянинг мақсади ва вазифасидир.

Ҳисобот даврида кишиларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган масалалар республика партия ташкилоти ишида катта ўрин эгаллади.

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, юксак маданият, намунали жамоат тартиби учун курашаётган кўпгина коллективлар, бутун-бутун шаҳарларнинг тажрибаси ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ва оммалаштиришга арзийди. Бу борада республика пойтахти Тошкентда — шонли революцион ва меҳнат анъаналари шаҳрида, жасорат, дўстлик ва қардошлик шаҳрида катта иш олиб борилмоқда.

Партия XXV съездида таъкидланганидек, жамиятимиз ўз ривожида юқори кўтарила борган сари социалистик ахлоқ нормаларидан четга чиқиш фактларига нисбатан муросасизлик тобора ортиб боради. Юлғичлик, порахўрлик, хусусий мулкчилик тенденциялари, безорилик, бюрократизм, инсонга нисбатан бепарволик сингари иллатлар тузумимиз моҳиятига бутунлай ёт иллатлардир. Биз идеологик таъсир кўрсатишнинг барча воситалари, совет қонунларининг кучи билан бизга ёт ахлоқ кўринишларига қарши кескин кураш олиб бормоғимиз лозим.

Меҳнат, ижтимоий фаолият, бўш вақт, оилавий-маиший муносабатлар, турмушимизнинг барча соҳалари коммунистик ахлоқ мазмуни билан белгиланиши лозим. Экономиканинг бундан буёнги юксалиши ҳам, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ҳам, кишиларни тарбиялаш ҳам кўп жиҳатдан ана шуларга боғлиқдир.

Ўртоқлар! Меҳнаткашларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш партия ташкилотлари доимий ғамхўрлик қиладиган масала бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Республикада юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб яшамоқдалар ва биргаликда меҳнат қилмоқдалар. Ҳамма аҳоли пунктлари, барча меҳнат коллективлари кўп миллатлидир. Мамлакатимиз кишиларининг янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келганлиги бунда ўзининг тўлиқ ифодасини топмоқда.

Совет кишиларининг миллатлараро яқинлашув тили бўлган рус тилини ўрганиш интернационализм руҳида тарбиялашнинг қудратли воситаси, миллатлар ва элатлар бир-бирига яқинлашувининг муҳим омилидир. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Рус тили — СССР халқларининг дўстлик ва ҳамкорлик тили» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси рус тилини ўқитиш ва ўргатиш методларини янада такомиллаштириш вазифаларини ҳал этишга қўшилган қимматли коллектив ҳисса бўлди.

Республика барча меҳнаткашларининг рус тилини чуқур ўрганишига эришиш партия ташкилотларининг бевосита бурчидир. Рус тилини ўрганиш фан-техника, маданият, санъат чўққиларини эгаллаш йўлигина бўлиб қолмай, энг муҳим ҳаётий эҳтиёж, энг муҳим иқтисодий ва сиёсий вазифа, бутун идеология ишида бундан буён эришиладиган муваффақиятларнинг гарови ҳамдир.

Биз ҳар бир совет кишисида социалистик Ватанимиз билан фахрланиш, СССР халқларининг қардошларча бузилмас дўстлиги туйғуларини шакллантиришимиз, миллий хусусиятларни ва миллий маданиятни ҳурматлаш, миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига муросасиз бўлиш туйғусини тарбиялашимиз лозим.

Меҳнаткашларни, айниқса ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашни интернационализм руҳида тарбиялаш билан узвий ва чамбарчас боғлаб олиб бориш зарур. Йигит ва қизларни партия ва халқнинг революцион, меҳнат ва жанговар анъаналари руҳида — Ватанга чексиз садоқат, ғоявий матонатли ва эътиқодли, буржуа идеоло-

гиясига муросасиз, социализм ғалабаларини ҳимоя қилиш йўлида жасоратга шай бўлган кишилар қилиб тарбиялаш лозим. Бу борада Армия, Авиация ва Флотга ёрдам берувчи Кўнгилли жамият олдида катта вазифалар турибди.

Фронтчиларнинг жанг майдонларидаги жасоратларига чуқур ҳурмат-эҳтиром билан қараш, уруш ветеранлари, ҳалок бўлганларнинг оилалари ҳақида ғамхўрлик қилиш юксак ахлоқий бурч, тарбиянинг муҳим воситаси ҳисобланади. Уларни ғамхўрлик ва эътибор билан қуршаб олиш, турмуш масалаларида уларга ёрдам кўрсатиш — маҳаллий ҳокимият органлари, барча гражданларнинг маънавий бурчи, ҳаётимиз қонунидир.

Бутун мамлакат каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам шонли Армиямиз билан ҳақли равишда фахрланадилар, унда хизмат қилишни ўзларининг шарафли бурчлари деб ҳисоблайдилар. Коммунистик партия мамлакат мудофаа қобилиятини муттасил мустаҳкамлаш учун ҳамма чораларни кўрмоқда, Совет Қуролли Кучлари қудратини ошириш, уларнинг ҳар қандай агрессорга қатъий зарба бериш учун шай бўлиб туриши тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилмоқда.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг шонли жанговар анъаналарига эга бўлган жангчилари Ватанимизнинг жанубий чегараларини ишончли тарзда қўриқлаб турибдилар.

Азиз ўртоқлар! Съездимиз номидан, республикамиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи жангчиларига қизғин салом йўллашга, жанговар ва сиёсий тайёргарликда, социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлидаги, тинчлик ва халқларнинг хавфсизлиги йўлидаги уларнинг жанговар меҳнатида янгидан-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз!

Меҳнаткашларни, айниқса ёшларни ҳар томонлама камол топтиришда физкультура ва спорт муҳим роль ўйнайди. Кейинги вақтда бизда физкультура ҳаракати сезиларли равишда ўсди ва ҳозир унинг сафларида беш миллиондан кўпроқ киши бор. Ўзбекистон спортчилари СССР халқлари спартакиадаларида, Олимпиада ўйинларида, бошқа Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларда ўзларининг маҳоратларини намойиш этмоқдалар.

Шу билан бирга кўпгина корхоналарда, қурилишларда, колхозлар ва совхозларда, ўқув юртларида жисмоний тарбия ишларини оммавий авж олдириб юбориш ҳақида муттасил ғамхўрлик кўрсатилмаётир. Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, хўжалик органлари, республика Спорт комитетининг вазифаси — оммавий жисмоний тарбия ҳаракатини янада ривожлантириш борасида қатъий чоралар кўришдан иборат. Моддий базани мустаҳкамлай бориб спортчиларимиз маҳоратини оширишга, спорт барча турларини кенг миқёсда ривожлантиришга эришмоғимиз лозим.

Ҳисобот даврида республикада умумий таълим мактаблари ривожланиб борди ва такомиллашди. Ҳозир бизда салкам тўққиз ярим мингта мактаб бўлиб, уларда қарийб тўрт миллион ўқувчи таълим олмоқда. Халқ маорифининг ўқув-моддий базаси мустаҳкамланди. Ўнинчи беш йиллик мобайнида салкам 800 минг ўринли мактаб бинолари қурилди.

Педагогика коллективларининг аксарияти ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашда яхши натижаларга эришмоқдалар. Мактабларни битирувчилар чуқур ва мустаҳкам билим олмоқдалар, юксак ахлоқий фазилатлар, меҳнатсеварлик, ғоявий етуклик уларга хос фазилатлардир.

Кейинги йилларда мактаб ўқувчиларига меҳнат тарбияси бериш ва уларни ўқитишнинг самарали методлари таркиб топди. 2782 умумий таълим мактабида ишлаб чиқариш таълими жорий этилди. 4140 ўқув-

чилар ишлаб чиқариш бригадаси ва 300 мактабларaро ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ташкил этилди. Булар ёшларни меҳнатга тайёрлашнинг прогрессив формалари бўлиб, уларни ҳар томонлама ривожлантириш лозим.

Республикада ҳунар-техника таълими тобора кенг ривожланмоқда. Ўтган беш йилликнинг ўзида 215 янги билим юртлари ташкил этилди. Ўтган беш йилликда ишлаб чиқаришга билим юртларининг беш юз минг нафардан зиёд битирувчилари келдики, бу бутун саккизинчи ва тўққизинчи беш йилликлар мобайнида тайёрланган кишилар миқдорига тенгдир.

Ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашдаги муваффақиятларга муносиб баҳо берган ҳолда бу муҳим иш соҳасидаги камчилик ва нуқсонларга батамом барҳам берилмаганини ҳам тан олишимиз керак. Айрим мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари ёшларни уйғун ривожлантириш вазифасини тўлиқ уддалай олмаяптилар. Барча ўқувчилар ҳам фан асослари бўйича мустаҳкам билим олган деб бўлмайди. Уларнинг баъзиларида меҳнат кўникмалари, ишчи касбларига ҳурмат туйғулари шаклланмаган.

Партия ташкилотлари, Маориф министрлиги, республика Ҳунар-техника таълими давлат комитети ва уларнинг жойлардаги органларининг вазифаси — ўқув жараёнини ҳар томонлама такомиллаштиришдан, ўқитишнинг замонавий методларини кенг жорий этишдан, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг тарбиявий вазифалари таъсирчанлигини оширишдан иборат.

Ёш авлод тарбиясини яхшилаш учун оила, мактаб ва жамоатчилик ўртасида алоқани мустаҳкамлаш, меҳнат коллективларининг ўқув юртларига оталиқ қилишини кучайтириш зарур. Партия ташкилотлари, совет органлари ўқитувчи кадрлар ҳақида, ўқитувчиларнинг, мураббийларнинг, усталарнинг обрўси ҳақида кун сайин ғамхўрлик қилишлари, уларнинг ижодий меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратиб беришлари лозим.

Республикада олий ва ўрта махсус таълим янада ривожланди. Олий ўқув юртлари, уларнинг филиаллари ҳамда умумтехника факультетлари тармоғи кенгайди, 35 та янги ўрта махсус ўқув юрти очилди. Ҳозирги пайтда 43 олий ўқув юрти ва 222 техникумда 437 ихтисос бўйича ярим миллиондан зиёд киши ўқимоқда. Беш йиллик мобайнида беш юз мингга яқин дипломли мутахассис тайёрланди.

Кўпгина институтларимиз ҳақиқий ўқув-илмий марказларга айланди, уларда ёш мутахассисларга юқори малака бериш уларнинг ғоявий тарбияси билан узвий равишда боглаб олиб борилмоқда. Аммо ҳали ҳамма ерда ҳам олий мактаб олдида турган вазифаларни комплекс ҳал этишга эришилгани йўқ, сиртқи ва кечки таълим системасининг имкониятларидан ҳануз суст фойдаланилмоқда.

Партия комитетлари, олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, олий ўқув юртлари ҳамда техникумларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотлари студентларга ҳунар ўргатишни марксча-ленинча чиниқтириш билан бирга қўшиб олиб боришга изчиллик билан эришишлари, ёшларни ўқитиш ва тарбиялашда профессор-ўқитувчилар составининг масъулиятини кучайтиришлари лозим. Мутахассислар тайёрлаш, уларни тақсимлаш ва улардан фойдаланишни планлаштиришни бутун чоралар билан такомиллаштириш талаб қилинади.

Коммунистик партия оммавий ахборот ва пропаганда воситалари фаолиятини юксак қадрлайди. Ўзбекистонда умумий тиражи 10 миллион нусхадан кўпроқ 281 газета ва журнал типидаги 83 нашр чиқарилмоқда. Телевидениенинг тўртта программаси — иккита марказий ва иккита республика программасини республиканинг деярли бутун аҳолиси томоша қилмоқда. Республика радиосининг эшиттиришлари СССР

халқларининг олтита тилида олиб борилмоқда. Ўнта нашриёт ҳар йили 35 миллион нусхадан зиёд китоб чиқармоқда. 14 томдан иборат биринчи Ўзбек Совет Энциклопедияси илмий ва полиграфик жиҳатдан юксак савияда нашр этилди.

Республиканинг оммавий ахборот воситалари совет кишиларининг буюк зафарларини ёрқин кўрсатадиган, партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишини, социалистик мусобақанинг боришини чуқур ёритадиган, ишлаб чиқариш илғорлари ва энг яхши меҳнат коллективларининг тажрибасини яхши очиб берадиган бўлиб қолдилар. Улар камчиликларни дадил очиб ташламоқдалар, уларни бартараф қилишга эришмоқдалар.

Матбуотнинг катта имкониятлари унга бўлган юксак талабни ҳам белгилаб беради. Матбуот, телевидение ва радио материалларида энг муҳим воқеаларни ёритишга баъзан юзаки ёндашилаётганлиги сезилиб турибди. Кўпинча бу материаллар умумий сўзлар билан қалашиб, мазмунан саёз бўлмоқда.

Марказий Комитет, партия комитетлари, газета ва журналлар редакциялари, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг вазифаси — оммавий ахборот воситалари ишини яхшилашдан, хўжалик ва маданий қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун меҳнаткашларни сафарбар этишда улардан тўлиқ фойдаланишдан иборат. Принципиал, амалий танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришга кўмаклашиб, матбуот очиб ташлаган камчиликларга расмиятчилик билан муносабатда бўлишга уринишларга қатъиян barҳам бериш зарур.

Ўзбекистон ССР ривожланаётган кўп давлатларга уларнинг экономика ва маданиятини юксалтиришда, мутахассислар тайёрлашда катта ёрдам кўрсатмоқда. Ҳар йили республикага 150 мингдан зиёд хорижий туристлар келиб-кетишади. Олимларимиз, лекторларимиз, турли турист группаларимиз ва делегацияларимиз чет мамлакатларга бориб келишмоқда. СССРнинг чет элларда ўтказаётган кўпгина тадбирларида Ўзбекистон муттасил актив қатнашмоқда.

Ташқи сиёсат пропагандасининг ҳужумкор характерини бундан буён ҳам ошираверии лозим, бу пропаганда янада оператив ва тушунарли, конкрет фактларга бой бўлмоғи керак. Буржуа сохтакорларининг ёлғон-яшиқларини ва туҳматларини фош қилиб ташлаш, ер юзи кишиларига совет турмуш тарзи ҳақидаги ҳақиқатни етказиш зарур. Биз идеологик душманларнинг кирдикорларига ўз сафларимизнинг бузилмас жипслигини, қудратли ғоявий бирлигини, республикамиз ҳар бир меҳнаткашининг чуқур эътиқоди ва сиёсий ҳушёрлигини қарама-қарши қилиб қўйишимиз лозим.

Маълумки, тарбиявий ишнинг муваффақиятини идеология кадрлари тайёрлаш даражаси белгилайди. Республикамизда ташаббускорларнинг катта армияси мавжуд бўлиб, улар куч ва вақтларини аямай, Ленин партиясининг илҳомбахш сўзларини оммага етказмоқдалар.

Партия ташкилотлари ҳар бир идеология ходими кескин ривожланган синфий, сиёсий ҳушёрликка ва бурчни юксак ҳис этишга эга бўлиши учун муттасил ғамхўрлик қилишлари зарур. Идеология ходими ўзининг фаолияти сифати ва самарадорлигини оширишга, унинг форма ва методларини яхшилашга, ўзининг бутун ҳулқ-атвори билан соғлом ахлоқий муҳитни яратишга, одамлар билан оддий тушунарли тилда гаплашишга ўрганишга, далилларнинг ишонарли бўлишига эришишга даъват этилгандир.

Ўртоқлар! Совет кишисининг дунёқарашини, унинг ахлоқий эътиқоди ва маънавий маданиятини шакллантиришда адабиёт ва санъат муҳим роль ўйнайди. Республиканинг маданият усталари халқ ҳаёти жараёнларига чуқур кириб борадиган бўлиб қолдилар, янги юксак

савияли бадиий асарлари билан жамиятнинг маънавий хазинасини бойитдилар. Шуниси қувонарлики, ижодий ходимлар мураккаб жанрларга ва йирик формаларга кўпроқ мурожаат қиладиган бўлиб қолдилар.

Партиявийлик, халқчиллик, замонамизнинг энг мураккаб социал-психологик проблемаларига чуқур кириб бориш улар бадиий ижодининг характерли хусусиятидир. Халқлар дўстлиги, совет кишиларининг интернационализми ва ватанпарварлиги, уларнинг юксак ахлоқийлиги, коммунистик бунёдкорликнинг қудратли пафоси зўр илҳом билан очиб берилмоқда.

Рус ва жаҳон классикаси, кўп миллатли илғор совет маданияти маънавий бойликларини ижодий ўзлаштириш, қардош маданиятларнинг ўзаро бир-бирига таъсири ва бир-бирини бойитишдан иборат муттасил ривожланиб бораётган жараён адабиёт ва санъатимиз гуллабяшнашининг ҳамиша жонли манбаидир. Рус ва бошқа адабиётлар асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилиши, ўзаро ўтказилиб турган декадалар, совет республикаларининг санъат кунлари, бадиий коллективларнинг гастроллари, кўргазмалар, ижодий конкурслар, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг анъана бўлиб қолган халқаро кинофестиваллари ва ёзувчиларнинг семинарлари бунга яхши хизмат қилмоқда.

Республикада адабиёт ва санъатни ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар шак-шубҳасиздир. Ана шу муваффақиятлар замирида ижодий фаолиятдаги заиф томонларни топа билиш, яратилаётган асарларнинг ғоявий ва бадиий савиясини янада ошириш вазифаларини ҳал этиш йўлларини топа билиш айниқса муҳимдир. Жамиятимиз, халқимиз ҳаёти кўп қиррали бўлиб, бой мазмун билан, ёрқин ҳис-туйғулар, юксак интилишлар, олижаноб мақсадлар билан лиммо-лим тўлибтошган. Совет кишилари санъат ва адабиётнинг ҳаётга дадил ва актив кириб боришини, совет турмуш тарзининг бойликларини, замондошимиз — янги давр қаҳрамонининг маънавий дунёсини очиб беришини, яшаш, меҳнат қилиш, яратишда унга ёрдам беришини хоҳлайдилар. Ёзувчи, рассом, композитор, актёр — санъатнинг ҳар қандай тури ходими ана шу вазифалар даражасида туриши учун марксча-ленинча фанни эгаллаши, ўз фаолиятида унга оғишмай амал қилиши лозим.

Бадиий ва ишлаб чиқариш коллективлари ўртасида мустаҳкам дўстлик алоқалари ўрнатиш, ижодий союзларнинг заводлар ва фабрикаларга, қурилишларга, хўжаликларга оталиқ қилиши, оммавий бадиий ҳаваскорликни ривожлантиришда, меҳнаткашларни эстетик тарбиялашда санъат усталарининг фаол иштироки ҳар томонлама маъқуллашга сазовордир.

Ижодни янада камол топтириш учун тўпланган тажрибани оммалаштириш, ҳозирги замон адабиёт ва санъатининг асосий тенденциялари ва йўналишларини илмий таҳлил этиш муҳимдир. Бу ишда адабий-бадиий танқидчилик ролини бутун чоралар билан ошириш лозим. Ижодий союзларнинг ишини бундан буён ҳам такомиллаштиравериш, улар ҳаётининг бутун муҳити ижодкор зиёлилар орасида юксак масъулият, бир-бирининг ижодига талабчанликни ошириш, ҳайрихоҳлик вазиятини вужудга келтиришига ёрдам беришига эришмоқ керак.

Адабиёт ва санъатга ёш талантларнинг келиб қўшилиши, улар ижодининг ғоявий-бадиий савияси ошганлиги кейинги йиллардаги ажойиб воқеа бўлди. Ижодий союзларнинг энг муҳим вазифаси — социалистик маданиятимизнинг эртанги куни ҳақида, унинг бойликларини кўпайтириш ҳақида реал ғамхўрлик кўрсатишдан иборат.

Санъат — халқники. Бу ленинча қоида ҳар бир юксак бадиий асар кенг халқ оммасига етиб боришини, халқнинг бойлиги бўлиб қолишини, одамларни ахлоқий, маънавий, эстетик жиҳатдан бойитишини

тақозо этади. Партия раҳбарлигининг кучи — ижодкорни халққа хизмат қилишдек олижаноб вазифага жалб эта билишдан, уни коммунистик бунёдкорликнинг актив иштирокчисига айлантиришдан иборат.

Яна бир неча кундан кейин Москвада КПСС XXVI съезди очилади. Партия ташкилотларининг, барча идеология ходимларининг бурчи — партия съезди материаллари ва қарорларини республиканинг ҳар бир коммунисти, ҳар бир меҳнатчиси онгига ва қалбига етказишдан, саксонинчи йилларда иқтисодий ва социал ривожланишнинг улуғвор режаларини сўзсиз амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Идеология иши — бутун партиянинг ишидир. Кишиларнинг маънавий ҳаёти, оммага ғоявий таъсир ўтказиш учун барча коммунистлар масъулдирлар. Бу ленинча анъана бўлиб, биз уни ҳар томонлама ривожлантиришимиз ва бойитишимиз лозим.

Партиявий раҳбарликни янги талаблар даражасига кўтарайлик

Ўртоқлар! Партиявий иш услуби ва методларининг тобора такомиллашганлиги, коммунистик қурилишнинг буюк вазифаларига мувофиқ бу иш савиясининг ошганлиги ҳисобот даврида республика партия ташкилотига хос хусусият бўлди.

Владимир Ильич Ленин Совет ҳокимияти барпо этилган чоғдаёқ ҳукмрон партиянинг янги жамият қурилишидаги роли ва ўрнини белгилаб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: «...Революцион вазифаларимизни адо қилмоқ учун, бу вазифаларимиз фақат бир хаёл, ёки фақат бир яхши орзу бўлиб қолмасдан, ҳақиқатдан реал нарсага айланиши учун,— дарҳол амалга ошиши учун,— хуллас, шу мақсадимизнинг амалга ошиши учун айни ташкилотчилик ишининг айни амалийлигини ва фаоллигини ўзимизнинг биринчи даражали, навбатдаги ва энг муҳим вазифамиз деб билишимиз керак».

Бизнинг партиямиз ўзининг бутун тарихида Лениннинг ана шу васиятларига муносиб равишда содиқ бўлиб келмоқда.

КПСС XXV съездининг қарорлари, Марказий Комитетнинг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия қурилиши масалалари юзасидан баён этган принципиал қоидалари ва амалий маслаҳатлари Ўзбекистон Коммунистик партиясини унинг бутун ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятини яхшилаш борасида илмий жиҳатдан асослаб берилган аниқ-равшан йўл-йўриқлар билан қуроллантирди.

Республика Компартияси XIX съезддан кейин янада мустаҳкамланди, чиниқди, кўп тажриба тўплади. Республика Компартияси аъзоларининг сони 116 минг нафар кўпайди ва ҳозирги пайтда унинг сафларида 570 минг коммунист бор ёки ишлаб турган ходимларнинг ҳар ўнтасидан бири коммунистдир. Коммунистларнинг 30 процентдан кўпроғини ишчилар, 19 процентини колхозчилар, қарийб 35 процентини зиёлиларнинг вакиллари ташкил этади.

Республика Компартияси коллективнинг ишончига сазовор бўлиб, ишлаб чиқаришда ва жамоат ҳаётида актив намуна кўрсатган янги кучлар ҳисобига ўз сафларини доим кенгайтириб бормоқда. Ҳисобот даврида КПСС аъзолигига кандидат қилиб қабул этилганларнинг 52 процентидан кўпи ишчилар синфининг вакиллари, қарийб 20 проценти колхозчилар, 24 процентга яқини зиёлиларнинг вакилларидир.

Партияга қабул қилинаётган кишиларнинг 80 процентидан кўпи моддий ишлаб чиқаришда шуғулланмоқда. Партия сафларини асосан

ёшлар ҳисобига ўстира бориш тенденцияси барқарор тус олди. Партия сафига кирувчиларнинг 72 процентдан кўпроғини комсомоллар ташкил этади.

Совет жамияти ҳаётида хотин-қизлар катта роль ўйнаётганлигини ҳисобга олиб, партия ташкилотлари илғор меҳнаткаш аёлларни партия сафига қабул қилишга катта эътибор бермоқдалар. КПСС сафига қабул қилинганларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи хотин-қизлардир. Ўзбекистон Компартияси барча миллат меҳнаткашлари ҳисобига ўсиб бормоқда.

Партия ташкилотлари ўз сафларининг ўсишини тартибга солиб, янги аъзолар қабул қилишни жадаллаштирмасликлари керак. Аҳолининг социал структурасида содир бўлаётган ўзгаришларни, меҳнат коллективларининг ўзига хос хусусиятларини, халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳамма соҳаларига партиявий таъсирни кучайтириш зарурлигини тўла-тўкис ҳисобга олиш лозим.

Партия ташкилотларининг сафларини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси деган юксак номни шараф билан оқлай оладиган ғоявий чиниққан, сиёсий онгли, обрў-эътиборли ишчилар ва колхозчилар, зиёлиларнинг вакиллари ҳисобига ўстириш — асосий вазифадир.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг мавж уриб ўсаётганлиги, халқ хўжалигида мутаносибликнинг ўзгараётганлиги республика партия ташкилотининг структурасида тегишли ўзгариш ясалишини тақозо этади. Ҳозирги вақтда республика партия ташкилоти составида 12 область, 26 шаҳар, 161 район партия комитетлари, 18402 бошланғич, 21540 цех партия ташкилотлари ва 15096 партия группалари бор. Партия ташкилотлари структурасининг такомиллаштирилиши социал-иқтисодий ривожланиш вазифаларини ҳал этишга ижобий таъсир ўтказди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни ҳар томонлама яхши йўлга қўйдилар, уларнинг сиёсий ва хўжалик, ташкилотчилик ва идеология ишларини давр талабларига мувофиқ моҳирлик билан бирга қўшиб олиб боришларига эришдилар.

Ҳисобот даврида республикада ишлаб чиқариш бирлашмалари вужудга келтирилди. Бу ҳол ана шу бирлашмалардаги партия ташкилотларининг мақбул структурасини белгилаб олишни, янги шароитларда бажарадиган ишлари хусусиятларини билиб олишда уларга кўмаклашишни талаб этди. Иш манфаатлари талаб этган жойларда кенг составдаги партия комитетлари, партия ташкилотлари секретарларининг кенгашлари ташкил этилди ва улар муваффақиятли ишлаб турибдилар.

Партия группалари ташкилотчилари, партия комитетлари ва цех бюролари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари секретарлари, аъзоларининг составини мустаҳкамлаш соҳасида собитқадамлик билан иш олиб борилди. Ҳозирги вақтда партиянинг ана шу бўғинларида энг обрўли коммунистлардан 150 мингдан зиёд киши ишлаб турибди. Булар меҳнат коллективларида зўр иззат-ҳурмат ва обрўга сазовор бўлган энг яхши ташкилотчилар, юксак бурчини яхши англаган кишилардир.

Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш юзасидан КПССнинг XXV съезди белгилаб берган йўл уларнинг меҳнат коллективларининг сиёсий ўзаги эканлигини тўлиқ намойиш қилишлари, партия сиёсатини турмушга актив татбиқ қилишлари, ижодий тарзда иш олиб бориб, ҳамиша оммага бошчилик қилишлари учун ёрдам беради.

Ўнинчи беш йиллик республика партия ташкилотлари кўпгина

қимматли тажриба тўплаганлигини ва хўжалик ҳамда маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида юксак даражада кўп иш қилаётганлигини кўрсатди. Улар ишлаб чиқаришда коммунистларнинг авангардлик ролини таъминламоқдалар, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик органларининг зўр ғайрат-шижоат билан бажараётган ишларига йўл-йўриқ кўрсатмоқдалар ва бу ишларни мувофиқлаштириб олиб бормоқдалар.

Бошланғич партия ташкилотларининг ролини бундан буён ҳам кучайтириш ва давлат планлари ҳамда топшириқларни бажариш учун, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш учун уларнинг масъулиятини ошириш, бу соҳада уларга амалий ёрдам бериш керак. Партия ташкилотларининг вазифаси — коллективларда ижодий вазиятни вужудга келтириб, уни қўллаб-қувватлашдан, кишиларни ташаббус кўрсатиш, бутун куч-ғайратни сарф қилиб, сифатли ишлашга ундашдан, камчиликларга қарши қатъий кураш олиб боришдан иборат.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари партия қарорларини, сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мустаҳкам таянчи бўлиб келдилар ва ҳозирда ҳам шундай таянчдирлар. Уларнинг ҳисобот давридаги фаолияти юксак баҳога сазовордир ва биз партия комитетларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Улар ишлаб чиқарувчи кучларни интенсив ривожлантиришга доим катта эътибор бермоқдалар, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришнинг янги имкониятларини чуқур ўрганмоқдалар, ишнинг кўзини яхши билиб, резервларни қидириб топмоқдалар, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва илғор практикадан фойдаланмоқдалар, фан, маданият, партия қурилишининг етилган масалаларини ўртага қўймоқдалар. Партия комитетлари ленинча иш услубини қунт билан эгалладилар, бошланғич партия ташкилотлари орқали меҳнат коллективларига кун сайин ва конкрет таъсир ўтказдилар, партия ишининг ҳаёт синовидан ўтган формаларини моҳирлик билан қўлландилар, уларни янги тажриба билан бойитдилар.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари истиқболни аниқравшан кўриб турибдилар, ишларнинг қандай аҳволда эканлигини ҳар томонлама ва чуқур анализ қилмоқдалар, практикани умумлаштирмоқдалар, иш натижаларига объектив, ўз-ўзини танқид руҳида баҳо бермоқдалар, нуқсон ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқармоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўз фаолиятининг услубини зўр сабот-матонат билан планли равишда чиниқтирди, хўжалик ва маданий қурилишга, партия, совет ва жамоат ташкилотларига раҳбарлик методларини такомиллаштирди. Биз КПСС Марказий Комитетидан доим ўрганиб келдик ва ўрганмоқдамиз. КПСС Марказий Комитети биз учун ижодий, ленинча иш услуби намунасини, ғоят ишчанлик, партияга, давлатга, жамиятга, коммунистик қурилишга жиддий илмий раҳбарлик қилиш намунасини кўрсатмоқда. КПСС Марказий Комитетининг донолиги, жасорати, новаторлиги, ленинча башорати, собитқадам фаолияти унинг обрў-эътиборини ва коммунистларга, барча совет кишиларига нисбатан жозиба кучини бениҳоя оширди.

Ленинча иш услубига оғишмай амал қилиш — партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятини мунтазам равишда яхшилаб бориш, раҳбарлик ва бошқариш соҳасидаги ҳамма ишга аввало фан ва санъат деб билиб ёндашиш демакдир. Бу фан ва санъатни доим ҳар томонлама ва чуқур эгаллаб олиш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бутун фаолияти КПСС XXV съездининг қарорларини бажаришга қаратилди. Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш масалалари боғлиқ бўлган вазифаларга алоҳида эъти-

бор берилди. Марказий Комитет социал-иқтисодий ривожланишга доир ҳамма масалаларни кўриб чиқди. Марказий Комитет партия комитетларининг, министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг ҳисоботларини мунтазам муҳокама қилиб турди. Бу — зарур ва фойдали тадбир бўлиб, ижобий тажрибани ва камчиликларни ўз вақтида аниқлашга, экономиканинг турли соҳаларидаги ишларни ва кишиларни тарбиялашни яхшилашга кўмаклашди. Бундай практикани бундан буён ҳам давом эттириш, ҳар бир ҳисоботнинг маҳаллий аҳамиятга эмас, балки умумреспублика аҳамиятига молик бўлишига, ўн биринчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажариш учун ёрдам беришига эришмоқ керак.

Марказий Комитет ўз иши тўғрисида партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига, республика меҳнаткашларига мунтазам равишда ахборот бериб турди. Область, шаҳар ва район партия комитетлари партия ахборотини яхши йўлга қўйиш, унинг партиявий раҳбарлик воситаси, тарбиялаш ва контрол қилиш омили сифатидаги аҳамиятини ошириш учун кўп иш қилдилар. Илғор тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва ёйишга катта эътибор берила бошланди.

Биз Лениннинг улуғ меросига, КПСС ва унинг Марказий Комитети тўплаган жуда бой тажрибага таяниб, партия раҳбарлиги услуби ва методларини бундан буён ҳам такомиллаштиришимиз лозим.

Партиявий ишнинг самарадорлиги партия комитети, партия ташкилоти қабул қилинган қарорларнинг ижросини контрол қилиш ва текшириш билан нечоғлик собитқадам ва чуқур шуғулланаётганлигига бевосита боғлиқ эканлигини кундалик практика жуда яққол тасдиқлайди.

Бу ишни ташкил этишга доимо эътибор бериш ҳамиша партиямизга хос хусусият бўлиб келди. Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида бу масалалар ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда ижрони контрол қилиш ва текширишнинг аҳволи партия комитетлари, уларнинг аппарати, ҳар бир партия ходими иши самарадорлиги ва сифатининг кундалик мезонидир.

Ҳисобот даврида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш соҳасида таъсирчан тадбирлар амалга оширилди. Партия комиссиялари бу соҳада катта роль ўйнайди. Уларнинг функциялари анча кенгайтирилди. Бу комиссиялар партия директиваларининг, маҳаллий партия органлари қарорларининг ижросини, коммунистларнинг устав талабларига риоя қилишларини назорат қилиб туришда партия комитетларига актив ёрдам бермоқдалар.

Контрол ва ижрони ташкил этишни бундан буён ҳам такомиллаштириш ва бу тадбир ташкилий-сиёсий ишнинг яхлит жараёнидан иборат эканлигини ҳамиша эсда тутиш лозим. Бу жараён хўжалик ва ижтимоий фаолиятини ҳамма жиҳатдан қамраб олиши керак.

Бошланғич партия ташкилотларининг маъмурият фаолияти устидан контрол қилиш ҳуқуқини амалга ошириш соҳасидаги ишларининг мазмуни анча бойиди. Аммо баъзи партия ташкилотларида контрол қилишга суст эътибор берилмоқда. Бунинг натижасида айни бир хил масала юзасидан кўпинча бир хил қарорлар қабул қилинади. Контрол иши кўпинча фактларни қайд этиш, камчиликларни аниқлашдан иборат бўлиб қолади. Камчилик ва нуқсонларни очиб ташлаш керак, албатта. Аммо бунинг ўзигина кифоя қилмайди. Ижрони амалий равишда яхши текшириб чиқиш узилишларга йўл қўймаслиги керак, унинг механизми ўз вақтида ва пухта ишлаб туриши лозим. Шу боисдан биз ижро этиш интизомини, уюшқоқликни бутун чоралар билан мустаҳкамлашимиз, қабул қилинган қарорларнинг белгиланган муддатларда пухта бажарилишига эришмоғимиз керак.

Ҳужжатлар билан оқилона ва оператив иш олиб бориш — партия комитетларининг фаолиятида ишчанлик ва маданият юксак даражага кўтарилишидан далолат беради. Кейинги йилларда Марказий Комитет, область, шаҳар ва район партия комитетларининг аппаратларида ҳужжатлар билан ишлаш анча яхши йўлга қўйилди. Бу иш партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш билан, кадрларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш билан чамбарчас боғланган. Бу ишни бундан буён ҳам такомиллаштириш зарур.

Съездолди ҳисобот-сайлов кампанияси коммунистларни тарбиялашнинг чинакам мактаби бўлиб қолди. Бу кампания партия сафларининг бузилмас бирлигини, республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, ўрток Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюросининг КПСС XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги самарали фаолиятини қизғин қўллаб-қувватлаётганлигини янги куч билан намойиш қилди.

Ҳисобот ва сайлов давомида партия ички демократияси, танқид ва ўз-ўзини танқид янада ривожланди. Социалистик жамиятда танқид ва ўз-ўзини танқид бунёдкорлик қуроли, олға қараб қилаётган ҳаракатимизни тезлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Объектив, ўртоқларча, конструктив тарзда танқид қилиш керак. Район, шаҳар, область партия комитетлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларида коммунистлар изҳор қилган барча илтимос ва танқидий мулоҳазаларни кўриб чиқдилар. Бу мулоҳазалар қандай амалга оширилаётганлигини қаттиқ назорат қилиб туриш зарур.

Биз меҳнаткашларнинг хатларида партия, совет, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотларининг ишини яхшилашга қаратилган кўп таклифлар борлигини кўрамиз, жойлардаги ишнинг аҳволи тўғрисида қимматли ахборот оламиз. Совет кишиларининг кенг фикр доираси ва етук мулоҳазалари, уларнинг ҳаётдаги актив позицияси ана шу чинакам инсоний ҳужжатларда акс эттирилган.

Меҳнаткашларнинг хатлари — партиянинг омма билан алоқа боғлашининг энг муҳим воситаларидан биридир. Партия комитетлари меҳнаткашларнинг ишончини ғоят қадрлаб, хатларда кўтарилган масалаларни эътибор билан кўриб чиқишлари, камчиликларни йўқотишлари, ишни яхши йўлга қўйишлари керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳисобот даврида коллектив раҳбарликнинг ленинча принципига оғишмай риоя қилинишини таъминлади. Марказий Комитет, область, шаҳар, район партия комитетларининг бюро мажлислари, пленумларини, бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларини белгиланган муддатларда ўтказиш партия комитетлари фаолиятининг қоидаси, нормаси бўлиб қолди.

Шу давр ичида Марказий Комитетнинг 19 пленуми, партия ва партия-хўжалик активларининг 30 йиғилиши ўтказилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси ва секретариати жўшқин ва оператив иш олиб бордилар, бюронинг 143 мажлиси ва секретариатнинг 115 мажлиси бўлди. Марказий Комитет секретариати ва бўлимларининг қарорларни бажаришни ташкил этиш ва ижрони контрол қилишни кучайтириш соҳасидаги роли ўсди.

Партия комитетлари ва уларнинг бюролари ўзларининг ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятида сайлаб қўйилган активга кенг таяниб иш кўрдилар, бу активни коллектив қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишгагина эмас, уларнинг бажарилишини ташкил этишга ҳам мунтазам жалб қилдилар. Область, шаҳар, район ва бошланғич партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган партия органлари состави

муттасил кенгайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда ҳар тўрт коммунистнинг бири сайлаб қўйиладиган лавозимларда партиявий иш билан шуғулланмоқда.

Ривожланган социализм шароитида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга оид талаблар янги мазмун билан бойитилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кадрлар билан ишлашда ленинча асосий принципларга, партия ва унинг Марказий Комитетининг қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларига доим амал қилиб келди.

Кадрларни камол топтириш — бир йил ичидагина бажариладиган иш бўлмай, балки узлуксиз жараёндир. Республика фаолиятнинг ҳамма соҳаларида юксак малакали кадрларга эгадир. Раҳбар кадрлар составини яхшилаш ва мустаҳкамлаш борасидаги имкониятларимиз ҳақиқатан ҳам битмас-туганмасдир.

Ҳозирги вақтда область партия комитетлари секретарлари ва область ижроия комитетлари раисларининг ҳаммаси олий маълумотлидир. Уларнинг 70 процентидан кўпи халқ хўжалиги мутахассисларидир. Шаҳар ва район партия комитетлари биринчи секретарларининг, халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари раисларининг сифат состави яхшиланди.

Ишнинг кўзини яхши билиш, юксак профессионал савия — хўжаликни бошқарувчи раҳбарлар состави учун характерлидир. Министрликлар ва идоралар раҳбарларининг 92 проценти — тегишли тармоқларнинг мутахассисларидир. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш раҳбарларининг состави йил сайин яхшиланмоқда. Беш йил ичида саноат, транспорт, алоқа ва қурилиш корхоналари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари орасида мутахассислар сони 20 процент кўпайди.

Ўрта бўғиндаги кадрлар составида ижобий силжишлар рўй берди. Корхоналарда шу категорияга мансуб ҳар тўрт ходимнинг учтаси олий ва ўрта маълумотли мутахассисдир. Қишлоқ хўжалигида ҳам уларнинг сони икки баравар кўпайди. Кейинги икки йил ичидагина тўрт ярим минг агроном, зоотехник ва бошқа мутахассислар бригадир ва чорвачилик фермаларининг мудирлари лавозимида ишлаш учун юборилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбар кадрлар составини мутахассислар ҳисобига мустаҳкамлаш йўлини актив ўтказиш билан бир қаторда ишчилар ва колхозчиларни кўтаришга ҳам эътиборни сусайтирмаяпти. Улар барча область, шаҳар ва район партия комитетлари бюролари, область, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари составига сайланмоқдалар. Ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг етмиш мингдан зиёд вакили партия комитетларининг аъзолари ва халқ депутатларидир. Бу эса уларни жамоат ҳаётига кўпроқ жалб этишга йўл очиб беради, сиёсий жиҳатдан яхши чиниқиб олишларига, ташкилотчилик малакаларини ҳосил қилишларига кўмаклашади.

Хотин-қизларни хўжалик ва жамоат ишларини бошқаришда янада актив қатнашишга кенг жалб этиш — республика партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳар уч инженернинг бири, врачларнинг 57 проценти, ўқитувчиларнинг қирқ беш процентдан кўпроги хотин-қизлардир. 45 мингдан зиёд хотин-қиз халқ депутатлари қилиб сайланди. Шаҳар, район партия комитетлари секретарларининг 28 процентини аёллар ташкил этади.

Бизда министр, республика муассасаларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари бўлиб ишлаётган хотин-қизлар кам эмас, минг-минглаб хотин-қизлар бошланғич партия ташкилотларига, корхона,

хўжалик, муассаса, цех, бригада ва фермаларга бошчилик қилмоқдалар. Область, шаҳар ва район партия комитетлари хотин-қизларни бундан буён ҳам раҳбарлик ишларига кўпроқ кўтаришлари керак.

Республика партия ташкилотида кексаларнинг тажрибасини ёш ходимларнинг ғайрат-шижоати билан тўғри қўшиб олиб боришдан иборат принципиал йўлга қаттиқ риоя қилинмоқда. Партия комитетлари ёшларни дадил кўтариш билан бирга катта стажга эга бўлиб, ташаббус кўрсатиб ижодкорлик билан ишлаётган ва олдимизда турган вазифаларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшаётган раҳбарларга зўр эътибор ва меҳрибонлик билан қарамоқдалар.

Республика партия ташкилотида кадрларнинг состави тобора барқарор бўлиб қолмоқда. Раҳбар кадрлар комил ишонч билан ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар, бу кадрларга ишонч билдириб, уларни қўллаб-қувватламоқдалар, ўз қобилиятлари ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун ҳамма шарт-шароитлар вужудга келтирилмоқда. Камтарлик, камсуқумлик, меҳнаткашларга нисбатан меҳрибон бўлиш — раҳбарларимизнинг ғоят кўпчилигига хос хусусиятдир.

Партия ташкилотларида қарор топган соғлом вазият кишиларни бутун куч-ғайратни сарфлаб, ташаббус кўрсатиб, ижодий ишлашга чорлайди. Бу — уларнинг топширилган иш учун жавобгарлигини оширади.

Шу билан бирга баъзи партия комитетлари кадрларга нисбатан талабчанликни юксак даражага кўтармаганлигига, айрим ходимларнинг топширилган ишни уддалай олмай, ҳаётдан орқада қолаётганлигига, ўқимаётганлиги, интизомга риоя қилмаётганлигига ва масъулиятни сезмаётганлигига тоқат қилиб келаётганликларини эътироф этишга тўғри келади. Бундай раҳбарларни меҳнаткашларнинг ишончига сазовор бўлган серғайрат, ижодий фикрловчи, ташаббускор ўртоқлар билан алмаштириш керак.

Ҳозирги кунда ҳар қандай лавозимдаги раҳбар янгиликни чуқур ҳис этиши, социал-иқтисодий тараққиёт жараёнларини реал анализ қилиши, мавжуд резервлар ва имкониятлардан моҳирона фойдаланиши, истиқболни кўра билиши лозим. Раҳбар ҳаққоний ва ростгўй, камсуқум ва камтар бўлиши лозим, албатта. Ана шу энг муҳим хислатлар бамисоли ишонч ва иззат-ҳурмат белгисидир. Бундай хислатлари бўлмаган раҳбар ҳақиқий раҳбар эмас.

Кадрлар сиёсати кадрларни танлаш, тайёрлаш, тарбиялаш ва уларнинг ҳаракатчан резервини вужудга келтиришни пухта ўйлаб ташкил этишни, бу соҳада муайян система бўлишини талаб этади. Марказий Комитет бу масалаларга катта эътибор берди. Ҳисобот даврида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси ва Тошкент олий партия мактабини 600 киши битириб чиқди. Эндиликда партия ва совет органлари раҳбарларининг қарийб 35 проценти махсус маълумот билан бир қаторда партиявий-сиёсий билимга ҳам эгадир.

Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг республика семинарлари, бутуниттифоқ, республикалараро, областлараро малакани ошириш курсларида ўқиш яхши натижа бермоқда ва ҳоказо. Кадрларни қайтадан тайёрлашга бундан буён ҳам катта эътибор бериш лозим.

Халқ депутатлари Советларига раҳбарликни янада юксак даражага кўтариш масалалари партия комитетларининг ишида муҳим ўрин олади. Республика партия ташкилотлари депутатларнинг ва совет органлари кадрларининг составини яхшилаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилмоқдалар. Маҳаллий Советлар депутатларининг 90 процентидан кўпи олий ва ўрта маълумотли, уларнинг учдан икки қисми ишчи ва колхозчилардир.

СССРнинг янги Конституцияси Советларнинг ва совет органларининг, жамоат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини янада юксак даражага кўтарди. Ўзбекистон ССР Конституциясининг, шунингдек Советларга ва депутатларга янги, янада кенг ҳуқуқларни берган қонунларнинг қабул қилиниши социалистик демократияни ривожлантиришда муҳим босқичдир.

Партия ташкилотларининг вазифаси хўжалик ва маданий қурилиш масалаларини ҳал этишда, совет кишиларининг турмушини яхшилашдан иборат кенг программани амалга ошириш учун курашда Советларнинг бундан буён ҳам актив иштирок қилишини таъминлашдан иборат.

Республикада **қонунчиликни такомиллаштириш, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш** соҳасида муттасил иш олиб борилмоқда. Бундан буён ҳам ана шу масалаларга эътиборни сусайтирмаслик, жамият манфаатларига зид бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга тоқат қилиб бўлмайдиган муҳитни вужудга келтириш керак. Прокуратура, суд, милиция, кенг жамоатчилик, кўнгилли халқ дружиналари ҳуқуқ-тартибот бузилишининг олдини олиш тадбирларининг таъсирчанлигини оширишлари, ахлоқимизга зид бўлган феъл-атворга қарши курашни бутун чоралар билан кучайтиришлари лозим.

Леонид Ильич Брежневнинг партия маъмурий органлардан ҳуқуқ-тартиботнинг ҳар қандай тарзда бузилишларга қарши курашда янада кўпроқ ташаббус, принципиаллик кўрсатишни, муросасиз иш олиб боришни кутади, деган сўзлари совет қонунларини қўриқлаётган, меҳнаткашларнинг осойишталиги ва иззат-ҳурматини муҳофаза этаётган ҳар бир киши учун наказ бўлиб жаранглаши керак.

Республика **касаба союзларининг** иши такомиллашиб бормоқда. Улар мўътабар, энг оммавий жамоат ташкилоти бўлиб, ўз сафларида 5 миллион 230 минг кишини бирлаштирадилар. Леонид Ильич Брежнев касаба союзларининг вазифаларини аниқ-равшан таърифлаб берди: «Халқ хўжалигини ривожлантириш ҳақида, ишлаб чиқаришни юксалтириш ҳақида, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари тўғрисида, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш — касаба союзларининг яхлит вазифасидир. Ҳа, яхлит вазифасидир. Бунинг боиси шуки, экономикани ўстириш ва сифат жиҳатдан такомиллаштириш — меҳнат аҳлининг, унинг оиласининг, барча гражданларнинг турмуш шароитини яхшилашнинг бевосита ва тўғри йўлидир».

Барқарор меҳнат коллективларини вужудга келтириш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш, интизомни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, социалистик мусобақага раҳбарлик қилиш, илғор коллективларнинг ва ишлаб чиқаришдаги энг яхши ходимларнинг тажрибасини жорий этиш, ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашиш, самарадорлик ва сифат учун кураш — буларнинг ҳаммаси касаба союз ташкилотларининг ҳам ҳуқуқи, ҳам бурчидир.

Ҳисобот даври Коммунистик партиянинг жанговар ёрдамчиси ва ишончли резерви — **комсомолга** партия раҳбарлигининг кучайтирилганлиги билан характерланади. Комсомол сафларида икки миллион 650 минг йигит ва қиз бор. Ўзбекистоннинг орденли комсомоли кўпгина шонли ишларни бажарди. Беш йилликдаги энг муҳим қурилишларни оталиққа олиш, механизаторларнинг умумий таълими, пахта ва маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш, БАМ қурилишида, партиянинг Ноқоратупроқ зона қишлоқ хўжалигини ривожлантириш программасини амалга оширишда қатнашиш, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида фидокорона ишлаш — буларнинг ҳаммасида ажо-

йиб ёшларимизнинг меҳнатигина эмас, қалбларининг ҳарорати ҳам жўш уриб турди.

Биз ўз ёшларимиз билан фахрланамиз, биз уларга ишонамиз, биз уларни коммунистик қурилишнинг янги марраларини эгаллашга, ёш авлодни коммунизм руҳида тарбиялашга, бу авлодда маркcча-ленинча дунёқарашни шакллантиришга, ҳаётда актив позицияда туришга, Ленин партияси ва совет халқининг қаҳрамонона анъаналари руҳида яшаш ва ишлашга интилишни камол топтиришга чақирамиз.

Партия ташкилотлари **халқ контроли органлари** ишининг таъсирчанлигини кучайтиришга сабот-матонат билан эришмоқлари, уларга кўпроқ ёрдам беришлари, халқ контролёрларининг диққат-эътиборини партия ва ҳукуматнинг қарорларини бажариш учун биринчи даражали аҳамиятга молик бўлган масалаларга қаратишлари лозим.

Ўн биринчи беш йилликда республика ҳал этиши лозим бўлган кенг кўламдаги вазифалар экономика ва маданиятга, кишиларни тарбиялаш ишларига партиявий раҳбарликни янада юксак даражага кўтаришни, омма ўртасида олиб бориладиган ишларни яхшилашни, муваффақиятли равишда олға боришимизга халақит берадиган ҳамма ғовларни йўқотишни талаб этади. Бутун ташкилий-партиявий ва ғоявий-тарбиявий иш шунга хизмат қилиши лозим. Бу ишни доим яхши йўлга қўйиш ва такомиллаштириш — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, область, шаҳар, район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг асосий вазифасидир.

* * *

Делегат ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг топшириғига биноан унинг ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида сизларга ахборот бердим. Республика партия ташкилотининг ўтган беш йил мобайнида бажарган кўп қиррали ишлари ҳақидаги таҳлил делегатларнинг нутқларида тўлатилади, унинг фаолиятидаги муваффақиятлар ва нуқсонлар кўрсатиб ўтилади, албатта. Аммо фикримизча, биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари партия XXV съезди, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга ошириш учун курашда кўп иш қилдилар, деган хулосани чиқариш учун ҳамма асосларга эгамиз.

Биз ҳисобот даврида асосий туб ва белгилаб берувчи соҳада — халқ хўжалигини ривожлантириш, ташкилотчилик ва сиёсий иш услуби ҳамда методларини такомиллаштириш, коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини амалга ошириш соҳасида олға қараб катта қадам қўйдик.

Аммо хотиржам бўлиш бизга ётдир. Биз Лениннинг эришилган ютуқлар билан хотиржам бўлмаслик, доим олға бориш ва муқаррар кўп нарсага эришиш керак, деган васиятини доим эсда тутамиз.

Республика меҳнаткашлари янги ўн йилликни яхши кўрсаткичлар билан бошлаб бердилар. Улар КПССнинг XXVI съезди белгилаб берадиган янада мураккаб ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун зарур заминларни вужудга келтирдилар.

Ўзбекистон олдида янги буюк истиқболлар очилмоқда. Ана шу вазифаларни амалга ошириш ҳар биримизнинг илҳомбахш меҳнатимизга, уюшқоқлигимиз, уддабуронлигимизга, ишни ленинча пухта ташкил этиш маҳоратимизга, ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг, зиёлиларнинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини янада юксак даражага кўтаришимизга, оммани партиянинг улуғвор режаларини бажариш учун курашга сафарбар қилишимизга боғлиқдир.

Съездимиз қабул қиладиган қарорлар ана шу шонли йўлдан муваффақиятли равишда олға ҳаракат қилиб боришнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолади. Съезд қарорларини бажариш — бизнинг шарафли ишимиз, муқаддас вазифамиз, ватанпарварлик ва интернационал бурчимиздир.

Совет Ўзбекистонининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари партиямизнинг ленинча бош йўлига доим амал қиладилар деб, КПСС Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросини, шахсан азиз Леонид Ильич Брежневни ишонтиришга ижозат бергайсиз. Совет Ўзбекистонининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари бундан буён ҳам ленинча, коммунистларча яшайдилар, ишлайдилар ва курашадилар. Ватанининг иқтисодий ва мудофаа қудратини, СССР халқларининг дўстлиги ва қардошлигини тинмай мустаҳкамлайдилар, ўз куч-ғайратлари ва билимини ўн биринчи беш йиллик планларини амалга оширишга бағишлайдилар.

Яшасин давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Халқлар дўстлиги ва қардошлигининг машъали — Улуғ Ватанимиз гуллаб-яшнайверсин!

Яшасин ҳамиша барҳаёт ғолиб таълимот — марксизм-ленинизм!

Яшасин коммунизм!

(Ўрток Ш. Р. Рашидов доклади зўр эътибор билан тингланди ва бир неча марта қарсаклар билан бўлиниб турди).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИГА «СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981—1985 ЙИЛЛАРГА ВА 1990 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ доклади

Делегат ўртоқлар!

Ҳозир, КПСС XXVI съездига тайёргарлик, КПСС Марказий Комитетининг партия съезди учун «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасининг кенг умумхалқ муҳокамаси мамлакатнинг бутун ижтимоий-сиёсий турмушида марказий ўринда турибди. Жуда катта назарий, сиёсий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжат партия программаси, XXIV ва XXV съездларнинг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорлари, партия Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг асарлари ва нутқлари асосида ишлаб чиқилган, КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида СССРдаги коммунистик қурилиш тажрибаси ижодий умумлаштирилган, бошқа социалистик мамлакатларнинг тажрибаси эътиборга олинган, КПССнинг Советлар мамлакатини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларига доир стратегияси ҳамда тактикаси саксонинчи йилларнинг конкрет шароитларини ҳисобга олиб, мужассам ифодалаб берилган.

Бу ҳужжатда мамлакатнинг, барча иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар, областларнинг меҳнат ҳамда табиий ресурслари ҳисобга олиниб, уларнинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада қудратли равишда ривожлантириш кўзда тутилган.

Республикада асосий йўналишлар лойиҳасининг муҳокамасида 5 миллион 800 минг киши қатнашди ва 16 мингта таклиф тушди. Бу муҳокама оммани коммунистик руҳда тарбиялашнинг ҳақиқий мактаби, ишлаб чиқаришни ўстириш резервлари, халқ хўжалигининг барча тармоқлари ривожини интенсивлаш кўриги бўлди.

1976—1980 йилларда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг баъзи якунлари

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумидаги программавий нутқида айтиб ўтилганидек, ўнинчи беш йиллик коммунизм йўлидан комил ишонч билан бораётган совет халқи қаҳрамонона ишлари тарихида муносиб ўрин олади.

Ўзбекистон ССР совет халқларининг қардошлик оиласида КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг доимий диққат-эътибори ва тобора кўплаб бераётган ёрдами туфайли катта муваффақиятларга эришди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан қилган ҳисобот докладида бизнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги ютуқларимиз яққол ифодалаб берилди, республика партия ташкилотининг XIX ва XX съездлар ўртасидаги кўп қиррали ташкилотчилик ҳамда сиёсий иши батафсил кўрсатилди, экономика, фан ва маданиятни янада ривожлантиришнинг янги, янада мураккаб вазифалари ўртага қўйилди.

Ўнинчи беш йиллик планларини амалга ошириш давомида республика партия ташкилоти меҳнаткашларнинг куч-ғайратини ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга, фан-техника тараққиёти ва илғор тажриба ютуқларини жорий этишга зўр ғайрат билан сафарбар қилди. Хўжалик вазифаларини ҳал этишга комплекс ёндашиш, халқ хўжалигининг илгари орқада қолиб келган бўғинларини илғорлар даражасига етказиб олиш, катта табиий ва меҳнат ресурсларига эга бўлган районлар ва областлар ривожини жадаллаштириш беш йилликнинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолди.

Партия XXV съездининг тарихий қарорларида халқ хўжалиги соҳасида кўзда тутилган энг муҳим вазифалар, республика партия ташкилотининг съезд минбаридан берган юксак ваъдалари, ўнинчи беш йиллик ҳар бир йили учун белгиланган, шунингдек, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида ҳамда партия билан ҳукуматнинг алоҳида қарорларида ўртага қўйилган конкрет топшириқлар — мана шуларнинг ҳаммаси шараф билан бажарилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Беш йиллик мобайнида жами ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад қарийб учдан бир ҳисса кўпайди. Республика экономикасининг шитобли ривожида кўп тармоқли индустрия етакчи роль ўйнамоқда. Саноат ходимлари беш йилликнинг йиллик топшириқларидан ташқари бир ярим миллиард сўмликдан зиёд маҳсулотни реализация қилдилар. Биргина 1980 йилнинг ўзида саноат маҳсулотининг ҳажми 1979 йилга нисбатан бир миллиард сўмликка яқин кўпайди.

Машинасозлик, химия саноати, қора металлургия айниқса жадал ривожланди. Беш йиллик мобайнида истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш 45 процент ортди.

Кейинги йилларда Сирдарё ГРЭСи, Чирчиқдаги капролактам ишлаб чиқариш корхонаси, Навоий цемент заводи, Бекободда пўлат ва прокат ишлаб чиқарадиган янги қувватлар, Урганч ва Гулистонда ёғ-экстракция заводлари, Хива гилам комбинати, Қувасой чинни заводи, Тошкентда ошхона мебели заводи ва бошқа кўпгина йирик саноат объектлари ишга туширилди.

Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилишга катта эътибор берилди. «Средазэлектроаппарат», «Средазкабель», «Узбектекстильмаш» бирлашмаларида, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ва бошқа бир қанча корхоналарда техника билан қайта қуроллантириш соҳасида талай ишлар қилинди.

Кичик шаҳарларда, посёлкаларда ва район марказларида бош корхоналарнинг 290 тадан кўпроқ филиали, шунингдек 95 тага яқин мустақил заводлар барпо этилди. Булар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришдагина эмас, шу билан бирга тез ўсиб бораётган меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишда ҳам муҳим роль ўйнади.

Қишлоқ меҳнатчилари ўнинчи беш йилликни шонли ғалаба билан нишонладилар. Тўққизинчи беш йилликка нисбатан 6 миллиард 300 миллион сўмлик кўп қишлоқ хўжалик маҳсулоти олинди. Маҳсулот етиштириш йилига ўрта ҳисобда кўзда тутилган 22 процент ўрнига 25,4 процент ортди.

Пахтачиликни ривожлантиришда ғоят катта муваффақиятларга эришилди. 1980 йилда давлатга 6 миллион 237 минг тонна пахта сотилди. Беш йиллик давомида тўққизинчи беш йилликка нисбатан жами 4 миллион 40 минг тонна кўп пахта тайёрланди. Республикада пахта етиштириш узлуксиз кўпаймоқда ва унинг ҳосилдорлиги ошмоқда.

Дон, айниқса шоли ва маккажўхори, мева ва сабзавот, пилла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида собитқадамлик билан хилма-хил ишлар қилинмоқда. Шулар туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳамма турларини харид қилиш ва умумиттифоқ фондига етказиб бериш беш йиллик планлари ошириб бажарилди.

Темир йўл ва автомобиль транспорти, граждан авиацияси ва алоқа корхоналари ходимлари дуруст муваффақиятларга эришдилар.

Капитал қурилишнинг кенг программасини амалга оширмай туриб, халқ хўжалигини муваффақиятли ривожлантириб бўлмас эди. Республиканинг асосий ишлаб чиқариш фондлари тўққизинчи беш йилликка нисбатан бир ярим баравар, капитал маблағ эса 1,3 баравар кўпайди.

100 тага яқин йирик саноат корхонаси ва цех, 45 та чорвачилик комплекси, 285 та ферма ишга туширилди, ярим миллион гектарга яқин янги ерлар ўзлаштирилди, суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолиши мутлақо тугатилди, юзлаб маданий-маиший объектлар қурилди. 27,8 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланиш учун топширилди.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг актуал вазифаларини ҳал қилишга Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, бошқа илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари муайян ҳисса қўшмоқдалар. Ишлаб чиқариш новаторларининг роли жуда катта. 1980 йилнинг бир ўзида улар 50 мингтадан кўпроқ ихтиро ва рационализаторлик таклифи киритдилар.

Меҳнаткашларнинг турмуш даражасини анчагина оширишга эришилди. Аҳоли жон бошига реал даромадлар 17 процент кўпайди. Ижтимоий истеъмол фондидан бериладиган тўлов ва имтиёзлар қарийб бир ярим баравар ортди. Аҳолига аввалги беш йилликка нисбатан 13 миллиард сўмлик кўп мол сотилди ёки бу соҳада 42 процентдан зиёд ўсишга эришилди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 1,8 баравар кўпайди.

Халқ маорифи ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг маданий турмуш даражасини ошириш, уларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш соҳасида катта ишлар қилинмоқда.

Коммунал хизмат анча яхшиланди. Шаҳарларда ва район марказларида ҳар кеча-кундузда бир миллион куб метрдан кўпроқ сув бера

оладиган иншоотлар, бир ярим минг километр водопровод ва канализация тармоқлари қурилиб, ишга туширилди. Шаҳарларни, район марказларини, посёлкалар ва қишлоқларни газ билан таъминлаш кенг жабҳа бўйлаб олиб борилмоқда. Метрополитеннинг биринчи навбати ишга туширилганлиги республика пойтахти аҳолиси учун катта ва қувончли воқеа бўлди.

Башарти ишлаб чиқариш резервларидан янада тўла-тўкис фойдаланилганида ва бу резервлар активроқ ишга солинганида, мавжуд камчиликлар янада сабот билан тугатилганида экономикани ривожлантиришда ва социал вазифаларни ҳал этишда бундан ҳам салмоқлироқ ютуқларга эришиш мумкин бўлур эди. Ҳолбуки, ҳали ишлаб чиқариш резервларимиз ва камчиликларимиз оз эмас.

Планларни муваффақиятли бажарган тармоқлар ва корхоналар билан бир қаторда маҳсулот реализация қилиш ҳажми, янги техникани жорий этиш ва ўзлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқларни уддалай олмаётган қолоқ тармоқлар ва корхоналар ҳам бор.

1980 йилда маҳсулот ишлаб чиқаришни меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига кўпайтиришнинг улуши атиги 55 процентни ташкил қилди. Тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва бинокорлик материаллари саноати сингари тармоқларда ишлаб чиқариш планларининг ва техникавий-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилиши соҳасидаги ишларнинг аҳволи жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Асосий фондлардан фойдаланишни янада яхшилаш ва фондларнинг самарадорлигини ошириш замирида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг катта-катта резервлари яшириниб ётибди. Ҳолбуки, айрим тармоқларда, айниқса енгил саноат ва машинасозлик корхоналарида фондларнинг самарадорлиги пастлигича қолмоқда. Ишлаб чиқариш қувватларидан тўла-тўкис фойдаланмаслик, асбоб-ускуналарнинг ва ишчиларнинг кўп вақт бекор туриб қолиши, сменалар коэффициентининг пастлиги бунинг асосий сабабларидир.

Фондларнинг самарадорлигини ошириш, қувватлардан самарали фойдаланиш хўжаликни омилкорлик билан юритишнинг туб проблемаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Госплан, министрликлар, идоралар ва барча маҳаллий органлар бу масалаларни обдан ўрганиб чиқиб, камчиликларни тугатиш чораларини кўришлари керак.

Қишлоқ хўжалигида ҳам катта резервлар бор. Бир қанча колхоз ва совхозларда, айрим бригадалар, фермаларда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва чорвачиликнинг маҳсулдорлиги даражаси паст. Қурилишда ҳамон маблағнинг кўпдан-кўп объектларга сочиб юборилишига ҳамда уларни ишга тушириш муддатларининг чўзилиб кетишига йўл қўйилмоқда.

Аҳолини баъзи озиқ-овқат ва саноат моллари билан тўла равишда таъминламаслик ҳоллари содир бўлди. Маданий-маиший, коммунал ва медицина хизматини ташкил этишни янада жиддий равишда яхшилаш лозим.

Бизнинг вазифамиз — камчиликларни имкони борича тезроқ тугатишдан ҳамда янги беш йилликнинг дастлабки ойларидан бошлаб халқ хўжалигининг барча бўғинларида янада самарали ва сифатли ишлашни таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини 1981—1985 йилларда ва 1990 йилгача бўлган даврда ривожлантиришнинг асосий вазифалари

Ўн биринчи беш йилликнинг бош вазифаси, КПСС Марказий Комитети лойиҳасида таъкидлаб ўтилганидек, халқ хўжалигини муттасил олға ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва экономикани интенсив ривожланиш йўлига кўчириш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциалидан оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ҳар томонлама тежаш ва иш сифатини яхшилаш асосида совет кишиларининг фаровонлигини янада ўстиришни таъминлашдан иборат.

Асосий йўналишлар лойиҳасида партиямизнинг ленинча миллий сиёсати ўзининг чуқур ифодасини топган. Умуман мамлакатнинг ҳам, шунингдек, алоҳида ҳар бир иттифоқдош республиканинг ҳам манфаатлари эътиборга олинган. Ўзбекистон ССР экономикаси ва маданиятини ривожлантириш истиқболлари бунинг яққол тасдиғидир.

Республикада тез кўпайиб бораётган аҳолининг иш билан таъминланишини ошириш, ғоят бой минерал хом ашё ва ёқилғи конларидан саноатда фойдаланиш, янги ерларни жадал ўзлаштириш сингари иқтисодий ўсишнинг ғоят муҳим омилларидан самарали фойдаланиш йўли билан экономикани янада юксалтириш ва мамлакатнинг яхлит халқ хўжалик комплексига кўпроқ ҳисса қўшиш учун жуда катта имкониятлар бор.

Ўн биринчи беш йилликда жами ижтимоий маҳсулот 43—44 миллиард сўмликка етади ёки 27—30 процент кўпаяди. Миллий даромад 30—33 процент ортади. Халқ хўжалигини ривожлантиришга ўнинчи беш йилликка нисбатан 22—25 процент кўп капитал маблағ сарфлаш мўлжалланмоқда.

Бошланган ўн йиллик вазифаларини ҳал этишда илм-фан ва техника тараққиётининг роли муҳимдир. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими ва бошқа илмий муассасалар, олий ўқув юртлари олимларининг куч-ғайратлари республиканинг ғоят бой табиий ва иқтисодий ресурсларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш мақсадида тадқиқотларнинг миқёсларини кенгайтиришга қаратилади.

Ҳозир илм-фаннинг практика билан алоқаси мустаҳкамлиги илмий лойиҳаларнинг ишлаб чиқаришда берган нақд самараси билан баҳоланади. Бутун бир тармоққа таъсир ўтказадиган йирик илмий ғоялар ишлаб чиқаришга жорий этилган тақдирдагина илм-фаннинг халқ хўжалигига таъсири самарадорлиги максимал равишда рўёбга чиқади.

Саноатни ривожлантириш

Шу беш йилликда саноат маҳсулоти ҳажми 28—31 процент ортади. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш, саноатнинг барча тармоқларини, айниқса истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ривожлантиришни таъминлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва республиканинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги ролини ошириш энг муҳим вазифадир. Саноат тармоқ-

ларини ривожлантиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгиланмоқда.

Энергетика ва электрлаштириш соҳасида. 1985 йилда электр энергия ҳосил қилишни 44—45 миллиард киловатт-соатга етказиш ёки 1980 йилга нисбатан 1,4 баравар кўпайтириш белгиланмоқда.

Ёқилғи билан ишлайдиган катта станцияларга аввалгидек асосий эътибор берилади. Сирдарё ГРЭСининг ўнинчи энергоблоки қуриб битказилади, унинг қуввати 3 миллион киловатт-соатга етади. Ангрен 2-ГРЭСининг жами 600 минг киловатт қувватга эга бўлган иккита энергетика блоки ишга туширилади, 3,2 миллион киловатт қувватли Толимаржон ГРЭСи қурилиши бошлаб юборилади, унинг биринчи энергетика блокини шу беш йиллик мобайнида ишга тушириш белгиланган.

Туямўйин ва Андижон сув омборлари бўйида гидростанцияларни ишга тушириш, шунингдек, 25 минг километр электр линияси қуриш планлаштириб қўйилган. Писком, Зарафшон, Қорадарё ва катта каналларда гидростанциялар қуриш ҳисобига энергетика қувватлари кўпайтирилиши керак.

Ёқилғи саноатини янада ривожлантиришга катта аҳамият берилади. Газ қазиб олиш анчагина кўпайтирилади. Бизда разведка қилиб аниқланган табиий газ запаслари камаймай, балки, аксинча кўпайиб бораётганлиги қувончли ҳолдир. Эндиликда Қашқадарё области газ саноатининг энг катта марказига айланиб бормоқда.

Бу районда газ қазиб олишнинг кўпайиши ва ундан самарали фойдаланиш газни қайта ишлайдиган катта корхоналар барпо этилиши билан боғлиқдир. Ишлаб турган Муборак газни қайта ишлаш заводида маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириш ва Шўртанда янги завод қуриш белгиланмоқда. Бу корхоналар беш йиллик охирига бориб химия саноати учун керакли қимматбаҳо хом ашё — газга қўшилиб чиқадиган 400 минг тоннагача олтингугурт бера олади.

Шўртан – Сирдарё ГРЭСи газ қувури Тошкент ГРЭСигача келтирилади, бу қувур Бекобод, Оҳангарон ва Олмалиқдаги цемент корхоналарига ҳамда буғ қозонхоналарига ҳам газ берадиган бўлади. Фарғона водийсини газ билан таъминлашни яхшилаш учун Қува орқали Андижонгача ҳам Ховос — Фарғона газ қувури ётқизилади.

Бу тадбирлар халқ хўжалигининг барча тармоқларини газ билан кенг миқёсда таъминлаш ва газдан саноат хом ашёси сифатида ҳам самарали фойдаланиш имконини беради.

Кўмир саноатида катта вазифалар ҳал этилиши лозим. Ангрен кўмир разрези аввалгидек асосий база бўлиб қолаверади. Бу разрез кенгайтирилади ва ҳозир қурилаётган Ангрен 2-ГРЭСини ёқилғи билан таъминлайдиган бўлади. «Шарғун» шахтасини реконструкция қилиш ҳамда Сурхондарё областининг Бойсун районида топилган янги катта конни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Кўмир қазиб чиқариш анча ортади.

Ҳозир кўмир қазиб олиш жараёнида кераксиз жинслар билан бирга ташлаб юборилаётган Ангрен каолинидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Биз СССР Госпланига, иттифоқ Кўмир саноати, Рангли металлургия ва Бинокорлик материаллари саноати министрликларига мурожаат этиб, республиканинг таклифларини кўриб чиқишни ҳамда мана шу актуал халқ хўжалик проблемасини ижобий ҳал этиб беришни яна бир карра илтимос қиламиз.

Кейинги йилларда **қора металлургияни** жадал ривожлантириш базаси вужудга келтирилди. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия комбинатида йилига жами 500 минг тонна пўлат эритиб берадиган янга иккита электр ёрдамида пўлат эритиш печини ишга тушириш мўл-

жалланмоқда. Бу тадбир комбинатда пўлат эритишни 1985 йилга бориб 1 миллион 200 минг тоннага етказиш ёки 1,8 баравар кўпайтириш имконини беради. Прокат ишлаб чиқаришни ривожлантириш соҳасида янада каттароқ вазифалар қўйилмоқда. 1985 йилда тайёр прокат ишлаб чиқариш 3,6 баравар кўпайтирилади.

Металлургия комбинатининг ривожлантирилиши халқ хўжалигини металл билан таъминлаш учунгина эмас, шу билан бирга темир йўлларда муқобил юк ташишни кескин камайтириш учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли Қора металлургия министрлиги Ўрта Осиё регионида тўпланиб қолаётган барча темир парчалари шу ернинг ўзида қайта ишланадиган бўлиши учун комбинат қувватларини янада кенгайтиришга эришиши зарур.

Яқин йилларда Қорақалпоғистон АССРдаги Султон—Увайсий районида топилган темир руда конидан фойдаланиш йўли билан қора металлургиянинг иккинчи базаси вужудга келтирилади.

Ўзбекистоннинг ер остида ғоят қимматли хилма-хил фойдали қазилмалар кўп. Уларнинг кўплиги жиҳатидан республика мамлакатда олдинги ўринлардан бирида туради. Ўзбекистон геологлари мис, қўрғошин, рух, қалайи, вольфрам ва минерал хом ашё турларининг катта-катта запасларини топишган. Бу — рангли металлургияни жадал ривожлантиришнинг жуда муҳим шартидир. Яқин келажакда Ўзбекистон мана шу етакчи тармоқнинг энг катта маркази бўлиб қолади.

Беш йиллик мобайнида қора мис, металл ҳолидаги қўрғошин ва рух ишлаб чиқариш ҳажмини бир ярим баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Шу сабабли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг хом ашё базасини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериляпти.

Жиззах областида Учқулоч қўрғошин-рух руда кони ишга туширилади. Сурхондарё областидаги Хандиза полиметалл рудалар конида ва Самарқанд областидаги вольфрам конида тайёргарлик ишлари тугалланади ва улар ўзлаштирила бошлайди. Бухоро, Жиззах ва Тошкент областларида олтин қазиб чиқарадиган тармоқларни янада ривожлантириш мўлжалланмоқда. Олтин қазиб чиқарадиган бир неча фабрика қурилади. Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар ишлаб чиқариш кўпаяди. Қалайи қазиб оладиган саноат учун базалар тайёрлаб қўйилди.

Химия саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,6—1,8 баравар, нефть химиясида эса 1,6 баравар кўпайтирилади. Минерал ўғит ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилади; минерал ўғит ишлаб чиқариш шартли бирликда 9,6 миллион тоннага етади. Мураккаб ва концентрат ўғитлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилади. 1980 йилда 3 миллион тоннадан сал кўпроқ мана шундай ўғитлар ишлаб чиқарилган бўлса, 1985 йилда 6 миллион тонна ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Фосфат ўғитлар ишлаб чиқариш беш йиллик мобайнида қарийб икки баравар ва хлорат-магний дефолианти ишлаб чиқариш уч баравар ортади.

Мамлакатимизда биринчи марта Навоий шаҳрида энг қимматбаҳо ғўза гербициди — которан ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бултур 760 тонна которан тайёрланди. Яқин йилларда уни ишлаб чиқаришни 4 минг тоннага етказиш, шунингдек, акрекс ва трефлан деб аталган янги гербицидлар ишлаб чиқарувчи қувватларни тезроқ ишга тушириш жуда муҳим вазифадир. Бу — бегона ўтларни юлиб ташлашдаги қўл меҳнатини анча қисқартириш ва ҳосилдорликни ошириш имконини беради. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг инсон ва атроф-муҳит учун зарари энг оз бўлган химиявий воситаларини яратиш химия саноати ва илмий муассасалар ходимларининг ғоят муҳим вазифасидир.

Химиявий тола, синтетик смола ва пластмассалар, полимер плёнка, кир ювиш воситалари ва рўзғор химияси моллари ишлаб чиқариш анча ортади.

Машинасозлик бутун индустриянинг ўзаги ролини ўйнашига асосланиб, бу тармоқни ривожлантиришнинг ўсиб борувчи параметрлари белгиланди. Машинасозлик маҳсулоти ишлаб чиқариш умумий ҳажми 1,5 баравар кўпаяди.

Қишлоқ хўжалик машинасозлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Пахта териш машиналари ишлаб чиқариш йилига 9 мингтадан 15 мингтага етказилади. Янги универсал пахта териш машиналарини кўплаб ишлаб чиқариш бошланади. 1985 йилда Тошкент трактор заводи 1980 йилдаги 24 мингта ўрнига пахтачиликка мослаштирилган 32 мингта трактор ва 190 мингта трактор прицепи ишлаб чиқаради.

Бироқ Ўзбекистон ССРда жойлашган қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларида ишлаб чиқариш қувватлари етишмаслиги оқибатида ер текисловчи грейдерлар, ротацион мотигалар, канон поясини ўриш машиналари, пахта ортиш механизмлари, чанглатгич-пуркагичлар ишлаб чиқариш масалалари неча йиллардан бери ҳал бўлмай келмоқда. Хўжаликлар трактор прицеплари, ғўза культиваторлари билан, сабзавот ва мева етиштириш ҳамда ҳосилни йиғиштириб олиш учун керакли машиналар, ем-хашак тайёрлаш механизмлари, шоли ўриш комбайнлари билан етарли равишда таъминланмаган. Бу ҳол республикада қишлоқ хўжалик машинасозлигини жадал ривожлантириш вазифасини ўртага қўяди.

Пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати учун керакли машиналар ишлаб чиқариш сезиларли равишда кўпаяди. Машинасозликнинг бошқа тармоқлари ҳам ривожлантирилади. Жиззахда аккумуляторлар ва Самарқандда кондиционерлар ишлаб чиқарадиган заводлар қурилмоқда. Урганчда электр моторлар, Қарши ва Шаҳрисабзда электртехника заводлари, Термизда ва Сирдарё областининг Ширин шаҳрида бир қанча корхоналар қуриш мўлжалланмоқда.

«Союзмашхлопководство», «Узбекхлопкомаш», «Узбектекстильмаш», «Средазэлектроаппарат» бирлашмаларининг корхоналари ва бошқа корхоналар реконструкция қилиниб, кенгайтирилиши лозим.

Бизда машинасозлик саноатини жадал ривожлантириш учун ҳамма шарт-шароитлар бор. Бу проблемаларни ўз республикамизда ҳал этишимиз ҳамда иттифоқ министрликлари олдига ва айниқса, Трактор ва Қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги, Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министрлиги, Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда рўзғор асбоблари министрлиги, Автомобиль саноати министрлиги, Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министрлиги олдига ўзларига қарашли корхоналарни Ўзбекистонда янада кенг миқёсда жойлаштириш масалаларини тобора қатъият билан қўйишимиз керак.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумида **«Б» группаси саноатини тез юксалтириш** — биринчи даражали иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга молик вазифа эканини таъкидлаб ўтди.

Шунга асосланиб, республикада халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни 31—33 процент ўстиришни таъминлаш мўлжалланмоқда. Истеъмол молларининг сифатини яхшилашга, уларнинг турларини янгилаш ва кўпайтиришга алоҳида эътибор берилади.

1985 йилда ип газлама ва шойи газлама ишлаб чиқариш 560—570 миллион квадрат метрга етади. Бунинг учун ип газлама ишлаб чиқаришни 2,1 баравар ва шойи газлама ишлаб чиқаришни бир ярим баравар кўпайтириш зарур бўлади.

Гилам, нотўқима материаллар, жинси газламалар, мўйна, чарм, галантерея маҳсулотлари, пайпоқлар, чарм пойабзал, чинни идишлар ва бошқа моллар ишлаб чиқариш ҳам анча ортади. Ҳамма ёшдаги болаларнинг эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш учун болалар ассортименти молларига алоҳида эътибор берилиши керак.

Енгил саноатни ривожлантиришни таъминлаш учун Бухоро тўқимачилик комбинатининг иккинчи навбати ва Андижон ип газлама комбинатининг қувватларини, Жиззах ип йигирув фабрикаси, Поп нотўқима материаллар фабрикаси қувватларини ишга тушириш мўлжалланмоқда. Тошкент ва Фарғона тўқимачилик комбинатларининг бир қанча корхоналарини, «Малика» трикотаж бирлашмасини, Марғилон «Атлас» бирлашмаси ва бошқа корхоналарни реконструкция қилиш тугалланади. Нукус ип газлама комбинати, Тошкент йигирув-тўқув фабрикаси, тўқимачилик, трикотаж ва бошқа корхоналарнинг кўпдан-кўп филиаллари қуриб битказилади.

Ўзбекистон ССР Мебель саноати министрлиги системасида **мебель ишлаб чиқаришни** бир ярим баравар кўпайтириш белгиланган. Жиззахда болаларга мўлжалланган ва мактабларда тутиладиган мебель ишлаб чиқарувчи катта фабрика қурилади. Тошкент, Бухоро, Нукус, Урганч, Наманган, Қўқон мебель фабрикаларини реконструкция қилиш белгиланган.

Маҳаллий саноат министрлигида ялпи ишлаб чиқариш ҳажми беш йил мобайнида 1,4—1,5 баравар кўпайтирилади. Кейинги йилларда сезиларли муваффақиятларга эришган бу тармоқ ходимларининг муҳим вазифаси аҳолига керакли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун маҳаллий хом ашё ресурсларидан ва ишлаб чиқариш чиқитларидан янада тўла-тўкис фойдаланишдан иборат. Бу ишга пенсионерлар ва уй бекаларини кенгроқ жалб этиш, уйга олиб бориб ишлашни ривожлантириш керак.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тармоқлар янада ривож топади. 1985 йилда ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш 480—485 минг тоннага етказилади. Қондитер маҳсулотлар, макарон, пиво ва спиртсиз ичимликлар ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпаяди. Нон маҳсулотларининг сифатини анча яхшилаш ва турларини кўпайтириш зарур.

Озиқ-овқат саноати министрлигининг кўпгина корхоналари тубдан реконструкция қилинишга ва машина ускуналари янгиланишга муҳтож эканини айтиб ўтиш керак. Бу масалаларни ҳеч кечиктирмасдан янада сабот билан ҳал этиш керак.

Чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш муносабати билан Гўшт ва сут саноати министрлиги олдида катта вазифалар турибди. 12 та янги корхона қурилиши ва ишлаб турган 16 та корхона реконструкция қилиниши керак. Чирчиқ, Қарши, Каттақўрғон, Мўйноқда сут заводлари, Жиззахда ва Жомбой посёлкасида гўшт комбинатлари, шунингдек Тошкентда чақалоқлар учун сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган катта цех қурилиши лозим.

Озиқ-овқат, Гўшт ва сут саноати министрликлари аҳолини юқори сифатли маҳсулот билан таъминлашни анча яхшилашлари, хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари билан малакали равишда шуғулланишлари керак.

Ун-ёрма ва омихта ем тармоқларини анча ривожлантириш мўлжалланмоқда. Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, шундай янги корхоналарни қуриш юзасидан белгиланган ҳажмлар бажарилган тақдирда республика ўзининг сифатли ун-ёрма ва омихта емга бўлган эҳтиёжларини тўла таъминлайди.

Оғир саноат корхоналарида **халқ истеъмол қиладиган моллар** иш-

лаб чиқаришни янада кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Ҳозирча уларда «Б» группаси маҳсулотининг салмоғи кўп эмас. Шу сабабли беш йиллик мобайнида оғир саноат корхоналарида халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни бир ярим баравар кўпайтириш керак.

Истеъмол қилинадиган моллар ишлаб чиқаришнинг планлаштирилаётган ҳажмларини минимал кўрсаткичлар деб билмоқ керак. Госплан, министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советлар, барча корхоналарнинг коллективлари айрим турдаги маҳсулотлар камчилигини тезроқ тугатиш учун аҳолига зарур бўлган юқори сифатли молларни қўшимча равишда ишлаб чиқариш резервларини сабот билан қидириб топишлари керак.

Мол етказиб бериш интизомини кўтариш, шартномавий мажбуриятларни белгиланган муддатларда, ой сайин, квартал сайин бир маромда, тайинланган номенклатурада оғишмай бажариш керак.

Жойлардаги партия ва совет органлари халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни жуда қаттиқ контрол остига олишлари лозим.

Пахта тозалаш саноати халқ хўжалигининг жуда катта тармоғи ҳисобланади. Беш йиллик учун белгиланган тадбирлар пахтанинг қимматли табиий хусусиятларини сақлаб қолишга ва пахта толасининг сифатини оширишга қаратилган. 10—15 та янги пахта заводи, 50 та пахта тайёрлаш пункти, 250 та пахта ва чигит сақланадиган омбор қуриш, ҳамма тайёрлов пунктларида қуритиш-тозалаш цехлари ва янги пахта тозалаш линиялари бўлишини таъминлаш кўзда тутилган.

Бинокорлик материаллари саноати ишини тубдан яхшилашни қурилиш ишларининг катта кўлами талаб қилмоқда. Цемент ишлаб чиқариш 1,6 баравар кўпайтирилиши керак. Шифер ва томга ёпиладиган бошқа материаллар ишлаб чиқариш ҳам тахминан мана шунча миқдорда кўпаяди. Қошинкорлик материаллари, шу жумладан мармар ва гранит ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш керак.

Ғишт заводларининг мавжуд қувватлари йилига икки миллиард донадан сал кўпроқ ғишт ишлаб чиқариш имконини беради. 1985 йилга борганда тўрт миллиард донадан кўпроқ ғишт керак бўлади. Бунинг учун бир қанча янги ғишт заводларини қуриш ва ишлаб турган заводларни реконструкция қилиш белгилаб қўйилган.

Кўпгина районлар ва шаҳарларда маҳаллий қурилиш материаллари оз бўлганлиги учун қурилишнинг суръати пасайиб кетмоқда. Жойларда оҳак, гипс, норуда материаллар ишлаб чиқаришни кенг миқёсда ташкил этиб, ҳар бир областнинг ўз бинокорлик материаллари билан тўла таъминланишига эришиш вақти келди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини ошириш пировард натижаларга баҳо беришнинг энг муҳим мезонидир. Ҳозирги вақтда 208 та корхона салкам икки минг хил маҳсулотни давлат Сифат белгиси қўйиб чиқармоқда. Беш йиллик мобайнида олий сифат категориясидаги маҳсулот ҳажми уч баравардан зиёд кўпайди. Аммо бу билан қаноатланиб бўлмайди, албатта.

Саноат ходимлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳамма турлари сифатини анча оширишларига, маҳсулотларнинг турларини кўпайтиришлари ва янгилашларига тўғри келади. Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини ҳамма жойда жорий этиш, хом ашё ва материаллардан самарали фойдаланиш, улардан фақат яхши сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш керак.

Кичик шаҳарларда, посёлкаларда ва район марказларида бош корхоналарнинг филиалларини ташкил этиш саноат ривожини жадаллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Беш йил мобайнида 450—500 та мана шундай филиални барпо этиш мўлжалланмоқда.

Уларнинг баъзиларини меҳнат ресурслари етарли бўлган колхоз ва совхозларда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Индустриянинг ҳозирги техникавий даражаси ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг малакаси юқори бўлишини талаб қилади. Кўпгина йирик корхоналаримизда малакали ишчилар етишмаётганлиги сир эмас. Бу проблемани ҳал этишда ҳунар-техника таълими системаси катта роль ўйнайди. Ўтган беш йилликда бу система халқ хўжалигига ярим миллион ёш ишчи юборди. Ҳозирги беш йилликда 700—900 мингга яқин киши тайёрланади. Аммо, бу — кадрларга бўлган эҳтиёжнинг атиги 30—40 процентини қоплайди.

Министрликлар ва идоралар йўли билан бевосита корхоналарнинг ўзида кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилаш вазифаси мана шундан келиб чиқади. Бу гап халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига тааллуқлидир. Айни вақтда ҳамма жойда ишчиларнинг, инженер-техник ходимларнинг малакасини мунтазам равишда оширишни ташкил қилиш зарур.

Транспорт ва алоқа

Халқ хўжалиги ривожининг кенгайиб бораётган миқёслари транспорт ва алоқанинг ишига нисбатан юксак талаблар қўймоқда. Ўн биринчи беш йилликда бу тармоқлар янада ривож топади.

Юк ташишнинг умумий ҳажми ва пассажир обороти учдан бир ҳисса кўпаяди. Янги темир йўл излари, жумладан, Нукус—Чимбой темир йўли қуриб битказилади. Туямўйин — Тўрткўл темир йўли қурилиши давом эттирилади.

Сурхондарё областида Болдир станциясидан Хўжайкон туз карьеригача ва Шўрчидан Бандихон аргелит гилмоя конигача, шунингдек Бойсун кўмир конигача темир йўл тармоқларини қуриш мўлжалланмоқда. Тошкентдан Ховосгача шаҳар атрофи қатновини электрлаштириш тугалланади. Тошкентда янги иккинчи темир йўл вокзали қурилади.

Саноат корхоналарига олиб борадиган кўпдан-кўп шох йўллар қуриш мўлжалланмоқда.

Автомобиль йўллари тармоғи икки минг километр узайтирилади. Янги юк автомобиллари, автобуслар ва таксилар олинади.

Ҳаво транспортини анчагина ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Тошкент ва Нукус аэропортларидаги учиш-қўниш йўлкаларини реконструкция қилиш тугалланади, шу туфайли улар энг янги конструкциялардаги самолётларни қабул қила оладиган бўлади ва аҳолига хизмат кўрсатиш яхшиланади. Янги Термиз, Наманган аэропортларини ҳамда Фарғона, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда аэровокзаллар қуриб ишга тушириш планлаштириб қўйилган.

Тошкент метроси қурилиши жадал суръатлар билан давом эттирилади.

Телефон станцияларининг ҳажми 45 процент, шу жумладан қишлоқ жойларда 60 процент кўпаяди. Барча қишлоқ районларида автомат телефон станциялари ишлайди.

Ҳозир Тошкент, Самарқанд, Гулистон ва бошқа бир қанча шаҳарларда турли сабабларга кўра 26 мингга яқин телефон номеридан фойдаланилмаяпти, ҳолбуки квартираларга телефон ўрнатиш тўғрисидаги кўпдан-кўп илтимослар қондирилмай қолмоқда. Алоқа министрлиги аҳволни жуда қисқа муддат ичида тузатиб олиши керак.

600 километрли радиореле линиялари ва Тошкентда янги кучли радио-телевизион станциянинг ишга туширилиши республиканинг жами аҳолисини рангли телевидениенинг иккала программаси билан тўлатўкис таъминлаш имконини беради.

Капитал қурилиш

Халқ хўжалиги барча тармоқларининг тараққиёти кўп жиҳатдан капитал қурилишнинг ҳолатига ва ривожланиш даражасига боғлиқ. Республика қурилиш ташкилотлари ихтиёрида ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жой биноларини, маданий-маиший объектларни белгиланган муддатларда ишга туширишни таъминлаш учун ҳамма имкониятлар бор. Лойиҳачилар, архитекторлар ва конструкторларнинг катта отряди капитал қурилишни яхшилаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Саноат қурилишида ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш учун ажратилган маблағдан биринчи галда фойдаланиш бош йўналиш бўлиб қолади. Шу мақсадлар учун ўтган беш йилликка нисбатан 1,6 баравар кўп маблағ сарфланади.

Тошкентни, область марказларини ва бошқа шаҳарларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари тобора кенг миқёсда давом этмоқда. Кейинги вақтларда қўриқ ерларда тузилган районларнинг марказлари комплекс равишда қуриб битказилади, ҳамма район марказларини ободонлаштириш давом эттирилади.

Афсуски, фан, олий, ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника таълими, геология, соғлиқни сақлаш, маданият, савдо-сотиқ, маиший хизмат ва коммунал хизмат объектлари қурилиши чўзилиб кетишига ҳали ҳам йўл қўйилмоқда. Қурувчилар мана шу жуда муҳим объектларга муносабатни ўзгартиришлари ва уларнинг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлашлари керак.

Қурилишни индустриялаш, уйсозлик корхоналарининг қувватларидан тўла-тўкис фойдаланиш, мукаммал конструкциялар қўлланиш, кадрларнинг қўнимсизлигини камайтириш, техникадан фойдаланишни яхшилаш қурилиш ишларини такомиллаштиришнинг муҳим шартидир. Қурилишдаги меҳнат унумдорлиги 15—17 процент оширилиши лозим. Узлуксиз поток бригада пудратини сабот билан оммалаштириш керак.

Сифатни ошириш бундан буён ҳам бениҳоя муҳим проблема бўлиб қолаверади. Қурилиш ташкилотлари, шунингдек буюртмачилар, ниҳоят, сифатсиз қурилган объектларнинг топширилиши ва ишлатиш учун қабул қилинишини тўхтатишлари керак. Бу масалаларда лойиҳалаш институтлари, республика «Госстрой»и зиммасига алоҳида масъ - улият юклатилади.

Лойиҳа ишларини капитал қурилиш билан боғлаб олиб боришни таъминлаш зарур. Ҳали ҳам лойиҳаларга кўпдан-кўп тузатишлар киритилмоқда, барпо этилаётган объектларнинг дастлабки смета қиймати қурилиш жараёнида анча ошириб юборилмоқда.

Шу йил бошидан қурилиш ташкилотлари «ялпи» қурилиш-монтаж ишларига қараб эмас, балки тайёр объектни топширишга қараб планлаштириш ва ишларга баҳо беришнинг янги методига ўтказилди.

Шу муносабат билан лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқиб, етказиб беришни таъминлаш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини ишга тушириладиган қурилишларга янада сабот билан марказлаштириш, айни бир вақтда қуриладиган объектлар миқдорини чеклаб қўйиш лозим. Қурилиш муддатларини қисқартириш, объектларнинг йил давомида бир маромда ишга туширилишига эришиш, чала қурилиш ҳажмини ниҳоятда камайтириш керак.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот докладида партия ленинча аграр сиёсати турмушга қандай татбиқ этилаётганлиги чуқур ва атрофлича таҳлил этилди, республика аграр-саноат комплексининг ҳозирги ҳолатига принципиал баҳо берилди. Партия белгилаган озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришда ва саноатни қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлашда Ўзбекистоннинг конкрет вазифалари белгиланди.

Асосий йўналишлар лойиҳасига мувофиқ, Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажмини 17—19 процент кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Республика пахта етиштиришни йилига ўрта ҳисобда 5,9 миллион тоннага етказишни таъминлаши лозим. Ингичка толали пахта тайёрлашни 1980 йилдаги 358 минг тоннадан 500 минг тоннага етказиш зарур.

Пахтачиликни ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, пахта етиштиришнинг илғор усулларини кенг қўлланиш, илмий асосланган алмашлаб экишни тўла-тўкис ўзлаштириш негизида олиб борилади. Яқин икки йил мобайнида ҳамма жойда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг биологик методларини жорий этиш ниҳоясига етказилади. Ғўзанинг саноат ва қишлоқ хўжалигининг талабларига мос келадиган, янада тезпишар ва серҳосил навларини етиштириш ва жорий этиш ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалиги талабларига жавоб берадиган сифатини таъминлаш — биринчи даражали аҳамиятга молик вазифадир.

Республика мамлакатни каноп, тамаки, пилла, жун ва қоракўл тери сингари хом ашё турлари билан таъминлашга аввалги йилларда бўлгани каби катта ҳисса қўшаверади.

Дон етиштиришни асосан шоли ва маккажўхори ҳисобига йилига ўртача 2,8—3 миллион тоннага етказиш кўзда тутилмоқда.

Сабзавотчилик, полизчилик ва боғдорчиликнинг жадал ривожлантирилиши аҳолини таъминлашни анча яхшилаш имконини беради. Картошка етиштиришни кескин кўпайтиришга катта аҳамият берилмоқда.

Узум етиштириш беш йиллик мобайнида 850 минг тоннага, майиз етиштириш эса 32 минг тоннага етади.

Энди мева ва сабзавот тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига марказлаштирилди. Бу министрлик системасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камида 40 процент ортади. Бу вазифа ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва янги корхоналар қуриш ҳисобига таъминланади. Каттақўрғон, Наманган, Ғаллаорол, Қувасой, Яккабоғда консерва заводлари, Нукус, Денов ва бошқа жойларда вино заводлари қурилади. Консервалар, шарбатлар, мурабболар, жемлар, болаларга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпаяди ва сифати яхшиланади.

Мева-сабзавотнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик мақсадида Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги билан Ўзбекбирлашув яқин икки-уч йил ичида янги қайта ишлаш корхоналарини қуришлари зарур. Бу корхоналарни қишлоқ жойларда хом ашё ресурсларини ҳисобга олиб табақалаштирилган ҳолда: ё ҳар бир районда ёки ҳар икки-уч районда биттадан жойлаштириш лозим.

Ўн биринчи беш йилликда чорвачилик соҳасида янги марраларга чиқиб олиниши керак. Гўшт етиштириш йилига ўрта ҳисобда (сўйилган вазнда) 400—410 минг тоннага етади ёки ўнинчи беш йилликка нис-

батан 40 процентдан зиёд кўпаяди; сут етиштириш 2,5—2,7 миллион тоннага етади ёки 29 процент кўпаяди; тухум етиштириш 1,8 миллиард донага етади ёки 37 процент кўпаяди.

Ҳар бир пахтачилик районида ўзининг гўшт ёки тухум етиштирадиган паррандачилик фабрикасини барпо этиш, шунингдек ҳамма областларда ва Қорақалпоғистон АССРда йирик ўрдакчилик комплексларини ташкил этиш зарур.

Кўл-ҳовуз балиқчилиги кенгайтирилади. 1985 йилга бориб 50 минг тонна балиқ овланадиган бўлади. Дудланган балиқ маҳсулоти ишлаб чиқарувчи бешта завод қурилади. Белгиланган планлар бажарилишини амалда таъминламоқ учун бундаги мавжуд масалаларнинг бутун комплекси кўриб чиқилмоқда.

Чорвачилик соҳасида белгиланган программани муваффақиятли бажариш учун ем-хашак етиштиришни тубдан яхшилаш, ҳар бир хўжаликда озуқа ресурсларидан самарали фойдаланиш, наслчилик ишини ва ветеринария хизматини йўлга қўйиш керак бўлади.

Жамоат чорвачилигини ривожлантириш билан бирга матлубот кооперацияси, давлат савдоси ташкилотларида ва бошқа коллективлар ёрдамчи хўжаликларида чорва ва парранда етиштиришдек муҳим резервлардан имкони борича кўпроқ фойдаланиш зарур. Бу хўжаликларга ер ажратиб бериш, уларни техника ва транспорт билан таъминлаш лозим. Гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кескин кўпайтириш, бу маҳсулотларнинг бозор нархлари анча пасайтирилишига эришиш керак.

Республика партия ташкилоти кейинги йиллар давомида чорвачиликнинг аҳволини тубдан яхшилаш ва уни янада юксалтириш масалаларини Марказий Комитет, область ва район партия комитетлари пленумларида конкрет равишда, атрофлича кўриб чиқмоқда. Мазкур масала яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленумида муҳокама қилинди. 1981 йилда ва беш йилликнинг шундан кейинги йилларида гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни анча кўпайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди.

Пленумда белгиланган тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, аҳолини ўз республикамизда етиштирилган гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашдек ҳаётий муҳим проблемани ҳал этишни жадаллаштириш — партия ва совет органларининг, министрликлар ва идораларнинг, колхоз ва совхозларнинг вазифасидир. Бу вазифанинг ҳал этилиши республика партия ташкилотининг яна бир катта ғалабаси бўлади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама интенсивлаш, уни ихтисослаштириш ва марказлаштириш йўлини давом эттириш билан бирга хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, ҳамма турдаги маҳсулот таннархини камайтириш, рентабелликни ошириш, умумхалқ бойлиги бўлмиш ердан самарали фойдаланишдек қудратли иқтисодий омилларни асло унутмаслик керак. Ҳар гектар ердан мўл ҳосил етиштириш, ҳар бош чорва молдан камроқ чиқим қилиб, имкони борича кўпроқ маҳсулот олиш, шу тариқа деҳқонларнинг, колхоз ва совхозларнинг моддий манфаатдорлигини бундан буён ҳам ошириш лозим.

Беш йиллик мобайнида салкам 500 минг гектар суғориладиган ер экинзорга айлантирилиши, бир ярим миллион гектар яйловга сув чиқарилиши керак. Жиззах ва Қарши даштларини, шунингдек Қорақалпоғистон АССРдаги ва республиканинг барча областларидаги ерларни ўзлаштириш давом эттирилади.

Янги ерларни комплекс тарзда ўзлаштириш сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги органларининг ва маҳаллий Советларнинг энг муҳим вазифасидир. Қўриқ ерларда барпо этилаётган совхозларда зарур уй-жой фонди, мактаблар, касалхоналар, болалар боғчалари, клублар, магазин-

лар, устахоналар, ҳаммомлар, водопровод, йўллар ва шу кабилар бўлиши керак.

Ўзбекистоннинг замонавий гидротехника иншоотларини лойиҳалаш ва қуриш, қўриқ ерларни комплекс ўзлаштириш соҳасида жуда бой тажрибаси бор. Бу тажриба деҳқонларимизнинг сув ва ердан ғоят тежамкорлик билан фойдаланиши билан бирга қўшилиб, республика ирригацияси ва мелиорациясини кўпгина мамлакатлар учун намунага айлантириб қўйди.

Шундай бўлса ҳам, сув ресурсларининг камчиллиги кучайиб бораётганлиги сувдан самарали фойдаланиш масалаларини биринчи ўринга чиқариб қўймоқда. Суғориш системаларини комплекс реконструкциялаш, каналларнинг тубига бетон қоплаш, ер ости сувларидан оқилона фойдаланиш ишларини кенгайтириш, бир қанча йирик, ўрта ва майда сув омборлари қурилишини тугаллаш билан бирга ҳамма жойда сувни тежаш учун курашни авж олдириш зарур. Сув иншоотларини ишлатиш хизматини такомиллаштириш, ғўзани қатор оралатиб суғоришни механизациялаш, ёмғирлатиб ва тупроқ остидан суғоришни, ёпиқ ва тиқ зовурларни ривожлантириш, шўр ювишда сувдан оқилона фойдаланиш — ҳаракатга келтирилиши лозим бўлган воситалардир. Сувни тежашга давлат манфаатларини чинакамига кўзлаб мана шундай ёндашишгина регионда қўшимча сув ресурслари келтирилгунга қадар қишлоқ хўжалиги ривожининг ҳозирги суръатларини давом эттиришимизга имкон беради.

КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасини муҳокама қилиш давомида республика жамоатчилиги Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Қозоғистон ва Ўрта Осиёга буриб юборишни тезлаштириш тўғрисидаги таклифни мутлақо тўғри ўртага қўйди. Бу таклиф съездимизда ҳам алоҳида куч билан янгради. Иттифоқ Қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, СССР Госстройи ҳам мана шу фикрни айтдилар. Бу ишнинг техникавий-иқтисодий асослари ишлаб чиқилган. Ўн биринчи беш йилликда мана шу улкан сув хўжалиги қурилишини амалга оширишга оид тайёргарлик ишларининг бошланиши Ўрта Осиё республикаларида ва Қозоғистонда суғориладиган деҳқончиликни янада тубдан юксалтиришда ҳамда Орол денгизи проблемасини ҳал этишда янги босқич бўлиши шубҳасиз.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланади. 1985 йилга бориб меҳнатнинг машина-механизмлар билан қуролланиши ҳозир эришилган даражага нисбатан қарийб 40 процент ортади. Индустриал технологиянинг, янада мукаммал машина ва агрегатларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши меҳнат унумдорлигини анча ошириш, пахта теримини механизациялаш даражасини 80 процентга, чеканкани механизациялашни 100 процентга етказиш имконини беради. Сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчиликдаги қўл меҳнатининг улуши анча қисқартирилади. Чорвачиликдаги сермеҳнат ишларни механизациялаш даражаси анча ортади. Беш йиллик мобайнида 685 минг механизатор тайёрлаш мўлжалланмоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш программасини амалга ошириш учун пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига 9 миллиард 500 миллион сўм капитал маблағ сарфлаш белгилаб қўйилган. Қорамол ва чўчқа боқиладиган янги чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикалари, теплица комбинатлари, озуқа цехлари, силос ва сенаж сақланадиган жойлар, омборлар, ремонт корхоналари ва техника хизмати станциялари қурилади. Қишлоқларни қайта қуриш ишлари кенг жабҳа бўйлаб давом эттирилади.

РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасидаги Иваново ва Новгород областларига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришда оталиқ ёрдами янада активроқ тарзда берилаверади.

Беш йиллик топшириқларининг муваффақиятли амалга оширилиши ишни бу йил қандай йўлга қўйишимизга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бу ўринда гап чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш, кўкламги-ёзги дала ишларига намунали ҳозирлик кўриш тўғрисида, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини янада юксалтириш учун социалистик мусобақани тағин ҳам кенг авж олдириш ҳақида бормоқда.

Бошқарувни такомиллаштирайлик, хўжалик юритиш савиясини оширайлик

Асосий йўналишлар лойиҳасида бошқарувни такомиллаштириш ва хўжалик юритиш савиясини ошириш масалаларига катта ўрин берилган.

КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаси бошқариш ва планлаштириш фаолиятини халқ хўжалигида юксак пировард натижаларга эришишга қаратгандир. Давлат планининг, аввало партия иқтисодий сиёсатини рўёбга чиқаришнинг бош воситаси бўлмиш беш йиллик планнинг роли анча ошириладн. Планларимизда фан-техника тараққиёти ютуқлари тобора кўпроқ ўз аксини топмоқда. Уларда ишлаб чиқариш резервларини тўлароқ ҳисобга олиш, биринчи галдаги вазифалар тўғри белгиланишини таъминлаш, иқтисодий ва социал ривожланиш планларининг таркибий қисми сифатида тармоқ комплекс программаларидан кенг фойдаланиш лозим.

Мана шуларнинг ҳаммаси республика Госплани, унинг жойлардаги органлари, барча министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхона ва ташкилотлардаги план-иқтисодий бўлимлари фаолиятини такомиллаштиришни талаб қилади. Жамики планлаштириш ишлари савиясини ошириш, уни халқ хўжалигининг кенгайиб бораётган миқёсларига мувофиқлаштириб олиш лозим. Республиканинг ўн биринчи беш йиллик планини сифатли ишлаб чиқиш — яқин вақт ичида бажариладиган муҳим вазифадир.

Ҳамма жойда электроэнергия, ёқилғи, хом ашё, материалларни, молиявий ва меҳнат ресурсларини жуда қаттиқ тежаш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, хўжасизликка ва исрофгарчиликка қарши қатъият билан кураш олиб бориш керак.

Рентабелликни оширишга, зарар кўришни тугатишга ва фойдани кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу гап аввало, фойда олиш планларини бажармаётган Пахта тозалаш саноати министрлигига, Озиқ-овқат саноати министрлигига, Бинокорлик материаллари саноати министрлигига ва бошқа баъзи бир министрликларга тааллуқлидир. Қурилиш министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Главташкентстрой» хусусида ҳам шу гапни айтмоқ керак. Республиканинг баъзи совхозлари рентабел ишламаяпти.

Халқ хўжалигини хом ашё билан, материаллар ва асбоб-ускуналар билан узлуксиз, бир маромда таъминлаш — экономика нормал ишлашининг муҳим шартидир. Бу эса Госплан, Госснаб, Госкомсельхозтехника, Узглавнефтеснабсбит ва бошқа таъминот ташкилотларининг ишини янада ҳар томонлама яхшилашни талаб қилади.

Ўн биринчи беш йиллик вазифаларининг муваффақиятли бажарилиши ленинча бошқарув принциплари асосида хўжаликка раҳбарлик қилиш услуби ва методларини яхшилашга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Барча министрликлар, идораларда ва маҳаллий Советларнинг иж-

роня комитетларида ташкилотчилик иши савиясини, ишчанлик, оперативликни, ижро этиш интизомини кўтариш лозим. Бошқарув меҳнатининг, анализ қилиш иши, иқтисодий ва молиявий иш сифати ҳамда самарадорлигини ошириш керак. Меҳнатни илмий ташкил қилишни кенг жорий этиш, ҳисоб-китоб ва ҳисоботни такомиллаштириш, республикадаги 211 та автомат бошқарув системаси ва 108 та ҳисоблаш марказининг имкониятларидан янада самарали фойдаланиш лозим.

Социал ривожланиш ва халқ фаровонлигини ошириш соҳасидаги вазифалар

Бугун мамлакатда бўлгани каби республикада ҳам социал ривожланишнинг кенг программаси амалга оширилади. Аҳолининг реал даромадлари кўпаяди. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи, колхозчиларнинг даромадлари ортади. Ижтимоий истеъмол фондлари 29 процент кўпайиб, тобора каттароқ роль ўйнайдиган бўлиб қолади.

КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида ишлаб турган аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, социал таъминотни такомиллаштириш, давлат заёмларининг ҳақини қайтариб бериш соҳасида катта-катта тадбирлар кўзда тутилган. Давлат чакана нархлари стабиллигини таъминлаш йўли изчиллик билан ўтказилади.

Чакана товар обороти 46—49 процент кўпаяди. Универсамлар, универмаглар, замонавий савдо марказлари ва умумий овқатланиш корхоналари, музхоналар ва омборлар барпо этишга алоҳида эътибор берилади. Енгил, Озиқ-овқат, Гўшт ва сут, Маҳаллий саноат, Мева-сабзавот хўжалиги министрликлари ўз маҳсулотлари билан ўзлари савдо қилишни кенг миқёсда ривожлантиришлари лозим. Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг моддий-техникавий базаси анча мустаҳкамланади. Замонавий маиший уйлар, ательелар, ихтисослаштирилган корхоналар, ҳаммомлар ва кир ювиш хоналари қурилади. Мана шу йўллар билан маиший хизмат ҳажми 80 процент кўпайтирилади. Хизмат сифатини яхшилашга ва маданиятини оширишга қатъият билан эришмоқ керак.

Уй-жой қурилишининг катта миқёсларини сақлаб қолиш энг муҳим социал проблемаларнинг биридир. Ҳар бир оилага алоҳида квартира бериш уй-жой тақсимлашнинг ҳозирги принципидир.

Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари юзасидан, шу жумладан уй-жой кооперацияси ва якка тартибда уй қуриш йўли билан жами саҳни 29—30 миллион квадрат метр уй-жой қуриш мўлжалланмоқда. Хоналарнинг жойлаштирилиши ва пардози яхшиланган янги сериядаги уй-жой бинолари қурилади. Уй-жой биноларини йирик корхоналар яқинида жойлаштириш йўлини қатъият билан ўтказиш керак. Мавжуд уй-жой фондини яхши ҳолатда сақлаш тўғрисида ҳам кўпроқ ғамхўрлик қилиниши лозим.

Коммунал хўжалик анча ривож топади. Шаҳарларни ва район марказларини сув билан таъминлаш ва канализациялашни ривожлантириш, шунингдек газлаштириш ва марказлаштирилган тарзда иситишни ривожлантириш ишлари кенг миқёсда давом эттирилади. Қишлоқ жойларда ичимлик сув билан таъминлашни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Колхоз ва совхозларда тўрт минг километрга яқин водопровод тармоғини қуриш белгиланди.

Партиянинг социал программасида халқ маорифини ривожлантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалалари катта ўрин олади. Умумий ўрта таълимни такомиллаштириш, ёшларга

ҳунар ўргатишни ва уларни халқ хўжалигида ишлашга тайёрлашни яхшилаш кўзда тутилмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим янада жадал ривожлантирилади. Полиграфия саноати тобора ривож топади.

Беш йиллик режаларида соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш кўзда тутилган. Янги касалхоналар, поликлиникалар, дорихоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари, пансионатлар қуриш планлаштирилмоқда.

Қасалхоналардаги ўринлар 217 мингтага етказилади ёки 20 процентдан зиёд кўпайтирилади. Ихтисослаштирилган ва шошилинч (тез) медицина ёрдами яхшиланади. Она ва болалар муассасалари тармоғи кенгайтирилади. Ҳозирги замон фани ютуқлари, диагностика ва даволашнинг янги усуллари янада кенг жорий этилади. Айниқса ўсимлик хом ашёсидан самарали дори-дармонлар ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Кейинги йилларда физкультура ва спортнинг моддий базаси анча мустаҳкамланди. Бир қанча спорт иншоотлари қурилди. Бундан буён ҳам шу масалаларга лозим даражада эътибор берилиши зарур.

Маданият муассасаларига катта эътибор берилади. Бу йил Қарши ва Гулистонда янги театр бинолари ишга туширилади. Сўнгра Тошкентдаги Горький номли, Ҳамза номли ва Муқимий номли театрлар, Қўқон, Самарқанд, Андижон, Наманган, Фарғонадаги театрлар, Тошкентдаги радио уйи, кўпгина кинотеатрлар, кутубхоналар, клублар, музейлар қуриб битказилади. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг комплекси қурилиши тугалланади.

Олдимизда табиий ресурслардан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш ва уларни такрор кўпайтириш вазифалари тобора кўндаланг бўлиб қолмоқда. Табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларга сарфланадиган капитал маблағ анча ортади. Ифлос оқова сувларнинг дарёларга оқизилишини ва зарарли газларнинг атмосферага чиқариб юборилишини қисқартириш ишлари кучайтирилади.

Янги иҳота дарахтзорларини барпо этиш, қия тоғ ён бағирларида мевазорлар барпо этиш, қўриқхоналар ишини ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш

Аҳолининг тез кўпайиб бораётганлиги Ўзбекистоннинг жуда муҳим регионал хусусиятидир, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, республика аҳолиси ҳозирги вақтдаги 16,2 миллион кишидан 1990 йилда 22—23 миллион кишига етади. Шунга мувофиқ равишда меҳнат ресурслари ҳам кўпаяди. Бинобарин, тез кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишдан иборат мураккаб ва масъулиятли вазифалар пайдо бўлади.

Госплан, Меҳнат ва иш ҳақи масалалари давлат комитети, министрликлар ва идоралар, совет, касаба союз ва хўжалик ташкилотлари ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш масалаларини ҳал этиш пайтида мана шу жиддий демография проблемасини чуқур англаб олишлари, моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, шунингдек маиший хизмат соҳасида ҳам янги иш жойларини вужудга келтириш билан аниқ мақсадни кўзлаб шуғулланишлари, меҳнатга лаёқатли аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришда тўла-тўкис иш билан таъминлашлари керак бўлади.

Келгуси ўн йиллик Қорақалпоғистоннинг, барча областлар, шаҳар-

лар ва районларнинг иқтисодий потенциалини оширишда муҳим босқич бўлиб қолади. Уларнинг табиий ресурсларини ўзлаштириш соҳасида катта ишлар амалга оширилади, саноат ишлаб чиқаришини янада ўстириш ва қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини жадал ривожлантириш асосида халқ хўжалигини комплекс тараққий эттириш таъминланади. Меҳнаткашларнинг фаровонлиги анча ортади.

КПСС Марказий Комитети лойиҳасида улуғвор вазифалар ўртага қўйилган. Беш йилликнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ республиканинг келгусидаги муваффақиятлари учун пухта замин яратиш ҳамда меҳнаткашларнинг куч-ғайратларини 1981 йилги планларни ва қабул этилган юксак социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришга сафарбар этиш — бизнинг бурчимиздир.

Марказий Комитетнинг ҳисобот докладида, съезд делегатларининг нутқларида халқ хўжалиги айрим тармоқлари, бошқарув органлари ишидаги жиддий нуқсонлар кўрсатиб ўтилди. Республика Министрлар Совети, министрликлар ва идоралар танқиддан тегишли хулосалар чиқариб оладилар ва камчиликларни тезроқ тугатиш учун ҳамма зарур чораларни кўрадилар.

Ўрток Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси XX съездида қилган ҳисобот докладида республика партия ташкилотининг, барча меҳнаткашларининг коммунистик бунёдкорлик режаларини турмушга татбиқ этиш соҳасидаги вазифаларини аниқ-равшан белгилаб берди. Ҳисобот докладида баён этилган қоидалар ва вазифалар, съездимиз қабул қиладиган қарорлар барча партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари учун муфассал ҳаракат программаси бўлиб қолади.

Совет Ўзбекистонининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари партия ўртага қўйган вазифаларни шараф билан бажариш, улуғ Ватанимизни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг улкан режаларини амалга оширишга кўпроқ ҳисса қўшиш учун куч ва ғайратларини аямай сарфлайдилар, деб КПСС Марказий Комитетини, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросини, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтиришга рухсат этгайсизлар! **(Давомли қарсаклар).**

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВнинг ЯКУНЛОВЧИ НУТҚИ

Делегат ўртоқлар!

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съезди ўз ишини тугалламоқда. Биз республика партия ташкилоти Марказий Комитетининг, ревизия комиссиясининг ҳисоботларини, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси тўғрисидаги докладни муҳокама қилдик.

Бу масалаларнинг муҳокамаси ғоят активлик билан самарали ўтганини зўр мамнуният билан қайд этиш мумкин. Докладлар юзасидан бўлган музокараларда 40 киши сўзга чиқди. Улар орасида ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, партия, совет, хўжалик ходимлари бор.

Сўзга чиққан нотиқларнинг ҳаммалари ўзларини сайлаган коммунистлар номидан, республика меҳнаткашлари номидан Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини, ўн биринчи беш йилликдаги улуғвор ишлар режаларини тўла-тўкис маъқулладилар ва якдиллик билан қўллаб-қувватладилар, КПСС Марказий Комитети, унинг замонамиз атоқли сиёсий ва давлат арбоби, содиқ марксчи-ленинчи, тинчлик учун, коммунизм учун ва одамларнинг бахт-саодати учун толмас курашчи ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси кўп қиррали фаолиятини юксак баҳоладилар.

Бизнинг съездимиз республика партия ташкилотининг метиндек бирлигини ва унинг КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашганлигини, зафарбахш марксизм-ленинизм ғояларига сидқидилдан содиқлигини яққол намойиш этди.

Сўзга чиққан ҳамма ўртоқлар ҳисобот даврида қилинган ишни партиявий, принципиал таҳлил этдилар, ўнинчи беш йилликда республика эришган муваффақиятларга баҳо бердилар, амалий ишда эришган ҳамма яхши ютуқларимизни умумлаштирдилар, танқид ва ўз-ўзини танқид асосида камчиликларни, нуқсонларни ва танг жойларни очиб ташладилар, партия, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларидаги фаолиятни янада такомиллаштириш йўлларини кўрсатдилар.

Ҳар бир нутқда энг муҳим проблемаларга чуқур ёндашиш, ишни яхшилашдан астойдил манфаатдорлик, тинимсиз олға бориб, кўпроқ натижаларга эришишга қизғин интилиш руҳи равшан сезилиб турибди. Делегатлар айтган ҳамма таклиф ва мулоҳазаларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг янги составн синчиклаб ўрганади ва эътиборга олади.

Музокараларнинг амалий, ишчанлик руҳи партияда қарор топган ўзаро талабчанлик, большевикларча принципиаллик, хайрихоҳлик, топширилган иш соҳаси учун юксак масъулият вазиятини яққол кўрсатди.

Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди яхши ишлади десам, ҳамманинг фикрини изҳор қилган бўламан, деб ўйлайман. Биз республика халқ хўжалиги ва маданиятининг барча тармоқларини янада ривожлантиришнинг конкрет программасини белгилаб олдик. Бу программани бажариш соҳасидаги иш ҳозирнинг ўзидаёқ бошланиб кетди. КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ мусобақасида республика шаҳар ва қишлоқларининг меҳнатчилари тобора янги-янги муваффақиятларга эришмоқдалар. Ўн биринчи беш йилликнинг зарбдор вахтасида эришилган меҳнат зафарлари тўғрисида съезд номига келган рапортлар бунинг яққол далилидир. Бу муваффақиятларни мустаҳкамлаш, омманинг сиёсий активлигини ва меҳнат ғайратини конкрет вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилиш — янги беш йилликнинг яхши бошланишини таъминлаш демакдир.

1981 йилги топшириқларни бажариш партия белгилаган режаларни муваффақиятли равишда амалга оширишнинг зарур шартидир. Яқинда республика саноат, транспорт ва алоқа, қурилиш ходимлари партия-хўжалик активларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Шу йиғилишларда бу йилги социалистик мажбуриятлар муҳокама қилиниб, қабул этилди. Эртага қишлоқ хўжалик ходимларининг республика қурултойи ўтказилади. У деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотининг ҳамма турларини етиштириш ва тайёрлашнинг янги марраларини белгилайди. Бу мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши съездимиз қарорига берилган муносиб баҳо бўлади, коммунистик бунёдкорликнинг КПСС XXVI съезди қабул қиладиган улуғвор программасини рўёбга чиқаришнинг муҳим шарти бўлади.

Бу йил саноат ходимлари кўп иш қилишлари керак, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 800 миллион сўмлик миқдорда ортиши лозим.

Фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган тармоқлар: энергетика, химия, металлургия, машинасозлик аввалгидек юксак суръатлар билан ривожлантирилади. Корхоналарни реконструкциялаш, уларнинг техника билан таъминланиш даражасини ошириш, технологияни такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ишларини жадаллаштириш иқтисодий жиҳатдан катта самара бериши керак.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш лозим. «Б» группасида маҳсулот ишлаб чиқариш бир йил ичида 6—7 процент кўпайтирилиши керак. Ип газлама, гилам ва гилам буюмлар ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 1,4 баравар, пойабзал, трикотаж ишлаб чиқариш 1,2 баравар кўпайтирилади. Озиқовқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бултургидан анча кўпайтириш белгиланди.

Маҳсулотнинг сифатини, техника даражасини оширишга алоҳида эътибор берилади. Беш юз хилдан кўпроқ маҳсулотни давлат Сифат белгиси учун тақдим этиш белгилаб қўйилган.

Капитал маблағ ҳажмининг кўпайиши республика ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш тўғрисида партия билан ҳукумат қилаётган ғамхўрликнинг яққол ифодасидир. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида олти миллиард сўмга яқин маблағ ўзлаштирилади. Шу йили ишга тушириладиган қурилишлар орасида Сирдарё ГРЭСининг ўнинчи энергетика блоки ва Навоий ГРЭСининг ўн иккинчи энергетика блоки, Фарғона азотли ўғитлар заводида аммиак ишлаб чиқарувчи, Олмалиқ химия заводида олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарувчи корхоналар, В. И. Ленин номли Бекобод металлургия комбинатидаги янги қувватлар сингари йирик объектлар бор.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатини реконструкция қилиш ва унинг қувватларини ошириш иши кенг миқёсда давом эттирилади.

Енгил ва озиқ-овқат саноатидаги қувватларни ўз вақтида ишга тушириш ва ўзлаштиришни таъминлаш ҳам жуда муҳим. Бу йил Андижон, Бухоро, Тошкент тўқимачилик комбинатларининг янги цехлари ва уларнинг 14 та филиали, Поп нотўқима материаллар фабрикасининг иккинчи навбати, Жиззах ип йигирув фабрикаси ва бошқа корхоналар маҳсулот бера бошлаши керак. Пахта тозалаш, маҳаллий, мебель, озиқ-овқат саноатида бир қанча объектлар ишга туширилади.

Сув хўжалиги иншоотларини қурувчилар учун тиғиз план белгиланган. Юз минг гектарга яқин янги ер ўзлаштирилиши, Туямўйин, Фарғона, Толимаржон ва Ҳисорак сув омборлари, Андижон сув омборидаги гидроэлектростанция қуриб битказилиши лозим. Сув камчил бўлиши кутилаётганлиги сабабли катта ҳажмдаги иш бажарилиши лозим. Кўпгина чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикалари қурилиши зарур.

Уй-жой ва маданий-маиший қурилиш аввалгидек юксак суръатлар билан давом эттирилаверади. Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига бир йил ичида қарийб 6 миллион квадрат метр уй-жой, 150 мингдан ортиқ ўринли мактаблар, 52 минг ўринли болалар боғча ва яслилари, соғлиқни сақлаш, маданиятнинг бир қанча йирик объектлари ва маиший муассасалар фойдаланиш учун топширилиши белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари йилни баланд руҳ билан бошладилар. Давлатга камида 5 миллион тўққиз юз минг тонна пахта сотиш — республика дала меҳнатчиларининг асосий шиоридир. Тобора кўп миқдорда «оқ олтин» етиштириш аввалгидек энг муҳим ватанпарварлик ва интернационал бурчимиз бўлиб қолаверади.

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили катта пахта хирмони учун кураш қизғин тус олди. Ҳозир бўлажак ҳосил учун пухта замин яратилмоқда, қишнинг ҳар бир кунидан мана шу ҳосилни кўзлаб, унумли фойдаланмоқ керак. Чигит экиладиган долзарб кунлар яқинлашмоқда, бу ишга ҳар томонлама ва пухта тайёргарлик кўриш керак. Хуллас, қишлоқ меҳнатчиларининг ишида танаффус йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Биз қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам юксак марраларни эгаллашимиз лозим. 3 миллион тонна дон, олти миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари, олти юз минг тоннага яқин гўшт, икки миллион 325 минг тонна сут, бир миллиард 800 миллион дона тухум, салкам 30 минг тонна пилла ва бошқа кўпгина маҳсулотлар етиштирилиши керак. Бу — бизнинг озиқ-овқат программасини ҳал этишга қўшадиган салмоқли ҳиссамиз бўлади.

Биз партиянинг бош йўлини амалга ошира бориб, халқ фаровонлигини ва меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини ошириш учун кўп иш қилишимизга тўғри келади. Бу йил чакана товар обороти 7,2 процент кўпайиб, республикада салкам 11 миллиард сўмга етишини айтиш кифоя қилади. Маиший хизмат ҳажми саккиз процент ортади. Фан, маданият, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш янада ривож топади.

Бизнинг олдимизда катта ва жуда масъулиятли вазифалар турибди. Аҳиллик ва уюшқоқлик ҳамда зўр ғайрат билан пухта ишлаш орқалигина бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мумкин. Съезд қатнашчилари хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида, ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятнинг барча жабҳаларида шахсан зарбдор меҳнат қилиш намунасини кўрсатадилар, кўпдан-кўп яхши ишларнинг ташаббускори бўладилар, оммага ибрат кўрсатадилар, деб қаттиқ ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар. Биз, делегатлар, нисбатан унчалик кўп эмасмиз. Аммо биз Ўзбекистон партия ташкилоти

коммунистларининг ярим миллиондан ортиқ армияси вакилларимиз. Ўзбекистон партия ташкилоти улуғ Совет Иттифоқининг ажралмас таркибий қисми бўлмиш республика барча меҳнаткашларининг зўр обрў-эътибори ва астойдил мададкорлигига сазовор бўлди.

Мана шулар — бизнинг КПСС ленинчи Марказий Комитетидаги жипслигимиз, СССР халқлари дўстлиги ва қардошлигига садоқатимиз, куч-қувватимизнинг битмас-туганмас манбаидир, коммунистик қурилишдаги янги ғалабаларимизнинг гаровидир, ўртоқлар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев 1980 йил ноябрида республика меҳнаткашларига йўллаган табрикномасида КПСС Марказий Комитети номидан Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари, зиёлилари партия ташкилоти раҳбарлигида эришилган ютуқларни мустаҳкамлайдилар, янгидан-янги зафарларга эришиб, Ватанни қувонтирадилар, деб қаттиқ ишонч билдирган эди. Республиканинг барча меҳнатчилари бу сўзларни жонажон партиянинг фахрли ва жанговар наказн деб қабул қилдилар. Бу наказни бажариш — бизнинг шон-шараф ишимиздир.

Съезд ишлаб турган пайтда ҳар бир делегат, республиканинг барча коммунистлари, ҳамма меҳнаткашлари ўзлари учун зўр бардамлик, оптимизм, ўз кучларига ишонч ҳосил қилдилар. Биз ҳаммамиз ўзимизни ер юзида энг адолатли, энг бахтиёр жамият — коммунистик жамият бунёдкорлари улуғ армиясининг жангчилари эканимизни алоҳида ёрқин ҳис этдик. Бу ажойиб ҳис-туйғу ҳар биримизнинг зиммамизга зарбдорларча, ленинчасига, коммунистчасига ишлаш масъулиятини юклайди.

Азиз ўртоқлар, партиянинг улуғвор режаларини амалга ошириш учун биз куч, билим, ғайратимизни аямаймиз деб, Ўзбекистоннинг партия ташкилотлари ва меҳнат коллективлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездининг қарорларини, ўн биринчи беш йиллик режаларини сўзсиз бажаришни таъминлайдилар, деб сизларнинг номингиздан, республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан КПСС ленинчи Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросини, шахсан азиз Леонид Ильич Брежневни ишонтиришга ижозат бергайсизлар.

Яшасин коммунизмнинг актив бинокори — қаҳрамон совет халқи!

Яшасин халқлар дўстлиги ва қардошлигининг метин қўрғони — улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Коммунистик партияга ва унинг ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар!

Марксизм-ленинизм байроғи остида — коммунизм ғалабаси сари — олға! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҲИСОБОТИ ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XX СЪЕЗДИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съезди зўр мамнуният билан шуни қайд қиладики, партия ташкилотлари, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг жанговар штаби — ленинчи Марказий Комитетининг синалган раҳбарлигида КПСС XXV съезди қўйган вазифаларни бажариш соҳасида катта иш қилдилар.

Съезд ишлаб чиққан бош йўл совет жамияти тараққиётининг ҳамма жиҳатларига самарали таъсир ўтказди ва ўтказмоқда. Ўнинчи беш йиллик йилларида СССР экономикаси, фан ва маданиятини ривожлантиришда олға қараб янги қадам қўйилди. Совет кишиларининг моддий фаровонлиги анча ошди. Мамлакатнинг мудофаа қобилияти янада кўпроқ мустаҳкамланди. КПСС XXIV ва XXV съездлари ишлаб чиққан Тинчлик программаси қатъият билан амалга оширилмоқда. Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партиясининг раҳбарлик, етакчилик ва ташкилотчилик роли беқиёс даражада ўсди.

Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди республика коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг якдил фикрини ифода этиб, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг, Сиёсий бюронинг кўп қиррали ва собитқадам фаолиятини қизғин маъқуллайди, тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг мамлакатимизни коммунизм йўлидан ривожлантиришнинг барча энг йирик проблемаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги жуда катта ролини меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик билан таъкидлаб ўтади, Леонид Ильич Брежневнинг меҳнат аҳли бахт-саодати тўғрисида, ер юзида тинчлик тўғрисида чуқур ғамхўрлик руҳи билан суғорилган толмас, ҳақиқатан ҳам буюк фаолияти уни совет кишиларининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг самимий иззат-ҳурмати ва миннатдорчилигига сазовор қилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» ҳақидаги лойиҳасини якдиллик билан маъқуллайдилар. Бу — коммунистик қурилишнинг янги уфқларини очиб берадиган ғоят муҳим ҳужжатдир. Республика меҳнаткашлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, жонажон Коммунистик партиянинг XXVI съездини муносиб кутиб олишга тайёрланмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номидан қилган ҳисобот докладини тинглаб ва муҳокама этиб, съезд якдиллик билан қуйидагиларни таъкидлайди: КПССнинг содиқ ва жанговар отряди бўлмиш Ўзбекистон партия ташкилоти ҳисобот

даврида ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди ва ғоявий жиҳатдан ўсди, партия XXV съездининг қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун, ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун курашда оммага раҳбарликнинг янги тажрибаси билан бойиди.

Ўтган беш йил мобайнида республиканинг иқтисодий потенциали анча ўсди, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ортди. Асосий ишлаб чиқариш фондлари бир ярим баравар кўпайди. Миллий даромад 29 процент ошди. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш яхшиланди. Қорақалпоғистон АССРни, республиканинг область, шаҳар ва районларини комплекс ривожлантириш суръатлари тезлашди. Меҳнаткашларнинг моддий ва маданий даражасини муттасил юксалтириш борасида бир қанча тадбирлар амалга оширилди.

Саноат, хусусан бутун халқ хўжалигининг илмий-техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар тез суръатлар билан ривожланди. Республикада 1400 дан ортиқ корхона ишлаб турибди, саноат маҳсулоти ҳажми 27,4 процент кўпайди, пландан ташқари 1,5 миллиард сўмликдан ортиқ саноат маҳсулоти реализация қилинди. Саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг 7,8 мингта янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотнинг миқдори уч баравар ортди.

Меҳнат ва табиий ресурслардан фойдаланиш самаралироқ бўлиб қолди. Кичик шаҳарларда, қишлоқ районлари марказларида корхона ва цехларнинг 290 филиали ишга туширилди. Маҳаллий хом ашёдан халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқариш кўпайди.

Темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспорти, йўл қурилиши, алоқанинг ҳамма турлари янада ривожланди. Тошкент метрополитенининг биринчи линияси муддатидан илгари ишга туширилди, автомобиль йўллари шохобчалари кенгайтирилди.

Қурилишнинг техника даражаси янги босқичга кўтарилди. Беш йил ичида салкам 25 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу — аввалги беш йилликдагига нисбатан 1,3 баравар ортиқдир. Асосий фондларни ишга тушириш юзасидан беш йиллик топшириқлари 102 процент, капитал маблағлардан фойдаланиш юзасидан 109 процент ва қурилиш-монтаж ишлари юзасидан 108 процент бажарилди. Фан ва техниканинг замонавий талабларига жавоб берадиган 100 га яқин йирик саноат корхоналари ва цехлар ишга туширилди.

Беш йиллиқ даврида қишлоқда қурилиш янада кўпроқ мустаҳкамланди. У халқ хўжалигининг муҳим тармоғи сифатида таркиб топди.

Сув хўжалиги қурилиши кенг кўламларда олиб борилди. Беш йил ичида сув омборларининг умумий ҳажми икки баравардан зиёд ортди. Ярим миллион гектарга яқин янги ерлар ўзлаштирилди.

Республика қишлоқ хўжалигида жуда катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Унинг ялпи маҳсулоти беш йил ичида 25,5 процент кўпайди, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг ҳамма турларини харид қилиш юзасидан берилган топшириқлар муваффақиятли бажарилди.

Пахта етиштириш ва уни йиғиб-териб олишнинг механизациялаштирилган илғор технологияси ўзлаштирилди. Қишлоқ меҳнаткашларининг қаҳрамонона меҳнати, ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг актив ёрдами туфайли пахта етиштириш муттасил ортиб борди, планлар ва қабул қилинган юксак мажбуриятлар йил сайин ошириб бажарилди. Донғи кетган пахтакорларнинг муваффақиятлари 1980 йилда эришилган буюк меҳнат ғалабасининг гултожи бўлди. Ватан пахтачилигининг бутун тарихида давлатга биринчи марта 6 миллион 237 минг тонна, шу жумладан 360 минг тонна энг қимматли ингичка толали пахта топширилди. Беш йил ичида ялпи пахта ҳосили тўрт миллион тоннадан зиёд кўпайди...

Дон, хусусан маккажўхори ва шоли етиштириш тез суръатлар билан ўсаборди. Сабзавот, картошка, полиз экинлари ва ҳўл меванинг ўртача йиллик ҳосили тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 1,6 баравар ортди. Чорвачилик интенсив равишда ривожланди. Чорва мол ва паррандаларнинг маҳсулдорлиги кўпайди.

Ўнинчи беш йилликда кенг социал программа амалга оширилди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда реал даромадлар 17 процент ошди. Ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақи ҳамда колхозчиларнинг даромадлари кўпайди. Жамоат фондидан берилган тўлов ва енгилликлар 37 процент кўпайди. Товар обороти 42,4 процент, маиший хизмат ҳажми 1,8 баравар ўсди. Уй-жой ва социал-маданий қурилиш кенг кўламларда олиб борилди. Уч миллиондан зиёд киши янги квартираларга кўчиб жойлашди ва ўзининг уй-жой шароитини яхшилаб олди. Мактабгача ижтимоий тарбияни янада ривожлантириш, медицина хизматини яхшилаш ва меҳнаткашларнинг дам олишини уюштириш, турмуш маданиятини юксалтириш соҳасида кўп иш қилинди.

Фан ва техника янада ривожланди. Илмий-тадқиқотларнинг самарадорлиги ошди, бу тадқиқотларнинг натижаларини халқ хўжалигига жорий этиш соҳасидаги ишлар анча яхши йўлга қўйилди. Республикада план-иқтисодий иш такомиллаштирилмоқда, планлар ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларига ва унинг сифат кўрсаткичларини оширишга таъсири кучайиб бормоқда, илмий-ишлаб чиқариш ва аграр-саноат бирлашмалари ҳамда комплекслари вужудга келтирилмоқда.

Ҳисобот даврида умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника таълими такомиллаша борди. Уларнинг моддий базаси анча мустаҳкамланди. Мактаб ўқувчиларининг меҳнат ва ишлаб чиқариш таълими яхшиланди. Олий ва ўрта махсус таълим тобора ривожланди. Ўнинчи беш йиллик даврида ярим миллионга яқин дипломли мутахассислар тайёрланди.

Партия ташкилотлари партия XXV съездининг қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг қарорларини бажара бориб, идеология, сиёсий тарбия ишини анча кучайтирдилар. Бутун тарбия ишини комплекс уюштириш практикага қунт билан жорий этилмоқда. Пропаганда ва агитациянинг илмий жиҳатдан юксак савияда бўлишини таъминлаш, унинг ишчанлиги ва конкретлигини, ҳаёт билан, хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан алоқасини кучайтириш, бу ишнинг актив, ҳужумкорлик характерини бутун чоралар билан ривожлантириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда.

Сиёсий ва иқтисодий таълим, лекция пропагандаси, сиёсий агитация, оммавий ахборот воситалари, социалистик мусобақа, физкультура ва спорт тобора такомиллаштирилди. Адабиёт ва санъатни ривожлантириш соҳасида янги муваффақиятларга эришилди.

Ўзбекистон Компартияси ўтган беш йил ичида ўсиб, мустаҳкамланиб борди. Партия сафлари сонининг ўсиши билан айни бир вақтда унинг сифат состави яхшиланди, ишчи ўзаги мустаҳкамланди, ёшлар, хотин-қизларнинг партия сафига кириши кучайди, коммунистларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати юқори даражага кўтарилди.

Партия комитетлари ҳисобот даврида ленинча иш услубини қунт билан эгалладилар, халқ хўжалигининг барча соҳаларига раҳбарлик методларини такомиллаштирдилар, илғор тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва ёйишга катта эътибор бердилар. Ижрони контрол қилиш ва текширишни кучайтириш, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш борасида таъсирчан чоралар амалга оширилди. Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилияти ошди.

Ленинча принципларга қатъиян мувофиқ равишда кадрлар сиё-

сати амалга оширилди. Кадрларнинг сифат состави яхшиланди. Партия, давлат, хўжалик ва жамоат ишларининг ҳамма соҳалари доим моҳир ташкилотчилар ва мутахассислар билан мустаҳкамланди, кексаларнинг тажрибасини ёш ходимларнинг ғайрат-шижоати ва ташаббуси билан тўғри қўшиб олиб бориш йўлига қатъий риоя қилинди.

Хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда маҳаллий Советлар, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг, халқ контроли органларининг роли анча кучайди.

Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди эришилган муваффақиятларни мамнуният билан қайд этиб, айрим партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, министрликлар, идоралар ва корхоналар хўжалик юритиш ва ижрочилик интизомини замон талабларини ҳисобга олиб, юксак даражага кўтара олмадилар, деб ҳисоблайди. Бунинг натижасида саноатда мавжуд резервлардан тўлиқ фойдаланилмаётир, ҳамма корхоналар ҳам ўнинчи беш йиллик топшириқлари бажарилишини таъминламади. Бир қанча корхоналарда иш вақти ҳали ҳам кўп исроф қилинмоқда, уларда меҳнат унумдорлиги паст, сифатни назорат қилиш комплекс системаси суст жорий этилмоқда.

Капитал қурилишда маблағ ва моддий ресурсларнинг сочиб юборилишига йўл қўйилмоқда. Пудратчи қурилиш ташкилотларининг қарийб учдан бир қисми иш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ошириш плани бажарилишини уддаламаётир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун қолоқ колхоз, совхоз, районларни илғорлар даражасига кўтариш каби муҳим резерв суст ишга солинмоқда. Ҳамма жойда ҳам ер, ўғитлардан самарали фойдаланилмоқда, деб бўлмайди, меҳнат унумдорлиги суст ўсмоқда.

Айрим партия, совет, хўжалик органлари аҳолининг маданий-маиший эҳтиёж-талабларини тўлароқ қондириш мақсадида мавжуд имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш учун амалий чораларни кўрмадилар. Бир қанча шаҳар ва районларда уй-жой, мактаб, болалар муассасалари ва шифохоналар қуриш планлари доим бажарилмай қолмоқда. Савдо, маиший ва коммунал хизмат корхоналари, пассажир транспорти ва алоқа корхоналарининг ишидаги камчиликлар суст бартараф қилинмоқда.

Идеология, сиёсий-тарбия ишида ҳануз айрим камчилик ва нуқсонлар бор. Бир қанча жойларда бу иш замонанинг ўсган талаблари ҳисобга олинмай, ташкилий ва ғоявий жиҳатдан паст савияда олиб борилмоқда. Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарларга қарши курашни кучайтириш вазифалари ҳануз етарли даражада самарали ҳал этилмаётир. Айрим партия комитетлари омма ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишни такомиллаштириш борасида тегишли чораларни кўрмаётирлар, улар жойлардаги ишнинг аҳволини ҳамиша ҳам ҳар томонлама чуқур анализ қилмоқдалар, деб бўлмайди, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишида нуқсонларга йўл қўймоқдалар.

Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иши қониқарли деб топилсин.

2. Партиянинг сиёсатини, унинг иқтисодий стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, республикадаги барча партия комитетлари ва партия ташкилотларининг асосий вазифаси, деб ҳисоблансин. Бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, бошқарув даражаси ва сифатини ошириш асосида

совет кишиларининг фаровонлигини янада ўстириш — бу иқтисодий стратегиянинг олий мақсадидир.

3. Марказий Комитетга, область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига, совет ва хўжалик органларига ўн биринчи беш йилликда ишлаб чиқаришни тез ўстириш ва унинг структурасини такомиллаштиришни, фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқларни — энергетика, электрон, электротехника, металлургия, машинасозлик, химия, газ саноатини, шунингдек қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, пахта тозалаш саноати, қурилиш учун машина ва ускуналар ишлаб чиқаришни тезроқ ривожлантиришни таъминлаш вазифаси юклансин. Озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, пойабзал, мебель ва халқ истеъмол қиладиган бошқа молларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишини яхшилаш ва уларни ривожлантиришга, бу маҳсулотларнинг сифатини ошириш ва хилларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилсин.

4. Корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш суръатларини тезлатишни, ишлаб чиқариш қувватларидан, табиий, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни янада яхшилашни, фойдали қазилма конларини қидириб топиш юзасидан геология-разведка ва илмий-тадқиқот ишларини янада кенгайтиришни, прогрессив технология, фан-техника ютуқларини кенг жорий этиш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини оширишни, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда корхоналарнинг филиаллари, бирлашмалар ва комплексларни вужудга келтиришни, хўжалик механизмининг ҳамма бўғинларида планлаштиришни такомиллаштиришни, план интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатни ташкил этиш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг бригада системасини жорий этишни съезд муҳим вазифа деб ҳисоблайди.

5. Ўзбекистон ССР Госплани, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими республика министрликлари ва идоралари билан, область партия ва совет органлари билан биргаликда КПСС Марказий Комитетининг СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари лойиҳаси тўғрисидаги қарорга мувофиқ қўриқ областларни комплекс ривожлантириш, уларнинг мўл ер ва минерал-хом ашё ресурсларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун самарали жалб этишни таъминлаш мақсадида Қарши ва Жиззах территориал-ишлаб чиқариш комплексларини ривожлантиришнинг йўналишларини асослаб бериш борасида ишларни собитқадамлик билан давом эттирсинлар, уларни республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш планларида акс эттирсинлар ҳамда тегишли таклифларни икки ой ичида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг муҳокамасига тақдим этсинлар.

6. Область, шаҳар ва район партия комитетларига, Ўзсовпрофга, министрликлар, идораларга, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларига ҳар бир меҳнат коллективининг бир меъёрда, пухта ишлаши, халқ хўжалик планлари ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаши учун тегишли чоралар кўриш вазифаси юклансин. Юксак пировард натижаларга эришиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақа, «Қолоқларсиз ишлаш» ҳаракати ривожлантирилсин. Меҳнаткашларнинг ижодий активлиги, новаторлик, мураббийлик кучайтирилсин ва қўллаб-қувватлансин. Кадрларни бир жойда муқим ишлайдиган қилиш, сермеҳнат ишларни механизациялаш, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш ва уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш тадбирлари амалга оширилсин.

7. Съезд капитал маблағларнинг самарадорлигини ошириш, қу-

рилиш муддатларини қисқартириш, қимматини пасайтириш ва сифатини яхшилаш, янги қувватлар ва объектларни ўз вақтида ишга туширищ — капитал қурилиш соҳасидаги асосий вазифа, деб ҳисоблайди.

План органлари, министрликлар ва идоралар капитал қурилишда планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштиришлари, капитал маблағларни биринчи навбатда корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришга ва илгари қурила бошланган иншоотларни тугаллашга сарф қилишлари, маблағ, моддий-техника ва меҳнат ресурсларини ишга тушириладиган ҳамда энг муҳим қурилишларга тўплашни таъминлашлари, битказилмай қолган қурилиш ҳажмини ва ўрнатилмаган ускуналарни белгиланган нормативларгача қисқартиришлари зарур.

Қурилиш ишларини ташкил этиш ва унинг инженерлик тайёргарлиги яхшилансин, индустрлаштириш ва комплекс механизациялаш даражаси оширилсин, қўл меҳнатини анча қисқартириш тадбирлари кўрилсин ва шу асосда қурилишда меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган суръатларга эришиш таъминлансин.

Уй-жой қурилиши миқёсларини кўпайтириш ва шу мақсадда янги уйсозлик комбинатларини ишга тушириш, ишлаб турган уйсозлик комбинатларини реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, янги сериядаги яхшиланган типовой лойиҳаларга мувофиқ уй-жойларни тайёрлаб беришга ўтиш, уй-жой қурилишининг умумий ҳажмида йирик панелли ва ҳажмли-блокли уй-жойлар қурилиши ҳиссасини кўпайтириш зарур.

Партия, совет ва хўжалик органлари қурилиш ишларини ташкил этишнинг прогрессив формаларини: бригада хўжалик ҳисоби, узел методи, узлуксиз планлаштириш ва комплекс поток усулда қуришда қўлланилаётган Орёл системасини ривожлантириш зарур. Янги ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жойларни ва маданий-маиший хизмат кўрсатадиган объектларни комплекс тарзда ишга туширишни таъминлаш, план тузиш, архитектура ва қурилиш ечимларининг сифатини ошириш керак.

Қурувчиларнинг самарали ишлаши ва дам олиши учун зарур шароитлар вужудга келтирилсин. Кадрлар қўнимсизлигини кескин суратда қисқартириш таъминлансин.

8. Съезд халқ хўжалигининг ва аҳолининг юк ва одам ташишга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида ва тўла қондиришга, транспорт системасининг иш самарадорлиги, сифатини оширишга ҳамда унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият беради. Партия, совет ва хўжалик органлари транспорт ҳамма турларининг ишини мувофиқлаштириб олиб боришни яхшилашга ва уларнинг халқ хўжалигидаги бошқа тармоқлар билан ўзаро яхши алоқа боғлашларига эришмоқлари лозим. Халқ хўжалиги ва аҳолининг ўсиб бораётган талабларига мувофиқ, алоқа воситалари шохобчалари кенгайтирилсин.

9. Съезд қишлоқ хўжалигини бундан буён ҳам жадал ривожлантиришга эришиш, озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга ошириш, аграр-саноат комплекси тармоқларини ягона планлаштириш, мутаносиб ва баланслаштирилган тарзда ривожлантириш асосида мамлакатни ва республикани қишлоқ хўжалик хом ашёси ҳамда маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ғоят муҳим, деб ҳисоблайди. Шаҳар билан қишлоқ турмушининг моддий ва маданий-маиший шароитларини яқинлаштириш вазифаларини ҳал этишда куч-ғайратни кўпроқ сарф қилиш зарур.

Партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органларининг, барча қишлоқ меҳнаткашларининг куч-ғайрати аввалгидек ҳозирда ҳам пахтачиликни янада ривожлантиришдан иборат ватанпарварлик

ва интернационал бурчни бажаришга йўналтирилсин, йилига ўрта ҳисобда камида 5,9 миллион тонна пахта етиштириш таъминлансин.

Деҳқончилик маданиятини юксалтириш, алмашлаб экишни ўзлаштириш, минерал ўғитлардан ва бошқа химиявий воситалардан фойдаланишни яхшилаш, мелиорация, комплекс механизациялашни ривожлантириш йўли билан пахта ҳосилдорлиги оширилсин, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, СоюзНИХИ ва бошқа илмий муассасаларнинг олимлари эртаги ҳосилни олиш агротехникаси ва технологиясини муттасил такомиллаштиришлари, юқори сифатли тола берадиган, пахтанинг вилтга чидамли, тез пишар, мўл ҳосил берадиган янги навларини яратиш соҳасида актив иш олиб боришлари, зараркунандаларга қарши курашнинг биологик методларини кенг жорий қилишлари лозим. Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро областларида ингичка толали пахта майдонлари кенгайтирилсин.

Қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини янада ривожлантириш, пахтачиликни комплекс механизациялашни ниҳоясига етказиш, бошқа тармоқларда, айниқса мева-сабзавотчиликда, чорвачиликда ва пиллачиликда ишларни механизациялаш даражасини ошириш бош йўналиш деб ҳисоблансин. Қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш ва уни асрашни яхшилашга, машиналарни ремонт қилиш ва техника хизмати кўрсатиш системасини ривожлантиришга кўпроқ эътибор берилсин.

Партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колхоз ва совхозларда меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янада мукаммал формаларини кенг жорий этсинлар, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигини ўнинчи беш йилликка нисбатан камида 18 процент оширишни таъминласинлар.

Қарши ва Жиззах даштларида, барча областларда ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасида ерларни ўзлаштириш давом эттирилсин. Бу ерлардан самарали фойдаланиш социал проблемаларнинг ҳал этилишига, уй-жой, маиший ва маданият муассасалари, яхши йўллар қурилишига боғлиқ эканлиги эътиборга олинсин. 485 минг гектар суғориладиган ер экинзорга айлантирилсин, 1,5 миллион гектар яйловга сув чиқарилсин. Толимаржон, Туямўйин, Ҳисорак ва Қоровултепа сув омборлари қуриб битказилсин. Тўпаланг, Сўх ва Шўркўл сув омборлари қурилиши авж олдириб юборилсин. Илгаридан суғориб келинаётган ерларни комплекс реконструкциялашга, гидромелиорация системаларини ишлатишни яхшилашга, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берилсин.

Маккажўхори ва шоли экиладиган майдонларни кенгайтириш, шу экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига айниқса суғориладиган ерларда дон етиштиришни кўпайтириш йўли давом эттирилсин, картошка, сабзавот-полиз экинлари, боғ ва токзорларнинг ҳосилдорлиги оширилсин, мева-сабзавот маҳсулотини асрайдиган, қайта ишлайдиган қувватлар кўпайтирилсин, аҳолини ҳўл мева ва сабзавот билан йил давомида таъминлаб туриш йўлга қўйилсин ва шу маҳсулот билан савдо қилиш яхшилансин.

Съезд партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг зиммасига гўшт, сут ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш вазифаларини ҳал этишга алоҳида эътибор бериш, чорвачиликнинг интенсив методларини жорий этиш вазифасини юклайди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни янада жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини изчиллик билан бажариш бу соҳадаги бош вазифадир. Юқори сифатли ем-хашак етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар амалга оширилсин, са-

ноат корхоналари ҳамда бошқа корхона ва ташкилотлар ҳузуридаги ёрдамчи чорвачилик хўжаликлари ривожлантирилсин, кўл-ҳовуз балиқчилигини ривожлантиришга катта эътибор берилсин, пиллачиликнинг моддий-техника ва озуқа базаси мустаҳкамлансин, уни индустриал негизга кўчириш жадаллаштирилсин. Аҳолининг шахсий хўжаликларини ривожлантиришга кўмаклашилсин, қишлоқ меҳнатчисининг ҳар бир оиласида чорва ва парранда боқилишига эришилсин.

Барча хўжалик бўғинларида молиявий-хўжалик фаолияти устидан контроллик кучайтирилсин, иқтисод қилиш, тежамкорлик учун, маҳсулот таннархини пасайтириш учун қунт билан кураш олиб борилсин.

10. Съезд республика план, молия, банк, таъминот ва бошқа органлари ҳамда идораларининг ишига нисбатан талабчанликни ошириш зарур деб ҳисоблайди.

Госплан планлаштиришнинг анча мукаммал методларини қўллансин, халқ хўжалик планларининг, ундаги барча бўлимлар ва қисмларнинг мутаносиб бўлишини таъминласин, иқтисодий проблемаларни ҳал этиш чоғида маҳкамачилик ва маҳаллийчилик тенденцияларига кескин қаршилик қилсин. Госснаб, министрликлар ва идоралар маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятлар ва берилган топшириқларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилиши устидан контролликни кучайтирсинлар, моддий-техника таъминотининг илғор форма ва методларини ривожлантирсинлар, иккиламчи ресурслардан кенг фойдалансинлар.

Молия-кредит механизмининг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳамда хўжалик юритишнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга таъсири кучайтирилсин, давлат маблағларининг оқилона ишлатилиши, молиявий ва тўлов интизомига риоя этилиши устидан янада қаттиқ контроллик ўрнатилсин. Нарх белгиловчи органлар улгуржи нархларнинг янги маҳсулотни ўзлаштиришни жадаллаштиришга, уларнинг сифатини яхшилашга, ишлаб чиқариш ресурсларидан янада оқилона фойдаланишга ва маҳсулот таннархини пасайтиришга ўтказадиган рағбатлантирувчи таъсирини оширсинлар.

11. Партия, совет ва хўжалик органлари социал ривожланиш программасини амалга оширишга ва меҳнаткашларнинг фаровонлигини юксалтиришга кўпроқ эътибор беришлари керак. Коммунал ва маиший хизматлар ҳажми кўпайтирилиши лозим. Савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш корхоналарининг фаолияти яхшилансин.

Аҳолига медицина ёрдами кўрсатиш сифатини ва маданиятини ошириш, касалга чалинишнинг олдини олиш ишларини кучайтириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиниши зарур. Оналар ва болаларга хизмат кўрсатиш ҳар томонлама яхшилансин, она ва бола учун профилакторийлар ва санаторийлар тармоғи кенгайтирилсин, меҳнаткашларнинг социал ва пенсия таъминоти такомиллаштирилсин, Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларининг, партия ва меҳнат ветеранларининг, ҳалок бўлган жангчилар оилаларининг талаб ҳамда эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор берилсин.

12. Область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига, идеология муассасалари ва идораларига идеология ишини янада юксалтириш чораларини кўриш топширилсин. Бундан буён ҳам пропаганда ва агитациянинг юксак илмий савияда бўлишини таъминлашга, унинг амалийлигини ва конкретлигини, ҳаёт билан, хўжалик ва сиёсий вазифаларнинг ҳал этилиши билан боғланишини кучайтиришга асосий диққат-эътибор берилсин, бутун сиёсий-тарбиявий ишнинг актив ҳужумкорлик характери ҳар томонлама ривожлантирилсин. Душманнинг идеология соҳасидаги қўпорувчилик ҳаракатларига қарши кескин кураш олиб борилсин.

Меҳнаткашларни марксча-ленинча дунёқараш, партия ишига, ком-

мунистик идеалларга, социалистик интернационализмга чексиз садоқат руҳида тарбиялаш аввалгидек идеология, сиёсий-тарбия ишнинг ўзаги бўлиб қолавериши керак. Коммунистлар ва партиясизларга марксча-ленинча ва иқтисодий таълим беришни янада такомиллаштириш тадбирлари амалга оширилсин.

Меҳнат коллективларида ва меҳнаткашларнинг истиқомат жойларида оммавий-сиёсий иш ва лекция пропагандаси кучайтирилсин. Агитация-пропаганда ишларини олиб борувчи кадрлар состави мустаҳкамлансин. Раҳбар кадрларнинг меҳнаткашларни сиёсий жиҳатдан тарбиялашда доимо ва албатта иштирок этишидан иборат ленинча анъана ҳар томонлама ривожлантирилсин. Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантириш учун одамлар билан шахсан алоқа ўрнатиш имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланилсин, меҳнаткашларнинг сўровлари, таклифлари ва танқидий мулоҳазалари мунтазам равишда умумлаштирилиб, таҳлил этилсин, уларга оператив жавоблар бериб турилсин, шу масалалар, таклифлар ва мулоҳазалар юзасидан кўрилган амалий чоралар тўғрисида аҳолига ахборот берилсин.

Партия комитетлари, оммавий ахборот воситалари марксизм-ленинизм назариясини, КПССнинг тарихий тажрибасини пропаганда қилиш савиясини оширсинлар, экономика, фан ва маданиятнинг энг муҳим ютуқларини ҳар томонлама ёритсинлар. Партия, давлат хўжалик органлари ва жамоат ташкилотлари ишидаги ленинча ошкоралик принципи амалга оширилиши таъминлансин.

Ўзбекистон ССР ва бошқа қардош республикалар мисолида мамлакатимизнинг коммунистик қурилишдаги муваффақиятларини, ленинча миллий сиёсатнинг ажойиб самараларини, социализмнинг буюк афзалликларини, Коммунистик партия билан Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсат йўлини, социалистик демократия ривожланиб бораётганини кенг миқёсда пропаганда қилиш — оммавий ахборот воситаларининг энг муҳим вазифасидир.

13. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар, район партия комитетлари меҳнаткашларнинг барча категориялари ва группаларини эътиборга олиб ғоявий-сиёсий, меҳнат, ахлоқий ва атеистик тарбия масалаларини комплекс ҳал этишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширсинлар. Бу ишда партия, совет, жамоат ва хўжалик ташкилотларининг фаолиятини планлаштириш ҳамда мувофиқлаштириб олиб бориш даражаси оширилсин, партия комитетлари тармоқ бўлимларининг ва хўжалик раҳбарларининг тарбиявий иш ҳолати учун масъулияти оширилсин.

Бошланғич ва цех партия ташкилотлари, партия группалари кундалик ғоявий-тарбиявий фаолиятнинг марказлари бўлиб қолишларига, коллективларни жипслаштиришларига, одамлар билан якка тартибда моҳирона иш олиб боришларига, уларнинг социал активлигини ва меҳнат ғайратини рағбатлантиришларига, меҳнат ва турмуш маданиятини оширишларига, янгилик туйғусини ривожлантиришларига эришилсин.

Социалистик мусобақанинг тарбиявий имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланилсин. Меҳнаткашларга мусобақанинг бориши тўғрисида ўз вақтида ва батафсил ахборот бериб турилсин. Унинг якунларини чиқариш вақтида ишлаб чиқариш кўрсаткичларигина эмас, тарбиявий ишнинг ҳолати ҳам эътиборга олинсин. Қишлоқ аҳолиси ўртасида ғоявий-сиёсий ишни янада кучайтиришга эришилсин. Қишлоқ меҳнатчиларининг умумий таълим, касб-кор ва маданий даражасини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилинсин.

14. Съезд партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари зиммасига меҳнаткашларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш, социалистик турмуш тарзини қарор топтириш ишини кучайтириш, одамларнинг онги ва феъл-атворидаги ўтмиш сарқитларига қарши

кескин кураш олиб бориш вазифасини юклайди. Меҳнаткашларни ҳаётбахш совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, СССР халқларининг ленинча бузилмас дўстлиги ва қардошлиги руҳида тарбиялаш ишини янада такомиллаштириш, миллатлараро алоқа тили бўлмиш рус тилини чуқур ўрганиш таъминлансин.

15. Съезд партия комитетлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф министрликлари, Ҳунар-техника таълими давлат комитети ҳамда ўқув юртларига эга бўлган бошқа министрликлар ва идоралар зиммасига олий ва ўрта махсус, ўрта ва ҳунар-техника таълимини ривожлантириш ва такомиллаштириш ишини давом эттириш вазифасини юклайди.

Мутахассисларнинг касб тайёргарлигини ҳамда ишчи кадрларнинг малакасини янада оширишга, мураббийлик ҳаракатини ривожлантиришга, ёшларни коммунистик эътиқод, юксак ғоявий ва ахлоқий-сиёсий фазилатлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилсин. Ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларни армияда хизмат қилишга тайёрлаш савиясини оширишга эришилсин.

Мактабгача ёшдаги болаларни боғча ва яслида тарбиялашни янада такомиллаштириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилинсин, болаларни мактабгача тарбия муассасаларига жалб этиш даражаси анча оширилсин, болалар ясли-боғчалари тармоғини ривожлантиришнинг юксак суръатлари таъминланиб, бу мақсадлар учун тармоқ министрликлари, идоралар, колхозларнинг маблағидан кенг фойдаланилсин.

Съезд адабиёт ва санъат арбобларининг ижодий активлигини бундан буён ҳам ошириш, уларни халққа садоқат билан хизмат қилишдек олижаноб вазифага илҳомлантириш, социалистик маданиятнинг халқчиллиги ва партиявийлиги байроғини баланд кўтариш зарур, деб ҳисоблайди. Ижодий союзларнинг ишини тинимсиз такомиллаштириш, республика маданият арбоблари турмушга дадил ва актив кириб боришларига, совет турмуш тарзининг бойликларини, замондошимизнинг — янги давр қаҳрамонининг маънавий дунёсини акс эттиришларига, шу қаҳрамоннинг турмуши, меҳнати ва ижодига ёрдам беришларига эришиш — партия ташкилотларининг бурчидир. Санъатнинг ҳамма турлари ходимлари марксизм-ленинизм фанини эгаллаб олишлари, ўз фаолиятида шу фанга муттасил амал қилишлари зарур.

16. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Госплани, министрликлари ва идоралари илмий-тадқиқот ишларини планлаштириш ва мувофиқлаштириб туриш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг тажриба-ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш масалаларига эътиборни кучайтирсинлар.

Фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тармоқ комплекс программаларини биргаликда ишлаб чиқиб, амалга оширишни кенг одат тусига киритиш, асосий диққат-эътиборни фан ва техниканинг экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказишни таъминлайдиган ютуқларини жадал жорий этишга қаратиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш зарур. Тармоқ илмий муассасаларидаги тадқиқотларнинг савияси учун министрликлар ва идораларнинг масъулияти оширилсин. Халқ хўжалигидаги вазифаларни ҳал этиш учун олий ўқув юртларининг илмий потенциалидан тўла-тўкис фойдаланилсин.

Ижтимоий фанлар соҳасида етук социализм жамиятини ривожлантириш проблемалари, ижтимоий муносабатлар чуқурроқ тадқиқ этилсин, республиканинг социал-иқтисодий ривожига партиявий раҳбарликнинг тарихий тажрибаси, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари умумлаштириб берилсин.

17. Партия Марказий Комитети, область, шаҳар, район партия ко-

митетлари ички ишлар, прокуратура, юстиция органларига ва судларга раҳбарликни кучайтирсинлар. Партия билан ҳукуматнинг социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга оид қарорларини бажариш соҳасидаги ташкилотчилик ва гоявий-тарбиявий иш яхшилансин. Маъмурий органлар жамоат тартибини таъминласинлар, ҳуқуқ-тартибот бузилишининг ўз вақтида олдини олсинлар ва пайини қирқсинлар, жамият манфаатларига зид ҳодисаларга қарши кескин кураш олиб борсинлар, жамоатчилик билан алоқани кенгайтирсинлар, социалистик ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳоллари билан боғлиқ бўлган ишларнинг бевосита коллективларда меҳнаткашларнинг актив иштироки билан кўриб чиқишни кенг одат тусига киритсинлар.

18. Съезд шуни таъкидлайдики, коммунистик қурилишнинг кенгайиб бораётган миқёслари экономика ва маданиятни ривожлантиришга, одамларни тарбиялашга партия раҳбарлиги савиясини муттасил оширишни, омма орасидаги бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишни яхшилашни қаттиқ талаб қилмоқда. Ривожланган социализм шароитида барча партия комитетларининг фаолиятига янада кўпроқ конкретлилик бахш этиш, илмий, аналитик ёндашишни сабот билан жорий этиш, етук масалаларни малакали ҳал этиш ва бошланган ишни албатта пировардига етказиш зарур. Партия Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия комитетлари бундан буён ҳам ўз фаолияти методларини такомиллаштириш юзасидан хилма-хил иш олиб боришлари, ленинча иш услубларини қунт билан ўрганишлари, ўзларининг бутун куч-ғайратларини катта-катта истиқбол масалаларига қарата билишлари, бюрократизм ва расмиятчилик кўринишларига қарши кескин кураш олиб боришлари керак.

19. Съезд партия комитетлари зиммасига кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принципларига аввалгидек ҳеч огишмай риоя этиш вазифасини юклайди. Хўжалик ва маданий қурилиш участкалари юксак партиявийликни чуқур билимдонлик билан, интизомлиликни ташаббускорлик ва ишга ижодий ёндашиш билан бирга қўшиб олиб борадиган, замонавий бошқариш методларини эгаллаб олган, меҳнаткашлар ўртасида обрў-эътибор қозонган, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик билан қарайдиган раҳбарлар билан мустаҳкамлансин. Уларнинг партия, давлат ва план интизомига қаттиқ риоя қилиниши учун, топширилган иш учун шахсий жавобгарлиги оширилсин.

Республика партия ташкилотида қарор топган раҳбар ходимларнинг ўқиш системаси такомиллаштирилиб, бу ходимларнинг фан ва техника ҳозирги замон ютуқларини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш усулларини эгаллашларига эътибор берилсин. Партия кадрлари, идеология ходимларини тайёрлаш янада юқори даражага кўтарилсин.

Партия комитетлари резерв вужудга келтириш ишини доимо яхшилашлари, хотин-қизларни раҳбарлик ишига кўтаришни кучайтиришлари, кекса тажрибали кадрларни эҳтиёт қилишлари, уларнинг билимидан фойдаланишлари, айни вақтда ёш, умидбахш ходимларни юқори лавозимларга кўтаришлари керак.

20. Съезд партия билан ҳукумат директиваларининг яқин ва анча узоқ истиқбол учун ишлаб чиқилган иқтисодий ва социал вазифаларнинг ижросини контрол қилиш ва текширишни партия ташкилотлари ва уларнинг раҳбар органлари ташкилотчилик фаолиятидаги бош вазифа деб ҳисоблайди. Қарорларнинг миқдори эмас, балки қабул этилган қарорларнинг албатта бажарилиши контрол самарадорлигининг мезони бўлмоғи керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, область, шаҳар ва район партия комитетларига коммунистларнинг танқидий мулоҳазалари ва таклифларини бундан буён ҳам собитқадамлик билан ўрганиш, улар юзасидан оператив равишда чора-тад-

бирлар кўриш топширилсин. Бошланғич партия ташкилотлари маъмуриятнинг хўжалик фаолияти устидан контроллик қилиш ҳуқуқидан тўлиқроқ фойдалансинлар.

21. Партия Марказий Комитети, область, шаҳар, район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини янада яхшилашга, уларнинг партия сиёсатини амалга оширишдаги, ишчилар, колхозчилар, зиёлилар ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишни кучайтиришдаги ролини оширишга ҳаракат қилсинлар. Бирлашмаларнинг партия комитетларига ва бошқа партия бўғинларига кўпроқ амалий ёрдам берсинлар. Партия йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш практикаси такомиллаштирилсин. Коммунистларнинг активлиги оширилсин, улардан ҳар бири сиёсий жангчига хос фазилатларни эгаллаб олишига, ишлаб чиқаришда ва ижтимоий турмушда авангардлик ролини муносиб равишда бажаришига, турмушда намуна бўлишига эришилсин. Қатъий якка тартибда танлаб олиш асосида партияга меҳнаткашларнинг энг муносиб намояндалари қабул қилинсин, бунда янги кирувчилар составида ишчиларнинг етакчи ўринда бўлиши таъминлансин. Партияга киришга рекомендация берувчиларнинг масъулияти ва кандидатлик стажининг аҳамияти оширилсин. Партия сафларининг софлиги ва мустаҳкамлиги, партия интизомини янада кучайтириш учун курашда партия комиссияларининг роли оширилсин.

22. Съезд социалистик демократияни бундан буён ҳам чуқурлаштириш, халқ депутатлари Советларининг роли ва обрў-эътиборини ошириш, уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш зарур, деб ҳисоблайди. Советлар ўз фаолиятини доимо такомиллаштиришлари, иқтисодий ва социал ривожланиш планларини ишлаб чиқиш учун, план, молия масалаларининг ҳал этилиши учун масъулиятни оширишлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга раҳбарликни кучайтиришлари, халқ истеъмол молларининг ишлаб чиқарилиши тўғрисида, уй-жой ва маданий-маиший қурилишнинг яхшиланиши ҳақида доимо ғамхўрлик қилишлари керак. Партия комитетлари Советларни тажрибали, ташаббускор ходимлар билан мустаҳкамлашлари, уларни тайёрлашни яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозим.

Халқ контроли органларининг куч-ғайратлари энг муҳим ва актуал масалаларни текширишга қаратилсин, ички резервларни аниқлаш ва улардан фойдаланишда, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштиришда, уюшқоқликни ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлашда уларнинг роли оширилсин.

23. Область, шаҳар, район партия комитетлари зиммасига касаба союз ташкилотларига раҳбарликни кучайтириш вазифаси юклатилсин. Меҳнаткашларнинг ижодий активлигини ривожлантиришда, таъсирчан социалистик мусобақани ва меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини ташкил этишда касаба союзларининг роли ва масъулияти оширилсин. Касаба союзлари ишлаб чиқаришни бошқаришда янада активроқ қатнашишларига кўмаклашилсин. Ишчиларнинг йиғилишлари ва ишлаб чиқариш кенгашларининг обрў-эътиборини ҳар томонлама ошириш зарур.

Халқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида, ишлаб чиқаришни юксалтириш ҳақида ғамхўрлик қилиш билан бирга меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари тўғрисида, уларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитлари ҳақида ғамхўрлик қилиш касаба союзларининг муҳим вазифасидир.

24. Съезд коммунистик қурилишнинг ҳамма жабҳаларида комсомоллар ва барча ёшларнинг ғайрат-шижоати қулф уриб ривожланаётганлигини қайд этади. Ҳозирги босқичда йигит ва қизларни ўн биринчи беш йиллик вазифаларини ҳал этиш учун, уларни марксча-ленинча дунёқараш, ҳаётда актив позицияда туриш руҳида тарбиялаш учун ак-

тив кураш олиб боришга сафарбар қилиш комсомолнинг энг муҳим вазифасидир. Съезд партия ташкилотларининг зиммасига бундан буён ҳам комсомолга раҳбарликни такомиллаштириш, унинг ҳамма бўғинларини қобилиятли ташкилотчилар, билимдон ходимлар билан мустаҳкамлаш юзасидан амалий тадбирларни кўриш вазифасини юклайди. Комсомол ташкилотлари ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишни кучайтиришлари керак.

* * *

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съезди республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари бундан буён ҳам битмас-туганмас ижодий ғайрат билан, юксак онглилик ва уюшқоқлик билан меҳнат қила берадилар, ўн биринчи беш йиллик топшириқлари муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун ҳамма ишни қиладилар, бутун куч ва маҳоратларини КПСС XXVI съезди қабул этадиган тарихий қарорларни амалга оширишга қаратадилар, деб КПСС ленинчи Марказий Комитетини ва унинг Сиёсий бюросини, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтиради.

570 минг кишилик коммунистлар армияси номидан съезд Ўзбекистон ишчиларини, колхозчиларини, зиёлиларини, барча меҳнаткашларини улуғ, кўп миллатли социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлида, коммунизмнинг порлоқ идеаллари тантанаси йўлида илҳом билан ва фидокорона меҳнат қилишга чақиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XX СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981—1985 ЙИЛЛАРГА ВА 1990 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» ҲАҚИДА ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИГА ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съезди КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» ҳақида партия XXVI съездига лойиҳаси тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. Ж. Худойбердиевнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг иқтисодий стратегиясини тўла-тўкис маъқуллайди. Халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини муттасил юксалтириш, бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, меҳнат унумдорлигини кўпайтириш, совет кишиларининг социал ва меҳнат активлигини ўстириш асосида шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун яхши шароитларни вужудга келтириш — бу стратегиянинг олий мақсадидир.

Меҳнат коллективларида, ўқув юртларида, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларида, партия активи йиғилишларида, шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларида, область партия конференцияларида КПСС Марказий Комитети лойиҳасининг кенг муҳокама қилинганлиги ва тўла-тўкис маъқулланганлиги партиянинг планлари совет халқининг туб ҳаётий манфаатларини акс эттираётганлигини яққол тасдиқлайди.

Ўн биринчи беш йиллик халқ хўжалигини барқарор ва тез ривожлантириш, экономикани интенсив ривожланиш йўлига кўчириш, бошқаришни такомиллаштириш ва хўжалик юритиш даражасини ошириш, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан оқилона фойдаланиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ресурсларнинг барча турларини бутун чоралар билан тежаш ва иш сифатини яхшилаш асосида совет кишиларининг фаровонлигини янада юксалтиришни таъминлайди.

Съезд зўр мамнуният билан шуни қайд қиладики, КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаси партиянинг барча иттифоқдош республикалар экономикаси ва маданиятини юксалтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлигини тасдиқловчи янги далилдир. Республика меҳ-

наткашлари ўн биринчи беш йилликда иқтисодий ва социал ривожланишнинг улуғвор программасини тўлиқ амалга оширишга қатъий қарор берганликларини изҳор қиладилар.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига асосий йўналишларга амал қилиб ва КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасини муҳокама қилиш вақтида меҳнаткашлар киритган таклифларни ва мулоҳазаларни эътиборга олиб, Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга мўлжалланган беш йиллик планни ишлаб чиқишни топширади. Бу план республика экономикасини янада юксалтиришни, аҳолининг моддий фаровонлигини ва маданий турмуш даражасини оширишни таъминлайди.

Партия, совет ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари беш йиллик ва йиллик планларни тузишда халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги ишчилар, колхозчилар, мутахассисларни актив қатнаштиришни таъминласинлар, ҳар бир ишлаб чиқариш коллективида план топшириқларини сўзсиз бажариш учун меҳнаткашларни сафарбар қилсинлар. Ҳар бир бригада, смена, цех, ҳар бир меҳнат коллективининг, Ўзбекистон ССРдаги ҳар бир район, ҳар бир шаҳар ва областнинг беш йилликнинг дастлабки кунлариданоқ қолоқларсиз ишлаб, ўн биринчи беш йиллик планни муваффақиятли амалга ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақасини кенг авж олдиришга эришилсин.

Ўзбекистон Компартияси XX съездида сайланган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг составы

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзолари

Обидшоев М.
Абдуллаева Р. Ҳ.
Абдураҳимов З. Н.
Абдушукуров Т. Р.
Азимов С. О.
Айтмуротов Е.
Алимов О.
Алимов Т. А.
Алматов Ч.
Омонов Б.
Анисимкин И. Г.
Антонов В. А.
Орипов С.
Архангельский Г. В.
Асатов У.
Отажонов А. Р.
Отақулов У.
Аҳмедов Қ. А.
Охунова Т.
Ашуралиев Р.
Бобоназаров Р.
Боймиров Т.
Бомуратов А.
Бродова А. И.
Бўрихўжаев Н.
Воисов М.
Восиқова М. С.
Гаврилов А. Ф.
Ғафуржонов Э. Ғ.
Ғоипов Р. Ғ.
Ғаниева С.
Головачев И. И.
Греков Л. И.
Жўрабеков И. Ҳ.
Жўраева Б.
Жўраева Т.
Догонкин П. В.
Дудин К. П.
Еримбетов А.
Есенбоев З. И.
Есин В. П.
Железнов Н. М.
Зокиров Н.
Захриддинов Ғ. З.
Зинин Т. Г.
Зиёдуллаев С. Қ.
Иброҳимов М. И.
Иброҳимов У. Е.
Илюхин А. М.
Исоқова М.
Искандаров А.
Исломов Э.
Исмонов Х. И.
Исроилова З.
Исҳоқова Т. Я.
Қодиров А. М.
Қодиров В.
Қодиров Ғ. Х.
Қодиров Н. Қ.
Козимов В. О.
Қаландаров И.
Камолова М.
Камолов М.
Камолова З. А.
Камолов Қ.
Қамбаров Р.
Қориев М.
Каримов А. Қ.
Каримов А.
Каримов М. Қ.
Каримов Н. У.
Каримов С.
Қаюмов А. Қ.
Кислов В. В.
Клеменов Е. А.
Кузнецова А. И.
Қўйбоқаров Х. Р.
Куксенко В. П.
Қурбонов М. Х.
Қўчқоров И.
Максимов Ю. П.
Мамарасулов С.
Маткаримов М. М.
Маҳманов Р.
Маҳмудова Н. М.
Маҳмудов Н.
Мелкумов Л. Н.
Мирзабеков Б. Г.
Мирзаев М. М.
Михайлов В. К.
Мўйдинов М.
Мўйдинова С.
Муродхўжаев В.
Муртазоев Қ.
Мусахонов М. М.
Мухамедов В. М.
Муҳиддинова Ҳ.
Набиев Т.
Насриддинов Ғ. Н.
Норматова Н.
Носирова А. Н.
Нуъмонов К. (Яшин)
Нурумбетов К.
Одилов А.
Окунский В. В.
Омеров С. А.
Орлов Г. М.
Осетров Т. Н.
Петров А. А.
Пўлатов С.
Прасолов И. В.
Просина А. М.
Ражабов Н. Р.
Рамазонов М. Р.
Раҳимов Б. Р.
Рашидов Ш. Р.
Рзаев К.
Родин В. С.
Руденко А. Г.
Рустамов А.
Содиқов О.
Сайдиев Х.
Салимов О. У.
Сапаев Қ. С.
Саримсоқов Т. А.
Семенов П. В.
Сивец В. Н.
Сирожиддинов С. Ҳ.
Скребнев В. С.

Сорокин И. Т.
Султонова С. У.
Тоиров Қ.
Тетуев Ш. Ж.
Тимофеев Н. Ф.
Тимохин В. И.
Тўлаганов Ҳ. Т.
Тўраев А. О.
Тўрақулов У.
Туропов Н. Т.
Турсунов М. Т.
Турсунов Э.
Умаров А. А.
Умаров У.
Умаров Т. М.
Умаров Х.
Усмонов В.
Усмонхўжаев И. Б.
Уркинбоев А. А.
Фозилов Г.
Файзиев Ш.
Ҳабибуллаев П.
Хайдуров В. А.
Холмуратов П.
Ҳамидов А. Ҳ.
Ҳамроев Н. Р.
Ҳамроқулов С. Ҳ.
Ҳасанов Ж.
Ҳасанов М. Ҳ.
Хван М-Г. Г.
Ҳикматов Н.
Хўжаев А. А.
Хўжаев А. Р.
Худойбердиев Н. Ж.
Худойберганов М.
Ҳусниддинов И. К.
Чегебоев С.
Шоғазатов Ҳ. А.
Шамсуддинов Ф. Ш.
Шарипов Т. Я.
Шендрик А. П.
Шербўтаев М.
Шермуҳамедов С.
Шкрябин Ю. С.
Элбоев Б.
Эргашев Қ.
Юсупов М. Д.
Яҳёев Ҳ. Ҳ.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар

Абдиров К.
Абдуллаев А.
Абдуллаев Р. Х.
Абдуллаева К.
Аваков Г. А.
Алиева Л. А.
Алиқулова Л. Ш.
Алимов Х. Р.
Анпилогов Г. З.
Асадова Х.
Аслиддинова Ҳ. Ю.
Асриянц С. А.
Аҳмедов Р.
Очилов И.
Ашуров И.
Ашурова Т.
Болтаева У.
Буреш М. Я.
Бўриев И.
Воҳидов В.
Володарский А. П.
Гаврилова Т. А.
Дадажонов Т.
Жамолов Х. Б.
Жуманиёзов М.
Ёдгоров М.
Ермолаева Н. И.
Жолудева Л. М.
Жўраева М.
Зазулин Д. А.
Иванушкина Р. Н.
Илиади Я. А.
Исаев А.
Исоқулова Н. Н.
Эргашев С. У.
Искандаров М.
Эшонтўраева С.
Қаҳҳоров А.
Красильников М. Е.
Кузьмин В. П.
Қўчқоров А.
Мамажонов Ю.
Мамедов К. Б.
Марасулов С.
Медведов В. Д.
Мирбобоева М.
Мирзакаримова К.
Муқимов Й.
Нажимов F.
Норқобилов А. А.
Носиров З.
Пайғомов А.
Полвонов Д.
Примов А.
Ражапов А. Р.
Раҳимов Х. Р.
Раҳмонов Э. А.
Рафиқов Г. М.
Содиқов С.
Саркисов Г. М.
Сафаров Н.
Сафаров Р. Р.
Сирожев З. Ш.
Соатов Х.
Сускин В. И.
Тожибоев Г.
Толипов Ю.
Топволдиев Т. Т.
Тўхтаев Т. М.
Турғуиова Э.
Тўхлиев С.
Ҳакимов А.
Ҳикматов Н.
Хўжалепесова А.
Худойбердиев А.
Хўжамуродова М.
Чорнев Д.
Чурсин Ю. А.
Шарипова Х. И.
Ширинқулов Т.
Йўлдошев М.
Юсупова Д. А.
Юсупов П. А.
Юсупов П. Ю.
Эгамбердиев А.

Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида сайланган Ўзбекистон Коммунистик партияси ревизия комиссиясининг состави

Абдиров Ч.
Абдураззоқов Б. А.
Абдураҳмонов Б.
Амираев Ш.
Асанова Б.
Отақўзиев У.
Бозоров Қ.
Баранова Р. М.
Ботирбеков А. С.
Бобоқулов Д.
Бугров Б. И.
Гадоева Ш.
Дўсова О.
Духанин В. Г.
Жўраева Р.
Икромов А. С.
Қодирова З.
Қамбаров Ф.
Краева Л. Ф.
Қаюмов М.
Қаюмов П.
Кочеткова А. А.
Кретов В. Г.
Қурбонбоев Н.
Қурбонов П.
Лелеко А. И.
Малахова Қ. П.
Мамажонов Х.
Мартинюк Н. Қ.
Маҳмудов А.
Мелиев А.
Мишанина Т. В.
Мухортов М. Д.
Нишонов М.
Ниёзов Ш.
Пардаева З. И.
Расулов Б. Н.
Раҳматов М.
Рўзматов М.
Содиқов Т. С.
Сайдалиев С. Д.
Солиҳов Э.
Сапарниёзов Х.
Сериков Б.
Сулаймонов И.
Тиллаев А. А.
Тиллаев Т. Р.
Турсунов Н.
Турсунов Х.
Умаров А. Х.
Усаров Я. Т.
Усенова П. А.
Усмонов Р.
Файзуллаева А. Ф.
Федотова М. И.
Ҳабибуллаев А.
Ҳайдарова Г. Қ.
Черноштан В. И.
Эргашева З.
Эрназарова Р.
Ёқубов Ш.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1981 йил 5 февраль куни Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди сайлаган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Пленум КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат ўртоқ **Шароф Рашидович Рашидов**ни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайлади.

Ўртоқ **Л. И. Греков** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари этиб сайланди. **И. Г. Анисимкин, Е. Айтмуротов, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев** ўртоқлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари қилиб сайландилар.

Ш. Р. Рашидов, Е. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев ўртоқлар Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари этиб сайландилар.

Қ. Камолов, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, У. Умаров ўртоқлар Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидатлар қилиб сайландилар.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлимларининг мудирларини тасдиқлади. Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирлигига ўртоқ **В. В. Окунский**, пропаганда ва агитация бўлими

мудирлигига ўртоқ **Т. Р. Абдушукуров**, фан ва ўқув юртлари бўлими мудирлигига ўртоқ **А. Қўчқоров**, маданият бўлими мудирлигига ўртоқ **А. О. Тўраев**, маъмурий органлар бўлими мудирлигига ўртоқ **Г. В. Архангельский**, ахборот ва чет эллар билан алоқа бўлими мудирлигига ўртоқ **Х. Р. Раҳимов**, қишлоқ хўжалиги бўлими мудирлигига ўртоқ **Т. Г. Зинин**, сув хўжалиги бўлими мудирлигига ўртоқ **В. И. Сускин**, план ва молия органлари бўлими мудирлигига ўртоқ **И. Қ. Ҳусниддинов**, савдо ва маиший хизмат бўлими мудирлигига ўртоқ **Б. И. Бугров**, оғир саноат ва машинасозлик бўлими мудирлигига ўртоқ **Ғ. Х. Қодиров**, қишлоқ хўжалик машинасозлиги бўлими мудирлигига ўртоқ **А. С. Асриянц**, енгил ва озиқ-овқат саноати бўлими мудирлигига ўртоқ **А. С. Икромов**, транспорт ва алоқа бўлими мудирлигига ўртоқ **Ғ. З. Заҳриддинов**, умумий бўлим мудирлигига ўртоқ **Қ. Т. Тоиров**, ишлар мудирлигига ўртоқ **Т. У. Умаров** тасдиқландилар.

Ўртоқ **Ў. О. Отақулов** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси қилиб тасдиқланди.

Ўртоқ **Н. Ф. Тимофеев** «Правда Востока» газетасининг редактори, ўртоқ **М. Қориев** «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори, ўртоқ **Ш. Ниёзов** «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг редактори, ўртоқ **Т. Ш. Дагжи** «Ленин байроғи» газетасининг редактори, ўртоқ **И. С. Сулаймонов** «Қишлоқ ҳақиқати» («Сельская правда») газетасининг редактори этиб, ўртоқ **Р. А. Нуруллин** «Ўзбекистон коммунисти» («Коммунист Узбекистана») журналининг редактори, ўртоқ **Т. С. Валиев** «Партия турмуши» («Партийная жизнь») журналининг редактори қилиб тасдиқландилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг ишида КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг сектор мудири ўртоқ **В. И. Смирнов** иштирок этди.

Ўзбекистон Компартиясининг ревизия комиссиясида

5 февраль куни Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссияси янги сайланган составининг мажлиси бўлиб ўтди. Ўртоқ **Ш. Ёқубов** Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

РЕДАКЦИОН КОЛЛЕГИЯ:

Р. А. Нуруллин (бош редактор), **Ч. А. Абутолипов, М. Ғ. Ваҳобов, З. Ёқубов** (бош редактор ўринбосари), **Е. И. Завалишин, М. Искандаров, М. Б. Ицковский** (масъул секретарь), **П. В. Калякин, Б. В. Лунин, Х. Р. Муҳамедхонов, Т. Н. Осетров, Ҳ. Рўзиматов, О. У. Салимов, Э. Юсупов.**

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор - 32-58-01, 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқаро ҳаёт — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият - 32-58-66; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Н. Шарипова.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 6.02.1981 й. Босишга рухсат этилди 12.02.1981 й. Формати $70 \times 108^1/_{16}$. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,1. Тиражи 31622. Нашр № М-50. Заказ № 64.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ISSN 0134—2193

Баҳоси 20 тийин

Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК КП Узбекистана» —
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА» —
«УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ

3—4

МАРТ — АПРЕЛЬ

1981

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 3—4
МАРТ —
АПРЕЛЬ
1981 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Съезд берган ижодкорлик руҳи ҳар бир коллективнинг, ҳар бир район, область, республиканинг, бутун мамлакатнинг ишига барака киритишига аминман...

Съезд белгилаган планлар бажарилибгина қолмай, ошириб ҳам бажарилишига қатъий ишониш мумкин, деб ўйлайман.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съезди ёпилиши вақтида сўзлаган нутқидан.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ
Тошкент

МУНДАРИЖА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVI СЪЕЗДИ

1981 йилнинг 23 февраль —3 март кунларида Москвадаги Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди бўлиб ўтди. Иттифоқдош республикалар компартияларининг съездларида, ўлка ва область партия конференцияларида сайланган делегатлардан ташқари, съездда планетамизнинг ҳамма қитъаларидаги 109 мамлакат коммунистик, ишчи, миллий-демократик партиялари ва бошқа партия ҳамда ташкилотларининг 123 делегацияси вакиллари ҳам қатнашдилар.

XXVI съезд: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» ҳақидаги докладини, Марказий Ревизия Комиссиясининг раиси ўртоқ Г. Ф. Сизов қилган КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисоботини, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Тихоновнинг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» ҳақидаги докладини тинглади ва муҳокама қилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда барча иттифоқдош республикаларнинг компартияларидан, йирик шаҳарлар, кўпгина саноат ва қишлоқ хўжалик районларидан келган делегатлар қатнашдилар. Съездда ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар, ёшлар, армия коммунистларининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Съезд делегатлари съезднинг кун тартибига қўйилган масалаларни чуқур ва ҳар томонлама, ленинча принципиаллик позициясида туриб муҳокама қилдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини — КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифаларини тинглаб ва муҳокама қилиб, XXVI съезд партия Марказий Комитетининг ленинча йўли ва амалий фаолиятини тўлиқ ва буткул маъқуллади. Съезд КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладини муҳокама қилди ва бутун партия ташкилотларига ўз ишларида ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида ички ва ташқи сиёсат соҳасида илгари сурилган қоида ва вазифалар асосида иш олиб боришни таклиф қилди.

Съезд КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисоботини тасдиқловчи қарор қабул қилди.

Съезд «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг

1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»ни якдиллик билан тасдиқлади.

Съезд КПСС Программасининг янги редакциясини тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Съезд меҳнаткашларнинг КПСС XXVI съезди номига юборган хатлари ва аризалари, коммунистларнинг шикоят аризалари тўғрисида қарор қабул қилди.

Съезд КПСС Марказий Қомитетининг аъзоларини, КПСС МК аъзолигига кандидатларни, КПСС Марказий Ревизия Комиссиясини сайлади.

1981 йилнинг 3 мартида бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раҳбар органларини сайлади. Пленум ўртоқ Л. И. Брежневни якдиллик билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

КПССнинг XXVI съезди совет халқи қилаётган ишларнинг улуғворлигини ёрқин намойиш қилди, жамиятимиз қудратли куч-қувватининг манбаи доимо партия ва халқнинг бузилмас бирлиги бўлганлиги ва бўлаётганлигини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Ленин йўлидан оғишмай бораётганлигини, ишчилар синфининг, бутун меҳнаткашларнинг, бутун халқнинг сиёсий йўлбошчиси ролини муносиб бажараётганлигини ишонч билан тасдиқлади. Съезд совет кишилари партия сиёсатини чуқур англаб, қўллаб-қувватлаётганликларини кўрсатди, партиянинг олий мақсади эса халқ фаровонлигини оширишдир.

Съезд кўп миллатли мамлакатимиз барча халқларининг қардошларча дўстлиги ва яхлит жипслашганлигининг, КПССнинг пролетар интернационализми ғояларига содиқлигининг ёрқин намойишига айланди, КПССнинг чет эллардаги қардош коммунистик ва ишчи партиялар билан алоқаларининг янада кенгайиши ва мустаҳкамланишининг шаҳодати бўлди. Съезд Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тинчлик ва халқлар хавфсизлигининг байроқдори эканлигини, халқаро кескинликни юмшатишни кенгайтириш учун астойдил курашаётганлигини, тинч-тотув яшаш ленинча сиёсатига содиқ эканлигини бутун куч билан намойиш қилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXVI СЪЕЗДИГА ҲИСОБОТ ДОКЛАДИ ҲАМДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДА ПАРТИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг 1981 йил 23 февралда қилган доклади

Делегат ўртоқлар! Ҳурматли меҳмонлар!

Партиямизнинг навбатдаги, йигирма олтинчи съезди ўз ишини бошлади. **(Қарсаклар).** Ҳамиша бўлганидек, съезд қилинган ишларни якунлаши, келгусидаги вазифаларни белгилаши лозим.

Босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, қатъий айтиш мумкинки, XXV съезд ижтимоий тараққиётнинг асосий тенденцияларини ва йўналишларини тўғри белгилади. **(Қарсаклар).** Партиянинг ленинча бош йўли комил ишонч билан амалга оширилмоқда; аввалги съездда ўртага қўйилган вазифалар умуман муваффақиятли ҳал этилди. **(Қарсаклар).**

Ўнинчи беш йиллик якунида мамлакатнинг миллий бойлиги анча кўпайди. Унинг ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий потенциали ўсди, Совет давлатининг мудофаа қобилияти мустаҳкамланди. Халқимизнинг фаровонлик ва маданият даражаси ортди.

Совет халқлари оиласи янада жипслашди, янада аҳилроқ ҳаёт кечирмоқда. **(Қарсаклар).**

СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинганлиги жуда катта воқеа бўлди. У социалистик демократияни ривожлантиришнинг янада юқори босқичини очди. Совет кишилари жамият ва давлат ишларини бошқаришда тобора активроқ қатнашмоқдалар.

Ўтган беш йил мобайнида партия билан халқнинг бузилмас бирлиги янада кўпроқ мустаҳкамланди. У жамиятимиз қудратли кучининг манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда! **(Қарсаклар).**

Халқаро соҳада ҳисобот даври мураккаб ва жўшқин давр бўлди. Бу давр, аввало, жаҳон сиёсатидаги икки йўлнинг шиддатли кураши билан ўтди. Бу йўлларнинг биринчиси қуролланиш пойгасини жиловлаш, тинчлик ва кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш, халқларнинг суверен ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўли бўлса, иккинчиси, кескинликни юмшатишга путур етказиш, қуролланиш пойгасини кучайтириш йўли, дўқ-пўписа ва ўзгаларнинг ишларига аралашиш, озодлик курашини бостириш сиёсатидир.

Бу йиллар Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг куч-қудрати, активлиги ва обрў-эътибори янада ўсган йиллар бўлди.

Халқларнинг революцион кураши янги зафарлар билан нишонланди. Эфиопиядаги, Афғонистондаги, Никарагуадаги революциялар, Эрондаги халққа қарши шоҳ салтанати ағдариб ташланганлиги бунинг далилларидир. 70-йиллар ҳақиқатда мустамлакачи империяларнинг тугатилиши билан якунланди.

Дунёда империалистик ҳукмронлик доираси торайди. Капитал мамлакатларидаги ички зиддиятлар ва улар ўртасидаги рақобат кес-

кинлашди. Империализмнинг — аввало, Америка империализмининг сиёсатидаги агрессивлик кескин кучайди.

80-йилларнинг бошларида, халқаро уфқдаги булутлар қуюқлашган бир шароитда Совет Иттифоқи янги уруш хавфини йўқотиш учун, кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш ва чуқурлаштириш учун курашни сабот билан давом эттирди, амалда дунёдаги кўпчилик мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантирди.

Биз ҳисобот даврида бошқа тинчликсевар давлатлар билан, Ғарбдаги реалистик фикрловчи доиралар билан биргаликда қуролланиш пойгасига қарши курашни давом эттирдик.

Башарти, ҳар бир совет кишисидан — коммунист ёки партиясиздан: кейинги йилларда партиямиз йўли аввало нималар билан нишонланди, деб сўрасангиз, бунга: бу йўл, аввало, тинчликни сақлаб қолишга муваффақ бўлинаётганлиги билан нишонланди, деган жавобни эшитасиз. **(Давомли қарсаклар).** Турли ёш ва касбдаги кишилар чин кўнгилдан: бунинг учун раҳмат сенга, партия!— демоқдалар. **(Давомли қарсаклар).**

Эндиликда Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқчилари ер юзидаги тинчликнинг ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамроқ таянчи бўлиб турганлиги ҳозир мутлақо равшан.

Умуман, ўртоқлар, XXV съезддан кейинги давр мураккаб бўлди. Мамлакатнинг хўжалик ривожида ҳам, халқаро аҳволда ҳам бир талай қийинчиликлар рўй берди.

Шунга қарамай, белгиланган мақсадларга эришилди. Бу — социалистик тузумнинг жуда катта имкониятларидан, совет халқининг фидокорлигидан, ленинчи партиямизнинг принципиал, синфий сиёсати тўғрилигидан яна бир карра далолат беради.

I.

КПССнинг ХАЛҚАРО СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА

Бизнинг тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги, халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш йўлидаги курашимиз — аввало, совет халқи олдида турган бунёдкорлик вазифаларини ҳал қилиш учун унга зарур ташқи шароитларни таъминлаб бериш йўлидаги курашдир. Шу тариқа биз чинакам жаҳоншумул характердаги проблемани ҳам ҳал этамиз. Чунки, ҳозир биронта халқ учун тинчликни сақлаб қолишдан ҳам, ҳар бир кишининг энг биринчи ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини таъминлашдан ҳам заруррoқ, муҳимроқ вазифа йўқ.

1. Жаҳон социалистик системасининг ривожи, социализм мамлакатларининг ҳамкорлиги

Ўртоқлар!

Партия, унинг Марказий Комитети, Сиёсий бюро ўтган йиллар давомида социализм мамлакатлари билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга зўр эътибор бериб келдилар.

Улар билан бирга биз янги, социалистик дунёни, давлатлар ўртасида тарихда мисли кўрилмаган чинакам адолатли, тенг ҳуқуқли, қардошларча муносабатларни барпо этаяпмиз.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари — Болгария, Венгрия, Вьетнам, Германия Демократик Республикаси, Куба, Лаос, Монголия,

Польша, Руминия, Чехословакия билан муносабатларимиз айни мана шу руҳда таркиб топмоқда.

Социал-иқтисодий ривожланишнинг, халқаро сиёсатнинг ҳамма йирик проблемалари хусусида бизнинг ўртамизда қарашларнинг принципиал бирлиги қарор топди. Бу — қардош коммунистик партиялар доимий ва ҳамжиҳат ҳаракатининг натижасидир, муштарак ютуғимиздир.

Партияларимизнинг раҳбарлари ўртасида чуқур ҳамжиҳатлик, ишонч ва иноқлик мавжудлиги жуда муҳимдир.

Шу йиллар мобайнида Қримда олий даражада ўттиз етти марта дўстона учрашув бўлиб ўтди. Биз расмий протоколларсиз, ўртоқларча муҳитда муносабатларимизни ривожлантириш истиқболларини, жаҳон сиёсатининг энг муҳим проблемаларини муҳокама қилдик, келгусидаги вазифаларни белгилаб олдик. Ҳар бир учрашув бирон-бир янги ва фойдали натижа берди. Мана шу яхши ҳамкорлик учун қардош мамлакатлар ва партияларнинг раҳбарларига сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этмоқчиман. **(Қарсаклар).**

Партия-ҳукумат делегациялари ўзаро мунтазам равишда ташриф қилиб турдилар. Марказий Комитетларнинг халқаро муносабат, идеология ва ташкилий-партиявий иш масалалари билан шуғулланувчи секретарларининг кенгашларини ўтказиб туриш одат тусига кирди.

Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг партия ташкилотлари ўртасида хилма-хил алоқалар ўрнатилди. Республикалар, ўлкалар ва областлардан тортиб районлар ва йирик корхоналаргача бўлган ҳамма поғоналарда мана шундай алоқа қилиниб турибди. Давлат органлари, жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш коллективлари ўртасидаги ҳамкорлик жонли, самарали тус олди. Маънавий мулоқотлар, идеология ва маданият соҳасидаги яқин алоқалар мустаҳкам норма бўлиб қолди.

Давлатлар ўртасидаги муносабатлар қадим замонлардан халқаро муносабатлар деб аталиб келган. Аммо бизнинг давримизда, социализм дунёсида бу муносабатлар ҳақиқатан ҳам халқлар ўртасидаги муносабатлар бўлиб қолди. Бу муносабатларда миллион-миллион кишилар бевосита қатнашмоқдалар. Бу — социализмнинг принципиал ғалабаси, унинг инсоният олдидаги буюк хизматидир, ўртоқлар. **(Қарсаклар).**

Ҳамкорлигимиз майдони тобора янги-янги соҳаларни қамраб олмоқда. «Интеркосмос» программаси бунга мисол бўла олади. Қардош мамлакатларнинг космонавтлари фан учун ва халқ хўжалиги учунгина ишлаётганлари йўқ. Улар зўр аҳамиятга молик сиёсий миссияни ҳам бажармоқдалар.

Шу минбардан космос қаҳрамонларини — социализм мамлакатларининг мард ўғлонларини қизғин табриклашга ижозат бергайсизлар! **(Давомли қарсаклар).**

Кўпчилик қардош мамлакатларнинг конституцияларида Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорлик ғоялари таъкидланган. Бу — бизнинг мамлакатимизга нисбатан катта ишончдир, биз ҳам уларга мана шундай ишонч билан қараймиз. СССРнинг янги Конституцияси социализм мамлакатлари билан дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдамни совет ташқи сиёсатининг негизи деб эълон қилади.

Варшава Шартномаси ташкилоти ва, аввало, унинг Сиёсий Маслаҳат Комитети фаолияти Европа ишларида ва умуман халқаро ишларда ҳам нақадар таъсирчан ва ҳаётбахш роль ўйнаётганини ўтган давр яққол кўрсатди. Шартномамизнинг даставвал Умумевропа кенгашига йўл очган олий сиёсий органи ўзининг Бухарестдаги, Москвадаги, Варшавадаги кенгашларида бир қанча янги ташаббусларни бошлади, бу ташаббуслар дунёда ўзига кенг миқёсда эътиборни жалб эт-

ди. Бу ташаббуслардан кузатилган бош мақсад — кескинликни юмшатишни ҳимоя қилишдан, унинг жадаллашувига эришишдан, таъбир жоиз бўлса, унга мадад беришдан иборат.

Шу йилларда ҳамкорлигимизнинг янги органи — ташқи ишлар министрлари комитети ташкил этилди. Бу орган ўзини тўла-тўкис оқлади деб ҳозирнинг ўзидаёқ айтиш мумкин: ташқи сиёсатдаги ҳаракатларни келишиб олиш оперативлиги ошди.

Бирлашган қуролли кучларни қуриш иши аҳиллик билан олиб борилди. Бу соҳада ҳам мудофаа министрлари комитети, ҳамиша бўлганидек, яхши иш қилди.

Марказий Комитет съездга маълум қиладики: социализм мамлакатларининг ҳарбий-сиёсий мудофаа иттифоқи тинчликка садоқат билан хизмат қилмоқда. **(Қарсаклар).** Унинг ихтиёрида халқларнинг социалистик ғалабаларини пухта равишда ҳимоя қилиш учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси бор. Бундан буён ҳам шундай бўлавериши учун биз ҳамма чораларни кўрамиз. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Биз ҳозирги социалистик дунё манзарасини ёппасига байрамона бўёқлар билан тасвирламоқчи эмасмиз. Мамлакатларимизнинг ривожида чигалликлар ҳам бўлиб турибди. Экономикани интенсив ривожлантиришга ўтиш, йирик социал программаларни рўёбга чиқариш, коммунистик онгни шакллантириш — мана шуларнинг ҳаммасига бирданига эришилавермайди. Бу соҳада вақт ҳам, тинимсиз ижодий изланишлар ҳам зарур. Бир-биримиздан ўрганишимиз лозимлиги ўз-ўзидан равшан.

Социалистик қурилиш йилларида қардош мамлакатлар ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг, бошқаришнинг, халқ хўжалик проблемаларини ҳал қилишнинг хилма-хил ижобий тажрибасини орттирдилар.

Масалан, Венгрияда қишлоқ хўжалик кооперативлари ва корхоналарининг иши нақадар моҳирона йўлга қўйилганини, ГДРда ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш, энергия, хом ашё ва материалларни тежашнинг қимматли тажрибаси борлигини биламиз. Чехословакияда социал таъминот системасида бир талай диққатга сазовор ва қимматли ишлар қилинган. Болгарияда ва Европадаги бошқа бир қанча социалистик мамлакатларда аграр-саноат кооперациясининг фойдали формалари топилган.

Келинглар, ўртоқлар, қардош мамлакатларнинг тажрибасини жуда синчиклаб ўрганайлик ва ундан кенг фойдаланайлик. **(Қарсаклар).**

Экономика, хўжалик сиёсати соҳаси капитализм билан мусобақанинг ҳал қилувчи фронти эканлиги маълум. Аввалги съездда биз, шунингдек бошқа қардош партиялар ҳам узоқ муддатли тармоқ программалари негизида социалистик интеграцияни янада чуқурлаштиришни биринчи галдаги вазифа қилиб қўйдик. Бу программалар халқ хўжалигининг энг ўткир, ҳаётий муҳим проблемаларини ҳал этишга ёрдам бериши лозим.

Ҳозир бу программалар конкрет ишларда ўзининг мужассам ифодасини топмоқда. Интеграция суръатлари кучайиб бормоқда. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш самаралари экономика, фан ва техниканинг ҳамма тармоқларида амалий равишда сезилиб турибди. Бу ҳақда ҳозиргача 120 тага яқин кўп томонлама ва мингтадан ортиқ икки томонлама битимлар тузилган. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги мамлакатларнинг 1981—1985 йилларга мўлжалланган халқ хўжалик планларини мувофиқлаштириб олиш ниҳоясига етказилмоқда.

Биргаликдаги меҳнатнинг муваффақиятлари тўғрисида гапирганда қарийб уч минг километр узунликдаги «Союз» газ қувури, янги электр линиялари билан тўлдирилган «Мир» энергетика системаси, Усть-Илим целлюлоза заводи, Монголиядаги «Эрдэнэт» кон-металлургия комбинати, Кубадаги никель заводлари ва бошқа кўпгина қурилишлар син-

гари катта-катта объектларни ҳаққоний ифтихор билан тилга оламиз. Келгусида эса ҳамдўстлигимизнинг манфаатлари йўлида янада катта ишлар қилинади.

Социализм мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш, одамларнинг турмуш даражасини ошириш соҳасида қилган ишлари — бутун бир даврга арзигуликдир. **(Қарсаклар).**

Кейинги йиллар бир қанча социалистик давлатларнинг халқ хўжалиги учун унчалик қулай йиллар бўлмади. Шундай бўлса ҳам, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоларининг иқтисодий ўсиш суръатлари ўн йил мобайнида ривожланган капиталистик мамлакатлардаги иқтисодий ўсиш суръатларидан икки ҳисса юқори бўлганлиги фактдир. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари дунёдаги мамлакатларнинг ғоят тез ривожланаётган группаси бўлиб қолавердилар.

КПСС ва бошқа қардош партиялар келгуси икки беш йилликни социализм мамлакатларининг жадал ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий кооперацияси даврига айлантириш йўлини тутмоқдалар.

Планларни мувофиқлаштириш билан бирга умуман иқтисодий сиёсатни баҳамжиҳат ўтказиш вазифасини турмушнинг ўзи ўртага қўймоқда. Хўжалик механизмларининг структураларини бир-бирига яқинлаштириш, кооперацияда қатнашувчи министрликлар, бирлашмалар ва корхоналар ўртасидаги бевосита алоқаларни янада ривожлантириш, биргаликдаги фирмаларни барпо этиш сингари масалалар кун тартибига қўйилмоқда. Куч-ғайратларимиз ва ресурсларимизни бирлаштиришнинг бошқа формалари ҳам бўлиши мумкин.

Кўриб турибсизларки, бу соҳада кўпгина янги катта проблемалар бор, ўртоқлар. Эҳтимол, бу проблемаларни яқин келажакда қардош мамлакатларнинг раҳбарлари коллектив бўлиб муҳокама қилишлари фойдали бўлур.

Ўз-ўзидан равшанки, социалистик шерикларимиз каби Совет Иттифоқи ҳам алоқалар ҳар жиҳатдан ўзаро манфаатли бўлишига интилмоқда.

Совет Иттифоқи қардош мамлакатлардан кўпгина турдаги машина ва ускуналарни, транспорт воситаларини, халқ истеъмол қиладиган молларни, айрим турдаги хом ашёни олиб турибди. Ўз навбатида СССР социалистик бозорга нефть, газ, руда, пахта, ёғоч ва, албатта, хилма-хил саноат маҳсулотларини етказиб бермоқда. Ўтган беш йил мобайнида биз Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларидан 90 миллиард сўмлик мол олдик, ўзимиз эса 98 миллиард сўмлик мол етказиб бердик.

Эндиликда бошқа қардош мамлакатлар билан алоқаларсиз у ёки бу социалистик мамлакатнинг дадил ривожланишини, унинг, айтайлик, энергетика ресурслари ва хом ашё билан таъминланиш, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш сингари проблемаларни муваффақиятли ҳал этишини тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳамкорлигимиз жараёнида вужудга келаётган проблемаларни биргаликда ҳал этаяпмиз, қардош мамлакатлардан ҳар бирининг манфаатлари билан муштарак манфаатларни ғоят тўғри бирга қўшиш йўлларини излаяпмиз. Бу гап, масалан, нефть, газ ҳамда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида қатнашувчи мамлакатлар бир-бирига етказиб бераётган бошқа хом ашё ҳамда саноат молларига имтиёзли нархлар белгилашга тааллуқлидир.

Дўстлар шошилинч ёрдамга муҳтож бўлиб қоладиган алоҳида ҳолатлар ҳам содир бўлади. 1979 йилда Пекиннинг ваҳшиёна агрессиясига дучор бўлган Вьетнам мана шундай ёрдамга муҳтож эди. СССР ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар унга зудлик билан озиқ-овқат, дори-дармон, қурилиш материаллари юбордилар, ҳарбий техника етказиб бердилар. Пекиннинг гумашталари бўлмиш полпотчи-

лар батамом хонавайрон қилиб кетган Кампучия ҳам мана шундай ёрдамга муҳтож бўлди.

Бу амалдаги социалистик интернационализмнинг ўзидир, ўртоқлар. **(Қарсаклар).** Совет кишилари бу позицияни тушунадилар ва маъқуллайдилар. **(Гулдурос қарсаклар).**

Социалистик бозор ҳамдўстлигимиз мамлакатларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлишидан ҳаммамиз манфаатдормиз. Зотан, бир-биримизнинг хўжалик имкониятларимизни тўлдиришдан кўриладиган фойда нуқул коммерция ҳисоб-китоби билангина ўлчанмайди, албатта. Бу вазифани ҳал этиш учун хўжалик ходимлари, партия ходимлари масъулият билан ёндашишлари, қардош мамлакатлар манфаатларининг узвий муштараклигини чуқур тушунишлари керак бўлади.

Биз Ғарб билан ҳам савдо-иқтисодий муносабатлар ривожлантирилиши тарафдоримиз. Зотан, бу — халқаро муносабатларни стабиллашнинг омилларидан биридир. Аммо, бу ўринда капиталистик давлатларнинг сиёсатини ҳам эътиборга олишга тўғри келади. Улар биз билан иқтисодий алоқалардан кўпинча сиёсий тазйиқ воситаси сифатида фойдаланишга уринмоқдалар. У ёки бу социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиқдаги турли-туман тақиқлар ва камситувчи чеклашлар мана шундан далолат бермайдими, ахир.

Умуман, шуни айтиш керакки, кейинги йилларда мамлакатларимиз бунёдкорлик вазифаларини чигаллашган шароитларда ҳал этишларига тўғри келмоқда. Жаҳондаги иқтисодий коньюнктура ёмонлашганлиги, нарх-наво кескин кўтарилганлиги ўз ролини ўйнади. Кескинликни юмшатиш жараёнига халақит берилаётганлиги, империализм авж олдираётган қуролланиш пойгаси бизнинг зиммамизга ҳам каттагина юк бўлиб тушмоқда.

Идеология кураши анча кескинлашганлиги ҳам ҳаммага маълум. Бу кураш Ғарб учун ғояларнинг ўзаро курашидангина иборат бўлиб қолмаяпти. У социалистик дунёни қўпоришга, унинг путурини кетказишга мўлжалланган воситаларнинг бутун бир системасини ишга солмоқда.

Империалистлар ва уларнинг гумашталари социалистик мамлакатларга қарши душманлик кампанияларини муттасил ўтказиб келмоқдалар. Улар бу мамлакатларда рўй бераётган жамики воқеаларни қоралаб ва сохталаштириб кўрсатмоқдалар. Социализмдан одамларнинг ихлосини қайтариш — уларнинг энг асосий мақсадидир.

Синфий душманларимиз ўз мағлубиятларини ҳисобга олиб иш тутаётганликларини кейинги пайт воқеалари қайта-қайта тасдиқламоқда. Улар социализм мамлакатларига қарши тобора усталик ва фирибгарлик билан ҳаракат қилмоқдалар.

Ички сиёсатдаги хатолар ва янглишишлар империализмнинг қўпорувчилик фаолияти ёнига қўшилаётган жойларда эса социализмга душман унсурларнинг активлашиши учун замин вужудга келмоқда. Қардош Польшада мана шундай бўлди. Бу ердаги социализм душманлари ташқи кучларнинг мадади билан тартибсизлик чиқариб, воқеаларнинг ривожини контрреволюция йўлига буриб юборишга уринмоқдалар. ПБИП Марказий Комитетининг сўнгги пленумида қайд этилганидек, Польшада социалистик давлат негизларига хавф туғилди.

Ҳозир поляк ўртоқлар танглик вазиятини бартараф этиш устида иш олиб бормоқдалар. Улар партиянинг жанговарлик қобилиятини оширишга, ишчилар синфи билан, меҳнаткашлар билан алоқани мустаҳкамлашга интилмоқдалар, Польша экономикасини соғломлаштиришнинг конкрет программасини ишлаб чиқмоқдалар.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар раҳбар арбоблари-

нинг ўтган йил декабрь ойида Москвада бўлиб ўтган учрашуви социалистик Польша учун муҳим сиёсий мадад бўлди. Бу учрашув поляк коммунистлари, поляк ишчилар синфи, шу мамлакатнинг меҳнаткашлари ўз дўстлари ва иттифоқчиларига қаттиқ таянишлари мумкинлигини яққол кўрсатди; биз социалистик Польшани, қардош Польшани кулфатда қолдирмаймиз ва унга озор берилишига йўл қўймаймиз! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Омманинг овозига сезгирлик билан қулоқ солиш, ҳар қандай кўринишдаги бюрократизмга, волюнтаризмга қарши кескин курашиш, социалистик демократияни актив ривожлантириш, ташқи иқтисодий алоқаларда вазмин реалистик сиёсат юритиш партия учун, унинг раҳбарлик ролини мустаҳкамлаш учун нақадар муҳимлигига Польшадаги воқеалар яна бир карра ишонч ҳосил қилдиради.

Жаҳон социализми тарихида ҳар хил синовлар бўлган. Унда ҳам мураккаб, ҳам танг пайтлар содир бўлган. Аммо коммунистлар доимо душманнинг хуружларига дадил қарши чиқиб, ғалаба қилиб келганлар. **(Қарсаклар).** Шундай бўлган ва шундай бўлаверади. **(Давомли қарсаклар).** Бизнинг ўз манфаатларимизни таъминлашга, халқларнинг социалистик ғалабаларини ҳимоя қилишга бўлган ялпи азму қароримизга ҳеч ким шубҳаланмай қўя қолсин!

Биз халқлар тинчлиги ва хавфсизлигининг одилона иши учун, меҳнат аҳлининг манфаатлари учун курашаверамиз. Марксизм-ленинизм таълимотининг ҳақиқати бизга ҳамдамдир. Бизнинг кучимиз — бирлик ва жипсликдадир.

Ўтган съездда социалистик давлатларнинг ўзаро яқинлашиш жараёни давом этаётганлиги тўғрисида гапирилган эди. Шу жараён тинимсиз ривожланиб бормоқда. Аммо у социализм мамлакатларининг миллий ўзига хослигини, тарихий хусусиятларини тугатиб юбормайди. Уларнинг ижтимоий турмуши, экономикани ташкил этиши шакллари хилма-хиллигида ҳақиқатда бор нарсани: социалистик турмуш тарзининг қарор топиш йўллари ва методлари турли-туман эканлигини пайқамоқ керак.

Варшава Шартномасига ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига кирмайдиган социалистик мамлакатлар билан ҳам муносабатларимиз муттасил ривожланмоқда.

Совет — Югославия ҳамкорлиги кўп соҳаларда олға силжимоқда. Келишиб олинган принциплар ва аҳдномалар — бу ҳамкорликни янада кенгайтириш учун яхши негиздир. Совет — Югославия дўстлигининг илдизлари чуқур, шу боисдан биз унинг келажагига шубҳа қилмаймиз.

Совет Иттифоқи Корея Халқ Демократик Республикасининг Ватанни ташқаридан ҳеч кимнинг аралашувисиз тинч демократик бирлаштириш йўлидаги кураши билан бирдам бўлиб, у билан алоқаларни кенгайтириш ва ривожлантиришга интилмоқда.

Хитой ҳақида алоҳида гапиришга тўғри келади. ХХРнинг сўнгги йигирма йил мобайнидаги социал-иқтисодий ривожланиш тажрибаси ҳам ички, ҳам халқаро сиёсатда социализм принципларини, унинг моҳиятини сохталаштириш нималарга олиб келишини кўрсатувчи аянчли сабоқдир.

Хитойнинг ҳозирги раҳбарлари ўзлари маданий революция деб атаган даврда мамлакатда ўрнатилган тартибларни «жуда шафқатсиз феодал-фашистик диктатура» деб атамоқдалар. Биз бу баҳога бошқа гап қўшишимизга ҳожат йўқ.

Хитойнинг ички сиёсатида ҳозир ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ўзгаришларнинг чин моҳиятини давр кўрсатади. Давр Хитойнинг ҳозирги раҳбарлари Маодан қолган меросни қай даражада бартараф этишга муваффақ бўла олишларини кўрсатади. Бироқ, афсуски, Пекин-

нинг ташқи сиёсатида яхшилик томонга бирон-бир ўзгариш рўй бераётганини ҳозирча айтиб бўлмайди. Бу сиёсат ҳали ҳам халқаро вазиятни кескинлаштиришга қаратилган бўлиб, империализмнинг сиёсати билан бирикиб кетмоқда. Бу сиёсат Хитойни соғлом ривожланиш йўлига қайтармайди, албатта. Империалистлар социализмнинг дўсти бўлмайдилар.

АҚШ, Япония, НАТОдаги бир қанча мамлакатларнинг Хитой билан ҳарбий-сиёсий алоқаларни кенгайтиришга тайёрлиги замирида оддий бир мўлжал яшириниб ётибди, у ҳам бўлса, Хитойнинг Совет Иттифоқига, социалистик ҳамдўстликка душманлигидан ўзларининг империалистик мақсадлари йўлида фойдаланишдан иборатдир. Бу — қалтис ўйиндир!

Хитой халқига келганда эса, тинчлик сиёсати, бошқа давлатлар билан тинчлик ва нормал муносабат сиёсатигина унинг ҳақиқий манфаатларига мос бўлиб тушишига бизнинг ишончимиз комил.

Модомики, Совет-Хитой муносабатлари ўзгармаётган экан, бунга бизнинг позициямиз сабабчи эмас, Совет Иттифоқи Хитой Халқ Республикаси билан мухолифликка киришиш йўлини излаган эмас ва излаётгани ҳам йўқ. Биз КПСС XXIV ва XXV съездлари белгилаб берган йўлдан бормоқдамиз ва у билан алоқаларни яхши қўшничилик негизига қуриш истагидамиз. Бизнинг Хитой халқига ҳурмат ва дўстлик туйғуларимиз ўзгармай қолаётганидек, Хитой билан муносабатларни нормаллаштиришга қаратилган таклифларимиз ҳам ўз кучида турибди.

Ўртоқлар! Кўриб турибсизларки, умуман Марказий Комитет социалистик мамлакатлар билан муносабатларимизни ривожлантириш ва чуқурлаштириш манфаатларини кўзлаб, жуда катта ҳажмдаги ишларни бажарди. Жаҳон социализми экономикани, маданиятни ривожлантиришда, ижтимоий муносабатларни, социалистик демократияни такомиллаштиришда — истисносиз ҳамма соҳаларда дадил олға бормоқда. **Бинобарин биз, совет коммунистлари бунда Ленин партияси, Улуғ Октябрь Ватани ўйнаётган роль билан фахрланамиз. (Давомли қарсаклар).**

2. Озодликка эришган мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантириш

Ўртоқлар! Мустамлакачилик зулмидан халос бўлган мамлакатлар билан ҳамкорлик сезиларли равишда кенгайтирилганлиги ҳисобот даврида партия халқаро фаолиятининг муҳим якунларидан биридир.

Бу мамлакатлар жуда хилма-хил. Уларнинг баъзилари озодликка эришгандан кейин революцион-демократик йўлдан бордилар. Бошқаларида капиталистик муносабатлар қарор топди. Уларнинг баъзилари чинакам мустақил сиёсат ўтказмоқдалар, бошқалари ҳозир империализм сиёсати измига тушиб қолган. Хуллас, турли-туман манзара вужудга келган.

Гапни социалистик йўлни кўзлаётган давлатлардан, социалистик ривожланиш йўлини танлаб олган мамлакатлардан бошлайман. Уларнинг сафи кенгайди. Бу мамлакатларнинг тараққиёт йўлидан ривожланиши бир хил бўлмай, мураккаб шароитларда давом этмоқда, албатта. Бироқ, асосий йўналишлар **бир-бирига ўхшайди.** Империалистик монополияларнинг, маҳаллий, йирик буржуазия ва феодалларнинг мавқелари аста-секин тугатилаётганлиги, ажнабий капитал фаолияти чеклаб қўйилганлиги; экономикада халқ давлатининг устунлик мав-

қелари таъминланганлиги ва ишлаб чиқарувчи кучларни планли равишда ривожлантиришга ўтилганлиги, қишлоқдаги кооператив ҳаракат рағбатлантирилаётганлиги; ижтимоий турмушда меҳнаткашлар оммасининг роли ошиб бораётганлиги, давлат аппарати халққа содоқатли миллий кадрлар билан қадамба-қадам мустаҳкамланаётганлиги; мазкур мамлакатлар ташқи сиёсатининг империализмга қарши характерда эканлиги мана шу асосий ўхшаш йўналишлар жумласига киради. Бу мамлакатларда меҳнаткашлар кенг оммасининг манфаатларини ифодаловчи революцион партиялар мустаҳкамланиб бормоқда.

Совет Иттифоқи ҳисобот даврида Ангола, Эфиопия, Мозамбик, Афғонистон ва Яман Халқ Демократик Республикаси билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзолади. Яқинда Сурия билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Аминманки, бу шартнома Совет — Сурия дўстлигини янада ривожлантиришга ва Яқин Шарқда одилона тинчликка эришиш ишига яхши хизмат қилади.

Биз озодликка эришган давлатлар билан иккала томон учун манфаатли бўлган кенг иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантираяпмиз. Бизнинг муносабатларимизда шу давлатларда СССРнинг бирон-бир тарздаги иштироки билан йирик хўжалик объектлари қурилиши катта ўрин олади.

Ўтган йилларда қуриб битказилган объектлар орасида тегишли мамлакатлар экономикаси учун бир талай йирик ва ҳатто етакчи иншоотлар бор. Масалан, Сурияда ҳосил қилинаётган электр энергиянинг 70 процентдан кўпроғини бераётган Ас-Савра гидроэнергетика комплекси, Жазоирдаги металлургия заводининг қувватини 2 миллион тонна пўлат ишлаб чиқарадиган миқдорда кўпайтирган ана шу корхонанинг иккинчи навбати, Гвинеяда 2,5 миллион тонна боксит қазиб чиқарадиган корхона ва бошқалар шу жумлага киради.

Бизнинг мамлакатимиз озодликка эришган кўпгина мамлакатларга кадрлар — инженерлар, техниклар, малакали ишчилар, врачлар, ўқитувчилар тайёрлашда ҳам баҳоли қудрат ёрдам бермоқда.

Осиё ва Африка мамлакатларидаги қурилиш майдонларида, саноат ва қишлоқ хўжалигида, касалхоналар ва ўқув юртларида ўн минглаб совет мутахассислари фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар ўз улуғ социалистик Ватанининг муносиб вакиллари бўлмоқдалар. Биз улар билан фахрланамиз ва уларга чин кўнгилдан муваффақият тилаймиз. **(Давомли қарсаклар).**

Озодликка эришган давлатлар илтимос билан мурожаат қилсалар, бошқа қардош мамлакатлар билан биргаликда уларнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда ҳам кўмаклашамиз. Масалан, Ангола ва Эфиопияда шундай бўлди. Ички контрреволюцияни ёки ташқи агрессияни рағбатлантириш ёрдамида шу мамлакатлардаги халқ революцияларини тугатишга уриндилар. Биз революциянинг экспорт қилинишига қаршимиз, аммо контрреволюциянинг ҳам экспорт қилинишига рози бўла олмаймиз. **(Қарсаклар).**

Империализм Афғонистон революциясига қарши эълон қилинмаган ҳақиқий уруш бошлади. Бу эса бизнинг жанубий чегарамиз хавфсизлигига ҳам бевосита таҳлика солди. Мана шундай аҳволда биз дўст мамлакатнинг илтимосига биноан ҳарбий ёрдам беришга мажбур бўлдик.

Афғонистон душманларининг режалари барбод бўлди. Ўртоқ Бабрак Кармал бошчилигидаги Афғонистон халқ-демократик партияси билан ҳукуматининг миллий манфаатларга мос келадиган ва пухта ўйланган сиёсати халқ ҳокимиятини мустаҳкамлади.

Совет ҳарбий қисмларига келганда биз уларни Афғонистон ҳукумати билан келишиб олиб чиқиб кетишга тайёрмиз. Бунинг учун Аф-

ғонистонга аксилинқилобчи тўдалар юбориш батамом тўхтатилиши керак. Бу нарса Афғонистон билан унинг қўшнилари ўртасидаги аҳдномалар орқали мустаҳкамланиши лозим. Яна интервенция қилинмаслиги учун ишончли кафолат зарур. Совет Иттифоқининг принципиал позицияси мана шундай ва биз бу позицияда қаттиқ турамиз! **(Қарсаклар).**

Эрондаги революция алоҳида характерга эга. Бу революция кейинги йиллардаги халқаро ҳаётда йирик воқеа бўлди. У нақадар мураккаб ва зиддиятли бўлмасин, гарчи ички ва ташқи реакция унинг империализмга қарши характерини ўзгартиришга интилаётган бўлса ҳам, у ўз негизи билан империализмга қарши революциядир.

Эрон халқи ўзининг озодликка ва равнаққа эришиш йўлини изламоқда. Бунда биз унга астойдил муваффақият тилаймиз ва Эрон билан тенг ҳуқуқлилик ҳамда, албатта, ўзаро манфаатдорлик асосида яхши муносабатларни ривожлантиришга тайёрмиз. **(Қарсаклар).**

Кейинги вақтларда Шарқдаги баъзи мамлакатларда ислом дини шиорлари зўр бериб кўтариб чиқилмоқда. Биз, коммунистлар, бошқа динлар каби ислом динига ибодат қилувчи кишиларнинг диний эътиқодларига ҳурмат билан қараймиз. Бу ўриндаги асосий нарса у ёки бу шиорларни эълон қилаётган кучлар қайси мақсадларни кўзлаётганликларидадир. Ислом дини байроғи остида озодлик кураши авж олиши мумкин. Тарих тажрибаси, шу жумладан, яқингинадаги тарих тажрибаси шундан далолат беради. Аммо, мана шу тажрибанинг ўзи аксилинқилобий исёнлар кўтараётган реакция ҳам ислом шиорларини рўкоч қилаётганини кўрсатади. Бинобарин, ҳамма гап у ёки бу ҳаракатнинг реал мазмуни қандай эканлигига боғлиқ.

Ўртоқлар! Совет Иттифоқининг озодликка эришган мамлакатлар билан ўзаро муносабатларида бизнинг Ҳиндистон билан ҳамкорлигимиз катта ўрин олади, албатта. Биз бу давлатнинг халқаро ишлардаги роли ортиб бораётганини табриклаймиз. Бизнинг у билан алоқаларимиз тинимсиз мустаҳкамланмоқда. Совет — Ҳиндистон дўстлиги ҳар иккала мамлакатимизда мустаҳкам томир ёйган халқ анъанаси бўлиб қолди. **(Қарсаклар).**

Яқинда Деҳлида бош министр Индира Ганди ва Ҳиндистоннинг бошқа арбоблари билан ўтказилган музокаралар натижасида Совет — Ҳиндистон муносабатларининг бутун комплекси анчагина илгари силжитилди.

Тинчликсевар мустақил Ҳиндистон билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиш келгусида ҳам совет ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Биз Индонезия билан, шунингдек АСЕАНга аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан ҳам яхши ҳамкорлик йўлга қўйилиши учун тўсиқ йўқ, деб ҳисоблаймиз.

Кейинги беш йил мобайнида Африкада, Кариб ҳавзасида ва Океанияда мустақиллик олган ўнта янги давлатни Совет Иттифоқи дарҳол таниди. Зимбабве республикаси вужудга келганлиги, Намибияда ва ҳозирги вақтда Жанубий Африка Республикасида ҳам озодлик кураши қизғин тус олганлиги «учига чиққан» мустамлакачилар ва ирқчиларнинг ҳукмронлиги поёнига етиб қолганини яққол кўрсатади.

Озодликка эришган мамлакатлар мустақиллиги мустаҳкамланиб бораётганлиги империалистларнинг дидига ёқмаяпти. Улар бу мамлакатларнинг табиий бойликларини бемалол тасарруф этиш, уларнинг территориясидан ўз стратегик режалари йўлида фойдаланиш учун бу мамлакатларни ўзларига боғлиқ қилиб қўйишга минглаб йўллар ва усуллар билан уринмоқдалар. Айни вақтда мустамлакачилар «аввал орани бўл, сўнг ҳукмронлик қил!» деган қадимий усулдан кенг фойдаланмоқдалар.

Беш ойдан бери давом этаётган Эрон — Ироқ урушига ҳам Ғарб худди мана шу позицияда туриб ёндашмоқда. Бу уруш — мазкур давлатларнинг манфатлари нуқтаи назаридан мутлақо бемаъни, аммо шу райондаги ўз мавқеларини қайтадан тиклашни тушида ҳам кўраётган империализмга жуда манфатли бўлган урушдир. Ироқда ҳам, Эронда ҳам бундан муносиб хулосалар чиқариб оладилар, деб умид қилгимиз келади.

Совет Иттифоқи мана шу биродаркушлик уруши тезроқ тўхтатилишининг, можаро сиёсий йўл билан бартараф этилишининг қатъий тарафдоридир. Биз бунга амалда ҳам кўмаклашишга интилаямиз.

Энди Яқин Шарқ проблемаси тўғрисида. АҚШ Яқин Шарқда ҳукмронлик мавқеига эришиш илинжида Кэмп-Девид сиёсати йўлига, араблар дунёсини парчалаш ҳамда Исроил билан Миср ўртасида сепарат келишув уюштириш йўлига ўтди. Америка дипломатияси арабларга қарши қаратилган мана шу сепарат келишувни таслимчилик қабилидаги бундан ҳам кенг битимга айлантиришга муваффақ бўла олмади. Аммо у бошқа соҳада олғирлик қилди: регионлаги вазиятни янада кескинлаштиришга эришди. Яқин Шарқдаги аҳволнинг бартараф этилиши орқага суриб юборилди.

Хўш, бундан буён нима қилмоқ керак? Бизнинг назаримизда ишни қотиб қолган нуқтадан қўзғатиш пайти келди. Аҳволни одилона ва реалистик асосда ҳар томонлама бартараф этиш иложини коллектив бўлиб, ҳалоллик билан қидириш йўлига қайтиш пайти келди. Вужудга келган шароитда, айтайлик, махсус чақирилган халқаро конференция доирасида шундай қилиш мумкин бўлур эди.

Совет Иттифоқи бу ишда амалий руҳда холис ният позицияларида туриб қатнашишга тайёр. Биз бошқа манфаатдор томонлар — араблар (шу жумладан, албатта Фаластин Озодлик Ташкилоти) билан, Исроил билан биргаликда шундай қилишга тайёрмиз. Биз АҚШ билан биргаликда мана шу иложни қидириб топишга тайёрмиз — бир неча йил муқаддам бу борада бизнинг муайян тажрибамиз бўлганлиги эсимда. Биз Европа давлатлари билан, Яқин Шарқда одилона ва мустаҳкам тинчликни таъминлашга сидқидилдан интилаётган ҳамма мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Афтидан, бу масаланинг ҳаммасида БМТ ҳам фойдали роль ўйнай бериши мумкин.

Ишнинг моҳиятига келганда биз аввалгидек шунга аминмиз: Яқин Шарқда чинакам тинчлик бўлиши учун Исроилнинг 1967 йилда араблардан босиб олган ҳамма ерларни оккупация қилиши тўхтатилиши керак. Фаластинлик араб халқининг дахлсиз ҳуқуқлари, шу жумладан ўз давлатини тузиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилиши керак. Шу регионлаги ҳамма давлатларнинг, жумладан Исроилнинг ҳам хавфсизлиги ва суверенитети таъминланиши зарур. Асосий принциплар мана шулардан иборат. Ишнинг тафсилотлари эса музокаралар вақтида кўриб чиқилиши мумкинлиги ўз-ўзидан равшан.

Айни шу йил ўзи ташкил топган куннинг йигирма йиллигини нишонлаётган қўшилмаслик ҳаракати халқаро муносабатларнинг муҳим омили бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Унинг кучи — империализмга ва мустамлакачиликка қарши, урушга ва агрессияга қарши эканлигидадир. Қўшилмаслик ҳаракати ўзининг мана шу энг асосий принципларига содиқ бўлиб қолиши унинг жаҳон сиёсатидаги ролини янада оширишнинг калити эканлигига аминмиз, бу ролнинг оширилишини эса биз табриклайверамиз.

Собиқ мустамлака мамлакатлар 70-йилларнинг ўрталарига келиб янги халқаро иқтисодий тартиб тўғрисидаги масалани ўртага қўйдилар. Халқаро иқтисодий муносабатлар демократик негизда, тенг ҳуқуқлилик асосларида қайта қурилиши тарихан қонуниятлидир. Бу со-

ҳада кўп иш қилиниши мумкин ва лозим. Бироқ, баъзан қилаётганларидек, бутун масалани «бадавлат шимол» билан «камбағал жануб» ўртасидаги тафовутлардангина иборат қилиб қўйиш ярамайди, албатта. Биз одилона халқаро иқтисодий муносабатлар ўрнатилишига кўмаклашишга тайёрмиз ва амалда кўмаклашаяпмиз.

КПСС бундан буён ҳам СССРнинг озодликка эришган мамлакатлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш, жаҳон социализми билан миллий озодлик ҳаракатининг иттифоқини мустаҳкамлаш йўлини изчиллик билан ўтказаверади, бу хусусда ҳеч кимда шак-шубҳа бўлмаслиги керак, ўртоқлар. **(Давомли қарсаклар).**

3. КПСС ва жаҳон коммунистик ҳаракати

Энди КПССнинг жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатида тутган йўли ҳақида.

80-йиллар бошланишига халқаро ишчилар синфи ва унинг сиёсий авангарди — Коммунистик ва ишчи партиялари шахдам одимлар билан келдилар. Меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун фаол курашчилар сифатида келдилар.

Коммунистик ҳаракат ўз сафларини кенгайтираверди, оммага бўлган ўз таъсирини кучайтираверди. Ҳозирги кунда компартиялар дунёнинг 94 мамлакатида актив ҳаракат қилмоқдалар. Фақат Ғарбий Европанинг ўзидагина кейинги ўн йил мобайнида компартиялар сафларига 800 мингга яқин янги курашчилар келиб қўшилдилар. Ана шунинг ўзи коммунистик ғоялар енгилмас жозиба кучининг гувоҳи эмасми! **(Қарсаклар).**

Партиямиз, унинг Марказий Комитети қардош партиялар билан ҳар тарафлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга ва чуқурлаштиришга қаратилган фаол иш олиб бордилар. Ҳисобот даврида фақат Сиёсий бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Марказий Комитет секретарларининг ўзи бир неча юз партия делегацияларини қабул қилдилар. КПСС вакиллари, ўз навбатида, компартияларнинг съездлари ишида ва бошқа тадбирларида иштирок этдилар.

Биз қардош партияларни ички ҳаётимиздаги воқеалар ҳақида, ташқи сиёсий ишларимиз ҳақида мунтазам равишда хабардор қилиб турдик. Чет эллик ўртоқларимиз КПССнинг жойлардаги — республикалар, областлар, корхоналардаги амалий фаолияти билан ҳам танишишда кенг имкониятларга эга бўлдилар. Ана шуларнинг ҳаммаси, дўстларимизнинг ўзлари айтаётганларидек, уларга ўз ишларида ёрдам бермоқда.

Чет эллик коммунистлар билан алоқа қилиб туриш бизнинг партиямизга ҳам айрим мамлакатлардаги вазият шароитида яхшироқ йўл тутиш имконини беради.

Компартияларнинг таъсири орта борган сари улар олдидаги вазифалар тобора мураккаб ва хилма-хил бўлиб боради. Бу эса баъзан турлича баҳоларни, синфий курашнинг конкрет масалаларини ҳал этишга турлича ёндашишларни келтириб чиқаради, партиялар ўртасида ҳам мунозаралар чиқишига сабаб бўлади.

Бизнинг фикримизча, бу батамом табиийдир. У ёки бу масалалар хусусида илгари ҳам Компартиялар бир хил фикрга эга бўлмас эдилар. Ихтилофлар мавжуд бўлган тақдирда ҳам умумий синфий душманга қарши курашда сиёсий ҳамкорликни ривожлантираверишi мумкин ва лозим эканлигини ҳаёт яққол исботлади. Вақт, практика — юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда олий ҳакамдир. В. И. Ленин кўпгина келишмовчиликлар «...йўқолиши мумкин ва албатта йўқолади: бу натижага чинакам даҳшатли душман бўлган буржуазияга...

қарши биргаликдаги кураш мантиқи олиб келади» (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 295-бет), деб уқтирганида тамомила ҳақ эди (**Қарсаклар**).

Яқингинада айрим компартияларнинг раҳбарлари социализм ва социалистик қурилиш учун курашнинг йўллари ва формаларининг миллий ўзига хослигига бўлган ҳуқуқни қаттиқ ҳимоя қилиб чиқдилар. Бироқ,— агар масалага тўғри ёндашиладиган бўлса,— шуни тан олиш керакки, ҳеч ким у ёки бу мамлакат хусусиятларини камситадиган ҳеч қандай андазалар ва схемаларни ҳеч кимга мажбуран тиқиштираётгани йўқ.

В. И. Ленин бу масалада қандай позицияда турганлиги яхши маълум. «Барча миллатлар социализмга боради, бу турган гап,— деб ёзган эди у,— лекин ҳаммаси бир хилда бормайди, ҳар бир миллат демократиянинг бирор формасига, пролетариат диктатурасининг бирор шаклига, ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини социалистик асосда ўзгартишнинг бирор суръатига ўз хусусиятини киритади» (Тўла асарлар тўплами, 30-том, 147-бет).

Бизнинг партиямиз Лениннинг ана шу йўл-йўриғига оғишмай амал қилиб келмоқда. Бу йўл-йўриқни ҳозирги кунда тарихий практика батамом ишонарли қилиб тасдиқлаб берди. Ўртоқлар, ўзларингиз бир ўйлаб кўринг, ҳозир мавжуд бўлган социалистик мамлакатларнинг биронтасида ҳам социалистик революциянинг формалари, методлари, йўллари ўзга тажрибани шунчаки такрорлаш бўлмади-ку, ахир. ГДР ёки Польша, Венгрия ёки Куба, Монголия ёки Югославия — хуллас, ҳамма социалистик мамлакатлар революцияни ўз йўллари билан амалга оширдилар, ана шу мамлакатларнинг ҳар бири ичидаги синфий кучлар нисбати, миллий уклад ва ташқи вазият тақозо этган формаларда амалга оширилди.

Қуролли кураш ҳам бўлди, янги ижтимоий системага ўтишнинг тинч формалари ҳам бўлди; меҳнаткаш синфлар ҳокимият тепасига тезда келган ва вақт жиҳатидан чўзилиб кетган жараёнлар ҳам бўлди. Айрим мамлакатларда революция чет эл интервенциясидан ўзини ҳимоя қилишига тўғри келди, бошқа мамлакатларда эса революция ташқари ҳужумларсиз ўтди.

Социализм асосларини яратиш ва мустаҳкамлаш, социалистик жамият қурилиши ҳам, мен юқорида айтиб ўтганимдек, турли мамлакатларда ўз хусусиятларига эга бўлди ва эгадир.

Шундай экан, менинг назаримда, реал фактлар назар-писанд қилинмаган тақдирдагина қандайдир «унификациялаш» ҳақида гапириш, компартияларнинг жамиятни қайта қуришда танлаган йўлларини тан олиш ёки тан олмаслик аломатига қараб уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш мумкин бўлади.

Мамлакатимиз ривожининг у ёки бу конкрет жиҳатлари хусусида айрим компартияларда баъзан танқидий фикрлар айтилмоқда. Биз, бизда ҳамма нарса идеал даражада бўлган эди, деб асло ҳисобламаймиз. СССРда социализм ғоят оғир шароитда қурилди. Партия бамисоли қўриқ очгандек илгарилаб борди. Шундай экан, ана шу йўлда қандай қийинчиликлар ва камчиликларга дуч келинганлигини, буларнинг қайси бирлари ҳали бартараф этилмаганлигини биздан кўра ҳеч ким яхшироқ билмайди.

Биз ўртоқларча, амалий танқидга диққат билан қулоқ соламиз. Аммо биз социалистик воқеликни бузиб кўрсатадиган ва бу билан беихтиёр империалистик пропагандага, синфий душманга хизмат қиладиган «танқидга» қатъиян қаршимиз.

Бизнинг партиямиз шунга асосланадики, коммунистларнинг фикрлари ўртасидаги тафовутлар агар, албатта, булар революционерлар билан реформистлар ўртасидаги, ижодий марксизм билан догматик

сектантлик, сўлларча авантюризм ўртасидаги принципиал келишмовчиликлар бўлмаса, бартараф этса бўладиган келишмовчиликлардир. Ленин яшаган замондаги каби ҳозирги кунда ҳам, бу борада, албатта, компромисслар бўлиши мумкин эмас. **(Қарсаклар).** Аммо коммунистлар муштарак революцион иш учун курашаётган эканлар, биз хилма-хил қарашларни ва позицияларни чидам билан ўртоқларча муҳокама қилиш муштарак мақсадларга жуда ҳам мос бўлиб тушишига асосланамиз.

Коммунистларнинг тинчлик учун, империализмнинг агрессив сиёсатига қарши, халқларни ядро ҳалокати хавфи остига қўяётган қуролланиш пойгасига қарши изчил кураши жаҳон коммунистик ҳаракатини янада жипслаштиришда ва унинг обрў-эътиборини оширишда буюк бирлаштирувчи асос, қудратли омил бўлиб хизмат қилади.

Асосий нарса шундан иборатки, марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланган коммунистлар дунёда содир бўлаётган жараёнларнинг моҳиятини ва истиқболини ҳаммадан кўра чуқурроқ ва ҳаммадан кўра тўғрироқ кўра биладилар, ўз мамлакатларининг ишчилар синфи, меҳнаткашлари манфаатлари учун, демократия, тинчлик ва социализм учун ўз курашлари фойдасига бундан тўғри хулосалар чиқариб оладилар.

КПСС қардош партиялар билан ўз муносабатларини ана шу негизда қурмоқда. Коммунистик партияларнинг катта кўпчилиги билан — Франция, Португалия, Германия, Греция, Финляндия, Дания, Австрия ва Европадаги бошқа компартиялар билан бизнинг муносабатларимиз яхши, хайрли муносабатлардир. Шунингдек, КПССнинг Америка, Осиё, Африка мамлакатлари, Австралия қардош партиялари билан муносабатлари ҳам хайрли муносабатлардир. Биз ўзимизнинг муштарак ишимиз — тинчлик ва социализм иши йўлида ана шу муносабатларни бундан буён ҳам мустаҳкамлайверамиз. **(Қарсаклар).**

Европа коммунистик ва ишчи партияларининг 1976 йилда Берлинда бўлиб ўтган конференцияси халқаро коммунистик ҳаракат ҳаётида катта воқеа бўлди. Конференция қуролланиш пойгасига қарши, кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш учун, социал тараққиёт учун курашда ишчилар синфига, кенг меҳнаткашлар оммасига ишончли йўлларни белгилаб берди.

Европа коммунистик ва ишчи партияларининг 1980 йилда Парижда бўлиб ўтган учрашуви уруш хавфига қарши курашга янги куч бағишлади. Бу учрашув қитъа халқ оммасининг Американинг ядро зарядли янги ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштириш ҳақида НАТО блокининг қарори муносабати билан Европа устида пайдо бўлган жиддий хавфга қарши курашини активлаштиришга ёрдам берди.

Ҳисобот даврида КПССнинг бошқа демократик кучлар билан ҳамкорлиги мустаҳкамланди. Жумладан, бизнинг Финляндия, Бельгия, Швеция, Япония, Испания ва бошқа бир қатор мамлакатлар социалистик ҳамда социал-демократик партиялари билан — асосан уруш хавфига қарши кураш масалалари бўйича алоқаларимиз янада ривож топди, Социалистик интернационал раҳбарлари билан алоқалар, социалистик интернационалнинг қуролсизланиш бўйича конференциясидаги бизнинг иштирокимиз, ана шу проблема бўйича у ташкил этган ишчи группа билан алоқалар, унинг делегациясининг КПСС Марказий Комитетида қабул қилиниши муҳим аҳамиятга молик бўлди.

Ҳозирги замон социал-демократияси сиёсий жиҳатдан анча салмоқлидир. У халқларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш учун ва энг аввало — тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро вазиятни соғломлаштириш учун, фашизм ва ирқчиликка зарба бериш учун, реакциянинг меҳнаткашлар сиёсий ҳуқуқларига тажовуз қилишига зарба бериш учун бундан ҳам кўра кўпроқ ишлар қилиши мумкин эди. Бироқ, амал-

да социал-демократия раҳбарлари ҳамма вақт ҳам ана шу тариқа иш олиб бораяптилар, деб бўлмайди.

Уларнинг кўпига антикоммунизм вируси юққан. Уларнинг баъзи бирлари империализм социалистик мамлакатларга қарши ташкил этаётган кампанияларга қўшилиб қолмоқдалар ва, атлантик бирдамлик деб аталган бирдамликни баҳона қилиб, қуролланиш пойгасини оқламоқдалар. Бундай сиёсатнинг меҳнаткашлар манфаатларига мос эмаслиги тушунарлидир. Биз бундай сиёсатни қатъиян қоралаймиз.

Аммо биз тинчлик ва демократия иши учун фойдали бўлган барча тадбирларни фаол тарзда қўллаб-қувватлаймиз. Халқаро вазият мураккаблашган ҳозирги шароитда урушнинг олдини олиш ва тинчликни мустаҳкамлаш масалаларига социал-демократлар билан, касаба союзлари билан, диний доиралар билан, барча демократик, тинчликсевар кучлар билан ҳамкорлик қилишни биз муҳим иш деб биламиз. Ўтган йили Софияда бўлиб ўтган халқларнинг тинчлик учун жаҳон парламенти ана шундай ҳамкорликнинг яхши намунаси бўлди.

Совет коммунистлари компартияларнинг ўз сафларини кенгайтиришда, омма билан алоқаларини мустаҳкамлашда, ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг манфаатларини, уларнинг демократик ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда, монополияларнинг танҳо ҳукмронлигини чеклаш, милитаризм кучайишини жиловлаш учун, ўз мамлакатлари тараққиётининг социалистик истиқболи учун курашда эришган муваффақиятларини табриклайдилар.

Ўртоқлар! Капитал мамлакатларининг коммунистлари марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми идеалларига бўлган ўз садоқатларини халқлар бахт-саодати йўлидаги фидокорона ва кўпинча ғоят машаққатли кундалик ишда террор ва қувғинлар орқали, қамоқлар ва концлагерларнинг тиканли симлари орқали олиб ўтадилар. **(Қарсаклар).**

Биз фашист диктатуралари қамоқхоналарида азоб чекаётган, полиция томонидан жазоланаётган, яширин шароитда оғир кураш олиб бораётган коммунист биродарларимиз билан қизғин бирдамлигимизни изҳор этамиз. Фақат ўз эътиқодлари учун, ишчилар синфи партиясига мансуб бўлганликлари учун камситилаётган, гражданлик ва сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилаётган кишилар билан бирдамлигимизни изҳор этамиз. **(Қарсаклар).**

Халқ иши учун мардонавор курашаётган коммунистларга шон-шарафлар бўлсин! (Гулдурос, давомли қарсаклар).

4. Капиталистик давлатлар билан муносабатлар. Агрессия кучларига қарши ҳаракат. Тинчлик ва ҳамкорлик сиёсати

Ўртоқлар! Ҳисобот даврида СССР капиталистик давлатлар билан тинч-тотув яшаш ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш, империализмнинг агрессив кирдикорларига қаттиқ зарба бериш ленинча сиёсатини актив равишда ўтказишни давом эттирди.

Ана шу йилларда капитализмнинг умумий кризиси янада кескинлашиб борди. Капитализм, албатта, ўз тараққиётида қотиб қолгани йўқ. Аммо, эндиликда у сўнгги ўн йил мобайнидаги учинчи иқтисодий таназзулни бошидан кечирмоқда.

Пулнинг қадрсизланиши ғоят кучайиб кетди. 1970 йилдан буён ривожланган капиталистик мамлакатларда нарх-наво ўрта ҳисобда 2,3 баравар, шу жумладан, 1975 йилдан буён бир ярим баравар ошди.

Инфляциянинг ўсиши тобора кучайиб бормоқда. Қўшма Штатларнинг янги президенти ҳам ўз амалига ўтирар экан, АҚШ «миллат тарихи мобайнида инфляциянинг энг ёмон даврларидан бирини» бошидан кечирмоқда, «инфляция миллионлаб американиклар ҳаёти заминларини зил кетказиш хавфини солмоқда» деб эътироф этганлиги тасодифий эмас, ахир.

Капиталистик экономикани давлат йўли билан тартибга солиш нақадар кам ёрдам бераётганлиги ғоят яққол кўриниб турибди. Буржуа ҳукуматлари инфляцияга қарши чоралар кўриш билан ишлаб чиқаришнинг ўсмай тўхтаб қолишига ва ишсизликнинг кўпайишига кўмаклашмоқдалар; улар ишлаб чиқаришнинг кризис тарзида таназзулга юз тутишини тўхтатишга уриниб, инфляцияни янада кучайтирмоқдалар.

Социал зиддиятлар сезиларли даражада кескинлашди. Капиталистик жамият шароитида ишлаб чиқаришда фан ва техниканинг энг янги ютуқларини татбиқ этиш меҳнаткашларга қарши хизмат қилмоқда, миллион-миллион кишиларни фабрика ва заводлардан ташқарига чиқариб ташламоқда. Ўн йил мобайнида ривожланган капиталистик мамлакатларда ишсизлар армияси икки баравар ортди. 1980 йилда бу армияда 19 миллион киши бор эди.

Баъзи бир социал ислоҳотлар ўтказиш йўли билан синфий кураш кескинлигини пасайтиришга уриниш ҳам яхши натижалар бермаётир. Ўн йил мобайнида забастовка иштирокчиларининг сони учдан бир ҳиссадан кўпроқ ортиб, фақат расмий маълумотларга кўра, чорак миллиард кишига етди.

Империалистик мамлакатлараро зиддиятлар кескинлашмоқда, бозорлар учун, хом ашё ва энергия манбалари учун кураш кучаймоқда. Япония ва Ғарбий Европа монополиялари Америка капитали билан, шу жумладан АҚШнинг ички бозорида ҳам тобора муваффақиятлироқ тарзда рақобат қилмоқдалар. Етмишинчи йиллар мобайнида жаҳон экспортида АҚШнинг улуши деярли 20 процент камайди.

Капитализм ўз бошидан кечираётган қийинчиликлар унинг сиёсатига, шу жумладан ташқи сиёсатига ҳам таъсир ўтказмоқда. Капиталистик мамлакатлар ташқи сиёсий йўлига оид асосий масалалар теварагидаги кураш кескинлашди. Кейинги вақтларда кескинликни юмшатиш душманлари, қурол-яроғларни чеклаш, Совет Иттифоқи ва бошқа социализм мамлакатлари билан муносабатларни яхшилаш душманлари сезиларли даражада активлашдилар.

Авантюризм, ўзларининг тор ғаразгўй мақсадлари йўлида инсониятнинг ҳаётий манфаатларини хавф остига қўйишга шайлик — булар империализмнинг энг агрессив доиралари сиёсатида айниқса намоён бўлмоқда. Бу доиралар халқлар ҳуқуқлари ва орзу-умидларини тамомила менсимасликларини намойиш этиб, халқ оммасининг озодлик курашини «терроризм»нинг намоён бўлиши деб тасвирлашга уринмоқдалар. Улар чиндан ҳам иложи йўқ нарсага эришмоқчи — дунёдаги прогрессив ўзгаришлар йўлига ғов солмоқчи, халқлар тақдирини ҳал қилувчилар ролини ўзларига қайтариб олмоқчи бўлмоқдалар.

Ҳарбий харажатлар мисли кўрилмаган даражада ўсмоқда. АҚШда ҳарбий харажатлар йилига бир юз эллик миллиард долларга етди. Аммо бундай бениҳоя улкан рақамлар ҳам Америка ҳарбий-саноат комплексини қаноатлантираётгани йўқ, бу комплекс янада кўп пул талаб қилмоқда. АҚШнинг НАТО бўйича иттифоқчилари, гарчи уларнинг баъзи бирлари сира истамасаларда, Вашингтоннинг талабларига ён бериб, деярлик ҳозирги асрнинг охиригача ҳам ҳарбий харажатларни ўз-ўзидан кўпайтириб бориш мажбуриятини олдилар.

Ана шу жуда катта маблағларнинг анча-мунча қисми стратегик ядро қуролининг янги-янги турларини жадал ривожлантиришга сарфланмоқда. Уларни яратиш билан бир вақтда тинчлик иши учун хавфли

бўлган ҳарбий доктриналар, Картернинг машъум директиваси каби доктриналар ҳам илгари сурилмоқда. Кишилар онгига гўё ядро уруши чекланган характерга эга бўлиши мумкин, деган фикрни сингдирмоқчи, уларни бундай урушга йўл қўйиш мумкинлиги ҳақидаги фикрга кўндирмоқчи бўладилар.

Аммо бу халқларни тўғридан-тўғри алдаш-ку, ахир! Американча тушунчага кўра, «чекланган» ядро уруши, айтайлик, Европада аввал бошданоқ Европа цивилизациясининг муқаррар ҳалок бўлишини билдиради-ку. Қўшма Штатларнинг ўзи ҳам уруш алангаларидан четда қола олмайди, албатта. Бу хилдаги режалар ва «доктриналар» — ҳамма халқлар учун, шу жумладан Америка халқи учун ҳам жиддий хавф эканлиги равшан. Дунёнинг ҳамма ерида бундай режаларни қораламоқдалар. Халқлар бундай режаларга «йўл йўқ!» деб қатъий айтмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Империалистик доиралар бошқа давлатлар ва халқларга нисбатан ҳукмронлик қилиш ҳамда уларни мажбур этиш фикридадирлар.

Монополияларга ўзгаларнинг нефти, урани, рангли металлари керак — шунинг учун ҳам Яқин Шарқ, Африка, Ҳинд океани АҚШнинг «ҳаётий манфаатлари» доираси деб эълон қилинмоқда. Бу ерларга АҚШнинг ҳарбий машинаси фаол тарзда кириб бормоқда ва узоқ вақтгача жойлашиб олиш ниятидадир. Ҳинд океанидаги Дьего-Гарсия ороли, Уммон, Кения, Сомали, Миср — хўш, шундан кейин қайси мамлакатлар турибди?

АҚШ харажатларни бошқалар гарданига ҳам юклаш, айни бир чоқда НАТОдаги шерикларини ўзига кўпроқ қарам қилиб олиш ниятида ана шу блокнинг функцияларини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Вашингтонлик стратеглар ўнлаб бошқа давлатларни ўз ҳарбий тайёргарликларига жалб қилишни, бутун дунёни ўз базалари, аэродромлари, қурол-яроғ омборлари тўри билан ўраб олишни истаётганликлари очиқ-равшан кўриниб турибди.

Улар ана шундай ҳаракатларини оқлаш мақсадида Яқин ва Ўрта Шарқнинг нефть бойликларига ёки нефть ташиладиган йўлларга «советлар хавф соляпти» деган гапни тарқатмоқдалар. Бу очиқ-ойдин кўриниб турган ёлғон гапдир, чунки бу гапни тўқиб чиқарган кишилар СССРнинг на Яқин Шарққа ва на Ўрта Шарққа тажовуз қилмоқчи эмаслигини яхши биладилар. Умуман олганда эса, ушбу районни ўқдори тўлдирилган омборга айлантириб, Ғарбнинг нефть борасидаги манфаатларини «ҳимоя қилиш» мумкин деб ўйлашнинг ўзи бемаъниликдир.

Йўқ, биз Форс кўрфази районида ва унинг бўсағаларида аслида тинчликни қандай қилиб таъминлаш мумкинлиги хусусида бутунлай бошқача фикрдамиз. Биз бу районга тобора янги-янги денгиз ва ҳаво кучларини, қўшинлар ва қурол-яроғларни жамлаш ўрнига халқаро битим тузиб, бу ердаги уруш хавфини йўқ қилишни таклиф этамиз. Биргаликда ҳаракат қилиб, ҳамма томонларнинг қонуний манфаатларини эътиборга олиб, ана шу районда стабиллик ва осойишталик вазиятини вужудга келтириш мумкин. Регион давлатларининг суверен ҳуқуқларини ҳамда уни дунёнинг қолган қисми билан боғловчи денгиз ва бошқа коммуникацияларининг хавфсизлигини гарантиялаш мумкин. Яқинда Совет Иттифоқи илгари сурган таклифларнинг мазмуни ана шундай. **(Қарсаклар).**

Бу ташабус дунёда, шу жумладан, Форс кўрфазининг бир қатор давлатлари томонидан кенг кўламда қўллаб-қувватланди. Шуниси ҳам борки, совет таклифларига қарши чиққанлар ҳам топилиб қолди — булар қайси томонда эканликларини фаҳмлаб олиш қийин эмас. Биз ҳамма учун мақбул бўлган қарорни биргаликда қидириб топиш мумкин бўлсин учун АҚШнинг ва НАТО даги бошқа мамлакатларнинг ҳу-

куматлари ана шу масалани тўлалигича вазминлик билан ва тўғри ўйлаб кўрадилар, деб умид билдирмоқчимиз.

Шу билан бирга бу масала хусусида келишиб олишга эришиш жаҳон океанининг турли районларида турган ҳарбий кучларни камайтиришдек ғоят муҳим жараённи бошлаб берган бўлур эди.

АҚШ билан муносабатларда биз илгаригидек бутун ана шу йиллар мобайнида принципиал ва конструктив йўл тутиб келдик. Афсуски, Вашингтондаги аввалги маъмурият муносабатларни ривожлантиришга, бир-бирини тушунишга асло таянмади. У ердагилар бизга тазйиқ ўтказишга уриниб, бундан олдинги йиллар мобайнида Совет — Америка муносабатларида катта қийинчиликлар билан бунёд этилган ижобий нарсаларни барбод этишга киришдилар. Бунинг натижасида бизнинг бир қатор йўналишлар бўйича икки томонлама алоқаларимиз орқага суриб қўйилди. СҚЧ-2 шартномасининг кучга кириши тўхтатиб қўйилди. Учинчи мамлакатларга қурол-яроғ етказиб беришни қисқартиш каби қурол-яроғни чеклашнинг айрим масалалари бўйича эса АҚШ бир томонлама ҳаракат қилиб, биз билан олиб борилаётган музокараларни тўхтатиб қўйди.

Афсуски, Оқ уйдаги раҳбарлар ўзгаргандан кейин ҳам гўё атайлаб мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар муҳитини заҳарлашга мўлжаллангандек туюладиган ошкора урушга чақириқлар ва баёнотлар Вашингтондан эшитилиб турибди. Шундай бўлишига қарамай, ҳозирги кунда Америка сиёсатини белгилаб бераётган кишилар пировард натижада бўлиб турган воқеаларга кўпроқ реаллик билан қарайдиган бўладилар, деб умид қилишни истар эдик. СССР билан АҚШ ўртасида, Варшава Шартномаси билан НАТО ўртасида юзага келган ҳарбий-стратегик мувозанат планетамизда тинчликни сақлашга объектив тарзда хизмат қилади. Биз бошқа томон устидан ҳарбий устунликка эришишга интилмадик ва интилаётганимиз ҳам йўқ. Бу бизнинг сиёсатимиз эмас. Аммо, биз бизнинг устимиздан ана шундай устунлик ўрнатилишига йўл қўймаймиз. Бу хилдаги уринишлар, шунингдек, зўравонлик позициясидан туриб биз билан муомала қилиш мутлақо истиқболсиз нарсадир! **(Давомли қарсаклар).**

Мавжуд мувозанатни бузишга уринмаслик, қуролланиш пойгасининг янги, янада қимматга тушадиган ва хавфли даврасини тиқиштирмаслик — давлат манфаатини кўзлаб чинакам донолик кўрсатиш намунаси бўлур эди. Бунинг учун эса путури кетган «совет хавфи» дағдағасини жиддий сиёсат даргоҳидан ҳайдаб чиқариш пайти аллақачон келганлиги ҳақдир.

Ҳақиқий аҳволга бир назар ташлайлик.

Стратегик ядро қуроллари ҳақида ёки Европада ўртача олисликка мўлжалланган ядро қуроли ҳақида гап борадими, барибир, ҳар икки ҳолда ҳам томонлар ўртасида тахминан тенглик мавжуддир. Қуролларнинг бир хил турлари бўйича Ғарб бир қадар устунликка, бошқа турлари бўйича эса — биз бир қадар устунликка эгамиз. Шундай экан, борди-ю, тегишли шартномалар ва битимлар тузиладиган бўлса, тенглик янада мустаҳкамроқ бўлиши мумкин.

Сўнгра танклар ҳақида гапиришади. Танклар ҳақиқатан ҳам Совет Иттифоқида кўпроқ. Аммо НАТО мамлакатларида ҳам улар кам эмас. Бундан ташқари, уларда танкка қарши қуроллар анча кўп.

Қуролли кучларнинг умумий сонида Советларнинг устунлиги хусусидаги гап ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. НАТОдаги бошқа мамлакатлар билан биргаликда олганда АҚШда у СССР ва Варшава Шартномасига аъзо бўлган бошқа мамлакатлардагига қараганда ҳатто бирмунча кўпроқдир.

Хўш, Советларнинг қандай ҳарбий устунлиги ҳақида гап бўлиши мумкин?

Дунёнинг бошқа барча мамлакатлари каби АҚШ устида ҳам ҳарбий уруш хавфи ҳақиқатан пайдо бўлди. Аммо бу хавфнинг манбаи Совет Иттифоқи эмас, унинг афсонавий устунлиги эмас, балки қуролланиш пойгасининг ўзи, дунёда сақланиб қолаётган кескинликдир. Ана шу хаёлий эмас, балки чинакам хавфга қарши биз Америка билан, Европа давлатлари билан, ер юзидаги барча мамлакатлар билан қўлни-қўлга бериб курашишга тайёрмиз. Қуролланиш пойгасида бир-бирини енгишга уриниш, ядро урушида ғалабага умид боғлаш — жуда хавфли бемаънииликдир. **(Қарсаклар).**

Халқаро вазият кўп жиҳатдан СССР билан АҚШ сиёсатига боғлиқ эканлигини ҳамма тан олади. Ҳозирги вақтда улар ўртасидаги муносабатларнинг ҳолати ҳамда ҳал қилишни талаб этаётган халқаро проблемаларнинг кескинлиги, бизнинг фикримизча, ҳамма даражада ва бунинг устига актив тарзда музокара олиб бориш заруратини тақозо қилмоқда. Биз музокара олиб боришга тайёрмиз.

Бунда ҳал қилувчи нарса — энг юксак даражадаги учрашувлар эканлигини тажриба кўрсатиб турибди. Бу гап кеча тўғри гап эди ва бугун тўғри гап бўлиб қолаверади. **(Қарсаклар).**

СССР АҚШ билан нормал муносабатлар бўлишини хоҳлайди. Ҳар иккала мамлакат халқларининг ҳам, бутун башариятнинг ҳам манфаатлари нуқтаи назаридан қараганда, бошқа оқилона йўл умуман йўқ. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Ўтган беш йиллик — партия билан Совет давлати Европада тинчлик ва хавфсизлик учун собитқадамлик билан кураш олиб борган йиллар бўлди.

Европа қитъасида кескинликни юмшатиш душманларининг зўр беришига қарамай. икки системадаги мамлакатлар ўртасидаги тинч ҳамкорлик умуман ёмон ривожланаётгани йўқ. Сиёсий алоқалар кенгроқ ва мазмунлироқ бўлиб қолди. Ташқи сиёсатга оид бир қатор йирик проблемалар бўйича биз кўпинча умумий тил топишга муваффак бўлмоқдамиз. Хўжалик, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўсиб тобора янги сифатлар касб этмоқда. Умумевропа ҳамкорлигига оид турли масалалар бўйича кўп томонлама кенгашлар ўтказилди.

Бизда Франция билан алоқаларнинг кенг системаси вужудга келди. Турли даражаларда, аввало, президент В. Жискар де' Эстен билан амалда узлуксиз сиёсий музокаралар олиб борилмоқда. Совет — Франция савдосининг ҳажми уч баравар кўпайди. Фан, техника ва маданият соҳасидаги ўзаро алоқалар 300 дан зиёд мавзу ва йўналишларни ўз ичига олади. Гарчи биз Франциянинг халқаро майдондаги ҳамма ҳаракатларига ҳам қўшилавермасак-да, бизнинг муносабатларимиз кескинликни юмшатишнинг йирик омили бўлиб қолмоқда ва биз бу муносабатларни янада жадал ривожлантириш тарафдоримиз. **(Қарсаклар).**

1970 йилги шартнома ва умуман ўшандан кейинги битимлар негизида бизнинг Германия Федератив республикаси билан муносабатларимиз яхши йўлга қўйилди. Илгари В. Брандт билан бўлганидек, канцлер Г. Шмидт билан 1978 ва 1980 йиллардаги учрашувлар Европа қитъасида кескинликни юмшатиш ишига фойдали ҳисса қўшди, ўзаро манфаатли Совет — Ғарбий Германия алоқаларининг истиқболларини кенгайтирди. Беш йиллик мобайнида бизнинг ГФР билан савдомиз деярли икки баравар ортди. «Атоммаш» Оскол электр-металлургия комбинати учун, химия саноати корхоналари учун асбоб-ускуналар, газопроводлар учун қувурлар ва асбоб-ускуналар етказиб бериш ва ҳоказолар каби йирик-йирик лойиҳалар иқтисодий алоқаларда салмоқли ўрин тутади.

Аммо шундай муҳим соҳалар ҳам борки, бу соҳаларда СССР билан ГФР нинг позициялари бир-биридан анчагина фарқ қилади. Бонн-

нинг Ғарбий Берлин бўйича тўрт томонлама битимни баъзан четлаб ўтиш, бир қатор масалаларда ГДР нинг суверенитети билан ҳисоблашмаслик йўлидаги уринишлари ҳақида гапириб ўтишнинг ўзи кифоя. Биз 70-йилларда эришилган шартномаларга қатъий ва тўла-тўкис риоя қилиш тарафдоримиз. Бу бизнинг иккала мамлакатимиз бир-бирини тушуниши ва ўзаро ҳамкорлик қилиши учун, Европадаги тинчлик иши учун муҳимдир.

Бизнинг Италия билан муносабатларимиз ҳам муайян даражада ривожланди. Сиёсий алоқалар мавжуд, иқтисодий ҳамкорлик кенгаймоқда, халқларимизнинг маданият бойликлари билан ўзаро танишилмоқда.

Совет — Финляндия муносабатлари дўстлик ва яхши қўшничиликнинг мустаҳкам негизида ривож топмоқда. Биз Финляндиянинг ва шахсан президент Кекконеннинг Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган ҳиссасини яхши қадрлаймиз. Биз иқтисодий алоқаларимиз дуруст ривожланаётганлигидан, катта-катта саноат объектлари биргаликда муваффақият билан қурилаётганлигидан ҳам мамнунмиз.

Биз қўшнимиз бўлмиш Туркия билан яхши муносабатларни, Греция билан анъанавий алоқаларни тағин ҳам ривожлантиришга тайёрмиз. Австрия, Швеция, Бельгия, Кипр ва бошқа бир қатор Европа мамлакатлари билан муносабатларнинг муваффақиятли ривожланаётганлигини қутлаймиз. Испания билан муносабатларимиз қирқ йиллик танаффусдан кейин нормал изга тушди.

Совет — Англия муносабатларига келганда, шуни айтиш керакки, бунда, афсуски, турғунлик мавжуд — бу эса бизнинг айбимиз билан эмас. Бундай ҳол СССРнинг ҳам, Англиянинг ҳам манфаатларига мос эмас деб ўйлайман.

Европа ишлари ҳақида гапирар эканмиз, Европада тинчлик учун янги жиддий хавф пайдо бўлганлиги фактини гапирмасдан ўтишнинг иложи йўқ. Гап энг аввало НАТО нинг Ғарбий Европада Американинг янги ракета-ядро қуроли воситаларини жойлаштиришга қарор қилганлиги ҳақида боради. Бу қарор — тўқиб чиқарилаётган совет дағдағасига «жавоб» эмас, Ғарбда даъво қилаётганларидек, аслаҳахонани одатдагича «модернизациялаш» эмас. Европада юзага келган ҳарбий балансни НАТО фойдасига ўзгартиришга очиқдан-очиқ уриниш шундоққина кўриниб турибди.

Шу нарса равшан бўлиши керакки, Американинг ГФР, Италия, Англия, Голландия ёки Бельгия ерларида СССР га ҳамда унинг иттифоқчиларига қарши тўғрилаб қўйилган янги ракеталарининг жойлаштирилиши бизнинг ана шу мамлакатлар билан муносабатларимизга таъсир қилмай қолмайди, уларнинг ўз хавфсизликларига етадиган зарар ҳақида эса гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Шундай экан, мазкур мамлакатлар ҳукуматлари ва парламентларида бутун ана шу масалани қайта-қайта кўриб чиқишлари учун асос бор.

Европа халқларининг туб манфаатлари Европанинг бошқача йўлдан, яъни Хельсинки очиб берган йўлдан боришини талаб қилади.

Биз Умумевропа кенгаши бошлаб берган жараён узлуксиз жараён бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Музокараларнинг ҳар қандай формаларидан — кўп томонлама, икки томонлама формаларидан Европани ташвишлантираётган проблемаларни ҳал қилиш йўлида фойдаланмоқ лозим.

Япония билан муносабатлар хусусида. Унинг ташқи сиёсий йўлида салбий ҳолатлар — Вашингтон билан Пекиннинг хавфли режаларини қувватлаш, милитарлаштириш тенденцияси кучайиб бормоқда. Аммо биз, бу — Токио айтган узил-кесил сўз деб ҳисобламаймиз ва бу мамлакатда узоқни кўра билиш, ўз манфаатларини тушуна билиш устун келади, деб умид қиламиз. СССР аввallardагидек Япония билан мус-

таҳкам, чинакам яхши қўшничилик муносабатларида бўлиш тарафдоридир.

Лотин Америкаси давлатларининг, шу жумладан Мексика, Бразилия, Аргентина, Венесуэла, Перу каби давлатларнинг жаҳон майдонидаги роли анча ошди. Биз СССРнинг Лотин Америкаси мамлакатлари билан ўзаро фойдали алоқаларининг кенгайишини мамуният билан қайд қилиб ўтамиз, мазкур алоқаларни бундан буён ҳам ривожлантиришга тайёрмиз.

Канада билан муносабатларни ривожлантириш учун ҳам кўп резервлар бор. Бошқа капиталистик давлатлар билан бўлганидек, Канада билан ҳам ҳамкорликни янада кенгайтириш учун эшиклар бундан буён ҳам очиқдир. Жуда кенг кўламда — ҳукуматлар, парламентлар, савдо-саноат доиралари, маданият арбоблари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш учун эшиклар бундан буён ҳам очиқдир.

Шундай қилиб, ўртоқлар, В. И. Ленин белгилаб берган тинч-тотув яшаш сиёсати ҳозирги замон халқаро муносабатларига тобора кўпроқ белгиловчи таъсир кўрсатмоқда. Етмишинчи йиллар буни ғоят яққол кўрсатди.

Ҳаёт ҳар бир халқ ва бутун инсоният олдида турган тинч, амалий вазифаларни ҳал қилиш йўлида барча давлатларнинг самарали ҳамкорлик қилишини талаб қилмоқда.

Бу ҳамкорлик — асоссиз утопия эмас. Унинг куртаклари — ҳозирча унчалик зўр бўлмасада,— ҳозир, бизнинг кунларимизда ҳам мавжуддир. Уларни кўра билиш, қадрлаш ва ривожлантириш лозим.

Ҳозирги вақтда фойдали ҳамкорлик, шу жумладан, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик кўпдан-кўп давлатлар ўртасида атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш, юқумли касалликларга қарши кураш, саводсизликни тугатиш, тарихий ва маданий ёдгорликларни қўриқлаш, об-ҳавони прогнозлаш хизмати каби соҳаларда ҳам ривожланиб бормоқда. Бизнинг мамлакатимиз ана шуларнинг ҳаммасида фаол қатнашмоқда.

Хуллас, давлатларнинг амалдаги тинч ҳамкорлиги имкониятларидан янада кўпроқ фойдаланиш учун ўзини оқлаган асос ҳозирдаёқ мавжуддир. Бунинг зарурлиги эса тобора яққол кўзга ташланмоқда. Масалан, энергиянинг янги-янги манбаларини кашф этиш ва улардан фойдаланиш, планетанинг кўпайиб бораётган аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш, еримиз табиатининг бутун бойликларини сақлаб қолиш, космос юксакликларини ва жаҳон океани чуқурликларини ўзлаштириш каби проблемаларни эслатиб ўтишнинг ўзи кифоядир.

5. Тинчликни мустаҳкамлайлик, кескинликни юмшатишни чуқурлаштирайлик, қуролланиш пойгасини жиловлайлик

Ўртоқлар! Уруш хавфини камайтириш, қуролланиш пойгасини жиловлаш учун кураш партия билан давлатнинг ташқи сиёсий фаолиятидаги энг муҳим йўналиш бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ҳозирги вақтда бу вазифа алоҳида аҳамият ва зудлик касб этди. Гап шундаки, ҳарбий техниканинг ривожида тез ва чуқур ўзгаришлар содир бўлмоқда. Қурол-яроғларнинг ва, аввало, оммавий қирғин қуролининг сифат жиҳатдан янги турлари ишлаб чиқилмоқда. Бу турлар устидан контрол ўрнатиш, бинобарин, уларни баҳамжиҳат чеклаш ҳам бениҳоя қийин, баъзан эса имконсиз иш бўлиб қолмоқда. Қурол-

ланиш пойгасининг янги босқичи халқаро стабилликка путур етказади, уруш чиқиш хавфини анча кучайтиради.

Агрессив империалист кучларнинг сиёсати ҳозирнинг ўзидаёқ халқаро кескинликни анча кучайтиришга олиб келганлиги ва бундан кўпгина хатарли оқибатлар келиб чиққанлиги аҳволни мушкуллаштирмоқда.

Кейинги йилларда Совет Иттифоқи инсоният олдида халқаро муносабатларнинг энг муҳим проблемалари юзасидан шу қадар кўп конкрет ва реалистик ташаббуслар билан майдонга чиқдики, эҳтимол, бошқа ҳеч бир давлат бундай қилган эмас.

Инсоният учун энг хатарли бўлган ядро қуролларини чеклаш проблемасидан гап бошламоқчиман. Шу йиллар давомида Совет Иттифоқи мана шундай қуроллар пойгасига чек қўйиш, уларнинг ер юзида бундан буён тарқалишини истисно қилиш учун қатъият билан курашди. Стратегик қуролларни чеклаш тўғрисида АҚШ билан шартнома тайёрлаш соҳасида жуда катта иш қилинганлигини биласизлар. Ядро қуроли синовларини батамом тақиқлаш тўғрисида АҚШ ва Англия билан ўтказилган музокаралар жараёнида кўп иш қилинди. Биз ўз территориясида ядро қуроли жойлаштирилишига йўл қўймайдиган ва ядро қуролига эга бўлмаган мамлакатларга қарши ядро қуролини ишлатмаймиз, деб айтиб ва буни тасдиқлаб, муҳим ташаббус билан майдонга чиқдик. Биз шу билангина чекланмасдан ядро қуроли ишлаб чиқаришни тўхтатиш, унинг запасларини қисқартира бошлаш ва бора-бора бутунлай тугатишни таклиф қилдик.

Совет Иттифоқи оммавий қирғин қуролининг бошқа ҳамма турларини ҳам тақиқлашга актив ҳаракат қилиб келди. Ҳисобот даврида бу соҳада бирмунча натижаларга эришишга муваффақ бўлинди. Табиий муҳитга ҳарбий мақсадларда таъсир ўтказишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенция кучга кирди. Радиология қуролини тақиқлайдиган шартноманинг асосий қоидалари дастлабки тарзда келишиб олинди. Химиявий қуролни давлатларнинг аслаҳахоналаридан чиқариб ташлаш тўғрисидаги музокаралар гарчи ҳаддан ташқари суст бўлса ҳам, ҳар ҳолда давом этмоқда. Тинчликсевар кучларнинг ҳаракатлари туфайли Ғарбий Европада нейтрон қуролини жойлаштириш режаларининг амалга оширилишини тўхтатиб қўйишга муваффақ бўлинди. Пентагон шу қуролни Европа мамлакатлари тепасида даҳшатли қиличдек осиб қўйишга яна урина бошлаганлиги халқларни янада кўпроқ ғазаблантирмоқда. Агар бу қурол бошқа давлатларда пайдо бўлмаса, биз уни ишлаб чиқаришни бошламаймиз ва бу қуролни абадул-абад тақиқлайдиган шартнома тузишга тайёрмиз, деб яна бир бор таъкидлаймиз.

Совет Иттифоқи ва Варшава Шартномасидаги бошқа мамлакатлар Европада ҳарбий кескинликни юмшатиш юзасидан бир қанча конкрет таклифларни ўртага қўйдилар. Биз, жумладан, Умумевропа кенгашининг қатнашчилари бир-бирларига қарши хоҳ ядро, хоҳ оддий қуролларни биринчи бўлиб ишлатмаслик мажбуриятларини олишларини, Европада ва бошқа қитъаларда мавжуд ҳарбий блоклар кенгайтирилмаслигини ва янгилари тузилмаслигини хоҳлаймиз.

Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқчилари Европада ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш масалаларини муҳокама қилиб ҳал этиш учун Умумевропа конференцияси чақиришни таклиф қилдилар. Бу масала ҳозир Мадридда ўтказилаётган учрашувнинг диққат марказида турибди.

Биз Марказий Европадаги қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги Вена музокараларида силжишга эришиш йўлидаги куч-ғайратларимизни ҳам бўшаштирмадик. Бу соҳада социалистик мамлакатлар Ғарбдаги музокарадошларига нисбатан кўпроқ

қадам қўйдилар. Аммо шуни тўғридан-тўғри айтиш керакки, башарти Ғарб мамлакатлари бу музокараларни келгусида ҳам пайсалга солиб, айни вақтда ўзларининг Европадаги ҳарбий потенциалини кўпайтира берсалар, биз бу фактни эътиборга олишга мажбур бўламиз.

Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқчилари ўтган беш йил мобайнида бошлаган кўпгина муҳим ташаббуслар БМТнинг қарорларида, шу жумладан Бош ассамблеянинг қуролсизланишга бағишланган махсус сессиясида маъқулланди.

Халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ва қуролланиш пойгасини чеклашга доир совет таклифлари ўз кучини сақлаб қолмоқда. Бу таклифларни амалга ошириш учун совет дипломатлари, ташқи сиёсат жабҳасидаги барча ходимлар партия Марказий Комитети раҳбарлигида актив ишлашни давом эттирмоқдалар.

Бизнинг ҳаракатларимиз бошқа мамлакатлар ва халқларнинг муддаоларига ҳамоҳангдир. Шуни эслаш кифоя қиладики, турли қитъалардаги кўпгина давлатлар Лотин Америкаси билан бир қаторда Африкани ва Яқин Шарқни ядросиз зоналар деб эълон қилишни, Жанубий-Шарқий Осиёда, Ҳинд океанида, Урта денгизда тинчлик зоналари барпо этишни таклиф қилдилар ва бу таклифлар халқаро миқёсда кенг равишда қўллаб-қувватланди. Умумевропа кенгашининг қарорлари эса ҳақиқатда бутун Европа ҳам мана шундай зона бўлиб қолишига қаратилган.

Ўртоқлар! Биз халқаро вазиятни тубдан соғломлаштириш йўлидаги курашни давом эттирмоқдамиз. Бу соҳада КПСС XXIV ва XXV съездлари эълон қилган Тинчлик программаси ишончли компас бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Дунёдаги ишларнинг ҳозирги аҳволи уруш хавфини тугатиш, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун янги, қўшимча куч-ғайратлар сарфлашни талаб қилади. Шу хусусдаги баъзи бир мулоҳазаларни съездга айтиб беришга ижозат этгайсизлар.

Ўзларингизга маълумки, кейинги йилларда дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу районида чиқиб турган ҳарбий можаролар ўчоқлари кўпинча катта ёнғинга айланиб кетиш хавфини туғдирди. Бундай ёнғинларни ўчириш осон иш эмаслигини тажриба кўрсатди. Бундай ўчоқларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик, унинг олдини олиш яхшироқ бўлур эди.

Масалан, Европада Умумевропа кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказилаётган ҳарбий соҳадаги ишончни мустаҳкамлаш тадбирлари шу мақсадга маълум даражада хизмат қилмоқда ва умуман дуруст хизмат қилмоқда. Қуруқликдаги қўшинларнинг ҳарбий машқлари ўтказилишини барвақт хабар қилиб қўйиш, шу машқларга бошқа мамлакатлардан кузатувчилар таклиф қилиш ана шундай тадбирлар жумласига киради. Ҳозир бу тадбирлар Европа давлатларининг территорияларида, шу жумладан СССРнинг ғарбий районларида амалга оширилмоқда. Биз бундан ҳам олға бориб — ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво кучларининг машқлари ўтказилишидан ҳам хабардор қилиб қўйишга тайёр эканимизни илгари айтган эдик. Қўшинларнинг катта ҳаракатларидан ҳам хабардор қилиб қўйишни таклиф қилган эдик ва яна таклиф қиламиз.

Энди эса биз мана шундай тадбирларнинг қўлланиш зонасини ҳам анча кенгайтиришни таклиф қилишни истаймиз. **Ғарб давлатлари ҳам ишонч тадбирлари зонасини тегишли равишда кенгайтирганлари тақдирда биз бу тадбирларни СССРнинг бутун Европа қисмига жорий этишга тайёрмиз.**

Ишонч тадбирларини, албатта, ўз хусусиятларини ҳисобга олиб ишлаб чиқиш ва қўлланиш жойдаги вазиятнинг кескинлигини юмшатибгина қолмай, шу билан бирга ялпи тинчлик негизларини мустаҳкамлаш учун жуда фойдали иш ҳам бўлиб қолиши мумкин бўлган бир

район бор. Бу — СССР, Хитой, Япония каби давлатлар қўшни бўлиб яшаётган Узоқ Шарқдир. У ерда Американинг ҳарбий базалари ҳам бор. **Совет Иттифоқи Узоқ Шарқда барча манфаатдор мамлакатлар билан ишонч тадбирлари юзасидан конкрет музокаралар ўтказишга тайёр бўлур эди.**

Ишонч тадбирлари юзасидан мана шу олисни кўзловчи таклифларни ўртага қўяр эканмиз, уларнинг амалга оширилиши қуролсизланиш ишида ҳам силжишга эришишга кўмаклашишига асосланамиз.

Сўнгра. Бизнинг Форс кўрфази юзасидан ўртага қўйган таклифларимиз хусусида баъзан бу таклифларни совет ҳарбий қисмларининг Афғонистонда туриши тўғрисидаги масаладан ажратиб бўлмайди, демоқдалар. Бу ҳақда нима деса бўлади? Совет Иттифоқи Форс кўрфази юзасидан мустақил проблема сифатида келишиб олишга тайёр. Ўз-ўзидан равшанки, Совет Иттифоқи Афғонистондаги аҳвол масаласини алоҳида тарзда ҳал этишда иштирок қилишга тайёр. Бу ҳақда юқорида гапириб ўтдим. **Аммо биз Афғонистон билан боғлиқ бўлган масалалар Форс кўрфазининг хавфсизлиги масалалари билан боғлиқ тарзда муҳокама қилинишига қарши эътироз ҳам билдирмаймиз.** Табиийки, бунда Афғонистоннинг ички ишлари эмас, балки Афғонистон проблемасининг халқаро жиҳатларигина муҳокама қилиниши мумкин. Афғонистоннинг суверенитети ҳам, унинг блокларга қўшилмаган давлат статуси ҳам тўла муҳофаза этилиши керак. **(Қарсаклар).**

Биз стратегик қуроллар соҳасида вазмин бўлиб туришга яна бир бор қатъият билан даъват қиламиз. Жаҳон халқлари ядро уруши бошланиб кетиши хавфи остида яшашларига йўл қўйиб бўлмайди.

Стратегик қурол-яроғларни чеклаш ва уларни қисқартириш — фавқулодда проблемадир. **Биз АҚШ билан шу пайтгача бу соҳада эришилган жамики ижобий натижаларни сақлаб қолиш билан бирга ҳеч кечиктирмай, тегишли музокараларни давом эттиришга тайёрмиз.** Музокаралар тенглик ва баб-баравар хавфсизлик асосидагина олиб борилиши мумкинлиги ўз-ўзидан равшан. АҚШга бир ёқлама устунлик бериши мумкин бўлган битимга биз рози бўлмаймиз. Бу хусусда хом хаёллар бўлмаслиги керак. Бизнинг фикримизча, ядро қуролига эга бўлган бошқа ҳамма давлатлар ҳам тегишли пайтда бу музокараларга қўшилишлари лозим.

СССР ҳар қандай турдаги қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида музокара олиб боришга тайёр. Ўз вақтида биз АҚШга «Трайдент» денгиз ракеталари системаси ва бизда тегишли система вужудга келтирилишини тақиқлашни таклиф қилган эдик. Бу таклиф қабул этилмади. Натижада американиклар «Трайдент-1» ракеталари ўрнатилган «Огайо» янги сув ости кемасини яратдилар. Биз ҳам шунга ўхшаш «Тайфун» системасини яратдик. Хўш, бундан ким манфаат кўрди?

Биз АҚШда «Огайо» типидаги ва СССРда ҳам шу типдаги янги сув ости кемалари ишлаб чиқаришни чеклаш тўғрисида келишиб олишга тайёрмиз. Биз шу кемаларга жойлаштириладиган мавжуд баллистик ракеталарни модернизациялашни ва янгиларини вужудга келтиришни тақиқлаш тўғрисида ҳам келишиб олишимиз мумкин бўлур эди.

Энди Европадаги ракета-ядро қуроли тўғрисида. Бу қурол тобора хатарли равишда кўпайтирилмоқда. Ўзига хос қандайдир яроқсиз доира вужудга келиб қолди: бир томоннинг ҳаракатлари иккинчи томоннинг жавоб тадбирларига сабаб бўлмоқда. Хўш, бундай доира занжирини қандай узиб ташламоқ керак.

Биз Европада НАТО мамлакатлари ва СССРнинг ўртача олисликдаги янги ракета-ядро воситаларини жойлаштиришни ҳозирнинг ўзидаёқ тақиқлаш, яъни шундай воситаларнинг, жумладан, АҚШнинг шу райондаги олдинги базаларда жойлаштирилган ядровий воситалари-

нинг мавжуд даражасини миқдор ва сифат жиҳатдан кўпайтирмаслик тўғрисида келишиб олишни таклиф қиламиз. Мазкур масалага доир музокаралар бошланиши биланоқ мана шу тақиқлаш кучга кириши ва Европадаги ядровий воситаларни чеклаш тўғрисида, яхшироғи қисқартириш ҳақида доимий шартнома тузилгунга қадар амал қилавериши мумкин бўлур эди. Бунда биз шунга асосланамизки, иккала томон тегишли қўшимча воситаларни, шу жумладан Американинг «Першинг-2» ракеталарини ва ердаги базаларда жойлаштириладиган стратегик қанотли ракеталарини жойлаштиришга ҳар қандай тайёргарлик ишларини тўхтатади.

Халқлар ядро уруши инсоният учун нақадар ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисидаги ҳақиқатни билишлари лозим. **Биз ядро фалокатининг олдини олиш ҳаётий зарурат эканини кўрсатадиган мўътабар халқаро комитет тузишни таклиф қиламиз.** Комитетга турли мамлакатларнинг атоқли олимлари киритилиши мумкин бўлур эди. Улар чиқарган хулосалардан бутун дунё хабардор қилиниши керак. **(Давомли қарсаклар).**

Ҳозирги дунёда бошқа кўпгина актуал халқаро проблемалар ҳам бор, албатта. Бу проблемаларнинг оқилона ҳал этилиши халқаро вазиятнинг кескинлигини камайтиришга, халқларнинг осойишта нафас олишларига имкон берган бўлур эди. Аммо бунинг учун олисни кўзлаб иш тутиш, сиёсий ирода ва жасорат, обрў ва таъсир бўлиши керак. Шу боисдан ҳам бизнинг назаримизда **халқаро вазиятни соғломлантириш, урушга йўл қўймаслик калитларини қидириб кўриш учун Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлган давлатларнинг олий раҳбарлари иштирокида Кенгашнинг махсус мажлисини чақириш фойдали бўлур эди. Мажлисда, чамаси, истак бўлган тақдирда бошқа давлатларнинг раҳбарлари ҳам қатнашишлари мумкин бўлур эди.** Бундай кенгашнинг ижобий натижа беришини таъминлаш учун унга обдан тайёргарлик кўрилиши талаб этилади, албатта.

Шундай қилиб, ўртоқлар, биз таклиф этган янги тадбирлар масаланинг кенг доирасини ўз ичига олади. Бу таклифлар ракета-ядро қуролига ҳам, қурол-яроғларнинг янги типларига ҳам, қуруқликдаги қўшинларга ҳам, денгиз кучларига ва ҳаво кучларига ҳам тааллуқлидир. Улар ҳам Европадаги, ҳам Яқин, Ўрта ва Узоқ Шарқдаги аҳволга дахлдордир. Бу таклифларда ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий характердаги тадбирлар тўғрисида гап боради. Бу таклифларнинг ҳаммасини ягона бир мақсад, бизнинг муштарак бир муддаомиз — халқларни ядро уруши хавфидан қутқариб қолиш, ер юзида тинчликни сақлаш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилиш муддаоси бирлаштириб турибди. **(Давомли қарсаклар).**

Бу таъбир жоиз бўлса, тинчлик программамизнинг шу кунлардаги халқаро ҳаётнинг энг ўткир, актуал проблемаларига татбиқан узвий равишда давом эттирилиши ва ривожлантирилишидир.

Ҳозир партиямиз, халқимиз учун, қолаверса, планетадаги барча халқлар учун халқаро майдонда тинчликни сақлаб қолишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. (Давомли қарсаклар).

Биз тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилар эканмиз, ҳозир яшаб турган кишилар учунгина, фарзандларимиз ва набираларимиз учунгина ишлаётганимиз йўқ; биз ўнлаб келажак авлодларнинг бахт-саодати учун ишлаяпмиз.

Агар тинчлик бўлса, халқларнинг ижодий куч-ғайрати фан ва техниканинг ютуқларига таяниб, одамларни ҳозир ҳаяжонга солиб турган проблемаларни албатта ҳал қилади. Ана шунда авлодларимиз олдида янги, тағин ҳам юксак вазифалар пайдо бўлади, албатта. Зотан, тараққиёт диалектикасининг, ҳаёт диалектикасининг ўзи шунақа.

Эртанги кунга йўл кўрсатувчи сиёсат — халкларни ўз моддий ва

маънавий бойликларини бемаъниларча исроф қилишга дучор этадиган урушга ҳозирлик кўриш сиёсати эмас, балки тинчликни мустаҳкамлаш сиёсатидир. (Гулдурос, давомли қарсаклар).

II.

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ ДАВРИДА КПССнинг ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ

Ўртоқлар! КПССнинг иқтисодий сиёсати масалаларига ўтишга ижозат бергайсиз. Халқ хўжалигига раҳбарлик — бутун партия ва давлат фаолиятининг ўзагидир. Ахир, социал вазифаларни ҳал қилишнинг, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашнинг пойдевори, актив ташқи сиёсат пойдевори худди мана шу экономика соҳасида бунёд этилади. Совет жамиятининг коммунизм сари муваффақиятли ҳаракатининг зарур шарт-шароитлари худди мана шу соҳада яратилади.

1. 70-йилларда ва ўнинчи беш йилликда СССРни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари

Партия етмишинчи йилларга қадам қўйиб, халқ хўжалигининг аҳволини ҳар томонлама таҳлил этди ҳамда ривожланган социализмнинг социал-иқтисодий проблемаларини ҳал этишнинг асосий йўлларини белгилаб берди. Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсоннинг бахт-саодати учун деган ўзгармас программ талаб экономикага партиявий, сиёсий ёндашишнинг асоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. **(Қарсаклар).**

КПСС XXIV ва XXV съездлари халқ хўжалигида халқ фаровонлигини ошириш билан боғлиқ хилма-хил вазифаларни бажариш сари янада чуқур бурилиш ясаш тўғрисида белгилаган йўлнинг маъноси мана шунда. Иқтисодий юксалишнинг интенсив омилларига устун даражада қатъият билан ўтиш тўғрисида, иш самарадорлигини ва сифатини ошириш тўғрисида съездлар берган йўл-йўриқларнинг маъноси ҳам мана шундадир.

КПССнинг узоқ муддатга мўлжалланган иқтисодий сиёсати йўналишлари мана шундан иборат. **(Қарсаклар).** КПСС Марказий Комитетининг иқтисодий қурилишга бағишланган Пленумлари бу сиёсатни ижодий ривожлантиришда, коммунистларни, барча меҳнаткашларни бу сиёсатни амалга оширишга сафарбар этишда муҳим роль ўйнади. Ушбу Пленумлар халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини реал тарзда таҳлил қилиб берди, партиянинг диққат-эътиборини ҳал этилмаган проблемаларга қаратди, ҳозирги замон иқтисодий тафаккурининг шаклланишига кўмаклашди. Бу Пленумларнинг ҳар бири амалда социалистик хўжалик юритиш мактаби бўлиб, кадрларимизни, бутун партияни экономикага раҳбарлик қилиш фани ва санъатини эгаллашга ўргатди.

Мамлакатнинг 1971—1980 йилларда қандай ривожланганлигини қуйидаги маълумотлар кўрсатиб турибди:

70-ЙИЛЛАРДА СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ
(таққосланган нархларда миллиард сўм ҳисобида)

	1970 йил	1980 йил	1980 йилда 1970 йилга нисбатан процент ҳисобида
Ялпи ижтимоий маҳсулот	637	1061	167
Истеъмол ва жамғарма учун фойдаланилган миллий даромад	282	437	155
Истеъмол ва ишлаб чиқариш қурилишига сарфланган миллий даромад ресурслари	219	354	162
Саноат маҳсулоти	352	627	178
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти (ўртача йиллик ишлаб чиқариш)	100,4	123,7	123
Капитал маблағлар	80,6	133,5	166
Асосий ишлаб чиқариш фондлари (йил охирига)	531	1149	216
Барча турдаги транспортнинг юк обороти (миллиард тонна-километр)	3829	6165	161
Чакана товар обороти	158,1	268,5	170
Ижтимоий истеъмол фондлари	63,9	116,5	182

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг якунлари партия иқтисодий стратегиясининг тўғрилигидан яққол далолат бериб турибди. Мамлакат коммунизм моддий-техника базасини яратишнинг барча йўналишларида олға қараб жиддий қадам ташлади. Совет жамиятининг ишлаб чиқарувчи кучлари сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди. Фан-техника революцияси ҳар томонлама ривожланиб, кўпдан-кўп ишлаб чиқаришлар ва бутун-бутун тармоқларнинг қиёфасини ўзгартирмоқда. Совет фани билимнинг энг муҳим соҳаларида етакчи ўринларни эгаллаб турибди. Мамлакатнинг иқтисодий қудрати коммунистик қурилиш йўлидаги бундан буёнги тараққиётни мустаҳкам гарантиялаб турибди.

Совет кишилари яхши, зарбдорларча ишладилар. Ленин партияси теварагига маҳкам жипслашган, партия режаларини ўзининг шахсий режаси, жонажон иши деб билган шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари Ватаннинг иқтисодий потенциалини ошира бориб, ўзларининг куч-ғайратларини аямай ишладилар. Меҳнаткаш совет кишисига шон-шарафлар! Совет кишиси — жамиятимизнинг асосий, бебаҳо бойлигидир. **(Давомли қарсаклар).**

Ўтган ўн йиллик мобайнида халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш учун қаттиқ кураш олиб борилди. Бундаги кўзга яққол ташланадиган асосий кўрсаткич — меҳнат унумдорлиги бўлиб, шу вақт ичида у қарийб бир ярим баравар ошди. Фан муваффақиятлари негизида атом машинасозлиги, космик техника, электрон ва микроэлектрон, микробиология саноати, лазер техникаси, сунъий олмос ишлаб чиқариш, шунингдек бошқа янги синтетик материаллар ишлаб чиқариш сингари замонавий тармоқлар янада ривожлантирилди ёки янгидан ташкил этилди.

Етмишинчи йилларнинг характерли хусусияти шундан иборатки, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда жуда катта ўзгаришлар

юз берди. КПСС XXV съезди қарорларига биноан РСФСРнинг Европа қисмида, Урал, Сибирь, Узоқ Шарқда, Қозоғистон ва Тожикистонда территориал ишлаб чиқариш комплекслари тузилмоқда.

Ўнинчи беш йиллик йиллари мобайнида бу комплекслар нефть, газ ва кўмирнинг бутун умумиттифоқ миқёсидаги ўсишини таъминлади. Сибирнинг шимоли-ғарбида 1970 йилда газ конденсатини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 31 миллион тонна нефть қазиб олинган эди. 1980 йилда эса бу рақам 312 миллион тоннадан ошиб кетди; шу вақт мобайнида газ қазиб олиш 9,5 миллиард кубометрдан 156 миллиард кубометрга кўпайди. Эндиликда Оренбург газчилари 48 миллиард кубометрдан зиёд газ етказиб бермоқдалар. Павлодар — Экибастуз комплекси кончилари 1980 йилда салкам 67 миллион тонна кўмир қазиб олдилар. Бу — 1970 йилдагидан қарийб уч баравар кўпдир. Саян, Братск—Усть-Илим, Жанубий Ёқутистон, Қоратов—Жамбул, Манғишлоқ, Жанубий Тожикистон территориал ишлаб чиқариш комплекслари мамлакат Осиё қисмининг экономикасида тобора катта роль ўйнамоқда. Байкал — Амур магистрали шарққа ва шимолга томон ҳаракат қилиш учун катта имкониятлар очиб беради.

Янги регионларни индустриал ўзлаштириш социал жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам муҳимдир. Бу жойларда вужудга келаётган ишлаб чиқариш коллективлари ўзлари билан бирга меҳнат ва турмушнинг юксак маданиятини, янги, замонавий ҳаёт тарзини олиб келмоқдалар. Совет кишиларининг қаҳрамонона зафарлари йилномасида яна бир ёрқин боб ёзилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси — партиянинг узоқни мўлжаллаб олиб бораётган сиёсати натижасидир. Буларнинг ҳаммаси — ишчилар, инженер ва техниклар, олимларнинг жасорати, шижоати натижасидир. Улар қийин шароитларда, кўпинча эса бениҳоя машаққатли шароитларда ишлаб, ғоят бой табиий ресурсларни халқ хўжалигига хизмат қилдирдилар. **(Қарсаклар).** Улар қилган ишлар чинакам жасорат, халқ учун, халқ манфаати йўлидаги жасоратдир! **(Давомли қарсаклар).**

Етмишинчи йиллар оғир саноатнинг барқарор ўсиши даври бўлди. Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш бундан олдинги йигирма йилдаги сингари миқёсларда ўсди. Электр энергияси ҳосил қилиш олтмишинчи йиллардагига нисбатан икки баравар кўп бўлди. Сибирнинг Бирлашган энергосистемаси мамлакатнинг ягона энергетика системасига қўшилди.

Саян-Шушенск, Усть-Илим, Норак, Ингурск, Днепр, Нижнекамск ва бошқа гидростанцияларда ноёб гидроагрегатлар фойдаланишга топширилди. Запорожьеда ва Углегорскда энг йирик иссиқлик электр станцияларининг қурилиши ниҳоясига етказилди. Атом энергетикаси юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Ленинград, Чернобильск, Курск, Белоярск, Арманистон ва Билибинск атом электростанцияларида янги энергоблоклар ишга туширилди. Атом энергетикасига қудратли замонавий техника етказиб берилмоқда: ядроли буғ ишлаб чиқарувчи ускуналар етказиб берувчи асосий корхона бўлган «Атоммаш» маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Мамлакат металлургиясини мустаҳкамлаш давом эттирилди. Кейинги ўн йилликда халқ хўжалигига олдинги ўн йилликдагига нисбатан 460 миллион тонна кўп пўлат етказиб берилди. Машинасозликни ривожлантиришнинг кенг программаси амалга оширилди. Машинасозлик маҳсулоти 1980 йилда 1970 йилга нисбатан 2,7 баравар ўсди; приборлар ишлаб чиқариш 3,3 баравар, ҳисоблаш техникаси воситалари ишлаб чиқариш 10 баравар кўпайди.

Химия ва нефть химияси саноатида сезиларли равишда миқдор ва сифат ўзгаришлари юз берди. Шу тармоқларда маҳсулот 1971—1980 йилларда икки баравардан зиёд кўпайди. Минерал ўғитлар ишлаб чи-

қаришда айниқса катта муваффақиятларга эришилди. Айни пайтда химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқлари ривожланмоқда. Ғоят катта «Нитрон» ва «Полимер» бирлашмалари Томск химия заводи, Прикумск, Омск ва Шевченко пластмасса заводлари ҳамда бошқа бир қанча янги корхоналар ҳозирги замон химия индустриясининг ўзагини ташкил этади.

Ўтган икки беш йиллик мобайнида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг техника базаси анча мустаҳкамланди. Деҳқончилик ва чорвачиликни химиялаштириш, комплекс механизациялаш ва индустрлаштириш кучайди. Мелиорация ишлари кенг миқёсларда олиб борилмоқда. Мана шу мураккаб вазифаларни рўёбга чиқармоқ учун экономиканинг аграр секторига сарфланадиган капитал маблағлар кўпайтирилди. Ўн йил мобайнида бу маблағлар 300 миллиард сўмликдан кўпроқ бўлди. Бу шундан олдинги ўн йилликдагига нисбатан 2,3 баравар кўпдир.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш, ҳатто ходимлар сони қисқаргани ҳолда ҳам, маҳсулот ҳажмини муттасил кўпайтиришга имкон берди. Ўтган ўн йилликда ҳар гектардан олинадиган маҳсулот олдинги ўн йилликдагига нисбатан 1,3 баравар ортиқ бўлди.

Интенсивлаштиришнинг яна бир самараси — қишлоқ хўжалигининг ғоят барқарорлигидадир. Кейинги беш йилдан уч йили ноқулай келганига қарамай, ўртача йиллик дон ҳосили 205 миллион тоннага етди. 1980 йилда қарийб ўн миллион тонна пахта териб олинди. Умуман тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликлар мобайнида шундан олдинги икки беш йилликдагига нисбатан 272 миллиард сўмлик кўп қишлоқ хўжалик маҳсулоти олинди. **(Қарсаклар).**

Буларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, ўртоқлар, партия, барча қишлоқ меҳнаткашлари ва қишлоқ билан боғлиқ бўлган тармоқлар олиб бораётган кўп қиррали ва собитқадам иш, қишлоқ хўжалигини юксалтиришни кўзлаб олиб борилаётган иш сезиларли натижалар бермоқда.

Совет давлатининг иқтисодий қудрати ўсганлиги етмишинчи йилларда халқ фаровонлигини оширишнинг кенг программасини бажариш имконини берди. Иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва шу сингариларнинг миқдорини ошириш юзасидан умумдавлат миқёсида белгиланган тадбирларни амалга оширишга 32 миллиард сўм ажратилди. Мана шундай ҳар бир тадбир биз учун энг муҳим бўлган иш — совет кишилари турмушининг янада яхшиланишига реал, салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади. **(Қарсаклар).**

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида минимал иш ҳақи, ўртача ҳақ оладиган ишчи ва хизматчиларнинг ставка ва окладлари оширилди. 1980 йилда ўртача ойлик иш ҳақи 168 сўмдан ошиб кетди ва 1970 йилга нисбатан қарийб 1,4 баравар ортди. Колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бундан ҳам юқори суръатлар билан ошиб борди. Ижтимоий истеъмол фондларидан тўланадиган тўлов ва имтиёзлар қарийб икки баравар кўпайди.

Тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликларда ишчилар, хизматчилар, колхозчиларга тўланадиган пенсияларнинг минимал миқдори оширилди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг моддий-маиший аҳволи яхшиланди. Кам даромадли оилаларнинг болаларига нафақа тўлаш жорий этилди. Олий ўқув юртларининг студентлари, ўрта махсус ўқув юртлари ва техника билим юртлари талабаларининг стипендияси оширилди. Мактабларнинг дастлабки беш синф ўқувчилари дарсликларни текин олишадиган бўлди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш халқнинг турмуш даражасига бевосита алоқадор ишдир. Етмишинчи йиллар мобайнида бундай маҳсулот ишлаб чиқариш шундан олдинги ўн йилликдагига нис-

батан қарийб икки баравар кўпайди. Шунга қарамай, бу соҳада, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда бўлгани каби, муаммо ва етишмовчиликлар мавжуд. Бу ҳақда қуйида муфассалроқ тўхталиб ўтаман.

Етмишинчи йилларда қурилган уй-жой саҳни олтмишинчи йилларнинг бошларида мавжуд бўлган жами шаҳар уй-жой фондидан ошиб кетади. Уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилгани бизнинг катта социал ютуғимиздир, ўртоқлар.

Шундай қилиб, партиянинг шу тармоқ учун белгиланган иқтисодий стратегиясининг асосий йўли изчил амалга оширилмоқда. Бу соҳада мураккаб масалалар келиб чиқаётганига қарамай, партия белгилаб берган йўл оғишмай амалга оширилмоқда. **(Қарсаклар).**

Умуман 70-йилларни мамлакат, барча иттифоқдош ва автоном республикаларнинг халқ хўжалигини ривожлантиришда катта қадам қўйилган йиллар бўлди, деб айтиш мумкин.

Ўтган ўн йилликдаги муваффақиятлар кўп жиҳатдан ўнинчи беш йилликнинг якунлари билан белгиланади, қуйидаги жадвал амалга оширилган ишлар ҳақида умумий тасаввур беради.

ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДА ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДАГИГА НИСБАТАН СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

(ўртача йиллик даража, таққослама нархларда миллиард сўм ҳисобида)

	IX беш йиллик	X беш йиллик	X беш йилликда IX беш йилликка нисбатан процент ҳисобида
Ялпи ижтимоий маҳсулот	769	989	129
Истеъмол ва жамғарма учун фойдаланилган миллий даромад	329	409	124
Истеъмол ва ноишлаб чиқариш қурилишига сарфланган миллий даромад ресурслари	258	325	126
Саноат маҳсулоти	438	581	133
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	113,7	123,7	109
Капитал маблағлар	98,6	126,8	129
Транспортнинг барча турларида юк обороти (миллиард тонна-километр)	4625	5833	126
Чакана товар обороти	191,4	246,1	129
Ижтимоий истеъмол фондлари	78,6	105,4	134

КПСС Марказий Комитети бу якунларнинг социал-иқтисодий мазмуни экономикани барқарор юксалтириш негизида ижтимоий муносабатларнинг бутун системаси, социалистик турмуш тарзимиз такомиллашувининг давом этганлигидан иборат деб билади. Ўн миллионлаб кишиларнинг фидокорона меҳнат қилганлиги, партия ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари, касаба союзлари ва комсомол фаол иш олиб борганлиги, социалистик мусобақанинг кенг қулоч ёзганлиги ана шу муваффақиятларга олиб келди. Бугун босиб ўтилган йилларга назар ташлар эканмиз, жуда катта иш амалга оширилди, деб тўла асос билан айта оламиз. Улуғ Ватанимиз янада қудратли, янада бадавлат, янада гўзал бўлиб қолди! **(Давомли қарсаклар).**

КПСС Марказий Комитети совет халқининг чинакам тарихий зафарларига муносиб баҳо берар экан, қийинчиликларни, камчиликларни, ҳал этилмаган проблемаларни ҳам яққол кўриб турибди. Мўлжалланган ҳамма марраларни ҳам эгаллаш имкони бўлмади. Баъзи министрликлар ва корхоналар ўз планларини бажармадилар. Халқ хўжалигида ҳали танг жойлар ва номутаносибликлар мавжуд.

Бунинг сабаблари турличадир. Булар орасида бизнинг иродамизга боғлиқ бўлмаган объектив ҳолатлар бор. Планлаштириш ва бошқаришдаги нуқсонлар ҳам мавжуд. Бир қанча партия органлари ва хўжалик раҳбарларининг етарлича талабчанлик қилмаганлиги, интизомни бузиш, хўжасизлик ҳоллари ҳам учраб турибди. Аммо, энг асосий сабаб шуки, ишнинг сифатидан кўра миқдори биринчи ўринга қўйилган пайтларда қарор топган инерция кучи, анъана ва одат ҳамон тўла бартараф этилган эмас.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумларида мана шуларнинг ҳаммаси ҳақида муфассал гапирилган эди. Қолоқ тармоқлар ва бўғинларни кўтаришга қаратилган конкрет қарорлар қабул қилинди. Энди бутун гап шундаки, экономиканинг ўсишига халақит бераётган тўсиқларни тўпланган тажрибага таяниб туриб, янада қатъият билан бартараф этиш лозим. Бунинг йўли битта, у ҳам бўлса талабчанликни ошириш, самарали ишлашни, хўжаликни самаралироқ юритишни ўрганиш йўлидир. Бунга осонгина эришиб бўлмайди.

Аммо биз, коммунистлар матонатли ва собитқадам кишилармиз. Биз шу йўлга тушиб олганмиз ва бу йўлдан четга чиқмаймиз. **(Давомли қарсаклар).**

2. 80-йиллар ва ўн биринчи беш йилликнинг актуал халқ хўжалик проблемалари

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасида ўн биринчи беш йилликдаги ва саксонинчи йиллардаги вазифалар кенг баён этиб берилган. Лойиҳани муҳокама қилишда бир юз йигирма бир миллиондан кўпроқ киши иштирок этди. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар лойиҳани тўла маъқуллаб, қўллаб-қувватладилар.

Жуда кўп фойдали таклифлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритилдики, булар шубҳасиз, ҳужжатнинг мазмунини бойитади. Асосий йўналишларни муҳокама қилишда қатнашган барча ўртоқларга, коммунистлар ва партиясизларга съезд минбаридан туриб миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Миллион-миллион меҳнаткашлар партиянинг социал-иқтисодий режаларига хўжайинларча манфаатдорлик билан муносабатда бўлаётганликлари, уларнинг давлат ишлари тўғрисидаги ғамхўрлиги совет тузуми чинакам демократизмининг ифодасидир. Бу — планларимиз муваффақиятли амалга оширилишининг муҳим гаровидир.

80-ЙИЛЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ БОШ ВАЗИФАСИ

Мамлакат қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий потенциалга, яхши тайёрланган, ишга садоқатли кадрларнинг кўп миллионли армиясига эга бўлган ҳолда янги ўн йиллик даврига қадам қўйди. Бизнинг имкониятларимиз ана шулар билан белгиланади. Айни вақтда талаб-эҳтиёжлар ҳам ошиб бормоқда, халқ хўжалигининг нормал

ишлаши учун, шунингдек совет кишиларининг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган маблағлар ҳажми кўпаймоқда. Ана шу ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва шахсий талаб-эҳтиёжларни бирмунча мураккаб шароитларда қондиришга тўғри келади.

Ўзларингизга маълумки, 80-йилларда иқтисодий ривожланишни мураккаблаштирадиган бир қанча омиллар ўз таъсирини ўтказади. Меҳнат ресурслари ўсишининг қисқариши ана шундай омилларнинг биридир. Шарқ ва Шимол ўзлаштирилиши муносабати билан харажатларнинг ортиши, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза этишга сарфланадиган маблағларнинг муқаррар ўсиши бошқа бир омилдир. Бунга яна шуни қўшиш керакки, тубдан қайта қурилиши лозим бўлган кўпгина эски корхоналар ишлаб турибди. Йўллар, транспорт, алоқа ҳам экономиканинг ортиб бораётган эҳтиёжларидан орқада қолмоқда. Бинобарин, бу соҳада ҳам астойдил куч-ғайрат, катта маблағ сарфлаш талаб этилади.

Асосий йўналишларнинг лойиҳасида партия иқтисодий стратегиясининг давомийлиги мужассам ифодасини топган. Лойиҳада мамлакат ривожланадиган конкрет шароитлар ҳам ҳисобга олинган. Иқтисодий ўсиш мақсадлари ва уларга эришишнинг асосий йўллари айни шу нуқтаи назардан белгиланган.

«Ўн биринчи беш йилликнинг бош вазифаси,— дейилади лойиҳада,— **халқ хўжалигини барқарор, тобора ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциалидан янада оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ҳар томонлама тежаш ва иш сифатини яхшилаш асосида совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишни таъминлашдан иборат».**

Мавжуд ҳисоб-китобларга мувофиқ, истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромад 1990 йилга бориб камида 1,4 баравар оширилиши керак. Капитал маблағлар ҳам тахминан шунча кўпаяди. Ўн биринчи беш йилликда миллий даромадни 18—20 процент, саноат маҳсулотини 26—28 процент, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини 12—14 процент ошириш планлаштирилмоқда. Беш йилликда капитал маблағларнинг умумий ҳажми 711—730 миллиард сўм миқдорида белгиланган.

Оғир индустрияни ривожлантириш — барча халқ хўжалик вазифалари — ҳам ишлаб чиқариш, ҳам социал вазифаларни ҳал этишнинг сўзсиз шартидир. Айниқса бу унинг база тармоқларига, биринчи навбатда **ёқилғи-энергетика** тармоқларига тааллуқлидир. Рақамларни айтиб ўтирмайман — бу рақамлар сизларга яхши маълум. Фақат шуни таъкидламоқчиманки, ёқилғи-энергетика баланси структурасини яхшилаш тобора муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ёқилғи сифатида нефтнинг улушини камайтириш, унинг ўрнини газ ва кўмир билан алмаштириш, атом энергетикасини, шу жумладан тез нейтронлар билан ишлайдиган реакторларни жадал ривожлантириш керак. Албатта, ҳаёт принципиал янги энергия манбаларини қидиришни давом эттиришни, термоядро энергетикаси асосларини вужудга келтиришни ҳам тақозо этмоқда.

Биринчи даражали иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга молик вазифа сифатида Сибирь газини қазиб чиқаришни тез кўпайтириш вазифасини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим деб ҳисоблайман. Ғарбий Сибирь регионидаги конлар ноёб конлардир. Шулардан энг каттаси — Уренгой кони шу қадар катта запаслари билан ажралиб турадики, у кўп йиллар мобайнида мамлакатнинг ички эҳтиёжларини ҳам, экспортни, шу жумладан капиталистик мамлакатларга қилинадиган экспортни ҳам таъминлай олади. Ғарбий Сибирда газ ва нефть қазиб чиқаришни, уларни мамлакатнинг Европа қисмига ташиб келтиришни ўн би-

ринчи ва ҳатто ўн иккинчи беш йилликларнинг энергетика программаларидаги ғоят муҳим бўғинларга айлантириш керак бўлади. Партия Марказий Комитетининг йўл-йўриғи мана шундан иборат бўлиб, уни съезд қўллаб-қувватлайди, деб умид қиламан. **(Давомли қарсаклар).**

Биз мазкур лойиҳани амалга оширишда, шу билан бирга атом энергетикасини ривожлантиришда ҳам манфаатдор социалистик мамлакатлар иштирок этади, деб кутмоқдамиз. Бу бутун ҳамдўстлигимиз учун анча катта аҳамиятга эга бўлур эди.

Истиқболга назар ташлаб, Канск-Ачинск ҳавзасидаги кўмир негизида синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқариш тўғрисидаги масалани ҳам пухта ишлаб чиқиш керак.

Янги беш йилликда қора ва рангли **металлургияни** ривожлантиришга катта-катта маблағлар ажратилади. Биз янги металлургия қувватларини ишга тушириб бораверамиз, албатта. Аммо металл тақчиллигига барҳам бериш учун бошқа йўл ҳам мавжуд, у ҳам бўлса ишлаб чиқарилаётган металлдан моҳирона ва тўла-тўкис фойдаланиш йўлидир.

Металлни қайта ишлашдаги исрофгарчилик ва чиқитларнинг ярмини қисқартиришнинг ўзи қора металлар тайёр прокати ишлаб чиқаришни 10 процент кўпайтириш билан баробар бўлур эди. Металлургиянинг ўзида чиқитларни, шунингдек, металлнинг коррозиядан исроф бўлишини камайтириш — каттагина резервдир. Станоклар ва машина-ускуналарнинг вазнини камайтириш, металлнинг ҳамда металлдан ясалган буюмларнинг сифатини ошириш ёки, айтайлик, металлнинг ўрнини босадиган материаллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мамлакат миқёсида қандай самара беришини айтмайсизми? Бу борада олимларимиз, конструкторларимиз, рационализаторларимиз қиладиган ишлар оз эмас. Шуларнинг ҳаммаси учун ҳам маблағлар, куч-ғайрат, муайян вақт зарур, албатта. Лекин булар металл ишлаб чиқаришни чексиз кўпайтиравеpишга нисбатан анча кам миқдорларда талаб этилади.

Янги беш йиллик **қурувчилар** учун жиддий имтиҳон бўлади. Маҳсулотнинг энг кўп ўсишини таъминлашга, танг жойларни тугатишга қодир бўлган корхоналарни тезроқ қуриб битказиб, ишга тушириш учун кучларни ҳар томонлама жамлаш шу беш йилликка хос хусусиятдир. Биз ҳозирдаёқ шу йўлдан бормоқдамиз ва унга сўзсиз амал қилиш керак.

Транспорт ишига махсус тўхталиб ўтишим керак. Транспортда тўпланиб қолган проблемаларнинг жиддийлиги ва кўламларини ҳисобга олиб, биз уларни узоқ муддатли комплекс программа асосидагина ҳал этиш мумкин, деган хулосага келдик. Асосий йўналишларда шундай программани ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Жами юк оборотининг ярмидан кўпроғи темир йўллар ҳиссасига тўғри келади. Бошланган беш йилликда темир йўлларни ривожлантиришга ажратиладиган маблағлар 30 процентдан зиёд кўпайтирилади. Бу эса ҳаракат составини янгилаш, йўл хўжалигини яхшилаш имконини беради. Станция йўлларини ривожлантиришга эътиборни кучайтириш муҳимдир. Бу — йўлларнинг поездлар ўтказиш қобилиятини оширишнинг тежамли ва жадал воситасидир.

Программа транспорт ҳамма турларини — темир йўл, автомобиль ва ҳаво, денгиз ва дарё, трубопровод транспортини мувофиқлаштиришни кучайтиришни кўзда тутиши керак. Энергетика ва хом ашё базасининг Шарққа томон силжиб бориши Сибирь ҳамда Узоқ Шарқда йўллар, трубопроводлар, аэропортларни жадал ривожлантиришни тақозо этади.

Бошқа кўпгина проблемалар каби транспорт проблемасини ҳам

ажралган ҳолда ҳал этиш мумкин эмас. Транспорт харажатларини камайтириш — умумдавлат аҳамиятига молик катта вазифа. Ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш, юк ташишнинг энг мақбул схемаларини ишлаб чиқиш, қарама-қарши йўналишда юк ташишларга барҳам бериш — ана шу вазифани ҳал этиш йўлидир.

Пассажирлар ташиш ишини жуда яхшилаш — жадваллар бузилишини ниҳоятда камайтириш, вокзаллар ва аэропортларни тобора қулай ва шинам қилиш, хизмат кўрсатиш умумий маданиятини ошириш ҳам керак, албатта.

КПСС Марказий Комитети энергетика, металлургия, оғир саноат бошқа тармоқларининг барча ходимларини, бинокорлар, транспортчиларни янги беш йилликни зарбдорларча, ташаббускор меҳнат — Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнат билан нишонлашга даъват этади! **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Ҳар бир тармоқ олдида ўзининг актуал вазифалари ва ўзига хос проблемалари турибди. Аммо халқ хўжалигининг барча соҳаларини қамраб оладиган проблемалар ҳам борки, асосан интенсив ривожланиш йўлига ўтишни ниҳоясига етказиш ана шулар орасидаги бош проблемадир.

Экономикани интенсивлаш, унинг самарадорлигини ошириш, деган ифодани амалий ишлар тили билан айтадиган бўлсак, у даставвал шундан иборатки, ишлаб чиқариш натижаларини унга кетган харажатлардан тезроқ ўстириш, нисбатан камроқ ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб этган ҳолда кўпроқ натижаларга эришиш мумкин бўлсин. Планлаштириш, илмий-техникавий ва структуравий сиёсат мана шу вазифани ҳал этишга бўйсундирилиши лозим. Хўжалик юритиш методлари, бошқариш соҳасидаги сиёсат ҳам самарадорликни оширишни кўзда тутиши керак. Масаланинг шу тахлитда ўртага қўйилишини партиямиз съезди тўла-тўкис маъқуллайди, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз. **(Давомли қарсаклар).**

Съезд делегатлари СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. Тихоновнинг СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисидаги докладини тинглаб, муҳокама қиладилар. Мен келгуси беш йилликда, шунингдек умуман бошланган ўн йил мобайнида ҳам иқтисодий сиёсатимиз учун аҳамиятга эга бўлган принципиал характердаги баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПОТЕНЦИАЛИДАН ТЎЛИҚ, САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Халқ хўжалигига ҳақиқатан ҳам ғоят катта ресурслар жалб этилган. Совет Иттифоқи маҳсулотнинг кўпгина муҳим турларини, шу жумладан нефть ва пўлат, цемент ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, буғдой ва пахта етиштириш, магистрал электровозлар ва тепловозлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олганлиги неча марталаб қайд этилган. Бизнинг станок паркимиз дунёда энг катта ҳисобланади. Биз инженерлар сони жиҳатидан бошқа мамлакатлардан устун турамиз. Бинобарин, ўртоқлар, ана шуларнинг ҳаммаси билан фахрланиш мумкин.

Аммо фахрланиш билан бирга юксак масъулиятни ҳамиша ҳис этиб туриш лозим. Совет халқи вужудга келтирган ғоят катта потенциал омилкорлик, тўла самара билан фойдаланилмоғи учун масъулиятни ҳис этиш керак.

Жаҳондаги энг яхши кўрсаткичларга нисбатан биз миллий даромад бирлигига кўпроқ хом ашё ва энергия сарфламоқдамиз. Демак, ҳозир

мавжуд ресурсларнинг ўзидан пировард маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш имконияти мавжуд.

Металлдан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш қандай самара бериши тўғрисида мен ҳали гапириб ўтдим. Бу гап хоҳ руда, ёғоч-тахта ёки бинокорлик материаллари бўлмасин ресурсларнинг амалда барча турларига тўла тааллуқлидир. Масалан, нефтни олиб кўринг. Уни ер бағридан қазиб олишни оширишда ғоят катта резервлар мавжуд. Двигателларни такомиллаштириш, автомобиль транспортини дизель ва газ ёнилғисига ўтказиш жуда кўп самара бериши мумкин.

Афтидан, умуман ундирма тармоқларга ҳам янгича ёндашиш керак. Капитал маблағларнинг жуда катта қисми ҳозирнинг ўзидаёқ ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда, ваҳоланки хом ашёга ва энергия олинадиган материалларга бўлган талаб-эҳтиёж муттасил ортиб бораверади. Бинобарин, бутун халқ хўжалигининг муваффақиятлари кўп жиҳатдан ундирма саноат самарадорлигини оширишга боғлиқ бўлади. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, фойдали қазилмаларни комплекс ҳолда чуқур қайта ишлаш, иккиламчи ресурсларни тобора кенгроқ қўлланиш — ана шунга олиб борадиган йўлдир.

Ана шу вазифаларнинг актуаллиги ўрнини тўлдириб бўлмайдиган бойликлар билан боғлиқ. Гап шу тўғрида бормоқда. Ана шу бойликлардан тўғри, тежаб-тергаб фойдаланиш учун биз ҳозирги авлод олдидагина эмас, шу билан бирга келгуси авлодлар олдида ҳам жавобгармиз. Зотан, буни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ишлаб чиқариш қувватлари — машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситаларидан фойдаланишни яхшилаш катта имкониятлар яратади. Бекор туриб қолишларни камайтиришга, сменалилик коэффициентини оширишга, энергия ва материалларни тежайдиган технология схемаларини яратишга куч-ғайратларни қаратиш лозим бўлади.

80-йиллар шароитида меҳнат ресурсларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиб, уларни тежаб-тергаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу — иқтисодий, техникавий, ижтимоий, тарбиявий характердаги кўпгина вазифалар ҳал этилишини талаб қилувчи мураккаб ишдир.

Мамлакат эга бўлган бойликларни тежаб-тергаш, улардан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш хўжалик юритишнинг кўпгина масалаларига янгича ёндашишни тақозо этади. Жумладан, бу тегишли тармоқларнинг «юқори қаватлари»ни: металлургияда тўртинчи қайта ишлаш деб аталган ишни, бинокорликда пардозлаш ишларини, енгил саноатда пировард ишларни такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш керак деган маънони билдиради. Ана шу ишлар кўп жиҳатдан маҳсулотнинг сифатини, баъзида эса миқдорини ҳам белгилаб беради.

КПСС Марказий Комитетининг бир қанча Пленумларида таъкидлаб ўтилганидек, бизнинг бундан буёнги олға ҳаракатимиз барча мавжуд ресурслар — меҳнат, асосий фондлар, ёқилғи ва хом ашёдан, дала ва фермаларнинг маҳсулотларидан моҳирона ва самарали фойдаланишга тобора кўпроқ даражада боғлиқ бўлиб қолади.

Ҳозир, ўртоқлар, биз энг катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодирмиз. Аммо оддий ва шунчаки кундалик бир юмуш бўлиб кўринган иш — жамоат бойлигига омилкорлик билан муносабатда бўлиш, ўзимиздаги ҳамма нарсалардан тўла-тўкис, мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш маҳорати иқтисодий сиёсатнинг ўзаги бўлиб қолмоқда. Меҳнат коллективларининг ташаббуси, партиявий-оммавий иш мана шунга қаратилиши керак. Техника сиёсати ҳам, капитал маблағлар сиёсати ҳам, план, ҳисобот кўрсаткичлари системаси ҳам мана шунга қаратилмоғи лозим.

Партия Марказий Комитети съезд делегатларини мана шу хулосани КПСС иқтисодий стратегиясининг келгуси даврдаги ғоят муҳим

принципларидан бири сифатида тасдиқлашга даъват этади. **(Давомли қарсаклар).**

Экономика тежамли бўлиши керак — замон талаби ана шундай. **(Қарсаклар).**

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИНИ ФАН ВА ТЕХНИКАНИНГ ИЛҒОР МАРРАЛАРИГА ОЛИБ ЧИҚАЙЛИК

80-йилларда халқ хўжалиги ривожланадиган шарт-шароитлар фан-техника тараққиёти жадаллаштирилишини яна ҳам кўпроқ зарур қилиб қўяди. Ҳеч кимни илм-фан катта аҳамиятга эга эканлигига ишонтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Коммунистлар партияси янги жамият қурилишини илм-фансиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди, деган фикрга асосланади.

КПСС Марказий Комитети СССР Фанлар академиясининг роли ва масъулиятини янада ошириш, илмий тадқиқотлар бутун системаси ташкил этилишини яхшилаш учун ҳаракат қилмоқда. Бу система самарасиз лабораториялар ва институтларга тоқат қилмайдиган анча эпчил ва ҳаракатчан бўлиши керак. Фан эҳтиёжларига ҳам диққат-эътибор билан муносабатда бўлиш, илмий муассасаларни машина-ускуналар ва приборлар билан таъминлаш, экспериментал ишлаб чиқаришларни кенгайтириш лозим.

«Катта фан»нинг куч-ғайрати назарий проблемаларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда жуда муҳим халқ хўжалик масалаларини ҳал қилишга, ишлаб чиқаришга чинакам революцион ўзгартишлар олиб киришга қодир бўлган кашфиётларга тобора кўпроқ даражада жалб этилишига мамлакат ниҳоятда муҳтождир.

Олимларнинг энг кўп эътибор беришларини талаб қилаётган амалий вазифаларни аниқ таърифлаб бериш,— даставвал марказий планлаштириш ва хўжалик органларининг, фан ва техника давлат комитетининг ишидир. Шу билан бирга фаннинг ўзи ҳам доимо «тинчлик бермайдиган» бўлиши, қайси соҳаларда турғунлик ва қолоқликка йўл қўйилаётганлигини, билимларнинг ҳозирги даражаси қаерда олға томон тезроқ, муваффақиятлироқ ҳаракат қилиш имконини беришини кўрсатиб туриши лозим. Бу ишни қандай қилиб бошқариш механизмининг ажралмас қисмига айлантириш тўғрисида ўйлаб кўриш керак.

Илмий кашфиётлар ва ихтироларни жорий этиш бугунги кунда ҳал қилувчи, энг ўткир соҳадир. Илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишларини иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан ишлаб чиқариш билан маҳкамроқ боғлаш керак. Бизда бунинг ажойиб намуналари бор. Москвада ЗИЛ, Ленинградда ЛОМО ва «Электросила», Киевда Е. О. Патон номли институт ва бошқа кўпгина корхона ва институтлар шулар жумласидандир.

Бироқ гап пўлатни узлуксиз қуйиш ёки порошокли металлургия тўғрисида, ноёб ўзгармас ток линиялари ҳақида ёки ғоят пишиқ сунъий тола олиш тўғрисида бормасин — истиқболли лойиҳаларни ўзлаштиришда ҳали кўпинча йўл қўйиб бўлмайдиган сусткашликка дуч келинмоқда. Биз қандай сабабларга кўра баъзан ўз устунлигимизни бой бераётганлигимизни, ўзимиз бемалол ишлаб чиқарадиган, бунинг устига кўпинча сифатини ҳам яхшироқ қилиб ишлаб чиқара оладиган техника ва технологияни чет эллардан харид қилишга кўп пул сарфлаётганлигимизнинг сабабларини билиб олишимиз керак.

Маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқариш, янги, илғор технологияни жорий этиш учун идоралар, корхоналар, институтлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш керак. Янгиликни жорий этиш жараёнини мураккаблаштирадиган, сусайтирадиган, мушкуллаштирадиган барча тўсиқларни бартараф этиш лозим. **(Қарсаклар).** Ишлаб чиқариш олимлар ва конструкторлар тафаккурининг самара-

лари, улар меҳнатининг самаралари тезроқ ва яхшироқ ўзлаштирилишидан ҳаётий манфаатдор бўлиши керак. Бу вазифани ҳал этиш — оддий иш бўлмай, эскирган одатлар ва кўрсаткичлар ўзгартирилишини талаб қиладиган ишдир. Аммо бу мамлакат учун, халқ учун, келажагимиз учун мутлақо зарур ишдир.

Маҳсулот сифатига қўйилаётган талаблар даражаси бошқа бир ҳолатдир. Бундай талаблар даражаси ғоят юқори бўлиши керак, деб ўйлайман. Жаҳондаги ва Ватанимиздаги энг яхши намуналарга мос келмаган бошқа ҳеч қандай кўрсаткич билан биз келиша олмаймиз ва келиша олмаслигимиз зарур. Эскирган, орқада қолган, ҳаётнинг ўзи қадрсиз қилиб қўйган ҳамма нарсани қатъиян улоқтириб ташлаб, ўзимизни ана шунга ўргатишимиз, ана шунга эришишимиз лозим. **(Қарсаклар).**

Бунда яна бир масала бор. Биз ўз олдимизга қўйган вазифаларни ҳал этар эканмиз, бир қанча тармоқлар — енгил, озиқ-овқат, медицина саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва машинасозлик бошқа баъзи бир турларининг илмий ва конструкторлик базаси орқада қолаётганлигига ортиқча тоқат қилиш мумкин эмас. Эҳтимол Фанлар академияси, Фан ва техника давлат комитети, министрликлар турли тармоқларнинг илмий ва конструкторлик базаларини чамалаш ишларини ўтказишса, илмий кучларни муайян даражада қайта гуруҳлаш юзасидан таклифлар киритишса чакки бўлмасди. Бунда биз айниқса бақувват илмий базага эга бўлган тармоқларнинг, шу жумладан мудофаа тармоқларининг ёрдамига ҳам умид боғлашга ҳақлимиз.

Қисқа қилиб айтганда, ўртоқлар, илм-фанни ишлаб чиқариш билан яқиндан интеграциялаш — ҳозирги даврнинг қатъий талабидир. КПСС Марказий Комитетининг ишончи комилки, фан ва техника арбоблари, инженерлар ва лойиҳачилар, тармоқлар ва ишлаб чиқаришларнинг раҳбарлари мана шу талаб даражасида бўлиш учун ҳамма ишни қиладилар. **(Қарсаклар).**

Илм-фанни ривожлантириш — фан-техника тараққиёти асосларининг асосидир. Аммо даставвал **машинасозлик** янгиликлар учун кенг имконият очиши мумкин. Илмий ва инженерлик тафаккури вужудга келтираётган илғор нарсаларни машинасозлик дарҳол ўзлаштириши, юксак самарали, пухта машиналар, приборлар, технология линияларида мужассамлаштириши лозим. Митти электрон бошқарув машиналари, саноат роботларини яратиш ва жорий этиш чинакам революцион имкониятлар очади. Ана шу машиналар ва роботларни ғоят кенг кўламда қўлланиш керак.

Бугун биз беш йил, ўн йил олдинга назар ташлаб, айни шу йилларда халқ хўжалик структурасига асос солиниши ва у вужудга келтирилишини унута олмаймиз. Мамлакат ана шу структура билан йигирма биринчи асрга қадам қўяди. Бу структура янги жамиятнинг асосий фазилатлари ва идеалларини мужассамлантириши, тараққиёт авангардида бўлиши, фан билан ишлаб чиқариш интеграциясининг, ижодкор тафаккур билан ижодий меҳнат бузилмас иттифоқининг тимсоли бўлиши лозим. **(Қарсаклар).**

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўртоқлар! Партия ўн биринчи беш йилликда ва умуман саксонинчи йилларда халқ фаровонлигини янада юксалтиришнинг кенг программасини илгари сурмоқда. Бу программа совет кишилари ҳаётининг ҳамма томонларини — истеъмол ва уй-жой, маданият ва дам олиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашни ўз ичига олади.

Миллий даромадда истеъмол фондининг салмоғини 1985 йилда

77,3 процентгача ошириш мўлжалланмоқда. Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, 1980 йилда бу ўсиш 75,3 процентни ташкил этган эди. Ижтимоий истеъмол фондлари сезиларли даражада ўсади. Беш йилликда иш ҳақи ва аҳолига бериладиган бошқа тўлов ҳамда имтиёзларни оширишга қаратилган марказлашган тадбирлар учун 16 миллиард сўмдан ортиқроқ маблағ ажратиш кўзда тутилган. Ишчилар, хизматчилар, колхоз аъзоларининг ёшига ва инвалидлигига қараб бериладиган пенсияларнинг минимал миқдори оширилади, шунингдек аҳолининг социал таъминотини янада яхшилаш соҳасида бошқа тадбирлар ҳам амалга оширилади. Болали оилаларга давлат ёрдами кучайтирилади.

Ойлик минимал иш ҳақини 80 сўмга етказиш, ишчи ва хизматчиларнинг ставка ва окладларини оширишдек муҳим тадбирларни ўтказишга киришиш мўлжалланмоқда. **(Қарсаклар).** 1981—1985 йилларда ўртача ойлик иш ҳақи 13—16 процент ўсади ва 190—195 сўмга етади. Колхозчиларнинг жамоат хўжалигидан оладиган даромадлари 20—22 процент ортади. Иш ҳақига доир бир қатор имтиёзларни кенгайтириш — айрим шарқий районлардаги иш стажи учун қўшимча ҳақ тўлаш, район коэффициентларини кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, меҳнаткашлар турмуш шароитининг оширилиши пул даромадларининг ўсиши билангина чекланиб қолмайди. Ҳозирги пайтда, КПСС Марказий Комитети ҳисоблашича, аҳолини озиқ-овқат билан, шунингдек, кенг истеъмол қилинадиган саноат моллари билан таъминлашни яхшилаш вазифаси биринчи ўринга қўйилмоқда.

Кейинги беш йилликлар мобайнида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсди. Айни пайтда партия Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ҳар бир республика, ҳар бир областдаги аҳволни яхши билганлари ҳолда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда ҳали қийинчиликлар борлигини кўриб турибдилар. Шу муносабат билан ички ресурслар ҳисобидан ҳам, ташқи савдо ҳисобидан ҳам чоралар кўрилди ва кўрилмоқда.

Бу проблемани узил-кесил ҳал этиш мақсадида махсус **озиқ-овқат программасини** ишлаб чиқиш зарур деб топилди. Бу программа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг анча кўпайтирилишини таъминлаши керак. Бу программа қишлоқ хўжалиги билан унинг маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи тармоқларни, албатта, савдони ҳам бир-бирига маҳкамроқ боғлаши лозим. Бошқача қилиб айтганда, бу программанинг ўз олдига қўйган мақсади аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш вазифасини мумкин қадар қисқа муддатларда ҳал этишдан иборатдир. Программа устидаги иш энди бошланди, шунинг учун ҳам бу соҳада мавжуд масалаларга эътиборни кучайтириш учун катта асосга эгамиз.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш озиқ-овқат программасининг негизидир. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қилинадиган ишларнинг асосий йўналишлари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларида белгилаб берилган эди. Ўша йўналишлар ҳамон ўз кучида қолади.

Биринчи вазифа — таъминотда тақчиллик айниқса сезилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турларини етиштиришни кўпайтиришдан иборатдир. Мен бу ерда биринчи галда гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини кўзда тутмоқдаман.

Ўн биринчи беш йилликда гўшт етиштиришни 3 миллион тоннадан зиёдроқ кўпайтириш ва 1985 йилда 18,2 миллион тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Бироқ бу минимум кўрсаткичдир. КПСС Марказий Комитети республикалар, ўлка ва областларнинг партия ташкилотларига, район партия ташкилотларига, барча қишлоқ меҳнаткаш-

ларига: чорвачилик — бугунги куннинг зарбдор фронтидир, деб мурожаат қилади. **(Қарсаклар).** Белгиланган планларни фақат бажарибгина қолмай, балки анча орттириб бажариш учун мумкин қадар қатъиятлик, мумкин қадар ташаббус ва омилкорлик кўрсатиш, барча резерв ва имкониятлардан фойданиш зарур бўлади, ўртоқлар.

Ем-хашакнинг тақчиллиги асосий қийинчиликдир. Асосий йўналишлар лойиҳасида ўн биринчи беш йилликда ўртача йиллик дон етиштиришни 238—243 миллион тоннага етказиш кўзда тутилади. Озиқ-овқат учун ишлатиладиган донга бўлган эҳтиёж тўла қондирилаётганини ҳисобга олиб, озуқабоп дон экинлари етиштиришга кўпроқ эътибор бериш керак. Ялпи дон ҳосилида озуқа учун ишлатиладиган дон салмоғини анча ошириш зарур.

Молдавияда, Украинанинг жанубий областларида, Шимолий Кавказда, Ўрта Осиё ва Закавказьеда дон учун маккажўхори, шунингдек, соя экиладиган майдонларни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатнинг кўпгина районлари нўхат, арпа ва сули етиштириш учун яхши шароитларга эгадирлар. Умуман, табиий-иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда дон экиладиган майдонларнинг бир қадар оқилона структурасига планли равишда ўтишни таъминлаш учун фаол киришиш вақти етди. Бу соҳада фан ва мутахассислар ўзларининг қатъий фикрларини айтишлари зарур.

Дон билан бир қаторда, албатта, пичан ва ширали озуқа, оқсилли қўшимчалар етиштиришни ҳам кўпайтириш лозим. Айни пайтда чорва зотини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш, саноат негизидаги паррандачиликни ривожлантириш зарур.

Ўртоқлар! Умуман қишлоқ хўжалиги ҳақида гапирадиган бўлсак, бу соҳада ҳам халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги асосий проблема — самарадорлик ва сифатни ошириш проблемаси турибди. Биз бундан буён ҳам қишлоққа катта миқдорда молиявий ва моддий ресурслар ажратаверамиз, бу тармоқни индустриал негизга планли ўтказишни давом эттираверамиз. Бироқ эндиликда асосий диққат-эътибор капитал маблағлардан олинадиган самарага, қишлоқ хўжалик маҳсулдорлигини ўстиришга, унинг агросаноат комплекси ҳамма тармоқлари билан алоқасини чуқурлаштириш ва такомиллаштиришга қаратилади. Бу, 80-йиллардаги аграр сиёсатнинг муҳим хусусиятидир.

Бу ерда гап ерлардан, айниқса мелиорацияланган ерлардан, машиналар, ўғитлар, озуқадан фойдаланиш самарадорлигини қатъиян ошириш, барча экинлар ҳосилдорлигини кўтариш хусусида бормоқда. Бу эса кадрларнинг малакасини оширишга, фан тавсияларига, жаҳон ва Ватан тажрибасини ўрганиш ҳамда ундан фойдаланишга янада кўпроқ эътибор беришни талаб этади. Гап шунингдек қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни янада ўстириш, қишлоққа етказиб берилаётган машиналар ва ускуналарнинг унумдорлигини, пишиқлиги ва чидамлилигини ошириш ҳақида, ўсимликларни химиявий ҳимоя қилиш воситалари ва ўғитлар сифатини ошириш, қишлоқ қурилишини яхшилаш ҳақида бормоқда.

Ниҳоят, ривожланган йўл шохобчалари, ишончли транспорт, элеваторлар, омборлар, складлар, холодильниклар ва идиш хўжалигига эга бўлмай туриб, самарали агросаноат комплексини ҳамда замонавий қишлоқни тасаввур қилиш қийин. Мана шу бўғинларнинг ҳар бирида рўй берадиган тартибсизлик, оқсаш пировард маҳсулот миқдори ва сифатига, албатта, таъсир қилади.

Қишлоқ хўжалиги етиштириб бераётган маҳсулот ҳажми ҳозирнинг ўзидаёқ аҳолини кўпгина турдаги озиқ-овқат моллари билан таъминлашни сезиларли даражада яхшилаш имконини беради. Масалан, ўтган беш йилликда аҳоли жон бошига ўртача йиллик сабзавот ва

мева истеъмол қилиш уни етиштириш суръатларига қараганда бирмунча секинроқ ўсди. Бунинг асосий сабаби — нобудгарчиликка йўл қўйилганлигидадир. Шундай экан, сабзавот ва мева етиштиришни кўпайтира бориш билан бирга уларни ташиш, сақлаш ва қайта ишлашни ҳам яхшилаш зарур. Бу иш билан шуғулланиш колхоз ва совхозлар, Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг бевосита вазифасидир. Республикалар, ўлка ва областлардаги партия ҳамда совет органлари, тегишли марказий идоралар янги министрликка ҳар томонлама ёрдам беришлари зарур.

Кун тартибида маҳсулот турларини, энг қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашни кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш вазифаси турибди. Бу эса қайта ишлаш саноатининг қувватини ривожлантириш, уни замонавий, юқори унумли ускуналар билан жиҳозлашни талаб этади. Беш йиллик планда мазкур тармоқлар учун ажратиладиган маблағларни сезиларли равишда кўпайтиришни кўзда тутиш зарур деб ўйлайман. Ишончим комилки, буни партия ва халқ тўла маъқуллаб кутиб олади. **(Қарсаклар).**

Ниҳоят, самарадорликни вужудга келтирадиган мажбурий шартлар — бу колхоз ва совхозлар ишининг иқтисодий шароитларини янада такомиллаштиришдан иборатдир. Барча планлар, барча программаларнинг муваффақияти қишлоқ меҳнатчиларининг ишга муносабатига, сидқидилдан ишлашига боғлиқ, демак, маънавий ва моддий рағбатлантириш системасига ҳам боғлиқ.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ана шу масала юзасидан яқинда кенгайтирилган қарор қабул қилдилар. Бу қарорда айрим партия ва совет ходимларининг колхоз ва совхозларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз равишда аралашиш практикаси қораланади. Унда республикалар, ўлкалар ва областларга, районлар, колхозлар ва совхозларга беш йил учун ҳар бир йил алоҳида кўрсатилган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ягона планини белгилаб қўйилади, деб аниқ-равшан кўрсатиб ўтилади. Шу билан бир қаторда аввалги беш йилликнинг ўртача йиллик даражасига қараганда давлатга маҳсулот сотишни кўпайтирадиган хўжаликни рағбатлантириш системаси жорий этилмоқда. Натижада моддий омилларнинг пировард якунлар билан, айниқса сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши билан боғлиқлиги кучайиши зарур.

Санаб ўтилган тадбирлар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилиши жуда муҳимдир. **(Қарсаклар).**

Колхоз ва совхозлар социалистик қишлоқ хўжалигининг негизи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Бироқ бу шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг имкониятларини эътиборга олмаса ҳам бўлади, деган маънони билдирмайди, асло. Тажриба шундан гувоҳлик бериб турибдики, бундай хўжаликлар гўшт, сут ва айрим бошқа хил маҳсулотлар етиштиришда яхшигина таянч бўлиши мумкин. Меҳнаткашларга қарашли боғлар, томорқа ерлар, паррандалар, чорва моллар — бизнинг умумий бойлигимизнинг бир қисмидир.

КПСС Марказий Комитети шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилишни зарур деб топди. Қарорда гражданларнинг ёрдамчи хўжаликни юритишдан, энг аввало, чорва мол ва парранда боқишдан манфаатдорлигини оширадиган ҳам моддий, ҳам маънавий шароитларни вужудга келтириш кўзда тутилади. Колхозчиларга, совхоз ишчиларига ёш чорва моллари ва озуқа билан ёрдам бериш зарур. Бу гап ўз қарамоғида чорва боқаётган кишиларга ҳам, колхоз ва совхозларга қарашли чорва молларини боқишга аҳд қилган кишиларга ҳам taaллуқлидир. Бир қанча республика ва областлар худди шундай тажрибага эга ва бу тажрибани кенг оммалаштирса арзийди.

Шунингдек, саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларига ҳам ҳар томонлама мадад бериб туриш зарур.

Қишлоқ меҳнаткашлари, саноат ходимлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлашда ўз куч-ғайратларини оширадилар, янги юксак марраларга эришадилар, деб съезд номидан чуқур ишонч билдиришга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш партиянинг фаровонликни юксалтириш соҳасидаги куч-ғайратида биринчи даражали аҳамият касб этади.

Бу соҳада биз каттагина муваффақиятларга эришдик. Бироқ партия съездида диққат-эътиборни бошқа нарсага қаратиш муҳимдир. Кўпгина халқ истеъмоли моллари, айниқса газлама, трикотаж, чарм-пойабзал, мебель, телевизор ишлаб чиқариш планлари йилдан-йилга бажарилмай келинаётгани факт-ку, ахир. Уларнинг сифати, безаги ва хилини кўпайтириш соҳасида ҳам лозим даражада силжишлар бўлмаяпти. Мана шу ишларнинг ҳаммасида ҳеч бир сусткашлик қилмай тартиб ўрнатиш лозим.

Енгил саноатни замонавий ускуналар билан жиҳозлашни кўзда тутиш, уни хом ашё ва материаллар билан таъминлашни яхшилаш, планлаштириш ва тармоқни бошқаришни такомиллаштириш зарур. Енгил саноат ходимларининг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш керак. Моллар хили ва сифатини белгилашда савдонинг роли оширилиши зарур. Шунингдек коммунал-маиший корхоналарнинг техникавий жиҳозланишини анча яхшилаш, уларни мамлакат бўйича бир текис тақсимлаш, шу соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш лозим.

Асосий йўналишларда кўзда тутилган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш программаси доирасида оғир саноат тармоқларига катта ўрин берилган. Оғир саноат тармоқлари озиқ-овқатга кирмайдиган халқ истеъмоли молларининг ярмидан ортиқроғини ишлаб чиқармоқда.

Яқинда химия саноатини бошқариш структурасига ўзгартиш киритилди. Мен гапираётган масалага бунинг бевосита алоқаси бор. Биз янги химия саноати министрлигидан синтетик газмол ва толалар, пластмассалар, бўёқлар ҳамда зарур бўлган бошқа хил материаллар ишлаб чиқаришда сезиларли силжишлар қилишини, истеъмол буюмлари миқдорини кўпайтириш, энг муҳими, сифатини яхшилашни кутамиз.

Ниҳоят, жойлардаги ташаббус жуда катта аҳамиятга эгадир. Халқ хўжалигининг бошқа ҳеч қайси бир соҳасида маҳаллий имкониятлар, маҳаллий резервлар аҳолининг кундалик истеъмолчилик талабини қондириш, унга хизмат кўрсатишдек роль ўйнай олмайди. Ҳамма даражадаги халқ депутатлари Советлари саноат моллари ишлаб чиқариш ва сотишни яхшилаш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун конкрет чоралар кўришлари зарур.

Сизлар шуни биласизларки, ўртоқлар, навбатдаги беш йилликка мўлжалланган Асосий йўналишлар лойиҳасида «Б» группасини сезиларли даражада жадал суръатларда ривожлантириш белгиланган. «Б» группасининг ривожланиш суръатлари «А» группасининг ўсиш суръатларидан бирмунча юқори бўлади. Бу — яхши. Вазифа ҳақиқатан ҳам замонавий, халқ эҳтиёжларига мос бўлиб тушадиган истеъмол моллари ишлаб чиқаришни, аҳолига хизмат кўрсатишни вужудга келтиришдан иборатдир.

Бу мавзуга якун ясар эканман, асл иқтисодий муаммолар доирасидан чиқиб, масалани бирмунча кенгроқ тарзда қўймоқчиман. Биз гап юритаётган нарсалар — озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, хизмат кўрсатиш соҳаси — миллион-миллион кишилар-

нинг кундалик турмуши масалаларидир. Магазин, ошхона, кир ювиш хонаси, кийимларни химиявий тозалаш корхонаси — бу ерларда одамлар ҳар куни бўлишади. Улар нима харид қилишлари мумкин? Уларни қандай кутиб олишади? Улар билан қандай муомалада бўлишади? Улар ҳар хил рўзғор ташвишларига қанча вақтларини сарфлашяпти? Одамлар бизнинг ишимиз ҳақида кўпроқ ана шу масалалар қай даражада ҳал этилаётганига қараб фикр юритишади. Ҳа, қатъий талабчанлик билан фикр юритишади. Буни ёдда тутмоқ керак, ўртоқлар. **(Қарсаклар).**

Конкрет инсон ҳақида, унинг эҳтиёж ва талаблари ҳақида амалда ғамхўрлик қилиш партия иқтисодий сиёсатининг бош ва пировард мақсадидир. Мен буни яна эслатиб ўтаётганимнинг боиси шундаки, оддий, лекин жуда муҳим бир фикрни такрор таъкидламоқчиман: аҳоли учун моллар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш—биринчи даражали партиявий ишдир. Бу масалага худди ана шундай ёндашмоқ керак. **(Давомли қарсаклар).**

ЭКОНОМИКАГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Ўртоқлар! Олдимизда турган проблемаларни ҳал қилиш, ихтиёримизда бўлган имкониятларимиздан фойдаланиш кўп жиҳатдан халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш даражасига, планлаштириш ва бошқариш даражасига боғлиқдир. Буни ҳар бир хўжалик ходими, ҳар бир партия ходими яхши фаҳмласа керак, албатта.

Ҳозирги шароитда интизомнинг аҳамияти, шахсий масъулиятнинг, айниқса хўжалик, совет ва партия раҳбарлари масъулиятининг аҳамияти жуда ҳам ошиб бормоқда. Умумдавлат манфаатлари ҳамма вақт айрим министрликлар ва корхоналарнинг манфаатларидан юқори туриши керак. Ҳуқуқлар — катта ҳуқуқлар — раҳбарларга улардан тўла-тўкис фойдаланишлари учун берилади. Лекин бунда ҳар бир раҳбар ўз зиммасидаги юксак масъулиятни — ўзи раҳбарлигидаги кишилар олдидаги, партия ва халқ олдидаги масъулиятини доимо эсда тутиши керак.

Мен айтмоқчи бўлган биринчи масъулият — давлат планларини бажариш масъулиятидир. Партия планга у фақат Олий Совет томонидан тасдиқланганлиги учунгина қонун деб қарамайди. План — қонундир, чунки унга риоя қилишгина халқ хўжалигининг соз ишлашини таъминлайди. Очиғини айтганда: яққол кўриниб турган бу ҳақиқат кейинги вақтларда унутила бошланди. Планларни уларни камайтириш томонига қараб ўзгартириш практикаси кенг ёйилди. Бундай практика хўжаликни издан чиқаради, кадрларни бузади, уларни масъулиятсизликка ўргатиб қўяди.

Мен формал позицияларга тўхталиб ўтмоқчи эмасман. Планларни ўзгартириш зарурати туғилган ҳоллар бўлиши мумкин ва бўлади ҳам. Лекин бундай ҳоллар мустасно ҳоллар бўлиши керак. Мустасно ҳоллар тобора кўпроқ учрайверса, ташвиш туғдириши ўз-ўзидан тушунарли. Биз ўз ҳаётини енгиллаштириш пайида бўлувчи — амалда планларни бажармасдан илғорлар сафида юришни, мукофотлар олишни хоҳловчи кишилар тузоғига тез-тез тушиб қолмаётирмизми.

Чамаси, план интизоми олдига ҳам, планларнинг сифати олдига ҳам қаттиқроқ талаблар қўйиш пайти келди. План, албатта, реал, балансланган бўлиши керак. Худди шунингдек, у албатта бажарилиши ҳам керак. **(Қарсаклар).**

Яна бир муҳим вазифа — турли идораларнинг бир-бирлари билан келишиб туриб ишламаслигини бартараф қилишдир. КПСС XXV съездида бир турдаги ва ўзаро боғлиқ тармоқлар группаларини бош-

қариш системасини яратиш зарурати тўғрисида гапирилган эди. Шу мақсадда СССР Госпланида тармоқлараро комплекс бўлинмалар тузилган эди. Яқинда Ғарбий Сибирь нефть-газ комплексини ривожлантириш масалалари бўйича СССР Министрлар Советининг комиссияси, шунингдек СССР Госплани қошида Тюменда иш олиб борувчи идоралараро комиссия тузилди. Булар тўғри йўлга бошловчи тадбирлардир. Бу тадбирлар территориал-ишлаб чиқариш комплексларини яхшироқ бошқаришга, регионал ва тармоқ манфаатларини яхшироқ ҳисобга олиш ва уйғунлаштиришга ёрдам беради. Бу ишни давом эттириш керак.

Бирлашмалар ва корхоналар даражасидаги бошқариш тўғрисида алоҳида гапириб ўтмоқчиман. Сиз биласизки, бу соҳада турли вариантлар, турли схемалар синаб кўрилди, катта ва турли-туман тажриба орттирилди. Худди шу тажриба бу соҳадаги изланишларни давом эттириш кераклигидан далолат беради. Уларнинг умумий йўналиши, фикримизча, — бирлашмалар ва корхоналарнинг мустақиллигини, хўжалик раҳбарларининг ҳуқуқлари ва масъулиятини кенгайтиришдан иборатдир.

Ўз-ўзидан маълумки, айни замонда тегишли иқтисодий шароит. ташкилий ва бошқарув муносабатлари яратилиши керак. 1979 йилда КПСС Марказий Комитетининг ва СССР Министрлар Советининг хўжалик механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида, планлаштириш системасини яхшилаш тўғрисида қабул қилган қарорлари худди ана шуни назарда тутади. Бу қарорларни изчиллик билан амалга ошириш даркор. Айни вақтда вужудга келган проблемаларни ҳал қила бориб олға қадам ташлаш керак.

Умуман шуни айтиш керакки, бошқарувнинг ташкилий структураларини такомиллаштиришда асло нўноқлик қилиб бўлмайди. Хўжаликни бошқаришнинг жонли ривожланувчи организмини қотиб қолган, одатдаги формаларга мувофиқлаштириш ярамайди, аксинча формалар ўзгариб турадиган хўжалик вазифаларига мувофиқлаштирилиши керак. Масала фақат ана шу таҳлитда қўйилиши мумкин.

Ҳаёт ўртага ташлаётган вазифалар назарияни, иқтисод фанини ривожлантиришни, уни хўжалик практикаси эҳтиёжларига яқинлаштиришни, бутун жамиятимизнинг ижодий куч-қудратини сафарбар этишни талаб этади. Марказда ва жойларда, халқ хўжалигининг барча бўғинларида, барча қисмларида юзага келаётган проблемаларни чуқурроқ тушуниш, мавжуд имкониятларни яхшироқ аниқлаш ва улардан фойдаланиш лозим.

Гап ижрочилик, интизом билан дадил ташаббус ва тадбиркорлик узвий боғланиб кетадиган иш услубини яратиш тўғрисида бормоқда. Амалиётчилик билан ишбилармонликни буюк мақсадларга интилиш билан узвий боғлаш керак. Камчиликларга танқидий қарашни танлаган йўлимизнинг тарихий устунликларига мустаҳкам ишониш билан узвий боғлаш керак. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Экономикага раҳбарлик қилиш масалалари шунчаки хўжалик масалалари бўлмай, сиёсий, партиявий масалалардир. Партия шиорлари, программалари омманинг фаолиятида яшаётганлиги кўпдан маълумдир. «Биз амалга оширмоқчи бўлган ўзгартишлар қанчалик чуқур бўлса, — деган эди В. И. Ленин,— бу ишга одамларни шунчалик кўпроқ қизиқтирмоқ керак ва кўпроқ онгли муносабатда бўлишларига эришмоқ керак, янгидан-янги миллионлар ва ўнларча миллионларни бунинг зарурлигига ишонтирмоқ керак». (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 165-бет). Партия ўн биринчи беш йилликка ва 80-йилларга мўлжаллаб ўртага қўяётган иқтисодий сиёсат совет халқининг туб, ҳаётий манфаатларини акс эттиради. Бу сиёсат омманинг ижодкорлиги, ташаббуси, ғайрати билан қўшилиб, бирлашиб, жамиятимиз-

нинг меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш йўлидан, коммунизм моддий-техника базасини яратиш йўлидан тўхтовсиз олға қараб боришини таъминлайди! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

III.

СОВЕТ ЖАМИЯТИНИ СОЦИАЛ-СИЁСИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ПАРТИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўртоқлар! Етук социализм шароитида экономика тараққиётининг жамиятни социал-сиёсий ва маънавий ривожлантириш билан ўзаро алоқаси тобора мустаҳкамланиб боради. КПСС Марказий Комитети ана шу қоидага асосланиб, совет жамиятининг социал-синфий ва миллий структурасини ривожлантириш масалаларига, социалистик турмуш тарзини, давлатчилигимизни ва демократиямизни такомиллаштиришга муттасил аҳамият бериб келди.

1. Социал-синфий структура ва миллий муносабатларни ривожлантириш

70-йилларда совет жамиятида барча синфларнинг ва социал групаларнинг ўзаро яқинлашуви давом этди. Бу — асло стихияли жараён бўлмай, объектив жараёндир. Бу жараёнда партия ва давлатнинг социал сиёсати муҳим роль ўйнамоқда. Бизнинг мақсадимиз — кишилар синфларга бўлинмайдиган жамият барпо қилишдир. Бинобарин, аниқ айтиш мумкинки: биз мана шу буюк мақсад сари тадрижий суратда, лекин ишонч билан бормоқдамиз. **(Қарсаклар).**

Бундай хулоса чиқаришга қандай асос бор?

Жамиятимиз ҳаётида **ишчилар синфининг** роли ортиб бормоқда. Унинг сони кўпаймоқда. Ҳозир мамлакатимизда қарийб 80 миллион ишчи бор, бу — иш билан банд бўлган аҳолининг учдан икки қисмидир. Демак, бизда ишчилар синфи энг кўп сонли синфгина бўлиб қолмай, меҳнаткаш халқнинг кўпчилигига айланди. Партия, касаба союз ва комсомол комитетларининг, давлат ҳокимияти юқори ва маҳаллий органларининг составига ишчилар тобора кўпроқ кирмоқда. Бу жуда тўғри иш, ўртоқлар, буни биз табриклаймиз!

Ишчилар синфи етакчилик ролининг мустаҳкамланиши, шак-шубҳасизки, унинг ғоявий-сиёсий етуклигининг, маълумот даражасининг, иш малакасининг ўсганлиги билан боғлиқдир. Бундан ўн йил муқаддам ишчиларнинг ярмидан сал кўпроғи ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) ва олий маълумот олган бўлса, ҳозир уларнинг тўртдан уч қисми ўрта ва олий маълумотлидир. Ишчилар синфи ёш авлодининг касб-ҳунар тайёргарлиги яхшиланиб бораётганлиги бизни қувонтиради. 60-йилларда йигит ва қизларнинг фақат учдан бири ҳунар-техника таълими системасида ихтисос олган бўлса, фақат ўнинчи беш йилликнинг ўзида 12,5 миллион киши, яъни ишлаб чиқаришга келган ишчиларнинг учдан икки қисми шу системада ихтисос олдилар. Ҳозирги ишчи меҳнатининг характери ҳам ўзгармоқда. Бу меҳнат тобора кўпроқ ақлий мазмун касб этмоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши индустрлашиб борган сари **колхозчи деҳқонлар** ҳаётида чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Уларнинг меҳнати ишчилар меҳнати билан тобора яқинлашиб бормоқда. Қишлоқда механизаторлар, энг янги техника билан боғлиқ бўлган бошқа ходимлар тобора кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) ва олий маълумотли колхозчилар сони кўпайиб, ўн йил мобайнида 39 процентдан 60 процентга етганлиги ажабланарли эмас.

Социалистик мулкчилик икки формасининг яқинлашуви, колхозлар ҳам, давлат корхоналари ҳам иштирок қилаётган хўжаликлараро ташкилотларнинг ривожланиши қишлоқнинг социал структурасига зўр таъсир кўрсатмоқда. Колхозчилар меҳнатини ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш формаларининг ўзгариши, ишчилар ва хизматчилар учун белгиланган социал таъминот системасининг уларга жорий қилиниши ҳам катта аҳамиятга эгадир. Буларнинг ҳаммаси, ўртоқлар, ишчилар ва деҳқонларнинг социал аҳволидаги тафовутни йўқотишга олиб борадики, буни ўз вақтида Ленин таърифлаб берган эди.

Бизда ҳали анчагина қолоқ хўжаликлар, қайта қурилиши, янгиланиши, обод қилиниши керак бўлган анча қишлоқлар бор, албатта. Қишлоқларни обод қилмай туриб, барқарор меҳнат коллективларини тузиш, қишлоқда яратилган ишлаб чиқариш қувватларидан озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш йўлида самарали фойдаланиш мумкин эмас. Хуллас, қишлоқдаги маданий-маиший ҳаёт шароитларини яхшилаш учун, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни йўқотиш учун ҳали кўп куч-ғайрат, вақт ва маблағ сарф қилиш керак бўлади.

Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ, кўпгина колхозлар ва совхозларда бўлиш кишини қувонтиради. Шаҳарга хос қулайликлар, қишлоқ ҳаётининг хусусиятлари ва талаблари билан уйғунлашиб кетадиган кенг ва ёруғ уйларга кириш жуда ҳам кўнгиллидир. Меҳнатнинг янгича характери, ана шундай қишлоқларнинг замонавий турмуши ва қиёфаси — социал сиёсатимизнинг ажойиб самараларидир, ўртоқлар! **(Қарсаклар).**

Ҳисобот даврида **интеллигенциямизнинг** сони тез кўпайиб борди. Ҳозир мамлакатимиздаги ҳар тўрт ходимнинг бири асосан ақлий меҳнат билан шуғулланади. Интеллигенция фан, таълим, маданият соҳасидагина эмас, балки моддий ишлаб чиқаришда, жамиятимизнинг бутун ҳаётида ҳам тобора каттароқ роль ўйнамоқда.

Ўз навбатида, миллионлаб ишчи ва колхозчиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат тобора мустаҳкамроқ боғланиб кетмоқда. Уларнинг кўплари — рационализатор ва ихтирочилар, мақолалар ва китобларнинг муаллифлари, давлат ва жамоат арбобларидир. Улар том маънодаги юксак маданиятли, зиёли кишилардир.

Жамиятимизнинг сўнгги ўн йиллик ичидаги тараққиёт тажрибасига баҳо берар эканмиз, жамиятнинг синфсиз структураси асосан ва бошлича етук социализмнинг тарихий доирасида вужудга келиб боради, деб тахмин қилиш мумкин, деб ўйлайман.

Бу жараённинг етакчи кучи, унинг, Маркс ибораси билан айтганда, «социал ақли ва социал юраги» ҳозирги замон ишчилар синфи бўлди ва шундай бўлиб қолаверади. **(Давомли қарсаклар).** Унинг революцион идеологияси ва ахлоқи, коллективчилик психологияси, манфаатлари ва идеаллари ҳозир совет жамиятидаги барча қатламларнинг мулкига айланиб бормоқда. **(Қарсаклар).**

Синфлар ўртасидаги тафовутларнинг йўқолиб бориши, табиийки, социал сиёсат олдига янги вазифалар қўймоқда. Бу сиёсат айрим синфлар доирасидан четга чиқадиган тафовутларни йўқотишга, жамиятимиздаги ҳар бир группанинг хусусиятлари ва манфаатларини

жуда эътибор билан ҳисобга олинишини талаб этувчи проблемаларни ҳал қилишга тобора кўпроқ қаратилмоқда.

Шу муносабат билан, **айтайлик, территориал жиҳатдан социал тафовутларни** йўқота бориш зарур бўлиб қолганлигини таъкидламоқчиман Бепоён мамлакатимизнинг турли районларида кишиларнинг маданий-маиший шароитлари бир хилда эмас. Айни шундай тафовутлар кўпинча бир қанча жойларда меҳнат ресурслари масаласини мушкуллаштирмоқда. Ғарбий Сибирни, БАМ зонасини, мамлакатнинг Осиё қисмидаги бошқа жойларни ўзлаштириш программасини амалга ошириш аҳолининг у ерларга боришини кўпайтирди. Шунга қарамай, ҳозиргача кишилар кўпинча шимолдан жанубга ва шарқдан ғарбга боришни афзал кўрадилар, ваҳоланки, ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш кишиларнинг жанубдан шимолга ва ғарбдан шарққа боришларини тақозо қилади.

Баъзан, Сибирда, Узоқ Шарқда ва Шимолий районларда иш ҳақига кўпроқ устама ҳақ қўшиб бериш кишиларнинг у ерда турғун бўлиб қолишини таъминлайди, деб ўйлайдилар. Устама ҳақ бериш керак, албатта. Бироқ, шунинг ўзи билангина проблемани ҳал қилиб бўлмайди. Одамлар кўпроқ, айтайлик, иқлим шароити тўғри келмаганлиги ёки иш ҳақи камлиги учун эмас, балки уй-жой олиш, болаларни боғчага жойлаштириш қийинлиги, маданий марказлар камлиги учунгина Сибирдан жўнаб кетадилар. Шу сабабли ҳам биз бу беш йилликда мазкур районларда уй-жой қурилишини, бутун социал-маданий комплексни янада тезроқ суръат билан олиб боришни, аҳолини кўпчилик истеъмол қиладиган товарлар билан таъминлашни яхшилашни планлаштираяпмиз. Бу ердаги аҳволни ўзгартириш керак, ўзгартирганда ҳам яқин орада ўзгартириш керак, деган фикрга ҳамма қўшилади, деб ўйлайман! **(Давомли қарсаклар).**

Аксинча, Ўрта Осиёда, Кавказнинг бир қанча районларида, айниқса қишлоқда ортиқча иш кучи бор. Демак, бу жойларнинг аҳолисини мамлакатнинг янги территорияларини ўзлаштириш учун активроқ жалб қилиш керак. Албатта, бу ерда халқ хўжалиги учун зарур ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, туб миллатдан, аввало қишлоқ ёшларидан малакали ишчилар тайёрлашни кенг йўлга қўйиш лозим.

Партия XXV съездининг кўрсатмаларига мувофиқ Марказий Комитет самарали **демографик сиёсатни** ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, сўнгги вақтда кескинлашган нуфус проблемаларига жиддий аҳамият бериб келди. Бу масалаларни ҳал қилишнинг бош йўли — оила, келин-куёвлар тўғрисида ва аввало аёллар тўғрисида ғамхўрлик қилишни кучайтиришдир. **(Қарсаклар).** Оналик вазифаларини ўташ ва айни замонда, ишлаб чиқаришда ва жамоат ҳаётида актив қатнашиш баъзан қийин бўлиши ҳар кимга аён.

Ўнинчи беш йилликда ишловчи аёлларнинг меҳнат шароитларини, оилада дам олишини, уларга маиший ва маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш соҳасида бир қанча тадбирлар кўрилди. Бироқ, тўғрисини айтиш керакки, ҳозирча сезиларли ўзгариш бўлгани йўқ. Янада кенгроқ ва таъсирлироқ тадбирлар кўрилиши керак. Маълумки, бундай тадбирлар Асосий йўналишларда белгиланган. Гап бир ёшгача бўлган гўдакни боқиш учун қисман ҳақ тўланадиган отпуска жорий қилиш тўғрисида, ёш болали оналар учун қисқароқ иш куни белгилаш тўғрисида, мактабгача тарбия муассасаларининг, куни узайтирилган группалари бўлган мактабларнинг, бутун маиший хизматнинг шохобчаларини кенгайтириш ва ишларини яхшилаш тўғрисида бормоқда. Болаларга, айниқса иккинчи ва учинчи боланинг туғилиши муносабати билан бериладиган нафақаларни кўпайтириш назарда тутилмоқда. Табиийки, хоҳлаган тадбирларимизнинг ҳаммасини бирданига амалга ошира олмаймиз. Лекин мана шу барча проблемаларни ҳал

қилиш йўлларини астойдил излаб кўрамиз. Бунда турли республикалар ва регионлардаги аҳволнинг хусусиятларини эътибор билан ҳисобга олиш керак, албатта.

Аҳолининг яна бир группаси — пенсионерлар тўғрисида. 70-йиллар мобайнида уларнинг сони кўпайиб, 40 миллиондан 49 миллион кишига етди. Партия ва давлат меҳнат ва уруш ветеранларининг соғлиғи ва фаровонлиги тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ҳозир пенсия ва нафақалар тўлашнинг ўзига ҳар йили 43 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланмоқда. Сўнгги вақтда биз пенсияларнинг миқдорини ҳам оширдик. Бироқ, бу тадбир илгарироқ дам олишга кетган кишилар учун дахлдор бўлмади. Шу беш йилликдан бошлаб бу аҳволни аста-секин тузатиш мўлжалланмоқда.

Иккинчи бир ишни ҳам қилиш — ветеранларимизни, жумладан аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнатга кенгроқ жалб қилиш керак. Маълумки, бу ишни уларнинг имкониятларига қараб ва халқ хўжалигининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб туриб бажариш лозим. Ҳозирги шароитда бу — жуда муҳим вазифадир.

Ўртоқлар! **Кўп миллатли Ватанимиздаги барча халқларнинг қардошларча дўстлиги муттасил мустаҳкамланиб бормоқда.** Бизнинг тутган йўлимиз — ҳар бир республиканинг моддий ва маънавий куч-қудратини кўпайтириб боришдир ва шу билан бирга ундан бутун мамлакатни мутаносиб ривожлантириш йўлида мумкин қадар яхшироқ фойдаланишдир. Бу йўлда биз ҳақиқатан ҳам тарихий ютуқларга эришдик.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб бизнинг иқтисодий ва социал сиёсатимиз Россиянинг собиқ миллий чекка ўлкаларини унинг марказий районларидаги тараққиёт даражасига мумкин қадар тезроқ кўтаришга хизмат қилиб келди. Бу вазифа ҳам муваффақиятли ҳал этилди. Бунда мамлакатимиздаги барча миллатларнинг мустаҳкам ҳамкорлиги ва аввало рус халқининг беғараз ёрдами жуда муҳим роль ўйнади. **(Қарсаклар).** Ҳозир қолоқ миллий чекка ўлкалар қолмади, ўртоқлар. **(Давомли қарсаклар).**

Масалан, Қозоғистонни олиб кўрайлик. Ҳозир унинг экономикаси ва маданияти чинакамига гуллаб-яшнамоқда. Фақат ўнинчи беш йилликнинг ўзида бу ерда 250 дан ортиқ замонавий саноат корхоналари, йирик цехлар ва ишлаб чиқаришлар ишга туширилди. Қозоғистоннинг миллиард пуд дон бериши одат бўлиб қолмоқда. Бу дон Россия Федерацияси ва Украина берадиган дон билан биргаликда мамлакат озиқ-овқат фондининг асосини ташкил этади.

Ўрта Осиё республикаларидаги жуда улкан социал-иқтисодий ўзгаришлар ҳаммага маълум. Фақат бир факт келтираман. Октябрдан аввал фақат тинкани қуритадиган қўл меҳнатини билган деҳқон яшаган жойдаги ҳар 100 гектар экинзор ҳозир иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса кўп энергия билан таъминланган.

70-йилларда Россия Федерациясининг жуда катта районларида амалга оширилган туб ўзгаришларнинг кўлами диққатга сазовордир. Украина ва Белоруссия меҳнаткашлари мамлакат экономикасига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Закавказье республикаларининг халқ хўжалиги юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Болтиқ бўйи ва Молдавия меҳнаткашлари ишнинг самарадорлигини ва сифатини оширишда сезиларли муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Умуман, ўртоқлар, ҳисобот даврида қабул қилинган қарорлар рўйхати ва уларда назарда тутилган тадбирларнинг ўзиёқ КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат мамлакатимиздаги барча республикаларни ривожлантиришнинг, ССР Иттифоқини мустаҳкамлашнинг етилган проблемаларини ҳал қила бориб, нақадар кенг кўламдаги ва хилма-хил масалалар билан шуғулланганликларини яққол кўрсатиб

турибди. РСФСРнинг автоном округлари тўғрисидаги қонун, Ўрта Осиёдаги суғориш системаларини кенгайтириш, Чекка Шимол районларида буғучиликни ва Қирғизистонда қўйчиликни ривожлантириш, Севан кўли ресурсларини муҳофаза қилиш ва кўпгина бошқа муҳим ишлар шулар жумласидандир. КПСС Марказий Комитетининг Абхазия, Тува, Бурятиянинг, Шимол халқлари яшайдиган районларнинг экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга оид қарорлари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонаси тўғрисида алоҳида гапириб ўтмоқчиман. Бир қанча сабабларга кўра, бу район бошқа баъзи районларга нисбатан қийинроқ шароитга тушиб қолди. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Ноқоратупроқ зонани ривожлантириш юзасидан кенг тадбирлар белгиладилар ва амалга оширмоқдалар. Бу вазифа шунчалик мураккаб ва зарурки, уни барча республикаларнинг иштироки билан ва мумкин қадар қисқа муддатда ҳал қилиш керак. **(Қарсаклар).** Бизда бундай тажриба бор бўлиб, у бой тажрибадир. Лоақал Турксиб, Урал-Кузбасс қурилишини, қўриқ ерларни ўзлаштиришни, Тошкентни тиклашни эслаб кўрайлик. Ноқоратупроқ зонада ҳам худди шундай аҳил ва ғайрат билан ишлаш керак.

Совет миллатларининг бирлиги ҳозир ҳар қачонгидан кўра мустаҳкамдир. **(Давомли қарсаклар).** Бундан: миллий муносабатлар соҳасидаги ҳамма масалалар ҳал қилиниб бўлинган, деган маъно чиқмайди, албатта. Бизнинг давлатимиздек кўп миллатли йирик давлатни ривожлантириш жараёни кўпгина проблемаларни туғдириб турадики, партия уларга зўр эътибор бериши керак бўлади.

Совет республикалари аҳолисининг состави кўп миллатлидир. Шунинг учун табиийки, ҳамма миллатлар бу республикаларнинг партия ва давлат органларида тегишли ваколатга эга бўлишга ҳақлидирлар. Ўз-ўзидан равшанки, бунда ҳар бир кишининг ишчанлик ва ғоявий-маънавий фазилатлари қатъий ҳисобга олиниши керак.

Сўнгги йилларда бир қанча республикаларда туб миллатдан бошқа миллат гражданларининг сони анча кўпайди. Тил, маданият ва турмуш соҳасида уларнинг ўзига хос эҳтиёжлари бор. Республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область комитетлари бундай масалаларни чуқур билишлари, уларни ҳал қилиш йўлларини ўз вақтида таклиф қилиб туришлари керак.

Мамлакатимизда миллий ҳис-туйғулар, ҳар бир кишининг миллий қадр-қиммати ҳурмат қилинади. КПСС социализм табиатига ёт бўлган шовинизм ёки миллатчилик кўринишларига қарши, айтайлик, антисемитизм ёки сионизм каби ҳар қандай миллатчилик оғмачиликларига қарши ҳамма вақт курашиб келди ва қатъий курашажак. Биз миллий хусусиятларни атайлаб йўқота боришга қаратилган тенденцияларга қаршимиз. Лекин биз, уларни атайлаб кўпиртиришга ҳам йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз. Меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида, ягона улуғ Совет Ватанига мансубликдан фахрланиш руҳида тарбиялаш — партиянинг муқаддас бурчидир.

Ҳар бир республикамизнинг жадал иқтисодий ва социал тараққиёти уларнинг ҳар томонлама яқинлашув жараёнини тезлаштираётганлигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Миллий маданиятлар равнақ топиб ва бир-бирини бойитиб бормоқда. Янги социал ва интернационал бирлик — ягона совет халқининг маданияти шакллана бормоқда. Бу жараён бизда социализм даврига хос тарзда: тенглик, қардошларча ҳамкорлик ва ихтиёрийлик асосида бормоқда. Партия миллий сиёсатнинг ана шу ленинча принципларига қатъий риоя қилинишини қаттиқ назорат қилиб турибди. Биз бу принциплардан ҳеч қачон қайтмаймиз! **(Қарсаклар).**

2. Социалистик турмуш тарзининг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, янги инсонни камол топтириш

Ўртоқлар! Ривожланган социализм даврида барча ижтимоий муносабатларни янги тузумга таркибан мансуб бўлган коллективчилик асосларида қайта қуриш тугалланади. Бу қайта қуриш ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатларни, ҳаётимиз бутун укладини ўз ичига олади.

Совет жамияти — меҳнат аҳллари жамиятидир. Партия ва давлат инсон меҳнати яна ҳам унумли бўлибгина қолмай, шу билан бирга мазмунли, мароқли, ижодий бўлиши учун ҳам кўп куч-ғайрат сарфлаб келдилар ва сарфламоқдалар. Бинобарин, қўл билан бажариладиган, кам малакали ва оғир жисмоний меҳнатни тугатиш бу соҳада ғоят муҳим роль ўйнамоғи лозим. Бизда миллионлаб кишилар ҳамон шундай меҳнат билан банд бўлиб турибди. Бу фақат иқтисодий проблема бўлибгина қолмай, балки жиддий социал проблема ҳамдир. Буни ҳал қилиш — меҳнатни ҳар бир кишининг энг биринчи ҳаётий эҳтиёжига айлантириш йўлидаги муҳим тўсиқларни йўқотиш демакдир. **(Қарсаклар).**

Социализм меҳнатга янгича муносабатни юзага келтиради. Социалистик мусобақа ана шу янгича муносабатнинг ёрқин кўринишларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Унинг ҳаётбахш нафасидан баҳраманд бўлмаган бирорта завод, колхоз, қурилиш йўқ. Бугун юз миллиондан кўпроқ кишини бирлаштириб турган ушбу ватанпарварлик ҳаракатининг кўлами ғоят кенг. Бу ҳаракатда ижтимоий бурчни тушуниш, меҳнатда қаҳрамонлик ва фидокорлик намуналари тобланмоқда. Социалистик мусобақанинг кўпгина ғолиблари, бутун мамлакатга танилган ишлаб чиқариш илғорлари бугун шу ерда, мана шу залда ўтиришибди. **(Давомли қарсаклар).**

Социалистик мусобақа — омманинг ижодидир. Ўзининг моҳиятэътибори билан у одамларнинг юксак онглилигига ва ташаббускорлигига асосланган. Худди ана шу ташаббускорлик ишлаб чиқариш резервларини топишга ва уларни ҳаракатга келтиришга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ёрдам беради. Аммо, амалда эса,— гапнинг лўндаси ҳам шу,— баъзи ҳолларда социалистик мажбуриятлар қуйидан ишлаб чиқилмайди, балки юқоридан, юқори ташкилотлардан «ҳавола этилади». Бу нарса меҳнат мусобақасининг руҳига зарар етказади. Бу мусобақа марказида муқобил планлар ва шунга ўхшаган бошқа ташаббускор «қуйидан юқорига» қараб: меҳнаткаш, бригада, корхона, тармоқ тарзида бўлиши керак. Ана шундан кейингина бундай ташаббусларни давлат плани билан мувофиқлаштириш лозим. Бу нарса социалистик мусобақанинг моҳиятига ҳам, экономикамизнинг планли хусусиятига ҳам мос бўлиб тушади.

Шу нарса равшанки, одамлар ўзларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатилаётган жойда яхшироқ, астойдил меҳнат қиладилар. Завод, ферма — бу ҳам бир уй бўлиб, одам умрининг камида учдан бир қисмини шу ерда ўтказади. Бинобарин, бу ерда ҳамма нарса — иш жойидан тортиб маиший хизмат корхоналарию, ошхоналаргача қулай, замонавий бўлиши керак.

Афсуски, бизда бундай масалаларга қандайдир иккинчи даражали, ноасосий масала, деб қарайдиган хўжалик раҳбарлари ҳали ҳам топилиб туради. Бу мутлақо нотўғри, зарарли позициядир. Бинoба-

рия, Марказий Комитет Сиёсий бюроси бир неча марта бундай раҳбарларни, шу жумладан, министрларни ҳам қаттиқ огоҳлантирди. Корхоналарни, шаҳар ва қишлоқларни социал ривожлантиришга ажратилган маблағлардан ўз ўрнида, тўла ва белгиланган муддатларда фойдаланиш, унинг устидан эса қаттиқ назорат ўрнатиш лозим. Янги саноат объектлари ишга туширилганлиги ҳақида жойлардан олинадиган рапортларда одатда бу ерда ишлайдиган одамлар учун нималар қилинганлиги, қанча уй-жой, болалар боғчалари, кутубхона ва профилакторийлар қурилганлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Келинг, келишиб олайлик,— бундан кейин объектда планда кўзда тутилган уй-жой ва маданий-маиший муассасалар қурилиш программаси ҳам бажарилган тақдирдагина бундай рапортлар ҳақиқий, деб ҳисоблансин. Съезд масаланинг шу тарзда қўйилишини қўллаб-қувватлайди, деб ўйлайман. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Партия **тақсимот соҳасига** алоҳида эътибор бериб келди ва эътибор бериб келмоқда. Масалан, қуйидаги фактлар бу соҳада рўй бераётган ўзгаришларнинг йўналиши ва теранлигидан далолат беради. 70-йилларда ҳар бир кишига бир ойда 100 сўмдан кўпроқ даромад тўғри келадиган ишчи, хизматчи ва колхозчи оилаларининг сони қарийб 3 ҳисса кўпайди. Ва аксинча. Ҳар бир кишига бир ойда 50 сўмдан кам даромад тўғри келадиган оилалар сони қарийб шу даражада камайди. Яъни, ҳамма табақадаги меҳнаткашларнинг турмуш даражаси ўсибгина қолмай, айни бир пайтда бир-бирига яқинлашмоқда ҳам. Бу тенденция яна ҳам кучаяди,— ҳамма қанчалик самаралироқ меҳнат қилса, у шунчалик тезлашади.

Социализм шароитида фақатгина меҳнат — унинг миқдори ва сифати тақсимотнинг бош мезони бўлиши мумкин. Афсуски, амалда ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди. Турли хилдаги текстчилик, ишнинг аниқ натижасига қараб эмас, балки энди қилинмоқчи бўлинган иш учун ойлик тўлаш, асоссиз равишда мукофотлар бериш ҳоллари — буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ҳам, одамларнинг психологиясига ҳам ғоят зарарли таъсир қилади.

Бизнинг моддий ва маънавий рағбатлантириш тартибимиз ҳар бир кишининг ўз меҳнати билан қўшган ҳиссасига ҳамиша ва ҳар ерда одилона ҳамда объектив баҳо берилишини таъминламоғи даркор. Ҳалол ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўзи енгил-елпи ишлаган ҳолда яхши ҳаёт кечирмоқчи бўлган дангасалар ва бракчиларга заррача имкон бермаслик керак. Кимда-ким яхши яшамоқчи бўлса, кўпроқ ва яхшироқ ишлаши лозим. Бу ҳаммага тушунарли, деб ўйлайман. **(Давомли қарсаклар).**

Бизда ишсизлик йўқ. Меҳнат қилиш ҳуқуқи Конституциямизда ёзиб қўйилган ва реал тарзда таъминланган. Бироқ, меҳнаткашлардан тушган жуда кўп таклифлар асосида Конституцияда бошқа нарса ҳам ёзиб қўйилган: ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин тоблаш социализм принципларига зиддир. Бунинг маъноси шуки, барча ташкилий, молиявий, юридик воситалар ёрдамида текинхўрлик, порахўрлик, чайқовчиликка, меҳнатсиз даромад қиладиганларга, социалистик мулкка кўз олайтиришларга олиб борадиган ҳар қандай йўлларни маҳкам бекитиб ташлаш керак. **(Қарсаклар).**

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети яқинда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишини яхшилаш, уларни кадрлар билан мустаҳкамлаш ва моддий базасини кучайтириш, савдо қонун-қоидаларида, озиқ-овқат маҳсулотлари ва молларни тақсимлашда қаттиқ тартиб ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Айни вақтда камёб моллар билан савдо қилишдаги кўзбўямачиликни қатъий тугатиш, тегишли давлат органларининг бу соҳадаги суиистеъмолчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашини актив-

лаштириш, ишчи назоратини кучайтириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Ишончим комилки, меҳнаткашлар бу тадбирларни тўла маъқуллайдилар. **(Қарсаклар).**

Совет турмуш тарзининг энг ажойиб хусусиятларидан бири — одамларнинг **ижтимоий фондлардан олаётган** неъматлари муттасил ўсиб бораётганлигидир. Беш йиллик ичида бу неъматлар тахминан учдан бир ҳисса кўпайди ва биргина шу йилнинг ўзида 121,5 миллиард сўмни ташкил этади. Бу — жуда катта маблағ. Бу маблағ меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилашга, уларнинг соғлиғини сақлашга, маорифга, болалар тарбиясига, социал таъминот ва маданиятга сарфланмоқда. Бинобарин, бу маблағлардан самарали равишда, одамлар учун энг кўп фойда келтирадиган тарзда фойдаланиш керак.

Маълумки, бизнинг социал программамизда **уй-жой** ғоят муҳим ўринни эгаллайди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўтган беш йилликда уй-жой қурилиши жуда катта кўламда олиб борилди; унинг ҳажми мамлакат бўйича бундан кейин ҳам сақланиб қолади. Айни бир пайтда биз ҳали кўплаб оилалар коммунал, ноқулай квартираларда яшаётганини, кўпгина келин-куёвлар йиллаб уй-жой кутаётганини биламиз. Бу проблема ҳозирча долзарб бўлиб турган экан, демак, уй-жой тақсимлашда ҳам алоҳида эътибор, объективлик, борингки, ҳалоллик талаб этилади. Бу масала ҳамма ерда жамоат ташкилотларининг иштирокида, уларнинг қаттиқ назорати остида ҳал этилмоғи лозим. Кооператив қурилишни ҳам янада кенгайтириш, унинг формаларини такомиллаштириш зарур. Айни бир пайтда уй-жойдан фойдаланиш ва уни асраш масаласига масъулиятсизлик билан қараётган кишиларни янада қаттиқ тергаб туриш керак. Ўйлайманки, уй-жой қонунчилигининг асослари бу соҳада тартиб ўрнатишга ёрдам беради. Ҳозир унинг лойиҳаси жамоатчилик томонидан кенг муҳокама этилмоқда.

Партия XXV съездининг **халқ маорифини ривожлантиришга** оид кўрсатмалари ҳисобот даврида умуман муваффақиятли бажарилиб келди.

Муҳим марра эгалланди — мажбурий умумий ўрта таълимга ўтиш тугалланди. Бугунги асосий вазифа мактабда ўқитиш, меҳнат тарбияси ва ахлоқий тарбия сифатини оширишдан, ўқитувчилар билан ўқувчиларнинг меҳнат самараларини баҳолашда расмиятчиликка барҳам беришдан, таълим билан ҳаётнинг боғланишини амалда мустаҳкамлашдан, мактаб болаларини ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашни яхшилашдан иборат. Шубҳасиз, ўқитувчи бу соҳада ҳал қилувчи роль ўйнайди. Унинг меҳнатига, турмушига, малакасини оширишга кўпроқ эътибор бериш керак. Лекин ўқитувчининг меҳнатига бўлган талаблар ҳам ошиб бормоқда.

Қолаверса, мактаб программалари ва дарсликларнинг сифати ҳам айтарли даражада эмас. Улар ғоят мураккаблаштириб юборилган, деб тўғри айтишади. Бу нарса ўқиш жараёнини қийинлаштиради, ҳеч зарурат бўлмаган ҳолда болаларни толиқтириб қўяди. Маориф министрлиги, Педагогика фанлари академияси дарҳол бу аҳволни тузатишлари лозим.

Олий ва ўрта махсус таълим совет системасининг ютуқлари ҳаммага маълум. Кейинги беш йилнинг ўзида у халқ хўжалигига 10 миллион малакали мутахассис етказиб берди.

Шу билан бирга бу системада кўп нарсаларни яхшилаш мумкин ва лозим. Мен дастлаб бу ўринда ўқитиш сифатини, ишлаб чиқариш билан алоқани мустаҳкамлаш масаласини назарда тутмоқдаман. Фан докторлари ва фан кандидатларимизнинг деярли ярмини ўзида бирлаштирган олий ўқув юртларининг илмий имкониятларидан яна ҳам тўлароқ фойдаланиш зарур. Халқ хўжалиги ривожланган сари у ёки

бу ихтисосдаги кадрларга бўлган талаб ҳам ўзгариб боради. Демак, олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлашни планлаштириш системаси ҳам ана шу ўзгаришларни аниқ-пухта ҳисобга олиб бормоғи лозим.

XXV съезд **совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги ҳақида** ғамхўрлик кўрсатишни энг муҳим социал вазифалардан бири, деб атади. КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат 1977 йилда халқ соғлиғини сақлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида кенг қарор қабул қилдилар. Бу қарорнинг амалга оширилиши ўз натижаларини бермоқда. Эндиликда бизнинг поликлиникаларимиз бир смена давомида бундан беш йил олдингига қараганда ярим миллион кўп кишини қабул қила олади. **(Қарсаклар).** Ихтисослаштирилган медицина ёрдами, кардиология хизмати анча ривожланди. Қасалликларнинг олдини олиш иши анча самарали бўлиб қолди.

Бироқ, ҳали ҳам кўпгина камчиликлар бор. Барча беморларнинг 80 процентини даволайдиган поликлиникалар, диспансерлар, амбулаториялар ишини жиддий яхшилаш лозим. Афсуски, бир қанча жойларда улар медицинанинг имкониятларидан орқада қолган, кадрлар, айниқса ўрта ва кичик медицина ходимлари етишмайди, асбоб-ускуналар эскирган, замонавий дорилар етишмайди. Қасалхона ва шифохоналар қуриш планлари яхши бажарилмаяпти.

Биз врачларимиз, медицина ҳамширалари, соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа ходимларимизнинг ҳалол, фидокорона меҳнатини юксак қадрлаймиз. Шунинг учун ҳам айрим медицина ходимлари ўзларининг хизмат бурчларини ўташда ножўя ишлар қилаётгани, одамларга эътиборсизлик кўрсатаётгани ҳақида баъзан меҳнаткашлардан келадиган хатлар кишини ранжитади. Соғлиқни сақлаш министрлиги, партия комитетлари, комсомол ва касаба союзлари бундай ҳолларга қарши муросасиз кураш олиб боришлари ва уларни бутунлай йўқотишга эришишлари лозим! Шундай қилиш керакки, токи совет кишиси ҳамиша ва ҳамма жойда ўз вақтида, малакали ва ғамхўрона медицина ёрдамини оладиган бўлсин. **(Қарсаклар).**

Кишиларнинг сиҳат-саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш **физкультура ва спортнинг** ривожланиши билан чамбарчас боғланган. Москва олимпиадаси совет спортчиларининг ажойиб муваффақиятларини яққол кўрсатиб берди. Лекин бизни ҳамиша спорт чўққиларининг ўзигина эмас, балки энг аввало физкультура ва спортнинг оммавийлиги қизиқтиради. Бу соҳада эришилган муваффақиятлар равшан кўриниб турибди. Лекин шундай бўлса ҳам кўпчилик учун спорт ҳозирча ёлғиз томоша бўлиб қолмоқда. Бу аҳволни тузатиш керак. Физкультура аҳолининг кенг қатламлари ва, айниқса болаларнинг кундалик ҳаётидан кенг ўрин олмоғи лозим.

Ўртоқлар, совет жамиятининг маънавий ҳаёти тобора хилма-хил ва бой бўлиб бораётган экан, бу маданиятимиз арбобларининг, **адабиёт ва санъатимизнинг** шак-шубҳасиз хизматидир.

Ўз соҳаси бўйича фикр айтиш адабий танқидчилар билан санъатшуносларнинг иши. Лекин назаримда барча китобхонлар, томошабинлар, тингловчилар сезиб турипибди: совет санъатида янги тўлқин мавж урмоқда. Кейинги йилларда айтарли ҳамма республикаларда кўплаб талантли асарлар юзага келди. Бу ҳол адабиёт ва театрга, кино ва музикага, рассомлик ва ҳайкалтарошликка тааллуқлидир.

Санъаткорларимиз ижодида юксак революцион мотивлар ҳамон янграб келмоқда. Маркс, Энгельс, Ленин образлари, кўплаб оташин революционерларнинг образлари, Ватанимизнинг қаҳрамонона тарихи уларни санъатнинг жуда хилма-хил соҳаларида янги-янги қизиқарли асарлар яратишга илҳомлантирмоқда. Ҳарбий мавзуда ижод қилаётган авторларнинг асарлари Ватанга муҳаббат, синовларда матонат руҳида тарбияламоқда.

Замондошларимизнинг ёрқин образларини яратишда ижодий ходимлар шубҳасиз ютуқларга эришдилар. Бу образлар одамларни ҳаяжонлантирмоқда, баҳсларга сабаб бўлмоқда, ҳозир ва келажак ҳақида ўйлаб кўришга ундамоқда. Партия энг яхши асарларга хос бўлган гражданлик пафосини, камчиликларга нисбатан муросасизликни, санъат жамиятимиз ҳаётига оид проблемаларни ҳал этишга фаол аралашаётганини табриклайди. Эсингизда бўлса керак, Маяковский: «Истайманки, топшириқ бераман деб менга бир йилга, баҳсларда терлаб пишсин ўша Госплан»,— деб ёзган эди. Бинобарин, бизни шу нарса қувонтирадики, кейинги йилларда адабиётда, кино ва театр соҳасида шундай жиддий проблемалар кўтарилдики, уларни ҳал қилиш учун Госплан чиндан ҳам «бир терлаб олса» чакки бўлмасди. Бу гап фақат унга тегишли эмас. **(Қарсаклар).**

Бундай асарларнинг қаҳрамонлари ҳар хил одамлар — қурувчилар бригадири ва колхоз раиси, темир йўл ишчиси ва офицер, учувчи ва йирик олим. Лекин буларнинг ҳар бирида китобхонлар, томошабинлар ўзларининг фикр-ўйлари ва кечинмаларига ҳамоҳанг жиҳатларни кўрадилар, унда совет характерининг энг яхши фазилатлари мужассам топганлигига гувоҳ бўладилар.

Жамиятимиз ахлоқ масалаларига тобора кўпроқ эътибор бераётганлиги ҳам совет санъатида ўз ифодасини топмай иложи йўқ эди. Одамларнинг ишлаб чиқаришда ва турмушдаги муносабатлари, шахснинг мураккаб ички дунёси, унинг нотинч планетамиздаги ўрни — буларнинг ҳаммаси бадиий изланишлар учун имконияти беҳисоб соҳадир. Бу ерда, албатта, шу нарса муҳимки, хом-хатала, бадиий жиҳатдан бўш асарлар актуал мазмунни ўзига қалқон деб билмаслиги керак. Асар қаҳрамонлари майда-чуйда ишлар атрофида ўралашиб қолмасдан, ўз мамлакатининг ташвиши билан яшамоғи, шижоатли меҳнат билан, адолат ва яхшилик тантанаси учун астойдил курашиш руҳи билан йўғрилган ҳаёт кечирмоқлари лозим.

Аксинча, ғоясизлик кўринишлари, дунёқарашни белгилашдаги лоқайдлик, айрим тарихий воқеаларга ва шахсларга баҳо беришда аниқ синфий позициядан чекинишлик ҳатто истеъдодли кишиларнинг ижодига ҳам зарар етказиши мумкин. Бизнинг танқидчиларимиз, адабий журналларимиз, ижодий союзларимиз ва, биринчи навбатда, уларнинг партия ташкилотлари у ёки бу томонга тойилиб кетганларни тартибга чақира билишлари лозим. Улар шубҳасиз, бизнинг совет воқелигимизни бадном қиладиган асарлар пайдо бўлган ҳолларда актив, принципиал фикр билдиришлари керак. Бу масалада биз муросасиз бўлишимиз керак. Партия санъатимизнинг ғоявий йўналишига бефарқ қарамайди ва қараёлмайди ҳам. **(Давомли қарсаклар).**

Яна бир нарса хусусида айтиб ўтмоқчиман. Атрофимиздаги ҳамма нарсалар гўзал, яхши дид билан ишланган бўлиши қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Москвадаги олимпия объектлари ва айрим уй-жой кварталлари, Ленинграддаги қайта тикланган ноёб ўтмиш обидалари ва янги архитектура ансамбллари, Олмаота, Вильнюс, Навоий ва бошқа шаҳарлардаги янги қурилишлар — булар бизнинг фахримиздир. Лекин шунга қарамай, шаҳар қурилишида умуман зўр бадиий жозибадорлик ва хилма-хиллик етишмай турибди. Шундай қилиш керакки, тақдир ҳазили билан бошқа бир шаҳарга бориб қолиб, бошқа бино, бошқа одамнинг квартирасини ўзиникидан ажратолмай қолган бир фильм қаҳрамонининг саргузаштларига ўхшаш иш бўлмасин. **(Залда жонланиш. Қарсаклар).**

Совет кишилари санъатга жуда ташна. Маълумки, баъзан яхши спектаклга тушиш, бирор қизиқарли китоб сотиб олиш, кўргазмага кириш осон бўлмайди. Лекин, санъатга бўлган бу ҳурмат, бу муҳаббат санъаткор ўз халқи олдида буюк масъулият сезиши лозимлигини

ҳам тақозо қилади. Халқ манфаатлари билан яшаш, унинг қувончи ва қайғусига шерик бўлиш, ҳаёт ҳақиқатини, инсонпарвар идеалларимизни қарор топтириш, коммунистик қурилишнинг актив иштирокчиси бўлиш — санъатнинг чинакам халқчиллиги, чинакам партиявийлиги мана шундан иборат.

Маданият соҳасидаги ленинча сиёсатга содиқ бўлган партиямиз бадиий зиёлиларга эҳтиёткорлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлади, уларни юксак ижодий вазифаларни ҳал этишга йўналтиради. Бу нарса ижодий кучларни яна ҳам жипслаштиришга, жамиятнинг маънавий ҳаётини юксалтиришга имкон беради. Ҳеч шубҳа йўқки, совет маданият усталари бизни янги бадиий ижодий кашфиётлар билан қувонтирадилар! **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Совет кишиси — бу ҳалол меҳнаткаш, юксак сиёсий маданиятга эга инсон, ватанпарвар ва интернационалистдир. Уни партия, мамлакатимизнинг қаҳрамонона тарихи, бутун тузумимиз тарбиялаб етиштирди. У янги дунё бунёдкори сифатида ғайрат-шижоат билан яшамоқда.

Бу — **янги инсонни камол топтириш билан** боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни ҳал этиб бўлдик, деган гап эмас. Олдимизда бу соҳада ҳали кўп вазифалар бор. Социал-иқтисодий сиёсатнинг мустаҳкам негизига асосланган тақдирдагина тарбия муваффақият келтириши мумкин.

Биз шахсни яна ҳам кўпроқ такомиллаштириш учун катта моддий ва маънавий имкониятларга эгамиз, бу имкониятларни бундан кейин ҳам кўпайтиравeрамиз. Лекин, айни бир пайтда шу нарса ҳам муҳимки, ҳар бир киши бу имкониятлардан оқилона фойдалана билиши лозим. Бу нарса эса пировард натижада шахснинг манфаатлари, эҳтиёжлари қандай эканлигига боғлиқ. Мана шунинг учун ҳам партиямиз ана шу манфаат ва эҳтиёжларни бир мақсадга бўйсундирган ҳолда, актив тарзда шакллантиришни социал сиёсатнинг муҳим вазифаларидан бири, деб билади.

Кўпчилик совет кишилари ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилишади. Улар жамият бераётган жуда хилма-хил неъматлардан ҳақли равишда ва оқилона фойдаланмоқдалар, халқимизнинг бойлигини эҳтиёт қилиб, бойликка бойлик қўшмоқдалар. Лекин, орамизда шундай шахслар ҳам борки, улар озроқ бериб, давлатдан кўпроқ юлиб олиш пайида бўладилар. Худбинлик ва мешчанлик, бойлик орттириш, халқнинг ташвиши ва ишларига бефарқ бўлиш худди шундай психология заминида юзага келади. Ичкиликбозлик жамиятга, оилага катта зарар келтирмоқда. Бу нарса, очиғини айтганда, ҳамон жиддий масала бўлиб турибди. Ҳамма меҳнат коллективларининг, ҳамма жамоат ташкилотларининг, ҳамма коммунистларнинг куч-ғайрати ана шу ярамас иллатларга қарши курашга қаратилмоғи лозим.

Кўриниб турибдики, ўртоқлар, биз социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш, янги кишини камол топтиришга халақит берадиган ҳамма нарсаларни таг-томири билан йўқотиш борасида катта ишлар қилишимиз керак. Бу — партия социал сиёсатининг ажралмас таркибий қисмларидан бири бўлиб, ундан кўзланган мақсад — совет кишиларининг фаровонлиги ва бахт-саодатидир!

3. СССР Конституцияси ва совет сиёсий системасини янада ривожлантириш

Ўртоқлар! Совет жамиятининг иқтисодий,. социал ва маънавий ҳаётидаги энг муҳим ўзгаришлар, умумхалқ давлатининг чуқур демократизми СССРнинг янги Конституциясида мужассам ифодасини

топди. Асосий Қонун лойиҳасининг муҳокама қилинганлиги халқнинг ижодий кучларини, гражданлик активлигини ғоят жўш урдириб юборганлиги ҳаммамизнинг ёдимизда.

СССР Конституциясининг, сўнгра иттифоқдош ва автоном республикалар конституцияларининг қабул қилиниши билан **халқ депутатлари Советларининг** ишида янги босқич бошланди.

Юқори ҳокимият органларининг — СССР Олий Совети ва республикалар Олий Советларининг фаолияти анча жонланди. Олий Советлар қонунчиликни, бошқарувни ва контролни бирга қўшиб, Министрлар Советларининг, министрликлар ва идораларнинг ишини актив йўлга солиб турибдилар. Бу ҳол камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга ёрдам бермоқда, давлат ҳаётининг умумий куч-ғайратини оширмоқда.

Совет қонунчилиги конституция асосида янгиланаётганлиги жуда яхши самара бермоқда. Янги қонунлар ижтимоий муносабатларнинг турли томонларини синчиклаб, аниқроқ тартибга солиш имконини бермоқда. Қонунчиликни такомиллаштириш иши давом эттирилади. Бу соҳада биринчи навбатда уч йўналишда иш олиб борилади: халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш, гражданларнинг ва жамоат ташкилотларининг конституцион ҳуқуқларини амалга ошириш, умумиттифоқ қонунлар мажмуасини нашр қилиб тамомлаш.

Бизда анчагина яхши қонунлар қабул қилинди, ўртоқлар. Энди гап, аввало, уларни аниқ ва оғишмай амалга оширишдадир. Чунки ҳар қандай қонун бажарилсагина — ҳамма томонидан ва ҳамма жойда бажарилсагина амалда бўлади.

Маҳаллий Советларнинг фаолиятида кўпгина мароқли, янги жиҳатлар пайдо бўлди. Улар маҳаллий хўжалик, аҳолига хизмат кўрсатиш масалаларига эътиборни сусайтирмаган ҳолда, иқтисодий ва социал тараққиётнинг комплекс характерини таъминлашга тобора кўпроқ ҳисса қўшмоқдалар. Советлар ўзларига қарашли территорияда жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг ишини тобора фаолроқ уйғунлаштирмоқдалар ва контроль қилмоқдалар. Бу жуда муҳимдир, ўртоқлар. Шунинг учун КПСС Марказий Комитети маҳаллий Советларнинг фаолиятидаги худди ана шу йўналишни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Бизда деярли миллионга яқин коммунист-депутатлар бор. Улар Советнинг ҳар бир сессиясини, доимий комиссиянинг ҳар бир мажлисини кишиларнинг ҳақиқий кенгашига, энг тўғри қарорларни кўпчилик бўлиб ишлаб чиқадиган жойга айлантириш учун ўз обрў-эътиборларидан ва тажрибаларидан фойдаланишлари керак.

Умумий ишдан, ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан манфаатдорлик, фикрларни таққослаб кўриш, ошкора ва принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид, ҳар бир гражданнинг ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш — совет демократиясининг, ишлаб, амал қилиб турган демократиянинг моҳиятидир.

Бошқарув органларининг ва мансабдор шахсларнинг иши устидан кенг кўламдаги **халқ контроли** — совет демократиясининг зарур таркибий қисмидир. Биронта бузғунчилик, биронта суиистеъмол, исрофгарчилик, интизомсизлик халқ назоратчиларининг синчков назаридан четда қолмаслиги керак. КПСС Марказий Комитети уларни янада кўпроқ ғайрат билан ишлашга, янада ҳужумкорроқ бўлишга йўлламоқда.

Социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда **юстиция, суд, прокуратура совет милицияси органларининг** масъулияти жуда каттадир, Бу органларда ишловчи ходимлар профессионал билимларга эга бўлишлари ва айни замонда мард, ҳалол ва адолатли кишилар бўлишлари керак. Шундай кишиларгина ўз зиммаларига юк-

ланган жиддий вазифаларни муносиб даражада бажаришлари мумкин. Совет халқи уларнинг иши жуда самарали бўлишини, ҳар бир жиноят тегишли даражада текшириб чиқилишини ва айбдорлар қилмишларига яраша жазога тортилишини талаб қилишга ҳақлидир. Бу ишда ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилаётган органларни партия, бутун жамоатчилигимиз батамом қўллаб-қувватлайди, бунга шубҳа қилмайман. **(Қарсаклар).**

Халқаро майдондаги кескин синфий кураш **давлат хавфсизлиги органларининг** фаолиятига нисбатан, чекистларимизнинг партиявий чиниқиши, билимлари ва иш услубига нисбатан юксак талаблар қўймоқда. СССР давлат хавфсизлиги комитети конституция қоидаларига ва совет қонунчилиги нормаларига қатъий амал қилган ҳолда, оператив, юксак профессионал даражада ишламоқда. Чекистлар империалистик разведкаларнинг кирдикорларига кўз-қулоқ бўлиб турибдилар. Улар давлатга қарши, душманларча хатти-ҳаракат қилиш йўлига тушаётган, совет кишиларининг ҳуқуқларига, совет жамиятининг манфаатларига кўз олайтираётган кишиларнинг қилмишларига қатъиян чек қўймоқдалар. Чекистларнинг бу ишидан партия, бутун совет халқимиз ғоят миннатдордир. **(Давомли қарсаклар).**

Ҳисобот даврида партия ва давлат **мамлакатнинг мудофаа қудратини, унинг қуролли кучларини мустаҳкамлаш** масалаларини бирор кун ҳам назардан қочирганлари йўқ. Буни биздан халқаро вазият талаб этмоқда.

Совет қуролли кучларининг жанговар қудрати — унинг техника жиҳатдан жуда яхши жиҳозланганлигининг, ҳарбий маҳоратнинг ва енгилмас маънавий руҳнинг мужассамлигидан иборатдир. Ҳозир энди Ватан ҳимоячиларининг сафларида Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг ўғиллари ва невaралари турибдилар. Улар ўз ота ва боболарининг қисматига тушган оғир синовларни бошларидан кечирмаганлар. Шунга қарамай, улар армиямизнинг, халқимизнинг қаҳрамонона анъаналарига содиқдирлар. Бинобарин, мамлакат хавфсизлиги, тинчликни ҳимоя қилиш манфаатлари талаб қилган, агрессия қурбонларига ёрдам бериш зарур бўлиб қолган вақтда совет жангчиси бутун дунё олдида ҳар қандай қийинчиликларни енгишга тайёр турган беғараз ва жасур ватанпарвар, интернационалист сифатида намоён бўлади. **(Давомли қарсаклар).**

Шундай бўлдики, съездимизнинг очилиши Совет Армияси ва Флоти кунига тўғри келиб қолди. Шу муносабат билан барча делегатлар номидан Ватанимизнинг шонли ҳимоячиларини қизғин табриклашга рухсат этгайсиз. Партия Марказий Комитети қатъий ишонадики, улар бундан буён ҳам совет халқининг тинч, бунёдкорлик меҳнатини сергак бўлиб қўриқлаб туражаклар! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар, СССР Конституцияси демократиямизни ривожлантиришда жамоат ташкилотларининг ўйнайдиган ролини анча юқори кўтарди. Бу ташкилотлар ичидаги энг оммавий ташкилот — **касаба союзларидир.** Касаба союзлари миллионлаб колхозчиларни ўз сафларига қабул қилиб, энди амалда барча меҳнаткашларни қамраб олди. Касаба союз ташкилотларининг вазифалари ва ҳуқуқлари ниҳоят даражада кенгдир, улар меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар, хўжалик, социал ва маданий вазифаларни ҳал қилишда қатнашмоқдалар, социалистик мусобақани, ихтирочиликни ва рационализаторликни ривожлантириш йўлида кўп иш қилмоқдалар. Шунга қарамай, касаба союзларимиз ўзларига берилган кенг ҳуқуқлардан фойдаланишда баъзан етарли даражада ташаббус кўрсатмаётирлар, десам янглишмаган бўламан, деб ўйлайман. Улар коллектив шартномаларни бажариш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида ҳамма вақт ҳам талабчанлик кўрсатмаётирлар, меҳнат

қонунчилигини бузиш, бюрократизм ва сансалорлик фактларига ҳали ҳам етарли даражада эътибор бермаётирлар.

Бинобарин, бундан буён ҳам касаба союзлар, меҳнат коллективлари кишиларнинг меҳнати, ҳаёти ва турмуши масалаларини қандай ҳал қилаётганларини қаттиқроқ контроль қилиш, уларнинг планлаштиришдаги ва ишлаб чиқаришни бошқаришдаги, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги, корхоналар ва ташкилотларнинг маблағларидан самарали фойдаланишда иштирокини кенгайтириб бориш керак.

Партия касаба союзларини ўзининг омма орасидаги ишончли таянчи, демократияни ривожлантиришнинг, меҳнаткашларни коммунизм қурилишига жалб қилишнинг қудратли воситаси деб билади. «Омма билан, яъни ишчиларнинг, (сўнгра эса барча меҳнаткашларнинг) аксар кўпчилиги билан алоқа — касаба союзларининг ҳар қандай ишида муваффақият қозонишнинг энг муҳим, энг асосий шартидир»,— деб таълим берган эди Ленин. У касаба союз ходимларидан ишчилар ҳаёти ичида бўлишни, бу ҳаётнинг икир-чикирларигача билишни, омманинг кайфиятини, онг даражасини ва ҳақиқий эҳтиёжларини бехато, асло идеаллаштирмай аниқлай олишни, оммага ўртоқларча муносабатда бўлишни, омманинг эҳтиёжларини жонкуярлик қилиб қондириш билан унинг чексиз ишончини қозона билиш керак, деб талаб қилган эди. Бинобарин, ҳар бир касаба союз ходими ҳамма вақт ва ҳамма жойда ўз ишларини Лениннинг ана шу васиятларига мослаб олиб борсин! **(Қарсаклар).**

Ленин комсомоли 40 миллиондан ортиқ йигит ва қизни ўз сафларида бирлаштириб турибди. Биз кўпинча: комсомол — бизнинг ўринбосарларимиз, партиянинг ёрдамчиси, деймиз. Бу тўғри, жуда тўғри гап! Ҳозир 18—25 ёшда бўлган ёшлар келажакда жамиятимизнинг ўзагини ташкил этади. Комсомол ишидаги энг муҳим, энг асосий нарса — сиёсий жиҳатдан актив, омилкор, меҳнатсевар, ишбилармон, ўз Ватанини ҳимоя қилишга ҳамма вақт тайёр турувчи авлодни тарбиялаб етиштиришга ёрдам беришдир.

Умуман комсомол бу вазифани уддаламоқда. У мамлакатнинг турли-туман районларидаги ўнлаб ва юзлаб қурилишларда актив қатнашмоқда. Комсомолнинг давлатни бошқаришдаги, бутун ижтимоий ҳаётдаги иштироки ҳам кучайди. Бундан буён ҳам худди шу йўлдан бориш керак.

Лекин мақтовлар билан чекланиш бизнинг одатимиз эмас. Сир эмаски, айрим ёшларимиз маълумотли, ҳамма нарсадан хабардор бўлганлари ҳолда, баъзан сиёсий жиҳатдан гўллик қиладилар, профессионал тайёргарликлари яхши бўлгани ҳолда, меҳнатга етарли даражада масъулият билан қарамайдилар. Бу, кўп жиҳатдан, комсомол ишидаги камчиликнинг натижасидир.

Демак, тарбия ишини кучайтириб бориш керак. Бунда мен меҳнат тарбиясини ҳам, ахлоқий тарбияни ҳам, ғоявий-сиёсий тарбияни ҳам назарда тутаяпман. Бунда гап ундай ёки бундай «тадбирлар»ни кўпайтириш тўғрисида бораётгани йўқ. Гап ҳар бир комсомол ташкилотида жўшқин ижодий муҳит яратиш тўғрисида бормоқда. Ҳақиқат оғзаки айтилган вақтда эмас, балки бошдан кечирилган вақтда мияга мустаҳкам ўрнашиб қоладики, бу азалдан маълум. Шунинг учун комсомол марксча-ленинча назарияни шундай ўрганиши кераккки, натижада у комсомолларнинг амалий ишлари билан, ҳаётлари билан узвий қўшилиб кетсин. Бунда коммунистларга, биз билан сизга ҳам жуда кўп нарса боғлиқ, ўртоқлар. Бизда тажриба бор, марксизм-ленинизмнинг тўғрилигига неча ўн йиллар мобайнида ишонч ҳосил қилганмиз. Ана шу бойликнинг ҳаммасини ёшларга бериш керак. Бу — совет ёшларининг коммунизм байроғини доимо баланд кўтариб боришининг ишончли гаровидир! **(Қарсаклар).**

IV.

ПАРТИЯ—СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ АВАНГАРДИ

Ўртоқлар! XXV съездда ривожланган социализм даврида партиянинг жамият ҳаётидаги роли ошиб боради деган хулоса чиқарилган эди. Ўтган беш йиллик бу хулосанинг тамомила тўғри эканлигини кўрсатди. Дарҳақиқат, эндиликда совет халқи эришаётган жозибадор муваффақиятлар туфайли Лениннинг партия давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждонидир, деган машҳур ибораси янада чуқур маъно касб этмоқда. **(Қарсаклар).**

Жамиятимиз ривожлана борган, унинг социал-сиёсий ва маданий қиёфаси ўзгара борган сари коммунистлар партияси ўсмоқда, мустаҳкамланмоқда, камол топмоқда.

Ҳисобот даврида умуман КПСС сафи 1,8 миллион кишига кўпайди. Ҳозир партия сафида 17 миллион 480 минг коммунист бор. Шулардан 43,4 процентини ишчилар, 12,8 процентини колхозчилар, 43,8 процентини техник, илмий ва ижодий зиёлилар вакиллари, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, бошқарув аппарати ходимлари, ҳарбий хизматчилар ташкил этади.

Ўтган беш йил мобайнида КПСС сафига ишчилар синфининг энг яхши вакилларидан бир ярим миллиондан кўпроқ киши келиб қўшилди. Бу эса партия сафига кирганларнинг 59 процентини ташкил этади. Партияга янги қабул қилинганларнинг 10 процентдан кўпроғи колхозчилардир. Совет зиёлилари вакилларининг партияга кириши давом этди. Шу йиллар мобайнида КПСС сафига кирганларнинг қарийб тўртдан уч қисми Ленин комсомоли аъзоларидир.

Партияга киришни хоҳловчилар сони ўсиб бормоқда. Партияга янги аъзолар қабул қилишга янада талабчанлик билан ёндашилмоқда. Партияга қабул қилинаётганларнинг сиёсий, амалий ва маънавий фазилатларини текширишдан ўтказишда кандидатлик стажидан яхшироқ фойдаланиладиган бўлиб қолди. Бундай синовдан ҳамма ҳам ўтавермайди. Беш йил мобайнида 91 минг киши КПСС аъзолигига қабул қилинмади. Бу эса ҳар ҳолда нормал даражада саралашдир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, энг яхши кишилар, совет халқининг илғор вакиллари партия сафига кирмоқда. Аммо, баъзан КПСС сафига тасодифий, номуносиб кишилар кириб қолади. Шундай бир рақамни айтмоқчиман. XXV съезддан кейин ўтган вақт мобайнида коммунист шаънига тўғри келмайдиган хулқ-атвори учун қарийб 300 минг киши партиядан ўчирилди.

Рўй-рост шуни таъкидлаш керакки, ножўя ҳаракатлар қилаётган, партия Уставини ва партиянинг ахлоқ нормасини бузаётганларга нисбатан биз муросасиз бўлиб келдик ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қоламиз. Партиямизнинг шон-шарафи ва обрўси ҳақида, унинг сафларининг поклиги тўғрисида гап борар экан, ҳеч кимга ҳеч қачон ён босилмайди! **(Давомли қарсаклар).**

Худди мана шундай юксак талабчанлик КПССнинг монолит бирлигини, унинг совет жамиятини бошқариш қобилиятини, совет халқини коммунизм йўлидан дадил бошлаб боришини таъминлайди.

1. Партиявий раҳбарлик методларини такомиллаштириш

Ўртоқлар! Партия съездлари КПСС раҳбарлик ролининг олий ифодаси бўлиб, у совет жамияти ҳужумкор ҳаракатининг бош йўлини белгилаб беради. Шу билан бирга, Марказий Комитет Пленумларининг ҳам роли катта.

Ҳисобот даврида Марказий Комитетнинг ўн битта Пленуми бўлиб ўтди. Пленумлар мунтазам равишда чақирилиб, масалалар ишчанлик билан, ўз-ўзини танқид руҳида муҳокама этилди. Хуллас, биз ленинча нормалар ва анъаналарга амал қилиб келдик.

Илгари айтганимдек, КПСС Марказий Комитетининг Пленумларида ҳар йили хўжалик тараққиётининг асосий тенденциялари таҳлил этиб борилди. Шу билан бирга узоқ муддатли характерга эга бўлган бошқа проблемалар ҳам муҳокама этилди.

СССР Конституцияси лойиҳаси муносабати билан 1977 йилда етук социализм шароитида социалистик давлатни, бутун ижтимоий тузумни ривожлантириш масалалари муфассал кўриб чиқилди. 1978 йил июль ойида бўлиб ўтган Марказий Комитет Пленуми партиянинг аграр сиёсатини янада ишлаб чиқишга бағишланди. 1980 йил июнь Пленумида асосий ташқи сиёсат масалаларига Совет Иттифоқининг позицияси, мураккаблашган халқаро вазиятда кескинликни юмшатиш учун кураш соҳасидаги вазифалари аниқлаб олинди.

Ҳисобот даврида **Сиёсий бюронинг** 236 мажлиси ўтказилди. Сиёсий бюронинг бутун фаолияти КПСС XXV съезди ва Марказий Комитет Пленумлари қарорларини амалда бажаришга, ички ва ташқи сиёсатдаги янги ҳолатларга доир асосий моментларга қаратилди.

Сиёсий бюронинг кўриб чиқиши учун тақдим этилган масалалар олдиндан пухта ишлаб чиқилди. Бундай масалаларнинг кўлами ниҳоятда кенг ва кўп қирралидир. Бу масалалардан кўпининг мураккаблик даражаси муттасил ортиб бормоқда. Баъзи ҳолларда Сиёсий бюро юз бераётган ҳодисаларни ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштириш, шунингдек, оператив тарзда тегишли амалий чоралар кўриш учун махсус комиссиялар тузди.

Сиёсий бюро мажлисларига тайёргарлик кўриш, уларда масалаларни муҳокама этиш давомида хилма-хил фикрлар билдирилганлиги, кўпдан-кўп мулоҳаза ва таклифлар киритилганлиги тамомила табиийдир. Аммо, ҳамма қарорлар тўла якдиллик билан қабул қилинди. Коллектив раҳбарликнинг кучи мана шу бирликдадир. **(Қарсаклар).**

Сиёсий бюро — кўп миллионли партиямизнинг чинакам жанговар штабидир. Худди шу ерда партиянинг коллектив ақл-идроки пишиб етилади ва бутун совет жамиятининг, барча коммунистлар ва партиясизларнинг манфаатларини ифодаловчи партия сиёсати шаклланади.

Марказий Комитет **Секретариати** шуғулланган асосий проблемалар доираси — кадрлар танлаш, ижрони ташкил этиш ва текшириш, партия турмушининг амалдаги бутун жорий масалаларидан иборат бўлди. Ўтган давр ичида Секретариатнинг 250 мажлиси ўтказилди.

Умуман, ўртоқлар, Пленумларнинг, Сиёсий бюронинг, Секретариатнинг иши собитқадам характерга эга бўлиб, юксак уюшқоқлиги билан ажралиб турди. Бу иш марксизм-ленинизмнинг метиндек мустаҳкам пойдевори асосига қурилгандир.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва Секретариати **республика, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия ташкилотларининг роли ва масъулиятини ошириш тўғрисида** муттасил ғамхўрлик қилиб турди. Жойлардаги ишнинг аҳволи муфассал ўрганилди, кўпгина партия комитетларининг ҳисоботлари кўриб чиқилди. Ҳар томонлама, пухта муҳокама этиш асосида умумпартия аҳамиятига молик хулосалар чиқарилди.

Ҳар бир партия ташкилоти ишида қимматли, ибратли нарсалар оз эмас. Баъзи қизиқарли фактларнигина эслатиб ўтмоқчиман.

Москва ва Ленинград партия ташкилотлари ишлаб чиқариш коллективларининг ижодий активлигини ривожлантириш ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда яхши натижаларга эришдилар.

Кўпгина ватанпарварлик ташаббуслари худди шу ерда туғилиб, кейинчалик бутун мамлакатда қўллаб-қувватланди ва кенг ёйилди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига деҳқончилик ва илғор практиканинг илмий системасини жорий этиш соҳасида партия ташкилотлари олиб бораётган ишларнинг кучайганлиги туфайли Қозоғистон ғаллакорлари ва Ўзбекистон пахта далаларининг меҳнаткашлари катта-катта муваффақиятларга эришдилар. Озарбайжон Компартиясининг меҳнаткашларни ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажаришга сафарбар этиш соҳасидаги фаолияти ижобий баҳога сазовордир.

Грузия Компартияси республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш суръатларини анча оширишга эришди.

Украина ва Белоруссия Компартияларида кадрларни танлаш ва тарбиялаш, конкрет иш соҳасидаги аҳвол учун раҳбарларнинг масъулиятини оширишда кўпгина қизиқарли тажриба юзага келди. Арманистон ва Латвия партия ташкилотлари меҳнат коллективларини, бошқарув ва планлаштиришнинг барча бўғинларини саноат маҳсулоти сифатини оширишга йўналтиришга муваффақ бўлдилар. Эстония коммунистлари ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ишларини кучайтириб юбордилар. КПСС Новосибирск ва Свердловск область комитетлари фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини мустаҳкамлаш соҳасида кўп иш қилдилар.

Марказий Комитет лойиҳадаги қувватларни барвақт ўзлаштириш учун мусобақа бошлаган Дон меҳнаткашларининг, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сифатини яхшилаш ташаббусини кўтариб чиққан Кубань ва Днепропетровск партия ташкилотларининг, металл ҳамда ёқилғи-энергетика ресурсларини иқтисод қилиш юзасидан Урал ва Кузбасс меҳнат коллективларининг иш тажрибасини қўллаб-қувватлади.

Кўпгина партия ташкилотларининг ижодий ташаббуслари умумпартия анжуманимизда муносиб мақтовга сазовордир. Маҳаллий тажриба нечоғлиқ бой, нечоғлиқ хилма-хил бўлса, умуман партиянинг фаолияти шу қадар самарали бўлаверади.

Ҳисобот даврида КПСС Марказий Комитети баъзи партия комитетларининг ишини юз-хотир қилмасдан танқид қилиб ва уларнинг раҳбарларини тартибга чақириб қўйишига тўғри келди. Бу чора ёрдам бермаган тақдирда эса ташкилий хулосалар ҳам чиқаришга тўғри келди.

Тўғри, область ёки район партия ташкилотининг иш натижалари кўпдан-кўп ва хилма-хил ишлар йиғиндисидан иборат. Лекин шундай бўлса ҳам ғайрат ва омилкорлик билан қилинган партиявий раҳбарлик ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Агар ҳар бир партия ташкилоти ўз участкасида барча резервлардан фойдаланиб, ҳамма ишда тегишлича тартиб ўрнатса, у ҳолда бутун мамлакатнинг иши тағин ҳам олға босади. Шу боисдан область ва район партия комитетларининг ролини ошириш — масъулиятли, жиддий ва айтишим мумкинки, доимий вазифадир.

Коммунистик қурилишнинг катта ва хилма-хил вазифаларини ҳал этишда **бошланғич партия ташкилотлари** роли биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Ҳозир КПССнинг 414 минг бошланғич, 457 минг цех партия ташкилотлари, 618 мингдан зиёд партия группалари бор. Марказий Комитет ушбу бўғинларни мумкин қадар кўпроқ активлаштиришга интилди, маҳаллий партия органларидан уларга ҳамиша эътибор беришни талаб қилди.

Бошланғич партия ташкилотларига маъмурият фаолиятини контрол қилиб туриш ҳуқуқи берилган. Улар бу ҳуқуқдан тўлароқ ва яхшироқ фойдаланишлари муҳимдир. Гап кадрлар тўғрисида борадими, хў-

жалик планларининг бажарилиши ҳақида борадими, ёхуд кишиларнинг меҳнат ва маиший шароитини яхшилаш ҳақида борадими, бундан қатъи назар, партия ташкилотлари принципиаллик кўрсатишлари, маъмурият нотўғри йўл тутганда унинг измига юрмасликлари лозим. Хуллас, партиявий йўлни қатъият билан ўтказиш керак.

Хўжалик вазифаларинигина эмас, ҳатто бундан бошқа вазифаларни ҳам ҳал этиш йўлида кўпинча маҳкамачилик ёки бюрократик тўсиқлар учраб туради. Министрликлар ва идораларнинг партия комитетлари бу тўсиқларга қарши биринчи навбатда кураш олиб бормаса, ким кураш олиб боради, ахир? Улар умумдавлат манфаатларини янада қатъият билан ва муросасиз туриб қўриқлашлари лозим.

Съезд минбаридан туриб уларга билдирадиган истагим шуки, кўпроқ ташаббускор бўлингиз, кўпроқ принципиаллик кўрсатингиз!

Ўртоқлар! В. И. Ленин такрор-такрор айтганидек, партиявий раҳбарликнинг моҳияти — кишиларни танлаш ва ижрони текширишдан иборат.

Ҳисобот даврида **раҳбар кадрларнинг сифат составини ва жой-жойига қўйилишини** янада **яхшилаш,** уларнинг малакасини ошириш соҳасида анча иш қилинди.

XXV съезд кўрсатмаларига биноан халқ хўжалиги мутахассислари партиявий ишга кўплаб кўтарилди. Ҳозирги вақтда иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари секретарларининг тўртдан уч қисми, шаҳар ва район партия комитетлари секретарларининг учдан икки қисми инженер-техник, иқтисодий ёки қишлоқ хўжалик маълумотига эга бўлган кишилардир. Бу жуда соз. Аммо, ишлаб чиқаришдан партия аппаратига ўтган мутахассисларнинг бир қисми етарли сиёсий тажрибага эга эмаслигини, баъзан партия органларига маъмурий-хўжалик методларини олиб кираётганлигини ҳам ҳисобга олмай бўлмайди.

Бундай ўртоқларнинг сиёсий тайёргарлигини ошириш, уларнинг зарур партиявий иш малакасини ҳосил қилишларига ёрдам бериш керак. Шу билан бирга чинакам партиявий раҳбар бўлиш учун партия мактабида ўқишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Шундай қилиш кераккки, раҳбар партия ишига кўтариладиган ўртоқлар меҳнаткаш омма орасида юриб пишиб етилиши, улар мамлакатимиз ишчилари, деҳқонлари, зиёлиларининг ўй-фикрларини, уларнинг ҳаётини ва талаб-эҳтиёжларини, уларнинг қизиқишларини ҳужжатларга қараб эмас, балки ўз шахсий тажрибаларидан билиб олишлари керак.

Партия ишига кўтариш учун резерв деб ҳисобланаётган барча коммунистлар, қоида тариқасида худди шундай мактабдан, ҳаёт мактабидан, омма орасида амалий иш олиб бориш мактабидан ўтишларига эришиш лозим.

Кадрларнинг мустаҳкам резервини вужудга келтириш муҳим вазифа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда халқ хўжалигини бошқариш кадрларини тайёрлайдиган олий партия мактаблари ва ўқув юртлари ишини қайта қуриш, жумладан, Ижтимоий фанлар академияси ва Халқ хўжалиги академиясининг тузилганлиги катта аҳамиятга моликдир. Ўтган йиллар мобайнида партия ўқув юртларини 32 минг киши битириб чиқди. Партия, совет ва идеология ходимларидан 240 мингдан зиёд киши курсларда ўқиди.

Хотин-қизларнинг партия, совет, хўжалик ва бошқа раҳбарлик ишларида иштироки тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш лозим деб ўйлайман. Шуни тан олиш керакки, хотин-қизларни масъулиятли лавозимларга кўтариш имкониятларидан ҳамон тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Бундай аҳволни тузатиш керак.

Ҳисобот даврида Марказий Комитет **қабул қилинган қарорлар-**

нинг ижросини текширишга ҳам диққат-эътиборни кучайтирди. Биз муайян йўналишдаги ишга шахсан жавобгар бўлган хилма-хил лавозимлардаги раҳбарларнинг ҳисоботини тез-тез эшитиб турдик. СССР Министрлар Совети, министрликлар ва идоралар, республика, ўлка ва областларнинг партия ва совет органлари эътибори ҳам худди ана шунга қаратилди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети ҳамда маҳаллий партия органларининг партия комиссиялари партия ва давлат интизомини бузишларга қарши курашни кучайтирдилар. Умуман, кўп иш қилиняпти. Аммо шунга қарамай ижрони текшириш кўпгина партия ташкилотлари ишида ҳамон танг жой бўлиб қолмоқда.

Масалан, КПСС Марказий Комитетида бир қатор иттифоқ министрликлари коммунистларининг иши ҳақидаги масала кўриб чиқилганида, хўжалик фаолиятидаги кўп камчиликлар контролнинг аниқ системаси йўқлиги, раҳбарликда қоғозбозлик услуби натижаси эканлиги маълум бўлиб қолди.

Афсуски, раҳбарлик санъати бўлар-бўлмасга кўпдан-кўп директив кўрсатмалар бериб ва уларни инъом қилишдан иборат эмас, деган оддий ҳақиқатни ҳануз ҳамма ҳам чуқур фаҳмлаб олмаган. Қарор қабул қилинганидан кейин унинг белгиланган муддатда сўзсиз бажарилишига эришмоқ керак. Контролнинг кучайтирилиши ана шунга ёрдам бериши лозим. Бундай контрол мунтазам ва оператив, айни пайтда юқоридан ҳам, қуйидан ҳам амалга оширилмоғи даркор.

Раҳбарлик услуби ва методлари бутун партия, бутун халқ учун муҳим масаладир. Буни эсда тутиш, ҳамиша ва ҳамма ишда ленинча нормаларга амал қилиш — ҳар бир партиявий раҳбарнинг бевосита бурчидир!

2. Партия ички ҳаёти масалалари

Ўртоқлар! Партиянинг XXVI съездига тайёргарлик бошланиши билан Марказий Комитет барча коммунистларга мурожаат қилиб, **ҳисобот-сайлов кампаниясини** Марказий Комитетнинг съездга лойиҳаси муҳокамасини ижодий тарзда, ўз-ўзини танқид асосида, ҳаётга, коммунистларни қизиқтираётган конкрет масалаларга кўпроқ яқинлашган ҳолда ўтказишга чақирди.

Партия аъзолари белгиланган соатларда ўтириб, олдиндан тайинлаб қўйилган нотиқларнинг сўзини эшитиш учунгина йиғилишга келадиган бўлса, партия ташкилотларининг иши чинакам самарали бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир партия комитетининг пленуми каби, партия йиғилиши ҳам энг муҳим масалаларнинг ҳаммаси чуқур, жиддий муҳокама қилиниши лозим бўлган жойдир. Съездга худди шундай тайёргарлик кўриш жуда муҳим бўлди, албатта.

Ҳисобот-сайлов кампаниясининг бориши партиямиз аъзолари Марказий Комитет чақириғига катта эътибор бериб, уни қўллаб-қувватлаганлигини кўрсатди. Ҳисобот-сайлов йиғилишларининг кўпчилиги юксак активлик вазиятида ўтди. Бошланғич, цех партия ташкилотларида ва партия группаларида ўтказилган йиғилишларда коммунистларнинг 96 проценти қатнашди. Музокараларда ўн миллионга яқин киши сўзга чиқди.

Ана шу нутқларнинг мазмуни коммунистларнинг ўз иши учун, партияда ва мамлакатда қилинаётган ишларнинг ҳаммаси учун масъулиятни ҳис этаётганлигини кўрсатади. Йиғилишлар, конференциялар ва съездларнинг қатнашчилари сайлаб қўйиладиган партия органларининг фаолиятига талабчанлик билан баҳо бердилар. Улар нуқсон ва камчиликларни танқид қилдилар. Кўпгина қимматли таклифлар айтилди.

Буларнинг ҳаммаси партиянинг коллектив ақл-идрокидир, ўртоқлар. (**Қарсаклар**). Бу — партиянинг ягона иродаси ҳам бўлиб, коммунистлар Марказий Комитет теварагига жипслашганлигини ифода этади. (**Давомли қарсаклар**).

Демократик централизм Коммунистик партия ҳаётининг қатъий нормасидир. Демократик централизм жумладан, марказ билан жойларнинг, партия раҳбар органлари билан партиялилар оммасининг энг яқиндан алоқа боғлашини кўзда тутади. Шу билан бирга бу алоқа икки томонламадир.

Меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари партиянинг омма билан амалий алоқа боғлаши учун восита сифатида жуда катта аҳамиятга эга. Меҳнаткашлар партияга чексиз ишониб, жамоат ҳаёти, меҳнат ва турмушга оид энг муҳим масалалар юзасидан чин кўнгилдан партияга мурожаат қиладилар, ўз мулоҳазалари ва фикр-ўйларини у билан сидқидилдан баҳам кўрадилар, мавжуд камчиликларни танқид қиладилар. Марказий Комитет хатлар билан ишлашга, хатлар юзасидан ўз вақтида тегишли чоралар кўрилишига катта аҳамият беради. Ҳисобот даврида бу иш анча яхши йўлга қўйилди. Марказий Комитет аппаратида хатлар бўлимининг ташкил этилганлиги бунга кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Хатлар тўғрисида фикр юритганда — КПСС Марказий Комитети ҳар куни тахминан бир ярим мингта хат олиб турибди — қуйидаги гапларни айтмай ўта олмайман. Бу хатларнинг кўпи, афсуски, жойлардаги жиддий камчиликларни кўрсатади. Меҳнаткашлар илгари сурадиган масалаларнинг деярли ҳаммаси корхоналар, район ва шаҳар ташкилотлари раҳбарлари томонидан ҳал этилиши мумкин ва лозим. Партиянинг ҳар бир ходими, ҳар бир раҳбар гражданларнинг хатлари, илтимослари ва шикоятларига эътибор ва сезгирлик билан муносабатда бўлишни ўзининг халқ олдидаги, партия олдидаги бурчи деб қарамоғи лозим. (**Қарсаклар**).

Очиқ кўнгиллик билан; виждонан ёзилган хатларга шундай муносабатда бўлиш керак, деб таъкидлаб ўтаман. Имзосиз ҳар қандай туҳмат хатларга келганда шуни айтиш керакки, партиянинг бу борадаги нуқтаи назари маълум: бундай хатларга ҳаётимизда ўрин бўлмаслиги керак! (**Қарсаклар**). Ҳаққоний, амалий танқид билан майдонга чиқадиган кишиларнинг ўз қиёфасини яшириб ўтиришига ҳожат йўқ. (**Давомли қарсаклар**).

Партия ички ахбороти партия демократик ҳаётининг ажралмас қисмидир. КПСС Марказий Комитети ички ва ташқи сиёсат, ташкилотчилик ва идеология иши масалалари юзасидан маҳаллий партия органларига, коммунистларга кенг ва оператив ахборот бериб келди. Айни вақтда КПСС Марказий Комитети, барча партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларининг ахборотидан актив фойдалана бошладилар. Бу ахборот жамоатчилик фикрини эътиборга олиб, жойлардаги ишнинг аҳволи тўғрисида конкрет тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Барча совет гражданларини партия ҳаётидан хабардор қилиб туриш — жуда муҳим ишдир. Партия ташкилотларининг ишида ошкоралик — партиянинг омма билан алоқаларини мустаҳкамлашнинг таъсирчан воситасидир. Бизда бу борада кўп иш қилинмоқда, аммо баъзи ишларни яхши йўлга қўйиш мумкин бўлса керак.

КПСС XXV съездининг кўрсатмалари партияда **танқид ва ўз-ўзини танқидни** янада кучайтиришга рағбатлантирди. Ана шу ижобий тенденцияни бундан буён ҳам бутун чоралар билан чуқурлаштириш, барча партия ташкилотларида ўз-ўзини танқид, камчиликларга нисбатан муросасизлик руҳини қарор топтириш лозим.

Танқид учун таъқиб этиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга

қатъиян зарба бериш зарур. Бизнинг бу масаладаги позициямиз партия Уставида аниқ-равшан қайд этилган. Бу позиция СССР Конституциясида ҳам ўз ифодасини топди. Танқидни бўғувчиларга асло йўл қўймаслик — партия қонунининг ҳам, давлат қонунининг ҳам талабидир! **(Қарсаклар).**

3. Партиянинг идеологик, сиёсий-тарбиявий иши

Уртоқлар! Ҳаммамиз яшаб, ишлаб турган шароитлар кейинги вақтларда анча ўзгарди. Совет кишиси бошқача бўлиб қолди. Унинг билими бойиди, ақл-заковати ўсди, маънавий талаб-эҳтиёжлари анча ортди.

Айни вақтда идеология ходимларимиз ихтиёридаги воситалар хазинаси ҳам кенгайди. 380 миллион нусха босиб чиқарилаётган газета ва журналлар кундалик ахборотнинг мустаҳкам воситасидир. Бизнинг мамлакатимизда ҳар куни 75 миллион телевизион экран ишлаб турибди. Бу эса неча ўн миллионлаб оила ҳар куни партия сиёсатига доир зарур маълумотларни ҳам олиш, янги билимларни ҳам ҳосил қилиш, ақл-идрок ва маънавий жиҳатдан ҳам бойиш имкониятига эга, демакдир.

Иккинчи томондан, синфий душман пропаганда воситаларининг активлиги ошди, унинг совет кишилари онгига заҳарловчи таъсир ўтказиш йўлидаги уринишлари кучайди.

Ана шу янги ҳодисалар ва ҳолатларнинг ҳаммаси тегишинча ҳисобга олинмоқдами? Пропагандамизнинг жуда катта имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмоқдами? Бу саволга фақат битта жавоб бериш мумкин: йўқ, ҳали тўлиқ фойдаланилмаётир.

Шунга биноан, партия Марказий Комитети **идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни яхшилаш вазифаларини** таърифлаб берди. Бу вазифалар КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил 26 апрель қарорида баён этилган. Бу — узоқ муддатга мўлжалланган дастуриламалдир.

Аслини олганда, гап идеология ишининг кўпгина участкалари ва соҳаларини қайта қуриш ҳақида, ҳа, мен янглишганим йўқ, худди шундай қайта қуриш тўғрисида боряпти. Шунга эришмоқ керакки, идеология ишининг мазмуни актуалроқ бўлиб қолсин, бу ишнинг формалари эса совет кишиларининг замонавий талаб-эҳтиёжларига жавоб берсин.

Пропаганда ўткир мавзуларни четлаб ўтмаслиги, қийин деб ҳисобланган масалаларни кўтаришдан қўрқмаслиги жуда муҳимдир. Партиямизнинг сиёсати аниқ-равшан. Биз совет кишилари берадиган ҳар қандай саволларга жавоб қайтаришга тайёрмиз. Биз бу саволларга жавоб бермаганимизда мамлакатимизнинг душманлари социализмга туҳмат қилиш учун бундан фойдаланишга уриниб кўражагини эсда тутиб, доимо шундай дадил ҳаракат қилишимиз керак.

Яна бир хусусда гапириб ўтмоқчиман. Бутун ғоявий-тарбиявий иш сийқаси чиқиб қолган гапларни ишлатмай, тайёр иборaларни кетма-кет келтиравермай, жонли ва қизиқарли қилиб олиб борилиши керак. Совет кишиси — билимдон, маданий кишидир. Совет кишиси билан яхши ўйламай, қуруқ расмий тил билан гаплаша бошласалар, ҳаёт билан, реал фактлар билан конкрет алоқа боғлаш ўрнига умумий гаплар билан чекланиб қоладиган бўлсалар, у телевизор ёки радиони ўчириб қўяди, газетани ҳам бир чеккага йиғиштириб қўяди.

Бизнинг партиямиз совет журналистларининг кўп минг кишилик отрядига зўр ишонч билан қарайди, уларнинг оғир меҳнатини ғоят қадрлайди. Табиийки, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларимизнинг ҳамиша партия ва умумхалқ жамоатчилик фикрининг чинакам минбари бўлиб қолишидан ҳаммамиз манфаатдормиз. Газета

ёки журналда босиб чиқариладиган ҳар бир мақолани, телевидение ёки радионинг ҳар бир эшиттиришини фактларнинг ҳаққоний ва оператив баён этилишинигина эмас, уларнинг чуқур анализ қилиб берилишини, жиддий умумлашмаларни ҳам кутаётган кишилар билан жиддий гап олиб бориш деб қараш керак. Биз совет журналистлари матбуотимизнинг кўп миллионли активлари билан биргаликда партия журналистикасининг ленинча принциплари ва анъаналарига амал қилган ҳолда, ҳамиша юксак даражада ижтимоий активлик кўрсатиб ва масъулиятни сезиб иш кўрадилар, деб умид қиламиз! **(Қарсаклар).**

Партия фикрларини оммага етказиб, унинг сиёсатини тушунтириб бераётган кишилар — коммунистлар ва партиясизларнинг катта отрядидан ҳам миннатдор эканлигимизни изҳор қиламиз. Булар — лекторлар ва пропагандистлар, агитаторлар ва докладчилардир. Улар одатда кўнгилли асосда, бўш вақтлари ҳисобига бу иш билан шуғулланадилар. Улар халқ учун фойдали ва керакли иш қилмоқдалар. Уларга катта раҳмат! **(Қарсаклар).**

Шу билан бирга бу соҳада ҳам ўйлаб кўришга асос бор. Бизда оммавий-сиёсий иш формалари анча эскириб қолмадимикин? Кишилар етарли даражада тайёрланмаган, кам маълумотли бўлган даврда аҳвол бошқача эди. Ҳозирги совет кишиси билан муомала қилишга тўғри келганда бошқача йўл тутиш керак. Афтидан, бу тўғрида ўйлаб кўриш ва асосли равишда ўйлаб кўриш керак. Янгиликни ҳис этиш ҳаммадан кўра идеология ходимларига хос хусусият бўлиб қолиши лозим.

Ҳисобот даврида **партия ўқувига** кўп эътибор берилди.

Партия маорифи системасида қарийб 23 миллион киши шуғулланмоқда. Ҳамма жойда ҳафтанинг бир куни сиёсий кун қилиб белгиланди. Кейинги йилларда Москвада, Ленинград ва Киевда, Минск ва Бокуда, Тбилиси ва Челябинскда ўтказилган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциялари тарбия соҳасида илғор тажрибани айирбошлашга, ижодий изланишларга бағишланди. Идеология ходимларининг 1979 йил октябрь ойида ўтказилган Бутуниттифоқ кенгаши бу соҳадаги ҳамма ишларни янада кучайтиришга ёрдам берди.

Бизда, масалан, Москва, Ленинград, Свердловск, Донбассдаги бир қанча ишлаб чиқариш коллективларида партия ўқуви ижодий тарзда уюштирилаётганлигини кўрсатадиган мисоллар бор. Новосибирск илмий марказида ижтимоий ва табиий фанларнинг методологик проблемалари юзасидан семинарлар ўтказиш тажрибаси ҳақли равишда тақдирлашга сазовор бўлди.

Партия маорифида унинг самарадорлиги масаласи, чамаси, асосий масала бўлса керак. Биз нималарга эришмоқни истаймиз? Биз партия сиёсатининг омма фаолияти билан қўшилиб кетишини, партия маорифи кишиларни В. И. Ленин сўзлари билан айтганда «ҳақиқатан коммунизм талаб қилгандай иш қилиш»га (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 337-бет) ўргатишини истаймиз. **(Қарсаклар).** Бошқача қилиб айтганда, бунда гап партиянинг ғоявий-назарий, сиёсий-тарбиявий, ташкилотчилик ва хўжалик ишларининг бирлигига амалда эришиш тўғрисида боряпти. Бизнинг мақсадимиз шундай. Аммо ҳамма жойда ва ҳамиша ҳам аҳвол шундай деб бўлмайди.

Партия маорифининг кўп мактаб ва семинарларида назарий тайёргарлик кишиларни қизиқтираётган актуал ижтимоий ва ишлаб чиқариш проблемаларини ҳал этиш билан ҳануз етарли даражада боғлаб олиб борилмаётир. Тингловчиларнинг назарий ўқишга бўлган иштиёқини камайтирадиган расмиятчилик ва қироатхонлик кўринишларига ҳам ҳануз барҳам берилган эмас.

Чамаси, семинарлар тингловчиларининг сонини ҳаддан ташқари кўпайтиришга маҳлиё бўлмай, ўқишнинг сифатини, аввало, комму-

нистлар ўқувининг сифатини қатъиян яхшилаш керак. Пропагандист кадрларимизни танлаш, тайёрлаш ва уларга ўз вақтида ахборот бериб туришга пухта ёндашмай туриб, бу вазифани ҳал этиб бўлмайди.

Ахир, пропагандист — партия ўқуви системасида асосий сиймо-ку. Семинарлар, сиёсий мактаблар, университетларнинг қандай бўлиши: улар кўпинча одамлар зерикиб қоладиган, белгиланган соатларгина «ўтказиладиган» жой бўлиб қоладими, ёки бунинг аксича, ҳамма ерда жонли партия тафаккури, партия сўзининг ҳақиқий марказлари бўлиб қоладими, бу нарса кўп жиҳатдан пропагандистга боғлиқдир. Кишиларнинг партия ўқувига муносабати, аввало, партиянинг идеология, пропаганда активларига боғлиқ бўлади. Кишиларнинг ўзлари партия назария ва сиёсатининг актуал проблемаларини коллектив равишда муҳокама қилиш, ўзларини қизиқтираётган ҳамма масалаларга жавоб олиш, ғоявий-назарий билимларини ошириш учун партия ўқувига интилишлари лозим.

Партиянинг идеология, пропаганда соҳасида иш олиб борувчи активи марксча-ленинча таълимотни янада ривожлантириш ва оммани тарбиялашда, коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда омманинг ижодий ғайрат-шижоатини оширишда биринчи даражали роль ўйнайди.

Уртоқлар! Марксчи-ленинчи партия содир бўлаётган воқеаларни билиб олишга, ҳаётдаги янги воқеаларни умумлаштиришга, **марксча-ленинча назарияни ижодий ривожлантиришга** тегишлича эътибор бермаса, ўз ролини бажара олмайди. Биз бу вазифани ҳамиша жуда муҳим вазифа деб ҳисоблаб келдик, ҳисобот даврида ҳам бу вазифани ҳал этишга катта эътибор бердик.

XXV съезддан кейин партиянинг назарий хазинаси бир қанча умумлашмалар ва хулосалар билан бойиди. Назария соҳасида қилинган ишлар орасида, аввало ривожланган социализм концепциясининг ишлаб чиқилганлигини кўрсатиб ўтиш керак. Партия шу концепцияга таяниб, программ мақсадларимизни амалга ошириш йўллари ва муддатларини аниқлади ҳамда конкретлаштирди, узоқ тарихий даврга мўлжалланган стратегия ва тактикани белгилади.

Партия ҳужжатларида ва кейинги йилларда бажарилган илмий-тадқиқотларда етук социализмнинг турли жиҳатлари очиқ кўрсатиб берилмоқда. Жаҳон социализмининг тажрибасини анализ қилиб, жаҳон революцион жараёнининг қонуниятларини очиб берадиган асарлар яратилди. Халқаро ишчилар ҳаракатининг тарихи, капитализм умумий кризисининг ҳозирги босқичи ва давлат-монополистик капитализмининг ривожига доир тузук тадқиқотлар бор. Ҳозирги халқаро муносабатларни ўрганиш соҳасида жиддий қадамлар қўйилди.

Хуллас, кўп иш қилинди ва бу иш тақдирлашга сазовордир. Лекин ижтимоий фанлар соҳасида қаноат ҳосил қилиб бўлмайдиган ишлар ҳам бор. Схоластик назариябозлик томон майл қилишга ҳали чек қўйилган эмас. XXV съездда ҳам шу ҳақда гапирилган эди. Файласуфлар ҳаётнинг янги ҳодисалари тўғрисида фикр юритиш ўрнига кўпинча исбот қилинган нарсани тасдиқлаб ўтишни афзал кўрадилар. Социализм сиёсий иқтисодида ҳал этилиши лозим бўлган проблемалар оз эмас. Фан-техника революциясининг социал оқибатлари зўр эътиборни талаб этади. Жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги ҳодисаларни чуқур ва дадил анализ қилмоқ керак. Жамоатчилик фикри ҳали суст ўрганилмоқда. Бу — шуғулланишимиз лозим бўлган масалаларнинг бир қисми, холос.

Уртоқлар! Марказий Комитет умумпартиявий аҳамиятга молик бўлган яна бир катта масалани съезднинг муҳокамасига қўйиш зарур, деб ҳисоблайди.

Ҳисобот даврида мамлакатда содир бўлган ҳамма ўзгаришлар,

жаҳон миқёсидаги ҳамма ишларимиз партиянинг программ йўл-йўриқларига мувофиқ амалга оширилди. КПССнинг ҳозир амалда бўлган Программаси ижтимоий тараққиёт қонуниятларини умуман тўғри акс эттиради. Аммо бу Программа қабул қилинган пайтдан буён йигирма йил ўтди.

Шу давр ичида СССРда социалистик ва коммунистик бунёдкорлик соҳасида кўп тажриба тўпланди. Бу тажриба коммунизм сари олға қараб қилаётган ҳаракатимиз ривожланган социалистик жамият босқичи орқали содир бўлаётганлигини жуда яққол тасдиқлайди. Бу — юқорида таъкидлаб ўтилганидек, коммунистик формацияни қарор топтиришда зарур бўлган қонуниятли ва тарихан узоқ давом этадиган даврдир. Партия кейинги йилларда шундай хулосага келди ва уни ишлаб чиқди. Бу хулосани партия Программасида, шубҳасиз, тегишли формада акс эттириш лозим.

Чамаси, Программада экономикамизнинг структурасида рўй берган ўзгаришларни аниқ-равшан кўрсатиб бериш, узоқ вақтга мўлжалланган вазифаларни таъкидлаб ўтиш ва аниқлаш даркор бўлса керак.

Биз бунда Лениннинг Программа асосий принципларнигина белгилаб беради, Программада тафсилотларни олдиндан пайқаб олишнинг иложи йўқ ва бундай қилиш мақбул эмас, деган йўл-йўриқларига албатта амал қилишимиз лозим.

Халқаро майдонда ҳам кўпгина янги, принципиал жиҳатдан муҳим ҳодисалар ва жараёнлар пайдо бўлди.

Социалистик дунёда бу жараён қардош мамлакатларнинг муттасил яқинлашиб боришидан, иқтисодий интеграциянинг ривожланишидан иборат. Социалистик мамлакатлар тараққиёти йўлида учрайдиган қийинчиликлардан ҳам сабоқ чиқариб олиш даркор бўлса керак.

Халқаро ҳаётнинг империализм мустамлакачилик системасининг тугатилиши, неча ўнлаб ёш давлатларнинг жаҳон миқёсидаги сиёсий роли ўсганлиги, бу давлатлардан кўпи социалистик йўналишдан ривожланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги каби принципиал муҳим ҳодисаларини ҳам партия Программасида акс эттириш лозим.

Капитализм дунёсидаги баъзи ҳодисаларни, жумладан капитализм умумий кризиси ҳозирги босқичининг хусусиятларини, ҳарбий-саноат комплекси, кўп миллатли корпорацияларнинг роли ўсганлигини англаб, билиб олиш талаб этилади, албатта.

Бизнинг партиямиз тинчлик учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун курашда жуда катта тажриба тўплади. Бунинг натижасида тинч-тотув яшаш назарияси ҳам, практикаси ҳам бойиди.

Афтидан, юқорида айтилган гапларни эътиборга олиб, **амалдаги Программага зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритишимиз керак бўлиб қолади. Съезд делегатлари бундай таклифни қўллаб-қувватласалар, Марказий Комитетга янги таҳрирдаги КПСС Программасини тайёрлашни топшириш мумкин бўлур эди. (Давомли қарсаклар).**

* * *

Ўртоқлар! Вақт жуда тез ўтиб боряпти. Биз бу съездда партиянинг планларини, мамлакатнинг ўн биринчи беш йилликдаги планларини муҳокама қилишимиз ва 1990 йилгача бўлган даврга назар солишимиз керак. Аслини олганда, Ватанимизнинг йигирманчи аср охири, учинчи минг йиллик арафасидаги қиёфаси шу кунларда биз ҳал этадиган масалаларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Йигирманчи аср ўзидан аввал ўтган ҳар бир юз йилдагидан кўра кўпроқ ўзгариш ясади. Бошқа бирон мамлакат бу ўзгаришларга Улуғ Октябрь Ватани, социализм ғалаба қилган биринчи мамлакат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи каби салмоқлироқ ҳисса қўшгани йўқ. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).** Мана, еттинчи ўн йиллик-

дирки, Лениннинг зафарли байроғи бу Ватанни нурафшон қилиб турибди. **(Давомли қарсаклар).**

Социализм бирон даражада таъсир ўтказмаётган биронта мамлакат ёки мамлакатлар группаси, биронта ҳам ғоявий ёки сиёсий оқим йўқ. Йигирманчи аср охирининг реаллиги ана шундай.

Янги ҳаёт осонлик билан вужудга келмайди. Социал тараққиёт йўли оғир, баъзан эса машаққатли ҳамдир. Лекин шунга қарамай, социалистик жамият катта ва реал муваффақиятларга эришди, бу жамиятнинг бунёдкорлари ва ҳимоячилари зўр жасорат кўрсатишди.

Коммунистик партиямиз, биз, совет коммунистлари ҳаётни социалистик негизда қайта қуришни бошлаб беришдек шарафли ролни ўз зиммамизга олдик. Тинчликни ҳимоя қилиш, қаттиқ туриб ҳимоя қилиш каби фахрли вазифа бизнинг зиммамизга тушди. **(Давомли қарсаклар).**

Коммунизм — бизнинг улуғ мақсадимиздир. Меҳнатда қўлга киритиладиган ҳар бир муваффақият, қаҳрамонона ишларимизнинг ҳар йили, ҳар бир беш йиллигимиз бизни шу мақсадга яқинлаштиради. Партия янги беш йилликка ҳам шу нуқтаи назардан баҳо беради. Кўп иш қилиш керак. Улкан ва мураккаброқ вазифаларни ҳал этиш керак. Аммо биз бу вазифаларни ҳал этамиз ва албатта ҳал этажакмиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Дарҳақиқат, совет кишилари эртанги кунга ишонч билан қарамоқдалар. Лекин уларнинг оптимизми тақдир бизни эркалатаверади, деган ишончни билдирмайди. Бизнинг халқимиз ўзи эга бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ўз меҳнати билан яратилганлигини, ўз қони билан ҳимоя қилинганлигини билади. Оптимист эканлигимизнинг боиси шуки, биз меҳнатнинг куч-қудратига ишонамиз. Бунинг боиси шуки, биз ўз мамлакатимизга, ўз халқимизга ишонамиз. Оптимист эканлигимизнинг боиси шуки, биз ўз партиямизга ишонамиз, партия кўрсатиб берган йўл бирдан-бир тўғри йўл эканлигини биламиз! **(Давомли қарсаклар).**

Коммунизм қурувчилар партияси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар! **(Давомли қарсаклар).**

Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, яшнайверсин! **(Давомли қарсаклар).**

Яшасин тинчлик! **(Давомли қарсаклар).**

Яшасин коммунизм! **(Залда ҳозир бўлган кишилар ўртоқ Л. И. Брежневнинг якунловчи сўзларини узоқ давом этган, гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Ҳамма ўрнидан туради. Съездлар саройининг гумбазлари остида «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар!», «Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!», «Улуғ совет халқига шон-шарафлар!», «Яшасин КПСС билан совет халқининг бузилмас бирлиги!» сўзлари зўр куч билан янграйди).**

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXVI СЪЕЗДИГА ҲИСОБОТИ ҲАМДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДА ПАРТИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН КПСС XXVI СЪЕЗДИНИНГ

РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари ҳақидаги докладини тинглаб ва муҳокама этиб, қарор қилади:

1. ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЛЕНИНЧА ЙЎЛИ ВА АМАЛИЙ ФАОЛИЯТИ ТЎЛА-ТЎКИС МАЪҚУЛЛАНСИН.

2. КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҲИСОБОТ ДОКЛАДИ МАЪҚУЛЛАНСИН ҲАМДА БАРЧА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎЗ ИШЛАРИДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДА ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДОКЛАДИДА БАЁН ЭТИЛГАН ҚОИДАЛАР ВА ВАЗИФАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШ ТАКЛИФ ЭТИЛСИН.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

Янги таҳрирдаги КПСС Программасини тайёрлаш тўғрисида

КПСС Программаси қабул қилинган пайтдан буён 20 йил ўтганлигини ва бу даврда социалистик ва коммунистик қурилишда катта тажриба тўпланганлигини ҳамда халқаро майдонда янги ўзгариш ва жараёнлар содир бўлганлигини назарда тутиб, КПСС XXVI съезди қарор қилади:

КПСС Марказий Комитетига жаҳондаги ижтимоий тараққиёт қонуниятларини, партия ва совет халқининг коммунизм учун курашдаги мақсадларн ва асосий вазифаларини умуман тўғри белгилаб берган партиянинг амалдаги Программасига зарур қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳамда янги таҳрирдаги КПСС Программасини партиянинг навбатдаги съездига тайёрлаш топширнлсин.

Бунда совет жамиятининг ҳаётидаги ва жаҳоннинг ижтимоий тараққиётидаги энг муҳим ўзгаришлар, коммунизм қурилишининг энг катта вазифалари Программада илмий жиҳатдан чуқур акс эттирилиши лозим.

КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисоботи юзасидан

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981—1985 ЙИЛЛАРГА ҲАМДА 1990 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. ТИХОНОВнинг 1981 йил 27 февралдаги доклади

Делегат ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди иши ижодкорлик, ишчанлик ва жипслик муҳитида ўтмоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Марказий Комитет номидан қилган ҳисобот докладини съезд делегатлари, партиямиз, бутун совет халқи зўр тарихий аҳамиятга молик ҳужжат деб қабул қилдилар. **(Давомли қарсаклар).**

Леонид Ильич Марказий Комитетнинг кўп қиррали фаолиятини, партия билан халқнинг мамлакат иқтисодий қудратини ва унинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш, совет кишиларининг турмушини яхшилаш, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги баҳодирона ишини бениҳоя чуқур тавсифлаб берди.

Ҳисобот доклади марксизм-ленинизм таълимотини ижодий ривожлантириш ва бойитишга, ривожланган социализм даврида партиянинг бош йўлини илмий асослашга қўшилган буюк ҳиссадир. У Ленин бунёд этган коммунистлар партияси ўзини бағишлаган мақсадларнинг улуғлиги ва идеалларнинг олижаноблигини яққол ойдинлаштириб беради. **(Қарсаклар).**

Докладда партиямизнинг донолиги ва мамлакат тақдири учун юксак масъулияти, 17 миллиондан ортиқ коммунистлар армиясининг, барча совет кишиларининг якдил иродаси мужассамлашган. Съездда ҳаракат қўлланмаси деб якдиллик билан маъқулланган бу доклад партия билан халқни янги вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилади, коммунистик бунёдкорликнинг илҳомбахш истиқболини очади. **(Қарсаклар).**

Партиямизнинг ички ва халқаро сиёсат йўли замон синовидан ўтди, турмушда тасдиқланди. Биз, ўртоқлар, бу йўл — бирдан-бир тўғри, ленинча йўл!— деб тўла асос билан айта оламиз. **(Қарсаклар).**

Бу йўлни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда Леонид Ильич Брежнев жуда катта роль ўйнамоқда. Партия билан халқ Леонид Ильични қудратли Ватанимизни коммунизм сари комил ишонч билан олға бошлаб бораётган доно ва синалган раҳбар деб билмоқдалар! **(Давомли қарсаклар).**

Бизнинг вазифамиз ҳар беш йиллик сайин тобора кенг миқёс касб этиб, мураккаблашиб бормоқда. Партия Марказий Комитети XXVI

съезд муҳокамасига тақдим этган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари лойиҳаси шундан далолат беради.

Лойиҳа XXIV ва XXV съездларнинг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари асосида тайёрланган.

Асосий йўналишларда СССРдаги коммунистик қурилиш практикаси умумлаштирилган, бошқа социалистик мамлакатларнинг тажрибаси эътиборга олинган, ўнинчи беш йиллик якунлари чиқарилган, иқтисодий ва социал тараққиётнинг янги беш йилликка ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган вазифалари белгилаб берилган, шу вазифаларни амалга ошириш тадбирлари системаси ишлаб чиқилган.

Лойиҳа совет кишисининг бахт-саодати тўғрисидаги, социалистик Ватанни янада равнақ топтириш ва унинг қудратини мустаҳкамлаш ҳақидаги ғамхўрлиқ руҳи билан суғорилган. Моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ўстириш, фан ва техника тараққиёти, ташқи иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш ва халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш мана шунга қаратилган.

Лойиҳа матбуотда, меҳнат коллективларида, партия йиғилишлари ва конференцияларида, иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида манфаатдорлик билан амалий муҳокама қилинганлиги социалистик демократия ҳаётий кучининг, партия билан халқ бузилмас бирлигининг ёрқин намойишига айланиб кетди.

Умумхалқ муҳокамаси давомида бу муҳим ҳужжатни бойитадиган қимматли таклифлар, қўшимчалар, тузатишлар киритилди.

Чет элларда Асосий йўналишлар лойиҳаси хусусида жуда кўп фикр-мулоҳазалар билдирилди. Дўстлар уни реал социализм ғоялари ва практикаси тантанасининг яна бир ишонарли далили, деб билмоқдалар. Улар меҳнатдаги ғалабаларимиздан биз билан бирга қувонмоқдалар ва совет кишиларига чин кўнгилдан янги муваффақиятлар тиламоқдалар. **(Қарсаклар).**

Ғарбдаги сиёсат ва савдо-саноат доираларининг кўпгина реалистик фикрловчи намояндалари планларимизнинг тинчликка қаратилганлигини, партия билан совет халқи ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга доимо интилиб келаётганликларини қайд этаётганликлари диққатга сазовордир.

Ғанимларнинг социалистик хўжалик системасига қилаётган хуружлари, совет экономикаси қандайдир «кризисга» учради, деб тўқиётган туҳмат-уйдирмалари хусусида шуни айтиш керакки, бу уйдирма ва хуружларни турмушнинг ўзи чиппакка чиқармоқда.

Ўткир социал зиддиятлар, ишсизлик, пулнинг қадрсизланиши, кризислар ва таназзуллар гирдобига тушиб қолган, қуролланиш пойгасини авж олдираётган капиталистик жамиятга социализм жамиятнинг социал-сиёсий ва ғоявий бирлигини, меҳнат аҳли тўғрисидаги ғамхўрликни, социалистик хўжалик юритиш системасининг, планли экономиканинг афзалликларини, қуролланиш пойгасини жиловлаш сиёсатини қарама-қарши қўймоқда.

Икки дунё — социалистик ва капиталистик дунёнинг мана шу рўбарў туришида социализм ўз халқ хўжалигини барқарор ривожлантирмоқда, халқ фаровонлиги ва маданиятини муттасил оширмоқда, марксизм-ленинизм ғояларининг ҳаққонийлиги, социал адолат, юксак инсонпарварлик, чинакам демократизм, ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун деган сўзларни ўзига шиор қилиб олган социалистик турмуш тарзимиз билан ажралиб турибди. Келажак — социализмникидир! **(Қарсаклар).**

I. ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДА ЭКОНОМИКАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ЎСИШИ

Ўртоқлар!

Ўнинчи беш йиллик мобайнида мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётининг йўналиши КПСС XXIV ва XXV съездларида ишлаб чиқилган йўлга тўла-тўкис мувофиқ бўлди. Шу йўлни амалий равишда рўёбга чиқариш натижасида совет жамияти турмушининг ҳамма соҳалари ва жиҳатлари узлуксиз ривож топди.

Халқ фаровонлиги ошди, мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий потенциали ўсди. Халқнинг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги янада кўпроқ кучайди, ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг иттифоқи, барча миллат ва элатларнинг бузилмас дўстлиги мустаҳкамланди, социалистик демократия чуқурлашди.

Ривожланган социализм жамиятининг улуғ ғалабалари СССРнинг янги Конституциясида мустаҳкамлаб берилди.

Қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлик кенгайди ва кучайди.

Совет давлатининг халқаро обрў-эътибори беҳиҳоя юксалди. У жаҳон тараққиётига зўр таъсир ўтказмоқда.

Чуқур мамнуният туйғуси билан айтиш мумкинки, ўнинчи беш йиллик — партиямиз билан халқимизнинг катта зафарлари беш йиллигидир! Коммунистик қурилиш йўлида янги қадам қўйилди! Биз шу билан фахрланишга ҳақлимиз, ўртоқлар! **(Қарсаклар).**

Мамлакат ривожини таърифловчи конкрет кўрсаткичларга ўтганда, аввало, шуни уқтириш лозимки, ўтган беш йиллик мобайнида экономиканинг миқёслари анча ўсди, ишлаб чиқаришни мутлақ ўстириш соҳасида юксак натижаларга эришилди. Миллий даромад тўққизинчи беш йилликка нисбатан 400 миллиард сўмлик, саноат маҳсулоти 717 миллиард сўмлик миқдорда кўпайди.

Химия ва нефть химияси саноати, электроника, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари ишлаб чиқариш, приборсозлик, автомобилсозлик илдам суръатлар билан ривожланди. Замонавий машина-ускуналар ишлаб чиқариш кўпайди.

588 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. 1200 тадан кўпроқ йирик саноат корхонаси қурилди.

Ёқилғи-энергетика комплекси янада ривож топди. Биз яхши хом ашё базасига ва замонавий машинасозликка эга бўлиб олиб, атом энергетикасини ривожлантиришда катта қадам қўйдик. СССРнинг туташ энергетика системасини вужудга келтириш иши давом эттирилди. Бу система эндиликда 220 миллиондан кўпроқ аҳоли яшайдиган территорияни ўз ичига олиб турибди. Мамлакатнинг туташ газ таъминоти системаси барпо этилди — магистрал газ қувурлари кейинги икки беш йиллик мобайнида 64 минг километр ёки 2 баравар узайди.

Леонид Ильич Брежнев XXV съезд минбарида туриб, Ғарбий Сибирнинг машаққатли шароитларида меҳнат жасоратлари кўрсатган — мамлакатнинг энг катта ёқилғи-энергетика базасини вужудга келтириб, ўзлаштирган ажойиб кишилар тўғрисида зўр самимият билан гапирган эди. Мана партиянинг юксак баҳосидан руҳланган сибирликлар XXV ва XXVI съездлар ўртасидаги вақт ичида нефть (шу жумладан газ конденсати) қазиб чиқаришни икки баравардан зиёд ва газ қазиб олишни 4,3 баравар кўпайтирдилар. Бу — Ватан манфаатлари йўлидаги яна бир жасорат, XXVI съездга муносиб туҳфа бўлди! **(Қарсаклар).**

Ўнинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида катта тадбирлар амалга оширилди. Бу тармоқни ривожлантиришга 170 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Саноатимиз қишлоқнинг қишлоқ хўжалик машиналарига ва минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқроқ қондира бошлади. Қишлоқ қурилиши, мелиорация ва сув хўжалиги, чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги, микробиология саноати сингари ихтисослаштирилган тармоқлар янада ривож топди.

Қишлоқ хўжалигининг моддий базасини мустаҳкамлаш, муҳим социал-иқтисодий тадбирларни амалга ошириш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ўстириш учун яхши замин яратмоқда.

Беш йилнинг уч йили мобайнида об-ҳаво шароитлари ноқулай келишига қарамай, қишлоқ хўжалигининг маҳсулоти ўртача йиллик ҳисобда 9 процент кўпайди. Ўртача йиллик дон ҳосили биринчи бор 205 миллион тоннага етди ва тўққизинчи беш йилликка нисбатан 23 миллион тоннадан зиёд кўпайди. Ўртача йиллик пахта ҳосили 1 миллион тоннадан зиёд кўпайди, 1980 йилда салкам 10 миллион тонна пахта ҳосили олинди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бошқа турларини етиштириш ҳам кўпайди.

Партия халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини ошириш йўлини изчиллик билан ўтказиб келди. Аҳоли жон бошига реал даромадлар кўпайди. Беш йиллик охирига келиб аҳолининг ярмига яқини оиланинг ҳар бир аъзоси ҳисобига ойига 100 сўмдан кўпроқ даромад оладиган бўлди, ҳолбуки, 1970 йилда аҳолининг атиги 18 проценти мана шундай даромадга эга эди.

Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи қарийб 16 процент ва колхозчиларнинг жамоат хўжалигидан оладиган даромадлари 26 процент кўпайди. Қора ва рангли металлургия, кўмир ва тўқимачилик саноати, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, темир йўл транспорти сингари муҳим тармоқлардаги ходимларнинг айрим категориялари меҳнат ҳақи оширилди. Халқ хўжалигининг ноишлаб чиқариш тармоқларидаги ходимлар ставкалари ва окладларини ошириш иши тугалланди.

Уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилди. Ўнинчи беш йилликда 50 миллиондан кўпроқ киши ўзининг уй-жой шароитларини яхшилаб олди.

Ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан маориф, соғлиқни сақлаш, меҳнат ветеранларини моддий жиҳатдан таъминлаш ва бошқа социал тадбирларга кўпроқ маблағ сарфлана бошланди. Колхозчиларнинг, халқ хўжалигидаги бир қанча тармоқлар ходимларининг, инвалидларнинг пенсия таъминоти яхшиланди. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун бир қанча қўшимча имтиёзлар белгиланди. Мана шуларнинг ҳаммаси бизнинг мамлакатимизда меҳнат ва жанговар жасорат аҳллари иззат-икром қилинаётганидан, барчанинг ҳурматига сазовор бўлаётганидан, Коммунистик партия билан Совет давлати уларга доимо ғамхўрлик кўрсатаётганидан далолат беради!

Ҳамма ютуқларимиз — халқ қилган жуда катта меҳнатнинг, барча иттифоқдош республикалардаги меҳнаткашлар фидокорона куч-ғайратининг натижасидир. Меҳнаткашлар кундалик ишларида чинакам тарихий жасорат кўрсатмоқдалар, мамлакатни янги тараққиёт босқичларига кўтармоқдалар!

Биз, коммунистлар қаҳрамон ишчилар синфимиз, шонли колхозчи-деҳқонларимиз, истеъдодли халқ зиёлиларимиз учун буюк ифтихор туйғусига тўлиб-тошмоқдамиз! **(Қарсаклар).**

Мамлакатимизда Ленин партиясининг иши, коммунизм иши бутун халқнинг иши бўлиб қолганлиги билан фахрланамиз! Бу — бизнинг куч-қудрат ва енгилмаслигимиз манбаидир! Совет халқи Ленин

партияси раҳбарлигида коммунистик бунёдкорлик йўлидан дадил олға бормоқда! **(Қарсаклар).**

Партия ўнинчи беш йиллик мобайнида қилинган ишларни муносиб баҳолаш билан бирга қийинчиликлар ва камчиликларни ҳам кўриб турибди. Аввало, гап меҳнат унумдорлигини ошириш, халқ хўжалигининг айрим тармоқларини жадал ривожлантириш вазифасини белгиланганидек ҳал этишга, капитал маблағларнинг сочиб юборилишини тугатишга муваффақ бўлинмаганлиги тўғрисида бормоқда. Ресурслардан ҳамиша ҳам омилкорлик билан фойдаланилди, деб бўлмайди. КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладида, съезд делегатларининг нутқларида бу ҳақда ғоят жиддий гапирилди.

Марказий Комитетнинг ҳисобот докладида уқтириб ўтилганидек, ишнинг сифат томонидан кўра, миқдор томони кўпроқ биринчи ўринга қўйилган даврда вужудга келган инерция кучи, анъаналар ва одатлар тўла-тўкис бартараф қилинмаганлиги халқ хўжалигидаги қийинчиликлар ва камчиликларнинг, танг жойларнинг асосий сабабидир.

Ҳозир партия талабларининг моҳияти — социалистик хўжалик системасининг афзалликларидан, жуда катта иқтисодий имкониятлар ва резервлардан максимал равишда фойдаланиб, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, унинг самарадорлигини ва иш сифатини ошириш йўлига узил-кесил ўтиб олишдан иборат. Бу иқтисодий қурилишда эришилган муваффақиятларга таяниб, қийинчиликларни бартараф этиш, ўн биринчи беш йилликда ва шундан кейинги йилларда халқ хўжалигини янада ўстиришни таъминлаш, съезд белгилаб берадиган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

II. ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДА МАМЛАКАТНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Ўртоқлар!

Партия саксонинчи йилларнинг бошларида мамлакатни иқтисодий ва социал жиҳатдан янада ривожлантиришнинг илмий асосланган программасини ўртага қўймоқда. Бу программа КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига Ҳисобот докладида назарий ва сиёсий томондан ҳар томонлама асослаб берилди ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари лойиҳасида ўзининг конкрет ифодасини топди.

Янги беш йиллик вазифалари ўн йиллик истиқболи билан уйғунлаштириб белгилаб олинди. Бундай қилиш иқтисодий сиёсатни амалга оширишдаги изчилликни таъминлаш, яқин вақт ичидаги ва анча олис келажакдаги марраларни тўғри режалаштириш, экономиканинг энг муҳим проблемаларини ҳал этиш йўллари ва методларини белгилаш имконини беради. Бу — планлаштиришимизни янада такомиллаштиришдаги муҳим қадамдир.

Партия халқ хўжалигини барқарор, тобора ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва экономикани интенсив ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциалидан янада оқилона фойдаланиш, ҳамма турдаги ресурсларни ҳар томонлама тежаш ва иш сифатини яхшилаш асосида совет киши-

ларининг фаровонлигини янада оширишни таъминлашни ўн биринчи беш йилликнинг бош вазифаси қилиб қўймоқда.

Ўн биринчи беш йилликда халқ хўжалиги энг муҳим тармоқларининг ривожланиши қуйидаги маълумотлар билан характерланади:

	1976—1980 йиллардаги ўсиш (процент ҳисобида)	Асосий йўналишлар лойиҳасига мувофиқ 1981—1985 йиллардаги ўсиш (процент ҳисобида)
Саноат маҳсулоти	24	26—28
шу жумладан:		
„А" группаси	26	26—28
„Б" группаси	21	27—29
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти (ўртача йиллик етиштириш)*	9	12 -14
Темир йўл транспортининг юк обороти	6	14—15
Капитал маблағсарфлаш*	29	12—15
Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти	24	22—25

*аввалги беш йилликка нисбатан ўсиш

Шу маълумотларни чамалаб, янги беш йиллик учун иқтисодий ривожланишнинг муттасил, барқарор суръатлари белгиланганини мамнуният билан қайд этиш мумкин. Бу истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромадни 18—20 процент кўпайтиришни таъминлайди.

Халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини юксалтириш программаси

Халқ бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳамиша Коммунистик партия сиёсати ва бутун амалий фаолиятининг олий мақсади бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўн биринчи беш йилликда партия халқ фаровонлигини изчиллик билан оширишга, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, совет кишиларининг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш ва дам олишини яхшилаш, маориф, фан ва маданиятни — хуллас социалистик турмуш тарзимизнинг жамики таркибий қисмларини ривожлантириш учун тобора қулай шароитларни яратиб беришга доир тадбирларнинг кенг системасини амалга оширишни белгиламоқда.

Миллий даромадда истеъмол фондининг улушини кўпайтириш мўлжалланмоқда. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 16—18 процент кўпаяди.

Меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган тадбирлар орасида аҳолининг хилма-хил моллар ва хизматларга бўлган тўлов қобилияти талабини янада тўлиқ қондириш алоҳида аҳамиятга эга. Давлат ва кооператив савдосининг товар обороти 22—25 процент кўпаяди.

Озиқ-овқат программаси ва халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни ривожлантириш программаси ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилади. Бу — аҳолини гўшт, сут, мева ва бошқа мах-

сулотлар билан таъминлашни яхшилаш имконини беради. Ип газлама, жун, шойи ва зиғир толасидан тўқилган газламалар, улардан тайёрланган маҳсулотлар, ички ва устки трикотаж, болаларга аталган моллар, маданий-маиший ва рўзғор буюмлари кўпроқ сотиладиган бўлади. Халқ истеъмол қиладиган молларнинг турларини кўпайтириш ва янгилаш, уларнинг сифатини ошириш, янги, модали, шунингдек арзон ва сифатли моллар сотишни кўпайтириш кўзда тутилган. Бунда асосий озиқ-овқат ва саноат молларининг давлат чакана нархлари стабиллигини таъминлаш йўлини изчиллик билан ўтказиш назарда тутилмоқда. Савдо-сотиқ, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат ҳамда бутун хизмат соҳаси корхоналари ишини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида кўп иш қилиниши лозим.

Аҳолининг пул даромадлари ҳам кўпайиб боради. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 13—16 процент ортади. Шу билан бирга меҳнатга тўланадиган ҳақ миқдорини коллектив ва ҳар бир меҳнаткаш ишининг пировард натижаларига боғлиқ қилиб қўйишни кучайтириш таъминланиши лозим. Шароит вужудга келишига ва ресурслар тўпланишига қараб минимал иш ҳақини аста-секин ойига 80 сўмгача етказиш, аввало, халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқларидаги ишчи ва хизматчиларнинг ставка ҳамда окладларини ошириш кўзда тутилди.

Бир қанча тадбирларни марказлаштирилган тартибда амалга ошириш: Уралда ва Қозоғистоннинг баъзи районларида иш ҳақига район коэффициентлари белгиланмаган ишчи ва хизматчилар учун район коэффициентлари, Узоқ Шарқ ва Шарқий Сибирнинг жанубий районларидаги узлуксиз иш стажи учун устама ҳақ жорий этиш, айрим тармоқларда тунги вақтдаги иш учун қўшимча ҳақни кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Иш ҳақини ошириш соҳасидаги янги тадбирларни рўёбга чиқариш учун 1985 йилги ҳисобда тахминан 10 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда.

Колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 20—22 процент ортади. Шахсий томорқа хўжалигидан оладиган даромадлар қўшиб ҳисобланганда колхозчиларнинг даромадлари ишчи ва хизматчиларнинг даромадларига жуда яқинлашиб қолади.

Давлатимиз ҳар бир совет оиласи учун катта амалий аҳамиятга эга бўлган кўпдан-кўп тадбирларни ижтимоий истеъмол фондлари орқали амалга ошираётганлиги маълум. 1985 йилда бу фондлар 138 миллиард сўмга етади, бу эса тўрт кишидан иборат ҳар бир оилага ўрта ҳисобда тахминан 2000 сўмни ташкил этади.

Ҳисобот докладида айтиб ўтилганидек, Марказий Комитет билан ҳукумат оналарнинг ва ёш авлоднинг турмушини яхшилашга, шу мақсадда болалари бўлган оилаларга ва ёш келин-куёвларга давлат йўли билан ёрдам беришни кўпайтириш тадбирларининг янги системасини ишлаб чиқдилар ҳамда уни ўн биринчи беш йилликда ва келгуси йилларда амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Бу тадбирлар болалари бўлган оилаларнинг даромадларини оширишга, уларнинг, айниқса, ёш оилаларнинг уй-жой, турмуш шароитларини яхшилашга, мактабгача тарбия муассасалари тармоғини ҳар бир оила фойдалана оладиган тарзда янада ривожлантиришга, оналарнинг бўш вақтини кўпайтиришга, болаларни тарбиялаш учун энг яхши шароитлар яратишга қаратилган.

Биринчи босқичда — келгуси беш йилликда — болалари бўлган оилаларга давлат ёрдамини кучайтиришга доир тадбирларни мамлакат районлари бўйлаб босқичма-босқич ўтказиш учун тўққиз миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Мана шу маблағ ҳисобига 1981—1983 йилларда оналар учун боласи бир ёшга тўлгун-

га қадар уни боқиш учун қисман ҳақ тўланадиган отпуска жорий этиш мўлжалланмоқда. Келгусида бу отпуска боласи бир ярим ёшга тўлгунча узайтирилади.

Чақалоқ туғилиши муносабати билан биринчи бола учун 50 сўм, иккинчи ва учинчи бола учун 100 сўм миқдорида бир йўла давлат нафақаси жорий этиш **(қарсаклар)**, шунингдек 12 ёшгача икки ва ундан кўпроқ боласи бўлган ишчи аёлларнинг йиллик отпускасини уч кун кўпайтириш белгиланмоқда. **(Қарсаклар).** Ёлғиз оналар учун 1981 йилда ҳар бир болага бериладиган ойлик нафақа миқдорини кўпайтириш белгиланмоқда. **(Қарсаклар).**

Бизнинг мамлакатимизда болалар тўғрисида, оналар ҳақида ғамхўрлик қилиш чинакам давлат аҳамиятига молик ишдир. Партия Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг янги қарори партиямиз билан давлатимиз Лениннинг «Жамики яхши нарсалар — болаларга» деган васиятига муттасил амал қилиб келаётганликларини яққол тасдиқлаб турибди. **(Қарсаклар).**

Янги беш йилликда муносиб дам олишга чиқувчи меҳнат ветеранларининг турмуш шароитлари яхшиланади, ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларнинг қарилик ҳамда инвалидлик юзасидан оладиган пенсиялари, боқувчисидан маҳрум бўлганлиги учун бериладиган пенсияларнинг минимал миқдорлари, шунингдек илгари белгиланган баъзи пенсиялар кўпайтирилади. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг моддий-маиший таъминоти юзасидан янги тадбирлар белгилаб қўйилган.

Беш йиллик мобайнида давлат аҳоли социал таъминотини яхшилашга қўшимча равишда салкам 6 миллиард сўм ажратади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, болалари бўлган оилаларга давлат ёрдамини кучайтириш ва пенсияларни ошириш ҳисобига тахминан 50 миллион совет гражданининг даромадлари ортади.

Одамларнинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш — жамиятимизнинг ўзига хос хусусиятидир. Ўн биринчи беш йилликда янги поликлиникалар ва касалхоналар ишга туширилади, соғлиқни сақлаш муассасаларини медицина техникаси, асбоб-ускуналари билан таъминлаш яхшиланади. Касалликларнинг олдини олишга, аҳолини, аввало, болаларни диспансеризациядан ўтказишга кўпроқ эътибор берилади.

Ҳозир медицина хизматининг сифатини ошириш биринчи ўринга қўйилмоқда. Бу нарса медицина практикасида фан-техника ютуқларидан, диагностика ва даволашнинг замонавий методларидан, самарали дори-дармонлардан фойдаланиш билан белгиланади. Медицина хизматининг даражаси врачнинг, медицина ҳамширасининг, санитария ходимасининг профессионал билимига, тажрибасига, ёрдамига муҳтож бўлган ҳар бир кишига сезгирлиги ва астойдил меҳрибонлигига жуда кўп жиҳатдан боғлиқ, албатта. Соғлиқни сақлаш органлари, медицина муассасаларининг коллективлари медицина ходимлари малакасини оширишга ва юксак маънавий фазилатлар руҳида тарбиялашга жуда катта эътибор беришлари зарур, буларсиз олижаноб медик касбини тасаввур қилиб бўлмайди.

Меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш, туризм, экскурсия хизмати янада ривож топади ва такомиллаштирилади. Ота-оналарнинг болалар билан биргаликда дам олиши ва даволаниши имкониятлари кенгайтирилади.

Физкультура ва спорт совет кишиларининг кундалик турмушига сингиб кетади. Мавжуд спорт базалари ва иншоотлари қайси идорага қарашли эканидан қатъи назар, улардан имкони борича яхшироқ фойдаланиш керак. Халқ депутатлари Советлари, министрликлар ва идоралар, хўжалик органлари, касаба союзлари, комсомол, спорт ташкилотлари бу ҳақда ғамхўрлик қилишлари лозим.

Аввалги йилларда бўлгани каби ўн биринчи беш йилликда ҳам уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилади. Беш йил мобайнида 530—540 миллион квадрат метр уй-жой қуриш мўлжалланмоқда. Янги ўзлаштирилаётган районларда ва қишлоқ жойларда уй-жой биноларини биринчи галда қуриш зарур. Уй-жой биноларини квартиралари яхши планлаштирилган ва пардозланган типовой лойиҳалар асосида қуришга узил-кесил ўтиш белгиланди. Ўн биринчи беш йилликда давлатнинг янги уй-жой майдонлари ҳар бир оилага алоҳида квартира бериш принципи асосида тақсимланади.

Лойиҳада маорифни ривожлантириш, социалистик маданият ва санъатнинг совет кишилари маънавий турмушини бойитишдаги ролини ошириш тадбирлари системаси кўзда тутилган.

Кадрларни тайёрлаш сифатини оширишга, фан ва техниканинг янги соҳалари юзасидан мутахассислар тайёрлашни кўпайтиришга катта эътибор берилади. Олий ва ўрта мактабнинг, ҳунар-техника ўқув юртларининг вазифаси ўқув жараёнини доимо такомиллаштиришдан, ёш авлодни ижтимоий бурчни сезиш, коммунистик дунёқараш руҳида актив тарбиялаб вояга етказишдан иборат.

Телевидение ва радиони, нашриётчилик ишини ривожлантириш, маданий-оқартув муассасаларининг ишини яхшилаш тадбирлари ҳам маънавий эҳтиёжларни янада тўла-тўкис ва ҳар томонлама қондиришга кўмаклашиши лозим.

Келгуси йиллардаги социал ривожланиш программаси тўғрисида гапирганда, бунда меҳнат фаолияти шароитларини яхшилашга, қўлда бажариладиган, малакасиз ва оғир жисмоний меҳнатни бутун чоралар билан қисқартиришга, меҳнат шароитларини енгиллаштиришга алоҳида аҳамият берилаётганлигини таъкидлаш зарур. Кўтарма транспорт, юк ортиш-тушириш ва омбор ишларини механизациялаш даражасини ошириш 1985 йилда шу ишларда банд бўлган 1,5—2 миллион кишининг меҳнатини тежаб қолиш имконини беради.

Меҳнат — инсон ҳаётий фаолиятининг бош соҳасидир, бинобарин, унинг мазмунини доимо бойитиш, ижодий характерини кучайтириш муҳимдир.

Конкрет инсон ҳақида, унинг талаб ва эҳтиёжлари тўғрисида аниқ-равшан ғамхўрлик қилиш, Леонид Ильич Брежнев таъкидлаганидек, иқтисодий сиёсатимизнинг ибтидоси ва интиҳосидир. Ленин партияси фаолиятининг улуғ моҳияти шундан иборатки, у ҳамиша меҳнат аҳлининг яшироқ турмуши ва бахт-саодати йўлида курашиб ва ишлаб келди. Бундан буён ҳам шундай бўлишини совет кишилари яхши биладилар! (**Қарсаклар**).

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама ошириш — энг муҳим хўжалик-сиёсий вазифадир

Ўртоқлар!

Халқ фаровонлигини оширишнинг катта ва кенг программасини фақат моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг самарадорлигинг ошириш негизидагина ҳаётга татбиқ этишимиз мумкин.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама ошириш ҳозирги пайтда иқтисодий тараққиётнинг принципиал негизи бўлиб, коммунистик қурилишнинг бугунги босқичидаги энг муҳим хўжалик-сиёсий вазифа ҳисобланади.

Халқ хўжалигимизнинг интенсив тараққиёт изига кўчирилаётганлигини ўз тарихий кўлами, аҳамияти ва оқибат натижаларига кўра

мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган социалистик индустрлаштириш каби чуқур қайта ўзгартишлар билан бир қаторга ҳақли равишда қўйиш мумкин.

Леонид Ильич кўрсатиб ўтганидек, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш, планлаштириш ва бошқаришни яхшилаш, хўжалик юритиш даражасини ошириш — ҳамма нарса экономикани интенсивлаш вазифаларини ҳал этишга, камроқ харажат ва ресурслар сарфлаган ҳолда ишлаб чиқаришда тобора юксакроқ натижаларга эришишини таъминлашга қаратилмоғи лозим. Партиямиз Марказий Комитети томонидан масаланинг мана шу тахлитда қўйилганлиги съездимизда якдиллик билан маъқулланди. Уни бутун партия, бутун совет халқи қўллаб-қувватламоқда. **(Қарсаклар).**

Саксонинчи йилларда биз экономикани интенсивлаш йўлига буришни тугаллашимиз, социалистик ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини янада оширишнинг янги тадбирларини рўёбга чиқаришимиз лозим. Ўн биринчи беш йиллик эса бу борада янги йирик қадам бўлади ва шундай бўлиши керак.

Асосий йўналишларнинг съезд муҳокамасига қўйилган лойиҳаси совет кишиларининг кўпгина авлодлари томонидан яратилган қудратли ишлаб чиқариш потенциалидан тўлароқ фойдаланиш заруратидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилгандир.

Янги беш йилликнинг характерли хусусияти шундаки, унда пировард халқ хўжалик якунларини меҳнат ва моддий харажатларни, шу жумладан капитал маблағларни кўпайтиришга таққослаган ҳолда илдам суръатлар билан ўстириш мўлжалланган, барча мавжуд ресурслардан тағин ҳам рационал фойдаланиш юзасидан тадбирлар белгиланган.

Меҳнат унумдорлигини ошириш — иқтисодий юксалишнинг бош омилидир. Ўн биринчи беш йилликда ижтимоий меҳнат унумдорлигининг 17—20 процент ўсиши таъминламоғи даркор. Миллий даромад ўсишининг камида 85—90 проценти шу ҳисобга бўлиши лозим. Саноатда, қишлоқ хўжалигида, қурилишда, темир йўл транспортида меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини ўнинчи беш йилликдагига нисбатан анча ошириш керак.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИНГ ЎСИШИ
(процент ҳисобида)

	1976–1980 йиллар	1981–1985 йилларда Асосий йўналишлар лойиҳаси бўйича
Саноатда	17	23—25
Қишлоқ хўжалигида (ижтимоий ишлаб чиқариш: ўтган беш йилликдагига нисбатан ўртача йиллик ҳисобда)	15	22—24
Қурилишда	11	15—17
Темир йўл транспортида	0,5	10—12

Барча тармоқларда юксак унумли меҳнат қилиш учун шарт-шароитлар яратилиши, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш ҳар томонлама жадаллаштирилиши, меҳнатни ташкил қилишнинг бригада формаси қатъият билан жорий этилиши, нормалаштириш иши такомиллаштирилиши ва иш ҳақининг рағбатлантирувчилик роли оширилиши зарур. Ишни шундай ташкил этиш керакки, ишлаб турган

корхоналарда иш билан банд кишиларнинг сони ўзгармаган ва ҳатто камайтирилган ҳолда ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишига эришилсин. Ноишлаб чиқариш соҳаларида меҳнатдан янада рационал фойдаланишга ҳам эътиборни қаратмоқ лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладида кўрсатиб ўтилганидек, бундан буёнги даврда бизнинг иқтисодий қурилишимизда маҳсулотнинг материал сиғимини камайтириш, хом ашё, ёнилғи, энергия, металл, цемент, минерал ўғитлар ва бошқа материалларни тежаб сарфлаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Хом ашё ва ёнилғи-энергетика ресурсларини вужудга келтириш ҳажмини бир хилда сақлаб туриш ва бунинг устига уни янада кўпайтириш тобора қимматга тушиб кетаётганини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бу ресурсларга бўлган эҳтиёжларни қоплаш мақсадида Шимолдаги ва Шарқдаги кам ўзлаштирилган ва шароитлари оғир бўлган районларга кириб боришга тўғри келмоқда. Ҳар бир тонна нефтни, кўмирни, металлни тежашдан келадиган самара тобора салмоқли бўлиб қолмоқда, улардан норационал фойдаланиш оқибатида кўриладиган зарар тобора сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Биз эса ҳали ҳам моддий бойликлардан омилкорлик билан фойдаланишда уқувсизлик қиляпмиз, кўплаб исрофгарчиликка йўл қўйяпмиз.

Келгуси беш йилликда бу борадаги ишларни тубдан яхшилашимиз лозим. Барча ресурсларни сарфлаш бўйича қаттиқ чеклашлар жорий қилинмоқда. Ҳар бир министрликка, иттифоқдош республикага ва корхоналарга уларни тежаш бўйича топшириқлар белгилаб қўйилади. Янги беш йиллик мобайнида халқ хўжалигида 160—170 миллион тонна шартли ёнилғи миқдорида ёнилғи ва энергетика ресурсларининг тежалишини таъминламоғимиз лозим. Машинасозлик ва металл ишлашда қора металлар прокатининг сарфланиш даражасини камида 18—20 процент, пўлат қувурларни 10—12 процент, рангли металлар прокатини 9—11 процент камайтириш мўлжалланмоқда. Ёғоч-тахта, цемент ва бошқа материалларни тежаш юзасидан топшириқлар белгиланмоқда.

Темир-терсаклардан фойдаланишни яхшилаш билан боғлиқ масалаларнинг ҳал қилинишини тезлаштириш алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан темир-терсаклар гўпланадиган районларда металл чиқиндилари базасида ишлайдиган унча катта бўлмаган металлургия заводларини қуриш мўлжалланмоқда.

Министрликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ёнилғи, хом ашё ва материалларни, меҳнат ва молия ресурсларини тежаш юзасидан белгиланаётган топшириқларга минимал даражадаги ва сўзсиз бажарилиши шарт бўлган вазифалар деб қарашлари керак. Хўжаликнинг барча босқичларида, барча тармоқларида ресурсларни тежаш, жумладан илғор техникани, кам чиқимли ва чиқимсиз технологияни қўллаш юзасидан комплекс тадбирлар ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши, илғор тажрибани кенг оммалаштириш таъминланиши керак. Бу — бизнинг ишлаб чиқариш миқёсларимизда фақат ижтимоий меҳнат ва табиий бойликларни тежашнинг йирик резервигина бўлиб қолмай, балки моддий ресурсларни ишлаб чиқариш билан уларга бўлган эҳтиёжни балансланштиришнинг ҳам муҳим шартларидан биридир.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш — ўн биринчи беш йилликнинг туб вазифаларидан биридир. Бизда асосий фондларнинг ўсиши тез суръатлар билан бормоқда. Лекин, улардан кўпгина ҳолларда тегишли даражада самара олаётганимиз йўқ. Ҳаракатдаги ускуналар кўпинча тўла қувват билан ишламаяпти. Машинасозликда металл ишлаш машина-ускуналарининг смена коэффициенти 1,35 га баравар бўлиб қолмоқда. Ишлаб

турган корхоналарда асосий фондларни янгилаш суст олиб борилмоқда. Бунинг устига баъзи ҳолларда янги ишга туширилаётган машина-ускуналар ўз техника-иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан ишлаб турганларидан кам фарқ қилмоқда, қиммати эса анча ошиб кетмоқда.

Асосий фондлардан кўпгина колхоз ва совхозларда ҳам етарли даражада рационал фойдаланилмаяпти. Техникадан фойдаланиш ва уни сақлашнинг ёмонлиги оқибатида улар кўпинча тез ишдан чиқиб, нормативдаги хизмат муддатини ўтамасиданоқ ҳисобдан чиқариб ташланмоқда.

Янги ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш муддатларининг чўзилиб кетаётганлиги ҳам фондлар самарадорлиги ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларга салбий таъсир қилмоқда.

Биз капитал маблағларнинг самарадорлигини оширишда жиддий силжишга эришмоғимиз лозим. Беш йилликда миллий даромад ҳажмини ошириш юзасидан белгиланган даражага капитал маблағларнинг абсолют ва нисбий ўсишини ўтган беш йилликдагига нисбатан камайтирилган ҳолда эришмоғимиз керак.

Капитал маблағларнинг сочиб юборилишига қарши кескин кураш олиб бориш, уларни саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг муҳим участкаларида, ишга тушириладиган қурилишларда жамлаш, янги объектлар қурилиши муддатларини қисқартириш тўғрисида партия Марказий Комитетининг кўрсатмаларини, Леонид Ильич Брежневнинг йўл-йўриқларини янада ғайрат-шижоат билан ҳаётга татбиқ этишимиз лозим.

Ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш ва техникавий жиҳатдан қайта қуроллантиришга ажратиладиган капитал маблағлар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу мақсадлар учун ажратилган маблағлар янги қурилиш учун худди шундай ишлаб чиқариш қувватларини яратиш чоғидагига кўра ўртача уч баравар тезроқ қопланмоқда, ишчи кучига эҳтиёж ҳам камаймоқда. Вазифа бундай маблағларни уларнинг капитал маблағлар умумий ҳажмидаги улушини анча кўпайтирган ҳолда реконструкция ишларига кўпроқ ажратишдан иборатдир. СССР Госплани, министрликлар ва идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари беш йиллик план топшириқларини тайёрлаш чоғида бу масалаларни қайта-қайта диққат билан қараб чиқишлари лозим.

Самарали экономика дегани бу маҳсулотнинг юксак сифатли бўлиши, унинг истеъмол ва техника-иқтисодий хусусиятлари яхшиланиши демакдир. Кейинги йилларда бу борада муайян ютуқлар қўлга киритилди, бироқ, булар бизни қаноатлантира олмайди. Барча турдаги саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини оширишимиз, фан-техника тараққиётининг ҳозирги талабларига, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларига мос равишда буюмларнинг турларини тобора кўпайтиришимиз ва янгилаб боришимиз зарур. Бу борада маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системаларининг жорий қилиниши, тайёр маҳсулотга, комплектловчи буюмлар, материаллар ва хом ашёга белгиланган стандартлар ва техникавий шартларнинг яхшиланиши жиддий роль ўйнаши шарт.

Партия самарадорлик ва сифат йўлини амалга оширишга ишлаб чиқаришни замонавий фан-техника негизида такомиллаштириш юзасидан амалга ошириладиган ишлар билан узвий боғлиқ деб қарайди. Ўн биринчи беш йилликда ишлаб чиқаришни техникавий қайта қуроллантириш ишини тезлаштириш, принципиал жиҳатдан янги техника ва материалларни тезроқ яратиш ва ҳамма жойда жорий этиш йўлидан бориш, юксак унумли, энергия ва материалларни тежайдиган технологияни кенг миқёсда қўлланиш вазифаси қўйилмоқда.

Техникани янгилаш суръатлари тахминан 1,5 баравар жадаллаштирилмоғи керак. Айни чоғда корхоналарнинг ишлаб чиқариш унумдорлигини сезиларли даражада ошириш имконини бермайдиган, ўз конструктив ечимларига кўра эскирган буюмларни ишлаб чиқаришларига йўл қўйиб бўлмайди. Машиналар ва ускуналарнинг техникавий даражасини баҳолаш системасини қаттиқроқ қилиб қўйиш керак. Эскирган машина-ускуналарни ўз вақтида ишлаб чиқаришдан олиш учун, балки ана шундай машина-ускуналарни ишлаб чиқаришнинг маълум бир муддатларини белгилаб қўймоқ ва эскирган моделларни ишлаб чиқарганлик учун таъсирчан чораларни жорий этмоқ лозимдир.

Замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда фаннинг роли тобора ортмоқда. Асосий йўналишлар лойиҳаси илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш муддатларини анча қисқартириш, фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш вазифасини илгари суради. СССР Фанлар академияси, СССР Фан ва техника давлат комитети, барча министрликлар ва идораларнинг бурчи илмий тадқиқотларнинг натижаларини янада тезроқ жорий этишга эришган ҳолда фан учун ажратилаётган маблағлардан рационал фойдаланишдан, уларни истиқболли йўналишларда жамлашдан, илмий муассасалар фаолиятини уйғунлаштириш ишини такомиллаштиришдан иборатдир. Тармоқ комплекс программаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни кенгайтириш керак. Масалага бундай ёндашиш олимларнинг, ишлаб чиқаришдагиларнинг, планлаштириш органлари ва министрликлар ходимларининг куч-ғайратларини энг муҳим илмий-техникавий проблемаларни ҳал этиш йўлида бирлаштириш имконини беради. Фанни ишлаб чиқариш билан бирлаштиришнинг илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари каби таъсирчан формаси янада кенг ривожлантирилади. Уларнинг ҳар бири янги юксак сифатли маҳсулот яратиш ва ишлаб чиқаришнинг, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этишни такомиллаштиришнинг йирик марказлари бўлиб қолиши лозим.

Самарадорлик ва сифатни ошириш юзасидан қўйилаётган вазифаларнинг кўламлари катта ва мураккабдир. Бироқ шунга ишончимиз комилки, хўжалик органлари, партия ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари, касаба союзлар, комсомол ва меҳнат коллективлари қатъий ва собитқадамлик билан иш олиб борган тақдирда бу вазифалар муваффақиятли ҳал этилади! **(Қарсаклар).**

Моддий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришнинг асосий масалалари

Ўртоқлар!

Асосий йўналишлар лойиҳасида моддий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, халқ хўжалиги структурасини такомиллаштириш, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни яхшилаш йўллари белгилаб берилган. Шуларнинг баъзилари хусусида тўхталиб ўтаман.

«А» группасидаги тармоқларнинг маҳсулотларига нисбатан «Б» группасидаги саноат тармоқлари маҳсулотининг янада юксакроқ ўсиш суръатлари ўн биринчи беш йилликнинг принципиал хусусиятидир.

Ўн биринчи беш йилликда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни қуйидаги миқдорда кўпайтириш мўлжалланади:

	Ўлчов бирлиги	1980 йил	1985 йил	1981—1985 йилларда ўсиш проценти
Озиқ-овқат саноати тармоқларининг маҳсулоти	миллиард сўм	100	123—126	23—26
шу жумладан:				
Гўшт (1 категориядаги калла-поча маҳсулоти билан бирга) давлат хом ашё ресурслари ҳисобидан	миллион тонна	8,3	11,1	34
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, давлат хом ашё ресурслари ҳисобидан сутга айлантириб ҳисоблаганда	миллион тонна	24,87	28,3	14
Енгил саноат маҳсулоти	миллиард сўм	100	118—120	18—20
шу жумладан:				
Газлама	миллиард кв. метр	10,7	12,7	19
Трикотаж	миллион дона	1622	2060	27
Чарм пойабзал	миллион жуфт	744,3	830	11,5
Маданий-маиший ва рўзғор моллари	миллиард сўм (чакана нархларда)	43,5	61,0	ўсиш камида 1,4 баробар

«Б» группа маҳсулотларини ишлаб чиқаришни жадал кўпайтириш катта аҳамиятга молик ишдир. Партия ва совет органлари, министрликлар ва идоралар, корхоналарнинг раҳбарлари, меҳнат коллективлари аҳоли учун мол ишлаб чиқаришни кенгайтиришлари ва унинг сифатини анча оширишга ҳамма куч-ғайратларини сарфлашлари керак. Бунда ташаббускорлик ва қатъият кўрсатиш, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатидаги, шунингдек оғир индустриядаги мавжуд ҳамма имкониятлар ва резервларни тўлароқ ишга солиш айниқса муҳимдир. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун маҳаллий ресурслардан ҳам яхшироқ фойдаланиш керак. Кишининг уйига файз киритадиган, унга яхши кайфият бағишлайдиган тўкис ва кўркам қилиб ишланган маҳсулотлар чиқариш аҳолига товар ишлаб чиқарувчи ҳамма кишиларнинг шон-шараф иши ва фахридир. **(Қарсаклар).**

Индустриянинг база тармоқлари — электроэнергетика, металлургия, химия, машинасозлик халқ хўжалигини ривожлантириш ва юксак натижаларга эришишда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Ўн биринчи беш йилликда база саноат тармоқларининг энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш қуйидагича кўпаяди (89-бетдаги жадвалга қаранг.— **Ред.**).

Мамлакат иқтисодий потенциалининг тараққиёти кўп жиҳатдан минерал-хом ашё ресурсларининг ҳолати билан белгиланади. Янги беш йилликда геологик разведка ишлари янада кенг миқёсда ва қатъиятлик билан олиб борилади. Биздаги табиий ресурс запаслари нақадар катта бўлмасин, уларни қазиб олиш ва улардан тежаб-тергаб фойдаланишнинг энг мақбул йўлларини доимо излаш бизнинг бурчимиздир.

	Ўлчов бир-лиги	1980 йил	1985 йил	1981—1985 йилларда-ги ўсиш процент ҳисобида
Электроэнергия	млрд. квт. соат	1.295	1.550—1.600	20—24
Нефть (газ конденсати ҳам шу ҳисобга киради)	млн. т.	603	620—645	3—7
Газ	млрд. куб. м.	435	600—640	38—47
Кўмир	млн. т.	716,4	770—800	7—12
Қора металл прокати (тайёр)	млн. т.	103	117—120	14—17
Машинасозлик ва металл ишлаш маҳсулотлари	млрд. сўм	179	250	ўсиш камида 1,4 баробар
Минерал ўғит: шартли бирликда	млн. т.	104	150—155	44—49
100 процент озуқа моддаларига айлантириб ҳисоблаганда	млн. т.	24,8	36—37	45—49
Синтетик смола ва пластмасса	млн. т.	3,64	6—6,25	65—72
Тола ва химиявий ип	минг т.	1.176	1.600	36
Цемент (хўжаликлараро ташкилотлар тайёрлаганидан ташқари)	млн. т.	124	140—142	13—15

Ўн биринчи беш йиллик Леонид Ильич Брежнев ташаббуси билан ишлаб чиқилаётган СССРнинг энергетика программасини амалга оширишда биринчи босқич бўлади. Бунда аввало, Ғарбий Сибирда мустаҳкам хом ашё базасига эга бўлган газ саноатини жадал ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилади. Янги беш йилликда газ қазишнинг жами ўсишини айни Ғарбий Сибирь ҳисобидан таъминлаш кўзда тутилади.

Ўн биринчи беш йилликда нефть саноати ходимлари катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этишлари лозим.

Электроэнергия ҳосил қилиш асосан ядро ёқилғиси, гидроэнергия ҳамда мамлакатнинг шарқий районларидаги кўмирдан фойдаланиш ҳисобига кўпайтирилади. 1981—1985 йилларда атом электр станциялари ва гидроэлектростанциялардан электроэнергия ҳосил қилишдаги ўсишнинг 70 процентдан кўпроғини, мамлакатнинг Европа қисмида эса электроэнергия ўсишининг қарийб ҳаммасини олиш мўлжалланади. Канск-Ачинск ва Экибастуз ҳавзаларида очиқ усул билан қазиб олинадиган арзон кўмир асосида йирик иссиқлик электростанцияларини қуриш мўлжалланади.

Яқин йилларда йирик шаҳарларни марказлашган усулда иссиқ сув билан таъминлашда принципиал янги йўналишни амалга оширишга киришиш кўзда тутилган. Бу ерда гап иссиқ сув билан таъминлайдиган бир неча кучли атом станцияларини қуриш тўғрисида бораётир, бу станцияларнинг ҳар бири кўп минг кишилик аҳолиси бўлган шаҳарни иссиқ сув билан пухта таъминлаб тура олади ва бунда атроф муҳит ифлосланмайди.

СССР Госплани, СССР Фанлар академияси, СССР Фан ва техника давлат комитети, Кўмир саноати министрлиги, бошқа министрликлар ва идоралар Канск-Ачинск кўмир базасида суюқ ёқилғи тайёрлашни ташкил қилиш борасида Леонид Ильич Брежнев қўйган вазифа билан боғлиқ ҳамма масалаларни ўз вақтида, ҳар томонлама ҳал этиб беришлари муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эгадир.

Биз янги ва самарали энергия манбаларини излаш, улардан рационал фойдаланиш йўлларини излаш борасидаги ишларни кучайтирмоғимиз керак.

Ёқилғи тайёрлаш ва энергия ҳосил қилишни тағин ҳам кўпайтириш ҳамда ёқилғи-энергетика балансини такомиллаштириш халқ хўжалиги ва турмушнинг барча тармоқларини электрлаштириш даражасини анча кўтаришга имкон беради.

Металл ишлаб чиқаришни ўстириш билан бир вақтда металлургияни ривожлантиришда металл сифатини тубдан яхшилаш, металл маҳсулотларининг самарали турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўли янада қатъият билан олиб борилади. Саноат ва қурилиш пировард маҳсулоти бирлигига кетадиган қора металл прокати сарфи камайтирилишини таъминлаш энг муҳим вазифалардан биридир. Бу вазифа прокат сифатини яхшилаш ва хилларини кўпайтириш, истеъмолчилар мумкин қадар оз ишлов беришни талаб этувчи профиллар миқдорини кўпайтириш йўли билан ҳал этилади. Металл порошокларини тайёрлаш анча кўпаяди. Улардан фойдаланиш халқ хўжалигида катта самара бермоқда.

Мана шу тадбирлар, шунингдек металлга ишлов беришда машина конструкцияларини ва технологияни такомиллаштириш, химиявий ва бошқа конструкцион материаллардан янада кенгроқ кўламда фойдаланиш 1985 йилда машинасозликда 8 миллион тонна ва қурилиш ишларида 2 миллион тонна қора металл прокатини тежашга имкон беради.

Металл маҳсулотлар сифатини оширишни таъминлаш учун металлургия корхоналарини техника билан жиддий қайта қуроллантириш, прогрессив технологик жараёнларни жорий этиш борасидаги ишларни давом қилдириш зарур.

Металл маҳсулотлар сифатини ошириш — конструкцион материаллар соҳасида туб силжишлар вужудга келтиришдан иборат янада умумий проблеманинг бир қисмидир. Шуларнинг балансида алюминий, бошқа рангли металлар, прецизион — ғоят аниқ қотишмаларнинг ҳиссаси ўсиб боради. Параметрлари орттирилган ярим ўтказгич материаллар, ғоят мусаффо ва бошқа материаллар ишлаб чиқариш ривож топади. Пластмасса, елимланган ёғоч конструкциялар, ёғоч плиталар, картон ва химия, ёғочсозлик ҳамда целлюлоза-қоғоз саноати бошқа хил маҳсулотларини тайёрлаш кўпайтирилади.

Халқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантириш, уни интенсив йўлга ўтказиш машинасозлар олдига ниҳоятда жиддий вазифаларни қўймоқда. Асосий йўналишлар лойиҳасида ўн биринчи беш йилликда шу тармоқ маҳсулотларини камида 1,4 баробар кўпайтириш назарда тутилган. Энергетика машинасозлиги, оғир машинасозлик, транспорт машинасозлиги, химия машинасозлиги, нефть машинасозлиги, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, станоксозлик, приборсозлик, электротехника саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўпаяди.

Машинасозлик технологиясини такомиллаштириш, ихтисослаштиришни чуқурлаштириш, металл ишлаш ускуналари парки структурасини яхшилаш ҳисобига унинг самарадорлиги ошади. Умумий машинасозлик аҳамиятидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва марказлаштиришга эътиборни кучайтириш керак.

Лекин энг муҳими — машинасозлик маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва уларни янгилашдан иборатдир, албатта. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш учун машина ва ускуналарга бўлган эҳтиёж тўлароқ қондирилмоғи керак.

Асосий технологик машина-ускуналарнинг таркибий қисми сифа-

тида бошқарувчи митти электрон машиналар, приборлар, бошқариш ва контрол қилиш турли системалари ва воситаларини ишлаб чиқариш анча кенгаяди. Агрегат ва қурилмаларнинг якка қуввати ортади, уларнинг иш муддатлари, пухталиги ва самарадорлиги кўпаяди. Автомат манипуляторлар (саноат роботлари) кўпроқ ишлаб чиқарилади.

Ўн биринчи беш йилликда нефть, газ, енгил, озиқ-овқат саноати ва бошқа саноат тармоқларини техника жиҳатидан қайта ускуналашда катта қадам қўйилиши керак.

Қурилиш ва мелиорация ишларини комплекс механизациялаш учун машиналар системаси яратиш асосан тугатилади. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган машиналар системасига кирувчи техника номенклатураси кенгаяди.

Хом ашё, ёқилғи ва энергетика ресурсларини мумкин қадар кўпроқ тежашга имкон берувчи янада унумли машиналарни яратиш ва ишлаб чиқаришни тезлатиш мўлжалланади. Чунончи, металлургия, химия ва бошқа тармоқларда иккиламчи энергия ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш мақсадида утилизатор қозонлар ишлаб чиқаришни 1,6 баробар кўпайтириш кўзда тутилади. Дизель моторли юк автомобилларини ишлаб чиқариш 1,9 баробар кўпайтирилади, бу эса ёқилғининг анча тежалишини таъминлайди.

Машинасозлик тўғрисида гапираётиб яна бир масала устида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу тармоқ замонавий техникани ишлаб чиқарибгина қолмай, у истеъмолчининг самарали ишлашига ҳам актив ёрдам бериши керак. Бунинг учун қуриш жараёнида мураккаб ускуналарни монтаж қилишда машинасозлик корхоналари кенг кўламда қатнашишлари, корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг запас қисмларга бўлган талабларини янада тўлароқ қондириш мақсадида бу ускуналарга техникавий хизмат кўрсатишни ва фирмадаги марказлашган ремонтни тубдан яхшилаш чораларини амалга ошириш зарур.

Янги беш йилликда ягона агросаноат комплексини ҳосил қилувчи тармоқларнинг ўзаро боғланган, балансланган тараққиётини таъминлайдиган ишлар давом эттирилади. Халқ хўжалигига сарфланадиган барча капитал маблағларнинг қарийб учдан бир қисми шу тармоқларни ривожлантириш ва takомиллаштиришга сарфланади, шундан кўп қисми бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришга сарф қилинади. Озиқ-овқат проблемасини ҳал этишда агросаноатнинг жуда катта аҳамияти шуни тақозо этади.

Ўн биринчи беш йилликда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини қуйидаги миқдорда ўстириш мўлжалланмоқда (92-бетдаги жадвалга қаранг.— **Ред.**).

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш топшириқлари ниҳоятда тиғиз тузилган. Уларни бажармоқ учун ажратиладиган ресурслардан фойдаланишни анча яхшилаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ўстириш ва унинг самарадорлигини оширишни таъминлаш керак.

Дон етиштиришни кўпайтириш, озуқа етиштириш ва ишлаб чиқаришни тубдан яхшилаш ва шу асосда чорвачиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нобуд бўлишини камайтириш, унинг сифатини ошириш борасидаги тадбирларнинг амалга оширилиши жуда муҳим вазифалар ҳисобланади.

Аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўсиши бундан аввалги беш йилликка нисбатан икки баравар кўп бўлади. Бунга эришмоқ учун ердан яхшироқ фойдаланиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялаш даражасини ошириш, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни давом эттириш, уни индустриал негиз ва прогрессив технологияга ўтказиш керак. Қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаш,

	Ўлчов бирлиги	1976—1980 йилларда ўртача йиллик етиштирилгани	1981—1985 йилларда ўртача йиллик етиштириладигани	1981—1985 йилларда ўртача йиллик ишлаб чиқаришнинг ўсиши (процент ҳисобида)
Дон	млн. т.	205,0	238—243	16—19
Қанд лавлаги	млн. т.	88,4	100—103	13—16
Кунгабоқар	млн. т.	5,32	6,8	28
Пахта	млн. т.	8,9	9,2—9,3	3—4
Гўшт (сўйилган вазнда)	млн. т.	14,8	17—17,5	15—18
Сут	млн. т.	92,6	97—99	5—7
Тухум	млрд. дона	63,1	72	14
Сабзавот	млн. т.	26,0	29,4	13
Мева ва резавор мева	млн. т.	9,4	11,5	22
Жун	минг т.	460	470—480	2—4

биринчи навбатда чорвачилик фермаларидаги ишларни механизациялаш даражасини юксалтириш вазифаси қўйилади. Колхоз ва совхозларда меҳнатнинг энергия билан қуролланганлиги беш йилликда 1,5 баробар, фонд билан таъминланганлиги эса 1,4 баробар кўпаяди. Янги техника етказиб бериш кўпаяди. Колхоз ва совхозларнинг кучли трактор ва автомобиллар билан таъминланиши анча ошади. Янги беш йилликда қишлоқ хўжалик техникасининг сифати билан боғлиқ аҳволни тузатиш керак бўлади. Бу техниканинг сифати ҳозир анча-мунча эътирозларга сабаб бўлмоқда. У энг юксак талабларга ҳам жавоб беришига эришмоқ зарур.

Саноатимиз минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя этувчи химиявий воситаларни ишлаб чиқариш ва уларни колхоз ва совхозларга етказиб беришни муттасил кўпайтирмоқда. Ўн биринчи беш йилликда минерал ўғит ишлаб чиқариш қарийб 1,5 баравар кўпаяди. Химия саноатининг ходимлари концентрат ўғитлар ва мураккаб ўғитларни кўпроқ ишлаб чиқариш тўғрисида қайғурмоқлари лозим. Шу билан бирга, минерал ўғитлардан фойдаланиш, шунингдек уни тақсимлаш практикаси яхшиланишга муҳтож. Бунда асосий вазифа — энг катта самарага эришишни таъминлашдан, кўпроқ минерал ўғит оладиган хўжаликлар шунга мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва сотишни кўпайтиришидан иборатдир. СССР Госплани, СССР қишлоқ хўжалиги министрлиги, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари шу масалани ишлаб чиқиб, умумдавлат манфаатларига амал қилган ҳолда уни тўғри ҳал этиш йўлларини топишлари керак.

Мелиорацияга ажратиладиган маблағлардан фойдаланганда ҳам шу тахлитда ёндашиш тўғри бўлур эди.

Чорвачиликнинг озуқа базаси тўғрисида гапирганда ембоп дон ресурслардан янада самарали фойдаланиш катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқ зарур. Ўн биринчи беш йилликда ем-хашакнинг оқсил модда ва бошқа тўйимли моддаларга нисбатан балансланганлигини яхшилаш кўзда тутилади. Бунга эса, дуккакли дон ва бошқа сероқсил экинларни, микробиологик синтез маҳсулотларини етиштиришни тезроқ кўпайтириш, ем-хашакдаги тўйимли моддаларнинг нобуд бўлишига барҳам бериш, озуқа ишлаб чиқариш индустриясини ривожлантириш ҳисобига эришиш мўлжалланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини асраш масаласига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Ҳозирга қадар ишлаб чиқаришдан то истеъмолгача бутун йўлда дон, сабзавот, картошка, гўшт ва сут нобуд бўлиб туради. Минерал ўғит ва ем-хашак ҳам анча-мунча нес-нобуд бўлади. Маҳсулотларни сақлаш шароитларини яхшилаш, уларнинг нобуд бўлишини камайтириш учун янги беш йилликда 15 миллиард сўм капитал маблағ ажратиш ёки ўтган беш йиликка нисбатан 1,6 баравар кўп маблағ ажратиш кўзда тутилади. Бу маблағлар дон омборлари, холодильниклар, сабзавот ва ем-хашаклар сақланадиган жойлар, бошқа иншоотлар қуришга сарфланади. Лекин нобудгарчиликка қарши муваффақиятли кураш олиб бориш меҳнатни ташкил этишга, унинг натижаларига онгли, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга кўп даражада боғлиқ. Биз шуни биринчи навбатда эсда тутмоғимиз керак.

Қишлоқ хўжалигини юксалтиришда илм-фан муҳим роль ўйнайди. Бинобарин, олимларнинг куч-ғайратлари тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни бутун чоралар билан юксалтиришга, уруғчиликни яхшилашга қаратилмоғи лозим. Янги сермаҳсул дон, пахта, қанд лавлаги, кунгабоқар навларини яратиб, уларни далаларга тезроқ чиқариш, чорванинг зот ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилаш борасидаги селекция ишларини такомиллаштириш керак.

Қишлоқ хўжалигимизнинг ишлаб чиқариш потенциали катта кўламда ўсди. Ҳозирги вақтда шу имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдалана билиш, агросаноат комплексини ривожлантиришга сарфлаётган маблағларимиздан мумкин қадар кўпроқ самара олишни таъминлаш айниқса муҳимдир. Бу биринчи навбатда барча қишлоқ меҳнаткашларининг, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва уларни истеъмолчиларга етказиб бериш билан банд бўлган турдош тармоқлар ходимларининг уюшқоқлиги, ташаббуси, ишга масъулияти билан белгиланади. Бу ерда агросаноат комплекси ҳамма тармоқларини серунум техника билан таъминлаши лозим бўлган машинасозларимизга ҳам кўп нарса боғлиқ, албатта.

Гўшт, сут, картошка ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришнинг гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари, корхона ва муассасаларнинг ёрдамчи хўжаликлари каби резервини ҳам унутмаслик керак.

Ўн биринчи беш йилликда ишлаб чиқариш инфраструктура тармоқлари янада ривож топади. Темир йўл транспортининг халқ хўжалиги эҳтиёжларидан вужудга келган қолоқлигини бартараф этиш биринчи даражали муҳим вазифадир. Асосий йўналишлар лойиҳасида темир йўл транспортининг моддий-техника базасини жиддий мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Шу мақсадлар учун сарфланадиган капитал маблағлар 1,3 баравардан зиёд кўпаяди. Электровоз ва тепловозлар парки кенгаяди. Контейнерга солиб, пакетлаб юк ташиш кенг ривож топади. 80-йилларда уларнинг ҳажми уч баравар ортади.

СССР Госплани, СССР Госснаби, Темир йўллар министрлиги, министрликлар ва идоралар юк ташиш жараёнини бошқаришни жиддий яхшилаб, уларнинг ўртача олислигини қисқартиришга, норационал юк оқимларига барҳам беришга эришишлари керак.

Темир йўллар министрлиги эксплуатация ишларини ташкил этиш даражасини қатъиян юксалтирмоғи, юк ортиш-тушириш ва ремонт ишларида комплекс механизацияни сабот билан жорий этмоғи, темир йўллардаги қатнов тезлигини оширмоғи, юклар истеъмолчиларга бетўхтов етказиб турилишини таъминламоғи керак.

Транспортнинг ҳамма турларида бир қанча янги пассажир линиялари ва юк линиялари очилади. Қарийб 12 минг километр узун-

ликда ёки ўнинчи беш йилликда нисбатан 5 баравар узун нефть маҳсулотлари ўтказиладиган қувурлар ётқизиш мўлжалланади. Арктиканинг ғарбий районида Вилькицкий бўғозигача навигация йил бўйи тўхтамайдиган бўлади.

Юк ва пассажирлар ташишда автомобиль ва дарё транспортининг роли ортади. Биринчи навбатда Сибирь, Узоқ Шарқда, шунингдек РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида қаттиқ қопламали автомобиль йўлларини қуриш давом эттирилади. Сибирь ва Узоқ Шарқ районларида дарё транспорти порт хўжалигини мустаҳкамлаш мўлжалланади. Шу мақсадларга сарфланадиган барча капитал маблағларнинг қарийб ярми мана шу районларга берилади. Шу тариқа тез ўзлаштириб борилаётган районлар Арктика денгизлари, БАМнинг ишга туширилган участкалари ва Сибирь дарёлари орқали мустаҳкам транспорт алоқаларига эга бўлади. **(Қарсаклар).**

Ҳаво транспорти ихтиёрига янги тежамли, қулай ва шинам самолётлар берилади. Магистрал ва маҳаллий йўллардаги аэропортлар кенгайтирилади ва кўпайтирилади, уларни юк ташиш жараёнларини ва самолётларга хизмат кўрсатиш ишини механизациялаш ҳамда автоматлаштириш воситалари билан таъминлаш яхшиланади.

Транспортнинг ҳамма турлари ишини мувофиқлаштириб олиб бориш, уларнинг халқ хўжалиги бошқа тармоқлари билан ўзаро алоқаларини яхшилаш чоралари кўрилади.

Алоқани ривожлантириш, аҳолининг алоқа хизматига бўлган эҳтиёжини янада тўла-тўкис қондириш юзасидан юксак топшириқлар белгиланмоқда. Аҳолидаги телефонлар миқдори 1,4 баравар кўпайтирилади.

Мамлакатнинг иқтисодий потенциалини ошириш капитал қурилишнинг ҳолатига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Партия Марказий Комитети ва ҳукумат хўжаликнинг бу тармоғидаги ишларни яхшилашга жуда катта эътибор бермоқдалар. Янги беш йилликда қурувчилар ва лойиҳачиларга нисбатан юксак талаблар қўйилади. Уларнинг бурчи — сифатли, самарали ва тез лойиҳалаш ҳамда қуришдан, ҳар бир объект белгиланган муддатда ишга туширилишига, ҳар жиҳатдан замонавий бўлишига эришишдан иборат.

Моддий ва меҳнат ресурсларини энг муҳим халқ хўжалик қурилишларидан чалғитишга, қурилиш муддатларининг чўзиб юборилишига қарши янада сабот билан кураш олиб бориш, айни бир вақтда қуриладиган объектлар миқдорини қисқартириш йўлини давом эттириш зарур.

1980 йилда чала қолган қурилишларнинг кўпайишини тўхтатишга муваффақ бўлинди, 1983 йилга борганда эса унинг ҳажмини норматив даражасига келтириш вазифаси қўйилмоқда. СССР Госплани, министрликлар ва идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари кўпроқ қатъият кўрсатишлари, ҳар бир янги қурилишни асослаш пайтида давлат манфаатларига қаттиқ амал қилишлари керак. Таркиб топган қурилиш ташкилотлари борлиги учунгина у ёки бу районларга капитал маблағ ва моддий ресурслар ажратиш практикасига қатъиян чек қўйиш лозим. Бунинг устига мазкур ташкилотлар ва қурилиш индустрияси базаларининг тармоғи янги қурилишларнинг кенгайиб бораётган географияси билан белгиланиши керак.

Министрликлар кўплаб қурилиш ишлари олиб бораётган районлардаги территориал қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватларини кучайтириш тўғрисида, кўчма қурилиш бўлинмаларини ривожлантириш ва улардан яхшироқ фойдаланиш ҳақида ғамхўрлик қилишлари, ҳамма жойда қурилиш ишларини бажаришнинг илғор формаларини жорий этишлари лозим. Қурилишни индустриялаш даражасини оширишдаги куч-ғайратларни бўшаштирмаслик керак.

Партия ва совет органлари, халқ контроли комитетлари қурилиш масалаларини доимо назорат остида тутишлари, маҳаллийчилик ва маҳкамачилик, маблағларнинг сочиб юборилиши фактларини қатъиян тугатишлари, объектларнинг ўз муддатида топширилиши ва сифатли бўлиши учун хўжалик раҳбарларининг масъулиятини оширишлари лозим.

Янги беш йилликда ва бирмунча олис истиқболда вужудга келган регионларда ҳам, шунингдек янги регионларда ҳам ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни такомиллаштириш иши давом эттирилади. Бу кучларни комплекс ривожлантириш ва ихтисослаштиришни кучайтириш, ўзаро хўжалик алоқаларини оқилона йўлга қўйиш тадбирларини кўриш мўлжалланмоқда. Мамлакатнинг шарқий ва шимолий районлари табиий бойликлари планли равишда ва жадал ўзлаштирилади. Уқтириб ўтилганидек, бу районлар мамлакатни ёқилғи, энергия ва минерал хом ашё билан таъминлашда тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Ғарбий Сибирь, Саян, Ангара-Енисей, Тиман-Печора, Жанубий Якутия, Павлодар-Экибастуз, Жанубий Тожикистон ва шу сингари территориал-ишлаб чиқариш комплекслари ривож топади. Уларни шакллантириш янги босқичга кирмоқда. Тармоқларнинг бутун бир комплекси, шунингдек хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш соҳалари қарор топиб, ривожланаётганлиги бу босқичга хос хусусиятдир. Чунончи, Ғарбий Сибирдаги Тобольск ва Томск заводларининг дастлабки қувватлари ишга туширилиши мамлакатдаги энг катта нефть химияси базасини барпо этишга асос солади. Бу районда нефть, газ ва химия саноати ҳамда бошқа объектлар учун машина-ускуналар ишлаб чиқарадиган заводлар қуриш мўлжалланмоқда. Бу ерда нефть билан қўшилиб чиқадиган газдан янада тўла-тўкис фойдаланадиган корхоналарнинг қурилиши беш йиллик мобайнида унинг нобуд бўлишини тахминан 2,5 баравар камайтириш имконини беради.

Байкал — Амур темир йўл магистралининг қуриб битказилиши жуда катта регионнинг хўжалик тақдирида бурилиш палласи бўлади. БАМ қурувчилари кўпдан-кўп қийинчиликларни енгиб ўтиб, катта ва олижаноб иш қилдилар — ўнинчи беш йиллик план топшириқларини ошириб бажардилар, юзлаб километр йўл, янги шаҳар ва посёлкалар, ўнлаб ишлаб чиқариш объектлари қурдилар. Шу тариқа навбатдаги вазифани ҳал этиш янги беш йилликда Байкал — Амур магистралининг бошидан охиригача тўппа-тўғри қатнов бошлаш учун яхши база вужудга келтирилди. **(Қарсаклар).**

Партия Марказий Комитети билан Совет ҳукумати номидан мана шу азим қурилишда қатнашаётган қурувчиларга, темирйўлчиларга, корхоналарнинг коллективларига, комсомолимизга, барча ўртоқларга самимий миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар! **(Қарсаклар).**

БАМ зонасидаги табиий ресурсларни хўжалик оборотига актив жалб этиш учун бир йил кифоя қилмайди, албатта. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ СССР Госплани министрликлар ва идоралар билан, Россия Федерациясининг Министрлар Совети билан биргаликда БАМ зонасида жойлашган ғоят бой коксланувчи кўмир, темир, рангли ва нодир металлар ҳамда бошқа фойдали қазилмалар конларини, шу жумладан ноёб Удокан мис конини, Байкал ортидаги, Жанубий Якутиядаги ва Узоқ Шарқдаги ўрмон хом ашё ресурсларини ўзлаштиришнинг муфассал программасини активроқ тайёрлаши лозим. Бу программа БАМ зонасидаги табиий бойликларни хўжалик оборотига киритиш навбатини асослаши ва белгилаши, мана шу катта регионнинг ривожини оқилона бошқаришни йўлга қўйишни ва бошқа масалаларни кўзда тутиши керак. Хуллас, давлатнинг темир йўл магистрали қурилишига

сарфлаган катта маблағидан жуда қисқа муддатда энг кўп самара олиш имконини берадиган яхши ва пухта ўйлаб тузилган аниқ ҳаракат программаси бўлиши керак.

Янги беш йилликда барча қардош республикаларнинг экономикаси ва маданияти янада ривож топади. Республикаларга оид топшириқлар Асосий йўналишлар лойиҳасининг махсус бўлимида кўзда тутилган. Уларни такрорлаб ўтирмай, фақат шуни уқтириб ўтмоқчиманки, бу топшириқлар иттифоқдош республикалар хўжаликларини комплекс ва пропорционал ривожлантиришни умумиттифоқ меҳнат тақсимотининг афзалликлари билан бирга қўшиш принципига асосланади. Белгиланган топшириқларнинг бажарилиши яхлит халқ хўжалик комплекси доирасида иттифоқдош республикаларнинг экономикасини ҳар томонлама ривожлантириш ва ўзаро яқинлаштириш жараёнини тезлаштиради. Бундай ёндашиш партиянинг ленинча миллий сиёсати принципларига тўла равишда мувофиқ бўлиб тушади. **(Қарсаклар).**

Шундай қилиб, янги беш йилликда биз халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ва иқтисодий районларни янада ривожлантириш соҳасида катта ишларни амалга оширишимиз лозим. Партия Марказий Комитети билан ҳукумат кончилар, металлурглар, нефтчилар ва газчилар, машинасозлар, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги ходимлари, қурувчилар, олимлар, инженерлар ва техниклар — барча республикалар, ўлкалар ва областларнинг меҳнаткашлари янги бунёдкорлик вазифаларини ижодий, фидокорона меҳнатлари билан муваффақиятли ҳал этишларига шубҳа қилмайдилар! **(Давомли қарсаклар).**

III. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўртоқлар!

Чет эллар билан иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларни кенгайтириш, ўзаро манфаатли халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан фойдаланиш — Совет давлати фаолиятининг муҳим соҳасидир.

Социалистик давлатлар билан ҳамкорлик диққат-эътиборимиз марказида бўлиб келди ва шундай бўлиб қолиши табиий. Қардош мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, илмий-техникавий алоқалар муштарак манфаатларнинг мустаҳкам негизига қурилмоқда, чуқур ва ҳар томонлама характерда давом этмоқда. «Дружба» нефть қувури, «Мир» энергетика системаси, «Братство» ва «Союз» газ қувурлари сингари катта-катта интеграция объектлари муваффақиятли ишлаб турибди. Мана шу номларнинг ўзида янги типдаги иқтисодий муносабатларнинг, қардошларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларининг моҳияти акс этмоқда. Биз бундан буён ҳам Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан халқ хўжалиги планларимизни мувофиқлаштиришни такомиллаштираберамиз, социалистик иқтисодий интеграцияни чуқурлаштираберамиз. Буни биз жаҳон экономикасида социализм мавқеини мустаҳкамлашнинг, социалистик мамлакатларни жаҳон капиталистик хўжалигида намоён бўлаётган нобоп тенденциялар таъсиридан ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси деб биламиз. СССРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ўзаро савдо-сотиқ ҳажми анча ортади.

Бизнинг улар билан иқтисодий ҳамкорлигимиз энергетикани ривожлантириш, ёқилғи-хом ашё ресурслари билан таъминлаш ва улардан оқилона фойдаланиш; машинасозлик маҳсулотининг техникавий даражасини ва сифатини ошириш, машина ва ускуналарнинг илғор

турларини ишлаб чиқаришдаги кооперацияни кучайтириш; истеъмол молларининг турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш сингари жуда муҳим проблемаларни ҳал этишга қаратилган. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги мамлакатлар ҳамкорликнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжаллаб биргаликда ишлаб чиққан узоқ муддатли тармоқ программалари ҳам шунга хизмат қилади.

Янги беш йиллик учун атом электр станцияларига аталган машина-ускуналар, оғир ва ноёб станоклар, рақамли программа билан бошқариладиган ишлама марказлар ва станоклар, тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, кон-шахта машина-ускуналари ва бошқа шу каби машина-ускуналар ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш тўғрисида битимлар тузилган. СССР территориясида Хмельницкий атом электр станцияси, кон-бойитиш комбинатлари, ферросплав заводлари сингари ва бошқа йирик корхоналар интеграция асосида қурилади. Айни вақтда Совет Иттифоқи қардош мамлакатлардаги бир қанча муҳим ишлаб чиқариш объектларини барпо этишда қатнашади.

Биз ривожланаётган давлатлар билан ҳамкорликни одилона ва тенг ҳуқуқли асосга қураяпмиз. Улар билан савдо-сотиқ ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалик объектларини барпо этишда, миллий кадрлар тайёрлашда иқтисодий ёрдам бериш, шунингдек узоқ муддатли саноат кооперациясига асосланган битимларни рўёбга чиқариш шу мақсадга хизмат қилади.

Совет Иттифоқи аввалгидек капиталистик мамлакатлар билан барқарор, ўзаро манфаатли алоқалар тарафдоридир, бу алоқаларни ўзаро мажбуриятларга қатъий риоя этиш асосида кенгайтириш тарафдоридир. Биз кўпгина капиталистик давлатларнинг ҳамда савдо-саноат доираларининг халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалаларига амалий равишда ёндашаётганликларини муносиб баҳолаймиз ва аввало шу мамлакатлар билан савдо-сотиқни ривожлантирамиз. АҚШ билан савдо-сотиқ қисқариб бораётган ёки турғунлик ҳолатига тушиб қолган экан, бунинг учун, масалан, биз айбдор эмасмиз. Бу — Қўшма Штатларнинг савдо-сотиқдан тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорлик манфаатларига ёт бўлган ёвуз сиёсий мақсадларда фойдаланишга қаратилган сиёсати натижасидир. Совет Иттифоқига келганда, биз Қўшма Штатлар билан ҳам иқтисодий муносабатларни тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосда ривожлантиришга тайёрмиз.

Бизнинг ташқи иқтисодий фаолиятимиз халқ хўжалигининг машина-ускуналарга, технология жараёнларига, хом ашё ва материалларга бўлган эҳтиёжларини, шунингдек аҳолининг халқ истеъмол молларига бўлган талабини қондиришга янада кўпроқ даражада кўмаклашиши лозим. План ва хўжалик органлари меҳнат ва моддий ресурсларни тежаш, техника тараққиётини жадаллаштириш, вақтдан ютиш манфаатларини кўзлаб ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлигини ошириш устида доимо иш олиб боришлари лозим.

Совет Иттифоқининг халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенг кўламда ривожлантириш йўли ўзгармай қолаверади, чунки бу — халқаро иқтисодий муносабатларда совет ташқи сиёсатининг тинчликни сақлашга, кескинликни юмшатишни чуқурлаштиришга ва халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни кучайтиришга собитқадамлик билан қаратилганини акс эттирувчи принципиал йўлимиздир. **(Қарсаклар).**

IV. БОШҚАРИШ ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ДАРАЖАСИНИ САБОТ БИЛАН ОШИРАЙЛИК

Ўртоқлар!

Кейинги йилларда XXV съезд қарорларига мувофиқ хўжалик механизмини такомиллаштириш, саноатни, қишлоқ хўжалигини, қурилишни бошқариш формалари ҳамда методларини яхшилаш учун кўп иш қилинди. Саноат ва ишлаб чиқариш бирлашмалари тузиш асосида бошқарувнинг икки ва уч бўғинли системаларига ўтилмоқда. Министрликларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари кенгайтирилди. Улардан баъзилари қайта тузилди. Халқ хўжалигининг эҳтиёжлари назарда тутилиб, янги министрликлар тузилди.

Партия бошқаришни ва хўжалик механизмини янада яхшилашни ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг зарур шарти деб билмоқда. Партия Марказий Комитети билан ҳукумат хўжалик механизмини такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлик ва сифатни оширишга ўтказадиган таъсирини кучайтириш тадбирлари комплексини ишлаб чиқди. Планлаштириш ишини яхшилаш, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Министрликлар ва идоралар, хўжаликларнинг раҳбарлари ишлаб чиқилган тадбирларни тўла-тўкис амалга ошириш, бирлашмалар ва корхоналарни хўжалик юритишнинг янги шароитларига муваффақиятли ўтказиш учун сабот билан курашишлари лозим. Бу эса барча поғоналарда — СССР Госпланида ва бошқа марказий иқтисодий органларда, министрликлар ва идораларда, бирлашмалар ва корхоналарнинг ўзида катта иш олиб боришни талаб қилади. Бу ишдаги сусткашлик ва пассивликни мутлақо ёқлаб бўлмайди.

Ҳали ҳамма тармоқларда ҳам бошқариш системасини яхшилаш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланилмаётганини тажриба кўрсатиб турибди. Бирлашмаларни ташкил этиш ва уларнинг иш юритиш механизми принципларини синчиклаб назардан ўтказиш, ишлаб чиқаришни зарур тарзда марказлаштириш ва ихтисослаштириш ҳамма жойда ҳам амалга оширилаяптими ёки йўқми эканини кўздан кечириш лозим. Ҳуқуқ ва вазифалар бирлашмалар билан уларнинг таркибига кирувчи ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасида етарлича асослаб тақсимланганми? Улардан баъзиларининг ҳуқуқларини камайтириш ва бошқаларига ҳаддан ташқари кўп ҳуқуқ бериб юбориш муваффақиятли ишлашга ёрдам бермаслиги равшан. Ҳолбуки, амалда мана шундай ҳоллар учраб турибди. Орттирилган тажрибага таяниб, ишлаб чиқилган бош схемаларга ўн биринчи беш йиллик вазифаларига мувофиқ аниқлик киритиш керак. Ўсишга тўсқинлик қилаётган, олға ҳаракатга халақит бераётган ғовларнинг ҳаммаси олиб ташланиши, турмуш синовидан ўтган энг яхши тажрибалар эса кенг миқёсда оммалаштирилиши лозим. **(Қарсаклар).**

Биз энг самарали ташкилий структуралар тузиш йўлини давом эттириш билан бирга идоравий тарқоқликни тугатиш, тармоқ асосида бошқариш билан территориал бошқаришни янада эпчиллик билан бирга қўшиб олиб боришга, тармоқ программаларини бажаришга қаратилган тадбирларни қунт билан амалга оширишимиз керак. Ғарбий Сибирь нефть-газ комплексини яхлит бир комплекс тарзда бошқаришнинг биринчи галдаги тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оши-

рилмоқда. Бошқа тармоқлараро ва регионал программаларни тузиш ҳамда амалга ошириш чоғида ҳам, чамаси, шу йўлдан бормоқ керак. Советларнинг хўжалик қурилишидаги ролини ошириш тадбирлари самарали хўжалик юритиш, совет кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш масалаларини ҳал этишда тармоқ ва территориал негизларни тўғри қўшишга қаратилган. Советларнинг ижроия органлари ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўла-тўкис фойдаланишлари керак.

Халқ хўжалигини планлаштириш — бошқаришдаги ҳамма негизларнинг негизидир. Турмуш бутун планлаштириш ишини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш заруратини тақозо этмоқда. Бу гап, аввало, СССР Госпланига тааллуқлидир. Ҳозир Госпландан бутун диққат-эътиборни энг муҳим, перспектив масалаларни ҳал этишга қаратиш, энг мақбул тармоқлараро ва территориал пропорцияларни белгилаш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб қилинади. Яқинда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети Госплан ишини яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу қарор халқ хўжалигининг ўзаро алоқадор тармоқлари билан мамлакат районларини планлаштиришга комплекс ёндашишни кучайтиришга, катта-катта иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал этишга қаратилган. Шу асосда меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашда, тармоқлар ва иқтисодий районлар ривожида нималарга устунлик бериш кераклигини аниқлашда, халқ хўжалиги пропорцияларини такомиллаштиришда, фан-техника кашфиётлари ва ечимларни жадал амалга оширишда марказий план органининг ролини ошириш зарур.

Мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг съезд ишлаб чиққан йўли яқин вақт ичида беш йиллик планнинг батафсил ва конкрет вазифаларида ифодалаб берилиши керак. СССР Госплани, министрликлар ва идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари бу ишни ўтказиш вақтида планда белгиланган кўрсаткичларнинг съездимиз қабул қиладиган асосий йўналишлар топшириқларига қатъий ва ҳеч сўзсиз мувофиқ келишини таъминлашлари лозим. Ҳукумат бу талабни ҳеч оғишмай амалга оширишни ўз вазифаси деб билади. **(Қарсаклар).** Реалистик, яхши балансланштирилган план партия XXVI съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида бундан буён қилинадиган ҳамма ишларнинг пухта пойдевори бўлиб қолишига эришиш керак.

Балансланштирилганликни ошириш тўғрисида алоҳида гапириб ўтмоқчиман. Халқ хўжалигининг у ёки бу соҳаларида вужудга келадиган номутаносиблик ва дефицитлар бир талай иқтисодий зарар келтиради, самарадорлик ва сифат учун курашни қийинлаштиради. Планларнинг илмий асосланиш даражасини ошириш, планлаштиришнинг программ-мақсадли ва балансли усулларини, ресурслардан фойдаланишнинг илғор нормативларини янада кенг қўлланиш халқ хўжалигининг балансланган бўлишига хизмат қилиши керак.

Балансланганлик кўп жиҳатдан ҳар бир бирлашма ва корхонанинг, ҳар бир тармоқнинг зарур турдаги маҳсулотларни белгиланган муддатларда ишлаб чиқариш ва етказиб бериш планини қатъият билан бажаришига боғлиқ.

Корхоналарнинг шартномавий мажбуриятларни бажариш соҳасидаги ишига баҳо бериш тартиби бунга кўмаклашиши керак. План, шартнома интизомига риоя этилиши учун хўжалик раҳбарларига талабчанлик кучайтирилади.

Бир қанча ресурсларнинг дефицитлигини бартараф қилиш ёки, ҳеч бўлмаганда, юмшатишнинг яна бир муҳим резерви бор. Бу — ишлаб чиқариш запасларини тўғри бошқаришдир. Бошқа корхоналарга

машина-ускуналар, хом ашё ва материаллар, айниқса металл етишмагани ҳолда кўпгина корхоналар уларнинг нормативдан ортиқча запасларини сақлаб туришларига тоқат қилиб бўлмайди. Делегатларнинг нутқларида, шунингдек иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида, ҳисобот-сайлов конференцияларида, матбуотда моддий-техника таъминотидаги камчиликлар асосли равишда танқид қилинди. Моддий ресурсларни омилкорлик билан тақсимлашда ва шу ресурслардан оқилона фойдаланишда СССР Госснаби ва унинг территориал органлари ролини кучайтириш, масъулиятини ошириш керак. Госснабнинг иқтисодий районлардаги мавжуд базаларини шунчаки омборлар деб ҳисоблай олмаймиз. Улар материалларни тайёрлашлари ва қўшимча равишда саралаб қўйишлари, истеъмолчиларни улар билан оператив равишда, зарур турлари билан ва бут ҳолда таъминлашлари лозим.

Экономикага планли раҳбарлик қилишни мустаҳкамлаш билан бирга хўжалик ҳисобини беш йиллик план топшириқлари ва узоқ муддатли иқтисодий нормативлар асосида бундан буён ҳам ривожлантириш, нарх ҳосил бўлишини, кредитлаш ва пул билан таъминлаш ишларини такомиллаштириш, иқтисодий воситалар ва омилларнинг бутун системасидан фаол фойдаланиш зарур. Янги улгуржи нархларга ва тарифларга ўтилиши лозим, бу эса фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда, маҳсулот турларини янгилаш ва сифатини яхшилашда, моддий ресурслардан тежамли фойдаланишда уларнинг ролини кучайтиради, корхоналарнинг хўжалик ҳисобидаги нормал фаолияти учун шароит яратади.

Маҳсулот таннархини камайтириш — актуал проблемаларнинг биридир. Ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишда, хўжалик фаолиятига баҳо беришда мана шу кўрсаткичнинг аҳамиятини қайтадан тикламоқ керак.

Бошқариш механизмини такомиллаштириш фаолият мазмуни, методлари ва услубини тубдан ўзгартиришни, бошқарув кадрлари психологиясининг ўзини қайта қуришни қатъиян талаб қилади. Ҳозирги замон хўжалик раҳбари ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий асосларини, унинг ташкил этилиши ва экономикасини жуда яхши билиши, юксак меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати учун кураш методларини эгаллаб олиши, ўз соҳасидаги касб-корлардан яхши хабардор бўлиш билан бирга кенг ғоявий-сиёсий билимга, одамлар билан ишлаш маҳоратига эга бўлиши лозим. Бунинг учун ишчанлик, истиқболни кўра билиш қобилияти, ғайратчанлик ва қатъиятлик, социалистик тадбиркорлик ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Партия тарбиялаб вояга етказган неча минглаб ишлаб чиқариш командирлари хўжаликни моҳирона юритиш намунаси бўлиб хизмат қилишлари мумкин. Улар, Владимир Ильич Ленинннинг таъбири билан айтганда, ҳақиқий ташкилотчилардир, яхши ўйлаб иш қиладиган, ишнинг кўзини биладиган кишилардир. Аммо шундай хўжалик ходимлари ҳам борки, улар ўз кучларини план топшириқларини камроқ, ресурсларни эса кўпроқ олишга, қандайдир объектив сабабларни рўкач қилиб, планга тузатиш киритилишига сарфлайдилар. Бундай «омилкорлик» бизга керак эмас. Съездда министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар раҳбарларининг топширилган иш учун ва фаолият натижалари учун масъулиятини ошириш тўғрисида, маҳаллийчилик ва маҳкамачилик майлларига кескин қаршилик қилиш, юқори органларнинг директиваларини ва ўз қарорларини бажариш устидан контролни кучайтириш зарурлиги ҳақида ҳаққоний гаплар айтилди.

Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш — хўжалик кадрларининг ишчанлик ва сиёсий фазилатларига, уларнинг янгича ишлаш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш сари бурилишни амалга оши-

риш, самарадорликни ва сифатни оширишни таъминлаш маҳоратини баҳолаш мезонидир. Хўжалик кадрларимиз партия билан халқнинг ишончини шараф билан оқлашларига аминмиз! **(Қарсаклар).**

Коллективга таянмай, ишга чинакам омилкорларча муносабатни, иқтисодий маданиятни тарбияламай туриб, ҳар бир кишининг ишида юксак сифатга эришмай туриб, социалистик хўжаликни самарали юритиб бўлмайди. Социалистик хўжалик пухта уюшқоқликни талаб қилади, ландовурликка, интизомни бузиш ҳолларига тоқат қила олмайди. Ҳамма жойда тартиб ўрнатиш, инсофсиз ходимдан қаттиқ жавоб талаб қилиш, қолоқ участкаларни илғорлар даражасига етказиш ҳам ишлаб чиқариш натижаларини яхшилашнинг каттагина имкониятларидир, ўртоқлар.

Ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга янада кенг жалб этиш, меҳнаткашларнинг меҳнати, турмуши ва дам олишига тааллуқли барча масалаларни ҳал этишда энг оммавий ташкилот бўлмиш касаба союзларининг ролини ошириш ҳозирги шароитда катта иқтисодий ва социал аҳамиятга моликдир. Ҳозир, беш йиллик эндигина бошланган бир пайтда социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш йўлидаги умумхалқ ҳаракатини авж олдириш, турли-туман исрофгарчилик ва чиқитларни, унумсиз харажатларни қисқартириш, хўжасизлик ва нобудгарчиликларни бутунлай тугатиш зарур. Иш вақтининг ҳар соати, хом ашёнинг ҳар килограмми, энергиянинг ҳар киловатт-соати, капитал маблағнинг ҳар сўми умумий ишимизга энг кўп самарадорлик билан хизмат қилиши керак. **(Қарсаклар).** Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари айниқса КПСС XXVI съезди шарафига ўтказилган мусобақани ривожлантириш соҳасида орттирилган тажрибага эътибор билан қарашлари, илғорларнинг ютуқларини умумлаштиришлари ва бу ютуқларни ҳамманинг мулкига айлантиришлари лозим. Ўн биринчи беш йиллик қаҳрамон ишчилар синфимиз, колхозчи-деҳқонларимиз ва халқ зиёлиларимизнинг янги зафарлари билан нишонланишига шак-шубҳа йўқ! **(Қарсаклар).**

Делегат ўртоқлар!

Ўтган ўнта беш йиллик коммунизм қуриш ва тинчликни мустаҳкамлашдан иборат улуғ ишга, совет кишиларининг турмушини яхшилашга муносиб хизмат қилди. Янги, ўн биринчи беш йиллигимиз ҳам шу мақсадларга бўйсундирилган.

Сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси туб умумхалқ манфаатларини, совет жамиятини келгусида ҳар томонлама ривожлантириш эҳтиёжларини ифодалайди.

Ҳар бир меҳнаткаш инсонга азиз ва қадрли бўлган, бир-бири билан узвий равишда боғланган икки тушунча — бунёдкорлик ва тинчлик режаларимизнинг моҳиятини белгилайди. Ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда, империалистик реакция ва агрессия кучлари активлашган бир пайтда Совет Иттифоқи, Леонид Ильич Брежнев таъкидлаб ўтганидек, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, янги жаҳон урушининг олдини олиш, совет халқининг тинч бунёдкорлик меҳнатини пишиқ-пухта таъминлаш учун ҳамма ишни қилади. **(Давомли қарсаклар).** Биз мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашга бундан буён ҳам доимо эътибор бераверамиз. Шавкатли Қуролли Кучларимиз империалистик кучларнинг ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги уринишларига пухта равишда қарши турмоқ учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминланишига шубҳаланмаса ҳам бўлади. **(Қарсаклар).**

Партиямиз билан халқимиз қилинган жамики ишларнинг улуғворлиги билан фахрланадилар, келажакка комил ишонч билан қарайдилар.

Коммунизм йўлида, тинчлик йўлида бундан буён ҳам зўр бериб ижодий меҳнат қилишимиз керак бўлади.

Улуғ Ленин бундай деган эди: жуда катта бунёдкорлик ишини қилмоқ учун «етарли даражада онглилик, ғоявийлик, фидокорлик, сабот ва матонат кўрсатиш...» керак. **(Қарсаклар).**

Мана шу ажойиб фазилатлар Ленин партиясида, улуғ меҳнаткаш, курашчи ва бунёдкор совет халқида мужассамлашганини революцион курашнинг, янги жамият қуришнинг бутун қаҳрамонона йўли кўрсатди! **(Давомли қарсаклар).**

Улуғ коммунизм идеалларидан илҳомланган, партия раҳнамолик қилиб ташкил этиб турган омманинг жонли ижодкорлиги — КПСС XXVI съездининг тарихий қарорлари муваффақиятли равишда амалга оширилишининг мустаҳкам гаровидир. **(Давомли қарсаклар).**

Яшасин партия билан халқнинг бузилмас бирлиги! **(Давомли қарсаклар).**

Яшасин совет халқи! **(Давомли қарсаклар).**

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар! **(Ҳамма ўрнидан туради. Гулдурос давомли қарсаклар).**

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981—1985 ЙИЛЛАРГА ҲАМДА 1990 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» ТЎҒРИСИДАГИ ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXVI СЪЕЗДИНИНГ

ҚАРОРИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. Тихоновнинг СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисидаги докладини тинглаб ҳамда муҳокама этиб, қарор қилади:

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тасдиқлансин.

СССР Министрлар Совети Асосий йўналишларга мувофиқ равишда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга мўлжалланган давлат плани лойиҳасини ишлаб чиқсин, беш йилликнинг ҳар бир йили бўйича, СССР министрликлари, идоралари ҳамда иттифоқдош республикалар бўйича топшириқларни тақсимлаб қўйсин ҳамда уни 1981 йил октябрида СССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этсин.

Ўн биринчи беш йиллик планни тузиш вақтида КПСС XXVI съездида, иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида, ўлка ва область партия конференцияларида, районлар, шаҳарлар ва округлардаги актив йиғилишлари ва партия комитетларининг пленумларида, меҳнат коллективларида ва матбуотда, шунингдек ишчилар, колхозчилар, мутахассислар ва олимларнинг хатларида киритилган таклифлар кўриб чиқилсин.

КПСС XXVI съезди янги беш йилликда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг кенг программасини амалга оширишни барча партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотларининг энг муҳим хўжалик-сиёсий вазифаси деб ҳисоблайди. Съезд халқ хўжалиги барча тармоқларининг меҳнаткашлари Ленин партияси раҳбарлигида социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдирадилар, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш учун ўзларининг ижодий кучлари, билимлари ва тажрибаларини ишга соладилар, деб ишонч билдиради.

СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981—1985 ЙИЛЛАРГА ҲАМДА 1990 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Совет халқи Ленин партиясининг синалган раҳбарлигида, КПСС XXIV ва XXV съездлари ишлаб чиққан иқтисодий стратегияни амалга ошира бориб, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда ва совет кишиларининг фаровонлигини оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришди.

Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг иттифоқи, совет жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги мустаҳкамланди, СССР халқларининг дўстлиги янада кучайди. Социалистик демократия янги поғонага кўтарилди, меҳнаткашларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқаришдаги активлиги ўсди, халқ депутатлари Советларининг, касаба союзларининг ва комсомолнинг роли ошди. СССРнинг янги Конституцияси — ривожланган социализм Конституцияси қабул қилинди.

СССРнинг қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамдўстлиги кенгайди ва бойиди. Совет Иттифоқи тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун кураш программасини изчиллик билан амалга оширмоқда. Совет давлатининг жаҳондаги воқеаларнинг боришига таъсири узлуксиз ўсмоқда.

Хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда, совет халқининг, барча иттифоқдош республикалар меҳнаткашларининг бунёдкорлик фаолиятида Коммунистик партиянинг раҳбарлик, йўналтирувчилик ва ташкилотчилик роли ошди.

Совет халқи навбатдаги ўн йилликка (1981—1990 йиллар) уни янги катта ишлар ва зафарлар ўн йиллигига айлантиришга қатъий аҳд қилиб қадам қўймоқда.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари КПСС Программасига, партия XXIV ва XXV съездларининг қарорларига, мамлакатда эришилган муваффақиятларга асосланиб ишлаб чиқилди. У СССРдаги коммунистик қурилиш тажрибасини умумлаштиради, бошқа социалистик мамлакатларнинг тажрибасини эътиборга олади, Коммунистик партиянинг иқтисодий ва социал ривожланишнинг энг муҳим масалаларига доир стратегияси ва тактикасини саксонинчи йилларнинг конкрет шароитларига татбиқан тўлиқ ифодалайди, планларимизнинг тинч, бунёдкорлик характерини ифодалайди.

I. 1976—1980 ЙИЛЛАРДА ЭКОНОМИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ

Ўнинчи беш йилликда халқ хўжалиги КПСС XXV съезди белгилаб берган ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожлантириш, унинг самарадорлигини ва иш сифатини ошириш асосида совет халқининг фаровонлигини янада юксалтириш йўлига мувофиқ ривожлантирилди. Мамлакатнинг миллий бойлиги кўпайди. Иқтисодий ва илмий-техникавий потенциални, моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш ҳамма тармоқларини ўстиришга эришилди. Совет давлатининг мудофаа қобилияти лозим даражада сақланмоқда.

Тўққизинчи беш йилликка нисбатан миллий даромад жами 400 миллиард сўмлик, саноат маҳсулоти 717 миллиард сўмлик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 50 миллиард сўмлик кўпайди. Миллий даромаднинг бешдан тўрт қисмидан бевосита аҳолининг истеъмоли, уй-жой ва социал-маданий қурилиш учун фойдаланилди.

Халқ хўжалигига беш йил мобайнида 634 миллиард сўм капитал маблағ сарфланди. Асосий фондлар 1,4 баравар кўпайди. 1200 тадан кўпроқ йирик саноат корхонаси ишга туширилди.

Экономика пойдевори — оғир саноатнинг янада ўсиши таъминланди. Техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар илдам суръатлар билан ривожлантирилди. Ёқилғи қазиб чиқариш, электр энергия ҳосил қилиш, қора ва рангли металлар ишлаб чиқариш кўпайди. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш 21 процент, шу жумладан маданий-маиший ва рўзғор ашёлари ишлаб чиқариш 41 процент ошди; маҳсулотнинг турлари кўпайди, сифати яхшиланди.

Фан-техника тараққиёти жадаллашди, халқ хўжалигига янги техникани жорий этиш кўлами кенгайди, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси кўтарилди. Бу вазифаларни ҳал этишга совет фани катта ҳисса қўшди.

Партиянинг аграр сиёсати изчиллик билан ўтказилди. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, у тобора кўпроқ индустриал қиёфа касб этмоқда. Ишларнинг бутун комплекси юзасидан бу тармоққа 170 миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ сарфланди ёки халқ хўжалигига сарфланган жами капитал маблағ ҳажмининг 27 процентдан ортиғи сарфланди. Қишлоқ хўжалигига 1,8 миллионта трактор, 1,3 миллионтадан зиёд юк автомобили ва 540 мингтага яқин дон комбайни, чорвачилик ва ем-хашак етиштириш учун кўп миқдорда машиналар, 390 миллион тоннага яқин минерал ўғит етказиб берилди. Меҳнатнинг машина-механизмлар билан таъминланиши 1,4 баравар ортди. Ирригация ва мелиорация қурилиши соҳасидаги ишлар кенг миқёсда олиб борилди. Суғориладиган ва захи қочирилган ерлар майдони қарийб 35 миллион гектарга етказилди. РСФСР Ноқоратупроқ зонаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг комплекс программаси амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини марказлаштириш ва ихтисослаштириш, аграр-саноат интеграцияси янада чуқур ва кўп томонлама характер касб этди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш таъминланди. Беш йиллик мобайнида йиллик ўртача ялпи дон ҳосили бирин-

чи марта 205 миллион тоннага етди. Гўшт, сут, тухум, пахта ва бошқа маҳсулотлар етиштириш кўпайди.

Транспорт янада ривож топди, унинг техника билан таъминланиши яхшиланди. Юк ташишда қувур транспортининг, денгиз ва автомобиль транспортининг роли, пассажир ташишда эса ҳаво транспортининг роли ошди. Байкал — Амур темир йўл магистралини қуриш давом эттирилди.

СССР экономикаси яхлит халқ хўжалик комплекси сифатида ривожланди. Ҳар бир республиканинг иқтисодий потенциали анча кўпайди.

Айниқса мамлакатнинг шимолий ва шарқий районларидаги территориал-ишлаб чиқариш комплекслари жадал вужудга келтирилди. Ғарбий Сибирда нефть (шу жумладан газ конденсати) қазиб олиш 2,1 баравар, газ қазиб олиш 4,3 баравар кўпайди.

Фан-техника тараққиёти, бошқарувни такомиллаштириш асосида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга эришилди, ижтимоий меҳнат унумдорлиги 17 процент ўсди. Саноатда маҳсулотни кўпайтиришнинг 75 проценти, қишлоқ хўжалигида маҳсулотни кўпайтиришнинг ҳаммаси, қурилишда қурилиш-монтаж ишларини ўстиришнинг 95 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига қўлга киритилди. Маҳсулот сифати яхшиланди.

Социал вазифаларни ҳал этишда янги катта қадам қўйилди. Беш йил мобайнида миллий даромаддан халқнинг турмуш даражасини оширишга тўққизинчи беш йилликка нисбатан 334 миллиард сўм кўп маблағ ажратилди. Совет кишиларининг моддий ва маданий эҳтиёжлари тўлиқроқ қондирилди, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари яхшиланди.

Реал даромадлар аҳоли жон бошига 18 процент кўпайди. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи қарийб 16 процент ва колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 26 процент ошди.

Қора ва рангли металлургия, кўмир, сланец ва тўқимачилик саноати, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, темир йўл транспорти айрим категориядаги ходимларининг меҳнат ҳақи ошди. Ноишлаб чиқариш тармоқлари ходимларининг тариф ставкалари ва мансаб окладларини оширишдек катта социал тадбирни ўтказиш ниҳоясига етказилди, натижада 31 миллион ишчи ва хизматчининг иш ҳақи кўпайтирилди.

Бепул таълим, медицина ёрдами, қарилликда моддий таъминот ва бошқа социал тадбирлар ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан амалга оширилмоқда, шу фондлар беш йиллик мобайнида 527 миллиард сўмдан иборат бўлди. Бу фондлардан бериладиган тўловлар ва имтиёзлар аҳоли жон бошига 1975 йилдаги 354 сўмдан 1980 йилда 438 сўмга етди.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг моддий-маиший шароитлари, колхозчиларнинг ҳамда халқ хўжалиги бир қанча тармоқлари айрим категориядаги ходимларининг пенсия таъминоти яхшиланди. Соғлиқни сақлаш муассасаларида овқатланиш ва дори-дармон сотиб олиш харажатлари нормаси оширилди. Умумий таълим мактабларининг 1—5 синфлари ўқувчиларига дарсликларни бепул бериш жорий этилди. Бошқа социал тадбирлар ўтказилди.

Кўпгина озиқ-овқат ва саноат молларини истеъмол қилиш ортди. Хизмат кўрсатиш соҳаси янада ривож топди. Чакана товар обороти 24 процент, маиший хизмат ҳажми 43 процент кўпайди.

Уй-жой қурилиши кенг миқёсларда олиб борилди. Шу мақсадлар учун 87,2 миллиард сўм, яъни беш йиллик планда белгиланганига нисбатан кўпроқ ҳажмда капитал маблағ сарфланди. Беш йилликда жами саҳни 530 миллион квадрат метр уй-жой бинолари қуриб битказилди. 50 миллиондан кўпроқ кишининг уй-жой шароитлари яхши-

ланди. Ҳозир шаҳар аҳолисининг 80 процентга яқини алоҳида квартираларда истиқомат қилмоқда.

Маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, физкультура ва спорт соҳасида янги тараққиётга эришилди. Аҳолининг дам олиши учун анча қулай шароит яратилди.

XXII ёзги Олимпиада ўйинлари муваффақиятли ўтди, бу ўйинлар биринчи марта социалистик мамлакатда ўтказилди.

Ёшларга умумий ўрта таълим бериш амалга ошира борилди. Кадрлар тайёрлаш кенгайтирилди. 12,5 миллион йигит ва қиз ҳунар-техника билим юртларида касб ўрганди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари 10 миллион мутахассис тайёрлаб берди.

Врачлар сони 1975 йилдаги 834 минг кишидан 1980 йилда 1 миллион кишига етди, касалхоналардаги ўринлар миқдори эса 10 минг аҳоли ҳисобига 118 тадан 125 тага етди. Санаторийлар, дам олиш уйлари, пансионатлар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, пионер лагерлари, пионерлар ва ўқувчилар уйлари тармоғи кенгайди.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрор кўпайтириш тадбирлари ўтказилди. Шу мақсадларга сарфланган маблағлар 1,5 баравар кўпайди.

Қардош социалистик мамлакатлар билан янада ҳар томонлама ҳамкорлик қилина бошланди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар социалистик иқтисодий интеграциясининг узоқ муддатли комплекс программасини амалга ошириш давом эттирилди. Ривожланаётган ва капиталистик мамлакатлар б[illegible] иқтисодий алоқалар кенгайди.

Планли хўжаликнинг афзалликларидан янада тўлиқроқ фойдаланилганида, ишлаб чиқариш резервлари активроқ ишга солинганида, камчиликларни тугатиш учун янада сабот билан кураш олиб борилганида экономикани ривожлантиришда ва социал вазифаларни ҳал этишда бундан ҳам салмоқлироқ ютуқларга эришиш мумкин бўлур эди. Айрим тармоқлар ва корхоналар белгиланган планларини бажармадилар. Металл ва ёқилғининг чиқитга чиқиши ва исроф бўлиши суст қисқартирилди, иккиламчи ресурслардан дуруст фойдаланилмади. Капитал маблағнинг сочиб юборилишига барҳам берилмади, ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва ишга тушириш муддатлари чўзиб юборилди. Қишлоқ хўжалигида унга ажратиб берилган ресурслардан етарли равишда самарали фойдаланилмади. Темир йўл транспорти ишидаги камчиликларни тугатишга муваффақ бўлинмади. Аҳолини баъзи озиқ-овқат ва саноат моллари билан, уй-жой, маиший хизмат билан таъминлашда қийинчиликлар содир бўлди.

Кўпгина эски, шу жумладан йирик фойдали қазилма конларининг тугаб қолиши, қазиб чиқариш саноатининг асосий марказлари шарққа ва шимолга силжиши, шунингдек, 1977, 1979 ва 1980 йилларда об-ҳаво шароитларининг қишлоқ хўжалиги учун ноқулай келиши айрим иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишни мураккаблаштирди.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш соҳасидаги вазифаларни планда белгиланганидек ҳал этишга муваффақ бўлинмади. Бошқариш ва планлаштириш механизми, хўжалик юритиш методлари, меҳнат ва ижрочилик интизомининг даражаси ҳозирги замон талабларидан орқада қолди. Бу ҳол халқ хўжалигини интенсив ривожланиш йўлига ўтказишни қийинлаштирди.

Айни пайтда, умуман ўтган беш йилликнинг якунлари иқтисодий ва социал ривожланишнинг ҳамма йўналишларида мамлакатимиз олға силжиганидан далолат бериб турибди. Ўнинчи беш йиллик совет халқининг қаҳрамонона ишлари тарихидан муносиб ўрин олади.

Совет Иттифоқи қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий по-

тенциал билан, юқори малакали кадрлар билан саксонинчи йилларга қадам қўймоқда. Иқтисодий ва социал ривожланиш соҳасида эришилган марралар янада кенг миқёсли вазифаларни ҳал этиш имконини беради.

II. 1981—1985 ЙИЛЛАРДА ВА 1990 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА МАМЛАКАТНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Бошланган ўн йиллик — коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда, ижтимоий муносабатларни ривожлантиришда, янги инсонни камол топтиришда янги катта босқичдир. Шу даврда етук социализм жамиятининг имкониятлари ва афзалликларидан янада тўлароқ фойдаланишни таъминлаш, унинг моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий ва илмий-техникавий потенциалини анча кўпайтириш лозим бўлади. СССРнинг социал асоси — ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқи кучаяди; халқлар дўстлиги мустаҳкамланади.

Саксонинчи йилларда Коммунистик партия бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишни, меҳнат унумдорлигини кўпайтиришни, совет кишиларининг социал активлигини ва меҳнат ғайратини ўстириш асосида халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил юксалтиришни, шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун энг яхши шароитлар яратишни олий мақсад қилиб қўйган ўзининг иқтисодий стратегиясини амалга оширишни изчиллик билан давом эттиради.

Шунга биноан, яқин ўн йилликда:

жамиятнинг бундан буёнги социал тараққиёти таъминлансин, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг кенг программаси амалга оширилсин.

Аҳолининг юқори сифатли ва хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотларига, саноат молларига, маданий-маиший ва рўзғор буюмларига ҳамда хизматларга бўлган эҳтиёжлари янада тўлароқ қондирилсин.

Аҳолининг уй-жой ва маданий-маиший турмуш шароитлари яхшилансин, ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлашга асосан эришилсин, коммунал хўжалик ва транспорт, шаҳарларни ҳамда қишлоқларни ободонлаштириш ривожлантирилсин.

Одамларнинг энг муҳим турмуш фаолияти соҳасида — меҳнатда чуқур ўзгартишлар амалга оширилсин, меҳнат шароитлари яхшилансин ва енгиллаштирилсин, серунум ва ижодий ишлаш учун кенг имкониятлар яратилсин, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни тугатиш, аграр меҳнатни индустриал меҳнатнинг бир турига айлантириш йўлидан анчагина олға силжишга эришилсин.

Самарали демографик сиёсат ўтказилсин; социалистик жамиятнинг энг муҳим ячейкаси бўлмиш оилани мустаҳкамлашга, аёлларнинг оналикни меҳнат ва ижтимоий фаолиятда актив қатнашиш билан бирга қўшиб олиб бориши учун энг яхши шароитлар яратилишига кўмаклашилсин; болаларни ва меҳнатга лаёқатсиз кишиларни жамият ҳисобидан боқиш яхшилансин; одамларнинг умрини ва меҳнат активлигини узайтириш, уларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш тадбирлари системаси амалга оширилсин.

Одамларнинг уйғун маънавий турмуши, бутун аҳолининг маданият бойликларидан баҳраманд бўлиши учун имкониятлар кенгайтирилсин, маориф ва маданиятни янада юксалтириш таъминлансин, ахлоқий тарбия кучайтирилсин, меҳнатга ва ижтимоий мулкка коммунистик муносабат ривожлантирилсин.

Иш вақтидан янада оқилона фойдаланилсин, меҳнатнинг унумсиз сарф ва исроф бўлиши қисқартирилсин, маиший хизматни ривожлантириш, рўзғор ишларини енгиллаштириш асосида меҳнаткашларнинг бўш вақти кўпайтирилсин, айниқса ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш формалари ва уни ташкил этиш такомиллаштирилсин.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутлар аста-секин бартараф этилсин, мамлакатнинг барча республикалари ва районларида аҳолининг турмуш шароитлари яхшилансин.

СССРдаги миллат ва элатларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва ўзаро яқинлашишига, жамиятнинг социал бир хиллигини кучайтиришга, одамларнинг янги тарихий бирлиги бўлмиш совет халқининг ғоявий-сиёсий бирлигини мустаҳкамлашга кўмаклашилсин.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш, унинг самарадорлигини ошириш асосида жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан янада тараққий этиши, моддий-техника базасида чуқур сифат силжишлари таъминлансин.

Яхлит халқ хўжалик комплекси бўлмиш СССР экономикасининг тез ва балансли ривожланиши, унинг ҳамма тармоқлари ва иттифоқдош республикаларнинг хўжаликлари пропорционал ўсиши амалга оширилсин. Истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромад 1990 йилга қадар камида 1,4 баравар кўпайтирилсин.

Ижтимоий меҳнатнинг ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши янада юқори поғонага кўтарилсин; бутун куч ва ресурслар халқ хўжалигининг асосий вазифаларини ҳал этишга сарфлансин, энг муҳим социал-иқтисодий проблемалар, биринчи галда озиқ-овқат проблемаси, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни ва маиший хизматни ривожлантириш, қўл меҳнати қўлланишини қисқартириш, машинасозлик, энергетика ва ҳамма турдаги транспортни юксалтириш, халқ хўжалигини химиялаштириш юзасидан тармоқ комплекс программаларини, шунингдек катта миқёсдаги бошқа программаларни ишлаб чиқиб, босқичма-босқич амалга ошириш таъминлансин.

Халқ хўжалиги структурасида илғор силжишлар амалга оширилсин, тармоқлараро ва ички тармоқ пропорциялари такомиллаштирилсин; фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқларни илдам ривожлантириш, йирик территориал-ишлаб чиқариш комплексларини барпо этиш давом эттирилсин; аграр-саноат комплексининг ҳар томонлама ривожланиши, истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг, шунингдек ишлаб чиқариш ва социал-иқтисодий инфраструктура тармоқларининг жадал ўстирилиши таъминлансин.

Мамлакат миллий бойлигини кўпайтиришнинг, социалистик жамғармаларни ва истеъмол ресурсларини тез ўстиришнинг ҳал қилувчи ва энг таъсирчан воситаси бўлмиш табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш таъминлансин; меҳнат унумдорлигини оширишга, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида асосий фондларнинг самарадорлигини кўпайтиришга ва ишлаб чиқаришнинг материал сарфини камайтиришга алоҳида эътибор берилсин.

Фан-техника революциясининг ютуқларини социалистик хўжалик системаси афзалликлари билан узвий равишда бирлаштиришга ҳаракат қилинсин. Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда ва актуал социал проблемаларни ҳал этишда фаннинг роли оширилсин; ягона техника сиёсати, халқ хўжалигини янада

электрлаштириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни, асосий тармоқларни техника билан қайта қуроллантиришни таъминлайдиган машиналар ва технология жараёнларининг юқори самарали системаларини оммавий равишда қўлланишга ўтиш изчиллик билан амалга оширилсин.

Капитал қурилиш самарадорлиги кўтарилсин, уни изчиллик билан индустриялаш амалга оширилсин, асосий фондларнинг сифат жиҳатидан такомиллаштирилиши, ишлаб чиқариш қувватларининг тезроқ ишга туширилиши ва ўзлаштирилиши таъминлансин, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш жадаллаштирилсин.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, территориал меҳнат тақсимоти яхшилансин, ҳар бир иттифоқдош республиканинг умумдавлат вазифаларини ҳал этишга қўшаётган ҳиссаси кўпайтирилсин; Шарқий ва Шимолий районларнинг ёқилғи-энергетика ва минерал хом ашё ресурсларини хўжалик оборотига самарали равишда жалб этиш таъминлансин; йирик шаҳарларнинг ўсишини чеклаш йўли изчиллик билан ўтказилсин, кичик ва ўртача шаҳарлар ривожлантирилиб, уларга ихтисослаштирилган, серунум ишлаб чиқаришлар, корхоналарнинг, бирлашмаларнинг филиаллари жойлаштирилсин. СССР ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштиришнинг истиқболга мўлжалланган бош схемаси ишлаб чиқилсин.

Чет давлатлар билан ва аввало социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва туристик алоқалар ривожлантирилсин ҳамда такомиллаштирилсин.

Экономикага раҳбарлик савияси кўтарилсин, марказлаштирилган бошқарув корхоналар, бирлашмаларнинг хўжалик мустақиллиги ва ташаббускорлиги билан тўлиқроқ қўшиб олиб борилсин; ҳамма жойда социалистик хўжалик юритишнинг илғор методлари жорий этилсин, хўжалик қурилишининг энг зарур принципи — жамият манфаатлари йўлида энг кам чиқим қилиб, энг кўп натижага эришиш принципи изчиллик билан турмушга татбиқ этилсин. Бу масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари Советларининг, касаба союзлари ва меҳнат коллективларининг роли оширилсин.

Узоқ муддатли вазифаларни рўёбга чиқаришда **ўн биринчи беш йиллик** масъулиятли босқич бўлиб қолади. Бу беш йиллик мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш йўлини ва партиянинг саксонинчи йиллардаги стратегик йўл-йўриқлари давомийлигини шундан кейинги беш йиллик хусусиятларини ҳисобга олиб мужассамлаштириши лозим.

Ўн биринчи беш йилликнинг бош вазифаси халқ хўжалигини барқарор, тобора ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциалидан янада оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ҳар томонлама тежаш ва иш сифатини яхшилаш асосида совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишни таъминлашдан иборат.

КПССнинг иқтисодий стратегиясига ва ўн биринчи беш йилликнинг бош вазифасига биноан:

1. Халқ фаровонлигини изчиллик билан юксалтиришга доир тадбирлар системаси амалга оширилсин. Аҳолини халқ истеъмол қиладиган моллар билан таъминлашга, уй-жой шароитларини ва медицина хизматини, меҳнат шароитларини яхшилашга, бошқа актуал социал вазифаларни ҳал этишга биринчи даражали аҳамият берилсин. Меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этиш билан мустаҳкамроқ боғлаб олиб борилсин

Моддий ва маънавий рағбатлантириш системасининг таъсирчанлиги оширилсин, аҳоли даромадларининг асосий манбаи бўлмиш меҳ-

натга қараб ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчилик роли кучайтирилсин. Халқ хўжалиги тармоқларида, бирлашмаларда, корхоналарда меҳнат унумдорлигининг унга тўланадиган ҳақнинг ўсишига нисбатан илдамроқ ўсиши таъминлансин.

Ижтимоий истеъмол фондлари кўпайтирилсин, социал таъминот, маориф ва маданият ривожлантирилсин, болали оилаларнинг турмуш шароитлари, аҳолининг дам олиши яхшилансин.

Ходимларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида, ҳар бир коллективда ижодий вазиятни ва соғлом социал-психологик муҳитни вужудга келтириш, бирлашмаларда, корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда касб-кор маҳоратини ошириш, маданий эҳтиёжларни қондириш, физкультура ва спортни ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилинсин.

Совет кишиларининг социал активлиги ва меҳнат ғайратини ўстиришга ҳамда социалистик мусобақани ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашилсин.

2. Экономиканинг тобора ўсиши таъминлансин, ижтимоий ишлаб чиқариш структураси такомиллаштирилсин.

Истеъмол ва жамғарма учун ишлатиладиган миллий даромад 18—20 процент кўпайтирилсин.

Халқ хўжалигида илғор структуравий силжишларни, барқарор ва балансли кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган тармоқлар илдам суръатлар билан ривожлантирилсин. Саноатнинг база тармоқлари — энергетика, металлургия, машинасозлик, химияни, шунингдек транспорт ва қурилишни техника билан қайта қуроллантириш давом эттирилсин. Маҳсулотнинг энг илғор турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига ёқилғи-энергетика комплекси ва конструкция материаллари ишлаб чиқариш структураси такомиллаштирилсин. Ундирма ва ишлама саноатни, меҳнат қуролларини ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи тармоқларни ривожлантиришда ўзаро боғланишни янада кучайтиришга ҳаракат қилинсин, бунда халқаро социалистик кооперацияни кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни чуқурлаштириш ҳар томонлама эътиборга олинсин.

Саноатда «А» группаси маҳсулоти ишлаб чиқаришга нисбатан «Б» группаси маҳсулоти ишлаб чиқариш тезроқ суръатлар билан ўсиши таъминлансин.

Аграр-саноат, озиқ-овқат комплексини ҳар томонлама ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини, унга хизмат қилувчи саноат тармоқларини, озиқ-овқат индустриясини, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш, асраш, ташиш ва қайта ишлашга алоқадор ишлаб чиқаришни пропорционал ва балансли ўстириш кўзда тутилсин. Қишлоқ хўжалигида дон ва ем-хашак етиштиришни кўпайтириш, чорвачиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг сақланишини таъминлаш, уни истеъмолчига энг яхши товар тарзида етказиб бериш вазифаларини ҳал этишга алоҳида эътибор берилсин. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини индустриал базага ва илғор технологияларга ўтказиш жадаллаштирилсин.

Транспортнинг ҳамма турлари ва аввало темир йўл транспортининг ишини яхшилашга доир тадбирлар амалга оширилсин ва уларнинг халқ хўжалиги ҳамда аҳоли эҳтиёжларига тўлиқроқ мувофиқ келадиган тарзда ривожланиши таъминлансин.

Моддий-техника таъминотининг умумдавлат системаси мустаҳкамлансин ва такомиллаштирилсин. Унинг моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва шу ресурсларни тежашдаги ҳамда халқ хўжалигини хом ашё, металл, асбоб-ускуналар ва запас қисмлар билан узлуксиз таъминлашдаги роли ва масъулияти оширилсин.

Капитал маблағ асосий йўналишларга, ишга тушириладиган энг

муҳим объектларга, аввало ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришга сарфлансин. Тез, тежамли ва юксак техника даражасида қурилсин.

Янги корхоналар биринчи галда экономика структурасида илғор силжишларни таъминлайдиган, шунингдек мамлакатнинг шарқий ва шимолий районлари ёқилғи-энергетика ва минерал хом ашё ресурсларини хўжалик оборотига киритишни таъминлайдиган тармоқларда ва ишлаб чиқариш соҳаларида қурилсин. Мамлакатнинг Европа қисмида янги ишлаб чиқариш объектлари қурилиши чеклансин.

Капитал қурилишнинг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин, унинг малакали кадрлар билан таъминланиши яхшилансин, пудратчи ташкилотлар қувватининг ўзлари бажарадиган ишлари ҳажмига мувофиқ келишига эришилсин.

Иттифоқдош республикалар ва иқтисодий районларнинг хўжалиги комплекс ривожлантирилсин, уларнинг ижтимоий меҳнат тақсимоти системасидаги ихтисослашуви яхшилансин.

3. Ҳамма тармоқлар ижтимоий ишлаб чиқаришини ҳар томонлама интенсивлаш асосида унинг самарадорлиги сабот билан оширилсин, маҳсулот ва хизмат кўрсатиш сифати яхшилансин.

Халқ хўжалигининг балансли ривожланишини яхшилаш ва зарур резервларни вужудга келтириш, юксак пировард натижаларга эришишнинг жуда муҳим шарти бўлган моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан ғоят оқилона фойдаланиш таъминлансин.

Ижтимоий меҳнат унумдорлиги 17—20 процент оширилсин, миллий даромадни ўстиришнинг камида 85—90 проценти шунинг ҳисобига қўлга киритилсин.

Меҳнатнинг техника билан қуролланиш даражаси оширилсин; ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш бутун чоралар билан жорий этилсин, барча тармоқларда, айниқса ёрдамчи ва кўмакчи ишларда қўл меҳнати билан шуғулланувчи ходимлар сони муттасил қисқартирилсин. Мавжуд ва барпо этилаётган иш жойларининг меҳнат ресурслари билан мутаносиб бўлишига эришиш тадбирлари кўрилсин. Айниқса Сибирь ва Узоқ Шарқ районларида янги ишга туширилаётган корхоналарни кадрлар билан таъминлаш учун шароит яратилсин. Меҳнатни ташкил этиш, уни нормалаштириш ва рағбатлантириш яхшилансин. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш жорий қилинсин ва унинг самарадорлиги оширилсин.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳамма турлари сифати анча оширилсин, халқ хўжалиги ривожи ва фан-техника тараққиётининг ҳозирги талабларига, шунингдек аҳолининг ошиб бораётган эҳтиёжларига мувофиқ маҳсулот хиллари кўпайтирилсин ва янгилансин. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ялпи ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг салмоғи муттасил кўпайтирилсин. Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системалари актив жорий қилинсин.

Халқ хўжалик тармоқларида, бирлашмаларда, корхоналарда фондларнинг самарадорлигини кўтариш тадбирлари амалга оширилсин.

Ишлаб чиқариш қувватларидан янада оқилона фойдаланилсин, серунум техника кенг миқёсда жорий этилсин, ишлаб турган асосий фондларнинг структураси такомиллаштирилсин ва ўз вақтида янгилансин.

Ишга туширилган корхоналар ва объектларда лойиҳа қувватларини ўзлаштириш муддатларини қисқартиришга ва бошқа техникавий-иқтисодий кўрсаткичларга эришишга, энг самарали машина ва механизмларнинг иш сменалари коэффициентини оширишга, эскирган техникани янада тезроқ янгилашга алоҳида эътибор берилсин.

Улушли капитал маблағ сарфини камайтириш учун фан-техника тараққиёти ютуқларидан ва рационал конструкторлик ечимларидан тўлиқроқ фойдаланилсин.

Моддий ресурслар тежаб-тергаб ишлатилсин. 1985 йилда 1980 йилга нисбатан халқ хўжалигида 160—170 миллион тонна шартли ёқилғи, шу жумладан ишлатиш нормасини камайтириш ҳисобига 70—80 миллион тонна шартли ёқилғи миқдоридаги ёқилғи-энергетика ресурсларининг тежаб қолиниши; машинасозлик ва металл ишлашда қора металлар прокати сарфлаш нормасини ўрта ҳисобда камида 18—20 процент, пўлат қувурлар ишлатиш салмоғини 10—12 процент, рангли металлар прокати ишлатиш салмоғини 9—11 процент камайтириш; қурилишда қора металлар прокати ва ёғоч-тахта ишлатишни 7—9 процент, цемент ишлатишни 5—7 процент камайтириш таъминлансин.

Иккиламчи материалларни ва ёқилғи-энергетика ресурсларини, рўзғор чиқитларини, шунингдек йўл-йўлакай чиқадиган ва ҳосил бўладиган маҳсулотларни хўжалик оборотига янада кенг миқёсда жалб қилиш иши давом эттирилсин. Иккиламчи хом ашё тайёрлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг моддий-техника базаси ривожлантирилсин. Идишлар ва идишбоп материалларни ихтисослаштирилган тарзда ишлаб чиқариш кенгайтирилсин, унинг сифати ва унификация даражаси оширилсин. Кўп оборот қилинадиган ва қайтариб олинадиган идишдан фойдаланиш яхшилансин.

Ишлаб чиқаришда, хизмат кўрсатиш ва бошқарув соҳаларида иқтисодий тежаш кучайтирилсин. Саноатда, қурилишда, транспортда, қишлоқ хўжалигида ва бошқа тармоқларда исрофгарчиликни тугатиш тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилсин. Экономиканинг ҳамма бўғинларида хўжалик ҳисоби ҳар томонлама мустаҳкамлансин.

Халқ хўжалигидаги оборот маблағининг айланиши 2—3 кунга тезлаштирилсин.

Маҳсулот ва ишларнинг таннархи пасайтирилсин. Саноат ва қурилишдаги фойда тахминан 1,3 баравар ва совхозларда 1,7 баравар кўпайтирилсин.

4. Фан-техника тараққиётини янада жадаллаштириш таъминлансин.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқаришни техника билан янада тезроқ қайта қуроллантириш, меҳнат шароитларини яхшилашга ва унинг унумдорлигини оширишга, материал ресурсларини тежашга имкон берадиган машина ва ускуналарни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш йўли изчиллик билан ўтказилсин. Ёрдамчи ва хизмат кўрсатадиган ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси оширилсин.

Принципиал янги техника, материаллар, илғор технология вужудга келтирилсин ва ишлаб чиқаришга жорий этилсин. Катта бирламчи қувватга ва унумдорликка эга бўлган машина ва агрегатлар, юксак даражада тежамли асбоб-ускуналар, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш учун керакли машиналарнинг тугал системаларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш таъминлансин.

Тайёр маҳсулотнинг, бутлаш буюмлари, идишлар, материаллар, хом ашё ва хизматларнинг истеъмолчилар талабларига мувофиқ келадиган стандартлари ҳамда техникавий шартлари такомиллаштирилсин.

Илмий тадқиқотларнинг самарадорлиги оширилсин, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш муддатлари анча қисқартирилсин. Илмий муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб олиб бориш такомиллаштирилсин, фундаментал фанларнинг илдам ривожланиши ва амалий тадқиқотларнинг самарадорлиги оши-

рилсин. Илмий тадқиқот, лойиҳа-қидирув ва конструкторлик ташкилотларининг ва олий ўқув юртларининг моддий-техникавий базаси мустаҳкамлансин.

5. **Табиатни,** ерни ва унинг остини, атмосфера ҳавосини, сув ҳавзаларини, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини **муҳофаза қилиш кучайтирилсин.** Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрор кўпайтириш таъминлансин.

6. Экономиканинг ҳамма бўғинларида бошқариш такомиллаштирилсин ва хўжалик юритиш даражаси оширилсин, уларни халқ хўжалигида энг яхши пировард натижаларга эришишга йўналтириш кучайтирилсин.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги ишда уюшқоқлик ва батартиблик оширилсин. Планлаштириш изчиллик билан яхшилансин, планнинг, иқтисодий воситалар ва омилларнинг узвий равишда ўзаро ҳамжиҳатлиги таъминлансин, бошқаришнинг ташкилий структуралари ва методлари такомиллаштирилсин.

Ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида ташаббускорлик, ишчанлик, ишлаб чиқаришни ўстириш резервларини ижодий қидириш ҳар томонлама ривожлантирилсин, юксак уюшқоқлик ва ижрочилик интизоми таъминлансин.

Хўжалик раҳбарларининг иш натижалари ва сифати, план топшириқлари ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши, хўжалик ҳисоби принципларига риоя этилиши, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги таъминланиши, иш ҳақи фондининг сарфланиши, оборот маблағларининг айланишини жадаллаштириш учун бўлган масъулияти кучайтирилсин. Маҳкамачилик ва маҳаллийчилик кўринишларига қарши, планларни камайтиришга қарши кескин кураш олиб борилсин, план топшириқларига асоссиз тузатишлар киритилишига йўл қўйилмасин. Бошқариш ва планлаштиришда, ходимларни меҳнатга онгли, ижодий муносабатда бўлиш, юксак ижтимоий ва ишлаб чиқариш активлиги руҳида тарбиялашда меҳнат коллективларининг роли ва ташаббуси оширилсин.

7. **Ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлиги оширилсин.** Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан социалистик иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш таъминлансин. Ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик ва капиталистик давлатлар билан ўзаро манфаатли савдо-сотиқ кенгайтирилсин.

III. ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ

Ун биринчи беш йилликда фан ва техниканинг ривожи совет жамиятининг иқтисодий ва социал вазифаларини ҳал этишга, экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказишни жадаллаштиришга, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга янада кўпроқ даражада бўйсундирилиши лозим.

Шунга биноан:

фан-техника тараққиёти комплекс программасини, фан-техника соҳасидаги энг муҳим проблемаларни ҳал этишга доир тармоқ программаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таъминлансин;

фан билан ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқалари кучайтирилсин, илмий муассасалардаги тадқиқотларнинг савияси учун, тугалланган илмий ечимларнинг ва ихтироларнинг натижаларидан ишлаб чиқа-

ришда тезроқ фойдаланиш учун министрликлар билан идораларнинг масъулияти оширилсин. Ишлаб чиқилаётган ва тайёрланаётган маҳсулотларнинг техникавий-иқтисодий даражасини баҳолаш системаси яхшилансин, эскирган маҳсулотни ишлаб чиқариш ўз вақтида тўхтатилсин, янги техникани яратиш ва ўзлаштириш муддатлари анча қисқартирилсин;

илмий тадқиқотларни ўтказиш учун керакли приборлар, асбоб-ускуналар, автоматлаштириш воситалари, реактивлар ва препаратлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Электрон-ҳисоблаш техникаси ёрдамида лойиҳа-конструкторлик ва илмий тадқиқот ишларини автоматлаштириш кенгайтирилсин;

фан-техника революциясининг талабларига мувофиқ тадқиқотлар ва янги лойиҳалар тайёрлашнинг йўналиши, илмий муассасаларнинг ташкилий структураси ўз вақтида аниқлаб, ўзгартириб турилсин. Ижтимоий-табиий фанлар ва техника фанларининг ўзаро алоқаси кучайтирилсин;

халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун олий ўқув юртларининг илмий потенциалидан фойдаланиш самарадорлиги оширилсин. Илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш такомиллаштирилсин;

илмий-техника ахбороти ва патент-лицензия иши системаси яхшилансин;

ихтирочилар ва рационализаторларнинг оммавий ижодкорлигини янада ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашилсин. Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда илмий-техника жамиятларининг роли кучайтирилсин.

Фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш асосида:

автомат манипуляторлар (саноат роботлари), микропроцессорлардан ва ихчам электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиладиган ва ўрнатиб қўйилган автомат-бошқарув системалари ишлаб чиқариш ривожлантирилсин ҳамда улардан кенг фойдаланиш таъминлансин. Автоматлашган цехлар ва заводлар барпо этилсин;

технология жараёнларининг таркибий қисми сифатида маҳсулот сифатини контрол қилиш ва синашнинг автоматлаштирилган методларини ҳамда воситаларини жорий этиш тезлаштирилсин;

машина ва ускуналарнинг бирламчи қувватлари энг мақбул тарзда оширилиб, айни вақтда уларнинг габарити, металл ишлатилиши, энергия истеъмол қилиши камайтирилсин ҳамда пировард фойдали самара бирлиги — қиймати пасайтирилсин;

технология жараёнлари, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва бажариладиган ишлар ўзгарган тақдирда қайтадан созланадиган кўп функцияли машина ва ускуналар яратилсин;

янги машиналар, ускуналар, аппаратлар ва приборлар яратиш вақтида унификация қилинган узеллар ва агрегатлардан фойдаланиладиган модул принципи кенг жорий этилсин;

транспорт воситаларининг принципиал янги турлари, шунингдек ёқилғи ва энергия сарфи анча қисқартирилишини таъминлайдиган транспорт энергия-куч қурилмалари яратилсин;

металлар ва қотишмалар, металл конструкциялар ва қувурларнинг пишиқ-пухталик хусусиятларини, занглашга чидамлигини, иссиқ ва совуққа бардошлилигини оширадиган юксак даражада самарали методлар ишлаб чиқилиб, жорий этилсин; металл кукунлари, қотишма кукунлари ва қийин эрийдиган бирикмалар асосида янги конструкцион материаллар, қопламалар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин;

ўта соф, ярим ўтказгичли, ўта ўтказгичли, янги полимер ва композицион материаллар ҳамда улардан ясалган хоссалари комплекси

олдиндан белгилаб қўйилган, ўтга чидамли ва химиявий бардошли ноорганик нометалл материаллар ва маҳсулотлар, шунингдек қуйма маҳсулот тайёрлаш учун зарур компонентлар ишлаб чиқариш ривожлантирилсин;

кам операцияли, оз чиқитли ва чиқитсиз технология жараёнлари кенг қўлланилсин, қаттиқ ва оғир суюқ ёқилғилардан комплекс фойдаланиш ҳамда уларни қайта ишлашнинг, шунингдек синтетик ёқилғилар олишнинг самарали методлари ишлаб чиқилиб, жорий этилсин;

металлар, материаллар ва маҳсулотларнинг хоссаларини анча яхшилаш мақсадида уларга ишлов беришнинг электр-химиявий-плазма, лазер, радиация ва бошқа юксак самарали методларидан фойдаланилсин;

рудалар таркибидаги фойдали компонентларни комплекс ва янада тўла-тўкис ажратиб олиш учун, таркибидаги фойдали компонентлари оз бўлган ва мураккаб конлардан фойдаланиш учун техника воситалари ва технологиялар яратиш ва улардан кенг фойдаланиш таъминлансин;

халқ хўжалигида қайта тикланадиган энергия манбалари (гидравлика, қуёш, шамол, геотермал энергия)дан фойдаланиш миқёслари кенгайтирилсин.

Ижтимоий фанлар соҳасидаги бутун куч-ғайрат қуйидаги соҳаларга қаратилсин:

КПСС, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг революцион-ўзгартирувчилик фаолияти тажрибасини умумлаштириш, диалектик ва тарихий материализм, илмий коммунизм, сиёсий иқтисод проблемаларини ишлаб чиқиш;

ривожланган социализмнинг, коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтиришнинг ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг назарий масалаларини; фан-техника тараққиёти ва меҳнатнинг социал-иқтисодий проблемаларини, халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш, тармоқлар ва районларнинг экономикаси, аграр назария, демография проблемаларини тадқиқ этиш;

етук социализмнинг социал структураси ва сиёсий системасини ривожлантириш, давлат ва ижтимоий турмушнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, коммунистик тарбия, инсонни ҳар томонлама ва уйғун равишда камол топтириш, социалистик турмуш тарзини янада такомиллаштириш проблемаларини ишлаб чиқиш;

жаҳон социалистик системаси ривожининг қонуниятларини, социалистик иқтисодий интеграция ва ташқи иқтисодий алоқалар проблемаларини тадқиқ қилиш;

капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлар экономикаси ҳамда сиёсати масалаларини ўрганиш; антикоммунизмни, ижтимоий ривожланишнинг буржуа ва ревизионистик концепцияларини танқид қилиш, марксизм-ленинизмни сохталаштирувчиларни фош қилиб ташлаш.

Табиий ва техника фанлари соҳасида бутун куч ва ғайрат қуйидаги энг муҳим проблемаларни ҳал этишга қаратилсин:

математика назариясини ривожлантириш, ундан амалий мақсадларда фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

элементар зарралар ва атом ядроси физикаси, қаттиқ жисм физикаси, оптика, квант электроникаси ва радиофизика назариясини ривожлантириш;

ядро энергетикасини ривожлантириш ва термоядро энергетикаси асосларини яратиш, энергияни ўзгартириш ва узатиш методларини такомиллаштириш;

хоссалари олдиндан белгилаб қўйилган янги моддалар ва материаллар олишнинг химиявий-технология жараёнларини, энергетика ва меҳнат ресурсларини тежайдиган, беки́к технология циклларидан фойдаланиладиган хом ашёдан ва ёрдамчи маҳсулотлардан комплекс фойдаланиш, технологияларнинг илмий асосларини яратиш;

машиналар, ускуналар ва бошқа машинасозлик маҳсулотларининг сифатини, пухталигини, тежамлигини ва унумлигини ошириш, шовқин ва тебранишни камайтириш, уларга ишлатиладиган материални ва уларнинг энергия истеъмол қилишини камайтириш; ҳисоблаш техникасини, унинг элементлари базасини ва математик жиҳатдан таъминланишини, ахборот йиғиш, узатиш ва ишлаш воситалари ҳамда системаларини такомиллаштириш; инсон фаолиятининг физиология, биохимия, генетика ва иммунология жараёнлари механизмини билиш, энг кўп тарқалган касалликларнинг олдини олиш, диагноз қўйиш ва даволаш методларини такомиллаштириш, янги дори-дармонлар, препаратлар ва медицина техникасини ишлаб чиқиш;

ўсимликларнинг сермаҳсул навларини, чорва зотларини ва фойдали микроорганизмлар турларини етиштириш, физиологик жиҳатдан актив янги моддаларни, шу жумладан пестицидларни яратиш;

медицинада, қишлоқ хўжалигида ва саноатда фойдаланиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун биотехнология жараёнларини ишлаб чиқиш;

космик фазони фан-техника ва халқ хўжалигини ривожлантириш манфаатлари йўлида янада чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш;

ернинг тузилиши, таркиби ва эволюциясини, биосферани, иқлимни, дунё океанини, шу жумладан денгизларнинг соҳилга яқин қисмини ўрганиш, бунда уларнинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадини назарда тутиш, об-ҳавони ва табиатнинг бошқа ҳодисаларини олдиндан билиш методларини такомиллаштириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги тадбирларнинг самарадорлигини ошириш; экологияни ривожлантириш.

IV. САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш воситаларига, аҳолининг эса халқ истеъмол молларига бўлган эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондириш, фан-техника тараққиёти ютуқларидан ҳар томонлама фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришни интенсивлаш, маҳсулот сифатини ошириш — саноатнинг энг муҳим вазифаларидир.

Аҳоли учун зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини ошириш барча саноат тармоқларининг, ҳамма корхоналар ва ташкилотларнинг энг муҳим вазифаси, барча партия, совет, хўжалик органлари ва касаба союзларининг алоҳида ғамхўрлик қилиши лозим бўлган иши деб ҳисоблансин.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун:

беш йилликда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 26—28 процент, шу жумладан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш 26—28 процент ва истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш 27—29 процент кўпайтирилсин;

саноатда меҳнат унумдорлиги 23—25 процент оширилсин, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг 90 процентдан ортиғи шунинг ҳисобига қўлга киритилсин;

саноат ишлаб чиқаришининг структураси такомиллаштирилсин, ундирма ва ишлама тармоқлар ривожида балансликни, халқ хўжалигидаги техника тараққиётини белгилайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадал кўпайтириш таъминлансин;

меҳнат унумдорлигини ўстиришни, материал ишлатиш ва энергия ишлатишни камайтиришни, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилашни, унинг ташқи бозордаги рақобат қобилиятини оширишни таъминлайдиган янги юксак самарали техникани яратиш, ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш миқёслари анча кенгайтирилсин;

конструкцион материалларнинг номенклатураси ва турлари кенгайтирилсин ва мунтазам равишда янгилаб борилсин, уларнинг техникавий-иқтисодий хусусиятлари яхшилансин. Қора ва рангли металлар ўрнига ишлатиладиган прогрессив материаллар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин;

ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш яхшилансин: нефть ва нефть маҳсулотларини қозонхона, печь ёқилғиси сифатида ишлатиш қисқартирилсин, атом энергетикаси илдам суръатлар билан ривожлантирилсин;

моддий ресурсларнинг тежалиши таъминлансин. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига хом ашё сарфлашнинг илғор нормалари жорий этилсин. Хом ашёни комплекс қайта ишлашдан, ресурсларни тежайдиган техникадан, кам чиқитли, чиқитсиз ва энергияни тежайдиган технологиядан кенг фойдаланилсин, маҳаллий хом ашё ва материал турлари бутун чоралар билан оборотга киритилсин, иккиламчи ресурслар қайтадан ишга солинсин. Озиқ-овқат бўладиган хом ашёни ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини техника мақсадларида ишлатиш максимал равишда қисқартирилсин;

саноат маҳсулотининг таннархи камайтирилсин, унинг рентабеллиги оширилсин;

саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш формалари такомиллаштирилсин, саноат тармоқлари ва айрим корхоналар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқалари яхшилансин. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кооперациялаш ва концентрациялаш даражаси оширилсин;

ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш миқёслари анча кенгайтирилсин, улар янги юксак самарали техника билан қайта таъминлансин, илғор технология, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни илмий ташкил қилиш жорий этилсин. Ташкилий техника воситаларини ишлаб чиқариш кўпайтирилсин;

ишлаб чиқариш қувватларидан ва асосий фондлардан фойдаланиш яхшилансин, машина ва ускуналарнинг иш сменаси коэффициенти оширилсин. Айрим тармоқлар ва ишлаб чиқаришнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, машина ва ускуналарни ремонт қилиш ва уларни янгилашни ташкил этишнинг илғор системалари яратилиб, қўлланилсин.

Саноат тармоқлари ривожининг қуйидаги асосий йўналишлари белгилансин.

Электр энергетикада электр энергия ҳосил қилишни 1985 йилда 1550—1600 миллиард киловатт-соатга, шу жумладан атом электр станцияларида 220—225 миллиард киловатт-соатга ва гидроэлектростанцияларда 230—235 миллиард киловатт-соатга етказилсин. СССРнинг Европа қисмида электр энергия ҳосил қилишни кўпайтириш асосан атом ва гидроэлектростанцияларда таъминлансин.

Атом электр станцияларида 24—25 миллион киловатт янги қувватлар ишга туширилсин. Тез ҳаракатланувчи нейтронлар асосида ишловчи реакторларни ўзлаштириш ва иссиқлик энергияси ҳосил қилиш учун ядро ёқилғисидан фойдаланиш ишлари давом эттирилсин.

Сибирь, Узоқ Шарқ ва Урта Осиё дарёларида гидроресурслардан комплекс фойдаланишни ҳисобга олиб, йирик электростанциялар, шунингдек СССРнинг Европа қисмидаги гидроаккумуляция қилувчи

электростанциялар қурилсин. Сув қалқиши билан ишлайдиган электростанциялар барпо этиш соҳасидаги тадқиқот ва лойиҳа-қидирув ишлари давом эттирилсин. Кичик дарёларнинг гидроэнергетика ресурсларидан тўлароқ фойдаланилсин.

Экибастуз ва Канск-Ачинск ҳавзаларининг кўмиридан, шунингдек Ғарбий Сибирь конларининг табиий гази ҳамда нефтига қўшилиб чиқадиган газдан фойдаланувчи иссиқлик электр станциялари қурилиши жадал суръатлар билан амалга оширилсин. 1500 киловольт кучланишли Экибастуз — Марказ доимий ток электр линиясининг биринчи навбати ҳамда 1150 киловольт кучланишли Экибастуз — Урал ўзгарувчан ток электр линияси ишга туширилсин.

Мамлакатнинг туташ энергетика системасини янада ривожлантириш, халқ хўжалигининг электр таъминоти пухталиги ва сифатини ошириш соҳасидаги ишлар давом эттирилсин.

Иссиқлик электр марказлари ва йирик район буғ қозонхоналари қуриш йўли билан истеъмолчиларни иссиқлик билан бир марказдан таъминлашни янада ривожлантириш, иссиқлик сарфлаш салмоғи ҳамда электр ва иссиқлик энергиясининг таннархини пасайтириш таъминлансин.

Меҳнат унумдорлиги 18—20 процент оширилсин.

Нефть саноатида 1985 йилда 620—645 миллион тонна ҳажмда нефть (газ конденсати билан бирга) қазиб олиш таъминлансин.

Ғарбий Сибирь районларида, Қозоғистон ССРда ва мамлакат Европа қисмининг шимолида нефть қазиб чиқариш саноати юқори суръатлар билан ривожлантирилсин, қурилишнинг индустриал методларини кенг қўлланиш ҳамда асосан заводларда тайёрланган блок-комплект ускуналардан фойдаланиш негизида янги нефть конларини саноат йўли билан ишлатишга жадал топшириш амалга оширилсин.

Нефть қатламларига таъсир қилишнинг янги методларини қўлланиш кенгайтирилсин ва шу йўл билан ер остидан нефть чиқариб олиш кўпайтирилсин. Кон-қудуқлардан газлифт усулида фойдаланишдан иборат илғор усул ва серунум чўктирма электр насослари жорий этилсин, ғоят ёпишқоқ ва битумбоп нефтни қазиб олиш технологияси такомиллаштирилсин.

1985 йилда комплекс автоматлаштирилган конларда қазиб олинган нефтнинг салмоғи 85—90 процентга етказилсин. Бир кон-қудуққа хизмат қилиш учун бўладиган меҳнат сарфи 15—18 процент камайтирилсин.

Техника билан жадал қайта қуроллантириш, пармалаш ишларининг технологиясини ва уларни ташкил этишни янада такомиллаштириш ҳисобига бу ишларнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари яхшилансин.

Нефтни қайта ишлаш саноатида нефтдан фойдаланиш самарадорлиги оширилсин, уни қайта ишлашни янада чуқурлаштириш, нефть ва нефть маҳсулотлари нобудгарчилигини қисқартириш таъминлансин.

Хушбўй углеводород, суюқ парафин, этилен, нефть электрод коксини кўп тонналаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин. Ёқилғига ва мойлаш ёғларига қўшиладиган юқори самарали элементлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Ишлаб чиқарилаётган нефть маҳсулотларининг сифати оширилсин. Ишлаб чиқарилаётган мойлаш ёғлари, мойлар, мотор ва буғ қозон-печь ёқилғилари сортларини янада унификация қилиш амалга оширилсин.

Планлаштирилган ҳажмда ишлаб чиқаришни ўстириш асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлансин.

Газ саноатида газ қазиб олишни жадал ривожлантириш програм-

маларини амалга ошириш энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин. Унинг ҳажми 1985 йилда 600—640 миллиард кубометрга етказилсин. Тармоқни янада жадал ривожлантириш учун шароит яратилсин.

Газ конларида газ тайёрлайдиган серунум автомат блок қурилмалар жорий этилсин.

Нефтга қўшилиб чиқадиган ва табиий газни комплекс қайта ишлаб, ундан этан, олтингугурт ва бошқа йўлдош компонентлар ажратиб оладиган қувватлар кўпайтирилсин. Газ конденсати қазиб олиш оширилсин, ундан янада тўла-тўкис фойдаланиш таъминлансин.

Юксак даражада автоматлаштирилган ва пишиқ-пухта ишлатиладиган қудратли магистрал газ қувурлари қурилиши амалга оширилсин.

Мамлакат газ таъминоти туташ системасининг иш самарадорлиги ва пухталиги оширилсин. Иссиқлик истеъмол қилувчи асосий районларда ер ости газ омборлари қуриш давом эттирилсин.

Меҳнат унумдорлиги 33—35 процент оширилсин.

Кўмир саноатида 1985 йилда 770—800 миллион тонна миқдорида кўмир қазиб олиш таъминлансин.

Илғор технологияни ва бирламчи қуввати катта бўлган кон-транспорт машина-ускуналарини кенг миқёсда жорий этиш асосида кўмирни энг самарали очиқ усулда қазиб олиш илдам суръатлар билан ривожлантирилсин. Кузбассдаги қувватларни вужудга келтириш, Канск-Ачинск ва Экибастуз ёқилғи-энергетика комплекслари объектларининг қурилиши ва шу районларда кўмир қазиб олишни кўпайтириш жадаллаштирилсин.

Айниқса, коксланувчи кўмирни ер ости усулида қазиб олиш, кўмирни гидравлик усулда қазиб чиқариш ҳамда қувурлар орқали ташишни янада ривожлантириш амалга оширилсин.

Кўмир сифати оширилсин. Коммунал-рўзғор эҳтиёжлари учун сортли кўмир ва кўмир брикетларини етказиб бериш кўпайтирилсин.

Шахта қуриш ташкилотларининг қувватлари кўпайтирилсин.

Кон-геология жиҳатидан мураккаб шароитларда кўмир қазиб оладиган ва кон тайёрлаш ишларини бажарадиган машина-ускуналарнинг серунум комплексларини яратиш ва уларни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш тезлаштирилсин. Шахталардаги тозалаш забойларида одамларнинг доимий иштирокисиз кўмир қазиб чиқарадиган автомат воситаларни яратиш ва жорий этиш кенгайтирилсин.

Халқ хўжалигининг серунум ва пухта ишлайдиган кон-шахта машина-ускуналарига ва уларнинг запас қисмларига бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис қондириш учун кўмир машинасозлигининг ишлаб чиқариш қувватлари кўпайтирилсин.

Меҳнат шароитлари ва хавфсизлик техникаси яхшилансин.

Кўмир қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлансин.

Қора металлургияда металл маҳсулотнинг сифатини тубдан яхшилаш ва унинг самарали турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш бундан буёнги ривожланишнинг бош йўналиши бўлиб қолиши керак.

1985 йилда қора металларнинг 117—120 миллион тонна тайёр прокати ишлаб чиқарилсин.

Қора металлургия корхоналари кенг миқёсда техника билан қуроллантирилсин.

Совуқ усулда прокат қилинган лист, пухталаштирувчи термик ишлов берилган ва оз легирланган пўлатлардан тайёрланган прокат, ҳимоя қопламали лист ва тунука (шу жумладан энг юпқа тунука), совуқ усулда прокат қилинган лента ва динамо пўлати, прокатнинг фасон ва юксак даражада аниқ профиллари ишлаб чиқариш 1,5—2,5 баравар кўпайтирилсин.

Пўлат қувурларнинг тежамли ва махсус турларини: нефть қудуқларини пармалашда ишлатиладиган янги турдаги бурма ариқчали ва зангдан сақловчи модда учун юксак даражада аниқ, подшипникли қувурлар ва атом энергетикаси учун керакли қувурлар ишлаб чиқариш жадал ривожлантирилсин. Газ қувурлари учун кўп қатламли қувурлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин.

Ейилишга юқори даражада бардош берадиган, узоққа чидайдиган, зангга бардошли буюмлар ҳосил қилиш учун, шунингдек, машина ва механизмлар тайёрлашга меҳнат ҳамда металл сарфини камайтириш учун металл кукуни ишлаб чиқариш 3 баравар кўпайтирилсин. Прецизион қотишма ва прокатни саноатда ишлаб чиқариш ривожлантирилсин.

Қора металлургиянинг хом ашё базасини илдам ривожлантириш таъминлансин.

Қазиб чиқарилаётган рудалар таркибидаги моддаларни ажратиб олиш оширилсин, концентратлар таркибидаги темир, марганец ва хром миқдори кўпайтирилсин. Оксидланган темирли кварцидларни саралаш ва қумоқлаш технологияси саноат миқёсида ўзлаштирилсин.

Кислород-конвертор ва электр ёрдамида пўлат эритиш методларини ривожлантириш йўли билан пўлат ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш амалга оширилсин. Электр ёрдамида эритиладиган пўлат ишлаб чиқаришни 1,6 баравар кўпайтириш таъминлансин. Пўлатни махсус қайта эритиш ва печдан ташқарида ишлов бериш методлари билан пўлат ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

Заготовкаларни узлуксиз қуйиш машиналарида пўлат қуйиш 35—37 миллион тоннага етказилсин.

Қора металл парчаларидан янада тўла-тўкис фойдаланиш ва уни сифатли тайёрлаш таъминлансин. Таркибида металл бўлган чиқиндилар ишлаб чиқаришда кенг ишлатилсин. Қора металл парчалари тўпланадиган ва металл маҳсулот истеъмол қилинадиган жойларда чоғроқ қувватли металлургия заводлари қурилсин.

Иккиламчи энергия ресурсларидан янада тўла-тўкис қайта фойдаланишга ҳаракат қилинсин.

Меҳнат унумдорлиги 12—14 процент оширилсин.

Рангли металлургияда ишлаб турган корхоналарнинг хом ашё базасини мустаҳкамлаш, шунингдек уни янада илдам ривожлантириш таъминлансин. Руда ва концентратларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш технологияси такомиллаштирилсин, минерал хом ашёдан фойдаланишнинг комплекслилиги ва тўлалиги оширилсин, автоген, гидрометаллургия, микробиология жараёнлари ва бошқа самарали технологик жараёнларни ҳамда бирламчи қуввати катта бўлган агрегатларни жорий этиш тезлаштирилсин. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати яхшилансин ва турлари кўпайтирилсин.

Алюминий ишлаб чиқариш 15—20 процент, мис ишлаб чиқариш 20—25 процент, никель ва кобальт ишлаб чиқариш камида 1,3 баравар кўпайтирилсин, рух, қўрғошин, титан, магний, қимматбаҳо металлар, шунингдек вольфрам ва молибден концентратлари, ниобий ва бошқа легирлаш элементлари ишлаб чиқариш оширилсин.

Ярим ўтказгич, ўта соф ва махсус материаллар, прецизион қотишмалар ва параметрлари оширилган бошқа материаллар, тежамли турдаги прокат, биметаллар, юпқа алюминий ва мис электролитик фольга, қаттиқ қотишма ва минерал-керамикадан кукунлар, қайта сайқалланмайдиган юксак даражадаги аниқ пластиналар ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожлантирилсин.

Янги бой конларда кон-саралаш комплексларининг объектлари қурилиши тезлаштирилсин.

Рангли металл парчалари ва чиқитларини йиғиш, тайёрлаш ва

қайта ишлаш кўпайтирилсин, иккиламчи энергия ресурсларидан фойдаланиш яхшилансин.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлансин.

Химия ва нефть химияси саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 30—33 процент кўпайтирилсин. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1985 йилда шартли бирликлар ҳисобида 150—155 миллион тоннага (таркибидаги тўйимли моддалар 100 процентга айлантириб ҳисобланганда 36—37 миллион тоннага), синтетик смола ва пластмассалар 6—6,25 миллион тоннага, химиявий тола ва иплар 1,6 миллион тоннага етказилсин.

Минерал ўғит ва химиявий озуқабоп қўшимчалар ишлаб чиқариш қувватларидан янада тўлиқ фойдаланиш учун хом ашё базаси илдам суръатлар билан ривожлантирилсин.

Минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини ишлаб чиқаришни балансли ривожлантириш таъминлансин. Концентрат ва мураккаб ўғитлар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин. 1985 йилдан бошлаб калийли ўғитлар қишлоқ хўжалигига фақат донадор ва йирик кристалл тарзида етказиб бериладиган бўлсин.

Табиий каучук ўрнини босадиган синтетик каучуклар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Шиналарнинг йўл босиши оширилсин. Қудратли самосваллар ва скреперлар учун шиналар, қишлоқ хўжалик машиналари ва автомобиллар учун паст босимли шиналар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

Техникавий хоссалари илгаридан белгилаб қўйиладиган юқори сифатли полимерлар, шу жумладан армирланган ва тўлдиргичлик пластмассалар ишлаб чиқариш, шунингдек пластмасса қувурлар чиқариш ривожлантирилсин.

Кичик ҳажмдаги химиявий маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Халқ хўжалигининг дезинфекция воситалари, полимер материаллар ва доривор воситалар синтези учун химиявий қўшилмалар, тўқимачилик учун ёрдамчи моддалар, консервантлар, катализаторлар, синтетик тола, иплар ва бўёқлар, лак-бўёқ ва ўраш материаллари, кир ювиш воситалари, техника мақсадларида ишлатиладиган мой ва ўсимлик ёғларининг ўрнини босадиган ўта соф химиявий материаллар ва реактивлар, шунингдек махсус алоҳида юпқа полимер плёнкаларга жойланган мана шундай маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлар янада тўлиқ қондирилсин.

Резина пойабзал, маиший химия маҳсулоти ва фотоматериаллар ишлаб чиқариш ҳажми ва турлари кўпайтирилсин, сифати яхшилансин.

Меҳнат унумдорлиги 28—30 процент оширилсин.

Мамлакатнинг территориясини геологик ўрганиш, минерал хом ашё, аввало ёқилғи-энергетика ресурсларининг текшириб аниқланган запасларини кўпайтириш ишларини жадал ривожлантириш таъминлансин, Ғарбий ва Шарқий Сибирь территориясида, СССРнинг Европа қисмида, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ССРда, шунингдек, соҳилга яқин жойларда нефть ва газ конларини аниқлаш тадбирлари амалга оширилсин. Ишлаб турган кон-ундирма корхоналарнинг, айниқса, территориал-ишлаб чиқариш комплекслари барпо этилаётган районлардаги мана шундай корхоналарнинг хом ашё базалари кенгайтирилсин. Қора ва рангли металларга бой ва бойитиш осон бўлган конларни, боксит, фосфорит, кўмир, ёнувчи сланец ва атом энергетикаси хом ашёси, бинокорлик материаллари ва минерал ўғит ишлаб чиқариш учун керакли хом ашё конларини қидириб топиш ва аниқлаш, шунингдек, ер ости сувларини қидириб топиш ва аниқлаш кучайтирилсин.

Ер остини геофизика ва геохимия усулида тадқиқ қилишнинг ил-

ғор турлари анча тез суръатлар билан ривожлантирилсин, геологияда ернинг табиий ресурсларини аниқлашнинг аэробаландлик ва космик воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилсин, фойдали қазилма конларини геологик-иқтисодий жиҳатдан тезкорлик билан чамалаш методлари ишлаб чиқилсин ва қўлланилсин. Геология-разведка ташкилотларини техника билан янада яхшироқ қуроллантириш, уларни юксак самарали асбоб-ускуналар, аппаратлар ва транспорт воситалари билан таъминлаш йўлга қўйилсин.

Машинасозлик ва металл ишлашни илдам ривожлантириш кўзда тутилсин. Машинасозлик ва металл ишлаш саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш камида 1,4 баравар кўпайтирилсин.

Энергияни ва материалларни тежайдиган, серунум технологияни кенг миқёсда жорий этиш имконини берадиган янги конструкциялардаги машиналар, асбоб-ускуналар, автоматлаштириш воситалари ҳамда приборларни кўплаб ишлаб чиқариш, шунингдек, мамлакат халқ хўжалигининг турли тармоқлари ва районларида ишлатишнинг ўзига хос хусусиятларига мос келадиган зарур техника воситалари ишлаб чиқаришни қисқа муддатларда ўзлаштириш таъминлансин.

Машинасозлик маҳсулоти, автоматлаштириш воситалари ва приборларнинг техникавий даражаси ва сифати яхшилансин, ишлаб чиқарилаётган техника воситаларининг тежамлилиги ва унумдорлиги, уларнинг пишиқ-пухталиги ва чидамлилиги анча оширилсин. Шу мақсадда машина ва ускуналарни бошқаришни автоматлаштириш воситалари, тиристорли ўзгартгичлар ва микропроцессорлар билан комплектланган электр юритмалар, гидравлик ва пневматик асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш таъминлансин. Машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва приборлар учун запас қисмлар, узеллар ва агрегатлар ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин.

Ишлаб чиқарилаётган машинасозлик маҳсулотининг сифатини ва техникавий даражасини контрол қилиш системаларининг таъсирчанлигини кучайтириш тадбирлари ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

Оз малака талаб қиладиган ва бир хилдаги ишларда, айниқса оғир ва инсон учун зарарли шароитларда қўл меҳнатидан фойдаланишга барҳам берадиган машина ва ускуналар, программа асосида бошқариладиган автомат манипуляторлар системаларини ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин.

Машинасозлик ишлаб чиқариши технологиясини такомиллаштириш ва унинг ташкил этилишини яхшилаш ҳисобига бу соҳанинг самарадорлиги оширилсин, деталлар, узеллар ва технология жараёнларининг тармоқлар ичида ва тармоқлар орасида чуқур унификация қилиниши таъминлансин.

Машинасозлик ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришни кенгайтириш, тармоқларда ва тармоқлараро фойдаланиладиган заготовкалар, деталлар, узеллар ва агрегатлар тайёрлайдиган янги ихтисослаштирилган корхоналар ва йирик цехлар барпо этиш ҳамда ишлаб турган мана шундай корхона ва цехларни ривожлантириш давом эттирилсин.

Серунум махсус ва агрегат станоклар, илғор темирчилик-пресслаш машина-ускуналари, автомат линиялар ва комплекслар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига машинасозликда металл ишлаш машина-ускуналари паркининг структураси яхшилансин.

Машинасозлик корхоналарини янги металл ишлаш машина-ускуналари билан биринчи навбатда қайта қуроллантириш таъминлансин.

Машина ва ускуналар тайёрлашга кетадиган металл улушини камайтиришга ҳамда металл маҳсулотлари ишлаб чиқаришда чиқитлар ва исрофгарчиликни анча қисқартиришга доир тадбирлар системаси ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин. Бу иш:

машина ва ускуналарнинг конструкцияларини такомиллаштириш, пухталиги оширилган металлардан, фасон профиллардан, юксак даражада аниқ прокатдан, конструкцион пластмассалардан ва юқори температурага чидамли изоляцияли материаллардан кенг фойдаланиш, металл қирқишга асосланган технология жараёнларини деталь шаклини ҳосил қилиш тежамли методлари билан алмаштириш;

қуймакорликда электр печларни ва темирчиликда металлни оксидлайдиган тарзда қиздириш методини кенг жорий этиш ҳисобига амалга оширилсин.

Машинасозлик корхоналарида металл прокатидан жуда оз чиқит билан фойдаланиш имконини берадиган деталь прокатлаш станлари тайёрлансин ва жорий этилсин.

Машинасозликнинг зарур сортаментдаги прокатга бўлган талабини янада тўла-тўкис қондириш мақсадида йирик машинасозлик корхоналарида кам тоннажли махсус тежамли прокат профиллари ишлаб чиқариладиган қувватлар вужудга келтирилсин.

Истеъмолчиларга асосан заводларда тайёрланган комплект ускуналар етказиб берилиши, машинасозлик корхоналари ва бирлашмаларни монтаж қилиш, ишга тушириш-созлаш ишларини ўтказиши ва мазкур ускуналарни буюртмачиларга топшириши таъминлансин.

Меҳнат унумдорлиги 31—35 процент оширилсин.

Энергетика машинасозлигида атом, гидро ва иссиқлик электр станциялари учун машина-ускуналар, шу жумладан 1—1,5 миллион киловатт қувватли атом реакторлари ва паст сортли кўмир билан ишлайдиган иссиқлик электр станциялари учун 500—800 минг киловатт қувватли энергоблоклар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш таъминлансин. Йирик шаҳарларни иссиқлик билан таъминлаш учун дастлабки атом реакторлари тайёрлансин ва етказиб берилсин. Тез ҳаракатланадиган нейтронлар асосида ишлайдиган 800—1600 минг киловатт қувватли реакторлар билан таъминланган энергоблокларнинг, маневрчанлиги юқори, 500 минг киловатт қувватли энергоблоклар машина-ускуналарининг янги конструкциялари ишлаб чиқилсин. Қаттиқ ёқилғини цикл ичида газга айлантирувчи 250 минг киловатт қувватли буғ-газ қурилмаларининг тажриба-саноат намунаси тайёрлансин.

Металлургияда ва саноатнинг бошқа тармоқларида иккиламчи энергия ресурсларидан фойдаланиш имконини берадиган машина-ускуналар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Магистраль газ қувурларига 100 атмосфера босими билан газ ҳайдовчи агрегатларни кўплаб ишлаб чиқариш ташкил этилсин.

Оғир ва транспорт машинасозлигида комплект металлургия машина-ускуналари, шу жумладан заготовкаларни узлуксиз қуядиган машиналар, ўзиюрар кончилик машина-ускуналарининг ва узлуксиз ҳаракат қиладиган ғоят унумли кон-транспорт машиналарининг янги турларини ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин. Мураккаб кон-геология шароитларида кончиларнинг меҳнатини комплекс механизациялаш учун керакли машиналарнинг системаларини яратиш ишлари амалга оширилсин.

Техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлган дизель моторлар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин ва катта қувватли йўл қуриш машиналари учун мотор яратилсин.

Янада қудратли магистраль ва маневрчан тепловозлар ишлаб чиқариш ташкил этилсин, ихтисослаштирилган юк вагонлари, темир йўл цистерналари, электр поездлар учун вагонлар, шунингдек темир йўлда ишлатиладиган машиналар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Кўтариш-ташиш, ортиш-тушириш ва омбор ишларини механизациялаш ҳамда автоматлаштириш воситалари тайёрлаш бўйича қувватларни ривожлантириш тезлаштирилсин.

Электротехника саноатида 1—1,5 млн. киловатт қувватли турбогенераторлар, 1150 киловольт кучланишли ўзгарувчан токда ва 1500 киловольт кучланишли доимий токда ишлайдиган электр ускуналари комплектларини, кучли магистраль электровозларни, 200 тоннагача сиғимли пўлат эритиш печларини, прокат станлари ва нефть-газ ҳайдайдиган станциялар учун комплект электр юритмаларни, катта моментли электр моторларни, токни ўзгартириб берадиган ярим ўтказгичли куч техникасини, металл қирқиш асбобларига ейилишга чидамли қоплама туширувчи автомат пайвандлаш линиялари ва қурилмаларини ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин.

Фойдали иш коэффициенти анча юқори, рангли металлар ва бошқа материаллар сарфлаш улуши камроқ бўлган электротехника машина-ускуналарини ишлаб чиқишга ва ишлаб чиқарилишини ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилсин. Ёруғлик бериши ва хизмат муддати оширилган янги, тежамли ёруғлик манбаларини ишлаб чиқариш таъминлансин.

Кучли экскаваторларнинг, роторли комплексларнинг ва пармалаш ускуналарининг комплекс электр асбоб-ускуналарини тайёрлаш ташкил этилсин.

Симлар ва микросимлар учун иссиққа чидамли эмаль, кўп ихчам серэнергия аккумуляторлар батареялари, юпқа фольгали диэлектриклар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин, шунингдек митти ток олиш манбаларининг, электр моторларнинг ва алоҳида ишлатиладиган толали оптик кабелларнинг янги типлари сериялари ўзлаштирилсин.

Материалларга лазер ёрдамида ишлов берадиган ва кукунларни плазма билан чанглайдиган қурилмаларни кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилсин.

Химия ва нефть машинасозлигида серунум асбоб-ускуналарни, шу жумладан, химия, нефть, газ саноатида, нефть ва газни қайта ишлаш, нефть химияси, медицина, микробиология, целлюлоза-қоғоз саноатида ва геология-разведка ишларида принципиал янги технология жараёнлари учун серунум асбоб-ускуналар яратиш ва ишлаб чиқариш таъминлансин.

Минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, химиявий тола ва пластмасса ишлаб чиқарадиган катта қувватли машина-ускуналар ва агрегатлар; оқсил-витаминли концентратлар, озуқа ачитқиси ва фурфурол, аминокислота-лизин ишлаб чиқарадиган технологик линиялар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин. B_2 озуқа витаминли ва ксилит ишлаб чиқариладиган комплект технология линияларини вужудга келтирилсин ва уларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин.

Универсал монтаж қилинадиган ва кон-қудуқларни гуруҳлаб пармалайдиган комплект пармалаш қурилмалари, кон-қудуқларни ишлатиш ва ремонт қилишни механизациялаштирадиган машина-ускуналар, нефть ва газ конларини ускуналаш учун керакли автомат ва блок комплект асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш таъминлансин.

Кўп юк кўтарадиган ағдарма машиналар учун йирик габаритли шиналар, шаклли ва шаклсиз резина-техника буюмларининг янги турларини, полимер плёнка ва дренаж қувурлари тайёрлайдиган серунум техника ишлаб чиқариш ташкил этилсин.

Газ тозалайдиган, чанг тутадиган ғоят самарали асбоб-ускуналар ва саноатдан чиқадиган оқова сувни тозалайдиган асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Станоксозлик ва асбобсозлик саноатида тайёрланаётган техника ва асбобларнинг техникавий даражаси оширилсин ва сифати яхшилансин;

металл қирқиш станокларининг, темирчилик-пресслаш машиналарининг, қуйиш ва ёғочсозлик машина-ускуналарининг унумдорлигини

1,3—1,6 баравар, уларнинг ишлатишдаги пухталиги ва чидамлилигини ошириш, шунингдек металл қирқиш станокларининг аниқлигини камида 20—30 процент ошириш;

темирчилик-пресслаш машина-ускуналари ишлаб чиқаришни илдам ўстириш;

автомат манипуляторлар билан таъминланган металл ишлаш машина-ускуналари комплексларини ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш;

рақамли программа асосида бошқариладиган, айниқса, асбоблари автомат тарзда алмаштириб туриладиган ва кўп операцияларни бажарадиган металл ишлаш станоклари; машинасозлик ва металл ишлаш учун автомат линиялар, шу жумладан қайта созланадиган линиялар; оғир ва ноёб металл қирқиш станоклари ҳамда темирчилик-пресслаш машиналари; кўплаб тайёрланадиган маҳсулотларни йиғишни автоматлаштириш ускуналари ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш;

мебель, ёғоч-пайраха плиталар, дурадгорлик қурилиш буюмлари, ёғоч-панель уйлар ва бошқа ёғоч маҳсулотлар тайёрлайдиган автомат ёғочсозлик машина-ускуналари комплектларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш таъминлансин.

Асбоблар, шу жумладан, абразив асбоблар тайёрлаш кўпайтирилсин, машинасозлик, металл ишлаш ва бошқа тармоқларнинг шу асбобларга бўлган эҳтиёжлари янада тўла қондирилиши таъминлансин.

Асбобларнинг янги турлари, шу жумладан ейилишга чидамли қоплама ётқизилган асбобларни, вольфрамсиз қаттиқ қотишмалар, сунъий олмослар ва бошқа ўта қаттиқ материалларни кенг миқёсда ишлаб чиқариш ташкил этилсин.

Приборсозликда микроэлектроника, оптик электроника ва лазер техникасининг энг янги ютуқлари асосида ҳисоблаш техникаси, автоматлаштириш приборлари ва воситаларининг техникавий даражаси оширилсин.

Тез ҳаракат қиладиган бошқарув ва ҳисоблаш комплекслари уларнинг четки ускуналари ва программалаш воситалари, ростлаш ва телемеханика электрон қурилмалари, ижрочи механизмлар, мураккаб технология жараёнларини комплекс автоматлаштириш системаларининг, агрегатлар, машиналар ва асбоб-ускуналарнинг приборлари ҳамда датчикларини ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожлантирилсин. Оптик приборлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Энергия истеъмолини бошқарадиган автомат системаларнинг ўлчаш-ахборот техникасини, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ва бошқа тармоқлар маҳсулотининг сифатини контрол қилиш учун автоматлаштириш приборлари ва воситаларини ишлаб чиқиш ташкил этилсин.

Нефть, газ ва бошқа фойдали қазилмаларни разведка қилиш юзасидан геофизикавий ишлар ўтказиш учун рақамли сейсморазведка комплексларини яратиш ва ишлаб чиқариш таъминлансин. Илмий тадқиқотлар учун, атроф муҳитни, ёқилғи-энергетика ресурсларининг сарфланишини, меҳнат шароитларининг ҳолатини контрол қилиш учун керакли приборлар ва ўлчаш қурилмалари, замонавий медицина приборлари ва аппаратлари, шунингдек ўлчаш техникаси ва касса аппаратлари ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

Автомобиль саноатида дизель моторли юк автомобиллари ишлаб чиқариш жадал ривожлантирилсин. Жуда кўп юк кўтарадиган ва карьерларда ишлатиладиган янги ағдарма машиналар, ҳар хил ишлар учун фойдаланиладиган ағдарма машиналар ва дизель моторли автобуслар ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин, автопоездларга тиркаладиган прицеплар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Ички

ёниш моторларининг конструкцияларини такомиллаштириш ҳисобига уларнинг ёқилғини тежаш хусусияти оширилсин.

Юк ортиш-тушириш қурилмалари бўлган юк автомобиллари, шунингдек 20 ва 30 тонна юк кўтара оладиган контейнер ташиш машиналари, рефрижераторлар ва нефть маҳсулотлари учун автоцистерналар, чорва, парранда, тирик балиқ ва суюқ комплекс ўғит ташийдиган 9—13,5 тонна юк кўтара оладиган машиналар, халқ истеъмол қиладиган моллар етказиб бериш учун автолавкалар ва махсус транспорт ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

Қишлоқ хўжалиги, ўрмон саноати ва қурилиш учун юқори ўтағон махсус автомобиллар ва автопоездларнинг конструкцияси ишлаб чиқилсин ҳамда уларни кўплаб ишлаб чиқариш ташкил этилсин.

Шаҳар ичида юк ташиш учун самарали ток манбалари билан таъминланган кам тоннажли юк электромобиллари яратиш таъминлансин ва уларни ишлаб чиқаришга киришилсин.

Подшипник саноати, айниқса станоксозлик ва приборсозлик учун кўп юк кўтара оладиган ва аниқлиги жуда юқори подшипниклар ишлаб чиқариш янада ривожлантирилсин.

Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигида «К-700», «Т-150» ва бошқа типлардаги кучли тракторлар, шунингдек, уларга қўшиб ишлатиладиган машина ва қуролларнинг бутун комплексини ишлаб чиқаришни янада ўстириш таъминлансин.

Деҳқончиликда индустриал технологияни жорий этиш учун серунум машиналар зарур туркумининг қувватлари оширилсин ва уларни тайёрлаш ташкил этилсин.

Ўзининг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан ҳозирги замон талабларига мувофиқ келадиган кучли чопиқ трактори ва серунум дон комбайни конструкциялари ишлаб чиқилсин ва уларни ишлаб чиқаришга киришилсин.

Тупроқнинг нурашига қарши курашиш учун керакли машина-механизмлар, сабзавотчилик ва боғдорчилик, узумчилик ва доривор экинлар етиштирадиган машиналар, тиркама асбоблари билан ихчам тракторлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Ўзиюрар, уюмлаб ўрадиган ўроқ машиналари ишлаб чиқариш ташкил этилсин. Комбинациялаштирилган тупроқ ишлаш ва экин экиш машиналари, шунингдек иш органлари актив ҳаракат қиладиган машина ва қуроллар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

Қаттиқ ва суюқ минерал ўғитларни, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини тайёрлаб тупроққа солиш учун зарур бўлган янги серунум машина ва механизмларни, шунингдек дон тозалаш, дон тозалаш-қуритиш агрегатларини ва юксак унумли комплексларни тайёрлаш йўлга қўйилсин.

Чорвачилик ва ем-хашак тайёрлаш машинасозлигида ем-хашак жамғариш, тайёрлаш ва тарқатиш, чорва ва парранда боқиш ҳамда семиртиришнинг илғор технологик жараёнлари жорий этилишини таъминлайдиган юксак самарали машина ва ускуналарнинг, шунингдек, чучук сув балиқчилиги учун керакли асбоб-ускуналарнинг комплектларини ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Ем-хашак йиғиштириб берадиган ўзиюрар машиналар ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин. Органик ўғитни ерга солиш учун серунум, юк кўтарадиган ва ҳамма жойда юра оладиган машиналар, кўк ем-хашак ташийдиган катта сиғимли транспорт воситалари, серунум юклагичлар, шунингдек фермаларда дастлабки ишлайдиган, сут совитадиган ва сақлайдиган асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва уларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилсин.

Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлигида қурилиш ишлари-

нинг барча босқичларидаги асосий ишларни комплекс механизациялаш учун керакли серунум машиналар яратилсин ва уларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин.

Кучли ўзиюрар ер қазиш-тупроқ ташиш машиналари, ўрмон қирқишни механизациялаш, мелиоратив қурилиш ва коммунал хўжалиги учун керакли янги турдаги машина-механизмларни ишлаб чиқариш тезлаштирилсин.

Ишлаб турган ишлаб чиқариш шароитида қурилиш ишларини бажариш учун машиналар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Механизациялаштирилган, дастлабки қурилиш-монтаж асбоблари ва қурилиш-пардозлаш машиналарининг техникавий даражаси оширилсин, турлари ва уларни ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Бинокорлик материаллари буюмлари ва янги йиғма конструкциялар тайёрлаш учун керакли комплект технология линиялари ва асбоб-ускуналари ўзлаштирилсин. Қуруқ усулда цемент олиш учун серунум автомат линиялар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлигида технология жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришни таъминлайдиган, қишлоқ хўжалик хом ашёсидан комплекс фойдаланишни, уни қайта ишлаш, асраш ва истеъмолчига етказиб беришда нобудгарчиликни қисқартиришни, шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтиришни таъминлайдиган машина ҳамда ускуналарнинг юксак самарали системаларини ишлаб чиқиш амалга оширилсин ва уларни ишлаб чиқаришга киришилсин.

Узоқ муддат сақланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва масалліқлар таъёрлайдиган, озиқ-овқат ва саноат молларини қадоқлаб, ўраб берадиган, шунингдек савдо-сотиқ, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини таъминлаш учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Пахта ва зиғирни дастлабки тартибда қайта ишлайдиган, толани урчуқсиз йигирадиган, трикотаж буюмларни ва газламани пардозлайдиган, нотўқима материаллар, кийим-кечак ва пойабзал тайёрлайдиган асбоб-ускуналарнинг серунум поток линияларининг янги турлари ва комплектларини ишлаб чиқариш таъминлансин.

Полиграфия саноати учун электроника воситаларидан фойдаланиб, текст ва суратларни ишлайдиган самарали машина ва ускуналар системалари вужудга келтирилсин. Офсет босма машиналари, автомат ускуналар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Электр-рўзғор техникаси ишлаб чиқариш ҳар томонлама кенгайтирилсин ва унинг турлари кўпайтирилсин. Бу техниканинг пишиқпухталиги, тежамлилиги, қулайлиги ва бежиримлиги оширилсин.

Бинокорлик материаллари, қурилиш конструкциялари ва деталлари саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 17—19 процент кўпайтирилсин. Металл ишлатилиши, қурилиш таннархи ва меҳнат сарфи, иморатлар, иншоотларнинг вазни камайишини ва уларнинг иссиқликни сақлашини оширишни таъминлайдиган буюмлар ишлаб чиқаришни устун даражада ривожлантириш кўзда тутилсин.

1985 йилда 140—142 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилсин. Юқори маркали, кўп компонентли ва махсус цемент ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

Иссиқлик электр станцияларининг кули ва шлакидан, металлургия ва фосфор шлакларидан, саноатнинг кон қазиш тармоқлари ва кўмир бойитиш фабрикалари чиқитларидан фойдаланиб, бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган қувватлар ривожлантирилсин. Норуда бинокорлик материаллари саноатини янада ривожлантириш таъминлансин. Ойна, айниқса жило берилган қалин ва иссиқни сақлайдиган ойна, стеклохолст, самарали пардозлаш ва иссиқлик ҳамда то-

вуш ўтказмайдиган материаллар, қурилиш фаянси ва санитария-техника буюмлари ишлаб чиқариш кўпайтирилсин, уларнинг сифати оширилсин.

Илғор темир-бетон, металл ва ёғочдан елимлаб ясалган конструкциялар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Цемент, ойна, оҳак ишлаб чиқаришда энергияни тежайдиган технологиялар, темир-бетонга иссиқлик ишлови бериш, керамика маҳсулотларини пиширишнинг тежамли механизмлари, иссиқлик агрегатларини изоляциялашнинг ва иккиламчи иссиқликдан фойдаланишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тезлаштирилсин. Тежамли иситиш приборлари ва санитария-техника асбоб-ускуналари, автоматлаштирилган иситиш қозонлари ва қозонхона қурилмалари тайёрлаш кўпайтирилсин.

Энг янги техника негизида ғишт ишлаб чиқариш қайта қуроллантирилсин.

Шўрхок тупроқларни оҳаклаш учун оҳак ва доломит кукунини қишлоқ хўжалигига етказиб бериш кенгайтирилсин.

Меҳнат унумдорлиги 16—19 процент оширилсин.

Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноатида маҳсулот ҳажми 17—19 процент кўпайтирилсин.

Ёғоч тайёрлаш саноатини янада ривожлантириш таъминлансин, ёғоч тайёрлаш, йўл қурилиши ва юк ортиш-тушириш ишлари учун корхоналар серунум машиналар билан таъминлансин. Ёғоч тайёрлашдаги меҳнат ва турмуш шароитлари яхшилансин. Мамлакатнинг Европа қисмида атроф муҳитга зарар етказмай, ўрмон хом ашё ресурсларидан тўла-тўкис фойдаланилсин. Ўрмонларни парвариш қилиш, ёғоч тайёрлаш ва қайта ишлаш бўйича комплекс корхоналар ташкил этилсин.

Ёғоч хом ашёсини қайта ишлашнинг комплекслиги анча оширилсин. Ёғоч ва қоғоз маҳсулотининг илғор турларини илдам суръатлар билан ишлаб чиқариш ривожлантирилсин. Ёғоч-тола плиталар ва картон ишлаб чиқариш 1,3—1,5 баравар, целлюлоза ишлаб чиқариш 1,3—1,4 баравар ва қоғоз ишлаб чиқариш 20—25 процент кўпайтирилсин. Матбуот учун керакли қоғознинг турларини кўпайтиришни ва сифатини анча яхшилашни таъминлайдиган янги технология жараёнлари ва материаллари яратилсин ҳамда ўзлаштирилсин. Маиший эҳтиёжлар учун гулқоғоз ва қоғоз ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Макулатурадан имкони борича кўпроқ қайта фойдаланилсин. Мебель ишлаб чиқариш кенгайтирилсин, унинг турлари кўпайтирилсин, сифати ва қулайлиги яхшилансин.

Қишлоқларда уй-жой қурилиши учун ёғоч панель уйлар ишлаб чиқарадиган ишлаб чиқариш қувватлари ривожлантирилсин ва уларни ишлаб чиқариш ҳажми кўпайтирилсин.

Ёғоч хом ашёсидан целлюлоза ва бошқа ярим фабрикатлар олиниши кўпайтирилсин. Целлюлоза ишлаб чиқариш учун дарахтларнинг япроқли навларидан кенг фойдаланилсин.

Меҳнат унумдорлиги 16—18 процент оширилсин.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожлантирилсин.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарувчи тармоқларни, корхоналар ва цехларни серунум техника билан жиҳозлаш илғор технологияни жорий этиш ҳамда уларни юқори сифатли хом ашё ва материаллар билан янада тўла таъминлаш тадбирлари ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин. Совет кишиларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларига мувофиқ равишда молларнинг турларини янада кўпайтириш ва яхшилаш, сифатини ошириш кўзда тутилсин. Оммавий равишда талаб қилинадиган моллар ишлаб чиқаришда, шунингдек си-

фатни контрол қилишда координациялаш ва ихтисослаштириш такомиллаштирилсин.

Енгил саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 18—20 процент кўпайтирилсин.

Кўплаб талаб қилинаётган юқори сифатли моллар, аввало ҳар хил турдаги ип газлама, жун, шойи, зиғир толасидан тўқилган газлама ва улардан тайёрланган кийим-кечак, ички ва устки трикотаж, пайпоқлар, пардабоп тўрлар, пойабзаллар, мўйнадан тикилган бош кийимлар, сунъий мўйна ва чарм ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Болалар ассортименти моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва сифатини оширишга кўпроқ эътибор берилсин.

Айниқса хотин-қизлар учун махсус кийим-кечак ва махсус оёқ кийимлари ассортименти ва сифати яхшилансин.

Енгил саноат корхоналарини серунум пневмомеханик ва роторли ҳамда ипни ўзи ўрайдиган машиналар, мокисиз тўқув станоклари, узлуксиз газлама ҳосил қилувчи кўп туйнукли машиналар, ип газлама, жун, трикотаж ва тикув саноати тармоқларида комплекс механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган линиялар, газлама ва трикотажни оҳорлашнинг, нотўқима материаллар тайёрлашнинг узлуксиз технология жараёнларини янада кенг миқёсда жорий этиш асосида техника билан қайта қуроллантириш давом эттирилсин.

Ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик материалларининг структураси яхшилансин, шу мақсадда трикотаж буюмлар ва нотўқима материаллар улуши кўпайтирилсин. Техника мақсадлари учун ишлатилаётган табиий тола химиявий толалар билан, газламалар эса нотўқима материаллар билан максимал равишда алмаштирилсин.

Меҳнат унумдорлиги 16—20 процент оширилсин.

Маданий-маиший ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш камида 1,4 баравар **кўпайтирилсин.** Шу молларнинг сифати анча оширилсин, турлари доимо янгилаб ва яхшилаб борилсин. Узоқ муддат фойдаланиладиган, функционал вазифаларининг янгилиги, пишиқлиги ва тежамлилиги билан, истеъмол ва эстетик хусусиятлари яхшиланганлиги билан, ғоят қулайлиги билан ажралиб турадиган техникавий жиҳатдан мукаммал буюмлар ишлаб чиқариш жадал ривожлантирилсин, бу буюмларни ҳосил қилишда фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланилсин.

Кўплаб талаб қилинаётган рўзғор моллари, маиший химия, санитария-техника буюмлари, слесарлик, дурадгорлик, боғ-полизчилик асбоблари, қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаштиришнинг кичик воситалари, шунингдек ўйинчоқлар, бадиий ва техникавий ижодкорлик, спорт ва туризм учун керакли молларни ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин. Рўзғор машиналари, приборлари ва гражданларга тегишли транспорт воситаларининг запас қисмларига бўлган эҳтиёж тўла қондирилсин.

Саноат тармоқларига маданий-маиший ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришни ўстириш учун қуйидаги топшириқлар белгилансин: радио саноати мана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни 1,7—1,9 баравар, алоқа воситалари саноати 1,5—1,8 баравар, электрон саноати 1,8—1,9 баравар, химия саноати 1,4—1,6 баравар, авиация, автомобиль саноати, қора металлургия, енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ва электрон-техника саноати 1,4—1,5 баравар, приборсозлик, бинокорлик материаллари саноати 1,3—1,4 баравар, ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати 1,2—1,3 баравар кўпайтирсин.

Балиқ саноатида озиқ-овқат бўладиган товар балиқ маҳсулоти (шу жумладан консервалар) ҳажми 10—12 процент кўпайтирилсин. Балиқ маҳсулотининг турларини янада кўпайтириш ва сифатини ях-

шилаш, тирик ва совутилган балиқ, балиқ масалличқлари, дудланган ва қуритилган балиқ, балиқ филеси ва ярим фабрикатлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш таъминлансин.

Ички сув ҳавзаларининг ва СССР соҳилларига туташ денгиз районларининг маҳсулдорлиги оширилсин, балиқ запасларини муҳофаза қилиш кучайтирилсин. Ҳовуз, кўлларда ва балиқ боқиладиган бошқа хўжаликларда балиқ етиштириш тез суръатлар билан ривожлантирилсин, шу хўжаликларда маҳсулот етиштиришни 1,8—2 баравар кўпайтириш таъминлансин. Дунё океанининг очиқ қисмидаги биология ресурсларини тадқиқ қилиш ва рационал асосда фойдаланиш миқёслари кенгайтирилсин.

Балиқ овлаш флоти янги серунум кемалар билан тўлдирилсин ва кемаларни техника билан қайта қуроллантириш, уларни юқори самарали балиқ излаш ва навигация приборлари, ов қуроллари билан, овлаш ва технология асбоб-ускуналари билан таъминлаш, ёқилғи билан, идиш-ўраш материаллари ва бошқа материаллар билан ўз вақтида таъминлаш, кемаларни портларда ремонт қилиш ва уларга юк ортиш-тушириш муддатларини қисқартириш ҳисобига кемалардан фойдаланиш яхшилансин.

Маҳсулот ишлаб чиқариш асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига кўпайтирилсин.

Маҳаллий саноатда маҳсулот ҳажмини тахминан 1,4 баравар ўстириш таъминлансин, моллар ва буюмларнинг сифати яхшилансин ҳамда турлари кўпайтирилсин. Бадиий ҳунармандчилик ривожлантирилсин.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ва саноат буюмларини маҳаллий хом ашёдан ва материаллардан, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиб ишлаб чиқариш кўпайтирилсин, маҳаллий минерал хом ашё қазиб олиш, хивич, супурги ва бошқа турдаги ўсимлик хом ашёсининг маданий навларини етиштириш кенгайтирилсин. Аввало инвалидларнинг, пенсионерларнинг меҳнатидан, шунингдек, мавсумлар ўртасидаги даврларда қишлоқ аҳолисининг меҳнатидан фойдаланиш ҳисобига уй ҳунармандчилиги ривожлантирилсин.

V. АГРАР-САНОАТ КОМПЛЕКСНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан ишончли тарзда таъминлаш аграр-саноат комплексининг асосий вазифасидир.

Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида аграр-саноат комплекси тармоқларини ягона планлаштириш, мутаносиб ва балансланган ривожлантириш таъминлансин, унинг моддий-техника базаси анча мустаҳкамлансин, тармоқлараро иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини пухта ташкил этиш, маҳсулотни сақлаш, ортиш ва тушириш, қайта ишлаш ҳамда истеъмолчига етказиб беришни яхшилаш пухта ташкил этилсин.

Қишлоқ хўжалигида барча тармоқларнинг муттасил ривожланиши ва самарадорлиги ўсишига, ишлаб чиқаришнинг кўпайиб, маҳсулот сифати ошишига эришилсин. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама интенсивлаш йўли давом эттирилсин.

Колхозлар ва совхозларда илғор тажриба қатъият билан жорий этилсин, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш такомиллаштирилсин. Ердан, ишлаб чиқариш фондларидан, моддий, молиявий ва

меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги анча оширилсин. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни планлаштиришни, иқтисодий рағбатлантиришни яхшилаш, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, маҳсулот таннархини камайтириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши рентабеллигини ошириш ва хўжаликларнинг молиявий-иқтисодий аҳволини яхшилаш тадбирлари системаси амалга оширилсин.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши структурасини такомиллаштириш ва уни мамлакатнинг зоналари ва районлари бўйича жойлаштириш соҳасидаги ишлар давом эттирилсин, уни ихтисослаштириш ва марказлаштириш даражаси оширилсин. Умумиттифоқ озиқ-овқат фондини вужудга келтириш, шунингдек аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда республикалар, ўлкалар, областлар ва районларнинг роли ва масъулияти кучайтирилсин.

Беш йиллик мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўртача йиллик ишлаб чиқариш 12—14 процент ва жамоат хўжалигида меҳнат унумдорлиги 22—24 процент оширилсин.

Деҳқончиликда тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини бутун чоралар билан ошириш, дон, озуқа ва бошқа маҳсулотларни хўжаликни зонал, илмий асосланган системада юритиш негизида янада кўпайтириш энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин.

Ўртача йиллик дон етиштириш 238—243 миллион тоннага, шу жумладан дуккакли дон экинлари етиштириш 12—13 миллион тоннага етказилсин. Тариқ, гречиха, жавдари, шоли, буғдойнинг қаттиқ ва кучли навлари, пиво пишириладиган кондициядаги арпа, маккажўхори, ембоп дон экинлари етиштириш ва харид қилиш кўпайтирилсин.

Озуқа ишлаб чиқаришни тубдан яхшилаш ҳамда жамоат чорвачилиги, шунингдек гражданларнинг шахсий хўжалигидаги мол ва паррандалар эҳтиёжини қондириш кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади. Мамлакатда чорвачиликнинг ишончли ҳамда балансдашган озуқа базасини яратиш юзасидан комплекс программани ишлаб чиқиш ниҳоясига етказилсин ва уни амалга оширишга киришилсин. Колхозлар ва совхозларда озуқа ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган тармоқ характери берилсин. Хўжаликларнинг ўзларида етиштирилган озуқа билан таъминланишига алоҳида эътибор берилсин. Озиқ-овқат чиқитларидан тўлиқроқ фойдаланилсин.

Барча турдаги озуқа сифати яхшилансин, озуқа оқсили проблемасини, аввало нўхат, беда, люпин, соя, рапс ва бошқа оқсил моддаси кўп бўлган экинлар майдонларини кенгайтириш ҳамда бу маҳсулотлар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш ҳисобига ҳал этишга диққат-эътибор жалб этилсин. Озуқа экинлари ҳосилдорлиги ва табиий озуқа экинзорлари маҳсулдорлиги оширилсин. Ўрим-йиғим ва ҳосилни сақлаш пайтида озуқанинг тўйимлилик қиммати нобудгарчилиги кескин камайишига эришилсин. Хўжаликларда типовой лойиҳалар бўйича силос, сенаж, пичан, ўт талқони, илдизмева ва бошқа озуқалар сақланадиган омборлар қурилиши тезлаштирилсин.

Пахта етиштириш ҳар йили ўрта ҳисобда 9,2—9,3 миллион тоннага етказилсин, толанинг сифати яхшилансин. Пахтанинг анча қимматли ингичка толали навлари кўпайтирилсин, юксак технологик хусусиятларга эга бўлган ўрта толали пахта навини етиштириш структураси такомиллаштирилсин.

Луб экинлари ҳосилдорлиги ва сифати оширилсин, шунингдек уларнинг сақланиши яхшилансин, узун толали зиғирпоя ва конопляни саноат йўли билан дастлабки қайта ишлаш ҳажми оширилсин.

Қанд лавлаги етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажми 100—103 миллион тоннага етказилсин. Ҳар гектар қанд лавлагидан олинадиган қанднинг миқдори оширилсин.

Кунгабоқар, жингалак толали зиғирпоя, канакунжут эфир мойли

ва бошқа техника экинлари, шунингдек доривор ўсимликлар ҳосилдорлиги оширилсин ҳамда уларнинг уруғи сифати яхшилансин.

Картошка, сабзавот ва полиз экинлари етиштиришни янада кўпайтиришга, уларнинг ассортиментини кенгайтириб, сифатини яхшилашга эришилсин, уларнинг сақланиши яхшилансин, нобудгарчилиги кескин камайтирилсин.

Мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилишни ташкил этиш такомиллаштирилсин. Биринчи навбатда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириладиган жойларда музхоналар, омборлар, қабул қилиш-тайёрлаш пунктлари, қайта ишлаш корхоналари ва цехлари қурилиши кўпайтирилсин.

Айниқса саноат корхоналарининг иссиқ чиқиндиларидан ва иссиқ сувлардан фойдаланган ҳолда теплица хўжалиги кенгайтирилсин.

Мева, илдизмева, узум, чой ва субтропик мевалар етиштириш кўпайтирилсин. Саноат типидаги янги боғ-роғлар ва узумзорлар бунёд этиш ишлари ва мавжуд боғ-роғларни реконструкциялаш ишлари давом эттирилсин. Боғлар ва токзорларнинг нави ва сифати яхшилансин, мева дарахтларининг қишки навлари салмоғи оширилсин. Матлубот кооперацияси орқали ва колхоз бозорларида янги узилган сабзавот ва ҳўл мева билан савдо қилиш кенг ривожлантирилсин.

Қишлоқ хўжалик экинларининг уруғчилик системаси такомиллаштирилсин, уни саноат негизига кўчириш тезлаштирилсин, ишлаб чиқаришга юқори маҳсулдор янги навлар ва гибридлар тезроқ жорий қилинсин, уруғларнинг сифати яхшилансин. Ҳосилнинг зараркунандалардан, касалликлар ва бегона ўтлардан нобуд бўлиши камайтирилсин, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик воситалари кенг қўлланилсин. Маккажўхори, қанд лавлаги, кунгабоқар, соя, картошка ва бошқа экинлар етиштиришнинг индустриал технологияси жорий этилсин.

Чорвачилик қишлоқдаги зарбдор фронт ҳисоблансин. Бу тармоқ маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, моллар ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш таъминлансин. Ўртача йиллик гўшт етиштириш 17—17,5 миллион тоннага (сўйилган вазнда), сут — 97—99 миллион тоннагача, тухум камида 72 миллиард донага, жун —470—480 минг тоннага етказилсин. Сигирларнинг маҳсулдорлигини ошириб, сутнинг сифати яхшиланишига эришилсин. Бузоқларни интенсив ўстириш ва боқиш, сўқимга боқиш муддатини қисқартириш йўли билан мол гўшти етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан кенг фойдаланилсин. Гўшт учун қорамолчилик ва паррандачиликни кенгайтириш тадбирлари амалга оширилсин. Буғучилик, йилқичилик, қуёнчилик ва мўйначилик, ҳавза балиқчилиги, асаларичилик ва пиллачиликни ривожлантиришга эътибор кучайтирилсин.

Чўчқачилик интенсив ривожлантирилсин, саноат типидаги чўчқачилик корхоналарининг қувватлари оширилсин. Ихтисослаштирилмаган хўжаликларда ҳамда гражданлар шахсий ёрдамчи хўжаликларида чўчқа гўшти етиштириш имкониятларидан яхшироқ фойдаланилсин. Қўй гўшти, жун, қоракўл тери ва қўйчилик ҳамда эчкичиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш бутун чоралар билан кўпайтирилсин. Бу тармоқларнинг ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамлансин, механизациялашган йирик фермалар ва бўрдоқичилик майдонлари ташкил этилсин.

Ҳар бир қорамолдан олинадиган маҳсулотни анча кўпайтиришга эришилсин. Подани қайта тиклаш ва молларнинг сақлаб қолиниши кескин яхшилансин.

Молларнинг зотли ва маҳсулдорлик сифатини такомиллаштириш,

қорамол ва паррандаларнинг саноат технологияси талабларига жавоб берувчи янги юқори маҳсулдор зотларини, сафи ва гибридларини яратиш ишлари савияси оширилсин. Чорвачилик эҳтиёжлари учун дори-дармон ва витаминлар етказиб бериш кенгайтирилсин. Ветеринария хизмати яхшилансин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини сифати анча яхшиланган ҳамда план ассортиментига қатъий риоя қилинган ҳолда харид қилиш кўпайтирилсин.

Тайёрлашни ташкил этиш ва унинг методлари такомиллаштирилсин.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг колхозлар ва совхозлар билан бевосита алоқалари ривожлантирилсин.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ёрдамчи хўжаликларида, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида, шунингдек, ишчи ва хизматчиларнинг боғдорчилик, полизчилик ва қуёнчилик ширкатлари (жамиятлари)да гўшт, сут, картошка, сабзавот ва мева етиштириш кўпайтирилсин. Бузоқ, озуқа, уруғ ва ўғит сотиб олишда уларга ёрдам кўрсатилсин.

Ерларни **мелиорациялашни** янада ривожлантириш таъминлансин. Давлат капитал маблағлари ҳисобига 3,4—3,6 миллион гектар суғориладиган ерлар ҳамда 3,7—3,9 миллион гектар захи қочирилган ерлар фойдаланишга топширилсин, саҳро, ярим саҳро ва тоғли районларда 26—28 миллион гектар яйловга сув чиқарилсин.

Суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ҳар томонлама оширишга ҳамда бу ерлардан лойиҳада кўзда тутилган ҳосилни олишга эришиш муддатларини қисқартиришга эришилсин. Сув хўжалиги қурилишининг техника даражаси ва сифати оширилсин, ерларни мелиорациялаш ва уларни қишлоқ хўжалик учун ўзлаштириш юзасидан комплекс ишлар ўтказиш таъминлансин, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланиш, суғориладиган ва захи қочирилган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари амалга оширилсин, бу ерларнинг оборотдан чиқиб қолиши учун масъулият оширилсин, мавжуд мелиоратив системаларни реконструкция қилиш ва уларнинг сув таъминотини яхшилаш, тупроқнинг шўрланишига ва ортиқча шўрхок бўлишга барҳам бериш ишлари илдам суръатлар билан олиб борилсин.

Шимол дарёлари сувининг бир қисмини Волга дарёси ҳавзасига қуйиш юзасидан тайёргарлик ишларини амалга оширишга киришилсин, шунингдек Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Урта Осиё ва Қозоғистонга оқизиш бўйича илмий ва лойиҳа ечими ишлари давом эттирилсин.

Деҳқончилик ва чорвачиликда **химиялаштириш** воситаларидан янада рационал фойдаланиш ва бу воситаларни етказиб беришни кўпайтириш тадбирлари изчил амалга оширилсин. 1985 йилда қишлоқ хўжалигига камида 115 миллион тонна шартли бирликларда минерал ўғит, 5 миллион тонна миқдорида химиявий озуқа қўшимчаси ҳамда 650—680 минг тонна юқори самарали ўсимликни ҳимоя қилиш воситалари етказиб берилиши таъминлансин. Озуқани консервалаш учун қишлоқ хўжалигининг химиявий воситалар билан таъминланиши яхшилансин.

Қишлоқ хўжалигида агрохимия хизматининг роли ва минерал ўғитлардан, оҳак материаллардан, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларидан самарали фойдаланишда уларнинг масъулияти оширилсин. Уғитлар солишнинг локал усуллари кенг жорий қилинсин. Уғитларни сақлаш, ортиш ва тушириш ҳамда улардан фойдаланишдаги нобудгарчилик кескин камайтирилсин.

Органик ўғит ресурсларидан янада тўлиқ ва самарали фойдала-

нилиши таъминлансин. Хўжаликлар шу мақсадларда ишлатиладиган юқори унумли машина ва ускуналарнинг зарур туркуми билан таъминлансин. 1985 йилга бориб органик ўғитлардан фойдаланиш ҳажми 1—1,2 миллиард тоннага етказилсин. Шўрхок тупроқни оҳаклаш сифати оширилсин.

Ўн биринчи беш йилликда қишлоқ хўжалиги учун тегишли капитал маблағ ажратиб бериш кўзда тутилсин, капитал маблағнинг ҳажми халқ хўжалигини ривожлантиришга ажратилаётган маблағларнинг умумий ҳажмида эришилган натижадан кам бўлмасин.

Ишлаб чиқаришга ажратиладиган капитал маблағларнинг самарадорлиги бутун чоралар билан оширилсин, биринчи навбатда бу маблағлардан ернинг унумдорлигини ошириш, чорвачиликнинг барқарор озуқа базасини яратиш, маҳсулотни дастлабки қайта ишлаш қувватлари, омборхоналар ва сақлаш хоналари қурилиши, чорвачилик бинолари ва бошқа объектларни реконструкциялаш ва кенгайтириш учун фойдаланиш лозим.

Қишлоқда чорва ва парранда боқиладиган хўжалик иморатлари билан бирга обод уй-жойлар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, клублар ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилиши илдам суръатлар билан олиб борилсин. Шу мақсадларга ажратиладиган капитал маблағлар 39 процент кўпайтирилсин. Қишлоқ аҳолисини марказлаштирилган тарзда иссиқ сув, газ, водопровод, канализация билан таъминлаш кучайтирилсин. Хўжаликлар ичидаги қаттиқ қопламали йўллар қурилиши кўлами кенгайтирилсин.

Қишлоқ қурилишининг индустриал базаси ривожланиши тезлаштирилсин. Енгил индустриал конструкциялари комплектини юксак завод даражасида ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Янги техника базасида қишлоқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантириш давом эттирилсин. Беш йиллик мобайнида қишлоқ хўжалигига 1870 минг трактор, 1450 минг юк автомобили, 600 минг дон комбайни ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси етказиб берилсин. Қанд лавлаги, пахта, узун толали зиғирпоя етиштиришда, тупроққа органик ва минерал ўғитлар солиш ва ўсимликни ҳимоя қилиш воситаларини қўлланишда комплекс механизациялаш ниҳоясига етказилсин. Сабзавот, картошка, мева, озуқа ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни механизациялаш даражаси оширилсин.

Тракторлар, автомобиллар, ўрим-йиғим машиналари ҳамда бошқа машиналардан фойдаланиш анча яхшилансин, уларни муддатидан илгари ҳисобдан чиқариб юборишга йўл қўйилмасин. Техника ремонти ва техникага хизмат кўрсатиш сифати, шунингдек унинг сақланиши яхшилансин. Ремонт-хизмат кўрсатиш базасини мустаҳкамлаш ва ихтисослаштириш давом эттирилсин. Техникадан фойдаланишни ташкил этишнинг илғор формаларини жорий этиш кенгайтирилсин.

Қишлоқ хўжалигининг машина-механизмлар билан таъминланиши 1,4—1,5 баравар оширилсин.

Ишлаб чиқаришга қишлоқ хўжалигини илмий асосда юритиш системасини жорий этиш учун хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари, илмий-тадқиқот муассасалари, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ходимларининг масъулияти кучайтирилсин. Қишлоқ хўжалик фанининг самарадорлиги оширилсин, унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш муддатлари қисқартирилсин, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси мустаҳкамлансин.

Хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр-саноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва марказлаштириш изчил ривожлантирилсин.

Колхозлар ва совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш бўйича ёрдамчи саноат ишлаб чиқариши ва устахоналари,

шунингдек асосан маҳаллий хом ашёдан ҳамда саноат чиқиндиларидан қурилиш материаллари тайёрлаш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш таъминлансин.

Қишлоқ хўжалиги учун оммавий касб кадрлари тайёрлаш яхшилансин, колхозлар ва совхозлардаги бошқаришнинг ўрта бўғини малакали мутахассислар билан мустаҳкамлансин.

Колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарнинг хўжалик мустақиллиги ривожлантирилсин.

Ўрмон хўжалигида уни ўрмондан узлуксиз ва рационал фойдаланиш принципида юритишга аста-секин ўтиш, ўрмонларнинг сифат составини яхшилаш таъминлансин. Камида 8 миллион гектар майдонда қимматли ёш ўрмонзорлар барпо этилсин. Ўрмон ўстиришнинг саноат методлари жорий этилсин. СССРнинг Европа-Урал зонасида махсус ўрмонзорлар барпо этиш ҳисобига целлюлоза-қоғоз саноати учун доимий ўрмон хом ашё базаси яратиш юзасидан мақсадли комплекс программани амалга оширишга киришилсин.

Қўйчиликнинг озуқа базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг ярим саҳро районларидаги ўтлоқларни ўрмонлаштириш ишлари ҳажми оширилсин.

Озиқ-овқат саноати тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш 23—26 процент оширилсин. Истеъмол қилишга тайёр маҳсулотлар, ярим фабрикатлар, кулинария маҳсулотлари, картошка, енгил музлатилган мева ва сабзавотдан истеъмолбоп маҳсулотлар тайёрлаш юксак суръатлар билан ривожлантирилсин. Болалар учун мўлжалланган ва парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш илдам суръатлар билан ривожлантирилсин.

Оқсил, витамин ва бошқа фойдали моддалар билан бойитилган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати яхшилансин, турлари кўпайтирилсин, уларни ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Қадоқланган товарлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин, озиқ-овқат маҳсулотининг узоқ вақт сақланиши ва кам нобуд бўлишини таъминлайдиган маҳсулотни ўрайдиган материалларнинг янги турларини қўлланиш кенгайтирилсин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлашнинг комплекслилиги анча оширилсин, фойдаланиш яхшилансин. Ишлаб чиқаришнинг узлуксиз схемалари ва интенсив режимлари жорий этилсин. Ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришда бевосита экстракциялаш методи, мева ва сабзавотни консервалашнинг асептик усули, гўшт ва сут саноатида комплекс механизациялашган линиялар, хом ашё ва маҳсулотни тарасиз ва контейнерда ташиш усуллари кенг қўлланилсин.

Қайта ишлаш саноатининг тирик молни, сут, мева ва сабзавотни етиштирилган жойда қабул қилиб олиб, тайёрловчилар транспортида ташишга ўтиши ҳар томонлама кенгайтирилсин.

Холодильник саноатини комплекс ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаш ва сақлашда сунъий муздан кенг фойдаланиш таъминлансин.

Озиқ-овқат саноатида меҳнат унумдорлиги 21—23 процент, гўшт ва сут саноатида 27—29 процент оширилсин.

Ун-ёрма ва аралаш озуқа саноатида олий навли ун ишлаб чиқариш тахминан 24—27 процент, давлат саноат корхоналарида аралаш озуқа ишлаб чиқариш 13—15 процент, оқсил-витамин қўшимчалари ишлаб чиқариш икки баравар кўпайтирилсин. Юксак унумли тегирмон ускуналари комплектлари билан жиҳозлаш негизида ун саноатини техника билан қуроллантириш жадаллаштирилсин.

Жами ҳажми 20 миллион тонна бўлган дон элеваторлари ишга туширилсин. Бу элеваторлар биринчи навбатда асосий дон районларида ишга туширилсин.

Кунгабоқар, маккажўхори ва шоли етиштириладиган районларда дон қуритиш қувватлари жадал суръатлар билан оширилсин.

Микробиология саноатида микробиология синтези асосида ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш тадбирлари амалга оширилсин, маҳсулот ишлаб чиқариш 1,8—1,9 баравар ошишига эришилсин.

Товар озуқа микробиологик оқсил ва лизин, шунингдек озуқа ва ветеринария мақсадида антибиотиклар, озуқа витаминлари, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг микробиологик воситалари, фермент препаратлари, премикслар, бактериал ўғитлари ҳамда микробиологик синтезнинг бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин.

Меҳнат унумдорлиги —38—42 процент оширилсин.

VI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Халқ хўжалиги ва аҳолининг юк ташиш эҳтиёжини тўлиқ ва ўз вақтида қондириш, транспорт системаси иши самарадорлиги ва сифатини ошириш транспортнинг асосий вазифасидир. Шу мақсадда:

ташиш жараёнини ташкил этиш ва уни бошқариш такомиллаштирилсин;

транспорт техника воситаларининг фойдаланиш даражаси ва пухталиги оширилсин;

транспортнинг барча турлари ишини координациялаш ва уларнинг халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан ўзаро алоқаси яхшилансин, аралаш юк ташишда юк ташишнинг янада такомиллашган технологияси жорий этилсин;

транспорт ишини планлаштиришни янада такомиллаштириш таъминлансин, юкларни қарама-қарши йўналишларда ташиш, ортиқча узоққа юбориш ва бошқа норационал ташиш ҳолларига барҳам берилсин, транспорт чиқимлари, юк ва пассажирларни ташишда ресурслар харажати камайтирилсин;

транспортнинг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин, транспортда янги техникани, прогрессив технологияни ва автомат бошқариш системаларини жорий қилиш тезлаштирилсин, юк ортиш-тушириш ва ремонт ишларини комплекс механизациялаш даражаси оширилсин;

ҳаракат состави ва флотнинг структураси яхшилансин, улар кенг ихтисослаштирилиши таъминлансин;

мамлакатнинг шимолий районларида юкларни ташиш учун, шунингдек шаҳар ва шаҳар атрофи пассажир поездлари учун янги транспорт воситаларини қўлланиш кенгайтирилсин;

контейнер транспорт системасини ривожлантириш жадаллаштирилсин, пакет-контейнер усулида тарали-дона юклар ташиш кенгайтирилсин ҳамда контейнерлар ва пакетларни ишлаш учун машина-ускуналар билан жиҳозланган махсус пунктлар тармоғи кўпайтирилсин;

барча турдаги транспортда пассажирларга хизмат кўрсатиш анча яхшилансин;

ҳаракат хавфсизлиги яхшилансин ҳамда транспортнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш таъминлансин;

халқаро йўлларда юк ташишни ташкил этиш такомиллаштирилсин;

юкларни элтиб бериш муддатларини қисқартириш ва уларнинг асралишини яхшилаш чоралари амалга оширилсин.

Темир йўл транспортида техника билан қайта жиҳозлаш амалга оширилсин, юк кўп ташиладиган йўналишларда темир йўлларнинг юк

ташиш ва ўтказиш қобилиятини янада ошириш, шунингдек темир йўл станциялари ва узеллари қувватининг оширилиши таъминлансин.

Поездлар ҳаракатини ташкил этишда юкларни маршрутлаш даражаси ҳамда самарадорлиги ва график роли оширилсин. Локомотивлардан ва вагонлардан фойдаланиш яхшилансин. Вагонларни роликли подшипникларга ўтказиш тезлаштирилсин.

1981—1985 йилларда камида 5 минг километрли иккинчи темир йўл изи фойдаланишга топширилсин, 6 минг километрдан кўпроқ темир йўл электрлаштирилсин, 15 минг километрдан зиёд темир йўл автомат блокировка ва диспетчерлик маркази билан таъминлансин, камида 3,6 минг километр узунликда янги темир йўл излари ётқизилсин. Бутун Байкал — Амур темир йўл магистрали бўйлаб поездлар ҳаракати очилсин.

Темир йўл транспортининг ремонт ва қурилиш базаси мустаҳкамлансин.

Темир йўл транспортининг юк обороти 14—15 процент ва пассажир ташиш обороти 9 процент оширилсин, меҳнат унумдорлиги 10—12 процент кўпайтирилсин.

Денгиз транспортида флотдан, портлардан ва кемани ремонт қилиш заводларидан фойдаланиш, юк ва пассажир ташишни ташкил этиш яхшилансин, транспорт хизмати экспортининг самарадорлиги оширилсин.

Флот махсус кемалар — контейнерларни ташийдиган, лихтерларни ташийдиган кемалар билан, темир йўл паромлари, Арктикада юрадиган кемалар ва музёрарлар билан тўлдирилсин. Транспорт кемаларини атом кучланишли қурилмалар билан жиҳозлаш бошлаб юборилсин.

Шимолий денгиз йўлининг ғарбий қисмида йил бўйи кемалар қатнови таъминлансин ҳамда Чекка Шимол ва Узоқ Шарқ районларига зарур юкларни ўз вақтида етказиб бериш таъминлансин.

Денгиз портлари ва кемаларни ремонт қилиш корхоналарининг қуввати оширилсин.

Денгиз транспортининг юк обороти 8—9 процент оширилсин.

Дарё транспортида аввало, Сибирь, Узоқ Шарқ ва Шимол районларида юкларни ташишни таъминлаш учун моддий-техника базаси жиддий равишда мустаҳкамлансин. Мақсадга мувофиқ деб топилган жойларда юкларни темир йўл транспортидан дарё транспортида ташишга мумкин қадар кўпроқ ўтишга эришилсин. Магистрал дарё йўлларида кемалар қатнови муддати узайтирилсин.

Дарё портларининг юк қабул қилиш ва жўнатиш қобилияти оширилсин. Дарё флоти оғир юк кўтарадиган теплоходлар, «дарё-денгиз» деб номланган аралаш кемалар, шатак кемалар, кўп юк ортган составлар учун баржалар, музёрарлар ва яхши жиҳозланган шинам пассажир кемалари билан тўлдирилсин. Дарё флотининг ремонт базаси ривожлантирилсин.

Дарё транспортининг юк обороти 19—20 процент оширилсин.

Трубопровод транспорти, айниқса нефть маҳсулотлари, нефть ва газни узатиш учун мўлжалланган транспорт жадал ривожлантирилсин.

Трубопровод транспорти объектлари қурилиши сифати яхшилансин ҳамда уларнинг пухта ишлаши таъминлансин. Янгидан бунёд этилаётган газ қувурларининг унумдорлигини анча ошириш, компрессор станцияларини автоматлаштириш тадбирлари амалга оширилсин. Табиий иқлим шароити мураккаб, етиб бориш қийин бўлган районларда трубопроводларни йил бўйи қуриш технологияси ишлаб чиқилиб жорий этилсин.

Автомобиль транспортида умумий фойдаланишдаги транспортнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни илдам ривожлантириш таъминлансин. Транспорт воситаларини йирик автомобиль хўжаликларида тўплаш давом эттирилсин, уларга техника хизмати кўрсатиш ва ремонт қилиш яхшилансин. Автотранспорт воситаларининг ремонт базаси мустаҳкамлансин ва унинг ишлаш системаси яхшилансин.

Автомобиллар паркининг структураси такомиллаштирилсин, уларда оғир юк кўтарадиган ихтисослаштирилган ва вазни енгил автомобиллар салмоғи оширилсин. Марказлаштирилган тартибда юк ташишни янада кўпайтириш, аввало шаҳарлараро йўлларда ташиш учун прицепли ва ярим прицепли автопоездларни кенг қўлланиш таъминлансин.

Шаҳарлар ва қишлоқ жойларида пассажир автомобиль транспорти ишини ташкил этиш яхшилансин, автобуслар ҳаракатининг мунтазамлилиги ва қатнови тезлаштирилсин.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортининг юк обороти 1,3—1,4 баравар ва умумий фойдаланишдаги автобусларнинг пассажир ташиш обороти 16—18 процент оширилсин.

Магистрал **автомобиль йўллари** таянч тармоқларини жадал ривожлантириш кўзда тутилсин. Қишлоқ жойларда район марказларини, колхозлар ва совхозларнинг марказларини умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари билан боғловчи йўллар қуриш кенгайтирилсин. Йўл қурилиши, ремонти ва уни сақлаш сифати яхшилансин, ҳаракат хавфсизлигини оширишга алоҳида эътибор берилсин.

Ҳаво транспортида магистраль ва маҳаллий ҳаво йўлларида аэропортлар тармоғини ривожлантириш давом эттирилиб, улар ташиш жараёнларини ва самолётларнинг хизмат кўрсатишини механизациялаш ва автоматлаштиришнинг замонавий воситалари билан жиҳозлантирилсин, гражданавиацияси базалари, айниқса, Шимол, Сибирь ва Узоқ Шарқ районларидаги гражданавиацияси базаларининг ремонт заводлари ва авиация-техника базалари қурилиши ва уларни реконструкция қилиш давом эттирилсин.

Авиация техникасидан рационал фойдаланиш, ёнилғи нобудгарчилигини камайтириш, шунингдек двигателларнинг тежамкорлигини ошириш, самолётлар ва вертолётларнинг вазн ҳамда аэродинамик характеристикаларини яхшилаш ҳисобига ёнилғи сарфини анча камайтириш тадбирлари амалга оширилсин.

Самолётларнинг ҳаводаги ҳаракатини, учиши ва қўнишини бошқаришни автоматлаштиришни ҳамда учишларнинг мунтазамлилиги ва хавфсизлигини оширишни таъминлайдиган самолёт ичидаги ва ердаги системаларни навигация ва радиотехника ускуналар билан кенг жиҳозлаш кўзда тутилсин.

Пассажирларни ташиш обороти тахминан 1,3 баравар оширилсин.

Саноат транспортида реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш суръатлари оширилсин, ҳаракатдаги составдан фойдаланиш яхшилансин, юкларни ортиш ва тушириш ишининг бир меъёрда боришига эришилсин.

Тармоқлараро саноат темир йўл транспортининг ишлаб турган корхоналари кенгайтирилсин ва шундай янги корхоналар ташкил этилсин.

Транспортнинг узлуксиз ва янги ихтисослаштирилган турлари — конвейер, пневмоконтейнер, гидравлик ва бошқа турлари, айниқса, кон-руда ва химия саноати ҳамда қурилиш материаллари саноати корхоналарида ишлатиладиган турларини жорий этиш жадаллаштирилсин.

Халқ хўжалиги ва аҳолининг **алоқа** хизматларига бўлган эҳтиёжи янада тўлиқ қондирилиши таъминлансин, уларнинг сифати оширилсин.

Ахборот узатишнинг энг янги системалари базасида мамлакатнинг ягона автоматлаштирилган алоқа тармоғини шакллантириш давом эттирилсин, рангли телевидение ва стереофоник радиоэшиттириш ривожлантирилсин. Кўп программали телевидение ва радио эшиттиришни ташкил этиш, узоқ районлар билан телефон алоқасини ўрнатиш, марказий газеталарнинг саҳифаларини фототелеграф усулида юбориш учун ернинг сунъий йўлдошларидан кенг фойдаланилсин.

Беш йил ичида шаҳарлараро телефон каналлари масофаси тахминан 1,8 баравар, шаҳарлар ва қишлоқ жойлардаги телефонлар миқдори 1,3 баравар, шу жумладан аҳолига ўрнатиладиган телефонлар 1,4 баравар кўпайтирилсин.

Почта алоқаси корхоналаридаги ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси оширилсин, почта ва матбуот маҳсулотини, шунингдек посилкаларда юбориладиган савдо молларини контейнерларда ташиш ҳажми анча кўпайтирилсин.

VII. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Капитал қурилишнинг асосий вазифаси мамлакат ишлаб чиқариш потенциалини янги техника асосида оширишдан, уй-жойлар ҳамда коммунал-маиший ва социал-маданий объектлар барпо этишдан иборат.

Қурилишни тубдан яхшилашга, капитал маблағлар самарадорлигини оширишга эришилсин. Асосий диққат-эътибор асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларининг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлашга қаратилсин. Капитал маблағлар ва моддий ресурслар энг муҳим қурилишларга жамлансин. Бир пайтда қуриладиган объектлар миқдори чеклаб қўйилсин, қурилиш муддати қисқартирилсин, ишлаб чиқариш қувватлари ва ноишлаб чиқариш соҳаси объектлари йил давомида бир меъёрда ва комплекс ҳолда ишга туширилсин. Яқин йиллар ичида битказилмаган қурилишлар ҳажми ва ўрнатилмаган машина-ускуналар запаслари норматив ҳолга етказилсин.

Беш йиллик мобайнида халқ хўжалигига капитал маблағ сарфлаш пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 12—15 процент оширилсин.

Капитал маблағлар биринчи навбатда корхоналарни реконструкция қилиш ҳамда техника билан қайта қуроллантиришга ва илгари бошланган қурилишларни тугатишга сарфлансин. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш, уларни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш халқ хўжалигининг мазкур маҳсулот турига эҳтиёжини қондиришни таъминлай олмаган тақдирдагина янги корхоналар қуриш ва кенгайтиришга киришилсин.

Лойиҳа-смета иши яхшилансин, қурилиш энг прогрессив ва тежамкор лойиҳалар бўйича амалга оширилсин. Уларда фан-техника тараққиёти ютуқлари ва илғор тажрибадан фойдаланиш асосида, материаллар ҳамда меҳнатни тежаш асосида капитал маблағлар самарадорлигини ошириш кўзда тутилсин. Планлаштириш, архитектура ва қурилиш ечимларининг сифати яхшилансин, бинолар ва иншоотлар, шунингдек уй-жой қурилиши қиймати камайтирилсин, ишга тушириладиган ҳар бир корхона ҳисобига капитал маблағ сарфлаш қисқартирилсин. Қурилиш вақтида ерлардан оқилона фойдаланилсин.

Министрликлар, идоралар, экспертиза органлари, лойиҳа-конс-

трукторлик ва илмий-тадқиқот ташкилотлари лойиҳаларининг юксак техникавий ва иқтисодий даражасини таъминлаш, қурилишнинг смета қийматини тўғри белгилашдаги масъулияти кучайтирилсин.

Ишларни пудрат ва хўжалик усулида юритиш такомиллаштирилсин. Қурилишни ташкил этишнинг прогрессив формалари: комплект блокли, вахтали, узеллар бўйича ва бошқа формалари ҳар томонлама ривожлантирилсин. Инженерлик тайёргарлиги ва ишлаб чиқариш-технология комплектацияси даражасини ошириш негизида ҳамма жойда узлуксиз поток бригада пудрати ёйилиши учун шарт-шароитлар яратиб берилсин.

Қўл меҳнатини анча қисқартириш, қурилиш ташкилотларини юксак унумли машиналар, механизмлар, автотранспорт билан, шу жумладан вазни енгил автотранспорт билан таъминлаш, ишда сменаларни ошириш ҳисобига улардан тўлиқ фойдаланишни яхшилаш тадбирлари амалга оширилсин.

Қурилиш ташкилотларини кичик механизация воситалари, механизациялашган, электрлаштирилган асбоблар ва қўл асбоблари билан, шунингдек кўчма маиший хоналар билан таъминлаш яхшилансин.

Қурилиш ишларининг индустриал даражаси ҳамда конструкциялар ва деталларнинг заводда тайёр ҳолда ишлаб чиқариш даражаси оширилсин, янги самарали конструкцияларни қўлланиш кенгайтирилсин. Маҳаллий бинокорлик материалларидан тўлиқроқ фойдаланилсин.

Қурилиш тўпланган районларда территориал қурилиш-монтаж ташкилотларининг қуввати оширилсин. Кучли пудрат ташкилотлари ҳамда кўчма инвентар базалари ривожлантирилсин.

Уйсозлик, заводсозлик комбинатларини, шунингдек қишлоқ қурилиш комбинатларини янада ривожлантириш ва техника билан қайта жиҳозлаш таъминлансин, уларнинг қувватидан тўлиқроқ фойдаланилсин. Уй-жой қурилишининг умумий ҳажмида йирик панелли ва катта ҳажмдаги блокли уй-жойлар салмоғи оширилсин.

Тайёр корхоналарни буюртмачига тўла-тўкис топшириш шарти билан ташкилотларга объектларнинг тўла смета қиймати миқдорида банк берадиган кредит ҳисобига айрим тармоқларда корхоналар барпо этиш жорий қилинсин.

Қурилишда меҳнат унумдорлиги 15—17 процент оширилсин.

VIII. СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ

Экономикани юксалтириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш негизида халқ фаровонлигини янада ўстириш, социалистик турмуш тарзини, ижтимоий муносабатларнинг бутун системасини ривожлантириш таъминлансин.

Шу мақсадда:

юксак унумли меҳнат, унинг ижодий характерини кучайтириш учун энг қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш; қўлда бажариладиган паст малакали ва оғир жисмоний меҳнатни бутун чоралар билан қисқартириш; меҳнатни муҳофаза қилишни ва хавфсизлик техникасини яхшилаш; меҳнат мезони билан истеъмол мезони устидан контролни кучайтириш;

моддий неъматларни истеъмол қилиш ва хизмат кўрсатиш дара-

жасини ошириш ҳамда структурасини такомиллаштириш, уларнинг сифатини яхшилаш ва хилларини кўпайтириш;

аҳолининг, айниқса қишлоқ аҳолисининг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, рўзғордаги меҳнатни енгиллаштириш, барча турдаги хизмат маданиятини ошириш;

оилани мустаҳкамлаш учун шарт-шароитлар яратиш, болалик оилаларга ҳамда ишловчи оналарга афзаллик ва имтиёзларни кенгайтириш;

аҳолининг маълумот даражаси ва маданий савиясини ўстириш, совет кишиларига медицина хизмати кўрсатишни ва уларнинг дам олишини яхшилаш, одамнинг актив меҳнат фаолияти учун янада қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш;

социалистик демократияни янада ривожлантириш, меҳнаткашларнинг ташаббускорлигини ошириш, уларнинг бошқарувда иштирок этишини кенгайтириш, социалистик мусобақани, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатини ҳар томонлама авж олдириш;

экономикани ўстиришнинг социал омилларидан самарали фойдаланиш, меҳнатнинг моддий ва маънавий омилларини қўшиб олиб бориш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва юксак пировард натижаларга эришишга ана шу омилларнинг таъсирини кучайтириш кўзда тутилсин.

Аҳоли жон бошига **реал даромадлар** 16—18 процент оширилсин.

Аҳолининг ҳар хил молларга ва хизмат кўрсатилишига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин.

Давлат ва кооператив савдосининг **чакана товар** обороти 22—25 процент кўпайтирилсин.

Озиқ-овқат проблемасини изчиллик билан ҳал этиш асосида энг тўйимли маҳсулотлар истеъмол қилишни кўпайтириш ҳисобига аҳоли озиқ-овқатини янада яхшилаш таъминлансин.

Маданий-маиший ва хўжалик буюмларига ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари бўлмаган бошқа молларга нисбатан талаб-эҳтиёж тўлиқ қондирилсин. Аҳолига бинокорлик материаллари, шунингдек уй-рўзғорда ремонт ишлари ва бошқа эҳтиёжларни таъминлаш учун кондицион материаллар ва буюмлар сотиш анча кўпайтирилсин.

Молларнинг хили кенгайтирилсин ва янгиланоин, сифати оширилсин, харидоргир бўлган янги, модали, шунингдек унча қиммат бўлмаган чидамли моллар сотиш кўпайтирилсин. Аҳолининг оқилона эҳтиёжлари ва эстетик дидларини шакллантиришга актив таъсир ўтказилсин.

Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик **иш ҳақи** 13—16 процент кўпайтирилсин ва унинг даражаси беш йиллик охиригача ойига 190—195 сўмга етказилсин.

Колхозчиларга колхозларнинг жамоат хўжалигида **тўланадиган меҳнат ҳақи** 20—22 процент оширилсин.

Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи соҳасида:

ҳар бир ходимнинг иш ҳақи ва мукофотлари унинг шахсий меҳнат ҳиссасига, коллектив ишининг пировард натижаларига боғлиқлигини, меҳнат унумдорлигини юксалтиришда, маҳсулот сифатини яхшилашда ва ресурсларнинг барча турларини тежаб-тергашда уларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш; тариф системаси билан меҳнатни нормалашни такомиллаштириш;

бажарилаётган ишларнинг мураккаблиги ва масъулиятли эканлигини, меҳнат шароитлари ва интенсивлигини, шунингдек халқ хўжалиги тармоқлари ва мамлакат районларини ҳисобга олган ҳолда меҳнаткашлар турли категорияларининг иш ҳақини такомиллаштириш таъминлансин.

Ходимларнинг, шу жумладан кам ҳақ олаётган ходимларнинг иш

ҳақини қўл меҳнатини, паст малакали меҳнатни камайтириш, малакани ошириш, бир неча касбни эгаллаш ва юксак меҳнат натижаларига эришиш асосида ўстириш таъминлансин.

Шарт-шароитлар вужудга келтирилиб, ресурслар кўпая борган сари минимал иш ҳақини ойига 80 сўмга етказиб, биринчи навбатда халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқларидаги ишчи ва хизматчиларнинг ставка ҳамда окладлари босқичма-босқич ошириб борилсин. Бунинг учун бирлашмаларда, корхоналар ва тармоқларда мавжуд бўлган меҳнат унумдорлигини ўстириш резервларидан ҳар томонлама фойдаланилсин.

Иш ҳақини районларга кўра тартибга солиш такомиллаштирилсин.

Уралда, Қозоғистоннинг баъзи бир районларида ва Вологда, Киров областларининг шимолий районларида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақига илгари белгиланмаган район коэффициентлари жорий этилсин.

Узоқ Шарқ ва Шарқий Сибирнинг жанубий районларида узлуксиз иш стажи учун ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақига устамалар белгилансин.

Айрим тармоқларда тунги иш учун меҳнатга тўланадиган қўшимча ҳақ миқдорларини ошириш давом эттирилсин.

Колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш соҳасида:

меҳнатга тўланадиган ҳақ миқдори пировард иш натижаларига, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатига боғлиқ эканлигини кучайтириш:

меҳнат унумдорлиги, колхозчиларнинг малакаси ва уларнинг жамоат ишлаб чиқаришида бандлиги орта борган сари уларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ даражасини давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ходимларининг меҳнат ҳақи даражаси билан яқинлаштириш таъминлансин.

Колхозчилар учун ҳақ тўланадиган ҳар йилги отпусканинг минимал муддати ишчи ва хизматчиларнинг минимал отпускаси даражасида белгилансин.

Ижтимоий истеъмол фондлари 20 процент кўпайтирилсин. Ана шу фондлардан аҳолига берилаётган тўловлар ва имтиёзларнинг ишлаб чиқариш ва социал-демография проблемаларини ҳал этишдаги роли кучайтирилсин. Ижтимоий истеъмол фондларига ажратилаётган маблағлардан, шу жумладан бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва колхозларнинг маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги оширилсин.

Болали оилаларга ва келин-куёвларга давлат ёрдами оширилсин. Ана шу оилаларга афзаллик ва имтиёзлар кенгайтирилсин, уларнинг уй-жой-маиший шароитларини яхшилашга ёрдам берилсин, болаларга давлат нафақалари системаси такомиллаштирилсин. Мактабгача тарбия муассасаларида, мактаб-интернатларда, мактаб ҳузуридаги интернатларда ва болалар уйларида болаларнинг овқатланиши ҳамда уларга хизмат кўрсатиш яхшилансин. Умумий таълим мактабларининг ўқувчиларига дарсликларни бепул беришни жорий этиш ниҳоясига етказилсин.

Ишловчи аёлларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини янада яхшилаш таъминлансин.

Ишловчи аёллар учун мамлакат районларига қараб 1981 йилдан бошлаб бола бир ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилишга қисман пул тўланадиган отпуска жорий этилсин. Ишловчи аёлларга бола туғиш ва тарбиялаш билан боғлиқ имтиёзлар кенгайтирилсин. Гўдаклари бўлган аёлларга тўлиқ бўлмаган иш кунида ёки тўлиқ бўлмаган иш ҳафтасида, узлуксиз графикка мувофиқ, шунингдек уйда

ишлаш имконияти яратилсин. Рўзғордаги меҳнатни енгиллаштиришга доир самарали чоралар кўрилсин.

Ҳомиладор аёллар учун ихтисослаштирилган профилакторийлар сони анча кўпайтирилсин.

Хусусан аёллар ижтимоий ишлаб чиқаришда жуда кўп бўлган районларда болалар боғчалари ва яслилари, куни узайтирилган мактаблар (группалар), пионер лагерлари ва бошқа болалар муассасалари тармоқларини янада ривожлантириш ва уларнинг ишини яхшилаш кўзда тутилсин. Камида 2,5 миллион ўринлик мактабгача тарбия муассасалари қурилсин.

1985 йилда куни узайтирилган мактаблар (группалар)да ўқувчилар сони 13,5—14 миллион кишига етказилсин. Пионерлар ва ўқувчилар саройлари (уйлари)нинг, мактабдан ташқари бошқа муассасаларнинг иши яхшилансин.

Социал таъминот системаси такомиллаштирилсин. Ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларга қарилиги ва инвалидлигига кўра пенсияларнинг, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганлиги сабабли тўланадиган пенсияларнинг минимал миқдорлари оширилсин. Колхозчилар билан давлат корхоналари ходимларининг социал таъминот шароитларини янада бараварлаштириш кўзда тутилсин.

Илгари тайинланган пенсиялар миқдорининг ҳозирги пайтда худди шундай касбдаги ва малакадаги ходимлар учун тайинланаётган пенсиялар даражасига босқичма-босқич яқинлашуви таъминлансин.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг ва ҳалок бўлган жангчилар оилаларининг турмуш шароитларини янада яхшилаш тадбирлари амалга оширилсин. Меҳнат ветеранлари тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилинсин.

Пенсионерларнинг ижтимоий меҳнатда иштирок этиш имкониятлари кенгайтирилсин. Меҳнатга қобилиятли пенсионерлар ишини моддий рағбатлантириш формалари такомиллаштирилсин.

Пенсионерлар учун интернат-уйлар тармоғи кўпайтирилсин, улардаги ободончилик ва социал-маиший хизмат даражаси оширилсин. Аҳолига протез-ортопедия ёрдамини ташкил этиш ва инвалидларни шахсий транспорт воситалари билан таъминлаш яхшилансин.

Давлат заёмларининг ҳақини тўлаш давом эттирилсин.

Асосий озиқ-овқат ва озиқ-овқат бўлмаган молларнинг **давлат чакана нархлари барқарорлигини** таъминлаш йўли изчиллик билан ўтказилсин. Нарх интизомига риоя этилиши устидан давлат ва жамоат контроли кучайтирилсин ҳамда министрликлар ва идоралар, бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг масъулияти оширилсин.

Савдо-сотиқ ва умумий овқатланишни янада ривожлантириш таъминлансин.

Чакана савдо тармоқлари кенгайтирилсин. Давлат ва кооператив савдосининг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин. Савдони бошқаришни ташкил этиш такомиллаштирилсин. Ўзига-ўзи хизмат қиладиган универсал магазинлар, универмаглар, ихтисослаштирилган магазинлар ва йирик савдо марказлари вужудга келтиришга алоҳида эътибор берилсин. Саноат министрликлари ва бирлашмаларининг фирма магазинлари, шунингдек совхозлар, колхозлар ва улар бирлашмаларининг сабзавот, мева маҳсулотлари сотувчи фирма магазинлари тармоғи кўпайтирилсин.

Аҳолига савдо хизмати даражаси оширилсин, илғор савдо формалари бутун чоралар билан ривожлантирилсин. Ўзига-ўзи хизмат қилиш методи билан иш ва истиқомат жойларда олдиндан бериладиган буюртмаларга биноан, шунингдек, посилка савдоси йўли билан

моллар сотиш такомиллаштирилсин. Савдо тармоқларига молларни қадоқланган ҳолда етказиб бериш кўпайтирилсин.

Аҳолининг эҳтиёжларини қондиришда умумий овқатланишнинг роли оширилсин, уни ривожлантиришнинг илдам суръатлари кўзда тутилсин, тармоқни индустрлаштириш даражаси оширилсин. Ишчилар, хизматчилар, колхозчиларни иш жойида ва барча типдаги ўқув юртларининг ўқувчиларини ўқиш жойида иссиқ овқат билан таъминлаш яхшилансин. Умумий овқатланиш корхоналарининг тармоғи анча кенгайтирилсин, аҳолига хизмат қилиш маданияти оширилсин. Парҳез овқат корхоналари тармоғи ривожлантирилсин.

Молларни ташиш, асраш, қайта ишлаш ва сотишнинг илғор технологияси, замонавий савдо ва совутиш асбоб-ускуналари, молларни қайта ишловчи ва қадоқловчи машина комплекслари ҳамда юқори унумли линиялар жорий этилсин. Саноат, қишлоқ хўжалик ва савдо корхоналари ҳамда ташкилотлари ўртасида иқтисодий алоқалар такомиллаштирилсин. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планларини ишлаб чиқишда хўжалик шартномасининг роли оширилсин.

Кўпроқ улгуржи савдо системасида мол запасларини жамлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилсин. Улгуржи базаларнинг магазинларни зарур ассортиментдаги моллар билан узлуксиз таъминлаш учун, магазинларнинг белгиланган ассортиментдаги моллар доимо савдода бўлиши учун масъулияти оширилсин.

Савдода ва саноатда харид қилиш талаб-эҳтиёжини ўрганиш ишлари такомиллаштирилсин, мамлакат аҳолиси турли группалари ва районларининг ўзига хос талаб-эҳтиёжи тўлиқроқ ҳисобга олинсин.

Матлубот кооперациясини янада ривожлантиришга, қишлоқ жойларида савдо хизмати ва умумий овқатланишни яхшилашда, хом ашё ва озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришда унинг хўжалик ташаббуси ҳамда активлигини оширишга ҳар томонлама ёрдам берилсин. Матлубот кооперацияси корхоналарида маҳаллий материаллар ва хом ашёдан анча самарали фойдаланиш, чорва ва паррандаларни боқиш, ички кўл-ҳовузларда балиқ урчитиш ва овлаш ҳисобига аҳоли учун зарур маҳсулотлар етиштириш кўпайтирилсин. Аҳоли ва колхозлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ишлари актив олиб борилсин, шаҳарлар ва саноат марказларида ана шу маҳсулотларни сотиш кенгайтирилсин, асал, ёввойи мева, резавор, қўзиқорин, ёнғоқлар, шифобахш ўтлар тайёрлашни кўпайтириш имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланилсин.

Колхоз бозорларининг тармоғи ривожлантирилсин ва уларнинг иши яхшилансин. Шахсий ёрдамчи хўжаликларда, боғдорчилик, томорқачилик ширкатлари ва бошқа ширкатларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ортиқча қисмини етказиб бериш ва реализация қилишда аҳолига ёрдам берилсин.

Аҳоли ва колхозлардан қабул қилинадиган буюмларни комиссион асосларда сотувчи магазинлар тармоғи анча кенгайтирилсин.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш анча яхшилансин. Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми тахминан 1,4—1,5 баравар кўпайтирилсин. Буюртмаларни бажариш сифати ва хизмат кўрсатиш маданияти оширилсин. Қишлоқ жойларда ва мамлакатнинг шарқий районларида маиший хизмат жадал ривожлантирилиши кўзда тутилсин.

Омонатларни сақлаш ишини ривожлантириш таъминлансин, аҳолига омонат кассалари орқали хизмат қилиш формалари такомиллаштирилсин, мана шу кассалар ҳисоблаш техникаси ва зарур асбоб-ускуналар билан тўлароқ таъминланиши кўзда тутилсин.

Гражданларнинг шахсий ва мулкий давлат страхованиеси ривожлантирилсин.

Меҳнаткашлар учун энг кўп қулайликлар яратиш йўли билан савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналарининг, хизмат соҳасидаги бошқа муассасалар ва ташкилотларнинг иш режими яхшилансин. Ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг иши устидан жамоатчилик назорати кучайтирилсин.

Совет кишиларининг уй-жой шароитлари изчиллик билан яхшилансин, уй-жойларнинг шинамлиги ва уларнинг ободончилик даражаси оширилсин. Корхоналар ва ташкилотлар ҳузурида ёшларга мўлжалланган ётоқхоналар тармоғи кенгайтирилсин, уларда хизмат кўрсатиш яхшилансин. Жами саҳни 530—540 миллион квадрат метр бўлган уй-жой бинолари барпо этилсин, янги бунёд этилаётган корхоналар, янги ўзлаштирилаётган районлар ва қишлоқ жойлардаги ходимларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида улар учун биринчи навбатда уй-жой қуриш кўзда тутилсин. Давлатнинг янги уй-жой биноси қоида тариқасида ҳар бир оилага алоҳида квартира бериш принципига биноан тақсимлансин.

Шаҳар ва посёлкаларни комплекс қуриш масалаларига эътибор кучайтирилсин. Квартираларнинг тузилиши такомиллашган ва улардан фойдаланиш шароитлари яхшиланган типовой лойиҳалар асосида уй-жой бинолари қуришга ўтиш асосан ниҳоясига етказилсин.

Аҳолининг уй-жой шароитларини янада яхшилашда уй-жой-қурилиш кооперациясининг роли оширилсин. Хусусан, кичик шаҳарларда, шаҳар типидаги посёлкаларда ва қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой бинолари қуриш имкониятлари кенгайтирилсин. Бирлашмалар, корхоналарнинг рағбатлантириш фондлари ҳисобидан кооператив ва якка-якка уй-жой қурилишида меҳнаткашларга ёрдам берилсин.

Уй-жой фондидан фойдаланишни яхшилаш ва уни асраш тадбирлари амалга оширилсин. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш ривожлантирилсин. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг марказлаштирилган тартибда иссиқлик ва сув билан таъминланиши яхшилансин. Уларни обод қилиш ва кўкаламзорлаштириш яхшилансин, микрорайонларда спорт-соғломлаштириш ва маданий-тарбиявий ишларни олиб бориш учун бинолар ва майдончалар ажратилсин.

Халқ маорифи системасини янада ривожлантириш, мамлакатнинг мутахассисларга ва малакали ишчиларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш таъминлансин. Маориф барча бўғинлари ва формаларининг иши ҳамда кадрлар тайёрлаш самарадорлиги оширилсин. Кечки ҳамда сиртқи таълим ривожлантирилсин ва яхшилансин.

Мактабда меҳнат тарбияси, маънавий ва эстетик тарбиянинг форма ва методлари такомиллаштирилсин. Ёшларни касбга йўналтириш соҳасидаги ишлар кучайтирилсин. Болаларни умумий таълим мактабларининг тайёрлов синфларида 6 ёшдан ўқитишга босқичма-босқич ўтиш учун шарт-шароитлар яратилсин.

Халқ хўжалигини ишчи кадрлар билан тўлдиришнинг жуда муҳим манбаи сифатида ҳунар-техника ўқув юртлари тармоғини янада ривожлантириш кўзда тутилсин. Шу ўқув юртларида тайёрланадиган малакали ишчилар 1981—1985 йиллар мобайнида 13 миллион кишига етказилсин; ўрта маълумотли малакали ишчилар тайёрлаб чиқариш 1,6 баравар кўпайтирилсин.

Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш такомиллаштирилсин.

Олий ва ўрта махсус маълумотли 10 миллионга яқин мутахассис тайёрлансин. Мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш ва халқ хўжалигида улардан фойдаланишни яхшилаш чоралари амалга оширилсин.

Социалистик маданият ва санъат ривожлантирилсин, марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришда, совет кишиларининг ғоят хилма-хил маънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондиришда уларнинг роли оширилсин.

Аҳолига кино хизмати яхшилансин, тарбия ва таълим ишида кинодан кенг фойдаланилсин.

Маданий-оқартув муассасаларининг фаолияти такомиллаштирилсин, қайси идорага қарашли эканлигидан қатъи назар, уларнинг моддий базасидан энг кўп самара билан фойдаланилсин. Оммавий кутубхоналар ва клублар тармоғи кенгайтирилсин, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг ҳаваскорлик ижодиётини ташкил этиш ва бўш вақтларини ўтказиш ишларида уларнинг роли оширилсин. Парклар, ҳайвонот боғларининг, музейларнинг ишлари, тарих, маданият ва табиат ёдгорликларини муҳофаза этиш ва пропаганда қилиш яхшилансин.

Нашриёт иши ривожлантирилсин. Нашр маҳсулотларига, хусусан, болалар адабиёти ва бадиий адабиёт китобларига бўлган эҳтиёж тўлиқ қондирилсин, нашрларнинг полиграфик жиҳатдан ишланиш сифати оширилсин.

Телевидение ва радиоэшиттириш янада ривожлантирилсин. Телевидениенинг иккинчи умумиттифоқ программаси жорий этилсин.

Соғлиқни сақлаш системасини ривожлантириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилинсин. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш даражаси ва сифати оширилсин. Соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғини янада кенгайтириш, уларнинг структурасини такомиллаштириш ва оқилона жойлаштириш кўзда тутилсин. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори-дармонлар, асбоблар, медицина техникаси ва ускуналари, анжомлар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланиш даражаси яхшилансин.

Фан-техника ютуқларини медицина практикасига жадал ва кенг жорий этиш, медицина ва фармацевтика ходимлари меҳнатини ташкил этишнинг илғор форма ва методларидан фойдаланиш тадбирлари кўрилсин. Касалхоналардаги ўринларнинг жами сони 8—10 процент кўпайтирилсин.

Касалликларнинг олдини олишга доир ишлар кучайтирилсин, диспансерларда даволаш самарадорлиги оширилсин ва аҳолига, даставвал болаларга диспансер хизмати кенгайтирилсин.

Медицина саноати маҳсулоти ишлаб чиқариш тахминан 1,4 баравар кўпайтирилсин. Айниқса юрак-қон, томир ва онкология касалликларини, эндокрин системаси касалликларини даволаш учун юксак самарали шифобахш воситалар, шунингдек ярим синтетик антибиотиклар яратиш ва уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилсин. Замонавий медицина техникасини ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

Меҳнаткашларнинг дам олиши ва туризм бутун чоралар билан ривожлантирилсин ҳамда уларни ташкил этиш такомиллаштирилсин. Ота-оналарнинг болалари билан биргаликда дам олиш ва даволаниш имкониятлари кенгайтирилсин. Экскурсия хизмати яхшилансин. Ишчи ва хизматчиларнинг боғдорчилик ва томорқачилик ширкатларини ташкил этиш ва ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашилсин. Боғ уйчалари, дам олиш ва туризм учун анжомлар, моллар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Оммавий физкультура ва спорт актив ривожлантирилсин, уларнинг совет кишилари кундалик турмушига тобора кенгроқ жорий этилишига ёрдам берилсин. Болалар ва ёшлар ўртасида физкультура ва спорт ишлари кучайтирилсин. Спорт иншоотларидан самаралироқ фойдаланилсин.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг почта, телефон ва телеграф **алоқаси** хизматига бўлган эҳтиёжлари тўлиқ қондирилсин.

Аҳолига **транспорт хизмати** анча яхшилансин, шаҳарлараро, шаҳарлар ичидаги ва шаҳар атрофидаги транспортни янада ривожлантириш кўзда тутилсин. Қишлоқ аҳолисига ҳар хил турдаги транспорт билан хизмат кўрсатишни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилсин.

Аҳолига қарашли транспорт воситаларининг кўпайиши билан боғлиқ хизматларнинг ҳажми ва турлари оширилсин. Ана шу транспорт воситалари учун техника хизмати станциялари тармоғи, бензин қуйиш станциялари, машиналарни ювадиган жойлар, шунингдек кооператив гаражлар ва машиналар қўйиладиган обод жойлар қурилиши кенгайтирилсин.

IX. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Табиатни муҳофаза қилиш яхшилансин, қишлоқ хўжалик экинзорларини сақлаш ишлари, тупроқ эрозиясига қарши кураш кучайтирилсин, ерларни қайтадан экинзорларга айлантириш борасидаги ишлар суръати оширилсин, ерларни селдан, кўчкилар, ўпирилишлардан, шўр босишдан, захланишдан, сув босишдан ва қақраб қолишдан ҳимоя қилиш таъминлансин.

Фойдали қазилма конлари янада комплекс равишда ўзлаштирилсин, уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш чоғида нобудгарчиликка йўл қўйилмасин.

Қора денгиз, Азов денгизи, Болтиқ денгизи, Каспий денгизи ҳавзаларида ва мамлакатнинг энг муҳим саноат районларида сувни муҳофаза қилиш объектлари қурилиши жадаллаштирилсин. Арктика ҳавзасидаги денгизлар, дарёлар ва бошқа сувларни булғанишдан сақлашни кучайтириш чоралари амалга оширилсин. Сувлардан узлуксиз ва такрорий фойдаланиш системаларининг қувватлари оширилсин, сувдан фойдаланишнинг оқавасиз системалари ишлаб чиқилсин ва корхоналарда жорий этилсин. Сув манбалари, шу жумладан кичик дарёлар ва кўлларни қуриб қолишдан ва ифлосланишдан муҳофаза қилиш яхшилансин. Ноёб табиий комплекслар ва даставвал Байкални муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги ишлар давом эттирилсин.

Мамлакатнинг Европа қисми ва Ўрта Осиёдаги энг муҳим дарё ҳавзаларидаги сув хўжалик комплексларини автоматлаштирилган бошқариш системаларини яратишга ўтилсин.

Зарарли моддаларнинг атроф муҳитга чиқариб ташланишини камайтириш ва чиқарилаётган газларни зарарли аралашмалардан тозалашни яхшилаш мақсадида технология жараёнлари ва транспорт воситалари такомиллаштирилсин. Газ ва чангларни ютувчи ғоят самарали аппаратлар, сувни тозалайдиган ускуналар, шунингдек атроф табиий муҳитнинг ҳолатини контрол қилувчи приборлар ҳамда автомат станциялар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Иссиқлик электр станцияларида торфдан ёқилғи сифатида фойдаланиш анча қисқартирилсин.

Ўрмонларни ёнғиндан сақлаш ҳамда уларни зарарли ҳашарот ва касалликлардан муҳофаза қилиш кучайтирилсин.

Иҳота дарахтзорлари кенгайтирилсин. Шаҳарлар, посёлкалар ва уларнинг атрофларида янги кўкаламзорлар вужудга келтирилсин, мавжуд шундай зоналар ободонлаштирилсин.

Илмий асосланган қўриқхона территорияларн ва миллий паркларни вужудга келтириш давом эттирилсин ва уларнинг негизида ре-

сурслардан оқилона фойдаланишга доир тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида табиат системалари ва объектлар ўрганилсин. Ёввойи ҳайвонларни мутаносиб равишда кўпайтириш ҳамда табиий кўл, ҳовузлар ва сув омборларида қимматли балиқ турларини урчитиб кўпайтириш тадбирлари амалга оширилсин.

Табиат ресурслари кадастрлари системасини вужудга келтириш ва ривожлантириш иши активлаштирилсин. Табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишни давлат йўли билан бошқариш ва контрол қилиб туришни такомиллаштириш ишлари авж олдирилсин. Табиатни муҳофаза қилиш ишларига жамоатчилик кенг жалб этилсин.

X. ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИНГ ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ. ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ

Мамлакатни яхлит халқ хўжалик комплексида иттифоқдош республикаларнинг ва иқтисодий районларнинг хўжаликларини тобора ихтисослаштириш ҳамда пропорционал ривожлантириш асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилишини яхшилаш таъминлансин.

Шарқий районларнинг иқтисодий потенциалини тобора ошириш жадаллаштирилсин. Ана шу районларнинг табиий ресурсларини ўзлаштириш ҳамда Сибирь ва Қозоғистонда ёқилғи-энергетика ва хом ашё базаларини ривожлантиришга доир катта ишлар амалга оширилсин. Кўп энергия истеъмол қиладиган ишлаб чиқаришлар барпо этиш шу ерга тўплансин. Шарқий районларнинг қурилиш базасини, уй-жой-коммунал ва маданий-маиший бинолар қурилишини, қишлоқ хўжалигини, етакчи тармоқлар учун машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш кучайтирилсин, шу асосда мазкур районлар экономикаси комплекс ҳолда ривожланиши ва уларнинг кадрлар билан таъминланиши оширилсин.

Ўрта Осиё республикаларида меҳнат ва табиий ресурслардан, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқроқ фойдаланилсин, пахта етиштиришни янада ўстириш таъминлансин, унинг сифати анча оширилсин, чорвачилик, қишлоқ хўжалигининг бошқа сермеҳнат тармоқлари, енгил саноат ва машинасозлик жадал ривожлантирилсин. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ва сув билан таъминланиши яхшилансин. Маҳаллий аҳоли, хусусан қишлоқ ёшларидан малакали ишчи кадрлар тайёрлаш кенгайтирилсин.

Мамлакатнинг Европа қисмида ва Уралда саноатни янада ривожлантириш асосан вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш, ишлаб турган корхоналарни ишловчиларни кўпайтирмаган ҳолда реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш ҳисобига амалга оширилсин. Европа қисмидаги районларда кўп энергия ва сув истеъмол қиладиган янги корхоналар қоида тариқасида жойлаштирилмасин ва ишлаб турган шундай корхоналар кенгайтирилмасин. Атом энергетикаси кенг ривожлантирилсин. Шимолий Кавказ ва Закавказье гидроэнергетика ресурсларини ўзлаштириш давом эттирилсин.

Хусусан янги ўзлаштирилаётган районларда территориал ишлаб

чиқариш комплекслари, саноат узелларини янада ривожлантириш ва шакллантириш кўзда тутилсин.

Транспорт-иқтисодий алоқалар яхшилансин. Айни бир территорияда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарини тармоқлараро кооперациялаш кенг ривожлантирилсин, турли идораларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфраструктура объектларини вужудга келтиришда асоссиз равишда такрорланишга ва параллелизмга йўл қўйилмасин.

Халқ депутатлари Советлари территориясида комплекс иқтисодий ва социал ривожланишини таъминлаш соҳасида Советларнинг роли оширилсин ва уларнинг фаолияти такомиллаштирилсин.

Экономикани ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш асосида барча иттифоқдош республикаларда халқ фаровонлигини янада ошириш кўзда тутилсин. Бунда табиий шароитлари оғир бўлган ва янги ўзлаштирилаётган районлардаги аҳолининг талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш таъминлансин.

1981—1985 йилларда иттифоқдош республикаларни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгилансин:

Россия Совет Федератив Социалистик Республикасида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 24—27 процент кўпайтирилсин. Машинасозлик, газ, химия ва нефть химияси саноати жадал ривожлантирилсин. Енгил, озиқ-овқат ва балиқ саноатини янада ривожлантириш кўзда тутилсин.

1985 йилда электр энергия ҳосил қилиш 950—970 миллиард киловатт-соатга, нефть, шу жумладан газ конденсати қазиб чиқариш 560—580 миллион тоннага, газ қазиб чиқариш 420—460 миллиард кубометрга етказилсин. Қора металлар тайёр прокати ишлаб чиқариш 12—14 процент, минерал ўғит ишлаб чиқариш 1,6 баравар, газламалар 13 процент, трикотаж буюмлар 1,2 баравар, қанд-шакар ишлаб чиқариш 1,5 баравар, мол ёғи етиштириш 13—15 процент кўпайтирилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 12—14 процент оширилсин. Дон йилига ўрта ҳисобда 134—136 миллион тонна, қанд лавлаги —33—34 миллион тонна, узум камида 1 миллион тонна, гўшт (сўйилган вазнда)—8,4—8,7 миллион тонна, сут — 50—52 миллион тонна, жун —235—240 минг тонна миқдорида етиштириш, кунгабоқар уруғи етиштиришни 1,3 баравар, сабзавот етиштиришни 1,2 баравар, картошка етиштиришни 10—12 процент ошириш таъминлансин. 1 миллион 550 минг — 1 миллион 650 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин ҳамда 1 миллион 720 минг — 1 миллион 820 минг гектар ботқоқ ва захкаш ерларнинг захи қочирилсин.

РСФСР нинг Ноқоратупроқ зонасида уни ғоят маҳсулдор деҳқончилик ва чорвачилик районига айлантириш ҳамда саноатнинг шулар билан боғлиқ тармоқларини ривожлантириш борасидаги комплекс программани амалга ошириш давом эттирилсин. Уй-жой бинолари, автомобиль йўллари, социал-маданий ва коммунал-маиший объектлар илдам суръатлар билан қурилсин.

Москва ва Ленинградда корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришга эътибор берилсин, ана шу корхоналарни юксак техникавий даражада ва ғоят сифатли бўлган буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш кучайтирилсин, ишлаб чиқариш қувватларининг янада тўлиқ ишлаши, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига нисбатан меҳнат унумдорлигини оширишнинг илдам суръатлари таъминлансин. Шаҳар хўжалигини янада комплекс ривожлантириш кўзда тутилсин.

Коломна тепловозсозлик, Брянск машинасозлик ва Пенза дизель заводлари реконструкция қилиниб, кенгайтирилсин.

Череповец металлургия заводида янги қувватлар ишга туширилсин. Коми АССРда ва Ненец автоном округида ёқилғи-энергетика, руда ва ўрмон хом ашё ресурслари базасида Тиман — Печора территориал-ишлаб чиқариш комплексини шакллантириш давом эттирилсин, Европа шимолидаги ўрмон ресурсларидан фойдаланиш яхшилансин, Сиктивкар ўрмон-саноат комплексида қоғоз ишлаб чиқарувчи қўшимча қувватлар барпо этилсин.

Смоленск, Калинин, Курск атом электр станцияларида қувватлар ишга туширилсин.

Марказий Қоратупроқ районида қишлоқ хўжалигини ва у билан боғлиқ тармоқларни тобора ривожлантириш таъминлансин. Курск магнит аномалияси базасида территориал-ишлаб чиқариш комплексини вужудга келтириш давом эттирилсин. Осколь электр металлургия комбинатининг биринчи навбати ишга туширилсин.

Поволжьеда автомобиль, трактор ва бошқа турдаги машинасозликни ривожлантириш давом эттирилсин, нефть ва газ қазиб чиқариш даражасини сақлаб қолиш тадбирлари амалга оширилсин. Астрахань газ конденсат кони базасида газ ва конденсат қазиб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган, шунингдек олтингугурт ишлаб чиқарадиган саноат узели яратишга киришилсин. Чебоксари ва Нижнекамск ГЭСларида, шунингдек Балаково АЭСида қувватлар ишга туширилсин.

Шимолий Кавказда интенсив деҳқончилик, юксак даражада товар чорвачилиги, озиқ-овқат саноати ривожлантирилсин. Катта Ставрополь каналининг тўртинчи навбатини қуришга киришилсин, ерларни суғориш ва уларни қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш, шунингдек гидроэнергетика ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги ишлар давом эттирилсин. Ростов АЭСида, «Атоммаш» заводида ва Новочеркасск электровозсозлик заводида қувватлар ишга туширилсин. «Ростсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида ва Таганрог комбайн заводида дон ўрадиган серунум комбайнлар ишлаб чиқарадиган қувватлар ривожлантирилсин.

Уралда қора ва рангли металлургия, машинасозлик, химия ва нефть химияси саноати корхоналарини реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш давом эттирилсин. Рангли металлургиянинг хом ашё базаси мустаҳкамлансин. Пермь ГРЭСида қувватлар ишга туширилсин.

Сибирда ёқилғи саноатини, электроэнергетика, рангли металлургия, химия, нефть химияси, ўрмон, целлюлоза-қоғоз, ёғочсозлик ва микробиология саноати, қурилиш индустриясини жадал ўстириш кўзда тутилсин. Қишлоқ хўжалигини ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи тармоқларни юксалтириш ҳисобига озиқ-овқат базаси ҳар томонлама мустаҳкамлансин.

Ғарбий Сибирь территориал-ишлаб чиқариш комплексини янада ривожлантириш таъминлансин. Бу ерда 1985 йилда нефть, шу жумладан газ конденсати қазиб чиқариш 385—395 миллион тоннага, газ қазиб чиқариш 330—370 миллиард кубометрга етказилсин. Тобольск нефть-химия комбинатида, Томск химия заводида ва Сургут ГРЭСида ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилсин. Химия ва нефтни қайта ишлаш машина-ускуналарини ишлаб чиқарувчи завод қурилиши авж олдириб юборилсин. Қурилиш базаси мустаҳкамлансин. Уй-жой, социал-маданий ва йўл қурилиши кучайтирилсин. Сургут — Уренгой темир йўли фойдаланишга топширилсин.

Кузбассда энергетика кўмири ва кокслантувчи кўмир қазиб чиқариш кўпайтирилсин. Кулунда даштида суғориш ишлари давом эттирилсин.

Қанск-Ачинск территориал-ишлаб чиқариш комплексини вужудга келтириш давом эттирилсин. Березовскдаги 1-кўмир разрезининг ва Красноярск оғир экскаваторлар заводининг биринчи навбатлари, 1-Березовск ГРЭСидаги қувватлар ишга туширилсин. Саян территориал-ишлаб чиқариш комплексини янада ривожлантириш таъминлансин. Саян-Шушенск ГЭСи асосан қуриб битказилсин. Абакан вагонсозлик ва Саян алюминий заводларида қувватлар ишга туширилсин, Минусинск шаҳрида электротехника корхоналари қурилиши давом эттирилсин.

Красноярск дон комбайнлари ишлаб чиқариш бирлашмасида сер-унум дон ўриш комбайнларини ишлаб чиқаришни кўпайтирадиган қувватлар ривожлантирилсин.

Богучанск ГЭСи қурилиши авж олдириб юборилсин, Харанор ГРЭСида дастлабки агрегатлар ишга туширилсин, Гусиноозёрск ГРЭСи қурилиши ниҳоясига етказилсин. Озерний полиметалл конларини ўзлаштиришга доир тайёргарлик ишлари ўтказилсин.

Узоқ Шарқда рангли металлургия, нефтни қайта ишлаш, балиқчилик, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноатини янада ривожлантириш таъминлансин. Соя, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайтирилсин.

Байкал — Амур темир йўл магистралига яқин зоналарни хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш борасидаги ишлар авж олдириб юборилсин. Удокан мис конига оид лойиҳа ишлари тугаллансин. Жанубий Якутия территориал-ишлаб чиқариш комплексини вужудга келтириш давом эттирилсин, кўмир разрези, саралаш фабрикаси ва Нерюнгринг ГРЭСининг биринчи навбати қуриб битказилсин. Жанубий Якутияда темир руда конини ўзлаштириш, шунингдек Беркакит — Томмат — Якутск темир йўлини қуриш техник-иқтисодий жиҳатдан асослаб чиқилсин.

Бурея ГЭСини қуриш давом эттирилсин, Приморье ГРЭСи ва Колима ГЭСи қурилиши ниҳоясига етказилсин.

Қайта ишланадиган чўяндан пўлат ишлаб чиқарувчи металлургия заводи қурилсин. Мавжуд портлар янада ривожлантирилсин ва реконструкция қилинсин. Чуқур Восточний портининг иккинчи навбатини барпо этишга киришилсин.

Сибирь ва Узоқ Шарқда, айниқса маҳаллий минерал манбалари базасида санатория-курорт ишлари кенг ривожлантирилсин.

Украина ССР да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 20—23 процент кўпайтирилсин.

1985 йилда электр энергия ҳосил қилиш 280—290 миллиард киловатт-соатга етказилсин, унинг асосий ўсими атом электр станциялари ҳисобига таъминлансин. Жанубий Украина, Хмельницкий, Запорожье, Қрим, Чернобил, Ровно АЭСларида ва Одесса атом ТЭЦида қувватлар ишга туширилсин. Кўмир саноати корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш жадаллаштирилсин, кўмир қазиб чиқариш кўпайтирилсин. Кокс химия заводларида, минерал ўғит ва автомобиль шиналари ишлаб чиқарувчи корхоналарда қувватлар ишга туширилсин. Қора металлар тайёр прокати ишлаб чиқариш 14—16 процент оширилсин.

Энергетика ва химия машинасозлиги, электротехника саноати, станоксозлик ва приборсозлик, чорвачилик ва озуқа етиштириш учун машиналар ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожлантирилсин. Ужгород шаҳридаги электр двигателлар заводининг биринчи навбати ишга туширилсин. Ворошиловград тепловозсозлик заводи, шунингдек енгил ва озиқ-овқат саноатининг ишлаб турган корхоналари реконструкция қилиниб, техника билан қайта қуроллантирилсин. Мол ёғи ишлаб чиқариш 1,2—1,3 баравар кўпайтирилсин. 1985 йилда қанд-шакар ишлаб чиқариш 6,6—6,8 миллион тоннага, сабзавот-мева

консервалари ишлаб чиқариш 3—3,3 миллиард шартли банкага етказилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 12—14 процент ва кунгабоқар уруғи йиғиб олиш 1,2 баравар оширилсин. Дон йилига ўрта ҳисобда 51—52 миллион тонна, қанд лавлаги — 56—57 миллион тонна, узум камида 1 миллион тонна, гўшт (сўйилган вазнда) —3,9—4,1 миллион тонна, сут —22,5—23 миллион тонна миқдорида етиштириш таъминлансин. Дунай-Днестр ва Каховка суғориш системалари, Днепр-Донбасс каналининг иккинчи навбати қурилиши давом эттирилсин. Шимолий Қрим каналининг учинчи навбати ва Азов бўйи суғориш системасининг биринчи навбати қурилиши бошлансин. 500—510 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин ва 640—680 минг гектар захли ерларнинг захи қочирилсин.

Курортлар ва туристик базалар янада ривожлантирилсин.

Белоруссия ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 26—29 процент, машинасозлик маҳсулоти ишлаб чиқариш 1,5 баравар, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1,3 баравар, шу жумладан калий ўғитлар ишлаб чиқариш 1,4 баравар, газламалар тўқиб чиқариш ва мол ёғи етиштириш 1,2 баравар кўпайтирилсин. Радио техника, электрон ва приборсозлик саноати илдам суръатлар билан ривожлантирилсин.

Гомель шаҳридаги қишлоқ хўжалик машиналари заводини ва Брестдаги гилам-мовут комбинатини кенгайтириш ниҳоясига етказилсин. Новополоцкдаги «Полимир» ишлаб чиқариш бирлашмасида янги қувватлар ишга туширилсин. Қайта ишланадиган чўяндан пўлат ишлаб чиқарувчи металлургия заводи қурилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 10—12 процент оширилсин. Дон йилига ўрта ҳисобда 7,8—8,1 миллион тонна, картошка — 12,5—13,5 миллион тонна, гўшт (сўйилган вазнда) — 950 минг — 1 миллион тонна, сут —6,5—6,7 миллион тонна миқдорида етиштириш таъминлансин. 480—520 минг гектар майдондаги захли ва ботқоқ ерларнинг захи қочирилсин.

Ўзбекистон ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 28—31 процент кўпайтирилсин. 1985 йилда электр энергия ҳосил қилиш 44—45 миллиард киловатт-соатга етказилсин, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1,4 баравар оширилсин.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида мис ишлаб чиқарувчи ва қўрғошин-рух рудаси қазиб чиқарувчи қувватлар, Бекобод заводида пўлат ва прокат ишлаб чиқарувчи қувватлар ривожлантирилсин. Тошкент трактор заводида, Ангрен 2-ГРЭСида, Андижон ва Нукус шаҳарларидаги ип газлама комбинатларида, енгил саноат, шунингдек озиқ-овқат саноатининг трикотаж ва бошқа корхоналарида қувватлар фойдаланишга топширилсин.

1985 йилда 560—570 миллион квадрат метр ип-газлама ва шойи газламалар, 480—485 минг тонна ўсимлик ёғи, 1—1,1 миллиард шартли банкада сабзавот-мева консервалари ишлаб чиқарилсин.

Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 17—19 процент оширилсин. Пахта йилига ўрта ҳисобда 5,9 миллион тонна, шу жумладан ингичка толали пахта —400—420 минг тонна, дон — 2,8—3 миллион тонна, сабзавот —2,4—2,5 миллион тонна, гўшт (сўйилган вазнда) —400—410 минг тонна, сут —2,5—2,7 миллион тонна, жун —20—21 минг тонна, қоракўл тери —2,25 миллион дона миқдорида етиштириш таъминлансин. Узумчилик, полизчилик ва мевачилик жадал ривожлантирилсин. Қарши ва Жиззах даштларини ўзлаштириш давом эттирилсин. 450—465 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин. 1,5 миллион гектар яйловга сув чиқарилсин.

Қозоғистон ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 22—25 процент кўпайтирилсин. Электр энергетика, рангли ва қора металлургия, машинасозлик, кўмир, химия, нефть химияси, енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш давом эттирилсин. 1985 йилда кўмир қазиб чиқариш 134 миллион тоннага, электр энергия ҳосил қилиш 90—95 миллиард киловатт-соатга, қора металлар тайёр прокатини 5,1—5,3 миллион тоннага, газламалар 208—210 миллион квадрат метрга етказилсин. Нефтни бирламчи қайта ишлаш 2,1 баравар, минерал ўғит ишлаб чиқариш 1,3 баравар кўпайтирилсин.

Рангли ва қора металлургиянинг хом ашё базаси мустаҳкамлансин. Качар кон-бойитиш комбинатида темир руда қазиб чиқарувчи қувватлар ишга туширилсин. Жайрем полиметалл конида руда қазиб чиқариш оширилсин. Ғарбий Қозоғистонда нефть ва газ конларини топиш учун геология-разведка ишлари кенгайтирилсин. Бўзачи ярим оролида нефть конларини ўзлаштириш жадаллаштирилсин.

Қоратов ҳавзаси ва Актюбинск областида фосфоритлар қазиб чиқарувчи, сариқ фосфор ва минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи янги қувватлар ишга туширилсин. Чимкент нефтни қайта ишлаш заводи қуриб битказилсин.

Павлодар-Экибастуз территориал ишлаб чиқариш комплексида кўмир қазиб олиш, гилмоя ишлаб чиқариш кўпайтирилсин, 4 миллион киловатт қувватли катта ГРЭСлар барпо этиш давом эттирилсин, нефтни қайта ишлаш заводининг иккинчи навбати ишга туширилсин. Павлодар трактор заводини реконструкция қилиш асосан тугаллансин.

Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 11—13 процент оширилсин. Дон йилига ўрта ҳисобда 28—29 миллион тонна, гўшт (сўйилган вазнда) — 1,2—1,3 миллион тонна, сут — 4,9—5 миллион тонна, жун 110—115 минг тонна, қоракўл тери — 2,5 миллион дона миқдорида етиштирилиши таъминлансин. Дон, хусусан буғдойнинг қаттиқ ва бақувват навлари, ёрма экинлар барқарор етиштирилишини таъминлаш чоралари кўрилсин. Асосан гўшт молчилиги ва майин жунли қўйчилик ҳисобига чорвачилик янада ривожлантирилсин. Қишлоқ хўжалик аҳамиятидаги группа водопроводлари тармоғи қурилиши давом эттирилсин. 400—420 минг гектар суғориладиган ер фойдаланишга топширилсин. Чўл ва ярим чўл районларида 15 миллион гектар яйловга сув чиқарилсин.

Грузия ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 30—33 процент, электр қуввати ҳосил қилиш 1,2 баравар, машинасозлик маҳсулоти ишлаб чиқариш 1,6 баравар, химия саноати маҳсулоти ишлаб чиқариш 1,5 баравар, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулоти ишлаб чиқариш 1,3 баравар, шу жумладан сабзавот-мева консервалари ишлаб чиқариш 1,7 баравар кўпайтирилсин. Электротехника, электрон, радиотехника саноатини, приборсозликни илдам ўстириш кўзда тутилсин.

Пўлат арқон йўллар учун машина-ускуналар ишлаб чиқарувчи завод қуриб битказилсин.

Жинвали гидроузелини барпо этиш ниҳоясига етказилсин, Худон ГЭСи қурилиши давом эттирилсин ва Намахвани ГЭСини қуришга киришилсин.

Чой баргини, узумни қайта ишловчи ва минерал сувни идишларга қуювчи янги қувватлар ишга туширилсин.

Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 22—24 процент оширилсин; уни узумчилик, чойкорлик, субтропик мевачилигига ихтисослаштириш давом эттирилсин. Дон етиштириш йилига ўрта ҳисобда камида 740 минг тоннага, навли чой барги камида

466 минг тоннага, узум — 1—1,1 миллион тоннага, гўшт (сўйилган вазнда) камида 160 минг тоннага, сут камида 710 минг тоннага етказилсин. Қолхида пасттекислигида 35 минг гектар майдондаги ернинг захини қочириш ва ўзлаштириш, 60 минг гектар майдондаги ерни суғориш ишлари амалга оширилсин.

Қора денгиз соҳилида қирғоқни мустаҳкамлаш ишлари ўтказилсин. Кавказ довон автомобиль йўли қуриб битказилсин. Марабда — Ахалкалаки темир йўл линиясини қуриш давом эттирилсин.

Курорт зоналари ва туристик базалар ривожлантирилсин.

Озарбайжон ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 29—32 процент, машинасозлик маҳсулоти ишлаб чиқариш тахминан 1,6 баравар кўпайтирилсин.

Электротехника, приборсозлик, радиотехника, электрон саноати ҳамда саноатнинг меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланишни таъминлайдиган бошқа тармоқларини илдам ривожлантириш йўли билан саноат структурасини такомиллаштириш давом эттирилсин. Чуқур сув тагига тушириладиган тиргак заводи ҳамда саноат автоматикаси ва телемеханикаси заводи барпо этилсин. «Азерэлектротерм» бирлашмаси заводлари ва ихтисослаштирилган автомобиллар заводи қуриб битказилсин.

Нефть ва газ қазиб чиқаришни барқарор қилиш учун уларнинг запаслари оширилсин. Бокудаги нефть конлари учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқарадиган заводлар реконструкция қилинсин.

Шамхор ГЭСи ва Озарбайжон ГРЭСи, Сумгаит шаҳридаги химия корхоналарининг янги қувватлари ишга туширилсин.

Евлах — Белокани темир йўл линияси қурилсин.

1985 йилда электр қуввати ҳосил қилиш 20 миллиард киловатт-соатга етказилсин. Енгил ва озиқ-овқат саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тахминан 1,3 баравар оширилсин, ана шу тармоқлар маҳсулотининг хили кўпайтирилсин ва сифати оширилсин. Газламалар, гиламлар ва гилам буюмлар, консервалар, овқатбоп концентратлар ишлаб чиқариш қувватлари оширилсин, узумни қайта ишловчи янги заводлар ишга туширилсин.

Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 15—17 процент кўпайтирилсин. Пахта йилига ўрта ҳисобда камида 600 минг тонна, узум — 1,3—1,4 миллион тонна, дон — 1,1 миллион тонна, сабзавот — 850—900 минг тонна, гўшт (сўйилган вазнда) камида 150 минг тонна, сут — 850—860 минг тонна етиштирилиши таъминлансин. 80 минг гектар суғориладиган ер фойдаланишга топширилсин.

Литва ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 21—24 процент, электр энергияси ҳосил қилиш 2 баравар, нефтни қайта ишлаш 4 баравар, гўшт ва сут консервалари ишлаб чиқариш 2,5 баравар кўпайтирилсин. Электрон ва радиотехника саноати илдам суръатлар билан ривожлантирилсин. Ҳисоблаш техникаси воситалари, газламалар, мебель ишлаб чиқариш кенгайтирилсин. Овқатбоп балиқ маҳсулотининг сифати ва ассортименти яхшилансин.

Игнали АЭС ининг, Вильнюс 3-ТЭЦининг биринчи навбати, Мажейка нефтни қайта ишлаш заводининг иккинчи навбати ишга туширилиши таъминлансин. Зиғир толасини саноат усулида қайта ишловчи корхоналар реконструкция қилинсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 8—10 процент оширилсин. Дон йилига ўрта ҳисобда 3,2—3,4 миллион тонна, картошка — 2,3—2,5 миллион тонна, гўшт (сўйилган вазнда) — 500—520 тонна, сут 2,8—2,9 миллион тонна миқдорда етиштирилиши таъминлансин. 440—460 минг гектар майдондаги захли ва ботқоқ ерларнинг захи қочирилсин.

Молдавия ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 30—33 про-

цент кўпайтирилсин. Аграр саноат комплексининг янада ривожлантирилиши таъминлансин. Рангли телевизорлар заводи ва Резинск цемент заводи қуриб битказилсин. Помидор йиғиштирувчи, боғ ва токзорлардаги ишларни механизациялаштирувчи машиналар ишлаб чиқариладиган заводлар қурилиши авж олдириб юборилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 20—22 процент оширилсин. Дон йилига ўрта ҳисобда 3,6—3,8 миллион тонна, қанд лавлаги —4,1—4,2 миллион тонна, кунгабоқар уруғи —310—320 минг тонна, мева ва резавор мева —1,4—1,6 миллион тонна, сабзавот —1,3—1,4 миллион тонна, узум —1,5—1,6 миллион тонна, гўшт (сўйилган вазнда) камида 300—310 минг тонна, сут — 1250—1350 минг тонна миқдорда етиштирилиши таъминлансин. 120 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин.

Латвия ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 15—18 процент кўпайтирилсин. Электрон саноати, приборсозлик ва алоқа воситалари ишлаб чиқаришни илдам ўстириш, балиқ маҳсулотларининг сифатини ошириш ва ассортиментини кенгайтириш таъминлансин.

Олий ва биринчи класс рўзғор радио аппаратларини ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Тармоқлараро аҳамиятдаги маҳсулотларни марказлаштирилган тартибда тайёрловчи қувватлар ривожлантирилсин. Енгил саноат техника билан қайта қуроллантирилсин. Даугавпилс ГЭСи қурилиши авж олдириб юборилсин. Денгиз портларини ривожлантириш давом эттирилсин.

Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 12—14 процент оширилсин, дон етиштириш йилига ўрта ҳисобда камида 2—2,1 миллион тоннага, картошка —1,7—1,8 миллион тоннага, гўшт (сўйилган вазнда)—300—310 минг тоннага, сут —1,8—1,9 миллион тоннага етказилсин. 280—290 минг гектар майдондаги захли ерларни мелиорациялаш ишлари ўтказилсин.

Қирғизистон ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 21—24 процент кўпайтирилсин. Қурпсой ГЭСини барпо этиш ниҳоясига етказилсин. Тошкўмир ГЭСида қувватлар ишга туширилсин. Қалайи руда корхонасини қуришга киришилсин, олтин руда комбинати фойдаланишга топширилсин. Электрон саноати ривожлантирилсин. Газлама тўқиш 1,2 баравар кўпайтирилсин. Гилам комбинати қуриб битказилсин.

Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 8—10 процент кўпайтирилсин. Майин жунли ва ярим майин жунли қўйчиликни янада ривожлантириш, баланд тоғли яйловларни ўзлаштириш ҳисобига чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилсин. Дон етиштириш йилига ўрта ҳисобда 1,4—1,6 миллион тоннага, гўшт (сўйилган вазнда)—170 минг тоннага, сут — камида 700 минг тоннага, жун —32—35 минг тоннага етказилсин. Камида 75 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин. Папан сув омбори қуриб битказилсин. 500 минг гектар яйловга сув чиқарилсин.

Иссиққўл областида ва Чу водийси районларида минерал хом ашё, ер, сув ва энергетика ресурсларидан комплекс фойдаланишга доир илмий тадқиқот ва лойиҳа-қидирув ишлари ўтказилсин.

Тожикистон ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 24—27 процент кўпайтирилсин.

Жанубий Тожикистон территориал ишлаб чиқариш комплексида Ёвон электрохимия заводи қурилиши давом эттирилсин ва алюминий заводида янги қувватлар ишга туширилсин. Роғун ГЭСи қурилиши авж олдириб юборилсин ва Бойғози ГЭСи ишга туширилсин. Республикада электр қуввати ҳосил қилиш 16 миллиард киловатт-соатга етказилсин.

Душанба шаҳридаги ип газлама комбинати ва Ленинобод шаҳридаги шойи комбинати техника билан қайта қуроллантирилсин. Ип газламалар тўқиб чиқариш 1,3 баравар, сабзавот-мева консервалари ишлаб чиқариш 1,2 баравар кўпайиши таъминлансин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 12—14 процент оширилсин. Дон ўрта ҳисобда йилига камида 315 минг тонна, пахта —910—920 минг тонна, шу жумладан ингичка толали пахта 315—320 минг тонна, гўшт (сўйилган вазнда)—110 минг тонна, сут —520 минг тонна миқдорида етиштирилиши таъминлансин. Боғдорчилик ва узумчилик ривожлантирилсин. 50—55 минг гектар майдондаги ерни суғориш борасидаги ишлар амалга оширилсин. Данғара даштини ўзлаштириш давом эттирилсин.

Арманистон ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 29—32 процент кўпайтирилсин, радиотехника ва электрон саноатининг, приборсозлик ва станоксозликнинг улуши оширилсин.

Раздан машинасозлик заводида қувватлар ишга туширилсин, автопогрузчиклар ишлаб чиқарувчи завод ва атир-упа фабрикаси қурилсин. Рангли металлургия ва химия саноати корхоналари реконструкция қилинсин. Ижеван — Раздан темир йўл линияси қуриб битказилсин. Минерал сувларни идишларга қуювчи қувватлар кенгайтирилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 10—12 процент кўпайтирилсин. Дон йилига ўрта ҳисобда камида 310 минг тонна, узум —240—260 минг тонна, сабзавот —400—430 минг тонна, гўшт (сўйилган вазнда)—95 минг тонна, сут —520 минг тонна миқдорда етиштирилиши таъминлансин. Мева, резавор мева ҳамда эфир мойли маҳсулотлар етиштириш кенгайтирилсин. 30 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин.

Туркманистон ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 21—24 процент, электр энергия ҳосил қилиш 1,8 баравар кўпайтирилсин. Химия, енгил саноат, озиқ-овқат саноати ва машинасозлик жадал ривожлантирилиши таъминлансин.

Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда фойдаланиш учун қазиш ишлари кенгайтирилсин. Газ қазиб чиқариш 81—83 миллиард куб метрга етказилсин. Чоржўй нефтни қайта ишлаш заводи, Туркманистон азотли ўғитлар заводи ишга туширилсин. Мари ГРЭСининг қувватлари ошириб борилсин. Нефтни қайта ишлаш 2 баравар, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 2,8 баравар кўпайтирилсин. Тошовуз шаҳрида графитланган электродлар заводи қурила бошлансин.

Безмеин шаҳридаги гилам комбинати ва Чоржўй шаҳридаги нотўқима материаллар фабрикаси қуриб битказилсин, Ашхобод шаҳридаги ип газлама комбинати техника билан қайта қуроллантирилсин. Ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш 1,7 баравар ўсиши таъминлансин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 14—16 процент оширилсин. Дон йилига ўрта ҳисобда камида 380 минг тонна, пахта —1210—1230 минг тонна, шу жумладан ингичка толали пахта —290—300 минг тонна, гўшт (сўйилган вазнда) камида 90 минг тонна, сут камида 325 минг тонна, қоракўл териси —1,25 миллион дона етиштирилиши таъминлансин. Узум, хусусан хўраки ва майиз бўладиган узум етиштириш кенгайтирилсин.

Қорақум канали қурилиши давом эттирилсин. 90—93 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин. 6,9 миллион гектар яйловга сув чиқарилсин.

Эстония ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 14—17 процент кўпайтирилсин. Сланец химияси, электрон, приборсозлик, электротехника саноати илдам суръатлар билан ривожлантирилсин.

Мебель, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш

кўпайтирилсин, балиқ хўжалиги ва денгиз транспортини ривожлантириш давом эттирилсин. Сланецни қайта ишловчи саноатни техника билан қайта қуроллантириш, «Кренгольмская мануфактура» ип газлама комбинатини ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноатининг бошқа корхоналарини реконструкция қилиш борасидаги ишлар авж олдириб юборилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 11—13 процент оширилсин. Дон етиштириш йилига ўрта ҳисобда 1400—1450 минг тоннага, картошка —1300—1400 минг тоннага, гўшт (сўйилган вазнда)—210—215 минг тоннага, сут —1,2—1,3 миллион тоннага етказилсин. 100—110 минг гектар майдондаги ерларнинг захи қочирилсин.

XI. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ташқи савдо, чет мамлакатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик янада ривожлантирилсин. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан ва ташқи иқтисодий алоқалар имкониятларидан оқилона фойдаланилсин.

Социалистик мамлакатлар билан ўзаро манфаатли савдо, иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар бутун чоралар билан ривожлантирилсин. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги социалистик иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштиришда фаол қатнашилсин.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ҳамкорлигининг узоқ муддатга мўлжалланган ва энергетикани, ёқилғи-хом ашё тармоқлари, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, транспортни, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга қаратилган мақсадли программаларини, шунингдек ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашнинг узоқ муддатга мўлжалланган икки томонлама программаларини амалга ошириш изчиллик билан давом эттирилсин.

СССР билан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган ва кооперацияда қатнашадиган мамлакатларнинг тармоқ министрликлари, ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотлари ўртасидаги бевосита алоқалар такомиллаштирилсин. Ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасида олинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун министрликлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг жавобгарлиги оширилсин. Ягона стандарт ва нормативлар кенг жорий қилинсин.

Экономикани интенсивлаш, мол ресурсларининг қўшимча манбаларини вужудга келтириш проблемаларини муштарак куч-ғайрат сарфлаб ҳал этиш мақсадида социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари илмий-техника ва ишлаб чиқариш потенциалидан, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги имкониятлари қидириб топилсин.

Совет Иттифоқининг ривожланаётган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли мол айирбошлаши, ҳар томонлама иқтисодий, илмий-техникавий алоқалари ва бошқа хилдаги алоқалари узоқ муддатга мўлжалланиб, ҳуқуқий жиҳатдан тенг асосда ривожлантирилсин. Бу мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган саноат корхоналари, энергетика, қишлоқ хўжалик объектлари ва бошқа объектларни қуришда уларга иқтисодий ва техникавий ёрдам бериш давом эттирилсин.

Турли социал системалардаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини ва халқаро кескинликнинг юмшатилишини мустаҳкамлаш зарурлигини кўзда тутиб, Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган капиталистик мамлакатлар билан ўзаро манфаатли барқарор савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар амалга оширилсин. Мавжуд аҳдномаларни амалга ошириш ва ёқилғи, металлургия, химия саноати ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш соҳасида янги битимлар тузиш давом эттирилсин. Бу мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг бошқа йўллари ҳам қидириб топилсин.

Хом ашё, ёқилғи ва энергетика, озиқ-овқат, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, космосни тинч мақсадларда ўзлаштириш, жаҳон океанининг ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги халқаро проблемаларни ҳал этишда ва халқаро иқтисодий муносабатларни адолатли ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тенг асосда такомиллаштиришда актив иштирок қилинсин.

Экспорт қилинадиган моллар ишлаб чиқариш ривожлантирилсин. Экспортнинг структураси, аввало машинасозлик маҳсулотини ва ташқи бозор талабларига мос бўлиб тушадиган бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш ҳамда етказиб беришни кўпайтириш йўли билан яхшилансин, уларнинг техника даражаси ва сифати доим оширилсин, янада мукаммал даражада қайта ишланган молларни экспорт учун етказиб бериш кенгайтирилсин.

Импорт соҳасида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, халқ хўжалигининг прогрессив машина-ускуналарга, энг янги технологик жараёнларга, хом ашё ва материалларга бўлган эҳтиёжларини, шунингдек аҳолининг халқ истеъмол қиладиган молларга талабини тўлароқ қондириш учун халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан оқилона фойдаланилсин.

XII. ЭКОНОМИКАНИНГ БАРЧА БЎҒИНЛАРИДА БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

Етук социализм экономикасининг имкониятлари ва афзалликларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқариш миқёслари ўсганлигини, иқтисодий алоқаларнинг мураккаблашаётганлигини, фан-техника революциясининг талабларини эътиборга олиб, халқ хўжалигини бошқариш изчиллик билан яхшилансин.

Ўн биринчи беш йиллйкда хўжалик механизмини такомиллаштириш ва унинг иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ўтказадиган таъсирини кучайтириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар комплекси жорий қилинсин, бошқарувнинг ташкилий структураси, иш услуби ва методлари яхшилансин. Халқ хўжалигини бошқарув партиянинг мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш ҳақидаги қарорларини бажаришга, экономикани интенсив ривожланиш йўлига кўчиришни тезлатишга, халқнинг турмуш даражасини оширишга йўналтирилсин.

Халқ хўжалигини бошқарувнинг марказий бўғини сифатида планлаштиришнинг роли оширилсин. Партиянинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситаси бўлган беш йиллик планнинг

аҳамияти, планларнинг социал йўналиши кучайтирилсин. Марказлаштирилган тартибда планлаштириш юксак даражага кўтарилсин, планларда ишлаб чиқаришнинг ички резервлари ва фан-техника тараққиётининг ҳозирги ютуқлари тўлароқ ҳисобга олинсин.

Планлаштиришда биринчи навбатдаги вазифаларни тўғри белгилаш, халқ хўжалигида юксак натижаларга эришишнинг энг самарали йўлларини танлаб олиш таъминлансин.

Иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат перспектив планларининг узвий таркибий қисмлари сифатида мақсадли комплекс программаларидан кенг фойдаланилсин, бу планларни асослаб бериш, пировард натижаларга ва конкрет илмий-техникавий, иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал этишга йўналтириш даражаси оширилсин. Программали бошқаришнинг самарали системалари вужудга келтирилсин ва татбиқ этилсин.

Халқ хўжалигининг ўзаро боғланган тармоқларини ва мамлакатнинг иқтисодий районларини ривожлантиришни планлаштиришга комплекс равишда ёндашилсин. Барча кўрсаткичлар бўйича балансланштирилган план топшириқларини ишлаб чиқиш таъминлансин. Шу мақсадда прогрессив техникавий-иқтисодий нормативлардан фойдаланилсин.

Экономикага раҳбарликнинг ҳамма босқичларида тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг ўсишини, унинг самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини, маҳсулотнинг сифатини оширишни, иш вақти, металл, энергияни ва бошқа ресурсларни тежашни тўлароқ акс эттирувчи ва рағбатлантирувчи такомиллаштирилган ҳамда табақалаштирилган план кўрсаткичлари жорий қилинсин.

Территориал планлаштиришнинг таъсирчанлиги ва районларни ривожлантиришда унинг роли оширилсин. Планлаштириш ва территориал-ишлаб чиқариш комплексларига раҳбарлик такомиллаштирилсин. Территориал-ишлаб чиқариш комплекслари ва саноат узелларини вужудга келтириш ва уларни идоралараро бошқарувнинг ягона ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилсин.

Планлаштиришни ташкил этиш, план органларининг структураси, иш формалари ва методлари яхшилансин. План ҳисоб-китобларининг автоматлаштирилган системаси жорий этилсин ва ундан самарали фойдаланилсин. Планларнинг асослаб берилиши ва уларнинг ижрочиларга ўз вақтида маълум қилиниши учун СССР министрликлари ва идораларининг, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг, шунингдек бирлашмаларнинг масъулияти оширилсин.

Тежамкорлик кучайтирилсин, хўжалик ҳисоби мустаҳкамлансин. Мамлакат экономикасини янада ўстириш ва совет кишиларининг фаровонлигини ошириш учун социалистик мулк кўпайтирилсин ва ундан самарали фойдаланилсин. Халқ хўжалигининг барча бўғинларида қаттиқ иқтисод қилиш ва тежамкорлик таъминлансин, вақт омили тўлароқ ҳисобга олинсин, қўйилган вазифалар қисқа муддатларда бажарилсин, хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши қатъий кураш олиб борилсин. Бу соҳада министрликлар, идораларнинг ва бошқа бошқарув органларининг роли ҳамда масъулияти оширилсин.

Хўжалик юритишнинг барча босқичларида ресурсларнинг ҳамма турларидан — меҳнат, энергия, хом ашё ва материаллардан, машина-ускуна ва ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш, ҳар қандай нобудгарчилик ва чиқиндиларни қисқартириш, унумсиз харажатларни тугатишга қаратилган тадбирлар системаси амалга оширилсин.

Беш йиллик план топшириқлари ва узоқ муддатли иқтисодий нормативлар асосида хўжалик ҳисоби бутун чоралар билан ривожлан-

тирилсин ва мустаҳкамлансин. Фондларнинг берадиган самарасини ошириш, маҳсулотнинг таннархини арзонлаштиришга алоҳида эътибор берилсин, корхоналар ва бирлашмалар коллективларининг фаолиятига баҳо бериш ва уларни рағбатлантиришда бу кўрсаткичнинг роли анча кучайтирилсин. Рентабелликни оширишга, ишлаб чиқаришнинг зарар кўришини тугатишга ва аввало маҳсулотнинг таннархини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва маҳсулотнинг сифатини яхшилаш йўли билан фойдани кўпайтиришга эришилсин.

Маҳсулот етказиб берувчилар билан истеъмол қилувчилар ўртасида, шунингдек буюртмачилар билан пудратчилар ўртасида хўжалик ҳисоби асосидаги муносабат формалари такомиллаштирилсин ва план топшириқлари ҳамда шартномаларда олинган мажбуриятларни бажаришдан ўзаро иқтисодий манфаатдорлик ҳамда масъулият оширилсин.

Илмий текшириш, лойиҳалаш, конструкторлик ва технологик ташкилотларида, бирлашмаларда ва корхоналарда наряд-буюртма асосида янги техникани яратиш, ўзлаштириш ва жорий қилиш соҳасидаги ишларни ташкил этишда хўжалик ҳисоби системасининг таъсирчанлиги кучайтирилсин.

Янги техника ва янги маҳсулотнинг, янги қурилишларнинг харажатларини тез ва самарали қоплашга нисбатан талабчанлик оширилсин.

Барча ишлаб чиқариш ресурсларини нормалаштириш анча яхшилансин, эскириб қолган нормативлар мунтазам равишда қайтадан кўриб чиқилсин ва техника, технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг ҳозирги даражасига мос бўлиб тушадиган прогрессив нормалар жорий этилсин. Тежамкорликни амалга ошириш ва хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашда техникавий жиҳатдан асослаб берилган нормаларнинг сафарбар қилувчилик роли кучайтирилсин.

Ҳар бир меҳнат коллективининг ва ҳар бир ходимнинг эришилган натижаларга қўшган конкрет ҳиссасини ҳисобга олиб, моддий рағбатлантириш системасини такомиллаштириш давом эттирилсин. План топшириқларини кам сонли ишчи ва хизматчилар билан тўла ва ошириб бажарганлик учун коллективларни рағбатлантиришнинг самарали формалари ривожлантирилсин, иш ҳақи фондининг тежалган маблағларидан меҳнат унумдорлигини ўстириш ва иш сифатини яхшилашни рағбатлантириш учун фойдаланилсин.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаш, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, тежамкорликни кучайтиришда молия-кредит воситаларининг роли оширилсин. Юксак самарали янги техникани вужудга келтириш ва жорий қилишни тезлатиш, шунингдек эскириб қолган техникани ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш, хўжаликдаги ички резервларни сафарбар қилиш, унумсиз харажатлар ва нобудгарчиликни тугатиш вазифаларини ҳал этишда бу воситалардан актив фойдаланилсин.

Халқ хўжалиги соҳаларида планли бошқаришнинг муҳим воситаси сифатида нарх белгилаш такомиллаштирилсин. Улгуржи нархларнинг буюмлар сифатини яхшилашга, янги юксак самарали техникани ўзлаштиришни тезлаштириш ва эски техникани алмаштиришга, ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва маҳсулотнинг таннархини камайтиришга рағбатлантирувчи таъсири кучайтирилсин. Давлат нарх интизоми мустаҳкамлансин.

Ҳисоб-китоб ва статистиканинг сифати ҳамда оперативлиги оширилсин, халқ хўжалигининг барча бўғинларида учёт ҳужжатлари ва ҳисоботларни тузиш бошқарувнинг, хўжалик фаолиятини планлашти-

риш ва анализ қилишнинг ҳозирги талабларига мувофиқ такомиллаштирилсин, бу соҳада электрон-ҳисоблаш техникасидан самарали фойдаланилсин.

Бошқарувнинг ленинча принциплари асосида хўжаликка раҳбарлик услуби ва методлари яхшилансин. Талабчанлик оширилсин, самарали ишлаш, самарали хўжалик юритиш ўрганилсин.

Барча бўғинларда ташкилотчилик иши, ишчанлик ва оперативлик юксак даражага кўтарилсин. Бошқарувнинг прогрессив методлари ва илғор тажрибалари умумлаштирилсин ҳамда актив жорий этилсин. Кадрларда ташаббус ва социалистик омилкорлик ҳамда истиқболни кўра билиш маҳорати бутун чоралар билан ривожлантирилсин ва меҳнаткашларнинг коллективлари олдимизда турган вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилинсин. Бирлашмалар ва корхоналарнинг ҳуқуқларини бузишга, улар раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг майда-чуйда ишларига аралашишга ва уларга нисбатан маъмурий усуллар қўлланишга йўл қўйилмасин. Ҳар бир меҳнаткаш коллективизм ва халқ бойлигига омилкорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялансин, кадрларнинг иқтисодий тайёргарлиги такомиллаштирилсин. Хўжалик муносабатларида социалистик қонунчиликка қаттиқ риоя қилинсин, ҳуқуқий иш яхшилансин.

Бюрократизм ва расмиятчилик, маҳкамачилик ва маҳаллийчилик кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб борилсин. Топширилган иш учун ва иш натижалари учун, планларнинг, директив органлар қарорларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ҳамда давлат план ва молия интизомига қаттиқ риоя қилиниши учун министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва уларнинг раҳбарларининг масъулияти оширилсин. План топшириқларини ва шартномаларда олинган мажбуриятларни бажармаганлик учун, материал ва молия ресурсларини оқилона сарф қилмаганлик учун иқтисодий жазо чораларининг таъсирчанлиги оширилсин.

Ишлаб чиқаришда меҳнат интизомини, тартиб ва уюшқоқликни анча яхшилашга эришилсин. Бу — иқтисодий ва социал ривожланиш планларини муваффақиятли бажариш, совет кишиларининг фаровонлигини янада ўстиришнинг зарур шартидир. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида ва хизмат кўрсатиш соҳасида иш вақтидан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш таъминлансин. Кадрларнинг муқим ишлашини таъминлаш ва ишчи кучларнинг қўнимсизлигини камайтириш чоралари амалга оширилсин.

Интизомни бузувчиларга нисбатан моддий ва маънавий таъсир ўтказиш формаларидан кенг фойдаланилсин, ҳуқуқ-тартиботни ва социалистик жамиятда яшаш қоидаларини бузувчи шахсларга нисбатан, ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаб, давлат ҳисобига, соф виждонли меҳнаткашлар ҳисобига бойийдиган шахсларга нисбатан муросачилик, кўнгилчанлик билан муносабатда бўлиш фактлари қатъиян йўқотилсин.

Экономиканинг ҳамма бўғинларида хўжалик юритиш натижалари устидан назорат кучайтирилсин. Контрол-ревизия иши такомиллаштирилсин. Давлат интизомини, социалистик мулкни сақлаш ва тежамкорликка риоя қилишни таъминлашда халқ контроли органларининг, бухгалтерия учёти ва идоравий контролнинг роли оширилсин.

Бошқарув аппаратининг иши яхшилансин, бу аппаратга бўладиган харажатлар қисқартирилсин, ортиқча ва бир-бирини такрорлайдиган бўғинлар қатъиян тугатилсин.

Бошқарув меҳнатининг сифати ва самарадорлиги оширилсин. Ишнинг рационал усуллари актив ёйилсин, иш юритиш такомиллаштирилсин, ҳисоблаш техникасидан ва бошқа ташкилий техникадан тў-

лароқ фойдаланилсин. Бошқарувнинг автоматлаштирилган системалари ва коллектив суратда фойдаланиладиган ҳисоблаш марказлари шохобчаларини янада ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш таъминлансин, уларни ҳисобга олиш, планлаштириш ва бошқариш учун ахборот тўплаш ва уни ишлаб чиқишнинг ягона умумдавлат системасига бирлаштириш давом эттирилсин.

Бошқарувнинг ташкилий структураси такомиллаштирилсин. Идораларнинг тарқоқ ҳолда бўлишини бартараф қилишга, тармоқ бошқаруви билан территориал бошқарувни тўлароқ қўшиб олиб боришга қаратилган тадбирлар амалга оширилсин. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий проблемаларини самарали ҳал этиш манфаатларини кўзлаб, бошқарувнинг марказий, тармоқ ва маҳаллий органлари фаолиятини мувофиқлаштириб олиб бориш яхшилансин.

Фан-техника тараққиётини бошқариш такомиллаштирилсин. Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг шохобчаларини ривожлантириш давом эттирилсин.

Тармоқларни бошқаришнинг саноатда ишлаб чиқилган бош схемалари ўн биринчи беш йиллик вазифаларига мувофиқ аниқлаб берилсин. Концентрациялаш, ихтисослаштириш ва кооперациялашни янада чуқурлаштириш негизида ишлаб чиқариш ва саноат бирлашмаларининг ташкилий структураси планли равишда яхшилансин ва уларнинг иш самарадорлиги оширилсин.

Капитал қурилишда бошқарувнинг бош схемаларини ишлаб чиқиш тугаллансин ва уларни амалга ошириш ниҳоясига етказилсин, қурилиш министрликларининг фаолияти соҳаси аниқ белгилансин, бошқарувда бўғинларга бўлиниш ва майда мустақил ташкилотларнинг сони қисқартирилсин, қувват ва объектларни комплекс равишда қуриб, фойдаланишга топширадиган ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмаларининг шохобчалари кенгайтирилсин.

Қишлоқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш соҳасидаги ишлар давом эттирилсин. Давлат-кооператив, колхозлараро, совхозлараро бирлашмалар ва колхоз-совхоз бирлашмалари ҳамда аграр-саноат ташкилотлари ривожлантирилсин.

Ягона озиқ-овқат комплексига самарали раҳбарлик таъминлансин, план кўрсаткичлари ва моддий рағбатлантириш системаси такомиллаштирилсин. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, етказиб бериш ва реализация қилишни бошқаришни шундай уюштириш керакки, ана шу бўғинлардан ҳар бирининг ходимлари юқори сифатли маҳсулотларни истеъмолчига етказиб беришдан манфаатдор бўлсинлар.

Моддий-техника таъминотини бошқариш такомиллаштирилсин. Бирлашмалар ва корхоналар, моддий-техника таъминоти органлари, транспорт ташкилотлари ва бошқа ташкилотларининг ўзаро ишлаб чиқариш-иқтисодий муносабатларида қўлланиладиган прогрессив форма ва методлар ривожлантирилсин, истеъмолчиларнинг буюртмаларига ҳамда узоқ муддатли шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш ва ташиш юзасидан план топшириқларининг ҳамда олинган мажбуриятларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун уларнинг ўзаро моддий жавобгарлиги оширилсин.

Савдо-сотиқни, аҳолига маданий-маиший хизмат тармоқлари ва уй-жой- коммунал хўжаликни бошқаришнинг ташкилий структураси, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти яхшилансин. Бунда совет халқининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш зарурлиги кўзда тутилсин. Бу тармоқларнинг ишини ташкил этиш ва ривожлантириш соҳасида халқ депутатлари Советларининг роли оширилсин.

Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш такомиллаштирилсин.

Хўжаликни бошқаришда меҳнаткашларнинг ташаббуси, ижодий активлиги ривожлантирилсин. Ишлаб чиқаришни бошқариш ва планлаштиришда, кадрларни тайёрлаш, ходимларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал этишда, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳамда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда меҳнат коллективларининг роли кучайтирилсин. Доимий ишлаб чиқариш кенгашлари ва меҳнат коллективлари умумий йиғилишларининг аҳамияти оширилсин. Меҳнатни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг бригада формасини янада ёйиш ва унинг самарадорлигини ошириш тадбирлари кўрилсин. Хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш, турдош касбларни эгаллаш ҳаракати кучайтирилсин.

Социалистик мусобақани ташкил этиш яхшилансин ва унинг таъсирчанлиги оширилсин, социалистик мусобақа планларни тўла ва ошириб бажаришга, ишнинг юксак сифатли бўлишини таъминлашга, меҳнат унумдорлигини ўстиришга, тежамкорлик режимини амалга оширишга йўналтирилсин. Мусобақа, ўртоқларча ҳамкорлик ва меҳнатда ўзаро ёрдам ривожлантирилсин.

Беш йиллик планнинг тегишли йилга мўлжалланган топшириқларидан ошиб кетадиган муқобил планларни ишлаб чиқиш ва бажариш ҳаракати ривожлантирилсин. Муқобил планларни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришда министрликлар ва идораларнинг роли оширилсин. Хом ашё, материал ва комплектлаштирувчи буюмлар етказиб берувчи корхоналар коллективларининг пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчи турдош завод ва фабрикалар коллективлари билан мусобақасини уюштириш такомиллаштирилсин. Шахсий (бригада) ишлаб чиқариш планлари асосида ишчилар мусобақаси ривожлантирилсин. Моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун ўтказиладиган социалистик мусобақа натижалари билан боғланиши кучайтирилсин.

Мусобақанинг ошкоралиги оширилсин, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари иззат-ҳурмат қилинсин. Мураббийлик ривожлантирилсин. Илгор тажрибани ўз вақтида умумлаштириш ва планли равишда ёйиш таъминлансин.

* * *

Партия ўн биринчи беш йиллик ва саксонинчи йилларга мўлжаллаб илгари сураётган иқтисодий сиёсат совет халқининг туб, ҳаётий манфаатларини акс эттиради. Бу сиёсат жамиятимизнинг меҳнаткашлар фаровонлигини ўстириш, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш йўлидан муттасил олға ҳаракат қилиб боришини таъминлайди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларини совет халқи тамомила маъқуллаб, қўллаб-қувватлади. Бу йўналишлар ўн биринчи беш йилликда давлат планини тузиш учун негиз бўлиб хизмат қилади. Қўйилган вазифаларни бажариш учун совет тузумининг битмас-туганмас кучларидан, жуда катта ишлаб чиқариш потенциали ва илмий-техника потенциалидан, мамлакатнинг бой табиий ресурсларидан моҳирлик билан фойдаланиш зарур. Ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин суратда ошириш, барча резервларни халқ хўжалигига хизмат қилдириш — партия, давлат ва хўжалик органларининг, барча жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективларининг, ҳар бир совет кишисининг бурчидир.

Ишчилар, колхозчилар ва зиёлилар меҳнати билан моддий ва

маънавий бойликлар вужудга келтирилади, мамлакатнинг миллий бойлиги кўпайтирилади. Жамият ишлаб чиқарилган нарсанигина тақсимлай олади. Шу боисдан меҳнат натижалари нақадар юқори бўлса, социалистик Ватаннинг қудрати шу қадар кўпроқ мустаҳкамланади, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжлар шу қадар тўлароқ қондирилади, совет кишиларининг турмуш даражаси шу қадар юксак поғонага кўтарилади.

Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун ташкилотчилик ва сиёсий ишни такомиллаштириш талаб этилади. Белгиланган топшириқларни бажариш учун, юксак даражадаги уюшқоқлик билан пухта иш олиб бориш учун, корхонадан тортиб министрликкача барча бўғинларда план интизомига қаттиқ риоя қилиш учун кадрларга нисбатан талабчанликни кучайтириш лозим. Хўжалик юритишни юксак даражага кўтариш, кадрларни ишчанлик, масъулиятни сезиш ва ташаббус кўрсатиш руҳида тарбиялаш — ишлаб чиқаришда муваффақиятларни қўлга киритишнинг зарур шартидир.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари беш йилликнинг биринчи кунлариданоқ ҳар бир ишлаб чиқариш коллективида план топшириқларини сўзсиз бажариш учун меҳнаткашларни сафарбар қилишлари, иш услуби ва методларини такомиллаштиришлари, бюрократизм ва сансалорликка нисбатан муросасиз бўлишлари лозим. Ходимларни юксак онглилик ва топширилган иш учун масъулиятни сезиш руҳида, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда халқ хўжалигида юксак пировард натижаларга эришиш вазифаларини ҳал этишда ҳар бир кишининг қўшадиган ҳиссаси муҳим эканлигини чуқур англаш руҳида тарбиялаш зарур. Барча меҳнат коллективлари самарадорликнинг ўсишини таъминлаш йўлини ўзларининг жонажон иши деб, олға қараб муваффақиятли ҳаракат қилишнинг зарур шарти деб билишлари лозим. Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш, ишлаб чиқариш резервларини тўла-тўкис сафарбар қилиш, фан ва техника ютуқларини тез жорий этиш, халқ меҳнати билан яратилган ҳамма нарсадан оқилона фойдаланиш учун умумхалқ социалистик мусобақасини кенг ривожлантириш керак. Хўжалик юритишнинг илғор тажрибаси ҳамма ерда мавжуддир, бинобарин бу тажрибани барча корхоналар ва ташкилотларнинг мулкига айлантириш лозим.

СССР Конституциясига мувофиқ кенг ҳуқуқларга эга бўлган халқ депутатлари Советлари партия белгилаб берган планларни амалга оширишда масъулиятли роль ўйнайдилар. Миллионларча депутатлар, жуда кўп активлар — буюк ижодий куч бўлиб, бу кучдан ҳар томонлама фойдаланиш лозим. Планларни тузишда ва уларнинг бажарилиши устидан, совет қонунларига сўзсиз риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишда Советлар жуда актив қатнашишлари лозим. Улар ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ўз таъсирини кучайтиришлари, аҳоли учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, уй-жой ва социал-маданий қурилишни, савдо-сотиқни, маиший хизмат ва умумий овқатланишни ривожлантиришга катта эътибор беришлари керак.

Етук социализм босқичида бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби бўлган касаба союзларининг аҳамияти ортиб боради. Улар беш йиллик планни бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари, ишлаб чиқаришни бошқаришга, хилма-хил иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишга меҳнаткашларни кенг жалб этишлари, уларда ишлаб чиқаришнинг хўжайинимиз, деган туйғуни тарбиялашлари, социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини оширишлари, кишиларнинг меҳнат қилиш, турмуш ва дам олиш

шароитлари тўғрисида доим ғамхўрлик қилишлари, меҳнат ҳақидаги қонунларга ва коллектив шартномаларга риоя қилиниши устидан назоратни қатъий амалга оширишлари лозим.

Ўн биринчи беш йилликда партиянинг содиқ ёрдамчиси бўлган Ленин комсомоли олдида, барча совет ёшлари олдида катта вазифалар турибди. Комсомол заводда, қурилишда ва далада, фан ва маданият, маориф ва соғлиқни сақлаш соҳасида, коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида, план топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун курашда ёшларга етакчилик қилиши, уларни совет ватанпарварлиги, социалистик Ватанга муҳаббат туйғулари руҳида, билимларни, фан, техника ва маданият ютуқларини эгаллашга, бутун янги ва илғор нарсаларни ишлаб чиқаришга жорий этишга интилиш руҳида тарбиялаши лозим.

Беш йилликнинг муваффақиятли бажарилиши мамлакатнинг иқтисодий потенциалини янада кўпайтиришни ва халқ фаровонлигини оширишни, Совет давлати мудофаа қудратининг юксак даражада бўлишини таъминлайди, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксак даражага кўтаради, жаҳон социализм системасини мустаҳкамлашга ва тинчлик ҳамда социал тараққиёт учун курашаётган барча кучларни жипслаштиришга ёрдам беради.

КПСС XXVI съезди совет халқи Ленин партиясининг раҳбарлигида коммунистик қурилишда, Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлашда янгидан-янги муваффақиятларга эришади, деб қаттиқ ишонч билдиради.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXVI СЪЕЗДИНИНГ
ҚАРОРИ

Меҳнаткашларнинг КПСС XXVI съезди номига юборган хатлари ва аризалари, коммунистларнинг шикоят аризалари тўғрисида

1. Меҳнаткашларнинг КПСС XXVI съезди номига юборган хатлари ва аризалари, коммунистларнинг шикоят аризалари съезд секретариати томонидан кўриб чиқилганлиги ва зарур чоралар кўрилганлиги маълумотга олинсин.

2. КПСС Марказий Комитетига меҳнаткашларнинг съезд номига юборган хатлари ва аризаларини ҳамда коммунистларнинг шикоят аризаларини кўриб чиқишни ниҳоясига етказиш ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш топширилсин.

ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИДА САЙЛАНГАН СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОСТАВИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзолари

Абрасимов П. А.
Авраменко С. С.
Аксенов А. Н.
Аксенов Н. Ф.
Александров А. П.
Александров-Агентов А. М.
Алексеев П. Ф.
Алиев Г. А.
Алтунин А. Т.
Андропов Ю. В.
Антонов А. Қ.
Антонов С. Ф.
Арбатов Г. А.
Аристов Б. И.
Архипов И. В.
Асқаров А.
Ауелбеков Е. Н.
Аухадиев Қ. М.
Афанасьев В. Г.
Афанасьев С. А.
Ашимов Б. А.
Баграмян И. Х.
Базовский В. Н.
Байбаков Н. Қ.
Бакин Б. В.
Баландин А. Н.
Баландин Ю. Н.
Банников Н. В.
Батицкий П. Ф.
Бахирев В. В.
Бектурганов Х. Ш.
Беляк Қ. Н.
Березин А. И.
Беспалов И. П.
Бирюкова А. П.
Боголюбов Қ. М.
Богомяков Г. П.
Бодюл И. И.
Бондаренко И. А.
Борисенков В. М.
Бородин А. М.
Бородин Л. А.
Бородин П. Д.
Ботвин А. П.
Братченко Б. Ф.
Брежнев Л. И.
Брехов Қ. И.
Бровнков В. И.
Бугаев Б. П.
Булгаков А. А.
Вайно Қ. Г.
Васильев Н. Ф.
Ватченко А. Ф.
Вашченко Г. И.
Викторов А. В.
Власов А. В.
Володарский Л. М.
Воронин Л. А.
Воронцов Ю. М.
Воропаев М. Г.
Воротников В. И.
Восс А. Э.
Всеволожский М. Н.
Ғапуров М. Ғ.
Гарбузов В. Ф.
Глушко В. П.
Говоров В. Л.
Голдин Н. В.
Голубева В. Н.
Гончаренко Б. Т.
Горбань Г. Я.
Горбачев М. С.
Горшков Л. А.
Горшков С. Г.
Гостев Б. И.
Греков Л. И.
Грибков А. И.
Гришин В. В.
Гришкявичус П. П.
Громико А. А.
Гроссу С. Қ.
Грушин П. Д.
Гудков А. Ф.
Гуженко Т. Б.
Гусев В. Қ.
Густов И. С.
Дементьева Р. Ф.
Демиденко В. П.
Демирчян Қ. С.
Демичев П. Н.
Добрик В. Ф.
Добринин А. Ф.
Долгих В. И.
Дрозденко В. И.
Дригин А. С.
Димшиц В. Э.
Егоров А. Г.
Егоров М. В.
Ежевский А. А.
Ельцин Б. Н.
Ельченко Ю. Н.
Елютин В. П.
Епишев А. А.
Ермин Л. Б.
Жигалин В. Ф.
Загладин В. В.
Зайков Л. Н.
Зайцев М. М.
Замятин Л. М.
Затворницкий В. А.
Зимянин М. В.
Золотухин Г. С.
Ивановский Е. Ф.
Игнатов В. Н.
Имашев С. Н.
Иноземцев Н. Н.

Исаев В. Я.
Кавун В. М.
Казаков Л. Д.
Казанец И. П.
Кандренков А. А.
Капитонов И. В.
Караваев Г. А.
Карлов В. А.
Карпова Е. Ф.
Катушев К. Ф.
Качаловский Е. В.
Качин Д. И.
Качура Б. В.
Кириленко А. П.
Кириченко Н. К.
Киселев И. И.
Киселев Т. Я.
Клепиков М. И.
Клименко И. Е.
Климченко Е. И.
Клюев В. Г.
Князев Ф. К.
Коваленко А. В.
Козлов Н. Т.
Колбин Г. В.
Колдунов А. И.
Колесников А. Я.
Коновалов Н. С.
Коноплев Б. В.
Конотоп В. И.
Корниенко Г. М.
Королев А. М.
Косолапов Р. И.
Костандов Л. А.
Кротов В. В.
Круглова З. М.
Кручина Н. Е.
Кудинов И .П.
Кузнецов В. В.
Кузнецов И. М.
Куликов В. Г.
Куликов Ф. М.
Куличенко Л. С.
Кунаев Д. А.
Куркоткин С. К.
Кутахов П. С.
Кэбин И. Г.
Лапин С. Г.
Леин В. П.
Леонов П. А.
Лигачев Е. К.
Ломакин В. П.
Ломако П. Ф.
Ломоносов В. Г.
Лошченков Ф. И.
Лушев П. Г.
Ликова Л. П.
Ляшко А. П.
Макеев В. Н.
Макеев В. П.
Мальцев В. Ф.
Манякин С. И.
Марисов В. К.
Марков Г. М.
Мартинов Н. В.
Марчук Г. И.
Масленников Н. И.
Медунов С. Ф.
Месяц В. К.
Мешков Ф. С.
Микулич В. А.
Мирошхин О. С.
Модогоев А. У.
Мозговой И. А.
Моргун Ф. Т.
Морозов И. П.
Москаленко К. С.
Муравьев Е. Ф.
Мураховский В. С.
Мусахонов М. М.
Мусин Р. М.
Мисниченко В. П.
Непорожний П. С.
Николаева-
Терешкова В. В.
Никонов В. П.
Новиков И. Т.
Нуриев З. Н.
Огарков Н. В.
Орлов В. П.
Оружев С. А.
Павлов В. Я.
Павлов Г. С.
Павлов Г. П.
Павловский И. Г.
Пастухов Б. Н.
Патоличев Н. С.
Патон Б. Е.
Пегов Н. М.
Пельше А. Я.
Петров В. И.
Петров В. А.
Петровичев Н. А.
Плешаков П. С.
Поляков В. Н.
Поляков И. Е.
Пономарев Б. Н.
Пономарев М. А.
Попов Б. В.
Попов Н. С.
Попова М. Г.
Приезжев Н. С.
Прокопьев И. П.
Прокофьев М. А.
Промислов В. Ф.
Прохоров В. И.
Птицин В. Н.
Расулов Ж.
Рахманин О. Б.
Рашидов Ш. Р.
Рекунков А. М.
Родионов Н. Н.
Романов Г. В.
Рубен В. П.
Русаков К. В.
Рибаков А. Я.
Рижков Н. И.
Риков В. Н.
Рябов Я. П.
Савин С. Н.
Савинкин Н. И.
Салманов Г. И.
Сахнюк И. И.
Семенов В. Г.
Сенькин И. И.
Сизенко Е. И.
Силаев И. С.
Скачков С. А.
Славский Е. П.
Смирнов Л. Н.
Смирнов Л. В.
Смиртюков М. С.
Соколов И. З.
Соколов С. Л.
Соловьев Ю. Ф.
Соломенцев М. С.
Струев А. И.
Стукалин Б. И.
Суслов М. А.
Суслов Н. Я.
Табеев Ф. А.
Тализин Н. В.
Тарасов Н. Н.
Таратута В. Н.
Титаренко А. А.
Тихомиров В. П.
Тихонов Н. А.
Токарев А. М.
Толкунов Л. Н.
Толубеев Н. П.
Толубко В. Ф.
Трапезников С. П.
Третьяк И. М.
Трунов М. П.
Тяжельников Е. М.
Умаханов М.-С. И.
Усмонхўжаев И. Б.
Устинов Д. Ф.
Усубалиев Т. У.
Уткин В. Ф.
Федирко П. С.

Федоров В. С.
Федосеев П. Н.
Филатов А. П.
Финогенов П. В.
Флорентьев Л. Я.
Фомин Г. И.
Хитров С. Д.
Хомяков А. А.
Христораднов Ю. Н.
Худойбердиев Н. Ж.
Цвигун С. Қ.
Цинев Г. Қ.
Цуканов Г. Э.
Цибулько В. М.
Чебриков В. М.
Червоненко С. В.
Черненко Қ. У.
Черний А. Қ.
Чиряев Г. И.
Чичеров В. С.
Чуйков В. И.
Шакиров М. З.
Шеварднадзе Э. А.
Шибаев А. И.
Шитиков А. П.
Школьников А. М.
Шокин А. И.
Шолохов М. А.
Шчелоков Н. А.
Шчербина Б. Е.
Шчербицкий В. В.
Юнак И. Х.
Яснов М. А.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар

Алхимов В. С.
Андреев Г. Н.
Анисимов П. П.
Антонов Н. А.
Ахромеев С. Ф.
Бальмонт Б. В.
Баркаускас А. С.
Башилов С. В.
Баштанюк Г. С.
Блатов А. И.
Бобовиков Р. С.
Бойцов В. В.
Брежнев Ю. Л.
Буренков С. П.
Владиченко И. М.
Воробьев Г. И.
Георгадзе М. П.
Герасимов И. А.
Гиренко А. Н.
Голиков В. А.
Голубева М. А.
Гончар А. Т.
Гордиенко А. Ф.
Горчақов П. А.
Грибачев Н. М.
Гринцов И. Г.
Грушевой Қ. С.
Демиденко В. С.
Демченко В. А.
Дмитриев В. И.
Дмитриев И. Н.
Дмитриев И. Ф.
Дружинин М. И.
Дуйшеев А.
Дибенко Н. Қ.
Ермаш Ф. Т.
Ершова Н. М.
Жуков Г. А.
Зародов Қ. И.
Засуха М. Я.
Иванова Т. Г.
Иксанов М. Б.
Ильичев Л. Ф.
Қабалоев Б. Е.
Қабков Я. И.
Қазаков В. И.
Қалашников А. М.
Қалин И. П.
Қамолов Қ.
Қаменцев В. М.
Қапто А. С.
Қлаусон В. И.
Қлецков Л. Г.
Қозлов С. В.
Қозловский Е. А.
Қоломиец Ю. А.
Қолчина О. П.
Қомаров Н. Д.
Қоркин А. Г.
Қостин В. С.
Қочемасов В. И.
Краснова З. И.
Криулин Г. А.
Қуанишев О. С.
Кулиджанов Л. А.
Кунаев А. М.
Лебедев Қ. В.
Лебедева В. С.
Листов В. В.
Логунов А. А.
Луньков Н. М.
Майорец А. И.
Макаренко В. С.
Максимов Ю. П.
Мальбахов Т. Қ.
Мальков Н. И.
Мальцев Н. А.
Матафонов М. И.
Меренишчев Н. В.
Морозов Н. Е.
Мочалин Ф. И.
Ненашев М. Ф.
Никулин В. И.
Образцов И. Ф.
Овчинников Ю. А.
Панов Қ. Н.
Паршина В. Р.
Паскарь П. А.
Патаридзе З. А.
Первишин Э. Қ.
Переверзева Н. В.
Пестов В. С.
Петришчев А. Г.
Погребняк Я. П.
Покришкин А. И.
Полукаров Ю. И.
Попков М. Д.
Поплавский А. М.
Посибеев Г. А.
Протозанов А. Қ.
Пугачев Ю. Н.
Пятков В. Е.
Радюкевич Л. В.
Разумов Е. З.
Раҳимов Б. Р.
Рачков А. И.
Романов А. В.
Рубэн Ю. Я.
Рустамова Х.
Рибаков А. М.
Саркисов Б. Е.
Сеидов Г. Н.
Семенов В. С.
Сидоров В. В.

Симонов Қ. С.
Скляров Ю. А.
Смирнов А. И.
Смирнов А. А.
Смирнов Г. Л.
Соколов Е. Е.
Сологуб В. А.
Сорокин М. И.
Соснов И. Д.
Теребилов В. И.
Терешченко Н. Д.
Третьяков П. И.
Федоров Е. Қ.
Фомиченко Қ. Е.
Фролов В. С.
Хмара И. Г.
Холов М.
Хренников Т. Н.
Чазов Е. И.
Чаковский А. Б.
Чаплин Б. Н.
Чердинцев В. М.
Чернавин В. Н.
Черняев А. С.
Чурбанов Ю. М.
Шабанов В. М.
Шалаев С. А.
Шамшин В. А.
Шапиро Л. Б.
Шауро В. Ф.
Ширшин Г. Ч.
Шитов А. И.
Шкабардня М. С.
Язкулиев Б.
Язов Д. Т.
Ястребов И. П.
Яшин А. И.

Партия XXVI съездида сайланган КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг составы

Алексанкин А. В.
Асланова З. С.
Бацанов Б. Т.
Бовин А. Е.
Бризга Л Д.
Буракова Н. Ф.
Галкин Д. П.
Гилашвили П. Г.
Глушков Н. Т.
Голубев В. Н.
Голубцова Т. В.
Гребенюк В. А.
Громова М. С.
Губин И. А.
Демидова Е. Я.
Доненбаева Қ. Б.
Драгунский Д. А.
Думачев А. П.
Ефремов Л. Н.
Израэль Ю. А.
Қарриев Ч. С.
Қасимова В. А.
Кемашвили В. Б.
Қовалев Н. И.
Қомарова Д. П.
Қоннов В. Ф.
Қонстантинов А. У.
Қоптюг В. А.
Қостюков И. И.
Қошоев Т. Х.
Лосев С. А.
Лоцманова Г. П.
Лукьянов А. И.
Малихин В. М.
Мамарасулов С.
Маннопов Н.
Масол В. А.
Медведев В. А.
Мельниченко А. Қ.
Миновалова Н. Ф.
Мицкевич В. Ф.
Моторний Д. Қ.
Набиев Р.
Назарбоев Н. А.
Наяшков И. С.
Осетров Т. Н.
Павлов С. П.
Попов В. И.
Постников С. И.
Пудков И. И.
Румянцев А. Ф.
Рижов Н. С.
Риндина А. Н.
Саркисян Ф. Т.
Сизов Г. Ф.
Сонгайла Р.-Б. И.
Страутманис П. Я.
Трояновский О. А.
Удалая Р. С.
Ульянов М. А.
Уманец Н. В.
Устиян И. Г.
Фалин В. М.
Федулова А. В.
Халдеев М. И.
Халилов Қ. А.
Харламов А. П.
Хитрун Л. И.
Черкашина В. Н.
Чудин В. И.
Шараев Л. Г.
Шишлов Ф. В.
Шкуратов И. Ф.
Шчербаков И. С.
Яковлев Б. П.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми

1981 йил 3 март куни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съездида сайланган КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ўртоқ Л. И. Брежневни якдиллнк билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини якдиллик билан қуйидаги составда сайлади:

Сиёсий бюро аъзолари — Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий ўртоқлар.

Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар — Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, Т. Я. Киселев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе ўртоқлар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, М. А. Суслов, А. П. Кириленко, К. У. Черненко, М. С. Горбачев, Б. Н. Пономарев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқлар Марказий Комитет секретарлари қилиб сайландилар.

Пленум КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси қилиб ўртоқ А. Я. Пельшени тасдиқлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг съезд ёпилиши вақтида сўзлаган нутқи

Ўртоқлар! Съезд сайлаган партиямиз Марказий Комитети янги составининг биринчи Пленуми ҳозиргина тугади. Унинг натижаларини айтиб беришга ижозат этгайсизлар. Марказий Комитетнинг бениҳоя зўр бирлик ва жипслик муҳитида ўтган биринчи Пленумида партиямизнинг раҳбар органлари бир овоздан сайланди. Пленум ўртоқ Л. И. Брежневни бир овоздан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади. **(Гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).**

Делегат ўртоқлар, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг яна Бош секретари қилиб сайланганлигим муносабати билан менга кўрсатилган мана шу шараф ва юксак ишонч учун чин кўнгилдан миннатдорчилик сўзлари айтишга ижозат бергайсиз. **(Давомли қарсаклар).**

Пленумда Марказий Комитет Сиёсий бюросининг аъзолигига **Л. И. Брежнев (Қарсаклар), Ю. В. Андропов (Қарсаклар), М. С. Горбачев (Қарсаклар), В. В. Гришин (Қарсаклар), А. А. Громико (Қарсаклар), А. П. Кириленко (Қарсаклар), Д. А. Кунаев (Қарсаклар), А. Я. Пельше (Қарсаклар), Г. В. Романов (Қарсаклар), М. А. Суслов (Қарсаклар), Н. А. Тихонов (Қарсаклар), Д. Ф. Устинов (Қарсаклар), К. У. Черненко (Қарсаклар), В. В. Шчербицкий (Қарсаклар)** ўртоқлар бир овоздан сайландилар.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар қилиб **Г. А. Алиев (Қарсаклар), П. Н. Демичев (Қарсаклар), Т. Я. Киселев (Қарсаклар), В. В. Кузнецов (Қарсаклар), Б. Н. Пономарев (Қарсаклар), Ш. Р. Рашидов (Қарсаклар), М. С. Соломенцев (Қарсаклар), Э. А. Шеварднадзе (Қарсаклар)** ўртоқлар сайландилар.

Марказий Комитет секретарлари қилиб: **Марказий Комитет Бош секретари Л. И. Брежнев (Қарсаклар), М. А. Суслов (Қарсаклар), А. П. Кириленко (Қарсаклар), К. У. Черненко (Қарсаклар), М. С. Горбачев (Қарсаклар), Б. Н. Пономарев (Қарсаклар), И. В. Капитонов (Қарсаклар), В. И. Долгих (Қарсаклар), М. В. Зимянин (Қарсаклар), К. В. Русаков (Қарсаклар)** ўртоқлар сайландилар.

Ўртоқ **А. Я. Пельше** КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси қилиб тасдиқланди. **(Қарсаклар).**

КПСС Марказий Ревизия Комиссияси ўртоқ **Г. Ф. Сизовни** комиссия раиси қилиб сайлади **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг янги сайланган аъзолари, Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари бизга кўрсатилган катта ишонч учун съезд делегатларига сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этишни менга топширдилар. **(Давомли қарсаклар).** Биз бу ишончни юксак қадрлаймиз, зиммамиздаги бутун масъулиятни яхши тушунамиз ва съезд ўртага қўйган тарихий вазифалар муваффақиятли ҳал этилиши учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қиламиз, деб ишонтирамиз. Буни биз партия олдидаги, халқ олдидаги бурчимиз деб биламиз. **(Қарсаклар).**

Съездимизнинг бутун иши бирлик ва жипслик руҳида ўтди. Бу эса партиямизни қудратли ва енгилмас партияга айлантиради. **(Қарсаклар).** Партия раҳбар органларининг янги состави ҳамма ғалабаларимизнинг гарови бўлмиш партиямиз сафларининг бирлигини ардоқлаб асрайди ва мустаҳкамлайди, деб сизларни ишонтиришга ижозат бергайсиз! **(Давомли қарсаклар).**

Шу ерда, мана шу залда саккиз кун қизғин иш давом этди. Биз кейинги йилларда босиб ўтилган йўлни якунладик, шодликлар ва ташвишлар тўғрисида гаплашиб олдик, келажак режаларини биргаликда белгиладик.

Партия билан мамлакат олдида турган вазифаларнинг бутун миқёсини ва шу билан бирга бутун мураккаблигини яна бир бор тўла-тўкис баҳоладик.

Биз бутун кучимизни бир-бири билан боғлиқ бўлган икки йўналишга жамлаш ниятидамиз. Бу йўналишларнинг бири коммунистик бунёдкорлик бўлса, иккинчиси тинчликни мустаҳкамлашдир. **(Қарсаклар).** Аслида коммунистларнинг, бутун халқнинг партия конференциялари делегатларига берган наказн ҳам айни шундай эди. Бу наказ эндиликда партия қарорларида ўз ифодасини топди.

Бугун биз кечагидан кўра яхшироқ ва кўпроқ кўриб турибмиз. Биз қайси ишларимиз яхши бораётганини, қаерда қийинчиликлар мавжуд эканлигини биламиз. Мамлакат муваффақиятли ривожланиб бораётганлиги, халқаро сиёсатнинг макру ҳийлалари манзараси съездда ўзининг бутун яхлитлиги ва кўп қирралилиги билан намоён бўлди.

Съезд келажак учун принципиал ва шу билан бирга конкрет йўл-йўриқларни тасдиқлаб берди. Энди мана шу йўл-йўриқларни бажариш бутун куч-ғайратнинг марказига қўйилмоқда. Съезд делегатлари ўз партия ташкилотларига қайтиб боргач, съезд қарорларини амалий ишларда рўёбга чиқариш соҳасидаги жуда катта ишга киришишлари лозим бўлади. Гап, аввало, ўн биринчи беш йилликнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш тўғрисида бормоқда.

Хўш, бунинг учун нима қилмоқ керак? Аввало — юксак масъулиятни сезиш ҳамда қатъий, ҳақиқатан ҳам коммунистик, онгли интизом керак бўлади. Бироқ, ўткир зеҳнлилик, янгиликни тинимсиз излаш ва шу янгиликни қўллаб-қувватлаш ҳам жуда зарур, албатта. Доимо ташаббускор — ҳар ерда ва ҳамма ишда ташаббускор бўлмоқ керак. Съезд берган ижодкорлик руҳи ҳар бир коллективнинг, ҳар бир район, область, республиканинг, бутун мамлакатнинг ишига барака киритишига аминман. **(Қарсаклар).**

Шу кунларда совет кишиларининг КПСС XXVI съездига бағишланган меҳнат ғалабалари тўғрисидаги минглаб рапортлар Ленин партияси съезди шарафига тантанали салют рамзи, унинг ишини қудратли равишда қўллаб-қувватлаш рамзи бўлиб янгради. Заводлар ва электр станцияларнинг ишчилари, дала меҳнаткашлари, чорвачилик миришкорлари, бинокорлар, транспортчилар, фан ва маданият арбоблари янги ютуқларга эришиб, янги шонли ишлар қилиб, Ватанни қу-

вонтирдилар. **Қарсаклар).** Мен барча делегатлар номидан съездолди мусобақасининг қатнашчиларига мурожаат қилиб, уларнинг юксак ватанпарварлиги учун, партия билан бутун халқнинг фикр-ўйлари, мақсадлари ва ишлари бирлигининг мана шу ажойиб намойиши учун астойдил миннатдорчилик сўзлари айтмоқчиман! **(Давомли қарсаклар).**

Ташкилотлар, меҳнат коллективлари ва гражданларнинг съезд ишига эзгу муваффақиятлар тилаб йўллаган юз минглаб хатлари ҳам мана шундан яққол далолат беради. Мана шу хатларни юборган кишиларга чин кўнгилдан раҳмат!— десам мени қўллаб-қувватлайсизлар, деб ўйлайман. **(Давомли қарсаклар).**

Партиянинг шиори ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун, ҳамма нарса инсон учун эканлигини совет кишилари биладилар. Билганлари учун ҳам партия сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлайдилар. Аммо биз ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаслигини ҳам биламиз. Турмуш шароитларини ҳар қандай яхшилашга совет кишиларининг ўзлари зўр ғайрат билан қилган меҳнат туфайлигина эришиш мумкин. Етук социализм ҳар бир гражданнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун ғоят кенг имкониятларни таъминлайди. Ҳамма гап мана шу имкониятлардан фойдаланишда қолган. Эркин, онгли меҳнат, ўзи учун ва ўз жамияти учун қилинадиган меҳнат эса ҳамма нарсага қодирдир! **(Қарсаклар).**

Съезд белгилаган планлар бажарилибгина қолмай, ошириб ҳам бажарилишига қатъий ишониш мумкин, деб ўйлайман. **(Қарсаклар).**

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — қудратли, соғлом, етук коллектив эканини йигирма олтинчи съезд яна бир карра кўрсатди. Коммунистлар — ҳақиқатан ҳам жамиятимизнинг букилмас ўзаги, унинг жон-танидир. Коммунистлар — халқнинг чинакам революцион авангардидир. **(Давомли қарсаклар).**

Жамиятнинг етакчи кучи роли ўз-ўзидан келиб қолмаслигини ҳам ўтмишдаги, ҳам ҳозирги тажрибадан яхши биламиз. Бу роль меҳнаткашларнинг манфаатлари учун доимий, тинимсиз кураш жараёнида қўлга киритилади, ҳосил қилинади. Бу роль эса партиянинг халқ оммаси билан алоқаларини доимо чуқурлаштириши, уларнинг эҳтиёжлари ва фикри-зикрини сезиши билан мустаҳкамланади.

Партиянинг кучи — халқ билан биргаликдадир! **(Давомли қарсаклар).**

Халқнинг кучи — партия билан бирликда, партия раҳбарлигидадир! **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Съездимизнинг бутун бориши, унда қабул қилинган ҳамма ҳужжатлар шуни яна бир карра намойиш этди: тинчликни сақлаш бизнинг жаҳон майдонидаги бош юмушимиз, давлатимизнинг ташқи сиёсат бобидаги бош мақсади бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Бизнинг ташқи сиёсий программамиз — кескинликни юмшатишни давом эттириш ва чуқурлаштириш программасидир, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун кураш программасидир.

Совет халқида тинчлик — мустаҳкам, метиндек тинчлик йўлида ҳамма ишни қилиш истагигина эмас, сиёсий хоҳиш-иродаси ҳам борлигини партиямиз яна бир карра исботлади. **(Қарсаклар).** Бизда тинчлик учун кураш хоҳиш-иродасигина эмас, шу билан бирга бу курашнинг пухта, аниқ программаси ҳам бор. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Съездимизда КПССнинг бутун тарихи давомида коммунистик, ишчи партиялар ва бошқа революцион партияларнинг энг кўп делегацияси қатнашмоқда. Бу ерда, съездимизда, Москвадаги ва бошқа шаҳарлардаги митингларда курашдош ўртоқларимиз сўзлаган нутқлар социал тараққиёт енгилмаслигига, дунёнинг революцион ўз-

гариши муқаррарлигига ишончимизни янада кўпроқ мустаҳкамлади. **(Қарсаклар).**

Бу ерда партиямиз ҳақида, мамлакатимиз тўғрисида айтилган яхши сўзлар учун сидқидилдан миннатдормиз. Ленин васиятларига садоқатли совет коммунистлари партиямизнинг синалган интернационалистик йўлига бундан буён ҳам муттасил амал қилаверишларидан кўнглингиз тўқ бўлсин, азиз ўртоқлар. **(Давомли қарсаклар).**

Чет эллик ҳамма ўртоқларнинг нутқларида инсониятнинг тинчлиги ва тараққиёти йўлида бирлик бўлиши зарурлиги тўғрисидаги фикр изҳор этилди. Мана шу икки тушунча бизнинг давримизда бир-бири билан чамбарчас боғланган. Тинчлик — инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳасидаги тараққиётнинг ҳал қилувчи шартидир. Бинобарин, биз шунга аминмиз: агар коммунистлар, революционерлар, барча соғлом ва заковатли кучлар ўз зиммаларидаги масъулиятни тўла-тўкис англаб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсалар тинчлик душманларининг режалари ҳеч сўзсиз барбод бўлади. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Улуғ Ленин партиямизга асос солган пайтдан бери партиямиз Ленин белгилаб берган социализм ва коммунизм қуриш йўлидан комил ишонч билан олға бормоқда. **(Қарсаклар).**

Шу вақт ичида бизга: муқаррар мағлубиятга учрайсизлар, деб неча марталаб каромат қилмоқчи бўлдилар. Неча марталаб бизни белгилаган мақсадларимиздан воз кечишга мажбур қилишга уриниб кўрдилар. Душманларимиз бизни: хато қилаяпсизлар, нотўғри йўлдан бораяпсизлар, деб ишонтиришга неча марталаб уриниб кўрдилар.

Хўш, нима бўлиб чиқди?— Бу гапларни айтган одамларнинг кўпчилиги аллақачон унутилиб кетди. Социализм эса яшаб турибди! **(Қарсаклар).** У ривожланмоқда. У муттасил олға бормоқда. Биз олий мақсадимизга эришишимизга, коммунистик жамият қурилишига шунчаки ишонибгина қолмай, балки шундай бўлажагини яхши биламиз. **(Давомли қарсаклар).**

Бунга имонимиз комиллигининг сабаби шуки, ўз идеалларимизнинг муқаддас ҳақиқат эканига ишонамиз. Бунга имонимиз комиллигининг сабаби шуки, халқимизнинг куч-қудрати битмас-туганмас эканлигини биламиз. Бунга имонимиз комиллигининг сабаби шуки, партиямизнинг марксча-ленинча йўли — тўғри йўл эканини биламиз. **(Давомли қарсаклар).**

Бас, шундай экан, коммунизм йўлидан дадил олға бораверайлик! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Коммунистик партия билан совет халқининг мустаҳкам бирлиги бундан буён ҳам кучаяверсин! **(Гулдурос қарсаклар).**

Социалистик ҳамдўстликнинг, планетамиздаги барча революцион кучларнинг бирлиги бундан буён ҳам мустаҳкамланаверсин! **(Гулдурос қарсаклар).**

Ленинчи партиямизга шон-шарафлар! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин улуғ совет халқи! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин тинчлик! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин коммунизм! **(Зал гумбазлари остида қизғин қарсаклар узоқ вақтгача тинмайди. Ҳамма ўрнидан туради. «Яшасин КПСС», «Ленинчи Марказий Комитетга шон-шарафлар!», «Леонид Ильич Брежневга ура!», «Яшасин партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги!», «Шон-шарафлар!», «Шон-шарафлар!», «Шон-шарафлар», «Ура!» садолари янграйди).**

ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

ПАРТИЯНИНГ ИШОНЧЛИ ТАЯНЧИ

Н. МАҲМУДОВА,
Узсовпроф раиси

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИНГ қарорлари мамлакатимиз тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Биз ўзимизнинг амалий фаолиятимизда партия Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида касаба союзлари ролига берилган баҳога асосланиб келдик: «Партия касаба союзларини ўзининг омма орасидаги ишончли таянчи, демократияни ривожлантиришнинг, меҳнаткашларни коммунизм қурилишига жалб қилишнинг қудратли воситаси деб билади». Касаба союз ташкилотларининг масъулиятли, кўламдор вазифалари шундан келиб чиқади. Кўп нарсаларни, чунончи, меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, хўжалик, социал, маданий қурилишда иштирок этиш, социалистик мусобақани ривожлантириш, ихтирочилик, рационализаторлик ва бошқаларни назар-эътибордан қочирмаслик керак. Бинобарин меҳнаткашлар оммаси билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ленинча принцип — ҳар қандай касаба союзи фаолияти муваффақиятининг ана шу асосий шарти — собитқадамлик билан амалга оширилган ерда яхши натижаларга эришиш мумкин. Бизнинг бутун тажрибамиз шундан далолат беради. Биз ўн биринчи беш йилликнинг янги улкан режаларини амалга оширишга киришган ҳозирги пайтда орқага назар ташлаб, қандай резервларимиз борлигини, орттирилган тажрибанинг нимасидан фойдаланиш ҳамда қандай чиқимлар ва камчиликлардан қатъиян қутулиш мумкинлигини кўздан кечириш фойдали бўлади.

СССР касаба союзларининг жанговар отряди бўлган республика касаба союзлари ўтган беш йилликда КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди белгилаб берган режаларни, СССР касаба союзларининг XVI съезди ва республика касаба союзларининг XI съезди қарорларини турмушга ошириш учун ҳормай-толмай ишладилар, меҳнаткашларни экономикани янада юксалтиришга сафарбар этишда, совет халқининг фаровонлигини ошириш, социалистик турмуш тарзини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришда партияга фаол ёрдам бердилар.

Ўтган беш йил мобайнида Ўзбекистон касаба союзлари фақат сон жиҳатдан ўсибгина қолмай, шу билан бирга ташкилий жиҳатдан мустаҳкамландилар, иқтисодий ва социал масалаларни ҳал қилишга уларнинг таъсири кучайди. Уларнинг сафларида 33159 бошланғич ташкилотларга бирлашган 5 миллион 300 мингдан зиёд киши бўлиб, Ўзбекистон Компартияси МКнинг, жойлардаги партия органларининг раҳбарлигида касаба союзлари КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев СССР касаба союзларининг XVI съездида сўзлаган нутқида улар олдига қўйган иккита бир бутун вазифани: «Халқ хўжалигини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни юксалтириш тўғрисида ғамхўрлик

қилиш ҳамда меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари тўғрисида, уларнинг меҳнат ва турмуш шароити тўғрисида ғамхўрлик қилиш...» вазифасини бевосита амалга оширмоқдалар.

Ўнинчи беш йилликда бошланғич ташкилотларнинг жанговарлигини ошириш, ишчи ва хизматчиларни касаба союзлари ҳаётида фаол қатнашишга жалб қилиш, союз ички демократиясини, танқид ва ўз-ўзини танқидни янада ривожлантириш, касаба союз органларининг барча бўғинлари фаолиятида ленинча услубни қарор топтириш касаба союзларининг бутун ташкилий-оммавий иш марказида бўлиб келди.

Касаба союз комитетлари ва советлари ишлаб чиқаришни бошқаришга меҳнаткашларни жалб қилишнинг муҳим формаси, экономикани юксалтириш вазифаларини ҳал этишга касаба союзларининг таъсир кўрсатишининг асосий методларидан бири бўлган социалистик мусобақани ривожлантириш соҳасида кўп иш қилмоқдалар. Мусобақалашаётганлар маҳсулот сифатини ошириш, меҳнат унумини ўстириш, материаллар ва меҳнат ресурсларини тежаш мақсадини кўзламоқдалар. Бугунги кунда республикада мусобақада 4 миллиондан зиёд киши қатнашмоқда. Ўнинчи беш йиллик ичида бу ҳаракатнинг сафлари 1 миллион 500 минг кишига кўпайди. Бунда мусобақанинг таъсир доираси кенгайганлиги каби қонуниятни қайд қилиб ўтиш диққатга сазовордир — эндиликда у фақат моддий ишлаб чиқариш соҳасинигина эмас, балки шу билан бирга савдо ва маиший хизмат корхоналари, фан, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш муассасалари, бошқариш органларини ҳам ўз ичига олади. Мусобақа қатнашчиларининг мажбуриятлари ва шартномаларига социал-сиёсий ва ахлоқий-психологик кўрсаткичлар — касб маҳоратини ва маданий-техникавий савияни ошириш, ижтимоий фаолиятда қатнашиш, коммунистик ахлоқ нормаларига риоя қилиш, меҳнат интизоми кўрсаткичлари тобора кўпроқ киритилмоқда. Касаба союзлари меҳнат коллективларининг социалистик мажбуриятлари лойиҳаларини тузишда, мусобақа натижаларини якунлашда қатнашмоқдалар.

Кейинги йилларда хўжалик юритиш практикаси ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришга қаратилган янги тажриба ва қимматли ташаббуслар билан бойиди. Бу, масалан, Николай Злобиннинг бригада методи, «Беш йиллик топшириғини кам киши билан бажариш» шчекинoликлар методи, ростовликлар билан янгийўлликларнинг «Қолоқларсиз ишлаш» ташаббуси ва бошқалардир. Социалистик мажбуриятлар лойиҳаларини жамоатчилик билан ҳимоя қилиш каби ҳар қандай қўллаб-қувватлашга лойиқ ташаббус кўпгина корхоналар ва ташкилотларга йўл топдики, бу ташаббус муҳокама давомида айтилган таклифларни, мавжуд ресурсларни тўлароқ ҳисобга олиш имконини беради. Узсовпроф президиуми бу ташаббусни маъқуллаб, кенг жорий қилишни тавсия этди.

Касаба союзлари энг яхши иш намуналарини ўрганиш ва ёйишга катта эътибор берар эканлар, илғор тажриба мактаблари, коммунистик меҳнат мактабларидан, давра суҳбатлари, семинарлардан, шунингдек матбуот, радио, телевидениедан шу мақсадларда фойдаланмоқдалар. Буклетлар, методик қўлланмалар, тавсияномалар, плакатлар, варақалар мунтазам чиқарилмоқда. «Қолоқларсиз ишлаш» ташаббусини кенг ривожлантириш учун Янгийўлда республика семинар-кенгаши ўтказилди, Янгийўл корхоналари Ўзбекистонда биринчи бўлиб бу ташаббусни қўллаб-қувватлаган эди. Социалистик мусобақа ғолибларининг меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатининг 20 йиллигига бағишланган республика кенгаши тавсияларининг бажарилиши ватанпарварлик ташаббусларининг ёйилишига кўп даража кўмаклашди.

Илғор ишлаб чиқариш тажрибасини халқ хўжалиги тармоқларига

жорий этиш масалалари юзасидан Ўзбекистон ССР Госплани ҳузурида илмий-методика советининг ташкил этилганлиги, бизнинг назаримизча, бундай ишни координациялаш учун муҳим аҳамиятга моликдир. Бу проблемалар юзасидан касаба союзларининг иштирокида республика конференцияси ўтказилди. Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат комитети билан биргаликда корхоналарда илғор тажрибани ўрганиш, умумлаштириш, ёйиш юзасидан намунавий Низом тайёрланди ва кўп нусхада босиб чиқарилди.

Қишлоқ меҳнаткашларининг социалистик мусобақасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Механик-ҳайдовчиларнинг меҳнат соҳасидаги беллашуви кенг қулоч ёйди, слётлар ўтказиш анъана бўлиб қолди, уларда ғолибларга фахрий ёрлиқлар ва совғалар топширилади.

Орттирилган ижобий тажрибани ўрганишнинг жуда муҳимлигини англаб, биз мусобақани, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини уюштириш юзасидан бир қатор корхоналарнинг фаолиятини таҳлил қилиб чиқдик. Енгил, пахта тозалаш саноати, савдо бўлинмаларида бу иш яхши йўлга қўйилган. «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида маънавий рағбатлантириш тажрибаси диққатга сазовордир. Озиқ-овқат ва маҳаллий саноат меҳнатчиларининг, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг шахсий ва коллектив планлари асосидаги мусобақани ривожлантириш соҳасидаги тажрибасидан, шунингдек Андижон областининг «Соз ишланганнинг бозори чаққон» шиори остида меҳнат қилаётган саноат корхоналари билан савдо корхоналарининг муқобил планлар ҳамда шартномалар асосида биргаликдаги ишини ташкил этишда мавжуд бўлган жамики яхши нарсалардан кенг фойдаланиш лозим. «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси профкомининг меҳнат унумини жадал ўстириш ҳамда иш вақтининг бекор кетишини камайтириш соҳасидаги тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тажрибаси бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

Ўнинчи беш йилликда социалистик мусобақа ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириш системаси такомиллаштирилди. Ўзбекистон Компартияси МК, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ МК улар учун кўчма Қизил байроқлар: Қорақалпоғистон АССР ва областлар учун — 6 та дипломли, шаҳарлар, шаҳар, қишлоқ районлари, қурилишлар, илмий тадқиқот институтлари учун — 27 та дипломли ҳамда 7,5 мингдан 30 минг сўмликкача пулли мукофотлар, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари учун —85 та кўчма Қизил байроқлар таъсис этишди.

Мусобақада эришилган муваффақиятлар, гарчанд ажойиб бўлмасин, бугунги кунда дастлабки марра бўлиб қолдики, шу маррадан янги чўққилар сари бораверйш лозим. Мусобақанинг ташкил этилишини социалистик ишлаб чиқаришни планли бошқариш системасидаги КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳамда иш сифатини оширишга хўжалик механизмининг таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида, шунингдек КПСС XXV съезди қарорлари ҳамда «СССРни иқтисодий ва социал-ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» қоидаларида кўзда тутилган ўзгаришлар билан тамомила мослаштиришни биз ҳозир энг асосий нарса деб биламиз.

Ишлаб чиқаришни бошқаришга меҳнаткашларни жалб қилишнинг форма ва методларини такомиллаштириш, халқ хўжалигини, унинг тармоқларини ривожлантиришнинг жорий ва перспектив планлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда касаба союзлари иштирокини активлаштириш соҳасида ўнинчи беш йилликда орттирилган тажрибадан ҳам

биз келгуси йилларда фойдаланамиз. Бу ишда биз доимий ишлаб чиқариш кенгашлари (ДИК)га катта ўрин берамиз. Республикада 6100 ДИК ишлаб турибди, уларда 234 минг киши қатнашмоқда. Ҳар йили улар меҳнат унумини, самарадорликни ва иш сифатини оширишга қаратилган ўн мингларча қимматли таклифлар киритмоқдалар.

Бироқ, баъзи ишлаб чиқариш кенгашларининг фаолияти ва айрим касаба союз комитетлари томонидан уларга раҳбарлик қилиш савияси бугунги кун талабларига мос эмас. Бизнинг назаримизча, бу айрим касаба союз ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари ДИКларнинг аҳамиятига тўғри баҳо бермаётганликларининг оқибатидир. Биз бундан буён ҳам корхоналар ҳаётида доимий ишлаб чиқариш кенгашлари обрўсини янада кўтариш вазифасини қўямиз, бошланғич касаба союз ташкилотларини шунга ундаймиз.

Коллектив шартномалар тузиш тажрибасини такомиллаштириш ҳамда уларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш иши давом эттирилди. Республикадаги корхоналар, ташкилотлар, хўжаликларда ҳар йили тахминан 6 мингта шундай шартномалар тузилади. Ўтган беш йиллик мобайнида ишлаб чиқариш масалалари ва, энг муҳими, социал масалаларни ҳал этишда уларнинг роли ошди. Кўпгина хўжалик раҳбарлари уларга бўлган муносабатларини ўзгартирдилар, Ўзбекистон министрликлари ва идораларининг эътибори кучайди, 1980 йил ёзида Урганчда ўтказилган ва КПСС XXVI съездига бағишланган «Коллектив шартнома — корхона ҳаётининг қонуни» мавзуидаги республика кенгаши буни тасдиқлади.

Бироқ, бу проблеманинг тўла ҳал этилганлиги тўғрисида гапиришга ҳали вақт эрта. Кўпгина касаба союз ташкилотлари ва уларнинг ФЗМК коллектив шартномалар бутунлай турмушга оширилишига эришганларича йўқ. Айрим, масалан, меҳнат шароитини ва уни муҳофаза қилишни яхшилаш, бошқа социал масалаларга дахлдор жуда муҳим моддалар Андижон, Жиззах, Сурхондарё областлари корхоналарида, автотранспорт, маданият, граждан авиацияси, қурилиш ва қурилиш материаллари саноати тармоқларида бажарилмаётир. Бинобарин, касаба союз комитетлари ва маъмурият бундай аҳволни танқидий мушоҳада этиши ҳамда уни тубдан ўзгартириши керак.

Ҳозирги босқичда экономикани ривожлантиришнинг муҳим проблемаларидан бири бўлган фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари доимо касаба союзларининг эътиборидадир. Илмий-техника жамиятлари ҳамда ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятлари касаба союзлари раҳбарлигида бу соҳада сезиларли иш қилмоқдалар. Бугунги кунда улар ярим миллиондан зиёд кишини бирлаштирган. Илмий-техника жамиятлари (НТО) 2641 бошланғич ташкилотининг фан ва техника ютуқларини, илғор ишлаб чиқариш тажрибасини пропаганда қилиш, мутахассисларнинг билим савиясини ва амалий малакасини ошириш соҳасидаги иши активлашди. Ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамияти (ВОИР) нинг аъзолари ўнинчи беш йилликда 700 миллионлик рационализаторлик тежам фонди яратиш юзасидан мажбуриятни муваффақиятли бажарди. Тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан ишлаб чиқилган ихтиролар икки баравар ва жорий этилган ихтиролар икки ярим баравар кўпайди.

Шу билан бирга камчиликлар ҳам бор. Илмий-техника жамиятининг ҳамма область советлари ва тармоқ бошқармалари бошланғич ташкилотларни ўстиришнинг мавжуд резервларидан фойдаланаётирлар, деб бўлмайди. Илмий-техник жамоатчилик тавсияларининг, янги ихтиролар ва рационализаторлик таклифларининг талайгина қисми амалда қўлланилмаётир. Бу соҳада НТО, ВОИР ташкилотлари ҳали кўп иш қилишлари керак. Биз бу жамиятлар ишини корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари билан маҳкам боғлашга интилмоқдамиз.

Касаба союзлари комсомол билан биргаликда мураббийликни янада ривожлантириш ишини такомиллаштирмоқдалар. Ҳозир 105 минг илғор ишчи, колхозчи, мастер, бригадир, мутахассис ўзининг бой профессионал ва ҳаётий тажрибасини ёш ишчиларга ўргатмоқда. Ҳозирги вақтда муҳими мураббийликнинг самарадорлигини ошириш, ҳар бир мураббий ишини яхшилашдан, уларнинг таълимига алоҳида эътибор беришдан иборат.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида меҳнатга ҳақ тўлаш ва нормалаштириш системасини янада такомиллаштириш, моддий рағбатлантиришни самаралироқ қўлланиш, республика халқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқларининг ўртача ҳақ тўланадиган ходимлари минимал иш ҳақини, ставкалари ва маошларини ошириш борасида анча-мунча иш қилинди. Самарадорликни ва иш сифатини оширишга қаратилган бошқа муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Ўн биринчи беш йилликка мўлжалланган Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш планида юксак марралар белгиланган. Фақат 1981 йилнинг ўзида саноатда меҳнат унумини 2,8 процент, қурилишда —3, қишлоқ хўжалигида —4,1 процент ошириш кўзда тутилган. Саноат маҳсулоти ўсишининг 80 процентини ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти ўсишининг ҳаммасини меҳнат унумини ошириш ҳисобига қўлга киритиш планлаштирилмоқда.

Ҳар бир меҳнат коллективида қўйилган вазифаларнинг уддасидан чиқиш учун имкон берадиган шарт-шароит яратиш борасидаги ишни авж олдириш зарур. Меҳнат шароитини янада яхшилаш — энг муҳим масалалардандир. Ўнинчи беш йиллик даврида Ўзбекистонда шу соҳадаги тадбирларни амалга оширишга 300 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бу мақсадлар учун колхоз маблағлари ҳисобига ажратмалар анча кўпайди.

Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити яратиш иши тўққизинчи беш йилликдагидек, ҳар бир корхона, ҳар бир ташкилотда, умуман тармоқлар бўйича тузилган перспектив комплекс планлар асосида амалга оширилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари Узсовпроф президиуми мажлисларида мунтазам муҳокама қилиб турилади, касаба союз советлари ва комитетларининг пленумлари ҳамда конференцияларининг кун тартибида туради.

1977—1978 йиллар давомида Узсовпроф эълон қилган ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашга, меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган энг яхши ечимлар учун республика конкурси бўлиб ўтди. Ҳозир 100 дан ортиқ шундай ечим корхоналарда муваффақиятли жорий этилмоқда. 1977—1979 йилларда ўтказилган хотин-қизларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароити Бутуниттифоқ кўриги давомида ҳам талай иш қилинди. Фарғона, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё областларида жойларда жиддий ёрдам кўрсатилди. 36 коллектив Узсовпрофнинг ёрлиқларини олишга сазовор бўлди, 12 коллектив ВЦСПС дипломлари билан мукофотланди. Саноат, қурилиш, транспорт корхоналарида, совхозлар, колхозлар ва ташкилотларда улкан касаба союз активи — 85 минг комиссия аъзолари ва жамоатчи инспекторлар меҳнатни муҳофаза қилиш устидан жамоат назоратини амалга оширмоқда. Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги «Меҳнатни қўриқлаш-80» тематик кўргазмаси ўнинчи беш йиллик даврида бу соҳада қўлга киритилган ютуқларнинг кўригидир.

Лекин шундай ҳам бўладики, маъмурият ва касаба союзи хавфсизлик техникасидаги, ишлаб чиқариш санитариясидаги жиддий камчиликларни четлаб ўтадилар, коллектив шартномалардаги мажбуриятларни бажаришга ҳурматсизлик билан қараш фактлари билан муроса қиладилар. Бунга қатъиян чек қўйиш керак.

Меҳнат қонунларига риоя қилиниши устидан назорат кучайди.

Касаба союзлар системасида меҳнат ҳуқуқ инспекцияси барпо қилинди. Унинг инспекторлари фақат 1978 йилда 1000 дан зиёд корхона, муассаса ва ташкилотларни текшириб чиқдилар, меҳнат қонунларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисида 1700 та мажбурий йўл-йўриқ берилди. Узсовпроф республика Юстиция министрлиги, Прокуратураси ва Олий суди, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг И. М. Мўминов номидаги философия ва ҳуқуқ институти билан биргаликда меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя қилиниши масалалари юзасидан илмий-амалий конференция ўтказди.

Касаба союзларининг меҳнаткашларга ҳуқуқий ёрдами яхшиланди. Ҳар йили 80 мингдан зиёд ишчи ва хизматчи касаба союзлари советлари ҳамда корхоналарнинг ФЗМКлари ҳузуридаги 1400 юридик консультацияларига мурожаат қилиб туради. Бу консультациялар малакали ишлаётган жойларда меҳнатга доир тортишувлар муттасил камайиб бормоқда, борди-ю улар келиб чиққудек бўлса, суд органларига мурожаат қилинмай ҳал этилади.

Кейинги йилларда Коммунистик партия, Совет ҳукумати касаба союзларининг иштироки билан социал страхованиени янада яхшилашга қаратилган йирик тадбирларни амалга оширдилар. Ҳозирги вақтда меҳнаткашларнинг барча категориялари амалда унга жалб қилинган.

Беш йил ичида социал страхование харажатлари республикада 31 процент кўпайиб, 1980 йилда 650 миллион сўмдан ортиқни ташкил қилди. Шу вақт ичида пенсия таъминоти анча яхшиланди, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик сабабли бериладиган нафақалар миқдори кўпайди. Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини яхшилаш соҳасида анча иш қилинди. Беш йиллик мобайнида 16 санатория ва дам олиш уйлари, дам олиш базаларида, 92 санатория-профилакторийлар, 420 пионер лагерларида 2 миллиондан ортиқ киши дам олди.

Бироқ, кўрилган тадбирлар ҳамма проблемалар ҳал бўлган деб айтишга ҳали имкон бермайди. Биз санаториялар, хусусан болалик ота-оналар учун санаториялар, санатория-профилакторийлар, санатория типидаги пионер лагерлари шохобчаларини ривожлантириш юзасидан биз ҳали кўп иш қилишимиз керак. Уларда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш — эътибор талаб қиладиган муҳим масаладир.

Туризм меҳнаткашлар соғлиғини мустаҳкамлашнинг таъсирчан формасидир. Аҳолига кўрсатилаётган туристик-экскурсион хизматлар ҳажми йил сайин кўпаймоқда. Туризмнинг моддий базаси кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Андижон билан Бухорода туристик комплекслар, «Янгиобод» турбазаси, Самарқанд билан Жиззах областларида кемпинглар ишга туширилди. Биз КПСС МК, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Мамлакатда туристик-экскурсия ишини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бу соҳадаги ишни бундан буён ҳам давом эттираверамиз.

Уй-жой қурилиши — катта социал-иқтисодий масала. Маълумки, КПСС МК октябрь (1980 йил) Пленуми унинг ҳозирги кўламларини ўн биринчи беш йилликнинг кейинги ҳамма йилларида сақлаб қолиш, айни вақтда уй-жой қурилишининг сифатини яхшилаш зарур, деб топди. Пленумда сўзлаган нутқида ўртоқ Л. И. Брежнев уй-жой қурилиши ишини «Партия Марказий Комитетининг бевосита топшириғи деб билиш керак», деб таъкидлади. Касаба союзлари уй-жой, маданий-маиший объектлар қурилиши планларини бажариш соҳасидаги тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда партия, совет, хўжалик органлари билан биргаликда қатнашмоқдалар. Битган иншоотларни ишга тушириш юзасидан давлат қабул комиссияларидаги касаба союзлар вакилларининг масъулияти ошди. Бу масалаларнинг бари Узсовпроф президиуми, область касаба союз советлари мажлисларида муҳокама

қилинмоқда. Чунончи, Узсовпроф президиуми мажлисида уй-жой қурилиши сифатининг ҳамда уларнинг Главташкентстрой ташкилотлари томонидан ишга туширилиши масаласининг атрофлича муҳокама қилиниши, камчиликларнинг танқидий анализ қилиниши фойдали тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

Узсовпрофнинг уй-жой-маиший бўлими халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари, касаба союзлари ФЗМҚлари билан биргаликда ЖЭҚлар ҳамда уй бошқармаларида квартира ҳақларидан маданий-оқартув ва спорт ишига ажратиладиган икки процент маблағнинг сарфланиши тажрибасини ўрганиб чиқди. Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлиги билан биргаликда «Намунали ва юксак маданиятли уй» номи учун, республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги билан биргаликда —«Энг яхши студентлар ётоқхонаси» учун кўрик-конкурслар, дала шийпонларини йиғим-терим мавсумига тайёрлаш жамоатчилик кўриклари, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат конкурслари ва шу кабилар ўтказилди.

Партия органларининг раҳбарлигида касаба союз ташкилотларининг тарбиявий ва маданий-оммавий иши ишчилар, колхозчилар, хизматчиларда марксча-ленинча дунёқарашни, юксак ғоявий-сиёсий ва ахлоқий хислатларни, меҳнатга ва социалистик мулкка коммунистик муносабатни шакллантиришга, партия белгилаб бераётган режаларни амалга оширишда ташаббусни ривожлантиришга қаратилгандир. Касаба союз ташкилотлари КПСС МҚнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини узоқ вақтга мўлжалланган ҳаракат программаси сифатида қабул қилдилар.

Бугунги кунда партия XXVI съезди материаллари ва қарорларини пропаганда қилиш республика касаба союзларининг маданий-оқартув муассасалари ишида катта ўринни ишғол қилади. Клублар, маданият уйлари ва саройлари, қизил бурчаклар, кутубхоналарда КПСС XXVI съезди ҳужжатларини ўрганиш юзасидан кенг кўламда иш авж олдириб юборилди. Ҳамма ерда КПСС XXVI съездига бағишланган ижтимоий-сиёсий ўқувлар, социалистик мусобақа проблемалари, иқтисодий ва фан-техника масалалари юзасидан, коммунистик ахлоқ мавзуларида лекциялар уюштирилмоқда.

Узсовпрофнинг ташаббуси билан бир қатор манфаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда меҳнаткашларни эстетик ва ахлоқий тарбиялашнинг янги формаси жорий этилмоқда. Ижодий ташкилотлар билан саноат корхоналари, қурилишлар коллективлари, колхоз, совхозлар, ўқув юртлари, ҳарбий қисмлар ва ҳоказоларнинг энг яхши ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги учун республика конкурси давомида 400 дан ортиқ шартнома тузилди, салкам 3 минг спектакль, концертлар қўйилди, меҳнат коллективларида ижодий ҳисобот берилди.

865 клуб, Маданият уйлари ва саройлари, 13,5 минг қизил бурчак, 404 халқ университети, 11 минг коммунистик меҳнат мактаби, 1036 кутубхона, 1671 киноустановка касаба союзлар ихтиёридадир. Буларнинг барчаси меҳнаткашларга хизмат қилмоқда. Маданият муассасалари ишини янада қизиқарли, сермазмун қилишни, совет кишиларининг маънавий эҳтиёжларини яхшироқ қондиришни касаба союз комитетлари ва советлари ўзларининг вазифалари деб биладилар.

Инсоннинг ҳаётида физкультура билан спортнинг аҳамияти жуда катта. Фақат касаба союзлари 50 стадион, 251 спорт зали, 39 сузиш бассейнлари, волейбол, баскетбол, городки, қўл тўпи, теннис ўйинлари учун 2646 майдонни меҳнаткашлар ихтиёрига бериб қўйганлар, касаба союзлари физкультура ҳаракатининг оммавийлиги тўғрисида ғамхўрлик қилар эканлар, шу билан бирга спортчилар маҳорати даражасини оширишга эришмоқдалар, спорт базасини мустаҳкамламоқдалар ва кенгайтирмоқдалар.

КПСС XXV съездидан кейин республика касаба союзларининг ташкилотчилик ишида муҳим силжишлар содир бўлди. Аввало касаба союз ҳаракати янада оммавий бўлиб қолди. Унинг сафлари 1976 йилдан буён қарийб 1,5 миллион кишига кўпайди, бошланғич ташкилотлар сони 3311 тага, профгруппалар сони — қарийб 24 мингтага кўпайди. Ҳозир қишлоқда ҳам касаба союзларининг актив фаолияти учун мустаҳкам ташкилий замин яратилди. Колхозчиларнинг 98,9 проценти — касаба союз аъзосидир. Қасаба союз органларида партия аъзоларининг сони кўпайди.

ФЗМҚларнинг доимий комиссиялари кундалик амалий ишда активлик кўрсатмоқдалар, уларнинг сони 664 мингдан 758 мингтага етди. Қасаба союзлари советлари ва комитетларининг штатдан ташқари доимий комиссиялари тўғрисида ҳам шуни айтиш лозим. Қасаба союзлари республика ва область советлари, Узсовпроф фаолиятини планлаштириш, ижрони назорат қилиш яхшиланди. Кейинги вақтларда КПСС МҚнинг «Қарағанда область партия комитетининг касаба союз ташкилотларига партиявий раҳбарлик ҳамда хўжалик ва маданий қурилишда уларнинг ролини ошириш ҳақида КПСС XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги иши тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш юзасидан кўп иш қилинди.

Кадрларни ва активни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилаш касаба союзлари фаолияти муваффақиятининг энг муҳим шартидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ғамхўрлиги шарофати билан касаба союз органларининг кадрлари партия органлари ходимлари билан мустаҳкамланди. 1976—1980 йиллар ичида партия аппаратидан 180 дан зиёд коммунист касаба союз ишига юборилди. Ўзбекистон касаба союз кадрлари ва активини тайёрлаш методик маркази барпо қилинди. Қашқадарё областида касаба союз курслари, Қорақалпоғистон АССР ва Сурхондарё областида — республикалараро курсларнинг бўлимлари очилди. Икки йиллик кечки касаба союз ходими университети ишлаб турибди.

Қасаба союзлар кучининг манбаи, улар муваффақиятли ишлашининг гарови — партия раҳбарлигидадир.

Уртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездидаги докладида коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида касаба союзларининг олдида турган вазифалар аниқ белгилаб берилди, қатъият билан барҳам берилиши лозим бўлган камчиликлар кўрсатилди. В. И. Ленин касаба союзларининг барча ходимларидан «ишчилар ҳаёти ичида бўлишни, бу ҳаётнинг икир-чикирларигача билишни, омманинг кайфиятини, онг даражасини ва ҳақиқий эҳтиёжларини бехато, асло идеаллаштирмай аниқлай олишни, оммага ўртоқларча муносабатда бўлишни, омманинг эҳтиёжларини жонкуярлик қилиб қондириш билан унинг чексиз ишончини қозона билишни» талаб қилган эди. Уртоқ Л. И. Брежнев уларни шунга даъват этди. Ана шу юксак вазифага муносиб бўлиш — ҳар бир касаба союз ходимининг муқаддас бурчидир.

МУҲИМ САНАЛАР ВА ВОҚЕАЛАР

ЛЕНИН ГВАРДИЯСИНИНГ СОЛДАТИ

Ф. И. ГОЛОШЧЕКИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 105 ЙИЛЛИГИГА

Қ. ФОЗИЛХУЖАЕВ,
тарих фанлари доктори

КОММУНИСТИК партия билан совет халқи Октябрь революциясининг ғалабаси учун мардона курашган, унинг ғалабаларини ҳимоя қилган, социалистик қурилишда фаол қатнашган кишиларнинг хотирасини ардоқлаб асрайди.

Ленин гвардияси ҳар бир солдатининг тақдири ҳозирги ёшлар учун мардлик, революцион ишга астойдил ихлос, марксизм-ленинизм таълимотига чексиз садоқат сабоғидир. Ишчилар орасидан етишиб чиққан, пўлатдек туғма пролетар синфий туйғу соҳиби бўлган Филипп Исаевич Голошчекиннинг ҳаёти ҳам мана шундай ибратомуз ҳаётдир. Унинг большевиклар партияси сафига кириши табиий қонуниятли бир ҳол бўлди. Коммунист номи унга қандай имтиёз берар эди? Фақат битта — жанг қизғин тус олган жойга биринчи бўлиб ташланиш, душманнинг чексиз нафрат ва ғазабини келтириш, Лениннинг илҳомбахш ҳақ сўзларини халқ оммасига етказиш имтиёзинигина берар эди. В. И. Ленин Филипп Исаевични севар ва унга энг масъулиятли топшириқларни берар, ёш большевик ҳам ҳамиша унинг топшириқларини шараф билан бажарар, қўрқиш ва ҳайиқиш нималигини билмайдиган мард киши эди.

Ф. И. Голошчекин 1876 йил 26 февраль (10 март) куни Витебск губерниясининг Невел шаҳрида кичик пудратчи оиласида туғилди. Филипп Исаевич тиш даволаш мактабини тамомлагач Петербургга борди. Аммо унга ўз ихтисосида ишлашга тўғри келмади. У ҳаёт йўлини 1900 йилдаёқ танлаб олган эди — революционерларнинг пролетар ташкилотини тузиш учун курашаётган ленинча «Искра» позициясига дадил ўтди. 1903 йил Ф. И. Голошчекин Ленин партияси сафига кирди ва ўша пайтдан бошлаб коммунист деган юксак номни ўзининг бутун ҳаёти билан оқлай бошлади. У Петербург ишчилари ва Кронштадт солдатлари орасида катта иш қилди. Большевиклар ҳарбий ташкилотининг аъзоси бўлган Филипп Исаевич Петропавловск қалъаси гарнизонларида партия топшириқларини бажарди. Ижорск заводининг ишчилари эса ёш революционерни ўз одами деб кутиб олар, унга жуда ишонар эдилар. У ишчилар билан учрашганида меҳнаткаш халқнинг турмушини яхши билиши сезилиб турар, у камтаринлиги ва жанговар жўшқинлиги билан ажралиб турарди.

1905 йил революциясининг энг оғир дамларида Ф. И. Голошчекин партия Петербург комитетининг аъзоси қилиб сайланди. Шу пайтга келиб партия, В. И. Лениннинг ибораси билан айтганда, «*миллионларча* пролетариатнинг партияси» (Тўла асарлар тўплами, 17-том, 166-бет) бўлиб қолган эди. Ишчилар ва солдатлар орасида тинимсиз аги-

тация олиб борган большевиклар гвардиясининг фаол жангчиларидан бирига мана шу тарзда ишонч билдирилди.

1906 йилда махфий полиция айғоқчилари РСДРП Петербург комитети аъзоларининг изига тушдилар. Қамоққа олинганлар орасида Филипп Исаевич ҳам бор эди, аммо уни тез орада гаровга озодликка чиқаришга муваффақ бўлинди. Умуман Ф. И. Голошчекиннинг турмуши 1917 йил февраль революциясининг ғалабасига қадар: кураш, қамоқхона, қочиш, кураш ва яна қамоқхона — схемаси тарзида кечди. Ўша пайтдаги полиция маълумотномаларидан бирида бундай дейилган эди: «Мазкур вақтда маҳаллий социал-демократик яширин ташкилот ишига раҳбарлик қилишда жуда катта роль ўйнаётган Голошчекин 1919 йил 13 декабрь куни технолог инженер Темкиннинг квартирасида рухсат этилмаган йиғилиш ташкил этди, агентура маълумотларига кўра, шунингдек йиғин қатнашчиларини ушлаш вақтида топилган жиноий материалларга қараганда, бу йиғилиш РСДРП Москва комитети аъзоларининг навбатдаги мажлиси эди».

Ҳатто қамоқхонада ҳам Филипп Исаевич революцион ишни тўхтатмади, озодликка чиқиб олганидан кейин энг масъулиятли топшириқларни бажарди. Реакция йилларида у большевиклар партиясининг Петербург комитети номидан «Пролетарий» газетаси редакциясининг Париждаги кенгайтирилган кенгашида қатнашди, большевикларнинг Рига ташкилоти билан алоқа ўрнатди, шунингдек бошқалар билан биргаликда партия Москва ташкилотининг ишини йўлга қўйди. Шу ташкилотнинг конференциясида Филипп Исаевич РСДРП VI (Прага) Бутун Россия конференциясининг делегати қилиб сайланди. Бу конференция большевикларнинг меньшевикларга қарши курашидаги бутун бир тарихий даврни якунлади, большевикларнинг меньшевиклар устидан ғалабасини мустаҳкамлаб, уларни РСДРПдан чиқарди. РСДРПнинг оппортунистлардан тозаланиши партия сафларининг бирлигини мустаҳкамлади. Прага конференцияси В. И. Ленин бошчилигида большевистик Марказий Комитетни сайлади. Ф. И. Голошчекин, Г. К. Оржоникидзе, С. С. Спандарянлар МҚ аъзолари бўлиб қолдилар. В. И. Ленин Прага конференциясининг аҳамиятини баҳолаб, 1914 йил майида «Бирлик деб шовқин-сурон кўтариб, бирликни бузиш тўғрисида» мақоласида бундай деб ёзди: «1912 йилдан бери, икки йилдан кўпроқ бўлдики, Россияда уюшган марксистлар ўртасида фракциячилик *йўқ, бирлашган* ташкилотларда, *бирлашган* конференциялар ва съездларда тактика тўғрисда тортишувлар йўқ» (Тўла асарлар тўплами, 25-том, 211-бет).

Аммо Ф. И. Голошчекинга озодликда узоқ вақт ишлашга тўғри келмади. У 1912 йил апрелида яна Москвада қамоққа олиниб, Тобольск губерниясига сургун қилинди. Довюрак революционер яна қочади. Аввалига у большевикларнинг Петербург комитетида ишлайди, сўнгра партия Марказий Комитетининг топшириғи билан Уралга жўнайди. Ф. И. Голошчекин Урал ишчиларининг дилига йўл топади, уларнинг меҳри ва ҳурматини қозонади.

1913 йил мартида Филипп Исаевични чор охранкаси яна қамоққа олади. Уни Екатеринбург (ҳозирги Свердловск)дан олис Турухан ўлкасига бадарга қиладилар. Ф. И. Голошчекин у ердан 1917 йил февраль буржуа-демократик революциясининг ғалабасидан кейингина қайтиб кела олди.

У озодликка чиққанидан кейин аввалига Екатеринбургда ишлади. 1917 йилнинг мартида эса РСДРП Марказий Комитетининг Петроград ҳузуридаги вакили тарзида Петроградга келди. Филипп Исаевич ишчилар ҳузурида тез-тез нутқ сўзлар, зўр ишонч ва эҳтирос билан гапирар, унинг сўзларини ишчилар жон қулоғи билан тинглар эдилар. Ф. И. Голошчекин Петроград ташкилотидан РСДРПнинг VII (апрель)

конференциясига делегат қилиб сайланди, конференцияда у В. И. Лениннинг Апрель тезисларини актив қўллаб-қувватлади.

Партия Марказий Комитети Филипп Исаевични ҳамиша энг қийин жойга юборар эди. 1917 йил июнида у Уралга, Екатеринбургга йўл олади, бу ерда Ф. И. Голощекин область партия комитетига бошчилик қилди. У РСДРПнинг VI съездига Урал ташкилотидан делегат қилиб сайланди, съезд социалистик революцияга тайёргарлик йўлини тутди.

Октябрь қуролли қўзғолони вақтида Филипп Исаевич Петроградда эди. «25 октябргача бўлган кунларда ўзимнинг муайян бир жойда турганимни айтишим қийин. Мен агитатор, ташкилотчи сифатида Марказий Комитет, Петроград комитети ва Ҳарбий революцион комитетнинг топшириқларини бажардим»,— деб ёзди кейинчалик Филипп Исаевич.

Ф. И. Голощекин ҳарбий революцион комитетга Яков Михайлович Свердловнинг таклифи билан киритилган эди. Бу ерда у одамларни ҳамма ҳарбий ва гражданлик ишлари юзасидан қабул қилиш масалалари билан шуғулланди. Одамлар унинг ҳузурига узлуксиз кириб турар эди. Шунга қарамай Филипп Исаевич митинг ва йиғилишларда сўзга чиқиш учун вақт топар, В. И. Лениннинг масъулиятли топшириқларини бажарар эди. Ана шундай қизғин дамларда у Владимир Ильич билан доимо учрашиб турар эди. «Одатда мен дастлабки бир-икки кунда ҳар бир алоҳида делегация билан суҳбатлашардим,— деб эслайди кейинчалик Филипп Исаевич,— уларнинг саволларига жавоб берардим ва тўнтаришнинг моҳиятини тушунтирар эдим. Суҳбат баъзан икки-уч соатга чўзилиб кетарди. Бир соат ёки ундан кўпроқ вақт давом этган суҳбатдан кейин мен Владимир Ильични таклиф қилардим, у суҳбат охирида ҳамма нарсани равшанлаштириб берар эди» («Комиссары», Политиздат, М., 1967, стр. 100—101).

Ф. И. Голощекин Советларнинг II Бутун Россия съезди делегати бўлди. Бу съездда большевиклар партиясининг йўлбошчиси В. И. Ленин XX асрнинг бош воқеаси бўлган Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонганини дунёга маълум қилди. Энди коммунистлар олдида социалистик революцияни янада ривожлантириш ва Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашдан иборат янги вазифа турарди. «Биз, большевиклар партияси,— деб ёзди В. И. Ленин,— Россияни *ишонтирдик.* Биз Россияни — камбағаллар учун бойлардан, меҳнаткашлар учун эксплуататорлардан урушиб олдик. Энди Россияни *идора қилмоғимиз* керак» (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 195-бет).

Ўша пайтда Урал нотинч эди. Партия бу ерга ўзининг энг яхши фарзандларини юборади. Улар орасида келган Филипп Исаевич Урал область Ҳарбий комиссариатига бошчилик қилди. Ф. И. Голощекин мунтазам революцион армиянинг дастлабки қисмларини тузишга жуда катта ҳисса қўшди. У чарчаш нималигини билмас, кечаю кундуз Ҳарбий комиссариатда бўларди, Совет ҳокимиятининг душманларига қарши мардонавор жанг қиларди.

1918 йил март ойининг бошларида Петроградда РКП(б)нинг VII съезди бўлди. Съезд контрреволюцион кучлар ишчи-деҳқонлар ҳокимиятини бўғиб ташлашга уринган шароитда ўтди. Мамлакат Германия билан қандай қилиб бўлмасин сулҳ тузилишига муҳтож эди. Ҳатто Марказий Комитет ичида ҳам бу масала хусусида бир хил фикр йўқ эди, аммо В. И. Ленин сулҳ тузилишига қатъият билан ҳаракат қилди. Съезд делегати Ф. И. Голощекин В. И. Ленин платформасини сўзсиз қўллаб-қувватлади. Филипп Исаевич Екатеринбургга қайтиб келгач, Брест сулҳини ҳимоя қилиш учун агитация ишини кучайтириб юборди.

1918 йил кўкламида гражданлар уруши бошланиб кетди. Антанта

агентларининг гиж-гижлашига учган Чехословакия корпуси 1918 йил май ойининг охирларида исён кўтариб, Челябинск шаҳрини босиб олди. Оқгвардиячи генерал Колчак қўшинлари ҳужум бошладилар. Аҳвол тобора таҳликали тус ола борди. 1918 йил 29 майда Екатеринбургда Урал Ҳарбий округи тузилади. Ф. И. Голощекин округ Ҳарбий комиссари этиб тасдиқланади. Я. М. Свердлов Филипп Исаевич номига йўллаган телеграммасида: «Бутун кучни сафарбар қилиш зарур. Ҳар жиҳатдан сергак бўлиб турингглар» деб кўрсатма берди. Филипп Исаевич Екатеринбург шаҳар Советининг мажлисида сўзлаган нутқида ишчилар сергак бўлиб турганликларини, улар большевиклар партияси раҳбарлигида ўз бурчини жуда чуқур англаганликларини, контрреволюцияга қарши курашда жонини ҳам аямаётганликларини қатъий таъкидлаб ўтди.

Совет ҳокимиятининг душманлари ҳужумни давом эттиравердилар. Улар ағдариб ташланган подшо Николай II нинг Тобольскда турган оиласини яширин йўл билан чет элга ўтказиб юбориш фикрига тушдилар. Аммо фитна ўз вақтида фош этилди. Подшо оиласини Екатеринбургга олиб келиш операциясини бажариш масъулияти шахсан Ф. И. Голощекин зиммасига юклатилди. Бу иш бажарилгандан кейин тез орада шаҳарда контрреволюцион исён кўтарилгач, Урал область Совети вазият мушкуллашганлигини эътиборга олиб, собиқ подшони отиб ташлаш тўғрисида қарор чиқарди. Меҳнаткашлар митингларда подшолик қилган йилларида халқ қонини дарё-дарё оқизган Николай II нинг қатл этилишини қўллаб-қувватловчи резолюциялар қабул қилишди. Урал область Советининг подшони ўлимга ҳукм қилиш тўғрисидаги қарорини Бутун Россия Марказий ижроия комитети билан РСФСР Халқ Комиссарлари Совети маъқуллади.

Қизил Армия шарқдан Россия марказига интилган Колчак галаларининг қутуриб қилган ҳужумларини қайтариб турган таҳликали кунларда Ф. И. Голощекиннинг жанговар ва партиявий фаолиятида янги ёрқин саҳифа очилди. 1918 йил 1 сентябрда Филипп Исаевич 3-армиянинг бош сиёсий комиссари этиб тайинланади. Сиёсий бўлимларнинг қисмларда ўтказган актив сиёсий иши қизил аскарларнинг интизомини мустаҳкамлади шахсий составнинг ҳужумкорлик шижоатини кучайтирди.

Бош сиёсий комиссар ишларнинг аҳволини синчиклаб ўргангач, 4-дивизияда махсус мусулмон сиёсий бўлимини тузиш лозим, деган хулосага келади. Бу бўлим мусулмон жангчилар орасидаги агитация ишини ривожлантиришда катта роль ўйнади. «Қизил Ўрол» газетаси ҳам ташкил этилди.

Ф. И. Голощекин одамларни яхши билар, кадрларнинг ишонч билан ишлаши учун ҳамма шароитни яратишга интилар эди. У пайқаб, юқори кўтарган кишилар орасида «Челябинскдаги касалхонадан топилган» В. К. Блюхер бор эди. Йиғма жанубий Урал отряди В. К. Блюхер қўмондонлигида атаман Дутовнинг оқгвардиячи отрядини тор-мор этди. В. И. Ленин номига йўллаган телеграммасида Филипп Исаевич бундай деб ёзди: «Отряд командири ўртоқ Блюхер — революциянинг энг довюрак солдатларидан бири, истеъдодли бошлиқ, стратег». В. К. Блюхер Советлар Республикасида биринчи бўлиб Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди.

1918 йил декабрида В. И. Ленин ташаббуси билан РКП(б) МК-нинг Сибирь бюроси тузилиб, унга Ф. И. Голощекин киритилди. Филипп Исаевич маҳаллий партия комитетларини тузиш, колчакчилар ичкарисида яширин группалар ва партизан отрядлари ташкил этиш учун кўп иш қилди. Унинг бу соҳадаги куч-ғайратлари Колчакни тор-мор қилишда ва мамлакат Шарқида Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади.

Совет Туркистони ҳам қийин даврни бошидан кечираётган эди. Тошкентда Советларга қарши исён (1919 йил январь) натижасида — Туркистоннинг ўн тўрт комиссари отиб ташланди. В. И. Ленин ўлка партия ва совет ташкилотларига ёрдам бериш учун шошилинч чоралар кўрди. 1919 йил 8 октябрда Бутун Россия Марказий ижроия комитети билан РСФСР Халқ комиссарлари Советининг Туркистон ишлари комиссияси Ш. З. Элиава (раис), М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Ф. И. Голошчекин, Я. Э. Рудзутак ва Г. И. Бокиядан иборат составда тузилди. Бутун Россия Марказий ижроия комитети билан РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг қарорида уқтириб ўтилишича, биринчидан, комиссиянинг бутун фаолияти Россия меҳнаткашлар оммасининг Туркистон халқлари билан қалин иттифоқини мустаҳкамлашга, иккинчидан Туркистонда Россия империализмининг барча қолдиқларини батамом тугатишга, учинчидан Туркистон халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилашини таъминлашга ҳамда ҳар қандай миллий тенгсизликни ва бир миллий группанинг иккинчи миллий группа ҳисобидан имтиёзлар олишини тугатишга, Туркистон меҳнаткашлар оммасининг Россия ишчи ва деҳқонларига ишончсизлигини бартараф қилишга қаратилиши лозим эди.

Комиссия тузилиши муносабати билан В. И. Ленин ўзининг «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» тарихий мактубини ёзди, бу мактуб ўлка меҳнаткашларига илҳом берди ва унинг партия ташкилоти фаолиятидаги бош йўналишларни кўрсатди. Ўлка V партия конференциясининг (1920 йил январь) делегатлари Владимир Ильичга жавоб мактуби қабул қилиб, Туркистон комиссиясининг ёрдамида партия ва революция жараёни белгилаб берган вазифалар шараф билан бажариладн, деб ишонч билдирдилар.

Туркистон комиссиясининг аъзоси бўлган Филипп Исаевич Ўрта Осиё халқларининг тарихи ва турмуши билан яхшироқ танишишга интилди. У Туркистон республикасининг турли районларига борди. 1920 йилда уни босмачиларга қарши курашга раҳбарликни кучайтириш учун Фарғонага юбордилар. Ф. И. Голошчекин Фарғона фронти Революцион-ҳарбий кенгашининг аъзоси бўлиб, революция душманларининг мана шу участкадаги бош кучларини тор-мор этишда катта роль ўйнади. Кадрлар билан ишлашда зўр тажриба орттирган Филипп Исаевич ерли миллатлар меҳнаткашлари орасидан қобилиятли ташкилотчи коммунистларни танлаб олиб, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш учун кўп иш қилди.

Туркистондаги партиявий ишга раҳбарлик қилиш Ф. И. Голошчекин билан В. В. Куйбишевга партия Марказий Комитети берган асосий топшириқларнинг бири эди. Филипп Исаевич РКП(б) VIII съездининг партия ташкилотларини қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорини амалга оширишда қатнашди. 1919 йил ноябрида Туркистон комиссияси Ўлка партия комитети билан биргаликда Ф. И. Голошчекиннинг Фарғона область партия ташкилоти фаолияти тўғрисидаги докладини тинглаб, муҳокама қилди. Филипп Исаевич унинг ишидаги жиддий камчиликларни очиб ташлади. Ф. И. Голошчекин ва Туркистон комиссиясининг бошқа аъзолари киритган таклифлар Фарғона область партия ташкилотини соғломлаштиришга ва унинг ишини кучайтиришга олиб келди.

Ўлкадаги партия маорифи системасининг ривожи Ф. И. Голошчекиннинг номи билан чамбарчас боғлиқдир. Унинг партия мактаблари тўғрисида ишлаб чиққан Низоми турмушга татбиқ этилди. 1920 йил 28 мартда ТКП ўлка партия комитети ўлка ва область партия мактабларини очиш тўғрисида циркуляр эълон қилди. Шаҳар партия комитетлари умумий саводни чиқариш мактаблари ва сиёсий саводхонлик якшанба мактабларини туздилар. Ф. И. Голошчекин Туркистон ре-

волюцион-ҳарбий кенгашининг сиёсий бўлимидаги партия мактабида лекциялар ўқиди.

Ф. И. Голошчекиннинг 1920 йил 20—25 январь кунлари ўтказилган Туркистон V партия конференциясида партия ва совет қурилиши мавзуида қилган доклади ўлкада партия ва совет қурилишини ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Бу докладда у Туркистондаги партия ишини пухта таҳлил этди. У бир қанча камчиликларга, шу жумладан партия сафларида яроқсиз унсурлар борлигига коммунистларнинг эътиборини қаратди. «Европалик ва мусулмон аҳолининг энг яхши қисми, асосан ишчилар оммаси Коммунистик партия сафига қабул қилиниши лозим ва шу тариқа улар кенг камбағаллар оммасини ўзига жалб қиладиган ўзакни вужудга келтиришлари керак»,— дейилганди докладда.

Ф. И. Голошчекин Туркистондаги Совет ҳокимияти органлари ишини қайта қуриш масаласини қўйди. У маҳаллий шароитларни яхши билар, ўлканинг қолоқлигини, миллий адоват заминидаги ўзаро муносабатлар мураккаблигини тушунарди. Филипп Исаевич қайта қуриш ишларини ўтказганда, биринчидан, маҳаллий аҳолининг кенг оммаси совет ҳокимиятининг моҳиятини чуқур тушунадиган бўлишига, уни ўз жонажон ҳокимияти, деб қабул қилишига, иккинчидан, Совет ҳокимияти ғоят кенг оммани давлат қурилишига бевосита жалб этишига эътибор беришга чақирди.

Ф. И. Голошчекиннинг В. И. Лениннинг Туркистон қўшни мамлакатларнинг халқлари учун жуда катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги кўрсатмасини ёдда тутар ва «Туркистонни Шарқдаги революция базасига», яъни тақлид қилинадиган ибратга айлантиришни муҳим вазифа, деб билар эди.

Филипп Исаевичнинг Туркистондаги самарали фаолиятига уни билган, у билан ёнма-ён ишлаган кишилар юқори баҳо бердилар, 1920 йил майида Ф. И. Голошчекин Москвага чақириб олинганида Михаил Васильевич Фрунзе партия Марказий Комитетига мана шундай телеграмма йўллади: «Ўртоқ Голошчекин янги ишга тайинланганлиги муносабати билан биз, унинг ишдаги яқин ўртоқлари Голошчекиннинг Туркистон революцион-ҳарбий кенгаши аъзоси сифатидаги фаолияти жуда катта фойда келтирганини ва унинг чақириб олиниши армияда ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотиш эканлигини Марказий Комитетга маълум қилишни ўз бурчимиз, деб ҳисоблаймиз. Армиядаги барча масъул ходимлар шу баҳога тўла-тўкис қўшиладилар».

Шу тариқа Филипп Исаевич янги вазифани бажаришга киришди. 1921 йилда уни Главруда раиси қилиб тайинлашди. Шу лавозимда у оғир саноатни қайта тиклаш ва уни хом ашё билан таъминлаш борасида кўп иш қилди. Айни вақтда у партия қурилиши масалаларига эътибор бериб турди. РКП(б) XI съездига делегат бўлиб келган Ф. И. Голошчекин партия қурилиши ишини коммунистлар олдида турган асосий ишдан ажратмоқчи бўлганларга кескин қарши чиқди. Бу масалада Филипп Исаевичнинг ўзи партиявий ишнинг форма ва мазмуни партия ўз ривожининг у ёки бу босқичида ўз олдига қўйган бош мақсадга мувофиқ бўлишини қаттиқ туриб ҳимоя қилувчи изчил ленинчи эди. У қандай масъулиятли ва мураккаб топшириқни бажармасин, мана шу йўлни доимо амалга ошираверди.

Партия Марказий Комитети Ф. И. Голошчекиннинг чуқур коммунистик эътиқоди, халққа астойдил садоқатини, унинг серғайратлиги ва катта революцион тажрибасини эътиборга олиб доимо ишнинг энг қийин участкаларига юборарди. 1921 йилда Филипп Исаевич озиқовқат фронтида фидокорлик кўрсатди, 1922 йилда у МК Урал бюросининг секретари бўлди, орадан бир оз вақт ўтгач Самара губерния ижроия комитетининг раиси лавозимида ишлади.

1925 йилда партия ажойиб ватанпарвар, интернационалист Ф. И. Голошчекинни Қозоғистон КП(б) ўлка комитетининг секретари қилиб масъулиятли лавозимга кўтаради.

Ўрта Осиё республикаларини Сибирь билан туташтирган ва жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ғоят катта темир йўл магистрали — Турксиб қурилиши вақтида Филипп Исаевичнинг ташкилотчилик истеъдоди яққол намоён бўлди.

Ф. И. Голошчекин Қозоғистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшди. У қўриқ ерларни ўзлаштириш ташаббускорларидан бири бўлди. «Ҳозир иттифоқнинг беш йиллиги вазифалари нуқтаи назаридан ҳам, Қозоғистонда дон хўжалигини ривожлантириш нуқтаи назаридан ҳам бўш ётган жуда бепоён қўриқ ерларни тез суръатлар билан ўзлаштиришдан ҳам каттароқ вазифа йўқ»,— деган эди Филипп Исаевич. Қозоғистон партия ташкилоти ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан ўтказди, халқларнинг қардошларча ҳамкорлигини чиниқтирди, уларнинг дўстлигини мустаҳкамлади.

Ф. И. Голошчекин зўр иш қобилиятига эга эди, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан, бошланган ҳар қандай ишни амалга оширишда аниқлик ва тартиб бўлишини севар, ишда ташаббус кўрсатган кишиларни ҳурмат қилар эди. Шу билан бирга у камтарин, одамларга меҳрибон эди, уларнинг эҳтиёжларини қондириш ҳақида ғамхўрлик қиларди. У иш билан жуда банд бўлишига қарамай, адабиёт ва санъат билан доимо қизиқар, уларни халқ тарбиясининг жуда муҳим воситаси, деб билар эди. Умуман Филипп Исаевич, кўпдан-кўп, хилма-хил масалалар билан шуғулланганини айтмоқ керак. Масалан, у ВКП(б) МҚнинг пахтачилик органлари ва сув хўжалиги органларини қайта тузиш комиссиясининг аъзоси эди, партия Марказий Комитети билан СССР Халқ Комиссарлари Советининг совет пахтачилигини ривожлантириш хусусидаги бир қанча ҳужжатларини тайёрлаб берди. 1933 йилдан бошлаб Ф. И. Голошчекин СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида бош давлат арбитри бўлиб ишлади. Филипп Исаевич партиянинг кўпгина съезд делегати бўлди, XIII ва XIV съездларда Марказий Комитет аъзолигига кандидат, XV ва XVI съездларда эса ВКП(б) МҚ аъзоси бўлиб сайланди. У СССР Марказий ижроия комитетининг аъзоси ҳам эди.

Ўз умрини коммунизм ғояларига онгли равишда бағишлаган, ўз ақл-заковати, ғайрати ва истеъдоди билан одамларга сидқидилдан хизмат қилган, аниқ мақсадни кўзлаб иш тутган Ф. И. Голошчекин ёрқин ва сермазмун ҳаёт кечирди. У том маънодаги интернационалист эди. Ф. И. Голошчекин халқлар бирлигини ленинча миллий сиёсатнинг қудрати ва буюк жозиба кучи, деб билди.

Филипп Исаевич 1941 йил 18 октябрь куни вафот этди. Оташин революционер, Ленин гвардиясининг солдати, таниқли партия ва давлат арбоби Ф. И. Голошчекиннинг самарали фаолияти — коммунизм идеалларининг тантанаси йўлида фидокорона курашишнинг илҳомбахш намунасидир.

«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИДА ЧОП ЭТИЛГАН ЯНГИ КИТОБ ВА БРОШЮРАЛАР

В. И. Ленин. **Қисқа биографик очерк.** Партия ўқуви системаси учун. 1980, 182 бет.

Китобда В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятининг асосий даврлари, барча халқларга порлоқ келажак — коммунизм йўлини ёритиб берган унинг ўлмас таълимоти ҳақида ҳикоя қилинади.

Р. Жуманиёзов, Н. Қаландаров **Улуғ Октябрь байроғи остида.** (Хоразм Совет ҳокимияти йилларида). 1980, 56 бет.

Брошюрада Хоразм меҳнаткашларининг шонли ишлари, уларнинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришдаги муваффақиятлари, областнинг истиқболлари ҳақида ҳикоя қилинади.

М. Искандаров. **Илмий дунёқарашни шакллантириш — идеология ишининг негизи.** 1980, 58 бет.

Муаллиф КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида илмий дунёқарашни шакллантиришнинг идеология иши негизи сифатидаги аҳамиятини очиб беради.

У. Х. Камолов. **Ўзбекистон олий мактаби социализм қурилиши даврида.** Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантириш тажрибасидан. 1980, 152 бет.

Китобда Ўзбекистонда олий мактабнинг шаклланиши, қарор топиши ва ривожланиши жараёни тадқиқ этилади. Социализм қурилиши даврида республикада мутахассислар тайёрлаш тажрибаси таҳлил қилинади.

М. Исломжонова. **Ишчилар синфи фан-техника тараққиёти авангардида.** 1980, 84 бет.

Муаллиф социалистик мусобақани авж олдириш, меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб қилиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, илғор тажрибани ёйиш, ишчиларнинг маданий-техникавий даражасини ошириш ҳамда етук социализм йилларида ишчиларнинг ташаббускорлиги ва ижодиётини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

В. Зотов. **Ўғирлик оқибатлари ва уларни бартараф қилиш.** 1980, 204 бет.

Китоб жиноят-ҳуқуқ, процессуал, криминологик ва социалистик тадқиқотларга, кейинги йиллардаги суд-тергов, прокуратура ва ахлоқ тузатиш-меҳнат практикасини ҳисобга олиб ҳуқуқ назариясига бағишланган. Китобхон унда сабабли боғланиш ва жиноят оқибатлари учун жиноий жавобгарлик асослари, уларни таърифлаш ва классификация қилиш тўғрисида бир қатор назарий қоидалар билан танишади. Муаллиф давлат ва жамият мулкини ўғирлашнинг моддий ва бошқа социал оқибатларини таърифлаб беради, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркманистон, шунингдек бошқа иттифоқдош республикаларнинг айрим областлари материаллари асосида уларни бартараф этиш йўлларини таҳлил қилади.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги 1979 йилда. 1980, 288 бет.

Ҳар йили чоп этиладиган статистик тўпламда Ўзбекистон ССР экономикаси ва маданиятининг 1940, 1965, 1970, 1975 йилларга ва бошқа баъзи йилларга нисбатан 1979 йилда ривожланиши ҳақида энг муҳим маълумотлар келтирилади.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01, 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқаро ҳаёт — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Н. Шарипова.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 29.02.1981 й. Босишга рухсат этилди 24.03.1981 й. Формати 70×108 1/16. Офсет босма усули. Шартли босма листи. 16,8. Нашриёт ҳисоб листи 17,3 Тиражи 31672. Нашр № М 51—52. Заказ № 325.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ISSN 0134—2193

Баҳоси 40 тийин

Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК КП Узбекистана» —
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА» —
«УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

5

МАЙ

1981

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 5
МАЙ
1981 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

...Партия ўн биринчи беш йилликка ва 80-йилларга мўлжаллаб ўртага қўяётган иқтисодий сиёсат совет халқининг туб, ҳаётий манфаатларини акс эттиради. Бу сиёсат омманинг ижодкорлиги, ташаббуси, ғайрати билан қўшилиб, бирлашиб, жамиятимизнинг меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш йўлидан, коммунизм моддий-техника базасини яратиш йўлидан тўхтовсиз олға қараб боришини таъминлайди!

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездидаги докладидан.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ПРОБЛЕМАЛАРИ

ИДЕОЛОГИЯ, ФАН, МАДАНИЯТ

ҲОЗИРГИ ДУНЁДА ҒОЯЛАР КУРАШИ

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

КПСС МК, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МКда

ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ, ТЎЛА ВА ОШИРИБ БАЖАРИШ УЧУН БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети таъкидлаб ўтадики, коммунистлар, ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, бутун совет халқи КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXVI съездида қилган докладини, съезд қарорларини, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларини баланд руҳ ҳамда ватанпарварлик ғайрат-шижоати билан кутиб олдилар.

Партиянинг янги беш йилликни Ватан бахт-саодати йўлида зўр ташаббус кўрсатиб, зарбдор меҳнат билан нишонлаш ҳақидаги даъватига жавобан меҳнат коллективларида иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олмоқда. Москва ва Ленинград меҳнаткашларининг беш йиллик биринчи йили шахсий ва бригада топшириқларини 7 ноябргача тўлиқ бажариш, Ярославль области меҳнаткашларининг ўн биринчи беш йилликда ишлаб турган кишилар сонини кўпайтирмай саноат ишлаб чиқаришини ўстиришга эришиш, Ростов области меҳнаткашларининг лойиҳаларда белгиланган қувватларни муддатидан илгари ўзлаштириш борасидаги ташаббуси, Краснодар ўлкаси ва Днепропетровск области колхоз ва совхозларининг қишлоқ хўжалик маҳсулоти сифатини яхшилаш борасидаги ташаббуси, Урал ва Кузбасс меҳнат коллективларининг металлни ҳамда ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш соҳасидаги иш тажрибаси мамлакатнинг ҳамма қисмида қўллаб-қувватланмоқда ва кенг ёйилмоқда.

Социалистик мусобақа — омманинг амалий ижоди, ватанпарварлик ҳаракати бўлиб, совет кишиларининг юксак онглилиги ва ташаббусига асосланган. Социалистик мусобақа коммунистик қурилиш планларини амалга ошириш учун меҳнаткашларни сафарбар қилишнинг қудратли воситасидир. У ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва ишга солишга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ёрдам беради. Социалистик мусобақа ишлаб чиқаришни бошқаришга меҳнаткашларни жалб этиш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашнинг таъсирчан воситасидир. Шу билан бирга айрим жойларда социалистик мусобақанинг катта имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети социалистик мусобақани янада авж олдиришга, мамлакатни иқтисодий

ва социал ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда унинг ролини оширишга жуда катта аҳамият бериб, қарор қиладилар:

1. Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетлари, министрлик ва идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари омманинг юксак меҳнат ва сиёсий активлигидан фойдаланиб, социалистик мусобақани ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXVI съездида КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладида, съезд қарорларида қўйилган вазифаларни амалга оширишга, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли ва тўла ошириб бажаришга, совет кишиларининг моддий фаровонлигини янада ўстиришни таъминлашга йўналтирсинлар.

Социалистик мусобақани ташкил этиш юксак даражага кўтарилсин, бу мусобақа хўжалик механизмини такомиллаштириш борасидаги тадбирлар билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожлантирилсин. Мусобақанинг шонли анъаналари кўпайтирилсин, ҳар бир меҳнат коллективида чинакам ижодий изланиш, меҳнат мусобақаси ва ўртоқларча ўзаро ёрдам, топширилган иш учун юксак масъулиятни сезиш, камчиликларга, меҳнат интизомини бузишга муросасизлик вазияти вужудга келтирилсин.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида барча ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимларнинг, мутахассислар ва хизматчиларнинг, бригада, участка, звено, бўлим ва фермалар, корхоналар, бирлашмалар, совхозлар, колхозлар, ташкилотлар ва муассасалар коллективларининг, шаҳар, район, область, ўлка ва республикалар меҳнаткашларининг актив иштирок этиши таъминлансин.

2. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети «Самарали ва сифатли ишлайлик!» мусобақанинг шиори бўлиб қолиши керак, деб таъкидлайдилар. Бунинг маъноси шуки, жамоат мулкига омилкорлик билан қараш, мавжуд барча ресурслардан, бутун ишлаб чиқариш потенциалидан моҳирлик билан самарали фойдаланиш, кам куч ва кам маблағ сарфлаган ҳолда юксак натижаларга эришиш керак. Мусобақадошларнинг куч-ғайрати меҳнат унумдорлигини тез ўстиришга, маҳсулот сифатини оширишга, хом ашё, материал-ёқилғи ва электр энергияни тежашга, асосий фондлардан яхши фойдаланишга, маҳсулотни етказиб бериш планларини белгиланган муддат ва номенклатурада сўзсиз бажаришга йўналтирилсин.

Шу асосда қуйидагиларга эришиш таъминлансин:

халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш воситаларига, аҳолининг эса халқ истеъмол қиладиган молларга эҳтиёжини тўлароқ қондириш, янги техника ва технологияни яратиш ва жорий этиш муддатларини қисқартириш, фонд самарадорлигини кўпайтириш, материалларни камроқ сарфлаш;

ишлаб чиқаришни янада ўстириш ва деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларининг сифатини яхшилаш, озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш, ҳар гектар ердан олинадиган пировард маҳсулотни кўпайтириш учун қишлоқ хўжалиги, транспорт ва саноат корхоналарининг ишларини мувофиқлаштириб олиб бориш;

халқ хўжалиги ва аҳолининг юк ва пассажир ташишга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида ва тўла қондириш, барча транспорт турларининг ўзаро пухта ишлашини ва уларнинг фаолиятини координациялашни таъминлаш, юкларни етказиб бериш муддатларини қисқартириш ва уларни сақлаш, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш;

қурилиш муддатларини қисқартириш, ишлаб чиқариш қувватларини, маданий-маиший объектлар ва уй-жойларни ўз вақтида ҳамда муддатидан илгари ишга тушириш, битказилмаган қурилиш ҳажмларини

камайтириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришни жадаллаштириш;

хизмат кўрсатиш ҳажмлари ва турларини кенгайтириш, прогрессив формаларни жорий этиш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ва маданиятини ошириш.

3. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари, бригада, участка, бўлимларда, фермаларда мусобақани ривожлантиришга алоҳида эътибор берсинлар. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш учун курашда бу коллективларнинг роли кучайтирилсин. Ишчи ва колхозчиларнинг муқобил планларни ишлаб чиқиш, техникавий жиҳатдан асослаб берилган меҳнат нормаларини, бригада хўжалик ҳисобини, тежамкорлик ва сифат шахсий варақаларини жорий этиш, белгиланган иш ҳажмини кам сонли ходимлар билан бажариш соҳасидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин ва кенг ёйилсин.

Мусобақа илғорлари, коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективлари ишлаб чиқариш, жамоат ҳаётида ва турмушда намуна кўрсатишлари лозим.

4. Министрликлар, идоралар, партия, совет, касаба союз, комсомол органлари, хўжалик раҳбарлари сифат кўрсаткичларини яхшилашга, аввало меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархни камайтириш, фойдани, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларидан самаралироқ фойдаланишга, ресурсларни тежаш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришга қаратилган муқобил планларни ишлаб чиқиш соҳасида меҳнат коллективларининг ташаббусини бутун чоралар билан қўллаб-қувватласинлар. Муқобил планларни муваффақиятли бажариш учун зарур моддий, ташкилий-техникавий ва иқтисодий шароитлар вужудга келтирилсин.

5. Турдош корхоналар ва ташкилотлар коллективларининг бир маромда ишлаш, энг яхши пировард натижаларга эришиш учун қулай шарт-шароитларни яратиб беришга, энг муҳим илмий-техника ва социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этиш юзасидан тармоқ комплекс программаларини муваффақиятли амалга оширишга қаратилган мусобақаси бутун чоралар билан ривожлантирилсин. Шу мақсадда қазиб чиқарувчи ва қайта ишлаб берувчи саноат тармоқлари корхоналарининг, Саян-Шушенск ва Норак гидроэлектростанцияларини, КамАЗ ва «Атоммаш» заводи қурилишида қатнашаётган меҳнат коллективларининг «ишчи эстафетаси» принципи бўйича ҳамкорлик тажрибасидан; Ленинград транспорт узели ходимларининг транспорт барча турларининг ўзаро маҳкам алоқа боғлаб ўз фаолиятини координация қилиш соҳасидаги тажрибасидан; қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, тўқимачилик саноати ва бошқа саноат тармоқларининг «Минглар шартномаси» борасидаги ҳамкорлик тажрибасидан кенг фойдаланилсин.

Министрликлар, идоралар, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка ва область ижроия комитетлари мусобақа ўтказиш тўғрисида шартнома тузган турдош корхоналар, бирлашмалар, илмий-тадқиқот, лойиҳа, конструкторлик ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб олиб боришни таъминласинлар, турдош коллективларнинг мусобақасини ривожлантиришда тармоқлараро координация кенгашлари ва жамоат штабларига зарур ёрдам бериб турсинлар.

6. Министрликлар, идоралар, касаба союзлари Марказий Комитетлари бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар коллективининг ишига баҳо берганда давлат планларининг тиғизлигини, ўсиш суръатларини, ишлаб чиқариш фаолиятининг пировард натижаларини, қувватларни ва уй-жой ҳамда маданий-маиший объектларнинг комплекс ишга тушири-

лишини, тарбиявий ишнинг қандай аҳволда эканлигини ҳисобга олсинлар, социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини йил ва беш йиллик бошидан эътиборан ўсиб борадиган якун билан таққослаб кўрсинлар.

Мусобақа қатнашчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш системаси такомиллаштирилсин. Ходимларни социалистик мусобақа натижаларига қараб мукофотлаш учун моддий рағбатлантириш фонди ва иш ҳақи фонди маблағларидан тўлиқ фойдаланилсин. Мусобақа якунларини тўплаш вақтида оператив иш олиб бориш таъминлансин.

7. Социалистик мусобақа ғолиблари қуйидагилар билан мукофотланадилар, деб белгилансин:

ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, мутахассислар ва хизматчилар — министрликлар (идоралар) ва касаба союзлари Марказий Комитетларининг фахрий дипломлари ва эсдалик совғалари ёки мукофотлари билан;

бригадалар, участка, звено, ферма, бўлимларнинг коллективлари — министрликлар (идоралар) ва касаба союзлари Марказий Комитетларининг фахрий вимпеллари ва эсдалик совғалари ёки пул мукофотлари билан;

комсомол-ёшлар бригадалари — «Энг яхши комсомол-ёшлар коллективи — беш йиллик қаҳрамонларига» кўчма Қизил байроқлари билан, диплом ва пул мукофотлари билан;

саноат, ишлаб чиқариш, илмий-ишлаб чиқариш, хўжаликлараро, аграр-саноат бирлашмалари ва бошқа бирлашмаларнинг коллективлари, уларнинг ишлаб чиқариш бўлимлари, корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда муассасалар, олий ўқув юртларининг коллективлари — КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари, диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланади. Йил якунларига қараб КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланган ҳамда муқобил планларни ва оширилган социалистик мажбуриятларни бажаришда энг барқарор ва юксак кўрсаткичларга эришган коллективлар СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади;

шаҳарлар, миллий округлар, шаҳар ва қишлоқ районлари — КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари, диплом ва пул мукофотлари билан;

Иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлка ва областлар — КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари, дипломлар билан.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси натижалари беш йилликнинг ҳар йили ва умуман беш йиллик бўйича якунлаштирилсин. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари беш йил мобайнида ҳар йили ана шу мукофотлар билан тақдирланган корхоналар, районлар, шаҳарлар, миллий округлар, область, ўлка ва республикаларга доимо сақлаш учун топширилади.

8. Корхоналар, бирлашмалар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва бошқа ташкилот ҳамда муассасаларнинг, олий ўқув юртларининг коллективларини мукофотлаш учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йилликда ишнинг юксак самарадорлиги ва сифати учун» эсдалик нишони таъсис этилсин. Иш сифатини оширишга ва ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ба-

жаришда энг яхши натижаларга эришган ҳамда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг йиллик якунларига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини олишга бир неча бор сазовор бўлган коллективлар эсдалик нишони билан мукофотлансин.

Ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, мутахассислар ва хизматчиларни мукофотлаш учун «Ўн биринчи беш йиллик зарбдори» деган ягона умумиттифоқ нишони таъсис этилсин, уларга иш самарадорлиги ва сифатини оширишда юксак натижаларга эришганликлари, топшириқларни ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажарганликлари учун эсдалик совғаси топширилади.

9. Меҳнатда ва илмий-техника ижодкорлигида энг катта муваффақиятларга эришганликлари учун социалистик мусобақа илғорлари — ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар ва мутахассисларга бериладиган СССР Давлат мукофотлари сони 25 тага кўпайтирилсин.

ВЦСПСнинг социалистик мусобақада юксак натижаларга эришган ишлаб чиқариш илғорларига бериш учун халқ хўжалик тармоқлари бўйича атоқли меҳнат ветеранлари номидаги совет касаба союзлари мукофотларини таъсис этиш ҳақидаги; Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанларни рағбатлантириш учун ҳар йили Совет Иттифоқи ва чет эллар бўйлаб 120 мингта имтиёзли туристик йўлланмалар ажратиб бериш тўғрисидаги таклифлари;

ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақада юксак натижаларга эришган комсомол-ёшлар коллективларига ва ишчи-ёшларга бериладиган Ленин комсомоли мукофотларини таъсис этиш ҳақидаги; ишлаб чиқариш илғорларини «XI беш йилликнинг ёш гвардиячиси» нишони билан мукофотлаш ва ҳар йили социалистик мусобақа ғолибларига совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат шуҳрати жойларига ҳамда қардош социалистик мамлакатларга саёҳат қилиш учун 30 мингта имтиёзли туристик йўлланмалар ажратиб бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

10. Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари социалистик мусобақани ташкил этишнинг ошкоралик, натижаларни таққослаб кўриш ва илғор тажрибани амалий равишда такрорлаш мумкинлиги каби ленинча принципларини оғишмай амалга оширсинлар.

Мусобақа ғолибларининг тажрибасини кенг ёйишга эришиш учун, бу тажрибани СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг тармоқ павильонларида кўрсатиб бериш, илғор тажриба мактабларида, иқтисодий таълим системасида, коммунистик меҳнат мактаблари ва халқ университетларида ўрганиш яхши йўлга қўйилсин.

Кўчма Қизил байроқлар билан мукофотланган коллективлар базасида корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг, партия, касаба союз ва комсомол ходимларининг семинарлари ўтказиб турилсин.

Социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини таъминлаш, мусобақа қатнашчиларининг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий фаолиятини ошириш соҳасида ғоявий-тарбиявий, пропаганда ва агитациянинг роли кучайтирилсин. Қимматли ташаббусларни кенг ёйиш ва жорий этиш, мусобақа ғолибларининг юксак натижаларга эришиш йўллари, методларини ҳар томонлама кўрсатиб бериш учун оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилсин.

СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, Сиёсий адабиёт нашриёти, Касаба союз нашриёти, «Плакат», ва «Молодая гвардия» нашриётлари, СССР Кинематография давлат комитети ўз планларида илғорларнинг тажрибасини, мусобақани, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини ривожлантиришнинг актуал проблемаларини чуқур ёритиб берадиган адабиёт, плакат, ҳужжатли ва бадиий фильмлар чиқаришни кўзда тутсинлар. Марказий

ва маҳаллий газеталарда социалистик мусобақага бағишланган махсус саҳифалар чиқариб турилсин, шунингдек «Социалистик мусобақа кундалиги» телевидение ва радио эшиттиришлари уюштирилсин.

11. Министрликлар ва идоралар касаба союзлари Марказий Комитетлари билан биргаликда ўн биринчи беш йилликда тармоқларда ўтказиладиган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси шартларини ишлаб чиқсинлар ва СССР Давлат меҳнат комитети ва ВЦСПС билан келишиб олиб уни тасдиқласинлар.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети ишчилар ва колхозчилар, инженер-техник ва илмий ходимлар, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги барча меҳнаткашлар ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини янада кенг авж олдирадилар, КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга оширишни таъминлайдилар, деб қаттиқ ишонч билдирадилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Биз, республика партия ташкилоти активи йиғилишининг қатнашчилари, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари каби КПСС XXVI съезди қарорларини ғоят баланд руҳ билан ва социалистик Ватанимиздан чексиз фахрланиш туйғуси билан қабул қилдик.

Мамлакат коммунистларининг анжумани жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга молик воқеа, совет халқининг коммунизм чўққилари сари тобора олға ҳаракати йўлидаги муҳим босқич бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг ленинча йўли ва амалий фаолиятини, жонажон Коммунистик партиянинг доно ички ва ташқи сиёсатини, Ҳисобот докладида ўртага қўйилган қоидалар ва вазифаларни астойдил маъқуллаб ва якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини тобора мустаҳкамлаш, совет кишиларининг фаровонлигини муттасил ошириш, планетамизда тинчликни сақлаб қолиш соҳасидаги тинимсиз ва кўп қиррали фаолиятлари учун Марказий Комитетга, унинг Сиёсий бюросига, азиз Леонид Ильич, шахсан Сизга ўзимизнинг самимий ташаккуримиз ҳамда чуқур миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Леонид Ильич, Сиз сиёсий ва давлат арбобига хос буюк фаолиятингиз билан совет халқининг астойдил меҳр-муҳаббатига, бутун дунё меҳнаткашларининг самимий хайрихоҳлигига сазовор бўлдингиз.

Бутун планетадаги холис ниятли кишилар Сизни содиқ марксчи-ленинчи, тинчлик ва халқлар дўстлиги йўлидаги оташин ва эҳтиросли курашчи, битмас-туганмас ғайрат-шижоатга, партия билан халқни жипслаштириб, коммунистик қурилишнинг улуғвор режаларини муваффақиятли равишда рўёбга чиқаришга йўллай олиш маҳоратига эга бўлган истеъдодли раҳбар ҳамда ажойиб ташкилотчи деб биладилар.

КПСС Марказий Комитетининг съездга Ҳисобот доклади — марксизм-ленинизмнинг ижодий ривожи, илмий коммунизм, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати назарияси ҳамда практикасига қўшилган янги салмоқли ҳиссадир. Ҳисобот докладида партиянинг КПСС XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги кўп қиррали фаолияти зўр таассурот қолдирадиган тарзда ифода этилган, иқтисодий стратегия, СССРнинг бунёдкорлик йўлидан, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашиш йўлидан ҳаракат қилиб боришининг илҳомбахш истиқболлари кўрсатиб берилган.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўзининг тарихий съездини ленинча Марказий Комитет теварагига маҳкам жипслашган, бутун совет халқи билан метиндек бирлашган ҳолда кутиб олди. Қудратли ва енгилмас бу партия коммунистик қурилишнинг янги бебаҳо тажрибаси билан бойиди, жамиятимизнинг раҳбар ва раҳнамо кучи сифатида унинг роли ошди. Совет халқи унинг синалган раҳбарлигида ҳаётнинг

барча соҳаларида ажойиб тараққиётга эришди, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда яна бир катта қадам қўйди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун совет халқи билан бир сафда туриб, жонажон партиянинг XXVI съездини кутиб олдилар. Улар ўз бурчини бажарганликларидан мамнуният ҳисси билан ўнинчи беш йилликнинг якунларини чиқардилар. Ўтган йиллар мобайнида ишлаб чиқарувчи кучлар талай даражада ўсди, фан ва маданият янада ривож топди, халқ фаровонлиги юксалди. Азиз Леонид Ильич, республика ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлиларининг шонли меҳнат зафарлари Сизнинг табрикномаларингизда юксак баҳога сазовор бўлди. Жуда катта сафарбар қилувчи кучга эга бўлган ана шу ҳужжатлар самимий миннатдорчилик туйғуси билан кутиб олинди, улар омманинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини ривожлантиришга қудратли омил бахш этди.

Республика шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг қарорларига амалий иш билан жавоб қайтариб, янги беш йилликнинг зарбдор вахтасига кирдилар, иш самарадорлиги, сифатини ошириш резервларидан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. 1981 йилги ва умуман ўн биринчи беш йиллик планлари ҳамда социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун мусобақани авж олдириб юбормоқдалар.

Йиғилиш қатнашчилари мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларини республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан тўла-тўкис ва батамом қўллаб-қувватлаб, маъқуллайдилар.

Республика партия ташкилоти съезд қарорларини ҳар бир партия ташкилотига, ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир совет кишисининг қалбига етказишни, халқ хўжалигини барқарор, шитоб билан ривожлантириш асосида меҳнаткашлар фаровонлигини янада ўстиришни таъминлашни ўзининг бош вазифаси деб билади. Биз ялпи пахта ҳосилини бундан буён ҳам ошириб боришни, озиқ-овқат программасини ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшишни, дон, гўшт, сут, сабзавот ва мева етиштиришни талай даражада ўстиришни таъминлаб туришни ҳам ўзимизнинг вазифамиз деб билaмиз.

Республика партия ташкилотлари идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада такомиллаштиришни, оммавий ахборот воситалари — матбуот, телевидение, радиога раҳбарликни яхшилашни, КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини кенг кўламда тушунтириш ва пропаганда қилишда уларнинг ролини оширишни ўзларининг бурчи деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси — КПСС нинг ажралмас таркибий қисми. У КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган бўлиб, ягона мақсад — коммунизм тантанасига эришишга интилмоқда.

Республика партия ташкилоти активининг йиғилиши Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари партия XXVI съездининг тарихий қарорларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун курашга ўзларининг бутун кучлари, билимлари, ғайрат-шижоатларини сарфлайдилар, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар, деб КПСС Марказий Комитетига, азиз Леонид Ильич, шахсан Сизга ваъда беради.

Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитети!

Коммунизмнинг актив бунёдкори — совет халқига шон-шарафлар!

БУЮК БУНЁДКОРЛИК ПРОГРАММАСИ

КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВнинг республика партия активи йиғилишида «КПСС XXVI съездининг якунлари ва Ўзбекистон партия ташкилотининг съезд қарорларидан ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладидан келиб чиқадиган вазифалари» тўғрисида 1981 йил 11 мартда қилган доклади

Ўртоқлар!

23 февралдан 3 мартгача Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди бўлиб ўтди. Совет коммунистларининг тарихий анжумани ҳамма жойда жаҳоншумул аҳамиятга молик жуда катта воқеа деб таърифланмоқда. Съезд КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари тўғрисидаги докладини тинглаб, муҳокама қилди.

Съезд СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Тихоновнинг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисидаги докладини ҳам муҳокама қилди.

КПСС XXVI съезди партия ва Совет давлатининг ички сиёсат соҳасида ҳам, ташқи сиёсат соҳасида ҳам ҳозирги замоннинг барча етилган саволларига равшан ва мукаммал жавоблар берди. У партия билан халқнинг бузилмас бирлигини янги куч билан намойиш этди. КПСС Улуғ Октябрь ишини комил ишонч билан давом эттираётганини, Лениннинг ўлмас ғояларини изчиллик билан амалга ошираётганини тасдиқлади.

Съезд делегатларнинг состави жиҳатдан ҳам, хорижий дўстларнинг сони жиҳатдан ҳам совет коммунистларининг энг ваколатли анжумани бўлди. Съезд ишида 4 минг 994 делегат — 17 миллиондан зиёд аъзоси бўлган Ленин партиясининг вакиллари қатнашди. Улар коммунистик қурилиш ва ижтимоий ҳаёт соҳаси барча жабҳаларининг, совет коммунистлари барча авлодларининг вакиллари эдилар. Бу ҳол ўртага қўйилган масалаларни кенг, принципиал ва амалий тарзда муҳокама қилиш, ривожланган социализм жамиятининг эҳтиёжлари ва имкониятларига, бизнинг мақсадларимиз ва идеалларимизга энг тўла жавоб берадиган қарорлар қабул қилиш имконини берди.

КПСС XXVI съезди бутун халқаро жамоатчилик ва матбуотнинг диққат марказида бўлди. Унда планетанинг барча қитъаларидаги 109 мамлакатдан келган коммунистик, ишчи, миллий-демократик ва бошқа партиялар ҳамда ташкилотларнинг 123 делегацияси қатнашди.

Съезд қарорлари хорижий мамлакатлардаги ҳукумат, сиёсий, савдо-сотиқ ҳамда жамоат доираларининг диққат марказида турибди. Леонид Ильич Брежневнинг докладини 80-йиллардаги энг муҳим жаҳон проблемаларини ҳал қилишнинг аниқ йўллари кўрсатиб берилган тарихий ҳужжат деб атамоқдалар.

Съезд совет халқининг сиёсий авангарди сафларида бирлик ва жипслик ҳукм сураётганини яққол кўрсатди, бу бирлик ва жипслик Ленин партиясига куч-ғайрат бағишламоқда ва уни енгилмас қилмоқда.

Съезд барча партия ташкилотлари ва ҳамма меҳнаткашларнинг фикрини ифодалаб, партия Марказий Комитетининг ленинча йўлини ва амалий фаолиятини тўла-тўкис маъқуллади. Съезд КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладини маъқуллади ҳамда барча партия ташкилотларига ўз ишларида ички ва ташқи сиёсат соҳасида ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида баён этилган қоидалар ва вазифаларга амал қилишни таклиф этди.

Партия XXVI съезди янги таҳрирдаги КПСС Программасини тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Съезд «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»ни якдиллик билан тасдиқлади.

Съезд делегатлари КПССнинг раҳбар органларини сайладилар. Бутун партиямиз ва халқимиз ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС МК Бош секретари қилиб сайланганлигини зўр жўшқинлик, қизғин якдиллик билан маъқуллаб кутиб олди. Бунда Леонид Ильичнинг партия ва Совет давлатининг тан олинган раҳбари, улуғ Ленин ўлмас ишининг муносиб давомчиси, ҳозирги замоннинг улкан сиёсий ва давлат арбоби, тинчлик ва коммунизм учун оташин курашчи сифатидаги юксак обрўси яна бир карра ёрқин намоён бўлди.

Съезд бутун халқнинг сиёсий ва меҳнат соҳасидаги жўшқинлиги вазиятида ўтди. Ишчилар коллективлари, қишлоқ хўжалик меҳнатчилари, интеллигенция вакилларидан унинг номига ўн минглаб табрикномалар ва рапортлар келди. Бу жамиятимизнинг қудратли ижодий кучларини бутун жаҳонга яққол кўрсатди.

Ўртоқлар! Совет халқининг энг муҳим манфаатлари,— XXVI съезд ишлаб чиққан программанинг марказидадир. Ана шу программанинг мазмуни, унинг принципиал йўналишлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида чуқур ва ҳар тарафлама баён қилиб берилди.

Ижодий марксизмнинг мана шу буюк ҳужжатида Коммунистик партиянинг кўп қиррали фаолияти ва совет халқининг фидокорона меҳнати якунланди, ҳозирги босқичда партия социал-иқтисодий сиёсатининг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланди. Доклад партияни янги назарий хулосалар билан бойитади, амалий вазифаларни ҳал этиш йўлларини кўрсатади, барча совет кишиларини юксак пировард натижаларга эришишга сафарбар этади.

Докладда халқаро аҳволни, жаҳон революцион жараёнини далилисботлар билан таҳлил этиш катта ўрин олган. Унда партиямизнинг мустаҳкам тинчликни таъминлашга, ядро уруши хавфининг олдини олишга қаратилган янги амалий таклифлари баён этиб берилган.

Жаҳон социалистик системаси империализмга қарши, халқларнинг тинчлиги, социал тараққиёти ва бахт-саодати учун курашда бош куч эканини кейинги йиллардаги ҳамма энг муҳим воқеалар аниқ-равшан исботлади. Ҳисобот докладида Совет Иттифоқининг қардош социалистик мамлакатлар билан дўстлиги ва ҳамкорлигини, уларнинг узвий ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашнинг хилма-хил формалари тасвирлаб берилди. Қардош партияларнинг якдиллик билан билдирган фикрича, ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади социализм ва тинчлик учун, ривожланган социалистик жамият қуриш, социалистик мамлакатларнинг

жипслигини мустаҳкамлаш учун курашда коммунистларнинг ҳаракат программасидир.

Съездда таъкидлаб ўтилганидек, партиямиз озодликка эришган мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириш, жаҳон социализми билан миллий-демократик ҳаракатнинг иттифоқини мустаҳкамлаш йўлига қатъий амал қилмоқда. У халқаро ишчилар синфи ва унинг сиёсий авангарди — коммунистик ва ишчи партиялар билан бирдамликни доимо мустаҳкамламоқда.

XXVI съезд ҳозирги капитализмни чуқур илмий анализ қилиб берди, капитализмнинг ва аввало АҚШнинг ҳукмрон доиралари ўз тузумининг зиддиятларидан чиқишнинг чорасини экономикани милитаризация қилиш ва агрессиядан ахтармоқдалар.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати СССРда коммунизм қурилишининг тинч шароитларини таъминлаш учун, агрессив империалист кучларнинг кирдикорларини фош қилиш ва барбод этиш учун, тинчликни ҳимоя қилиш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилмоқдалар.

Леонид Ильич Брежневнинг докладида тинчликни сақлаб қолиш, ядро урушининг олдини олиш, маъносиз қуролланиш пойгасини жиловлашга оташин даъват яна янгради. Бу даъват халқаро вазиятни тубдан соғломлаштиришга қаратилган конкрет таклифлар билан мустаҳкамланди.

Партия, съезд қарорларини бажара бориб, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик сиёсатини, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун, ижтимоий тараққиёт учун кураш сиёсатини бундан буён ҳам изчиллик билан турмушга ошираверади.

Ўртоқлар! XXVI съезд ишида КПССнинг социал-иқтисодий сиёсати масалалари жуда муҳим ўрин олди. Ўнинчи беш йилликда коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этишда янги шахдам қадам қўйилганлиги зўр мамнуният билан қайд этилди. Ўтган беш йилликнинг энг муҳим якуни шундан иборат бўлдики, партия XXV съезди белгилаган сиёсий ва асосий социал-иқтисодий вазифалар муваффақиятли бажарилди.

Ўнинчи беш йилликда тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан миллий даромад 400 миллиард сўм ортиқ бўлди. Миллий даромаднинг бешдан тўрт қисми бевосита истеъмолга, уй-жой ва социал-маданий қурилишга сарфланди.

Фан-техника тараққиёти ва бошқаришни такомиллаштириш негизида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги оширилди. Ижтимоий меҳнат унуми 17 процент ошди.

Партия халқнинг турмуш даражасини ўстиришни экономика соҳасидаги амалий ишнинг марказига қўйди. Бу йўл етук социализм жамияти социал ривожининг ҳамма соҳаларида яхши самаралар бермоқда. Беш йил ичида халқнинг турмуш даражасини оширишга миллий даромаддан тўққизинчи беш йилликдагига қараганда 329 миллиард сўм ортиқ маблағ ажратилди. Ижтимоий истеъмол фондлари 527 миллиард сўмни ташкил қилди, кўпгина озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини истеъмол қилиш кўпайиб бормоқда. Уй-жой қурилиши кенг миқёсларда олиб борилди. Хизмат кўрсатиш соҳаси янада ривож топди.

КПСС XXVI съезди ўнинчи беш йиллик якунларини таҳлил этар экан, қилинган ишга муносиб баҳо бериш билан бирга, қийинчиликларни, камчиликларни, ҳал этилмаган проблемаларни кўрсатиб берди. Партия уларни яхши билади ва экономиканинг ўсишига халақит бераётган тўсиқларни тугатиш учун ҳамма ишни қилмоқда.

Ўртоқлар! Ўзбекистон диёрида ҳам ўнинчи беш йилликда улуғвор ишлар қилинди, катта зафарларга эришилди, Совет Ўзбекистони ўнинчи беш йилликнинг асосий вазифаларини муваффақиятли бажарди. Шу

йилларда республика экономикаси, фан ва маданияти гуркираб ривож топди, халқ фаровонлиги муттасил ошди.

Беш йил ичида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 27,4 процент, халқ истеъмол моллари — 47 процент кўпайди, белгиланган йиллик планлардан ортиқча бир ярим миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди.

Капитал қурилишда ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Асосий фондларни ишга солиш, капитал маблағларни ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ишлари бўйича беш йиллик план ошириб бажарилди. 1980 йилда кўп йиллар мобайнида биринчи марта битмай қолган қурилишлар ҳажми анча камайди.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш изчил амалга оширилди. Беш йил ичида республика қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти ўртача йиллик ишлаб чиқаришини топшириқдаги 22 процент ўрнига 25,5 процент кўпайтирди. Барча турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш анча ошди.

Биз съезд минбаридан туриб республика КПССнинг XXV съездига берган ваъдасини шараф билан бажарганини партияга, бутун совет халқига маълум қилдик. Республика Ватанимиз пахтачилиги тарихида биринчи марта олти миллион тоннали маррадан ошиб кетди. Ўтган йили рекорд миқдорда — 6 миллион 237 минг тонна пахта сотилди, ҳаммаси бўлиб эса ўнинчи беш йилликда Ўзбекистон колхоз ва совхозлари Ватанга 28,5 миллион тонна, яъни тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 4 миллион тонна кўп пахта бердилар.

Ўртоқлар! КПСС XXVI съезди саксонинчи йилларда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг улуғвор программасини тасдиқлади. Съезд ривожланган социалистик жамиятнинг юксак иқтисодий потенциалига таяниб, экономикани, халқ фаровонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган хилма-хил вазифаларни ҳал этиш сари янада кескин буриб юбориш йўлини белгилади.

80-йилларда экономикани интенсив ривожланиш йўлига узил-кесил ўтказиш, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини фан ва техниканинг илғор марраларига олиб чиқиш, меҳнат унумдорлигини ва сифатини кескин ошириш, мамлакатнинг жуда катта иқтисодий, ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциалидан тўла-тўкис фойдаланишни, ҳамма турдаги ресурсларни бутун чоралар билан тежашни ва иш сифатини яхшилашни таъминлаш лозим. Ҳозирги босқичдаги партия иқтисодий стратегиясининг моҳияти мана шундан иборат. Бу сиёсатни барча совет кишилари якдиллик билан маъқуллаб кутиб олдилар.

Партия XXVI съезди қарорлари асосида республика халқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш юзасидан жуда катта иш қилишимиз керак. Аввало, халқ фаровонлигини изчиллик билан ошириш тадбирлари системаси бажарилиши; экономиканинг муттасил ўсиши таъминланиши, ижтимоий ишлаб чиқариш структураси такомиллаштирилиши; ҳамма тармоқларда ҳар томонлама интенсивлаш асосида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги сабот билан оширилиши, маҳсулот ва хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиши; фан-техника тараққиётини янада тезлаштириш таъминланиши; табиатни муҳофаза қилиш кучайтирилиши, экономиканинг ҳамма бўғинларида бошқарув такомиллаштирилиши ва хўжалик юритиш даражаси кўтарилиши лозим.

Халқ хўжалигининг самарадорлиги фан-техника тараққиётининг жадаллашуви билан чамбарчас боғланган. Ҳозирги кунда янги жамиятни илм-фансиз қуришни мутлақо тасаввур этиб бўлмайди.

Аввало илмий тадқиқотлар бутун системасини ташкил этишни яхшилаш, республика Фанлар академиясининг йўналтирувчи ва мувофиқлаштирувчилик фаолиятини кучайтириш, илмий муассасаларнинг эҳтиёжлари тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилиш муҳитини вужудга келти-

риш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги масала турибди.

Олимларнинг куч-ғайратлари назарий проблемаларни ишлаб чиқиш билан бирга ишлаб чиқаришга чинакам революцион ўзгаришлар кирита оладиган кашфиётлар қилишга қаратилиши лозим. Илм-фан халқ хўжалигини олға силжитиши, «танг жойлар»ни ўз вақтида пайқаб олиши ва уларни тугатиш йўлларини кўрсатиб бериши керак.

Л. И. Брежневнинг Ҳисобот докладида бутун мамлакат олимлари олдига қўйилган вазифалар республикамиз Фанлар академиясининг илмий коллективлари, тармоқ тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари зиммасига уларни муваффақият билан рўёбга чиқариш учун катта масъулият юклайди. Олимларнинг куч-ғайратини экономиканинг энг муҳим масалаларини ҳал этишга сафарбар қилиш, илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга интилиш, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан боғланишини кучайтириш, рационализаторлар ва ихтирочилар ҳаракатини кенгайтириш, тадқиқотларнинг актуаллиги, самарадорлиги ва жорий этилиши учун илмий муассасалар, министрликлар ва идоралар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш зарур.

Биз Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида экономиканинг барча тармоқларини, фан ва маданиятни янада ривожлантиришнинг конкрет вазифаларини ва бу вазифаларни амалга ошириш йўлларини батафсил муҳокама қилган эдик. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун резервлардан, иқтисодий ўсишнинг интенсив омилларидан янада тўла-тўкис фойдаланиш, ленинча иш услубини сабот билан эгаллаш лозим.

Ўн биринчи беш йилликда саноат ишлаб чиқариши янада ривож топади. Умуман республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 28—31 процент, меҳнат унумдорлиги 23 процент ортиши керак. Электр энергия ҳосил қилиш 1985 йилда 44—45 миллиард киловатт-соатга етказилади. Минерал ўғит ишлаб чиқариш 1,4 баравар кўпайтирилади.

Индустриянинг ҳамма тармоқларини, аввало фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқларини комплекс ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Олмалиқ кон-металлургия ва Бекобод металлургия комбинатларининг қувватлари оширилиши, Тошкент трактор заводида, Ангрен 2-ГРЭСида, Андижон ва Нукус шаҳарларидаги ип газлама комбинатларида, енгил саноатнинг трикотаж фабрикалари ва бошқа корхоналарида, шунингдек озиқ-овқат саноатида янги қувватлар ишга туширилиши лозим.

Шу билан бирга КПСС XXVI съезди таъкидлаб ўтганидек, биз «А» группа тармоқларининг ўсиш суръатларига нисбатан «Б» группа тармоқларини илдамроқ суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашимиз керак. Бу вазифанинг қўйилиши тасодифий ҳол эмас, чунки халқ бахт-саодати, унинг турмуш ва маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партиямиз фаолиятининг олий қонунидир.

1985 йилда 560—570 миллион квадрат метр ип ва шойи газлама, 480—485 минг тонна ўсимлик ёғи, бир миллиард шартли банкадан кўпроқ мева-сабзавот консерваси, халқ истеъмол қиладиган бошқа кўпгина моллар ишлаб чиқаришимиз керак.

Шу сабабли область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, барча совет, хўжалик органлари ва касаба союзлари, саноатнинг барча тармоқлари, жамики корхона ва ташкилотлар аҳолига керакли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини ошириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилишлари зарур. Белгиланган планларнинг бажарилиши совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун дуруст имкониятлар яратиб беради.

Шу мақсадда кичик шаҳарларда, район марказларида ва ишчи посёлкаларида саноатни янада ривожлантириш керак. Бу иш шунчаки хўжалик иши бўлиб қолмай, балки катта социал аҳамиятга молик сиёсий ишдир.

Ўнинчи беш йилликда бу соҳада республика катта силжишларга эришди. Эндиликда аҳолининг истеъмол моллари ва хизматга бўлган талабини планли тарзда қондириш йўлидаги куч-ғайратимизни икки-уч баравар оширишимиз лозим.

Биз саноат ишлаб чиқариши структурасини такомиллаштиришни, ёқилғи-энергетика комплекси қувватларини оширишни, янги юксак даражада самарали техника яратиш, ўзлаштириш ва жорий этиш миқёсларини кенгайтиришни давом эттиришимиз лозим. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш, конструкцион материаллар хиллари ва турларини кенгайтириш ва янгилаш тадбирлари белгиланмоқда. Маҳаллий хом ашё ва материаллардан бутун чоралар билан фойдаланиш, катта ва кичик ишларда тежамкор бўлиш керак.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш формаларини такомиллаштириш, саноат тармоқлари ва айрим корхоналар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқаларини яхшилаш борасида кўп иш қилиниши лозим. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кооперациялаш ва марказлаштириш даражаси оширилади, ишлаб турган корхоналарнинг техника билан қайта қуроллантирилиши ва реконструкция қилиниши миқёслари кенгайтирилади. Биз ишлаб чиқариш қувватларидан ва асосий фондлардан фойдаланишни яхшилашга, машина ва ускуналарнинг иш сменаси коэффициентини оширишга, илғор технологияни, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни илмий ташкил этишни кенгроқ жорий қилишга жуда катта эътибор беришимиз лозим.

Мана шу вазифаларнинг амалга оширилиши партия комитетларидан, барча саноат ходимларидан юксак ижодий ғайрат, ташаббускорлик, омилкорлик, интизом ва уюшқоқликни талаб қилади.

Илғор тажрибани жорий этиш, кадрларнинг масъулиятини ошириш, камчиликларга қарши кескин курашиш айниқса муҳимдир.

Экономикани интенсивлаш, унинг самарадорлигини ошириш транспорт ва алоқа, айниқса темир йўл транспорти ишига нисбатан юксак талаблар қўймоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев съезддаги докладида йўллар, транспорт, алоқа экономиканинг ўсиб бораётган эҳтиёжларидан орқада қолаётганини таъкидлади. Бу камчиликлар бизнинг республикамизда ҳам бор.

Автомобиль транспорти, қурилиш ва автомобиль йўлларидан фойдаланиш министрликлари, Ўрта Осиё темирйўли, гражданavиацияси бошқармалари, бошқа министрликлар ва идоралар янги қувватларни ишга солишни илдам суръатлар билан таъминлашлари, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилишни тугаллашлари, транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини анча оширишлари лозим.

Йўлларнинг хизмат имкониятини ошириш, локомотивлар ва вагонлардан янада самарали фойдаланиш, юк ва пассажир поездларининг ҳаракат тезлигини ошириш зарур. Автотранспортни модернизациялаш тадбирлари активроқ амалга оширилиши, у кўп юк ортиладиган машиналар, прицеплар ва ярим прицеплар билан таъминланиши, марказлаштирилган тарзда юк ташиш кенг жорий этилиши керак.

Ҳаво транспортида магистрал ва маҳаллий йўллардаги аэропортлар тармоғини ривожлантириш давом эттирилиши, уларни замонавий механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари билан таъминлаш давом эттирилиши, хизмат кўрсатишнинг умумий маданияти оширилиши керак.

Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги аввало

Қарши даштида ва Қорақалпоғистон АССРда янги ерлар ўзлаштирилаётган районлардаги йўл тармоғини янада ривожлантириш суръатларини тезлаштириши, автомобиль йўллари қуриш, ремонт қилиш ва ободонлаштириш сифатини яхшилаши лозим.

Янги телефон станцияларини ишга тушириш муддатларини тезлаштириш, алоқанинг бошқа турдаги воситаларини ривожлантириш тадбирлари белгиланмоқда.

Беш йиллик топшириқларининг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан 1981 йилдаги ишга боғлиқ. Республика саноат ходимлари ишни яхши бошлаганликларини икки ойнинг якунлари кўрсатиб турибди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 103,4 процент бажарилди. Қўшимча равишда 67 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ҳамма областлар пландан ташқари маҳсулот реализация қилиш мажбуриятларини бажарди.

Афсуски, саноатга пухта раҳбарлик, ишга давлат манфаатларини кўзлаб ёндашиш ҳамма жойда ва ҳамма участкада ҳам таъминланди, деб бўлмайди. 19 корхона маҳсулотни реализация қилиш бўйича икки ойлик планни удда қилмади, 63 корхона ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича топшириқни бажармади.

Партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари қолоқликка йўл қўйилган министрликлар ва идоралардаги, корхоналар ва бирлашмалардаги ишларнинг аҳволини таҳлил этиб чуқур суриштиришлари ҳамда қолоқликни тугатиш учун зарур чора-тадбирларни кўришлари керак. Бизнинг саноатимиз, транспорт ва алоқа уюшқоқлик билан бир маромда, графиклардан ўзиб ишлаши, қолоқларсиз ишлаши мумкин ва лозим. Партия XXVI съездининг талаби мана шундай. Бинобарин, биз бу талабни сўзсиз бажаришимиз керак.

Ўртоқлар! Ўн биринчи беш йиллик республика қурувчилари олдига бениҳоя катта вазифалар қўймоқда. Янги Ангрен ва Толимаржон ГРЭСларининг дастлабки энергетика блоклари, В. И. Ленин номидаги Бекобод металлургия комбинатидаги прокат стани, Қўқондаги янги химия заводи, аммиак ва олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарадиган янги катта қурилмалар, «Б» группа тармоқларидаги кўпдан-кўп корхоналар, чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикалари қуриб битказилиб, ишга туширилиши лозим. Уй-жой бинолари ва социал объектлар қурилиши аввалгидек кенг ҳажмда амалга ошириладеради.

Госплан, СССР Давлат банки билан қурилиш банкининг республика конторалари, министрликлар ва идоралар куч ҳамда маблағларни ишга тушириладиган ва энг муҳим қурилишларга марказлаштириш ишида кўпроқ принципиаллик ва қатъият кўрсатишлари, янги бошланадиган ва айни вақтда қуриладиган объектларнинг қисқартирилишига эришишлари керак.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни энг кўп миқдорда оширишни таъминлайдиган корхоналарни тезроқ қуриб, ишга туширишни таъминлаш йўли бош йўналиш бўлиб қолиши лозим. Қурилиш ишларини инженерлик жиҳатдан тайёрлашни доимо такомиллаштириш, индустриялаш ва комплекс механизациялаш даражасини, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларини ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги объектларни бир маромда ва комплекс ишга тушириш — қурилиш ва монтаж министрликлари, идоралари ва ташкилотларининг бурчидир.

Пардозлаш ишларини механизациялашга алоҳида эътибор бериш лозим. Қурилиш ишларининг жами ҳажмида пардоз ишлари 22 процентни ташкил қилса ҳам, бу ишларни бажаришда барча қурувчи ишчиларнинг 40 проценти бевосита банд эканини анализ кўрсатиб турибди.

Ўн биринчи беш йиллик дастлабки йилининг икки ойи ўтиб бўлди. Бу ойлар ишга тушириладиган, шу жумладан КПСС МК назорати ос-

тида бўлган бир қанча объектларда анча қолоқликка йўл қўйилганлигини кўрсатди. Баъзи пудрат ташкилотлари, шу жумладан республика Қурилиш министрлиги икки ой мобайнида бир квадрат метр ҳам уй-жойни фойдаланишга топширмадилар.

Партия комитетлари, совет ва хўжалик органлари, министрликлар ва идоралар, пудратчилар ва буюртмачилар ўз ишларини қатъиян қайта қуришлари керак. Асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга туширишни таъминлашга, шунингдек уй-жой, коммунал-маиший ва социал-маданий объектлар қурилишига, чала қолган қурилишларни камайтиришга биринчи даражали аҳамият бермоқ даркор.

Ўртоқлар! XXVI съезд халқ фаровонлигини янада юксалтиришнинг кенг программасини ишлаб чиқди. Бу программа совет кишилари турмушининг ҳамма соҳаларини яхшилашни кўзда тутади. Аҳолининг реал даромадлари, ижтимоий истеъмол фондлари, ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи кўпаяди. Чакана товар обороти ва маиший хизмат ҳажми бир ярим баравар ортади. 30 миллион квадрат-метр уй-жой қурилади. Маориф, соғлиқни сақлаш ва маданиятни янада ривожлантириш тадбирлари белгилаб қўйилди.

Энг муҳими шундан иборатки, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда кенг истеъмол қилинадиган саноат моллари билан таъминлашни яхшилаш керак. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш проблемасини тубдан ҳал этиш мақсадида махсус озиқ-овқат программасини ишлаб чиқиш зарур деб топилди.

«Бу программа,— деди Леонид Ильич Брежнев Ҳисобот докладида,— қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг анча кўпайтирилишини таъминлаши керак... бу программанинг ўз олдига қўйган мақсади аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш вазифасини мумкин қадар қисқа муддатларда ҳал этишдан иборатдир».

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш озиқ-овқат программасининг асосидир. Аввало озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан чорвачилик маҳсулотлари етиштирадиган тармоқларни юксалтириш унинг асосидир.

Республика партия ташкилотининг бош вазифаси пахта етиштиришни белгиланган ҳажмда кўпайтириш билан бирга, чорвачиликни жадал ривожлантиришни, ембоп дон ва озуқабоп бошқа маҳсулотлар, шоли, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, узум етиштиришни ва уларни қайта ишлаш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳар томонлама юксалтиришни таъминлашдан иборат.

1980 йилнинг ва умуман ўнинчи беш йилликнинг якунлари тўғрисида биз Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига батафсил ахборот берган эдик. Ўзларингизга маълумки, республика қишлоқ хўжалиги соҳасида яхши, айтиш мумкинки, аъло якунларга эришилди.

Тўққизинчи беш йилликка нисбатан пахта етиштириш 16 процент, дон 2,3 баравар, мева-сабзавот 1,5, гўшт 1,3, сут 1,4, тухум 1,6 баравар кўпайтирилди.

Мана шуларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигимизнинг ишлаб чиқариш потенциали юксалганлигидан далолат беради. Эндиги вазифа эришилган натижаларга таяниб аграр-саноат комплексининг самарадорлигини янада ўстиришдан, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш ва сифатини оширишдан иборат.

Республика қишлоқ хўжалигининг ўн биринчи беш йилликдаги асосий марралари КПСС XXVI съездида тасдиқланди. Ҳамма категориялардаги хўжаликларда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ўртача йиллик ҳажми ўнинчи беш йилликка нисбатан 17—19 процент кўпайтирилиши белгиланди.

Шунга биноан биз 1981 йилда камида беш миллион 900 минг тонна пахта, 2 миллион 500 минг тонна дон, шу жумладан 1 миллион 350 минг тонна маккажўхори, 485 минг тонна шоли етиштиришни таъминлашимиз керак. Колхозларда ва давлат хўжаликларида 318 минг тонна картошка, 1 миллион 300 минг тонна сабзавот, 565 минг тонна полиз маҳсулотлари, 310 минг тонна мева, 470 минг тонна узум, 27,5 минг тонна пилла, 29,5 минг тонна тамаки, 320 минг тонна каноп етиштирилади. Гўшт етиштириш 320 минг тоннага, сут етиштириш 950 минг тоннага етади, тухум етиштириш бир миллиард донадан ошиб кетади.

Республикамизда юксак марралар белгиланганини кўриб турибсизлар. Мана шу марраларни эгаллаш учун қишлоқда катта ташкилотчилик иши олиб борилиши лозим.

Ер ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси, бойликнинг асосий манбаидир. Ердан самарали фойдаланиш, дала ҳосилдорлиги узлуксиз ўсишини таъминлаш — энг муҳим вазифамиздир. Ҳали кўпгина хўжаликлар қулай об-ҳаво шароитларида ҳам паст ҳосил олаётганликларига муросасозлик билан қарашимиз керак эмас. Ўтган йили 307 та колхоз ва совхоз гектар бошига 30 центнердан кам пахта ҳосили олди. Кўпгина хўжаликларда дон, сабзавот экинлари ҳосилдорлиги унчалик юқори эмас.

Ҳамма жойда қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш ва ҳосилни йиғиштириб олишнинг илғор технологиясини жорий этиш, деҳқончилик маданиятини сабот билан ошириш, алмашлаб экишни ўзлаштириш, минерал ўғитдан яхшироқ фойдаланиш, ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик керак.

Чорвачилик тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилишимиз лозим. Бу тармоқ, Леонид Ильич айтганидек, «ҳозир қишлоқдаги зарбдор фронтдир». Фермалар маҳсулоти етиштиришни кескин кўпайтирмасдан туриб, биз яхшигина озиқ-овқат программасини ярата, асосий озиқ-овқат проблемасини—аҳолининг гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш проблемасини ҳал эта олмаймиз. Партия ташкилотлари, хўжалик органлари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг чорвачиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарорини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV ва XIX пленумлари қарорларида тасдиқланган тадбирларни тўла-тўкис бажариш учун ғоят зўр қатъият кўрсатишлари, жамики имконият ва резервлардан фойдаланишлари керак.

Озуқа етиштиришни тубдан яхшилаш ҳамда жамоат чорвачилигининг, шунингдек гражданларнинг шахсий мулки бўлган моллар ва паррандаларнинг озуқага бўлган эҳтиёжларини қондириш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Бунда биз ем бўладиган дон ва хусусан маккажўхори етиштиришни кўпайтиришга кўпроқ эътибор беришимиз, барча озуқа экинлари ҳосилдорлигини оширишимиз керак. Аралаш, такрорий ва оралиқ экинлар экишни кенг қўлланишимиз, гектар бошига кам деганда 100 центнер озуқа бирлиги олишга ўрганишимиз лозим. Озуқани молга едиришга тайёрлашни кескин яхшилаш, ҳамма соҳаларни замонавий озуқа цехлари билан таъминлаш керак.

Республикада сув хўжалиги қурилиши кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Сув хўжалиги системаларини ишлатиш хизмати йил сайин такомиллаштирилмоқда, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда. Сув хўжалиги қурилишига сарфланаётган маблағ юксак самара бермоқда. Ўнинчи беш йилликда мелиоратив тадбирларга ажратилган маблағлар ҳисобига тўрт миллиард сўмликдан зиёд қўшимча қишлоқ хўжалик маҳсулоти олинганлиги ҳисоблаб чиқилди.

Шу билан бирга бизда маблағлардан яхши фойдаланмаслик фактлари учраб турибди, капитал маблағларни бошқа мақсадларга сарфлаб юбориш ҳоллари тугатилмаган.

Партия XXVI съездининг қарорларига мувофиқ республикада ўн биринчи беш йилликда 500 минг гектарга яқин янги ер ўзлаштириш белгиланди. Мирзачўлдаги, Қарши ва Жиззах даштларидаги массивларни ўзлаштириш, сув омборлари, ирригация каналлари ва насос станциялари қурилиши давом эттирилади. Улардан фойдаланишни такомиллаштириш ишлари авж олдириб юборилади.

Республика Госплани, Мелиорация ва сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой», партия ва совет органлари сув хўжалиги объектларини қатъий планга мувофиқ ва белгиланган муддатларда қуриб, ишга туширишни таъминлашлари керак.

Шу беш йилликдаги узоқ муддатли прогнозлар сувнинг камчил бўлишини, сув ресурсларининг камайишини кўрсатмоқда. Бу тахмин ҳозирнинг ўзидаёқ исбот бўла бошлади. Ўтган йилнинг декабрида ва бу йил ёғингарчилик кам бўлиши, нам запасининг етарли эмаслиги натижасида сув хўжалиги соҳасида мураккаб вазият вужудга келмоқда. Мана шундай шароитда сув камчиллигини тугатиш юзасидан белгиланган ишларни бутун чоралар билан тезлаштириш вазифаси биринчи ўринга қўйилмоқда. Экинларни суғориш учун керакли сувни тақсимлаш ва ундан фойдаланиш устидан контролликни кучайтириш лозим.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш вазифаларини ҳал этишда химиялашга муҳим роль ажратилмоқда. Биз кўп миқдорда минерал ўғит, гербицид, дефолиант ва бошқа химиявий воситалар оляпмиз. Дала ҳосилдорлигининг ошиши мана шу воситалардан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Бизда ҳали ўғитдан ва бошқа химиявий воситалардан ҳамиша ҳам юқори самарадорлик билан фойдаланилмаётганлиги сабабли шу ҳақда гапиришга тўғри келмоқда. Биз «Узсельхозхимия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини туздик, область ва районларда унинг бўлимларини ташкил этдик. Бироқ, химиялаш хизмати сезиларли равишда яхшиланаётгани кўринмаяпти. Бирлашма колхоз ва совхозларда ўғитлардан фойдаланишни яхшилашга дуруст таъсир ўтказмаяпти. Химиялаштириш пунктлари ва отрядлари баъзи хўжаликларда барпо қилинмаган, областлар, районлар ва хўжаликлар бўйича ўғитларни бир меъёрда етказиб бериш таъминланмаётир, аввалгича ўғитларнинг нобуд бўлишига, районлар ва хўжаликлараро, шунингдек хўжаликлар ичида уларнинг нотўғри тақсимланишига йўл қўйилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги министрлиги ишнинг мана шу участкасини мустаҳкамлаш чораларини кўриши, фан билан янада узвий алоқа ўрнатиши, колхоз ва совхозларда химиявий воситалардан, аввало минерал ўғитлардан фойдаланишни тубдан яхшилашга оид таклифларни тайёрлаши лозим.

Пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини механизациялаш соҳасида муҳим вазифалар турибди. Асосий йўналишларда пахтачиликни комплекс механизациялашни шу беш йилликда ниҳоясига етказиш кўзда тутилган. Ҳозир бизнинг пахтачилик техникамиздан кўпгина социалистик ва ривожланаётган мамлакатларда кенг фойдаланилмоқда. Бу машиналарга талаб доимо ўсмоқда. Афсуски, пахтачиликда ишлатиладиган баъзи бир тракторлар, комбайнлар, машиналар ва асбоб-ускуналарнинг қуввати ҳамда сифати ҳозирча замонавий талабларга ҳамиша ҳам мувофиқ келаётгани йўқ.

Биз пахтачиликни механизациялаштиришни янада ривожлантириш, бу тармоқни замонавийроқ юқори унумли машиналар билан таъминлаш масалаларини кўриб чиқишимиз зарур. Ватанимизнинг пахтачилик техникаси дунёда энг яхши бўлиши учун бизда ҳамма имкониятлар бор.

Ўртоқ Л. И. Брежнев съезддаги докладида бундай деди: «Умуман қишлоқ хўжалиги ҳақида гапирадиган бўлсак, бу соҳада ҳам халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги асосий проблема — самарадорлик

ва сифатни ошириш проблемаси турибди». Бизнинг вазифамиз қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ўстиришга, капитал маблағлар самарадорлигини оширишга бутун чоралар билан эриша боришдан, аграр-саноат комплексининг ҳамма тармоқлари билан алоқаларни чуқурлаштириш ва такомиллаштиришдан, маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашдан, меҳнат унумдорлигини ўстиришга ҳаракат қилишдан иборат.

Ҳозир қишлоқ хўжалигида масъулиятли давр бошланди. Қишлоқ меҳнаткашлари экиш кампаниясини шайланиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Ҳар бир хўжаликда дала ишларига тайёргарлик қандайлигини яна бир карра пухта назардан ўтказиш, техниканинг тўла шайлигини текшириш ва агрегатларга механизатор кадрларни бириктириб қўйиш, уруғлик, минерал ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш лозим. Сув камчил бўлиши кутилаётганини эътиборга олиб, нам тўплаш мақсадида суғориш суръатларини ошириш, кўпроқ органик ўғит тўплаш, насос хўжалигини шай ҳолга келтириб қўйиш, боғ ва токзорлардаги ишларни кучайтириш зарур. Беда, дон экинлари, маккажўхори, эртаги сабзавот экишни яқин кунларда тугаллаш керак. Чигит экишни агротехника жиҳатидан юқори даражада ўтказиш, унинг табиий намда униб чиқишини таъминлаш керак, албатта.

Қанот қоқиб келган баҳор — КПСС XXVI съездидан кейинги биринчи баҳордир. Партия съезди ўртага қўйган масалалар диққатимиз марказида туриши лозим. Партия, совет ташкилотлари, касаба союзлари, комсомол ва хўжалик органлари қишлоқдаги ташкилотчилик ва сиёсий иш савиясини оширишлари, 1981 йилда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларида жуда яхши кўрсаткичларга эришиш учун ҳамма ишни қилишлари керак.

Ўртоқлар! Экономиканинг актуал масалалари партия XXVI съездида батафсил, чуқур таҳлил этилганлиги шуни яққол кўрсатдики, ишнинг қайси соҳасини олиб кўрманг, ҳамма ерда олға томон муваффақиятли силжиш учун жуда катта имкониятлар, катта-катта резервлар бор, аммо, мана шу имконият ва резервлардан фойдаланиш учун планлаштириш ва бошқаришнинг янада юқори даражага кўтарилишини таъминлаш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети планлаштиришни такомиллаштириш ва республика план органларининг ишини яхшилаш масалаларига катта эътибор бермоқда. Бу — жуда тўғри. Чунки хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида олға силжишимизнинг суръатлари планнинг қандай тузилишига, бу план одамларнинг ижодий гайратини, партия программасида ёзиб қўйилган мақсадларни нақадар моҳирона ва собитқадамлик билан сафарбар этишга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Шу сабабли бутун планлаштириш ишини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш вазифаси қўйилмоқда, бу гап аввало республика Госпланига тааллуқлидир.

Госплан маҳаллий планлаштириш органлари ишини яхшилаши, меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланилишини, областлар ва районларнинг комплекс ривожланишини таъминлаши, халқ хўжалигининг мутаносиблигини такомиллаштириши, фан-техника ютуқларининг жадал рўёбга чиқарилишига эришиши керак.

XXVI съезд ишлаб чиққан йўл яқин вақт ичида беш йиллик планнинг тегишли топшириқларида ифодалаб берилади. Госплан, министрликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ҳамда область ижроия комитетлари бу ишни ўтказишда беш йиллик план лойиҳасида белгиланган кўрсаткичларнинг Асосий йўналишларда белгиланган топшириқларга, Ўзбекистон Компартияси XX съездининг қарорларига, Марказий Комитет билан ҳукуматнинг республикани иқти-

содий ва социал ривожлантириш масалалари юзасидан илгари қабул қилган қарорларига қатъий мувофиқ бўлишини таъминлашлари керак.

Шунга эришиш керакки, ўн биринчи беш йиллик учун тузилган реал, яхши балансланштирилган план партия XXVI съезди қарорларини рўёбга чиқариш юзасидан бундан буёнги бутун ишларнинг пухта асоси бўлиб қолсин.

Планларнинг илмий асосланганлигини ошириш ишида иқтисод фанини ривожлантириш, уни хўжалик практикаси эхтиёжларига яқинлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Вазифа илм-фаннинг ўзи ҳам доимо «тинчлик бермайдиган» бўлишига эришишдан иборат. Иқтисодчи олимлар ўзларининг лойиҳалари, тавсиялари, тахминлари ва илмий асосланган таклифлари билан Госпланга «таянч куч» бўлмоқлари лозим. Госплан эса иқтисодий институтларнинг ишини яхшироқ мувофиқлаштириб туриши, уларни чиндан ҳам актуал иқтисодий проблемалар ва тавсияларни ишлаб чиқишга йўллаши керак.

Ўз навбатида Госплан экономика институтлари ишини яхшироқ мувофиқлаштириши, уларни планлар тузиш учун, шунингдек республика талабларини иттифоқ органлари олдида иқтисодий жиҳатдан асослаш учун зарур бўлган ҳақиқатан актуал иқтисодий проблемаларни ҳамда тавсияларни ишлаб чиқишга йўналтириши керак.

План интизомига нисбатан қаттиқроқ талаблар қўйиш зарурлиги, фавқулодда ҳолатлардагина планларга тузатиш киритилишига йўл қўйиш масаласи партия съездида мутлақо тўғри қўйилди. Республиканинг баъзи министрликлари ўзларига қарашли корхоналарнинг планларини улардаги қувватларни иш билан тўла-тўкис таъминлашни, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини оширишни ва унинг ташкил этилишини такомиллаштиришни эътиборга олмай белгилаб келаётганлиги айниқса ташвиш туғдирмоқда, Бунинг оқибатида уч юздан ортиқ корхонада 1981 йилги план ўтган йилги даражадан 250 миллион сўмликдан зиёд кам бўлиб қолган. Булар орасида халқ истеъмол қиладиган моллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар анчагина бор.

Ҳисобот докладида бошқарувнинг ташкилий структуралари масалалари соҳасида орттирилган тажрибани ва бу масалаларга ижодий ёндашишни назарда тутиб, мазкур структураларни такомиллаштиришни давом эттириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Саноатда тармоқларни бошқаришнинг илгари ишлаб чиқилган бош схемаларига ўн биринчи беш йиллик вазифаларига татбиқан аниқликлар киритиб, шу тариқа асосий бўғин бўлмиш бирлашмаларни тузишни жуда яқин йиллар ичида тугаллаш керак. Капитал қурилишда бошқарув схемаларини ишлаб чиқиб, жорий этишни ниҳоясига етказиш, қурилиш-монтаж бирлашмалари ташкил этишни тезлаштириш зарур.

Қишлоқ хўжалигида давлат-кооператив, колхозлараро ва колхоз-совхоз бирлашмаларини ҳамда бошқа аграр-саноат корхоналарини бундан буён ҳам ривожлантириш лозим.

Транспортда, савдода, маиший хизмат ва бошқа тармоқларда ҳам бошқарувни такомиллаштириш ишини ўтказиш зарур.

Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегатларининг нутқларида, шунингдек ҳисобот-сайлов конференцияларида моддий-техника таъминотидаги камчиликлар асосли равишда танқид қилинган эди. Беш йиллик мобайнида республика корхоналари, қурилишлари, совхоз ва колхозлари уч миллион кубометр ёғоч, 200 минг тонна металл, 800 минг тонна цемент ва бир қатор бошқа материалларни кам олдилар.

Госснаб корхоналар маҳсулот етказиб бериш топшириқлари ва шартнома мажбуриятларини бажариши устидан назоратни кучайтириши ҳамда республика халқ хўжалигини моддий ресурслар билан узлук-

сиз таъминлашга, истеъмолчиларга ажратилган фондлардан тўла-тўкис фойдаланилишига эришиши зарур.

Бошқариш ва хўжалик юритиш савиясини оширишнинг бошқа йўллари ҳам кўп. Уртоқ Л. И. Брежнев кўрсатиб ўтганидек, гап шундаки, ишнинг сифатидан кўра миқдори биринчи ўринга қўйилган пайтларда қарор топган инерция кучи, анъана ва одат ҳамон тўла бартараф этилган эмас. Ҳозир социалистик хўжалик системасининг афзалликларидан, жуда катта иқтисодий имкониятларимиздан максимал даражада фойдаланишимиз, интенсивлаштириш йўлига ўтишимиз зарур. Ана шу мақсадда молия-кредит механизми, баҳо белгилаш, барча иқтисодий омиллар ва стимулларнинг таъсирини кучайтириш лозим. КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладида талабчанликни ошириш, янада самарали ишлашни, хўжаликни янада самарали юритишни ўрганиш вазифаси қўйилди ва бу вазифани биз сўзсиз бажаришимиз керак.

Уртоқлар! Партия XXVI съездининг ишида совет жамиятини социал-сиёсий ва маънавий жиҳатдан ривожлантириш масалалари каттагина ўрин олди. Бу масалалар ҳар томонлама таҳлил этилганлиги ва уларга комплекс ёндашилганлиги диққатга сазовордир.

Съезд социалистик жамиятнинг социал структурасидаги ўзгаришларни чуқур таҳлил қилди ҳамда ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларни ўзаро яқинлаштириш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни аста-секин тугатиш синфсиз коммунистик жамият қуришнинг энг муҳим соҳаларидан бири эканини таъкидлади.

Шу мақсадда партия ўзининг куч-ғайратларини турмушнинг барча соҳаларида ишчилар синфининг таъсирини ўстиришга бундан буён ҳам сарфлайверади. Партия ўз фаолиятида, масалан, хотин-қизлар, ёшлар, пенсионерлар сингари катта ёшдагиларнинг ҳам манфаатларини эътиборга олади. Партиянинг мана шу ёшдагиларга нисбатан ўтказаётган сиёсатининг мақсади ва моҳияти уларнинг ижтимоий турмушда, таълим- ишида, ўз турмушини яхшилашда янада фаолроқ қатнашиши учун янги имкониятлар олишларига эришишдан иборат.

Съезд уқтириб ўтганидек, кўп миллатли Ватанимиздаги барча халқларнинг қардошларча дўстлиги муттасил мустаҳкамланмоқда. Мамлакатдаги барча халқларнинг интенсив ўзаро яқинлашуви, муштарак мақсадга эришиш — коммунистик жамият қуришда бир ёқадан бош чиқариб ҳамдўстлик қилиши замонамизга хос хусусиятдир. Биз улуғ рус халқи бошчилигида барча совет халқларининг бирлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлайверишимиз, рус тилини ўрганишни яхшилашимиз керак.

Бундан буён ҳам меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида, ягона улуғ Советлар Ватанига фарзандлик туйғусидан фахрланиш руҳида тарбиялайвериш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Леонид Ильич Брежневнинг докладида, делегатларнинг нутқларида социалистик турмуш тарзининг, янги инсонни камол топтиришнинг моддий ва маънавий негизларини мустаҳкамлашга катта эътибор берилди.

Совет жамияти — меҳнат аҳлининг жамиятидир. Миллион-миллион совет кишиларичинг фидокорона меҳнати, жамики ижодий кучларни тўла-тўкис ишга солиб қилинадиган меҳнат — фаровонликка, коммунистик жамиятга олиб борадиган бирдан-бир йўлдир.

Социалистик мусобақа меҳнатга янгича муносабатнинг ёрқин ифодаларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Мусобақа ўз моҳияти эътибори билан совет кишиларининг юксак онглилиги, ташаббуси ва ватанпарварлигига асосланган.

Социалистик мусобақа бизнинг республикамизда ҳам кенг қулоч

ёйди. Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида бу тўғрида муфассал гапирилди. Бироқ мусобақанинг потенциал имкониятларидан ҳануз дуруст фойдаланилаётгани йўқ. Унинг ташкил этилишидаги камчиликлар тўғрисида XXVI съездда гапириб ўтилди, бу бизнинг республикамизга ҳам бутунлай тааллуқлидир.

Партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари социалистик мусобақани янада такомиллаштириш, корхоналарни, шаҳар ва қишлоқларни социал ривожлантириш комплекс планларини бажариш масалаларига жуда катта эътибор беришлари лозим. Малакасиз қўл меҳнатига ва оғир жисмоний меҳнатга барҳам бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир корхонада ходимларнинг бир-бирига нисбатан талабчанлик вазиятини, план ва мажбуриятларнинг бажарилишидан умумий манфаатдорлик муҳитини вужудга келтириш — муҳим вазифаларнинг биридир. Социалистик интизомни — ҳамма учун ва ҳар бир киши учун ягона ва мажбурий бўлган онгли интизомни мустаҳкамлаш керак.

Адабиёт ва санъат совет жамиятининг маънавий ҳаётида катта роль ўйнайди. Съездда айтиб ўтилдики, кейинги йилларда ҳамма республикаларда адабиёт, театр, кино, музика, рассомлик ва ҳайкалтарошлик соҳасида кўплаб талантли асарлар пайдо бўлди.

Совет кишилари санъатга ғоят ташна бўлиб, унга иззат-ҳурмат ва муҳаббат билан қарайдилар. Бу эса ёзувчининг, композитор, санъаткор, актёр, архитекторнинг ўз халқи олдида буюк масъулият сезиши лозимлигини ҳам тақозо этади. Халқ манфаатлари билан яшаш, инсонпарварлик идеалларимизни қарор топтириш, коммунистик қурилишнинг актив иштирокчиси бўлиш — республика маданият арбобларининг муқаддас бурчидир. Санъатнинг чинакам халқчиллиги, чинакам партиявийлиги мана шундан иборат.

Шаҳар қурилиши бадиий жиҳатдан кенг кўламда тасвирий ифодасини топиши керак. Леонид Ильич Брежнев съездда қилган докладида айтдики, атрофимиздаги ҳамма нарсалар гўзал, яхши дид билан ишланган бўлиши керак. Леонид Ильич Навоий шаҳрини совет халқининг ифтихорига сазовор бўлган янги қурилишлардан бири деб атаганлиги жуда ёқимлидир. Навоий шаҳри «Советларники бўлган нарса — аъло нарса демакдир!» шиорининг амалдаги ифодасидир. Архитекторлар билан қурувчиларнинг ҳамдўстлиги ҳамма жойда ана шундай самарали бўлиши лозим.

Партия янги кишини шакллантиришни коммунистик қурилишнинг асосий вазифаларидан деб билади. Совет кишиси — бу ҳалол, виждонли меҳнаткаш, юксак маданиятли, ватанпарвар ва интернационалчи одамдир. У янги дунё бунёдкори сифатида ғайрат-шижоат билан яшамоқда.

Янги кишини камол топтириш — меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишни тарбиялаш, инсонга иззат-ҳурмат ва унинг тўғрисида ғамхўрликни, ҳалоллик ва талабчанликни, ўтмишнинг сарқитларига нисбатан муросасизликни қарор топтиришга ёрдам берадиган маънавий муҳитни вужудга келтириш демакдир.

Съезд совет сиёсий системасини рвожлантиришга, социалистик демократияни мустаҳкамлашга катта эътибор берди. Социалистик демократияни ривожлантириш,— аввало, Советларнинг ролини ошириш, уларнинг ишини ҳар томонлама янада актив ва таъсирчан бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш демакдир.

Социалистик демократияни ривожлантириш — кенг халқ оммасининг доимий ва самарали назорати тўғрисида ғамхўрлик қилиш демакдир. Съездда таъкидлаб ўтилганидек, кейинги йилларда бошқарув фаолиятининг замонавий воситалари ва методлари актив жорий қилина бошланди ва бундан буён ҳам давом эттирилади. Шу билан бирга биз давлат аппарати ишининг аниқлиги ва пухталигини, умумий маданиятини тинмай юксак даражага кўтаришимиз лозим.

Социалистик демократияни ривожлантира бориб, меҳнаткашларни оммавий ташкилотларнинг кенг шохобчалари орқали жамиятни бошқаришга кенг жалб этиш керак. Бунинг учун эса касаба союзларининг ролини ошириш ва ишини юксак даражага кўтариш, уларнинг активлиги ва ташаббусини кучайтиришга бутун чоралар билан кўмаклашиш лозим.

Социалистик демократияни ривожлантириш қонунчиликни ва ҳуқуқ тартиботини мустаҳкамлашдан, ҳар бир совет кишисида ва, хусусан, мансабдор шахсларда қонунни ҳурмат қилишни тарбиялашдан ажралмасдир.

Партия комсомол, совет ёшлари билан ҳақли равишда фахрланади. Ўз тажрибамизни ёш авлодларга ўргатиш, уларнинг улуғ Ленин ишини муносиб давом эттиришлари учун ҳамма чораларни кўриш — бизнинг бурчимиздир. Ёшларимизни коммунистик ғоявийлик, совет ватанпарварлиги ва интернационализм руҳида, социализм ғалабаларини ҳимоя қилишга доим шай бўлиб туриш руҳида тарбиялаш керак.

Ўртоқлар! Совет кишиларининг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган муваффақиятлари коммунистлар партиясининг раҳбарлик ва ташкилотчилик роли билан чамбарчас боғланган. XXVI съезд қарорларида ҳозирги босқичда партиянинг ривожланиши муфассал таҳлил этилди, етук социализм даврида унинг жамият ҳаётидаги роли ошиб бориши тўғрисидаги хулоса тасдиқланди. Партиявий раҳбарлик услуби ва методларини, партия ички ҳаётини янада такомиллаштиришга катта эътибор берилди.

Ўз сафларида 570 мингдан зиёд коммунист бўлган республика партия ташкилотимиз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ишончли ва жанговар отрядидир. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг муносиб вакиллари доим унинг сафларини кенгайтириб бормоқдалар.

Партия ишига ғайратли ва ишнинг кўзини биладиган ходимларнинг раҳбарлик қилишини таъминламай туриб, КПСС XXVI съезди қўйган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал этиш мумкин эмас. Бинобарин, область, шаҳар, район партия комитетлари ленинча иш услубини қунт билан эгаллашлари, қимматли, ибратли тажрибадан актив фойдаланишлари керак. «Агар ҳар бир партия ташкилоти,— деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев,— ўз участкасида барча резервлардан фойдаланиб, ҳамма ишда тегишлича тартиб ўрнатса, у ҳолда бутун мамлакатнинг иши тағин ҳам юришиб кетади».

Бошланғич партия ташкилотлари партия томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун курашнинг олдинги маррасида турибдилар, кенг омма орасида иш олиб бормоқдалар. Улар маъмуриятнинг фаолияти устидан назорат қилиш юзасидан ўзларига берилган ҳуқуқдан тўла ва самарали фойдаланишлари, кадрларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш билан, хўжалик планларини бажариш, кишиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш билан боғланган масалаларни принципиал ҳал этишлари лозим. Биз министрликлар ва идораларнинг катта ташаббус кўрсатишини, маҳкамавий ва бюрократик ғовларга қарши қатъий кураш олиб боришларини кутамиз.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш — партиявий раҳбарлик ва бошқарувнинг асосий бўғинидир. Партия, совет ва хўжалик органларининг ҳамма бўғинларига сиёсий етук, профессионал жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрган кишилар бошчилик қилиши учун республикада кўп иш қилинмоқда. Бунда раҳбарлик ишига мутахассисларни кўтаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Айни вақтда биз кадрларнинг сиёсий тайёргарлигига доим эътибор беришимиз, уларнинг омма ўртасида амалий иш олиб бориш мактабини ўтишларига эришмоғимиз зарур.

Хотин-қизлар орасидан чиққан раҳбар кадрларни тарбиялаш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Бу борадаги имкониятларимиздан ҳали тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Шаҳар ва район партия комитетларининг 29 тасида секретарлар орасида хотин-қизлар йўқ, ижроия комитетлари раислари орасида ҳам улар оз. КПСС XXVI съездининг кўрсатмаларидан келиб чиқиб, бундай аҳволни тузатиш керак.

Қабул этилган қарорларнинг ижроси устидан назоратни пухта уюштириш — яна бир муҳим омилдир. Бу соҳада ҳали кўп нуқсонлар борлигини очиқ айтиб ўтаман. Айрим комитетларда битилган қоғозлар уюлиб ётибди, белгиланган тадбирлар эса амалга оширилмаётир. Вазифа шуки, қабул қилинган барча қарорларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш, контролни юқоридан ва қуйидан мунтазам равишда оператив амалга ошириш керак.

Съездда партия фаолиятининг ҳамма босқичларида демократик асосларни янада ривожлантиришга катта эътибор берилди.

Кейинги йилларда республикамизда партия ички ахборотини яхшилаш йўлида бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари партия ахборотининг муҳим манбаларидандир. Партия ходимлари, раҳбарлар хат ва таклифларни ўз вақтида эътибор билан кўриб чиқишлари, бюрократларга, танқидни бўғувчиларга қарши, имзосиз хат ёзувчиларга қарши муросасиз кураш олиб боришлари зарур.

Ўртоқлар! КПСС XXVI съезди идеология ишига катта аҳамият берди. Марказий Комитетнинг Ҳисобот докладида, делегатларнинг нутқларида оммани ғоявий-сиёсий тарбиялашни такомиллаштиришга доир туб масалалар ўртага қўйилди. Партия идеология фаолияти коммунистик қурилишнинг таркибий қисми деган фикрга асосланади.

Ҳозирги босқичда идеология ишининг аҳамияти, бир томондан, меҳнаткашлар маънавий талабларининг гуруллаб ўсаётгани билан, иккинчи томондан,— синфий душманнинг пропаганда воситалари активлиги кучаяётганлиги, совет кишилари онгига заҳарловчи таъсир кўрсатишга зўр бериб уринаётганлиги билан белгиланади.

Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш вазифалари КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил 26 апрель қарорида баён қилинган. Бу узоқ муддатга мўлжалланган ҳужжатдир. Унда идеология ишининг кўпгина участкалари ва соҳаларини қайта қуриш программаси кўрсатиб берилди. «Шунга эришмоқ керакки,— деди ўртоқ Л. И.Брежнев,— идеология ишининг мазмуни актуалроқ бўлиб қолсин, бу ишнинг формалари эса совет кишиларининг замонавий талаб-эҳтиёжларига жавоб берсин».

Съездда алоҳида куч билан таъкидландики, пропаганда, бутун ғоявий-тарбиявий иш сийқаси чиқиб қолган гапларни ишлатмай, тайёр ибораларни кетма-кет келтиравермай, жонли ва қизиқарли қилиб олиб борилиши, ҳаёт билан, реал фактлар билан маҳкам боғланган бўлиши керак.

Марказий Комитетнинг Ҳисобот докладида идеология кадрларининг фаолиятига юксак баҳо берилди. Шу билан бирга пропагандистларнинг ишидаги камчиликлар қайд қилинди, уларни бартараф қилишнинг конкрет йўллари кўрсатиб ўтилди.

Съезд ғоявий-назарий, сиёсий-тарбиявий, ташкилотчилик ва хўжалик ишининг бирлигига амалда эришиш вазифасини қўйди. Республика партия ташкилотлари, идеология ходимлари, барча коммунистлари партиянинг асосий йўл-йўриғи бўлиб хизмат қиладиган ана шу кўрсатмаларга амал қилишлари керак.

Марксча-ленинча назарияни ижодий ривожлантириш ҳақида партия тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Ҳисобот даврида бу соҳада кўп

иш қилинди. Партиянинг назарий хазинаси бир қатор муҳим умумлашмалар ва хулосалар билан тўлди. Даставвал бу ривожланган социализм концепцияси, жаҳон революцион жараёнининг қонуниятларини очиб берадиган тадқиқотлардир. Лекин бу соҳада ҳам ҳали камчиликлар бор.

Назарий иш — муштарак интернационал, революцион ишимизнинг муҳим қисмидир. Шу боисдан ижтимоий фанларни партия практикаси билан маҳкам боғлаб олиб боришга эришиш, ҳозирги давр ва келажак учун актуал бўлган проблемаларни ишлаб чиқиш сари қатъий бурилиш ясаш зарур.

Партия режалари — халқ режалари, партия иши — бутун халқнинг иши. Совет кишилари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларига худди шундай баҳо бермоқдалар. Съезд якунлари ҳамма жойда ватанпарварлик ғайрат-шижоати ва ижодий активлик ғоят ўсган бир вазиятда муҳокама қилинмоқда, умумхалқ ҳаракатининг конкрет программаси ишлаб чиқилмоқда ва амалга ошурила бошлади.

Республика партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг вазифаси — XXVI съезд қарорларини ҳар бир кишининг онгига етказишдан, меҳнаткашларнинг куч-ғайратини партия томонидан ишлаб чиқилган ленинча йўлни амалга оширишга сафарбар этишдан иборат.

Съезд қарорларини партия комитетларида, бошланғич партия ташкилотлари ва барча жамоат ташкилотларида, министрликлар ва идораларда, халқ контроли органларида, меҳнат коллективларида, ўқув юртларида, аҳоли истиқомат қиладиган жойларда муҳокама қилиш зарур.

Аввало, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг делегатлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, ревизия комиссиясининг аъзолари, партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик активлари, барча идеология ходимлари бу ишда актив иштирок қилишлари лозим. Муҳокаманинг чуқур сиёсий мазмуни, ишчанлиги, меҳнат коллективларининг вазифалари билан чамбарчас боғлаб олиб борилиши унга хос хусусият бўлиб қолиши керак. Биз съезд қарорлари бажарилишини ҳар жиҳатдан таъмин этадиган тадбирлар комплекс планларини ишлаб чиқишимиз, уларнинг сўзсиз амалга оширилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатилишини таъминлашимиз зарур.

КПСС XXVI съездининг материалларини чуқур ўрганишни ташкил этиш, шу мақсадда идеологик таъсир ўтказишнинг барча воситаларидан — партия ўқуви, лекция пропагандаси, оммавий-сиёсий ишлардан, матбуот, телевидение ва радиодан, адабиёт ва санъатдан кенг фойдаланиш керак.

Съезд қарорлари борасида олиб бориладиган бутун сиёсий ва ташкилотчилик иши экономикамизни янада қудратли равишда юксалтиришга, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажаришга қаратилиши лозим.

Ўртоқлар! Партия, бутун совет халқи КПСС XXVI съезди якунларини тўла якдиллик билан, ялпи маъқуллаб қабул қилдилар.

Съезд партия йўли совет халқининг турмуш шароитини яхшилашга, социалистик экономикани янада тараққий эттиришга, шахсни маънавий камол топтиришга қаратилганлигини яққол кўрсатди. Бу тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари дўстлиги ва қардошлигини ривожлантириш, антиимпериалистик озодлик кучлари билан мустаҳкам иттифоқ йўлидир.

«Совет кишилари эртанги кунга ишонч билан қарамоқдалар,— деб таъкидлади Л. И. Брежнев.— Лекин уларнинг оптимизми тақдир бизни эркалатаверади, деган ишончни билдирмайди. Бизнинг халқимиз ўзи эга бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ўз меҳнати билан яратилганли-

гини, ўз қони билан ҳимоя қилинганлигини билади. Оптимист эканлигимизнинг боиси шуки, биз меҳнатнинг куч-қудратига ишонамиз. Бунинг боиси шуки, биз ўз мамлакатимизга, ўз халқимизга ишонамиз. Оптимист эканлигимизнинг боиси шуки, биз ўз партиямизга ишонамиз, партия кўрсатиб берган йўл бирдан-бир тўғри йўл эканлигини биламиз!»

Республикамиз меҳнаткашлари партияга чексиз ишонганликларини, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партия Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг самарали фаолиятини тўла-тўкис маъқуллаганликларини якдиллик билан изҳор қилмоқдалар.

Партия XXVI съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли бажариш учун ўтказилаётган умумхалқ социалистик мусобақаси сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят ўсган бир вазиятда кенг ривожланиб бормоқда. Съезд шарафига ўтказилаётган бу мусобақада, ватанпарварлик ҳаракатларида ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг, СССР халқлари бутун қардошлик оиласининг коммунизм ғояларига чексиз садоқати, уларнинг Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашганлиги, унинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаётгани янги куч билан ифодаланмоқда.

Коммунистик жамият қуриш йўлидаги янги беш йилликка қадам қўйдик. Шу йиллар мобайнида партиянинг, бутун совет халқининг ижодий бунёдкорлик фаолияти XXVI съезд ўртага қўйган улуғвор вазифаларни амалга оширишга қаратилади. Бинобарин, ҳар бир коммунист, ҳар бир партия ташкилоти съезд қарорларини бажаришга ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Уларни конкрет топшириқлар ва режаларда мужассамлаштириш, съездолди мусобақасида ҳамда съезд иш олиб борган тарихий кунларда вужудга келган руҳий кайфиятни, меҳнат маромини мустаҳкам сақлаб қолиш лозим.

КПСС Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросини, шахсан азиз Леонид Ильич Брежневни, Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини шараф билан турмушга ошириш учун ҳамма чорани кўрадилар, коммунизм қурилиши улуғ ишига қўшаётган ҳиссаларини бундан буён ҳам кундан-кунга кўпайтираверадилар, деб ишонтиришга рухсат этгайсизлар.

Республика партия ташкилоти активи

йиғилишининг қарори

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ СЪЕЗД ҚАРОРЛАРИДАН ҲАМДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДОКЛАДИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ

Актив йиғилиши КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «КПСС XXVI съездининг якунлари ва Ўзбекистон партия ташкилотининг съезд қарорларидан ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладидан келиб чиқадиган вазифалари» ҳақидаги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, шуни зўр мамнуният билан қайд этадики, КПСС XXVI съезди жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди. У партиянинг қаҳрамонона солномасига, бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати тарихига ёрқин саҳифа бўлиб кирди.

Ленин партиясининг олий анжумани коммунистларнинг, дунёдаги барча революцион кучларнинг мустаҳкамланиб бораётган бирлигини, улар КПССнинг халқаро коммунистик ҳаракатдаги, социалистик интернационализмни мустаҳкамлаш учун, планетадаги барча халқларнинг озодлиги ва социал тараққиёти учун курашдаги принципиал марксча-ленинча йўлини маъқуллаганликларини намойиш қилиб кўрсатди.

Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» ҳақидаги докладини зўр завқ-шавқ ва мамнуният билан кутиб олдилар. Бу доклад — ижодий марксизм-ленинизмнинг буюк программ ҳужжатидир, илмий коммунизм назарияси ва практикасига қўшилган янги катта ҳиссадир. Докладда партиянинг аввалги съездлари қарорларини амалга ошириш соҳасидаги унинг кўп қиррали фаолияти яққол ёритиб берилган, совет халқининг кейинги ўн йилликдаги ажойиб ишлари кўрсатилган, ҳозирги халқаро аҳвол ва жаҳон революцион жараёни атрофлича таҳлил этилган, мамлакатнинг коммунистик бунёдкорлик йўлидан олға силжишининг илҳомбахш истиқболлари тасвирланган.

Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия ленинча йўлини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга шахсан қўшган буюк ҳиссасини зўр меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик туйғуси билан қайд этмоқдалар. Содиқ ленинчи, коммунизм учун синалган курашчи, тинчлик йўлида толмас курашчи Леонид Ильич Брежневнинг номи тинчлик учун ва кескинликни юмшатиш учун, инсониятнинг энг яхши келажаги учун курашда планета коммунистларининг, тараққийпарвар кишиларнинг байроғи бўлиб қолди.

КПСС XXVI съезди ривожланган социализм шароитида партия иқтисодий сиёсатининг принципиал йўл-йўриқларини конкретлаштириб

берди ва ривожлантирди. «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш асосида халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил юксалтиришнинг улуғвор, реалистик программаси белгиланди.

XXVI съезд марксизм-ленинизмнинг ҳаётбахш кучини, партия сафларининг метиндек мустаҳкамлигини, совет кишиларининг ўз жанговар, синалган авангарди — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси теварагида маҳкам жипслашганликларини ишонарли тарзда намойиш қилди.

Республика партия ташкилоти активининг йиғилиши КПСС XXVI съезд қарорларини якдиллик билан маъқуллайди. КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, коммунизм учун оташин курашчи, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг амалий фаолиятини астойдил қўллаб-қувватлайди.

Актив йиғилиши республиканинг ҳар бир коммунистини, барча меҳнаткашларини КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшишга чақиради.

Республика партия ташкилотларининг бурчи съезд ҳужжатларида баён этилган қоида ва хулосаларга амал қилиб, ўзларининг бутун куч-ғайратларини экономика ва маданиятнинг ривожига, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга партиявий раҳбарлик савиясини оширишга қаратишдан, омма орасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишни кучайтиришдан иборат.

Республиканинг катта ишлаб чиқариш потенциалидан оқилона, юксак даражада самарали фойдаланишни ташкил этиш саноатга партия раҳбарлигидаги бош вазифадир. Бутун халқ хўжалигининг тараққиётини белгилаб берадиган базавий тармоқлар — энергетика, химия, рангли металлургия, машинасозлик ҳар томонлама ривожлантирилсин. Фан ва техника ютуқлари ғайрат билан жорий этилсин, меҳнат унумдорлиги оширилсин, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш ва уларнинг турларини кўпайтириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинсин. Ҳар бир ходим, ҳар бир коллектив давлат, план ва меҳнат интизомига қаттиқ риоя этишига сабот билан эришиш зарур.

Капитал маблағлар самарадорлигини ошириш — партия ташкилотлари ва хўжалик органларининг энг муҳим бурчидир. Бутун ресурслар ва куч-ғайратлар ишга тушириладиган объектларга жамланиши, чала қолган қурилишлар ҳажми қисқартирилиши, лойиҳа қувватлари тезроқ ўзлаштирилиши, ишни ташкил этиш ва планлаштириш дадил такомиллаштирилиши, қурувчилар билан монтажчилар юксак пировард натижаларга руҳлантирилиши зарур.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги оширилсин, унинг ишини мувофиқлаштириб туриш яхшилансин, моддий-техникавий база ривожлантирилсин, пассажирларга хизмат қилиш маданияти оширилсин. Халқ хўжалиги ва аҳолининг алоқа хизматига бўлган эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилсин.

Ялпи пахта ҳосилини бундан буён ҳам кўпайтириш, тола сифатини яхшилаш республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг асосий йўналиши деб ҳисоблансин. Дон, гўшт, сут, сабзавот, мева етиштиришни муттасил кўпайтиришни таъминлаш озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришда республиканинг конкрет иштироки бўлиб қолмоғи лозим. Суғориладиган ерлардан интенсив фойдаланил-

ган, қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришнинг илғор технологиялари жорий этилган тақдирдагина бунга эришиш мумкин.

Республика халқ хўжалигини муттасил ривожлантириш асосида меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада ўстиришни таъминлаш зарур. Савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш ҳар томонлама ривожлантирилсин.

Съезд қарорлари асосида идеология, сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш керак. Меҳнатга ва жамоат мулкига коммунистик муносабатни шакллантириш, меҳнаткашларнинг ижодий активлигини ривожлантириш, онгли интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий вазифалар бажарилишининг белгиловчи шарти бўлиб қолмоқда.

Съезд матерaлларини меҳнаткашлар ўртасида кенг миқёсда ва атрофлича пропаганда қилишни авж олдириш, бу материалларнинг мазмунини ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир совет кишисининг онги ва дилига етказиш — партия комитетларининг энг муҳим вазифасидир. Бу масъулиятли иш мунтазам равишда ва чуқур, ғоявий-сиёсий жиҳатдан юксак савияда, ҳар бир коллектив олдида турган конкрет вазифалар билан узвий равишда боғлаб олиб борилиши керак.

Одамларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш, уларни коммунистик эътиқод руҳида камол топтириш масалалари доимо республика партия комитетларининг диққат марказида туриши лозим. Тарбия жараёнини йўлга қўйишга комплекс ёндашишни таъминлаш муҳимдир. Меҳнаткашларни СССР халқлари дўстлиги, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасида ҳар томонлама иш олиб борилсин. Пропаганда ва агитациянинг жами воситалари ёрдамида ҳар турли буржуа сохтакорларини фош қилиш иши кучайтирилсин.

КПСС XXVI съезди белгилаб берган коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифалари республика партия комитетларидан ташкилотчилик ва сиёсий иш услуби, форма ва методларини янада такомиллаштиришни талаб қилади. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилаш, топширилган иш учун уларнинг масъулиятини бутун чоралар билан ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, қабул этилган қарорларнинг ижросини контрол қилиш ва текширишни яхшилаш, барча партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш зарур. Халқ депутатлари маҳаллий Советларига, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларига раҳбарлик қилишни яхшилаш, КПСС XXVI съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишда уларнинг фаолиятини янада кучайтиришга эришиш керак.

Съездга тайёргарлик ва уни ўтказиш туфайли кўтарилган меҳнат ғайрати ва сиёсий жўшқинликни мустаҳкамлаш, илғорлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг ижодий ташаббусини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, 1981 йил ва умуман беш йиллик планлари ҳамда мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун бошланган социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш зарур.

Республика партия ташкилоти активининг йиғилиши республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездининг улуғвор режаларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун зўр ғайрат-шижоат ва қатъият билан курашавередилар, деб КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга ваъда беради.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА

Э. ҒАФУРЖОНОВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИНГ қарорлари совет кишиларининг янги зафарлари учун қудратли омил бўлди. Ҳозир бутун халқимиз партия қўйган вазифаларни амалга ошириш учун собитқадамлик билан меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг ёш авлоди жонажон Коммунистик партия ички ва ташқи сиёсатини қизғин ва астойдил қўллаб-қувватламоқда, партиянинг фаолияти комсомоллар учун, барча совет ёшлари учун революцион матонат, коммунизм ишига чексиз садоқатнинг ёрқин намунаси бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қолаверади. Ёш авлод чинакам гражданликни, халқ, Ватан олдидаги юксак масъулиятни коммунистлардан ўрганади. Ленин комсомоли Ленин партияси билан ҳамиша бирга боришни, унинг ишончли ёрдамчиси ва жанговар резерви бўлишни, йигит ва қизларни коммунистик идеаллар руҳида тарбиялашни ўз фаолиятининг олий маъноси деб билади.

КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездига Марказий Комитетнинг Ҳисобот докладида бундай деб уқтирди: «Комсомол ишидаги энг муҳим, энг асосий нарса — сиёсий жиҳатдан актив, омилкор, меҳнатсевар, ишбилармон, ўз Ватанини ҳимоя қилишга ҳамма вақт тайёр турувчи авлодни тарбиялаб етиштиришга ёрдам беришдир».

Комсомол комитетлари партия кўрсатмаларига амал қилиб ёшларни тарбиялаш соҳасидаги жамики ишни сифат жиҳатдан янада юқори, ривожланган социализм босқичининг талабларига, коммунистик қурилишнинг янги вазифаларига мувофиқ келадиган даражага кўтаришга интилмоқдалар. Республикамизда бу иш Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети 66 министрлик ва идора, ташкилот, ижодий союзлар билан биргаликда ишлаб чиққан комплекс план асосида амалга оширилмоқда. Йигит ва қизларни юксак ғоявий, ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялаш тадбирлари бу планда конкрет социал-иқтисодий вазифалар билан узвий равишда боғланган. Планни республика Компартияси Марказий Комитети тасдиқлаган.

План областлар, шаҳар ва районларнинг маҳаллий шароитларини эътиборга олиб тузилган ва амалга оширилмоқда. Ўзбекистон комсомоли МК бюроси, министрликлар ва идоралар коллегияларининг биргаликдаги мажлисларида корхоналар ва хўжаликлар раҳбарларининг турли группаларга мансуб ёшлар билан ишлаш тўғрисидаги ҳисоботлари тингланмоқда. Министрликлар ва идоралар ёшларга оид проблемаларни анча оператив ҳал эта бошладилар, жойлардаги комсомол комитетларига берилаётган амалий ёрдам самарадорлиги ошди. 1979 йилда республика ЛКСМ МК ёшларнинг меҳнат, ўқиш, турмуш ва

дам олиш шароитларини яхшилаш юзасидан биргаликда 120 та қарор қабул қилганлиги диққатга сазовордир.

Бироқ, комплекс планнинг мавжудлиги кўнгилдагидек натижаларга эришиш шароитини белгилаб берадиган муваффақиятнинг тўла гарови эмас. Планга асос қилиб олинган ғояларни рўёбга чиқариш учун таъсирчан механизм зарур. Шуни эътиборга олиб республика комсомоли МК ёшлар билан ишлаш кенгашлари тузишни таклиф қилди. Ҳозир деярли барча республика касаба союз, хўжалик, маъмурий органлари, ижодий союзларида ёшларнинг турли группалари хусусиятларига мўлжалланган мана шундай структуравий бўлинмалар бор. Мазкур кенгашлар ёшлар билан ишлашнинг мувофиқлаштирувчи маркази ролини ўйнаб, комплекс планни бажаришнинг ўзига хос қуроли бўлиб турибди. Буларнинг ёрдами билан йигит ва қизларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, уларга касб-кор ўргатиш, уларнинг умумий таълим ва маданий савиясини ошириш масаласини ҳал этишга маъмуриятни кенг жалб қилишга мувофиқ бўлинди.

Социалистик мусобақанинг авж олиши республика комсомол комитетлари бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишининг ўзагига айланди. Тошкент ёшлари сўз билан ишнинг бирлиги намунасини кўрсатмоқдалар. Энг яхшилар орасида «Қизил тонг» фирмасининг комсомол ташкилоти ҳам бор. Бу ердаги комсомол комитети корхонани техника билан қайта қуроллантириш ва социал ривожлантириш комплекс планини амалга оширишда ёшларнинг куч-ғайратини сафарбар этувчи конкрет нуқталарни белгилаб чиқди. Йигит ва қизлар ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялашда, янги технологияни жорий этишда актив қатнашмоқдалар. Кейинги икки йил ичида ёш рационализаторлар уч баравар кўпайди. Сифат белгиси қўйилган маҳсулотнинг ярмидан кўпроғини ёшлар ишлаб чиқармоқда. «Қолоқларсиз ишлаймиз!» шиори корхонадаги ҳар бир комсомол учун қонун бўлиб қолди.

Маҳсулот сифатини ошириш учун кураш — комсомолнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу соҳада бир талай иш қилинди. 1980 йилнинг ўзида «Комсомол прожектори»нинг 650 та штаби ва сифат пости қўшимча равишда ташкил этилди, «Сифат аълочиси» номини олиш мусобақасида 150 мингдан зиёд йигит ва қиз иштирок этмоқда, улардан 30 минг нафари эса маҳсулотга ўз тамғасини қўйиб топшириш ҳуқуқини олди. Тошкентдаги «Миконд» заводи, Марғилон ва Наманган шойи комбинатлари, Тошкент ва Самарқанд чинни заводларининг маҳсулоти аҳолига ғоят манзур бўлмоқда. Бу корхоналарда ишловчиларнинг 75 проценти 30 ёшга етмаган йигит ва қизлардир. Бу корхоналарнинг маҳсулоти кўплаб талаб қилинаётганлиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулот юқори сифатли эканининг, ёш меҳнатчилар маҳорати тан олинганининг яққол далилидир.

Аммо, КПСС XXVI съездида ҳақли равишда таъкидлаб ўтилганидек, кўпгина маҳсулотларнинг сифати ҳамон пастлигича қолмоқда. Биз кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг комсомол ташкилотлари аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи махсус бригадалар тузиш масалалари билан дуруст шуғулланмаётганини, маҳсулот сифатини яхшилаш учун мусобақани хўжакўрсинга ташкил этаётганини, ёшларнинг малакасини оширишга кам эътибор бераётганини танқид қилсак, тўғри иш бўлади. Маҳсулот сифати — ёш меҳнатчиларнинг экономика ривожига қўшадиган ҳиссаси кўрсаткичигина бўлиб қолмай, маълум даражада уларнинг маънавий фазилати мезони, ҳар бир йигит ва қизнинг фахрли бурчи ва вазифаси ҳам эканини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқ керак.

Фан-техника революцияси, мамлакатимиздаги улуғвор социал-иқтисодий ўзгаришлар кадрларга, айниқса ёш кадрларга нисбатан

янги, катта талаблар қўймоқда. Ёш инсон характерининг камол топиши социалистик Ватанга меҳр қўйишдан, фикр-ўйларнинг поклиги ва руҳий бардамликдан, коллективда яшаб, умумнинг фойдасини кўзлаб ишлаш, ҳаётнинг юксак инсонпарварлик мақсадини кўриш ва шу мақсадга интилиш маҳоратидан бошланади. Ёшларни ижодий интилишга иштиёқманд қилиб тарбияламай туриб, уларнинг меҳнат ғайратини ошириш, касб-корга, маҳорат чўққиларини эгаллашга муттасил қизиқишини кучайтириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Беш йиллик мобайнида республикада ёш рационализаторлар ва ихтирочилар 70 мингта таклифни ишлаб чиқиб, жорий этдилар. 1980 йилда Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ёш ишчилар, колхозчилар, мутахассислар, студентлар ва ўқувчилар ижодий ютуқларининг кичик бир қисмигина намойиш этилган бўлса ҳам, у ёшлар ижодиётининг миқёси тўғрисида тасаввур беради. Кўргазмага қўйилган ишлар орасида олимлар ва тажрибакор ишчиларнинг юксак баҳосини олган бирталай ноёб ишлар бор эди. Касб-кор маҳорати конкурслари ёшларнинг ижодий камолотида катта роль ўйнайди, бултурги конкурсларнинг ўзида 250 мингдан ортиқ киши қатнашди.

Республикамиз корхоналарини реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш — комсомоллар куч-ғайрат сарфлайдиган муҳим соҳадир. Зарбдор комсомол отрядларининг, иқтисодий анализ постлари, пастдан юқоригача контроллик штабларининг тузилиши, амалий социалистик мусобақа реконструкция қилинаётган ҳар икки объектнинг бирини муддатидан илгари ишга тушириш имконини берди.

Энг катта янги қурилишларни оталиққа олиш ёшларнинг ҳали синаб кўрилмаган янги ишларига, планларимизнинг тақдири ҳал бўлаётган энг қийин жойларга бориб ишлашдан иборат олижаноб иштиёқини ривожлантиришга ёрдам берадиган бошқа бир ташкилий формадир. Бутуниттифоқ, республика, область, шаҳар зарбдор комсомол қурилишларини кўпинча меҳнат жасорати макони дейдилар. Бу — ҳақ гап. Чунки айни шу жойларда ёшларимизнинг фидокорлиги, жанговарлиги, ғайрат-шижоати жуда равшан намоён бўлади. Кейинги беш йил ичида Ўзбекистон комсомол ташкилотлари энг муҳим халқ хўжалик объектларига 43 мингга яқин кўнгилли, шу жумладан республика ташқарисига 10 мингдан зиёд кўнгилли йигит ва қизни юборди.

Ўзбекистон ССРда комсомол 178 та энг муҳим қурилишга оталиқ қилмоқда, шундан тўрттаси Бутуниттифоқ, 22 таси республика ва 152 таси область қурилишидир. Маржонбулоқ комплекси, Андижон ва Туямўйин гидроузеллари, Бухоро ип газлама комбинатининг иккинчи навбати қурилишида, Қарши ва Жиззах даштларини ўзлаштириш ва шу каби объектларда 100 мингдан кўпроқ йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Ҳозиргача уларнинг бевосита иштирокида бир неча миллиард сўмлик ишлаб чиқариш фондлари ишга туширилди. 100 тадан кўпроқ энергетика, металлургия, химия ва енгил саноатнинг йирик объекти фойдаланиш учун топширилди. 250 минг гектар янги ернинг мелиорация ҳолати яхшиланди.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг истиқболларини анализ қилиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, зарбдор қурилишни жонкуярлик билан пропаганда қилиш, манфаатдор органлар билан биргаликдаги ишни кучайтириш, ишга юборилаётган кўнгиллилар составининг сифатини яхшилаш — республика комсомол ташкилотлари ўз оталиқ фаолиятида амал қилаётган асосий моментлардир. Область, шаҳар ва район комсомол комитетлари ҳузурида мувофиқлаштириш кенгашлари ишлаб турибди. Уларнинг составига халқ депутатлари Советлари ҳузуридаги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш органларининг, маориф, ички ишлар органлари ва ҳарбий комиссарликларнинг вакиллари киритилган. Ой сайин кенгашларнинг мажлисларида жой-

лардаги иш кучидан оқилона фойдаланиш, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган кишиларга таъсир чораларини кучайтириш билан алоқадор масалалар кўриб чиқилмоқда.

Кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши проблемасига ҳам катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети Бекобод металлургия комбинатини реконструкция қилишни республиканинг зарбдор қурилиши деб эълон қилиб, унда ўзига хос эксперимент ўтказди. Баъзи участкаларга комплекс комсомол ёшлар бригадалари юборилди. Шу бригадалардан бири Наманганда келди. Бир йилдан кўпроқ вақтдан бери бригада аъзолари Бекободда яшаб, яхши меҳнат қилмоқдалар. Бригада ўз составининг доимийлиги билан ажралиб турибди. Ҳолбуки, андижонликларнинг ҳар хил жойдан териб олинган йиғма отрядидаги 22 кишидан ҳозир қурилишда атиги уч киши қолди. Бунда «қочоқлар»нинг ўзларигина айбдор эмаслиги равшан. «Ўзбекметаллургстрой» тресги комсомол комитети янги келадиган кишиларни қабул қилишга дуруст тайёргарлик кўрмадилар.

Шу эксперимент натижаларига қараганда комплекс бригадаларнинг юборилиши бир қанча вазифаларнинг ҳал этилишига кўмаклашади. Биринчидан, коллектив составидаги ҳар бир киши янги вазиятни тез ўзлаштириб олади. Иккинчидан, бригада ўзининг аҳиллиги туфайли ҳар бир кишининг турмушини, бўш вақтини яхшироқ ташкил эта олади, унга зарур ёрдамни бера олади, чунончи, ишлаб туриб ўқиш учун шароит ярата олади. Ҳар бир коллективда ҳам, умуман қурилишда ҳам маънавий иқлим анча яхшиланади. Шу сабабли республика комсомол ташкилоти зарбдор қурилишларга ташкил топган ва реал ишда ўзини кўрсатган ёшлар коллективлари келишига кўмаклашишга интилмоқда.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида комсомолнинг капитал қурилишга оталиқ қилишида каттагина сифат ўзгаришлари рўй берди. Энди бу оталиқ аввалгидек айрим объектларнигина эмас, бирлашмалар ва территориал ишлаб чиқариш комплексларини ҳам ўз ичига олмоқда. Ўзбекистоннинг мингдан ортиқ йигит ва қизи комсомол йўлланмаси билан Ғарбий Сибирь территориал ишлаб чиқариш комплексини, Уренгой, Самотлор, Сургут нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ривожлантиришда қатнашмоқда. Республикамиздан борган ёшлар Байкал-Амур магистрали қурилишининг масъулиятли участкаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар, Нижневартовск ва Нефтюганскни барпо этмоқдалар.

Ўзбекистон ёшлари халқ хўжалигининг энг йирик объектлари қурувчилари билан маданий алоқаларни мустаҳкамламоқдалар. 1976—1980 йилларда йигирматадан ортиқ агитация-пропаганда ва санъат группалари ўнлаб шаҳарларга, қурилиш ва заводларга, колхоз ва совхозларга бордилар, 300 тадан кўпроқ лекция ўқидилар, 150 та концерт бердилар, 180 та дам олиш кечаси ва ўнинчи беш йилликнинг зарбдор қурилишларидаги Ленин комсомоли вакиллари билан учрашувлар ўтказдилар.

Комсомол комитетлари, ёш мутахассислар кенгашлари, зарбдор қурилишларнинг штаблари ёш ишчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ижтимоий активлигини ошириш соҳасида анчагина тажриба орттирдилар. Ҳамиша, барча ташаббусларда, ўзларининг ҳамма ишларида улар катта ёшдаги ўртоқлари — коммунистларнинг доимий ёрдами ва мададини сезиб турибдилар.

Республика ЛКСМ МКнинг республикадаги энг муҳим объектлар қурилишига оталиқ қилиш тўғрисидаги ҳисоботи Ўзбекистон Компартияси МК секретариатида тингланганлиги партиянинг комсомол тўғрисидаги ғамхўрлиги намунаси бўлди. Биз буни Ўзбекистон партия ташкилотининг ёшларга ишончи ифодаси деб, унинг халқ хўжалиги

вазифаларини ҳал этишда комсомолнинг ролини янада оширишга интилаётганининг ифодаси деб қабул қилдик. Айни вақтда бундай муносабат барча комсомол ташкилотлари, ҳар бир йигит-қиз зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Ўзбекистон ЛКСМ МК республика Компартияси Марказий Комитетининг тавсияларига амал қилиб, министрликлар ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиққан конкрет тадбирларнинг амалга оширилиши кўпгина проблемаларни ҳал этишга, камчиликларни тугатишга ёрдам беради. Чунончи, республика ва область зарбдор қурилишлари тўғрисидаги низомлар, уларнинг комсомол ташкилотлари ва комсомол-ёшлар коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақа шартлари катта аҳамиятга эга.

Ўн биринчи беш йилликда зарбдор қурилишлар анча кўпаяди. Амударё устига темир йўл кўприги қуриш, Тошкент метрополитенининг иккинчи навбати, Навоий ва Ғазалкент электростанцияларидаги янги энергетика қувватларини ўзлаштириш, Муборак газни қайта ишлаш заводини кенгайтириш кабилар шулар жумласига киради.

Зарбдор комсомол қурилишлари чиндан ҳам ёшларни ғоявий, меҳнат ва ахлоқий чиниқтириш мактабига айланди. Давлат аҳамиятига эга бўлган катта вазифаларни ҳал этиш жараёнида характерлар, иродалар камол топмоқда, оламларнинг ёрқин таржимаи ҳоллари, тақдирлари юзага келмоқда.

Студентларнинг қурилиш отрядларини келажак йўли, катта ҳаёт йўли деса бўлади. Бу ҳаракат студентларни тарбиялашнинг, улардаги гражданлик, ижтимоий активликни рағбатлантиришнинг ва ҳақиқий совет мутахассисини тайёрлашга кўмаклашишнинг муҳим воситаси бўлиб қолди.

163 ўқув юрти базасида тузилган республика студентлар қурилиш отряди зарбдор қурилишларга оталиқ қилишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу отряд 56 миллион сўм капитал маблағни ўзлаштириш юзасидан партия XXVI съезди шарафига олган мажбуриятини муваффақиятли уддалади. Объектларни ишга тушириш йил сайин кўпаймоқда, қурилиш сифати ошмоқда, меҳнатни ташкил этишнинг илғор методлари актив жорий этилмоқда.

Ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш — жуда катта сиёсий ва давлат аҳамиятига молик ишдир. Бу ишда мактаб, комсомолнинг эҳтиёжларига ҳамма жойда тушуниб қараш, уларга ёрдам, актив мадад бериш лозим.

Комсомол ташкилотлари партия топшириғини бажариб, ёшларнинг куч-ғайратини КПСС МК 1978 йил июль Пленуми белгилаган ҳамда партия XXVI съезди ҳужжатларида ривожлантирилган қишлоқ хўжалигини юксалтириш программасини амалга оширишга, унинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга: дала ва фермалар маҳсулдорлигини оширишга, ишлаб чиқаришни ихтисослаш ва марказлаштиришни ривожлантиришга қаратмоқда.

Республика қишлоқ комсомолларининг 700 минг кишилик отряди ўнинчи беш йилликнинг тугалловчи йилида ерга меҳр-муҳаббат, юксак уюшқоқлик, маҳорат, меҳнатсеварлик, ғалабага интилиш сингари ажойиб фазилатларни тўла-тўкис намоён этди. Ўтган йилларда бўлгани каби комсомол комитетлари бутун ташкилотчилик ва сиёсий иш марказини пахтазорга — ҳосил тақдири ҳал бўладиган жойга жамладилар. Энг яхши кўрсаткичларга эришиш йўлидаги социалистик мусобақанинг кўламини кенгайтиришга ва мазмунини чуқурлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Хўжаликларнинг комсомол ташкилотлари ўртасидаги меҳнат мусобақасини якунлашда машина териминнинг натижалари, ёшлар бригадалари ва звенолари ўртасидаги мусобақада — гектар бошига ҳосилдорлик, механизаторлар ва теримчилар ўртасида-

ги мусобақада энг юксак меҳнат унумдорлиги асосий мезон бўлди. Комсомол комитетлари кўрган тадбирлар қаерда ишлашидан — ёшлар коллективида ёки бошқа меҳнат коллективи составида эканидан қатъи назар, ҳар бир ёш деҳқонни социалистик мусобақага жалб этиш имконини берди.

Бухоро область Ромитан район комсомол комитетининг тажрибаси мақтовга арзийди. Райком эрта баҳорда, чигит экиш бошланмасданоқ ер, техника, минерал ўғитлардан яхшироқ фойдаланиш учун социалистик мусобақа низоми ва шартларини тасдиқлади. Ҳамма бошланғич комсомол ташкилотлари, ҳар бир комсомол-ёшлар коллективи, ҳар бир механизатор мажбурият қабул қилди. Терим даврида мусобақа ҳар ўн кунда якунланиб турди, унинг ошкоралиги, натижаларининг таққосланиши, илғорларнинг рағбатлантирилиши таъминланди. Дала шийпонларида яхши маиший шароитлар яратилди, пахтакорлар ҳузурига лекторлар, сиёсий ахборотчилар келиб суҳбатлар ўтказди, бадиий ҳаваскорлик коллективлари томоша кўрсатишди.

Мана шу ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг натижасида 43 та комсомол-ёшлар бригадасининг ҳаммаси план ва социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажарди. Ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 47,2 центнерга етди, 250 ёш механизатор ўрта ҳисобда 200 тоннадан пахта терди. Ромитан райони республикада биринчи бўлиб планни ва КПСС XXVI съезди шарафига олган юксак социалистик мажбуриятини бажаргани тўғрисида рапорт беришида район комсомолларининг катта ҳиссаси бор.

Ҳосил учун курашда Ўроқ ва Болға бузилмас иттифоқининг бунёдкорлик қудрати ўзининг бутун улуғворлиги билан яна намоён бўлди. Ҳар бир колхозчи ва ишчи, инженер ва педагог, студент ва ўқувчи терим даврида ўзини фахрланиб пахтакор деб атади. Шаҳарликлардан тузилган кўнгиллиларнинг зарбдор қишлоқ хўжалик отрядлари ҳал қилувчи участкаларга юборилди. Тошкент областининг биргина Бекобод районида Ўзбекистон пойтахтининг 5 минг ёш меҳнатчиси деҳқонлар билан ёнма-ён туриб фидокорона ишлади.

Ажойиб механизаторларимиз алоҳида ташаккурга сазовор. Улар қарийб 4 миллион тонна пахта ёки ҳосилнинг 64 процентини териб бердилар. Ғалаба районидаги Свердлов номли колхозда Маҳмуд Ўринбоев, Олтиариқ районидаги «Ўзбекистон» колхозида Раъно Каримова сингари мусобақа пешқадамлари шахсий рекорд қўйиб, 400—500 тоннадан «оқ олтин» тердилар.

Ўтган йил Ўзбекистон пахтазорларига 30 мингтадан кўп «зангори кема» чиқарилди, ҳар уч механик ҳайдовчининг бири комсомол эди. Аммо ҳали ҳам пахта териш машиналарининг ҳайдовчилари етишмаяпти. Пахтачиликни комплекс механизациялашга оталиқни янада кучайтириш республика комсомол ташкилотининг энг муҳим вазифалари бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қола беради.

Пахта етиштиришнинг ҳозирги агротехникасини сувчининг меҳнатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Афсуски кўп йилларгача шу касб кишиларини тайёрлашга, жумладан комсомол ташкилотлари ҳам етарли эътибор бермаган эдилар. Натижада агротехниканинг ривожланиш даражаси билан омилкор миробларар ўртасида номутаносиблик вужудга келди. Хўш, бу етишмовчиликни қандай тугатиш мумкин? Андижон область комсомол ташкилотларининг ташаббуси бу саволга жавоб берди, улар 1979—1980 йилларда ёшлардан 10 мингта малакали сувчи тайёрлашга оталиқ қилдилар. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети бу ташаббусни маъқуллади. Ҳозир бутун республикада 50 минг сувчи тайёрлаш мақсадида актив иш авж олдириб юборилди.

Сирдарё районидаги «Ленинград» колхози ва Шўрчи районидаги «Партия XXIII съезди» колхози комсомол-ёшлар бригадаларининг гек-

тар бошига 50—55 центнер пахта учун курашиш даъватини ҳам ёш қишлоқ меҳнатчилари бажонидил қўллаб-қувватладилар. Дўстлик районидаги «Комсомол» совхозининг комсомол-ёшлар коллективлари «Ўнинчи беш йилликда кўпроқ юқори сифатли пахта берамиз, зарбдор меҳнат қиламиз, қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланишда юксак самарага эришамиз!» шиори остида ишладилар. Минглаб шижоаткор ёшлар уларнинг ташаббусига қўшилдилар.

Республика комсомол ташкилотлари жамоат чорвачилигини ривожлантиришга оталиқ қилиш соҳасида каттагина иш қилдилар. Чорвадорлар, машинада сут соғиш усталари, молбоқар ва паррандабоқар операторлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг ташкил этилиши яхшиланди. Чорвадорларнинг КПСС XXVI съездига меҳнат туҳфалари уларнинг иш маҳорати ошганидан дарак беради. Чунончи, Хоразм областининг ёш сут соғувчилари 1980 йилнинг ноябридаёқ социалистик мажбуриятлар бажарилгани тўғрисида рапорт бердилар, уларнинг Тошкент областидаги дугоналари ҳар бош сигирдан 3300 литрдан сут соғиб олдилар, бу областдаги ўртача кўрсаткичдан 10 процент ортиқдир.

11 та чорвачилик комплекси, паррандачилик фабрикаси, озуқа цехи зарбдор комсомол қурилиши деб эълон қилинди. Ҳозир 78 мингдан кўпроқ йигит ва қиз бевосита чорвачиликда меҳнат қилмоқда. 1655 комсомол-ёшлар коллективи меҳнат, ғоявий-сиёсий ва ахлоқий тарбия соҳасида комсомол комитетларининг таянч базасидир. Йил сайин бу тармоққа 6 мингга яқин киши юборилмоқда. Чорвачиликни ёш кадрлар билан мустаҳкамлаш масалалари доимо комсомол комитетларининг диққат марказида турибди. Чунончи Тошкент область қишлоқ мактабларини битириб чиққан 400 киши «Чорвадор — 80» отряди составида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Мунаввар Исоқова ва Анастасия Ивановна Чудняянинг илғор тажриба мактабларида таълим олиб, комсомол йўлланмаси билан чорвачилик комплексларига жўнаб кетдилар.

Учқўрғон районидаги В. И. Ленин номли совхоз комсомол ташкилотининг иш тажрибаси йигит ва қизларнинг чорвачиликни ривожлантиришдаги иштироки нақадар самарадор бўлишидан далолат беради. Ёшлар фермаларга оммавий равишда келгунга қадар бу ердаги ишлар қўлда бажарилар ва зарар кўрилар эди. Комсомол-ёшлар коллективлари тузилгач аҳвол тубдан ўзгарди. Комсомоллар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида катнашиб, совхоз партия ташкилотининг мадади ва ёрдамига таяниб, фермалардаги деярли барча сермеҳнат жараёнларни комплекс механизациялашга эришдилар. Бу эса хўжаликнинг рентабеллигини ошириш имконини берди. Фермаларда унумли меҳнат қилиш ва маданий ҳордиқ чиқариш учун ҳамма шароит муҳайё. Бу ердаги ҳамма ишловчиларнинг 72 проценти — ВЛКСМ аъзоларидир. Уларнинг кўпчилиги махсус курсларни, мактабларни тамомлаб чиққанлар, техника ихтисосларини эгаллаганлар.

Ем-хашак базаси чорвачиликни ривожлантиришнинг асоси эканлиги яхши маълум. Комсомол ташкилотлари қишлоқ хўжалигининг мана шу энг муҳим соҳасини оталиққа олиб, ўзининг самарадорлигини исботлаган синалган йўлдан бордилар. Ўз сафларида 66 мингдан кўпроқ йигит ва қизни бирлаштирган 2.338 комсомол-ёшлар ем-хашак тайёрлаш коллективлари тузилди. Уларнинг кучи билан ҳар йили 4—5 миллион тонна ем-хашак ёки республикадаги жами ем-хашакнинг 75 проценти тайёрланмоқда.

Ҳақиқатан комсомоллар экини бўлиб қолган маккажўхори етиштиришга оталиқни янада яхшилашни Ўзбекистон комсомолининг озиқ-овқат программасини бажаришга қўшадиган конкрет ҳиссаси деса

бўлади. Ҳозир шу тармоқда ишлаётган меҳнатчиларнинг 70 проценти ВЛКСМ аъзоларидир.

Республикада маккажўхори ҳосилдорлигини ошириш учун ташкилий ва сиёсий тадбирларнинг кенг программаси ишлаб чиқилиб изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу эса қишлоқ ёшларининг маккажўхорикорликни ривожлантиришга ижодий, фидокорона муносабатини таъминлашдек бош мақсадга эришиш имконини берди. Саккиз йил давом этган оталиқ юз минглаб йигит ва қизлар учун хўжалик юритишнинг, меҳнат ғайратини ва ижтимоий активликни ривожлантиришнинг ҳақиқий мактаби бўлиб қолди. Партиянинг ёшларга кўрсатган юксак ишончи қишлоқ комсомол ташкилотларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан янада мустаҳкамлашга, уларнинг жанговарлиги ва обрў-эътиборини ўстиришга, топширилган иш учун масъулиятини оширишга ёрдам берди.

Комсомол комитетларининг аниқ мақсадни кўзловчи фаолияти, илғор тажриба мактабларининг самарали иши катта муваффақиятларга эришиш имкониятини яратди. Оталиқ йилларида маккажўхоризорлар 5 баравар кенгайди, ялпи ҳосил 10 баравар, ҳосилдорлик икки баравардан зиёд кўпайди. 1980 йилда маккажўхори донининг ўртача ҳосилдорлиги 70 центнердан ошди, ялпи ҳосил эса биринчи марта 1 миллион 300 минг тоннага етди. 370 та комсомол-ёшлар бригадаси гектар бошига 100 центнер ва ундан ҳам кўпроқ дон олди.

1981 йилда республикада 1,5 миллион тонна маккажўхори дони етиштириш белгиланган. Ана шундай жиддий вазифанинг ҳал этилиши комсомол комитетларидан ҳар бир ёш маккажўхорикор ва мутахассиснинг куч-ғайратларини сафарбар этишни, ҳар гектар суғориладиган ердан моҳирона ва оқилона фойдаланишни, планлар ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришни талаб қилади.

Қишлоқдаги маданий-маиший шароитларни янада яхшилаш қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини кўпайтиришнинг муҳим шарти эканини КПСС МКнинг 1980 йил октябрь Пленуми алоҳида таъкидлаб ўтди. Комсомол комитетлари йигит ва қизларни ғоявий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик жиҳатдан тарбиялаш соҳасида актив иш олиб бориш учун, янги анъаналар, урф-одатлар ва расм-русмларни турмушга жорий этиш учун маданият саройлари, клублар, кутубхоналар ва музейлардан кенг фойдаланмоқдалар. Бу жиҳатдан Наманган областида қимматли тажриба тўпланди. Бу ерда ҳар бир районни социал ва маданий ривожлантириш планлари ишлаб чиқилиб муваффақиятли амалга оширилмоқда. Корхоналарнинг, хўжалик ва муассасаларнинг молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларини марказлаштириш, пайдо бўлаётган проблемаларни ўз вақтида ва коллектив бўлиб ҳал этиш бу ишда ёрдам бермоқда. ВЛКСМ МК қарори билан ташкил этилган «Ўзбекистон комсомоли» доимий агитпоезди қишлоқдаги агитация-пропаганда ва маданий-оммавий ишнинг маркази бўлиб қолди.

«Коммунизмни ўрганамиз, коммунизм қурамиз!» деган шахсий комплекс план республикадаги ленинча имтиҳоннинг 4 миллион қатнашчиси учун юксак турмуш муддаоларини белгиловчи негиз бўлди. Ленинча имтиҳондан кузатилган асосий мақсад коммунизм учун ғоявий чиниққан, онгли курашчиларни тарбиялашдан иборат. Комсомол ташкилотлари орттирган тажриба ўн биринчи беш йилликдаги ленинча имтиҳоннинг янги босқичини ривожлантириш учун яхши замин бўлиб хизмат қилиши, бу синовда қатнашиш ёшларнинг актив турмуш позициясини шакллантиришга, уларнинг ҳар томонлама камол топишига амалий таъсир ўтказиши жуда муҳимдир.

Йигит ва қизларнинг ВЛКСМ аъзоси деган юксак номни олишга интилиши комсомол иши самарадорлигининг энг муҳим мезонларидан бири, комсомол комитетлари обрўсининг кўрсаткичидир. Ҳозир респуб-

лика комсомол ташкилоти ёшларнинг 2 миллион 700 минг энг яхши вакилини бирлаштириб турибди. Ўнинчи беш йиллик мобайнида комсомолга 1 миллион 850 минг йигит ва қиз қабул қилинди. Мактабларда ва ҳунар техника билим юртларида ВЛКСМ аъзолари анча кўпайди, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, қурилиш, темир йўл транспорти сингари муҳим моддий ишлаб чиқариш тармоқларида комсомол қатлами ошди.

Комсомол совет ёшларини Коммунистик партия билан совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбияламоқда. Ёш авлод шу манбадан илҳом олмоқда ва ғоявий эътиқодни, коммунизм идеалларига садоқатни, ватанпарварлик ва гражданликни ўрганмоқда.

Партия раҳбарлиги — комсомол кучи ва мустаҳкамлигининг зарур шарти, унинг янги муваффақиятлари гаровидир. Партия комсомолнинг бош мақсади ва конкрет вазифаларини белгилайди, ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятнинг улкан тажрибасини унга ўргатади. Комсомол ленинча ишлаш услубини, қўйилган мақсадларга эришишнинг энг самарали йўллари ва воситаларини танлаш маҳоратини партиядан ўрганади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездидаги докладида комсомол ўзининг куч-ғайратини аввало нималарга сарфлаши, асосий диққат-эътиборни қайси камчиликларга қаратиши лозимлиги аниқ кўрсатилди:

«Сир эмаски, айрим ёшларимиз маълумотли, ҳамма нарсадан хабардор бўлганлари ҳолда, баъзан сиёсий жиҳатдан гўллик қиладилар, профессионал тайёргарликлари яхши бўлгани ҳолда, меҳнатга етарли даражада масъулият билан қарамайдилар. Бу, кўп жиҳатдан,— комсомол ишидаги камчиликнинг натижасидир.

Демак тарбия ишини кучайтириб бориш керак. Бунда мен меҳнат тарбиясини ҳам, ахлоқий тарбияни ҳам, ғоявий-сиёсий тарбияни ҳам назарда тутаяпман. Бунда гап ундай ёки бундай «тадбирлар»ни кўпайтириш тўғрисида бораётгани йўқ. Гап ҳар бир комсомол ташкилотида жонли, ижодий муҳит яратиш тўғрисида бормоқда».

Биз партия раҳбарлигида, коммунистлар ва бутун совет халқи билан биргаликда белгиланган режаларни амалга ошириш учун сабот билан ишлаймиз, КПСС XXVI съезди йўл-йўриқларини амалда бажариш учун бутун кучни сарфлаймиз.

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ПРОБЛЕМАЛАРИ

ПАХТАЧИЛИКДА АГРОСАНОАТ ИНТЕГРАЦИЯСИ

А. ЦАМУТАЛИ,

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг мухбир аъзоси

Ф. ҚАЮМОВ,

иқтисод фанлари доктори

СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ривожининг ҳозирги босқичида унинг моддий-техника базаси ўсиб, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш мустаҳкамланмоқда, партия аграр сиёсатининг энг муҳим вазифасини — мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта равишда таъминлаш вазифасини ҳал этишда агросаноат интеграциясининг роли ошиб бормоқда. Энди қишлоқ хўжалигининг саноат, транспорт, савдо ва ҳоказолар билан алоқаси уни ривожлантиришнинг пировард самарасини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Қишлоқ хўжалигининг экономика ёндаш тармоқлари билан ўзаро алоқасини агросаноат интеграцияси негизида такомиллаштириш юзасидан КПСС XXV съезди белгилаб берган ҳамда партия билан ҳукуматнинг шундан кейинги қарорларида, КПСС МК 1978 йил июль, 1980 йил октябрь Пленумларининг қарорларида ривожлантирилган йўл партия XXVI съездида қабул қилинган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»да ўз ифодасини топди. Бу ҳужжатда: «Халқ хўжалиги структурасида илғор силжишлар амалга оширилсин.., агросаноат комплекси ҳар томонлама ривожланиши таъминлансин...» деб таъкидлаб ўтилган.

Партия хўжаликлараро кооперациялаш ва агросаноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялаш йўлини белгилаганида марксизм-ленинизм классикларининг майда ишлаб чиқаришдан йирик ишлаб чиқаришнинг афзаллиги тўғрисидаги, социалистик кооперация ҳақидаги, ижтимоий меҳнат тақсимоти ҳамда қишлоқ хўжалигининг саноат билан олий синтези (иттифоқи) тўғрисидаги таълимотига асосланди. Илмий коммунизм асосчилари К. Маркс билан Ф. Энгельс деҳқончиликни саноат билан бирлаштириш зарурлигини уқтирдилар. В. И. Ленин бу ғояни назарий жиҳатдан асослаб берди ва социализм шароитида уни турмушга татбиқ этиш тадбирларини ишлаб чиқди. У деҳқончиликнинг хусусиятларини, унинг фан-техника тараққиёти билан боғлиқ равишда ривожланиш тенденциясини кўрсатиб берди. «Социализмнинг вазифаси,— деб таъкидлаган эди Владимир Ильич,— саноат билан деҳқончиликни яқинлаштириш ва бирлаштиришдир» (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 17-бет).

ВКП(б) XV съездиёқ саноат билан қишлоқ хўжалигининг мустаҳкам ишлаб чиқариш алоқаси, уларни ягона комплексда бирга қўшиш

мақсадга мувофиқ эканини уқтирган эди. Съезднинг ишлаб чиқаришни кооперациялашга оид резолюциясида бундай деб таъкидланган эди: «Ҳам техникавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан бевосита боғланган ва қишлоқ хўжалигининг ички тузилишини ўзгартирадиган, қишлоқ хўжалиги индустрияси (ҳам давлат, ҳам кооператив индустрияси) бу жараёнда ҳозирнинг ўзидаёқ жуда муҳим роль ўйнамоқда ва келгусида тағин ҳам каттароқ роль ўйнайдиган бўлади» (КПСС съездлар, конференциялар ва МК пленумларининг резолюция ва қарорларида, III қисм, 24-бет).

Агросаноат интеграцияси иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда шу асрнинг иккинчи ярмида ривожланган янги жараёндир. У қишлоқ хўжалигининг тармоқлараро алоқалари анча юқори поғонага кўтарилганини сифат жиҳатдан акс эттиради. Бунда, биринчидан, шу алоқалар тобора мустаҳкам, узвий тус олади ва, иккинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш, уни тайёрлаш, ташиш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш жараёнларининг моддий-техникавий ва ташкилий жиҳатдан бирлиги таъминланади.

Мамлакат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ҳозирнинг ўзидаёқ турли соҳаларга ихтисослашган агросаноат корхоналари ва бирлашмалари, совхоз-заводлар, колхоз-заводлар, ишлаб чиқариш-территориал ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари тарзидаги интеграциянинг бир қанча ташкилий формалари вужудга келди. Чунончи, Ўзбекистонда мева, сабзавот ва узум етиштириш ҳамда қайта ишлаш соҳасида агросаноат интеграцияси кенг тарқалган. Келгусида бу тармоқлардан ташқари, республикамизда чорвачилик, шоликорлик, тамакикорлик, пиллачилик ва лубкорлик соҳалари интеграцияга жалб этилиши мумкин. Бизнингча, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг бош тармоғи — пахтачиликни агросаноат интеграциялашга алоҳида эътибор берилиши керак.

Бутун мамлакатнинг агросаноат комплекси каби пахтачилик агросаноат комплекси ҳам мураккаб структурага эга бўлиб, халқ хўжалигининг қуйидаги ўзаро боғлиқ тармоқлари ва соҳаларини ташкилий, иқтисодий ва технологик жиҳатдан қамраб олади:

— Сув хўжалиги қурилиши ва гидромелиорация системаларини ишлатиш — қўриқ ерларни ўзлаштириш, суғориш каналлари, сув омборлари, коллекторлар, зовурлар қуриш;

— пахтачилик учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш — трактор, қишлоқ хўжалик, транспорт машинасозлиги, минерал ўғит, гербицид ва пахтачилик учун бошқа препаратлар ишлаб чиқарувчи саноат;

— агросаноат комплексининг етакчи тармоғи бўлмиш пахтачилик;

— пахта тайёрлаш ва саноатда қайта ишлаш;

— ишлаб чиқаришнинг инфраструктураси — йўллар, транспорт, омборлар, шунингдек пахтачилик соҳасидаги лойиҳалаш, агрономия хизмати ва илмий тадқиқотлар;

— социал инфраструктура — уй-жой коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, савдо-сотиқ, кадрлар тайёрлаш ва ҳоказо.

Пахтачилик агросаноат комплексининг мазкур соҳалари ўз навбатида группалаштирилиб, учта йирик соҳага бирлаштирилиши мумкин. Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар биринчи группага, пахтачиликнинг ўзи иккинчи группага, пахта комплексининг маҳсулотини тайёрлаш, асраш, қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи тармоқлар учинчи группага киради.

Комплекс системасида пахтачиликни янада ривожлантириш вазифалари ва тадбирларини белгилаганда партия иқтисодий стратегиясининг ўзаги бўлмиш интенсив омилларга эътиборни кучайтириш, ишлаб

чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, хўжалик фаолиятининг пировард натижаларига зўр эътибор бериш зарурлигига асосланмоқ керак.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида пахтачиликда янги марралар қўлга киритилди: Ўзбекистон Ватанга 28,5 миллион тонна, яъни пландаги топшириқдан 934 минг тонна кўп «оқ олтин» берди. 1980 йилда республикада ялпи пахта ҳосили 6 миллион 237 минг тоннага, ўртача ҳосилдорлик эса гектар бошига 33,2 центнерга етиб, 1975 йилдаги ҳосилдорликдан 5 центнердан зиёд ошди. Ҳосилнинг 64 проценти машинада терилди. Бироқ, КПСС МК 1978 йил июль Пленумида уқтириб ўтилганидек, «ҳозирги масала ўсишнинг миқдор кўрсаткичларидагина эмас. Маҳсулот сифатини ошириш, ингичка толали пахта етиштиришни ҳар томонлама кўпайтириш — марказий вазифадир. Пахтанинг сифати юқори бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш—мамлакат барча пахтакорларининг бош вазифасидир».

1978—1980 йиллардаги маълумотларга қараганда, республикамизнинг, айниқса Хоразм, Сирдарё ва Жиззах областларининг кўпгина хўжаликларида пахта сифатини янада яхшилаш имкониятларидан тўлатўкис фойдаланилмаяпти. Паст сортли пахтанинг проценти ҳали ҳам юқори. Пахта етиштириш, териш, тайёрлаш, асраш ва қайта ишлаш технологиясини бузиш ҳоллари, пахта агросаноат комплексининг асосий элементлари ўртасидаги мутаносибсизлик бунга сабаб бўлмоқда. Пахтачиликнинг ишлаб чиқариш ва социал инфраструктуралари етарли даражада ривожланмаган. Тайёрлаш ва қайта ишлаш системаларининг моддий-техникавий даражаси заиф. Тайёрлов пунктларида қуритиш-тозалаш цехлари оз, натижада пахтанинг анчагина қисми ортиқча нам ва ифлослигича қолмоқда. Пахта тозалаш заводларининг ишлаб чиқариш қувватлари етишмаслиги орқасида пахтани қайта ишлаш муддатлари ҳаддан ташқари чўзилиб кетмоқда, пахта асраладиган бостирмалар йўқ. Мана шуларнинг ҳаммаси етиштирилган ҳосилнинг сифати пасайишига ва унинг кўп миқдорда нобуд бўлишига олиб бормоқда. Ўзбекистонда пахтачиликда агросаноат интеграцияси соҳасида муайян тажриба тўпланган. 1957 йилдаёқ Бухоро областида пахта етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган «Нарпай» совхоз-заводи тузилган эди. Совхознинг жами ер майдони 10,9 минг гектарга боради, шундан 5,4 минг гектарида пахта етиштирилади. Завод йилига 18 минг тонна пахтани қайта ишлаб, 5,5 минг тонна тола чиқара олади.

Пахта етиштириш, асраш ва қайта ишлаш бу ерда изчил технология занжири бўйлаб, бир органнинг бошқаруви ва контроллигида олиб борилади. Совхоз-завод ягона план асосида ишлайди, ягона балансга, ягона раҳбарлик ва моддий-техника таъминотига эга. Хўжалик йил сайин пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил олиб келмоқда. 1978 йилда ялпи пахта ҳосили бу ерда 17,4 минг тоннага етиб, 1975 йил даражасидан 4,6 минг тонна ошиб кетди.

Агросаноат интеграцияси машинада терилган пахтанинг сифатини оширишдек актуал проблемани ҳал этишни таъминлайди. 1979 йилда совхоз-завод ҳосилнинг 70 процентдан кўпроғини машинада терди, шундан 79,6 проценти биринчи саноат сортига тўғри келди, ҳолбуки қўшни Навоий заводи зонасидаги хўжаликларда машинада терилган пахтанинг атиги 54 проценти, Бухоро областининг колхоз ва совхозларида эса 45,8 проценти биринчи сорт билан топширилди. «Нарпай» совхоз-заводида чигитдан ажратиб олинадиган толанинг миқдори ва бутун ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ҳам юқори.

Пахтачиликда пахта етиштиришни уни дастлабки қайта ишлаш билан бирга қўшиш учун объектив шарт-шароитлар бор. Ўзбекистон ССРда 1930 йилдан 1978 йилгача пахтазорлар икки баравардан зиёд

кенгайди, ялпи пахта ҳосили эса 7,5 баравар кўпайди. Пахтакор хўжаликларнинг чигит экиладиган майдонлари ўртача ҳажми 6 баравар, пахта етиштириши эса 21 баравар ошди. 1979 йилда битта пахтакор колхоз ўрта ҳисобда 4150 тонна, совхоз эса 5300 тонна пахта етиштирди. Шу вақт ичида республиканинг пахта тозалаш саноати янада ривожланди: заводлар 43 тадан 104 тага етди, улардан ҳар бирининг пахтани қайта ишлайдиган ўртача қуввати 3,1 баравар кўпайиб, ҳозир 55 минг тоннага етай деб қолди. Бир заводга 18 минг гектар пахтазор тўғри келади. Хуллас, пахтачиликда ҳам, пахта тозалаш саноатида ҳам ихтисослаштириш ва концентрациялаш амалга оширилди.

Пахтакор колхоз ва совхозлар пахта тозалаш заводлари ва уларнинг тайёрлов пунктлари билан узвий технология алоқаси ўрнатганлар. Кейинги 15—20 йил мобайнида пахтачиликни комплекс механизациялаш ривожланиши, у аста-секин индустриал негизга ўтказилиши туфайли қишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасидаги ташкилий-хўжалик алоқалари янада кўпроқ чуқурлашди. Ҳозир паахта етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлаш аслида узвий жараёнга айланиб, унда юқори сифатли пировард маҳсулот — пахта олишда заводларнинг роли ошди.

Ҳали яқин ўтмишда, еттинчи беш йилликда жуда сермеҳнат иш бўлган пахтани қуритиш билан колхоз ва совхозларда очиқ ҳавода ибтидоий сушилкаларда ва дала шийпонларида шуғулланилар эди. Хўжаликлар ҳар тонна пахтани қуритишга икки киши-кун ҳисобида чиқим қилар эди. Пахтани икки марта қоплаш, ортиш ва туширишга кўп қўл меҳнати сарф бўлар эди. Пахта етиштириш кўпайган сайин уни қуритиш ва ташиш мураккаб проблемага айланди, бу проблема ҳосил теримини механизациялаш жараёни тезлашгандан кейин — олтмишинчи йилларнинг ўрталарида тўла-тўкис ҳал этилди. Пахта ағдарма трактор прицепларида қоп-қанорсиз ташиладиган бўлди, пахта тозалаш заводлари ва уларнинг тайёрлов пунктлари юксак даражада механизациялашган қуритиш-тозалаш цехлари, қабул қилиш-узатиш механизмлари билан таъминланди,— шу тариқа улар пахта етиштиришнинг индустриал технологиясида ҳақиқатан ҳам тугалловчи бўғин бўлиб қолди. Бу бўғиннинг иқтисодий ва ташкилий аҳамияти жуда катта.

Дарҳақиқат, терим ишларини механизациялаш кенг жорий этилгач, ҳосилнинг асосий қисмини (90 процентини) териш даври 100—110 кундан 45—50 кунга келтирилди. Қоп-қанорсиз ташиш—марказлаштирилган тарзда қуритиш ва тозалаш — уни бунтларга механизмлар ёрдамида ғарамлаб қўйишдан иборат замонавий технология бўлмаса, терим даврида ҳар куни қўшимча равишда 200 минг ишчи керак бўлар эди.

Пахтачиликни юксалтириш, бу тармоқдаги техника тараққиёти муқаррар равишда пахтани қабул қилиш, тозалаш ва қайта ишлашда катта ўзгаришларга олиб келади. Пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш системасидаги ўзгаришлар эса пахтачиликнинг ўзини ривожлантиришга муҳим таъсир кўрсатади. Бу таъсир пахта етиштиришнинг тугалловчи босқичидагина эмас, бошқа босқичларида ҳам сезилмоқда. Заводлар хўжаликларни юқори сифатли уруғлик билан таъминламоқда, туксиз бир текис чигит етказиб берилиши уни аниқ миқдорда уялаб экишнинг илғор схемасини жорий этиш имконини беради, бу схема ғўзани яганалашга кетадиган меҳнатнинг анча қисмини тежашни таъминлайди. Уруғлик чигитни турли касалликлар юқишига қарши дорилаш иши ҳам заводларда марказлаштирилган.

Республикамиздаги пахта тозалаш заводларининг кўпчилиги ва уларнинг бутун тайёрлов шохобчаси (500 тадан ортиқ тайёрлов пункти) қишлоқ жойларда ишлайди. Қишлоқдаги йирик саноат масканлари бўлмиш бу завод ва пунктлар қишлоқда маҳсулот етиштиришнинг индустриал технологиясини жорий этишга, қишлоқ хўжалик меҳнатини

саноат меҳнатининг бир турига айлантиришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни тугатишга ёрдам бермоқда.

Пахтачилик ва пахта тозалаш саноати ривожининг ҳозирги босқичида шу тармоқлар ишининг, халқ хўжалиги манфаатлари нуқтаи назаридан, янада юксак самарадорлигини таъминлаш проблемаси пайдо бўлди. Бу проблема агросаноат бирлашмаларини вужудга келтириш асосидагина ҳал этилиши мумкин. Бироқ, пахта етиштириш ва уни қайта ишлашда объектив шарт-шароитлар, мустаҳкам технология, ташкилий алоқалар мавжуд бўлишига қарамай, агросаноат интеграцияси пахтачиликда унчалик кенг тарқалмади. Чамаси қишлоқ хўжалигини ва ишлама саноатни ривожлантиришнинг тарихан вужудга келган хусусиятлари, пахта етиштириш ва уни қайта ишлашни ташкил қилишнинг чуқур илдиз отган анъаналари ва орттирилган тажрибаси ўзини кўрсатмоқда. Агросаноат интеграцияси проблемаларини ҳал этиш пайтида пахтачилик ва пахта тозалаш саноати узоқ вақтгача параллел, мустақил ишлаб келганлиги туфайли вужудга келган бир қанча ташкилий-иқтисодий ва бошқарув хусусиятларини эътиборга олмасдан бўлмайди.

Бу хусусиятлардан бири шундан иборатки, пахта тозалаш саноати ишининг натижалари заводларга келтирилаётган хом ашёни баҳолашга, унинг қийматини (нархини)гина эмас, турларини ҳам ҳисобга олишга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб турибди. Тайёрлов пунктларида ҳозир маҳсулот сифатини аниқлайдиган приборлар йўқ, шу сабабли унинг сифати органолептик усулда белгиланади. Аммо пахта терими даврида тайёрлов пунктларига ҳар куни йиллик ҳосилнинг 7—10 проценти келтирилиши, машинада терилган пахтанинг ташқи кўриниши қўлда терилган пахтадан анча фарқ қилиши эътиборга олинганда, уни қўлда терилган пахта тўрт навга бўлинишига биноан ғарамлаш пайтида хатолар бўлиши муқаррардир.

Пахта пунктлари хом ашёни қарийб 10 ойгача очиқ ҳавода сақлайди, шу вақт ичида ҳам унинг сифати ёмонлашади. Толанинг паст навларга ўтиб қолишига ва шу сабабли катта зарар кўрилишига йўл қўймаслик учун пунктларда кўпинча колхоз ва совхозлардан қабул қилинаётган хом ашёнинг сифати атайлаб пасайтириб ёзилади. Шу сабабли маҳсулот сифатининг у ёки бу тарзда ўзгариши ҳамда заводларнинг фойдаси ёки зарари тегишли равишда кўпайиши сабабларини аниқ-равшан белгилаб бўлмайдиган мураккаб вазият вужудга келади.

Бу аҳволдан қутулиш учун кўпгина тажрибакор ва илмий ходимлар пахта навини баҳолашнинг органолептик усулидан воз кечиб, асбоблар ёрдамида белгилашга ўтишни таклиф қилмоқдалар. Бу соҳада ҳозиргача муайян иш қилинди. Чунончи, экспериментал Бектемир пахта тозалаш заводида пахта сифатини баҳолайдиган тез ишловчи приборлар яратилди, пахта ғарамлайдиган механизмлар ўрнатилди.

Ҳамма босқичларда, шу жумладан пахтани қабул қилишда ва ғарамлашда пахтани баҳолаш сифатининг яхшиланиши катта аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз. Аммо бу нарса умуман комплекс ишининг самарадорлигини оширишдан иборат асосий вазифани ҳал қилмайди. Колхоз ва совхозлар билан пахта тозалаш заводларининг мустақил хўжалик ҳисобидаги манфаатлари мавжуд бўлган бир шароитда, қабул қилинаётган пахтани баҳолашнинг методлари қандай бўлмасин, улар ўртасида можаро чиқиши сабаблари сақланиб қолаверади, жумладан, шерикнинг иқтисодий манфаатлари зарарига ўз ишининг натижаларини оширишга иккала томон ҳам интилаверади, деб ўйлаймиз. Вазифа эса колхозлар, совхозлар ва заводларнинг хўжалик ҳисобидаги манфаатдорлигини бирлаштиришдан иборат. Агросаноат бирлашмалари доирасида унда қатнашувчи ҳамма томонларнинг ишини холисона баҳо-

лаш учун шароит яратилган тақдирдагина мана шу мақсадга эришиш мумкин.

Қудратли пахта тозалаш саноати, бутун бир маъмурий район хўжаликларининг пахтасини қайта ишлайдиган катта-катта заводлар ишлаб турган шароитда пахтачилик совхоз-заводларини, бизнинг фикримизча, янги ерлардагина ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу ерда ҳар бири 15—20 минг тонна пахта етиштирадиган совхознинг ўз пахта тозалаш заводи бўлиши мумкин. Илгаридан суғориб келинаётган районларда эса ҳар бир пахта тозалаш заводининг хом ашё зонасида агросаноат бирлашмалари тузиш йўлидан бориш керак. Ҳар йилги қайта ишланган пахта ҳажмига қараб гуруҳланганда, республикамизда 25 минг тоннагача пахтани қайта ишлай оладиган 12 та, 25—50 минг тонна пахтани қайта ишлай оладиган 46 та, 50—75 минг тонна пахтани қайта ишлай оладиган 27 та ва 100 минг тоннадан ортиқ пахтани қайта ишлайдиган 6 та завод бор. Заводларнинг қувватлари оша борган сайин уларнинг хом ашё зонаси ҳам кенгаяди, бир заводга тўғри келадиган тайёрлов пунктлари кўпаяди. Шу билан бирга йирик заводларнинг пировард маҳсулоти — пахта толаси сифатига оид кўрсаткичлари ҳам яхшироқ эканини анализ кўрсатиб турибди. Чунончи, 117 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган заводлар группасида жами толанинг 81,4 проценти биринчи сорт пахтани ташкил этса, 14 минг тонна пахтани қайта ишлай оладиган заводлар группасида атиги 58 проценти тўғри келади.

Пахтачиликда агросаноат синтезини пахта тозалаш заводларини ўз хом ашё зонасига кирувчи хўжаликлар билан бирлаштириш асосида ривожлантирган мақбул. Ўзбекистонда ҳар бир пахта тозалаш заводининг ўртача қуввати ҳозир 54 минг тоннага етди ва одатда унинг хом ашё зонаси 8—9 колхоз ва совхоздан иборат бўлиб қолди. Ҳозир кўпчилик маъмурий районларда бир-иккита завод бор. Бинобарин. бу ерда бир ёки иккита пахтачилик агросаноат бирлашмасини ташкил қилиш мумкин. Келгусида чоғроқ заводларни реконструкция қилиб, уларнинг қувватини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Пахтани икки-уч ой мобайнида қайта ишлай оладиган қудратли заводлар барпо қилинган тақдирдагина пахтачиликда агросаноат интеграциясини амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблаётган иқтисодчиларнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Проблемага бундай ёндашиш уни ҳал этишни муайян бўлмаган узоқ муддатга чўзиб юборади, чунки у пахта тозалаш саноати қувватини ҳозиргига нисбатан камида беш баравар оширишни талаб қилади. Бизнингча, пахта тозалаш саноати ишлаб чиқариши ва қувватининг ҳозирги шароитидаёқ агросаноат интеграциясига доир тадбирларни амалга ошираверишн мумкин.

Мамлакатнинг бошқа районларидаги интеграциялаш тажрибасига қараганда, ихтисослаштирилган бирлашмалар энг кўп самара беради. Уларнинг чегараси маъмурий районнинг чегарасига мос келиши энг соз ҳисобланади. Ўзбекистондаги 56 та пахта тозалаш заводи ҳар бири биттадан маъмурий район хўжаликларига хизмат қилади, 29 та завод икки райондаги, 9 та завод уч ва 3 та завод тўрттадан маъмурий районга хизмат қилади.

Заводларнинг хом ашё зоналарини ўзгартирмай туриб, 50 та районда биттадан, 6 та районда иккитадан пахтачилик агросаноат бирлашмасини тузиш мумкин. Башарти мана шундай ташкилот мақбул деб топилса, келгусида ҳозир икки-тўрт районга хизмат қилаётган 40 та завод учун хом ашё зоналарини заводнинг ҳар бири бир районнинг пахтасини қайта ишлайдиган қилиб қайта кўриб чиқиш зарурати туғилади.

Икки типдаги: уруғлик чигит ва тола етиштирадиган ҳамда тола ва техникавий чигит етиштирадиган бирлашмалар бўлиши мумкин. Ҳар

бир областда уруғлик чигитга бўлган эҳтиёжга қараб бир-иккита уруғчилик пахта агросаноат бирлашмасини ҳамда тола ва техникавий чигит етиштирадиган етти-тўққизта бирлашмани ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бирлашмага кирувчи хўжаликлар уруғчилик бирлашмасида уруғлик, техникавий чигитни, толани реализация қиладиган, оддий типдаги агросаноат бирлашмаларида эса тола ва техникавий чигитни реализация қиладиган бўладилар.

Колхоз ва совхозларда пахта сотишдан тола ва чигит реализация қилишга ўтилиши хўжаликларни пировард маҳсулот сифатини оширишдан манфаатдор қилишини, машинада терилган пахта сифатини оширишга ижобий таъсир ўтказишини «Нарпай» совхоз-заводининг тажрибаси кўрсатиб турибди. Терим ишлари тўла механизациялашган шароитда бунинг аҳамияти жуда катта.

Пахтачиликдаги агросаноат интеграцияси — узоқ давом этадиган мураккаб жараён. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, ихтисослаштириш, концентрациялаш ва агросаноат интеграциясини давом эттириш йўли билан уруғчиликни такомиллаштириш, уруғлик чигит етиштиришни ташкил этиш бу йўлдаги дастлабки қадамларнинг бири бўлади. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги системасида жуда яқин вақт ичида уруғлик чигит етиштирадиган республика ва область агросаноат бирлашмаларини тузиш мақсадга мувофиқдир. Область бирлашмалари составига уруғчилик колхоз ва совхозлари, шунингдек ихтисослашган заводлар киритилади. Бу заводларда чигитни сорти ва катта-кичиклигига қараб саралаш, тукини тўкиш ва экишдан аввал дорилаш цехлари, уруғлик омборлари, уруғлик пахтани механизация усулида қуритадиган қуритиш-тозалаш цехлари бўлиши керак.

Пахтанинг ҳар хил навларидан чиқадиган тола миқдори бир-биридан анча фарқ қилиши маълум (масалан, ўртача толали пахта навларида 28 процентдан 40 процентгача боради). Хўжаликларнинг шу кўрсаткичга доир иш натижаларига бериладиган баҳо уларни кўпроқ миқдорда тола чиқадиган навларни етиштиришга рағбатлантиради, аввало деҳқончиликнинг тегишли навларини яратиб бериш юзасидан селекциячилар олдига қўядиган талабларини оширади.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг лойиҳалаш ташкилотлари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари тола ва чигит сифатини яхшилаш мақсадида янада унумли пахта тозалаш заводларини лойиҳалаш ишини кенгайтиришлари айни муддао бўлади, шу тариқа уларнинг қувватлари аста-секин оширилиб, пахтани қайта ишлаш муддати ҳозирги вақтдаги тўққиз-ўн ой ўрнига икки-уч ойга келтирилади.

Қишлоқ хўжалиги экономикаси Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институтида пахтачилик агросаноат бирлашмасининг модели ишлаб чиқилган, бу модель ўз зонасидаги экинзорларда етиштириладиган 50 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган завод бўлишини, деҳқончилик ва чорвачиликнинг илмий асосланган системаларини жорий этишни назарда тутиб тузилган. Бундай бирлашмада 8 та хўжалик, 23,4 минг гектар суғориладиган экинзор, шу жумладан 14,2 минг гектар пахтазор, 4,7 минг гектар бедапоя бўлиши ва 2,3 минг гектар ерга дон ҳамда силос учун маккажўхори экилиши мўлжалланади. Бирлашма хўжаликларида 12,6 минг бош қорамол, шу жумладан 5,6 минг бош сигир боқилади. Хўжаликларни сут етиштиришга ихтисослаштириш назарда тутилади, молларни бўрдоқига боқиш ва ғунажин етиштириш билан эса хўжаликлараро базалар шуғулланадиган бўлади, бунинг учун битта бўрдоқичилик корхонаси ва битта бузоқларни етиштириш корхонаси тузилади.

Хўжаликларнинг фойдасидан ажратмалар ҳисобига умумий фондлар, шу жумладан иқтисодий жиҳатдан заиф хўжаликларга ёрдам фонди тузилади. Бунинг сабаби шуки, пахтакор районларда ерларнинг сифат состави 40 баллдан 90 баллгача фарқ қилади, район доирасида

пахтанинг харид нархи бир хил бўлади. Натижада хўжаликларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, район ичида пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 20—40 центнер оралиғида бўлади, ҳар 100 гектар экинзор ҳисобига ялпи маҳсулот 1,5—2 баравар, фойда эса 2—2,5 баравар фарқ қилади, ҳар тонна пахтанинг таннархи 30 сўмдан 50 сўмгача бўлади, бинобарин, меҳнатга тўланадиган ҳақ 2—2,5 баравар фарқ қилади. Мазкур фонд бир хил шароитда бўлмаган колхоз ва совхозларга ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун тенг имконият яратиш йўлини очади.

Пахтачиликда агросаноат интеграциясини босқичма-босқич ўтказиш мақбул. Биринчи босқичда колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро бўрдоқичилик бирлашмалари, пахта тозалаш заводи ва пахтачилик агросаноат бирлашмасига кирувчи бошқа ташкилотлар, чамаси, юридик жиҳатдан мустақил бўлиб қолишлари керак. Кейинчалик, хўжаликларнинг моддий, меҳнат ва молиявий ресурслари ишлаб чиқариш жараёнига ва инфраструктурага жалб этилиши даражаси ошиб борган сайин, уларнинг ривожланиш даражаси тенглашиб, давлат ва колхоз-кооператив мулки формалари қўшилиб кетиши билан бирлашмани кооперациялашнинг янада юқори поғонасига ўтказиш, хўжаликларни бирлашманинг ички хўжалик ҳисоби принциплари асосида ишлайдиган бўлинмаларига айлантириш учун шароит вужудга келади.

Пахтачиликдаги агросаноат интеграцияси соҳасида орттирилган тажриба, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш вазифалари қишлоқ хўжалиги билан саноатнинг иттифоқини жадаллаштиришни, агросаноат комплексини планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштиришни объектив равишда талаб қилади.

МАИШИЙ ХИЗМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Б. АБДУРАШИДОВ,
иқтисод фанлари кандидати

КПСС XXVI СЪЕЗДИ белгилаган социал ривожлантириш ва халқ фаровонлигини ошириш планларида аҳолига маиший хизмат кўрсатишни кенгайтириш ва яхшилашга алоҳида ўрин берилган. «Конкрет инсон ҳақида, унинг эҳтиёж ва талаблари ҳақида амалда ғамхўрлик қилиш,— деган эди съездда партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев,— партия иқтисодий сиёсатининг бош ва пировард мақсадидир. Мен буни яна эслатиб ўтаётганимнинг боиси шундаки, оддий, лекин жуда муҳим бир фикрни такрор таъкидламоқчиман: аҳоли учун моллар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш — биринчи даражали партиявий ишдир. Бу масалага худди ана шундай ёндашмоқ керак». Совет давлати турмуш проблемаларига муттасил эътибор бериб келмоқда ҳамда ишдан ташқари вақтни тежашга, уй-рўзғор меҳнатини енгиллаштиришга, совет кишиларининг лаёқатларини ҳар тарафлама кучайтириш учун, уларнинг ижодий активлигини ошириш учун қулайлик туғдирувчи шарт-шароитларни яратишга қаратилган тадбирларнинг кенг программасини амалга оширмоқда.

Маиший хизмат — халқ хўжалигининг ўзига хос бир тармоғидир. Унинг таркибида бўлган корхоналар ва ташкилотларнинг саноат ҳамда чакана савдо функцияларини қўшиб олиб бориши, буюртмачининг индивидуал талаб-эҳтиёжларини, унинг дидини ҳисобга олган ҳолда хизматларнинг бажарилиши бир гал бўлиши бу соҳанинг хусусиятларини ташкил этади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти уй-рўзғор меҳнатининг жамланиши ва умумлаштирилишида, унинг давлат корхоналарида бутун жамиятнинг унумсиз меҳнат сарфларини қисқартириш мақсадида индустриал метод асосида бажарилишидадир. В. И. Ленин уй-рўзғор меҳнатини ғоят унумсиз меҳнат деб тавсифлаган эди (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 27-бетга қаралсин). Маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ишдан ташқари вақт структурасини такомиллаштиришга ҳамда меҳнаткашларнинг жисмоний қувватини тежашга кўмаклашади.

Маиший хизматни ривожлантириш оқибатида аҳоли оладиган социал нафни ҳисоблаб чиқиш бу жиҳатдан жуда ҳам қизиқарлидир. 1960 йилда совет кишилари ўз маиший эҳтиёжларини қондириш юзасидан ўз-ўзига хизмат қилишга ҳаммаси бўлиб 53,4 миллиард соат сарфлаган бўлсалар, 1975 йилда бу сарфлар 42,3 миллиард соатгача камайди, яъни уй хўжалиги ишларидан бўшаган вақт миқдори 11,1 миллиард соатга тенг бўлдики, бу миқдор мамлакатнинг ҳар бир граж-

дани ҳисобига бир йилда ўрта ҳисобда деярли 10 иш кунини тежаб қолиш демакдир. Аҳолининг тежаб қолинган меҳнатининг худди ана шу миқдорида кўриб чиқилаётган ўн беш йиллик давр мобайнида маиший хизматни кенгайтиришнинг социал самараси ўз ифодасини топди.

СССР аҳолисининг турмуш шароитларидаги рўзғор асбоблари ва механизмлардан янада кенгроқ фойдаланишга, шахсий хизмат кўрсатишга бўлган талабнинг ошишига олиб келган сифат ўзгаришлари маиший хизмат кўрсатишдаги эҳтиёжларни интенсив ривожлантиришнинг зарур шарт-шароитларини ташкил этди. Мураккаб рўзғор техникасини, пойабзал, кийим-кечак, мебель ва бошқа буюмларни ремонт қилиш уларнинг истеъмол хоссаларини тиклаш ва хизмат муддатини чўзишни таъминлаш билан бирга ана шу буюмлардан янада оқилона фойдаланишга, янги буюмлар сотиб олишга ва ремонт хизматига кетадиган сарфлар ўртасидаги фарқнинг анча камайиши оқибатида аҳолининг пул маблағларини тежашга, жамиятнинг моддий ва меҳнат сарфларини анча қисқартиришга ёрдам берадики, жамият бунинг натижасида тегишли хил молларни камроқ ҳажмда ишлаб чиқариши мумкин бўлади. Аҳолининг маиший хизматда ремонт қилиш-тиклаш ва профилактика қилиш тармоқларини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда кўрадиган нафи ҳозирги пайтда тегишли хизматларга кетадиган сарфларнинг умумий суммаси 1 миллиард сўм бўлгани ҳолда тахминан 3 миллиард сўмни ташкил этади.

Қабул қилиш пунктларининг аниқ ишлаши, уларда навбат кутиб ўтирмаслик, буюртмаларнинг ўз вақтида бажарилиши, яъни хизмат кўрсатишнинг сифати маиший хизмат соҳасининг социал самарадорлигини ошириш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳол ушбу тармоқ ходимлари олдига жиддий вазифалар қўядики, уларнинг сони мамлакатда 1979 йилда 2,6 миллион кишига етди. Хизмат кўрсатишнинг муваффақияти уларнинг малакасига ҳам, уларни моддий рағбатлантириш системасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Истеъмолчилар тежаб қоладиган вақтга асосланган ҳолда хизматлар сифатига баҳо бериш коэффициентларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни айрим кишилар шу боисдан маиший хизматнинг фақат иқтисодий самарасинигина эмас, балки социал самарасини ҳам ҳисобга олиш учун мақсадга мувофиқ деб биладилар. Ҳисоб-китоб қилиш учун тежалган ҳар бир киши-соат қийматини шартли равишда иш вақти, киши-соатининг 0,5 қийматига тенглаштириш таклиф этилади. Ушбу таклифни қўллаб-қувватласа арзийди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси турмушда аёллар билан эркаклар аҳволини тенглаштириш проблемаларини ҳал этишга, хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга янада кенгроқ жалб қилиш учун зарур имкониятлар яратишга сезиларли таъсир кўрсатади. Бутун мамлакатимизда ишчи ва хизматчиларнинг умумий сонида хотин-қизларнинг улуши 51 процентни ташкил этган ҳолда, Ўзбекистон ССРда бу кўрсаткич 43 процентни ташкил этади. Шунинг учун ҳам мазкур вазифа Ўзбекистон учун айниқса актуал вазифадир. В. И. Ленин уқтирганидек, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари **«хотин-қизларни амалда озод қила оладиган,** уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий ҳаётдаги ролининг эркакка нисбатан тенгсизлигини камайтириб ва йўқотиб юбора оладиган» корхоналардир (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 28-бет). Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, маиший хизмат корхоналари ишларидан фойдаланадиган аёлларнинг рўзғор ишларини олиб боришга кетадиган вақти улар уй-рўзғор асбоблари ва механизмлардан фойдаланганда кетадиган вақтга қараганда икки-уч баравар кам экан. Айни чоқда аёлларнинг жисмоний қуввати тежаб қолинади, квартиралардаги кишилар яшайдиган майдондан яхшироқ фойдаланилади, оила барча аъзоларининг ҳордиқ чиқариши учун оптимал шароит яратилади.

Маиший хизмат чинакам бўш бўлган вақт бюджетини кўпайтириш каби муҳим социал проблемани ҳал этишда ҳам катта роль ўйнайди. Бу билан у ҳордиқ чиқариш учун шароит яратиб, бунинг оқибатида шахснинг эркин ишлаши ва ривож топиши учун катта имкониятлар пайдо бўлади.

Утказилган текширишлар кўрсатиб турганидек, масалан, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ва, демак, уй-рўзғор меҳнатини умумлаштиришда ҳам бошқа иттифоқдош республикаларга нисбатан энг юқори даражага эришилган Латвия ССРда уй-рўзғор ишларини бажаришга сарфланадиган вақт ҳали ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган бир кишининг иш вақти бюджетидан бир қадар кўпроқдир. Бошқа республикаларда, жумладан Ўзбекистон ССРда бундай вақт сарфи жуда катта миқдорни ташкил этади.

Кейинги пайтларда маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболларини ишдан ташқари вақтдан фойдаланишни яхшилаш борасидаги таклифлар билан боғлаш соҳасида тобора кўпроқ тадқиқотлар олиб бориладиган бўлди. Уй-рўзғор ишига кетадиган меҳнатни тежаш йўналишлари аниқланмоқда ва миқдор жиҳатдан баҳоланмоқда. Бу йўналишлар орасида умумий овқатланиш корхоналари ишини кенгайтириш ва яхшилаш, ярим фабрикатлардан ва бошқа бирламчи ишлов берилган маҳсулотлардан фойдаланиш йўли билан уйда овқат тайёрлашга кетадиган вақтни, шунингдек давлат ва кооператив савдоси шохобчаларида товарлар сотиб олишга ҳамда маиший хизмат корхоналарига бориб туришга кетадиган вақтни қисқартиш каби йўналишларни кўрамиз.

Аҳоли хизматлардан фойдаланишга сарфлаган ҳар бир сўм уй-рўзғор ишларига кетадиган 1,5 соат меҳнатни тежаб қолишга ва шунга мувофиқ тарзда бўш вақтни кўпайтиришга имкон бериши ҳисоблаб чиқилган. Бошқача сўзлар билан айтганда, социал натижанинг иқтисодий баҳоси (ушбу ҳолда — уй ишларидан 1,5 соатнинг бўшатиб олиниши баҳоси) бир сўмга тенгдир. Лекин айни вақтда кишиларга хизмат кўрсатиш жараёнининг ўзи уларнинг ишдан ташқари вақтининг муайян миқдорини олади. Шу боисдан маиший хизмат корхоналари шохобчалари қанчалик яхши ривожланган бўлса, хизмат кўрсатиш сифати қанчалик юқори бўлса, жами социал самара шунчалик катта бўлади.

Биз ўтказган тадқиқотлар Ўзбекистонда маиший хизматнинг амал қилиши меҳнаткашларнинг ишдан ташқари вақтидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш жабҳасидаги социал натижадорлиги ҳозирча етарлича эмаслигидан далолат бермоқда. Чунончи, ҳисобларга кўра, аҳолининг маиший хизматларга сарфлайдиган бир сўмига кетадиган ўртача вақт 1,06 соатни ташкил этади. Айни чоқда қишлоқ жойларда у шаҳардагига нисбатан 1,5—1,6 баравар кўпроқдир.

Қишлоқ аҳолисининг маиший хизматлардан фойдаланишга кўп вақт сарф қилиши асосан қишлоқда қабул қилиш пунктлари шохобчаларининг яхши ривожланмаганлиги билан изоҳланади. Масалан, 1980 йил бошида қишлоқдаги қабул қилиш пунктининг нагрузкаси шаҳардаги бир пункт нагрузкасидан 2,5 баравар каттароқ бўлди. Бундан ташқари, ҳар 1000 кишига ҳисоблаганда маиший хизмат ходимларининг сони қишлоқда 2,2 баравар камроқдир. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, республикамиз қишлоқ аҳолисининг каттагина қисми ҳозирча майда-майда посёлкаларда тарқоқ ҳолда яшамоқда, бу эса уларга хизмат кўрсатишда қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Қишлоқдаги маиший хизматнинг социал самарадорлигини ошириш учун қишлоқдаги қабул қилиб олиш шохобчаларини анча кенгайтириш ҳамда қишлоқ меҳнаткашларига хизмат кўрсатиш янада чаққонроқ бўлишига эришиш зарур.

Маиший хизмат соҳасининг меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга кўрсатадиган таъсир анча каттадир. Бу эса ана шу ресурс-

ларнинг ўсиши аҳолининг иш билан банд бўлишининг ўсиши унга қараганда сустроқ бўлган Ўзбекистон учун айниқса муҳимдир. Республика қишлоқ аҳолисиинг территориал ҳаракатчанлиги даражаси паст эканлиги бундай аҳволнинг сабабларидан биридир. Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, республика Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов бундай деб кўрсатиб ўтди: «Маълумки, Ўзбекистон — аҳолиси табиий жиҳатдан жуда тез ўсиб бораётган республикадир. Прогнозларга кўра, 1990 йилда республика аҳолисининг сони 22 миллион кишига етади. Демак, иш жойларини анча кўпайтириш, малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш талаб қилинади».

Истиқболни мўлжаллаб иш жойларини кенгайтиришни планлаштиришда индустриянинг кўп тармоқларига нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасида капитал сарфлаш, иш жойларининг қиймати кўрсаткичларининг салмоғи анча кам эканлигини назарда тутмоқ керак. Бунинг устига устак хизмат кўрсатиш соҳасига меҳнат ресурсларини жалб қилиш, масалан саноатда синаб кўрилаётганидек, аҳолини жамлаш ва ундан фойдаланиш мақсадида унинг территория бўйича анча-мунча кўчирилишини шарт қилиб қўймайди. Хизмат кўрсатишни ҳатто майда-майда посёлкаларда ташкил этиш мумкинлиги ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг афзаллигидир. Қишлоқда маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришда кўпроқ банд бўлишига, унинг даромадларини кўпайтиришга, маиший хизматларга бўлган эҳтиёжни кўпроқ қондиришга, аҳоли жамлаган омонатларда сақланаётган қўшимча молиявий ресурсларни оборотга жалб этишга имкон беради. Бундан ташқари, қишлоқ аҳолисини маиший хизмат кўрсатиш корхоналаридаги ишга жалб этиш уларнинг «шаҳарликлар касблари»ни эгаллашларига кўмаклашадики, бу нарса, ўз навбатида, қишлоқ меҳнаткашларининг территориал ҳаракатчанлигини кучайтириш имконини беради.

Хизмат кўрсатишнинг ривожланиш даражаси меҳнат ресурсларини ана шу тармоқдаги ишга жалб қилиш кўламларига бевосита боғлиқ эканлигини практика кўрсатиб турибди. Наманган, Сирдарё ва Хоразм областларида бу соҳада ишлаётган кишилар сони бошқаларга қараганда энг кўпдир. Республиканинг бошқа областларида ҳам ана шундай натижаларга эришмоқ лозим.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишда иштирок этиш ҳисобидан меҳнат ресурсларининг бандлигини ошириш резервлари анча-мунчадир. Давлат маиший хизмат кўрсатиш ходимларига катта имтиёзлар бериб қўйган: хизмат кўрсатиш системасида ишлаш истагини билдирган кишилар учун пенсияларнинг миқдори тўла сақланиб қолди, тармоқда «уйда ишлаш» шарти билан меҳнат қилиш имконияти, тўлиқ иш куни режими билан ишламаслик ва ҳоказолар сақлаб қолинди. Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган кишиларни, айниқса ишламаётган оналар, ёши ва инвалидлиги туфайли пенсионер бўлган кишиларни хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилиш учун мазкур имтиёзлардан ҳамма ерда фойдаланиш лозим. Бу ҳол мазкур кишиларнинг фаол меҳнат қилиш даврини чўзишга ҳам ёрдам беради. Бу эса КПСС XXVI съездининг кўрсатмаларига мосдир. Мамлакатимизда тўла иш куни ишламайдиган кишиларни маиший хизмат соҳасига жалб этиш борасида аллақачон ижобий тажриба тўпланган. Масалан, Эстония ССРнинг маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида банд бўлган кишилар составида уларнинг улуши 3,6 процентни ташкил этади.

Маиший хизмат соҳасига жалб қилиш орқали Ўзбекистон аҳолисини меҳнат билан янада кўпроқ банд қилиш, бир томондан, уларнинг пул даромадлари ва тўлаш қобилиятларини ўстиришга, иккинчи томон-

дан эса — хизматларни таклиф этиш соҳасини кенгайтиришга ёрдам беради. Ана шуларнинг ҳаммаси, пировард натижада, ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнатни моддий рағбатлантиришнинг самарадорлигини ошириши лозим. Ўрток Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида «меҳнаткашлар турмуш шароитининг даражаси оширилиши пул даромадларининг ўсиши билангина чекланиб қолмайди. Ҳозирги пайтда, КПСС Марказий Комитети ҳисоблашича, аҳолини озиқ-овқат билан, шунингдек кенг истеъмол қилинадиган саноат моллари билан таъминлашни яхшилаш вазифаси биринчи ўринга қўйилмоқда», деб уқтирар экан, худди ана шу аҳволга эътиборни жалб қилган эди. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни, шунингдек ҳар хил хизматлар, жумладан, маиший хизматлар таклиф этишни кенгайтириш аҳолининг ўсиб бораётган эҳтёжларини янада тўлароқ қондиришга ёрдам беради.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ССРнинг маиший хизмат кўрсатиш соҳаси катта-катта муваффақиятларга эришди. Республикада ўнинчи беш йилликда маиший хизматлар ҳажми 1,8 баравар ортди. Тармоқнинг моддий-техника базаси кенгайди ва мустаҳкамланди. 1966 йилдан 1978 йилгача бўлган даврнинг ўзида уни ривожлантиришга 190 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Ана шу давр мобайнида 160 та маиший хизмат комбинати ва маиший хизмат уйи, 50 та химиявий тозалаш фабрикаси, 8 та кийим ювиш комплекс корхоналари, 119 та ҳаммом, 35 та енгил автомобилларга техника хизмати кўрсатиш станцияси ва ҳоказолар фойдаланишга топширилди.

КПСС XXVI съездида тасдиқланган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларида аҳолига маиший хизмат кўрсатишни анча яхшилаш кўзда тутилган. Ўн биринчи беш йилликда маиший хизмат кўрсатишни амалга ошириш ҳажми тахминан 1,4—1,5 баравар ошириладн ва айни чоқда у қишлоқ жойларда анча жадал суръатлар билан ўстирилади. Бизнинг республикамизда, Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида таъкидланганидек, маиший хизматлар ҳажми бир ярим баравар ортади. Шу боисдан мазкур соҳа ходимларининг вазифаси хизматлар сифатини ва хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга эришишдан иборат.

Қишлоқда маиший хизматнинг орқада қолиб кетишига барҳам бериш мақсадида тармоқни бошқариш системасини такомиллаштириш, қишлоқ аҳолисини маиший хизмат ишларига фаолроқ жалб қилиш, колхоз ва совхозларни маиший хизмат объектлари қурилишига маблағ ажратишларини рағбатлантириш лозим. Колхоз ва совхозларни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини тузиш вақтида биринчи навбатдаги тадбирлардан бири сифатида аҳолига социал-маданий хизмат кўрсатиш, шу жумладан маиший хизмат кўрсатиш тармоқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларини, шунингдек бу тармоқлар учун кадрлар тайёрлашни кенгайтириш тадбирларини ишлаб чиқмоқ лозим.

Маиший хизмат кўрсатишнинг территориал бўлинмалари билан колхоз ва совхозлар ўртасида шартномалар тузишни доимий практикага жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Хоразм область аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси район ижроия комитетларининг бевосита иштирокида областнинг 71 хўжалиги билан шундай шартномалар туздики, бу шартномаларга кўра колхоз ва совхозлар ўн биринчи беш йиллик мобайнида усадьбаларда Маиший хизмат уйи ва комплекс қабул қилиш пунктлари ташкил этиш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар. Ҳар бир конкрет ҳолда маиший хизмат бўлинмаларини очиш муддатлари белгилаб чиқилди. Бу ташаббусни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ҳамда республиканинг бошқа областларига ҳам ёйиш лозим. Бу хилдаги шартномаларни анча юқорироқ даражада,

масалан, Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги билан Қишлоқ хўжалик министрлиги ўртасида ҳам тузиш мумкин деб ўйлаймиз.

Районлар ишлаб чиқариш бошқармалари системаси орқали қишлоқ маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини бошқариш методи рационал методдир. Наманган области мисолида ана шу системани синаб кўриш унинг юксак самарадор эканлигини кўрсатди. Ҳозирги пайтда область қишлоқ аҳолиси жами хизмат турларининг қарийб 85 процентидан фойдаланмоқда (таққослаш учун республика бўйича худди шундай кўрсаткич 60 процентдан салгина ошишини таъкидлаб ўтамиз).

Қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатишнинг сифати комплекс қабул қилиш пунктларининг фаолиятига ҳам боғлиқ. Шу муносабат билан қайд қилиш лозимки, қабул қилиб олувчи лавозимига кишиларни тўғри танлаш мазкур пунктларнинг муваффақиятли ишлашида муҳим шарт бўлиб хизмат қилади. Қабул қилиб олувчининг шахсий хислатлари, тайёргарлик даражаси, амалий кўникмалари қишлоқ аҳолисига кўрсатиладиган хизматнинг юксак даражада бўлишини таъминлашда катта аҳамиятга молик. Қабул қилиб олиш ишига тасодифий кишиларнинг тортилишига йўл қўймаслик учун кадрларни қишлоқ халқ депутатлари Советларининг, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг фаол иштирокида танламоқ лозим. Ана шу категориядаги ходимлар олдига қўйиладиган талабларни ошириш билан бир қаторда уларга нисбатан ғамхўрлик кўрсатиш, уларга ҳар тарафлама мадад ва ёрдам бериб туриш, ана шу касбнинг обрў-эътиборини ошириш керак. Маҳаллий Советлар колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари билан биргаликда қишлоқ аҳлининг буюртмаларини чаққонлик билан тўплаш ва етказиб туриш учун комплекс қабул қилиш пунктларига транспорт воситаларини бериб қўйиш масалаларини ҳал қилишлари лозим.

Қишлоқда маиший хизматни яхшилаш қишлоқ аҳлидан тушадиган буюртмалар сонини кўпайтириш учун кучли туртки бўлиб хизмат қиладики, бу маиший хизмат бирлашмалари ва корхоналари фаолиятини интенсивлаштиришнинг ҳал қилувчи омилидир. Иккинчи томондан, дала ва ферма меҳнатчиларига маиший хизмат кўрсатишни яхши ташкил этиш — қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнат унумдорлигини ошириш, турмуш тарзи савиясини кўтариш ва такомиллаштиришнинг муҳим ва доим амал қилувчи манбаидир.

«...Озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, хизмат кўрсатиш соҳаси,— деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига Ҳисобот докладида,— миллион-миллион кишиларнинг кундалик турмуш масалаларидир. Магазин, ошхона, кир ювиш хонаси, кийимларни химиявий тозалаш корхонаси — бу ерларда одамлар ҳар куни бўлишади. Улар нима харид қилишлари мумкин? Уларни қандай кутиб олишади? Улар билан қандай муомалада бўлишади? Улар ҳар хил рўзғор ташвишларига қанча вақтларини сарфлашаяпти? Одамлар бизнинг ишимиз ҳақида кўпроқ ана шу масалалар қай даражада ҳал этилаётганига қараб фикр юритишади. Ҳа, қатъий талабчанлик билан фикр юритишади. Буни ёдда тутмоқ керак, ўртоқлар».

Ўзбекистон маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ўн биринчи беш йилликда юксак мажбуриятлар олдилар ва унинг топшириқларини муваффақият билан тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилдилар. Партия бу ходимларни хизматлар ҳажми ва турларини кенгайтиришни, прогрессив формаларни жорий этишни, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини оширишни таъминлашга даъват этмоқда. Шаҳар ва қишлоқ меҳнатчилари маиший хизмат ходимларидан ана шуларни кутмоқдалар.

БЎШ ВАҚТ ВА СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

Социалистик турмуш тарзи совет халқининг буюк ғалабаси, марксизм-ленинизм, революцион гуманизм идеалларини изчил равишда амалга ошириш натижаси бўлди. Бизнинг партиямиз уни янада ривожлантириб бориш зарурлигини уқтириб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездининг юксак минбаридан туриб, «социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш борасида ҳали катта иш қилиш лозим бўлади» деб яна бир бор таъкидлади.

Бўш вақтни мазмунли ўтказиш — турмуш тарзининг муҳим кўрсаткичидир. Коммунистик партия совет кишиларининг бўш вақти янада сермазмун бўлиши, ижтимоий фаолиятга, билим даражасини ва касб малакасини оширишга, маданий мулоқотга, ақлий ва жисмоний камол топишга, фан-техника ва бадиий ижодиётга янада кўпроқ бағишланиши ҳақида кун сайин ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Ривожланган социализм босқичида бўш вақт янги мазмун билан бойимоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаган эдики, «бўш вақтдан инсонни ҳар томонлама камол топтириш, унинг қобилиятларини ривожлантириш манфаатлари йўлида ва шу тариқа бутун жамиятнинг моддий ва маънавий потенциалини янада кўпайтириш учун фойдаланилган тақдирдагина у жамиятнинг ҳақиқий ижтимоий бойлиги деб ҳисобланиши мумкин» (Ленин йўлидан, 3-том, 538-бет).

Меҳнаткашлар иш вақтини қисқартиш ва бўш вақтини кўпайтириш — социализмнинг объектив қонуниятидир. Шунинг учун ҳам бизнинг жамиятимиз кишилар бу вақтни қандай сарфлаётганликларига, шахснинг ҳар томонлама камол топиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши, моддий ва маънавий маданиятнинг ўсиши учун бўш вақт замирида ётган имкониятлардан қандай фойдаланилаётганлигига асло бефарқ қараб туролмайди.

Социалистик жамиятда бўш вақтдан фойдаланишнинг учта йўналишини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин, булар: маънавий бойликларни ишлаб чиқаришда иштирок этиш (жамоат ишлари, ўқиш, техникавий ва бадиий ижодиётнинг турли хиллари ва ҳоказо), маданий неъматларни истеъмол этиш, пассив ёки актив дам олиш (физкультура, спорт, кўнгил очиш)дир.

Ижоднинг турли хиллари — бадиий, техникавий, илмий ижод бўш вақтни ўтказиш структурасида тобора муҳим ўринни ишғол қилиб бормоқда. Бу нарса билим ва онгнинг, умумий маданиятнинг ўсиши билан, социалистик жамият аъзолари қизиқиш доирасининг кенгайиши билан боғлиқдир.

Инсон учун табиий бўлган ижод қилиш эҳтиёжи меҳнат фаолиятида амалга ошади. Социализм кишини эксплуатациядан озод этиб, ана шу эҳтиёжни бир неча карра кучайтиради ҳамда унинг меҳнатга бўлган асосий стимулга айланиши учун шарт-шароитни таъминлайди. Масалан, К. Е. Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводида 550 нафар ёш ишчи Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг ва фан-техника жамиятларининг аъзоларидир.

Театрларга, концерт заллари, музейларга, тарихий ёдгорликларга, кинотеатрларга бориб туриш, телевидение программаларини кўриш, радио эшитиш, китоблар, газеталар, журналлар ўқиш, физкультура ва спорт билан шуғулланиш, ишқибоз сифатида спорт мусобақаларида қатнашиш, пансионатларда дам олиш, туризм ва шу кабилар бўш вақтдан фойдаланишда катта ўрин тутади.

Бўш вақтдан фойдаланишнинг ҳамма хилларини оқилона қўшиб олиб бориш социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш, ҳар томонлама камол топган кишини шакллантириш учун муҳим аҳамиятга молик. Шуни ҳам айтиш керакки, бу борада кўп ишлар қилинмоқда. Мисол учун юқорида тилга олинган К. А. Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводини олиб кўрайлик. Завод ходимлари ихтиёрида 330 ўринли клуб бўлиб, бу ерда муҳим саналар ва воқеалар, байрамлар нишонланади, ёшларнинг меҳнат ветеранлари ва қаҳрамонлари билан, ишлаб чиқариш илғорлари, санъат усталари, машҳур спортсменлар билан учрашувлари ўтказилиб туради. Клуб қошидаги 14 та бадиий ҳаваскорлик тўга-

ракларида қарийб 400 киши ўзларига маъқул машғулот топдилар; ҳаваскорлар киностудияси барпо этилган. Спорт клуби ҳам бўлиб, унинг 19 та спорт секциясида 2 мингдан зиёд киши шуғулланмоқда. Иссиқкўл қирғоғида ажойиб пансионат қурилган, унда заводнинг кўп ходимлари ўз меҳнат отпускаларини ўтказадилар. Завод профилакторийси ҳам меҳнатчилар куч-қувватини, сиҳат-саломатлигини тиклашга хизмат қилади.

Физкультура ва спорт инсон саломатлигини мустаҳкамлаш ва унинг умуман ривож топиши учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги маълум. Спорт ва физкультура аста-секин аҳоли кенг қатламларининг ҳаётий эҳтиёжига ва кундалик одатига айланмоқда. Масалан, «Ўзбекхлопкомаш» заводидаги классик ва эркин кураш секцияларида, штанга, сув туризми, стол тенниси, шахмат ва шашка секцияларида ҳозирги вақтда 830 дан зиёд киши шуғулланмоқда. Ишчи ва хизматчилар учун шаҳардан ташқарига сайилга чиқиш ташкил этиб турилади. Физкультура ва спорт бўйича жамоатчи инструкторларнинг семинарлари мунтазам равишда ўтказилади.

Жамият ихтиёридаги бўш вақтнинг массаси пировард натижада ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг даражасига ва ишлаб чиқариш муносабатларининг характерига боғлиқдир. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, бўш вақт массаси муайян тарзда ҳосил қилинади (аниқроғи, қайта ҳосил қилинади), турли синфлар ва социал группалар ўртасида тақсимланади ва улар томонидан тасарруф этилади (фойдаланилади). Анализ шуни кўрсатиб турибдики, ривожланган социализм шароитида бўш вақтга эгалик қилишда синфлар ўртасида ҳамда синфлар ичидаги социал-ихтисосий группалар ўртасида ҳали ҳам баъзи бир нотенглик бор. Буни, капитализмда бўлганидек, мулкнинг формалари ва моддий неъматларнинг тақсимланиши тақозо этмайди, балки меҳнатнинг характери, режими ва шароитларида ҳозирча сақланиб келаётган тафовутлар, социал-демографик омиллар (жинс, ёш, билим ва бошқалар) тақозо этади. Мазкур тафовутлар бўш вақтни ўтказиш имкониятларига таъсир кўрсатмай иложи йўқ. Бинобарин, аҳолининг барча группаларида бўш вақт миқдорларини бараварлаштириш — проблеманинг муҳим томонидир.

Бўш вақтни тўлдириш сифати субъектив омилга — кишиларнинг уюшқоқлиги, мақсадни кўзлаб иш тутишига ҳамда жамият яратадиган шароитларга боғлиқ. Хўш, бўш вақтни оқилона тақсимлаш ва сарфлашни таъминлашнинг асосий йўллари нималардан иборат?

Биринчидан, совет кишиларининг бўш вақтдаги хилма-хил эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган моддий базани янада ривожлантириш. Бунда кинотеатрлар, театрлар, кутубхоналар, маданият уйлари шохобчалари ва бошқа муассасалар назарда тутилади.

Иккинчидан, меҳнаткашлар турли категорияларининг бўш вақтини ташкил этишни такомиллаштириш. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва маданият муассасаларининг иш режимини аҳоли меҳнат фаолиятининг режими билан мослаштириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан, бўш вақтни ўтказиш маданиятини тарбиялаш. Аниқ мақсадни кўзлаб ва фойдали тарзда ҳордиқ чиқара билишга болаликдан ўргатиш зарур. Қолаверса, бундай ўргатиш аслида бутун умр бўйи давом этиши керак, чунки кишиларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари, эҳтиёжлари муттасил ўзгариб боради. Бу шунинг учун ҳам айниқса муҳимки, маданиятга зид ҳолатларни фақат аҳоли айрим группаларининг етарлича ривож топмаган манфаатлари ёки бўш вақтни ташкил этиш моддий базасининг етишмаслигигина эмас, балки бўш вақтдан оқилона фойдаланишдек оддий уқувнинг йўқлиги ҳам келтириб чиқаради.

Жамиятимиз бўш вақтнинг муайян массасига эга. Бу масса доимий эмас — у иш вақтининг қисқартирилиши, ҳақ тўланадиган отпускаларнинг муддати, аҳолининг сони, кишининг ўртача умри узайиши ва бошқа омиллар натижасида кўпайиб боради.

Жамият бўш вақтининг структураси ҳам жиддий тарзда ўзгармоқда — социал ва техника тараққиёти, ўқиш муддатининг чўзилиши, иш билан банд бўлган аҳоли составидаги ўзгаришлар (энг аввало қишлоқ аҳолиси сонининг қисқариб бориши, қишлоқ аҳолисида бўш вақтнинг миқдори ва структураси шаҳарликларникига қараганда бошқачароқдир) ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Партия меҳнаткашлар бўш вақтининг сермазмун ўтиши ҳақида жуда катта ғамхўрлик кўрсатиб, «бўш вақт — жамият олдидаги масъулиятдан ҳоли бўлган вақт эмас»лигига диққат-эътиборни қаратмоқда (Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 3-том, 539-бет). Бўш вақт пухта ўйлаб, оқилона сарфланиши, меҳнат фаолияти натижасида сарфланган қувватни фақат тиклаш учунгина эмас, балки совет кишисининг маънавий дунёсини бойитиш, юксак ахлоқий хислатларини, бунёдкорлик, ижодкорлик имкониятларини ривожлантириш учун, социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш учун ҳам хизмат қилиши лозим.

М. РАЖАБОВА,
философия фанлари кандидати.

СТУДЕНТЛАРНИ КОММУНИСТИК РУҲДА ТАРБИЯЛАШГА КОМПЛЕКС ЁНДАШИШ

И. ЖУМАБОЕВ,
философия фанлари доктори
Л. БЕЛЯВСКИЙ,
тарих фанлари кандидати

КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШ вазифалари кўлами кенгайиб ва мураккаблашиб борган сари социалистик жамият ривожланаётган шароит анча ўзгаради. КПСС XXVI съезди таъкидлаб ўтганидек совет кишиси бошқача бўлиб қолганлигини, унинг билими ошганлигини, эрудицияси ўсганлигини, маънавий эҳтиёжлари ортганлигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Мамлакатимиз идеология ходимларининг ихтиёрида бўлган воситалар миллион-миллион кишиларга оператив равишда КПССнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан зарур тушунтиришлар беришга, жаҳонда юз бераётган воқеалар ҳақида ўз вақтида маълумот беришга имкон туғдиради. Иккинчи томондан, буржуа пропагандасининг активлиги ошди, унинг совет кишилари онгини заҳарлаш борасидаги уринишлари кучайди.

Партиямизнинг XXVI съезди мана шуларни ҳисобга олиб, ғоявий-тарбиявий иш мазмуни янада актуал, унинг формалари — совет кишиларининг бугунги талабларига жавоб бериши керак, деб таъкидлади. Партиянинг бу кўрсатмаси студент ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш билан шуғулланаётган кишиларга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Партиянинг бутун коммунистик тарбия ишини йўлга қўйишга комплекс ёндашиш тўғрисидаги хулосаси жуда катта методологик аҳамиятга эгадир. Уни амалга ошириш йўллари КПСС XXV ва XXVI съездлари ҳужжатларида, КПСС МКнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида, КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг «Олий мактабни янада ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида»ги қарорида, КПСС МКнинг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев доклади ва нутқларида белгилаб берилди.

Студент ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга комплекс ёндашиш даставвал халқ хўжалиги барча тармоқлари, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти соҳаларида ишловчи мутахассис ҳамда раҳбарлар сафини доимо тўлдириб турувчи жамиятимиз бу отрядининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишни талаб этади. «Бугун университетларда, институтларда, ўрта техника ўқув юртларида ўқиётган кишилар,— деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев,— жуда яқин келажакда планларимизни бажаришда актив, ижодий қатнашиши лозим бўлган кишиларнинг ўзгинасидир» (Ленин йўлидан, 3-том, 475-бет).

Студентлар — бу жамиятимиз турли табақалари вакилларидан олий ўқув юртларида таълим олиш давридагина таркиб топадиган социал группадир. Унда доимо жой алмашиниши юз бериб туради: ҳар йили унинг сафларини битириб чиқувчилар тарк этади ва янги ўқишга

кираётганлар тўлдириб боради, студентларнинг асосий кўпчилиги эса юқори курсларга ўтади. Олий ўқув юртида таълим олиш йиллари, одатда киши ҳаётининг шундай палласига тўғри келадики, бу даврда унинг социал етуклиги шаклланади. Кўп миллатлилик, коллективизм, мустақиллик ҳам студент ёшларнинг муҳим хусусияти бўлиб, бу улар кўпчилик қисмининг ётоқхоналарда туриши билан боғлиқдир. Мана шуларнинг ҳаммаси олий ўқув юртида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишга алоҳида ёндашишни талаб этадики, у бўлажак мутахассисларда коммунистик эътиқод, юксак гражданлик ва беҳад ғайрат-шижоатни шакллантириши керак.

Ўзбекистон олий ўқув юртларининг илмий-педагогик коллективлари бўлажак мутахассисларни ўқитиш ва тарбиялашни такомиллаштириш борасида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Студентларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг бутун ўқиш даврига мўлжалланган перспектив планининг амалда жорий этилиши ана шу ишларнинг натижаларидан биридир. Бундай план республикамизда биринчи марта 1978 йилда Тошкент халқ хўжалиги институти партия комитети ва ректорати томонидан ишлаб чиқилди. У партия ташкилоти раҳбарлигида олий ўқув юрти барча бўлинмалари: деканатлар, кафедралар, жамоат ташкилотларининг биргаликда, ҳамкорликда ишлашини назарда тутарди. Унда олий ўқув юрти, факультет, курснинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда студентларни ғоявий-сиёсий, меҳнат, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан тарбиялаш тадбирлари кўрсатилган, студент группалари ва алоҳида студентлар билан олиб бориладиган тарбиявий иш форма ҳамда методлари белгилаб берилган. Бундай планлаштириш туфайли студентларни коммунистик руҳда тарбиялаш иши институтда катта собитқадамлик касб этди, ўқитувчилар ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг бу муҳим соҳа учун масъулияти ортди, идеология ишининг хилма-хил форма ва методлари изчил бир системага солинди, студентларнинг ижтимоий ва меҳнат активлиги ошди.

Тошкент халқ хўжалиги институтининг иш практикасини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллади. Ҳозирги кунда коммунистик тарбияни перспектив планлаштириш республикамизнинг барча олий ўқув юртларида қўлланилмоқда.

Коммунизм қурилиши — илмий асосда бошқариладиган процесс бўлиб, у кенг омманинг юксак онглилиги ва собитқадамлилигини талаб этади. Шунинг учун ҳам тарбиявий ишнинг комплекс планларида ғоявий-сиёсий тарбия масалалари марказий ўрин тутади. Бўлажак мутахассисларнинг ижтимоий тараққиёт қонунларини ўзлаштириб олишлари уларга келгусида амалий фаолиятда дадил иш тутишга ва партия қўйган мақсадларга эришишнинг тўғри йўлларини топишга ёрдам беради. Марксча-ленинча назарияни ўзлаштириш эса ёшларга конкрет-тарихий ёндашиш зарурлиги тўғрисидаги ленинча наказ қандай амалга оширилаётганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир: чунки ҳар бир авлод «социализмга оталаридек эмас... *бошқача, ўзга* йўл билан, *ўзга формада, ўзга вазиятда яқинлашади»* (Тўла асарлар тўплами, 30-том, 266-бет).

Ҳозирги замон студентларига алоҳида бир масъулият юкланади — ахир ўтмиш авлодларнинг бирортасига ҳам шу қадар ривожланган ишлаб чиқарувчи кучлар билан ижтимоий муносабатлар мерос бўлиб қолмаган эди, бинобарин, илгарилари ҳеч қачон ёш мутахассислардан бу қадар кенг умумтаълимий ва профессионал тайёргарлик, дунёқарашга оид бундай мустаҳкам эътиқод талаб этилмасди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш кераки, ўз бурчига жиддий муносабатда бўлиш, қатъийлик, кекса авлоднинг энг яхши анъаналарини давом эттиришга актив интилиш, ҳозирги замон ижтимоий ва фан-техника тараққиётининг

илғор позицияларида бўлиш студентларнинг ҳозирги авлодига хос фазилатдир.

Маълумки, олий ўқув юртларида коммунистик идеологияни асосан амалга оширувчилар КПСС тарихи, философия, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм кафедраларидир. Студенларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш ишининг муваффақияти уларнинг иш сифатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу жиҳатдан бўлажак мутахассисларнинг социал-иқтисодий фанларни узлуксиз ўрганиши системасининг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозир ҳар бир курсда ўша фанлардан биттаси ўқитилади, марксча-ленинча таълим илмий коммунизмдан давлат имтиҳони топшириш билан якунланади Практика шуни кўрсатяптики, бу материални яхши ўзлаштиришга ёрдам беряпти.

Бўлажак мутахассисларга марксча-ленинча таълим бериш иши сиёсий етук, коммунистик қурилиш ишига содиқ кадрларга ишониб топширилади, чунки В. И. Ленин таъкидлаб ўтганидек, ҳар қандай мактаб фаолиятининг самарадорлигини «бутунлай ва фақат *лекторлар состави*» белгилайди (Тўла асарлар тўплами, 47-том, 229-бет). Ўзбекистон олий ўқув юртларининг ижтимоий фанлар кафедраларида 1600 дан зиёд ўқитувчилар, шу жумладан 65 профессор ва фан докторлари, 800 дан ортиқ доцент ҳамда фан кандидатлари ишламоқдалар.

Республика олий ўқув юртларида партия ташкилотлари ва ректоратлар раҳбарлигида студентларга ижтимоий фанларни ўқитишнинг форма ва методларини такомиллаштириш йўллари қунт билан изланмоқда. Масалан, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети гуманитар факультетларининг КПСС тарихи кафедраси ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш борасида катта ишларни амалга оширди. Бу кафедра коллективи Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Л. В. Гентшке раҳбарлигида лекция-сценарийларни ишлаб чиқди, бунда диапозитив, магнитофон ёзувлари, ҳужжатли ва бадиий фильмлар парчаларидан кенг фойдаланилади. Бутуниттифоқ координациялаш кенгаши КПСС тарихи курсини ўқитишда техник воситалардан фойдаланиш бўйича база сифатида тасдиқлаган мазкур кафедра республика ва бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияларни ўтказмоқдаки, улар ижтимоий фанлар ўқитувчиларини олий мактабда ўқитишнинг замонавий методларини ўзлаштириш юзасидан муҳим тавсиялар ва маслаҳатлар билан қуроллантирмоқда.

Семинар машғулотларида рефератларни муҳокама қилиш, уларда партия ва комсомол ветеранлари, граждан ва Улуғ Ватан урушлари қатнашчиларининг чиқишларини ташкил этиш, саноат корхоналарига, колхоз ва совхозларга семинар-экскурсиялар уюштириш республикадаги кўпчилик олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедралари иш практикасига чуқур сингиб кетди. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, Халқлар дўстлиги музейи, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг павильонларида семинар машғулотлари ўтказиш Тошкентнинг кўпчилик олий ўқув юртларида одат тусига кириб қолди.

Ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг кўпчилиги студент ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим проблемалари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Тошкент халқ хўжалик институтининг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор М. М. Мусаев бошчилигидаги КПСС тарихи кафедраси ана шундай тадқиқотларнинг маркази бўлиб қолди. Фақат кейинги йиллардагина бу кафедрада «Ўзбекистон Компартиясининг оммани коммунистик руҳда тарбиялашга раҳбарлиги» ва «Оммани интернационал руҳда тарбиялаш» монографиялари тайёрланди, ҳозирги кунда «Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга партия раҳбарлиги» монографияси тугалланиш арафасида. Бундай тадқиқотлар давомида олинган хулоса ва маълу-

мотлар лекция ва семинар машғулотларида, студентлар билан ўтказиладиган мунозара ва суҳбатларда, илмий-назарий ҳамда илмий-методик конференцияларда кенг қўлланилмоқда.

Социологик тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эгадир. Улар шуни кўрсатдики, студентларнинг кўпчилиги ижтимоий фанларни ўқитиш даражасини юксак баҳоламоқдалар, унинг билим доирасига, ғоявий эътиқод ва актив ҳаётий позицияни шакллантиришга таъсирини таъкидлаб кўрсатмоқдалар. Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида математик статистика методининг қўлланилиши шу нарсани аниқладики, ҳаётий тажриба, жамоат ишларида иштирок этиш каби омиллар студентларнинг социал-иқтисодий фанларни ўзлаштириш даражасига жиддий таъсир кўрсатади. Шуниси характерлики, «яхши» ва «аъло» баҳоларга ўқиётган йигит ва қизлар ижтимоий фанларнинг ўқитилишига баҳо берар эканлар, айни пайтда студентларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтиришда ҳали фойдаланилмаган қатор резервларни кўрсатиб ўтдилар.

Социал-иқтисодий, умумилмий ва махсус фанлар кафедралари ўртасидаги алоқаларнинг тобора кенгайиб бораётганлиги студентларни коммунистик руҳда тарбиялашга комплекс ёндашишни амалга оширишга ёрдам берди. Кўпчилик олий ўқув юртларида методологик ва дунёқараш билан боғлиқ проблемалар муҳокама қилинади, олий ўқув юрти профилига мувофиқ равишда партия маорифи системасидаги назарий семинарлар ишига тузатишлар киритилади, ўқитувчилар марксизм-ленинизм университетларига ўқишга юборилади. Мана шуларнинг ҳаммаси машғулотларда КПСС ички ва ташқи сиёсатини, фан-техника революциясининг социал оқибатларини, ҳозирги замондаги идеологик курашнинг характерини янада чуқур ва тўлароқ очиб беришга кўмаклашади.

Студентлар коллективларида комплекс равишда амалга оширилаётган тарбиявий иш партиянинг илгари сурган билим, эътиқод ва амалий ишнинг йиғиндисидан иборат бўлмиш коммунистик ғоявийлик ҳақидаги қоидасига асосланади. В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети жамоат ташкилотларининг фаолияти бунга мисол бўла олади: унинг 2638 студенти комсомолда сайланиб қўйилувчи вазифаларда, 1324 таси касаба союзларида, 1200 студент кўнгилли халқ дружинасининг жангчилари, 324 киши сиёсий ахборотчилар, 130 таси деворий газеталарда ишлашади, салкам 100 киши чет элдан келган ёшлар делегациялари учун гид-таржимон сифатида хизмат кўрсатишмоқда, қарийб 1000 студент бадиий ҳаваскорлик коллективларида шуғулланишмоқда, тахминан 1200 студент 1980 йилнинг ёзида ТошДУга киришни истаган ёшлар ўртасида касб танлашга ёрдам бериш ишида қатнашдилар.

Ленинча зачёт ва дарслар, ижтимоий касблар факультетлари, студентлар ишлари конкурслари, ёш лектор мактаблари, меҳнат семестри даврида олиб бориладиган агитация-оммавий ишлар студентларни ғоявий чиниқтиришда муҳим ўрин тутади.

60-йилларнинг бошларида пайдо бўлган ижтимоий касблар факультетлари олий ўқув юртлари партия, комсомол ташкилотлари ва ректоратларининг актив қўллаб-қувватлаши ҳамда ёрдамида кенг тарқалди ва ривожланди. Ҳозирги кунда у Ўзбекистоннинг барча олий ўқув юртларида ишлаб турибди, улар тингловчиларининг сони 30 минг кишидан ортиб кетди. Студентлар бу ерда оммавий-сиёсий, маданий-оқартув, спорт ва туристик-экскурсия ишларини ташкил этиш, бадиий ҳаваскорлик коллективлари, техник ва бошқа тўгаракларга раҳбарлик қилиш бўйича зарур билим ва амалий кўникма оладилар. Ижтимоий касблар факультетлари бўлажак мутахассисларни сиёсий, бадиий, илмий-техник билимларни пропаганда қилишга жалб этади, уларда эстетик дидни ривожлантиради, билимини оширади, уларнинг маънавий

оламини бойитади, юксак сиёсий ва ахлоқий фазилатларни шакллантиради.

Республикамизнинг ҳамма олий ўқув юртларида ташкил этилган ёш лекторлар мактаби катта ишларни амалга оширмоқдалар. Уларда 6 мингдан ортиқ бўлажак мутахассислар илмий атеизм, этика ва эстетика, коммунистик тарбия, ҳуқуқий билимлар, халқаро ҳаёт, фан-техника тараққиёти, буржуа идеологиясини танқид масалалари бўйича лекторлик маҳоратини эгалламоқдалар. Тематик лекторийлар ҳам самарали бўлмоқда. Чунончи, «Бизнинг ленинчи комсомолимиз» лекторийсида В. И. Ленин номли ТошДУ студентлари олдида шу университет ректори академик Т. А. Саримсоқов, Ўзбекистон ЛКСМ МҚ биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржонов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари Ш. З. Ўразаев, А. А. Аъзамхўжаев, профессорлар Л. В. Гентшке, Қ. И. Иванова, Қ. С. Содиқовлар чиқиб сўзладилар.

Студентлар ижтимоий касблар факультетлари ва ёш лекторлар мактабларида олган билимларини оталиқдаги мактабларда, студентлар ва ишчилар ётоқхоналарида, қурилиш отрядларида, республикамизнинг колхоз ҳамда совхозларида кенг қўлланмоқдалар. Улар партия қабул қилган қарорларни, КПСС ички ва ташқи сиёсати: фан-техника революцияси, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва жаҳон майдонидаги идеологик курашнинг муҳим проблемаларини, ўртоқ Л. И. Брежнев докладлари, нутқлари ва асарларидаги қоида ва хулосаларни тушунтириб бермоқдалар.

Лекторлар кунини ўтказиш кўпчилик олий ўқув юртлари фаолиятига чуқур сингиб кетди. Масалан, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг студенлари лекторлар кунида Тошкент педагогика институтидан ўз тенгқурлари, мактаб ва ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари олдида сўзладилар; Тошкент халқ хўжалиги институтининг студентлари Тошкент экскаватор заводи цехларида ижтимоий-сиёсий темаларда суҳбатлар ўтказдилар.

Студентларнинг лекция ишлари меҳнат семестри вақтида айниқса кенг қулоч ёяди. Чунончи, 1980 йилда Тошкент қурилиш отрядининг жангчилари пойтахт меҳнаткашларига 3,5 минг лекция ўқидилар.

Интернационал дўстлик клублари студентларни ғоявий-сиёсий тарбиялашнинг самарали воситаси бўлиб қолди. А. Навоий номли Самарқанд давлат университетида «Суғдиёна» номи билан ташкил этилган клуб иши бунга мисол бўла олади. Унинг аъзолари чет элларда бўлган студент ва ўқитувчилар билан учрашувлар ташкил этади, ўз миллий мустақиллиги учун курашаётган халқлар билан бирдамлик фондига шанбаликлар уюштирадилар, Самарқандга келиб турадиган халқаро ёшлар делегациялари билан учрашув ва мунозаралар ўтказадилар, мамлакатимизнинг 70 олий ўқув юртидаги интернационал дўстлик клублари билан алоқа ўрнатишган.

Ижтимоий касблар факультетларининг бадиий бўлинмалари ҳам ўз фаолиятларини активлаштирдилар. Бунга шаҳар, зонал ва республика конкурс-кўриклари ёрдам бермоқда. Масалан, 1979 йилда уларда 31 факультет тингловчилари иштирок этишди. Андижон пахтачилик институти, Самарқанд ва Тошкент қишлоқ хўжалик институтлари, Тошкент ва Самарқанд давлат университетлари, Тошкент политехника институти, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг студентлари энг юксак баҳога сазовор бўлдилар. Рус, украин, ўзбек, қозоқ ва кўп миллатли Ватанимиз бошқа қардош халқларининг музика маданиятини кенг тарғиб қилаётган Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг «Гулдаста» вокал-инструментал ансамбли халқ ансамбли номини олди, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлди, унга ВЛКСМ МКнинг дипломи берилди, ансамбль «Дўстлик» агитпо-

езди составида Польша Халқ Республикасида ўз маҳоратини намойиш қилди.

Студентларни гоявий-сиёсий тарбиялаш коммунистик тарбиянинг ўзагини ташкил этиб, унинг барча йўналишларига сингиб кетган бўлиб, уларнинг узвий бирлигини таъминлайди. Маълумки, конкрет иш сиёсий тарбиянинг муваффақиятини белгиловчи мезондир. Шунинг учун ҳам олий ўқув юртларининг партия ташкилотлари ва ректоратлари бу ишни шундай ташкил этишга интилмоқдаларки, натижада бўлажак мутахассислар фақат фикр юритибгина қолмасдан, шунингдек коммунистчасига иш кўрсин, янги жамият қурилишида актив, ижодий ва собитқадамлик билан иштирок этсин.

Студент ёшларда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш туйғусини шакллантиришнинг энг самарали воситаларини қидириш ҳаётда қурилиш отрядларини келтириб чиқардики, эндиликда улар яхши анъанага айланиб қолди. У Ўзбекистонда 1964 йилда пайдо бўлди. Ўшанда ТошДУ, Тошкент политехника ва педагогика институтларининг, темир йўл транспорти инженерлари институтининг 1500 студенти Бухоро—Урал газ қувури қурилишида ишлаб, ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар ва Ўзбекистон студентларининг шахсий ҳисобига ўзлаштирилган капитал маблағларнинг биринчи миллионини ёзиб қўйдилар.

1980 йилда республика студентлар отряди 30 минг йигит ва қизларни бирлаштирди. Улар Бухоро тўқимачилик комбинати иккинчи навбатини қуришда қатнашдилар, Қарши ва Сурхон-Шеробод чўлларида қўриқ ерларни ўзлаштирдилар, БАМ, Гува ва Бурятияда, Красноярск ва Олтой ўлкаларида, Гагарин, Иркутск ва Чита шаҳарларида ишладилар. Улар КПСС XXVI съезди шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларини бажара бориб, 50 миллион сўмдан кўп капитал маблағни ўзлаштирдилар.

Кейинги йилларда студентлар қурилиш отрядларининг фаолияти СССРдан ташқарига чиқиб, интернационал характер касб этди. Ўзбекистонлик студентлар қардош социалистик давлатларнинг қурилиш объектларида мамлакатимизнинг муносиб вакиллари бўлмоқдалар. Масалан, Андижон педагогика институти вакиллари Болгария Халқ Республикасида меҳнат қилишган интернационал студентлик отрядларининг мусобақасида биринчи ўринни эгалладилар. Ўзбекистон комсомоли билан Македония Социалистик Ёшлар Союзи ўртасида тузилган дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети ва Кириля ва Мефодий номидаги Скопли университети студентлари ўзаро қурилиш отрядлари билан алмашдилар.

Студентлар қишлоқ хўжалик отрядлари Ўзбекистон деҳқонларига жуда катта ёрдам бермоқдалар. Биргина 1980 йилнинг ўзида Тошкент олий ўқув юртларининг студентлари 85 минг тонна «оқ олтин»ни териб бердилар. ТошДУ, халқ хўжалиги, медицина, педиатрия, маданият институтларининг студентлари «Пахта учун ҳар ким жавобгар» деган шиор остида зарбдорларча меҳнат қилдилар. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг (ТИИИМСХ) студентлари айниқса катта ҳисса қўшдилар. Улар машиналарда 24 минг тонна пахта териб бердилар, 774 та қишлоқ хўжалик машинасини ремонтдан чиқардилар, салкам 60 минг тонна ғаллани ўриб-йиғиб бердилар. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили социалистик мусобақаси якунларига кўра ТошДУ ва ТИИИМСХ коллективларига КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МКнинг кўчма Қизил байроқлари топширилди.

Табиийки, меҳнат семестрининг тарбиявий аҳамиятини рақамларда кўрсатиб бўлмайди. Педагогик кузатишлар ва социологик тадқиқот-

лар шуни аниқ кўрсатдики, қурилиш отрядларида ишлаш студентларнинг социал-психологик жиҳатдан камол топишига, партия ва халқ олдида турган муҳим вазифаларни чуқурроқ тушунишга ёрдам беради, уларда КПСС бунёдкорлик фаолиятининг ниҳоятда кўлами кенглигига, ленинча миллий сиёсат тантанасига ишонч туғдиради, ёшларнинг интернационал дўстлигини мустаҳкамлайди.

Кишиларда партия ва халқ ишига садоқат, фидойилик, коллективизм, гуманизм, камчиликларга муросасиз бўлиш, ҳалоллик ва тўғрилик, қийинчиликларни енга олиш қобилиятини шакллантирмасдан коммунизм идеаллари учун курашиб бўлмайди, бирини иккинчисисиз тасаввур этиб бўлмайди. Олий ўқув юртларининг партия ва комсомол ташкилотлари, ректоратлари бу соҳадаги вазифаларни ҳал этарканлар, бунда Лениннинг «коммунизмни мустаҳкамлаш ва батамом қуриш учун курашиш коммунистик ахлоқнинг асосидир» деган кўрсатмасига асосланадилар (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 350-бет). Олий ўқув юртларининг етакчи ўқитувчилари студентлар билан ахлоқий-этик темаларда суҳбатлар ўтказадилар, кўпчилик институтларда социалистик турмуш тарзи проблемалари бўйича лекторийлар ишлаб турибди.

Мунозаралар ахлоқий тарбиянинг ажойиб формаси бўлиб, уларда совет кишисининг маънавий қиёфаси, хулқ-атвор маданияти, ривожланган социализм маънавий бойликларини шакллантириш ва қарор топтиришга оид турли масалалар муҳокама қилинади. Масалан, Нукус давлат университетининг математика факультетида «Коммунистик жамият қурувчиси қандай бўлиши керак» деган мавзудаги мунозара жуда қизиқарли ўтди. ТошДУ, Тошкент политехника, электротехника алоқа, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтларида китобхонлар конференциялари, коммунистик ахлоқ проблемалари бўйича савол-жавоб кечалари, ишлаб чиқариш илғорлари, фан, техника, адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувлар тез-тез ўтказилиб турилади. Бундай тадбирларда иштирок этиш студентларга актив ҳаётий позиция, ижтимоий бурчга онгли муносабатда бўлиш, сўз билан ишнинг бирлиги киши мартабасини оширишини чуқур англашига ёрдам беради.

Жамиятимиз кекса авлодлари бошлаган ишни давом эттирадиган ёшлар ахлоқ соҳасида тўпланган тажрибанинг барча энг яхши нарсаларини ўзлаштиришлари керак. Шунинг учун ҳам партия бизнинг яшашимизга ва меҳнат қилишимизга халақит бераётган нарсаларни тугатишга қатъият билан эришмоқда. КПСС ўтмиш сарқитларига қарши курашни активлаштириш зарурлигини кўрсатар экан, шу мақсадда жамоатчилик фикридан, матбуотда билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалардан, ишонтириш методларидан, қонун кучи ва бошқа воситалардан кенг фойдаланишнинг муҳимлигини таъкидлайди. Ўзбекистон олий ўқув юртларида, жумладан ижтимоий касблар факультетларида кейинги йилларда ҳуқуқий тарбия борасидаги ишлар сезиларли яхшиланди; прокуратура, юстиция, маъмурий органлар ходимлари билан учрашувлар, «Инсон ва қонун» тематик кечалари мунтазам ўтказиб турилади, кўнгилли халқ дружиналарининг фаолияти активлашди.

Республика олий ўқув юртлари партия ташкилотлари ва ректоратлари студентларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишининг қўйилишини танқидий баҳолар эканлар, КПСС бу соҳада қўйган вазифаларни бажариш учун ҳамма имкониятлардан ҳали тўла фойдаланилгани йўқ деб ҳисоблайдилар. Ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиянинг узвий бирлигига ҳали ҳамма ерда эришилгани йўқ. Сиёсий-тарбиявий ишнинг кўп формалари янада такомиллаштирилиши керак. КПСС XXVI съезди кўрсатиб ўтганидек, унда бир қолипдаги гаплар, бир хилдаги тайёр формулалар, ўткир мавзулардан қочиш, мураккаб ва оғир масалаларни кўтариб чиқишдан чўчиш бўлмаслиги керак. Студент-

ларнинг ўсиб кетган маданий ва интеллектуал савиясини тўлароқ ҳисобга олиш керак, улар билан ўтказиладиган суҳбатларнинг қуруқ бўлишига йўл қўймаслик зарур.

Тарбиявий ишнинг илмий базасини кучайтириш ва унинг айрим методларининг таъсирчанлигини ўрганиш керак бўлади, бўлажак мутахассислар маънавий ўсишини комплекс тадқиқ этишни кенг кўламда олиб бориш керак, факультет, олий ўқув юртининг профилини ҳисобга олган ҳолда студентларнинг курсдан курсга ўсиб бориш тенденциясини конкретроқ аниқлаш лозим. Бизнинг фикримизча, республикада студент ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш проблемалари бўйича лаборатория ташкил этилиб, уларни ҳал этишга етакчи илмий кучлар жамланса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Олий ўқув юртларини битириб чиқаётганларнинг меҳнат ва сиёсий активлиги даражаси уларда олиб борилаётган коммунистик тарбия ишининг самарадорлиги учун мезон бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам олий ўқув юртларининг саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари, қурилишлар билан алоқасини муттасил мустаҳкамлаб бориш, ёш мутахассисларнинг меҳнат коллективлари фаолиятида иштирок этиши даражасини ўрганиш керак.

КПСС XXVI съезди қарорлари олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар ва студентлар коллективларининг меҳнат ҳамда сиёсий активлигини оширишнинг, социал ва фан-техника тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир бўлган малакали мутахассислар тайёрлаш системасини такомиллаштиришнинг, коммунистик қурилиш планларини амалга оширишнинг қудратли омили бўлиб қолди.

ФАН САМАРАДОРЛИГИНИ ТИНМАЙ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

И. ИСКАНДАРОВ,
академик, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг бош илмий секретари

СОВЕТ ХАЛҚИ ленинчи партиямиз раҳбарлиги остида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришди. Ушбу ютуқларда Ватанимиз фанининг катта ҳиссаси бор.

Илмий-техника тараққиётига ниҳоятда катта аҳамият берган В. И. Ленин мамлакатимизда бу тараққиётни жадаллаштириш стратегиясини ишлаб чиқди. У «...илмнинг бизда қуруқ ёки расмий гап бўлиб қолмаслигини.., илмнинг ҳақиқатан ҳам бутун вужудимизга сингишини, илмнинг тўла ва ҳақиқий равишда ҳаётимизнинг таркибий элементига айланишини» даъват этган эди (ТАТ, 45-том, 436-бет). Улуғ доҳийнинг бу накази коммунистик қурилишнинг ҳамма босқичларида КПСС раҳбарлиги остида изчил суратда амалга оширилаётган фан самарадорлигини ошириш ва техника тараққиётини жадаллаштиришнинг методологик негизи бўлиб хизмат қилмоқда.

Бизнинг давримизда, КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев қайд қилганидек, фан-техника революцияси ҳар томонлама ривожланиб, «кўпгина ишлаб чиқаришлар ва бутун бошли тармоқлар қиёфасини ўзгартирмоқда. Совет фани билимнинг муҳим соҳаларида етакчи мавқеларни эгаллаб турибди».

Сўнгги маълумотларга кўра фан меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг салкам 75 процентини, миллий даромад ўсишининг 50 процентдан кўпроғини ва саноат маҳсулоти таннархини камайтиришнинг тахминан ярмисини таъминламоқда. Агар илмий кашфиётларни амалга ошириш учун чор Россиясида 30—40 йил талаб қилинган бўлса, СССРда урушдан олдинги йилларда кўпи билан 16 йил, 1945—1965 йилларда узоғи билан 9 йил талаб қилинарди, ҳозирги вақтда 6 йилдан камроқ вақт талаб қилинади.

Ушбу муддатларнинг муттасил қисқариб бориши КПСС мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатувчи далиллардан биридир. Партия XXVI съезди совет фанининг янги жамият қуришдаги ролини юксак баҳолаб, «катта фан»нинг куч-ғайрати, назарий проблемаларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда, жуда муҳим халқ хўжалик масалаларини ҳал қилишга, ишлаб чиқаришга чинакам революцион ўзгартишлар олиб киришга қодир бўлган кашфиётларга тобора кўпроқ даражада жалб этилиши» керак, деб кўрсатди.

Бу — олимларимизнинг конкрет ва масъулиятли вазифасидир. Уни муваффақиятли ҳал қилиш негизи мавжуд: ўнинчи беш йилликда совет фани янги босқичга кўтарилди, унинг ижодий изланишлари самарадорлиги ва коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга қўшаётган ҳиссаси анча ошди.

Совет олимларининг барча отрядлари билан бирга Ўзбекистоннинг фан арбоблари ҳам олға томон катта қадам ташладилар. Ҳозирги вақтда республикада юзлаб илмий муассасалар, шу жумладан республика Фанлар академияси, 43 олий ўқув юрти, кўпгина лойиҳалаш ташкилотлари ва конструкторлик бюролари ишлаб турибди. Уларда 35 мингга яқин илмий ходимлар ишламоқда, улар орасида 900 фан доктори ва 12,8 минг фан кандидатлари бор. Фанни ривожлантириш учун республиканинг давлат бюджетидан қилинаётган сарфлар йилдан-йилга ортиб бормоқда: ўтган йилда улар ўнларча миллион сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистонда «Кибернетика», «Сигнал», «Узавтотранстехника», «Технолог», Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик бирлашмаси, «Узбекпроектмебель» каби олтита илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси (ИИБ) ишлаб турибдики, булар фан билан ишлаб чиқаришни интеграциялаш вазифасининг амалда руёбга чиқарилишидир. Масалан, «Кибернетика» ИИБ иш тажрибасини СССР Фанлар академияси Президиумининг қарорига биноан барча иттифоқдош республикалардаги академияларга ёйишга қарор қилинган.

Қуйидаги маълумотлар Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика ҳукумати янги техникани ривожлантириш ва жорий қилишга катта эътибор бераётганидан далолат беради: Ўзбекистон ССРдаги саноат корхоналарида 1228 поток линия, 2571 механизациялаштирилган поток линия, 245 автомат линия, 1014 комплекс механизациялаштирилган участка, 1023 комплекс механизациялаштирилган цех, 127 автоматлаштирилган участка, 96 автоматлаштирилган цех ишлаб турибди. Агар 1970 йилда саноатда янги техникага доир 6509 та тадбир амалга оширилган бўлса, 1979 йилда 10482 тадбир амалга оширилди, уларнинг иқтисодий самарадорлиги эса 45,4 миллион сўмдан 92,3 миллион сўмга етди (шунинг ярмиси янги технологияни қўлланиш ҳисобига қўлга киритилди).

Республикадаги илмий муассасалар ҳар йили ярим миллиард сўмдан зиёд иқтисодий фойда келтирадиган илмий тавсияларни ишлаб чиқаришга тақдим этмоқдалар. Ихтиро ва рационализаторлик таклифларини Ўзбекистон халқ хўжалигига жорий қилиш 1970—1979 йиллар мобайнида 1 миллиард 400,2 миллион сўм иқтисодий фойда келтирди. Бу ихтирочи ва рационализаторлар сони кўпайиб бораётганлигининг натижасидир: 1970 йилда 39,8 минг автордан 48,8 минг таклиф тушган эди, 1979 йилда эса 60 мингга яқин автор 65 минг таклиф киритди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети КПСС XXVI съездининг, партия Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмаларини амалга ошира бориб, фанни ривожлантириш, унинг халқ хўжалиги билан алоқасини мустаҳкамлаш, илмий тадқиқотларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашга қаратилган комплекс, собитқадам тадбирларни амалга оширишга катта эътибор бериб келди. 1980 йил май[illegible]да Ўзбекистон партия ташкилотининг активи йиғилишида «Ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида илмий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш ва республикада фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг шу йиғилишда қилган докладида қайд қилиб ўтилдики, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги туфайли Ўзбекистонда қудратли илмий-техника потенциали вужудга келтирилди, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мамлакатнинг йирик илмий марказларидан бири бўлиб қолди, илмий тадқиқот ишлари са

вияси ва самарадорлиги ошди, республика олимларининг халқ хўжалиги вазифаларини, фан-техника тараққиётининг актуал масалаларини ҳал қилишга қўшаётган ҳиссаси салмоқли бўлиб қолди.

Академиямизнинг илмий муассасалари фаолиятида билимнинг турли тармоқларини ривожлантиришга, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни комплекс равишда амалга оширишга ёрдам берадиган улкан тадқиқотлар катта ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон олимларининг математик статистика, физик электроника, ядро физикаси, қаттиқ жисмлар физикаси, механика, сейсмология, биология, биорганик химия, алкалоидлар ва полимерлар химияси, активацион анализ, тирик материянинг химиявий структураси ва хоссалари, геология, ғўза генетикаси соҳасидаги ишлари кенг машҳурдир. Техникавий кибернетика ва информация назарияси, экономика ва республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, коммунизм моддий-техника базасини яратиш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, янги кишини тарбиялаш соҳаларида катта муваффақиятларга эришилди.

Техника тараққиётини жадаллаштиришга ёрдам берадиган илмий-тадқиқот ишлари натижаларини халқ хўжалигига системали равишда жорий қила бориш илмий муассасалар фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Ўнинчи беш йилликда мазкур йўналишда муҳим натижаларга эришилди: халқ хўжалигининг турли тармоқларида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муассасалари таклиф қилган, 1 миллиард сўм иқтисодий фойда келтирадиган 675 дан ортиқ илмий таклифлар жорий қилинди, 1979 йилда фанга сарфланган маблағнинг ҳар сўми келтирган фойда бутун академия бўйича 5 сўм 43 тийинни ташкил қилди.

Олимларнинг пахтачилик комплексини ривожлантириш соҳасидаги тадқиқотлари янги ютуқлар билан нишонланди, бу тадқиқотларда пахта етиштириш ва унинг маҳсулотини қайта ишлаш билан алоқадор бўлган ташкилотларнинг деярли ҳаммаси қатнашмоқда. Олимлар етиштирган «Тошкент» группасига мансуб ғўза навларини қўлланиш (ҳозир улар пахта далаларининг 65 процентини эгаллаган) бу қимматли экин ҳосилдорлигини гектар бошига 1975 йилдаги 24,5 центнердан 1980 йилда 33,2 центнерга кўтариш имконини берди. Бундан ташқари яна 20 та истиқболли ғўза навлари яратилди. Шулардан АН-402, АН-Ўзбекистон-3, АН-Самарқанд-2 навлари ҳозирдаёқ районлаштирилган, АН-Боёвут-2, Октябрь-60, АН-508, Тошкент-6, АН-11 ва баъзи бошқа навлар эса ишлаб чиқариш синовидан муваффақиятли ўтмоқда. Янги ғўза навларини экиш ҳар йили 300 миллион сўм миқдорида иқтисодий фойда келтирмоқда.

Маълумки, юқори ҳосил олиш қишлоқ хўжалигининг техника билан таъминланганлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, уни тўхтовсиз ошира боришга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Уларнинг пахта териш машиналарини модификация қилишдаги иштироки ана шундай мисоллардан бири бўла олади. Масалан, машина шпинделининг такомиллашмаганлиги узоқ вақтга қадар механизаторларнинг ҳақли эътирозига учраб келди. Ҳозирги вақтда «Ташсельмаш» заводи Механика ва иншоотлар сейсмик бардошлиги институти олимлари томонидан яратилган ўз-ўзидан тозаланувчи шпинделли пахта териш машиналарини ишлаб чиқармоқда. Бу машиналарнинг иш унуми илгариги машиналарникидан қарийб 15 процент юқори, иқтисодий самараси эса 11 миллион сўмдан ошади.

Туксизлантирилган чигитни экиш ҳам катта фойда келтирмоқда. Бунинг натижасида уруғлик чигитнинг 5 баравар тежалиши пахта мойи ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беради. Олимларимиз, шу-

нингдек пахта толасининг кўпгина параметрларини аниқлаш учун керакли приборлар, уруғлик чигитни сортировка қилиш ва калибрлаш учун механизациялашган линия яратдилар, уруғнинг ўсишини кучайтириш методлари ишлаб чиқилди ва ҳозирдаёқ тажрибада қўлланмоқда ва ҳ. к.

Академиямиз олимлари кучи билан суғориладиган ерлар интенсивлигини ошириш имконини берадиган деҳқончилик системаси ишлаб чиқилди ва илмий жиҳатдан асослаб берилди. УДМ, бутилкаптакс каби унча заҳарли бўлмаган дефолиантлар муваффақиятли синовдан ўтказилмоқда, комплекс азот-фосфорли ўғитлардан кенг фойдаланилмоқда. Ўнинчи беш йилликда Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР ва Қирғизистон ССРнинг пахтачилик зоналарида 600 минг гектар пахта УДМ дефолиантлари билан дориланди. 1,5 миллион гектар майдонда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг хилма-хил самарали методлари қўлланилмоқда. Ғўзаларга ишлов берадиган машиналар (ОВХ-14) эндиликда серияли ишлаб чиқарилмоқда.

Олимларимиз чорвачиликнинг озуқа базасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор бермоқдалар, зеро бу, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига Ҳисобот докладида яна бир карра таъкидланганидек, ушбу тармоқни юксалтиришнинг ҳал қилувчи омили бўлиб, партия Марказий Комитетининг кўрсатмасига биноан ишлаб чиқилаётган озиқ-овқат программасиҳинг муваффақиятли бажарилиши ҳам кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқ. Масалан, республика олимларининг тавсиялари 100 минг гектардан ортиқ чўл ва яримчўл яйловларнинг маҳсулдорлигини ошириш имконини берди. Чорвачилик ва пиллачиликда хлорелла суспензиясидан фойдаланиш ҳамда ғўзапоя ва жўхорипояга ферментли қўшимчалар аралаштириб қорамоллар учун силос тайёрлаш ғоят самаралидир.

Химик олимлар бир қатор муҳим тадқиқотларни амалга оширдилар. Чунончи, ўсимликлардан олинган етти юздан ортиқ доривор препаратлар ишлаб чиқаришга жорий қилинди, улар орасида ҳаммага кенг маълум батриден ҳам бўлиб, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги фармакология комитетининг қарори билан буйракни кўчириб ўтказишда имуран деб аталувчи қимматбаҳо импорт препарат ўрнига иммуносупрессион восита сифатида тавсия этилган.

Олимларимиз юқори энергиялар физикаси, чала ўтказгичлар физикаси ва материалшунослик, қуёш энергиясидан фойдаланиш, акустик спектроскопия соҳасида салмоқли ишлар қилдилар. Ҳар хил мақсадларга мўлжалланган юқори самарали гелиотехника қурилмаларини яратиш борасида қатор вазифалар ҳал қилинди.

Молекуляр биология, генетика ва медицинани ривожлантириш учун керакли бўлган бир қатор препаратлар мамлакатимизда биринчи марта ғоят қисқа муддатларда ишлаб чиқарилди, бу эса уларни импорт қилишдан батамом воз кечиш имконини берди.

Республика Фанлар академияси олимларининг ўтган беш йилликда геология соҳасида олиб борган тадқиқотлари хом ашё ресурсларини ўстиришга, кон-металлургия, химия, нефть ва бошқа саноат тармоқлари базасини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Олимларимиз сейсмология ва иншоотларнинг сейсмик бардошлилиги соҳасида ҳам каттагина ҳажмда назарий ва амалий ишларга эгалар. Жумладан, ер ости сувларининг химиявий таркиби ўзгаришига қараб зилзилаларни прогноз қилиш методи ишлаб чиқилди, Ўзбекистоннинг баъзи шаҳар ва районларини сейсморайонлаштириш амалга оширилди ва бу тадбир республикада иншоотларни сейсмик бардошли қилиб қуришни таъминлади. Тошкент метрополитени, трубопроводлар, БАМ тоннеллари қурилишида ер ости иншоотлари сейсмодинамикаси соҳасидаги назарий тавсиялардан фойдаланилди.

Академиямиздаги иқтисодчи олимларнинг кўпгина ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши натижасида «Ўзбекистон ССР бўйича 2000 йилга қадар амалга ошириладиган фан-техника тараққиёти комплекс программаси ва унинг социал-иқтисодий оқибатлари» ишлаб чиқилди, «Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизишнинг социал-иқтисодий оқибатлари», Тошкентни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг, ҳамда Қашқадарё ва Жиззах территориал-ишлаб чиқариш комплексларини вужудга келтиришнинг асосий йўналишлари белгилаб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳозирда муваффақиятли ишлаб турган саккизта хўжалик ҳисобидаги ташкилотлари — илмий приборсозлик Марказий лойиҳалаш-конструкторлик бюроси, АСУ ва РАСУ лойиҳалаш-конструкторлик бюролари, шунингдек «Кибернетика» ИИБнинг тажриба-экспериментал заводи, физика-техника институтининг конструкторлик бюроси, биоорганик химия институтининг тажриба ишлаб чиқариши ва бошқалар ташкил қилинганлиги илмий тадқиқотлар натижаларини халқ хўжалигига жорий қилишни тезлаштириш соҳасидаги ишларнинг муҳим бўғини бўлди. Ўнинчи беш йилликда ишлаб чиқариш ҳажми қарийб беш баравар ўсган мазкур корхоналарда бир қатор муҳим приборлар яратилди ҳамда халқ хўжалиги учун жуда зарур бўлган кўпгина тажриба-конструкторлик тавсиялари амалга оширилди.

Илмий тадқиқотлар самарадорлигини оширишда уларни ташкил қилиш форма ва методларини такомиллаштириш муҳим ўрин тутади. Шу муносабат билан илмий изланишларни муайян мақсадли комплекс программалар асосида амалга оширишга жиддий эътибор берилиши керак. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси республика Госплани ва тармоқларга мансуб илмий муассасалар билан биргаликда ўнинчи беш йилликда пахтачиликда ва республика халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий проблемаларни ҳал қилишга қаратилган 13 та комплекс программани ишлаб чиқди. Бу программалар умуман муваффақиятли амалга оширилмоқда, аммо, ҳамма министрликлар, идоралар ва олий ўқув юртлари ўз топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш борасида лозим даражада қатъият кўрсатганларида натижалар янада юқори бўлиши мумкин эди.

КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида давлат иқтисодий ва социал ривожлантириш перспектив планларининг муҳим таркибий қисми сифатида муайян мақсадга қаратилган комплекс илмий-техника, иқтисодий ва социал программаларини, шунингдек айрим регионлар ва территориал-ишлаб чиқариш комплексларини ривожлантириш программаларини ишлаб чиқиш зарур деб кўрсатилган. ЎзССР Фанлар академияси ана шу кўрсатмага амал қилиб, республиканинг министрлик ва идоралари билан биргаликда ўн биринчи беш йилликда муайян мақсадли программалар асосида ҳал қилинадиган муҳим регионал илмий-техника ва социал-иқтисодий проблемаларни белгилаб чиқиш борасида катта ишларни амалга оширди.

Фанни ишлаб чиқариш билан боғлашнинг илмий институтлар, идоралар, министрликлар, бевосита хўжаликларда ташкил қилинадиган тармоқ илмий-тадқиқот лабораториялари каби муҳим формаси ҳам янада ривож топмоқда. Ҳозирги вақтда республикада саккизта ана шундай лаборатория ишлаб турибди. Жумладан, шулардан бири — Биохимия институтидан ажралиб чиққан эмбриогенез биохимияси лабораторияси республика Қишлоқ хўжалик министрлигининг Бўстонлиқдаги паррандачилик фабрикаси базасида ишлаб турибди. Химия инс-

титутининг иккита база лабораторияси Самарқанд ва Чирчиқда жойлашган.

Ўнинчи беш йилликда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муассасалари бажарадиган хўжалик шартномасига асосланган ишларнинг ҳажми анча ошди ва тематикаси кенгайди. 408 та тугалланган иш натижалари халқ хўжалигида фойдаланиш учун буюртмачиларга топширилди, шулардан 220 таси ҳозирдаёқ жорий қилинди. Ўн биринчи беш йилликда хўжалик шартномаси асосидаги тематика бўйича бажариладиган тадқиқотларнинг умумий ишлар ҳажмидаги салмоғини 20 процент ошириш кўзда тутилган.

Ўнинчи беш йилликда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси СССР Госпланига ихтиро ва кашфиёт ишлари бўйича тақдим этилаётган ихтиролар юзасидан мингдан ортиқ заявка топширди. Шу кунгача 388 та авторлик гувоҳномаси ҳамда шундай гувоҳномалар бериш тўғрисида 222 та ижобий қарор олинди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муассасалари СССР Фанлар академиясининг ҳамда иттифоқдош республикалар фанлар академияларининг етакчи илмий муассасалари билан илмий алоқалар боғлаган бўлиб, улар билан қўшма план ва илмий программалар асосида тадқиқотлар олиб борадилар. Иттифоқ ва республика министрликлари ҳамда идоралари билан алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда, улар билан ижодий ҳамкорлик қилиш тўғрисида 223 шартнома тузилган. Масалан, СССР Химия саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати, олий ва ўрта махсус таълим, маориф, соғлиқни сақлаш министрликлари, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси билан шундай шартномалар тузилган.

Афсуски, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фаолияти бир қатор камчилик ва нуқсонлардан ҳоли эмас. Юқорида тилга олинган республика партия-хўжалик активида ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида қилган докладларида ўртоқ Ш. Р. Рашидов ана шу камчиликларни ҳаққоний равишда кўрсатиб ўтди. Академиянинг кўпгина илмий муассасалари олиб бораётган ишларнинг самарадорлиги паст эканига асосий сабаб илмий ишлар ва моддий ресурслар сочиб юборилганлигидир. Бу эса темаларнинг ҳаддан ташқари кўп экани, илмий тадқиқотларни координациялашнинг самарали методлари йўқлиги билан боғлиқдир. Айрим институтлар кўпинча халқ хўжалигининг муҳим эҳтиёжларига алоқадор бўлмаган ишларни бажарадилар. Тугалланган ва жорий қилиш учун тақдим этилган тавсияларнинг 30 процентдан кўпроғини инструкциялар, хилма-хил методик кўрсатмалар ташкил этади. Академия илмий муассасаларининг республикадаги олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, саноат корхоналари, колхоз ва совхозлар билан алоқалари ҳали замон талабига жавоб бермайди.

Академия муассасалари ва ташкилотларининг ишлаб чиқариш ҳамда экспериментал базаларини вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш ишлари паст суръатларда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси системасида мавжуд бўлган конструкторлик бюролари, тажриба ишлаб чиқаришлари ва бир нечтагина кичик механика устахоналари, участкалар, экспериментал базалар тугалланган илмий-тадқиқот ишлари натижаларини жорий қилишни ҳозирги давр талаблари даражасида ташкил этиш учун мутлақо етарли эмас. Айни вақтда Фанлар академиямизни ривожлантириш учун ажратилган капитал маблағларни ўзлаштириш плани ўнинчи беш йилликда атиги 79 процент бажарилди.

Республикада илмий тадқиқот ишларини планлаштириш ва координациялаш билан шуғулланувчи махсус орган ҳамда илмий приборсозлик заводи йўқлиги энг муҳим илмий тадқиқот проблемаларини ком-

плекс ҳал қилишни янада мураккаблаштиради. «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажрибаси, гарчи шундай комплексларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ ва зарур эканлигини ишончли тарзда исботлаётган бўлсада, лекин бу бирлашма ҳамон Ўзбекистон ССР Фанлар академияси системасида ягона бўлиб қолмоқда.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги суръатлари ва кўламлари, В. И. Лениннинг сўзлари билан айтганда, «...илгариги тажрибамиз натижасида ҳосил бўлган моҳирлигимиз билан қаноатланмасдан, *албатта олға қараб боришимиз, албатта кўпроқ натижаларга* эриша боришимиз, албатта енгилроқ вазифалардан оғирроқ вазифаларга ўта боришимиз керак»лигини ҳар қачонгидан кўпроқ талаб этади (ТАТ, 37-том, 226-бет). Бундай ёндашиш фойдаланилмаётган резервларни тинимсиз излашни тақозо этади.

Республика Фанлар академиясининг олимлари илмий тадқиқот ишларини планлаштириш методикасини такомиллаштиришни ана шундай резервлардан бири деб биладилар. Ҳозирги методикада темаларни беш йиллик ичида ҳар йили бир меъёрда туғаллашга риоя қилинмайди, бу эса олинган натижаларни шу беш йилликда жорий қилишни қийинлаштиради ва илмий тадқиқотларнинг умумий самарадорлигини пасайтиради. Масалан, ўнинчи беш йилликда фанлар академияси бўйича тугалланган темаларнинг 60 процентдан кўпроғи охирги 2 йилга тўғри келди, бинобарин, уларнинг натижалари фақат ўн биринчи беш йилликда жорий қилиниши мумкин. Шунинг учун КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳамда иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ илмий тадқиқот ишларининг перспектив планларини тузаётганда уларнинг бутун беш йиллик мобайнида, маблағ ажратиш ҳажми ва натижаларни жорий қилиш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, турли йиллар ва темалар бўйича балансланштирилган ҳамда барқарор бўлишини таъминлаш зарур.

Майда темачиликка барҳам бериш фанимиз самарадорлигини оширишнинг муҳим резервидир, зеро бундай майда темачиликда ишлаб чиқаришни тубдан, сифат жиҳатидан янгилаш ўрнига эскирган технология ва техникага озроққина тузатишлар киритиш билан чекланиб қолинади.

Илмий муассасаларнинг планлари ёки социалистик мажбуриятларига сарфланган ҳар бир сўм ҳисобига фаннинг келтирадиган фойдаси (фан самарадорлиги) каби кўрсаткичнинг киритилиши улар фаолиятининг реал самарадорлик даражасини объектив баҳолашга ёрдам берган бўлур эди. Бунинг учун айрим институтлар ва бўлинмаларда уларга ажратиладиган маблағлар миқдорини ва тармоқлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фан самарадорлигини аниқлашга табақалаштирилган тарзда ёндашиш юзасидан методик тавсияларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Жорий қилинадиган таклифларни ишлаб чиқарувчи ва уларни жорий қилувчи ташкилотлар манфаатларини таъминлайдиган иқтисодий механизмни такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи қаттиқ талаб қилмоқда. Шу билан бирга, таклифларни жорий қилувчи ташкилотларнинг масъулияти оширилиши лозим, зотан шу ташкилотлар айби билан 1976 — 1980 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олимлари тайёрлаган салкам 150 ишнинг натижалари амалга оширилмай қолди. Бунинг маъниси шуки, ана шу ишлар учун давлат сарфлаган жуда катта маблағлар ўзини оқламади, халқ хўжалиги эса талайгина қимматбаҳо хом ашё ва бинокорлик материаллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва медицина препаратларини кам олади.

Илмий тадқиқотлар самарадорлигини иқтисодий жиҳатдан асослаб

бериш, жорий қилинаётган ишларга иқтисодий ва социал баҳо бериш, шунингдек диссертацияларда келтирилган таклиф ва тавсиялардан халқ хўжалигида фойдаланиш ишлари ҳали ҳам яхши йўлга қўйилган эмас.

Тармоқ лабораторияларини ташкил этиш ва уларни маблағ билан таъминлаш проблемалари узил-кесил ҳал қилиниши лозим. Гап шундаки, ана шундай лабораторияларни ташкил этишга розилик билдирган министрлик ва идоралар кераклн маблағларни академияга ўтказишлари мумкин-у, иш ҳақи фондларини ўтказолмайдилар, академия эса бундай фондларни ўз маблағлари ҳисобидан ажратишга қодир эмас. Бу масала ҳам очиқ қолмоқда. Хўжалик шартномалари асосида бажариладиган ишларнинг тематикаси ва ҳажми масаласида ҳам аҳвол худди шундай. Фанлар академиясининг илмий потенциали бу ишларни анча кенгайтириш имконини беради, планлаштириш ва маблағ билан таъминлашнинг ҳозирги тартиби эса бунга тўсқинлик қилади.

Иш манфаатлари йўналишларни, проблемалар рўйхатини ва хўжалик шартномаси асосидаги темаларни бюджетда кўзда тутилган ишлар каби перспектив планлаштиришни қатъиян талаб этмоқда. Республика Госплани ҳузурида Фан бошқармаси ташкил этилиши муносабати билан ушбу масалани ҳал қилиш Госпланда марказлаштирилиши лозим, бу шартнома асосида бажариладиган тадқиқотларни планлаштиришни ташкил қилиш ва самарадорлигини ошириш жараёнини анча тартибга келтирган бўлар эди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олимлари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида ўз фаолиятларига берган юксак баҳосини ва академиямизни республиканинг етакчи комплекс илмий ташкилоти деб атаганини чуқур миннатдорчилик ва ифтихор туйғуси билан қарши олдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий муассасаларининг коллективлари илмий-тадқиқот ишлари самарадорлиги ва сифатини янада ошириш йўлларини тинмай изламоқдалар, зиммаларига юкланган, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларидан келиб чиқадиган масъулиятли вазифаларни муносиб адо этиш учун бутун ижодий куч ва ғайратларини сарфламоқдалар.

ҲУҚУҚ БУЗИШЛАР ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ СОЦИАЛ ТАДБИРЛАРИ

Б. МИРЕНСКИЙ,
юридик фанлар кандидати

ЯНГИ ИНСОННИ камол топтиришни, барча меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат руҳида тарбиялашни КПСС ўзининг бош вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Ҳуқуқ бузишларни батамом тугатмай туриб, бу вазифани бажариб бўлмайди. Бу иллатларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш ва аста-секин йўқотиш иши партиянинг социалистик қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни, жамоат интизомини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолияти марказида турибди.

Илмий коммунизм асосчилари ҳам бу ишда эҳтиёт чоралари кўришнинг катта имкониятларини кўрсатган эдилар. Юз йилдан кўпроқ вақт муқаддам К. Маркс бундай деб ёзган эди: «Доно қонун чиқарувчи жиноят учун жазолашга мажбур бўлмаслик учун унинг олдини олади» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, М., I том, 181-бет). В. И. Ленин тарбиявий таъсирнинг бошқа воситаларидан кўра эҳтиёт чораларини кўриш, олдини олишнинг аҳамияти афзал эканини неча марталаб таъкидлаган эди. Унинг қуйидаги гапи яхши маълум: «Биз аввал ишонтирмоғимиз, сўнгра мажбур қилмоғимиз керак. Нима қилиб бўлса-да аввал ишонтирмоғимиз, сўнгра мажбур қилмоғимиз лозим» (Тўла асарлар тўплами, 43-том, 62-бет). Аввало оммани ишонтиришга, кичикроқ ёки енгилроқ жиноят қилган ва тузалиш йўлига ўтган шахсларга нисбатан жамоат таъсири чораларини қўлланишга қаратилган бу йўл етук социализм жамиятида ҳар томонлама ривож топди. Ҳуқуқ бузишларнинг олдини олишни партия комплекс социал вазифа деб билиб, уни ҳал этишга ҳамма жойда кенг эътиборни қаратишга интилади. Бунинг маъноси шуки, мазкур иш ташкилий, хўжалик, ғоявий-тарбиявий характердаги ҳамма тадбирларни ўз ичига олиши, регионларни ва меҳнат коллективларини социал-иқтисодий ривожлантириш планлари билан узвий равишда боғлаб олиб борилиши лозим.

Дарҳақиқат, меҳнатни ҳал этиш ва унга ҳақ тўлашни, меҳнаткашларнинг турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш соҳасидаги хилма-хил тадбирлар ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Саноат ва уй-жой маиший қурилишни лойиҳалаш ва амалга ошириш давомида бу объектларнинг одамлар ҳаётий фаолиятига таъсирини, шу жумладан жамият манфаатларига зид ҳодисаларнинг олдини олишга таъсирини назарда тутиш ҳам керак. Масалан, Тошкентнинг энг яхши иморатлари ўзига хос тарзда, қулай жойлаштирилганлиги билан ажралиб туради, микрорайоннинг архитектура ансамблига уйғун бўлиб тушади. Айни вақтда улардан айримларида ҳовли қолдирилмаган, болалар ўйнайдиган жой йўқ, атрофдаги

территорияни кўкаламзорлаштириш тўғрисида дуруст ғамхўрлик қилинмаяпти. Ҳолбуки, шаҳарликлар айниқса ёш авлоднинг ҳаётида мана шу кўзда тутилмаган «икир-чикирлар»нинг роли жуда катта.

Социал профилактика социалистик жамиятнинг жиноят сабабларини махсус тугатишга қаратилмаган бўлса ҳам, аммо бу вазифани криминоген муҳитга бавосита таъсир қиладиган йўл билан ҳал этишга кўмаклашувчи омилларни ҳар томонлама ривожлантиришдан иборат. Бу иш шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун, социалистик турмуш тарзини мустаҳкамлаш учун шароит яратишдан иборат.

Хўжалик ва социал-маданий характердаги конкрет тадбирларнинг ўтказилиши одамларнинг турмуш тарзига ижобий таъсир қилиши муҳимдир. Шу жиҳатдан оммани коммунистик руҳда тарбиялаш, жумладан, ҳуқуқни ўргатиш, меҳнаткашлар ўртасида ҳуқуқий билимларни пропаганда қилиш иши ҳам катта аҳамиятга эга. Меҳнаткашларнинг меҳнат ғайратини, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий активлигини ривожлантириш социал профилактиканинг муҳим жиҳатидир.

Мана шу асосий омиллар (мазкур омиллар рўйхатини бундан ҳам кенгайтириш мумкин) соғлом бўлмаган муҳитда ёки шу муҳитга нисбатан ўтказиладиган ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш соҳасидаги махсус тадбирлар билан узвий равишда боғлиқ бўлиб, социал контролни, ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятини амалга оширишга алоқадордир. «Тарбияси қийин» ўспиринлар билан ишлаш, моддий бойликларни қўриқлаш, ҳуқуқ бузувчиларни қайта тарбиялаш мана шулар жумласига киради. Омиллар ва тадбирларнинг мана шу икки группаси ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш соҳасидаги социал чора-тадбирларнинг бутун бир системасини вужудга келтиради.

Ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш социализм сиёсий системасининг вазифасига айланиб, ундаги ҳар бир орган, ташкилот ва меҳнат коллективининг ҳуқуқ доирасига киради. Жойлардаги бу ишга бошланғич партия ташкилотлари бошчилик қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг «Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишни яхшилаш ва ҳуқуқни бузишларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарорида партия ташкилотлари идеология фаолиятининг перспектив ва йиллик планларида ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш юзасидан комплекс тадбирлар бўлиши зарур, деб топилганлиги тасодифий эмас.

Партия ташкилотлари бу ишга жиддий эътибор бераётган жойларда ижобий натижаларга эришилганини тажриба кўрсатиб турибди. Чунончи, «Средазэлектроаппарат» заводининг маъмурияти ва партия комитети ҳуқуқ бузишларнинг олдини олишни ўзининг жонажон иши деб ҳисоблайди. Завод Манжара кўчасидаги тартибни сақлаш жамоат пунктига оталиқ қилмоқда. Корхона партқомининг секретари — шу пункт ҳузурида тузилган ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш кенгашининг раисидир. Заводнинг бош директори бу ерга тез-тез келиб туради. Мазкур кенгаш составида халқ депутатлари Ленин район Советининг «Средазэлектроаппарат» заводида ишловчи депутатлари ва корхона мутахассислари бор. Зонанинг участка инспектори ҳуқуқ бузишларнинг олдини олишга алоқадор масалаларни завод ходимлари билан биргаликда ҳал этади. Бу пунктнинг фаолияти, унинг ҳузуридаги ўртоқлик судининг иши корхона партқоми мажлисларида бир неча бор муҳокама қилинди. Натижада зонадаги ҳуқуқ бузиш ҳоллари камайди, жамиятга зид ножўя ишлар қилган кишилар ҳисобдан чиқарилди.

Тошкент трактор заводининг маъмурияти билан партия ташкилоти ҳам тартибни сақлаш жамоат пункти тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқда. Шу пункт ҳузурида ишлаб турган ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш кенгашига партия, комсомол ташкилотларининг вакиллари, кўнгилли халқ дружинаси штабининг аъзолари киритилган. Намунали жамоат тартиби учун, корхонанинг уй-жой микрорайонида маънавий

иқлимнинг мусаффолиги учун курашда меҳнат коллективи билан милиция ходимларининг амалий ҳамкорлиги яхши самаралар бермоқда: бу ерда кейинги йилларда ҳуқуқ бузиш ҳоллари кескин камайди.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия ташкилоти ҳам Лисунов кўчасидаги ҳуқуқ-тартиботни сақлаш жамоат пунктида ишлаш учун юборган энг актив жамоатчилар, ишлаб чиқариш илғорлари участка инспектори билан мустаҳкам алоқа боғлаб турибди.

Область, шаҳар, район партия ташкилотлари ўз территорияларида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар. Кўпинча улар совет органлари билан биргаликда ҳуқуқ бузишларнинг олдини олишнинг янги воситаларини қидириб топишда, илғор тажрибани оммалаштиришда ташаббус кўрсатмоқдалар. Масалан, Тошкент шаҳар партия комитети билан ижроия комитети республика пойтахтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини яхшилаш, жамоатчилик активлигини ривожлантириш ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишда жамоатчиликнинг ролини ошириш юзасидан муҳим тадбирларни кўрдилар. Ҳозир Тошкентда ишлаб турган 890 та кўнгилли халқ дружинаси ишида 54 минг киши қатнашмоқда. Ишлаб чиқариш коллективларида ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш юзасидан тузилган 467 та кенгаш шу коллективларда соғлом, маънавий иқлимни вужудга келтириш учун курашмоқда. Кўпчилик корхона ва муассасаларда ўртоқлик судлари, ичкиликбозликка қарши кураш комиссиялари, бошқа жамоат ташкилотлари ишлаб турибди. Тартиб сақловчи ижтимоий постлар тузилиб, улар милиция ходимлари билан мустаҳкам ҳамкорликда иш кўра бошлаган айрим микрорайонларда жиноятчилик тугатилди.

Собир Раҳимов районидаги кўнгилли халқ дружинасининг штаби москваликларнинг тажрибасидан фойдаланиб, кундуз кунлари гражданларнинг шахсий мулкини қўриқлаш ва ҳуқуқ бузишларнинг эҳтиёт чорасини кўришнинг самарали системасини ишлаб чиқди. Кўпгина микроучасткаларда уй бошқармаларининг активлари, пенсионерлар, корхоналарнинг сменали ишловчи меҳнатчиларидан иборат дружиналар тузилди. Уларнинг навбатчилигини мана шундай ташкил этиш энди барча район штабларига тавсия қилинди.

Пухта ўйлаб план тузмай туриб, ҳуқуқ бузишларнинг олдини олишга доир социал тадбирларни амалга ошириб бўлмайди. Планларнинг бир неча турлари амалда таркиб топди ва муваффақиятли қўлланилмоқда. Улар орасида территорияларни ва меҳнат коллективларини иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш планлари жуда муҳим ўрин олади. Тошкентда мана шундай планлар 1990 йилгача мўлжаллаб тузилган.

Меҳнат коллективларида, шаҳар, район партия комитетларида тузиладиган идеология иши перспектив планлари — бу планларнинг иккинчи туридир. Уларнинг асосий вазифаси иқтисодий ва социал ривожланиш планларини идеологик жиҳатдан таъминлашдир.

Учинчи тури — қишлоқларда, районларда, шаҳарларда ва бошқа маъмурий-территориал бирликларда ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш комплекс планларидир. Аслида бу планларда иқтисодий ва социал ривожланиш ҳамда идеология иши планларининг тегишли бўлимлари батафсил ишлаб чиқилади.

Ниҳоят, тўртинчи тури — ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш комплекс планларининг айрим бандларини ёки бўлимларини ривожлантирувчи планлардир. Улар ҳуқуқ бузишлар динамикасини ҳамда маҳаллий шароитдаги бошқа ўзгаришларни оператив равишда ҳисобга олади ҳамда, одатда, бирмунча қисқа муддатга ва чекланган ижрочиларнинг бажариши учун мўлжалланади. Бу планлар, ўз характерига кўра жуда

хилма-хил бўлиб, профилактика ишининг ҳар хил турлари ва йўналишларига тааллуқли бўлиши мумкин.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари ҳуқуқ бузишлар олдини олишнинг социал тадбирлари ҳажми ортиб бораётганини эътиборга олиб, жамоатчилик асосида салбий ҳодисаларнинг олдини олиш соҳасидаги ташкилий ва идеология иши билан шуғулланадиган, ҳуқуқни муҳофаза этиш соҳасидаги бутун фаолиятни мувофиқлаштириб турадиган доимий комиссияларини тузмоқдалар. Комиссиялар партия комитетларининг бюро мажлисларида ва пленумларида кўриб чиқиладиган тегишли масалаларни тайёрлашда қатнашмоқда.

Кейинги йилларда социалистик ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш, қонунларга риоя этилиши устидан контроллик ўрнатиш, совет гражданларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида маҳаллий Советларнинг активлиги анча ошди. КПСС ташаббуси билан Советларни мустаҳкамлаш, улар фаолиятидаги ҳуқуқий негизни такомиллаштириш, ташкилий ва кадрлар проблемаларини ҳал этиш, Советларнинг жамоатчилик билан, халқ оммаси билан алоқаларини кенгайтириш юзасидан ўтказилган тадбирлар бунга кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Советлар фаолиятининг бошқа соҳаларида бўлгани каби ҳуқуқ бузишларнинг олдини олишдаги ўз ваколатларидан фойдаланишда сессия асосий форма ҳисобланади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг, айниқса ёшларнинг бир қисми ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланмаслиги сабабларини ўрганиш юзасидан Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги билан СССР ИИМ Тошкент олий мактаби ўтказган социология тадқиқоти ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш масалалари маҳаллий Советларнинг сессияларида тез-тез муҳокама қилина бошлаганини кўрсатди. Чунончи, Янгийўл шаҳар Совети сессиясида шаҳар ички ишлар бўлимининг ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган кишиларни аниқлаб, ишга жойлаштириш соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги масала, халқ депутатлари Калинин район Советининг сессиясида аҳолини ишга жойлаштиришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш тадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Депутатларнинг фаолияти ҳуқуқ бузишларнинг олдини олишда катта роль ўйнайди. Улар сайлов округларида одамларни совет қонунларини, коммунистик аҳлоқ нормаларини бажариш учун юксак масъулиятни сезиш руҳида тарбияламоқдалар, сайловчиларнинг наказлари ва таклифлари рўёбга чиқарилишига ҳаракат қилмоқдалар, гражданларни қабул қилмоқдалар, шикоят ва аризаларни кўриб чиқмоқдалар, аҳолига совет қонунларини тушунтириб бермоқдалар, давлат интизомини мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар.

Ана шу сўнгги ҳолатга алоҳида эътибор бериш керак. Совет давлат интизоми — социалистик давлат белгилаб қўйган, давлат ва жамоат ташкилотларининг, мансабдор шахслар ва гражданларнинг коммунистик жамият қуриш мақсадида ўз вазифаларини бажариш жараёнидаги фаолияти тартибини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормаларни аниқ ва муттасил бажаришдан иборат. Давлат интизомини бузиш — жамиятга зид ҳодисадир, зотан уни ва ҳуқуққа зид хулқ-атворнинг ҳар хил турларини ўрганишдан кузатилган пировард мақсад: салбий социал хатти-ҳаракатларга муваффақиятли равишда ҳужум бошлашга, уларнинг тарқалишини камайтиришга, энг хатарли формаларини тугатишга, сўнгра эса уларни узил-кесил йўқ қилиб юборишга хизмат қиладиган илмий асосланган тадбирларни ишлаб чиқиб амалга оширишдан иборат амалий мақсадни кўзда тутади. Давлат интизомини бузувчиларга қарши курашда жамоатчилик фикрининг таъсиридан, зарур ҳолларда— совет қонунларининг кучидан фойдаланиш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш лозим.

Социал профилактика системасини ривожлантиришда меҳнат коллективлари муҳим роль ўйнайди. Айни ижтимоий-фойдали меҳнат жараёнида янги инсоннинг қиёфаси, социалистик турмуш тарзи шаклланади, бинобарин, ҳар бир коллективда тарбиявий ишга нақадар кўп эътибор берилса, ҳуқуқ бузишнинг олдини олиш шу қадар осон бўлади, тўғри йўлдан озган кишиларни қайта тарбиялашдаги муваффақият шу қадар самарали бўлади, айниқса, айрим кишиларнинг жамиятга зид ножўя ҳаракатларига у билан бирга ишловчи ўртоқларнинг қаршилиги шу қадар кескин бўлади.

Ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш кенгашлари (группалари) — ҳамма жойдаги меҳнат коллективларида кенг тарқалган коллектив таъсир ўтказиш формаларидан биридир. Уларнинг фаолиятига партия ташкилотлари раҳбарлик қилиб туради. Масалан, кейинги йилларда Тошкент агрегат заводида меҳнат интизомини бузувчиларга қарши курашишнинг ижобий тажрибаси орттирилди. Профилактика кенгаши ўз ишида корхона меҳнатчиларини ҳуқуқ нормалари билан таништиришга катта ўрин бермоқда. Бунинг учун ишчилар айниқса кўп бўладиган жойларда — корхона йўлагида, ошхона, ётоқхонада ўрнатилган стендларга заводнинг ички тартиби, қоидалари, норматив актларнинг текстларидан парчалар ёпиштириб қўйилган. Шу тариқа ҳар бир ходим қандай ҳоллар прогул ҳисобланишини, меҳнат интизомига риоя қилмаганлик учун қандай жазо берилишини ва шу кабиларни билиб олиш имкониятига эга бўладилар. Бу — муайян самара бермоқда: интизомни бузиш ҳоллари камаймоқда.

Меҳнат интизомининг ҳолати устидан таъсирчан контроллик қилиш ва интизом жазоси бериладиган ножўя ишларни ҳисобга олиб бориш кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришдаги тартибнинг гаровидир. Шу сабабли профилактика кенгаши бирорта ҳам интизомсизлик кўриниши ҳам эътибордан четда қолмаслигини жуда муҳим деб ҳисоблайди.

Кенгаш меҳнат интизомини бузувчиларга қарши курашда жамоат таъсири кучидан муваффақиятли фойдаланмоқда. Интизомни бузган киши кўпинча ўзи ишлаб турган коллективнинг қоралашига учрагандан кўра .мукофотдан маҳрум бўлишни афзал кўради. Баъзан кенгаш ҳуқуқ бузувчилар тўғрисидаги материалларни ўртоқлик судига топширади. Ашаддий прогулчиларга нисбатан завод маъмурияти профилактика кенгашининг талабномаси билан турли таъсир чораларини кўради: уларга ёз фаслида отпуска бермайди, ойлик мукофотдан, дам олиш уйига бериладиган йўлланмадан маҳрум қилади, бир йилгача разрядини оширишга тақдим этмайди, уй-жой олиш навбатини кечиктиради.

Профилактика кенгашларининг ҳуқуқларини кенгайтириш лозим. Ҳозирча уларнинг ихтиёрида ишонтириш қабилидаги воситаларгина бор. Профилактика кенгашлари завод радиосидан, кўп тиражли матбуотдан кенгроқ фойдаланишлари, жумладан, интизомни ва ҳуқуқ-тартиботни ашаддий бузувчиларнинг номларини бутун коллектив аъзоларига маълум қилишлари керак.

Оммавий ахборот воситалари ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш учун социал тадбирларни кўриш соҳасида кўп иш қилишлари мумкин. Улар республиканинг ҳар бир бурчагига, ҳар бир корхона, қурилиш, муассаса, ўқув юртига, ҳар бир хонадон ва оилага бемалол кира олишлари гражданларга кун сайин таъсир ўтказишни таъминлайди. «Правда Востока», «Совет Ўзбекистони», «Комсомолец Узбекистана», «Ёш ленинчи», «Вечерний Ташкент», «Тошкент оқшоми» газеталари, область газеталари саҳифаларида, радио эшиттиришлари ва телевидение кўрсатувларида ҳуқуқ бузишларнинг олдини олишга катта эътибор берилмоқда. Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалаларига, балоғатга етмаганларни қонунларга риоя этиш руҳида тарбия-

лашга бағишланган бутун-бутун саҳифалар, мақолалар, материаллар кўплаб берила бошлади.

Оммавий ахборот воситаларининг материаллари аҳолининг кенг қатламларига самарали тарбиявий таъсир ўтказмоқда ва айни вақтда жамият манфаатларига зид бўлган конкрет ҳодисанинг сабаблари ва шароитларини тугатишдан иборат муайян бир мақсадни ҳам бажармоқда. Корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари газеталардаги танқидий материаллар асосида ўз вақтида чора кўришлари ва кўрилган чоралар тўғрисида редакцияларга оператив жавоб беришлари лозим.

Бу материалларнинг кўпчилиги айни бир вақтда икки вазифани бажаради: содир бўлган ҳодисадан аҳолини хабардор қилади ёки жамоатчиликни ҳуқуқ бузарни қидириб топишга, ишнинг тафсилотини аниқлашга ва шу кабиларга даъват этади; жамият манфаатларига зид ҳодисаларнинг олдини олади. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг матбуотдаги ҳар бир мақоласи, радио ва телевидение орқали ҳар бир чиқиши жамоатчиликни сафарбар этади, гражданларнинг ҳуқуқни англаш даражасини оширади. Шу сабабли конкрет жиноятга кўмаклашадиган сабаблар ва шароитларни тугатиш соҳасидаги ҳаракатлар текшириладиган жиноий ишларга бевосита алоқадор бўлибгина қолмай, шу билан бирга умуман ҳуқуқ бузиш ҳолларининг олдини олиш соҳасидаги ишнинг таркибий қисми ҳамдир. Мана шундай боғлиқлик жиноий-процессуал қонунларнинг талабларига тўла-тўкис мос бўлиб тушади ҳамда жамоатчиликни ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш тадбирларида қатнашишга жалб қилиш маъносида ғоят мақсадга мувофиқдир.

Одатда профилактика мақсадини кўзловчи материал босилиб чиққандан кейин редакцияга меҳнаткашлардан шу мақоладаги фактларга баҳо берувчи хатлар кела бошлайди. Уларда ғайри социал ҳолатларга қарши курашни яхшилаш юзасидан маслаҳатлар берилади, айрим шахсларнинг турмушдаги, ишлаб чиқаришдаги қонунга хилоф хулқ-атворидан мисоллар келтирилади ва ҳоказо. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларини редакция почтаси билан таништириш жамият манфаатларига зид бўлган бошқа хатти-ҳаракатларга имкон берувчи сабаб ва шароитларни яхши ўрганишга, ҳуқуқ бузиш ҳолларига чек қўйиш чораларини олдиндан кўриб қўйишга ёрдам беради.

Бироқ оммавий ахборот воситалари ва турли жамоат ташкилотларининг фаолияти прокуратура, суд, ички ишлар органлари ва юстициянинг профилактика иши ўрнини босмайди. Мана шу ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари — профилактика системасининг ўзагидир, унинг ўзаро, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари билан жуда чамбарчас боғланган энг актив бўғинларидир. Социалистик ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органлар аввало ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш билан шуғулланадилар, чунки айни мана шу органлар ғайри социал ҳодисаларга қарши курашнинг олдинги маррасида турадилар, жиноятларнинг ва маъмурий ҳуқуқ бузишларнинг сабабларини, шунингдек уларга имкон берувчи шароитларни аниқлаб тугатиш тадбирлари планини ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти билан шуғулланувчи органлар системасида прокуратура алоҳида ўрин олади. Барча министрликлар, идоралар ва уларга бўйсунувчи муассасалар, шунингдек мансабдор шахслар ва гражданлар қонуннинг аниқ ижро этилиши устидан олий назорат қилиш вазифаси унинг зиммасига юклатилган. Шу билан бирга прокуратура органлари ўз фаолиятини қонун бузишнинг аниқланган ҳолатларини тугатиш билангина чекланмайди. Улар мана шундай қонун бузишларнинг олдини олишга, уларни келтириб чиқарадиган сабабларни ҳамда уларга имкон берадиган шароитларни аниқлаш ва тугатишга ҳам катта эътибор берадилар. Прокуратура ишининг мана шу

икки асосий тури—қонун бузиш ҳолларини аниқлаш ва тугатишга ҳамда айбдор шахсларни жазолашга қаратилган социал контроллик иши билан ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш фаолияти ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, уларнинг ҳар бирида кўпгина метод ва воситалардан фойдаланилади.

Давлатда қонунларнинг аниқ ва бир хил тарзда ижро этилиши учун прокурор назорати амалга оширилишининг ўзи умумий профилактика таъсирини ўтказади. Прокуратура ҳуқуқни бузишга йўл қўйган мансабдор шахсдан қонуннинг бутун қатъиятига мувофиқ жавоб талаб қилишга ҳақли эканлиги катта психологик аҳамиятга эга бўлиб, норматив фармойишларга масъулият билан риоя қилиш кайфиятини тарбиялайди.

Ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш соҳасида суд ўтказадиган иш унинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти билан узвий равишда боғланган. Ҳар қандай граждан иши ёки жиноий иш юзасидан қонунга қатъий мувофиқ равишда ўтган суд мажлиси гражданларга катта тарбиявий таъсир қилади. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ишининг материаллари суднинг ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш ишини ташкил этиши ва амалга ошириши учун асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, айни ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш учун ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг бир қанча элементлари кўзда тутилган.

Айни вақтда суд ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш соҳасида катта иш қилмоқда. Ҳуқуқ бузишларнинг олдини олишни планлаштириш; суд ишларини суднинг кўчма мажлисларида кўриб чиқишни ташкил этиш; граждан ишлари ва жиноий ишларни кўриб чиқишга жамоатчилик вакилларини тортиш; суднинг хусусий ажримлари, қарорлар, ҳукмлар ва ажримларнинг ижро этилиши устидан контроллик қилиш судлов ва маъмурий практика материалларини умумлаштириш; сайловчилар олдида ҳисоб беришлар; ҳуқуқ билимларини пропаганда қилиш, амалдаги қонунларни тушунтириш; ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортиш бу ишнинг асосий формалари жумласига киради.

Ички ишлар органлари ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш соҳасида жуда хилма-хил иш ўтказмоқдалар. Ҳуқуқ бузишларни келтириб чиқарувчи сабабларни тугатишга бутун чоралар билан кўмаклашиш уларнинг асосий вазифаларидан биридир. Ички ишлар министрлигининг жиноят қидирув, социалистик мулкни ўғирлашга қарши кураш бошқармаларида, медицина ҳушёрхоналарида ва бошқа муассасаларда профилактика бўлимлари ишлаб турибди. Чунончи, Ўзбекистон ССР ИИМ жиноят қидирув бошқармаси составида умумий профилактика, якка профилактика ва участка инспекторлари билан ишлаш бўлимлари, балоғатга етмаганларнинг ишлари бўйича инспекция бўлиб, уларнинг ҳаммаси биргаликда катта профилактика хизматини ташкил этади. Ҳамма область ижроия комитетларининг ички ишлар бошқармаларида, Қорақалпоғистон АССР ИИМда, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ички ишлар бошқармасида, шаҳар ва район ижрокомларининг ички ишлар бўлимларида мана шундай бўлимлар бор. Улар жамият манфаатларига зид, текинхўрларча ҳаёт кечириш ҳолларининг, оилавий муносабатларда, балоғатга етмаганлар орасида ҳуқуқ бузишларнинг, ичкиликбозликнинг ва шу каби иллатларнинг олдини олиш билан шуғулланади.

Ички ишлар органларининг профилактика фаолиятида жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар коллективлари билан алоқани йўлга қўйиш муҳим ўрин олади. Партия билан ҳукуматнинг кейинги йиллардаги кўпгина ҳужжатларида, шу жумладан КПСС Марказий Комитетининг «Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишни яхшилаш ва ҳуқуқни бузишларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарорида улар билан алоқани мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, ҳуқуқ

бузишларнинг олдини олиш ишида уларнинг ёрдамига таяниш зарурлиги уқтириб ўтилган. Ички ишлар органлари корхоналар, муассасалар, колхоз ва совхозлардаги кўнгилли халқ дружиналари, ўртоқлик судлари, профилактика жамоат пунктлари ва кенгашлари ишига ҳар томонлама ёрдам бермоқда.

Ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш соҳасидаги социал тадбирларда гражданларни, айниқса ёш авлодни қонунга риоя қилиш руҳида тарбиялаш муҳим роль ўйнайди. Бу ишда юстиция органлари марказий ўрин тутади. Ўзбекистон ССР Юстиция министрлиги ва область ижроия комитетларининг юстиция бўлимлари ҳузурида қонунларни пропаганда қилувчи мувофиқлаштириш-методика кенгашлари тузилган. Уларга партия комитетларининг, социалистик ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилиш органларининг, турли идоралар ва жамоат ташкилотларининг ходимлари киритилган. Гарчи бу кенгашлар юстиция органлари ҳузурида тузилса ҳам, уларнинг фаолияти идоравий характерда эмас. Уларнинг асосий мақсади — социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этиш учун давлат, аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан жамоат ташкилотлари ўртасидаги самарали ўзаро алоқаларни ташкил этишдан иборат.

Юқорида айтилганларни якунлаб, шуни қайд этиш керакки, ҳуқуқ бузишларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, айниқса ички ишлар органларининг практикаси профилактика назариясини белгилаб берди. Ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш фаолиятининг ташкилий-тактик асослари ҳали етарли равишда ишлаб чиқилмаган. **Нималарнинг** олдини олиш масаласи тўғрисида шак-шубҳа бўлмаса ҳам, аммо бу ишни **қандай қилиб** ўтказиш кераклиги ҳамиша ҳам равшан эмас. Бу соҳада орттирилган тажриба ҳали назарий жиҳатдан умумлаштирилгани йўқ. Бу соҳада криминологияга ва ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш соҳасидаги социал тадбирларни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган бошқа амалий фанлар зиммасига катта вазифалар юкланади.

Ғайрисоциал хатти-ҳаракатларнинг сабабларини ўрганиш соҳасидаги илмий тадқиқотларни яхшироқ ташкил этиш, уларнинг олдини олиш ва тугатишга оид илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш актуалдир. Илмий тадқиқот фаолияти ҳуқуқ бузиш ҳолларига қарши курашни кучайтиришнинг амалий вазифаларини ҳал этишга бўйсундирилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан мустаҳкам алоқада ўтказилиши лозим.

Ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш соҳасидаги социал тадбирларни ташкил этиш ишини кучайтириш зарурлиги КПСС XXVI съезди қарорларидан келиб чиқади ва ўзига доимий эътиборни талаб қилувчи муҳим проблемалардан бири ҳисобланади.

БУРЖУА ПРОПАГАНДА АППАРАТИНИНГ ҚЎПОРУВЧИЛИК МОҲИЯТИ

Ч. АБУТОЛИПОВ,
тарих фанлари доктори

ҲОЗИР ДУНЁДАГИ ХАЛҚАРО вазият мураккаб бўлиб, икки қарама-қарши ижтимоий системалар ўртасидаги идеологик кураш ғоят кескинлашгандир. Империалистик доиралар, биринчи навбатда Америка Қўшма Штатларининг империалистик доиралари ўзларининг агрессив ташқи сиёсий йўлларини пропаганда воситасида қувватлашга интилиб, СССР ва бошқа социализм мамлакатларига қарши «психологик уруш» олиб бормоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил июнь Пленуми кўрсатиб ўтганидек, ҳозирги вақтда антисоветизм ва антикоммунизм қуролланиш пойгасини жадаллаштириш омилига, фақат коммунистларга эмас, балки барча тинчликсевар кучларга ҳам қарши кураш олиб бориш қуролига айлантирилгандир.

Буржуазия қўлидаги инсон ақл-идрокига таъсир кўрсатиш воситалари одамларни чалғитишга, социализмга туҳмат қилишга сафарбар этилгандир. Ҳозирги вақтда Ғарбдаги пропаганда аппаратининг биргина «юқори қатламида» 300 дан ортиқ идеология маркази мавжуд. Буржуа оммавий ахборот воситаларининг чинакам баҳайбат тармоғига раҳбарлик қилиш Вашингтон ихтиёрида бўлиб, у антикоммунизм ва антисоветизмни расмий давлат сиёсати даражасига кўтарди, бизнинг ғоявий рақибларимиз идеология соҳасида олиб бораётган қўпорувчилик ишларининг ташаббускори бўлиб майдонга чиқмоқда.

Бу ҳол тушунарли албатта, чунки ахборот ҳозирги даврда миллий ва халқаро ижтимоий фикрни шакллантиришнинг энг муҳим воситасига, жаҳон сиёсатининг жиддий компонентига айланиб қолди. Бугунги кунда инсониятнинг ихтиёрида бир миллиарддан ортиқ радиоприёмник, 400 миллион телевизор мавжуд, айни вақтда 25 минг радиостанция, 100 дан ортиқ телеграф агентликлари ишлаб турибди. Жаҳонда жами тиражи юз миллионлаб нусхани ташкил этувчи ўн минглаб газета ва журналлар чиқиб турибди, намойиш қилиш учун ҳар йили 4 мингга яқин тўлиқ метражли фильмлар чиқарилмоқда. Юздан ортиқ давлатнинг аҳолиси космик алоқадан, шу жумладан телевидениедан фойдаланмоқда. Шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, кейинги вақтларда кенг ишлатилаётган «информацион портлаш» деган тушунча ҳақиқатан ҳам ўзининг реал ва конкрет ифодасини топмоқда.

Мана шундай шароитда оммавий ахборот воситалари қандай роль ўйнамоқда — улар одамларга ҳаёт ҳақиқатини билиб олишда, юз бераётган ҳодисалар ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлишда ёрдам бераяптими ёки бу воқеаларни атайлаб бузиб кўрсатаяптими, уларни сохталаштираяптими; улар тинчлик ва тараққиёт мақсадларига хизмат қилаяптими ёки бутун дунёга мамлакатлар ва халқлар ўртасида адоват ва ишончсизлик заҳарини сочяптими? деган савол мутлақо табиий суратда кескин бўлиб қолмоқда.

Агар буржуа оммавий ахборот воситалари — матбуот ва агентликлар, телевидение ва радионинг фаолияти ана шу позициялардан туриб баҳоланадиган бўлса, улар ишига мислсиз ёлғончилик, беҳаёларча туҳмат қилиш, қўпол суратда сохталаштириш хосдир, деб айтишга тўғри келади. Америка журналистикасининг арбобларидан бири бўлган Х. Менкиннинг эътироф этишича, АҚШдаги оммавий ахборот воситалари, хусусан газеталар (бу эса бутун капиталистик дунё учун ҳам хосдир) «жоҳилларни янада жоҳилроқ, тентакларни эса янада кўпроқ тентак қилиш учун мавжуддир».

Адолат юзасидан шуни айтиш керакки, Ғарбда пропаганда назарияси ва практикаси билан кўп ва жиддий шуғулланишади. Бу ҳолга аввало сабаб шуки, йилдан-йилга ўз позицияларини қўлдан бераётган ҳалокатга маҳкум бўлган ижтимоий тузум идеологик «ҳимояга», сунъий равишда вужудга келтириладиган жозибадорликка жуда-жуда муҳтождир. Бунинг учун Ғарб мамлакатларида жуда катта маблағ сарфланмоқда. Масалан, АҚШнинг пропаганда машинасини пул билан таъминлашнинг ўзига ҳар йили 2,5 миллиард доллар сарфланмоқда.

Капиталистик турмуш тарзини тарғиб қилувчилар ўзларининг «ички бозорларини» социалистик воқеликни жамоатчилик кўзига иложи борича жозибасиз қилиб кўрсатадиган ахборот билан тўлдириб ташлашни асосий вазифа деб ҳисоблайдилар. Бунда мана шу воқеликни бузиб кўрсатиб, социализм мамлакатларида яшаётган кишиларнинг ақл-идроки ва кайфиятига таъсир кўрсатиш, уларни идеологик жиҳатдан қуролсизлантириш, уларда коммунистик идеалларга ишончсизлик туғдириш ҳамда буржуача қарашлар ва ахлоқий принципларни зимдан олиб кириб, социалистик ҳамдўстликни ичдан бузиш учун зарур бўлган ҳамма чоралар кўрилмоқда. Бу соҳада қўпорувчи-идеологик марказлар — машъум «Озодлик» ва «Озод Европа» радиостанциялари шармҳаёсиз ёлғончилар ва сохтакорлар сифатида «шуҳрат» қозондилар.

Империализмга малайлик қилаётган олимлар ўз ихтиёрларида бўлган барча таъсир кўрсатиш воситалари ёрдамида Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар халқларига монополистик капитал манфаатларини кўзлаб таъсир этиш йўлида зўр бериб интилаётганликларини яширмаётирлар. Чунончи, ғарбий германиялик «психологик уруш» мутахассиси Аллард фон Шакк очиқдан-очиқ бундай дейди: «СССРдаги миллий фарқлардан, диний хурофотлардан, одамларга хос заифликлардан: хотин-қизларнинг шуҳратпарастлигидан, ҳасаддан, ҳузур-ҳаловатга интилишдан фойдаланиб, коммунистик раҳбарларнинг мақсадларига нисбатан лоқайдликни ривожлантириш зарур. Совет аҳолисини пассив қаршилик кўрсатиш ва саботажга ундаш учун иқтисодий, маънавий ва бошқа камчиликларни аёвсиз суратда очиқ кўрсатиш зарур».

Мана шундай «тадқиқотлар» билан танишар экансан, буржуа «назариётчиларидан» амалда бирон киши ҳам пропаганда асосида объектив ҳақиқат ётадиган бир нарса деб ҳисобламаганлигига ва ҳозир ҳам ҳисобламаслигига ишонч ҳосил қиласан киши. Ғарбда пропаганда — ҳамма вақт ёлғончилик бўлиб келган деган фикр билан китоблар ёзилади, давлат амалдорлари муҳим ҳужжатлар тайёрлайдилар, президентлар нутқ сўзлайдилар, дикторлар микрофон қаршисида мук тушадилар. «Ҳатто айтиш мумкинки, пропагандист ҳақиқатни гапираётганида ҳам ёлғон сўзлайди,— деб очиқдан-очиқ эътироф этади американлик социолог М. Чукас.— Бир қараганда бу тезис ўзини-ўзи инкор этадигандек бўлиб туюлади, лекин ҳақиқатда эса у пропагандистнинг мақсадларига мос келади. Пропагандист ҳақиқатдан асло манфаатдор эмас, унинг асосий вазифаси — иллюзиялар туғдиришдан иборатдир».

Ғарблик бошқа бир социолог Л. Фараго бу ҳақда бирмунча юмшоқроқ қилиб гапиради. «Пропаганда,— деб насиҳат қилади у,— ҳеч қачон ҳаққоний ва объектив бўла олмайди, у фақат ташқи кўринишдангина ҳақиқатга ўхшаши керак, чунки қўпол сохтагарлик тез фош қилиб ташланади. Сирасини айтганда, пропаганда уни ҳақиқатга ўхшаш қилиб кўрсатиш учун керак бўлган даражадагина ҳаққоний бўлмоғи керак».

Мана шу ошкора эътироф этишлар Лениннинг «буржуа матбуотининг бир усули ҳамиша ва барча мамлакатларда бозори чаққон ва «хатосиз» чинакам усул бўлиб чиқмоқда. Бу — ёлғончилик қилавер, шовқин солавер, бақир, қайта-қайта ёлғон гапир — «бирон нарса қолар» (Тўла асарлар тўплами, 31-том, 245-бет) деган фикрларини яққол тасдиқлайди. Ленин яна бундай деган эди: «Буржуазиянинг ишчиларга ғоявий таъсири пасая, барбод бўла, кучсизлана борган вақтда, буржуазия ҳамма жойда ва ҳамиша ўчига чиққан ёлғон-яшиқлар ва туҳмат ёғдириш йўлига ўтиб келди ва шундай қилади» (Тўла асарлар тўплами, 25-том, 406-бет).

Ғарб «назариётчилари» буржуа пропагандаси «яширишга мажбур бўлган нарсалар бор» деб ва шу сабабли унинг бирдан-бир моҳияти фақат ёлғон бўлиши мумкин деб очиқдан-очиқ эътироф этиб, худди мана шу жиҳатларни коммунистик пропагандага ҳам тақишга уринмоқдалар, барча пропаганда усуллари, пропаганданинг характеридан қатъи назар, бир хил принциплар асосида ташкил этилади, деб ишонтирмоқчи бўладилар.

Ўз-ўзидан маълумки, бундай хулосалар аввало буржуа авторлари амал қиладиган синфий позициянинг натижасидир, улар реал фактларни тамомила инкор этаётганликларининг исботидир. Коммунистик пропаганданинг кучи — унинг масалаларга илмий ёндашишида, меҳнаткаш инсонга айтадиган, қудратли ва ҳеч эскирмас қурол бўлмиш ҳақиқатдадир. Бу қоидага В. И. Ленин ҳамиша амал қилиб келди. Марксизмнинг гениал назариётчиси, тенги йўқ нотиқ-пропагандист бўлган Владимир Ильич ҳамма вақт ўзидан ва бошқалардан фактларни анализ қилишга илмий ёндашишни талаб қилар, ҳақиқатнинг — қийинчиликларни яширишни ҳам, гап билан чалғитишни ҳам, хомхаёллар билан алдашни ҳам талаб қилмайдиган ҳақиқатнинг енгилмас кучига чин дилдан ишонар эди. Коммунистик пропаганданинг буржуа пропагандасидан асосий ва принципиал фарқи ҳам худди ана шунда. Шу билан бирга коммунистик пропаганданинг ошкоравийлиги ва ҳаққонийлиги чинакам адолат, озодлик ва тенглик принципларига асосланган социалистик ижтимоий тузумнинг характеридан, табиатидан келиб чиқади.

Капиталистик тузумнинг ғоявий ҳимоячилари буржуа пропагандасига ҳеч бўлмаганда зоҳиран илмий тус бериш учун пропаганда аппаратини такомиллаштиришга жуда катта куч-ғайрат сарфламоқдалар. Бунинг учун улар оммага аниқ мақсад билан таъсир кўрсатишнинг бутун бир системасини олимлар ёрдамида ишлаб чиқиш мақсадида уларни бажонидил ўз хизматларига олмоқдалар. Мана шу «илмий изланишларнинг» анчагина қисми одамни хаёлот дунёсига ғарқ этишга, уни реал воқеликдан чалғитишга қаратилган. Ғарбий германиялик философ К. Ясперс буржуа пропаганда машинасининг мана шу мақсадга қаратилганлигини назарда тутиб, ўзининг «Тарихнинг пайдо бўлиши ва мақсади тўғрисида» деган китобида очиқдан-очиқ қилиб «умиддан маҳрум бўлган жамиятда» шахс онгига ғоявий-психологик таъсир кўрсатишнинг ишончли усули бўлган «хомхаёлга ҳамиша катта эҳтиёж пайдо бўлади» деб ёзади.

Шу тариқа капитализм дунёси янги ижтимоий тузумнинг ғоялари билан очиқдан-очиқ тўқнашувга дош бера олмай, кўзбўямачиликка, сохта маълумот беришга, оммани ошкора алдашга мурожаат қилади.

Ғарбдаги идеологлар «ўтакетган ёлғончилик» стратегиясини ўзларига пропаганда қуроли қилиб олганлар. Бундан буржуа пропагандасининг ҳозирги «илмий» даражаси маълум даражадаги ёлғончиликдан бошқа нарса эмас, деган хулоса чиқади. Бу оддий ёлғончилик эмас, балки кўпинча ҳақиқат бўлиб кўринадиган ва ташқи кўринишини моҳият ўрнида қабул қилиш мумкин бўлган ёлғончиликдир. Буржуа пропагандистлари доимо мақтаниб юрадиган «илмий ёндашиш» худди ана шунда намоён бўлмоқда.

Буржуазия идеологлари тез ўзгариб бораётган вазиятга мослашишга уриниб, жумладан, пропаганда воситасида қўпорувчилик қилишнинг давлатлар ўртасидаги алоқалар кенг ривожланган шароитда фойдаланса бўладиган усулларини излаб топишга интилмоқдалар. Масалан, делегациялар, туристик группалар, мутахассислар, студентлар айирбошлаш кенгайганлиги муносабати билан буржуа пропагандаси ўз практикасида социологлар «иштирок этиш эффекти» деб атаётган усулларни кўпроқ қўлланадиган бўлиб қолди. Бунинг моҳияти шундаки, у ёки бу «информация» умуман мухбир номидан эмас, балки СССРга, бошқа социалистик мамлакатларга бориб келган ва гўё у ёки бу фактлар, воқеа-ҳодисаларнинг мавжудлигини шахсан кўриб келган киши номидан тақдим этилади.

Сўнгги вақтларда юз бераётган воқеалар СССР, бошқа социализм мамлакатларининг обрўси қанчалик кўп ўсса ва уларнинг тарихий жараёнларга таъсири ошиб борса, жаҳон халқларининг янги ижтимоий тузумга, коммунистик идеологияга қизиқиши қанча ортса империализм лагеридаги васваса шунчалик кучайишини, Ғарбнинг оммавий ахборот воситалари, антикоммунизм идеологлари шу қадар усталик билан ёлғон-яшиқ гапларни тўқиб чиқаришларини, фактларни тўғридан-тўғри сохталаштиришларини кўрсатмоқда.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев идеология кураши анча кескинлашганлигини кўрсатиб, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига Ҳисобот докладида бундай деди: «Бу кураш Ғарб учун ғояларнинг ўзаро курашидангина иборат бўлиб қолмаяпти. У социалистик дунёни қўпоришга, унинг путурини кетказишга мўлжалланган воситаларнинг бутун бир системасини ишга солмоқда.

Империалистлар ва уларнинг гумашталари социалистик мамлакатларга қарши душманлик кампанияларини муттасил ўтказиб келмоқдалар. Улар бу мамлакатларда рўй бераётган жамики воқеаларни қоралаб ва сохталаштириб кўрсатмоқдалар. Социализмдан одамларнинг ихлосини қайтариш — уларнинг энг асосий мақсадидир».

Жумладан, НАТОнинг ахборот хизмати раҳбарлиги остида ўтказилган бир қанча кенгашлар ва «симпозиумлар» «психологик урушни» кенгайтириш, ахборот ва пропаганда воситаларидан идеологик қўпорувчилик мақсадларида фойдаланишнинг янги усулларини ўрганишга бағишланди. Бу агрессив блокнинг империалистик мамлакатлар идеология соҳасида олиб бораётган қўпорувчилик ишининг марказига айланишга интилаётгани ҳам эътиборни ўзига тортади. Унинг штаб-квартирасида ташкил этилган ахборот ва маданий алоқа масалалари бўйича комитет реал социализмга, миллий озодлик ҳаракатларига қарши курашни бирлаштириши ва йўлга солиб туриши керак.

Мана шу жиҳатдан олганда Афғонистондаги воқеалар теварагида Ғарб кўтарган шов-шув диққатга сазовордир. Империалистик пропаганда ва унга жўр бўлган Пекин пропагандаси Совет Иттифоқининг ҳаракатларини кўра-била туриб ва уялмай-нетмай бузиб талқин этмоқда, бизнинг мамлакатимиз афғон халқининг илтимосига кўра унинг империализм ва реакция кирдикорларига қарши курашига кўрсатаётган ёрдам муносабати билан сохта маълумотлар тарқатмоқда. Ҳар

турли «радиоовозлар», бошқа оммавий ахборот воситалари мамлакатнинг ички аҳволи тўғрисида тоғ-тоғ уйдирмалар тўқиб, хусусан совет қўшинларининг чекланган контингенти Афғонистонда вақтинча турганлиги афғон халқининг маънавий меросига ва маданий бойликларига хавф солмоқда деб кўрсатмоқда. Рейтер агентлиги Афғонистоннинг архитектура ёдгорликлари ва саройлари гўё совет солдатлари томонидан эгаллаб олиниб, казармаларга айлантирилган деган сохта маълумот тарқатишгача бориб етди.

«Коммунизмни тийиб туриш», «халос қилиш», «улоқтириб ташлаш» ҳақидаги аянчли доктриналар чиппакка чиққан ҳозирги вақтда буржуа пропагандасининг характерли хусусияти яна шундан ҳам иборатдирки, империализм идеологлари кўпинча «рўпарадан ҳужум қилишдан» қочиб, сиёсий далил-исботлар ўрнига анча «либерал» — «социологик» далил-исботлардан фойдаланмоқдалар. Бироқ, ҳар хил «социологик» тушунчалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ниқоби остида аввалгидек социалистик бойликларга қарши нозик усуллар билан қутуриб кураш олиб борилмоқда, бизга ёт бўлган «ғарбча» турмуш тарзини, истеъмолчилик психологиясини, «оммавий маданиятни» ёки маданий латта-путталарни ташиб киритишга ҳаракат қилинмоқда.

Социалистик мамлакатларга қарши олиб борилаётган идеологик қўпорувчиликлар тактикасидаги ўзгаришлар янги, янада пухтароқ усулларни излаб топишни зарур қилиб қўймоқда. Шу сабабли илгари қўлланиб келинган, ҳозир ҳам кўпинча қўлланилаётган ошкора ёлғончилик ўрнини борган сари кўпроқ «чекланган ҳақиқат» деб аталувчи нозик ярим ҳақиқат-ярим ёлғон эгалламоқда. Кўпинча ахборот манбаига ишонч туғдириш мақсадида ҳатто «пропагандистнинг манфаатларига зарар етказилмоқда». Бу қандай амалга оширилади? Масалан, диктор аввал айтганларига тузатиш киритиб, йўл қўйилган ноаниқлик учун тингловчилардан кечирим сўрайди.

Ҳозирги замон фан-техника революцияси бу соҳада мутлақо янги имкониятларни яратиб бермоқда. Радио, телевидение, айниқса сунъий йўлдошлар воситасида ер куррасининг исталган бурчагидан сигналларни қабул қилиб олишга имкон берувчи космик телевидение сингари оммавий ахборот воситалари ғояларнинг кириб бориши учун давлатлар ўртасидаги чегараларни йўқ қилиб ташлайди, яъни бизнинг кўз ўнгимизда идеологик курашнинг интернационаллашуви чуқурлашиб бормоқда. Ахборот оқими бамисоли селдек кучайиб бораётган бир шароитда одамнинг йўл топиб олиши борган сари қийинлашиб, мураккаблашиб, кўпинча эса зиддиятли бўлиб бормоқда.

Ўз қарашларини «сингдириш» соҳасида катта тажрибага эга бўлган буржуа пропагандаси пропаганда олиб бориш имкониятлари аслида битмас-туганмас бўлган телевидениенинг янада ривожланиши туфайли, аслини олганда, оммани чалғитишнинг энг қудратли ва самарали воситаси билан қуролланмоқда. Телевидениенинг айниқса АҚШда кенг ёйилиши ҳозирнинг ўзидаёқ инсон онгини чалғитиш техникасининг трансформациялашувига олиб келди. «Телевидение,— дейди Эн-Би-Си (АҚШ)нинг сиёсий шарҳловчиси Роберт Макнейл,— жамиятга ахборот тарқатишнинг сиёсий воситаларида шундай туб ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлдики, республикамизга асос солинганидан бери юз берган бошқа биронта ҳодиса натижасида бундай ўзгаришлар вужудга кела олмаган эди. Телевидение пайдо бўлгунча ҳеч нарса оммани ишонтириш техникасига бу қадар катта ўзгаришлар киритмаган эди». Телевидение бевосита ўнлаб ва юзлаб миллион квартираларга ахборот етказиб бериш имконини туғдирди. Масалан, Японияда ҳар бир киши суткасига ўртача 7 соат вақтини, АҚШ билан Канадада эса 6 соатдан кўпроқ вақтини «телевизорга тикилиб ўтказади». Японияда 1975 йилда

телевизор экранларида икки мингга яқин телевизион фильм намойиш қилинди. Буржуазияга кераклн йўналишдаги ахборстнинг нақадар катта оқими телетомошабинлар устига ёғдирилишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Империализм идеологлари телевидениенинг пропагандистлик имкониятларини аниқладилар ва ўзларининг идеологик, сиёсий ва социал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда телевизион пропаганда системасини ишлаб чиқдилар. Бу системанинг принциплари оммага бизга душман идеология руҳида буржуача таъсир кўрсатишнинг чуқур моҳиятини акс эттиради. Яна бундан ташқари телевидение афтидан икки қарама-қарши ижтимоий система ўртасидаги идеологик курашда борган сари кўпроқ роль ўйнашини назарда тутсак у ҳолда биз олиб борадиган пропаганда ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан душман қўлланадиган усулларни билишимизга ҳам, коммунистик ғояларни пропаганда қила олишимизга ҳам боғлиқ бўлиши аёндир. Чунки пропаганда дунёни тушунтириш билан бирга, Ф. Энгельс сўзлари билан айтганда, ўзига ҳамфикрлар орттиради (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 18-том, 532-бетга қаралсин).

Телевидение аллақачон буржуа сиёсий демагогиясининг чегараларини ҳаддан ташқари кенгайтириб юборганлиги сир эмас. У кўрсатилаётган нарсани ҳақиқат деб аташга ва бунда «холислик»ни даъво қилишга имкон берди Бу ўринда «холислик» кўрсатувларнинг холислигига телетомошабинларни ишонишга мажбур қилишга қаратилган комплекс усуллардан бошқа нарса эмас. Айни вақтда у мулоҳазалар объективдир деган тасаввур туғдиради, одамлар онгига ва ҳатто етилмаган онгига ҳам эмоционал таъсир кўрсатади.

Буржуа социологлари пропаганда фақат идеологик таъсир кўрсатиш воситасигина бўлиб қолмай, балки социал-психологик мулоқот тури ҳам эканлигини эътироф этиб ва «тўда ичидаги ёлғиз киши» ҳақидаги кенг тарқалган концепцияга асосланиб, пропаганданинг вазифаси қандайдир «эмоционал бўшлиқни» тўлдириш, бегонасираш ҳиссини, ёлғиз шахс «ҳеч нарсага арзимайди» деган ҳисни йўқотишдан ва шу йўл билан уни жаҳон проблемаларига тортишдан иборат деб билади. Натижада, буржуазия идеологларининг ўзлари эътироф этганидек, асосий мақсадга эришилади — «жамиятга қарши эҳтирослар совитилади».

Бунда пропаганданинг турларидан бири бўлган ахборот тарқатишга катта аҳамият берилмоқда. Ахборот тарқатиш фактлар билан чалғитиш (бинобарин, жамоатчилик фикрини чалғитиш) демакдир. Айрим маълумотлар ва фактлар ташқаридан қараганда воқеалар ҳақидаги «объектив» ҳисобот бўлиб кўринганлиги ва кўпинча турли вақтларда алоҳида-алоҳида келтирилиши сабабли телетомошабинда юз бераётган ҳодисалар ҳақида ўзим тасаввур ҳосил қилаяпман, деган тушунча туғилади. Буржуа телевидениеси зоҳиран «объектив» ахборот беришнинг аниқ мақсадга қаратилган таъсири воситасида телетомошабинга социал воқелик ҳақидаги муайян қарашни тиқиштиришга, унинг дунёқарашини ўзига керакли йўналишга буриб юборишга уринмоқда.

Сохта объективлик манзарасини яратиш методикаси мустақил кашф этиш принципи билан мустаҳкамланади. Телетомошабин гўё ўзига кўрсатилаётган фактларни ўзи «кашф этиши», ўзи уларни «таққослаши», сиёсий пропаганда соҳасидаги мутахассислар олдиндан белгилаб қўйган хулосаларга ўзи «келиши» керак бўлади. Бошқача қилиб айтганда, буржуа телевидениеси усталик билан шундай бир вазиятни яратадики, унда телетомошабин ўзини юз бераётган воқеалар иштирокчиси деб ҳис қилади. Қолаверса унда, мен билан маслаҳатлашмоқдалар, катта ва кичик масалаларни менинг «объектив» фикримга ҳавола этмоқдалар, деган алдамчи тасаввур туғилади.

Худди мана шу нарса буржуа сиёсатдонларининг кишиларга оммавий таъсир кўрсатиши учун кенг имкониятлар яратиб бераётган психологик омилдир.

Ғарбдаги пропаганда марказларининг «объективлик» ниқобига бурканган информацнон материаллари аслини олганда объектив реал фактлар ва воқеаларнинг инъикоси эмас. Бу материалларда уйдирма билан воқелик бараварлаштириб юборилади ва телетомошабинларда кеча, бугун эрталаб ёки бундан бир соат олдин юз берган ва гўё «объектив» камера суратга тушириб олган ҳақиқий воқеаларни кўраяпман деган ишонч қанчалик катта бўлса, шу йўл билан вужудга келтирилган стереотиплар шунчалик мустаҳкам бўлади.

Буржуа пропагандасининг телевидение мисолида кўрсатиб берганимиз иш принциплари ана шундай. Бундан бизнинг қаршимизда оммага «таъсир кўрсатиш» соҳасида жуда катта тажрибага эга бўлган ғоят хавфли идеологик душман турганлигини, бу душманга қарши кураш ўта ҳушёр бўлишини, профессионал билимдонликни, биринчи навбатда социалистик мамлакатлардаги идеологик кадрлар, барча меҳнаткашларнинг марксча-ленинча чиниқиши мустаҳкам бўлишини, ижтимоий-сиёсий, социал ҳаётнинг ҳар қандай ҳодисаларини баҳолашга партиявий, синфий позициялардан ёндаша билишни талаб қилишини тушуниш қийин эмас.

«Биз халқлар тинчлиги ва хавфсизлигининг одилона иши учун, меҳнат аҳлининг манфаатлари учун курашаверамиз,— деди ўртоқ Леонид Ильич Брежнев КПСС XXVI съездида.— Марксизм-ленинизм таълимотининг ҳақиқати бизга ҳамдамдир. Бизнинг кучимиз — бирлик ва жипсликдадир».

Буржуа оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига асос қилиб олинаётган дезинформация, сохталаштириш ва туҳмат қилиш техникасини, методикасини билиш эса империалистик пропаганда таъсирига зарба беришга ёрдамлашибгина қолмасдан, балки шу билан бирга совет кишиларида бизга ёт бўлган буржуа идеологияси билан муросасизлик руҳини тарбиялашга ҳам кўмаклашади.

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Журналхон Н. Ҳақбердиев редакцияга йўллаган мактубида Улуғ Ватан уруши йилларида Сталинградни тиклашда Ўзбекистон меҳнаткашлари кўрсатган ёрдам тўғрисида гапириб беришни илтимос қилган.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ СТАЛИНГРАДНИ ТИКЛАШДАГИ ИШТИРОКИ

Гитлерчи босқинчилар мамлакатимизнинг халқ хўжалигига жуда катта зарар етказдилар, юзлаб шаҳарларни, кўп минглаб қишлоқ аҳоли пунктларини вайрон қилдилар. Ўн миллионлаб совет кишилари бошпанасиз қолди. Урушга қадар СССРнинг асосий индустриал базаси жойлашган районларда йирик саноат корхоналари деярли қолмади, темир йўл ва дарё транспорти ишдан чиқди.

Озод қилинган районларнинг харобаларини тиклаш, уларнинг аҳолисига ёрдам кўрсатиш Коммунистик партия билан Совет давлатининг биринчи галдаги вазифаси бўлиб қолди. Бутун мамлакат, барча қардош республикалар Ватанимизнинг душман оккупациясидан зарар кўрган шаҳар ва қишлоқларига ёрдамга келишни ўзларининг интернационал бурчи деб ҳисобладилар.

Тиклаш ишлари СССР ХКС ва ВКП(б) МКнинг «Немис оккупациясидан озод қилинган районлардаги хўжаликни тиклаш соҳасидаги кечиктирилмас тадбирлар тўғрисида» 1943 йил 21 августда қабул қилган қароридан кейин айниқса кенг авж олиб кетди. Тез орада Совет ҳукумати бир қатор махсус директивалар қабул қилди, уларда ҳар бир область, ўлка, республикада бажарилиши лозим бўлган конкрет тадбирлар кўзда тутилган эди. Вайрон қилинган хўжаликни тиклашда ижроия комитетларига ёрдам кўрсатиш учун жойларга раҳбар ходимлар юборилди. Буни ниҳоятда қийин шароитларда амалга оширишга тўғри келди. Иш кучи, материаллар, озиқ-овқат етишмасди. Фақат социалистик тузумнинг афзалликлари ва ҳар қандай синовлар ва қурбонлардан қайтмаган совет кишиларининг фидокорона меҳнати шарофати билан ана шу мураккаб вазифаларни ҳал этиш мумкин бўлди.

Душман оккупациясидан озод қилинган районлар хўжалигини тиклашга Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Бу иш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг бевосита раҳбарлиги остида, маҳаллий партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг жуда фаол иштирокида олиб борилди, улар омманинг кенг кўламдаги мададига таяндилар.

Қаҳрамон Сталинградни тиклаш Совет Иттифоқи халқлари бузилмас қардошларча дўстлигининг ёрқин намунаси бўлди, бу ерда Сталинград жангларининг наъралари тиниши билан 1943 йил февралининг бошидаёқ тинч ҳаёт тиклана бошлаган эди. Бу ғоятда мушкул иш эди, чунки шаҳар шундоққина вайронадан иборат эди.

Волга бўйидаги шаҳарга мамлакатнинг ҳамма томонларидан материаллар, асбоб-ускуналар, озиқ-овқат ортилган эшелонлар келиб турди, фидокорона меҳнат билан қаҳрамон шаҳарга ҳар тарафлама ёрдам беришга аҳд қилган ташаббускор кишиларнинг кўп сонли отрядлари пайдар-пай бориб турди.

Волга қалъасини тиклаш умумхалқ ҳаракатида Ўзбекистоннинг ва аввало Тошкентнинг меҳнаткашлари фаол қатнашдилар. Чунончи, Тошкент темир йўли ходимлари 1943 йилда Сталинградга турли ускуналар, запас қисмлар, асбоблар, ёғоч ортилган эшелонлар, ишдан ташқари вақтда ремонт қилинган икки паровоз, махсус устахона-летучка, касалхоналар учун жиҳозлар ва дори-дармонлар, телефон алоқаси агрегатлари ортилган 33 вагон ва платформалар, 7 вагон озиқ-овқат, кўп миқдорда хилма-хил адабиёт, хўжалик буюмлари ва уй-рўзғор анжомлари юбордилар.

Лекин бу фақат ишнинг бошланиши эди, холос. Тошкент темирйўлчиларининг оталиқ ёрдами йилдан йилга орта борди. Темир йўллар халқ комиссарлиги бу ёрдам учун Тошкент темир йўли раҳбарлари ва коллективига ташаккур эълон қилди.

Сталинградни тиклашда Тошкент ва Тошкент областининг кўпгина бошқа корхоналари ва ташкилотлари фаол ёрдам бердилар. Чунончи, Главпромстройнинг Ўрта Осиё бошқармаси ходимлари турли хил бинокорлик материаллари, инструментлар, шунингдек қурувчи ишчилар бригада-

сини юборди. Орадан кўп ўтмай Ўзбекистоннинг барча қурилиш ташкилотлари қаҳрамон шаҳарни тезда тиклаш учун умумхалқ ҳаракати қатнашчиларига айландилар.

Сталинградга ёрдам кўрсатишдек ватанпарварлик ҳаракатига Ўзбекистон ёшлари фаол қўшилди. 1943 йил апрель ойининг бошида Ўзбекистон ЛКСМ МК бюроси «Сталинград шаҳрини тиклашда комсомол ташкилотларининг иштироки тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. Қабул қилинган қарорга мувофиқ 2 майгача барча комсомол ташкилотларида Сталинградга бағишланган сиёсий кун ўтказилди.

Республиканинг завод ва фабрикалари, колхоз ва совхозларида, турли ташкилотларида Сталинградга ёрдам учун маблағлар йиғиш авж олиб кетди. Шу нарса диққатга сазоворки, Тошкентнинг кўпгина йигит ва қизлари ўша кезларда комсомол комитетларига келиб, қуйидагича мазмунда ариза билан мурожаат қилдилар: «Бизни Сталинградга юборинг! Оға-иниларимиз ва оталаримиз шафқатсиз жангларда шаҳарни ҳимоя қилиб қолдилар, биз эса уни тикламоқчимиз».

1943 йил 19 майда республика пойтахти кўнгилли қурувчиларнинг дастлабки отрядини Сталинградга кузатди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган кўп кишилик митингда жўнаб кетаётганларга оқ йўл тилаб оташин сўзлар айтилди: «Сталинграднинг қаҳрамон ҳимоячилари қандай шон-шуҳрат қозонган бўлсалар, сизлар ҳам стахановча меҳнат билан ҳурмат қозонинглар». Бунга жавобан ўзбекистонлик ёшлар қасамёд этдилар: «Немислар ўт қўйган Сталинград харобалари ўрнида то янги гўзал шаҳар қад кўтармагунча кучимизни аямасдан, дам олишни билмасдан фидокорона ишлашга қасамёд этамиз».

Улар ўз сўзларининг устидан чиқдилар. 1943 йилда 1300 дан зиёд комсомол Волга бўйидаги шаҳарга жўнаб кетди, уларнинг кўпи «Красний Октябрь» заводини, трактор ва металлургия заводларини тиклашда қатнашди. Мартен цехи биринчи эритмани берганида республикамиздан борган ёшлар Тошкент область комсомол комитетига юборган мактубларида илғор ёшлар бригадалари ВЛКСМ завод комитетининг вимпелини олиш учун мусобақада қандай қилиб биринчи ўринни эгаллаганликларини ҳикоя қилиб бердилар. Тошкент комсомол ташкилотида тарбия кўрган ўнларча ёшлар пўлат қуювчи, токарь бўлиб ишлаб, нормаларини 200 процент ва ундан орттириб бажардилар, чўян қуйиш цехининг Ўзбекистондан келган Лида Колупаева бошлиқ қизлар бригадаси эса ҳар куни нормасини 200—250 процентдан бажарди.

Ўша йили Сталинград областига доимий ишлаш учун Тошкент медицина институтини битирган бир тўда ёш врачлар жўнаб кетди. Улар душмандан озод қилинган районлардаги кўпгина саноат корхоналари, колхоз ва совхозларнинг коллективларига медицина хизмати кўрсатишда фаол қатнашдилар.

Ёшларнинг гитлерчи босқинчилар вайрон қилган шаҳардаги фидокорона меҳнати қувончли натижалар берди. Саноат корхоналари белгиланган муддатлардан аввал қад кўтарди. 1943 йилнинг ёзига келибоқ Сталинград темир йўл узели урушдан аввалги тўла қувват билан ишлай бошлади.

1943 йил ноябрь ойининг охирига келиб бунга қадар ертўлаларда яшаб турган Сталинград аҳолиси қарийб 370 минг квадрат метр уй-жойга эга бўлди. Шаҳарнинг кўчиб кетган ўн минглаб аҳолиси уйларига қайтиб келди.

Ана шу барча ютуқларда Тошкент комсомолларининг улуши озмунча эмас эди, улар Ўзбекистондаги халқ қурилишларида орттирган бой тажрибаларини қаҳрамон шаҳарни тиклашда ишга солдилар.

Ўзбекистондан Сталинградга болалар боғчалари ва яслилари учун кўп миқдорда асбоб-ускуналар юборилди. Республика комсомоллари ўзларининг сталинградлик ўртоқларига мактаблар учун асбоб-ускуналар, икки минг жилддан иборат турли адабиёт, болалар учун кийим-кечак ва ўйинчоқлар юбордилар. Тошкент Ленин районининг меҳнаткашлари икки болалар боғчаси ва ясли учун 500 ўринли ошхона, ўрта мактаб, поликлиника учун асбоб-ускуналар ясадилар, кутубхоналар учун кўп миқдорда китоб йиғдилар.

Ўзбекистон КП(б) МКнинг 1944 йил апрелда бўлиб ўтган X пленуми саноат соҳасидаги вазифаларни белгилади, бу вазифалар мудофаа маҳсулотини, биринчи навбатда қурол-яроғ ва ўқ-дориларни янада кўпайтириш, шунингдек фашист босқинчилардан озод қилинган районлар халқ хўжалигини тиклашда энг кўп ёрдам кўрсатишдан иборат эди. X пленум қарорлари Тошкент ва Тошкент областининг, бутун республика партия ташкилотининг қаҳрамон шаҳарни ҳамда унинг экономикасини тиклаш учун ёрдамни кучайтириш соҳасидаги фаолиятини яна ҳам активлаштириб юборди.

СССР халқларининг ҳамкорлиги ва қардошларча ўзаро ёрдами шундай қудратли куч бўлдики, у урушнинг оғир йилларида, машаққатли синов шароитида Сталинградда ҳам, шунингдек гитлерчи босқинчилардан озод қилинган бошқа шаҳарларда ҳам тобора кенг кўламда тиклаш ишларини муваффақиятли олиб бориш имконини берди. Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари ана шу ватанпарварлик ишига муносиб ҳисса қўшдилар, улар мамлакат уруш етказган жароҳатларни мумкин қадар тезроқ даволаб олсин учун, душман устидан ғалаба қилиш, Ватан эҳтиёжлари учун куч ва маблағларини сира аямадилар.

Н. ОБЛОМУРОДОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институтининг илмий ходими.

Журналхонимиз М. Халилов редакцияга бундай деб ёзади: «Партия тарихига оид китобларни ўқиганда «ўнг оғмачилик» деган тушунчага дуч келдим. Илтимос, бу оғмачилик қачон ва нима учун вужудга келганини, нималарда кўпроқ намоён бўлганини тушунтириб берсангиз».

ПАРТИЯНИНГ ЎНГ ОҒМАЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИ

20-йилларнинг охирларида Советлар Мамлакати ўз социал-иқтисодий ривожининг янги босқичига қадам қўйди. Халқ хўжалигини тиклаш асосан тугалланган, социалистик қурилишни авж олдириш зарур эди.

Партия мураккаб шароитда социализм пойдеворини қуришга киришди. Доимий уруш хавфи, иқтисодий қамал жуда катта ташқи қийинчиликларнинг объектив манбаи эди. Шу билан бирга социализмнинг иқтисодий асосларини бошқа давлатларнинг бирон-бир ёрдамисиз жуда қисқа муддатда қуришдан иборат ҳаётий муҳим заруратга бениҳоя ички қийинчиликлар ҳам халақит берди. Индустрияләшнинг юксак суръатлари ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонларнинг бутун кучини ишга солишни, моддий ва молиявий ресурсларни имкони борича тўлиқ сафарбар этишни талаб қиларди.

Халқ хўжалигини социалистик негизда реконструкциялаш ва капиталистик унсурларга қарши кескин ҳужумга ўтиш муносабати билан синфий кураш кескинлашди. Эксплуататор синфларнинг қолдиқлари партия билан Совет давлатининг тадбирларига зўр бериб қаршилик кўрсатар, ҳали ҳам мамлакат ривожини аввалги йўлга буриб юбориш умидидан воз кечишмаган эди. Хусусий савдо эркинлигини талаб қилган, колхоз ва совхозлар тузилишига қарши чиққан қулоқлар айниқса шиддатли кураш бошлаб юбордилар. Мана шундай шароитда майда буржуача қарашларнинг ишчилар синфига таъсири сифатида партия сафларида коммунистларнинг муайян бир қисми партиянинг ленинча сиёсатидан ўнгга чекинганлигидан далолат берувчи кайфиятлар ва фикрлар пайдо бўлди. Тўғри сиёсий йўлни ўтказишда ленинчи коммунистларнинг қатъиятини, пролетариатни ва унинг иттифоқчиларини капиталистик унсурлар қаршилигини бартараф этишга жипслаштириш соҳасидаги актив ишни, ВКП(б) сафларини янада мустаҳкамлашни мана шундай оғмачиликка қарши қўйиш керак эди.

Партия Марказий Комитети ва Сиёсий бюронинг баъзи аъзолари оппортунистик ғояларга қўшилиб, шу ғояларни қўллаб-қувватлаётганликлари маълум бўлгач, ўнг оғмачилик хавфи беқиёс кучайди. 1928 йилнинг бошларида Бухарин, Риков, Томский, Угланов ва партия билан Совет давлатида масъулиятли лавозимларни эгаллаб турган бошқа бир қанча кишилар Марказий Комитетга ҳужум қилиб, уни гўё ВКП(б) XV съезди кўрсатмаларидан чекинмоқда деб айбладилар. Улар, гўё мамлакат съезд қарорларига хилоф равишда индустрияләшни ҳаддан ташқари тезлаштириб юборди, оғир саноатга имкони бўлганидан ҳам кўп маблағ сарфламоқда ва енгил саноатга етарли баҳо бермаяпти, колхоз ва совхозлар қуришга берилиб кетди, қулоқларга ортиқча ҳужум қилмоқда, деган зарарли ғояларни тарқата бошладилар.

Ўнг таслимчилар ўз хатлари, баёнотлари ва маълумотномаларида гўё Марказий Комитет ўзининг амалий фаолиятида партияни мафкуравий жиҳатдан пароканда қилмоқда, қабул қилинган қарорлардан қайтмоқда, деб даъво қилдилар. Улар мана шу гаплар ниқоби остида ўз йўлини тиқиштирмоқчи бўлдилар. Нон таъминотидаги қийинчиликлар ўнгларнинг партия сиёсий йўлига ҳужумни кучайтиришлари учун бевосита баҳона бўлди. Аммо бу қийинчиликлар, ўнглар айтганидек, мамлакатда ғалла йўқлиги учун эмас, балки товар ғалланинг қишлоқда, аввало қулоқларнинг омборларида яшириб қўйилиши сабабли вужудга келди. Бундан ташқари, ўнглар мамлакатда партия сиёсатидан норозилик кучайиб бормоқда, ўртаҳол деҳқонлар билан муносабат ёмонлашди деб даво қилдилар. Бу гап ҳақиқатга тўғри келмас эди. Ўнглар умумий сиёсий масалаларни муҳокама қилиш баҳонаси билан партиянинг ленинча йўлини ўзгартиришга интилишлари учун уларга Марказий Комитетнинг амалий ишини қоралаш керак бўлиб қолган эди.

Оппортунистларнинг режаларида Москва партия ташкилоти алоҳида ўрин олар эди. Уларнинг сиёсий платформаси тақдири, ВКП(б) МКга қарши курашининг муваффақияти кўп жиҳатдан пойтахт коммунистларининг позициясига боғлиқ эканини улар тушунишар эди. Ўнглар Москва комитети ва бир қанча райкомларнинг раҳбарлари уларнинг фикрига қўшилиб, партиялилар оммасини ўз орқасидан эргаштиришларига умид қилган эдилар.

Аммо партия ташкилотлари Ленин йўлини ҳимоя қилишда юксак принципиаллик кўрсатиб, ўнгларнинг бу йўлни ўзгартиришга қилган уринишларига кескин зарба бердилар. 1928 йил 18 октябрь куни ВКП(б) МК Сиёсий бюроси Москва партия ташки-

лотининг барча аъзоларига Мурожаатнома текстини тасдиқлади. Ўнг оғмачиликка ва унга муросасозлик билан қарашга қарши курашда катта роль ўйнаган бу ҳужжатда партиянинг сиёсий йўли баён этилди, Москва комитети раҳбарларининг хатолари очиб ташланди.

Ўнгларнинг Москвадаги мағлубияти, МКнинг пойтахт коммунистларига Мурожаати мамлакатнинг барча партия ташкилотларида ғоят маъқуллаб кутиб олинди. Москва ташкилотидаги ўнг оғмачиликка қарши кураш якунларини ва ВКП(б) МКнинг Мурожаатномасини муҳокама қилган партия активи йиғилишларида, парткомларнинг пленумларида Марказий Комитетнинг йўли якдиллик билан маъқулланди.

Бироқ, ёппасига берилган зарбадан кейин ҳам ўнг оғмачилар тиниб-тинчимадилар. Улар фракциячилик курашини тобора авж олдирдилар, ўзларига тарафдорлар ёллашни давом эттирдилар. Партия ўзининг сиёсий йўлини ўзгартириш учун қилинган уринишларга бепарво бўла олмади. Ўнг оғмачилик тугатилмаса, бу касаллик коммунистларнинг анчагина қисмига тарқалиши мумкинлигини партия тушунар эди. Ўнг оғмачилик масаласи ВКП(б) МК 1928 йил ноябрь Пленумида батафсил муҳокама қилинди. Марказий Комитет аъзолари ўнгларнинг партия бирлигини қўпориш йўлидаги уринишларини қақшатқич танқид қилдилар. Пленум партия ичидаги вазиятни таҳлил этиб, социалистик қурилишнинг ҳозирги босқичида ўнг оғмачилик асосий хавф бўлиб қолди, деган хулосага келди ҳамда барча коммунистларни шу оғмачиликни ва у билан муросасозликни қатъият билан тугатишга чақирди.

Пленум ўнг оппортунизмнинг нечоғлиқ зарарли эканини ўз вақтида очиб ташлаб, партия кучларини сафарбар этишда, хатарли оғмачиликка қарши курашни кенг авж олдиришда муҳим роль ўйнади. Аммо бу сафар ҳам ўнгларнинг раҳбарлари тегишли хулоса чиқариб олмадилар. Энди улар ошкора фракциячилик кураши методларига ўтиб, айни шу пайтда аслида оппозициячилик платформасидан иборат бўлган расмий ҳужжатларда ўзларининг тарқоқ фикрларини умумлашма тарзида баён этдилар. Улар Марказий Комитетга тазйиқ ўтказишга уриниб, шу тариқа ўнг унсурларни курашни кучайтиришга рағбатлантирдилар. Мана шу қийин шароитда мамлакатимизнинг ишчилар синфи юксак сиёсий етуклигини, ўзининг партияга ва унинг ленинча сиёсатига астойдил садоқатини кўрсатди. У ўнг таслимчиларга қарши актив курашди.

Ўрта Осиё республикаларида коммунистларнинг ўнг оғмачилик хавфига қарши кураши ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ва иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетлари раҳбарлигида авж олдирилди.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг, Ўзбекистон К(б)П МК, округ партия комитетлари пленумларининг, кустовой ва ячейка партия мажлислари қарорларида партиянинг бош йўли якдиллик билан қўллаб-қувватланди, Ўрта Осиё шароитида — саноати унчалик ривожланмаган, пролетар қатлами оз, аҳоли маданий жиҳатдан қолоқ бўлган шароитда ўнг оғмачилик хавфи айниқса кучайиши таъкидланди. Ўрта Осиё бюроси ишчи ва батракларни партияга кенг миқёсда жалб қилиш, партия сафларини синфий ёт унсурлардан қатъиян тозалаш, мунтазам тарбиявий иш олиб бориш асосида регионнинг барча коммунистларини ўнг оғмачилик кўринишларига қарши сабот билан курашишга чақирди.

Аммо ўнг оппортунистик хавф айниқса қишлоқ жойларидаги баъзи коммунистларнинг ва партия ташкилотларининг фаолиятида ҳали ҳам сезилиб турар эди. Амалий вазифаларни ҳал этишда синфий ёндашиш принципларини унутиб қўйилганлиги сабабли айрим партия аъзолари қишлоқдаги бой-қулоқ унсурларнинг манфаатларини бевосита ҳимоя қилиш йўлига ўтиб кетдилар. Бу ҳол қишлоқ хўжалик кредитлари ва ссудаларини тақсимлаш қоидаларини бузишда, бой хонадонларни қишлоқ хўжалик солиғидан озод қилишда, колхозларга киришда қулоқларга устунлик беришда ўз ифодасини топди.

Республика партия ташкилотлари мана шу салбий ҳодисаларнинг ҳаммасини кескин қоралади. ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг 1929 йил бошида бўлиб ўтган ва «Ўнг оғмачиликнинг конкрет кўринишларига қарши кураш тўғрисида» қарор қабул қилган XVIII пленуми коммунистларга тўғри йўл кўрсатишда ва уларни ўнглар хавфига кескин зарба беришга сафарбар қилишда катта роль ўйнади. Бу ҳужжат Ўрта Осиё республикалари компартиялари ва ҳамма партия ташкилотлари зиммасига бутун диққат-эътиборни оппортунистларча оғишлар ва муросасизликни тугатишга қаратиш, камбағалларни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор бериш, ортиқча товар ғаллани топширишни хоҳламаган кишиларга нисбатан қаттиққўл бўлиш вазифасини юклади.

Бутун партия ўнг оғмачиликни қоралашига қарамай, унинг раҳбарлари ВКП(б)-нинг бош йўлига ҳужумни давом эттирдилар. 1928 йил декабрида ўнг оппортунистлар касаба союзларининг VIII Бутуниттифоқ съезди коммунистик фракциясининг мажлисида ВКП(б) МК таклифларига қарши чиқдилар ва шу тариқа касаба союз аппаратини партияга қарама-қарши қилиб қўйдилар. Ўзбекистондан борган баъзи делегатлар ҳам Томский ва унинг группасини қўллаб-қувватладилар. Аммо уларнинг асосий қисми — Зеленский, Жонтемиров, Норбоев, Нурматов, Муродовлар бузғунчиларни кескин қораладилар ва оғмачилик фикрларининг бизни съездга юборган ташкилотларнинг фикрлари билан ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб айтдилар («Ўзбекистон касаба союзлари тарихи очерклари», Тошкент, 1967, 141-бетга қаранг).

ВКП(б) МК апрель Пленуми (1929 йил) ва XVI партия конференцияси ўнг оғмачиликка қарши курашда муҳим роль ўйнаб, оппозициячиларни ва уларнинг платформасини фош қилди ҳамда Бухарин билан

Томскийни масъул лавозимлардан олиб ташлади.

Бу масалада Ўзбекистон партия ташкилотлари ҳам ВКП(б) МК йўли билан якдил эканини кўрсатди. Шаҳарлардаги активларнинг йиғилишларида, кустовой ва ячейка партия йиғилишлрида коммунистлар ўнг оғмачиларни якдиллик билан қораладилар, уларнинг фаолиятига чек қўйишни талаб қилдилар ва оппозициянинг майда буржуачилик моҳиятини фош қилиш учун ишчилар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш кераклигини айтдилар.

Бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистон партия ташкилотлари ҳам партия ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятидаги ўнг оғмачиликнинг ҳар қандай кўринишларини қатъий тугатишди. 1929 йил 2 октябрь куни Ўзбекистон К(б)П МК бюроси ва МКК Президиуми таслимчиларга нисбатан муросасозлик позициясида бўлгани учун Фарғона округ партия комитетининг бюросини ва округ контроль комиссиясини тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Ўзбекистон К(б)П Қашқадарё округ комитетининг бюроси Шаҳрисабз район партия комитетининг бюросини ўнг оппортунистларга ён босганлиги учун тарқатиб юборди. Бир қанча райкомларнинг секретарлари ва райижроком раислари ўнг оппортунистик практикага муросасозлик билан қараганлиги учун уларга ҳайфсан эълон қилинди.

Коммунистларнинг нифоқчилар антипартиявий фаолиятига чек қўйиш тўғрисидаги талаблари ВКП(б) МК 1929 йил ноябрь Пленуми қарорларида ўз ифодасини топди. Пленум Бухаринни Сиёсий бюро составидан чиқарди, Риков билан Томскийни қаттиқ огоҳлантирди. Республикамиз коммунистлари бу қарорни мамнуният билан кутиб олдилар. 1929 йил 27 ноябрь куни бўлиб ўтган Тошкент партия активининг йиғилиши Пленум қарорларини астойдил табриклади ва ўнг оғмачиликни узил-кесил тугатишга чақирди.

1930 йил июнь-июль ойларида ВКП(б) XVI съезди бўлиб ўтди. Съезд ўнг таслимчиларнинг партия бош йўлига қарши, унинг социалистик қурилишдаги раҳбарлик ролини қўпоришга ҳамда партия бирлигини бузишга қаратилган икки йилдан ортиқ фракциячилик фаолиятига ленинча принципиаллик билан сиёсий баҳо берди. Партия ўнг оғмачиликни батамом тор-мор этмай туриб мамлакатни индустриялашда, қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуришда ва қулоқларни синф сифатида тугатишда муваффақиятларга эриша олмаган бўлур эди, деб таъкидлади съезд. Съезд бутун партиянинг бир оғиздан қўллаб-қувватлашига таяниб ўнг оппозициянинг қарашларини ВКП(б)га мансубликка зид бир холат деб эълон қилди ва бундан буён **«Ленин партиясининг пўлатдек мустаҳкам интизомини ва бирлигини бузиш ва издан чиқариш йўлидаги** ҳар қандай уринишларга шафқатсиз зарба бериш»га чақирди (КПСС съездлар, конференциялар ва МК пленумларининг резолюция ва қарорларида, III қисм, Т., 1954, 25-бет).

Шундай қилиб, партиянинг ўнг оғмачиликка қарши кескин кураши Бухарин, Риков, Томский группасининг ғоявий ва ташкилий жиҳатдан тўла тор-мор этилиши билан тугалланди, партиянинг янги, социалистик жамият қуришга қаратилган ленинча бош йўли тантанасини таъминлади, партия сафларининг бирлигини мустаҳкамлади.

Партиямиз, унинг Марказий Комитетининг хизмати шундан иборат бўлдики, улар Ленин кўрсатмаларига асосланиб ўнг оппортунизмни ўз вақтида пайқаб олишга, унинг синфий моҳиятини очиб ташлашга, унинг сиёсий платформасини фош қилишга ва унинг нечоғлиқ хавфли эканини кенг коммунистлар оммасига кўрсатиб беришга муваффақ бўлди.

Партиянинг ўнг таслимчиларга қарши муросасиз кураши шуни яққол исботладики, партия ўз сафларидаги оппортунистларга қарши кескин курашмай туриб, метиндек бирликни сақлаб қола олмаган ва социалистик жамият қурилишида ўзининг авангардлик ролини муваффақиятли бажара олмаган бўлур эди.

Т. ОКУНСКАЯ.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

ЖАНГОВАР ВОҚЕАЛАР СОЛНОМАСИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ Ленин партияси, унинг жанговар отрядлари — республика партия ташкилотларининг социализм ва коммунизм қуриш соҳасидаги тарихий тажрибасини умумлаштиришни ижтимоий фанлар олимлари олдига энг муҳим вазифаларидан бири сифатида қўйди.

Ўзбекистон партия тарихчилари ҳам бу соҳада кўп иш қилдилар. Улар республика партия ташкилоти тарихи бўйича йирик фундаментал илмий тадқиқотлар билан бирга воқеалар солномаси сингари асарлар ҳам яратмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг ходимлари қатор йиллар давомида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ўлкада социал-демократиянинг пайдо бўлиши, революцион ишчилар ҳаракатининг дастлабки қадамларидан бошлаб то ҳозирги давргача бўлган тарихидан олинган энг муҳим воқеалар солномасини яратиш устида иш олиб бормоқдалар.

1966—1977 йиллар давомида «Ўзбекистон» нашриёти китоблар сериясини (тўрт қисмини) босиб чиқарди, уларда (1903 йилдан то 1941 йил июнига қадар) партиянинг оммани революцион курашга, Ўзбекистонда социализм қурилиши давомида социал-иқтисодий туб ўзгартишларни амалга оширишга уюштириш соҳасидаги фаолиятини ёрқин характерлаб берадиган фактлар хронологик изчилликда келтирилган (бу китобларга тақриз «Ўзбекистон коммунисти» журналининг 1977 йилги 11-сонида эълон қилинган). Янги китоб «Солнома»нинг бешинчи қисми бўлиб, унда Ўзбекистон Компартиясининг даҳшатли уруш йилларидаги кўп қиррали фаолияти ёритилган*. «Солнома» тузувчилари илгари бўлганидек, партия ва давлат архивлари материалларидан, статистика тўпламлари ва справочник маълумотларидан, вақтли матбуот хабарларидан фойдаланганлар.

Уруш йилларида Коммунистик партия жанг қилувчи партия бўлиб қолди. Ҳарбий вақтнинг ҳамма масалаларини, шу жумладан Ўзбекистон олдида турган масалаларни ҳал қилишда партиянинг раҳбарлик роли тўғрисидаги фикр китобнинг бутун мазмунига сингдириб юборилган.

«Солнома»да келтирилган қизиқарли маълумотлар Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларига тааллуқли бўлиб, Ўзбекистон меҳнаткашларининг жиддий хавф олдида юксак ватанпарварлиги ва интернационализмидан, душманга чексиз ғазаб-нафратидан, ғалабани тезда қўлга киритиш учун бутун куч-ғайратларини сарфлашга тайёр турганликларидан далолат беради.

Республика меҳнаткашларининг юксак ватанпарварлиги уларнинг ихтиёрий равишда фронтга жўнатиш ҳақида илтимос қилиб ҳарбий комиссарликларга йўллаган жуда кўплаб аризаларида ўз ифодасини топди. Чунончи, «Солнома»нинг 9-бетида 28 июнга келиб «Фарғона области бўйича Қизил Армия сафиға юбориш тўғрисида илтимос қилиб 1735 ариза тушди, шундан 423 таси хотин-қизлардан тушди», деб хабар қилинади. Умуман республика бўйича урушнинг дастлабки ойларида 32 мингдан зиёд ана шундай ариза, шу жумладан коммунист ва комсомоллардан 30 минг ариза тушди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1941 йил 22 июндаги «Ҳарбий ҳолат тўғрисида»ги Фармони, Совет ҳукуматининг 1941 йил 22 июнда радио орқали эълон қилинган «Фашистлар Германиясининг СССРга хиёнаткорона ҳужуми тўғрисида»ги Баёноти, ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1941 йил 29 июндаги фронт яқинидаги областлар партия ва совет ташкилотларига Директиваси, партия ва Совет давлати раҳбарларининг чиқишлари ўша даврнинг программ ҳужжатлари бўлди. Ана шу ҳужжатларнинг ҳаммаси тақриз қилинаётган китобда келтирилган.

Уруш йиллари «Солнома»си маълумот-

---

* Коммунистическая партия Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. Летопись событий. Часть пятая (июнь 1941—1945 гг.). Ташкент, «Узбекистан», 1980, 200 стр.

лари Ўзбекистон Компартияси сафлари ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамланганлигидан, унинг составида миқдор ва сифат ўзгаришлари юз берганлигидан яққол далолат беради. Китобда ўша йилларда МТС-лар ва совхозларда сиёсий бўлимлар ташкил қилинганлиги, область, шаҳар ва район конференциялари ҳамда хўжалик ва маданий қурилишда партиянинг раҳбарлик ролини ошириш соҳасида бошқа тадбирлар кўрилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Уруш даврида бўлиб ўтган Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети ва область партия комитетлари барча пленумлари, республика ва область партия активи йиғилишларининг «Солнома»га киритилган қарорлари жуда катта аҳамиятга эгадир. Партия органларининг идеология иши соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги материал (митинглар ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари билан учрашувлар ўтказиш, аҳолини интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги тадбирларнинг амалга оширилиши ва ҳоказолар) китобдан кенг ўрин олган. Китобда саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар, машина-трактор станциялари, илмий ва маданий муассасалар касаба союз ва комсомол ташкилотларининг иши ҳам акс эттирилган.

Ватанимиз тақдири, фашистлар Германиясига қарши кураш натижаси аввало жанг майдонларида ҳал қилинаётган эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси ўзининг ҳарбий-ташкилотчилик фаолиятида Қизил Армия учун жанговар резервлар тайёрлашга биринчи даражали аҳамият берди. Республика партия ва совет органлари Ўрта Осиё ҳарбий округи билан биргаликда қатор кавалерия ва ўқчи дивизиялар ва бригадаларни жадал тузиш ва қуроллантириш соҳасида катта ишни амалга оширдилар. Китобда эълон қилинган ҳужжатларда республикада умумий ҳарбий таълим авж олиб кетганлиги, оммавий мудофаа ташкилотлари иши активлашганлиги, кўплаб ҳарбий-ўқув пунктлари ва тўгараклари ташкил қилинганлиги, минг-минглаб медицина ҳамширалари, ворошиловчи мерганлар, пулемётчилар, парашютчилар ва шу кабилар тайёрланганлиги, булар мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга муайян ҳисса бўлиб қўшилганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

1943 йил охирига келиб Қизил Армия сафига Ўзбекистондан юз минглаб киши сафарбар қилинди, бутун уруш йиллари мобайнида республикадан бир миллиондан зиёд киши фронтга жўнаб кетди. 120 мингдан зиёд ўзбекистонлик жангчилар орден ва медаллар билан мукофотланди, шундан 280 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди (191-бетга қаралсин).

«Солнома» саҳифаларида босилган материаллар Ўзбекистон Компартияси ва Халқ Комиссарлари Совети айниқса урушнинг биринчи, энг оғир даврида саноатни ҳарбий изга солиш, республикага кўчириб келтирилган саноат корхоналарини жойлаштириш ва тезда ишга тушириш соҳасида жуда катта иш қилганлигидан далолат беради. Маълумки, Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларига 308 завод ва фабрика, шу жумладан Ўзбекистонга 104 корхона кўчириб келтирилди.

Ўқувчи китобда тўпланган кўплаб хабарлардан Ўзбекистон меҳнаткашларининг ватанпарварлигини, улар фидокорона меҳнатлари билан душман устидан ғалабани тезлаштиришга ёрдам беришга қатъий бел боғлаганликларини, хотин-қизлар ишлаб чиқаришда фронтга жўнаб кетган эрлари, фарзандлари ва ака-укаларининг ўрнини босишга интилганликларини билиб олади. Мана улардан бири. 1941 йил 4 июлда Тошкент шаҳар Октябрь районидаги хотин-қизларининг ўн беш минг кишилик митинги бўлиб, унда улар бутун куч-ғайратларини ишга солиб ўз Ватанларини ҳимоя қилишга, меҳнат унумдорлигини оширишга, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга тайёр эканликларини изҳор қилдилар (12-бетга қаралсин).

«Солнома» тузувчилари қишлоқ хўжалигини уруш вақти вазифаларига мувофиқ равишда қайта қуришдаги мавжуд мураккаб шароитни кўрсатиб беришга муваффақ бўлганлар. Қишлоқ хўжалик машиналарининг бир қисми фронтга жўнатилганлиги, колхоз ва совхозларни ремонт материаллари, ўғитлар ва ёнилғи билан таъминлаш камайганлиги, шунингдек қишлоқ меҳнаткашларининг бир қисми фронтга кетиб қолганлиги туфайли фронт, саноат ва аҳолининг ҳам озиқ-овқат маҳсулотларига, ҳам хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондириш ниҳоятда оғир бўлди.

Республика колхозчи деҳқонлари ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари билан душман устидан ғалаба қозонишга муносиб ҳисса қўшдилар. Уруш йиллари мобайнида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги мамлакатга 4 миллион 806 минг тонна пахта, қарийб 54 минг тонна пилла, 1 миллион 81 минг тонна ғалла, 482 минг тонна картошка ва сабзавот, салкам 57 минг 500 тонна мева ва узум, 36 минг тонна қуруқ мева, 22 минг 300 тонна жун етказиб берди (191—192-бетларга қаралсин).

Китобда республика аҳолисининг фашистлар босиб олган районлардан кўчириб келтирилган кишиларга берган ёрдами ҳақида, госпиталлар ва болалар уйлари, фронт яқинида жойлашган ҳарбий қисмлар ва корхоналарга қилинган оталиқ ёрдами тўғрисида, ҳарбий хизматчилар оилаларига берилган ёрдам ҳақида ҳикоя қилувчи кўпгина ёрқин ҳужжатлар келтирилган. 1943 йил 11 апрелда Москвада Мажлислар залида бўлиб ўтган совет хотин-қизларининг митингида Тошкент темир йўл машинисти Башорат Мирбобоева етим қолган минглаб болаларни ўз қарамоғига олиб тарбиялаган Ўзбекистон хотин-қизлари ҳақида гапириб берди (108-бетга қаралсин).

«Солнома» тузувчилари кўп сонли фактик маълумотлардан фойдаланиб, республика партия ташкилотининг фронт билан мамлакат ичкарисини мустаҳкамлаш соҳасидаги кўп қиррали ишини ёритиб беришга интилганлар. Китобда қишлоқ хўжалиги

меҳнаткашлари, ишчилар, интеллигенция вакиллари, ўқувчилар, уй бекалари ихтиёрий равишда Ватан мудофаа фондига пул, қимматбаҳо буюмлар, давлат заёмлари облигацияларини топширганликлари ҳақида қизиқарли материаллар келтирилган. Ўзбекистон меҳнаткашлари уруш йиллари мобайнида ҳаммаси бўлиб 475 миллион 387 минг сўмни, 3 миллиард 669 миллион 817 минг сўмлик давлат заёмлари облигацияларини, 22 миллион 374 минг сўмлик қимматбаҳо буюмларни, 55 килограмм 697 грамм қимматбаҳо металларни мудофаа фондига топширдилар, 585 миллион 400 минг сўмлик пул-буюм лотереяси билетларини сотиб олдилар (192-бетга қаралсин).

Республика Компартиясининг мамлакатнинг фашист босқинчилардан озод қилинган районларига ёрдамни уюштириш соҳасидаги фаолиятини очиб берадиган «Солнома» материаллари Совет Иттифоқи халқларининг интернационал бирлиги, жипслиги ва қардошларча дўстлигидан далолат беради. Ўзбекистон урушнинг оғир йилларида, жуда катта қийинчиликларга қарамай, бу районларга минглаб мутахассислар, техника, қишлоқ хўжалик инвентари, чорва моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уруғлик юборди.

«Солнома»да эълон қилинган фронтдан келган хатлардан олинган кўчирмалар халқимиз кўрсатган қаҳрамонликнинг улуғворлигини, унинг Ватанга меҳр-муҳаббатини совет кишисининг матонати ва мардлиги, камтарлиги ва олижаноблигини, СССР халқларининг жонажон Коммунистик партия атрофида метиндек жипслашганлигини яққол очиб беради.

Ўзбекистон меҳнаткашлари жанговар техника қуриш учун маблағ тўплаш давомида юксак онглилик ва ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар. Комсомол ташаббуси билан Ўзбекистон комсомоли номли танк колоннасини қуриш фонди учун якшанбаликлар ўтказилди. Афсуски, «Солнома»да республикада уруш йилларида ўтказилган барча комсомол-ёшлар якшанбаликлари тўғрисида маълумот кирмаган. Чунончи, китобда 1941 йил 12 октябрда бўлиб ўтган ва 600 мингдан зиёд киши қатнашган комсомол-ёшлар якшанбалиги тўғрисида маълумот келтирилмаган. Ўзбекистон комсомоли номли танк бўлинмасини қуриш фондига салкам икки ярим миллион сўм ўтказилган («Правда Востока», 1941 йил, 22 октябрь).

Умуман шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон илмий жамоатчилиги қизиқарли китобга, қимматли справка қўлланмасига эга бўлди. У партия тарихини ўрганувчилар учун фойдали қўлланма бўлади, кишиларни, айниқса ёшларни совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида, Совет Иттифоқи халқлари интернационал бирлиги ва қардошларча дўстлигига садоқат руҳида тарбиялаш учун хизмат қилади.

М. ҚОСИМОВА,
тарих фанлари кандидати.

КИТОБЛАР ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Р. Р. Абдураҳмонов. **Ўзбекистон философлари асарларида диалектик материализм проблемаларининг ишлаб чиқилиши.**

Тошкент. „Ўзбекистон". 1980, 92 бет.

Тақриз қилинаётган китоб марксча партия дунёқараши бўлган диалектик материализм проблемаларини Ўзбекистон философлари қандай ишлаб чиқаётганлиги жараёнини историографик жиҳатдан ёритишга республикамизда дастлабки уринишлардан бири бўлди.

Р. Абдураҳмонов Ўзбекистонда философия мактаби шаклланиши босқичларини муфассал кузатиб, бу соҳада кўзга кўринган совет философларидан бири, Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати академик И. М. Мўминов етакчи роль ўйнаганлигини ишончли қилиб кўрсатиб берган. И. М. Мўминов шунингдек Ўзбекистонда марксча-ленинча философик фикр ривожланишини илмий жиҳатдан даврларга бўлиш муаллифидир. Унинг қаламига 150 дан зиёд асар мансубдир, улар орасида «Диалектик материализмни ривожлантиришда ленинча босқич», «Марксча философияни ривожлантиришда В. И. Ленинннинг буюк роли тўғрисида», «В. И. Ленин философия меросини ўрганиш очерклари» ва бошқа шу каби асарлар бўлиб, улар республикада диалектик материализм проблемаларини янада ишлаб чиқиш учун пойдевор бўлиб хизмат қилди.

60-йилларнинг охири 70-йилларнинг бошларида диалектик материализм бўйича нашрлар сони анча кўпайди, тадқиқот доираси кенгайди, уларнинг сифати яхшиланди. Монографияда магистрал йўналишлар кўрсатиб берилганки, ҳозирги вақтда бу соҳадаги илмий ишлар ана шу йўналишларда олиб борилмоқда, унинг якунлари муфассал таҳлил қилинган. Китобхон республикада етакчи философ олимларнинг асосий асарлари тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиши мумкин. Жумладан, Р. Абдураҳмонов «Диалектика қонунлари ва категориялари системаси» китобининг муаллифи

Ж. Т. Туленов марксча философия қонуни концепциясининг дастлабки тадқиқотчиларидан бири эканлигини, Б. И. Исмоилов диалектик материализм назариясини ўрганишга муносиб ҳисса қўшганлигини («Тил ва билиш»), В. С. Никитченко, шунингдек А. Маилов ва М. Ҳасановнинг бир қатор асарларида философия категориялари муфассал ёритилганлигини таъкидлаб ўтади.

Сўнгги йилларда философия билан табиётнинг ўзаро алоқаси диалектикаси кенг кўламда тадқиқ қилинмоқда. Шу муносабат билан муаллиф К. И. Иванованинг табиёт илмий назарияларида философик принципларнинг амал қилишига ва табиётнинг назарий билиш проблемаларини таҳлил қилишга бағишланган асарларининг, А. Ф. Файзуллаевнинг табиий-илмий назарияларда зиддиятлар хусусиятини ўрганувчи тадқиқотларининг, шунингдек физика, математика, биологиянинг философик проблемаларини тадқиқ этган ёш муаллифлар Ш. Б. Қаххорова, Р. Шоназаров, М. В. Шодиева, В. Г. Черник, А. Ҳожибоев, Д. В. Бирюков, С. С. Комилова, А. Файзиев, И. М. Ҳайдаров, Р. Таганов, Г. Х. Расулова ва бошқалар асарларининг аҳамиятини таъкидлаб ўтади.

Ижтимоий тараққиёт диалектикасини философлардан К. С. Содиқов, Л. Е. Гарбер, Г. П. Лем, И. М. Хайдаров ва бошқалар тадқиқот объекти қилиб олган, бу муаллифларнинг асарлари тақриз қилинаётган китобда муфассал кўриб чиқилади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Р. Абдураҳмонов монографиялардагина эмас, балки илмий тўпламларда, журналда босилган мақолаларда ҳам тадқиқотларнинг бутун хилма-хиллигини муфассал аниқлашга интилган. Бу эса унга ҳозирги кунда республикада диалектик материализм соҳасида олиб борилаётган илмий ишларнинг кўлами нақадар кенг эканлигини анча ишонарли кўрсатишга имкон берган.

Муаллиф тадқиқотларнинг энг муҳим жиҳатларини ажратиб кўрсатишга, уларнинг асосий мазмунини конкрет характерлаб беришга муваффақ бўлган. Шу маънода журналхон фақат историографик асаргагина эмас, балки қизиқарли философик асарга ҳам эга бўлди, бу эса шубҳасиз, унинг илмий қимматини оширади.

Фикримизча, иттифоқ миқёсида диалектика проблемаларининг ишлаб чиқилиши қиёсий таҳлил қилинганда китобнинг аҳамияти яна ҳам ошган бўларди, чунки бу соҳада тадқиқотлар Ўзбекистондан ташқарида ҳам олиб борилмоқда. Илмий изланишларнинг ҳар бир тарихий даври қандай янгилик берганлигини аниқ тасаввур қилиш учун фақат тарихий-философик параметри бўйича эмас, балки фолософик факторларнинг ўзи бўйича даврларга бўлишнинг аниқ критерийсини кўришни истардик. Жумладан, 70-йиллардан бошлаб Ўзбекистон философларининг умумиттифоқ майдонига чиқиши тенденцияси юз бераётганлигини таъкидлаб ўтиш керак эди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ва В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети базасида иккита Бутуниттифоқ конференцияси ўтказилганлигини, «Вопросы философии» ва «Философские науки» журналларида босилаётган ўзбекистонлик авторлар мақолаларининг ҳажми ортганлигини кўрсатиб ўтиш кифоядир.

Умуман тадқиқот жуда қизиқарли бўлиб, у тарихчилар учун ҳам, философлар учун ҳам фойдали тадқиқот бўлади, деб ўйлаймиз.

К. ИВАНОВА,
философия фанлари доктори,
М. ҲАСАНОВ,
философия фанлари кандидати.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01, 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Н. Шарипова.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 8.04.1981 й. Босишга рухсат этилди 27.04.1981 й. Формати 70×108 1/16.
Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 8,7.
Тиражи 31802. Нашр № М 53. Заказ № 732.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ISSN 0134—2193

Баҳоси 20 тийин

Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК КП Узбекистана» —
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА» —
«УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

310

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

6

ИЮНЬ

1981

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 6
ИЮНЬ
1981 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Съездимизнинг бутун бориши, унда қабул қилинган ҳамма ҳужжатлар яна бир карра намойиш этди: тинчликни сақлаш бизнинг жаҳон майдонидаги бош юмушимиз, давлатимизнинг ташқи сиёсат бобидаги бош мақсади бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съезди ёпилиши вақтида сўзлаган нутқидан.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ
Тошкент

МУНДАРИЖА

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

КПСС—СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ АВАНГАРДИ

БУТУН СОВЕТ ХАЛҚИ, жаҳон илғор жамоатчилиги КПСС XXVI съездининг қарорлари, ғоялари, ташаббусларининг кучли таъсири остида яшамоқда. Мамлакатимиз коммунистларининг анжумани Ленин партияси Улуғ Октябрь ишини изчиллик билан давом эттираётганлиги, коммунистик идеалларни амалга ошириш учун қатъият билан курашаётгани, ўзи омманинг сиёсий йўлбошчиси, ташкилотчиси ва мураббийси сифатидаги тарихий ролини муносиб бажараётганлигини яна бир карра тасдиқлади. Совет халқи Ленин байроғи остида, партия билан бузилмас бирликда ва унинг раҳбарлигида коммунизм сари дадил бормоқда, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа куч-қудратини оширмоқда, унинг социал-сиёсий ҳамда маънавий ривожланишини таъминламоқда, совет халқининг турмуш даражасини кўтариш тўғрисида ҳормай ғамхўрлик қилмоқда, ер юзида тинчликни сақлаш ва уни мустаҳкамлаш учун курашмоқда. Ўтган беш йилликнинг якунлари ҳам бундан далолат беради. КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги докладида буларга аниқ-равшан ва лўнда қилиб умумий баҳо берилди: «Босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, қатъий айтиш мумкинки, XXV съезд ижтимоий тараққиётнинг асосий тенденцияларини ва йўналишларини тўғри белгилади. Партиянинг ленинча бош йўли комил ишонч билан амалга оширилмоқда; аввалги съездда ўртага қўйилган вазифалар умуман муваффақиятли ҳал этилди».

СССРнинг ўтган ўн йилликдаги иқтисодий тараққиёти натижаларининг анализи айниқса завқбахш манзарани кўрсатади. Бунда партиянинг етук социализм давридаги иқтисодий сиёсатини характерлайдиган бош тенденциялар яққол кўзга ташланади. Бу аввало халқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш учун матонат билан курашилганлигидир. Бу ўринда энг жамулжам кўрсаткич — меҳнат унумдорлиги бўлиб, у ўн йил ичида қарийб бир ярим баравар ўсди. Фанни ривожлантиришга ва унинг ютуқлари негизида — атом машинасозлиги, космик техника, электрон ва микроэлектрон, микробиология саноати, лазер техникаси ва шу каби замонавий тармоқларни янада юксалтиришга, бир қатор ҳолларда эса уларни янгидан барпо қилишга катта эътибор берилди.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда йирик ўзгаришлар содир бўлди. РСФСРнинг Европа қисмида, Урал, Сибирда, Узоқ Шарқда, Қозоғистон ва Тожикистонда территориал-ишлаб чиқариш комплекслари вужудга келмоқда, бу комплекслар ўнинчи беш йилликда

нефть, газ ва кўмир қазиб чиқаришнинг умуман иттифоқ миқёсида ўсишини таъминлади.

Етмишинчи йиллар оғир саноатнинг барқарор ўсиш даври бўлди. Электр энергия ҳосил қилиш олтмишинчи йиллардагига нисбатан икки баравар кўпайди. Мамлакат металлургияси мустаҳкамланишда давом этди. Химия ва нефть химияси саноатида сезиларли миқдор ва сифат ўзгаришлари юз берди.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш йўли — ҳатто ходимлар сони камайтирилган ҳолда ҳам — маҳсулот ҳажмини муттасил кўпайтириб бориш ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг кенг кўламдаги барқарорлигини таъминлаш имконини берди. Чунончи, сўнгги беш йилдан уч йилида об-ҳаво ноқулай келганлигига қарамай, йиғиб олинган ўртача йиллик дон 205 миллион тоннани ташкил қилди. 1980 йилда давлатга қарийб ўн миллион тонна пахта топширилди.

Етмишинчи йилларда Совет давлатининг иқтисодий куч-қудрати ошганлиги туфайли халқ фаровонлигини юксалтиришнинг кенг кўламдаги программаси амалга оширилди.

КПСС XXVI съездида етук социализм шароитида жамият иқтисодий тараққиёти билан социал-сиёсий ва маънавий тараққиёт ўртасидаги ўзаро алоқа тобора яқинлашиб боришлиги қайд этилди. Шундан келиб чиқиб КПСС Марказий Комитети совет жамиятининг социал-синфий ва миллий структурасини ривожлантириш масалаларига, социалистик турмуш тарзини, давлатчилигимиз ва демократияни такомиллаштиришга доимо эътибор бериб келди. Совет жамиятининг иқтисодий ҳамда социал ва маънавий ҳаётидаги энг муҳим ўзгаришлар, умумхалқ давлатининг чуқур демократизми СССРнинг янги Конституциясида ўзининг жамулжам ифодасини топди.

Бинобарин, партиямизнинг сўнгги йилларда босиб ўтган йўлининг энг муҳим белгиси, ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтганидек,— бу тинчликни сақлаб қолишга муваффақ бўлинганлигидир.

Ўтган беш йилликда Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам юксак марраларни қўлга киритдилар. Шу вақт ичида республиканинг миллий даромади 29 процентдан зиёд кўпайди. Асосий ишлаб чиқариш фондлари бир ярим баравар ўсди. Фан-техника тараққиётини белгилайдиган тармоқлар илдам суръатлар билан ривожланди. КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов республика Коммунистик партиясининг XX съездидаги докладида ёқилғи-энергетика комплекси, химия саноати, металлургия, машинасозликни ривожлантиришдаги катта-катта муваффақиятларни қайд қилиб ўтди.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида пахтачилик жадал суръатлар билан ривожланди. 1980 йилда республика биринчи марта олти миллионлик маррани ошиб ўтди.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра Ўзбекистон саккизинчи дафъа КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МКнинг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлди. Бу партияга берилган ваъданинг устидан чиқишдан иборат яхши анъана таркиб топганлигидан дарак беради. Бундан буён ҳам ана шу йўлга амал қилиш — бизнинг бурчимиздир.

Республикани иқтисодий ривожлантириш планларининг муваффақиятли амалга оширилиши меҳнаткашлар моддий ва маданий турмуш даражасини юксалтириш тадбирларининг бутун бир системасини турмушга ошириш имконини берди.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга кирганн йўқ. Улар — КПССнинг халқ туб манфаатларини ифодалайдиган чуқур ўйланган, илмий асосланган сиёсатининг, партиянинг улкан ташкилотчилик, сиёсий-тарбиявий ишининг натижасидир. Коммунистларнинг авангардлик роли жамиятимиз

ҳаётининг истисносиз ҳамма соҳаларида намоён бўлиб, чинакам революцион, марксчи-ленинчи партия бўлган КПССнинг — ишчилар синфи, бутун совет халқи авангардининг, янги типдаги партиянинг, ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг олий формасининг табиатидан келиб чиқади. Тарихий ривожланишнинг бутун жараёни, бугунги кундаги фактлар марксчи-ленинчи партия раҳбарлиги жамиятни социалистик ва коммунистик асосларда қайтадан тузишнинг муқаррар ва ҳал қилувчи шарти эканлигини тасдиқламоқда.

КПССнинг давлатимиз ҳаётидаги роли ва ўрни СССР Конституциясининг 6-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган: «Совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи, совет жамияти сиёсий системасининг, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидир. КПСС халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади».

Нима сабабдан одамлар коммунистлар партияси сиймосида, В. И. Лениннинг таъбири билан айтганда, «ҳокимиятни қўлга олишга ва *бутун халқни* социализмга томон *элтишга,* янги тузумни ташкил қилиш ва йўлга солишга, барча меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчиларнинг ўз ижтимоий турмушларини буржуазиясиз ва буржуазияга қарши тузишларида уларга устоз, раҳбар, йўлбошчи бўлишга қобил авангардни» (Тўла асарлар тўплами, 33-том, 30—31-бетлар) кўрдилар?

Бу саволга тарихнинг ўзи, Коммунистик партиянинг бутун вужудга келиш ва ривожланиш жараёни, мамлакатимиздаги социалистик ва коммунистик қурилиш тажрибаси жавоб беради.

Коммунизм қуришни ўз мақсади қилиб қўйган КПССнинг совет жамияти ташкилотчилик ва раҳбарлик кучи сифатидаги тарихий вазифаси унинг бир қатор хислатларини белгилаб беради. Аввало у революцион ҳаракат партияси эканлиги билан фарқ этиб туради, у социалистик революция ва пролетариат диктатураси орқали социализм сари йўл солди ва совет халқини коммунизмга олиб бормоқда. Бунга эришишга фақат кун сайин омма орасида ишлайдиган, оммага таянадиган, омма қўллаб-қувватлайдиган партиягина қодирдир. Партия билан халқнинг ўзаро муносабатини марксча-ленинча тушунишнинг моҳияти В. И. Лениннинг қуйидаги сўзларида ифодаланган: «Авангард ўзи раҳбарлик қилаётган оммадан ажралмай, бутун оммани ҳақиқатан ҳам илгарига қараб олиб бора олгандагина авангардлик вазифаларини бажарган бўлади» (ТАТ, 45-том, 27-бет).

Халқ оммаси билан узилмас алоқада бўлиш — КПСС ҳаётининг қонунидир. Унинг сиёсатидаги энг асосий нарса, коммунистлар қандай лавозимни эгаллаган бўлмасинлар, уларнинг юксак бурчи ва муқаддас вазифаси — бу халқнинг бахт-саодати тўғрисида толмай ғамхўрлик қилишдир. Партия бунда илғор революцион назарияга амал қилади, уни ижодий татбиқ этади, ривожлантиради ва бойитиб боради, В. И. Лениннинг қуйидаги кўрсатмасига ҳамиша риоя қилади: *«Илғор назарияга амал қилувчи партиягина илғор курашчи ролини бажара олади»* (ТАТ, 6-том, 29-бет). Марксизм-ленинизмнинг революцион принципларига содиқлик, сўз билан ишнинг бирлиги КПССга хос хусусиятлардир.

Коммунистик партиянинг юксак уюшқоқлилиги ҳам унга куч бағишлайди. Фақат шундай бир шароитдагина, деб уқтирган эди В. И. Ленин, ишчилар синфининг бир қисми, унинг илғор, онгли отряди бўлган партия *«ягона иродага* эга бўлади ва мингларча, юз мингларча, миллионларча илғорларнинг бу ягона иродаси синфнинг иродаси *бўлиб қолади»* (ТАТ, 24-том, 41-бет). Фақат марказлашган раҳбарлик негизидагина ишчилар синфининг ва унинг иттифоқчиларининг бутун кучларини бирлаштириш, уларни умумий мақсад теварагида жипслаштириш мумкин. Айни вақтда партиянинг бирлиги, унинг умумий иродаси фақат коллектив, демократик йўл билангина вужудга келиши

мумкин. Марксчи-ленинчи партия ташкилий тузилишининг раҳбарлик принципи — демократик централизм ана шундандир.

КПСС ана шу принципга таянган ҳолда танқид ва ўз-ўзини танқидни авж олдириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилади. Чунки, В. И. Лениннинг сўзлари билан айтганда, сиёсий партиянинг ўз хатоларига муносабати партия жиддийлигининг, унинг ўз бурчларини ижро этишининг энг муҳим ва тўғри мезонларидан биридир.

Партия сафларининг ғоявий ва ташкилий бирлиги Коммунистик партия ғалабаларининг энг муҳим шарти бўлиб, у КПССнинг кучига куч қўшади, ўз сафларини тезда қайта тузишга, барча ташкилотларнинг пухта ишлашини таъминлашга имкон беради.

Партиявий ишнинг самарадорлиги, унинг оммага таъсири коммунистларнинг шахсий намунасига бевосита боғлиқдир. Улар қаерда меҳнат қилмасинлар, ҳамиша ўзларининг авангардлик ролини, бирданбир имтиёзларини эсда тутишлари керак, КПСС аъзоси учун бундай имтиёз — энг қийин вазифани ўз зиммасига олиш, ҳаёт қўяётган талаблар даражасида бўлиш, КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини бажариш учун илож бўлган ҳамма ишларни қилишдан иборат бўлиши мумкин.

Советлар Мамлакатининг барча миллат ва элатлари илғор вакилларини бирлаштирган бизнинг партиямиз СССР меҳнаткашлари дўстлиги ва қардошлигининг, бутун совет халқи бузилмас бирлигининг ёрқин тимсолидир. Кўп миллатли давлатда вужудга келган ва иш кўраётган Коммунистик партия кучининг манбаларидан бири ҳам унинг интернационал принцип асосида тузилганлигидир. КПСС ва бутун халқаро коммунистик ҳаракатнинг тажрибаси фақат ўз халқи манфаатларига хизмат қилишни пролетар интернационализми билан, яъни бутун дунё меҳнаткашлари ишига садоқат билан уйғунлаштириш — социализм учун курашда марксчи-ленинчи партия муваффақиятларининг гарови эканлигини тасдиқлади.

Биргаликда олганда бу омиллар КПССни совет халқининг чинакам авангардига айлантиради. Бинобарин, ҳар бир коммунист учун, барча совет кишилари учун партиянинг обрў-эътиборини асрашдан, унинг халқ билан алоқасини мустаҳкамлашдан, унинг кучига куч қўшишдан кўра юксакроқ бурч йўқ.

КПСС совет жамиятида раҳбарлик ролини бажарар экан, ўзига хос методлар ва воситалар билан иш кўради. Унинг раҳбарлигининг биринчи хусусияти шундан иборатки, у халқнинг сиёсий йўлбошчиси сифатида майдонга чиқади. В. И. Ленин айтган эдики, «сиёсат *давлат* ишларида қатнашиш, давлатни йўлга солиб туриш, давлат фаолиятини формаларини, вазифаларини, мазмунини белгилаб бериш демакдир...» (ТАТ, 33-том, 378-бет).

КПСС сиёсатининг кучи, самарадорлиги шундаки, у жамият ривожининг объектив иқтисодий қонунларига мос бўлиб, халқнинг манфаатларини тўла ҳисобга олади. Сиёсий йўлбошчи сифатида партиянинг фаолияти аввало шу билан характерланадики, у учта партия Программасида мустаҳкамланган ўзининг бош йўли давомийлигини сақлаб келмоқда. КПСС ўзининг сиёсатини практика билан доимо қиёс қилиб кўради, янги шарт-шароитларга мувофиқ унга ўзгаришлар, аниқликлар киритади. Партия XXVI съездининг янги таҳрирдаги КПСС Программасини тайёрлаш тўғрисидаги қарори бунга ёрқин мисолдир. Программа қабул қилинган пайтдан буён, дейилади бу қарорда, 20 йил ўтганлигини ва бу даврда социалистик ва коммунистик қурилишда катта тажриба тўпланганлигини ҳамда халқаро майдонда янги ўзгариш ва жараёнлар содир бўлганлигини назарда тутиб, съезд КПСС МКга жаҳондаги ижтимоий тараққиёт қонунларини, партия ва совет халқининг коммунизм учун курашдаги мақсадлари ва асосий

вазифаларини умуман тўғри белгилаб берган партиянинг амалдаги Программасига зарур қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳамда янги таҳрирдаги КПСС Программасини партиянинг навбатдаги съездига тайёрлаш вазифасини топширди.

Партия ишлаб чиқадиган сиёсат жамиятни илмий бошқаришнинг таянч нуқтаси, асоси ва мақсадидир. Иқтисодий, социал ва маънавий турмушнинг муҳим проблемаларини ҳал қилишдаги сиёсий йўл партиянинг барча директиваларида кўрсатиб берилган бўлиб, барча давлат ҳамда жамоат ташкилотлари фаолиятининг келишиб олинган йўналишини таъминлайди. КПСС XXVI съездида ўрток Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтганидек, «партия съездлари КПСС раҳбарлик ролининг олий ифодаси бўлиб, совет жамияти ҳужумкор ҳаракатининг бош йўлини белгилаб беради».

Коммунистик партия омманинг сиёсий ташкилотчиси сифатида ҳам майдонга чиқмоқда. У фақат тўғри сиёсатнигина эмас, балки шу билан бирга уни амалга оширишга меҳнаткашларни уюштириш тадбирларини ишлаб чиқиш тўғрисида ҳам қайғуради. КПСС назария билан практиканинг, мақсадлар билан методларнинг, сўз билан ишнинг бирлигини, ўз олдида турган тарихий вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг жуда муҳим шарти деб билади. У ташкилотчилик фаолиятининг формалари ва методларини сиёсий ва иқтисодий вазифаларга доимо мослаштириб туради, ташкилий-партиявий ишларнинг савиясини сиёсий раҳбарлик даражасигача юксалтиради.

В. И. Ленин сиёсат одамлар орқали ўтказилади, деб таълим берган эди. Кадрларни танлаш ва ижрони текшириш — ташкилий раҳбарликда бош масаладир.

Партия омманинг сиёсий мураббийси бўлиб, меҳнаткашларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиради, уларнинг онглилигини оширади, ўтмиш сарқитларини бартараф этишга ёрдам беради. Ишонтириш методи оммага партиявий раҳбарлик қилишнинг асосий методидир. Партиявий ишнинг моҳияти ишлаб чиқилган сиёсатнинг маъносини меҳнаткашларга чуқур тушунтиришдан, уларни ишонтириш ва ўз кетидан эргаштиришдан иборат. Коммунистик қурилиш кўлами нақадар кенг бўлса, ҳал этиш зарур бўлган проблемалар нақадар мураккаб бўлса, халққа бошчилик қилаётган партиянинг роли ва масъулияти шу қадар юксак бўлади.

Совет жамияти ҳаётида партия ролининг ошиб бориши — объектив қонуниятдир. Лекин бу жараён ўз ҳолича содир бўлмайди, балки аввало ташкилий-партиявий ишларни тегишлича йўлга қўйишга, партия ички ҳаётини, жамиятга раҳбарлик қилиш услуби ва методларини такомиллаштиришга қаратилган партиянинг онгли ҳаракатлари натижасидир.

КПСС раҳбарлик ролининг юксалишидан иборат объектив омиллар етук социализм даврида энг тўла рўёбга чиқади. Бу босқичда совет жамиятининг ривожланиши шундай белгилар ва тенденциялар билан характерланадики, улар партиянинг мамлакат ҳаётининг барча томонларига раҳбарлик ва раҳнамолик таъсири кучайишини тақозо этади. Аввало бу коммунистик қурилиш вазифалари кўламларининг кенгайиши ва мураккаблашиб боришидирки, бу ҳол сиёсий ва ташкилий раҳбарликнинг юксакроқ даражада бўлишини талаб этади. Иккинчидан, бу омма ижодий активлигининг юксалиши, янгидан-янги миллионларча меҳнаткашларнинг давлат ишлари ва ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этилишидир. Учинчидан, бу социалистик демократиянинг янада ривожланиши, жамоат ташкилотлари ролининг ошиши, иттифоқдош республикалар ҳамда маҳаллий ташкилотлар ҳуқуқларининг кенгайишидир. Ниҳоят, бу илмий коммунизм назарияси аҳамиятининг юксалиши, уни ижодий ривожлантириш ва пропаганда қилиш,

меҳнаткашларни коммунистик тарбиялашни кучайтириш ҳамда кишилар онгидаги ўтмиш сарқитларини бартараф этиш учун курашиш зарурлигидир.

Коммунистик қурилиш жараёни қўйган ана шу барча вазифалар вужудга келган проблемаларни илмий ишлаб чиқадиган ғоявий-назарий марказ сифатидаги, жамият ривожининг бош йўлини белгилаб берадиган халқнинг сиёсий йўлбошчиси сифатидаги, меҳнаткашларни ишлаб чиқилган сиёсатни амалга оширишга илҳомлантирадиган халқ оммасининг сиёсий ташкилотчиси сифатидаги, халқни коммунизм идеаллари руҳида тарбиялайдиган мураббий сифатидаги партиянинг аҳамиятини оширади.

КПСС ўз вазифалари юксаклигида турмоқ, совет халқининг авангарди ролини шараф билан адо этмоқ учун партия сафларини мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқда, партия ички ишини, жамиятга раҳбарлик қилиш методларини, ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятини такомиллаштириб бормоқда. Партия XXVI съездининг материаллари бунинг ёрқин далилидир. Уларнинг ҳар бир сатри КПССнинг давлатимиздаги ишлар ва халқаро майдондаги аҳвол учун юксак масъулият сезишлигидан далолат беради. КПСС МКнинг партия съездига Ҳисобот доклади улкан назарий ва амалий аҳамиятга моликдир. У бутун совет кишиларини ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари билан таништиради. Унда халқимизнинг ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳалари — иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий соҳадаги фаолиятининг натижалари, сиёсий, ташкилотчилик, ғоявий-тарбиявий ишнинг аҳволи, дунёдаги ҳозирги вазият чуқур таҳлил этилган. Докладда марксизм-ленинизмнинг ижодий ривожлантирилиши партия ва халқ олдида турган актуал вазифаларни қўйиш билан уйғунлаштирилган. Унда КПСС ички ва ташқи сиёсатининг бош йўналишлари белгилаб берилган, асосий проблемаларни ҳал этиш йўллари кўрсатилган.

Докладда етук социализм даврида жамият ҳаётида КПССнинг роли ошиб бориши тўғрисидаги хулоса тасдиқланган. Давлатимиз ривожланиб бориши билан бирга коммунистлар партияси мустаҳкамланиб, кучга тўлиб, ўсиб бормоқда. Ҳозир унинг сафида 17 миллион 480 минг коммунист бор. Ҳисобот даврида КПСС сафлари 1,8 миллион кишига кўпайди. Партия сафига совет халқининг энг яхши намояндалари қўшилмоқда. Ўтган беш йил мобайнида партияга янги қабул қилинган кишиларнинг 59 проценти, ёки бир ярим миллиондан зиёд киши ишчилар, 10 процентдан кўпроғи — колхозчилар бўлди. КПССга совет зиёлиларининг ҳам талайгина вакиллари қўшилди. Шу йиллар мобайнида партияга қабул қилинганларнинг қарийб тўртдан уч қисми ВЛКСМ сафларидан кириб келганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

КПССнинг жанговар отрядларидан бири — Ўзбекистон Компартиясини қуйидаги маълумотлар характерлаб беради. Сўнгги йилларда КПССга кирган кишиларнинг 80 процентдан кўпроғи моддий ишлаб чиқаришда ишлайди. Республикада илғор хотин-қизларни партияга қабул қилишга муттасил эътибор бериб келинмоқда — КПССга қабул қилинганлар орасида улар учдан бир қисмдан кўпроқни ташкил қилади.

КПССга аъзолик тўғрисидаги масала ҳамиша партия турмушининг туб масаласи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ахир партия агар ўз сафларини ишчилар синфи ҳамда меҳнаткашлар бошқа қатламларининг ҳар жиҳатдан энг илғор вакиллари ҳисобига тўлдириб туриш тўғрисида толмай ғамхўрлик қилса, агар у маслакдош ва ягона сафда туриб ҳаракат қиладиган кишилардан иборат бўлсагина ўзининг тарихий миссиясини бажаришга қодирдир. Миқдорий составни ҳам унутмаслик муҳим, албатта, лекин партия учун асосий нарса ҳамиша

сифат состави тўғрисида, коммунист деган юксак номнинг покизалиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Бу фикр ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездидаги докладида яна бир карра бутун принципиаллиги билан таъкидлаб ўтилди:

«Рўй-рост шуни таъкидлаш керакки, ножўя ҳаракатлар қилаётган, партия уставини ва партиянинг ахлоқ нормаларини бузаётганларга нисбатан биз муросасиз бўлиб келдик ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қоламиз. Партиямизнинг шон-шарафи ва обрўси ҳақида, унинг сафларининг поклиги тўғрисида гап борар экан, ҳеч кимга ҳеч қачон ён босилмайди!

Худди мана шундай юксак талабчанлик КПССнинг монолит бирлигини, унинг совет жамиятини бошқариш қобилиятини, совет халқини коммунизм йўлидан дадил бошлаб боришни таъминлайди».

КПССнинг ҳар бир аъзосига талабчанликнинг ўсиб бораётганлиги, партияга кираётганларнинг сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий хислатларини синовдан ўтказиш учун кандидатлик стажидан яхшироқ фойдаланиш талабининг боиси ана шунда. КПСС коммунистларни кун сайин тарбиялаб бориш, уларнинг активлиги ва ташаббусини ривожлантириш, интизомлиликни оширишга ҳам катта аҳамият бермоқда.

Партия ички муносабатларини такомиллаштириб бориш ҳамиша КПССнинг диққат марказидадир. Марказий Комитетнинг КПСС XXVI съездига Ҳисобот докладида ҳозирги босқичда партиянинг ривожланиши муфассал анализ қилиб берилган. Унда марказ билан жойларнинг, партия раҳбар органлари билан партия оммасининг яқин алоқада бўлишини кўзда тутадиган демократик централизм Коммунистик партия ҳаётининг қатъий нормаси эканлиги яна бир марта таъкидланди.

КПССнинг партиявий фаолиятнинг ҳамма даражаларида намоён бўладиган чуқур демократизмини таъкидлаш муҳимдир. Бошланғич партия ташкилотлари ролини ошириш соҳасидаги тадбирларда бу ёрқин ифодасини топмоқда. Коллектив раҳбарлик принципи доимо мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда. Чунончи, КПСС XXVI съездида ҳисобот даврида Марказий Комитетнинг ўн бир Пленуми бўлиб ўтганлиги кўрсатилди, Пленумлар мунтазам чақириб турилди ва улардаги муҳокамалар ишчанлик, ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Шу вақт ичида Сиёсий бюронинг 236 мажлиси бўлди, Сиёсий бюронинг фаолияти КПСС XXV съезди ҳамда МК Пленумлари қарорларини амалий тарзда бажаришнинг муҳим нуқталарига, ички ва ташқи сиёсатнинг янги ҳодисаларига қаратилди. Марказий Комитет секретариати 250 мажлис ўтказди. Партия ҳаётининг ҳамма кундалик масалалари, аввало — кадрлар танлаш, ижрони ташкил этиш ва текшириш масалалари унинг назар-эътиборида бўлди.

Партиямизнинг демократизми унинг органлари сайланиб қўйилиши, ҳисоб бериб бориши, алмашиб туришида тўла намоён бўлади. Ҳисобот ва сайловлар — КПСС, бутун совет халқи ҳаётида йирик сиёсий воқеадир. Коммунистлар активлигининг ўсганлигини, уларнинг ўз бошланғич ташкилотлари ва умуман партия ишлари учун юксак жавобгарлигини КПСС XXVI съезди олдидан бўлиб ўтган ҳисобот сайлов кампанияси ҳам намойиш этди. Йиғилишлар, конференциялар ҳамда съездларнинг қатнашчилари сайланиб қўйилган партия органлари фаолиятини талабчанлик билан баҳоладилар, камчиликлар ва нуқсонларни танқид қилдилар, кўпдан-кўп қимматли таклифлар айтдилар. Бу ўринда шуни таъкидлаш муҳимки, партиянинг ўз фаолиятини танқидий анализ қилиш қобилияти — партия демократизмининг энг муҳим мезонларидан биридир. Ана шу ижобий тенденцияни бундан буён ҳам бутун чоралар билан чуқурлаштириб бориш керак, барча партия ташкилотларида ўз-ўзини танқид руҳини, камчиликларга муросасизлик руҳини қарор топтириш зарур, деб кўрсатди КПСС XXVI съезди.

Съездда партия демократик ҳаётининг партия ички ахбороти сингари ажралмас элементи тўғрисида ҳам гап борди. Буни доимо такомиллаштириб бориш зарур, чунки партия ташкилотлари ишида ошкоралилик — бу партиянинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашнинг таъсирчан воситасидир.

Меҳнаткашларнинг хат ва таклифлари — партиянинг омма билан жонли алоқасининг жуда муҳим воситасидир. КПСС XXVI съездининг хатлар билан ишлаш тўғрисидаги кўрсатмалари партиямиз Марказий Комитетининг яқинда қабул қилган «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш соҳасидаги тадбирлар тўғрисида»ги қарорида конкрет ифодасини топди. Ана шу ҳужжатнинг мазмунига мувофиқ равишда ҳар бир партия ходими, ҳар бир раҳбар гражданларнинг хатлари, илтимослари ва шикоятларига сезгирлик ва эътибор билан муносабатда бўлишни ўзининг халқ олдидаги, партия олдидаги бурчи деб билиши керак.

Партия ички ҳаётини янада такомиллаштириш КПСС раҳбарлик ролининг ошиб бориши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, жамият ҳаётининг ҳамма томонларига партиявий раҳбарликни юксалтиришга қаратилгандир. Фақат шундай бир шароитдагина КПСС XXVI съезди ишлаб чиққан бош йўлни амалга оширишда муваффақият қозониш мумкин. Съезд экономика соҳасида социал вазифаларни ҳал этиш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун пойдевор, актив ташқи сиёсат юритиш учун пойдевор солиниши ҳамда совет жамиятининг коммунизм сари муваффақиятли ҳаракат қилиши учун зарур шароитлар яратилишига асосланиб, халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш партия билан давлат бутун фаолиятининг ўзагидир, деб кўрсатди.

Халқ фаровонлигини ўстириш саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш негизида амалга оширилади. Шуни таъкидлаш лозимки, миллий даромад ўсишининг камида 85—90 процентига меҳнат унумини ошириш ҳисобига эришиш белгиланган, меҳнат унуми 17—20 процент кўпаяди. Оғир индустрия, аввало ёқилғи-энергетика базаси, қора ва рангли металлургия анча ривож топади, транспорт комплекси тубдан такомиллаштирилади, халқ хўжалигига солинадиган капитал маблағлар ҳажми кўпаяди, қурилиш сифати яхшиланади.

Белгиланган марралар мавжуд проблемаларни ҳал қилишга жуда жиддий ва принципиал ёндашишни, халқ хўжалигидаги танг жойлар ва номутаносибликларни бартараф этишни, камчиликлар билан кескин кураш олиб боришни талаб қилади. КПСС XXVI съезди совет кишисининг қўли ва ақл-идроки билан ишлаб чиқилган, бунёд этилган жамики нарсалардан уддабуронлик билан тўла фойдаланишга ундайди. «Экономика тежамли бўлиши керак — замоннинг талаби шундай»— ўрток Л. И. Брежневнинг бу сўзлари партия иқтисодий сиёсатининг ўзагини белгилаб беради. Социалистик мусобақанинг ривожланиши, илғор тажрибани ёйиш замиридаги катта-катта имкониятлардан ҳам яхшироқ фойдаланиш керак. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини фан ва техниканинг илғор марраларига олиб чиқиш, экономикани, ижтимоий ҳаётнинг барча бошқа соҳаларини бошқариш методлари ва системасини такомиллаштириб бориш, социалистик хўжалик юритишнинг бутун механизмини яхшилаш зарур.

Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун — бу партиянинг ўзгармас программавий талабидир. Съезд якдиллик билан тасдиқлаган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларда халқ фаровонлигини янада ошириб боришнинг кенг кўламдаги программаси мавжуддир. Ўн биринчи беш йилликда

аҳоли жон бошига реал даромадларни 16—18 процент, ижтимоий истеъмол фондларидан тўловлар ва имтиёзлар миқдорини — 20 процент кўпайтириш кўзда тутилган. 530—540 миллион квадрат метр уй-жой қурилади. Илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият янада ривож топади. Озиқ-овқат программасини амалга оширишга, аҳолини саноат моллари билан таъминлашни яхшилашга алоҳида эътибор берилади.

КПСС XXVI съезди партияни совет сиёсий системасини янада ривожлантиришга йўналтирди. Социалистик давлатчиликни, демократия ва ҳуқуқ тартиботини, халқ контроли системасини бундан буён ҳам такомиллаштириш, меҳнаткашлар оммасини жамият ишларини бошқаришга янада кенгроқ жалб этиш, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари ишини яхшилаб бориш зарур. Съезд жамият ҳаётида ишчилар синфининг роли ошиб бориши, ишчилар билан деҳқонларнинг социал аҳволидаги тафовутларни бартараф этиш, зиёлилар меҳнатининг аҳамияти нафақат фан, маориф, маданият соҳасида, балки шу билан бирга ишлаб чиқаришда ҳам юксалиб боришини, миллатлар ва элатларнинг мустаҳкам бирлигини таъкидлар экан, партиянинг социал-синфий структурани ва миллий муносабатларни ривожлантириш соҳасидаги вазифаларини белгилаб берди. Съездда социалистик турмуш тарзининг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлашга, янги кишини шакллантиришга жуда жиддий эътибор берилди. Партиянинг халқаро сиёсати масалалари ҳам катта ўринни эгаллади, бу сиёсатнинг асосий мақсади — совет халқига унинг олдида турган бунёдкорлик вазифаларини ҳал этиш учун ташқи шарт-шароитни таъминлаш, ер юзидаги ҳар бир инсонга унинг энг биринчи ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини таъминлашдир.

Ана шу барча проблемаларни ҳал этиш — фақат ўн биринчи беш йилликнинг эмас, балки кейинги беш йилликларнинг ҳам ишидир. Ҳозир коммунистларнинг, барча совет кишиларининг куч-ғайрати КПСС XXVI съезди ишлаб чиққан жамиятимизни янада ривожлантиришдан иборат бош йўлни турмушга оширишга қаратилгандир. Шу боисдан съезднинг партиявий раҳбарлик услуби ва методларини янада такомиллаштириш масалалари соҳасидаги кўрсатмалари бутун партия учун, бутун халқ учун улкан аҳамиятга моликдир. Энг муҳими ленинча нормалар ва талабларга кун сайин ва оғишмай риоя қилишдир.

Съезд партиявий раҳбарликнинг ҳал қилувчи нуқталарига эътиборни тортди. Бу аввало республика, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия ташкилотларининг роли ҳамда масъулиятини оширишдир. «Ҳар бир партия ташкилоти ишида қимматли, ибратли нарсалар оз эмас,— деб таъкидланди КПСС МҚнинг партия XXVI съездига Ҳисобот докладида.— ...Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида деҳқончилик ва илғор практиканинг илмий системасини жорий этиш соҳасида партия ташкилотлари олиб бораётган ишларнинг кучайганлиги туфайли... Ўзбекистон пахта далаларининг меҳнаткашлари катта-катта муваффақиятларга эришдилар».

Республикада партиявий раҳбарликнинг аҳволи ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг Ўзбекистон Компартияси XX съездида қилган докладида ҳар тарафлама анализ қилинди. Съезд республика партия ташкилоти олдига партиявий иш услуби, методларини бундан буён ҳам такомиллаштириб бориш, унинг савиясини бугунги кундаги юксак талабларга мувофиқ ошириб бориш вазифасини қўйди.

Агар ҳар бир партия ташкилоти ўз участкасида барча резервлардан фойдаланса, ҳамма соҳада тегишли тартиб ўрнатса, бутун мамлакат ишлари ҳам илгарилаб кетади. Бошланғич партия ташкилотларининг коммунистик қурилишнинг катта-катта ва хилма-хил вазифаларини ҳал этишда биринчи даражали роль ўйнашининг боиси шунда. Ҳамма масалаларда улар кўпроқ принципиаллик кўрсатишлари, партиявий

йўлни қатъият билан ўтказишлари, ўзларининг маъмурият фаолияти ёки аппарат иши устидан назорат қилиш ҳуқуқларидан яхшироқ фойдаланишлари керак.

Кишиларни танлаш ва ижрони текшириш — партиявий раҳбарликнинг ўзагидир. Ўтган беш йилликда раҳбар кадрларнинг сифат состави ва уларни жой-жойига қўйиш, улар малакасини ошириш янада яхшиланди. Халқ хўжалиги мутахассислари партия ишига фаолроқ кўтарилди. Уларнинг сиёсий тайёргарлигини ошириш, уларга зарур кўникмалар ва тажриба ҳосил қилишларига ёрдам бериш лозим. Кадрларнинг пухта резервини вужудга келтириш йўлини давом эттириш, масъул лавозимларга хотин-қизларни кўпроқ кўтариш керак.

Қабул қилинган қарорлар ижросини текшириш партиянинг диққат марказида бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Буни яхшилаш юзасидан кўп ишлар қилинди, лекин шуни ҳисобга олиш керакки, кўпгина партия ташкилотлари ишида ижрони текшириш ҳали ҳам танг жой бўлиб қолмоқда. Бир қатор партия ташкилотлари ишида пухта контрол системасининг йўқлиги, раҳбарликда қоғозбозлик услуби хўжалик фаолиятида муқаррар равишда камчиликларга сабаб бўлади.

Съезд идеология, сиёсий-тарбиявий иш соҳасида масъулиятли вазифалар қўйди. Партия комитетлари, бу соҳада ишловчи кишилар ҳозирги ҳаётнинг янги ҳодисаларини ва ҳолатларини ҳисобга олишлари, пропагандамизнинг улкан имкониятларидан тўлароқ фойдаланишлари керак. Аслида идеология ишининг кўпгина участкаларини қайта қуриш тўғрисида сўз бормоқда. Шунга эришиш лозимки, унинг мазмуни актуалроқ бўлсин, формалари эса ҳозирги эҳтиёжлар ва талабларга жавоб берсин.

Съездда агар партия содир бўлаётган воқеаларни мушоҳада этишга, ҳаётнинг янги ҳодисаларини умумлаштиришга, марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантиришга тегишлича эътибор бермаса, марксчи-ленинчи партия ўз ролини бажара олмайди, деб таъкидланди. Бу вазифа бугунги кунда ҳам ғоятда муҳим вазифа бўлиб қолаверади ва жуда жиддий муносабатда бўлишни талаб қилади.

Бирлик ва жипслик руҳида ўтган КПСС XXVI съездининг бутун иши шундан далолат бермоқдаки, партия ўз фаолиятини доимо Ленин билан муқояса қилиб, ленинча иш тутиб, ўзининг совет халқи авангарди ролини тамомила масъулият билан адо этмоқда, мамлакатимизни коммунистик қурилишда янги ғалабалар сари дадил бошлаб бормоқда. КПСС XXVI съездининг қарорлари — партиянинг ленинча стратегиясидир. КПСС МҚ Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС МҚ секретари ўртоқ К. У. Черненконинг В. И. Ленин туғилган куннинг 111 йиллигига бағишлаб Москвада ўтказилган тантанали мажлисда қилган докладида уқтириб ўтилганидек, ҳозир, XXVI съезддан кейин авж олиб кетган бунёдкорлик ишининг марказида Коммунистик партия — Ленин партияси турибди. КПСС аъзолари ҳамма ерда бошчилик қилган Бутуниттифоқ Ленин шанбалиги чинакам меҳнат байрамига айланди. Бу эса коммунистлар авангардлик ролининг фақат бир кўринишидир, холос. Коммунистлар шу нарсани жуда яхши тушунадиларки, обрў ва таъсир бир йўла ва ҳамишаликка берилмайди. Партия ҳар куни ўзининг ҳар бир қарори билан жамиятга раҳбарлик қилиш ҳуқуқини тасдиқлаб туриши керак. Шунга кўра, КПСС Ленин васиятларига ҳамиша амал қилиб, партиямиз асосчисининг ҳам назарий, ҳам амалий фаолиятига сингиб кетган ижодий ибтидони чуқур идрок этиб, ишда ленинча услуб учун ҳормай кураш олиб бориб, Ленин партияси аъзоси деган юксак номга доғ туширмай жамиятга муваффақиятли раҳбарлик қилмоқда.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИНГ ХАЛҚАРО АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА

Б. ПОНОМАРЕВ,
КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС МК секретари

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди оламшумул-тарихий аҳамиятга молик воқеа, буюк марксизм-ленинизм таълимотининг гавдаланиши ва ривожланиши бўлди. КПСС XXVI съезди — партия, совет халқи, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, бутун прогрессив инсоният ҳаётида ғоят муҳим воқеадир. Советлар Мамлакатини янада ривожлантириш программасини, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш программасини белгилаб берган съезд ишининг бориши ва натижалари партия билан халқнинг, бутун жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди.

Бутун дунё халқларининг диққат-эътибори съездда бўлди. Бу — қонуний, албатта. КПСС XXVI съезди Совет Иттифоқи тарихий ташаббусни ўз қўлида маҳкам тутиб турганлигини кўрсатди. Съезд ҳозирги дунёда жаҳон социализми прогрессив иқтисодий ва социал ролининг мужассамлашуви, социализм билан тинчлик бир-биридан ажралмаслигининг намойиши, революцион кучлар интернационализми ва бирдамлигининг ҳаётийлиги ва зарурлигининг янги ёрқин далили бўлди.

КПСС XXVI съездининг иши, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг янги-янги ғоялар ва хулосаларга бой чуқур мазмунли ва аниқ-равшан доклади; СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихоновнинг доклади ҳамда съезд қабул қилган илмий жиҳатдан асосланган ҳужжат — «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари», съезд ишида чет эл делегацияларининг мисли кўрилмаган миқдордаги (123) вакиллари қатнашганлиги — ана шуларнинг ҳаммаси инсониятнинг социал тараққиёт сари ҳаракатида партиямиз жуда улкан роль ўйнаётганлигини яна бир бор таъкидлади.

КПСС XXVI съезди ишининг асосий ғоявий-сиёсий якуни, съезднинг тарихдаги ўрнини белгилаб берадиган асосий якуни шундан иборатки, жаҳон тараққиётининг, реал социализм ривожининг, барча революцион кучлар ривожининг масъулиятли маррасида, мураккаб ва хавфли халқаро вазиятда Ленин партияси ўзининг коллектив донолигини, ўзининг кўп қиррали тажрибасини, ўз ишини узоқ истиқболни кўзлаб ташкил эта олиш, ҳар бир тарихий босқичда асосий нарсани ажрата билиш ва асосий куч-ғайратни ана шунга қарата билиш қобилиятини яна бир бор намойиш қилди. Партия ички ва халқаро тараққиётнинг муҳим масалаларига чуқур ижодий ва конкрет жавоб бериб, инсоният жамияти ривожининг бош йўналишларида реал социа-

лизмнинг авангардлик ролини ўйнашини янада кучлироқ тарзда тасдиқлаб берди.

Съезд халқлар онгидан тинчлик анжумани сифатида ўрин олади, у империализмнинг уруш оловини ёқиш йўлига тинчликни мустаҳкамлашга, кескинликнинг юмшалишини чуқурлаштириш учун, қуролланиш пойгасини жиловлаш, янги жаҳон урушининг олдини олиш учун курашга қаратилган қатъий, пухта ўйлаб чиқилган ва конструктив позицияни қарама-қарши қўйди.

Съезд эълон қилган совет жамиятининг коммунизм сари бундан буёнги ҳаракатининг перспектив программасини барча мамлакатлар меҳнаткашлари зўр завқ-шавқ билан кутиб олдилар. Улар мазкур программани амалга оширишни ишчилар синфи, кенг халқ оммаси ишининг ишончли таянчи бўлмиш жаҳон социализмининг позицияларини тағин ҳам мустаҳкамлашнинг гарови деб биладилар. Съезднинг «ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун» деган инсонпарварона ғоя билан йўғрилган қарорлари социализмнинг жозибадор кучига куч қўшади. Бу шиор партиянинг ўзгармас программ йўл-йўриғи бўлиб қолади.

Жами мамлакатлардаги тараққийпарвар кишилар Л. И. Брежневнинг доклади фавқулодда муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд қилмоқдалар, унга «коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик хартияси» деб баҳо бермоқдалар. Доклад, съезднинг бутун иши ҳозирги замон проблемаларига марксча-ленинчасига ижодий ёндашиш намунасидир. Ривожланган социализм масалаларини кенг кўламда ва реалистик тарзда, партия билан халқнинг кучига қаттиқ ишонган ҳолда қўябилиш — марксизм-ленинизм назариясига қўшилган янги улкан ҳиссадир. Съезд томонидан жаҳондаги вазиятнинг чуқур ва ҳар тарафлама анализ қилиниши асосида ғоят хилма-хил сиёсий ва ижтимоий кучлар иштирокида жуда ҳам муҳим халқаро проблемаларни муҳокама қилиш авж олиб кетди. Бу ҳол КПССнинг халқаро аҳволга, ижтимоий тараққиётнинг бутун жараёнига тинчлик ва социал тараққиёт манфаатларини кўзлаб юксак даражада таъсир кўрсатаётганлигининг ифодасидир.

I

Бутун жаҳон ўртоқ Л. И. Брежнев докладининг вазмин дадиллик ва асосли оптимизм руҳи билан йўғрилганлигини қайд қилди, докладда партиямиз тинчликнинг тақдири учун масъулиятни тушуниши ифодаланганига юксак баҳо берди. Бу ғоят улкан партиявий ҳужжат партия шуғулланаётган жами хилма-хил масалаларни тўла қамраб олди. Ривожланган социалистик жамиятнинг, коммунистик қурилишнинг муҳим вазифалари тинчлик ва кескинликни юмшатиш учун кураш билан, инсониятнинг энг яхши келажаги учун курашаётган бутун жаҳон кучларининг позицияларини ва олға томон ҳаракатини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғланган ва бир бутун ҳолда кўриб чиқилди.

Съезд арафасида буржуа пропагандаси империализмнинг махсус маҳкамалари зимдан айтиб турган сўздан чиқмай, навбатдаги «улкан ёлғончилик» кампаниясини авж олдириб, СССРни бадном этишга уриниб, унинг иқтисодий ва социал ютуқлари, унинг халқ бахт-садоати ва тинчлик йўлида оғишмай олға томон ҳаракат қила билиш қобилияти хусусида кишиларни шубҳаланишга мажбур қилмоқчи бўлди. Улар айтмаган бемаъни гаплар қолмади: X беш йиллик «барбод бўлган»лиги ҳақида ва совет экономикасининг «кризиси» ҳақида ҳам, Совет Иттифоқининг миллатлари ўртасидаги муносабатларда, социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда «жиддий қийинчиликлар» юзага келганлиги ҳақида ҳам роса оғиз кўпиртиришди, социализмни

қанчадан-қанча фалокатлар кутаётганлиги тўғрисида каромат қилишдики, бундай кулфатларни капитализм иллатларини яхши билган кишиларгина айтиб туришлари мумкин эди. Буржуа пропагандистлари меҳнаткашлар бахт-саодати учун курашга даъват этаётган реал социализм ҳақидаги тасаввурни бузиб кўрсатиш йўлида роса мусобақалашишди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев қайд қилиб ўтганидек, идеология курашининг сезиларли даражада кескинлашганлиги фактдир. «Ғарб учун бу кураш ғоялар курашидангина иборат эмас. У социалистик дунёни барбод этишга, унинг заминини бўшаштиришга мўлжалланган воситаларнинг бутун бир системасини ишга солади... Улар учун энг муҳими — социализмдан кишиларнинг ихлосини қайтаришдир».

КПССнинг XXVI съезди партиянинг совет жамиятини иқтисодий ва социал-сиёсий ривожлантириш борасидаги ишининг умумбашарий аҳамиятини яна бир бор намойиш қилди. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг принципиал жиҳатдан янги ижтимоий-иқтисодий формацияни бунёд этиш ва ривожлантиришга кашшоф сифатида қўшган назарий ва амалий ҳиссаси, КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботида, съезднинг материаллари ва қарорларида умумлаштириб берилган ҳиссаси қолган бутун дунёдаги революцион туб ўзгартишлар жараёнларига таъсир кўрсатади, социализм ва коммунизм сари жаҳоншумул-тарихий ҳаракатга янги бир туртки бўлади.

Съезд улкан қурилиш жараёнида юзага келаётган проблемаларга ленинчасига ёндашди. Марказий Комитетнинг Ҳисобот докладида ўртоқ Л. И. Брежнев очиқ-ойдин мана бундай деди: «КПСС Марказий Комитети совет халқининг чинакам тарихий зафарларига муносиб баҳо берар экан, қийинчиликларни, камчиликларни, ҳал этилмаган проблемаларни ҳам яққол кўриб турибди. Мўлжалланган ҳамма марраларни ҳам эгаллаш имкони бўлмади. Баъзи министрликлар ва корхоналар ўз планларини бажармадилар. Халқ хўжалигида ҳали танг жойлар ва номутаносибликлар мавжуд».

Съезднинг социал-иқтисодий масалалар борасидаги ишининг халқаро аҳамиятини қисқа тарзда якунлашга уриниб кўриладиган бўлса, у қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, съезд *социализмнинг улкан афзалликларини, унинг экономикани миқдор ва сифат жиҳатдан ривожлантириш соҳасидаги доимий зафарларга қобиллигини* ишонарли тарзда кўрсатиб берди. Совет экономикаси ҳамон оғишмай кризисларсиз юксалиб бормоқда. Бизнинг хўжалигимиз «ўсмай туриб қолиш» ҳам, ишлаб чиқаришнинг таназзули ҳам нима эканлигини билмайди. Ўнинчи беш йиллик мобайнида миллий даромаднинг ўртача йиллик даражаси 24 процент ўсди. СССР коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишнинг барча йўналишларида олға томон катта одим ташлади. Совет жамиятининг ишлаб чиқарувчи кучлари сифат жиҳатдан янги даражага эришди. Фан-техника революцияси халқ хўжалигининг кўплаб ишлаб чиқаришлари ва бутун-бутун тармоқлари қиёфасини ўзгартира бориб, ҳам бўйига ва ҳам энига ривожланмоқда. Коммунизмнинг иқтисодий пойдеворини бунёд этишда ва СССРнинг мудофаа қувватини мустаҳкамлашда янги улкан одим ташланди.

Реал социализмнинг ҳужумкор ҳаракати капитализм умумий кризиси чуқурлашиб бораётган бир вазиятда янада улуғворроқ бўлиб кўринмоқда. Сўнгги ўн йиллик мобайнида капитализм ишлаб чиқаришнинг кризис тушкунлигини уч марта бошидан кечирди. 1980 йилда АҚШ ва Англияда миллий маҳсулот мутлақ қисқарди; ривожланган капиталистик давлатларнинг кўпчилигида ишсизлик кескин кўпайиб, 19 миллион кишига етди. Вақти-вақти билан бўлиб турган кризислар-

нинг ҳалокатли таъсирини сезмаётган биронта ҳам капиталистик мамлакат йўқ.

Иккинчидан, XXVI съезд *инсон ҳақида, халқ фаровонлигининг оғишмай ўсиши ҳақида ҳар томонлама ғамхўрлик қилишни ўз иқтисодий стратегиясига асос қилиб олган партиямиз фаолиятининг чуқур тинчлик руҳидаги, бунёдкорлик характерини* бутун инсониятга яна бир бор кўрсатди. X беш йиллик мобайнида халқ истеъмолининг ўртача йиллик даражаси 26 процент, ижтимоий истеъмол фондларининг ўртача йиллик даражаси 34 процент ўсди. Ўртача ойлик иш ҳақи 1970 йилдагига нисбатан деярли 1,4 баравар кўпайди. Ўтган ўн йил ичида 60-йиллар бошидаги жами шаҳар тураржой фонди майдонидан кўпроқ бўлган уй-жойлар қурилди. Чакана нархларни стабил тарзда тутиб туриш борасида партия изчиллик билан ўтказиб келаётган йўл халқимизни инфляция балосидан сақлаш имконини берди. Мана ярим асрдирки, совет кишилари ишсизлик кулфатлари нима эканлигини билмайдилар.

XI беш йилликда халқ фаровонлигини ўстиришга янада катта эътибор берилади, бу партия иқтисодий стратегиясининг асосий йўналишидир. Бу ҳол қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ва аграр-саноат комплекси барча тармоқларини ривожлантириш негизида озиқ-овқат программасини ишлаб чиқишда ҳам, «Б» группасини «А» группасининг ўсишига қараганда бирмунча илдамроқ ўстиришда ҳам, мамлакатимизда оғир саноатнинг анъанавий тармоқлари ҳозирдаёқ халқ истеъмол қиладиган ноозиқ-овқат молларининг ярмидан кўпроғини ишлаб чиқараётганлигида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Бутун дунё кўриб турибдики, совет коммунистлари халқ фаровонлигининг оғишмай ўсишини таъминлашни ўзларининг биринчи навбатдаги бурчлари деб билмоқдалар, меҳнаткашларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш борасидаги тадбирларнинг ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Бу эса социализмнинг энг улкан афзалликларидан бири бўлмиш идора этувчи партия билан халқнинг бузилмас бирлиги ишига хизмат қилади.

КПССнинг фаолияти капиталистик мамлакатлар буржуа партиялари ва ҳукуматларининг иқтисодий сиёсатидан кескин фарқ қилади. Яқинда АҚШда социал эҳтиёжларга: маориф, уй-жой қурилиши, соғлиқни сақлашга, қарияларга пул, ишсизларга нафақа беришга сарфланадиган маблағларни анча қисқартиш мўлжалланган халқ манфаатларига зид программа илгари сурилди. Англияда консерваторлар ҳукумати меҳнаткашларнинг турмуш даражасига ҳужум қилиб, уларни илгари қўлга киритилган социал ютуқлардан маҳрум этишга интилмоқда, касаба союзларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама чеклашга уринмоқда. Айни чоқда ҳарбий-саноат комплексига бериладиган маблағлар ва буюртмалар кўпайтирилмоқда. Капитализм мамлакатларида инфляция мисли кўрилмаган кўламга ёйилди. Сўнгги ўн йилликда нарх-наво ўрта ҳисобда 2,3 баравар ошди. Барча ривожланган капиталистик мамлакатларда аҳвол ана шундай. Меҳнаткашларнинг аҳволи тобора оғирлашмоқда. Синфий кураш тобора кескинлашиб, капиталистик тузум асосларини ларзага келтириш хавфини туғдирмоқда.

Учинчидан, КПСС XXVI съезди кўрсатиб берганидек, совет халқи *инсоният дучор бўлган ғоят мураккаб жаҳоншумул проблемаларни:* энергетика, табиатни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза этиш проблемаларини *чинакам ҳал қилиш* намунасини кўрсатмоқда. Капитализм планетанинг минерал бойликларини, унинг ичишга яроқли сув ресурслари ва соф ҳавосини исроф қилишга, ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсини маҳв этишга, ана шу ресурслар кўпчилигининг ўрнини тўлдириш мумкин эмаслиги билан ҳисоблашмасликка ўрганиб қолган. Социа-

лизм эса энергияни, ёқилғи, хом ашёни тежашга табиат инсонга инъом этган жами неъматларни эҳтиёт қилишга қаратилган юксак инсонпарварона программани илгари сурди ва амалга оширмоқда.

Энергетика проблемасини ҳал қилиш йўллари — яққол мисолдир. Партия ёқилғи сифатида нефтнинг салмоғини камайтириш, уни газ ва кўмир билан алмаштириш, атом энергетикасини, шу жумладан жадал нейтронлар асосида ишлайдиган реакторларни тез ривожлантириш, принципиал жиҳатдан янги энергия манбаларини излаш йўли билан ёқилғи-энергетика баланси структурасини анчагина яхшилашни кўзда тутувчи программани илгари сурди.

Улуғвор вазифалар! Аммо совет халқи уларнинг амалга ошишига қаттиқ ишонади, чунки партия фан-техника тараққиёти негизида социалистик тузумнинг жуда катта резервлари ва имкониятларидан фойдаланишнинг оптимал, энг тўғри йўлини белгилаб бераётганлигини кўриб турибди.

Тўртинчидан, совет халқининг бунёдкорлик фаолияти *бутун социализм дунёсининг иқтисодий қудратини мустаҳкамлайди.* Қудратли ва кўп қиррали, амалда универсал саноат потенциалига эга бўлган Совет Иттифоқи бошқа социалистик мамлакатларга хилма-хил ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик асосида амалий ёрдам кўрсатмоқда. КПСС МҚ Ҳисобот докладида кўрсатиб ўтилганидек, кейинги йилларда социалистик мамлакатлар бунёдкорлик вазифаларини мураккаблашган шароитда ҳал этмоқдалар. Жаҳон иқтисодий конъюнктурасининг ёмонлашуви, нарх-навонинг кескин тарзда кўтарилиши, кескинликни юмшатиш жараёнига тўғаноқ солиниши, империализмнинг қуролланиш пойгасини мажбуран ўтказиб келаётганлиги ўз таъсирини кўрсатди. Капиталистик давлатлар иқтисодий алоқалардан кўпинча сиёсий тазйиқ воситаси сифатида фойдаланишга уринадилар. Шу боисдан социалистик иқтисодий интеграция, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик янада каттароқ роль ўйнамоқда.

Социализм мамлакатларининг ишлаб чиқариш ва фан-техника кооперацияси борасида эришган ютуқлари шубҳасиздир. Шу билан бирга ҳаётнинг ўзи бир вазифани — планларни координациялашни бутун иқтисодий сиёсатни келишиб олиш билан тўлдириш вазифасини қўймоқда. Съездда шу нарса таъкидландики, экономикани интенсив ривожлантиришга ўтиш, йирик социал программаларни амалга ошириш— бу фавқулодда мураккаб проблемалар бўлиб, уларни ҳал этиш узоқ вақтни ҳамда тинмай ижодий изланишларни талаб қилади. Айни чоқда диққат-эътибор ҳар бир қардош мамлакат социализм қурилишининг конкрет проблемаларини ҳал этишнинг хилма-хил ижобий тажрибасига ўз ҳиссасини қўшаётганлигига қаратилди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида социалистик мамлакатларнинг бир-бирлари тажрибасидан фойдаланишлари тобора муҳим бўлиб бораётганлиги таъкидланди. Совет коммунистлари олдига қардош мамлакатларнинг ютуқларини, ишлаб чиқаришни ташкил этишда, халқ хўжалиги проблемаларини ҳал қилишда улар қўлга киритган барча қимматли ва ибратли ташаббусларни диққат билан ўрганиш ва кенг қўлланиш вазифаси қўйилган.

Бешинчидан, КПСС XXVI съездида *Ер юзида биринчи марта қурилган ривожланган социализм назариясига,* унинг қонуниятлари ва хусусиятларини очишга *янги катта ҳисса* қўшилди. «Ривожланган социалистик жамият,— деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев,— коммунистик формация биринчи фазаси доирасида янги тузум социал-иқтисодий етуклигининг қонуний поғонасидир. Бу, В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, батамом мустаҳкамланиб олган социализм бўлиб, коммунизмга аста-секин ўтиш ана шундан бошланади. Бизнинг мамлакатимизда социализм ривожланишининг худди ана шундай босқичига эришилди».

XXVI съезд *ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш*, иқтисодий ўсишнинг *интенсив типига* ўтишни тугаллаш заруратини чуқур ва атрофлича асослаб бердики, бундай ўсиш ривожланган социализмга жуда ҳам монанддир. Бунинг маъноси шуки, маҳсулот ўсимининг аксар қисми меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш ҳисобидан амалга оширилиши лозим. Асосий эътибор сифат кўрсаткичларини яхшилашга, барча ишлаб чиқариш ресурсларини — меҳнатни, асосий фондларни, ёқилғи ва хом ашёни, дала ва фермалар маҳсулотларини тежашга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, совет экономикасини бошқариш механизмини тағин ҳам такомиллаштиришга қаратилмоқда.

Гап ўн миллионларча меҳнаткашларнинг иқтисодий проблемаларни ҳал этишга янгича ёндашишни ўзлаштиришларига эришиш, хўжалик ва партия раҳбарларининг, асосан экстенсив ривожланиш шароитида шаклланган фан-техника кадрларининг ишчанлик психологиясини қайта қуришга эришиш ҳақида боради. Съезд шуни қайд қилдики, СССР халқ хўжалигини интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш ўз тарихий аҳамияти жиҳатдан мамлакат қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган *социалистик индустриялаш каби ғоят чуқур туб ўзгартиш билан бир қаторда* туради. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш коммунистик қурилишда, жаҳон социализмининг халқаро позициялари ва обрў-эътиборини мустаҳкамлашда янги-янги истиқболлар очиб беради.

Самарадорликни ошириш амалда қандай маънони билдиришини мана бундай мисол кўрсатиб турибди. XI беш йилликда миллий даромаднинг анчагина ўсишига капитал маблағлар ўсими нисбатан суст борган бир пайтда эришилиши лозим. Бутун меҳнаткашлар оммасининг улкан ижодий изланиши, ишдаги ташаббускорлиги, барча партия ташкилотларининг катта ва моҳирона ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий иши талаб этилади.

Юксак даражада ривожланган социализмнинг объектив эҳтиёжи бўлмиш ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ана шу маънода ҳам ушбу ижтимоий-иқтисодий формация ривожининг муайян босқичида умумий аҳамиятга эгадир. Коммунистик мўл-кўлчиликка бундан бошқача йўл билан эришиб бўлмайди.

Бу борада ҳам социализм билан капитализм ўртасида чуқур жарлик, катта тафовут бўлиб, капитализм дунёсида меҳнат унумдорлигини ва интенсивлигини ошириш ҳамма вақт капитал эгаларининг кўпроқ фойда олишни таъминлашга интилишига бўйсундирилган ҳамда меҳнат аҳлини эксплуатация қилишни кучайтириш орқали эришилади, миллион-миллион меҳнаткашлар аҳволининг ёмонлашуви хавфини туғдириб туради. Монополияларнинг фан-техника тараққиёти меваларидан фойдаланиши билан бир вақтда ишсизликнинг янада кўпайиши, инфляциянинг кучайиши, қимматчилик бўлиши ва меҳнаткашлар учун оғир оқибатларга олиб келувчи бошқа иллатларнинг мавжудлиги факт-ку, ахир.

Олтинчидан, съездда совет жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичида унинг социал ривожланишининг муҳим белгилари ва қонуниятлари очиб берилди. Етук социалистик жамиятнинг социал ривожланиши капитал дунёсидаги вазиятни белгиловчи бир-бирига душман синфлар кучларининг тўқнашуви йўли билан эмас, синфий антагонизмлар орқали эмас, балки барча синфлар ва социал группалар ўртасидаги муҳим тафовутларнинг аста-секин йўқолиши орқали кечади.

Партиямиз съездининг реал тажрибани жамловчи ана шу хулосаси умумпринципиал аҳамиятга молик бўлиб, биттагина социалистик мамлакат доирасидан четга чиқади. Маълумки, айрим жойларда идора қилувчи партияни социалистик мамлакатда социал сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ҳал қилувчи таъсир кўрсатишдан маҳ-

рум этишга, мазкур сиёсатни «плюралистик» кучларнинг машъум эркин ўйини предметига айлантиришга қаратилган концепция мавжуддир. Бундай концепцияларни қабул қилиш янги жамият ривожини унинг яшаши учун хавфли бўлган тебранишлар ва иккиланишларга маҳкум этиш деган маънони билдиради. Бу ҳол социалистик йўлдан четга олиб чиқиб кетган, социализм идеалларини амалга оширишдан қайтарган бўлур эди.

Бунда шуни таъкидлаш муҳимки, синфий тафовутларнинг йўқолиб бориши ишчилар синфининг бутун аҳоли оммаси ичида эриб йўқолиб кетиши йўли билан эмас, балки барча меҳнаткашларнинг ишчилар синфи ғоявий-сиёсий позицияларига ўтиши йўли билан содир бўлади. Ишчилар синфининг революцион идеологияси ва ахлоқи, унинг коллективчилик психологияси, унинг манфаатлари ва идеаллари эндиликда совет жамияти барча қатламларининг бойлигига айланмоқда.

КПСС XXVI съезди *янги инсонни шакллантириш билан боғлиқ бўлган* вазифаларнинг муҳимлигини таъкидлади. Бунда КПСС айнан бир хилдаги шахсларни бир «андоза» билан бичиб чиқаришни ўз вазифаси деб билмайди, ваҳоланки, буржуазиянинг кишини лақиллатувчи, унинг дид ва эҳтиёжларини капиталистик монополияларнинг реклама борасидаги зўр беришларига боғлиқ қилиб қўювчи бутун «оммавий маданияти» ана шунга қаратилгандир. Бунинг аксича, ривожланган социализм ҳар бир индивидда мавжуд бўлган барча ижодкорлик сарчашмаларини бемалол ривожлантириш учун моддий ва маънавий имкониятлар яратиб беради. КПССнинг социал-иқтисодий, маданий сиёсати, марксизм-ленинизм асосида тарбиялаш ана шу мақсадга эришиш учун тобора кенг ва мустаҳкам объектив ҳамда субъектив шарт-шароитларни таъминлаб боради.

КПСС XXVI съезди уқтирганидек, синфлар ўртасидаги тафовутларнинг йўқолиши синфсиз жамиятнинг онгли меҳнатчиларини шакллантиришни таъминловчи социал сиёсат олиб боришни тақозо этади ва шунинг учун ҳам ҳар бир социал группанинг хусусиятлари ва манфаатларини жуда катта диққат-эътибор билан ҳисобга олишни талаб қилади. Бинобарин, мазкур вазифа жуда самарали тарзда бажарилиши учун партиямиз барча тадбирларни кўрмоқда.

Еттинчидан, КПСС XXVI съезди *етук социализм сиёсий тузумининг, социалистик демократиянинг ривожланишидаги янги босқичга* баҳо берди. *Бу жиҳатдан СССРнинг янги Конституциясини қабул қилиш жуда катта аҳамиятга молик бўлди.* Конституцияда бизнинг умумхалқ давлатимизнинг чуқур демократизми жамулжам ифодасини топди. Конституция совет жамиятининг иқтисодий, социал ва маънавий ҳаётидаги энг муҳим ўзгаришларни фақат акс эттирибгина қолмай, балки совет демократиясини янада авж олдиришнинг асосий йўналишларини ҳам: гражданларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда тобора кенг иштирок этиши; жамоат ташкилотлари активлигининг ошиши; халқ контролининг кучайиши; ошкораликнинг кенгайиб бориши, жамоатчилик фикрининг доимо ҳисобга олиниши ва бошқаларни ҳам белгилаб берди.

КПСС XXVI съездига тайёргарлик кўришнинг ўзи ва унинг иш жараёни чинакам социалистик демократизмнинг ана шу ўзига хос белгисини яққол намойиш этди. Партия съезди тасдиқлаган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари партия ташкилотларида фақат кенг муҳокама қилиш натижасигина бўлиб қолмай, балки улар умумхалқ демократик жараёнининг якуни бўлди, бу жараёнда ҳам КПСС аъзоларидан, ҳам партиясизлардан ўн миллионларча совет кишилари қатнашдилар.

Давлат ва жамоат ишларини ҳал қилишда жамиятнинг ҳамма группалари учун, ҳар бир киши учун иштирок этиш реал имкониятла-

рини амалда кенгайтириш — бу социалистик демократиянинг буржуа демократиясидан туб тафовутларидан биридир. Капиталистик давлат, гарчи қонунда кенг ҳуқуқларни эълон қилса ҳам, реал воқеликда жамиятнинг айрим аъзолари у ёқда турсин, ҳатто халқнинг кўпчилигини, бутун-бутун синфларни мамлакат сиёсатини белгилаш имкониятидан четлаштириб қўяди.

Саккизинчидан, КПСС XXVI съезди *социалистик жамиятнинг раҳбар ва раҳнамо кучи бўлган Коммунистик партиянинг тобора кучайиб бораётган ролини* яна бир марта намойиш қилди. Ленин кўрсатганидек, партия учун ўзини авангард деб эълон қилиш кифоя эмас — авангард сифатида иш кўриш ҳам лозим. Хўш, амалда бунинг маъноси нима? Бунинг маъноси ҳамма вақт омманинг олдида бориш, барча меҳнаткашларга зарур, ҳаётий муҳим проблемаларни ҳал этиш йўлларини кўрсатиб бериш, ривожланиш истиқболларини аниқ тасвир қилиш ҳамда уларга эришишнинг тўғри, самарали воситаларини илгари суриш, омманинг овозига сергаклик билан қулоқ солиш ва уни ўз орқасидан эргаштириб бора билиш демакдир. Партиянинг халқ оммасига бош бўлиб ва унинг манфаатларини кўзлаб изчил иш олиб бориши, ҳаётбахш марксизм-ленинизм таълимотига таяниши мамлакатимизнинг оғишмай коммунистик қурилиш йўлидан олға томон ҳаракат қилишини таъминлайди. Марксизм-ленинизм бузилган, унинг интернационалистик моҳияти чиқариб ташланган жойда тўғридан-тўғри социалистик революция ютуқларини йўқ қилиш хавфи туғилади. Катта-катта сиёсий масалаларни ҳал қилишдаги хатолар ва янглишишлар, омма билан алоқаларни бўшаштириб қўйиш, бюрократизм ва волюнтаризм кўринишларига қарши курашга етарлича баҳо бермаслик ҳам социализм ишига зарар келтиради, ҳатто социалистик давлат асосларини хавф остига қўювчи кризис ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин.

Социализмнинг техникавий-иқтисодий базаси ривожланган сари сиёсий устқурма такомиллашиб бориши лозим. Ривожланган социализм босқичида партия фаолиятида ғоявий-тарбиявий иш тобора катта роль ўйнайди. Мамлакатимизнинг коммунизмга аста-секин ўтиш йўлидан ривожланиб бориши барча гражданлардан янада юксакроқ ғоявийликни, сиёсий онглиликни, Ватанга, социализм ишига янада кўпроқ содиқликни талаб этади. Л. И. Брежнев съездда келтирган КПСС сафларидан чиқарилган кишилар миқдорини кўрсатувчи рақамлар ғоявий-сиёсий тарбия борасидаги тадбирларни амалга оширишнинг муҳимлиги ва кечиктириб бўлмаслигини таъкидлайди.

Марксчи-ленинчи партия, агар у содир бўлаётган ҳамма воқеаларни мушоҳада этишга, ҳаётдаги янги ҳолатларни умумлаштиришга, марксча-ленинча назарияни ижодий ривожлантиришга тегишлича эътибор берса, ўз ролини бажара олиши мумкин. Бизнинг партиямиз ҳаммавақт, шу жумладан ҳисобот даврида ҳам худди шу тарзда иш тутди. «Назария соҳасида қилинган ишлар орасида,— дейилади ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида,— аввало ривожланган социализм концепциясининг ишлаб чиқилганлигини кўрсатиб ўтиш керак... Жаҳон социализмининг тажрибасини анализ қилиб, жаҳон революцион жараёнининг қонуниятларини очиб берадиган асарлар яратилди. Халқаро ишчилар ҳаракатининг тарихи, капитализм умумий кризисининг ҳозирги босқичи ва давлат-монополистик капитализмнинг ривожига доир тузук тадқиқотлар бор. Ҳозирги халқаро муносабатларни ўрганиш соҳасида жиддий қадамлар қўйилди. Хуллас, кўп иш қилинди ва бу иш тақдирлашга сазовордир».

XXVI съездда умумпартиявий ва халқаро аҳамиятга молик бўлган яна бир йирик масала қўйилди. Гап амал қилиб турган партия Программасига зарур ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида боради. Умуман олганда у ижтимоий тараққиёт қонуниятларини тўғри акс

эттиради. Аммо у қабул қилинган пайтдан буён ўтган йигирма йил ичида СССРда социалистик ва коммунистик бунёдкорликнинг катта тажрибаси тўпланди, умуман бутун жаҳон тараққиётида йирик ўзгаришлар содир бўлди. Ана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш зарур. КПСС Программасининг янги редакцияси устида иш олиб бориш марксча-ленинча назарияни тағин ҳам ижодий ривожлантириш учун қудратли стимул бўладики, бу совет халқи манфаатларига ҳам, бутун дунё халқлари манфаатларига ҳам мосдир.

Шундай қилиб, XXVI съезднинг социалистик тузумни ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш борасидаги ишининг қайси бир жиҳатини олиб кўрмайлик, бу жиҳатларнинг ҳаммаси жуда катта халқаро аҳамиятга ҳам моликдир, уларнинг ҳаммаси КПССнинг жаҳон революцион процессига, жаҳон тараққиётига қўшган янги ҳиссасини ташкил этади.

2

Кейинги вақтлардаги бирон-бир шундай ҳужжатни кўрсатиш қийинки, у ўзи пайдо бўлган пайтдан эътиборан *халқаро сиёсий ҳаётга* ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездидаги докладичалик бевосита таъсир кўрсата олган бўлса. Тинчликни мустаҳкамлаш, кескинликнинг юмшалишини чуқурлаштириш, қуролланиш пойгасини жиловлаш тадбирларининг съездда ишлаб чиқилган ва съезд якдиллик билан маъқуллаган программаси халқаро миқёсда ғоят катта акс садо берди. СССРнинг ташқи сиёсат борасидаги янги-янги ташаббуслари бутун халқаро вазиятнинг ривожланишида яхши томонга бурилиш учун шарт-шароит яратиб беради.

Тинчликсевар жамоатчилик совет таклифларининг кенг кўламини, уларнинг янгилиги ва конкретлилигини қайд этиб, СССРнинг халқаро ҳаётдаги кескинликни камайтиришга, уни кескинликни юмшатиш изига қайтаришга, уруш хавфини камайтиришга интилишига юксак баҳо берди.

XXVI съезд арафасида планетамизнинг тинчликсевар кучлари Америка империализмининг, АҚШ ва НАТО агрессив доираларининг кескинликнинг юмшалишини дафн этишга, қуролланиш пойгасининг янада хавфлироқ бўлган янги топқирини бошлаб юборишга уринишлари муносабати билан тобора кўпроқ ташвиш чека бошладилар. АҚШ, унинг ҳарбий-саноат комплекси «совет ҳарбий хавфи» ҳақида, халқаро терроризимга «СССРнинг алоқадорлиги» ва бошқалар ҳақида асоссиз мишмишлар тарқатиб, яна дунёда ҳукмронлик ролини ўйнашни даъво қила бошладилар. Монополияларнинг малайлари бўлмиш маънавий қашшоқ қаламкашлар АҚШнинг янги сиёсий раҳбарларининг иғвогарона чиқишларига жавобан «найзага қарши найза ишлатиш» йўли эълон қилинади деган хом хаёлга берилдилар. Бундай ҳол уларга кескинликнинг кучайиши учун жавобгарликни СССР зиммасига юклаш имконини берган бўлур эди. Совет тинчлик ташаббусларининг қудратли бўрони остида бундай ниятлар пучга чиқиб, худди қоғоздан ясалган омонат уйдек қулади.

XXVI съезд вайроналик келтирувчи салбий концепцияларга ҳамда «иккинчи совуқ уруш» йўлини ўтказиб келаётган кучларнинг ҳаракатларига қарама-қарши тарзда бутун инсониятнинг манфаатлари ва орзу-умидларига жавоб берувчи тинчликни ҳимоя қилишдан иборат конкрет платформани илгари сурди. *«Ҳозир партиямиз, халқимиз учун, қолаверса, планетадаги барча халқлар учун,*— деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев,— *халқаро майдонда тинчликни сақлаб қолишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ».*

Ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, унча-мунча нуфузли

бирoнта ҳам сиёсий партия, биронта ҳам сиёсий арбоб ҳозирги пайтда, ўртоқ Л. И. Брежнев илгари сурган ташаббусларга нисбатан ўз позициясини белгилаб олмасдан туриб, кураша ва ҳаракат қила олиши мумкин эмас.

«Сизлар — совет халқи ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси,— деди АҚШ Компартиясининг Бош секретари ўртоқ Гэс Холл съезддаги ўз нутқида,— тинчликка қаратилган ўз ишингиз билан, тинчлик ва кескинликни юмшатиш учун курашга қўшаётган ўз тарихий ҳиссангиз билан ҳамма вақт фахрланишингиз мумкин. Сизлар инсониятга урушдан ва ядро фалокатидан ҳоли бўлишдек бебаҳо инъом бахш этмоқдасизлар. Сизларнинг тинчлик ишига муросасиз, собитқадам ва мардонавор садоқатингизсиз бизнинг планетамиз ҳозирги кунда жонсиз ядро култепасига айланиб қолган бўлур эди. Ҳа, социализм — бу чиндан ҳам бутун башариятнинг нажоткоридир».

XXVI съезднинг ташқи сиёсат борасидаги ташаббусларининг хусусиятлари, яъни бу ташаббусларни замонамиз халқаро ҳаётининг марказига қўйган хусусиятлари нималардан иборат?

Биринчидан, бу уларнинг ўз вақтида бошланган ташаббуслар эканлигидир, уларнинг юзага келган вазиятдан келиб чиқувчи эҳтиёжларга айнан мослиги, момент талабларига батамом мувофиқлигидир. Кескинликнинг юмшалишига қарши турган кишиларнинг урушталаб нутқлари ва хатти-ҳаракатлари кенг ёйила борган сари милитаристик васвасанинг лойқа оқими йўлига қудратли тўғаноқ солиш объектив зарурати тобора кескинроқ бўлиб борди. Жаҳон термоядро можароси хавфини кучайтирувчи кампанияга бас кела оладиган самарали куч барпо этиш XXVI съезднинг қарорларига боғлиқ эди. Съезднинг ташқи сиёсий программаси, илгари сурилган таклифлар комплекси, ана шу программанинг бутун қатъий оҳанги ва конструктив характери ана шундай қарама-қарши кучни бунёд этди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини ҳаққоний суратда «уруш васвасасининг тобора қоронғилашиб бораётган оқшомидаги қудратли ёруғ нур» деб аташди. Гўё Совет Иттифоқининг сиёсати ҳозирги кескинликнинг манбаи бўлди деб тўқилган ёвуз уйдирма гаплар барбод бўла бошлади. КПСС Марказий Комитети Ҳисобот докладининг бамайлихотир, дадил, вазмин характери Вашингтонда ва НАТОда қурол ялангғочлаш ҳукм сурган бир вазиятда айниқса ёрқин ва ижобий таассурот туғдирди. Агрессив кучлар қароргоҳида СССРнинг тинчликсевар программаси, шоҳидларнинг гувоҳлик беришича, саросима туғдирган бўлса, барча тинчликсевар кучлар доираси, реалистик фикр юритувчи арбоблар, уларнинг ўз сўзларига кўра, тинчликнинг тақдиридан кўнгиллари тўқ бўлиб, ўзларини енгил сездилар.

«XXVI съезд ташвишга тушиб қолган дунёга умид бахш этди», «Оптимизмнинг ҳужуми», «Очиқ-ойдин сиёсат ва реализм» — жаҳон матбуотининг съезд ҳақидаги хабарларининг типик сарлавҳалари ана шундай эди. Совет Иттифоқи инсоният олдида яна бир бор XX аср охиридаги гуманизмнинг асосий идеаллари деб аташ мумкин бўлган таклифларни кўтариб чиқди, деб қайд қилинди.

Иккинчидан, жаҳон жамоатчилиги *КПССнинг халқларни ядро уруши хавфи остидан олиб чиқиш, Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш йўлидаги собитқадам, изчил аҳд-паймонини* қайд этмоқда. «Кишилар онгига,— дейилади ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида,— гўё ядро уруши чекланган характерга эга бўлиши мумкин, деган фикрни сингдирмоқчи, уларни бундай урушга йўл қўйиш мумкинлиги ҳақидаги фикрга кўндирмоқчи бўладилар. Аммо бу халқларни тўғридан-тўғри алдашку, ахир! Америкача тушунчага кўра, «чекланган» ядро уруши, айтайлик, Европада аввал бошданоқ Европа цивилизациясининг муқаррар ҳа-

лок бўлишини билдирадику. Қўшма Штатларнинг ўзи ҳам уруш алангаларидан четда қола олмайди, албатта».

КПСС ядро урушини бошлаб юбориш режаларини қатъиян қоралаш билан бир вақтда ҳарбий соҳада устунликка эришиш йўлидаги уринишни ҳам қатъиян қораламоқда. «Қуролланиш пойгасида бир-бирини енгишга уриниш, ядро урушида ғалабага умид боғлаш — жуда хавфли бемаъниликдир»,— деди ўрток Л. И. Брежнев. Ер юзида тинчликка интилаётган барча соф виждонли кишилар, шу жумладан коммунистик дунёқарашдан йироқ кишилар ҳам бундай баҳога қўшилмоқда.

XXVI съезднинг ташқи сиёсат борасидаги ташаббуслари *бутун дунёдаги тинчликсевар кучларнинг фаолияти кучайиши учун қудратли стимул* бўлди. Ғарбда турли сиёсий партиялар ўртасида ҳамда ана шу партиялар ичида ташқи сиёсат масалалари бўйича кураш активлашди. Съездда айтилган салмоқли далиллар миллий хавфсизлик ва тинчликни сақлаш манфаатларига амал қилиб янги америка ракеталарини ва нейтрон қуролини Ғарбий Европа мамлакатларида жойлаштиришга қарши курашаётган кишиларнинг позицияларини мустаҳкамлайди.

Коммунистик ва ишчи партиялар, меҳнаткашларнинг оммавий ташкилотлари КПСС XXVI съездининг ташқи сиёсий программасига кескинликнинг юмшалишини чуқурлаштириш ва қуролсизланиш учун кенг халқ ҳаракатини авж олдиришларида ўзлари учун катта мадад деб қарамоқдалар. «СССРнинг қуролланиш пойгасини тўхтатиш фойдасига хизмат қилувчи тобора янги-янги ташаббуслари ва, энг аввало, сизларнинг съездингизда ўрток Л. И. Брежнев илгари сурган ташаббуслар,— деди съезд минбаридан туриб Франция Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари ўрток Гастон Плиссонье,— меҳнаткашларнинг, халқларнинг ва тинчликнинг манфаатларига мосдир».

Социал-демократик партияларнинг бир қанча арбоблари, КПСС XXVI съезди илгари сурган тинчлик ташаббуслари Американинг янги маъмурияти илҳомлантириб турган консерватив милитарист кучларга қарши курашга мадад бўлади, деб қайд қилмоқдалар. Англия лейбористлари Совет Иттифоқининг янги тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватловчи махсус резолюция қабул қилдилар. ГФРда социал-демократларнинг каттагина қисми ва Эркин-демократик партиянинг баъзи бир арбоблари совет таклифларига ижобий баҳо бердилар. Германия социал-демократик партиясининг раиси В. Брандт Л. И. Брежнев докладида қолдирган таассурот ўтган ойларда гўё Шарқ билан Ғарб ўртасидаги қуролланиш пойгасининг янги босқичи мутлақо муқаррардир деб муттасил даъво қилиб келган кишиларнинг нуқтаи назарини рад қилиб ташлади, деб қайд этди.

«Ҳозирги замон социал-демократияси,— дейилади ўрток Л. И. Брежневнинг докладида,— сиёсий жиҳатдан анча салмоқлидир. У халқларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш учун ва аввало тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро вазиятни соғломлаштириш учун, фашизм ва ирқчиликка зарба бериш учун, реакциянинг меҳнаткашлар сиёсий ҳуқуқларига тажовуз қилишига зарба бериш учун бундан ҳам кўра кўпроқ ишлар қилиши мумкин эди». Съезднинг юксак минбаридан туриб социал-демократиянинг роли хусусида айтилган фикрлар — бу, шубҳасиз, социал-демократик партиялар раҳбар арбобларининг ҳам, оддий аъзоларининг ҳам жиддий фикр-мулоҳаза юритишлари учун асосдир. Социал-демократиянинг катта-катта имкониятлари ҳам, унинг тинчлик иши ва халқлар хавфсизлиги учун улкан тарихий масъулияти ҳам яна бир бор таъкидлаб ўтилди. *Ҳозирги асрда коммунистлар инсониятни янги қирғин урушларидан халос этиш учун, тинчликни қутқариб қолиш учун биргаликда курашиш ниятида социал-демократларга яна бир бор қўл узатмоқдалар.*

Учинчидан, шуни қайд қилиш муҳимки, *Совет Иттифоқи ядро урушининг олдини олиш вазифаларини ҳал этиш йўллари ва воситаларини излашда ғоят пухта иш тутмоқда.*

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг уруш хавфини бартараф этиш, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун янгидан қўшимча равишда куч-ғайрат кўрсатиш ҳақидаги таклифлари жуда кенг кўламда акс садо берди. Ҳукуматларга, кенг халқаро жамоатчиликка саккизта чуқур асосланган, реалистик таклифлар тақдим этилдики, бу таклифлар халқаро муносабатларнинг барча энг актуал жиҳатларини қамраб олади ҳамда кескинликнинг юмшалишини янгидан, иккинчи топқир жонланиб кетишига қаратилгандир.

КПСС МК Ҳисобот докладида ифодаланган АҚШ билан музокара олиб боришга шайлик, бу борада ҳал қилувчи нарса — энг юқори даражадаги раҳбарларнинг учрашувлари эканлиги ҳақидаги мулоҳаза ғоят кенг кўламда маъқулланди. СССРнинг тинчликсеварлик руҳидаги таклифлари ҳамда жаҳон жамоатчилик ҳаракатининг бу таклифларни қўллаб-қувватлаётганлиги Американинг ҳукмрон доиралари олдига икки имкониятдан бирини: ё ана шу таклифларга ижобий ёндашиш, ёки бутун дунё олдида халқларнинг умид-орзуларини менсимаётганликларини, уруш оловини ёқувчилар сифатида турганликларини кўрсатиш имкониятини танлаб олиш мажбуриятини қўйди.

Совет тинчлик ташаббуслари тинчликни мустаҳкамлашдан ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор бўлган мамлакатлар Совет Иттифоқидан иборат изчил иш тутувчи шерикка эга эканликларини тасдиқладики, унинг сиёсати ўзининг стабиллиги ва ишончлилиги билан ажралиб туради. Мазкур ташаббуслар барча соҳаларда яхши ниятнинг ифодаси деб баҳоланмоқда.

Янги совет тинчлик ташаббусларининг кўп планлилиги, комплекс характери муҳим аҳамиятга молик. Улар амалда дунёнинг барча регионларига, «оташли нуқталар» деб аталувчи барча жойларга дахлдор бўлиб, энг хавфли халқаро низоларни ҳал этиш ва уларнинг олдини олишда тўғри йўлни кўрсатиб беради. Бунда гап фақат мавжуд низоларни бартараф этиш йўллари ҳақидагина эмас, балки ўзига хос бир халқаро профилактика ҳақида ҳам боради. Бу Яқин ва Ўрта Шарққа ҳам, Форс кўрфази зонасига ҳам, Узоқ Шарққа ҳам, Африка Жанубига ҳам тааллуқлидир.

Совет Иттифоқининг ишонч ҳукмронлик қилувчи зоналарни кенгайтириш ҳақидаги таклифлари, кўпгина кузатувчиларнинг фикрига кўра, Мадриддаги учрашувга «йўл очиб бериш» учун ҳамда айниқса АҚШнинг ва уни қўллаб-қувватлаётган мамлакатларнинг Европада ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш масалалари бўйича Конференция чақиришга қарши қаратилган бузғунчилик йўлини бартараф этиш учун яхши асос бўлиб хизмат қилади.

Ғарбий Европа мамлакатларида урушга қарши кайфиятлар кучайди. Америка Қўшма Штатларининг ўзида ҳам шовинизм тўлқини остида бир маҳал эзилиб қолган кескинликни юмшатиш сиёсати учун курашаётган доиралар жонланди. Бир қатор кўзга кўринган арбоблар Совет — Америка музокараси ғоясини фаол қўллаб-қувватламоқдалар. Улар XXVI съезд платформасининг ижобий руҳини таъкидламоқдалар.

«Нью-Йорк таймс» каби буржуа газетасининг 17 мартдаги чиқиши бу жиҳатдан характерлидир: «Конгресс муҳокамасига жуда катта ҳарбий бюджет қўйилди... Ана шуларнинг ҳаммаси қатъий ташқи сиёсий масалалар очиқ қолаётган бир пайтда содир бўлмоқдаки, бу масалаларга жавоб келгуси йилларда кўп нарсаларни белгилаб беради. Ҳарбий аравача миллий хавфсизлик отининг олдига қўйилган. Москвани

қувиб ўтишга уриниб, биз илгариги қудратимизни қўлга киритишимиз мумкин, деб ўйлаш ғоят хавфлидир».

СССР тинчликсевар таклифларининг бутун комплекси «совет ҳарбий хавфи» ҳақидаги ёлғон афсонанинг ишонарли раддияси бўлиб хизмат қилади. Дарҳақиқат, шу қадар улуғвор тинч бунёдкорлик программасига, иқтисодий ўсиш, халқ фаровонлигини ошириш программасига эга бўлган мамлакат — тинчликни мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун катта-катта таклифларни илгари сураётган ҳамда ана шу таклифлар учун фаол курашаётган мамлакат — ана шундай мамлакат тинчликни хоҳламаслиги мумкин эмас. Унга қуролланиш пойгаси ҳам, халқаро кескинлик ҳам даркор эмас, у экспансия ва қуролли тўқнашувлардан эмас, балки бошқа давлатлар билан ўзаро фойдали ва кенг кўламдаги ҳамкорликдан манфаатдордир.

Совет тинчлик ташаббусларини озодликка чиққан мамлакатларда ҳам кенг кўламда маъқуллаб қарши олдилар. Совет Иттифоқининг низоли вазиятларга, янги халқаро иқтисодий тартибга, қўшилмаслик ҳаракати ва бошқаларга нисбатан аниқ ва равшан позициясининг аҳамияти таъкидлаб ўтилмоқда. Озодликка чиққан ёш мамлакатларнинг вакиллари мазкур мамлакатлар халқлари тинчликни, *стабил шароитда* янги жамият қуриш имкониятини истайдилар, деб уқтирмоқдалар. Улар совет таклифларини худди ана шу йўлда қўйилган қадамлар деб қутламоқдалар.

Аммо *тинчлик душманлари қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ ҳамда бутун кучларини ишга солиб совет таклифларининг моҳиятини бузиб кўрсатишга,* уларнинг кенг халқ оммаси учун жозиба кучини сусайтиришга, конфронтация йўлини бундан буён ҳам олиб боришга *уринмоқдалар.* Совет Иттифоқи гўё кескинликнинг юмшалиши учун қандайдир «ҳақ» тўлаши керак деган бемаъни бачкана ғоя илгари сурилмоқда. СССРдан халқларнинг озодлик кураши билан бирдам бўлишдан воз кечишни талаб қилишмоқда. Дастлабки шартларнинг ҳатто бир каталоги ҳам тузилмоқдаки, бу шартларсиз АҚШ музокаралар столи теварагига ўтирмас эмиш, «куч ишлатиш позицияси»ни мустаҳкамлаш ниятида ҳамон қурол-яроғлар кўпайтириб борилмоқда.

Империалистик доиралар совет таклифларига ҳеч қандай позитив таклифни қарама-қарши қўяолмай, лекин бу таклифларни, омманинг кучли норозилигига сабаб бўлиши туфайли, дабдурустдан рад ҳам эта олмай, бўҳтондан иборат сийқа даъволарни такрорлайверишдан ва ўзлари аллақачон ҳаёт барбод этган «совуқ уруш»нинг исботсиз қоидалари ботқоғига ботиб қолганликларини кўрсатувчи даъволарни қўйишдан бошқа дуруструоқ нарса ўйлаб топа олмадилар. Бу хилдаги тасаввурлар ҳозирги дунёнинг реаллигидан тамомила узоқ эканлиги ҳақида, СССРга нисбатан ядро шантажи методини ишлатишга қайтиш мақсадини қўювчи йўлнинг нақадар истиқболсиз эканлиги ҳақида батафсил гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Империалистик марказлар найрангларининг ва пропагандистик ҳийлаларининг хавфини менсимаслик ҳам ярамайди, албатта. Аммо «совуқ уруш» тарафдорлари қандай ҳийла-найранг ишлатмасинлар, улар тарих жараёнини ўзгартишга қодир эмаслар. Ҳозирги дунёда социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши ва ҳамкорлик қилишига қарама-қарши қўйиладиган оқилона альтернатива йўқ.

КПСС XXVI съезди тугаши ҳамоно партия ва Совет давлати съезднинг тинчликсевар ташаббусларини амалга ошириш борасида халқаро майдонда фаол иш бошлаб юбордилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев кўп давлатларнинг раҳбарларига мактуб юбориб, уларда диққат-эътибор Совет Иттифоқининг жуда муҳим таклифларига қаратилдики, бу таклифларнинг маъноси конфронтация ботқоғига, халқаро кескинликни

кучайтириш ботқоғига ботиб қолишни тўхтатиш, қуролланиш пойгасига барҳам беришга, кескинликнинг юмшалишини мустаҳкамлашга йўл очишдан иборатдир.

Совет тинчлик ташаббусларининг кучи шундаки, улар ҳозирги замон жамияти тараққиётининг объектив жараёнларига, дунёдаги кучларнинг реал нисбатига таянади. Дунёнинг демократик жамоатчилиги доираларида, совет коммунистларининг съездларида Ленин замонидан буён халқаро ҳаёт чуқур илмий анализ қилиб берилмоқда ҳамда кейинчалик тарихнинг бутун бориши тасдиқлаб бераётган салмоқли, аниқ хулосалар чиқарилмоқда, деб таъкидламоқдалар. КПССнинг халқаро стратегия ва тактикаси мураккаблашиб бораётган халқаро аҳвол шароитида тўғри йўл кўрсатувчи компасдир.

Ҳозирги жамиятнинг чуқур жараёнлари ҳам, иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий потенциалларнинг юзага келган нисбати ҳам, ғоявий кураш ривожининг тенденциялари ҳам шундайки, тинчликсевар кучларнинг иродаси ва куч-ғайрати тегишлича сафарбар этилган тақдирда, улар жипслашган тақдирда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, кескинликнинг юмшалиш самараларини асраш ва кўпайтириб бориш мумкин бўлади. XXVI съезднинг ташқи сиёсий программаси худди ана шунга мўлжалланган ва КПСС халқаро сиёсатининг бутун инсоният учун ғоят улкан, ҳаётий аҳамияти ҳам худди ана шундан иборат.

3

Яқинда бутун дунё Вашингтондан «тинчликка қараганда муҳимроқ нарсалар бор» деган масъулиятсиз баёнотни зўр ташвиш билан эшитди. КПСС XXVI съезди айниқса термоядро қуроли мавжуд бўлган бир пайтда тинчлик — бебаҳо бойлик эканлигига асосланди. Бизнинг давримизда тинчликни ҳимоя қилиш — фақат ҳар бир кишининг эмас, балки бутун инсониятнинг ҳам энг муқаддас ва бирламчи ҳуқуқини — яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш демакдир. Тинчлик, ўртоқ Л. И. Брежнев съезддаги ўз якунловчи нутқида айтганидек,— инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳасидаги тараққиётнинг ҳал қилувчи шарти ҳамдир. Тинчлик социалистик мамлакатлар халқларига — ўз бунёдкорлик режаларини амалга ошириш учун, озодликка чиққан мамлакатларга—ўз миллий мустақилликларини мустаҳкамлаш ва мустамлакачиликнинг иқтисодий ҳамда социал меросини бартараф этиш учун, капитал мамлакатлари меҳнаткашларига — уларнинг ҳаётий манфаатларига ва ҳуқуқларига милитаристик реакция қилаётган тажовузларга муваффақият билан зарба бериш учун, барча халқларга — энг яхши келажак йўлида курашиш учун, инсоният цивилизациясини қутқариб қолиш учун керак.

Айни вақтда социал тараққиёт кучларининг ўсиши, уларнинг тобора яқиндан бир-бирига кўмаклашуви ва жипслашуви — уруш хавфига қаршилик кўрсатишнинг энг муҳим омилидир. Ер юзида мустаҳкам тинчликни барқарор этиш учун халқлар бир-бирларини тушунишлари, уруш хавфи қаердан пайдо бўлаётганлигини аниқ билиб олиш, қуролланиш пойгаси ташаббускорларини яккалаб қўйиш зарур. Барча халқларнинг куч-ғайрат кўрсатиши, уларнинг озодлик ва мустақиллик учун курашлари билан, меҳнаткашлар барча табақаларининг инсон қадр-қиммати учун, ўз ҳаётий манфаатлари учун курашлари билан маҳкам боғланган куч-ғайрат кўрсатиш натижасида тинчликни қўлга киритиш мумкин.

Тинчлик, миллий озодлик ва социал тараққиёт учун курашнинг оғишмай кенгайиб бораётганлиги — замонамизнинг характерли белгисидир. Бу курашнинг йўллари ва формалари турлича. Аммо унинг конкрет намоён бўлишининг жами хилма-хилликлари замирида битта уму-

мий объектив сабаб — халқларнинг янги жаҳон урушига йўл қўймасликка ғоят қатъий аҳд қилганлиги, кишиларнинг яхши ҳаётга бўлган истак-интилиши, ҳар қандай қарамликка, зулмга, эксплуатацияга барҳам беришга, ижтимоий тараққиёт йўлини танлаб олиш эркинлигини ҳимоя қилишга интилиши ётади.

Жаҳон социализми, энг аввало *социалистик ҳамдўстлик* ҳозирги замон революцион процессининг энг қудратли, энг нуфузли кучидир. У Ер юзида тинчликнинг асосий таянчи сифатида ҳам майдонга чиқмоқда.

Социалистик ҳамдўстлик — бу:

— *иқтисодий жиҳатдан* мамлакатларнинг жуда шитоб билан ривожланаётган группаси;

— *сиёсий жиҳатдан* — бу давлатлар ўртасидаги тарихда мисли кўрилмаган муносабатлар типига — тўла тенг ҳуқуқлилик ва ҳар тарафлама қардошларча ўзаро ёрдам муносабатлари типига асосланган иттифоқдир;

— *социал жиҳатдан* бунда синфий тафовутларни ва социал нотенгликнинг ҳамма турларини бартараф этиш соҳасида, миллий масалани ҳал қилиш, кишиларнинг турмуш даражасини кўтариш, шахснинг уйғун камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш соҳасида чиндан ҳам ғоят муҳим вазифалар ҳал қилинади;

— *халқаро жиҳатдан* — бу даврнинг асосий тинчликсевар кучи ва тинчлик ҳамда халқлар хавфсизлиги барча ҳимоячиларининг таянчидир.

Ўтган давр, дейилади ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида, Варшава Шартномаси Ташкилотининг ва унинг Сиёсий маслаҳат комитетининг фаолияти Европа ишларида ва умуман бутун халқаро ишларда нақадар нуфузли ва олижаноб роль ўйнаётганлигини ишонарли қилиб кўрсатиб берди.

КПСС XXVI съезди социалистик ҳамдўстлик жипслигининг жуда катта намойишига, унинг кучи ва ҳаётийлигининг ишонарли далилига айланди. Съезд — жаҳон социализмининг муштарак позицияларини мустаҳкамлаш мақсадида, бутун дунёда тинчлик бўлиши мақсадида — УИЁК ва Варшава Шартномасига кирмаган социализм мамлакатлари билан бир-бирини тушуниш ва ҳамкорлик қилишни янада чуқурлаштиришни ёқлаб чиқди.

Жаҳон революцион процесси оқимида социализмга интилувчи давлатларнинг, социалистик тараққиёт йўлини танлаб олган мамлакатларнинг муваффақият билан ривожланиши давом этмоқда. КПСС XXVI съезди уларнинг жаҳон сиёсатидаги ролига фақат юксак баҳо бериб-гина қолмай, балки мазкур давлатлар ривожининг муштараклиги ва ўзига хослигини характерловчи процессларнинг социал-сиёсий моҳияти хусусида муҳим назарий хулоса ҳам чиқарди. Кейинги 10—15 йил ичида дунёнинг ана шу зонасида янги йирик сиёсий куч — революцион-демократик партиялар юзага келди. Кўп мамлакатларда улар идора қилувчи партиялар бўлиб қолдилар. Революцион-демократик, миллий-демократик партиялар ва ҳаракатлар тобора кўпроқ ўзларининг КПСС-нинг, коммунистик ҳаракатнинг дўстлари ва сафдошлари эканликларини билдирмоқдалар. Қуйидаги факт ибратлидир: КПССнинг XXV съездида ана шундай 19 та партияларнинг вакиллари ҳозир бўлган бўлса, XXVI съездда — 36 вакили қатнашди. Революцион демократия сафларида илмий социализмга интилиш, марксча-ленинча таълимотни, меҳнаткашларнинг авангард партияларини қуришнинг ташкилий ва сиёсий принципларини қурол қилиб олишга интилиш кучаймоқда.

Ана шуларнинг ҳаммаси империалистларнинг бунга қарши қутуриб курашишига сабаб бўлмоқда. Империалистлар содир бўлаётган процессларнинг объектив характерини кўрмайдилар ёки кўришни истамайдилар, уларни қандайдир ташқаридан бўлаётган аралашув натижаси, гўё Москва уюштираётган «халқаро терроризм»нинг маҳсули деб тас-

вирлашга уринмоқдалар. КПСС XXVI съезди ана шу янги туҳматчилик кампаниясига қатъий зарба берди. Кўпгина чет эл делегацияларининг вакиллари АҚШ ҳукмрон доираларининг озодлик курашини «терроризм»га тенглаштиришга уринишларидан ғоят ғазаблангаликларини билдирдилар. Съезд якунлари асосида шу нарса янада яққол кўриниб турибдики, АҚШнинг Советларга қарши навбатдаги кампанияси барча тараққийпарвар ва революцион кучларга қарши қаратилгандир.

КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладида, съезднинг бошқа материалларида, чет эл делегацияларининг нутқларида жаҳон революцион процессининг объектив манзараси кўламдор ва яққол қилиб тасвирланган, ҳозирги босқичдаги унинг характери ва хусусиятларига аниқ, илмий баҳо берилган, унинг тинчлик учун кураш билан чамбарчас алоқаси баён этилган. Тинчлик билан социал тараққиётнинг ўзаро алоқасини бутун ҳозирги замон вазияти, империализмнинг хавфли хатти-ҳаракатлари тақозо этганки, империализм кескинликни зўрайтириб ва қуролланиш пойгасини кучайтириб, социал ва миллий озодлик ишига халақит беришга уринмоқда. Монополиялар, уларнинг одамлари ўз ғаразли мақсадларини ёқлаб, аслини олганда, «уруш ёқасида тутиб туриш»ни қайта тиклашни истайдиларки, бу нарса уларнинг прогрессив режимларни издан чиқариш сиёсатини, шантаж қилиш ҳамда қуролли куч билан «тезда жавоб бериш» сиёсатини ўтказишларини енгиллаштирган бўлур эди.

Реакция кучлари — бу милитаризм ва уруш кучлари эканлигини тарихий тажриба кўрсатиб, ҳозирги вазият эса тасдиқлаб турибди. Бунинг аксича, тараққиёт ва социализм кучлари — бу тинчлик кучларидир. «Уруш хавфи яна юзага келаётган, халқлар устида агрессия ва интервенция хавфи булутлари сузиб юрган бир вазиятда,— деди ўртоқ Фидель Кастро съезд делегатларига мурожаат қилиб,— сизларни вакил қилган Совет Иттифоқи ва унинг шонли Коммунистик партияси яна тинчликнинг таянчи, унинг гарантияси бўлиб майдонга чиқмоқда, империалистларнинг ҳукмронликка бўлган даъволарини амалга ошира олмасликларига ва ўз сурбетлик виқорларига бошқаларни бўйсундира олмасликларига гарантия бўлиб майдонга чиқмоқда».

КПСС съезди муносабати билан компартиялар вакилларининг нутқларида коммунистик ҳаракатнинг тинчликни сақлаш учун ўз масъулиятини кўпроқ англаётганлиги, тинчликнинг асосий кучи бўлган Совет Иттифоқининг халқаро ролини тан олиш ва эътироф этиш, тинчлик учун кураш йўлида жипслашишга интилиш аниқ-равшан намоён бўлди. Шуни қайд қилиш мумкинки, коммунистик ҳаракатда ҳам, революцион демократия орасида ҳам тинчликни сақлаш билан туб социал ўзгартишлар ўртасидаги, давлатларнинг тинч-тотув яшаши билан омманинг демократик ва социалистик мақсадлар учун кураши ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни тушуниш анча чуқурлашди.

Дунёнинг ҳамма еридан келган компартиялар вакилларининг Москвадаги юздан ортиқ нутқлари бутун ҳозирги вазиятга бўлган қарашларнинг юксак даражада бир-бирига мослигидан, ҳаракатнинг муҳим вазифалари чуқур тушунилаётганлигидан далолат бериб турибди. Бу нутқлар компартиялар жуда катта кўпчилигининг марксча-ленинча интернационалистик жипсликка ва ҳаракат бирлигига интилиши ортганлигини акс эттирди.

Коммунистик ҳаракатнинг КПСС МК Ҳисобот докладида баён этилган проблемаларига очиқ-ошкора, принципиал ва пухта ўйлаб ёндашиш ҳам, шубҳасиз, дунё коммунистларининг янада жипслашуви ишига ёрдам беради. Қардош партиялар иш кўраётган шароитлар бир хил эмас, улар мураккаб ва хилма-хил вазифаларга дуч келиб турибдилар, бу эса синфий курашнинг конкрет масалаларини ҳал этишга ёндашишда баъзан мураккаб баҳоларни, тафовутларни келтириб чи-

қаради. Аммо тажриба кўрсатиб турибдики, ана шундай тафовутлар мавжуд бўлган тақдирда ҳам умумий синфий душманга қарши, тинчлик ва тараққиёт учун курашда сиёсий ҳамкорликни кучайтириш мумкин ва лозим. Қолаверса, умумий курашда худди ана шу биргалашиб иштирок этиш — келишмовчиликларни аста-секин бартараф этишнинг энг яхши усулидир. Съезд коммунистлар ўртасида фикрларнинг бир хил бўлмаслигини, «агар бу, албатта, революционерлар билан реформистлар ўртасидаги, ижодий марксизм билан догматик сектантлик, сўлларча авантюризм ўртасидаги принципиал келишмовчиликлар бўлмаса, албатта», бартараф этиш мумкин, деб қатъий ишонч билдирди. Бироқ, равшанки, агар гап марксизм-ленинизмни ревизия қилиш устида, реал социализмга ҳужум қилиш устида борадиган бўлса, бунга зарба бермоқ лозим.

КПСС XXVI съезди партиямизнинг халқлар социал ва миллий озодлиги ишига чексиз содиқлигини, унинг озодлик ҳаракатлари билан бирдамлигини тасдиқлади.

Ўз навбатида, совет коммунистлари, барча совет кишилари курашдаги чет эллик сафдошларининг интернационал бирдамлик интилишларини қадрлайдилар, ундан янги-янги куч олиб турадилар. Съезд ишлаб турган кунларда совет кишилари ва барча мамлакатлар меҳнаткашлари коммунистик ва революцион-демократик партиялар вакилларининг совет коммунистлари билан, мамлакатимиз халқлари билан кенг мулоқотда бўлганликлари каби чиндан ҳам ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлдилар. Москва, Ленинград, Киев, Минск, Ригада меҳнаткашларнинг ўнлаб йиғилишлари ва митинглари чинакам интернационализм намойишига айландики, бу йиғилиш ва митингларда чет эллик съезд меҳмонлари чиқиб сўзладилар. Улар совет радиоси ва телевидениесига, совет ва чет эл матбуот агентликлари, газета ва журналларга совет халқига бўлган ўз қардошлик ҳис-туйғуларини изҳор этиб берган юзлаб интервьюлар бизнинг ишимизни, партиямиз сиёсатини қўллаб-қувватлаётганликларидан далолат бериб турибди.

Дўстларимизнинг бу бирдамлиги совет кишиларига коммунистик қурилиш ва тинчликсевар ташқи сиёсат вазифаларини ҳал этишда ёрдам беради. Коммунистик ва бошқа прогрессив партияларнинг вакиллари антисоветизмга қақшатқич зарба бердиларки, бу икки система ўртасидаги кураш кескинлашган ҳозирги шароитда айниқса муҳимдир. Уларнинг нутқларида мутлақо тўғри фикр, яъни: антисоветизмга зарба бериш — синфий, интернационалистик позициянинг принципиал мезонидир, деган фикр акс этди. Сўзга чиққан кўп кишилар конкрет мисоллар асосида Пекиннинг коммунистик ва бутун революцион-озодлик ҳаракатини барбод этишга қаратилган кирдикорлари хавфли эканлигини кўрсатиб бердилар.

КПСС XXVI съезди пролетар интернационализми «эскириб қолганлиги» ҳақидаги, уни қандайдир «янги» интернационализм билан алмаштириш зарурлиги ҳақидаги гапларнинг мутлақо асоссизлигини яна бир бор кўрсатиб берди. Съезднинг бутун иши, қардош партиялар, революцион-демократик ва бошқа прогрессив партиялар ва ҳаракатлар делегациялари вакилларининг нутқлари — пролетар интернационализмининг ҳаётийлигининг, унинг муттасил бойиб ва ривожланиб бораётганлигининг, унинг тобора янги-янги ижтимоий кучларни «ўз ичига олиб», қамраб олишга қобиллигининг, бу кучлар дунёни революцион тарзда тубдан ўзгартишга фаол қўшилаётганлигининг ёрқин далилидир.

КПСС XXVI съезди партиямизнинг, халқаро коммунистик ҳаракатнинг халқаро обрў-эътиборини, уларнинг дунёда содир бўлаётган жараёнларга таъсирини янада юқори даражага кўтарди, коммунистик ҳаракатнинг ҳозирги замондаги бошқа революцион ҳаракатлар билан алоқаларини ривожлантиришга ёрдам берди.

Тинчлик ва тараққиёт учун курашувчиларнинг кучи — коммунистларнинг, революцион ҳаракат барча оқимларининг бирлигида, жипслигидадир.

Миллион-миллион кишилар онгида КПСС XXVI съездининг ғоялари ўртоқ Л. И. Брежневнинг номидан ажралмасдир. Унинг жуда катта партия ва давлат тажрибаси, унинг социализм ва тинчлик ишига чексиз садоқати, унинг илмий коммунизм назарияси ва практикасига қўшган ижодий ҳиссаси, коммунистик ҳаракат ва халқаро сиёсатнинг муҳим вазифаларини ҳал этишнинг тўғри йўли ва воситаларини белгилаб беришдек юксак маҳорати, партиянинг сиёсий ва идеологик вазифаларига ленинча ёндашиш билан, коллективизм ва ишчанлик билан, омма талаб-эҳтиёжлари ва фикрига сезгирлик билан қулоқ солиш руҳи билан йўғрилган бутун иш услуби — Ленин типидаги арбобнинг барча ана шу хислатлари КПСС XXVI съездининг ишига ва қарорларига тўла-тўкис ўз таъсирини кўрсатди.

Шундай қилиб, умумий хулоса чиқарамиз.

Бевосита сиёсий таъсир кўрсатиши маъносида XXVI съезднинг аҳамияти энг аввало шу билан боғлиқки, ҳозирги мураккаб, кескин халқаро вазиятда у КПССнинг тинчликни кўзлаб ҳамма чораларни кўришга бўлган истак-иродасини аниқ-равшан ва қатъий қилиб ифода этди. Съезд илгари сурган ташқи сиёсат программаси КПСС XXIV ва XXV съездлари Тинчлик программасининг давоми ва ривожлантирилиши бўлиб, ҳозирги замоннинг энг қизғин масаласи бўлмиш инсониятни термоядро урушидан қутқариш масаласини ҳал этишда янги-янги истиқболлар очиб беради. Съезд ана шу программани ўртага қўяр экан, халқларнинг тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мумкинлигига бўлган умидини ифодалади.

Тарихий жиҳатдан узоқ муддат учун XXVI съездининг аҳамияти шундан иборатки, у янги ижтимоий тузум, Ер юзидаги тинчлик ва тараққиётнинг ҳал қилувчи омили бўлган социализмни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлларини белгилаб берди. Съезд реал социализмнинг тарихий ғалабаларини, унинг капиталистик тузумга нисбатан сиёсий ва маънавий устунлигини ишонарли қилиб намойиш этди. Съезд қарорлари келажакка қаратилган, бу қарорлар олға томон, меҳнат аҳлининг буюк мақсади — коммунизм сари йўл солиб боради.

Ғоявий-назарий жиҳатдан съезднинг аҳамияти шундан иборатки, у марксча-ленинча таълимотни коммунистик қурилиш ва жаҳон революцион жараёнининг ҳозирги босқичи билан боғлиқ бўлган янги баҳолар ва хулосалар билан бойитди. Съезднинг иши тинчлик ва социал тараққиёт учун курашаётган барча кучлар интернационализмининг, жанговар бирдамлигининг ёрқин намойиши бўлди. Съезд коммунистик ҳаракат жипслигини, унинг бошқа революцион ва тараққийпарвар кучлар билан иттифоқини мустаҳкамлашга, тинчлик ва инсоният тараққиёти учун бирликнинг зарурлигига бўлган ишончнинг шаклланишига кўмаклашди.

КПСС XXVI съездининг ғоялари ўн ва юз миллионларча кишиларни янги ҳаёт учун ўз адолатли курашларини давом эттиришга илҳомлантиради. Съезд халқлар оптимизмига катта қувват бахш этди, уларнинг буюк мақсадларга — тинчлик, демократия, миллий мустақиллик, социализмга эришиш мумкинлигига бўлган ишончини мустаҳкамлади.

(КПСС МК журнали «КОММУНИСТ»нинг 1981 йилги 5-сони).

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ПРОБЛЕМАЛАРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРда КПСС АГРАР СИЁСАТИНИНГ САМАРАЛАРИ

Қ. РИЗАЕВ, Ж. МЕДЕТУЛЛАЕВ,
иқтисод фанлари кандидатлари

МАЪЛУМКИ, КПССнинг ҳозирги замон аграр сиёсати партия Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан бошланади. Бу Пленум қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишга ва унинг коммунистик қурилишдаги ролига баҳо беришга янгича ёндашди, бу ҳаётий муҳим тармоқни жадал ривожлантириш йўлларини ҳар тарафлама асослади, колхоз ва совхозлар экономикаси ва моддий-техника базасини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш йўлини тутди. Партия Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан кейин ўтган даврда мамлакат қишлоқ хўжалигининг ривожланишига якун ясаган КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумида таъкидлаб ўтилдики, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тобора барқарор ва динамик характер касб этмоқда, комплекс механизациялаш, химиялаштириш ва мелиорациялаш асосида унинг самарадорлиги ошиб бормоқда, ходимларнинг меҳнатнинг пировард натижаларидан моддий манфаатдорлиги кучаймоқда.

Масалан, Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари — пахтачилик ва шоликорликнинг жадал суръатлар билан ривожланаётганлиги партиянинг ҳозирги замон аграр сиёсати самарали эканлигидан далолат беради. 1964 йилда автоном республикада 227 минг тонна пахта, 25 минг тонна шоли, 1980 йилда эса 430 минг тонна пахта ва 296 минг тонна шоли етиштирилди, яъни уларнинг ялпи ҳосили икки ва ўн икки баравар ортди. Пахта ҳосилдорлиги шу давр ичида гектар бошига 17,9 центнердан 32,1 центнергача, шоли ҳосилдорлиги 18,5 центнердан 48,3 центнергача кўпайди.

Автоном республиканинг асосий қишлоқ хўжалик тармоқларини ривожлантириш вазифаларини амалга оширишда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эгадир. 1965—1980 йиллар мобайнида қишлоқ ва сув хўжалигига 2,3 миллиард сўм сарфланди. Шу даврда Амударёда Тахиатош гидроузели қад кўтарди, магистрал каналлар ва коллекторлар қурилди ва реконструкция қилинди, 160 минг гектар қўриқ ер ўзлаштирилди, янги районлар — Элликқалъа, Қораузоқ ва Бўзатовус районлари ташкил қилинди.

Ана шу рақамлар ва фактлар замирида Қорақалпоғистон партия ташкилоти ва ҳукуматининг партия аграр сиёсатини амалга ошириш соҳасида олиб борган жуда катта ташкилотчилик ва сиёсий иши ётади.

КПСС XXVI съездида кўрсатиб ўтилдики, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, аҳолини озиқ-овқат билан, саноатни эса қишлоқ хўжалик хом ашёси билан узлуксиз таъминлаш мақсадли программа асосида олиб борилиши керак. «...Махсус **озиқ-овқат программасини** ишлаб чиқиш зарур деб топилди,— деди съездда КПСС МҚ Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев.—Бу програм-

ма қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг анча кўпайтирилишини таъминлаши керак. Бу программа қишлоқ хўжалиги билан унинг маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи тармоқларни, албатта, савдони ҳам бир-бирига маҳкамроқ боғлаши лозим. Бошқача қилиб айтганда, бу программанинг ўз олдига қўйган мақсади аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш вазифасини мумкин қадар қисқа муддатларда ҳал этишдан иборатдир».

Тармоқларни ягона план, иқтисодий ва ташкилий асосда кооперациялаш — озиқ-овқат программасини бажаришнинг ишончли йўлидир. Агросаноат комплексларини бошқариш формасининг самарали эканлиги мамлакат барча регионлари, шу жумладан Қорақалпоғистон АССР практикасида синаб кўрилди ва тасдиқланди.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, уй-жой-коммунал, йўл қурилиши билан, тайёрлов органлари, қайта ишлаш саноати, кадрлар тайёрлайдиган муассасалар, илмий-тадқиқот, лойиҳа-қидирув институтлари билан кооперацияга киришади. Аграр секторининг пировард ишлаб чиқариш натижалари улар ўртасида технологик ва иқтисодий алоқалар қандай йўлга қўйилганлигига боғлиқдир.

1965—1980 йилларда автоном республикада қишлоқ хўжалиги билан кооперациялашган тармоқлар ўртасидаги пропорция анча яхшиланди, сув хўжалиги қурилиши бўйича — «Каракалпакирсовхозстрой», «Югкаракалпакводстрой», «Приаралводстрой», «Риссовхозстрой», қишлоқ қурилиши бўйича 12-қурилиш тресги ва «Ресколхозстрой» ташкилотлари барпо қилинди. Сув хўжалиги ташкилотларининг қуввати ҳар йили 25 минг гектарга етказиб шоли ва пахта инженерлик суғориш системаларини оборотга киритишга, уй-жой-коммунал қурилиши ташкилотлари қуввати эса уч минг оилани уй-жой билан таъминлашга имкон беради. Шу даврда қўриқ ерларда 26 совхоз ташкил қилинди. Ўрта бўғиндаги раҳбар кадрларни ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг оммавий мутахассисларини тайёрлашни кенгайтириш учун 16 та янги техникум ва 29 ҳунар-техника билим юрти очилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали, Шомурод Мусаев номидаги Қорақалпоғистон деҳқончилик институти, бир қатор тармоқ илмий-тадқиқот, лойиҳалаш институтларининг филиаллари, шунингдек Т. Г. Шевченко номли Нукус давлат университети кафедралари ўз ишини қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжлари билан маҳкам боғламоқдалар. Ана шу катта тармоқлараро илмий комплекснинг фаолияти деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини муттасил кўпайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ер-сув ресурсларини ўзлаштиришни илмий асослаш ва улардан самарали фойдаланиш вазифасига, пировард натижада Қорақалпоғистон АССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш вазифасига бўйсундирилган.

Автоном республика аграр комплекси пахта, шоли, чорвачилик, қоракўлчилик, паррандачилик ва шаҳар атрофидаги сабзавот-сут комплексига бўлинган. Уларнинг ҳар бири тармоқлараро пропорция олдига ўз талабларини қўяди. Чунончи, ер ўзлаштирилиб, пахта етиштиришнинг кўпайиши пахта тозалаш саноатини жадал ривожлантиришни зарур қилиб қўйди. 1965—1980 йиллар ичида 3 та янги пахта тозалаш заводи қурилди ва ишлаб турган ёғ заводларининг қуввати оширилди. Тайёрлаш ва саноат бўғинлари фаолиятини бошқаришни яхшилаш мақсадида «Каракалпакзаготхлоппром» бирлашмаси барпо қилинди, у 46 та пахта тайёрлаш пункти ва 9 та пахта тозалаш заводини ўз ичига олади. Ҳозир пахта комплекси экин майдонининг катталиги, қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналарининг миқдори, ходимлар сони ва ялпи маҳсулот қиймати жиҳатидан етакчи мавқени эгаллайди.

Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистонда иттифоқ аҳамиятига эга бўлган шоли халқ хўжалик комплекси таркиб топган. Бу ерда шоли экиш

учун 70 минг гектардан зиёд ер ўзлаштирилиб, 1966—1980 йилларда 1 миллион 840 минг тонна шоли етиштирилди, шундан 1,5 миллион тоннаси давлатга сотилди. Бу тармоқ жадал суръатлар билан ривожланмоқда: шоли ялпи ҳосилининг йиллик ўсиши 30—35 минг тоннани ташкил этади. Ҳозир Қорақалпоғистон АССР шоли ҳосилдорлиги бўйича мамлакатда шоли экадиган 13 район орасида олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Шоликорлик юқори рентабелли тармоққа айланди: шоли экилган ҳар бир гектар ер 1500—1800 сўмлик ялпи маҳсулот, шу жумладан 340—400 сўм фойда беради. Ерни ўзлаштиришга комплекс ёндашиш бу соҳада ҳал қилувчи роль ўйнади, у бир территориал бошқарма доирасида тармоқлараро асосда амалга оширилмоқда.

Автоном республикада шоликорликни ривожлантиришнинг қисқача тарихини эсласак, қуйидаги манзарани кўрамиз. 1962 йилда шоли ҳосилдорлиги гектар бошига 25,5 центнерни, 1963 йилда 24,7 центнерни, 1964 йилда 18,5 центнерни, 1965 йилда 19,5 центнерни ва 1966 йилда 17,8 центнерни ташкил этди. Кўриниб турибдики, ҳосилдорлик ошиш ўрнига пасайиб кетган. Бир центнер шолининг таннархи 38—40 сўмгача кўтарилган ёки харид қилиш баҳоларидан 8—10 сўм юқори бўлган. Ҳар бир гектар инженерлик шоли системаси давлатга 140—150 сўмдан зарар келтирган. 1966 йилда 26 минг тонна шолини реализация қилиш вақтида хўжаликлар 3,5 миллион сўм зарар кўрдилар, бу эса тармоқнинг истиқболлилигига шубҳа туғдирмасдан қўймасди. Ҳамма нарсани ҳам ташкилий давр камчиликлари, тармоқни оёққа турғизиш қийинчиликлари билан изоҳлаб бўлмайди, албатта. Қатор сабаблар бошқаришнинг такомиллашмаганлиги билан боғлиқ эди — шоли комплексининг ҳар бир бўғини ўз министрлигига ёки идорасига бўйсунарди, қурилиш, сув хўжалиги ва бошқа органларнинг фаолиятини бирлаштирадиган ва уйғунлаштириб турадиган ягона орган йўқ эди.

КПСС МК 1966 йил май Пленуми қарорига мувофиқ автоном республикада «Каракалпакирсовхозстрой» территориал бошқармаси ташкил қилинди, бу бошқарма ягона план ва молиявий асосда, барча ишлаб чиқариш бирлиги — кўчма механизациялашган колонналар, совхозлар, заводлар, автокорхоналар учун тўла хўжалик ҳисоби принципида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, капитал қурилиш, шунингдек транспорт, моддий-техника таъминоти, кадрларни тайёрлаш ва инфраструктуранинг бошқа тармоқларини бирлаштирди. Шу тариқа планнинг уюштирувчи ролини кучайтириш, молия ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, иқтисодий стимулларнинг таъсирчанлигини ошириш учун объектив шарт-шароит яратилдики, бу эса дарҳол ижобий натижалар берди. 1967 йилдаёқ, яъни бошқарма ташкил қилинганидан атиги бир йил кейин шоли ҳосилдорлиги гектар бошига 24 центнергача кўпайди. Шоли комплексининг барча бўғинларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари муттасил яхшиланиб борди: агар 1962—1965 йилларда қурилиш-монтаж ишларининг ўртача йиллик ҳажми 9,8 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, 1966—1970 йилларда 20,8 миллион сўмга, 1971—1975 йилларда 31,8 миллион ва 1976—1980 йилларда 48 миллион сўмга етди, бир йилда ўрта ҳисобда оборотга киритилган ер тегишли равишда 1,3, 3,7, 5,2, 8,1 минг гектарни ташкил этди. 1962—1965 йилларда шолини реализация қилишдан хўжаликлар ҳар йили ўрта ҳисобда 1,8 миллион сўм зарар кўрган бўлсалар, 1971—1975 йилларда улар 3,7 миллион сўм, 1976—1980 йилларда 7,7 миллион сўм фойда олдилар.

Шундай қилиб, Амударёнинг қуйи оқимида, жумладан Қорақалпоғистон АССРнинг шимолий зонасида шоликорликнинг юксак самарадорлиги яққол исботланди. Муваффақиятлар ва аниқланган имкониятлар шундай тадбирларни ишлаб чиқишга ёрдам бердики, бу тадбирларнинг бажарилиши натижасида келгусида автоном республикада бир йилда

шоли етиштириш ўрта ҳисобда 1 миллион тоннага етказилади. Бу эса КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми илгари сурган вазифани — ўн иккинчи беш йиллик охирига бориб мамлакат бўйича дон ялпи ҳосилини аҳоли жон бошига бир тоннага етказиш вазифасини амалга оширишга Қорақалпоғистон АССР қўшган ҳиссаси бўлади.

Бу улкан программани бажариш учун Қорақалпоғистонда шоли экиш мақсадида қўшимча 202 минг гектар ер ўзлаштириш, инженерлик шоли системаси умумий майдонини 280 минг гектарга етказиш керак бўлади. Бу эса Қорақалпоғистон АССРда суғориладиган деҳқончилик бутун тарихида қишлоқ хўжалик оборотига киритилган шудгор фондига тенгдир. Қўриқ ерларда 37—40 та янги шоликорлик совхозини ташкил қилиш кўзда тутилади. «Каракалпакирсовхозстрой» бошқармаси ўз корхоналари қувватини кескин кўпайтириши, улар келгуси икки беш йиллик ичида юзлаб миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариши керак. Янги ерларни ўзлаштириш суръатлари ҳозирги даражадан 7—8 баравар юқори бўлади. Шоли комплекси составига бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган қудратли корхоналар ва шоли янчадиган заводлар, шунингдек лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот муассасалари киради. Шоли аграр-саноат қурилиш комплексида автоном республика меҳнатга лаёқатли аҳолисининг деярли ярмиси банд бўлади.

Шундай қилиб, партия аграр сиёсатининг мамлакат озиқ-овқат базасини мустаҳкамлашга қаратилган асосий йўналишини реализация қилишда ва қишлоқнинг социал тараққиётида Қорақалпоғистон АССР халқ хўжалик шоли комплекси катта ўрин тутади.

Халқнинг турмуш даражасини янада кўтариш чорвачиликни интенсив ривожлантиришни талаб этади, у аҳолини қимматли озиқ-овқат билан, саноатни эса хом ашё билан таъминлаши керак. Қорақалпоғистонда чорвачиликни юксалтириш учун кейинги вақтда катта иш қилинди. Гўшт йўналишида 12 чорвачилик ва гўшт-қоракўл йўналишида 8 та қўйчилик совхози, битта чўчқачилик, иккита паррандачилик ва иккита асаларичилик хўжалиги ташкил қилинди. Тармоққа сарфланаётган капитал маблағ йилдан-йилга кўпаймоқда, бу эса уни аста-секин саноат асосига кўчиришни таъминлайди. Беш йилликнинг фақат кейинги икки йили ичида Қорақалпоғистонда 10 та чорвачилик комплекси ишга туширилди.

Бироқ, аҳоли эҳтиёжларини чорвачилик маҳсулотлари билан овқатланишнинг физиологик нормалари ҳажмида қондириш учун автоном республикада йилига камида 80 минг тонна гўшт, 500 минг тонна сут, 200 миллион дона тухум етиштириш зарур. 1980 йилда Қорақалпоғистон АССРнинг ҳамма категориядаги хўжаликларида 20 минг тонна гўшт, 122 минг тонна сут, 42 миллион дона тухум олинди. Бинобарин, республикада ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисобига аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 25—30 процент қондирилмоқда.

Область партия комитети ва Қорақалпоғистон АССР ҳукумати чорвачиликни ҳар томонлама юксалтириш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Чунончи, ўн биринчи беш йилликда чорвачиликка сарфланадиган капитал маблағ икки баравар кўпаяди, ундан тезроқ самара олиш мақсадида маблағнинг талай қисми биринчи навбатда унинг «тез етиладиган» тармоқларини — паррандачилик ва чўчқачиликни ривожлантиришга сарф қилинади. Бу — яқин келажакда бажариладиган вазифадир. Истиқболда эса чорвачилик территориал-ишлаб чиқариш комплекслари доирасида ривожланадики, бу тармоққа раҳбарликни яхшилашга, унинг моддий-техника базасини планли мустаҳкамлашга, юқори ва ўрта бўғин кадрларини, оммавий касб мутахассисларини тайёрлашга имкон беради.

Амударёнинг одоқ ерларида қорамолларни парвариш қиладиган Бўзатовус ихтисослаштирилган зонаси ташкил қилинди, у арзон мол гўшти етиштиришнинг асосий базаси бўлиб қолади. Бу ерда «Приаралводстрой» тресги озуқа экинлари учун ер ўзлаштириш, маданий яйловлар ва пичанзорлар яратиш ишларини амалга оширмоқдалар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали олимларининг тадқиқотларига кўра, бу зона тўла ўзлаштирилганидан кейин сўйилган вазнда 120 минг тоннага етказиб гўшт ва 20 минг тонна йўнғичқа уруғини бериши мумкин.

Қорақалпоғистон қўйчиликни ривожлантириш учун катта имкониятларга эгадир. Яйловларнинг умумий майдони, шу жумладан давлат ер ресурслари автоном республикада деярли 8 миллион гектарни ташкил этади, бу ерлар Қизилқум ва Устюртда жойлашган. Бу районларнинг табиий озуқаси 8 та ихтисослаштирилган қоракўлчилик совхози ва қўйларни бўрдоқига боқадиган бир неча базадан иборат қўйчилик комплексининг ишлаши учун асос бўлиб хизмат қилади. У ҳар йили давлатга 150 минг дона қоракўл тери, 2 минг тонна жун ва 7 минг тонна қўй гўштини етазкиб беради; маҳсулотнинг умумий қиймати йилига 20 миллион сўмдан ошади. Бу комплекс бундан буён ҳам структурани такомиллаштириш, табиий пичанзорларнинг маҳсулдорлигини ошириш, янги хизмат кўрсатадиган бўғинларни яратиш йўналишида ривожланади. Ўн биринчи беш йилликда қўй ва эчкилар сони бир йилда ўрта ҳисобда 6—7 процент ўстирилади.

Қорақалпоғистонда чорвачиликнинг йилқичилик ва туячилик каби анъанавий тармоқларини қайта тиклаш, йилқи ва туяларни ихтисослаштирилган ферма ва хўжаликларда тўплаш назарда тутилади. Бу эса аҳолини гўшт билангина эмас, балки шифобахш қимиз, шуват билан ҳам таъминлаш, уларнинг базасида шифохоналар барпо қилиш имкониятини беради.

Қорақалпоғистон — Ўзбекистонда ўз чегараси доирасида қимматли балиқ турлари билан ном чиқарган денгиз ва кўлларга эга бўлган бирдан-бир региондир. Яқин истиқболда Мўйноқ районида ҳовузда балиқ боқиладиган бир неча хўжалик ташкил қилинади, ҳар йили балиқ етиштириш 10 минг тоннага етказилади.

Қорақалпоғистон АССРда аҳолини сабзавотчилик ва боғдорчилик маҳсулотлари билан таъминлаш учун ҳамма шарт-шароит бор. Автоном республика пойтахти атрофидаги ва районлардаги кўпгина хўжаликлар сабзавот-сут, боғдорчилик-узумчилик йўналишида ихтисослаштирилган. Уларга раҳбарлик қилишни яхшилаш мақсадида «Плодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмаси ташкил қилинган бўлиб, унинг составига Нукус виночилик ва сабзавот консерва заводлари ҳам кирган. Натижада, аҳоли жумладан Нукус аҳолиси хўл ва консерва ҳолида сабзавот, мевалар билан муттасил таъминланмоқда. Яқинда Нукус районида теплица хўжалиги ишга тушди, у умумий овқатланиш системасини қиш даврида хўл сабзавот билан таъминлаб туради. Шаҳар атрофидаги сабзавот-сут комплексининг ҳамма бўғинларини мустаҳкамлаш, биринчи навбатда сабзавот сақланадиган йирик омборлар қуриш кўзда тутилади.

Маълумки, КПСС аграр сиёсатининг энг муҳим вазифаларидан бири қишлоқ аҳолисининг маданий-маиший шароитини яхшилашдан иборат. Партия қишлоқ жойларда шаҳар типидаги обод посёлкаларни барпо этишни бу вазифанинг асосий бўғини, деб ҳисоблайди. Шуни айтиш керакки, Қорақалпоғистонда бу иш 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб кенг кўламда олиб борилмоқда, ўшандан бери 16 посёлка — колхоз ва совхозларнинг марказий усадьбалари барпо этилди. Бироқ, Қорақалпоғистонда қишлоқ аҳолиси (1980 йил 1 июлига келиб) 536 минг кишини ташкил этишини ва у 6 минг хуторда 1,5 минг бошқа

аҳоли пунктларида яшашини, улардан атиги 521 таси истиқболли эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, хуторларни тугатиш ва шаҳар типидаги посёлкаларни қуриш соҳасида автоном республика олдида нақадар муҳим вазифалар турганлигини тасаввур қилиш мумкин.

Қорақалпоғистон АССРда хуторларни тугатиш доимий комиссияси ташкил қилинган, 306 истиқболли посёлка учун қайта қуриш бош планлари тайёрланган. Кейинги беш йил ичида 637 хуторнинг аҳолиси обод посёлкаларга кўчирилди. Ҳозирги вақтда тажриба тариқасида Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз ва Ленинобод районидаги Свердлов номли совхознинг Марказий усадьбаси қурилмоқда. Нукус районидаги ВЛКСМ 50 йиллиги номли совхоз посёлкасини барпо қилганлиги учун «Қаракалпакирсовхозстрой» бошқармасининг қурилиш ташкилотлари Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг II даражали дипломи билан тақдирланди.

КПСС аграр сиёсатининг амалга оширилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини муттасил юксалтиришга ва қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини оширишга имкон беради. 1965 йилдан 1980 йилгача Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг қиймати 219 миллион сўмдан 413 миллион сўмгача кўпайди, совхоз ишчиларининг ўртача ойлик иш ҳақи 66 сўмдан 127 сўмгача, ёки деярли икки баравар ортди.

Аграр сиёсат кўп қиррали бўлиб, узоқ вақтга мўлжаллангандир. У қишлоқ ҳаётининг иқтисодий, социал, маданий ва бошқа томонларини ўз ичига олади. Партия халқ фаровонлигини муттасил ошириш мақсадини илгари сурди ва унга эришиш воситаларини кўрсатдики, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, бутун аграр-саноат комплекси самарадорлигини ошириш вазифаси улар орасида муҳим ўрин тутади.

ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

М. УСМОНОВ

МАЪНАВИЙ БОЙЛИК, ахлоқий поклик ва жисмоний камолотни ўзида мужассамлаштирган янги инсонни вояга етказиш — коммунизм қурилишининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Шу сабабли партия бу вазифани ҳал этишга таъсир қиладиган барча омилларни доимо диққат марказида тутади. Совет кишиларининг бўш вақти самарали ўтишини ташкил этиш ҳам мана шу вазифалар жумласига киради.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига Ҳисобот докладида янги инсонни камол топтириш вазифалари тарбия иши социал-иқтисодий сиёсатнинг мустаҳкам пойдеворига таянган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этилиши уқтириб ўтилди. «Биз шахсни яна ҳам кўпроқ такомиллаштириш учун катта моддий ва маънавий имкониятларга эгамиз, бу имкониятларни бундан кейин ҳам кўпайтираверамиз,— деб уқтирди КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев съезддаги докладида.— Лекин айни бир пайтда шу нарса ҳам муҳимки, ҳар бир киши бу имкониятлардан оқилона фойдалана билиши лозим. Бу нарса эса пировард натижада шахснинг манфаатлари, эҳтиёжлари қандай эканлигига боғлиқ. Мана шунинг учун ҳам партиямиз ана шу манфаат ва эҳтиёжларни бир мақсадга бўйсундирган ҳолда, актив тарзда шакллантиришни социал сиёсатнинг муҳим вазифаларидан бири, деб билади».

Мамлакатимизда шахсни баркамол ривожлантириш учун, меҳнаткашларнинг мириқиб ҳордиқ чиқариши учун шароит яратишга жуда катта эътибор берилмоқда. Ҳозир 135 мингтадан кўпроқ клуб, икки мингтага яқин театр ва музей, 66 мингтадан зиёд спорт зали ишлаб турибди, халқ университетлари, лекторийлар йил сайин кўпаймоқда, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари янада ривож топмоқда. Бўш вақтни кўнгилли ўтказиш учун моддий база мустаҳкамланиши билан бирга бу вақтдан тўғри фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш соҳасида катта иш қилинмоқда. Социалистик жамият ўзининг ҳамма аъзолари бўш вақтда ўзининг маънавий ва жисмоний камолоти билан, актив ижтимоий-сиёсий фаолият билан шуғулланиши тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда.

Совет халқининг моддий фаровонлиги йилдан-йилга ўсмоқда. Аммо партия бу ўсиш билан бир вақтда одамларнинг ғоявий-ахлоқий ва маданий савияси ҳам доимо ошиб бориши зарур, деб уқтирмоқда. Бу эса кўп жиҳатдан аҳоли барча табақалари, айниқса ёшларнинг бўш вақтини яхши ташкил этишга боғлиқ.

«Ёшларни бўш вақтдан маънавий ва жисмоний камол топиш учун оқилона фойдаланишга ўргатиш ва бу ишда уларга ёрдам бериш за-

рур»,— дейилган эди КПСС МКнинг «ВЛКСМ 50 йиллиги ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифалари тўғрисида»ги қарорида. Бу — жуда муҳим вазифа, чунки ёшликда шахснинг камол топиши, гражданлик онги мустаҳкамланиши, турмушда яхши-ёмоннинг фарқига боришга интилиш жараёнлари иш ёки ўқиш вақти билачгина чекланмайди.

Инсоннинг муайян эҳтиёжлари, қизиқишлари, дид-фаросати меҳнат фаолияти бошланмасидан аввал ҳосил бўлади. Шу сабабли мазкур даврда бўш вақтни беҳуда ўтказмаслик келгусида касб-кор танлашга ҳам катта таъсир қилади.

Ҳозирги вақтда ишлаб турган ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш проблемаси айниқса ўткир бўлиб турибди. Бу вақт ҳафтасига ўрта ҳисобда 36—37 соатга боради. Ёшларнинг бўш вақтини ташкил этиш тўғрисида дуруст ғамхўрлик қилинмаётган жойларда ишлаб чиқаришдаги тарбиявий ишда эришиладиган самарадан маҳрум бўлиб қолинмоқда.

Бўш вақтнинг мазмундор ўтиши масаласи ўзига зўр эътиборни талаб қилади, чунки у ёки бу машғулотларнинг шахс ривожига таъсир қилиш даражаси аввало шу машғулотларнинг мазмунига ва сўнгра уларга кетадиган вақтга боғлиқ бўлади. Маданият неъматларидан баҳраманд бўлиш, илмий, бадиий ёки техникавий ижодкорлик билан шуғулланиш натижасида муайян бойликларнинг вужудга келтирилиши бўш вақтни истеъмолчилик ва кўнгилочарлик билан ўтказишдан устун бўлиши бўш вақтнинг фаол структурасига хос бўлган энг юксак мазмун даражасини ташкил этади. Конкрет социология тадқиқотларининг натижаларига қараганда, ичкиликбозлик, қиморбозлик, безорилик, жиноятчилик сингари ҳоллар бўш вақтни ижодий фаолият билан ўтказишга мутлақо зиддир: уларнинг бири иккинчисини инкор қилади. Бунда гап бўш вақтнинг анчагина қисмини оладиган ижодкорлик бу вақтни ғайрисоциал тарзда ўтказиш имкониятларини торайтиришидагина эмас. Энг муҳими шуки, шахснинг ижтимоий фойдали фаолият жараёнида шаклланадиган ахлоқий фазилатлари принцип жиҳатдан ғайрисоциал хулқ-атворни истисно этади.

Ёшларнинг бўш вақтдаги турли хил фаолияти бўш вақтга хос бўлган иккита принципиал ҳолатдан — ижодкорликдан ёки идрок этишдан иборат бўлади. Бунда қизиққан нарсалари билан чекланмаган даражада бемалол шуғулланиш мумкин бўлади, шу тариқа ҳар бир ёш ўз қобилиятини намоён этиш эҳтиёжининг табиий иложини топа олади.

Коллективизм шахс ривожининг асосий шартларидан биридир. Бўш вақтдан фойдаланиш ижтимоий формаларининг устунлиги, ёшлар турли табақаларининг шахсий талаб-эҳтиёжларига ва майлларига мувофиқ мулоқотда бўлиши учун қулай шароит яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш мана шундан келиб чиқади.

Хўш, ёшларимиз ўз бўш вақтининг энг кўпини қаерларда ўтказади? Бу жойлар қуйидагилардан иборат:

— **тураржой** (бадиий ва махсус адабиёт ўқиш, радио, граммафон ва магнитафон тинглаш, теле кўрсатувларни томоша қилиш, оила аъзолари, дўстлар билан суҳбатлашиш, севган машғулоти билан шуғулланиш ва ҳоказо). Шу сабабли тураржойни лойиҳалашда иқтисодий, санитария-гигиена, микроиқлим нормаларини қатъий равишда ҳисобга олиш билан бирга одамларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун шароит яратишни ҳам унутмаслик керак;

— **маданий-оқартув муассасалари:** кутубхоналар, музейлар, виставка заллари ва шу кабилар. Бу жойларда ёшларга профессионал ва маданий савияни ошириш, эстетик ривожланиш имконияти берилади;

— **томошахоналар:** кинотеатр, театр, концерт ва спорт ўйинлари заллари, цирклар. Бу жойларда йигит ёки қиз томошабин ёки тинглов-

чи сифатида профессионал даражада яратилган маънавий бойликлардан баҳраманд бўлади;

— **кўнгил очиш муассасалари:** танца заллари, кафе, бар, аттракцион, ўйинчоқ автомат заллари ва шу кабилар. Уларнинг вазифаси руҳий-туйғу мувозанатини тиклаш ва ривожлантиришдан иборат;

— **клуб типидаги муассасалар:** маданият саройлари ва уйлари ҳузуридаги тўгараклар, ҳаваскорлик студиялари ва устахоналари, ўзи қизиқадиган клублар (адабиёт, музика, филателия клублари ва ҳоказо), шунингдек шу типдаги ихтисослаштирилган муассасалар — ижодий ташкилотларнинг уйлари, студентлар клублари, ижодкор ёшлар клублари ва шу сингарилар. Уларда ёшларнинг ҳар хил ижодий фаолият соҳасидаги эҳтиёжлари қондирилиши керак;

— **спорт иншоотлари:** стадионлар, спорт майдончалари, заллар, манежлар, сузиш ҳавзалари, спорт комплекслари. Бу иншоотларнинг умумий вазифаси таълим-машқ иши, соғломлаштириш тадбирлари, мусобақалар ўтказишдан иборат.

Маданий-оқартув, томошахона, кўнгилочар муассасаларида гарчи ижодга дахлдорлик элементи бўлса ҳам пировард натижада шахс маънавий бойликларнинг истеъмолчиси бўлади, бинобарин, унинг ўз қобилиятини амалда намоён қилиш имконияти йўқ. Бу имкониятларни клуб ва спорт муассасалари бериши керак, бу жойларда ҳар кимнинг ўзи қизиққан соҳалар билан бемалол шуғуллана олишини таъминлашга асосий эътибор берилиши лозим. Бунда ўзига хос кенглик муҳитини вужудга келтириш муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда бундай муҳит кўпинча унчалик юксак даражадаги мулоқотни таъминлашга махсус мўлжалланмаган кўпгина алоҳида иншоотлардан иборат. Клуб муассасаларининг фаолияти пухта мувофиқлаштирилган эмас, баъзан улар бир-бирларининг ишларини такрорлайди.

Клуб қурилиши концепциясини ишлаб чиқишда, бўш вақтдан унумли ва оқилона фойдаланишга имкон берадиган кенглик муҳитини шакллантиришда сусткашлик қилинаётганлигининг сабаби шуки, бизнинг назаримизда аввало клубнинг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятига етарли эътибор берилмаяпти. Клуб тобора шахснинг ўз ижодини бемалол намоён этадиган жой бўлиб қолишига, аҳолининг бўш вақтда ижтимоий активлигини оширишга ёрдам беришига эришиш зарур.

Маданият муассасаларининг социал вазифасини, шунингдек уларнинг хизматидан баҳраманд бўладиган одамларнинг диди, қизиқиши, эҳтиёжларини синчиклаб ўрганмай туриб бу муассасаларнинг типлари ва тармоқларини такомиллаштириб бўлмайди. Ушбу мақола муаллифи Тошкент ёшларининг маданий қизиқишларини ўрганиш мақсадида конкрет социологик тадқиқот ўтказди. У ёки бу социал группадаги бир ёш неча хил нарсага қизиқишини, бу қизиқишларнинг умумийлик даражасини, мулоқотнинг турли соҳаларида қатнашишни хоҳловчиларнинг процент нисбатини аниқлаш мақсади қўйилди, айни вақтда бўш вақтни ўтказишнинг амалдаги системасига (клуб, телевизор, театр ва шу кабиларга) бўлган муносабат аниқланди.

Текшириш мавжуд маданият муассасалари Тошкент ёшларининг ўсган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондирмаётганини кўрсатди. Бунда гап уларнинг етишмаслигидагина эмас, шу билан бирга мазкур муассасалар биноларининг тузилиши ва уларнинг шаҳарда жойлашиши мутлақо мукаммал эмас.

Бўш вақтни ўтказиш марказлари унинг мазмун даражасини белгилайдиган бош объектив омиллардан бири эканлиги маълум бўлди. Чунончи клубларга ва турли спорт секцияларига борувчи ёшларнинг атиги 25 проценти, бу муассасаларга бормайдиганларнинг эса 60 проценти ўз бўш вақтининг ўтишидан мамнун эмас. Бироқ ёшларнинг озчилик қисми бўш вақтини клубда ўтказмоқда. Савол берилган 30 ёшгача бўл-

ган кишиларнинг 76,2 проценти бўш вақтини уйдаги бирон-бир машғулот билан ўтказса, атиги 6,6 проценти клубларга қатнамоқда.

Каттароқ ёш группасидагиларга нисбатан билим савияси пастроқ бўлган 16—20 ёш категориясидагиларнинг жуда кўпчилиги (80 процентга яқини) бўш вақти кўнгилли ўтаётганидан мамнун эканлиги характерлидир. Биринчидан, бўш вақтнинг мазмундорлик даражаси юқори эмаслиги билан, иккинчидан эса, шундан шахсан мамнун бўлиш билан характерланувчи мана шу вазиятнинг вужудга келиш сабабларидан бири, бизнингча, ҳар ким ўзи қизиққан машғулот билан шуғулланишини ташкил этиш асосий ўринда турувчи клуб муассасалари тармоғининг етарли равишда ривожланмаганидан иборат.

Тошкентлик ҳар бир ёшнинг маданий қизиқишлари ўрта ҳисобда 14 турга боради. Энг юқори кўрсаткич (17) олий маълумотли 30 ёшгача бўлган хизматчиларга, энг паст кўрсаткич (12) ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларига тўғри келади.

Ёшларнинг бўш вақтда қизиқадиган ҳамма соҳаларини тўрт группага бўлиш мумкин. Булар — илм-фан, санъат, ҳунармандчилик ва спортдир. Тадқиқот тошкентлик ёшларнинг бўш вақтида санъат билан қизиқиб шуғулланиш биринчи ўринни олишини кўрсатди. Унинг энг оммавий турлари қуйидагича: савол берилганларнинг 83,2 проценти кинони, 71,1 проценти эстрадани афзал кўришини билдирган. Драма театри (40,8 процент), цирк (36,8 процент), замонавий оммавий музика (34 процент), сураткашлик (25,1 процент) шундан кейинги ўринларни олади.

Ёшларнинг айрим санъат турлари билан қизиқишини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳар бир киши ўрта ҳисобда ойига тахминан тўрт марта кинотеатрга боради, бадиий адабиёт ўқишга ҳафтада 8 соат, телевидение кўрсатувларини томоша қилишга кунига 2,5 соат вақт сарфлайди.

Ёшлар бўш вақтининг анчагина қисмини ижтимоий фанларга ва жамоат ишларига ажратади. Чунончи, савол берилган ҳамма кишининг 24,4 проценти доимий жамоат топшириқларини бажаради (ўз қизиқишига кўра жамоат ишлари билан шуғулланувчи кишиларгина ҳисобга олинди). Савол берилганларнинг 51,1 проценти халқаро муносабатлар билан, 22 проценти тарих, 19,4 проценти психология, 13,7 проценти педагогика билан мунтазам шуғулланади.

Кўпгина йигит-қизлар ўз соҳаларидан ташқари табиий ва аниқ фанларни ўрганиб бормоқда. Чунончи, савол берилганларнинг 18,7 проценти медицина, 15,9 проценти математика, 12,6 проценти физика билан қизиқиб шуғулланар экан.

Ҳаваскорлик машғулотлари ва ҳунармандчилик соҳасида пазандалик (34,8 процент), чорвачилик (30,4 процент), фотография (28,9 процент), сўнгра гулчилик (16,3 процент), боғдорчилик (16,1 процент), каштачилик (15,6 процент) устунлик қилади.

Савол берилганларнинг кўпчилиги спорт ишқибози эканини айтди. Тошкент ёшлари орасида конькида фигурали учиш (52,4 процент) ва шайбали хоккей (43 процент), сўнгра шахмат ва каратэ (33,5 процент), футбол (32,6 процент), волейбол (29,9 процент), бокс (28,2 процент), баскетбол (24,5 процент) жуда оммавийдир.

Тадқиқот натижаларига қараганда айниқса илм-фан ва ҳунармандчилик соҳасидаги қизиқишларнинг кўпчилиги уйда ёки иш жойида (ўқувчиларнинг — ўқиш жойида) қондирилмоқда, аммо савол берилганларнинг 70,3 проценти бу иш билан клуб секцияларида шуғулланиш орзусида эканларини айтдилар.

Савол берилганларнинг 89,2 проценти қизиқишлари бир хил бўлган дўстлари борлигини айтганликлари ёшларнинг ўзаро мулоқот қилиш, фикрлашиш, баҳслашиш иштиёқини яққол кўрсатди. Улар ҳафтасига чамаси беш марта асосан уйда (76,2 процент), шунингдек иш ёки

ўқиш жойида (49,5 процент), кўчада (33,2 процент) мулоқотда бўладилар. Камроқ учрашиладиган жойлар — катта уйларнинг ҳовлиси (19,6 процент), кафе (15,6 процент), парклар (14,5 процент)дир. Ғалати туйилса ҳам замонавий клуб қизиқарли машғулотлар юзасидан учрашувлар энг кам (6,6 процент) ўтказиладиган жой бўлиб чиқди.

Тадқиқот маълумотларига кўра ёшларнинг атиги 15 проценти бирон-бир клуб, бадиий ҳаваскорлик тўгараги, техника ижодкорлиги тўгараги, турли жамиятларнинг аъзоларидир. Ёшларнинг худди шунча проценти бўш вақтларида спорт секцияларига қатнашади, 50,5 проценти физкультура билан мустақил шуғулланади.

Тошкентлик ҳар бир ёшга ўрта ҳисобда тўғри келадиган 14 қизиқишдан 3 таси қондирилмай қолаётгани ҳам аниқланди. Бунинг сабаблари тўғрисидаги саволга жавоб берган йигит ва қизларнинг 58,2 проценти вақтнинг етишмаслигини, 34,1 проценти кўнгилдагидек типдаги маданият муассасаларининг йўқлигини ва 22,5 проценти мавжуд муассасаларнинг узоқлигини кўрсатиб ўтдилар. Шу муносабат билан ёшларнинг қизиқишига қараб клублар ташкил этиш, уй-жойлар яқинида лоақал ёзги кинотеатрлар, кўпчилик учун спорт майдончалари, кичик ёшдаги болаларга кечқурунлари ва дам олиш кунлари вақтинчалик қараб турадиган муассасалар қуриш тўғрисида кўпдан-кўп истак ва таклифлар айтилди. Сўнгги таклифнинг актуаллиги қуйидаги маълумотлар билан тасдиқланади: ёш жувонлар иш кунлари болаларга қараш ва уларни тарбиялашга атайлаб 2 ярим соатдан 5 соатгача, эркаклар 1 соатдан 3 соатгача вақт сарфласа, дам олиш кунлари аёллар 6 соатдан 9 соатгача ва эркаклар 3 соатдан 6 соатгача вақт сарфлайди. Бу маълумотлардаги фарқлар болаларнинг қанчалигига ва бўш вақтни оқилона ташкил этиш даражасига боғлиқ.

Маданий эҳтиёжларни қондиришга халақит берадиган сабаблар орасида рўзғор юмушлари ҳам тилга олинди. Уй-рўзғор ишларига сарф бўладиган вақт бюджетининг кўрсаткичларига назар ташлайлик: иш кунлари бу бюджет 30 ёшгача бўлган ёш жувонларда ўрта ҳисобда 2 ярим соат, эркакларда 1 ярим соатни; дам олиш кунлари аёлларда 4 соат, эркакларда 3 соатни ташкил қилади.

Шаҳар кутубхоналари ва қироатхоналари хизматидан фойдаланишни қийинлаштирувчи омиллар орасида уларнинг иш ва яшаш жойидан олислиги, зарур адабиёт билан етарли равишда оператив таъминламаслиги, уларнинг иш вақти қулай эмаслиги кўпроқ айтилди.

Конкрет социология тадқиқоти натижалари қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради.

Ҳар кишига тўғри келадиган маданий қизиқишлар миқдори жиҳатидан ёшларнинг асосий группалари (ишчилар, хизматчилар, ўқувчилар) бир-бирига жуда яқин. Оммавий мулоқот воситалари ёшлар бўшвақтининг нисбатан кўп қисмини эгаллайди. Улар маданий эҳтиёжларни қондиришнинг коллектив формаларини сиқиб чиқармай, бўш вақтдаги талаб, эҳтиёжларнинг юқори даражасини белгилаб беради.

Муайян қизиқиш соҳибларининг учрашув ўтказиш интенсивлиги анализи ва мазкур учрашув жойларини кузатиш клубларнинг иши қониқарсиз ташкил этилганини ва шаҳар структурасида клублар нотўғри жойлаштирилганини кўрсатди. Шунинг учун ҳам улар ёшларга унчалик манзур бўлаётгани йўқ. Шу билан бирга кўпчилик ёшлар умуман клубларда учрашиб туришга ижобий назар билан қарайдилар. Бинобарин клублар қурилиши концепциясининг ўзига аниқликлар киритиш зарурати туғилди. Бизнинг фикримизча у ҳар хил типдаги клуб муассасаларини комплекс ривожлантиришни ва уларда ҳар хил машғулотлар ўтказиш учун шароитлар яратишни назарда тутиши керак.

Социология адабиётида одамларнинг бўш вақтдаги фаолияти кўнгилдаги машғулотни танлаб олиш билан белгиланиши кўп марталаб

таъкидланган. Бу бўш вақтнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, аслида шахсни шакллантиришдан иборат социал вазифани аниқлаб берадиган жуда муҳим белгидир. Бўш вақтда кўнгилдаги фаолиятни танлаш имконияти кўп жиҳатдан клуб муассасалари тармоғи ва типлари нақадар ривожланганига боғлиқ. Текшириш маълумотларига кўра мамлакатдаги касаба союз клублари томоша залидаги ҳар бир ўрин йил давомида атиги 128 марта банд бўлади, клублардаги залларнинг 20 процент имкониятидан ҳам фойдаланилмайди, турли идораларнинг 12 мингта клубида битта ҳам тўгарак ёки бирлашма йўқ, 19 мингта клубда 20 дан ортиқ киши қатнашмайдиган кичик-кичик ҳаваскорлик коллективларигина шуғулланмоқда.

Кейинги йилларда студентларнинг клублари, ижодкор ёшлар клублари тузила бошлади. Аммо улар ўз хусусиятига кўра барча социал группаларнинг ёш вакиллари учун мулоқот марказлари бўла олмайди. Ёшларнинг ҳаваскорлик бирлашмалари, театр клублари, дискотекалари ҳам пайдо бўлди. Буларнинг тез кўпайиб бораётганлиги йигит ва қизларнинг социал, ижодий активлиги ўсганлигидан, улар ўз қобилиятини намоён этишга, уйғун равишда камол топишга интилаётганидан дарак беради. Ленинграддаги «Суббота» клуби, Ригадаги «Аллегро» ёшлар кафеси, Минскдаги «Сузорье» кафеси, Москвадаги ҳаваскор қўшиқчилар клуби, Москва областининг Жуковский шаҳридаги «Соат еттидан етти минут ўтгач» бирлашмаси, Маридаги «Вагонтлар» клуби, Новосибирскдаги «Терпсихора» клуби, Петропавловск-Камчатскдаги «Командор ҳузурида» клуб-кафеси бу фикрнинг далилидир. Улар ўзларининг ижодий истеъдодини юзага чиқариш ва ривожлантириш, билим доирасини кенгайтириш имкониятини топган йигит ва қизларга ғоят манзур бўлмоқда.

Мулоқот мавзуини ҳам, унинг даражасини ҳам танлаш имконини берадиган **бемалол учрашиш системаси,** бизнингча, ёшларнинг бўш вақтини оқилона ташкил этиш вазифасини тўла-тўкис ҳал қила олади.

Кўнгил очиш биринчи даража ҳисобланади. Муайян ахборот жараёни билан боғланмаган турли томошалар ва мулоқотлар, кафе, чойхона, холл, меҳмонхонадаги учрашувлар шу жумлага киради. Бунда энг оддий бўлса ҳам аммо инсоннинг касбидан, ёши ёки социал аҳволидан қатъи назар кўнгил очиш, эркин учрашувлар, томошаларда қатнашиш ва бошқа одамлар билан шахсан танишиш сингари энг зарур эҳтиёжларидан бири қондирилади. Мана шу даражада шахс ўз эҳтиёжлари ва майлларига мувофиқ келадиган фаолият йўналишини танлаб олади.

Бирор нарсани билиб, тушуниб олиш — иккинчи даражадир. Бунда инсон у ёки бу мавзу юзасидан ахборот, малакали маслаҳат олади, турли касб намояндалари билан учрашади, умумий маданий савияга ва профессионал билим доирасига актив таъсир қиладиган кўпгина муваққат манфаатларни қондиради.

Учинчи даража — ижодкорликдир. Бунда турли секция, тўгараклар ишида қатнашиб, муайян фаолият турига қўйган ҳаваси билан боғлиқ мустаҳкам манфаатларни мустақил равишда ёки мутахассисларнинг раҳбарлигида қондириш тушунилади.

Мана шундай структурага мувофиқ эркин мулоқот системаси шахснинг уйғун равишда камол топишига, профессионал маҳоратини такомиллаштиришига, истеъдод характерига аниқлик киритишига ёрдам беради.

«Биз коммунистик қурилиш йўлидан илгарилаб борганимиз сари, экономикамиз тобора кучли, одамларнинг турмуши фаровон бўлган сайин,—деб уқтирди КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ўзига Ленин мукофоти топшириш вақтида сўзлаган нутқида,— одамларни ижтимоий-сиёсий, маданий, маънавий, эстетик тарбиялаш вазифалари шу қадар катта аҳамият

касб эта беради». Бинобарин, аҳоли барча қатламларининг бўш вақтини ташкил этишнинг роли ҳам муттасил орта беради. КПСС XXVI съезди тасдиқлаган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларида маданий-оқартув муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, оммавий кутубхона ва клублар тармоғини кенгайтириш, уларнинг меҳнаткашлар ҳаваскор ижодкорлиги ва бўш вақтини ўтказиш марказлари сифатидаги ролини ошириш кўзда тутилганлиги тасодифий ҳол эмас.

Шу муносабат билан жамиятимиз турли группаларининг маданий қизиқишларини, бўш вақтни ўтказиш характери ва жойларини социология йўли билан конкрет ўрганиш муҳимлигига эътиборни қаратиш керак. Мана шундай ўрганишлар вақтида олинган натижалар аҳолининг бўш вақтдаги ҳар хил фаолият турларига эҳтиёжлари ривожини олдиндан пайқаш ва маданий хизматнинг конкрет системаларини яратиш вақтида шаҳарлар қуриш муаммоларини энг мақбул тарзда ҳал этиш имконини беради.

Шу проблемани ўрганувчи олимларнинг ҳам, шунингдек ҳаваскорларнинг бирлашмалари, клублари, дискотекалари фаолиятини коммунистик тарбия йўлидан олиб бориши лозим бўлган партия ва комсомол органларининг ҳам эътибор ва манфаатдорлик билан муносабатда бўлиши — ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этишнинг гаровидир.

ЁЗУВЧИ МЕҲНАТИ — ПАРТИЯ ВА ХАЛҚҚА

С. АЗИМОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари

КПСС МҚнинг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съездига қилган Ҳисобот доклади ҳозирги замоннинг буюк ҳужжати бўлиб, илмий коммунизм назарияси ва практикасига қўшилган салмоқли ҳиссадир. Мазкур ҳужжатда ленинчи партиянинг кейинги ўн йилликдаги кўп қиррали фаолияти ва совет халқи эришган зафарлар ёрқин ифодасини топган. Ҳозирги халқаро аҳвол ва жаҳон революцион жараёни ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган, мамлакатимиздаги коммунистик бунёдкорлик, халқаро ҳамкорлик ривожи ва тинчлик учун курашнинг илҳомбахш истиқболлари очиб берилган.

Леонид Ильич Брежнев совет жамиятининг маънавий ҳаёти тўғрисида гапирар экан, у тобора хилма-хил ва бой бўлиб бораётганлигини, бунда маданият, адабиёт ва санъат арбобларининг ҳиссаси шубҳасиз эканлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек докладда совет санъатида янги тўлқин мавж ураётганлигига, барча республикаларда кўплаб талантли асарлар пайдо бўлаётганлигига алоҳида эътибор берилди.

Жамиятимиз олдида турган проблемаларни ҳал этишда санъат аҳли фаол иштирок этаётганлигини партия қизғин маъқуллаётганлиги съезднинг юксак минбаридан яна бир бор таъкидлаб ўтилди. «Бизни шу нарса қувонтирадики,—деди ўртоқ Л. И. Брежнев,—кейинги йилларда адабиётда, кино ва театр соҳасида шундай жиддий проблемалар кўтарилдики, буларни ҳал қилиш учун Госплан чиндан ҳам «бир терлаб олса» чакки бўлмасди. Бу гап фақат унга тегишли эмас».

Ўзбекистон ёзувчиларининг актив ҳаётий позициясидан, масалан, шу нарса далолат берадики, улар «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасини муҳокама қилар эканлар, Сибирь дарёларининг бир қисмини Ўрта Осиёга оқизиш билан боғлиқ бўлган конкрет таклифлар киритдилар. КПСС МҚ Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси МҚнинг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов КПСС XXVI съездидаги нутқида мазкур проблема ҳақида гапириб, унинг ижобий ҳал этилиши суғориладиган деҳқончиликнинг янги ноёб ва юксак унумли районини барпо этишга имкон беришини, озиқ-овқат программасини амалга оширишга ёрдам беришини таъкидлаб ўтди.

Қуйидаги мисол ҳам партиянинг адабий ҳаёт масалаларига катта эътибор, манфаатдорлик билан қараётганлигидан далолат беради. «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йил-

ларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасида жумладан шундай деб ёзиб қўйилган: «Нашриёт иши ривожлантирилсин. Аҳолининг ва халқ хўжалигининг нашр маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилсин, нашрларнинг полиграфик жиҳатдан ишланиш сифати оширилсин». Бу ҳужжатни муҳокама қилиш давомида келган таклифларни ҳисобга олиб, КПСС XXVI съезди қуйидаги вариантни қабул қилди: «Нашриёт иши ривожлантирилсин. Нашр маҳсулотларига, хусусан, болалар адабиёти ва бадиий адабиёт китобларига бўлган эҳтиёж тўлиқ қондирилсин, нашрларнинг полиграфик жиҳатдан ишланиш сифати оширилсин».

Партиянинг адабиётимиз эҳтиёжлари ҳақидаги ғамхўрлиги, унинг олдида турган қийинчиликлар ва вазифаларга конкрет ёндашиши КПСС XXVI съездида янада ёрқин намоён бўлиб, бу совет ёзувчилари зиммасига дунёда, мамлакатда юз бераётган воқеаларни ўз асарларида ҳаққоний тасвирлашлари учун ўша воқеалар моҳиятини янада чуқур мулоҳаза билан ўрганиш вазифасини юклайди.

Ҳисобот докладининг «КПССнинг халқаро сиёсати тўғрисида»ги бўлими билан танишар эканман, беихтиёр «Тошкент руҳи» деган ҳикматли иборани эсладим. Бу тинчлик, дўстлик ва биродарлик руҳидир. Совет Ўзбекистони пойтахтида ўтаётган ёзувчиларнинг халқаро учрашувлари ҳамда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг анъанавий кинофестиваллари ер юзида тинчлик ва бахт-саодат учун курашда адабиёт ҳамда санъат прогрессив арбобларининг бир-бирларини тушунишлари ва жипслашишларига ёрдам беради. Коммунизмнинг идеологик душманлари активлашган, империализм планетанинг гоҳ у бурчагида, гоҳ бу бурчагида уруш учқунини сочаётган ҳозирги кунда бу айниқса муҳимдир.

Бугун сўз усталаримиз олдида турган энг масъулиятли олижаноб вазифалардан бири, ўртоқ Л. И. Брежнев айтгандек «биз бошқа томон устидан ҳарбий устунликка эришишга интилмадик ва интилаётганимиз ҳам йўқ. Бу бизнинг сиёсатимиз эмас. Аммо, биз бизнинг устимиздан ана шундай устунлик ўрнатилишига йўл қўймаймиз. Бу хилдаги уринишлар, шунингдек, зўравонлик позициясидан туриб биз билан муомала қилиш мутлақо истиқболсиз нарсадир!» деган фикрни миллионлар онгига етказишдир.

Совет давлати мустаҳкам, қардош халқлар дўстлиги бузилмасдир. Сўз усталарининг фахрли вазифаси — мана шу дўстлик ҳақида, совет кишиларининг шонли ишлари тўғрисида, мустақил ҳаётга қадам қўяётган, Улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишга ҳамиша шай бўлиб турган ажойиб ёшларимиз ҳақида талантли, ёрқин ҳикоя қилишдир. Совет адабиёти йўғрилган дўстлик, интернационализм, ватанпарварлик пафоси янги кишини — коммунизм қурувчисини тарбиялайди.

Ҳисобот докладининг «Ривожланган социализм даврида КПССнинг иқтисодий сиёсати» бўлимида қўйилган долзарб масалалар адабиётчиларимизни бефарқ қолдира оладими? Масалан, «1980 йилда қарийб ўн миллион тонна пахта териб олинди!» деган лўнда сатр замирида меҳнат жасоратининг нақадар ҳаяжонли манзараси ётибди.

Бу меҳнат жасоратида Ўзбекистон партия ташкилоти, барча меҳнатчилари қандай роль ўйнаганлиги яхши маълум. Гарчи бу ҳақда кўп ва яхши асарлар яратилган бўлса-да, пахтакорларнинг буюк меҳнати темаси ҳали тўла ва ҳар томонлама ёритилганича йўқ. Ахир, ҳаёт бизнинг олдимизга янги-янги вазифалар қўйяпти, улар ҳақида Ўзбекистон Компартияси XX съездида ва ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг КПСС XXVI съездидаги нутқида гапирилди.

Хўш, социалистик индустриямизни янада ривожлантириш, халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ проблемаларчи? Жумладан, XXVI съездда Ўрта Осиёда иш кучининг ортиқчалиги ҳақида

масала кўтарилди. Леонид Ильич айтдики, «бу жойларнинг аҳолисини мамлакатнинг янги территорияларини ўзлаштириш учун активроқ жалб қилиш керак. Албатта, бу ерда халқ хўжалиги учун зарур ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, туб миллатдан, аввало қишлоқ ёшларидан малакали ишчилар тайёрлашни кенг йўлга қўйиш лозим». Ёзувчиларнинг бурчи — мана шу қарорни амалга оширишда партияга ёрдам беришдир.

Бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда жуда улкан вазифаларни барча республикаларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан ҳал этиш борасида ажойиб тажриба тўпланган. Шу муносабат билан докладда Турксиб, Урал-Кузбасс қурилишлари, қўриқ ерларни ўзлаштириш, Тошкентни қайта тиклаш тилга олиб ўтилди. Партия бугун Ноқоратупроқда ҳам ана шундай аҳиллик билан, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга чақиради. Маълумки, у ерда ўзбекистонлик вакиллар ҳам ишлаяпти. Ҳамюртларимиз ҳақида анча нарса ёзилди. Лекин, афсуски уларнинг кўплари жонсиз, саёз, эсда қолмайдиган репортаж ва очерклардир. Гап шундаки, ёзувчи материални чуқур, ҳар томонлама ўрганибгина қолмасдан, балки ўз қаҳрамонларининг ўйлари, меҳнати, уларнинг тақдири билан ҳамнафас ижод қилган тақдирдагина яхши асар яратилади.

Ёзувчининг ҳаёт билан мустаҳкам алоқада бўлиши проблемаси адиб ижодининг зарурий шарти сифатида тобора ижтимоий характер касб этиб бормоқда. КПСС XXVI съездидан кейин кўп ўтмай Тошкентда СССР Ёзувчилар союзи бадиий адабиётни пропаганда қилиш Советининг Бутуниттифоқ пленуми бўлиб ўтди. СССР Ёзувчилар союзи секретариати съезд қарорлари асосида кўп миллатли совет адабиётини пропаганда қилиш вазифаларини муҳокама этиб, тегишли қарор қабул қилди. Мамлакатимиз барча ёзувчиларининг бурчи, дейилади мазкур қарорда, марксизм-ленинизм ғояларини социалистик интернационализм позициясидан туриб изчил ва асосли ҳимоя этиш ҳамда пропаганда қилиш, ғоясизлик кўринишларига, тарихий воқеаларга баҳо беришда аниқ синфий позициядан чекинишларга муросасиз бўлишдир.

Шу йилнинг апрель ойида «Ёзувчи меҳнати — партия ва халққа» шиори остида Ўзбекистонда бўлиб ўтган Совет адабиёти кунлари жуда катта, чинакам интернационал байрамга айланиб кетди. Уларнинг иштирокчилари — Москва, Ленинград, барча қардош республикалардан ташриф буюрган шоир ва ёзувчилар Ўзбекистоннинг турли бурчакларида — пахтакорлар ва машинасозлар, ирригаторлар ва олимлар, чўлқуварлар ва студентлар ҳузурида меҳмон бўлишиб, Шароф Рашидович Рашидов КПСС XXVI съездига фахр билан маълум қилган нарсаларни ўз кўзлари билан кўрдилар. Бундай тадбирлар кўп миллатли совет адабиётининг кейинги ривожига самарали таъсир кўрсатади, қардош маданиятларнинг янада яқинлашуви ва бир-бирларини бойитишига ёрдам беради.

Партиямизнинг XXVI съезди совет адабиёти олдига юксак ва шарафли вазифалар қўйди. Коммунистик бунёдкорликнинг олдинги марраларида турган қалам аҳлларигина бу вазифанинг уддасидан чиқа оладилар. Бу минбар ёки пахта даласи, қурилиш майдончаси, заводнинг қайноқ цехи ёхуд лаборатория бўладими — бу ёзувчининг бадиий изланишларига, ўз таланти янада тўла ва чуқур намоён бўладиган нуқтани топа билиш қобилиятига боғлиқдир. Ёзувчилар ташкилотининг вазифаси — ана шу изланишларда, шунингдек бошқа ижодий ташкилотлар билан чуқур, ҳар томонлама, мунтазам алоқа ўрнатишда ҳар бир қалам соҳибига яқиндан ёрдам беришдир, бу эса партия идеология ходимлари олдига қўйган мақсадларга муваффақиятли эришишга шубҳасиз хизмат қилади. «Маданият соҳасидаги ленинча сиёсатга содиқ бўлган партиямиз,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев съездда,— бадиий

зиёлиларга эҳтиёткорлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлади, уларни юксак ижодий вазифаларни ҳал этишга йўналтиради. Бу нарса ижодий кучларни яна ҳам жипслаштиришга, жамиятнинг маънавий ҳаётини юксалтиришга имкон беради».

Шу муносабат билан Ёзувчилар союзи ва республика Маданият министрлиги фаолиятларини, жумладан театрларимиз учун янги пьесалар яратиш соҳасидаги фаолиятларини координациялаш масаласига тўхтаб ўтмоқчиман. Сир эмаски, янги пьесани баҳолашда режиссёр билан драматургнинг фикри камдан-кам бир жойдан чиқади. Агар режиссёр драматург ижодий ниятининг, фикрининг ўзига хос томонларини тушунишга уринмай, орқа-олдини ўйламай шартта гапирса, табиийки, бу драматургнинг кўнглини театрдан совитиб юборади. Шунинг учун ҳам ёзувчи, театр ва Маданият министрлиги ўртасидаги ижодий алоқаларнинг шундай мақбул формаларини жорий этиш ҳақида ўйлаб кўриш керакки, улар драматик асарларнинг, айниқса замонавий темалардаги саҳна асарларининг яратилишига ёрдам берсин.

Бадиий ва ҳужжатли фильмлар асосини ташкил этувчи сценарий ҳам ёзувчи меҳнатининг маҳсулидир. Сўз усталарининг кинематография соҳасида эришган ютуқлари шубҳасиздир. Бу борадаги энг муҳим вазифа — партиямиз қўяётган талаблар даражасида бўлишдир. Бизнинг фикримизча, сценарийларни ёзувчи ва режиссёрлар коллективлари билан биргаликда муҳокама қилиш, ижодий ташкилотлар ишини координациялаш, баъзида улар фаолиятини бирга қўшиб олиб бориш, адабиётнинг ёш кучларини янада кенгроқ жалб этиш бу ишга ёрдам берган бўлур эди.

Радио ва телевидение шундай бир аудиторияки, бу ердан ёзувчи сўзини миллионлар эшитади. Республикамиз радиосида «Ёзувчи ва замонамиз қаҳрамони», «Ёзувчи ва беш йиллик», «Ўзбек ёзувчиларининг янги асарлари» деган доимий рубрикалар мавжуд, телевидениедаги «Теленовеллалар», «Илҳом», «Ижод гулшани», «Ёзувчи ва замон», «Ёзувчи билан танқидчи баҳси», «Шеърият билан учрашув» сингари ажойиб эшиттиришлар цикли ҳаммага манзур бўлмоқда. Шубҳа йўққи, Ёзувчилар союзи билан Гостелерадио ўртасидаги ҳамкорликнинг яна давом этиши бадиий сўз усталари билан кенг халқ оммаси алоқаларининг янада янги, янада самарали формаларини келтириб чиқаради.

Ёзувчиларимизнинг вазифаси — совет характерининг энг яхши фазилатларини ўзида мужассамлантирган замондошларимизнинг ҳаққоний, ёрқин жозибали образларини яратишдир, улар миллион-миллион кишилар учун илҳомбахш намуна бўлсин. Хўш, ўзбек совет адабиёти бу соҳада қандай ютуқларга эришди?

Биринчи навбатда прозамиз эришган ютуқларни айтиб ўтишни истардик. Яқинда Шароф Рашидов асарларининг беш томлиги босилиб чиқди. Унга кирган «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» ва бошқа машҳур асарлари фақат бутуниттифоқ китобхонлари орасида эмас, шунингдек жаҳон китобхонлари орасида ҳам маълум ва машҳурдир. Ҳамид Ғуломга «Мангулик» романи учун СССР Давлат мукофоти берилди. Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романи СССР Ёзувчилар союзининг мукофотини олди. Мирмуҳсиннинг «Дегрез ўғли», Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон», Жонрид Абдуллахоновнинг «Довул» романлари ВЦСПС ва СССР Ёзувчилар союзининг мукофотига сазовор бўлди. Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Александр Удалов, Тулепберген Қаипбергенов, Пиримқул Қодировларнинг асарларини мамлакатимиз китобхонлари юксак баҳоладилар.

Ўзбек прозаик ва шоирлари тарихий-революцион темада қатор ажойиб асарлар яратдилар. Чунончи, Назир Сафаров, Михаил Шевердин, Зиннат Фатхуллин, Шомил Алядинов, Шуҳрат, Борис Пармузин, Адҳам Раҳмат, Вали Ғафуров, Олег Сидельников, Борис Тихомолов,

Владимир Тюриков ва бошқалар ўз асарларини совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ўлмас жасоратини тараннум этишга бағишладилар. Темур Пўлат, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Ўктам Усмонов сингари ёзувчиларнинг нисбатан ёш авлодига мансуб адибларнинг ижодий ютуқлари бизни қувонтиради.

Шу фактни ҳам қониқиш билан қайд қиламизки, кейинги йилларда ёзувчиларимиз ўз асарларининг тематикасини анча кенгайтирдилар. Ишчилар ва пахтакорлар, гидро қурувчилар ва ер таги бойликларининг разведкачилари китобларимизнинг қаҳрамонлари бўлдилар. Иброҳим Раҳим ўз асарларида Ноқоратупроқ ерларини ўзлаштираётганлар ҳақида, Саъдулла Кароматовнинг «Олтин қум» романи геологлар, Мақсуд Қориевнинг «Афросиёб гўзали» қиссаси конструктор, Йўлдош Шамшаров, Йўлдош Муқимов, Юрий Ковалёв, Ёқуб Хаимов очерклари турли касб кишилари ҳақида ҳикоя қилади. Бу ва бошқа асарлар сўз усталари ўз қаҳрамонлари, уларнинг маънавий оламини чуқур ўрганаётганликларидан, улар ҳал қилаётган проблемаларни идрок этаётганликларидан далолат беради.

Камчиликлар ҳам йўқ эмас. Улардан энг асосийси — темаларнинг майдалашиб кетишидир. Ҳеч қандай социал аҳамиятга эга бўлмаган хусусий, одатда оилавий, маиший масалалар эзмалик билан тасвирланувчи китоблар ҳали ҳам оз эмас.

Бошқа бир жиддий нуқсон — долзарб проблемаларни очиб беришдаги схематизмдир. У ёки бу ижтимоий воқеа чуқур таҳлил қилинмагандан ва автор позицияси аниқ кўриниб турмагандан кейин ўша воқеага билдирилган жавобнинг оперативлигидан нима фойда? Ҳаёт юзаки тасвирланган китоб китобхонга нима бериши мумкин? Партия шунга даъват этяптики, хом-хатала, бадиий жиҳатдан бўш асарлар актуал мазмунни ўзига қалқон деб билмаслиги керак, асар қаҳрамонлари майда-чуйда ишлар атрофида ўралашиб қолмасдан, ўз мамлакатининг ташвиши билан яшамоғи, самарали меҳнат қилмоғи, эзгулик ва адолат тантанаси учун астойдил курашишлари керак.

Айрим асарлар тилининг жонсизлиги, таъсирсизлиги кишини ташвишлантиради. Баъзи очерк ва ҳикояларда, повесть ва романларда ҳамма қаҳрамонлар ёши, касб-коридан қатъи назар бир хилда — зерикарли, сийқа тилда гаплашишади.

Хўш, поэтик цехимизда аҳвол қалай? Уйғун, Зулфия, Жўлмирза Аймурзаев, Рамз Бобожон, Шукрулло, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Шуҳрат, Туроб Тўла, Жуманиёз Жабборов, Султон Акбарий, Андрей Иванов, Душан Файзий, Иброҳим Юсупов, Зоҳиджон Обидовлар кейинги йилларда кўплаб жозибадор, китобхонни тўлқинлантирувчи бадиий етук асарлар яратдилар. Бу шоирлар ижодида сезиларли жонланиш, бадиий палитрасининг янгиланиши юз беряпти. Уларнинг тинчлик, актив гуманизм, халқлар ўртасидаги дўстлик ва қардошлик ғояларини ифодаловчи публицистик ёрқин сўзи замондошларимизни янги-янги меҳнат зафарларига чорламоқда.

Ҳаётни севиш ва эзгулик, коммунизм идеалларига садоқат, ўзининг ширали, жўшқин, таъсирли сўзи билан революцион ғалабаларимизни ҳимоя қилишга ҳамиша шай туриш ўзбек шоирларининг катта авлоди ижодига хос бўлган асосий хислатлардир. Улар ҳозирги замон поэзиясига жуда кўплаб қимматли, самимий хусусиятларни олиб кирмоқдалар, унинг шуҳратига шуҳрат қўшмоқдалар, ўз тажрибаларини ёшлар билан баҳам кўрмоқдалар, уларга бош-қош бўлмоқдалар. Ўзбек совет поэзиясининг сардорлари — Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Ғайратий, Мақсуд Шайхзодаларнинг оташ мисралари шеърият мухлисларини ҳамон тўлқинлантириб келади.

Республикада Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳусниддин Шарипов, Барот Бойқобилов, Омон Матжон, Гулчеҳра Нуруллаева, Жамол

Қамол, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Омон Мухтор, Нормурод Нарзуллаев, Раим Фарҳодий, Этибор Охунова, Муҳаммад Али, Охунжон Ҳаким, Гулчеҳра Жўраева, Зоя Туманова, Сайёр, Рўзи Қодирий, Эркин Самандар, Тўра Сулаймон, Тўлқин сингари ажойиб, талантли шоирларнинг катта отряди илҳом билан баракали ижод қилмоқда. Уларнинг ижоди ҳаётбахш кучи, бугунги кунимизнинг энг долзарб масалаларига мурожаат қилиши билан ажралиб туради. Лекин, афсуски, айрим асарларда дунёқарашдаги бефарқлик, чалкашлик элементлари учраб туради, гражданлик пафоси, тасвирда маҳорат етишмайди.

Ҳозирги замон ўзбек драматургияси ҳақида алоҳида гапириш керак бўлади. Ўзбекистон Компартияси МК бюросининг «Республикадаги область ва шаҳар театрлари репертуарининг аҳволи ва уларнинг ғоявий-бадиий савиясини яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори адабий ижоднинг бу участкасида юз бераётган ижобий силжишларга кўп жиҳатдан ёрдам берди. «Совет Ўзбекистони санъати» журнали «Ҳаёт, театр ва драматург» мавзусида уюштирган мунозара, «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетаси саҳифаларида ўзбек драматургиясининг энг муҳим масалалари юзасидан олиб борилган баҳслар жуда муҳим роль ўйнади.

Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги», Иззат Султоннинг «Истеҳком», Уйғуннинг «Абу Райҳон Беруний», Ўлмас Умарбековнинг «Қиёмат қарз» ва «Шошма қуёш», Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони», Туроб Тўланинг «Нодирабегим», Қанисбой Раҳмоновнинг «Келин» пьесалари ва бошқалар фақат республикада эмас, балки ундан ташқарида ҳам томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Кўпчилик драматурглар область театрлари билан яқин ижодий ҳамкорликда ишламоқдалар. Область театрларининг саҳналарида қўйилган Максим Каримовнинг «Инсонликка номзод», Малика Мирзаеванинг «Сўнгги фожиа» ва «Оқбулоқ гўзали», Маннон Ғанининг «Виждон», Машраб Бобоевнинг «Ер томири», Н. Бобохўжаевнинг «Ўзинг — кўзим нури», Коммуна Олимованинг «Жўшқин қалблар», Ҳабиб Саъдулланинг «Юсуф ва Зулайҳо» пьесаларини томошабинлар илиқ кутиб олдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи, республика Маданият министрлиги, ЛКСМ МК ва Театр жамияти билан биргаликда ҳар йили ўтказаётган ёш драматурглар семинарлари яхши натижалар бермоқда. Уларда олиб борилган янги саҳна асарлари ва театр постановкалари муҳокамасида атоқли режиссёрлар, артистлар, драматурглар, театршунослар иштирок этишади. Лекин шуни эътироф этиш керакки, кўпгина пьесаларнинг ғоявий-бадиий савияси жуда паст. Уларда ўткир конфликт ва тўлақонли образлар йўқ, композицион жиҳатдан бўш, тили қашшоқ, ғализ, муҳим социал проблемаларни кўтармайди.

Энди болалар адабиёти ҳақида икки оғиз сўз. Фан ва техника гуркираб ривожланаётган бизнинг асримизда шаклланган шахс билимнинг турли соҳаларидан кенг хабардор бўлгани билан бадиий адабиётдан шунчаки бир арзимас нарса деб воз кечса, тўлақонли мукаммал инсон бўлолмайди. Китоб ёш китобхоннинг содиқ дўсти, мураббийси, муаллими бўлиб қолиши учун қўлдан келган ҳамма ишни қилиш керак. Болалар учун ижод қилаётган асл санъаткорнинг таланти уларни тўлқинлантираётган энг муҳим нарсалар ҳақида самимий, мароқли, ҳаққоний ва эҳтиросли ҳикоя қила олишда кўринади. Ҳам доно, ҳам «шўх» шоир Қуддус Муҳаммадий ва доимо нимаси биландир китобхонни ҳайратга солувчи прозаик Ҳаким Назир ижодлари ана шундай ноёб хислатлар билан ажралиб туради.

Умуман сўнгги йилларда ўзбек болалар адабиётида ижобий силжишлар аниқ кўзга ташланмоқда: у муҳим социал темаларга тез-тез

мурожаат қиладиган бўлиб қолди, унда ватанпарварлик, интернационализм мотивлари, совет халқининг қаҳрамонона тарихидан фахрланиш туйғуси тобора ишончлироқ жарангламоқда. Пўлат Мўмин ва Худойберди Тўхтабоевларнинг китобларида жиддийлик чинакам халқ юмори билан муваффақиятли қўшилиб кетади, Латиф Маҳмудов, Фарҳод Мусажонов, Эргаш Раимов, Фёдор Камолов, Юсуф Сулаймон, Ёқуб Хўжаев, Холмурод Сафаровларнинг маҳорати тобора ортиб бормоқда. Миразиз Аъзам, Владимир Данько, Турсунбой Адашбоев, Николай Красильников, Сафар Барноев шеърларини болалар кўпдан бери севиб ўқишади.

Лекин барибир Ўзбекистоннинг болалар адабиётида умумий, тўғрироғи ёш китобхонни зериктирадиган, шунчаки қофияга солинган, насиҳатгўйликдан иборат майда-чуйда темаларда ёзилган асарлар ҳали ҳам кўп. Лекин болалар адабиётининг энг ожиз бўғини — бу драматургиядир. Шунинг учун ҳам биз саҳналаримизда болалар яхши билган ва севиб қолган ажойиб қаҳрамонларни кўрмаймиз.

Коммунистик партия, давлатимизнинг социалистик маданиятни ривожлантиришдан чуқур манфаатдорлиги, уларнинг бадиий зиёлиларнинг энг зарур эҳтиёжларига ғамхўрлик билан муносабатда бўлиши адабиётга янги кучларнинг келиб қўшилиши учун қулай шарт-шароитлар яратади. КПСС МКнинг «Ижодий ёшлар билан ишлаш тўғрисида»-ги машҳур қарорида (1976 йил) партия ташкилотлари, комсомол, маданият органлари ва ижодий союзлар бу соҳада ижобий тажрибага эга эканликлари таъкидлаб ўтилганди. Шу билан бирга мазкур қарорда адабиёт ва санъатнинг ёш кадрларини профессионал ҳамда ғоявий жиҳатдан тарбиялашда янги вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Бу ҳужжатлар ижодий ёшлар билан ишлашда республика Ёзувчилар союзи учун янги стимул бўлди, бу иш Ўзбекистон ЛКСМ МК билан биргаликда олиб борилади. 1977 йилда «Ёшлик» ва «Молодость» альманахларининг яратилиши қабул қилинган қарорларни амалга оширишда конкрет қадам бўлди. Натижада ўнлаб ёш авторлар ўз асарларини нашр эттириш имкониятига эга бўлдилар. Мана шу альманахлар туфайли китобхонлар Олмалиқ, Ангрен, Фарғона, Навоий шаҳарларидаги адабий бирлашмалар аъзоларининг ижоди, армиядаги авторларнинг асарлари билан танишдилар. Альманахларнинг сўнгги сонлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига бағишланди. Афсуски, альманахларнинг ҳажми кичиклик қиляпти, уларнинг нашри кўпайтирилса, ёмон бўлмасди. Бизнингча, республикада «Юность» типидаги журнални ташкил этиш вақти келдики, у адабиёт ва санъатнинг ёш кадрларини шакллантиришда муҳим роль ўйнаган бўларди.

1982 йилда СССР Ёзувчилар союзининг А. М. Горький номли Адабиёт институти қошида ўзбек адабиёти таржимонларининг курсини очиш тўғрисидаги қарор бизни жуда қувонтирди. Адабиёт ўринбосарлари тўғрисидаги ғамхўрлик қобилиятли йигит ва қизларни ўша институтнинг ўзидаги олий адабиёт курсларига ҳар йили юбориб туришда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Ёшларимизнинг адабий ижодиётга интилиши жуда кучли. Нурали Қобул, Эркин Аъзамов, Мурод Муҳаммаддўст, Алишер Ибодинов, Шаҳодат Исахонова, Дилбар Саидова, Исфандиёр, Дина Рубина, Урие Эдемова, Ўразбой Абдураҳмонов ва бошқалар ўзларининг биринчи китоблари билан ажойиб, ўзига хос ёзувчилар эканликларини намойиш қилдилар.

Ёш шоирлар сафи кенгайиб боряпти. Усмон Азимов, Азимжон Суюнов, Хосият Бобомуродова, Муҳтарама Улуғова, Шавкат Раҳмонов, Хуршид Даврон, Муҳаммаджон Раҳмон, Дилбар Ҳайдарова, Шокир Салим, Вадим Новопрудский, Садриддин Салимов, Людмила Егорова,

Икром Отамуродов, Ольга Лебединская ва бошқа кўплаб шоирларнинг номлари шеърият мухлисларига яхши таниш.

Биз пайдо бўлган ҳар бир янги ажойиб, мароқли китобни маъқуллаймиз, лекин очиғини айтганда, уларнинг китобхон қўлига тегиши осон бўлмайди: шеър ёки ҳикоялар тўпламининг автори унинг босилиб чиқишини камида тўрт-беш йил кутиши керак бўлади. Шундай қилиб, иккинчи китоби нашр этилгунча авторнинг ёши анчага бориб қолади. Мавжуд қоидани қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш керак бўлади. Ёш ёзувчилар ўзларига нисбатан эътиборни, ғамхўрликни сўзда эмас, амалий ишда ҳис этишлари керак.

Адабий танқидчилигимизнинг бош минбари—бу вақтли матбуотдир. Кўпчиликнинг фикрига кўра, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органлари — «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Йылдыз» журналлари ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси умуман республика адабий-бадиий танқидчилигининг талаб-эҳтиёжларига жавоб беради. Уларнинг саҳифаларида мунозаралар уюштирилади, Воҳид Зоҳидов, Георгий Владимиров, Лазиз Қаюмов, Ҳафиз Абдусаматов, Матёқуб Қўшчонов, Озод Шарафитдинов, Умарали Норматов, Иброҳим Ғафуров, Салоҳиддин Мамажонов, Норбой Худойберганов, Пирмат Шермуҳамедов, Нуритдин Шукуров, Саъдулла Мирзаев сингари адабиётшунос ва танқидчиларнинг проблемали ва обзор характеридаги мақолалари, тақризлари босилиб турилади. «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида босилган энг яхши адабий материаллар «Адабиёт ва замонавийлик» туркум китобларни ташкил этди. Ўзбекистон танқидчиларининг мақолалари марказий матбуот: «Литературная газета», «Вопросы литературы», «Литературное обозрение», «Дружба народов», «Знамя», «Огонёк», «Театр», «Детская литература» журналлари саҳифаларида тез-тез эълон қилинадиган бўлиб қолди.

Янги мазмун янги бадиий формаларни талаб этади. Шу муносабат билан танқидчиларнинг чинакам, революцион новаторликни сохта, фақат ташқи новаторликдан ажрата олиши жуда муҳимдир. Афсуски, ҳамма танқидчилар ҳам бунга қодир эмас.

Совет халқи кўп миллатли социалистик маданиятининг янада ривожланиши бадиий таржиманинг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўзбекистон Компартиясининг XX съездидаги докладида ўртоқ Ш. Р. Рашидов шундай деди: «Рус ва жаҳон классикаси, кўп миллатли илғор совет маданияти маънавий бойликларини ижодий ўзлаштириш, қардош маданиятларнинг ўзаро бир-бирига таъсири ва бир-бирини бойитишдан иборат муттасил ривожланиб бораётган жараён адабиёт ва санъатимиз гуллаб-яшнашининг ҳамиша жонли манбаидир. Рус ва бошқа адабиётлар асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилиши, ўзаро ўтказилиб турган декадалар, совет республикаларининг санъат кунлари, бадиий коллективларнинг гастроллари, кўргазмалар, ижодий конкурслар, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг анъана бўлиб қолган халқаро кинофестиваллари ва ёзувчиларнинг семинарлари бунга яхши хизмат қилмоқда».

Ватанимиз адабиёти асарларини таржима қилишнинг перспектив плани СССР Госкомиздати, СССР ва қардош республикалар Ёзувчилар союзлари, шунингдек бошқа ташкилотлар томонидан тавсия этилган китоблар рўйхатлари ҳисобга олинган ҳолда тузилади. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари прогрессив ёзувчиларининг асарларини танлашда СССР Ёзувчилар союзи, СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти қошидаги чет эл комиссияларининг тавсия этилган китоблар рўйхатлари, «Иностранная литература» журнали, «Прогресс» нашриёти нашрлари ёрдам бермоқда.

Республикамизда таржимачилик ишининг кўлами кенгайиши билан бирга унинг назарий асоси ҳам ривожланмоқда. Ўзбекистон ССР Фан-

лар академиясининг А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти қошида таржима назарияси сектори, Тошкент давлат университетининг филология факультетида эса таржима назарияси кафедраси ишлаб турибди.

Бадиий таржима соҳасида проблемалар доимо етарли бўлиб келган. Зеро ҳар бир давр таржимон олдига ўз талабларини қўяди. Бинобарин, таржиманинг ҳам умумий, ҳам хусусий масалаларини ҳал қилиш учун бугунги кунда таржима назарияси, масалан, Ўзбекистонда ҳам рус тилидан ўзбек тилига, ҳам ўзбек тилидан рус тилига таржима материаллари асосида анча чуқур ишланиши керак.

Ўзбекистон ёзувчиларининг VIII съездида бадиий таржима хусусида жиддий гап бўлди. Бизнинг фикримизча, Зулфиянинг бадиий асарларнинг энг яхши таржималарини Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига тақдим этиш ҳақидаги таклифи эътиборга лойиқдир.

Бадиий адабиётни пропаганда қилиш Ўзбекистон Ёзувчилар союзи фаолиятида доимо муҳим соҳа бўлиб келган. КПСС XXVI съезди қарорлари муносабати билан бу ишнинг аҳамияти яна ҳам ортади.

Шоир ва ёзувчиларнинг жамоатчилик олдида тез-тез чиқиб туришлари, уларнинг ижодий кечалари, шеърият мухлисларига жуда манзур бўлаётган мушоиралар адабиётнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлашга хизмат қилади. «Оқ олтин» йиғим-терими пайтида ёзувчилар бригадаларининг дала меҳнаткашларининг ҳузурига боришлари катта сиёсий-тарбиявий аҳамиятга эгадир. Қалам аҳллари деҳқонларни янги меҳнат зафарларига, деҳқонлар эса уларни янги-янги асарлар яратишга илҳомлантиради. «Олтин чўққи» китоби бунга ёрқин мисолдир.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг бадиий адабиётни пропаганда қилиш бюроси Москва, Ленинград, қардош республикалар ёзувчилари билан ижодий алоқани мустаҳкамлашга доимо катта эътибор бериб келади. Маълумки, Ўзбекистон ССРда руслар, тожиклар, қозоқлар, туркманлар, татарлар, бошқа кўпгина миллат ва элат вакиллари ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Улар учун ўз адабиётлари усталари билан учрашувлар ташкил этилади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездидаги докладидан қуйидаги сўзларни келтиришни истардик: «Совет кишиси — билимдон, маданий кишидир. Совет кишиси билан яхши ўйламай, қуруқ расмий тил билан гаплаша бошласалар, ҳаёт билан, реал фактлар билан конкрет алоқа боғлаш ўрнига умумий гаплар билан чекланиб қоладиган бўлсалар, у телевизор ёки радиони ўчириб қўяди, газетани ҳам бир чеккага йиғиштириб қўяди».

Бюромизнинг бу борада ўйлаб кўрадиган ишлари кўп. Биринчи навбатда ёзувчилар чиқишларининг сифатига талабни кучайтириш керак. Ҳар бир қалам аҳли у ёки бу аудитория билан учрашишга отланар экан, «олий мақсадни» доимо эсида тутиши керак: Маяковский таъбири билан айтганда, «агитатор, бош жарчи» бўлиши, масалан, Ҳамза ва Ҳамид Олимжондек оташин трибун бўлиши керак.

Завод, фабрика, муассаса, колхоз, совхоз, олий ўқув юртлари, мактаблар партия комитетлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини актив пропаганда қилар эканлар, бадиий сўз усталарининг чиқишларини энг самарали воситалардан бири деб ҳисоблайдилар. Ана шу ишончни шараф билан оқлаш — ҳар бир шоир, ёзувчининг вазифасидир.

Мамлакатимиз коммунистларининг тарихий анжумани — КПСС XXVI съезди совет жамиятининг доимо мустаҳкамланиб бораётган социал-сиёсий ва ғоявий бирлигини, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ интеллигенциясининг бузилмас иттифоқини, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини ёрқин намойиш қилди. Давлатимиз қудратли кучининг манбаи ҳам мана шунда. Юксак маданиятли киши, ва-

танпарвар ва интернационалист, ҳалол меҳнаткаш бўлмиш совет кишиси давлатимизнинг энг асосий ютуқларидан биридир.

Лекин орамизда шундай одамлар ҳам борки, улар жамиятга озроқ бериб, ундан кўпроқ юлиб олишга ҳаракат қиладилар. Афсуски, худбинлик ва мешчанлик, молпарастлик ва лоқайдлик, ичкиликбозлик ва ўғрилик ҳали ҳам тез-тез учраб туради. Партия янги кишини шакллантиришга халақит бераётган бундай иллатларга қарши шафқатсиз курашишга чақиради. Бу — совет адабиётининг энг асосий вазифаларидан бири. Ташаббускор, изланувчан, марксизм-ленинизм идеалларига содиқ қалам аҳллари коммунистик бунёдкорликнинг бошқа ҳамма участкаларидаги каби бу ерда ҳам жуда кўп иш қилишлари мумкин.

КПСС Улуғ Октябрнинг буюк ишини дадил давом эттираётганини, Лениннинг ўлмас ғояларини изчиллик билан амалга ошираётганлигини, ишчилар синфи, бутун халқнинг сиёсий раҳбари ролини муносиб бажараётганлигини XXVI съезд ишончли тарзда тасдиқлади. Совет кишилари партия билан ягона бирликда унинг раҳбарлигида ўз меҳнатлари билан Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини оширмоқдалар, маънавий маданиятнинг янада юксалишини таъминламоқдалар. Совет ёзувчилари мамлакатимиз барча меҳнаткашлари каби партиямиз сиёсатини маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар, зеро халқ фаровонлигини ошириш ва ер юзида тинчликни сақлаб қолиш партия сиёсатининг олий мақсадидир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездидаги доклади Совет Иттифоқидаги барча қардош республикалар адабиёти ва санъат арбоблари учун йўлчи юлдуздир. Ўзбекистон ёзувчилари ҳам съезднинг тарихий қарорларини амалга оширишда партияга актив ва ҳормай-толмай ёрдам беришга азму қарор қилганлар.

УМУММИЛЛИЙ ИФТИХОР ВА ШАХСНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛ ТОПИШИ

Т. СТУҚОВА,
философия фанлари кандидати

ЯНГИ ҚИШИНИ камол топтириш ишида коммунистик ахлоқ, унинг олижаноб принципларини ҳамма ва ҳар бир киши юриш-туришининг табиий нормаларига айлантириш проблемаси ҳамиша асосий проблема бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, империалистик пропаганда совет кишиларининг ақл-идрокига жон-жаҳди билан ҳужум қилаётган, энг макрли методлар ва замонавий техника воситалари ёрдами билан уларнинг онгини совет воқелигига қилинаётган туҳмат оғуси билан заҳарлашга, социализмни бадном қилиш, империализмни бўяб кўрсатишга интилаётган, шахснинг ички, маънавий дунёсини бузишга, унинг психологиясига, миллий туйғуларига таъсир кўрсатишга, совет кишиси онгига сиёсатдан четда туриш, ишончсизлик, миллатчилик оғусини сингдиришга уринаётган ҳозирги кунда бу масала айниқса актуал тус олди. КПСС XXVI съезди бу нарсага яна бир бор эътиборни қаратди. Партия Марказий Комитетининг Ҳисобот докладида КПСС МҚ Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев кейинги вақтларда «синфий душман пропаганда воситаларининг активлиги ошди, унинг совет кишилари онгига заҳарловчи таъсир ўтказиш йўлидаги уринишлари кучайди», деб алоҳида таъкидлаб ўтди.

Партия янги кишининг камол топиш йўлларини белгилар экан, шундай деб кўрсатадики, коммунистик дунёқараш ва ахлоқ кишилар онгидаги сарқитларга қарши муросасиз курашда қарор топади, коммунистик ахлоқ нормалари ва принципларидан ҳар қандай чекиниш совет турмуш тарзига тўғри келмайди ва тобора жиддий қарама-қарши бўлиб боради. Бинобарин, коммунистик тарбияни шахсга таъсир кўрсатишнинг хилма-хил формалари ёрдамида унинг меҳнатга, социалистик мулкка муносабатини, инсоннинг инсонга муносабатини ифодаловчи ахлоқ нормалари сингдириладиган ва хулқ-атвор принциплари ҳосил қилинадиган муайян мақсадга қаратилган жараён деб таърифлаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, коммунистик тарбия шахснинг ахлоқий хусусиятларини шакллантиришга қаратилгандир.

Совет жамияти ахлоқида мамлакатимизда социализм қурилиши жараёнида таркиб топган синфлар, миллатлар, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар системаси ўз аксини топгандир. Халқлар ўртасида адоват уруғини сочувчи буржуазия ахлоқига қарама-қарши ўлароқ коммунистик ахлоқ дўстликни турли миллатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий қонуни деб, интернационализмни эса хулқнинг энг муҳим принципларидан бири деб эълон қилади.

Марксизм-ленинизм классиклари ўз вақтида интернационализм билан ахлоқлиликнинг диалектик ўзаро боғлиқлигини кўрсатган эдилар. Қ. Маркс «Халқаро Ишчилар Жамиятининг Таъсис Манифести»да

«хусусий кишиларнинг ўзаро муносабатларида қўлланиладиган хулқ ва адолат оддий қонунларининг халқлар орасидаги муносабатларда ҳам олий қонунлар бўлиб қолишига эришиш»ни энг муҳим талаблардан бири қилиб қўйган эди (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Икки томли танланган асарлар, I том, Ўздавнашр, 1959 йил, 387-бет).

Интернационализм шахс гармоник камол топишининг ҳамма томонларига тааллуқлидир. Зотан коммунистик ахлоқ ҳам ўз мазмунида, хулқ-атворнинг асосий тушунчалари ва нормаларида совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализмининг юксак маънавий характерини очиб беради. Коммунистик ахлоқ халқлар дўстлиги ва биродарлиги идеаллари билан суғорилган бўлиб, бугун турли миллатларга мансуб кишилар ахлоқий негизларининг бирлиги ҳақида тўла ҳуқуқ билан гапириш мумкин.

Коммунистик ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши коммунистик хулқ принципларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришни тақозо қилади. Социалистик жамият ахлоқи доимо ривожланиб, янги мазмун билан, янги принциплар ва нормалар билан бойиб бораётир, ўз структурасида янги хусусиятлар, янги функцияларга эга бўлаётир, бунинг натижасида коммунистик ахлоқ айрим элементларининг аста-секин шаклланиши рўй бераётир. Етук социалистик жамият қурилиши ва ривожланиши жараёнида том маънодаги коммунизм ахлоқининг элементлари сифатида умуммиллий, умумсовет ифтихори тушунчаси вужудга келади.

Миллий ва умуммиллий ифтихор туйғуси ахлоқ сферасига киради. Тўғри тушунилган миллий ифтихор тушунчаси коммунистик ахлоқнинг муҳим хусусияти, шахсни камол топтиришнинг актив омили, унинг фаолиятида рағбатлантирувчи жиддий моментдир.

Коммунистик ахлоқ миллий ифтихор мазмунини бойитди ва у интернационал онг билан қўшилиб, ватанпарварлик ишларининг муҳим стимулига, совет халқи маънавий қиёфасининг узвий фазилатига айланаётир, бундай ифтихор туйғусини тарбиялаш эса улкан ватанпарварлик туйғуси — совет кишиларининг умуммиллий ифтихорини шакллантиришнинг негизидир. Миллий ифтихор марксча-ленинча дунёқараш негизида ривожланиб, халқларнинг яқинлашувига, ўзаро бойишига кўмаклашаётир. Айни вақтда миллий ифтихорни ривожлантиришда нотўғри тарбиялашга йўл қўйилса, шундай оғишлар вужудга келиши мумкинки, улар миллий худбинлик, миллий маҳдудлик ва такаббурлик, ўз халқини, унинг тарихини, социал-иқтисодий ва маънавий ҳаётини идеаллаштириш сингари ҳолларни келтириб чиқаради.

Умуммиллий ифтихор — кишилар янги тарихий бирлиги бўлган совет халқи маънавий ҳаётининг характеристикаларидан бири бўлиб, у дунёдаги биринчи социалистик давлатга мансубликни сезиш билан алоҳида ғурурланишда ифодаланади ҳамда ўзининг улуғ Ватани — Совет Социалистик Республикалар Иттифоқини янада равнақ топтириш учун шахсий ғамхўрлик қилишда ва масъулият ҳис қилишда намоён бўлади. Ягона умумсовет туйғуси барча миллатларга мансуб СССР гражданлари психологияси учун умумий хусусиятдир.

Умуммиллий ифтихор социалистик миллатлар ва элатларни янада яқинлаштиришнинг, уларнинг дўстлигини, қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг, миллий хурофотларни муваффақиятли бартараф этишнинг, коммунистик қурилишнинг қудратли воситасидир. У социалистик типдаги шахснинг барча асосий фазилатлари билан боғлиқ бўлгани учун ҳам совет кишисига хос характерли хусусиятлардан биридир. Шу сабабли умуммиллий ифтихорни шакллантириш масалалари сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбия билан чамбарчас боғлиқ бўлиши зарур. Бунда коммунистик ахлоқнинг барча принциплари ва нормалари диалектик бирликда бўлади, ўзаро бир-бирини тўлдиради.

Масалан, гуманизм — инсон қайси ирқ ёки миллатга мансуб эканлигидан қатъи назар унга меҳр ва ҳурматни талаб қиладиган ахлоқий принцип, юриш-туриш нормасидир. У одамларни ҳар қандай шаклдаги синфий ва миллий зулмдан озод қилишга қаратилган. Илмий коммунизм асосчиларнёқ пролетариатнинг миллий, интернационал ва гуманистик вазифалари бирлигини очиб берган эдилар. «Пролетарийларнинг кўпчилиги ўз табиатига кўра,— деб ёзган эди Ф. Энгельс,— миллий хурофотлардан холидир, бинобарин уларнинг бутун ривожланиши ва ҳаракатлари аслида гуманистик ва миллатчиликка қаршидир» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 2-том, 590-бет).

Интернационализм ва гуманизм инсонни ғоят қадрлашга асосланиб, кишилар ўртасида миллий адоватнигина эмас, балки олдиндан ҳар қандай нотўғри фикрда бўлишни ҳам истисно этувчи муносабатларни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам интернационализмни ахлоқий принцип сифатида инсон хулқининг нормасига айлантириш — коммунистик тарбия вазифаларидан биридир.

Меҳнат умуммиллий ифтихорни тарбиялаш манбаидир. Социалистик меҳнат коллективи шароитидаги меҳнат ва ижтимоий фаолият жараёнида турли миллатга мансуб кишиларнинг ҳар томонлама ўзаро муносабатлари объектив равишда умумий, интернационалистик манфаатлар ва талабларнинг шаклланишига кўмаклашиб, миллий хурофотларга қарши қаратилгандир. Совет кишисининг шуҳрати, шарафи ва гурури, унинг жамиятдаги мавқеи меҳнат билан ўлчанади. Одамлар ўзларини яхлит кўп миллатли совет халқининг бир қисми деб ҳисоблаб, «менинг коллективим», «менинг заводим», «менинг мамлакатим» сингари категориялар билан фикр юрита бошлайдилар.

Аммо бу муҳим ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмас. Коллектив аъзоларида ўз меҳнатининг интернационал характерини англаш, ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришга умумдавлат нуқтаи назаридан ёндашиш, корхона, республика, умуман мамлакатнинг муваффақияти ҳар бир кишининг муваффақиятига боғлиқлигини тушуниш туйғусини тарбиялаш юзасидан мунтазам иш олиб бориш керак. Шу боисдан ўз меҳнати учун интернационал масъулият туйғусини, ўз корхонаси, районн, республикаси билан фахрланиш туйғусини тарбиялаш улкан ватанпарварлик туйғуси — умуммиллий ифтихорни шакллантиришнинг асосидир. Совет кишисининг ўз социал қадрини англаши, ўз социалистик Ватани билан фаҳрланиши—фидокорона бунёдкорлик меҳнат манбаидир. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида барча совет кишиларида ўз социалистик Ватани билан, СССР халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги билан фахрланиш, миллий қадр-қимматни ва миллий маданиятни ҳурмат қилиш, миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига муросасизлик туйғусини тарбиялаш энг муҳим вазифалардан бири эканлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Интернационал тарбия эстетик тарбия билан ҳам чамбарчас боғланган. Эстетик тарбиянинг вазифаси — инсонни санъатдан баҳраманд қилишдир. У ёки бу халқнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти ҳақида бадиий формада ҳикоя қилинар экан, турли миллатларга мансуб санъаткорлар — рус, ўзбек, украин ва ҳоказо санъаткорлар асарларидан фойдаланилар экан,— буларнинг ҳаммаси эстетик тарбиягина эмас, балки «ягона оила» туйғусини, умуммиллий ифтихорни тарбиялаш ҳамдир. Иккинчи томондан, гўзалликни ҳис қилиш туйғуси ривожланган киши унинг одамларга муносабати коммунистик ахлоқнинг юксак принципларига мос бўлишига ҳамда уйғунлик ва нафосат талабларига жавоб беришига интилади. Бундай кишига миллий маҳдудлик ва эгоизм ётдир.

Умуммиллий ифтихорни шакллантириш атеистик тарбия билан

ҳам боғлиқдир, чунки миллатчилик ва диний сарқитлар бир-бирига чатишиб кетгандир. Дин халқ урф-одатлари ва анъаналарини ўз идеологиясига мослаштиради, миллий хусусиятлар «ҳомийси» сифатида иш кўради. Руҳонийлар кўпинча ўтмишдаги реакцион анъаналарни «муқаддас» миллий анъаналар деб тасвирлайдилар. Улар миллий мумтозликни тарғиб қиладилар, диний ва миллий туйғуларни авж олдирадилар, бу билан аҳолининг бир қисмини халқлар дўстлиги ғояларига қарши қилиб қўядилар.

Умуммиллий ифтихор билан атеизм бамисоли бир-бирини тўлдиради. Интернационалистик идеология илмий қарашларни ишлаб чиқишда кўмаклашади, атеистик эътиқодни шакллантиради. Ўз навбатида, атеизм миллий манфаатларнинг бутун совет халқи манфаатлари билан узвий бирлигини тўғри англаб олишда ёрдам беради.

Демак, умуммиллий ифтихор туйғусини шакллантириш диний идеологияга қарши курашни ҳам ўз ичига олади. Бунинг яна бир аҳамияти шундаки, буржуазия пропагандаси совет жамиятига миллатчилик қарашларини олиб кириш учун баъзи жойларда сақланиб қолган миллий ва диний маҳдудлик сарқитларидан фойдаланаётир.

Шу тарзда, коммунистик ахлоқнинг барча принциплари диалектик бирликдадир. Совет социалистик миллатлари ривожланишининг янги босқичи, уларнинг янада равнақ топиши ва яқинлашиши эса коммунистик ахлоқ принциплари бирлиги, интернационализмнинг шахсга таъсири масалаларини чуқурроқ ўрганишни талаб қилади, интернационалистик тарбиянинг мураккаброқ вазифаларини олға суради.

Бу соҳада анчагина ишлар қилинди. Мамлакатимизда янги кишини ва унинг интернационалистик онгини шакллантириш ишида каттагина ютуқларга эришилди.

Республикамизда ҳам оммани интернационал руҳда тарбиялаш соҳасида кўпгина ишлар қилинди ва қилинаётир. «Меҳнаткашларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш партия ташкилотлари доимий ғамхўрлик қиладиган масала бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади,— деди Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига МКнинг Ҳисобот докладида КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП МК биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов,— республикада юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб яшамоқдалар ва биргаликда меҳнат қилмоқдалар. Ҳамма аҳоли пунктлари, барча меҳнат коллективлари кўп миллатлидир. Мамлакатимиз кишиларининг янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келганлиги бунда ўзининг тўлиқ ифодасини топди».

СССРдаги ҳар қандай миллат вакили қаерда яшамасин, қаерда ишламасин, у ўзини аввало совет граждани, совет кишиси деб ҳисоблайди. «Биз ҳаммамиз бир оила, бир халқмиз,— деб ёзади СССР космонавт-учувчиси Андриан Николаев.— Мен учун Чувашистоннинг бир қисм тупроғини олиб юришнинг ҳожати йўқ, ҳозир мен яшаб турган Москва атрофи тупроғи худди шундай қадрли, мен биринчи бор катта меҳнат йўлига чиққан Карелия тупроғини ҳам, биринчи бор самолётда парвозга кузатган Қирғизистон тупроғини ҳам, двигателларнинг қудратли садоси остида мени ракеталарда космосга учирган Қозоғистон тупроғини ҳам, умрим охиригача ўз туғроғим деб биламан... Мен қаерда бўлмай ҳамиша ўзимни толмас меҳнаткаш, энг олижаноб ва инсонпарвар идеаллар учун курашчи бўлган буюк совет халқининг бир зарраси деб ҳис қиламан».

Ягона Совет Ватани, ягона ижтимоий тузум совет кишилари умуммиллий ифтихорларининг бош объектидир. Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида қардош республикаларнинг территорияси СССР миллатлари ва элатларини қардош оилага жипслаштирувчи, миллий ва

интернационал жиҳатлар биргаликда намоён бўлувчи яхлит умумхўжалик комплексини ташкил қилиб, янги сифатга эга бўлмоқда. Ҳар бир совет кишиси ўз миллати, ўз республикасини севар экан, уни қандайдир алоҳида нарса деб эмас, балки ўзининг умумий Ватани — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг таркибий қисми деб билади. Бу ҳақда Владимир Маяковский яхши гапларни айтган: «Биздаги энг муҳим бисот — бизнинг Советлар мамлакатимиз,— совет иродаси, совет байроғи, совет офтобидир».

Совет кишиларининг умуммиллий ифтихори, мамлакатимиз барча миллатлари ва элатларининг маънавий-сиёсий бирлиги ва жипслиги коммунизм учун курашда, бунёдкорлик меҳнатида янада мустаҳкамланмоқда. Октябрь революцияси, ССР Иттифоқининг ташкил топиши, социалистик индустрлаштириш, коллективлаштириш, маданий революция, Улуғ Ватан урушидаги ғалаба, урушдан кейин вайрон бўлган халқ хўжалигини қайта тиклаш, ривожланган социализм жамиятининг қурилиши, секин-аста коммунизмга ўта бошлаш — буларнинг ҳаммаси юздан ортиқ миллатдан иборат совет кишилари босиб ўтган ва бораётган йўлдаги тарихий босқичлардирки, улар ўз кучлари, ақл-идроклари ва ижодиётлари билан яратилган ҳамма нарса билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Меҳнат ва курашда ўтган шу йиллар мобайнида сифат жиҳатидан янги турмуш тарзи вужудга келди ва унинг тобора янги хусусиятлари равшан намоён бўлмоқда. Одамлар ўртасидаги инсоний муносабатлар, коллективизм, чинакам халқ ҳокимияти, интернационализм ва ватанпарварлик, жамият аъзоларининг юксак ижтимоий-сиёсий ва социал активлиги ва масъулияти бу ҳаёт тарзи учун характерлидир. Совет кишилари бу ҳаёт тарзи билан фахрланадилар.

Социалистик турмуш тарзининг янада такомиллаштирилиши совет кишилари маънавий маданиятини ривожлантириш проблемаларини муваффақиятли ҳал этишга, янги кишини ва унинг муҳим маънавий хусусияти — умуммиллий ифтихорни шакллантиришга ёрдам беради. Зотан, тарбиявий ишда ҳар бир киши совет турмуш тарзи билан фахрланадиган бўлишига, унинг тарихий афзалликларини, идеаллари ва маънавий бойликларини яққол тасаввур қилишига эришиш муҳимдир. Бунинг аҳамияти яна шундаки, бизнинг муваффақиятларимиз кўп жиҳатдан биз меҳнат пафосини, коммунистик қурилиш практикасини қанчалик ёрқин ва ишончли тарзда очиб беришимизга, социалистик турмуш тарзини қарор топтиришимизга ва пропаганда қилишимизга боғлиқ.

СССР ташқи сиёсати — совет кишиларининг умуммиллий ифтихор объектидир. Октябрь социалистик революциясининг дастлабки кунлариданоқ пролетар интернационализми ленинча принципларини муттасил амалга оширишга асосланувчи бу сиёсат бутун дунёдаги революцион, прогрессив кучлар билан ҳамкорлик руҳи билан суғорилган бўлиб, халқаро майдонда синфий курашнинг актив омилига айланди.

Интернационал негиздаги социалистик маданият умуммиллий ифтихор объектидир. Шота Руставели ва Алишер Навоий, Александр Пушкин ва Тарас Шевченко, Якуб Колас ва Ян Райнис, Чингиз Айтматов ва Расул Гамзатов, Арам Хачатурян ва Ўрол Тансиқбоев, бошқа атоқли маданият арбоблари — ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, ҳайкалтарошлар, архитекторлар ва ҳоказолар — ҳар қандай миллат вакилларига бир хилда азиз ва қадрлидир. Академик М. А. Орбели «Ленинград қамали кунлари ва тунларида нималарни ўйлаган эдик» деган мақоласида ажойиб бир фактни келтиради: «1941 йил кузи ва қишида, улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг юбилей кунида, Эрмитажга кўпгина ленинградликлар келишди, улар изғиринли совуққа қарамай, шаҳар транспорти ишламаслигига қарамай, шаҳар тўплардан тинмай ўққа тутиб турилганига қарамай бу ерга келишди... Буни қа-

рангки, залда томирида озарбайжон ёки ўзбек қони уриб турган бирорта ҳам одам йўқ эди. Аммо бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди. Бу ерда тўпланганлар учун, совет гражданлари учун бу кун байрам эди. Бу нарса докладлар қанчалик пухта ўйлаб, яхши ёзилганидан, Навоий шеърларининг ёш ўқитувчи (байрамдан кейин кўп ўтмай вафот этган) таржима қилган шеърларига берилган сайқалдан, шу кунларда Навоий асарлари темасида безатилган рус бадиий чинни маҳсулотларига нақадар меҳр ва маҳорат билан расмлар чизилганидан сезилиб турарди. Залда бўлган ва тўпдан ўққа тутиш кучайганлиги сабабли бошқа бинога кўчиб ўтиш ҳақидаги таклифни якдиллик билан рад этган кишиларнинг чеҳрасида тантанавор бир кайфият акс этиб турарди».

Ҳозирги кунда олиб борилаётган идеологик курашда буржуазия маддоҳлари мамлакатимиздаги турли миллат меҳнаткашлари ўртасига нифоқ солиш, уларнинг онгини миллатчилик оғуси билан заҳарлаш, миллатчилик бидъатларини жонлантириш, халқлар дўстлигига раҳна солиш, миллий низолар келтириб чиқариш учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилаётирлар. Шу мақсадда империалистлар катта пропагандистик аппаратни, тадқиқот марказларининг кенг шохобчаларини вужудга келтирдилар.

Шу сабабли империалистларнинг бу соҳадаги идеологик диверсияларига қарши, миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши, мамлакат халқларини янада интернационал жипслаштириш учун кураш КПССнинг, барча партия ташкилотларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолаётир. Шу муносабат билан Ўзбекистон КП МҚнинг республика Компартияси XX съездига Ҳисобот докладида бундай деб таъкидланади: «Биз ҳар бир совет кишисида социалистик Ватанимиз билан фахрланиш, СССР халқларининг қардошларча бузилмас дўстлиги туйғуларини шакллантиришимиз, миллий хусусиятларни ва миллий маданиятни ҳурматлаш, миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига муросасиз бўлиш туйғусини тарбиялашимиз лозим».

Интернационал алоқалар совет кишилари характерининг умумий хусусиятларини қарор топтиришнинг муҳим шарт-шароитларидан бири бўлиб хизмат қиладики, бу характерда мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатлар характеридаги энг яхши хусусиятлар жамулжам бўлади. Совет кишиси қиёфасида миллий ва интернационал жиҳатлар, миллий ва умуммиллий ифтихор мужассамдир. Ўртоқ Л. И. Брежнев Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб Тбилисида ўтказилган тантанали мажлисда бундай деган эди: «Бобоколонларимизнинг ерига, жонажон маданиятига, ўз тилига, ўз анъаналарига ва урф-одатларига бўлган битмас-туганмас муҳаббат, меҳр ва садоқат ҳисларини бошидан кечирмаган одам бўлмаса керак. Лекин совет жамиятида мана шу ҳис — ватанпарварлик ҳисси миллий мансублик билан чеклаб қўйилган чегарадан ошиб кетиб, янги мазмун билан тўлмоқда... Биз ҳаммамиз қайси республикада яшамайлик, совет ватанпарварларимиз, битта социалистик Ватаннинг фарзандларимиз».

СССРдаги барча миллатлар ва элатларни бирлаштирувчи совет халқи буюк бирлигидан иборат ажойиб ва олижаноб туйғу — умуммиллий ифтихор туйғуси жамиятимизнинг қудратли ҳаракатлантирувчи кучидир. Биз коммунизм қурилиши йўлидан олға борган сари, қудратли Ватанимизнинг барча халқларини бирлаштирувчи иқтисодий, маданий ва бошқа алоқалар хилма-хил ва мустаҳкам бўла борган сари бу туйғу шунчалик кучли ва чуқурроқ бўлиб бораверади.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРИ СТУДЕНТЛАРИНИНГ ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ ТАРБИЯСИ

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ соҳасида совет олий мактаблари ходимлари олдида мураккаб ва масъулиятли вазифалар турибди. Партия уларни ўқув ва тарбиявий жараёнларнинг узвий бирлигига эришишга, студентларда илмий, марксча-ленинча дунёқарашни, юксак маънавий-сиёсий хислатларни шакллантиришга, уларда меҳнатсеварликни сингдиришга, уларнинг ижтимоий активлигини ҳар томонлама оширишга даъват этмоқда.

Коммунистик қурилиш кўлами орта бориши билан халқ хўжалигининг турли тармоқларини, фан ва маданиятни ривожлантириш учун юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж муттасил ўсиб боради. Бу эса юқори малакали мутахассисларни профессионал ва сиёсий жиҳатдан тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш соҳасида мамлакатимизда таркиб топган системани янада ривожлантириш ва такомиллаштиришни тақозо этади. Ҳозирги вақтда ўқитишнинг барча формаларини унинг характери нуқтаи назаридан икки группага: ишлаб чиқаришдан ажралган ва ундан ажралмаган ўқиш группасига, иккинчисини эса кечки ва сиртқи бўлимларга бўлиш мумкин.

Олий таълимнинг ривожланиш истиқболлари ва тенденциялари анализи шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишнинг роли ва аҳамияти муттасил ошиб боради. Бу аввало фан-техника революцияси қонуниятлари билан боғлиқдир.

Олий ўқув юртида кечки ва сиртқи бўлимларда ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда у ёки бу мутахассислик бўйича бутун бир билимлар комплексини олишга, малакани жиддий равишда оширишга имкон беради. Ҳозирги шароитда у қуйидаги икки ҳол туфайли алоҳида аҳамият касб этади. Биринчидан, партия ва ҳукуматнинг ҳунар-техника таълими системасини ривожлантириш соҳасида белгиланган тадбирларининг амалга оширилиши натижасида юз минглаб йигит ва қизлар ҳунар-техника билим юртларига кириб ўқимоқдалар, уларни битириб чиқиб, ишчилар синфи сафини тўлдирмоқдалар. Орадан бир оз вақт ўтганидан кейин турмуш улардан ўз малакасини оширишни талаб қилмоқда, бунда улар, кўпинча кечки ёки сиртқи ўқиш йўлини танламоқдалар. Иккинчидан, аҳоли кўпайиб бориши билан ўрта мактабларни битириб чиққанлар сони билан олий ўқув юртлари кундузги бўлимларидаги сони ўртасидаги тафовут ортиб бормоқда. Олий мактабларга киролмаган йигит ва қизлар, одатда, ишга жойлашиб, кечки ва сиртқи факультетларга киришга интиладилар. Бу Совет Армиясида хизмат қилган вақтда гражданлик касбларини эгаллаган йигитлар учун ҳам характерлидир.

Шундай қилиб, кечки ва сиртқи ўқишни бутун чоралар билан кенгайтириш ҳамда уни янада такомиллаштириш объектив жиҳатдан энг актуал вазифалардан бири бўлиб қолди, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Олий мактабни янада ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш тўғрисида»ги қарорида бу вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Олий ўқув юртларининг энг муҳим вазифаси студентларни ғоявий-сиёсий тарбиялашдан иборат. Афсуски, кечки ва сиртқи факультетларда тарбиявий иш методикаси амалда ҳали ишлаб чиқилмаганлигини таъкидлаб ўтишга тўғри келади.

Бу ерда кечки ва сиртқи бўлимлар студентлари ўзига мустақил, шаклланган шахслар бўлиб, уларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш иши билан иш жойидаги партия ва комсомол ташкилотлари шуғулланади, улар олий ўқув юртларига жуда қисқа вақтга — фақат кечқурунлари ёки сессияларга келадилар, бинобарин, кечки ва сиртқи бўлимларда жиддий тарбиявий тадбирларни амалга ошириш устида гапирмаса ҳам бўлади, деган фикр салбий таъсир кўрсатди.

Бундай позиция, шубҳасиз, хато позициядир. Биринчидан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқийдиганлар кейинги йилларда анча «ёшарди». Ҳозирги вақтда уларнинг ўртача ёши 21—22 йилни ташкил этади, яъни кундузги бўлим студентларидан унча кўп фарқ қилмайди.

Иккинчидан, сиртқи ва кечки бўлимлар ва факультетлар студентларининг КПСС тарихини, марксча-ленинча философияни, сиёсий иқтисодни ва илмий коммунизмни

ўрганишни дунёқарашни шакллантирадиган фанларни ўрганиш самарадорлигини оширадиган тарбиявий ишлар билан албатта мустаҳкамлаш керак.

Учинчидан, ишлаб чиқариш коллективлари ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш тажрибасига эга бўлган юқори малакали педагогларга эга эмас, бинобарин кечки ва сиртқи бўлимлар стундентларини ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириш ишини тўла-тўкис улар зиммасига юклаш нотўғри бўлади. Бу соҳада олий ўқув юрти билан ишлаб чиқариш коллективининг куч-ғайратини бирлаштириш жуда яхши самара беради.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг беш факультетида сиртқи бўлимлар, тўққиз факультетида кечки бўлимлар бор. Улар тўққизинчи беш йиллик ва ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 10 мингдан зиёд юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб чиқарди. Ҳозирги вақтда бу ерда 8500 киши таълим олмоқда.

Университетда кечки ва сиртқи бўлимлар студентлари ўртасида ғоявий-тарбиявий иш олиб бориш соҳасида катта тажриба тўпланган. Ғоявий-тарбиявий ишга ректорат ва университет ва факультетлар партия ташкилотлари раҳбарлик қилади.

Кундузги бўлимлар талабалари сингари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим оладиган студентларни ғоявий-сиёсий тарбиялашнинг асосий формаси дунёқарашни шакллантирадиган фанларни ўрганишдан иборат, бироқ, у ўзига хос методика билан олиб борилади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш проблемалари юзасидан 1978 йил мартда бўлган умумуниверситет илмий-методик конференциясида бу методикани ишлаб чиқиш ишига қисман якун ясалди. Конференцияда, жумладан, кечки ва сиртқи бўлимларда ижтимоий фанларни ўқитиш методикаси тўғрисида бир қатор докладлар тингланди. Университетимиз ўқитувчилари олий ўқув юртлари сиртқи ва кечки бўлимларида ижтимоий фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш масалаларига бағишланган Бутуниттифоқ илмий-методик конференцияси (1978 йил февраль) ишида ҳам иштирок этдилар. Дунёқарашни шакллантирадиган фанларни ўқитишни яхшилаш масаласи билан тегишли кафедраларнинг методик комиссиялари шуғулланади. Чунончи, гуманитар фанлар факультетлари КПСС тарихи кафедрасининг кечки ва сиртқи бўлимлар бўйича методик комиссияси (мудири профессор Л. В. Гентшке) КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» асарларини ўрганиш системасини муфассал ишлаб чиқди.

Кечки бўлимлар студентлари билан олиб бориладиган ғоявий-тарбиявий ишнинг қизиқарли формаси уставдан ташқари комсомол ташкилотларидир: курсларда ташкил қилинган уставдан ташқари комсомол группалари уставдан ташқари факультет комитетларига бўйсунади, улар университет комсомол комитети раҳбарлигида ишлайди. Шундай қилиб, кечки бўлимларда таълим оладиган комсомоллар ВЛКСМ Уставига мувофиқ иш жойидаги комсомол ташкилотлари ҳисобида туради ва айни вақтда университет кечки бўлими уставдан ташқари комсомол группасининг аъзоси ҳисобланади. Бу группалар ўзлаштириш, машғулотга қатнашиш масалалари билан шуғулланади, маданий-оммавий тадбирлар, сиёсий ахборотлар олиб боради, ўқишдан ташқари вақтда ижтимоий-сиёсий темаларда лекциялар ва суҳбатларни ташкил қилишда актив иштирок этади.

Ўқувчи ёшларни ғоявий-сиёсий тарбиялашда куч-ғайратни бирлаштириш мақсадида студентларнинг иш жойидаги комсомол ташкилотлари билан алоқа боғлаш кечки бўлимлар комсомол ташкилоти фаолиятининг муҳим томонидир. Шундай ҳамкорлик эндигина бошланди, лекин шунга қарамай ижобий натижалар бермоқда.

Кечки ва сиртқи бўлимлар ўқув группалари кураторларининг иши тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш керак. Узоқ вақт давомида уларнинг вазифаси ўқиш жараёнини активлаштиришдан, интизомни йўлга қўйишдан, суҳбатлар, сиёсий ахборотлар (кечки бўлимларда — доимо, сиртқи бўлимларда — сессия даврида) ўтказишдан иборат бўлди. Ҳозир биз кураторларни студентлар билан олиб бориладиган индивидуал тарбиявий ишга тобора кўпроқ жалб қилмоқдамиз. Мамлакатнинг бир қатор олий ўқув юртларида бу соҳада муайян тажриба тўпланган бўлиб, уларда кураторлар ҳар бир студентнинг ишлаб чиқаришдаги иши, маиший шароити билан қизиқадилар, зарур ёрдам кўрсатадилар. Буларнинг ҳаммаси кечки ва сиртқи бўлимлар студентларининг ўқишига ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан ўсишига ижобий таъсир кўрсатаётганлигини практика тасдиқламоқда.

Сиртқи ва кечки бўлимлар талабаларини ғоявий-сиёсий тарбиялашда ижтимоий фанлар кафедраларининг ўқитувчилари етакчи роль ўйнайдилар. Улар ўқув машғулотларидан ташқари студентлар учун КПСС ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим проблемалари бўйича лекциялар ўқийдилар, партия ҳужжатларини тушунтириш, республика ҳаётининг актуал масалалари бўйича суҳбатлар ўтказадилар. Бу эса студентларнинг сиёсий билимини анча бойитади, уларда актив ҳаётий позицияни шакллантиришга ёрдам беради.

Ҳар бир ўқув йили бошларида ўтказиладиган тантанали суратда студентликка қабул қилиш, корхона вакиллари иштирокида курс ишлаб чиқариш кенгашини ўтказиш (бунда ўқув-тарбиявий ишлар проблемалари муҳокама қилинади), ўқитувчилар катта группасининг республика областларига — сиртқи бўлим студентлари меҳнат қилаётган жойларга ҳар йили командировка қилиниши (бу ерда ўқув лекцияларидан ташқари ижтимоий-сиёсий темада ҳам лекциялар ўқилади) каби тадбирлар ҳам ижобий натижалар бермоқда.

Биринчи курс студентларининг КПСС тарихи кафедраси ташкил қилган ва анъанага

айланган В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалини бориб кўриши сиртқи ва кечки бўлимлар студентларини ғоявий-сиёсий тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир. Кечки бўлим студентлари бир йилда музейда бир неча марта бўладилар — ўқитувчилар ўрганилаётган темага оид экспозициялар жойлашган залларда лекциялар ўқийдилар. Бундай машғулотлар юксак самара беради.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Олий мактабни янада ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш тўғрисида»ги қарори студентларда докладлар ва омма олдида чиқишларни мустақил тайёрлаш, ижодий мунозараларда иштирок этиш кўникмасини актив ишлаб чиқишни, уларда тарбиячи ва ташкилотчи, коммунистик ғоялар пропагандисти хислатларини шакллантиришни талаб қилади.

Студентларнинг илмий-назарий конференцияларини ўтказиш ана шу хислатларни тарбиялашнинг таъсирчан воситасидир. Конференцияларда иштирок этиш студентларда ижодий, тадқиқотчилик қобилиятини ривожлантиради, илмий адабиётлар билан ишлашга ўргатади, ижтимоий-сиёсий билим даражасини оширади.

Узоқ вақт давомида олий ўқув юртларида кечки бўлим студентлари ва айниқса сиртдан ўқийдиган талабалар илмий иш билан шуғуллана олмайдилар, студентларнинг илмий жамиятларида бўла олмайдилар, илмий конференцияларда иштирок эта олмайдилар, деган фикр ҳукм сурарди. Университетда тўпланган тажриба бундай фикрнинг нотўғрилигини кўрсатди.

Аввал бошда биз кечки бўлим студентлари иштирокида конференция ўтказдик, унинг муваффақиятли чиқишига ишонч ҳосил қилгач, сиртдан ўқийдиганларни ҳам жалб қилдик. Ўтган йили кечки бўлим студентларининг VI илмий конференцияси бўлиб ўтди. Агар 1974 йилда бундай конференцияда 350 студент қатнашган бўлса, 1980 йилда 1150 студент ёки университет кечки бўлимларида ўқиган барча талабаларнинг 27 проценти иштирок этди. Ўтган йили сиртқи бўлим студентларининг III илмий конференцияси ҳам бўлиб ўтди.

Бу ишнинг сифати ҳам яхшиланиб бормоқда. Чунончи, навбатдаги конкурсда энг яхши деб топилган кечки бўлим икки студентининг иши Бутуниттифоқ конкурсида иштирок этди. Бу студентлар ВЛКСМ Марказий Комитетининг ёрлиғи билан тақдирланди. VI илмий конференцияга КПСС тарихи секцияси бўйича кечки бўлимнинг 160 студенти докладлар тайёрлади. Бир неча иш республика конкурсига қўйилди. Сиртдан ўқийдиган студентларнинг III илмий конференциясида 590 студент ижтимоий-сиёсий темада докладлар қилди, уларнинг кўпчилиги бош манбалар устида ишлаш, проблемани ижодий тадқиқ қилиш, материални умумлаштириш, илмий асосланган хулосалар чиқариш қобилиятига эга эканлигини кўрсатди.

Буларнинг ҳаммаси олий ўқув юртларининг педагоглар коллективлари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган студентларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш соҳасида жуда катта резерв ва имкониятларга эга эканлигидан далолат беради. Бу ишни янада такомиллаштириш малакали мутахассислар тайёрлаш сифатига самарали таъсир кўрсатади.

А. АЗИЗХОНОВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг проректори.

УРУШ САБОҚЛАРИ

Ю. МАКСИМОВ,
генерал-полковник,
Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи
қўшинларининг қўмондони

УЛУҒ ВАТАН урушининг сўнгги тўплари отилиб бўлган кун — 1945 йил 9 май тарихга муқаддас сана бўлиб кирди. Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари инсониятнинг энг ёвуз душмани — Германия фашизми устидан ғалаба қозонди. Бизнинг Ғалабамиз одамларнинг бирон-бир авлоди ҳали кўрмаган тенгсиз улуғвор жасорат бўлди, Совет социалистик давлати қудратли ҳаётий кучининг, ленинчи коммунистлар партияси ички ва ташқи сиёсати донолигининг ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган яна бир исботи бўлди.

Фашистлар Германиясининг Совет Иттифоқига қарши уруши империализм зарбдор кучининг Советлар Мамлакатига қилган энг катта қуролли ҳужуми эди. Мислсиз миқёсдаги агрессияни ер юзида биринчи меҳнаткашлар давлатига синфий адоват туфайли телбаланган бутун дунё реакцияси тайёрлади. Капиталистик мамлакатларнинг раҳбарлари СССРнинг намунаси ер курраси барча қитъаларидаги революцион жараён кучайишига таъсири тобора ортиб боришидан ҳадиксираб социализм мамлакатига қарши зудлик билан ягона фронт туздилар.

Америка, Англия ва Франция империалист доираларининг иғвогарлик сиёсати халқларга қимматга тушди. Бу сиёсат кўпгина мамлакатларнинг фашизм асоратига тушиш хавфи пайдо бўлишига олиб келди. Гитлерчилар Германияси қисқа муддатда Европанинг ўн битта давлатини оккупация қилиб олди. Капиталистик дунёда фашист босқинчиларни тўхтатиб қўя оладиган куч топилмади.

Европадаги осон ғалабалар Гитлерни ва унинг тўдасини ҳовлиқтириб қўйди, натижада улар 1941 йил 22 июнида СССРга қарши «салб юриши» бошлаб 5,5 миллион кишилик 190 та дивизиядан иборат жуда катта армияни урушга ташлади, бу армиянинг ҳужумида салкам беш мингта самолёт, тўрт мингтадан кўпроқ танк, 47,2 мингтадан зиёд тўп ва миномёт қатнашди. Фашизмга қарши даҳшатли ҳарбий тўқнашувда улуғ совет халқимиз ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари бениҳоя оғир машаққатларни енгиб, ғалаба қозонди.

Бу жуда оғир уруш инсониятга қандай сабоқлар берди?

Дунёдаги биринчи социалистик давлатни йўқ қилиб ташлаш, бутун ер куррасида капиталистик тузумнинг танҳо ҳукмронлигини қайта ўрнатиш мақсадида урушга узоқ вақт пухта тайёргарлик кўрган халқаро империализмнинг сиёсий стратегияси бутунлай барбод бўлди. Совет Иттифоқи йўқ бўлиб кетмади, балки мамлакатимизнинг қудрати янада ошди, дунёда социализм кучлари ўсди ва империализм кучлари заифлашди. Мана шу кучларнинг ўзаро кураши Улуғ Ватан урушининг сиёсий моҳиятини ташкил этди ва унинг адолатли, халоскорлик характерини белгилаб берди.

Совет Иттифоқи Улуғ Ватан урушининг якунлари дунёда социализмни енга оладиган, марксизм-ленинизм ғояларига садоқатли, социалистик Ватанга берилган, Ленин партияси теварагида жипслашган халқни тиз чўктира оладиган куч йўқлигини кўрсатди.

Урушнинг ғолибона тугаши империалистларнинг Ватанимизга қарши иккинчи ҳарбий хуружи батамом барбод бўлганини билдирди. У тарихий тараққиётнинг бундан буёнги жараёнига чуқур таъсир ўтказди, ўзининг оқибатлари жиҳатидан бу ғалаба ўтмишдаги барча озодлик урушлари орасида тенгсиздир.

Уруш йилларида совет кишилари ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун, коммунистик қурилишни давом эттириш имкониятини олиш учунгина жанг қилганлари йўқ. Айни вақтда улар муҳим ва улкан интернационал вазифани бажариб, энг илғор ижтимоий тузумни, бутун дунё меҳнаткашларининг Ватанини фашизмнинг қора кучларидан ҳимоя қилдилар. Социализмни ҳимоя қилиш йўлидаги урушнинг туб хусусиятларидан бири мана шу. Бу хусусиятни белгилаб берган В. И. Ленин 1918 йилдаёқ бундай деган эди: «...Биз Россияда социалистик тузум учун курашар эканмиз, бутун дунё социализми учун курашмоқдамиз» (Тўла асарлар тўплами, 32-том, 79-бет).

Фашизм Совет Иттифоқига ҳарбий ҳужумни антикоммунизм байроғи остида тайёрлаб, амалга оширди. Аммо гитлерчилар жаҳонга ҳукмрон бўлиш, «янги тартиб», яъни бутун ер юзида фашизм диктатураси режимини ўрнатиш ўзларининг пировард мақсади эканини мутлақо яширмадилар. Капиталистик дунё ўзи юзага келтирган мана шу хавфни бартараф этишга қодир эмаслигини 1939—1940 йиллардаги воқеалар кўрсатди.

Шундай қилиб, Улуғ Ватан уруши фронтларида Совет Иттифоқининг тақдиригина ҳал қилиниб қолмай, шу билан бирга фашистлар зулми остига тушиб қолган ва мана шундай қисмат хавфи остида турган барча халқларнинг ҳам тақдири ҳал этилди. Гитлерчиларнинг бутун-бутун халқларни қириб ташлаш, «арий ирқининг минг йиллик ҳукмронлиги» ҳақидаги даҳшатли режаларини пучга чиқариш, дунёни фашизм асорати хавфидан халос этишдек юксак тарихий вазифани фақат социализм мамлакати — Совет Иттифоқигина бошқа мамлакатлар тараққийпарвар кучларининг мадади ва ёрдами билан бажара олди. Ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлган СССР гитлерчилар зулми остида қолган халқларга ёрдам берди.

Совет Қуролли Кучлари Польша, Чехословакия, Болгария, Руминия, Югославия қўшинлари билан, Қаршилик ҳаракати билан, иттифоқчиларнинг армиялари билан жанговар ҳамдўст бўлиб, фашистлар блокини енгди. Совет Армияси Австрия, Албания, Болгария, Венгрия, Норвегия, Польша, Чехословакия, Руминия, Югославия халқларини гитлерчилар оккупациясидан озод қилишга ҳал қилувчи ҳисса қўшди. Немис халқи ҳам фашистлар истибдодидан халос этилди.

Чет эл халқларини озод қилишда совет жангчилари она юртдаги сингари қаҳрамонлик ва мардлик кўрсатдилар. Жанговар халоскорлик вазифасини адо этишда бизнинг томонимиздан 11 та фронт, осмон ҳужумидан мудофаа қилувчи иккита фронт ва икки армия, тўртта флот, 52 та умумқўшин, 6 та танк, 13 та ҳаво армияси ва учта флотилия қатнашди. Европа ва Осиёнинг ўн битта давлати территориясида совет жангчилари жами бир йилдан кўпроқ жанг қилиб, 170 миллионга яқин кишини фашистлар оккупациясидан озод қилдилар.

Совет Қуролли Кучлари Узоқ Шарқда ҳам юксак халоскорлик вазифасини бажардилар. Улар 1 миллион кишилик Квантун армиясини тор-мор этганликлари Хитой, Корея, Вьетнам халқлари ва Осиёда империалистик Япония зулми остига тушиб қолган бошқа халқларнинг миллий озодлик кураши натижасини белгилаб берди.

Уруш давомида бир қанча мамлакатларда капиталистлар ва помешчиклар ҳокимиятини ағдариб ташлаш учун вазият вужудга келди. Совет Армиясининг ғалабалари туфайли вужудга келган қулай шароитда 1944 йил 23 августда Руминияда, 29 августда Словакияда, 9 сентябрда Болгарияда, 1945 йил 5 майда Чехословакияда фашизмга қарши қўзғолон кўтарилди. Польша, Югославия ва бошқа мамлакатлардаги революциялар муваффақиятли ривожланди. Шу мамлакатларда совет қўшинларининг туриши ички реакциянинг ҳаракатларига маълум даражада йўл бермади, унинг гражданлар уруши бошлашига халақит берди ва контрреволюцияни экспорт қилиш имкониятини бутунлай йўққа чиқарди. Бир қанча мамлакатларда халқ-демократик революцияларининг ғалабалари натижасида жаҳон социализм системаси вужудга келди.

Ҳозирги халқаро вазиятда Совет Қуролли Кучларининг интернационал вазифаси янги мазмун билан бойимоқда. Улар империализм агрессив режаларини бўғиб турувчи қудратли моддий омил, халқлар озодлик курашининг ишончли таянчи бўлиб турибдилар. «Мамлакат хавфсизлиги, тинчликни ҳимоя қилиш манфаатлари талаб қилган, агрессия қурбонларига ёрдам бериш зарур бўлиб қолган вақтда совет жангчиси бутун дунё олдида ҳар қандай қийинчиликларни енгишга тайёр турган беғараз ва жасур ватанпарвар, интернационалист сифатида намоён бўлади». КПСС XXVI съезди совет жангчиларининг ўз интернационал бурчини пировардигача бажаришга тайёрлигини мана шундай юксак баҳолади.

* * *

Фашистлар устидан қозонилган ғалабага фашизмга қарши коалициядаги давлатларнинг, оккупациячиларга қарши курашган халқларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари туфайли эришилди. Бу ғалабада Совет Иттифоқи ва унинг Қуролли Кучлари бош ролни ўйнадилар.

Иккинчи жаҳон уруши давомида Совет-Германия фронтининг ҳал қилувчи аҳамияти ва совет халқининг фашистлар Германиясини тормор этишдаги роли хусусида шак-шубҳа бўлмаган эди. АҚШнинг собиқ давлат секретари Стеттиниус ўзининг 1950 йилда босилиб чиққан «Рузвельт ва руслар» китобида бундай деб ёзди: «Америка халқи 1942 йилда ҳалокат ёқасида турганини унутмаслиги керак. Башарти Совет Иттифоқи ўз фронтида қаттиқ турмаганида, немислар Буюк Британияни забт этиш имконини олур эдилар. Улар Африкани босиб олишга, сўнгра эса Лотин Америкасида плацдарм вужудга келтиришга қодир эдилар. Президент Рузвельт мана шу даҳшатли хатарни доимо назарда тутди».

АҚШнинг собиқ ички ишлар министри Г. Икес 1944 йил июлида бундай деган эди: «Руслар ватанни қаҳрамонона ҳимоя қилишлари билан нацизмни тор-мор этиш мумкинлигини бутун дунёга исботлабгина қолмай, шу билан бирга Бирлашган Миллатларнинг аллақачонлар талваса ёқасида турган халқларини курашга илҳомлантириб, уларда ҳам мардлик учқунларини аланга олдирдилар. Совет Россияси далаларида Россия халқларининг қатъий матонати туфайли нацизмнинг енгилмаслиги тўғрисидаги афсона чиппакка чиқарилди. Сталинград, Харьков, Смоленск, Киев сингари номлар Бирлашган Миллатларнинг эркаклари ва аёллари учун, улар қаерда жанг қилмасинлар, енгилмас мардлик ва букилмас ирода рамзи бўлиб қолди».

Иккинчи жаҳон урушининг қонли жанглар давом этаётган Совет — Германия фронтидаги воқеаларни меҳнаткашлар, барча тараққийпарвар кишилар жон ҳовучлаб кузатиб бордилар, деб эслайди инглиз ёзувчиси Жеймс Олдриж. «Биз бир-биримиз билан учрашганимизда доимо:

эшитдингми, Россиядаги жанглар қандай бораяпти?— деб сўрар эдик. Дилимизга шу қадар яқин бўлиб қолган ўша олис мамлакатда дунёнинг тақдири ҳал бўлаётганига ҳеч ким шубҳаланмас эди».

Аммо урушдан кейинги йилларда чиққан бир қанча нашрларда буржуа тарихчилари Совет Армияси солдатлари ва саркардаларининг улуғ жасоратига доғ туширишга, Совет Қуролли Кучларининг халоскорлик вазифасини бадном қилишга, агар Гитлер хато қилмаганида, урушнинг оқибати, гўё, бошқача бўлиши мумкин эди, деб газетхонларнинг қулоғига қуйишга уринмоқдалар, иккинчи жаҳон уруши бошланганлиги учун айбни СССРга тўнкашга ва айниқса АҚШ билан Англиянинг фашистлар блокини тор-мор этишга қўшган ҳиссасини ошириб кўрсатишга интилмоқдалар.

Буржуа қаламкашлари иккинчи фронтнинг ҳал қилувчи роли тўғрисидаги афсонани зўр бериб тарғиб қилмоқдалар. Бироқ иккинчи фронт икки йил кечикиб очилганлиги, бу вақтда Совет — Германия фронтидаги урушнинг муваффақияти СССР фойдасига ҳал қилиб қўйилганлиги ҳаммага маълум.

АҚШда Ф. Уолтоннинг «Иккинчи жаҳон урушининг мўъжизаси» деган китоби «Америка саноати ғалабани қандай таъминлади» деган кичик сарлавҳа билан босилиб чиқди. Китобда ленд-лиз Совет Иттифоқи учун ҳал қилувчи роль ўйнади, деб даъво қилинади, аммо Совет Иттифоқига АҚШ, Англия ва Канада етказиб берган хом ашё билан техника Ватанимиз саноати ишлаб чиқарган маҳсулотнинг 4 процентидан ошмаганлиги яхши маълум.

Биз империализмга қарши коалиция барча қатнашчиларининг ғалаба ишига қўшган ҳиссасини эътироф қиламиз, бироқ ҳал қилувчи ролни Совет Иттифоқи ва унинг Қуролли Кучлари ўйнади. Ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган фактлар ана шундан далолат беради.

Модомики урушнинг тақдири жанг майдонларида ҳал қилинар экан, коалицион урушда давлатларнинг ролини белгилаш учун ҳарбий кўрсаткичлар: қуролли курашнинг миқёслари, кескинлиги, қанча вақт давом этиши ва натижалари асосий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Совет — Германия фронтига 1944 йил ўрталаригача Германия дивизияларининг 60 проценти ташланган бўлса, Шимолий Африка ва Италиядаги Англия—Америка қўшинлари фронтларида Германия дивизияларининг 8 процентдан камроғи жанг қилди.

Европада иккинчи фронт очилгандан кейин СССРга қарши немисларнинг 235 та дивизияси, АҚШ ва Англияга қарши эса атиги 135 та дивизияси ҳаракат қилди.

Уруш охирига келиб 195 та дивизия совет қўшинларига қарши, 106 та дивизия эса иттифоқчиларга қарши жанг қилди.

Совет қўшинлари бутун уруш давомида немисларнинг 507 та ва Германия сателлитларининг 100 дивизиясини, яъни душманнинг 607 та дивизиясини яксон қилиб, асирликка олган бўлса, Англия—Америка қўшинлари атиги 176 та дивизияни яксон қилиб асирликка олди.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида фашистлар Германияси жами 13,6 миллион кишидан маҳрум бўлди, шундан 10 миллион киши Совет Иттифоқига қарши урушда ҳалок бўлди.

Мана шуларнинг ҳаммаси Совет—Германия фронти иккинчи жаҳон урушининг бош фронти бўлганидан ва фашистлар Германиясининг асосий қуролли кучлари шу фронтга ташланганидан дарак беради.

Хўш, буржуа тарихчилари Совет Иттифоқининг иккинчи жаҳон урушидаги ҳал қилувчи ролини инкор қилишдан кўзлаётган мақсад нима?

Бундан кузатилган асосий мақсад империалистлар жаҳон халқларини реакция кучларининг мағлубияти қонуниятли эмас, балки тасодифий бир ҳол бўлди, деб ишонтиришга, ўз мамлакатларининг халқларига АҚШ ва унинг иттифоқчилари ҳарбий жиҳатдан устун, улар

бизга қарши ҳарбий тўқнашувда ғалаба қозонишга қодир, деган фикрни қўйишга уринаётганлигидир. Ҳозирги замон проблемаларига тўғри баҳо бериш кўп жиҳатдан иккинчи жаҳон урушининг сабаблари, бориши ва якунларини холисона таҳлил этишга, фашизмни тор-мор этишда Совет Иттифоқининг ва Совет Қуролли Кучларининг ҳал қилувчи ролини кўрсатишга боғлиқ эканини тинчлик ва социализм душманлари тушуниб турибдилар. Мана шу таҳлил бутун дунё халқларининг СССРнинг ҳақиқий қудрати ва кучи тўғрисидаги, қонуниятли равишда вужудга келган социалистик жамиятни тугатиш мумкин эмаслиги ҳақидаги, халқаро характердаги низоли проблемаларни уруш йўли билан ҳал этишга ҳар қандай уриниш империалист агрессорларни шак-шубҳасиз мағлубиятга ва жаҳон социализмининг позициялари кучайишига олиб бориши тўғрисидаги хулосага муқаррар равишда олиб келиши лозим. Шу муносабат билан Ғарбдаги соғлом фикрли арбоблар айтган гаплар диққатга сазовордир. Масалан, собиқ гитлерчи генерал В. Мюллер бундай деб ёзди: «Бизнинг немис халқимизни тарих аллақачон рад этган эски йўлдан бошламоқчи бўлган кимсалар, яна Совет Иттифоқига қарши урушга тайёргарликда қатнашаётган кимсалар Гитлер тақдирига маҳкум бўлишлари шубҳасиз. Биз, немислар учун бу нарса Гитлернинг Совет Иттифоқига қилган ҳужумидан олинадиган энг муҳим сабоқдир».

* * *

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучларининг фашист агрессорлар устидан қозонган ғалабаси тарихан қонунийдир. СССР куч ва қудратининг манбалари жамоат ва давлат тузуми табиатининг ўзидан келиб чиқади, бу тузум урушда иқтисодий, сиёсий, идеология ва ҳарбий соҳаларда капиталистик тузумдан ўзининг буюк афзалликларини ҳар томонлама текширишдан ўтказди ва намойиш этди.

Урушдан аввал чет эл матбуотида, социалистик ижтимоий тузум мустаҳкам эмас, «қоғоз уй» каби мўрт, шу сабабли ташқаридан андаккина туртки бўлган ҳамоно унинг кули кўкка совурилади, деган даъволар неча марталаб айтилган эди. Уруш бу даъволарни пучга чиқариб, социалистик ижтимоий тузум бошқа ҳар қандай тузумга нисбатан ҳаётий қобилияти зўр ва мустаҳкам эканини, у жамиятни ташкил этишнинг энг яхши, энг мукаммал формаси эканини кўрсатди.

Буржуа қаламкашлари бизнинг давлат тузумимизни, СССРдаги синфлар, миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳам танқид қилган эдилар. Ҳатто кўп миллатли бирлашма мустаҳкам эмаслигини исботлаш учун бизнинг мамлакатимиз Австрия-Венгрияга қиёс қилинган эди.

Уруш кўп миллатли совет давлат тузуми уруш даврида янада мустаҳкамланганини кўрсатди. Жаҳон империализмининг миллий ўзаро адоватларнинг қайтадан бошланиши, кўп миллатли социалистик давлатнинг барбод бўлиши тўғрисидаги умидларини чиппакка чиқарди. СССР халқлари ягона бир сафда туриб ўз социалистик Ватанини ҳимоя қилиш, душман устидан ялпи ғалаба қозониш йўлида қаҳрамонона курашиб, фидокорона меҳнат қилдилар, жаҳонга матонат ва мардлик мўъжизаларини кўрсатдилар.

Экономика — ҳарбий қудратнинг пойдеворидир. Ижтимоий мулкчиликка асосланган ва планли характерга эга бўлган социалистик хўжалик системаси капиталистик хўжалик системасидан шак-шубҳасиз афзал эканини кўрсатди. Урушнинг жуда оғир шароитларида бу система душман устидан тўла ғалаба қозониш учун материал ва одам ресурс-

ларидан ғоят мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш имконини берди.

Уруш арафасида (1940 йилда) Совет Иттифоқида 14,9 миллион тонна чўян ва 18,3 минг тонна пўлат эритилган, 165,9 миллион тонна тошкўмир қазиб олинган эди. Фашистлар Германияси оккупация қилинган мамлакатлар билан биргаликда 1940—1941 йилларда салкам 20 миллион тонна чўян ва 30 миллион тонна пўлат эритдилар, 404 миллион тонна тошкўмир қазиб олган эдилар.

1941 йил ноябрига келиб Совет Иттифоқи душман вақтинча оккупация қилган территорияда қазиб чиқариладиган кўмирнинг 63 процентидан, эритиладиган чўяннинг 68 процентидан ва пўлатнинг 58 процентидан, ишлаб чиқариладиган алюминийнинг 60 процентидан маҳрум бўлди. 1942 йил ёзида совет қўшинлари жануб томонга чекингандан кейин талафот тағин ҳам кўпайди. Ана шуларнинг ҳаммасига қарамай СССР саноати 1942 йилда фашистлар Германиясига қараганда анча кўп қурол-яроғлар ишлаб чиқарди.

Мамлакатимиз социалистик экономиканинг афзалликлари туфайли шундан кейинги йилларда ҳам қурол-яроғ ва жанговар техника ишлаб чиқариш соҳасида Германиядан ўзиб кетди.

Уруш вақтида социалистик қишлоқ хўжалиги ўз вазифаларини шараф билан уддалади. Кўп миқдордаги экинзорлар, чорва моллар бой берилишига, машина ва иш кучининг етишмаслигига қарамай колхоз ва совхозлар энг зарур озиқ-овқат ва хом ашёни етиштириб бердилар. Совет давлати маҳсулотларни планли равишда, тежаб-тергаб сарфлаб, армия билан аҳолини узлуксиз озиқ-овқат билан таъминлашни йўлга қўйди.

Жамиятнинг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги, ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг мустаҳкам иттифоқи, СССР халқларининг дўстлиги, коммунизм идеалларига чексиз содиқ бўлган социалистик давр кишиси — янги инсоннинг астойдил, ҳаётбахш ватанпарварлиги Совет давлати ва унинг Қуролли Кучлари енгилмаслигини таъминлади. Солдатлар, бўлинмалар, бутун-бутун қисмлар ва қўшилмалар матонат ва мардлик, довюраклик ва фидокорлик, оммавий қаҳрамонлик ва ҳарбий маҳорат намуналарини кўрсатдилар. Полклар ва дивизияларга 10 900 та жанговар мукофот топширилди. Жанглардаги жасоратлари учун 7 миллиондан кўпроқ киши орден ва медаллар билан мукофотланди, 11 603 жангчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди. Улар орасида СССРдаги барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор.

Бутун халқимиз ўз социалистик Ватанининг тақдири учун юксак масъулиятни сезиб турди. Унинг қўлга қурол олиб, Ватанни ҳимоя қилиш иштиёқи шу билан белгиланди. Совет Армиясининг сафларини тўлдириб турувчи битмас-туганмас манба бор эди. Уруш давомида душманнинг одамлар составидаги сон жиҳатидан устунлиги тугатилиб 1945 йилга келиб ундан 2 баравар ўзиб кетилди. 5 миллионга яқин киши кўнгилли бўлиб фронтга кетди.

Душман вақтинча оккупация қилиб олган территориядаги совет кишиларининг кураши урушнинг умумхалқ характерини ва жамиятимизнинг маънавий-сиёсий бирлигини яққол кўрсатди. Бу кураш ҳар хил формаларда: қуролли «партизан» ҳаракатлари ва қуролсиз (саботаж, партизанларга ёрдам бериш, фашистлар тадбирларини барбод қилиш ва шу каби ҳаракатлар) тарзида бўлди.

Партизанлар ҳаракати алоҳида аҳамият касб этди. Бу ҳаракат ўзининг миқёси ва самарадорлиги жиҳатидан муҳим стратегик омил бўлди. Партизанлар актив қуролли кураш билан душман устидан ғалаба қозонишга катта ҳисса қўшдилар.

Совет партизанлар ҳаракати жуда катта халқаро аҳамият касб қилди. Бу ҳаракат оккупация қилинган мамлакатдаги халқ оммасини золимларга қарши курашга руҳлантирди ва улар учун душман орқасидаги урушни ташкил этиш ва олиб боришнинг яхши намунаси бўлиб хизмат қилди.

Марксизм-ленинизмнинг назарий пойдеворига қурилган совет ҳарбий фани Совет Қуролли Кучларининг юксак жанговарлик қобилиятини таъминлашда, фашизм устидан ғалаба қозонишда катта роль ўйнади. Улуғ Ватан уруши СССР Қуролли Кучлари қурилишига ва жанговар фаолиятига асос қилиб олинган принципларнинг тўғрилигини тасдиқлади, совет ҳарбий фанининг буржуа ҳарбий фанидан афзаллигини кўрсатди.

Замонавий урушнинг объектив қонуниятларини билиб олган совет ҳарбий кадрлари социалистик экономика, сиёсий тузум, илғор идеология замиридаги афзалликлардан душманни енгиш манфаатлари йўлида моҳирона фойдаландилар, мақсадлар билан ишга солинаётган куч ва воситаларнинг зарур мувофиқлигига эришиб, кураш методларини қуролнинг янги турларига ва жангчининг янги фазилатларига мослаштириб олиб бора олдилар.

Уруш арафасида Германия, Англия, Франция, АҚШнинг кўпгина нуфузли ҳарбий арбоблари Қизил Армияни энг яхши деганда мудофаа учун яроқли деб, командирлар составининг ва қурол-яроғларнинг заифлиги сабабли ҳужум қилишга яроқсиз деб ҳисоблар эдилар.

Совет Армияси энг замонавий қурол-яроғларга ва ғоят тажрибали командирларга эга бўлган биринчи даражали армия эканини уруш кўрсатди. Москва ва Сталинград, Курск ва Белгород, Киев ва Минск, Ясси ва Берлин остоналаридаги, шунингдек Узоқ Шарқдаги порлоқ ғалабалардан кейин ҳатто адоватчилар ва душманлар ҳам Совет Қуролли Кучларининг юксак фазилатларини ва совет ҳарбий фанининг илғор характерини тан олишга мажбур бўлдилар.

Марксизм-ленинизмнинг таълим беришича, урушдаги ғалаба ҳам, мағлубият ҳам пировард натижада қонуниятли бўлади. Тасодифий, вақтинчалик устунликлар унинг узил-кесил натижасини олдиндан белгилаб бера олмайди. Инсониятнинг бутун тарихи шундан далолат беради. Бизнинг ғалабамизга халқнинг Совет ҳокимияти йилларида эришган зўр социал-иқтисодий ғалабалари асос солган эди.

Коммунистик партия Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлди. У мамлакатнинг бутун турмушини қайта қуриб ҳарбий изга кўчиришни таъминлади, тўғри сиёсий йўлни ишлаб чиқди, душманни тор-мор этишнинг белгиланган программасини самарали амалга ошириш имконини берувчи раҳбарлик формалари ва методларини топди.

Совет кишилари Коммунистик партия билан қондош алоқасини, унга астойдил ишончини намойиш этдилар. Уруш йилларида 5 миллион киши партияга кирди. Партия фронтларда ўзининг уч миллион фарзандидан жудо бўлди. Ўша йилларда партия составининг ярмидан кўпроғи Қуролли Кучлар сафида эди. Ленинчи партиямиз чинакам жанг қилувчи партия бўлди.

Урушдан кейинги йилларда Совет Иттифоқи ўз ривожининг янги босқичига кирди. Коммунистик партия раҳбарлигидаги барча меҳнаткашларнинг ижодий куч-ғайратлари билан мамлакатимизда барпо этилган ривожланган социалистик жамият Советлар Мамлакатининг иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий-сиёсий ва мудофаа потенциалини янги поғонага кўтариш имконини берди. Шунинг натижасида жаҳон социализмининг позициялари мустаҳкамланди, унинг мудофаа ташкилоти — Варшава Шартномаси Ташкилотининг янги жаҳон урушига йўл қўймасликдаги роли ортди.

* * *

Иккинчи жаҳон урушининг якунлари империалистларнинг дунёга ҳукмрон бўлиб олиш йўлидаги уринишлари беҳуда эканини тасдиқлади. Германия фашизми билан Япония милитаризми тор-мор этилганлиги, жаҳон социалистик системаси вужудга келганлиги, мустамлакачилик барбод бўлганлиги империализм позицияларининг муқаррар заифлашувига олиб келди. 50 миллион кишининг ёстиғини қуритган иккинчи жаҳон уруши чиқишининг айбдори бўлмиш империализм планетамиздаги барча оддий ва софдил кишиларнинг қаҳр ва ғазабига дучор бўлди.

Урушдан кейинги йилларда жаҳон социалистик ҳамдўстлиги қудратли кучга айланди. Совет Иттифоқи, бошқа қардош мамлакатлар халқаро кескинликни юмшатишга, сиёсий соҳадаги кескинликни юмшатиш билан бирга ҳарбий соҳадаги кескинликни ҳам юмшатишга қаратилган сиёсатни сабот билан ўтказмоқдалар, ер юзида тинчликни мустаҳкамлашнинг КПСС ишлаб чиққан ҳамда барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган кенг миқёсдаги реалистик сиёсатни изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги тарих ва бу урушнинг ўз тарихи уруш бошланмасдан аввалроқ унга қарши курашиш кераклигидан далолат беради. Ғарбдаги урушга қарши ҳаракатнинг тарқоқ ва заифлиги гитлерчиларнинг уруш чиқаришига имкон берди. Ҳозир бу — ер юзидаги барча тараққийпарвар кишиларни сергакликка, жипслашишга чақирувчи, урушга қарши актив курашишга даъват этувчи жуда муҳим сабоқдир.

Шу қадар қимматга тушган тинчликни сақлаб қолиш манфаатларини кўзлаб империализмнинг кирдикорларини, ўзлари тўқиб чиқарган «совет ҳарбий хавфи» тўғрисидаги афсона ниқобига яшириниб ҳарбий бюджетларни қаппайтираётган, куролланиш пойгасини кучайтираётган кимсаларнинг кирдикорларини фош қилиш зарур. Империализмга малайлик қилаётган, ўзларини ҳарбий назариётчилар деб кўрсатиб, гўё ҳар бир авлоднинг ўз уруши бўлиши керак, урушга қарши уруш билан курашмоқ лозим, жаҳон урушлари арифметик прогрессия қонунларига мувофиқ — ҳар 10, 20, 30 йилда чиқиб туради, модомики шундай экан, аллақачон учинчи жаҳон урушини бошлаш керак эди, деб даъво қилаётган «олимлар» дан ҳам огоҳ бўлиб туриш лозим.

Қирқ йил илгари бўлганидек, ҳозир ҳам дунёда социализм мамлакатларига қарши, аввало Совет Иттифоқига қарши янги уруш режаларини тузаётган агрессия ва реваншизм кучлари бор. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездидаги докладида мана шу кучларнинг сиёсатини таҳлил этиб бундай деб уқтирди: «Авантюризм, ўзларининг тор ғаразгўй мақсадлари йўлида инсониятнинг ҳаётий манфаатларини хавф остига қўйишга шайлик — булар империализмнинг энг агрессив доиралари сиёсатида айниқса яққол намоён бўлмоқда». Шу сабабли партиямиз, Совет ҳукумати илгари бўлганидек ҳозир ҳам — ҳамиша тинчлик учун курашни мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш билан бирга қўшиб олиб бормоқдалар.

ҲОЗИРГИ ДУНЁДА ҒОЯЛАР КУРАШИ

ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ ВА УНИ СОХТАЛАШТИРУВЧИЛАР

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОНДАГИ 1916 ЙИЛ ҚЎЗҒОЛОНИНИНГ МОҲИЯТИНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШГА ҚАРШИ

Э. ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги

Ҳ. ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси

КПСС XXVI СЪЕЗДИ материалларида антикоммунизмнинг моҳияти, унинг идеологик, социал-сиёсий мақсадлари чуқур, атрофлича очиб ташланди, идеологик кураш анча кескинлашганлиги қайд этилди. Ҳозирги империализм учун, деб таъкидлади КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев съезддаги докладида, идеология кураши «ғояларнинг ўзаро курашидангина иборат бўлиб қолмаяпти. У социалистик дунёни қўпоришга, унинг путурини кетказишга мўлжалланган воситаларнинг бутун бир системасини ишга солмоқда... Империалистлар ва уларнинг гумашталари социалистик мамлакатларга душманлик кампанияларини муттасил ўтказиб келмоқдалар. Улар бу мамлакатларда рўй бераётган жамики воқеаларни қоралаб ва сохталаштириб кўрсатмоқдалар. Социализмдан одамларнинг ихлосини қайтариш — уларнинг энг асосий мақсадидир».

Ишчилар синфининг революцион дунёқараши пайдо бўлган биринчи кунларданоқ буржуа идеологияси билан пролетар идеологияси ўртасида кураш давом этмоқда. Бунда капиталистик тузум малдоҳлари К. Маркс яратган ва В. И. Ленин ижодий ривожлантирган революцион назариянинг илмий моҳиятини, амалий аҳамиятини доимо рад этиб, уни капитализм мақсадлари ва вазифаларига зид бўлмаган реформистик таълимотга айлантириб юбориш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилмоқдалар. СССРда коммунистик бунёдкорлик, социалистик ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатларида янги турмуш қуриш вазифалари муваффақиятли амалга оширилиши, қардош мамлакатларнинг, коммунистик ва ишчи партияларнинг обрў-эътибори ўсиб, жаҳон революцион жараёнига таъсири кучайган сари империализмнинг ғоявий малайлари ўзларининг сохтакорлик фаолияти воситаларини кўпайтириб, реал социализмнинг қиёфасини, ҳукмрон марксча-ленинча сиёсатини бузиб кўрсатишга ҳарчанд уринмоқдалар.

Ҳозирги шароитда, Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги кўпгина мамлакатлар империалистларнинг мустамлакамчилик зулмига чек қўйиб, мустақил ривожланиш йўлига ўтган бир пайтда, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг тарихини, қолоқ четка ўлкалар халқлари миллий-озодлик курашининг Россия пролетариати революцион ҳаракати билан яқинлашиб, қўшилиб кетиш жараёнини, СССРдаги социалистик қурилиш, илгариги мазлум халқларнинг капитализмни четлаб ўтиб социализмга чиқиши тарихини ўрганишга қизиқиш кучаймоқда. Бу тажриба, шунингдек социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг тажрибасини ижодий ўрганиб, ундан фойдаланиш жаҳон революцион жараёнини чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг қудратли омили бўлиб қолди.

Шу сабабли империализм идеологлари коммунизм ғояларининг революцион-демократик кучларга, ривожланаётган мамлакатларнинг халқларига таъсирини камайтириш мақсадида Улуғ Октябрь тажрибасининг, СССРдаги социалистик ва коммунистик қурилиш тажрибасининг ўзгармас таъсирини бузиб кўрсатиш учун қутуриб ҳаракат қилмоқдалар. Бунда Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги 1916 йил қўзғолонининг моҳиятини ва тарихий аҳамиятини сохталаштиришга катта ўрин бермоқдалар.

Буржуа тарихчилари бу мавзуда кўпгина китоблар, мақолалар ёзишди. Уларнинг умумий тенденцияси 1916 йил қўзғолонини русларга қарши, диний, миллатчилик ҳаракати деб таърифлашга, мустамлака чекка ўлкаларда чоризм асоратидаги халқларнинг миллий-озодлик курашининг кўп миллатли Россия пролетариатининг революцион ҳаракати билан узвий боғлиқлиги ва бирлигини инкор қилишга интилишдан иборат.

Шу тариқа империализмнинг ғоявий малайлари Улуғ Октябрь ғалабаси арафасидаги 1917 йил Февраль буржуа-демократик революциясининг муҳим шарт-шароитларидан бири бўлган 1916 йил қўзғолонининг чинакам халқчил характерини хиралаштирмоқчи бўладилар. Бу тез-тез такрорланиб турувчи эски сохтакорлик усулидир. Масалан, Афғонистондаги аҳволни ёритишда ҳам шу усулдан фойдаланилмоқда. Апрель миллий-демократик революциясининг ғалабаларини мустаҳкамлаётган шу мустақил давлат халқ оммасининг ҳақиқий революцион ҳаракатлари зўр бериб хас-пўшланиб, қораланмоқда, американлик, пекинлик, покистонлик ва бошқа реакцион доиралар гиж-гижлаб, тайёрлаб юбораётган террорчи тўдаларнинг қонли ёвузликлари эса «ислом дини ва озодликни ҳимоя қилувчи курашчиларнинг янги ҳаракати» деб кўкларга кўтариб мақталмоқда.

Американлик тарихчи Э. Д. Соколнинг «Рус Ўрта Осиёсидаги 1916 йил қўзғолони» деган китобида фактлар қасддан бузиб кўрсатилган. 1916 йил қўзғолонини миллатчиликдан иборат диний ҳаракат деб, «ислом динининг кофирларга қарши азалий кураши» деб тасвирлаш учун шундай қилинмоқда. Шу билан бирга муаллиф 1916 йил халқ қўзғолони билан граждан уруши йилларидаги босмачиларнинг аксил инқилобий миллатчилик ҳаракати ўртасига тенглик белгиси қўйишга уринади. «1916 йил қўзғолонига хос аломатлар қайта-қайта юзага келаверди,— деб даъво қилади у.— Босмачилик ҳаракати Анварпошша раҳбарлигидаги янги жанг сифатида яна бошланиб кетди». Шу тариқа ашаддий пантуркист ва советларга қарши ҳаракатнинг ташкилотчиларидан бири бўлган Анварпошшани Туркистон халқларининг раҳбари қилиб кўрсатишга яна уриниб кўрилади. Айни вақтда Ўрта Осиё халқ оммасининг манфур Анварпошша газандаларига ва бошқа босмачи тўдаларига қарши қаҳрамонона курашидан, 1916 йилги прогрессив халқ қўзғолонининг реакцион босмачилик ҳаракатига мутлақо алоқаси йўқлигидан далолат берувчи ҳаммага маълум фактлар бузиб кўрсатилади.

Э. Д. Соколнинг китобида, жумладан, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг Россияга қўшиб олиниши оқибатлари тўғрисида, рус маданияти тўғрисида, ўлка халқларининг феъл-атвори ва ўзаро муносабатлари тўғрисида ва бошқа қўпол сохталиклар тўлиб-тошиб ётибди. Мана шуларнинг ҳаммаси фақат бир нарсадан: муаллиф ўз империалист хўжайинларига ёқиш учун мазкур регион халқлари русларга қарши доимо қандайдир тарзда курашиб келаётганликлари тўғрисидаги ёлғон хабарни тарқатишга уринаётганидан дарак беради.

Бошқа баъзи буржуа тарихчилари, чунончи Ч. Хостлер ва Р. Пирс «асарлари»да ҳам 1916 йил қўзғолони тўғрисидаги тарихий ҳақиқат бузиб кўрсатилади. Масалан, Хостлер Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги бутун 1916 йил ҳаракатини «Русларга қарши жуда катта қўзғолон» деб эълон

қилади. Пирс эса 1916 йил қўзғолонининг тарихий аҳамиятини ҳамда биринчи рус революциясининг бу қўғзолонга таъсирини мутлақо инкор қилади. Пирс бундай деб ёзади: «Бу қўзғолонларни чор ҳукуматининг мағлубияти деб изоҳлаш Совет нуқтаи назаридан кўнгилсиз бир нарса бўлса ҳам — уларнинг натижалари рус халқининг Ўрта Осиё халқлари дўстлиги ва ишончини қозониш йўлидаги уринишлар барбод бўлганини ҳам кўрсатиб турибди».

Буржуа қаламкашларининг 1916 йил қўзғолонининг характери масаласига оид мана шу ва бошқа ёлғон даъволарини совет тарихчилари далил-исботлар билан танқид қилдилар. Шунга қарамай чет элларда антисоветчиларнинг янги-янги «асарлари» пайдо бўлиб турибди. Чунончи Ғарбий Германия матбуотида Ф. Гольчевский деган кимсанинг «Советларнинг тарихни янгича талқин этиши муносабати билан Россиянинг Ўрта Осиёдаги экспансияси» деган мақоласи эълон қилинди, унда қаллобларнинг Ўрта Осиёдаги 1916 йил қўзғолони — панислом ҳаракати эди, деган сийқа гаплари яна такрорланди.

Баъзи буржуа тарихчилари 1916 йил қўзғолонининг оммавийлигини тан оладилар. Улардан бири — М. Саркисьянцнинг Колифорнияда (АҚШ) босилиб чиққан «Россия ва Осиё» тўпламидаги «Русларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши: ривожланиш ва маданиятни сингдириш» сарлавҳали мақоласида бу қудратли қўзғолон «Рус Туркистонининг 1916—1917 йиллардаги генерал-губернатори А. Н. Куропаткиннинг эътирозларига қарамай, ўша пайтгача армия хизматидан озод қилиниб келган Ўрта Осиёлик мусулмонларни фронт орқаси ишларига сафарбар қилиш тўғрисида чиқарилган фармон сабабли» бошланган эди, деб ёзади. Аммо муаллиф ўзининг шу фикрига хилоф равишда, «Туркистонда жиззахлик Назирхўжа эшон мусулмонларнинг бу қўзғолонини «кофирларга» қарши ғазовот уруши, деб эълон қилди», деб даъво қилади. Шу тариқа реакцион эшон тили билан Саркисьянц ва бошқа айрим кимсалар қўзғолоннинг асл шарт-шароитлари сабабларини хаспўшлашга интиладилар. Гольчевский, Саркисьянц ва шу кабилар гўё қўзғолон ислом мафкураси байроғи остида содир бўлди, деган фикрнинг ўзини неча марталаб такрорлаш орқали китобхоннинг онгига: Ўрта Осиёнинг қўзғолон кўтарган мусулмонлари биринчи жаҳон уруши йилларида Туркия мусулмонларига ёрдам бермоқчи бўлдилар, деган бир муайян хулосани сингдиришга уринадилар.

Улар борган сари ҳаддан ошмоқдалар. Октябрь социалистик революциясининг шарт-шароитларини сохталаштириш, айниқса, кейинги йилларда бачкана шаклга кирабошлади. Чунончи, 1975 йилда Лондонда «Асосий совет миллатларига доир маълумотнома» эълон қилинди. «Ўзбекистон ва ўзбеклар» бобининг муаллифи Дональд С. Карлисл тарихий ҳақиқатни инкор қилиб, гўё ўзбеклар Октябрь революциясини тайёрлаш ва амалга оширишда қатнашмадилар, «улар ривожланиб бораётган революцион ҳаракатни пассивлик билан кузатиб турдилар», деб ёзади. Шу тариқа муаллиф 1917 йил октябрь арафасида Туркистон ўлкасида революцион вазиятни кучайтиришда 1916 йил қўзғолонининг аҳамиятини мутлақо инкор қилади.

1975 йилнинг ўзида Лондонда эълон қилинган «Коммунистик тўнтаришлар аномалияси» китобида1916 йил қўзғолони русларга қарши қаратилган мусулмон миллатчилик ҳаракати деб таърифланади. 1979 йилда Лондонда, «Эйшен Эфферз» журналида босилган Ж. Уилернинг «Ислом ва Совет Иттифоқи» мақоласида, М. Розинсоннинг Францияда эълон қилинган «Марксизм ва мусулмонлар дунёси» монографиясида ва бошқа кўпгина мана шундай «асарлар»да ҳам шунга ўхшаш ёлғон ғоя ўтказилмоқчи бўлади.

Бироқ, империализмга маддоҳлик қилаётган «олимлар»нинг ҳақиқатни сохталаштириш йўлидаги ҳамма уринишлари мағлубиятга маҳ-

кум. 1916 йил халқ қўзғолони мутлақо бошқача характерда эканини ва чуқур социал-иқтисодий ҳамда сиёсий шарт-шароитларга эга бўлганини ҳақиқий тарихий фактлар кўрсатиб турибди. Фактларга мурожаат қилайлик.

Маълумки, революциядан аввал Ўрта Осиё ва Қозоғистон иқтисодий, маданий ва сиёсий жиҳатдан қолоқ чекка ўлкалар бўлиб, бу ерда (айниқса кўчманчилик районларида) патриархал-уруғчилик сарқитлари кучайган феодал тузум ҳукмронлик қилар эди. Чоризм бу регионни Россия саноати учун, рус помешчиклари етиштирган буғдойни бу ерда қиммат нархда сотиш учун Россиянинг қўшоғи, катта бозор ва хом ашё манбаи сифатида сақлаб қолишга интилди. Бу ер Россия ва чет эл капитали солинадиган район, катта-катта ерлар ўзлаштириб олинадиган район эди.

Ўлка аҳолисининг жуда кўпчилиги саводсиз эди. Бу эса ҳукмрон синфларнинг манфаатларига мос бўлиб тушиб пировард натижада туб ерли аҳолини эксплуатация қилишни енгиллаштирар, уни илғор рус маданиятидан баҳраманд бўлиш, ижтимоий турмушга ва революцион ҳаракатга қўшилиш имкониятидан маҳрум қилар эди. Чоризмнинг миллий-мустамлакачилик ҳаракати амалда мана шундай эди. Собиқ Туркистон генерал-губернатори Куропаткин «Биз ерлиларни 50 йилгача тараққиётдан четда, мактабдан ва рус турмушидан четда тутиб келдик», деб эътироф қилган эди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари энг оддий сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум эди. Ўлка ўз сиёсатида катта армияга ва мустамлакачи унсурларга — чиновниклар, рус буржуазияси, казаклар, қулоқларгагина эмас, шу билан бирга туб жой аҳолининг мулкдор қатламлари — бойлар, манаплар, руҳонийларга ҳам таянувчи чор ҳукумати тайинлаган амалдорлар томонидан идора қилинар эди. Мазкур мулкдор қатламлар вакилларидан ерлилар маъмурияти деб аталган ҳокимият тузилган эди.

Чор ҳукуматининг аҳолини кўчириш сиёсати кўчманчи чорвадорлар ва деҳқонларни жуда хонавайрон қилди. 1915 йилгача Қозоғистон ва Шимолий Қирғизистондан мустамлакачиларнинг кўчириш фондига маҳаллий аҳолидан 30 миллион десятинадан ортиқ энг яхши ерлар тортиб олиниб, асосан чоризмнинг таянчи бўлган рус қулоқларига берилди. Кўпгина чорвадорлар билан деҳқонлар сувсиз дашту чўлларга кўчирилди.

Машаққатли социал ва миллий зулм халқ оммаси кенг табақаларининг қаршилигига дуч келди. Халқ оммаси чоризмга, помешчик ва капиталистларга қарши бир неча бор курашга отланди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг озодлик кураши мазлум Шарқ халқларини сиёсий турмушга уйғотган биринчи рус революциясининг самарали таъсири остида айниқса кучайди. В. И. Лениннинг ибораси билан айтганда айни 1905 йилги рус ҳаракати Осиёни узил-кесил уйғотди. «Ўрта аср турғунлиги остида эзилиб ёввойилашган юзларча миллион аҳоли янги турмушга ва энг оддий инсоний ҳуқуқлар учун, демократия учун курашга уйғонди» (Тўла асарлар тўплами, 23-том, 164-бет).

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари бошига тушган социал-иқтисодий ва миллий зулм биринчи жаҳон уруши даврида яна ҳам кескинлашди. Уруш оқибатлари ўлка экономикасига ҳалокатли таъсир қилди. Пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги пасайиб кетди. 1915 йилда қишлоқ аҳолисининг қарийб ярмисига нон етмас эди. Камбағаллар нон сотиб олиш учун ўз чорва моллари, қишлоқ хўжалик қуроллари, иморатларини сотишга мажбур бўлди. Кенг халқ оммаси орасида чоризмнинг сиёсатидан чуқур норозилик етила бошлади.

Мамлакат саноат марказлари пролетариатининг сиёсий кураши унинг чекка ўлкаларига ҳам революционлаштирувчи таъсир ўтказди. Қишлоқ ва овулларда ғалаёнлар кучайди, бу ҳол маъмурларнинг фар-

мойишларига бўйсунмасликда: солиқ тўлашдан ва ариқ-зовурларни тозалашдан бош тортишда, бойларнинг сувини тортиб олишда ва бошқа ҳаракатларда ўз ифодасини топди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги социал-иқтисодий ҳамда сиёсий вазият революция бўрони яқинлашиб келаётганидан далолат берар эди. 1916 йил қўзғолони Россиянинг чекка ўлкаларидаги мазлум халқлар озодлик курашининг ёрқин кўринишларидан бири бўлди. Чор ҳукуматининг ўлка туб ерли аҳолини фронт орқасидаги ишларга жалб қилиш тўғрисидаги фармони бу қўзғолоннинг бошланишига сабаб бўлди.

Рус армиясининг қуролланиши ва таъминоти ёмонлиги, командирларнинг ношудлиги, юқори табақаларнинг хиёнаткорлиги, мамлакатнинг умумий иқтосидий қолоқлиги ва бошқа бир қанча сабабларга кўра уруш давомида Россиянинг аҳволи мушкуллашганлиги маълум. Чор армияси фронтларда мағлубиятга учраётган, фронтларда миллион-миллион одамлар ҳалок бўлаётган эди. Мана шундай шароитда ҳарбий министрлик «Шу пайтгача ҳарбий мажбуриятдан озод қилинган аҳолининг баъзи қисмларини ҳарбий хизматга тортиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳукуматга ҳавола этишга мажбур бўлди. 1916 йил 25 июнда «Ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий йўллар қуриш учун, шунингдек давлат мудофаасига зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишлар учун ўзга миллатларнинг эркакларини жалб қилиш тўғрисида» подшонинг тегишли фармони чиқарилди.

«Ўзга миллатлар»ни мардикорликка олиш тўғрисидаги қонунни тайёрлаш ва эълон қилиш зудлик билан ўтказилди. Маъмурлар ёзги қишлоқ хўжалик ишлари айни авж олганлиги билан ҳисоблашмай, йигитларни мардикорликка олиб фронт орқасидаги ишларга тезроқ жўнатиш пайида бўлдилар.

Мардикорликка олиш очиқдан очиқ социал тусда ўтказилди. Мустамлака маъмурлари эксплуататор гуруҳларнинг, жумладан маҳаллий маъмурият вакилларининг манфаатларини кўзлаб, подшо фармонини изоҳловчи йўл-йўриқ ишлаб чиқдилар. Шунга мувофиқ волость ҳокимлари ва уларнинг йигитлари (қуролли соқчилари) руҳонийлар, «фахрий гражданлар» деб аталган зотлар ва аҳолининг бошқа мулкдор қатламлари мардикор беришдан озод қилинди. Бундан ташқари ҳарбий бойвачча бошқа одамни ёллаб, ўз ўрнига юбориши мумкин эди. Ҳукмрон юқори табақа мана шундан фойдаланди. Мустамлакачи ва маҳаллий маъмурларга суиистеъмол ва бедодлик қилиш учун янада кенг имконият очилди. Туркистон генерал губернатори «Мардикорликдан қутилиб қолиш учун зарур миқдордаги пулни беришни истамаган айрим маҳаллий кишиларни қамоққа олишгача бориб етган таъмагирликнинг бир қанча ҳолатлари»га эътиборни қаратишга мажбур бўлди. (Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги 1916 йил қўзғолони. Ҳужжатлар ва материаллар тўплами. М., СССР Фанлар академиясининг нашриёти, 1960, 60-бет).

Ўлка жуда кўпчилик аҳолисининг туб манфаатларига дахл қилувчи 1916 йил 25 июндаги подшо фармони ҳамда шу фармонга мувофиқ ўн ва юз минглаб кишиларнинг мардикорликка олиниши 1916 йил қўзғолонининг энг муҳим сабабларидан бири бўлди. Меҳнатга яроқли эркакларнинг сафарбар қилиниши бусиз ҳам кўпдан-кўп солиқлар ва ўлпонлар остида эзилган камбағал оилаларнинг батамом хонавайрон бўлишига олиб келур эди. Бунинг устига халқ оммаси талончиликдан иборат империалистик урушга нафрат билан қарар, меҳнат аҳли эса ўзи туғилиб ўсган ерларидан кетишни мутлақо хоҳламас эди.

Шу боисдан ҳам маъмурларнинг 19 ёшдан 31 ёшгача бўлган эркакларнинг рўйхатларини дарров тузиш тўғрисидаги дастлабки фармойишлариёқ маҳаллий аҳолини дарғазаб қилди. «Ғалаён кучайди,— деб ёзди Самарқанд областининг ҳарбий губернатори генерал Ликошин.— гоҳ у, гоҳ бу жойда муштлашув чиқиб, одамлар ўлдирила бош-

лади, маҳаллий маъмурларнинг ёлборишлари ва ваъдалари кор қилмади, тушунтиришларга ишонишмади, ниҳоят мана шуларнинг ҳаммаси рус ҳукуматига қарши ошкора қўзғолон тусига кирди» (ўша жойда, 161-бет).

«Йўқолсин оқ подшо ва унинг малайлари!», «Йўқолсин уруш!», «Болаларимизни урушга юбормаймиз!» деган шиорлар остида ўтган қўзғолоннинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари — деҳқонлар, кўчманчи чорвадорлар, шаҳар деҳқонлари бўлди. Демократ зиёлиларнинг намояндалари ҳам унда фаол қатнашдилар. Болталар, таёқлар, ясама қуроллар кўтарган қўзғолончилар чор мустамлакачи ва маҳаллий маъмуриятга ҳужум қилдилар. Кўпинча уюшмаган тарзда ўтган қўзғолон вақтида уезд бошлиқлари, миршаблар, волость ҳокимлари ўлдирилди, мардикорликка олинадиган йигитларнинг рўйхатлари йиртиб ташланди. Фарғона, Самарқанд, Еттисув областларида подшонинг жазо қўшинлари билан қўзғолончиларнинг тўқнашувлари айниқса шиддатли бўлди.

Қўзғолон аҳолининг барча табақаларини оёққа турғизди. Умумхалқ ҳаракати билан бир қаторда айрим жойларда реакцион феодал-клерикал унсурлар қўзғолондан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уриндилар.

Буржуа қаллоблари кўпинча Жиззах қўзғолонини мисолга олиб, у очиқдан-очиқ русларга қарши қаратилган эди, деб ёзадилар. Ҳолбуки ўлканинг бошқа районларидаги каби бу ерда ҳам чоризмга ва империалистик урушга қарши халқ озодлик кураши содир бўлди. Шу муносабат билан мисол тариқасида 13 июль куни бошланган Жиззах қўзғолонини батафсилроқ кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Маҳаллий ва мустамлакачи маъмурларнинг шафқатсиз эксплуатациясидан эзилган, мардикорликка олиш тўғрисидаги хабардан ғазабга келган халқ оммаси стихияли равишда кураш бошлади.

Кейинчалик, давлат думасининг 1916 йил 13 декабрдаги мажлисида депутат Жафаров Жиззах воқеалари қандай бошланганини таҳлил этиб, қуйидагиларни эътироф этишга мажбур бўлди: «Ўз ўрнига пул билан бошқа одамни юбориш имконияти берилганлиги аҳолининг мулкдор ва йўқсил оммаси ўртасида бир талай англашилмовчиликларни келтириб чиқарди. Кейинчалик бутун Жиззах уездида қон тўкилишига сабаб бўлган дастлабки жанжалнинг боисини айни мана шундан изламоқ керак». Сўнгра: «Ерли аҳолининг онгида бошлиқлар давлатманд кишилар тарафини олар эканлар деган фикр туғила бошлади, шу сабабли лоақал озгина амалга эга бўлган кимса, хоҳ рус, хоҳ мусулмон бўлсин, уларнинг кўзига ҳаракатдаги армия яқинидаги ишга юборишнинг айбдори бўлиб кўринди. Золим бойлардан ва уларни қўллаб-қўлтиқлаётганлардан, яъни бошлиқлардан ўч олиш хавфи пайдо бўла бошлади» (Жиззах илмий экспедициясининг материаллари. 1-том, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1952, 21-бет).

Маҳаллий маъмурият вакиллари подшо фармонини тўла қўллаб-қувватлашларини уезд бошлиқларига билдирдилар ва мардикорликка олдиришда маъмурларга ёрдамлашиш ҳамда аҳоли орасидаги ғалаёнларнинг олдини олиш тўғрисида тилхат бердилар. Бу хиёнаткорликдан ғазабга келган халқ оммаси ўз норозилигини баралла изҳор этди.

13 июль куни эрталаб Жиззах шаҳрининг эски қисмида қўзғолон бошланди. Эски шаҳар оқсоқоли Худоёрхон қўзғолончиларнинг катта бир группасига мардикорликка олиниши лозим бўлган кишилар рўйхатини беришдан бош тортганлиги бунга сабаб бўлди. Қўзғолончилар Худоёрхонни мардикорликка олишнинг бош айбдорларидан бири деб ҳисоблаб, уни қўлга тушириб ўлдирдилар. Сўнгра қўзғолончилар бош оқсоқолга қараб йўл олдилар. У соқчи томонидан огоҳлантирилиши биланоқ воқеадан пристав билан уезд бошлиғини хабардор қилди ва

уларнинг икковини маҳаллий аҳоли яшайдиган жойга қўшинсиз келиш хавфли, деб огоҳлантирди.

Жиззах уездининг бошлиғи полковник Рукин шу маълумотни олгач, пристав билан биргаликда маҳаллий аҳоли билан музокара қилишга уруниб кўрганлар, бундан ҳеч бир натижа чиқмаган. Қўзғолончилар ҳукумат маъмурларига ҳужум қилиб, уларни калтаклашга ва тошбўрон қилишга киришдилар. Воқеаларнинг янада кескин тус олиши натижасида қўзғолончилардан ва жазо командасидан бир неча киши ўлди.

Шу воқеалар қатнашчиси М. Ўринхўжаевнинг айтишича, Жиззах халқ қўзғолонида Даминқул бошчилигидаги 160—180 кулол, Тошпўлатов билан Раҳмонов бошчилигидаги 170—180 тўқувчи, Салим Оқсоқолов бошчилигидаги 120—130 темирчи, Қорабой Қобилов билан Аширмат бошчилигидаги 300 кўнчи, Тожибой оқсоқол бошчилигидаги 90—100 нафар совунгар, Абдулла Очилов билан Қурбонбой Ўрунов раҳбарлигидаги 300 нафар нонвой актив қатнашган.

Бинобарин, ўлканинг бошқа районларидаги каби Жиззах уездида ҳам, қўзғолоннинг асосий ва ҳал қилувчи кучи бўлган қишлоқ ва овулларнинг меҳнаткаш оммаси билан бирга шаҳар меҳнаткашлари: маҳаллий ишчилар, ярим пролетар элементлар, ҳунармандлар, шунингдек демократик кайфиятдаги зиёлилар ҳам воқеаларда фаол иштирок этдилар.

Қўзғолон давомида Абдураҳмон Жевачи билан Эшон Назирхўжа бошлиқ бир гуруҳ феодал-клерикал унсурлар халқ ҳаракатидан ўзларининг реакцион, сепаратчилик мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга уриниб кўрдилар. Улар Жиззах уездининг баъзи жойларида умуман русларга қарши ғазовот эълон қилдилар. Аммо миллатлар ўртасида адоват чиқариш йўлидаги бу уринишларни халқ оммаси қўллаб-қувватламаганлиги учун у барбод бўлди.

Назирхўжа билан Жевачи Жиззах уездининг Боғдод участкасида деҳқонларни ўзларига эргаштириш учун айниқса зўр бериб ҳаракат қилдилар. Буржуа қаллоблари мана шу кимсаларни қўзғолон бошлиқлари қилиб кўрсатиб, шу асосда қўзғолонни русларга қарши мусулмонлар ҳаракати деб эълон қилмоқдалар. Аслида эса Назирхўжа ҳам, Жевачи ҳам халқ қўзғолонининг бошлиғи бўлмаганлар. Улар қўзғолончилар орасига суқилиб кириб, ҳаракатга раҳбарликни қўлга олмоқчи ва ўзларини бек деб кўрсатиб, «ғазовот» эълон қилмоқчи бўлдилар. Уларнинг ҳийла-найранги тузоғига илинган аҳолининг бир қисми эса сохта «бошлиқларнинг» асл мақсадларини билмаган эди. Бунда деҳқонлар оммасининг саводсизлиги, сиёсий гўллиги ўзини кўрсатди.

Буржуа тарихчилари «ўз тадқиқот»ларида Назирхўжани «қўзғолон саркори», деб аташлари ҳақиқатга хилофдир. Назирхўжанинг ўзи 1916 йил 6 август куни терговчининг сўроғи вақтида иқрор бўлишича, у 13 июль қўзғолони бошланган пайтда ўз уйида бўлган ва аламон оқсоқолни ўлдиргандан кейингина қўзғолонга қўшилган, аммо исёнкор омманинг саркори бўлган эмас. Шундан кўриниб турибдики, бошқа районларда бўлгани каби Жиззахда ҳам халқ қўзғолони стихияли равишда бошланган. У революцион тусда бўлган ҳамда маҳаллий золимларга ва мустамлакачи маъмурларга қарши қаратилган.

Бас, шундай экан, халқ ҳаракатини реакцион группаларнинг кирдикорларидан фарқ қилмоқ керак. Феодал-клерикал унсурлар «ислом динини ҳимоя қилиш» деган ёлғон шиорлар ниқоби остида маҳаллий ҳукмрон тўданинг мавқеини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ўз ниятларини амалга оширишга ва халқ ҳаракатига ўнгарилмас зарба беришга интилдилар. Тарихда панисломчилар халқларнинг империализмга қарши, миллий-озодлик ҳаракатидан айни шу мақсадда фойдаланганликларини кўрсатувчи бирталай мисоллар бор. В. И. Ленин синфий душман унсурларнинг мана шу найрангларини фош қилиб, «Евро-

па ва Америка империализмига қарши озодлик ҳаракатини хонлар, помешчиклар, муллалар ва шу кабиларнинг позициясини мустаҳкамлаш билан бирга қўшишга уринувчи панисломизм ва шу каби оқимларга қарши кураш олиб бориш зарур!— деб ҳисоблаган эди (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 185-бет).

Чоризм 1916 йил қўзғолонини шафқатсизларча бостирди. Кўпгина қишлоқ ва овулларга ўт қўйилди, қадимий Жиззах шаҳри ёниб кул бўлди. Жиззах уезди деҳқонларининг икки минг десятинадан ортиқ ери подшолик ихтиёрига тортиб олинди.

Ишчилар синфи қўзғолонга бевосита раҳбарлик қилмаганлиги, барча деҳқон ҳаракатларига хос бўлган стихиялик ва тарқоқлик қўзғолон мағлубиятининг асосий сабаблари бўлди. Бироқ, Ўрта Осиё ва Қозоғистон туб жой аҳолининг меҳнаткаш оммаси чор қўшинларига, жазо отрядларига, полицияга, қулоқ ва бой газандаларга қарши тўқнашув ва жангларда революцион курашни ўргандилар, ўзларининг чин дўстлари ва ашаддий душманлари кимлигини яққол кўрдилар.

В. И. Ленин башорат қилиб уқтирганидек: «империализмга қарши курашда *мустақил* омил сифатида кучсиз бўлган кичик миллатлар империализмга қарши *ҳақиқий* кучнинг, чунончи: социалистик пролетариатнинг майдонга чиқишига ёрдам берувчи ферментлардан бири, бацилалардан бири ролини ўйнайдилар» (Тўла асарлар тўплами, 30-том, 66-бет). 1916 йил қўзғолони давомида ўлка меҳнаткаш оммаси эса бунга тобора тўла ишонч ҳосил қилиб борди. Мана шу йўл-йўриқлар асосида Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг 1916 йил қўзғолони давридаги озодлик курашини Россиядаги революцион ҳаракатнинг авж олишига кўмаклашган муҳим омиллардан бири деб ҳисобламоқ керак. Мазкур воқеалар давомида, ўлка халқлари Россия ишчилар синфининг бевосита раҳбарлигидагина ўз озодлик кураши ғалаба қозониши мумкинлигига яққол ишонч ҳосил қилдилар.

Дарҳақиқат, айни рус пролетариати ленинчи большевиклар партияси бошчилигида Россиядаги барча мазлум халқларнинг авангарди бўлиб майдонга чиқди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси уларни социал ва мустамлакачилик зулмидан абадий халос қилиб, янги турмуш қурилишининг кенг йўлига олиб чиқди.

Тарих фактлари ўжар ва ўзгармасдир. Шу боисдан ҳам йирик халқ ҳаракатларидан бири — Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги 1916 йил қўзғолонининг революцион, прогрессив характери тўғрисидаги ҳақиқатни ҳеч ким бузиб кўрсата олмайди.

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Журналхон В. Адҳамова редакциямизга мактуб йўллаб, унда социалистик демократиянинг буржуа демократиясидан фарқини тушунтириб беришимизни илтимос қилган.

ИККИ ДУНЁ—ИККИ ДЕМОКРАТИЯ

«Демократия» термини айнан «халқ ҳокимияти» деган маънони англатади. Давлатнинг гражданлар ҳуқуқи ва эркинлигидаги тенгликни, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунишини эътироф қилиши асосига қурилган бошқариш формаси ана шундай деб аталади.

Маълумки, капитализм маддоҳлари буржуа демократиясини кўкларга кўтариб мақтайди. Лекин ҳаёт шу нарсани рад қилиб бўлмайдиган даражада исботлайдики, капиталистик давлат эксплуататорлар қўлида қуролдир, бинобарин, улар амалга ошираётган мулкдорлар ҳокимиятининг максимал бойишини таъминловчи иқтисодий сиёсат халққа қарши характерга эгадир. Бошқаришнинг ҳар қандай буржуача формаси, у қандайин демократик ниқоб остига яширинган бўлмасин, доимо озчиликнинг кўпчилик устидан ҳукмронлик қилиш формаси эди. Ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Капитализмнинг инсонийликка, халққа қарши моҳияти айниқса шу нарсада ёрқин намоён бўладики, аҳолининг кўпчилик қисми асосий ҳуқуқ ва эркинликлардан, биринчи навбатда меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум. Масалан, Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига қараганда ривожланган капиталистик давлатларда 1979 йилда 17 миллион ишсиз рўйхатга олинган. Шуниси характерлики, инсон ҳуқуқининг «буржуа ҳимоячилари» капитал мамлакатларида инсоннинг бу табиий ҳуқуқидан биринчи навбатда прогрессив қарашга эга бўлган кишилар маҳрум бўлаётганлигидан негадир кўз юмадилар. Чунончи, ГФРдаги «радикал элементлар» тўғрисидаги бадном қонун амал қилаётган вақтдан буён ўтган давр ичида салкам 800 минг киши ишончлими-ишончсизми деган мазмунда ҳақоратли текширувдан ўтказилди ва деярли 3 минг «бошқача фикрловчи» киши ишдан бўшатилди.

Қатор капиталистик мамлакатларда демократик ғояларни пропаганда қилгани, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилгани учун жиноий жавобгарликка тортиш жорий этилган. АҚШда кўпчилик гражданлар устидан доимий назорат ўрнатилган—таъқиб қилиш, телефонда гаплашишларга яширинча қулоқ солиш, турли маълумотлар тўплаш иши билан бу «демократик мамлакатда 6723 давлат ва шахсий муассасаларни ўз ичига олган 85 та турли идоралар шуғулланади. 1979 йилнинг ўзида АҚШда 1700 киши касаба союз ташкилотидаги фаолияти учун ишдан бўшатилган. Ахир «демократия,— деб таъкидлаган эди КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев,— инсон ҳар куни меҳнат қилаётган, ўзининг ижодий кучларини сарфлаётган муҳитни ўз ичига олмаса, қуруқ бир нарса бўлиб қолаверади» (Ленин йўлидан, 5-том, 81-бет).

Буржуазия демократиянинг парламент ва парламентдаги мунозаралар, сайлаш ҳуқуқи, матбуотдаги сенсацион фош қилишлар, кўп партиялик сингари айрим ташқи атрибутларидан фойдаланиб, меҳнаткашларда давлатнинг демократик тузуми тўғрисида хомхаёл яратишга уринади. Чунончи, буржуа идеологлари омма онгига капитал мамлакатларида сиёсий ҳокимият халқнинг эркин хоҳиши ёки «эркин сайловлар» деб аталмиш сайловлар йўли билан тузилади деган фикрни сингдиради. Аслида эса аҳолининг кўпчилик қисмига ёвузликнинг каттаси ёки кичигини танлашга тўғри келади. Буни яққол тасаввур этиш учун қуйидаги маълумотларни келтирамиз: 1978 йилнинг ноябрида сайланган АҚШ сенаторларининг тахминан учдан бири миллионерлар ёки мультимиллионерлар, 535 конгрессмен ичида битта ҳам ишчи, битта ҳам меҳнаткаш фермер йўқ, озчиликни ташкил қилувчи миллат вакиллари ниҳоятда оз, атиги 17 хотин-қиз бор.

Социалистик демократия буржуа демократиясидан тубдан фарқ қилади, чунки у ўз моҳияти билан чинакам халқ ҳокимиятидир. В. И. Ленин таъкидлаган эдики, Совет

ҳокимияти энг демократик буржуа республикасига нисбатан миллион баравар демократроқдир, чунки демократиянинг мисли курилмаган даражада кенгайишини сўзда эмас, балки амалда таъминлайди. СССР гражданларининг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок этиш, халқ депутатлари Советларига сайлаш ва сайланиш, уларнинг ишини яхшилаш тўғрисидаги таклифларни давлат ва жамоат ташкилотларига киритиш ҳуқуқига эгалиги бунинг ёрқин исботидир. Бу ҳуқуқларнинг ҳаммаси қонун билан гарантияланади. Давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари умумхалқ муҳокамасига қўйилади.

СССР янги Конституцияси қабул қилинган кундан буён ўтган йиллар унинг ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонига, биринчи навбатда гражданларнинг меҳнат ва сиёсий активлиги ўсишига, давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари иш услубини такомиллаштиришга самарали таъсир кўрсатганлигини тасдиқлади. Совет умумхалқ давлатининг чуқур демократизми СССР Конституциясининг ҳар бир қоидасида ўзининг мужассам ифодасини топган бўлиб, у мамлакатимиз гражданлари ривожланган социалистик жамият бераётган имкониятлардан мумкин қадар тўлароқ фойдаланиши тўғрисидаги ғамхўрлик билан суғорилгандир. Айни вақтда СССР Конституцияси ҳуқуқ ва эркинликлардан умумхалқ давлати манфаатларига зид равишда фойдаланишни тақиқлайди. Мамлакатимиз кўпчилик гражданларининг манфаатларига жавоб берувчи бу қонуний чеклашлар буржуа танқидчилари ҳужумининг яхши кўрган объектидир.

Социализм душманлари совет кишилари ҳокимият органларига сайлов пайтида ўз номзодларини кўрсатиш имкониятига эга эмас, уларнинг истак-хоҳиши назорат қилиб борилади, сайланган депутатлар халқдан ажралиб қолган, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилмайдилар, деб даъво қилишади. Бу уйдирмалар ҳеч қандай асосга эга эмас. СССР гражданлари олий ва маҳаллий ҳокимият органларига депутатлар сайлаш пайтида ўз хоҳиш-истакларини эркин ифода этадилар. Чунончи, 1979 йилнинг март ойида ўнинчи чақириқ СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловлар якунларига кўра, Иттифоқ Совети депутати номзодларига 174 миллион 734 минг 439 киши ёқлаб, 185 минг 422 киши қарши овоз берди, Миллатлар Совети депутати номзодларига (иттифоқдош республикалар бўйича)—174 миллион 770 минг 398 сайловчи ёқлаб, 149 минг 581 сайловчи қарши овоз берди. Депутатликка номзодларнинг ҳаммаси ҳам зарур миқдордаги овозни олавермайдилар. Масалан, 1977 йилда маҳаллий Советларга сайловлар пайтида 61 номзод сайламай қолдирилди.

Омманинг давлатни бошқаришда, кўпгина социал проблемаларни ҳал этишда актив иштирок этиши жамиятимизнинг тез суръатлар билан ривожланишини таъминловчи энг муҳим восита сифатида тобора ёрқин намоён бўлмоқда. Мамлакатимиз давлат ҳокимиятининг олий органида — СССР Олий Советида ишчилар — 34,8 процентни, колхозчилар — 16,3 процентни, маданият, адабиёт, санъат, маориф, совет, касаба союз, ёшлар ташкилотлари ходимлари — 48,9 процентни ташкил этади. Иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советлари депутатларининг ярмидан кўпи ва маҳаллий Советлар депутатларининг 68,7 проценти ишчилар ва колхозчилардир, ҳар уч депутатнинг бири хотин-қиздир.

1980 йилнинг 24 февралида иттифоқдош ва автоном республикалар Олий ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон ССРда салкам 103 минг депутат сайланди. Ўзбекистон Олий Совети депутатларининг 30 процентини ишчилар, 20,8 процентини колхозчилар, 34,9 процентини хотин-қизлар ташкил этади.

Халқ депутатлари Советларини ташкил этиш ва уларнинг иш принциплари ҳам социалистик демократия ривожининг юксак даражасидан далолат беради. Маълумки, Советлар составлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи билан яширин овоз бериш асосида эркин демократик сайловлар йўли билан белгиланади. Сайлов кампаниялари меҳнаткашлар кучи билан партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида ўтказилади. Депутатликка номзодларни меҳнат коллективлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари сайловолди йиғилишларида кўрсатишади. Бундай йиғилишларнинг ҳар бир иштирокчиси кўрсатилаётган номзоднинг сиёсий, ишчанлик ва шахсий фазилатларига баҳо бериши, агар лозим кўрса унга қарши чиқиши ҳам мумкин.

Социалистик демократия Советлар ишига кенг халқ оммасини жалб этишда ёрқин намоён бўлади. Ҳозирги кунда 35 миллион кишидан иборат Советлар активи муттасил кенгайиб бормоқда. 9,5 миллион халқ контролерлари, доимий ишлаб чиқариш кенгашларининг 3,5 миллион аъзоси, колхозлар правлениеларининг 3,2 миллион аъзоси умумдавлат проблемаларини ҳал этишга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Янги қонун актларини жамоатчилик ҳукмига қўйиш—кенг халқ оммасини давлат ишларини бошқаришга жалб этишнинг муҳим формасидир. Масалан, СССР янги Конституциясининг лойиҳасини муҳокама қилишда мамлакатимиз катта ёшдаги аҳолисининг бешдан тўрт қисми (140 миллиондан ортиқ киши) қатнашди. Совет кишилари ижтимоий меҳнатни ташкил этиш ва экономикани бошқариш, социалистик мулкчиликни жамиятимизнинг иқтисодий асоси сифатида таъриф қилиш, социал ва сиёсий ҳуқуқлар ҳамда ташқи сиёсат вазифалари, оилани мустаҳкамлаш ва болаларни тарбиялаш, социал таъминот, табиатни муҳофаза қилиш масалаларига оид таклифлар киритдилар. Натижада лойиҳа текстига — Конституциянинг 17[illegible] моддасидан 117 тасига 150 га яқин тузатиш

ва аниқликлар киритилди. Аслида бутун совет халқи ўз давлати Асосий қонунининг ижодкори бўлди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Совет умумхалқ давлати демократиясининг моҳиятини очиб бераркан, КПСС МКнинг партия XXVI съездига Ҳисобот докладида шундай деди: «Умумий ишдан, ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан манфаатдорлик, фикрларни таққослаб кўриш, ошкора ва принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид, ҳар бир гражданнинг ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш — совет демократиясининг, ишлаб амал қилиб турган демократиянинг моҳиятидир».

М. ҒАНИЕВА,
философия фанлари кандидати.

Бир группа журналхонлар — Г. Шокиров, Р. Ёдгорова, Р. Усмонов, М. Бўрихўжаев, У. Шокиров редакцияга хат йўллаб, Ўзбекистонда катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводсизликни ва чаласаводликни тугатиш қандай амалга оширилганлиги ҳақида ҳикоя қилишимизни сўрашибди.

АСРИЙ ҚОЛОҚЛИКДАН — МАДАНИЯТ ЧЎҚҚИЛАРИ САРИ

СОВЕТ ҳокимиятига янги, социалистик маданият қуришни мамлакат аҳолисининг тўртдан уч қисми саводсиз бўлган, Россиянинг кўпгина халқлари ҳатто ўз ёзувига эга бўлмаган бир шароитда бошлашга тўғри келди. Чоризм халқ оммасининг маданий даражаси юксалишидан манфаатдор эмасди. Масалан, 1912 йилда маориф эҳтиёжларига полицияни сақлаш учун сарфланганига нисбатан 53 баравар кам маблағ ажратилди.

Россиянинг мустамлака чекка ўлкаларида аҳвол бундан ҳам аянчли эди. Чунончи, 1914-15 ўқув йилида ҳозирги Ўзбекистон территориясида 165 мактаб бўлиб, уларда 17,5 минг бола ўқирди, аҳоли орасида саводхонлар икки процентга ҳам етмасди. Шунинг учун «Вестник воспитания» журнали 1906 йилда Туркистон фақат 2186 йилга бориб умумий саводхонликка эришиши мумкин, деб каромат қилганлиги бежиз эмасди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимиз ленинча маданий революция программасини амалга оширишга, энг аввало саводсизликни тугатишга киришди. Зеро, В. И. Ленин айтганидек, саводсиз киши сиёсатдан четда туради. Партия шу мақсадга эришишнинг болалар учун мактаблар тармоғини бутун чоралар билан кенгайтириш ва катта ёшдаги кишиларни ўқитишнинг турли формаларидан фойдаланишдек асосий йўлларини кўрсатиб берди.

Ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган халқ хўжалигини тиклаш ва қайтадан қуриш вазифасини ҳал қиладиган кишиларнинг умумий билим даражасини оширишга жуда катта эътибор берилди. Социалистик қурилиш практикаси меньшевикларнинг пролетар революциясини амалга оширишдан олдин капиталистик жамият шароитида пролетариат ҳокимиятни қўлга олгандан кейин давлатни бошқарадиган кадрларни тайёрлаш зарур деган даъвосини ишончли равишда рад этди. Мамлакатимизда бундай кадрлар революцион кураш ва социалистик жамиятни қуриш жараёнида тарбия топа борди. Катта ёшдаги аҳолига ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим бериш системаси бу ишда ғоят катта роль ўйнади. Уни вужудга келтириш ва ривожлантиришга Маориф халқ комиссарлигининг 1918 йилда ташкил этилган мактабдан ташқаридаги ишлар бўлими раҳбарлик қилди. Бўлимнинг асосий вазифаси ишчилар оммасини давлатни бошқаришда иштирок этишга тайёрлашдан, уларни бунинг учун зарур бўлган билимлар билан қуроллантиришдан иборат эди. Ҳаёт ўша даврдаги конкрет шароитда энг мақбул таълим формасини — савдосизликни тугатиш системасини илгари сурди.

1919 йил 26 декабрда В. И. Ленин «РСФСР аҳолиси орасида саводсизликни битириш тўғрисида»ги декретга имзо чекди. Декретда республиканинг 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган барча гражданлари зиммасига хоҳишларига қараб она тили ёки рус тилида савод ўрганиш мажбурияти юкланди. Натижада юз минглаб меҳнаткашлар парталарга ўтирдилар. Уларга савод ўргатишга саводхон аҳолининг кенг қатламлари: ўқитувчилар, инженерлар, агрономлар, иккинчи босқичдаги мактабларнинг юқори группалари талабалари, саводли ишчилар жалб қилинди.

Саводсизликни тугатиш мактабларида ўқитиш характерини В. И. Ленин қуйидагича белгилаб берган эди: «Ўқиш-ёзишни билишнинг маданиятни оширишга хизмат

қилишига, деҳқон ўқиш ва ёзиш малакасини ўз хўжалигини ва ўз давлатини яхшилашга татбиқ қилиш имкониятига эга бўлишига эришмоқ керак» (ТАТ, 44-том, 196-бет).

Коммунистик партия раҳбарлигида Туркистон АССРда ҳам аҳоли саводсизлигини тугатиш соҳасида катта ишлар олиб борилди. Шунга қарамасдан, Ўрта Осиёда миллий-территориал чегаралаш ўтказилганидан кейин (1924 йил) Ўзбекистонда аҳолининг атиги 11,6 проценти ўқиш ва ёзишни билар эди. Давлат бюджети ҳисобидан 230 мактаб, маҳаллий бюджет ҳисобидан 450, турли ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан 181 мактаб очилган бўлсада булар барча саводсизларни ўқитиш учун камлик қиларди. Биринчи навбатда аҳолининг 82,3 процентини ташкил қилувчи 15 дан 35 ёшгача бўлган кишилар саводини чиқаришга қарор қилинди.

Ўзбекистон ССРда саводсизликни битиришнинг ўн йиллик плани ишлаб чиқилди. Бу планда саводсизликни тугатиш ва чаласаводлар мактабларида ўқув-тарбия ишларини яхшилаш ва ана шу мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш юзасидан конкрет тадбирлар кўзда тутилган эди. 1927 йилда ҳатто коммунистларнинг 20 проценти, комсомолларнинг 28,8 проценти саводсиз эканлиги мазкур планни амалга оширишда ниҳоятда катта қийинчиликларга дуч келинганлигини кўрсатади.

В. И. Ленин сиёсий-оқартув муассасаларининг II Бутун Россия съездида 1921 йилда сўзлаган нутқида шундай деб таъкидлаган эди: «Саводсизликни тугатиш билангина иш битмайди, бунинг устига яна совет хўжалигини ҳам қурмоқ керак, бунда эса биргина саводли бўлиш билан иш битмайди. Биз маданиятни жуда ҳам юксалтириб юборишимиз керак. Ҳар бир киши амалда ўқиш-ёзиш малакасидан фойдаланмоғи... керак» (ТАТ, 44-том, 195—196-бетлар). Доҳийнинг бу кўрсатмаси саводсизликни тугатиш мактабларини янада ривожлантириш учун қўлланма бўлиб хизмат қилди.

ВКП(б) XV съезди мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик планини тузиш юзасидан директивалар қабул қилди. Ишчи ва деҳқонларнинг умумий ва техникавий билимини яхшилаш шу планни амалга оширишнинг зарур шарти деб топилди. Тобора кўпайиб бораётган саводсизликни тугатиш мактаблари ва курслари бу ишда катта роль ўйнади. Агар 1927 йилда Ўзбекистон ССРда 1295 ана шундай мактаб ишлаб турган бўлса, 1929-30 ўқув йилида улар сони 6343 тага етди. Шу ўқув йилида аҳолининг ишлаётган қисми орасидаги саводсизларни аниқлаш мақсадида маданий юриш уюштирилди.

Бу ишга комсомоллар қўшган ҳиссани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. 1928 йил майда бўлиб ўтган ВЛКСМ VIII съезди маданий ўзгаришларга, жумладан ёшлар орасида саводсизликни тугатиш масалаларига катта эътибор берди. Съездда нутқ сўзлаган М. И. Калинин ва А. В. Луначарский саводсизликни битиришда комсомоллар муҳим роль ўйнаши лозимлигини таъкидлаб ўтдилар. Съезд 1929 йилнинг августигача комсомоллар орасида саводсизликни тугатишга қарор қилди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ана шу қарорга амал қилиб, республикадаги барча комсомол ташкилотларига мурожаатномасида якка ва группавий тартибда машғулотлар ўтказиш йўли билан комсомоллар орасида саводсизликка қарши курашишга чақирди. Биринчи беш йиллик давомида Ўзбекистонда «Ҳар бир комсомол аъзоси бир кишига савод ўргатиши лозим» деган шоир остида ҳаракат авж олиб кетди.

Бу фронтда республика пионер ташкилотлари ҳам катта фаоллик кўрсатдилар. Масалан, 1930 йилда Тошкент пионерлари икки минг колхозчига савод ўргатишди.

1929-30 ўқув йилидан бошлаб ўзбек тилининг лотин ёзувига ўтказилиши саводсизликни тугатиш ва чаласаводлар мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлашни тезлаштириш имконини берди.

Партия XVI съездида колхозчилар орасидаги саводсизликка барҳам бериш зарурлиги алоҳида уқтирилди. М. И. Калинин съездда сўзлаган нутқида эндиликда ишчилар синфи билан биргаликда давлатни бошқараётганлиги сабабли деҳқон саводсизлигича қолиши мумкин эмаслигини таъкидлади.

Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети партия XVI съезди кўрсатмалари асосида 1930 йил августда 1932 йилнинг охирига бориб 16 ёшдан 40 ёшгача бўлган аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу ёшдаги барча гражданларнинг мактабларга ва саводсизликни тугатиш пунктларига қатнаш мажбурияти жорий қилинди. 1930-31 ўқув йилида Ўзбекистондаги мавжуд 12 минг ана шундай мактабда 590,3 минг киши билим олди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети шу соҳадаги конкрет тадбирлар белгилаб берилган бир қатор қарорлар қабул қилди. Ушбу қарорларнинг амалга оширилиши натижасида саводсизлар аниқ ҳисоблаб чиқилди, саводсизликни тугатиш мактаблари ва группаларининг моддий базаси мустаҳкамланиб, ўқув-тарбия иши ҳамда улар учун педагог кадрлар тайёрлаш яхшиланди.

Республика партия, касаба союз, комсомол, жамоат ташкилотлари ва халқ маорифи органлари Ўзбекистон ССРнинг 10 йиллигигача барча саводсиз ва чаласаводларни мактабларга жалб қилиш тўғрисидаги асосий талаб билан саноат корхоналари ва коллектив хўжаликларнинг республика конкурс-мусобақасини ўтказди. Катта ёшдаги аҳоли ўқувини йўлга қўйишда маҳаллий партия ташкилотларига ёрдам кўрсатувчи маданий аскарлар отрядлари тузилди.

Мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг иккинчи беш йиллик планини ишлаб чиққан ВКП (б) XVII съезди савод-

сизликни батамом тугатишни асосий вазифалардан бири деб эълон қилди.

1934 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси VI съезди катта ёшдаги кишилар ўртасида саводсизликка батамом барҳам беришни маданий фронтда янада олға бориш вазифаларидан бири қилиб белгилади. Шу қарорни амалга ошириш юзасидан агитация-пропаганда ишлари кенг авж олдирилиб, барча фойдали ташаббуслар маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб турилди. Масалан, Чирчикстрой зарбдорлари Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига қарата: «Азиз ўртоқлар, саводсизликни тугатиш соҳасидаги оммавий юришнинг олдинги сафларида бўлайлик!» деган мактуб билан мурожаат қилдилар. Уларнинг чақириқларини республиканинг кўплаб корхоналари ходимлари қўллаб-қувватладилар. Чунончи, Қўқон меҳнаткашлари ўз кучлари билан қурган 140 мактабда 13 мингдан кўпроқ киши саводини чиқара бошлади.

Мактабларда ўқув-тарбия ишини яхшилашга катта эътибор берилди. Партия Улуғ Октябрнинг 20 йиллик юбилейигача 50 ёшгача бўлган ҳамма гражданларнинг саводсизлигини тугатиш вазифасини қўйди. Шу мақсад учун 36 миллион сўм ажратилди, қисқа муддатли (1,5 ойлик) курслар ташкил этилиб, маданий аскарлар қайта тайёргарликдан ўтказилди. Корхона ва колхозлардагина эмас, балки йўллар ва каналлар қурилишида ҳам — ҳамма жойда курслар ва мактаблар очилди. Масалан, Катта Фарғона канали трассасида 2356 мактаб ташкил этилиб, уларда 70 минг колхозчи ўқитила бошлади.

Саводсизликни ва чаласаводликни тугатиш суръатлари кўп жиҳатдан ўқитувчи кадрларга боғлиқ эди. Уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан олти ойлик курслар, уч йиллик партия мактаблари, турли ўқитувчилар курслари, педагогика институтлари, университетлар шуғулланишарди.

Республикада дарсликларга, методик қўлланмаларга жуда катта муҳтожлик сезиларди, таълимнинг мазмунини аниқлашда ҳам катта қийинчиликлар мавжуд эди. РСФСР ва бошқа иттифоқдош республикаларнинг педагоглари бу ишларда қардошларча ёрдам кўрсатиб турдилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг катта ёшдаги аҳоли саводсизлигини тугатишга доимий эътибор бериб келганлиги, комсомол, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг, халқ маорифи органларининг сердиққат иши яхши самара берди. 1941 йилга келиб Ўзбекистон ССРда аҳолининг аксар кўпчилиги саводсиз эди. Бироқ 18 ёшдан 50 ёшгача бўлганлар орасида ҳали бир неча юз минг киши саводсиз бўлиб, партия ишнинг бу жабҳасини ҳар доим эътибор доирасида сақлаб келди. 50 ёшгача бўлган аҳоли орасида саводсизликни Тошкент, Фарғона областларида 1942 йилда, Бухоро, Самарқанд, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССРдаги қишлоқ жойларида 1943 йилда, шу областларнинг шаҳарларида 1942 йилда; 25 ёшгача бўлган аҳоли саводсизлигини эса ҳамма областларда 1941 йилда тўлиқ тугатишга қарор қилинди. Энг тажрибали ўқитувчилардан минг киши ижтимоий-методик ишга сафарбар этилди. Белгиланган программа амалга оширилди. Саводсизлик амалда тугатилди.

Ҳозир Ўзбекистонда ишлаб турган 9,5 минг умумий таълим мактабларида қарийб 4 миллион ўқувчи билим оляпти, 43 олий ва 222 ўрта махсус ўқув юртларида ярим миллионга яқин киши 437 ихтисосни эгалламоқда. Республикада умумий тиражи 10 миллион нусхада 281 газета ва 83 журнал нашр этиляпти, 10 нашриёт ҳар йили 35 миллион нусхадан кўпроқ китоб чоп қиляпти, 14 томли Ўзбек Совет Энциклопедияси нашрдан чиқди.

Ўлка аҳолисининг деярли ёппасига саводсизлигини тугатишдан бошланган ана шу ютуқларга эришиш йўли, айниқса янги маданият қуриш бизникига ўхшаш шароитларда олиб борилаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ривожланаётган мамлакатлари учун ғоят ибратлидир. 1966 йилда Тошкентда катта ёшдаги кишилар саводсизлигини тугатиш программасини планлаштириш ва ташкил этиш проблемалари юзасидан ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон симпозиуми ўтказилганлиги Ўрта Осиё республикаларининг, жумладан Ўзбекистоннинг бу ишдаги тарихий тажрибасини ўрганиш соҳасидаги дастлабки уриниш бўлди. КПССнинг ленинча доно миллий сиёсатини амалга ошириш натижасида тўпланган бу тажрибага қизиқиш сўнаётгани йўқ.

Ж. ҲАСАНБОЕВ,
педагогика фанлари кандидати.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

ЭНГ ЯХШИЛАР ТАЖРИБАСИДАН ҲАММА ФОЙДАЛАНАДИ

КОММУНИСТИК бунёдкорлик солномасида Совет беш йилликлари ярим асрлик тарихини муносиб равишда якунлаган ўнинчи беш йиллик алоҳида ўрин эгаллади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездидаги докладида таъкидлаганидек, партия XXV съездидан кейинги ўтган йиллар унда илгари сурилган вазифалар умуман муваффақиятли ҳал этилганлигини, КПССнинг ленинча бош йўли дадил амалга оширилаётганлигини кўрсатди.

Барча қардош республикалар сингари Ўзбекистон учун ҳам ўнинчи беш йиллик ҳар томонлама тараққиёт йиллари бўлди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги, иқтисодий ва социал ривожланишнинг 1980 йилга ва умуман ўнинчи беш йилликка мўлжалланган Давлат планини муваффақиятли бажаргани учун Ўзбекистон ССР сурункасига саккизинчи марта КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МКнинг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди.

Ўзбекистоннинг ўтган беш йилликдаги ажойиб муваффақиятлари — унинг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари фидокорона ва илҳомбахш меҳнатининг самарасидирки, улар ўзларининг партия режаларини замонамизнинг реал ишига айлантиришга қодир эканликларини намойиш қилдилар. Бу муваффақиятлар — Ўзбекистон партия ташкилотининг жуда катта ва ижодий ишлари натижасидир.

Ўнинчи беш йиллик уларнинг фаолиятига кўпгина янги нарсаларни олиб кирди, уни анчагина фойдали тажриба билан бойитди. Қуйида тақриз этилаётган китоб* ана шу тажрибани барчанинг бойлигига айлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Китобда тўпланган тажрибанинг турли томонлари очиб берилади. Китобхонлар партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари қандай қилиб ўз иш услублари, методларини такомиллаштириб бораётганликлари, раҳбарликнинг ленинча принципларини амалга ошираётганликлари, социалистик мусобақани, ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва улардан фойдаланишни, фан ютуқлари ва илғор тажрибани жорий этишни ташкил этаётганликлари, омманинг ижодий активлиги ва куч-ғайратини энг муҳим социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этишга сафарбар қилаётганликлари билан танишадилар.

Китобнинг алоҳида қиймати шундаки, бунда китобхонлар тажрибани унинг ўз ижодкорларидан билиб оладилар. Тўпламга киритилган мақолаларнинг авторлари — таниқли, обрўли партия ходимлари бўлиб, улар республикамиз меҳнаткашларини ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун жалб этишда анча иш қилганлар. Улар орасида — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретарларидан 3 киши, обком секретарларидан 5, шаҳар партия комитетлари секретарларидан 2 ва район партия комитетлари секретарларидан 11 киши бор. Тўпламдаги мақолаларнинг авторлари учун предметни чуқур билиш, умумий муваффақиятдан астойдил манфаатдорлик, меҳнат аҳлига нисбатан самимий ҳурмат характерли бўлиб, ана шу меҳнат аҳлларининг тажрибаси битталаб тўпланиб, бутун халқ бойлигига айланмоқда.

Тўплам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети иккинчи секретари Л. И. Грековнинг «Ўзаро ишонч ва талабчанлик вазиятида» деган мақоласи билан бошланади, унда республика партия ташкилотининг раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги иш тажрибаси анализ қилинади. Бу қонунийдир. Чунки бизнинг режаларимиз қанчалик ўйлаб тузилган, уларда резерв ва имкониятлар қанчалик яхши ҳисобга олинган бўлмасин, белгиланганларнинг барини амалга ошириш оқибат натижада кадрларга, уларнинг ишчанлик ва сиёсий етуклик даражасига, уларнинг қобилияти ва шахсий сифатларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам партиянинг кадрлар масаласидаги сиёсати — қудратли бир восита бўлиб, у ана шу восита орқали ижтимоий тараққиёт ривожига таъсир ўтказади.

Авторнинг қайд қилишича, Ўзбекистонда кейинги йилларда раҳбар кадрларнинг сифат состави сезиларли равишда яхшиланди. Уларнинг тайёргарлиги анча ошди,

---

* Ленин йўлидан — съезддан съездгача (Ўзбекистон партия ташкилотларининг КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун кураши). Тошкент, «Ўзбекистон», 1980, 446 бет.

омилкорлиги ортди. Барча обком секретарлари ва оближроком раислари олий маълумотли бўлиб, шу жумладан 66 проценти — инженерлик ва қишлоқ хўжалик маълумотига эга. Улардан кўплари партиявий-сиёсий маълумотга, 18 киши эса илмий даражага эга. Қарийб барча шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари олий ўқув юртларини битирган бўлиб, улардан ярмидан кўпроғи — саноат ва қишлоқ хўжалик мутахассисларидир, кўпчилиги партия мактаби дипломига эга.

Партия ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар вакилларини раҳбарлик ишларига кенг кўламда кўтариш йўлини изчиллик билан амалга оширмоқдаки, булар ишнинг аҳволини чуқур таҳлил этишни, тенг жойларни ўз вақтида аниқлаб, кишиларни қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга сафарбар қилишни яхши биладилар. Халқ орасидан чиққан ўн минглаРча кишилар партия, совет, хўжалик ва жамоат ишларининг масъулиятли участкаларига бошчилик қилмоқдалар. Буни тасдиқлаш учун мақолада кенг фактик материаллар келтирилади.

Бутун партияда бўлганидек, республикамиз партия ташкилотида ҳам шундай вазият қарор топдики, бунда кадрларга бўлган ишонч уларга нисбатан юксак талабчанлик билан бирга қўшиб олиб бориладн. Бундай шароитда кишилар катта масъулият, ишонч ва яхши кайфият билан ишлашади. Буларнинг бари одамларни илҳомлантиради, уларга куч ва ғайрат бағишлайди, ижодий ташаббусни уйғотади, ҳар бир кишининг қобилият ва имкониятларини тўлароқ очиб беради.

Шу билан бирга Л. И. Греков кадрлар соҳасидаги ишга кампаниячилик билан ёндашишга қарши огоҳлантирадики, бундай ишда шошма-шошарликка йўл қўйиш мутлақо мумкин эмас, аксинча, кишиларни диққат билан ва кун сайин ўрганиб бориш талаб этилади. Шу муносабат билан мақоланинг ўқиш, кишиларни тарбиялаш ва конкрет ишларда текширишнинг турли формаларини бирга қўшиб олиб борувчи кадрлар резерви билан ишлаш тўғрисидаги қоидасининг ғоят актуал эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Тажриба шуни кўрсатадики, ходимни раҳбар лавозимга кўтаришдан олдин унинг ижобий томонларини ва камчиликларини синчиклаб қараб чиқиш, у билан бирга ишлаган коммунистлар ва ўртоқларининг фикрини билиш лозим. Бу ерда фақат анкета маълумотлари билан кифояланиб қолмаслик керак. Киши юқори лавозимга кўтариш учун лойиқми, у қанчалик сиёсий жиҳатдан етук, принципиал, ишчан, кишиларга нисбатан сезгирми — буларнинг бари практикада билинади.

Раҳбарнинг кучи — меҳнаткашлар оммаси билан мустаҳкам алоқададир. Бу қоидани автор Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг фаолияти мисолида очиб берадики, у ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, олимлар, маданият арбоблари, коммунистик қурилишнинг олдинги маррасида меҳнат қилаётган кишилар билан учрашувлар ўтказиб туради. Бундай учрашувлар, бир томондан, партия раҳбарлари, аппарат ходимлари учун чинакам илғор тажриба мактаби бўлса, иккинчи томондан эса — ишлаб чиқариш новаторлари, энг яхши меҳнат коллективларидаги барча янги ва қимматли нарсаларни кенг ёйишга ва шу асосда давлат топшириқларининг бажарилишини таъминлашга имкон беради.

Мақолада раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш масаласи муфассал қараб чиқилади. Партия комитетлари бу ишнинг планларнинг бажарилиши тўғрисида, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳақида, социалистик мусобақани ривожлантириш ва шу кабилар тўғрисидаги ҳисоботлар ва ахборотларни тинглаш, ижрони текширишни аниқ йўлга қўйиш, танқид ва ўз-ўзини танқид сингари синалган формалардан кенг фойдаланмоқдалар.

Раҳбар кадрларимиз ленинча иш услубини ижодий, субъективизмга ёт, барча ижтимоий процессларга нисбатан илмий ёндашиш билан суғорилган услубни қунт билан эгаллаб боришлари тўғрисида ғамхўрлик мақоланинг бутун мазмунига сингдириб юборилган. Бу нарса Ўзбекистонда КПССнинг кадрлар соҳасидаги сиёсатини амалга оширишдаги муваффақиятлар ва камчиликларни кўплаб фактик материаллар асосида чуқур анализ қилиш билан бирга қўшилиб, Л. И. Грековнинг мақоласини ғоят қизиқарли ва ибратли қилади.

Маълумки, экономика — коммунизм учун курашда асосий жабҳадир. Шунинг учун ҳам уни ривожлантириш масалалари КПССнинг ички сиёсатида марказий ўринлардан бирини эгаллайди.

Ўтган беш йиллик ичида Ўзбекистон ўз иқтисодий потенциалини анча кўпайтирди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини янада ошириш мақсадида ана шу потенциалдан ва социалистик планли экономика афзалликларидан максимал фойдаланиш, хўжалик фаолиятидаги камчилик ва нуқсонларни қатъият ва ғайрат билан бартараф этиш — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари И. Г. Анисимкиннинг «Ишлаб чиқариш резервлари — беш йилликка» деган мақоласининг асосий мазмунини ташкил этади. Мақолада асосий куч-ғайратни халқ хўжалигида юксак натижаларга эришишга жалб этишни талаб этадиган марказий проблемалар — давлат план интизомига риоя этиш, асосий ишлаб чиқариш фондларидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилишни жадаллаштириш, иқтисод қилиш ва тежамкорлик, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш масалалари анализ қилинади.

Автор томонидан «Средазкабель» ва «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмалари партия ташкилотлари ва бутун коллективларининг маҳсулот сифатини ошириш, Чирчиқ химия машинасозлиги заводи, Тош-

кентдаги «Компрессор» заводининг — хом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Самарқанд лифтсозлик заводи, Бекобод цемент комбинати, Тошкент чинни заводининг — шу корхоналарни реконструкциялаш, техника билан қайта қуроллантириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасидаги иш тажрибаси очиб берилганлиги сўзсиз китобхонларда катта қизиқиш уйғотади.

Партия ташкилотларининг КПСС XXV съездининг халқ хўжалиги барча бўғинларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилашга, экономикани ривожлантиришнинг интенсив омилларидан янада тўлароқ фойдаланишга қаратилган йўлини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан олиб бораётган ишидаги ютуқ ва камчиликлар тўғрисида жиддий гап юритиш билан бирга конкрет мулоҳазалар билдириб, тавсиялар берилганлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир. Мақоланинг бутун мазмуни китобхонларнинг эътиборини ишлаб чиқариш резервларини янада излаб топиб, ишга солишга қаратади.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги ривожланишнинг сифат жиҳатдан янги босқичига кўтарилди. Бунга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини хўжаликлараро кооперациялаш ва агросаноат интеграцияси асосида ихтисослаштириш ва концентрациялашни чуқурлаштириш кўп даражада ёрдам берди. Республикамизда бу иш қандай олиб борилаётганлиги тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари марҳум Й. Р. Қурбоновнинг «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялаш» деган мақоласида ҳикоя қилинади.

Бу соҳада олиб борилаётган тадбирлар, деб қайд қилинади мақолада, аввало, шоли, сабзавот, картошка, мева ва узум, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича йирик ихтисослаштирилган хўжаликлар барпо этиш йўли билан пахтачилик колхоз ва совхозларида товардор тармоқлар сонини минимум миқдорга келтиришга қаратилганки, бу хўжаликларда прогрессив технология ва комплекс механизацияни янада самарали қўлланиш мумкин бўлади. Пахтачилик хўжаликларида учта асосий тармоқ — пахтачилик, пиллачилик ва сутдор чорвачилик сақланиб қолади, мева, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳажми эса ички истеъмол доираси билан чекланади.

Автор пахтачиликни ривожлантиришнинг бир қатор асосий масалаларини очиб, республиканинг пахта-саноати комплексини характерлаб берадики, бу комплекс унинг барча қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқани кучайтириш йўлидан ривожланишда давом этмоқда. Ҳозирги вақтда пахтакорлар, машинасозлар, кимёгарлар, мелиораторлар, олимлар, пахта тозалаш саноати ва халқ хўжалиги кўпгина бошқа соҳалари ходимлари меҳнатининг натижалари охирги маҳсулот — пахтада тобора кўпроқ мужассамланмоқда.

Йирик ихтисослаштирилган пахтачилик хўжаликларининг барпо этилиши, деб таъкидланади мақолада, дон етиштиришни барқарор суратда ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар очиб берди.

Ҳосилдорликнинг ошиши, деҳқончилик маданиятининг ўсиши, маккажўхори майдонларининг кенгайиши билан бир қаторда ихтисослаштирилган шоликорлик совхозларининг ташкил этилиши дончиликни юксалтиришда қудратли восита бўлдики, бундай совхозларнинг давлат томонидан дон харид қилишидаги салмоғи 90 процентдан ошади.

Республикада сабзавот-мева маҳсулотлари етиштиришни ихтисослаштириш ва концентрация қилиш йўли изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу маҳсулотларни етиштиришнинг учдан икки қисмидан ортиқроғи 88 та сабзавотчилик ва 146 та боғдорчилик-узумчилик хўжаликларида тўпланган.

Автор чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялашни чуқурлаштириш, колхозлараро ва давлат ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этиш асосида ривожлантиришга жиддий эътибор беради. Мақолада кўрсатилишича, партия, совет ва хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари бу соҳада талайгина иш қилдилар. Чорвачилик маҳсулотларини саноат асосида етиштиришнинг иқтисодий жиҳатдан юксак самарали эканлигини тажриба тасдиқлади.

Республикамиз чорвачилик цехини ривожлантиришнинг аҳволи ва истиқболлари муфассал анализ қилинганлиги катта аҳамиятга эга. Авторнинг хулоса ва таклифлари, сўзсиз, гўшт, сут ва тармоқнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни бутун чоралар билан интенсивлаштиришга хизмат қилади.

КПСС сиёсатини амалга оширишда, партия қарорларини ҳаётга татбиқ этишда маҳаллий партия ташкилотлари катта роль ўйнайди. Уларнинг фаолияти, тақриз қилинаётган тўплам мақолаларида кўрсатилганидек, тобора кўпроқ ишчанлик, ишга ижодий ёндашиш, қатъиятлилик, собитқадамлик, кадрларга, барча коммунистларга нисбатан талабчанликни доимо ошириш, ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишни кучайтириш билан характерланмоқда. Улар экономика ва маданият масалаларини чуқурроқ ўрганадиган, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришга доимо эътибор берадиган бўлиб қолдилар.

Партия ташкилотларининг халқ депутатлари Советлари, касаба союзлар, комсомол ва меҳнаткашлар бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятини кучайтириш ва ролини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши уларнинг социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал этиш соҳасидаги кундалик амалий ишида бошланғич нуқта ҳисобланади. Бунда партия комитетлари асло уларнинг ўрнини босмайдилар, балки уларнинг фаолиятини координациялаш йўли билан уларга раҳбарликни таъминлайдилар, ана шу ташкилотлар томонидан ўз функцияларини муваффа-

қиятли бажарилишига эришадилар. КПСС-нинг принципиал йўли ана шундай бўлиб, бу Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети биринчи секретари М. Мусахоновнинг «Партия ташкилотининг ишончли ва содиқ ёрдамчилари» деган мақоласида яхши очиб берилган.

Автор республикамиз пойтахт области Советлари, касаба союзлари, комсомоли меҳнаткашларни тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал қилишга сафарбар этиш юзасидан анчагина иш олиб бораётганликларини кўрсатиб беради. Амалий материалларга бой бўлган мақола шундан далолат берадики, Тошкент область партия ташкилотининг ўз ишончли ва содиқ ёрдамчилари бўлган халқ ҳокимияти органлари, касаба союзлар, комсомолнинг активлигини бутун чоралар билан оширишга қаратилган куч-ғайрати яхши натижалар бермоқда.

Коммунистларнинг Совет ҳокимияти ва жамоат ташкилотлари сайлаб қўйилган органларидаги иши тўғрисида автор томонидан келтирилган рақам ва фактлар қизиқарлидир. Масалан, кейинги сайловларда Тошкент области маҳаллий Советларининг депутати қилиб 8190 коммунист сайланган. Сайлаб қўйилган касаба союз органларида 40 мингдан ортиқ КПСС аъзоси — область партия ташкилоти составининг бешдан бир қисми ишламоқда. Коммунистлар бошланғич комсомол ташкилотларининг 44 процентига, комсомол группаларининг 35 процентига бошчилик қилмоқдалар, саноатдаги комсомол-ёшлар коллективларидан ҳар учдан бири ва қишлоқ хўжалигида — ҳар иккидан бирининг раҳбарларидир. Партия ташкилотлари томонидан ўтказилган анализнинг гувоҳлик беришича, улардан кўпчилиги меҳнатда активлик намуналарини кўрсатмоқдалар, партия белгилаган вазифа ва планларни турмушга оширишда шахсан қатнашишда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Бу вазифа ва планлар характерининг ўзи шундайки, уларни бажариш кўплаб тармоқлар ва иқтисодий районлар ходимларининг биргаликдаги куч-ғайратини талаб қилади, турли-туман тадбирларнинг бутун бир системасини амалга оширишни ўз ичига олади. Тажриба шуни кўрсатадики, халқ хўжалик проблемаларини комплекс ҳал этиш — энг самарали йўлдир. Қорақалпоғистон АССР партия ташкилотларининг иш тажрибаси бунинг яққол далилларидан биридир. Бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов «Халқ хўжалигини комплекс ривожлантирайлик» деган мақоласида ҳикоя қилади.

Мақоладан шу нарса кўриниб турибдики, Қорақалпоғистон меҳнаткашлари шоликорликни ҳар томонлама ривожлантириш билан бирга пахта етиштиришни ҳам муттасил кўпайтирмоқдалар. Чорвачиликни жадал юксалтириш тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Саноат потенциали муттасил ортиб бормоқда, капитал қурилиш суръатлари ўсмоқда. Халқ хўжалигини комплекс ривожлантириш вазифаларини амалга ошираr эканлар, автоном республика меҳнаткашлари партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида энг муҳим проблемалардан бири — республикани аграр-индустриал республикадан индустриал-аграр республикага айлантириш проблемасини ҳал қилмоқдалар.

Қорақалпоғистон АССРда қишлоқ турмуш маданиятини юксалтириш комплекс планини амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган ишларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Қ. Камолов область партия ташкилоти ана шу планни бажариш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келаётганлигини конкрет фактларда кўрсатиб беради.

Энг муҳим халқ хўжалик проблемаларини ҳал этишга нисбатан комплекс ёндашилаётганлигига яна бир мисол — Қарши чўлини ўзлаштиришдир. Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё область комитетининг биринчи секретари Р. Ғойибов «Қарши чўли Ватанга хизмат қилмоқда» деган мақоласида «Каршистрой» коллективининг меҳнати тўғрисида — 46 минг қурувчилар, механизаторлар, янгидан ташкил этилган совхозларнинг ишчилари ҳақида ҳикоя қилади, булар ирригация-мелиорация қурилиши билан бир вақтда улкан географик регионни хўжалик ва социал-маданий жиҳатдан қайта қуришни амалга оширмоқдалар.

Автор Қарши чўлини ўзлаштириш область коммунистлари ишида асосий нарса эканлигини кўрсатади. Область партия комитети, «Каршистрой» парткомининг ташкилотчилик фаолияти — бу мураккаб ва катта миқёсдаги вазифани амалга ошириш соҳасидаги энг қиммаатли тажрибадир.

Тақриз қилинаётган тўпламда шунингдек партия ташкилотларининг фаолияти ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишнинг конкрет проблемаларига татбиқан қараб чиқилган мақолалар ҳам эълон қилинган. Бу эса авторларга кўтарилган проблемаларни ҳал этишда партиявий раҳбарлик механизмига чуқур кириб бориш имкониятини берган. Янгийўл шаҳар партия комитети биринчи секретари В. И. Рибалконинг «Қолоқларсиз ишламоқдамиз», Ғалаба район партия комитети биринчи секретари А. Саидхўжаевнинг «Район партия комитети ва қишлоқ хўжалигида техника тараққиёти», Тошкент шаҳар Ҳамза район партия комитети собиқ биринчи секретари (ҳозир Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети енгил ва озиқ-овқат саноати бўлимининг мудири) А. Икромовнинг «Ўнинчи беш йилликда социалистик мусобақа ва ватанпарварлик починлари», Қува район партия комитети биринчи секретари М. Шербўтаевнинг «Ҳам пахта, ҳам гўшт ва сут» деган мақолалари экономикани жадал ривожлантиришнинг у ёки бу омилларидан фойдаланиш соҳасидаги ташкилотчилик ишининг қизиқарли тажрибасини очиб беради.

Масалан, В. И. Рибалконинг мақоласи жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, унда шаҳар партия ташкилотининг Янгийўлдаги меҳнат коллективларида «Қолоқ-

ларсиз ишлайлик» деган ҳаракатни ривожлантириш юзасидан олиб бораётган фаолияти синчиклаб қараб чиқилади. Мана бир неча йил давомида шаҳарда биронта ҳам қолоқ коллектив, нормасини бажармайдиган биронта ҳам ишчининг йўқлиги бу ишнинг энг асосий якуни бўлди. Авторнинг ёзишича, бу актив, аниқ мақсадга қаратилган фаолият янгийўллик коммунистлар учун яхши мактаб бўлиб, улар аввало кишилар билан конкрет ишлашни, вазиятни тезда пайқаб, вазифалар орасидан энг асосийсини белгилай билишни ўрганиб олганлар.

Тўпламдаги кўпгина мақолалар партия ташкилотларининг партия ҳаёти ленинча нормалари ва партиявий раҳбарлик принципларини қарор топтириш, иш услубини такомиллаштириш соҳасидаги фаолиятига бевосита бағишланган. Бу китобхонга масаланинг моҳиятини чуқур тушуниш, бошқа жойларда ҳам жорий этилиши мумкин бўлган фойдали нарсаларни аниқроқ пайқай олишда ёрдам беради.

Масалан, Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитети биринчи секретари Б. Раҳимовнинг «Коллективизм — партиявий раҳбарликнинг олий принципи» деган мақоласи ана шундай мақолалардан бўлиб, унда область партия ташкилоти бу принципга риоя этилишига қандай қилиб қунт билан эришиб келаётганлиги яхши кўрсатиб берилган. Автор анализ қилиш учун қараб чиқилаётган масаланинг кўпгина томонларини — сайлаб қўйилган органлар аъзоларининг сифат состави тўғрисида ғамхўрлик қилиш, партиявий ишни планлаштириш практикасини такомиллаштириш, партия комитетлари пленумларини, партия активи йиғилишларини, область партия комитети бюроси ва секретариати мажлисларини, партия йиғилишларини тайёрлаш ҳамда ўтказиш ва бошқаларни қамраб олишга ҳаракат қилади.

Б. Раҳимовнинг партия комитети бюро мажлисини олиб боришда коллегиалликка риоя этиш хусусидаги фикри диққатга сазовордир. Айрим район партия комитетлари фаолиятини ўрганиш жараёнида шу нарса аниқландики, биринчи секретарлар, одатда, муҳокамага қўйилган барча масалалар юзасидан сўзга чиқадилар. «Бизнингча,— деб ёзади Б. Раҳимов,— мажлисда бюро аъзоларининг ҳаммаси ёки кўпчилиги ўз мулоҳазаларини айтсалар, биринчи секретарь эса муҳокамага якун ясаса, кўпроқ наф олинар эди... Биринчи секретарнинг асосий вазифаси бюронинг ишида барча бюро аъзоларининг актив иштирокини ташкил этишдан, киритилган масалаларнинг амалда коллектив муҳокамасини ва ҳал этилишини таъминлашдан иборат... Бюро шу усулда иш олиб борса, ишчанлик вазияти, яхши кайфият вужудга келади, айниқса ишчи ва колхозчилар орасидан сайланган бюро аъзоларининг мураккаб шароитда энг қийин масалаларни тушуниб олишлари учун имкон туғилади ва улар ўзларини коллегиал партия органининг тўла ҳуқуқли вакили деб ҳис қиладилар» (144-бет).

Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов «Қарорлар ижросини контрол қилишни илмий асосда олиб борайлик» деган мақоласида қарорлар ижросини ташкил этиш ва текшириш тажрибаси билан ўртоқлашади. У бу ишнинг қарорнинг конкретлигини ва уни бажаришнинг юксак самарали бўлишини таъминлаш мақсадида жойлардаги ишнинг аҳволини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш; юқори ташкилотларда қуйи партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг ҳисоботларини, шунингдек совет ва хўжалик органлари раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам тинглаб туриш; пленумларда ва партия йиғилишларида КПСС аъзоларини қабул қилинган қарорларнинг қандай амалга оширилаётганлиги, коммунистларнинг танқидий мулоҳазалари ва таклифлари бажарилаётганлиги тўғрисида системали равишда хабардор қилиб бориш; статистик маълумотлар, ахборотларни, меҳнаткашларнинг хат ва аризаларини доимо анализ қилиб туриш сингари ўзини оқлаган методларига диққатни жалб этади.

Мақолада область партия ташкилотида вужудга келган қарорлар ижросини контрол қилиш системасининг моҳияти очиб берилади. Кўп сонли фактлардан фойдаланиб, автор бу иш партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашга, кадрларда топширилган иш учун масъулият ҳиссини оширишга, ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришишга қанчалик ёрдам бераётганлигини кўрсатади.

Китобхон Ўзбекистон Компартияси Навоий шаҳар комитети биринчи секретари Н. В. Духановнинг «Коммунистларнинг ташаббускорлиги, активлиги ва масъулиятини тарбиялаш» деган мақоласидан ўзи учун кўпгина фойдали нарсаларни олади. Ёш индустриал шаҳарнинг партия ташкилоти ана шу мақсад йўлида ишнинг турли-туман формаларидан фойдаланиб келмоқда. Бундай формаларнинг таъсирчанлиги кўплаб меҳнат коллективлари фаолияти мисолида кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Компартияси Хива район комитети биринчи секретари М. Маткаримовнинг «Район партия комитети фаолиятидаги асосий вазифа», Избоскан район партия комитети собиқ биринчи секретари (ҳозир Қўрғонтепа район партия комитетининг биринчи секретари) У. Саримсоқовнинг «Ишчанликни қўллаб-қувватлаб», Қарши район партия комитети биринчи секретари И. Очиловнинг «Партия ахбороти — раҳбарликнинг зарур дастури», Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретари М. Каримовнинг «Танқид ва ўз-ўзини танқид — кадрларни тарбиялашнинг таъсирчан воситаси», Фарғона район партия комитетининг биринчи секретари А. Акбаровнинг «Сайлаб қўйилган актив — катта куч» деган мақолалари ташкилий-партиявий ишнинг услуби ва бошқа томонларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Тошкент шаҳар, Фрунзе район партия комитети собиқ биринчи секретари (ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР Социал таъминот

министри) С. У. Султонова «Партиянинг муносиб ўринбосарларини тарбиялаб етиштирайлик» деган мақоласида партия сафларининг сифат состави тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўтаради. Дўстлик район партия комитетининг биринчи секретари X. Исроилов «Меҳнат коллективининг сиёсий ядроси» деган мақоласида бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш тажрибаси тўғрисида ҳикоя қилади. Партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш практикаси, уларнинг меҳнат коллективи олдида турган вазифаларни ҳал этишга таъсири — Қумқўрғон район партия комитети биринчи секретари Ч. Алматов ёзган «Партия мажлиси» номли мақоланинг темасидир.

Умуман олганда тўпламдаги мақолалар Ўзбекистон партия ташкилотининг КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятининг анча тўла манзарасини чизиб беради. Бунда тўпламнинг тузувчиси Н. А. Остроумовнинг сўзсиз катта хизмати бор. У мақолаларни жуда ўринли танлаган ва моҳирона жойлаштирган.

Табиийки, тўплам Ўзбекистон Компартиясининг КПССнинг икки съезди орасидаги кўпқиррали ишига тўла-тўкис характеристика беришни ўз устига олмайди. Лекин шунга қарамай, китобхон унинг мақолаларидан назария нуқтаи назаридан, айниқса амалий жиҳатдан кўпгина фойдали нарсаларни олади. Китоб республикамиз коммунистларининг ўнинчи беш йилликни бажариш учун кураш соҳасидаги катта ва шонли ишларининг ўзига хос солномасидир.

Бу хилдаги нашр Ўзбекистонда биринчи марта амалга оширилди. Унинг анъанавий нашр бўлиб қолишини истардик.

М. ИЦКОВСКИЙ.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРИ: СОЦИАЛ ЖИҲАТИ

ПРОБЛЕМАЛАРИ олимларимиз томонидан актив ишлаб чиқилаётган иқтисод илми яна бир ғояг сермазмун ва қизиқарли тадқиқот билан бойиди*. Уни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. К. Зиёдуллаев раҳбарлигидаги авторлар коллективи амалга оширган. Ушбу тадқиқотда Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг илмий асослари ва истиқболлари, аҳоли ва иш кучини кўпайтириш қонуниятлари, меҳнат ресурсларини тайёрлаш, яшаш воситалари фондини вужудга келтириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш қонуниятлари мантиқий тартибда кўриб чиқилган.

Асарда диалектика қонунлари ва категорияларидан моҳирона фойдаланилганлиги, фикримизча, унинг асосий фазилатларидан биридир. Авторлар диалектик зиддиятларни кўрсатиб ўтадилар, уларни планли равишда ҳал этиш социализмда ишлаб чиқарувчи кучларни ва ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришнинг гаровидир. Булар: ишлаб чиқаришнинг буюм ва шахсий факторлари ўртасидаги, зарурий маҳсулот билан қўшимча маҳсулот ўртасидаги, жамғарма билан истеъмол ўртасидаги зиддиятлардир ва ҳоказо. Муаллифлар диалектиканинг абстрактликдан конкретликка ўтиш, умумий, айниқса ягона ҳодисаларнинг бирлиги каби ва бошқа принципларидан кенг фойдаланганлар.

Монографияда Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантиришга тааллуқли муҳим проблемалар доираси аниқ белгилаб берилган. Авторлар республика аҳолисини кўпайтиришнинг, уни иш билан банд қилишнинг узоқ муддатли прогнозларини ишлаб чиқиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўлларини излаш зарурлигини асослаб берганлар. Пахтачиликни ривожлантириш истиқболлари муносабати билан маҳаллий сув ресурсларини тежаб-тергаб сарфлаш ҳисобига ва Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга оқизиш ҳисобига сув билан таъминланганликни ошириш зарурлиги тўғрисида гапирилади. Маълумки, бу проблеманинг муҳим эканлиги Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида таъкидлаб ўтилган эди.

Авторлар ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг доимий таъсир этувчи фактори бўлган ишлаб чиқариш муносабатларини Ўрта Осиё регионига мувофиқ равишда прогнозлаш масаласини ўртага қўйганлар. Бу проблема илк бор кўтарилаётганлигини қайд қилиб ўтиш лозим.

Социал проблемалар ва уларнинг ҳал қилиниши асарда икки хил аспектда: ишлаб чиқарувчи кучларни ўстириш натижаси сифатида ва уларни янада ривожлантириш омили сифатида кўриб чиқилади. Бундай методологик позициянинг катта аҳамиятга эга эканлиги равшандир.

Аҳолини, иш кучини кўпайтириш ва ундан оқилона фойдаланиш проблемасини олар эканлар, авторлар алоҳида демографик вазиятга эга бўлган Ўзбекистон учун меҳнат ресурсларини шаҳар билан

* Социальные проблемы развития производительных сил Узбекистана. Тошкент, «Фан», 1980, 180 бет.

қишлоқ ўртасида, республиканинг айрим иқтисодий районлари ўртасида қайта тақсимлаш, миграция жараёнларини бошқаришни такомиллаштириш муҳим эканлигини кўрсатадилар, авторларнинг фикрича, келгусида Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири мана шудир. Монографияда иш кучининг ишлаб туриш чегаралари тўғрисидаги масала кўтарилган, иш кучининг сифат ва миқдорий жиҳатдан муайянлиги (қарор топганлиги) ана шундай чегаралар деб тушунилади, «меҳнат ресурслари» ва «иш кучи» деган категорияларни бирдай нарса деб билиш хато эканлиги далиллар асосида исботлаб берилган.

Иш кучини кўпайтиришни анализ қилишда авторлар бу нарса социализм иқтисодий қонунларининг бутун системасига бўйсунганлигидан келиб чиқадилар. Улар иш кучининг такрор ишлаб чиқариш фазалари бўйлаб ҳаракатланишининг муфассал характеристикасини берадилар ва бунда ишлаб чиқариш муносабатлари устун туришини таъкидлайдилар, Ўзбекистонда иш кучини кўпайтириш миқёслари ўсиб бораётганлигини, унинг асосий формаларини ишончли тарзда кўрсатиб ўтадилар. Иш кучидан оқилона фойдаланиш факторларининг, жумладан иш вақтини қисқартириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш факторларининг анализ қилиниши диққатга сазовордир. Авторлар меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишни ҳам ана шундай факторлар жумласига киритадилар.

Монографияда хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришда ва ноишлаб чиқариш соҳада оптимал банд бўлиши тўғрисидаги масала кўтарилган. Авторлар Ўзбекистонда хотин-қиз меҳнат ресурсларини вужудга келтиришдаги муҳим регионал хусусиятларни кўрсатиб ўтадилар: уларнинг жалб қилинмаган қисмининг салмоғи ғоят катта экани (масалан, Украинадагидан 6—7 баравар юқори), оила составининг каттталиги ва бошқалар. Хотин-қизларнинг бандлиги масаласи ҳар томонлама анализ қилинган, ундаги кўпгина хулосалар Ўзбекистон меҳнат ресурсларини кўпайтиришни бошқариш практикасига тезгина «йўл топиши» турган гап. Хотин-қизларнинг бўш вақти проблемаси ҳам тилга олинган бўлиб, авторлар бу проблемани ҳам иқтисодий, ҳам социал жиҳатдан тадқиқ қиладилар.

Китобда ёш кадрлар тайёрлашнинг асосий формалари таърифланган. Ушбу тадқиқотлар натижалари жиддий эътиборга сазовордир. Авторлар республикада етарли миқдорда меҳнат ресурслари мавжуд экани билан юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж ортиб бораётганлиги ўртасидаги зиддиятни ҳал қилиш йўлларини таклиф қиладилар.

Китобда яшаш воситалари фонди ҳамда зарурий ва қўшимча маҳсулот проблемаси иш кучини кўпайтириш проблемалари билан чамбарчас боғлиқ равишда анализ қилиб чиқилган. Авторларнинг фикрича, ушбу фонддан ташқари, иш ўринларини кўпайтириш учун кетадиган сарф-харажатлар ҳам ҳисобга олиниши лозим, буларнинг ҳаммасини бирга қўшиб иш кучини кўпайтириш фонди деб таърифлаш жоиздир (қаранг, 127-бет).

Авторлар шунингдек истеъмол фондини вужудга келтириш, унинг структураси проблемасини ҳам кўтарганлар ва бу проблемаларнинг ҳал қилиниши Ўзбекистоннинг мамлакатимиз бошқа районлари, жумладан Сибирь билан бўлган иқтисодий алоқаларини чуқурлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтганлар. Китобда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш масалалари, уй-жой проблемасининг регионал хусусиятлари кўриб чиқилган. Унда шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яқинлаштириш соҳасида эришилган ютуқлар малакали таҳлил қилинган.

Умуман асар сиёсий-иқтисодий анализ ҳамда республикамизда юз бераётган социал-иқтисодий жараёнларни планлаштириш методологиясининг муштараклиги билан ажралиб туради. Аслида Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантиришнинг барча муҳим проблемалари ва уларнинг регионал хусусиятлари ёритилган.

Монографияда бир қатор мунозарали фикрлар ҳам бор. Авторлар унумли меҳнат билан зарурий маҳсулотни кенгайтириб талқин қилишга амал қилиб, яшаш воситалари фондини аслида истеъмол фондига айлантириб қўйганлар. Зарурий маҳсулот бир йиллик цикл давомида, қўшимча маҳсулот эса анча узоқ давр мобайнида истеъмол қилинади, деган фикр ҳам ғоят мунозаралидир (қаранг, 126-бет). Иккала маҳсулотнинг ҳам бир қисми қисқа ва узоқ вақт давомида истеъмол қилинади.

Авторларнинг асосий эътиборни иш ўринларини кўпайтиришга қаратиш истагини тўла тушуниш мумкин, зеро Ўзбекистонда жамғариш функцияси—тўла бандликни таъминлаш мамлакатнинг бошқа районларидагига нисбатан каттароқ аҳамиятга эга. Маълумки, у жамғаришнинг қуйи чегарасини белгилайди. Аммо бу яшаш воситалари фонди билан иш ўринларини кўпайтириш учун кетадиган сарф-харажатларни қандайдир алоҳида фондга бирлаштириш учун асос бўлолмаса керак. Иш ўринларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш фонди — жамғариш фондининг бир қисмидир, шунинг учун ушбу фонднинг қандайдир бир улушини ажратиб олиш мутлақо тўғри эмас. Чамаси, проблема шундан иборатки, планлаштириш практикасида истеъмол ва жамғариш фондларининг ўзаро қарама-қарши таъсирини ҳисобга олган ҳолда, уларни янада узвийроқ бирлаштириш зарур.

Авторлар ижтимоий истеъмол фондларининг улуши катта эканлигини Ўзбекистон миллий даромадида шахсий истеъмолнинг улуши бирмунча пасайишига олиб келган факторлардан биридир, деб

ҳисоблайдилар (қаранг, 134-бет). Бундай талқин ишонарли эмасдэк туюлади. Шахсий истеъмол улушининг пасайишига ижтимоий фондлар ўсганлигидан ҳам кўра, такрор ишлаб чиқаришнинг бир қатор регионал хусусиятлари туфайли, жамғариш нормасининг ўсганлиги кўпроқ сабаб бўлдики, буни авторларнинг ўзлари ҳам кўрсатиб ўтганлар (ишлаб чиқаришнинг техникавий базиси янгиланиши, алоҳида демографик вазият ва ҳ. к.).

Бизнингча, асарда айрим камчиликлар ҳам бор. Чунончи, авторлар айирбошлаш муносабатлари сингари қизиқарли проблемани тилга олар эканлар, бундай муносабатларни иш кучига татбиқ этиб бўлмайди, иш кучи фақат қайта тақсимланади, деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, бу муносабатлар реал ва ғоят сезиларлидир. Улар социалистик мамлакатлар ўртасида иш кучини, илғор тажриба ва ҳоказоларни айирбошлашда намоён бўлади. Ишга лаёқатлилик ҳам, гарчи унинг доимий хомили бўлса-да, айирбошлашнинг ўзига хос формалари йўли билан тарқалади. Ушбу проблема экономистлар эътиборини тобора кўпроқ ўзига жалб қилмоқда, эндиликда ундан юз ўгириб бўлмайди.

Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, китобда яшаш даражаси проблемалари ғоят малакали анализ қилинган. Аммо улар ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш факторлари сифатида эмас, балки асосан натижа сифатида очиб берилган. Ҳолбуки, асарнинг умумий концепцияси ва номидан келиб чиқиб, эътиборни худди шу масалага қаратиш лозим эди.

Бир-бирига зид мулоҳазалар учраб туради. Масалан, 46-бэтда ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган кишиларнинг улуши ўсиб бораётганини қонуният деб тушунтирилса, 48-бетда ноишлаб чиқариш соҳада банд бўлган кишиларнинг улуши ўсиб бораётганини ҳам қонуният деб кўрсатилади. Ҳолбуки бу тушунчаларни ҳечам тенглаштириб бўлмайди. Статистика материалида ҳам аниқсизликлар бор. Масалан, 9-жадвалда (100-бет) Ўзбекистон ССР бўйича 1975 йилга оид маълумотлар бўлиши керак, унда эса 1974 йилга оид материаллар келтирилган.

Шунга қарамай, йўл қўйилган хатолар тақриз қилинаётган монографиянинг қимматига путур етказмайди. Илмий ва амалий жиҳатдан ғоят қимматли бўлган бу тадқиқот юксак профессионал савияда бажарилган. У Ўзбекистон экономикасини юксалтиришнинг регионал проблемаларини ишлаб чиқиш борасида қилинадиган ишлар методологияси ва методикасига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Ю. ДУНАЕВ,
иқтисод фанлари доктори.

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ ШАРОИТИДА КПССнинг КАДРЛАР СИЁСАТИ

ПАРТИЯ КАДРЛАР сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принципларига амал қилади. КПСС МК 1964 йил октябрь Пленумидан кейинги даврда бу соҳада айниқса кўп иш қилинди, КПСС XXIII, XXIV, XXV, XXVI съездларининг, партия МК Пленумларининг қарорларида, Марказий Комитет қарорларида, КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг, Коммунистик партия ва Совет давлати бошқа раҳбарларининг асарлари ва нутқларида кадрлар сиёсатининг актуал проблемалари назарий жиҳатдан чуқур асослаб берилди. Партиянинг кадрлар сиёсати изчиллик билан турмушга татбиқ этилиши кадрларнинг сифат составини анча яхшилаш, партия ва мамлакатда чинакам ижодий вазиятни вужудга келтириш имконини берди. Энди кадрларга нисбатан ишонч уларга принципиал талабчанлик билан қўшиб олиб борилмоқда. Бу эса кадрларнинг фаолиятига ҳам, шунингдек совет жамияти ривожининг ҳозирги босқичи вазифаларини ҳал этишга ҳам самарали таъсир қилмоқда.

Партиянинг кадрлар билан ишлаш соҳасида ҳозирги шароитда орттирган тажрибасини илмий идрок қилмай туриб кадрлар сиёсатини янада такомиллаштириб бўлмайди. Шу жиҳатдан олганда, тақриз этилаётган монография* муайян қизиқиш туғдиради. Унинг муаллифи Ўзбекистон партия ташкилоти материаллари асосида мана шу тажрибани умумлаштириб беришга интилган. Ш. Зиёмов етук социализм босқичида КПСС кадрлар сиёсатининг хусусиятлари тўғрисида гапирар экан, кадрларни сиёсий, ишчанлик ва маънавий фазилатларига қараб танлаш ҳамда жой-жойига қўйишдан иборат ленинча принципларга катта эътибор беради. Бу принципларнинг изчиллик билан амалга оширилиши социал-иқтисодий ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишни таъминлайди.

---

* Ш. Зиямов. Кадровая политика КПСС в действии (Деятельность Компартии Узбекистана по совершенствованию подбора, расстановки и воспитания руководящих кадров в условиях развитого социализма). Ташкент, «Узбекистан», 1980, 209 стр.

Китобда Ўзбекистон Компартиясининг кадрлар билан ишлаш форма ва методларини такомиллаштириш, партия, совет ва хўжалик органларини амалда синалган, одамлар билан ишлаш маҳоратига эга бўлган малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолияти яхши кўрсатилган. Муаллиф республика раҳбар кадрлари состави сифат жиҳатидан анча яхшиланганлигидан далолат берувчи умумлашма маълумотларни келтиради. Чунончи, 1978 йилда шаҳар ва район партия комитетлари секретарларининг 98,9 проценти олий маълумотли бўлиб, уларнинг ярмига яқини инженер, агроном, экономист, зоотехник ихтисосидаги кишилар эди, 40 процентдан ортиғи олий партиявий-сиёсий маълумот олган (42-бетга қаранг); 1975 йилда шаҳар ва район ижроия комитетлари раисларининг 95,5 проценти, колхоз раисларининг 73,3 проценти, совхоз директорларининг 91,5 проценти олий маълумотли эди (49,71-бетларга қаранг).

Асарда Ўзбекистон партия ташкилотларининг тажрибали ва ёш ходимлардан тўғри фойдаланиш, кадрларнинг стабиллигини таъминлаш соҳасидаги фаолияти ҳар томонлама таҳлил этилган. Бу вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда КПСС МК 1964 йил октябрь ва ноябрь Пленумларининг, партия XXIII, XXIV ва XXV съездларининг қарорлари муҳим роль ўйнаганлиги кўрсатилган.

Партия раҳбар кадрлар составини мутахассислар билан доимий тўлдириб, муаллифнинг қайд этишича, ишчилар, шунингдек колхозчилардан раҳбарлик лавозимларига кўтариш йўлини изчиллик ва қатъият билан ўтказмоқда, бу йўл ишчилар синфининг коммунистик қурилишдаги авангардлик роли янада ошишини таъминлайди, раҳбар партия, совет, хўжалик органларининг партиялилар оммаси, меҳнаткашлар коллективлари билан алоқасини мустаҳкамлайди, уларнинг меҳнат ғайратини ҳамда ижтимоий-сиёсий активлигини оширади. Монографияда Ўзбекистон Компартиясининг хотин-қизларни жамоат ва давлат фаолиятига кенг жалб этиш соҳасидаги катта тажрибаси умумлаштириб берилган. Китобнинг партия кадрлар сиёсати интернационалистик моҳияти ифодаланган саҳифалари ҳам шак-шубҳасиз диққатга сазовордир. Бу моҳият миллатларни янада равнақ топтириш ва ўзаро яқинлаштиришнинг, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашнинг гаровидир.

Партия комитетларининг кадрлар резервини вужудга келтириш ва ундан самарали фойдаланиш борасидаги иш формалари ва методларини таҳлил этишга монографияда катта ўрин берилган. Ш. Зиёмов Ўзбекистон Компартиясининг раҳбар кадрларни амалий иш жараёнида тарбиялаш соҳасидаги тажрибасини кўрсатиб беришга муваффақ бўлган.

Муаллиф «КПСС МКнинг доимий ғамхўрлиги ва эътибори, Ўзбекистон Компартиясининг аниқ мақсадни кўзловчи кўп қиррали, изчил ташкилотчилик ва сиёсий иши туфайли республикада ишга илмий ёндашиши, юксак масъулиятни сезиши, ташаббускорлиги ва ишчанлиги билан ажралиб турадиган юқори малакали, маҳоратли ташкилотчиларнинг катта отряди вояга етди» (159-бет), деб жуда асосли хулоса чиқаради. Китобда ўзларининг фидокорона меҳнати билан умумхалқ таҳсини ва ҳурматига сазовор бўла олган кўпгина раҳбарларнинг номлари бор.

Муаллиф Ўзбекистон партия ташкилотининг раҳбар кадрларни тайёрлаш, уларнинг ишчанлик малакасини ва ғоявий-назарий савиясини ошириш соҳасидаги фаолиятини ҳам баён этиб берган. Шу жиҳатдан республика партия ва совет кадрлари макони—Тошкент олий партия мактабининг мазкур даврдаги ишини яхшилаш, раҳбар ходимлар малакасини ошириш системасини такомиллаштириш тадбирлари яхши кўрсатилган. КПСС XXIII съездидан кейин ташкил этилган партия ва совет ходимлари малакасини ошириш республикалараро ва областлараро доимий курслари бу системанинг асоси бўлди. Китобда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги республика раҳбар ходимлари малакасини ошириш институтининг, республика олий ўқув юртлари ҳузуридаги раҳбар хўжалик кадрлари ва мутахассислари малакасини ошириш факультетларининг фаолияти тасвирланган. Раҳбар ходимларда ғоявий жиҳатдан чиниқтиришни кучайтириш вазифаларини ҳал этишда турли категориядаги раҳбар ходимларнинг марксча-ленинча ўқиши ва иқтисодий таълими табақалаштирилган ва аниқ мақсадни кўзловчи системаси самарали роль ўйнамоқда, деб таъкидлайди муаллиф.

Шу билан бирга баъзи бир мулоҳазаларни айтиб ўтмоқ керак. Бизнинг назаримизда кадрлар билан ишлашда ленинча услубнинг муҳим омили бўлмиш контрол ва ижрони текширишнинг роли китобда унчалик тўлиқ очиб берилмаган. Муаллиф танқид ва ўз-ўзини танқид масалаларига ҳам бирмунча муфассалроқ тўхталгани мақбул эди. В. И. Ленин ва партия социалистик қурилишнинг ҳамма босқичларида партия ва совет ходимларини ўз фаолиятига танқидий назар билан қараш, камчиликларни ўз вақтида очиб ташлаш ва тугатиш маҳоратини эгаллаш руҳида тарбиялашга биринчи даражали аҳамият бериб келганлар.

Умуман олганда тақриз этилаётган монография шу мавзудаги биринчи умумлашма асар бўлиб, етук социализм шароитида партиянинг кадрлар сиёсати актуал проблемаларини илмий ишлаб чиқишга муайян ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Л. ГЕНТШКЕ,
тарих фанлари доктори.

КОММУНИСТИК ТАРБИЯНИНГ АКТУАЛ ПРОБЛЕМАСИ

МАЪЛУМКИ, коммунистик қурилишнинг энг муҳим вазифаларидан бири янги кишини шакллантиришдир. Бу соҳада педагогика ўқув юртлари алоҳида роль ўйнайди.

Тақриз қилинаётган монография* студентларни ахлоқий тарбиялаш масалаларига бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистон педагогика институтларининг иши умумлаштирилган. Китобда ахлоқий тарбиянинг форма ва методлари, структураси ва мазмуни таҳлил қилинади.

Коммунистик тарбия билан ўқитиш нисбатан мустақил жараёнлар бўлиб, улар айни вақтда ўзаро маҳкам алоқадор ва бир-бири билан боғлиқдир. Педагогика институтида ўқиш жараёнини муаллиф бўлажак ўқитувчи ахлоқий шаклланишининг асосий омили, деб билади.

Маълумки, кенг меҳнаткашлар оммасида марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш коммунистик тарбиянинг негизини ташкил этади. Монографияда КПСС тарихини, философияни, сиёсий иқтисодни, илмий коммунизмни ўрганишнинг асосий принциплари чуқур ва изчил ёритилади. Муаллиф ана шу фанлар замирида ётган тарбиявий потенциални муфассал таҳлил қилиб, уни студент ёшларни ахлоқий камол топтиришнинг таъсирчан кучига айлантириш воситалари ва методларини кўрсатиб беради. М. Очилов ҳаққоний таъкидлаб ўтганидек, марксча-ленинча назарияни системали равишда ўрганиш «йигит ва қизларнинг сиёсий онгини ва синфий ҳушёрлигини оширишга, СССРда социализм ғалабаси туфайли эришилган нарсаларга баҳо бера билишга, студентларни социалистик ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашга ёрдам беради» (101-бет).

Педагогика олий ўқув юртлари студентларини ахлоқий тарбиялашда ижтимоий фанлар билан бирга психология-педагогика фанлари, шунингдек педагогика практикаси муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам муаллиф ҳақли равишда конкрет мисоллар асосида психология-педагогика фанларини ўқитиш, пионерлар лагерларида, умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида ва ўрта махсус ўқув юртларида педагогика практикасини ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнида бўлажак ўқитувчининг касбга оид муҳим шахсий ахлоқий хислатларини ривожлантириш масалаларини таҳлил қилади. М. Очилов ўқитувчи шахсини шакллантиришда назарияни падагогика практикаси билан, турмуш билан бирга қўшиб олиб бориш принципига риоя қилиш жуда муҳим эканлигини, бу эса унда амалий ориентацияни ишлаб чиқишга ёрдам беришини ҳаққоний таъкидлаб ўтган (114-бетга қаралсин).

Олий мактаб муаллими бўлажак ўқитувчининг ахлоқий шаклланишига жуда катта таъсир кўрсатади. Студентлар билан бўладиган алоқада ўқитувчи фақат у ёки бу илмий ва профессионал билимлар эгаси эмас, шунингдек юксак ахлоқий шахс сифатида иш тутади.

Табиийки, студент ёшларни ахлоқий тарбиялаш иши фақат ўқиш жараёнидагина амалга оширилмайди. Студентлар билан ўқишдан ташқари олиб бориладиган иш вақтида бир мақсадни кўзлаб, изчил амалга ошириладиган ахлоқий тарбия ҳам катта аҳамият касб этади. Бу иш олий ўқув юртининг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, профессионал-этик йўналишга эга бўлиши керак.

Педагогика ўқув юртлари студентларнинг ўқишдан ташқари фаолиятини ташкил қилиш ва планлаштириш соҳасида бой тажриба орттирганлар. Муаллиф студентлар ўқишдан ташқари фаолиятининг ижтимоий-сиёсий практика, ёш лекторлар мактаблари, агитбригадалар, ижтимоий касблар факультетлари ва шу каби формаларини ёритади. М. Очилов студентларнинг ўқишдан ташқари ишини таҳлил қилиш учун Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг жорий архиви материалларидан, шунингдек Қарши давлат педагогика институтидаги кузатишларидан фойдаланган.

Китобда студентларни ахлоқий тарбиялашда муҳим роль ўйнайдиган уларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш масалаларига катта аҳамият берилган. Муаллиф тўғри таъкидлаб ўтганидек, студентларнинг илмий-назарий конференциялари, кўриклари, конкурслари, олимпиадалари замонавий билимларни чуқур ва ижодий ўзлаштиришга, студентларда танлаган касбига меҳр-муҳаббатни тарбиялашга ёрдам беради (183-бетга қаралсин).

М. Очилов студентларнинг ижтимоий-фойдали меҳнати жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, олий ўқув юртлари ректоратлари, партия ва комсомол комитетлари ижтимоий-фойдали меҳнат самарадорлигини ошириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб боришлари керак, деган фикрни илгари суради.

Студентларнинг ўз-ўзини бошқаришини ривожлантириш студент ёшларни ахлоқий камол топтиришнинг муҳим омилидир, у ўқув юртларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишда комсомол ва касаба союзлар ролини оширишга ёрдам беради. Монографияда

---

* М. Ачилов. Нравственное формирование будущего учителя. Ташкент, «Укитувчи», 1979, 328 стр.

тўғри таъкидлаб ўтилганидек, жамоат ишида иштирок этиш профессионал меҳнат жараёнида тўла намоён бўлмайдиган қобилиятларни шакллантириш ва рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

Педагогика олий ўқув юртларига абитуриентларни конкурс йўли билан танлаб олиш жуда мураккаб жараён эканлиги ҳаммага маълум, чунки ёшларнинг педагоглик касбини эгаллашга қобилияти, майлини аниқлаш учун илмий асосланган критерийлар ҳозирча йўқ. Муаллиф шундан келиб чиқиб, ўқитувчи шахси олдига бир қатор талаблар қўядики, унинг фикрича абитуриентларни танлаб олишда ана шу талабларга амал қилиш керак. М. Очилов бу масалани муваффақиятли ҳал қилишда касб танлашга ёрдам бериш иши муҳим роль ўйнайди, педагогика институтлари бу ишни системали суратда олиб боришлари керак, деб ҳисоблайди.

Абитуриентларни илмий метод асосида тўғри танлаб олиш ва студентларда танлаган ўқитувчилик касбига меҳр-муҳаббат уйғотиш ягона студентлар коллективини яратишнинг муҳим шартидир. Китобда ана шундай коллектив структураси, уни ривожлантириш белгилари ва босқичлари таҳлил қилинади.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги тасдиқлаган олий ўқув юртларида бутун ўқиш даврида студентларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг Намунали плани тарбиявий ишни планлаштиришни активлаштиришга катта таъсир кўрсатди. Китобда Намунали план асосида умуман педагогика институти ва унинг бўлинмалари учун ишлаб чиқилган тадбирларнинг намунавий рўйхати келтирилади.

Бўлажак ўқитувчиларни ахлоқий тарбиялаш соҳасида педагогика олий ўқув юртлари амалга оширадиган бутун тадбирлар комплексининг самарадорлиги кўп даражада ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш натижаларига боғлиқдир. Бу ишни аниқ мақсадни кўзлаб ташкил қилиш, монографияда кўрсатиб ўтилганидек, сиёсий онг-билим беришни, ақлий ва ташкилотчилик меҳнатини кўзда тутади.

Тақриз қилинаётган монография, муаллифнинг хулоса ва таклифлари студентларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига комплекс ёндашиш масалаларини ҳал қилишда педагогика олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар состави ва жамоат ташкилотларига шубҳасиз ёрдам беради.

Н. ЖАББОРОВ,
философия фанлари доктори;

К. ЗАРИПОВ,
педагогика фанлари кандидати;

Қ. ОБИДОВ,
Бухоро давлат педагогика институти философия кафедрасининг катта ўқитувчиси

КИТОБЛАР ТЎҒРИСИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

А. Ш. Мавлонов. **Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялашнинг ривожланиши.**
Тошкент. „Ўзбекистон", 1980, 208 бет

Маълумки, хўжаликлараро кооперациялаш ва агросаноат интеграцияси асосида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш ҳозир мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг туб масаласидир. Шу муносабат билан А. Ш. Мавлонов монографияси катта қизиқиш уйғотади.

Муаллиф катта фактик материалдан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Компартияси фаолиятини характерлаб, республика қишлоқ хўжалигига партиявий раҳбарликни кўрсатиб берган. Саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш йўллари ва формалари анча яхши ёритилган, деҳқончилик ва чорвачиликни интенсивлаштиришни амалга оширишда ишчилар синфининг авангардлик роли таъкидлаб ўтилади.

Монографияда Ўзбекистон партия ташкилотининг колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолияти ишонарли очиб берилган. Ўнинчи беш йилликдагина ана шу мақсадлар учун салкам 11 миллиард сўм ажратилди. Қишлоқ хўжалик меҳнатининг энергия билан таъминланиши жиддий равишда ошди, бу эса меҳнат унумдорлигини янада ўстиришни таъминлади, ҳар бир гектардан олинадиган маҳсулот кўпайди.

Китобда янги ерларни ўзлаштириш ва унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига катта ўрин берилган. Қуйидаги рақамлар бу тадбирлар нақадар кенг кўламда олиб борилганлигидан яққол далолат беради. Саккизинчи ва тўққизинчи беш йилликлар мобайнида 883 минг гектар янги ер ўзлаштирилди, Ўзбекистон сув хўжалигини ривожлантириш учун 7 миллиарддан зиёд сўм сарф қилинди. Ҳайдаладиган катта майдонларда (Мирзачўлда, Сурхон-Шеробод, Қарши чўлларида, Амударё қуйи оқимида ва бошқа районларда) ернинг мелиоратив ҳолати яхши-

ланди, уларнинг сув билан таъминланиши оширилди, ерлар капитал текисланди.

Муаллиф катта капитал маблағлар, техника ва энергетика қувватларининг ўсиши, ерларни ўзлаштириш ва унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялашни жадал ривожлантиришга олиб келди, деб жуда тўғри хулоса чиқаради. Китобда бу ишнинг республикада амалга оширилаётган тўрт асосий (районлараро, район, район ичи ва хўжаликлар ичида) йўналишлари кўрсатилган, уларнинг ҳар бири қисқача характерлаб берилган.

Катта материални умумлаштириш ва таҳлил қилиш А. Мавлоновга КПСС ва Ўзбекистон Компартияси съездларининг колхозлараро, совхозлараро, шунингдек совхоз-колхоз корхоналари, гўшт, сут, мева, сабзавот етиштириш, тўлақонли озуқалар тайёрлаш бўйича комплекслар барпо этишга оид қарорлари Ўзбекистонда қандай амалга ошаётганини кўрсатишга имкон берган.

Муаллиф республика қишлоқ хўжалигида аграр-саноат комплексларини барпо қилишнинг социал-иқтисодий аҳамияти масалаларини яхши билган ҳолда кўриб чиққан. Партия ва совет органлари қишлоқ меҳнатчиларининг моддий ва маданий-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганликлари яхши очиб берилган.

Муаллиф хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграцияси ижтимоий ишлаб чиқаришни янада концентрациялашга ёрдам беради, қишлоқ хўжалигини индустриялаштириш учун кенг имконият очади, фақат ишлаб чиқариш проблемаларинигина эмас, балки социал проблемаларни ҳам муваффақиятли ҳал қилишга имкон беради, деб жуда тўғри хулоса чиқаради.

Бизнинг фикримизча, муаллиф бевосита жойларда ишлаб турган қуйи партия бўғинларининг иш тажрибасини муфассал таҳлил қилиши, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорлари бўлган кўп сонли коммунистлар ҳақида ҳикоя қилиб бериши керак эди.

Монография, шубҳасиз, тарихий-партиявий фанга муайян ҳисса бўлиб қўшилади. Унда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялашнинг ривожланишига партиявий раҳбарлик тажрибасининг умумлаштирилиши ривожланган социалистик жамият шароитида совет қишлоғида юз бераётган жараёнларни чуқур англашга ёрдам беради.

В. СМИРНОВ,
тарих фанлари доктори.

ПОЛИТИЗДАТНИНГ ЯНГИ КИТОБЛАРИ

В. И. Ленин контрол ва ижрони текшириш ҳақида. Икки томлик, I том, 1980.

Томга В. И. Лениннинг контрол ва ижрони текшириш моҳияти, уларнинг партия фаолиятидаги аҳамияти очиб берилган, бу ишни ташкил этишнинг асосий талаблари кўрсатилган мақолалари, нутқлари, хатлари ва запискалари киритилган. Китобда партия контролга ва қабул қилинган қарорлар ижросини текширишга, улар форма ва методларини такомиллаштиришга катта аҳамият бераётганлиги ҳақида ҳикоя қилувчи КПСС ҳужжатлари кўплаб келтирилган.

В. И. Ленин, КПСС меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш тўғрисида. 1980.

Тўпламга меҳнатни илмий асосда ташкил қилишга бағишланган В. И. Лениннинг мақолалари, нутқлари, хатлари ва асарлари, партия съездлари ва конференциялари қарорлари, Марказий Комитет қарорлари тўла ёки қисман киритилган. Китобда предмет-тематик кўрсаткич берилган.

В. И. Ленин. Маданият тўғрисида. 1980.

Тўпламга В. И. Ленин асарларидан кўчирмалар, маданият проблемаларига оид фикрлари, шунингдек мамлакатимизда маданий қурилиш соҳасида унинг жуда улкан ташкилотчилик фаолиятини акс эттирувчи материаллар киритилган. Китобда изоҳлар ва исмлар кўрсаткичи бор.

В. И. Ленин, КПСС партия ва давлат аппаратининг иши тўғрисида. 2-нашри, тўлдирилган, 1980.

Тўпламда партия ва давлат аппарати ишини такомиллаштириш тўғрисида В. И. Лениннинг кўрсатмалари, маслаҳатлари, мулоҳазалари, партия ҳужжатлари босилган. Иккинчи нашри партия ва ҳукуматнинг 1975 йил сентябридан 1979 йил июлга қадар қабул қилинган ҳужжатлари билан тўлдирилган.

В. И. Ленин, КПСС партия Устави тўғрисида. 1980.

Тўпламда В. И. Лениннинг мақолалари, нутқлари, хатлари, КПСС ҳужжатлари тўла ёки қисман эълон қилинади, бу ҳужжатлардан революцион партия Устави принципларини ишлаб чиқиш ва асослаб беришга қандай катта аҳамият берилганлиги кўриниб турибди. Барча ҳужжатлар бўлимлар бўйича, бўлимлар ичида эса хронологик тартибда жойлаштирилган.

Партия сиёсатини актив ўтказувчилар. Ҳозирги босқичда маданий-оқартув муассасаларига партиявий раҳбарлик. 1980.

Китобда партия ташкилотлари маданий-оқартув иши соҳасида партия ва ҳукумат қарорларини қандай амалга ошираётганликлари ҳикоя қилинади. Партия ходимлари бўлган муаллифлар маданий-оқартув муассасаларининг халқ хўжалик планларининг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш, меҳнаткашларнинг меҳнат ва

сиёсий активлигини кучайтириш, ҳар томонлама камол топган шахснинг актив ҳаётий позициями шакллантириш соҳасидаги фаолиятининг форма ва методлари очиб берилган.

Қишлоқда партиявий иш. 1980.

Тўпламда қишлоқ партия ташкилотларининг ҳозирги шароитда КПСС аграр сиёсатини турмушга ошириш соҳасидаги ташкилий-партиявий ва оммавий-сиёсий фаолияти ҳар томонлама очиб берилган. Кўпгина ҳолларда илғор тажриба сифатида КПСС МК тегишли қарорлар қабул қилган партия ташкилотларининг иши кўриб чиқилади. Тўпламда икки бўлим: «Район партия комитетлари — қишлоқда асосий сиёсий органлар» ва «Қишлоқ бошланғич партия ташкилотлари — партия аграр сиёсатини актив ўтказувчилар» бўлимлари бор. Район партия комитетларининг секретарлари, колхоз, совхоз ва хўжаликлараро бирлашмалар партия ташкилотлари секретарлари мақолалар муаллифларидир.

Партия ўқуви: активлик ва таъсирчанлик. 1980.

Китобда мамлакатнинг баъзи республика ва областларида ўтказилган тадқиқотлар асосида пропагандистлар партия ўқуви системасида ўқитиш методларини ишлаб чиқишда тингловчиларнинг манфаатлари ва талабларини қандай ҳисобга олаётганликлари ҳикоя қилинади. Муаллифлар пропаганда ишида психологик-педагогик усулларни очиб берадилар.

Партия сенинг ҳаётингда. Ёш коммунистга. 1980.

Китобда КПСС Программаси ва Уставининг ўз аъзоларига нисбатан талаблари, уларнинг бурчлари ва ҳуқуқлари, партия ҳаёти нормалари ва партиявий раҳбарлик принциплари ёритилади. Конкрет материал асосида КПССнинг ёш аъзоларида коммунистик эътиқодни, принципиалликни, юксак ахлоқий хислатларни шакллантириш, активликни ва топширилган иш учун масъулият ҳиссини тарбиялаш тажрибаси ёритилади.

Редакция адреси: 700000 Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01, 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: маркcча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Н. Шарипова.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 12.05.1981 й. Босишга рухсат этилди 29.05.1981 й. Формат 70×108[1]/[1]. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 8,7.
Тиражи 31682. Нашр № М 54. Заказ № 992.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ISSN 0134—2193

Баҳоси 20 тийин

Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК КП Узбекистана» —
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА» —
«УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

8

АВГУСТ

1981

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 8
АВГУСТ
1981 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Партиянинг шиори: ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун, ҳамма нарса инсон учун эканлигини совет кишилари биладилар. Билганлари учун ҳам партия сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлайдилар. Аммо биз ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаслигини ҳам биламиз. Турмуш шароитларини ҳар қандай яхшилашга совет кишиларининг ўзлари зўр ғайрат билан қилган меҳнат туфайлигина эришиш мумкин.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездини ёпиш вақтида сўзлаган нутқидан.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИНИ КПСС XXVI СЪЕЗДИ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

КПСС XXVI съездининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида идеология ишини такомиллаштириш масалаларига бағишланган республика семинар-кенгашида КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВнинг 1981 йил 7 июлда сўзлаган нутқи

Ўртоқлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди ўз ишини тамомлаганидан буён тўрт ойдан сал кўпроқ вақт ўтди. КПСС билан совет халқи В. И. Ленин васиятларига, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализмига чексиз содиқ эканликларини съезд яна бир марта жуда яққол кўрсатди. Съезд тарихий қарорларининг ўзгартирувчилик кучи, съезд эълон қилган янги ғоялар ҳозир совет жамияти ҳаётининг ҳамма соҳаларида, тинчлик ва социал тараққиёт йўлидаги курашда очиқ-равшан сезилиб турибди.

Реал социализм, барча революцион кучлар ривожининг масъулиятли маррасида, мураккаб ва хатарли халқаро вазиятда Ленин партияси ўзининг коллектив донишмандлигини, ички ва халқаро ривожланишнинг энг зарур, ҳаётий муҳим масалаларига тўғри жавоб бера билиш маҳоратини яна намойиш этди.

КПСС XXVI съезди халқлар онгига тинчликни мустаҳкамлаш, кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш, қуролланиш пойгасини жиловлашдан иборат қатъий ва пухта ўйлаб кўрилган позицияни империализмнинг уруш оловини ёқувчиликдан иборат агрессив йўлига қарама-қарши қилиб қўйган анжуман бўлиб киради. Съезд жаҳон сиёсатининг энг кескин, энг «портлай деб турган» муаммолари бутун комплексини ҳал этишнинг реал йўлини кўрсатди.

Съезд коммунистик бунёдкорлик йўлидаги муҳим босқич бўлди. У партия билан халқимизни ҳозирги босқичдаги кураш стратегияси ва тактикаси билан, совет жамияти иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий ҳаётини янада мустаҳкамлашга ҳамда ривожлантиришга қаратилган конкрет йўл-йўриқлар билан қуроллантирди.

Партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев съездда КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот доклади ҳозирги замоннинг буюк ҳужжати, дунёдаги ишларнинг аҳволини марксча-ленинча ижодий таҳлил этишнинг, объектив баҳолашнинг ажойиб намунасидир. Бу докладда партия билан халқ

революцион ўзгартирувчилик фаолиятининг бўр тажрибаси умумлаштирилган, жаҳон ривожининг, КПСС иқтисодий ва социал сиёсатининг актуал проблемалари юзасидан муҳим назарий умумлашмалар ва хулосалар баён этилган. Ҳисобот доклади илмий коммунизм назариясига ва практикасига катта ҳисса қўшди, партиямизнинг программ ҳужжати бўлиб қолди, ўн биринчи беш йиллик улуғвор режаларини бажариш учун курашда совет халқи учун қудратли ҳаракат манбаига айланди.

КПСС XXVI съездининг ғоялари ва қарорлари миллион-миллион кишилар онгида ўртоқ Л. И. Брежневнинг номи билан чамбарчас боғланган. Леонид Ильичнинг партия ва давлат ишидаги жуда катта тажрибаси, унинг социализм ва тинчлик ишига астойдил садоқати, коммунистик қурилиш ва халқаро сиёсатнинг энг зарур, истиқболли вазифаларини ҳал этишнинг тўғри йўллари ва воситаларини белгилашдаги юксак санъати, унинг ленинча ёндашиш, ленинча донишмандлик ва ишчанлик, коллективизм руҳи билан суғорилган бутун иш услуби, омманинг эҳтиёжларига ва фикрига сезгирлик билан эътибор бериши — ленинча чиниқиш сабоғини олган, ленинча кенг миқёсда иш тутадиган инсоннинг, ленинча типдаги арбобнинг мана шу ҳамма фазилатлари КПСС XXVI съезди ишида ва қарорларида тўла-тўкис намоён бўлди.

Докладда баён этилган қоидалар ва вазифалар партия, совет, давлат ва жамоат ташкилотлари учун амалий қўлланма бўлиб хизмат қилади. Экономика, социал жараёнлар, идеология фаолияти соҳасидаги ишларнинг ҳолатини баҳолашдаги реализм, 80-йиллар учун белгиланган марраларнинг конкретлиги ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладига, унинг съезд ёпилиши вақтида сўзлаган нутқига алоҳида таъсирчанлик бахш этади, совет халқини мамлакатни янада ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга сафарбар қилишнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ҳисобот докладининг ғояларини, съезднинг йўл-йўриқларини ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткаш онгига тушунарли тил билан, яққол ва ишонарли тарзда сингдириш, мана шу энг муҳим ҳужжатларни чуқур ўрганишни ташкил этиш, омманинг куч-ғайрати ва ташаббусини съезд қарорларини, ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли амалга оширишга сафарбар қилишда партия ташкилотларига ёрдам бериш — ҳозир бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишимизнинг энг муҳим вазифаси ва бош мазмунидир.

Бунда съезд материалларини пропаганда қилиш, ўрганиш қисқа муддатли кампания бўлмай, балки биз қилишимиз лозим бўлган ҳамма ишлар учун пишиқ-пухта эътиқод негизини вужудга келтирадиган мунтазам, амалий, пухта ўйлаб қилинадиган иш, такрор айтаманки, амалий ва пухта ўйлаб қилинадиган иш эканини ҳамиша эсда тутмоқ керак.

Съезд партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг ҳамма ишлари ва режаларига мислсиз куч-қувват бахш этди, ҳамма жойда съезд қарорларини турмушга татбиқ этиш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Партиямиз Ленин васиятларига амал қилиб, ғоявий-тарбиявий ишни ўзининг энг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблаб келди ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблайди. Шу сабабли КПСС Марказий Комитети бу ишнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш тўғрисида, партия ташкилотларини энг яхшиларнинг тажрибаси билан қуроллантириш ҳақида, КПСС Марказий Комитетининг идеология масалаларига доир қарорларини ва партия XXVI съездининг йўл-йўриқларини муттасил рўёбга чиқариш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Шу йил апрель ойида Москвада бўлиб ўтган идеология ходимлари-

нинг Бутуниттифоқ семинар-кенгаши бунинг яққол далилидир. Съезддан кейин оз вақт ўтгач, бу кенгашнинг чақирилиши съезд ўртага қўйган вазифаларни рўёбга чиқаришда партия сиёсий-тарбиявий ишга нақадар катта аҳамият бераётганини равшан кўрсатиб турибди. Шу боисдан ҳам ўша кенгашда ишлаб чиқилган қоидалар ва тавсиялар республика партия комитетларининг фаолияти практикасига кенг миқёсда ва имкони борича тезроқ сингдириб юборилиши жуда муҳимдир.

Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари барча совет кишилари каби ҳозир КПСС XXVI съезди қарорларининг сафарбар этувчилик таъсири остида яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Республикада партия белгилаб берган социал-иқтисодий ривожланиш программасини бажариш учун умумхалқ кураши авж олиб кетди.

Биз ўз олдимизда турган вазифалар миқёси ва мураккаблиги даражасига амалда кўтарилганимиз сайин, биз съезд ишлаб чиққан назарий қоидалар ва йўл-йўриқлар бойлигини тобора чуқур ўзлаштирганимиз сайин биз партиявий-сиёсий ишни яхшилаш, унинг форма ва методларини такомиллаштириш зарурлигини тобора равшанроқ англайверамиз.

Ҳамма режаларимизнинг муваффақиятли рўёбга чиқиши съезд қарорларини кундалик конкрет ишларда нақадар оператив ва сифатли намоён эта олишимизга, идеология ишини съезд йўл-йўриқларига мувофиқ равишда самарали қайта қуришга муваффақ бўла олишимизга жуда кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Бу вазифаларни ҳал этишда шаҳар ва район партия комитетларининг идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, республика, совет, касаба союз, комсомол органлари, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари раҳбар ходимларининг КПСС Марказий Комитети қарорига мувофиқ ўтказилаётган ушбу семинар-кенгаши муҳим роль ўйнаши лозим. Семинар-кенгаш КПСС XXVI съезди талаблари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида идеология, сиёсий тарбия ишининг самарадорлиги ва сифатини ошириш йўлларини муҳокама қилади.

Семинар ишида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири, ҳаммамизнинг чуқур ҳурматимизни қозонган ўртоқ Евгений Михайлович Тяжельников иштирок этаётганлиги қувончли ва диққатга сазовордир. Буни биз партия Марказий Комитетининг республикада партиявий-сиёсий ишни муттасил такомиллаштириш тўғрисидаги ғамхўрлигининг яна бир ифодаси деб биламиз.

Семинар-кенгашимизнинг программаси тўрт кунга мўлжалланган, у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретарлари, республика министрликлари ва идоралари, ижодий союзлар, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари раҳбарлари чиқишларини, тажрибаларни баҳам кўришларни ва фикрлашувларни, Тошкент ва пойтахт области партия ташкилотларининг иш практикаси билан танишишни кўзда тутади. Ишимизнинг мана шундай плани партия комитетлари ва ташкилотлари фаолиятининг актуал проблемаларини амалий равишда муҳокама қилиш, тажрибани ўртоқлашиш, тарбиявий жараённинг турмуш юзага келтирган янги шакл ва усулларини ҳар томонлама таҳлил этиш учун яхши имконият беради, деб ўйлаймиз.

КПСС XXVI съездида идеология ишининг кўпгина соҳалари ва жабҳаларини қайта қуриш зарурлиги масаласи аниқ-равшан қилиб қўйилди. Бу кўрсатмани коммунистик тарбиянинг вужудга келган системасини қандайдир ўзгартириш деган тарзда тушунмаслик керак — бундай қилишга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Аксинча гап партия комитетлари ва ташкилотлари практикасида орттирилган жамики

чинакам қимматли тажрибаларни мустаҳкамлаш ва кўпайтириш тўғрисида бормоқда.

Қайта қуришнинг моҳияти ва мақсади — пропаганда ва агитациянинг мазмунини бойитишдан, уларнинг ҳаёт билан боғланишини мустаҳкамлашдан, уларнинг илмий савияси ва жанговарлигини оширишдан иборат. Бу соҳада эскирган, қотиб қолган иш усулларини одамлар билан мулоқотда бўлишнинг янги, янада таъсирчан шакллари билан алмаштириш ҳам жуда муҳимдир. Съезднинг бутун ғоявий-тарбиявий ишни сийқа ибораларсиз ва тайёр жумлаларнинг бир қолипдаги йиғиндисисиз жонли ва мароқли олиб бориш тўғрисидаги, бу ишнинг замонавий шароитларга, инсоннинг ўсиб бораётган маънавий талаб ва эҳтиёжларига муносиб бўлиши ҳақидаги талаби принципиал аҳамиятга эгадир.

Партия Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори пухта ўйлаб, эҳтиёткорона ва талабчанлик билан ёндашишнинг ёрқин намунасидир. Сиёсий ўқув системасида вужудга келган жамики қимматли тажрибани мустаҳкамлаш билан айни бир вақтда бу қарор ҳозирги кун талаблари тақозо этган кўпгина янгиликларни киритади. Бу қарор ҳар биримизни ташаббус кўрсатишга, коллектив ва шахсий ижодкорликка даъват этади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кейинги вақтларда коммунистлар ва партиясизларнинг сиёсий ҳамда иқтисодий ўқиши билан, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг фаолияти билан, лекция пропагандасининг ҳолати ва идеология ишининг бошқа соҳалари билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларни айни мана шу позициялардан туриб таҳлил этди. Биз, идеология фронтининг ходимлари ўзимизнинг кундалик ишимизни айни шундай зўр жўшқинлик билан истиқболни кўзлаб, ижодий тарзда ва илҳом билан олиб боришимиз керак. Ҳозир биз бундан бошқача меҳнат қила олмаймиз. Бошқача йўл билан муваффақиятга эришиб бўлмайди!

Леонид Ильич Брежнев партия XXVI съездидаги Ҳисобот докладининг «Ривожланган социализм даврида КПССнинг иқтисодий сиёсати» деган асосий бўлимларидан бирини якунлар экан, жуда муҳим принципиал қоидани лўнда, аниқ, равшан қилиб бундай таърифлади: «Экономикага раҳбарлик қилиш масалалари шунчаки хўжалик масалалари бўлмай, сиёсий, партиявий масалалардир. Партия шиорлари, программалари омманинг фаолиятида яшаётганлиги кўпдан маълумдир. Биз амалга оширмоқчи бўлган ўзгартишлар қанчалик чуқур бўлса, деган эди В. И. Ленин, бу ишга одамларни шунчалик кўпроқ қизиқтирмоқ керак ва кўпроқ онгли муносабатда бўлишларига эришмоқ керак, янгидан-янги миллионлар ва ўнларча миллионларни бунинг зарурлигига ишонтирмоқ керак».

Гап амалда ғоявий-назарий, сиёсий-тарбиявий ташкилотчилик ва хўжалик ишининг узвий бирлигига эришиш тўғрисида бормоқда. Ҳаёт барча хўжалик-иқтисодий ва сиёсий вазифаларимизни ҳал этишга мана шундай комплекс ёндашиш зарулатини бугун ҳар қачонгидан ҳам зўр куч билан тақозо этмоқда.

Хўш, конкрет нималар назарда тутилмоқда? Республика партия ташкилотларининг бу соҳадаги иш практикаси қандай?

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори қабул қилингандан кейин орадан икки йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шу вақт ичида рўй берган ўзгаришларни умуман, кенг миқёсда баҳолайдиган бўлсак, партия комитетлари идеология жабҳасидаги активлар, барча хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш проблемаларига янада зўр масъулият билан қарай бошладилар, деб тўла асос билан айтиш мумкин.

Сиёсий-тарбиявий иш масалаларининг турли жиҳатлари партия комитетларида ва бошланғич партия ташкилотларида манфаатдорлик билан муҳокама қилинмоқда. Бунда сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиянинг ҳолати ҳар тарафлама таҳлил этилмоқда. Мана шундай комплекс ёндашиш натижасида ғоявий-тарбиявий ишнинг сифати ҳам, таъсирчанлиги ҳам анча ошди, одамларнинг коммунистик онглилиги, уларнинг ишлаб чиқариш ва сиёсат соҳасидаги активлиги анча юқори поғонага кўтарилди. Ана шуларнинг ҳаммаси меҳнат коллективларининг конкрет ишларида, ўн биринчи беш йиллик режаларини бажариш йўлидаги умумхалқ социалистик мусобақасининг кенг қулоч ёзганлигида намоён бўлмоқда.

Республика шаҳар ва қишлоқларини иқтисодий ҳамда социал жиҳатдан ривожлантириш проблемаларига тарбия нуқтаи назаридан тобора кўпроқ ва чуқурроқ қаралаётганини ҳам биз катта силжиш деб биламиз. Ҳар қандай хўжалик масаласининг ҳал этилиши одатда моддий-техникавий жиҳатдангина эмас, ташкилий-сиёсий жиҳатдан ҳам таъминланади.

Партия комитетларида корхоналардаги ва хўжаликлардаги ишлаб чиқаришнинг ҳолатини коллективдаги ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг ҳолати билан узвий равишда боғлаб кўриб чиқиш практикаси яхшиланмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Бу — ишга тўғри ёндашишдир, сиёсий раҳбарлик органи бўлмиш партия комитети масалани мана шундай ва фақат мана шундай тарзда қўйиши керак.

Аммо кўпгина шаҳар ва район партия комитетлари у ёки бу корхона, қурилиш, хўжаликнинг фаолиятини муҳокама қилганда, асосан, техника-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил этадилар ва партия ташкилотининг ишини чуқур идрок қилишни, коммунистларнинг жой-жойига қўйилишини, уларни ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий турмушдаги ролини, тарбиявий ишнинг самарадорлигини, бу ишда барча коммунистларнинг иштирокини кўриб чиқишни кўпинча унутиб қўймоқдалар. Объектив омилларни инобатга олмаганда, бир хил коллективлар муваффақиятининг сирлари, бошқа хил коллективлар қолоқлигининг сабаблари, одатда, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашдан, партия ташкилотлари барча бўғинларининг активлиги ва жанговарлигидан, идеология ишининг ҳамма омиллари, сиёсий ва иқтисодий ўқишни ташкил этишдан ўтказилаётган суҳбат ва лекцияларнинг миқдори ҳамда сифатидан, кўргазмали агитациянинг ҳолати ва шу кабилардан иборат бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бошқа сўз билан айтганда одамлар дилига нақадар чуқур йўл топа билишимиздан, уларни нақадар зўр коммунистик эътиқод руҳи билан қуроллантира олганимиздан иборатдир.

Шу боисдан ҳам партия комитетлари ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш учун эмас, шу билан бирга коллективнинг маънавий-психологик иқлими учун, хўжалик фаолиятининг идеологик оқибатлари учун ҳам раҳбарларга нисбатан талабчанликни бутун чоралар билан оширишлари зарур.

Биз ҳаммамиз айниқса идеология ходимлари, ҳар қандай раҳбар ходим ўзининг бутун иш услуби билан, ишга муносабати билан, одамлар билан муомала қилиш йўриғи билан, шахсий феъл-атвори ва ибрати билан коллективнинг онги ва кайфиятига таъсир қилишини ҳамиша назарда тутишимиз керак. Раҳбар кадрларни танлашда мана шуларни ҳам эътиборга олиш керак.

Бу кадрлар ишни чуқур билиши, сиёсий жиҳатдан етуклиги, одамларга меҳрибонлиги билан ажралиб туриши керак.

Бугунги мазкур масаланинг жуда муҳим яна бир қиррасини — раҳбар ходимларнинг сиёсий-тарбиявий ишда шахсан қатнашиши кераклигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Баъзан бу ишга етарли эътибор

берилмайди. Тахминан шундай деб мулоҳаза юритадилар, раҳбар ходим меҳнат коллективларининг аъзолари билан кун сайин ва кўп мартаба муомала қилади, ишлаб чиқаришга доир кўпдан-кўп катта ва кичик масалаларни ҳамда шахсий масалаларни ҳал этади. Модомики шундай экан, унинг лекциялар ўқиши, суҳбатлар ўтказиши сиёсий ёки иқтисодий мактабдаги машғулотларга раҳбарлик қилиши шартми?

Бу саволга фақат битта жавоб бўлиши мумкин: Албатта шарт! Чунки у бу ўринда бошқа бир тарзда майдонга чиқади: энди у ўз ҳукмини ўтказадиган маъмурий ходим эмас, балки ўз сафдошлари, маслакдошларига партия сиёсати ва албатта коллективнинг умумий иши мағзини чақиб берадиган обрў-эътиборли ўртоқдир. Натижада ижодий муҳит, ўртоқларча ҳамжиҳатлик ишга манфаатдорлик билан ёндашиш вазияти юзага келади.

Бу — мутлақо равшан масала бўлса ҳам, аммо баъзи раҳбар ходимлар тарбиявий ишдан четда турганликларини кўрсатувчи фактларга ҳам тез-тез дуч келиб турибмиз. Бунинг устига партия ходимлари орасида ҳам баъзи бировлар мана шу жуда муҳим фаолият соҳасига ҳамон етарли аҳамият бермаяптилар. Лоақал ягона сиёсий кунлар сингари иш формасини олиб кўрайлик. Бу форма нисбатан яқинда юзага келган бўлса ҳам, аммо партия ташкилотларининг иш тажрибасидан кенг ва мустаҳкам ўрин олди. Бироқ, айрим шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, бошқа партия, совет хўжалик органларининг ходимлари банд эканликларини баҳона қилиб одамлар билан учрашиш имкониятини, улар билан дилкаш суҳбатлашиш, ишларнинг аҳволи ва келгусидаги вазифаларни гапириб бериш, уларни қизиқтираётган саволларга жавоб қайтариш имкониятини назарга илмаяптилар. Ҳолбуки, меҳнаткашлар билан бевосита алоқа қилиш, уларнинг фикрлари ва кайфиятини билиш, одамларнинг онги ва дилига шахсан таъсир қилиш — ҳар бир раҳбар ходим учун муваффақиятли ишлашнинг зарур ва мажбурий шартидир.

Шу масала билан боғлиқ бўлган яна бир гап: ишимизда матбуотдан фойдаланиш ҳақида, бунинг ёрдамида партия, давлат, хўжалик органлари ва ташкилотлари фаолиятида ошкораликни тобора тўлатўкис амалга ошириш тўғрисида гапириб ўтмоқчиман. Афсуски, баъзи ўртоқлар бу масалани газеталаримиз турли-туман кенгаш ва мажлислар тўғрисидаги ҳисоботлар, тегишли органларнинг қарорлари билан доимо тўлдириб чиқарилиши керак, деган тарзда тушунадилар. Большевистик матбуот ленинча принципларининг моҳияти эса шундан иборатки, мансабдор шахслар етилган проблемаларни қандай ҳал этаётганликлари тўғрисида матбуот, радио, телевидение орқали доимо ҳисоб бериб туришлари, одамларни қизиқтираётган масалаларга очиқ-ойдин жавоб қайтаришлари лозим.

Социалистик экономика — совет кишилари бунёдкорлик фаолиятининг бош соҳасидир. Меҳнат зафарларида қатнашмай туриб, янги инсонни самарали тарбиялаб, уни ҳар тарафлама камолотга эриштириб бўлган эмас ва бўлмайди ҳам.

Биз ҳамиша маънавий, мафкуравий, омил, хўжалик вазифаларини ҳал этишда бениҳоя актив роль ўйнашига асосланиб иш тутишимиз лозим. Бунинг маъноси шуки, биз сиёсий, тарбиявий ишимизнинг самарадорлиги ва сифатини ошириб, социал иқтисодий тараққиётни тезлаштиришимиз мумкин ва, аксинча, тарбиявий ишга эътиборсизлик бу тараққиётни секинлаштириши мумкин.

Бу жиҳатдан олганда социалистик мусобақани ташкил этиш, илғор тажрибани кенг пропаганда қилиш ва амалий жорий этиш катта аҳамиятга эга бўлади. КПСС XXVI съездининг қарорлари омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини қулф урдирган.

Унинг ижодкорлиги, ташаббускорлиги ва кучини янада юксалтирган бир даврда бу айниқса муҳимдир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорида партия режаларини амалга ошириш учун умумхалқ курашининг конкрет вазифалари белгиланди. Бу вазифалар ҳар бир партия комитетининг, ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир меҳнат коллективининг амалий иши бўлиб қолиши керак.

Республикада москваликларнинг 1981 йил ишлаб чиқариш программасини муддатидан илгари бажариш соҳасидаги ташаббуси кенг ёйилди. Ўнинчи беш йиллик топшириқларини икки марта ошириб бажарган ва ўн биринчи беш йилликда ўн йилга ва шундан кўпроқ даврга мўлжалланган планларни бажаришга аҳд қилган саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа илғорларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган мажбуриятларида республика меҳнаткашларининг ватанпарварлик ғайрат-шижоати ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Бу ажойиб ташаббусни пропаганда ва агитациянинг ҳамма воситалари билан кун сайин маънавий-сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлабгина қолмай, илғор иш усуллари ва методларини пухта ўрганиш, барча меҳнаткашларни бу усул ва методлар билан қуроллантириш, ҳар бир иш жойида ташаббус кўрсатиб, зўр ғайрат билан меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш ҳам жуда муҳимдир.

Бу гап Қизил байроқли неча ўнлаб коллективларга, орден ва медаллар билан мукофотланишга сазовор бўлган минг-минглаб меҳнат қаҳрамонларига тамомила тааллуқлидир. Энг яхши ишлаб чиқарувчилар ва илғор коллективларнинг тажрибаси бизнинг буюк ижтимоий бойлигимиздир ва биз бу тажрибадан моҳирлик ҳамда омилкорлик билан фойдаланишимиз лозим. Бу соҳада хўжалик раҳбарларининг ҳам, идеология активларининг ҳам қиладиган ишлари кўп.

Шу муносабат билан ишимизнинг илғор меҳнат методларини пропаганда қилиш ва жорий этиш билан боғлиқ икки жиҳатига эътиборни жалб этишни истайман. Биринчидан, энг яхши муваффақиятлардан ҳаммани кенг хабардор қилиш ва жамоатчиликнинг уларни астойдил қўллаб-қувватлашини таъминлаш, новаторларнинг иш тажрибасини кўрсата билиш, кишиларни бу тажрибадан манфаатдор қилиш, улардан ўрнак олишга интилишни кучайтириш зарур. Бунинг учун оғзаки пропагандамизда ҳам, матбуотда ҳам умумий қоидаларни ҳар бир меҳнат коллективининг конкрет ишлари ва вазифалари билан маҳкам боғлаб олиб бориш керак. Лениннинг «Сиёсий шовқинсурон камроқ бўлсин, ҳаётга кўпроқ яқинлашилсин» деган талаби ҳозирги кунда ҳам ўзининг актуал аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Баъзан шундай бўлади: лекцияларда, суҳбатларда, босиб чиқариладиган материалларда ишнинг самарадорлиги, сифати, меҳнат унумдорлиги, тежамкорлик тўғрисида умумий мулоҳазаларгина айтилади. Келтириладиган мисоллар эса конкрет корхона ва хўжаликнинг ўзига хос хусусиятларидан узоқ бўлади. Ваҳоланки, бу коллективнинг фаолиятида эътиборга сазовор бўлган, амалий таҳлил этишни, жиддий фикр юритишни талаб этадиган мароқли, ибратли ишлар оз эмас.

Иккинчидан, завод ёки фабрикада тақдирлашга сазовор новаторлардек ишлашга интилаётган ва ишлай оладиган меҳнаткашлар кўп бўлишига қарамай, бир неч йил мобайнида айрим илғорларнинггина муваффақиятлари кўрсатиб ўтилади. Аммо ана шу меҳнаткашлар-

нинг меҳнат шароитлари бошқача, техникаси ҳам эскириб қолган, уларнинг ғайрат-шижоати эса баъзан сезилмай ҳам қолади.

Ҳар бир муваффақият, ҳар бир рекорддан тажриба ҳосил қилинган ва бу тажриба оммавий кўламда сабот билан жорий этилган тақдирдагина қимматлидир. Бинобарин, меҳнатни ташкил этишни мунтазам равишда такомиллаштириш, самарали ва сифатли ишлаш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш учун барча омилларнинг вужудга келтирилишини таъминлаш лозим.

Партия ишлаб чиқариш шароитларини яхшилаш тўғрисида кўп ғамхўрлик қилмоқда. Маълумки, ижтимоий фойдали меҳнат — инсон учун энг биринчи, ҳаётий заруратдир. Кишиларнинг ҳамма қобилияти тўлиқ рўёбга чиқадиган зарур меҳнат шароитларини вужудга келтириш инсон тўғрисида ғамхўрлик қилиш демакдир.

Шу боисдан партия съездида ҳалол, соф виждон билан бажариладиган ижодий меҳнатнинг нуфузини ҳамма жойда ошириш, меҳнат мезони ва истеъмол мезони устидан қаттиқ назорат ўрнатиш проблемалари шу қадар кескин қилиб қўйилди. Бинобарин, жамиятнинг реал имкониятларини эътиборга олиб шахсий талаб-эҳтиёжни шакллантириш, малакасиз қўл меҳнати ва оғир жисмоний меҳнатни қисқартириш ва тугатиш, социал-маданий соҳани ривожлантириш зарур.

Партия комитетлари нормал уй-жой, маданий-маиший шароит яратилишини қаттиқ назорат қилиб туришлари лозим. Шу муносабат билан Ҳисобот докладида баён этилган қоидани эслатиб ўтмоқчиман. Докладда айтиладики, янги саноат объектлари ишга туширилганлиги ҳақида олинадиган рапортларда одатда бу ерда ишлайдиган одамлар учун нималар қилинганлиги, қанча уй-жой, болалар боғчалари, кутубхона ва профилакторий қурилганлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. «Келинг, келишиб олайлик, деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев,— бундан кейин объектда планда кўзда тутилган уй-жой ва маданий-маиший муассасалар қурилиши программаси ҳам бажарилган тақдирдагина бундай рапортлар ҳақиқий деб ҳисоблансин». Бу қоида ишимизнинг асосий қонуни бўлиб қолиши керак.

Меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисида гапирганимизда ишимизнинг кичик шаҳарларда, район марказлари ва посёлкаларда филиалларни ва мустақил саноат корхоналарини вужудга келтириш каби йўналишини алоҳида кўрсатиб ўтишни истаймиз. КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати бу масалада бизга қандай катта ёрдам кўрсатаётганлиги ҳаммангизга маълум. Бундай корхоналарни замонавий техника асосида тез ва сифатли қуриш учун ҳамма чораларни кўриш — шарафли социал-сиёсий аҳамиятга ҳам молик бўлиб, одамларни ижтимоий меҳнатдан баҳраманд қилиш, неча ўн минглаб кишиларни ишчилар синфи сафига жалб этиш мактабидир.

Энг муҳими шуки, партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари ўзларининг кундалик ишларида съезднинг ҳар бир киши тўғрисида амалий ғамхўрлик қилиш — партия иқтисодий сиёсатининг бошланғич ва пировард нуқтаси эканлиги тўғрисида берган йўл-йўриқларига асосланиб иш кўришлари керак. Шу сабабли кишиларнинг эҳтиёжларини қондириш, уларга савдо-сотиқ, маиший ва медицина хизмати кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар доимо диққат марказимизда туриши керак. Бу — кишиларни тарбиялаш, иш билан тарбиялаш, кишиларни жамиятимизнинг дур-гавҳари деб муносабатда бўлиш билан тарбиялаш демакдир.

Ҳозирги кунда идеология ишининг партиямиз ленинча тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини тушунтириш каби, душманга қарши пропагандани кучайтириш каби таркибий қисми ҳақида ҳам алоҳида гапириб ўтишни истайман. Социализм билан капитализм ўртасидаги идеология

кураши ҳеч қачон сусайган эмас. Бу кураш кейинги вақтларда айниқса кескинлашиб кетди.

Халқаро кескинлик кучайиб, тобора хатарли тус олмоқда. Америка империализми бошчилигидаги урушқоқ кайфиятдаги милитаристик доиралар кескинликнинг юмшатилишига путур етказиш, қуролланиш пойгасини авж олдириш йўлига ўтдилар. Улар мамлакатимизга ва социалистик ҳамдўстликдаги давлатларга қарши туҳмат тошини ёғдирмоқдалар. Буржуа пропагандаси тобора макрли тус оляпти. Оммавий ахборотнинг кучли замонавий воситалари бу пропагандага хизмат қилмоқда. Улар Советларга қарши кузатган мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан ҳазар қилмаяптилар, сийқаси чиқиб қолган антикоммунизм шиорларидан фойдаланмоқдалар.

Жаҳон жиддий хавф остида қолди. Шундай бир пайтда Ватанимизнинг тинчликни ҳимоя қилиш, термоядро урушининг олдини олишга осойишталик билан даъват этган сермазмун садоси Кремлдан, СССР Олий Совети сессиясидан бутун жаҳонга жаранглаб эшитилди. Совет кишилари, планетадаги барча соф виждонли кишилар ўртоқ Л. И. Брежневнинг сессияда сўзлаган оташин нутқини ва СССР Олий Советининг «Жаҳон парламентларига ва халқларига» Мурожаатномасини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар.

Бизнинг вазифамиз — партиянинг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини пропаганда қилишни кучайтириш ва бу йўлнинг самарадорлигини оширишдан, совет кишиларининг ҳушёрлигини кучайтиришдан иборат. Синфий душманларимизнинг идеология соҳасидаги диверсиясини тез ва дангал фош қилиб ташлаш, мамлакатимиз ҳақидаги, социалистик турмуш тарзи ҳақидаги, совет халқининг тинчлик учун, бутун инсониятнинг бахтли истиқболи учун олиб бораётган фидокорона кураши тўғрисидаги ҳақиқатни халқларга маълум қилиш лозим.

Ўртоқлар! Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш — бутун партиянинг, барча коммунистларнинг ишидир. Аммо идеология ходимлари бу соҳада алоҳида, жуда масъулиятли роль ўйнайдилар, деб таъкидлаб ўтаман. Республикада билимли, малакали активларнинг катта отряди мавжуддир. Улар кишиларни коммунистик эътиқод, юксак маънавий-сиёсий фазилатлар руҳида тарбияламоқдалар, янги кишини — соф виждонли меҳнатчини, ватанпарвар ва интернационалистни камол топтирмоқдалар.

Илҳомбахш меҳнатлари учун, ўз бурчларини юксак даражада англаганликлари учун, ўзларининг билими, қалбининг бутун ҳароратини, бой ҳаётий тажрибасини тарбиялаш каби олижаноб ишга бағишлаётганликлари учун уларга катта раҳмат деймиз ва бутун халқимизнинг миннатдорчилигини изҳор қиламиз!

Совет кишиларининг ҳаёти тобора ёрқин, кўркам, сермазмун бўлмоқда. Уларнинг ҳаёти тез ривожланиб, янги, янада юксак талабларни, шу жумладан сиёсий-тарбия ишлари олдига катта талабларни қўймоқда. Шу боисдан биз эришилган муваффақиятлар билан асло қаноатланиб, хотиржам бўлмаслигимиз, бир жойда тўхтаб қолмаслигимиз керак. Ғоявий-сиёсий ишнинг ҳамма формалари ва воситаларидан фойдаланиб, ҳар бир кишини бундан буён ҳам топширилган иш учун юксак жавобгарликни сезиш, камчиликларга ва салбий ҳодисаларга нисбатан муросасиз бўлиш руҳида тарбиялаш, ҳаётда актив позицияда туриш, совет Ватанимизга муҳаббат, партия ишига, коммунизм манфаатларига садоқат руҳида тарбиялаш лозим.

Журналистларимиз, пропагандистларимиз, лекторларимиз, сиёсий докладчиларимиз, агитаторларимиз ва сиёсий ахборотчиларимизнинг ленинча ишонтириш санъатини эгаллашлари тўғрисида, уларнинг

ижодий юксалишлари учун зарур шарт-шароитларнинг ҳаммасини вужудга келтириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиш — партия комитетларининг бурчи ва вазифасидир. Идеология иши коммунизм учун курашнинг муҳим жабҳаси эканлигини ва олдимизда турган социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш бу соҳадаги муваффақиятларимизга боғлиқ эканлигини ҳамиша эсда тутиш лозим.

Биз, коммунистлар, энг юксак мақсадларни, узоқ истиқболлар йўлларини белгилаганимизда ҳамиша реал аҳволга, келажакнинг ҳозирги кунда шаклланиб боражагига асосланамиз. Ҳозирги кунда хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида КПСС XXVI съездининг қарорларини, ўн биринчи беш йиллик программасини амалга ошириш учун кураш олиб борилмоқда.

Республика саноати беш йилликни яхши бошлаб, йилнинг биринчи ярми планини муддатидан илгари бажарганлигини мамнуният билан айтиб ўтишни истаймиз. Топшириқдан ташқари 175 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш кўпайди, хизмат кўрсатиш соҳаси кенгайди.

Республикада озиқ-овқат программасини ишлаб чиқиш соҳасида кўп иш қилинмоқда. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу программани амалга оширишга ҳал қилувчи ҳисса қўшишлари лозим. Улар ўз бурчларини яхши англаб, беш йилликнинг биринчи йили учун қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларини бажариш борасида зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Чорвачиликда урчитиш кампанияси муваффақиятли ўтказилди, гўшт, сут ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини кўпроқ етиштириш ва тайёрлашга эришилди. Республика пиллачилари катта муваффақиятларни қўлга киритиб, ўз мажбуриятларини шараф билан бажардилар ва пилладан рекорд ҳосил олдилар. Шу билан бирга барча имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилмаганлигини, олдимизда оғир синовлар турганлигини, мўлжалланган марраларга эришмоқ учун кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшиб ишлаш зарурлигини назарда тутиш керак. Баъзи саноат корхоналари ишлаб чиқариш топшириқларини бажармаганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Баъзи қурилиш объектларидаги ишлар мўлжалдагидан орқада қолмоқда.

Пахта далаларидаги аҳвол ташвиш туғдирмоқда. Кўкламда ҳавонинг совуқ келиб, кўп ёмғир ёққанлиги, ғўзанинг ривожига тўсқинлик қилади, кўп жойларда чигитни иккинчи марта, баъзи жойларда эса учинчи марта қайтадан экишга тўғри келди. Ана шу қолоқликка барҳам бериш учун республикамизда ғўзани парвариш қилиш борасида 100 кунлик зарбдор вахта эълон қилинди. Бой тажрибанинг ҳаммасини пахтакорлар олтин қўлининг бутун маҳоратини ғўзани яхши парвариш қилишни таъминлашга сафарбар этиш, олинган юксак социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришга эришиш керак.

Хуллас, хўжалик қурилишининг ҳамма йўналишларида ғоят масъулиятли ишни бажариш лозим.

Бундай шароитда идеологик кадрларнинг оташин сўзи ҳам, шахсан кўрсатадиган намунаси ҳам жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Уларнинг эзгу ишлари кишиларга фидокорлик, оммавий меҳнат қаҳрамонлигини вужудга келтиради. Улар коммунистик қурилишнинг ҳозирги вазифаларини ҳам, келажакдаги вазифаларини ҳам ҳал этишга бебаҳо ҳисса қўшмоқдалар.

Семинаримизнинг ишида съезд қарорларини амалга оширишда жуда муҳим роль ўйнайдиган кишилар қатнашмоқда. Шаҳар ва район партия комитетлари омма ўртасида бевосита иш олиб бориб, меҳнат коллективлари билан чамбарчас боғланиб, бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятига амалий йўл-йўриқ бермоқдалар.

Ўртоқлар, сизлар жойларда пропагандистлар сифатида ҳам, агитаторлар сифатида ҳам, ташкилотчилар сифатида ҳам иш олиб бормоқдасиз.

Бу — енгил меҳнат эмас. Бу — кўп билим, битмас-туганмас ғайрат, собитқадамликни, кишиларга нисбатан меҳр-муҳаббат ва эътиборни талаб этади. Партия сизнинг чинакам буюк ишингизни ғоят қадрлайди, сизларга таянади ва ишонади.

Улуғ пролетар ёзувчиси Алексей Максимович Горький: «Ҳар бир нарсани яратадиган ҳам инсон, улуғлайдиган ҳам инсон» деб ёзган эди. Ажойиб сўзлар! Партия, идеология ходимлари олдига совет кишиларида илмий дунёқарашни, ленинча ғоявий эътиқодни, юксак онгни шакллантириш, коммунизм қуришга шай бўлиб туриш, шу йўлда ўз хоҳиш-иродаси, маҳоратини такомиллаштириш каби жуда муҳим иш қўймоқда.

Ҳозирги семинар-кенгаш республикадаги партия комитетларини ва бошланғич партия ташкилотларини сиёсий-тарбиявий иш соҳасида янги катта тажриба билан бойитади, уларнинг ғоявий-сиёсий фаолиятини юксак даражага кўтаришга самарали таъсир ўтказади ва бу билан олдимизда турган ва партия XXVI съезди белгилаб берган катта ва мураккаб вазифаларнинг ҳаммасини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Семинар-кенгаш қатнашчиларига, республикамизнинг идеология соҳасида иш олиб бораётган ҳамма активларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда янги ижодий муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

ТАНҚИД ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД — КОММУНИСТНИНГ ҲУҚУҚИ ВА БУРЧИ

КОММУНИСТИК ПАРТИЯ жамиятнинг иқтисодий, социал ва маданий ҳаёти соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқар экан, марксча-ленинча фанга таяниб, революцион назарияга қатъий амал қилади, социализмнинг, ижтимоий ривожланишнинг объектив иқтисодий қонунларини ҳисобга олади. У жамиятимизнинг раҳбар кучи сифатида совет халқининг буюк бунёдкорлик фаолиятини йўналтириб туради, унинг коммунизм ғалабаси учун курашига планли тус беради. «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — қудратли, соғлом, етук коллектив эканини йигирма олтинчи съезд яна бир карра кўрсатди,— деб таъкидлади КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев съездни ёпиш вақтида сўзлаган нутқида.— Коммунистлар — ҳақиқатдан ҳам жамиятимизнинг букилмас ўзаги, унинг жон-танидир. Коммунистлар — халқнинг чинакам революцион авангардидир».

Партия ўзининг меҳнаткашлар сиёсий йўлбошчиси ва раҳбари ролини тўла-тўкис таъминлай олиши учун у ўзининг бирлиги тўғрисида, ғоявий ва ташкилий принципларни мустаҳкамлаш, иш формалари ва методларини такомиллаштириш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилиши керак.

Партия ва давлат фаолиятининг ленинча услуби КПССга раҳбарликни муваффақиятли амалга ошириш имконини берадиган унинг жуда муҳим бисотидир. «Раҳбарлик услуби ва методлари бутун партия, бутун халқ учун муҳим масаладир,— деб таъкидланди КПСС МКнинг партия XXVI съездига Ҳисобот докладида.— Буни эсда тутиш, ҳамиша ва ҳамма ишда ленинча нормаларга амал қилиш — ҳар бир партия раҳбарининг бевосита бурчидир».

Съезд қўйган вазифаларнинг янгилиги, мураккаблиги ва кўламдорлиги партия ташкилотларидан ижодий ишлашни, фаолиятнинг шундай воситалари, усуллари ва методларини топа билишни талаб қиладики, уларнинг ёрдамида планларни муваффақиятли бажариш, энг кам сарфлаб яхши натижаларга эришиш мумкин. Бундай восита ва усулларни ишлаб чиқиш осон эмас. Улар ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, кишилар онгида янгиликнинг эскилик билан, прогрессивликнинг консервативлик билан кураши жараёнида таркиб топади. Бу зиддиятларни очиш ва идрок этиш — реал чораларни кўра билиш демакдир, коммунистик қурилишда катта муваффақият қозонмоқ учун бу чораларни амалга ошириш керак.

Танқид ва ўз-ўзини танқид ижтимоий ривожланиш зиддиятларини билишнинг энг самарали воситаларидан биридир. Етук социализм шароитида улар бунёдкорлик қуроли, совет жамияти ривожининг

ҳаракатлантирувчи кучи, Коммунистик партия революцион-ўзгартирувчилик фаолиятининг, кишиларни тарбиялаш ва маънавий камол топтиришнинг туб принципи бўлиб хизмат қилади. Танқид ва ўз-ўзини танқид ижтимоий практикага баҳо беришнинг, эскириб қолган қарашлар ва тасаввурларни қайта баҳолашнинг, шунингдек коммунистик бунёдкорликнинг мураккаб ва тобора ортиб бораётган вазифаларини бажариш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар ва камчиликлар билан курашнинг жуда муҳим воситаси бўлиб майдонга чиқади. Ҳал этилмаган проблемалар ва қийинчиликлар танқид ёрдамида аниқланади, энг яхши иш формалари ва методлари танлаб олинади, кадрлар тўғри тарбияланади, иш яхшиланиб боради.

Партиямиз съездларда, КПСС Марказий Комитети ўзининг кўпгина қарорларида шунинг учун ҳам принципиал, партиявий танқидни бутун чоралар билан ривожлантириш зарурлигини уқтириб келади. Танқидни бутун чоралар билан янада чуқурлаштириш, барча партия ташкилотларида ўз-ўзини танқид, камчиликларга муросасизлик руҳини қарор топтириш вазифасини ҳар тарафлама асослаб берган КПСС XXVI съезди ҳам шунга ундайди. Унинг талаблари шунга қаратилганки, токи ҳар қандай ташкилот, у ёки бу ходим фаолиятининг ҳамма томонлари объектив баҳо олсин, мавжуд камчиликлар ва нуқсонлар уларни бартараф этиш мақсадида ҳар тарафлама таҳлил қилинсин, токи камчиликларга ва уларнинг айбдорларига либерал муносабатда бўлишга йўл қўйилмасин, танқидга нотўғри муносабатда бўлиш ҳолларига партия органлари кескин ва оператив муносабат билдирсинлар. «Танқидни бўғувчиларга асло йўл қўймаслик — партия қонунининг ҳам, давлат қонунининг ҳам талабидир!»— деб уқтирди съезд.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПССнинг тарихий XXVI съездининг жанговар танқидий руҳини, унинг ички ва ташқи сиёсатнинг актуал проблемаларини кўриб чиқишга конструктив ёндашувини чуқур мамнуният билан қабул қилдилар. Партия совет халқининг буюк зафарларидан қонуний ифтихор қилади. Лекин бу ифтихорнинг хотиржамлик, кибрланиш билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Съезд делегатлари коммунизмнинг моддий-техника базасини бунёд этиш, ижтимоий муносабатларни ривожлантириш, янги инсонни тарбиялашдаги улкан муваффақиятлар тўғрисида ахборот берар эканлар, қийинчиликлар, ҳал этилмаган масалалар, камчиликлар тўғрисида большевистик ростгўйлик билан очиқчасига гапирдилар. Танқидий баҳолар ва хулосалар съезд ишининг ижодий характерини кўп жиҳатдан белгилаб берди ва эришилган муваффақиятларга бундай муносабатда бўлиш ҳаққоний равишда партия кучининг аломати сифатида баҳоланмоқда.

КПСС Марказий Комитети, шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев танқид ва ўз-ўзини танқиднинг жуда муҳим принципи — ошкораликни турмушга оширишнинг намунасини кўрсатмоқдалар. Съездларнинг, МК Пленумларининг материаллари, партия ва ҳукуматнинг бошқа ҳужжатлари ўз практикасига баҳо беришга, ўз фаолияти натижаларини таҳлил этишга қандай ёндашиш, ишни яхшилаш учун тадбирлар тўғрисида бош қотириш кераклигини ўргатади. Шу билан бир вақтда улар миллион-миллион совет кишилари қабул қиладиган танқиднинг кенг ошкоралилиги намунаси ҳамдир. СССР янги Конституциясининг лойиҳаси, КПСС МКнинг партия XXVI съездига «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» лойиҳаси нақадар манфаатдорлик, активлик билан муҳокама қилинганлигини эсга олиш кифоядир. Ишчилар, колхозчилар, интеллигенция вакиллари, ўқувчилар, пенсионерлар, уй бекалари — мамлакат аҳолисининг барча қатламларидан ҳам маъқулловчи, ҳам танқидий юз минглаб таклифлар

ва истаклар тушди. Уларда — қаршимизда турган проблемаларни ҳал этишга ўз иштироки билан ёрдам бериш, кучларни жамият учун энг кўп фойда келтирадиган қилиб ишга солиш нуқталарини белгилаш истаги мавжуд.

Умумхалқ муҳокамалари биз учун одатий бир ҳодиса бўлиб қолди. Улар социалистик демократия тантанасини яққол намойиш этади. Кенг ошкоралилик, одамлар билан очиқчасига гаплашиш, уларнинг фикрлари, истакларини ҳисобга олиш омманинг сиёсий ва ишлаб чиқариш соҳасидаги активлигини янги юксакликка кўтаради. Чунончи, Ўзбекистонда КПСС МКнинг партия XXVI съездига лойиҳасини муҳокама қилиш давомида салкам 16 минг таклиф ва мулоҳаза айтилди, улар тегишли органларга етказилди ҳамда уларни амалга ошириш учун оператив чоралар кўрилди. 6585 коллектив, бир ярим миллион ишлаб чиқариш илғори партия анжумани арафасида ўзининг юксак мажбуриятларини шараф билан бажарди. Келгуси йилларда мамлакатнинг ривожланиш йўлларини белгилаб берган съезд қарорлари коммунистик қурилишнинг ҳар бир қатнашчисига белгиланган планларнинг доирасини яққол кўриш, тинч бунёдкорлик меҳнатининг, жўшқин, кучайиб бораётган суръатини сезиш имконини берди. Ўзини ҳаётда оқлаган ташаббуслар ва починларга замон билан ҳамоҳанг, янги ташаббуслар узлуксиз қўшилиб турибди. Шунинг шарофати билан беш йилликнинг энг бошиданоқ корхоналар ва қурилишларда, далалар ва фермаларда юксак иш мароми таъминланди.

Партия танқид ва ўз-ўзини танқид албатта таъсирчан бўлиши керак деб таълим беради. Бу бир қатор омиллар билан таъминланади, булар орасида коммунистлар танқидий мулоҳаза ва таклифларининг конкретлилиги, амалий тусда бўлиши, уларни рўёбга чиқаришдаги қатъият, оперативлик алоҳида ўринни ишғол қилади.

КПСС МКнинг «Тамбов область партия ташкилотида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳволи тўғрисида»ги қарори танқидни авж олдиришда, бу воситадан фойдаланиш кўникмасини тарбиялашда самарали роль ўйнади. Умумпартиявий аҳамиятга молик бўлган бу ҳужжатда Марказий Комитет танқид ва ўз-ўзини танқид методининг моҳиятига яна бир карра эътиборни қаратиш зарур деб ҳисоблади. Ундан аввало кадрларни тарбиялаш учун фойдаланиб, дейилади қарорда, кишиларга ишонч ва ҳурматни юклатилган иш учун, партия ва давлат интизомига риоя қилиш учун уларга принципиал талабчанлик билан, узвий равишда уйғунлаштириш лозим. Бунда ҳар бир коммунистнинг, барча партия ташкилотларининг партия ҳаёти ленинча нормаларига қатъий риоя қилиши жуда муҳим, муқаррар шартдир.

Республикада ана шу қарорни турмушга ошириш юзасидан кўп иш қилинди, унинг бажарилиши устидан контрол амалга оширилмоқда. Чунончи, Андижон область партия комитетининг бюроси Ленин район партия комитетининг фаолиятини ўрганиб чиқиб, район партия ташкилоти танқид ва ўз-ўзини танқиддан иш услубини такомиллаштириш, партия съездлари ҳамда КПСС МК Пленумлари қарорларини муваффақиятли бажариш учун фойдаланаётганини қайд қилди. Пленумлар, активларда, коммунистларнинг йиғилишларида айтиладиган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар — район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини яхшилашнинг таъсирчан воситаларидан биридир. Коммунистларнинг мулоҳазалари ва таклифларини рўёбга чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Район партия комитети уларнинг бажарилиши қандай бораётганлиги тўғрисида пленумларда олти марта ҳисоб берди, район партия комитетининг аъзолари 59 бошланғич партия ташкилотида тегишли ахборотлар билан чиқдилар. «Ленин йўли» район газетаси ҳамда район радиоэшиттириш редакцияси танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришда муҳим роль ўй-

намоқда, улар хўжалик органлари ва айрим раҳбарларнинг ишидаги камчиликларни чуқур очиб ташламоқдалар.

Буларнинг бари хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш савиясининг ошишига кўмаклашмоқда, коллективларда соғлом маънавий-сиёсий иқлим яратилишига яхши таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга область партия комитетининг бюроси, агар район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари практикада синовдан ўтган танқид ва ўз-ўзини танқид методидан мавжуд камчиликларга барҳам бериш, кадрларнинг масъулиятини ошириш учун тўлароқ фойдаланганларида қилинаётган ишлар яна ҳам кўпроқ самара берган бўлар эди, деб кўрсатди. Ҳолбуки, озмунча камчилик очиб ташланмади. Район хўжаликларида хўжасизлик, меҳнат интизомининг бузилиши, социалистик мулкнинг ўғирланиши билан боғлиқ бўлган нобудгарчиликлар жуда кўп. Савдо, маиший хизмат ва соғлиқни сақлаш ташкилотларининг иши тўғрисида аҳолидан кўп шикоятлар тушмоқда.

Район партия комитетида, бошланғич партия ташкилотларида ана шу ва бошқа камчиликлар кўпинча объектив баҳо олмади, принципиал танқид қилинмади. Халқ хўжалиги планлари бажарилишини таъминламаётган раҳбарларга нисбатан кам талабчанлик, партия ва давлат интизомини бузаётган, хизмат лавозимини суиистеъмол қилаётган шахсларга нисбатан либерал муносабатда бўлиш ишнинг яхшиланишига халақит бериб келди. Чунончи, беш йил давомида район партия комитетига район маиший комбинати ишчи ва хизматчиларидан ўзига қарши адолатли танқид билан чиққан кишиларни қувғин қилган директор И. Исоқовнинг қўполлиги, маҳаллийчиликка йўл қўйиши ва номуносиб хулқ-атвори тўғрисида тўққиз марта шикоят тушган. Бироқ у жазосиз қолаверган. Натижада танқидий сигналлар область ва республика органларига туша бошлади. Фақат область партия комитети аралашгандан кейингина танқидни бўғувчи И. Исоқов эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди.

Пленумлардаги ва партия йиғилишларидаги докладларда кўпинча асосий эътибор муваффақиятлар ва ютуқларга қаратилиб, танқид эса қониқарсиз кўрсаткичларни санаб ўтишдан иборат бўлиб қолади, партия, совет, хўжалик органлари ва конкрет шахсларнинг иш методларидаги нуқсонлар очиб ташланмайди. Бир қатор ҳолларда нутқлар ўз ишидан ҳисоб бериш ҳамда ютуқлар тўғрисидаги рапортлардан нарига ўтмайди.

Қуйидан бўладиган танқид суст ривожланган. Пленумларда район партия комитетининг бюроси, секретарлари, бўлимлари шаънига танқид амалда бўлмайди. «Победа», Ленин номли колхозларда, район марказий касалхонаси, ГСПТУ № 163, 4-мактаб ва бошқа ташкилотлардаги партия йиғилишларида кенг фикр алмашиш йўқ. Бу ташкилотларнинг раҳбарлари партия йиғилишларига юқоридан бўладиган танқид ҳамда навбатдаги кўрсатмаларни бериш учун қулай жой деб қарайдилар.

Танқид ва ўз-ўзини танқиднинг ривожланишига кўпинча шу нарса ҳам йўл бермайдики, айрим партия комитетлари, раҳбар ходимлар коммунистларнинг фикрлари билан кам ҳисоблашадилар, уларнинг таклифларига эътиборсизлик билан қарайдилар, камчиликларни келтириб чиқарадиган сабабларни суст ўрганадилар ёки ҳатто танқидий фикр-мулоҳазаларга оғизда рози бўлсалар ҳам аҳволни тузатиш учун ҳеч нима қилмайдилар. Йўл қўйиб бўлмайдиган бу ҳодисаларга партия ташкилотлари ва комитетлари томонидан ҳамиша ҳам принципиал баҳо беравермайдилар.

Танқид ва ўз-ўзини танқид коммунистларни, барча меҳнаткашларни партия съездлари ва КПСС МК Пленумлари қарорларини амалга

оширишга, давлат планларини тўла ва ошириб бажаришга, кам харжлаб кўпроқ сифатли маҳсулот чиқариш учун мусобақада омманинг активлигини ривожлантиришга сафарбар этишга ёрдам бериши, партия ташкилоти сиёсий соғломлигининг, унинг партия ва халқ олдидаги ўз бурчини тўғри тушунишининг мезони бўлиб хизмат қилиши керак. Орқада қолаётган ҳар бир корхона, қурилиш, колхоз ва совхоздаги ишнинг аҳволини танқидий таҳлил этиш, планлар ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган конкрет тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш зарур.

Коммунистларнинг йиғилишлар, пленумлар, конференцияларда айтадиган танқидий мулоҳазалари ва таклифлари улар активлигининг ошишига, меҳнат коллективлари ҳаётининг ҳамма томонларига кўрсатадиган таъсирининг ўсишига хизмат қилади. Одатда бундай мулоҳазалар ва таклифлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга, маблағлардан оқилона фойдаланиш ва материалларни тежашга, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашга, меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга ва шу кабиларга қаратилган бўлади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Тикланиш» китобида шундай таъкидланади: «Танқидий мулоҳазаларнинг кўплиги ишнинг чатоқлигидан далолат беради, деб ўйламаслик керак. Нисбат нақ шунинг аксича. очиқ, ошкора танқид нақадар кўп бўлса, иш шу қадар яхши юришади». Фақат сўнгги ҳисобот-сайлов кампанияси вақтида Ўзбекистон Компартиясида олтмиш мингдан зиёд танқидий мулоҳаза айтилди, шу жумладан ҳар икки мулоҳазадан бири маҳаллий партия ва совет органлари, қолганлари — завод, фабрика, қурилиш, хўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотлари бюроси ҳамда маъмуриятлари адресига қаратилган эди. Бу республика коммунистлари юксак активлиги ва масъулиятни ҳис этишининг белгиловчи кўрсаткичларидан биридир. Таклифларнинг ярмидан кўпроғи йиғилишлар ва конференциялардан кейинги дастлабки ойлар давомида амалга оширилди, бошқалари устидан контрол ўрнатилди.

Партия ташкилотларининг жанговарлиги кўп жиҳатдан ана шундай ишнинг савиясига боғлиқдир. Коммунистларнинг таклифларига эътибор бермаслик, қабул қилинган қарорлар тўғрисида ахборот беришнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги партия аъзолари активлигини пасайтиради, уларни пассивлаштиради. Коммунистлар сайланиб қўйилган органнинг қилган иши тўғрисида аҳён-аҳёнда, ҳисобот ва сайловлар олдидан билиб қолмасдан, балки ҳамиша бохабар бўлишлари керак. Бинобарин, ҳар ойда «секретарь куни» ўтказаётган партия комитетлари тўғри қилмоқдалар, «секретарь куни» давомида бюронинг ўтган давр ичидаги фаолияти тўғрисида албатта ахборот берилади. Бу бошланғич партия ташкилотлари учун яхши намунадир.

Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг танқидий мулоҳазалар ва таклифларни рўёбга чиқариш юзасидан қилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботлари яна ҳам кўпроқ фойда келтиради. Улар бу ишнинг муҳимлигига, коллективнинг кундалик ҳаётида зарурлиги ва мажбурийлигига эътиборни қаратиш имконини беради. Партия комитетларининг тажрибаси айни шундай хулосага олиб келади.

Қашқадарё область партия комитетининг бюроси ўз вақтида «Қамаши партия ташкилотида пленумлар, активлар ва партия йиғилишларида айтилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларнинг бажарилиши юзасидан коммунистларга ахборот бериб туриш практикаси тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. Район ташкилоти 2300 дан зиёд коммунистни бирлаштирган. Шулардан 68 процентдан кўпроғи қишлоқ хўжалик ва саноат ишлаб чиқаришининг асосий участкаларида, қурилишда, транспортда муваффақиятли меҳнат қилмоқда.

Танқидий мулоҳазалар қандай рўёбга чиқарилаётганлигини контрол қилишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида район партия комитетида ва партия ташкилотларида махсус картотека жорий этилган, унда коммунистларнинг таклифлари рўйхатга олинади. Райком бўлимлари уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини кузатиб боради.

Кўпгина партия комитетлари шу тарзда ишламоқдалар. Лекин бугунги кунда шуниг ўзи кифоя эмас. Бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ҳар бир йиғилишда коммунистларга, партия комитетларининг бюроси эса — ҳар бир пленум қатнашчисига нафақат коммунистларнинг таклифлари, аввал қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилишининг бориши, уларни ким ва қандай бажарганлиги тўғрисида, балки йиғилишлар ва пленумлар орасида қилинган иш тўғрисида ҳам ахборот бериши керак.

Область, шаҳар ва район партия комитетларининг ҳисобот-сайлов конференциялари оралиғидаги ўз фаолиятлари тўғрисида коммунистларга ахборот бериб туришлари ғоятда фойдалидир. Агар бу иш ишчанлик вазиятида, очиқчасига гаплашишга қулайлик туғдирадиган бир вазиятда қилинса, бундай практика партия демократиясини янада ривожлантиришга, коммунистлар, сайлов органларининг активлиги ва уларнинг коллективлардаги, тегишли область, шаҳар ва район партия ташкилотларидаги ишларнинг аҳволи учун жавобгарлигини оширишга кўмаклашиши керак. Бордию муҳокама бўлмасдан, «партия комитетининг ахбороти маълумотга олинсин» қабилида расмий қарор қабул қилинса, бундан ишга фойда кам бўлади.

Тайинсиз, адрессиз танқид ҳам тегишли наф келтирмайди, афсуски, бундай танқид ҳали ҳам бор. Тошкент шаҳар партия комитети, 2-автокомбинат партия ташкилотининг танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш соҳасидаги ишини ўрганиб чиқиб, кўпгина коммунистларнинг шунчаки, номига гапириб қўя қолишганини қайд этди. Ун цех партия ташкилотида ярим йил ичида йиғилишларда 725 киши сўзга чиққан. Нотиқларнинг салкам ярми бирорта ҳам жиддий таклиф киритмаган, бирорта ҳам танқидий мулоҳаза айтмаган. Бундай чиқишлардан наф кам бўлишлиги равшан. Лекин бунда коммунистларни айблашга шошилмаслик керак. Партия бюроси йиғилишларга шундай масалалар ва докладларни қўйиши кераккн, улар ҳеч кимни лоқайд қолдирмасин, уларга тинчлик бермасин, фикр алмашиш, ютуқ ва камчиликларга принципиал баҳо бериш, резервларни аниқлаш заруратини келтириб чиқарсин.

Агар танқидга партиявий, тўғри муносабатда бўлинса, унинг катта имкониятлари борлиги ва таъсирчанлигини кўрсатадиган кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Мана шулардан бири.

Ургут районидаги «Ленинград» колхози чорвачилик фермасининг цех партия ташкилоти унчалик катта эмас. Икки йил ичида бу ерда партия йиғилишларида 33 танқидий мулоҳаза ва таклифлар айтилди. Уларнинг амалга оширилишини партия бюроси пухта назорат остига олди, бажарилишига эришди. Фермада молхона капитал ремонт қилинди, ёрдамчи бинолар қурилди, водопровод, электр ўтказилди. Чорвадорлар учун зарур уй-жой-маиший шароитлар яратилди, меҳнат интизомининг бузилиши ва ишлаб чиқаришда совуққонлик фактларига бутунлай барҳам берилди. Натижада бу ерда чорвачиликнинг маҳсулдорлиги оша бошлади.

Умуман ташкилий-партиявий ишда бўлгани сингари танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш ишида ҳам кампаниячиликка чидаб бўлмайди. Бироқ айрим партия комитетлари партиявий ҳужжатларнинг бу масалаларга оид принципиал қоидаларига ҳамиша ҳам изчил амал қилавермайдилар. Бу ҳол шунга олиб келадики, бундай партия комитетларининг қарорлари юзаки бўлади, уларда камчиликлар, ҳўжа-

лик ва маданий қурилишнинг турли соҳаларидаги суст ишнинг сабаблари чуқур анализ қилинмайди, конкрет айбдорлар аниқланмайди. Лекин ҳар қандай ҳолга ҳам ярайверадиган рақамлар ва фактлар ҳар қанча топилади. Янги қарорлар қабул қилинади, иш эса эскича бораверади.

Танқид ва ўз-ўзини танқид — кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда бебаҳо қуролдир. Хўжалик юритишнинг интенсив йўлларига ўтилган, бошқариш механизми ва планлаштириш кенг кўламда қайта қурилаётган, корхоналарнинг мустақиллиги кенгайтирилаётган ҳозирги шароитда раҳбарнинг масъулияти беқиёс ошиб бормоқда. В. И. Ленин кишиларни танлаш ва ижрони текширишни «бутун ишнинг ўзаги» деб ҳисоблаган эди.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни янада яхшилаш тўғрисида»ги масалани муҳокама қилган II пленумида (1981 йил май) шу йилги ва умуман ўн биринчи беш йилликнинг социалистик мажбуриятларини бажариш шундай бир асосий мезонки, раҳбар кадрларнинг ишчанлик ва сиёсий хислатлари, уларнинг янгича, ғайрат-шижоат, қатъият билан ишлай билишлари, ташаббусни рағбатлантиришлари, ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни амалга оширишдаги қобилиятлари ана шу мезон асосида баҳоланади, деб таъкидланди.

Пленум айрим раҳбарларнинг ўзига ишониб кетиши, мақтанчоқлиги, беғамлиги, хотиржамлиги, манманлиги каби фактлар билан муросасиз ва кескин курашишга даъват этди. Бу хусусиятлар умуман, раҳбарлар учун эса айниқса кечирилмасдир. Бундай «беморларни» ўткир дори — принципиал танқид билан даволаш керак. Леонид Ильич Брежнев ўзининг «Тикланиш» китобида бу хусусда шундай деган эди: «Раҳбарни танқиддан қўриқлаш уни нобуд қилиш демакдир. Кимки танқидни тан ола билмай қолдими, уни иш бермайди деяверинг».

Раҳбар кадрларнинг ишчанлик ва сиёсий хислатларини шакллантиришда бошланғич партия ташкилотлари муҳим роль ўйнайдилар. Улар раҳбарнинг ишидаги нуқсон ва камчиликларни очиб ташлашлари, ишга зарар етказадиган даражада риоягарчилик қилмасликлари керак. Партия ташкилоти ҳар қандай ходимни тўғри йўлга солиб туриши, унинг фаолиятини контрол қилиши, унинг ҳисоботларини эшитиб туриши, камчиликлари ва хатолари учун ундан қаттиқ жавобгарлик талаб қилиши керак. Бу унинг ўсишига ёрдам беради холос.

КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси МК биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «Правда» газетасининг мухбирлари билан қилган суҳбати кадрлар билан ишлашнинг ҳамма жиҳатларига катта таъсир кўрсатди. «Правда»да «Раҳбарнинг камтарлиги» номи билан эълон қилинган бу суҳбат партиявий танқид қандай бўлишлигини ва раҳбарий лавозимларда партия олдида, халқ олдида юксак жавобгарлик сезадиган кишилар бўлишига қандай қилиб эришиш кераклигини ёритади. Принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид социализм ва коммунизм манфаатлари, халқ манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳисси билан йўғрилгандир.

Жамоат ва давлат манфаатларига зид ишларга, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларидаги хато ва камчиликларга қарши курашиш мамлакатимиз ҳар бир граждани учун бурч, коммунистлар учун эса — мажбуриятдир. КПСС Устави партия аъзоларидан «танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, камчиликларни дадил очиб ташлаш ва уларнинг бартараф қилинишига эришиш, тантанавозликка, манманликка, хотиржамликка берилишга, маҳаллийчиликка қарши кураш олиб бориш, танқидни бўғишга ҳар қандай уринишларга кескин зарба бериш, партия ва давлатга зарар етказадиган ҳар қандай ҳаракатлар-

га қарши чиқиш ва бундай ҳаракатлар тўғрисида партия органларига, то КПСС Марказий Комитетигача хабар қилиш»ни талаб қилади.

КПСС аъзосининг ана шу муҳим бурчи кўп даражада унинг партиявийлиги моҳиятини ифодалайди. Янги жамиятнинг илғор, энг онгли қурувчиси бўлган коммунист — партия ишлари учун жавобгардир. Худди шунинг учун ҳам у камчиликлар билан муроса қилмаслиги, уларни пайқамай қолмаслиги, лоқайд четлаб ўтиб кетмаслиги керак. Коммунистнинг камчиликларни очиб ташлаш, самарали, ижодий, ташаббус кўрсатиб ишлашга халақит берадиган жамики нарсаларни тезроқ бартараф этилишига эришишдан иборат бурчи — айни вақтда унинг КПСС Уставида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқи ҳамдир. Уставда айтиладики, партия аъзоси «партия йиғилишларида, конференцияларида, съездларида, комитетларнинг пленумларида ҳар бир коммунистни, унинг эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар танқид қилиш» ҳуқуқига эгадир. «Танқидни бўғишда ва танқид қилинганлиги учун таъқиб этишда айбдор бўлган шахслар КПСС сафларидан чиқарилишга қадар қаттиқ партиявий жавобгарликка тортилишлари лозим». Бу ҳуқуқ СССР Конституцияси билан барча гражданлар учун ҳам гарантияланади.

Партия ва бутун халқнинг фаолиятида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг роли юксалиб бориши, социалистик демократиянинг янада авж олдирилиши, тобора кенг меҳнаткашлар оммасининг давлатни, хўжалик ва маданий қурилишни бошқаришга жалб қилиниши, шунингдек давлат аппарати ишини яхшилаш, унинг фаолияти устидан контролни кучайтириш, бюрократизм ва формализм кўринишларига қарши кураш олиб бориш зарурати билан боғлиқдир.

Бизнинг мамлакатимизда танқид ва ўз-ўзини танқид учун қулай шарт-шароитлар мавжуддир. Меҳнат коллективларининг йиғилишлари, очиқ партия йиғилишлари, коммунистларнинг партиясизлар олдидаги чиқишлари, индивидуал ва группавий суҳбатлар ва шу кабилар ана шундай имкониятларни вужудга келтиради. Омманинг кайфияти ва орзу-умидларини яхши билиш, бугунги кунда халқ наказы нимадан иборат эканлигини аниқ тасаввур этиш — бу партиявий раҳбарлик услубига қўйиладиган энг муҳим талаблардан биридир.

Меҳнаткашларнинг хатлари ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг энг хилма-хил масалалари юзасидан қимматли ахборотлар, танқидий мулоҳазалар, амалий таклифларни ўз ичига олади. Хатларни кўриб чиқиш ишини, гражданларни қабул қилишни партия улкан сиёсий аҳамиятга эга иш деб ҳисоблайди. Хатларда айтиладиган фикрларнинг кўпларидан партия ва давлат қарорларини тайёрлаш вақтида фойдаланилади, шунингдек кундалик практикада улар ҳисобга олинади.

Бироқ, афсуски, хатлар билан ишлашда талай камчиликлар, лоқайдлик ва сансалорлик кўринишлари бор. Одамлар ўз илтимосларига жойларда диққат-эътибор билан қаралмаганлигини кўриб, юқори инстанцияларга мурожаат қилишга мажбур бўладилар. Шундай ҳам бўладики, асосий диққат-эътибор камчиликларни бартараф этишга эмас, балки танқид қилувчининг ўзидаги нуқсонларни ахтариб топишга, унинг мулоҳазаларини шубҳа остига олиш йўлларини излашга қаратилади.

КПСС XXVI съездига МКнинг Ҳисобот докладида танқидни бўғувчиларга нисбатан партиянинг позицияси яна бир карра тасдиқланди. Танқид учун таъқиб қилишнинг ҳар қандай уринишларига энг кескин зарба бериш — бу позиция ана шундай.

Систематиклик, позитивлик, конкретлилик, амалий ёндашиш — танқиднинг зарур шарти бўлиб, булар кўп жиҳатдан унинг таъсирчанлигини таъминлайди. Партия конкрет хатолар ва камчиликларни

очиб ташлайди, конкрет айбдорларни кўрсатади. Бироқ матбуотда ҳам, оғзаки чиқишларда ҳам умумий чақириқлар ва гаплар кўп учрайдики, улар ўзининг мавҳумлиги билан жамоатчиликнинг диққат-эътиборини у ёки бу долзарб масалаларга жамлай олмайди.

Ҳаққонийлик ҳам партиявий танқиднинг характерли хусусиятларидан биридир. Танқидий чиқишларда ютуқлар ёки камчиликларга ортиқча баҳо бериш ёки уларни камайтириб кўрсатиш, хусусан ҳақиқатни бузиб кўрсатиш бўлмаслиги керак. Партиявий танқид мазмунан ҳам, шаклан ҳам — яхши ниятдаги ўртоқлик танқидидир. Танқиднинг бу хусусияти Коммунистик партиянинг моҳиятидан, унинг табиатидан келиб чиқади. Пролетар ташкилоти замиридаги партиявий ўртоқлик КПССнинг бутун ҳаётига сингиб кетган бўлиб, унинг революцион анъанасидир.

Танқид ва ўз-ўзини танқиднинг вазифаси — ёрдам бериш, ишни яхшилаш йўлларини топишга ўргатиш, ўз кучларига ишонч туғдиришдир. Ўринсиз адоватдан, ўч олишдан, қасоскорлик ҳиссидан иборат танқидбозлик зарар келтиради.

Танқид ва ўз-ўзини танқид, агар фақат салбий томонларнигина акс эттира бошласа, ўзининг қудратли кучидан маҳрум бўлади. Бу демагогияга, кўр-кўрона қоралашга олиб бориши ҳам мумкин. Камчиликлар турлича бўлишлигини кўзда тутиш лозим. Кўпинча улар масъулиятсизлик ва хўжасизлик, танбаллик, план ва мажбуриятларни бажаришнинг самарали йўлларини ахтаришни истамаслик, совуққонлик оқибати бўлади. Бундай ҳолда ўткир, муросасиз танқид аҳволни тузатишга, раҳбарларга таъсир кўрсатишга, уларни тартибга чақиришга қодирдир. Ўсиш, излаш, тажриба орттиришдаги камчиликлар ва хатолар — бошқа гап. Улар, чамаси, муқаррардир. Бинобарин, яхши ният билан қилинган танқид, фикр алмашув вазифаларни энг яхши ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Агар ижобий жиҳат кўрилмаса салбий нарсани чинакам очиб ташлаб ва бартараф этиб бўлмайди. КПСС ҳаётдаги жамики янги, илғор нарсаларни доимо умумлаштириб боради ва ўзининг сиёсий ҳамда ташкилотчилик иши билан буларни тасдиқлайди, чунки бу пировард натижада унинг асосий вазифалари қаторида туради.

Ўзбекистон Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия ташкилотлари омманинг ташаббусини бутун чоралар билан қўллаб-қувватламоқдалар. Бу йил Қашқадарё области меҳнаткашларининг чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш, Гагарин район меҳнаткашларининг — беш йиллик топширигини уч йил ичида бажариш, ўн биринчи беш йилликда иккита шахсий беш йиллик планни бажариш мажбуриятини олган турли ишлаб чиқариш тармоқлари юзлаб илғорларининг ватанпарварлик ташаббуси маъқулланди.

Танқид ва ўз-ўзини танқид починларнинг ташаббускорларига юксак мажбуриятларини уддалашда ёрдам беришга, ҳар бир меҳнат коллективида ишчанлик, ишга ижодий муносабатда бўлиш муҳити яратилишига, резервларни аниқлашга, бутун иш сифатини яхшилашга ва пировард натижада, 1981 йил ҳамда умуман ўн биринчи беш йиллик планларининг муваффақиятли бажарилишига актив кўмаклашишга даъват этилган.

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ПРОБЛЕМАЛАРИ

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА

М. ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон ССР савдо министри

КПСС нинг «ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» деган программ талаби мамлакатимизда экономикага партиявий, сиёсий ёндашишнинг ҳамиша таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилмоқда. Партия XXVI съездида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев «конкрет инсон ҳақида, унинг эҳтиёж ва талаблари ҳақида амалда ғамхўрлик қилиш партия иқтисодий сиёсатининг бош ва пировард мақсадидир» деб таъкидлади. Съезд тасдиқлаган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари мазкур принципни амалга оширишга бўйсундирилган.

Экономиканинг халқ фаровонлигини ошириш борасидаги хилма-хил вазифаларни ҳал қилиш томон чуқур бурилиш ясаши ҳақида берилган принципиал кўрсатма келгусида совет кишиларининг истеъмол молларига бўлган доимо ўсиб борувчи талабларини қондиришга қодир бўлган қудратли илмий-ишлаб чиқариш потенциали СССРда барпо этилганлиги туфайли мумкин бўлди.

Иқтисодий ривожланишнинг барқарор ва стабил суръатлари, «Б» группасидаги саноат тармоқларининг маҳсулотларини ишлаб чиқаришни илдамроқ ўстириш меҳнаткашларни оммавий истеъмол моллари билан таъминлашни яхшилашдан иборат ўн биринчи беш йилликнинг энг муҳим вазифаларидан бирини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради. Партия махсус озиқ-овқат программасини ишлаб чиқишни зарур деб топдики, бу программанинг мақсади қисқа муддатларда аҳолини озиқ-овқат билан бетўхтов таъминлаб туриш вазифасини ҳал қилишдир.

Ўзбекистонда кўплаб талаб қилинадиган буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши саноатимизнинг муваффақиятларини ва ўсиб кетган имкониятларини жуда яққол кўрсатиб турибди. Ўнинчи беш йиллик мобайнида бундай молларни чиқариш тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 1,5 миллиард сўмлик ёки 47 процент кўпайдики, бу ҳол товар ресурсларини анча тўлдириш, уларнинг мамлакат бошқа районларидан келтирилишини қисқартиш, улар билан аҳолини таъминлаш даражасини ошириш имконини берди.

Ана шу рақам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати кишиларнинг эҳтиёж ва талаблари, уларнинг харид талабларини қондириш ҳақида жуда катта ғамхўрлик қилаётганликларини кўрсатиб турибди. Қурилган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистонда ҳар йили шундай буюмларни чиқариш кўпайдики, бундай буюмлар илгари чиқарилмас ёки етарли миқдорда тайёрланмас

эди, бу ҳол эса уларнинг етишмаслигига сабаб бўлар эди. Бу гап хўжаликда ишлатиладиган кўп молларга, маданий-маиший ва ҳоказо буюмларга тааллуқлидир. Шу боисдан 1980 йилда Ўзбекистон корхоналари чиқарган товарларнинг салмоғи республика товар оборотида 48 процентни, шу жумладан пойабзал ва чинни-фаянс идишлар — 65—70 процентни, кийим-кечак деярли 80 процентни ташкил этганлигини катта ютуқ, деб ҳисобласа бўлади. Болаларга мўлжалланган товарлар, мебель, гиламлар ва гилам буюмлар ишлаб чиқариш ва сотиш ўтган беш йиллик мобайнида икки баравар ошди.

Шуниси қувонарлики, бизнинг енгил ва озиқ-овқат индустриямиз, шунингдек маҳаллий саноатимиз давлат Сифат белгиси ва «Н» («Новинка») индекси қўйилган товарлар чиқаришни йилдан-йилга ошириб бормоқда. Ҳозирги вақтда шарафли беш бурчак тамғаси қўйилган 1600дан зиёд хилдаги буюмлар республика савдо шохобчаларига келиб турибди. Савдонинг саноат билан амалий алоқаларини мустаҳкамлаш, товарлар ҳажми ва ассортиментини белгилашда улгуржи савдо ташкилотларининг ролини, давлат стандартларига риоя қилиш ва маҳсулот сифати олдига қўйиладиган талабларни оширчш бунга кўп жиҳатдан ёрдам берди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ҳамда хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари саноатга янада фаолроқ таъсир кўрсатадиган, товарлар ишлаб чиқаришнинг аҳволини чуқурроқ ўрганадиган, шартнома мажбуриятларини бузганлик учун чора кўриш хусусида ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқдан тўлароқ фойдаланадиган бўлиб қолдилар.

Кўплаб талаб қилинадиган товарлар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг ривожланиши, аҳоли пул даромадларининг ўсиши, халқ турмуш даражасининг оғишмай ошиб борганлиги чакана товар обороти планини муваффақиятли бажаришнинг муҳим шарт-шароити бўлди. Ўнинчи беш йиллик мобайнида у бутун мамлакат бўйича 24,4 процент ўсган бўлса, бизнинг республикамизда 42,6 процент ўсиб, 1980 йилда 10 миллиард сўмдан ошиб кетди. Товар оборотининг ўртача йиллик ўсиш суръати 7,3 процентни ташкил этганлиги ҳам савдо барқарор суратда ривожланиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Ўзбекистон ССР чакана товар обороти бўйича беш йиллик планни муддатидан илгари, 1980 йил 10 декабрда бажарди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда у 4,2 процент кўпайиб, 633 сўмни ташкил этди.

Эндиликда савдо халқ хўжалигининг йирик, жадал ривожланиб бораётган тармоғига айланди. У ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги фақат боғловчи бўғин, фақат товарлар заказ қилувчи ва уларни сотувчи соҳагина бўлиб қолмасдан, балки унинг ўзи ҳам моддий неъматларни бевосита яратиш жараёнига тобора кўпроқ жалб этилмоқда. Савдо министрлиги системасида шундай бўлинмалар пайдо бўлдики, улар магазин ва ресторанлар қурмоқдалар, ғилдиракли контейнерлар, мороженое, кондитер маҳсулотлари ва озиқ-овқат ярим фабрикатлари ишлаб чиқармоқдалар, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотувчи умумий овқатланиш корхоналари ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Чўчқани бўрдоқига боқувчи хўжаликлар тобора кўпайиб бормоқда.

Савдо объектлари қурилишига катта эътибор берилмоқда. Ўнинчи беш йиллик мобайнида фақат бизнинг министрлигимиз системасидагина ана шу ишга қарийб 149 миллион сўм сарфланди. 143 миллион сўмликдан зиёд асосий фондлар, шу жумладан Қарши, Бухоро, Муборакдаги савдо марказлари, Жиззах, Урганч, Гулистон ва бошқа шаҳарлардаги йирик-йирик магазинлар ишга туширилди. Умумий майдони

200 минг квадрат метрдан зиёд деярли икки мингта магазин, 65 минг квадрат метр майдонга эга умумтовар омборлари, сиғими 10,3 минг тонна бўлган тақсимловчи холодильниклар, 62 минг тонна маҳсулот сиғадиган сабзавот, картошка ва мева омборлари, 103,8 минг ўринли умумий овқатланиш корхоналари ишлай бошлади. Янги объектларнинг ишга туширилиши ва уларнинг замонавий савдо-технология асбоб-ускуналари билан жиҳозланиши, савдонинг прогрессив формалари татбиқ этилиши хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш учун, моллар сотиб олишга кетадиган вақтни қисқартириш учун шароит яратиб беради.

Савдонинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш учун ўз қурилиш индустриямиз зарур бўлиб қолди. Ана шу мақсадда министрлик қошида областларда бўлимлари бўлган қурилиш тректи барпо этилди, йилига 25 минг кубометр маҳсулот бера оладиган темир-бетон буюмлар заводи қурилмоқда. Тошкент савдо асбоб-ускуналари комбинати реконструкция қилинди, бунинг натижасида унинг қуввати йилига 2 миллион сўмлик маҳсулот ўрнига 5 миллион сўмлик маҳсулот беришга етди. Эндиликда қурилаётган бошқа объектлар комбинатда ишланган номеханик савдо асбоб-ускуналари билан жиҳозланмоқда.

«Узхладоторгмонтаж» трестига қарашли корхоналар кенгайтирилмоқда ва реконструкция қилинмоқда. Илгари улар холодильник асбоб-ускуналари бўйича фақат монтаж ва ремонт ишларинигина бажарар эди. Эндиликда эса, булардан ташқари, запас қисмлар, ғилдиракли контейнерлар ишлаб чиқармоқдалар. Чунончи, 1980 йилда трест корхоналари ана шундай контейнерлардан қарийб 6 минг дона чиқардики, улар билан мева-сабзавот комбинатлари ва кўп магазинлар таъминланди.

Ўнинчи беш йилликда умумий овқатланиш системаси янада ривож топди. Янги ошхоналар, кафе, чойхона, ресторанларнинг фойдаланишга топширилиши улардаги ўринлар сонини деярли 104 мингга кўпайтириш имконини бердики, бу кун давомида яна 300 минг киши иссиқ овқат ейиши мумкин деган гапдир. Ҳозирги пайтда республикамиздаги умумий овқатланиш корхоналарининг хизматларидан 3 миллиондан кўпроқ киши фойдаланмоқда.

Корхоналар шохобчаларининг ўсиши, хизмат кўрсатишнинг прогрессив формалари жорий этилиши, таомлар тайёрлаш сифатининг оширилиши республика Савдо министрлиги системасида умумий овқатланиш обороти бўйича беш йиллик планнинг 101,4 процент, ўзлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар бўйича эса 103 процент қилиб бажаришни таъминлади. Ўтган беш йилликда бутун мамлакат бўйича умумий овқатланиш обороти 22,2 процент ўсган бўлса, Ўзбекистонда 34,2 процент ўсди, ўзлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни чиқариш бўйича тегишли равишда 26,1 ва 38,8 процент ўсди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кўрган чора-тадбирлар туфайли республикада сабзавотчилик, боғдорчилик, полизчилик ва узумчилик жадал ривожланиб бормоқда. Ўнинчи беш йиллик мобайнида давлат савдо шохобчалари орқали сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари ва узум сотиш 1,6 баравар кўпайди. Бу маҳсулотларнинг кўп хиллари деярли бутун йил давомида сотилади. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат программасига мувофиқ ўн биринчи беш йилликда республикада сабзавот ва мевалар етиштириш янада кўпаяди ва бу ҳол улар билан аҳолини муттасил таъминлаб туриш имконини беради.

Бўрдоқига чўчқа боқиш озиқ-овқат программасига катта ҳисса қўшиши мумкин. 1979 йил февралдан бошлаб Ўзбекистонда давлат савдоси корхоналарида чўчқаларни ўстириш ва бўрдоқига боқишни ташкил этишга киришилди. 1981 йил 1 январига келиб министрлигимиз

системасида шундай хўжаликлардан 35 таси ишладики, улардан 31 таси бўрдоқига чўчқа боқадиган, иккитаси паррандачилик ва яна иккитаси қорамол боқиш хўжаликларидир. Уларда планлаштирилганидан икки баравар кўпроқ — 30 мингдан зиёд чўчқа, 100 мингдан кўпроқ парранда ва 1200 бош йирик мол боқилмоқда. Айни чоқда шу хўжаликларнинг ўзида моллар сонини қайта тиклаш ҳисобига улар туёғи ўсмоқда. Чунончи, ўтган йили 19 минг бошдан зиёд чўчқа боласи, инкубаторларда 260 минг жўжа олинди. Ёрдамчи хўжаликлар 1270 тонна миқдорида молларнинг ўсишига имкон берди ҳамда тирик вазнда пландаги 700 тонна ўрнига 865 тонна гўшт сотдилар. Яқинда Тошкент шаҳар ижрокоми Умумий овқатланиш бошқармаси қошида ўн минг бошга мўлжалланган бўрдоқига чўчқа боқиш комплекси ишга туширилди.

Кўпгина бўрдоқига боқиш хўжаликлари яхши натижаларга эришмоқдалар. Республика социалистик мусобақаси якунларига кўра Когон шаҳар савдо бошқармасининг, Тошкент шаҳридаги Собир Раҳимов ва Октябрь ошхоналар трестларининг бўрдоқига чўчқа боқадиган хўжаликлари бир неча бор мусобақа ғолиби бўлдилар ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари билан тақдирландилар, мукофотлар олиб турдилар. Бошқа хўжаликлар ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Республика Савдо министрлиги шу йил охирига қадар чўчқалар сонини 40 мингга, паррандаларни 120 мингга етказиш ҳамда молларнинг 1600 тонна семиришини таъминлаш мажбуриятини олди. Бундай ўсиш тирик вазнда гўшт сотишни 1500 тоннага етказиш имконини берадики, бу миқдор 1980 йилда аҳолига сотилганига қараганда деярли икки баравар кўпдир. Бу — давлат фонди учун каттагина мададдир. Бундан буён бўрдоқига боқиш ёрдамчи хўжаликлари, КПСС XXVI съезди кўрсатмаларига биноан, янада кўпроқ ривожланиши керак.

Ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга келганда, бу соҳада ҳам муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда. Республика Савдо министрлиги бошқа министрликлар ва идоралар, халқ истеъмоли моллари чиқарадиган корхоналар билан биргаликда кўпроқ ишлаб чиқарилиши зарур бўлган буюмлар ҳақидаги таклифларни ва уларнинг рўйхатини тайёрлаб қўйди.

Аммо бу фақат ишнинг бошланишидир. Вазифа товарлар чиқаришни кўпайтириш учун маҳаллий хом ашё ресурсларидан ва саноатнинг ишлаб чиқариш қувватларидан янада оқилона фойдаланиш, уларнинг сифатини ошириш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва янгиларини қуриш имкониятларини мунтазам равишда излашдан иборатдир.

Ҳозирги шароитда саноат томонидан товарлар ишлаб чиқариш ва бозорга етказиб бериш планлари қандай бажарилаётганлиги устидан контролни кучайтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Республикамиз аҳоли эҳтиёжларини ўз ресурслари ҳисобидан таъминлаш учун катта имкониятларга эга. Масалан, бизда мева-сабзавот консервалари, минерал сувлар ва алькоголсиз ичимликлар, виночилик саноати товарлари, овқатбоп сирка, қизил қалампир, миллий хамирли кондитер маҳсулотлари ва ҳоказолар ишлаб чиқариш учун хом ашё етарлидир. Бироқ, буларни чиқаришни кўпайтириш ўрнига кўпинча қисқартирилаётганлигини кўрамиз. Чунончи, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси ғоят қониқарсиз ишламоқда. У 1979—1980 йиллар мобайнида планга нисбатан 5,5 минг тонна кам чой берди, шу миқдордан 4,7 минг тоннаси савдога етказиб берилмади. Мазкур фабрика шу йилнинг биринчи кварталида ҳам чой етказиб бериш планини 360 тоннадан зиёд миқдорда кам бажарди, бу эса аҳолини таъминлашга ёмон таъсир кўрсатди.

Иттифоқ министрликларига қарашли айрим корхоналар, катта-катта имкониятлар бўлишига қарамай, халқ истеъмол қиладиган товарларни, айниқса болалар ассортиментини, спорт ва хўжалик-маиший буюмларини ишлаб чиқаришни суст ривожлантирмоқдалар. Масалан, «Средазкабель» бирлашмаси 1980 йилда хўжалик товарлари етказиб бериш планини деярли 2 миллион сўм кам бажарди, «Ташавтоматика» заводи болалар велосипедлари ишлаб чиқаришни 20 минг донага қисқартирди.

Мана бир неча йилдирки, Самарқанд холодильниклар заводи товар етказиб бериш планини уддалай олмаяпти ва маҳсулот сифатини яхшиламаётир. Кейинги уч йил ичида харидорлар сифати паст бўлгани туфайли 17 мингга яқин холодильник аппаратини заводга қайтардилар. Кейинги вақтларда Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги қошидаги Сифат давлат инспекцияси холодильниклар чиқаришни тақиқлашга мажбур бўлди. Завод янги иш режимига ўтказилди. Агар заводда тартиб ўрнатиб, технология интизомига қатъий риоя қилинганида, маҳсулот сифати учун масъулият оширилганда эди, иш бунгача бориб етмасди. Тошкент тамаки фабрикасида ҳам худди шундай аҳволни кўрамиз. Фабрика кейинги уч йил ичида ўз маҳсулотларини 15 миллион сўмлик кам етказиб берди.

Болаларбоп ва даволаш озуқалари ишлаб чиқариш масаласи ҳам кескин бўлиб турибди. Республикада ресурслар жуда етарли бўлгани ҳолда мева-сабзавот пюреси, шарбатлар, қоришмалар, майда-майда қадоқланган сут маҳсулотлари, шунингдек беморларнинг овқатланишига мўлжалланган маҳсулотлар — нон-булка ва кондитер маҳсулотлари, сабзавот ва мева консервалари, шарбатлар ғоят кам миқдорда тайёрланмоқда. Бу ҳол ҳаққоний равишда харидорларнинг, айниқса уруш ва меҳнат инвалидларининг шикоятларига сабаб бўлмоқдаки, уларнинг талаб-эҳтиёжлари ҳақида биз доимо ғамхўрлик қилишимиз лозим.

Ип газламалар етказиб бериш планларининг бажарилмаётганлиги ташвишга солмоқда. Ўнинчи беш йиллик мобайнида енгил саноат корхоналари савдога ип газламаларни 200 миллион метр миқдорида кам бердилар, бу эса республиканинг бир йиллик бозор фондига тенгдир. Фақат 1980 йилнинг ўзида 18 миллион метр чит, 3 миллион метр сатин, 6 миллион метр ички кийимбоп ва 5 миллион метр кўйлакбоп газламалар кам етказиб берилди. Тошкент тўқимачилик комбинати айниқса қониқарсиз ишламоқда. У шу йилнинг биринчи кварталидаёқ қарийб 2,5 миллион метр газламани кам берди.

Ўзбекистон Енгил саноат министрлиги корхоналари республиканинг ички бозорига пойабзал етказиб берувчи асосий корхоналардир. Гарчанд ишлаб чиқариш планини улар умуман бажарсалар-да, ассортиментнинг тез-тез бузилишига йўл қўядилар. Чунончи, 1980 йилда савдо 345 минг жуфт хром пойабзалини, 108 минг жуфт аёллар ёзги туфлиларини, 156 минг жуфт ўғил болалар сандалетларини, 347 минг жуфт матодан ишланган ёзги туфлилар ва ярим ботинкаларни кам олди. Айни чоқда мазкур корхоналар савдо буюртмаси бўлмагани ҳолда пойабзал ишлаб чиқаравердилар, бунинг оқибатида унинг норматив-дан ортиқ запаслари кўпайиб кетди, чунки у харидорларнинг талаб-эҳтиёжларига яхши жавоб бермайди.

Бундай фактлар савдонинг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарига, айниқса ҳажм ва ассортимент бўйича моллар етказиб бериш юзасидан шартномаларни бажариш, қўшимча товар ресурсларини излаш масалаларида етарлича таъсир кўрсатмаётганлигидан далолат беради. У ёки бу товарларни ишлаб чиқаришни планлаштириш ҳамда уларни етказиб бериш юзасидан мажбуриятларни бажариш ҳали савдога, истеъмолчи талаб-эҳтиёжларига жуда маҳкам

боғлиқ қилиб қўйилмаган, буни эса биздан партия ва ҳукумат муттасил талаб қилади.

КПСС XXVI съездида, кўплаб ишлаб чиқариладиган моллар турини кенгайтиришгина эмас, балки уларнинг сифатини яхшилаш ҳам партиянинг халқ фаровонлигини ошириш борасидаги ишларида биринчи даражали аҳамият касб этади, деб таъкидланди. Афсуски, республикамиз корхоналари ишлаб чиқараётган кўпгина худди ана шу хил товарлар ҳозирча замон талабларига жавоб бермаётир. Масалан, 1980 йилда улгуржи базалар текшириб чиққан трикотаж ва тикувчилик буюмларининг 20 процентдан 26 процентигача брак қилинган. Бу йил ҳам аҳвол бундан яхши эмас: брак 15—20 процентни ташкил этади.

Бугунги кунда масала мана бундай тахлитда турибди: паст сифатли маҳсулот чиқараётган кишиларгина эмас, балки харидорларнинг норозилигига қарамай, бундай маҳсулотни қабул қилиб оладиган ва сотадиган кишилар ҳам қатъий жавобгарликка тортилишлари лозим. Бу ҳол савдо ходимларидан заявкалар ва заказлар аҳволи устидан контролни кучайтиришни талаб этади. Бу борада ҳозирча хато ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда, бу эса нормативдан ортиқ, сўнгра бозори касод ва ётиб қолган товар запасларининг кўпайишига, шунингдек айрим буюмлар хилининг етишмаслигига олиб келади. Шунинг учун ҳам харидорлар талабини синчиклаб ўрганиб бориш ва фақат шу асосдагина саноатга буюртмалар бериш зарур.

Республикамиз савдоси олдига қўйилган вазифаларни муваффақият билан адо этиш учун ўн биринчи беш йилликда тармоқнинг моддий-техника базасини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш зарур бўлади. Шуни айтиш керакки, тўққизинчи беш йилликда Ўзбекистонда чакана савдо корхоналари шохобчаларининг ўсишига эришилганлигига қарамай, норма 185 квадрат метр бўлгани ҳолда ҳар 1000 аҳолига 112 квадрат метр савдо зали майдони тўғри келади. Биз омбор бинолари, холодильник сиғимлари билан, картошка ва сабзавот омборлари билан етарлича таъминланмаяпмиз. Шу сабабли биз кўп қуришимиз керак. Ҳозирги беш йилликда республика Савдо министрлиги бўйича капитал маблағлар 121,2 миллион сўмни ташкил этади, шу жумладан 54,4 миллион сўм қурилиш-монтаж ишларига сарфланади. Бу, албатта, етарли эмас. Шу боисдан биз бундан буён ҳам Давлат банки ва Қурилиш банки ссудаларидан (йилига қарийб 20 миллион сўм) кенг фойдаланиш ниятидамиз.

Савдонинг моддий-техника базасини ривожлантириш имкониятлари янги-янги объектлар қуриш билангина тугамайди. Биз ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ишларини давом эттиравермиз. Ўтган икки йил ичида ана шу йўл билан уларнинг савдо майдончаларини анча кенгайтиришга, магазинлар, ошхоналар, кафеларнинг одамларга хизмат қилиш қобилиятини оширишга муваффақ бўлинди. Масалан, Тошкент Бош универсал магазини реконструкция қилингандан кейин унинг савдо майдончаси деярли минг квадрат метрга кенгаядики, бу янги битта йирик магазин қуриш билан баравардир. Айни чоқда янги объектлар қуришга нисбатан харажатлар 30 процентдан ва ундан ҳам кўпроқ қисқаради.

Кейинги вақтларда савдони комплекс рационаллаштиришга тобора катта аҳамият берилмоқда. Бу тадбир фан ва техника ютуқларини, прогрессив технология, меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришни, шунингдек илғор тажрибани жорий этиш негизида, айни чоқда ҳам савдонинг ўзидаги, ҳам халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг корхоналари, министрликлари ва идораларидаги молиявий, моддий меҳнат ресурсларидан ғоят самарли фойдаланган ҳолда аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг воситалари, форма ва методларини такомиллаштириш жараёнидан иборатдир.

Бундай комплекс рационаллаштиришнинг биринчи босқичи министрлигимиз томонидан ишлаб чиқилган савдони бошқаришнинг бош схемаси бўлдики, уни республика ҳукумати тасдиқлади. Бу схема ташкилий структурани систсмалаштиришни, бир хилдаги ишни бажарадиган савдо ташкилотларининг сонини максимал даражада қисқартиш ва уларни йириклаштиришни, товарлар ҳаракатидаги кўп бўғинлиликни бартараф этишни ўз ичига олади. Бош схемани жорий этиш меҳнатни ташкил этишни, раҳбарлик услуби ва методларини яхшилашга, ҳар бир бошқарув органининг ва ҳар бир ходимнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришдаги масъулиятини янада аниқроқ қилиб белгилашга ёрдам беради.

Ҳозирги пайтда савдони комплекс рационаллаштириш планлари ўн биринчи беш йилликка мўлжаллаб областлар бўйича ишлаб чиқилмоқда. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижрокоми қошида савдони комплекс рационаллаштириш бўйича доимий координациялаш кенгашлари ташкил этилмоқда.

Замонавий савдо-технология асбоб-ускуналари билан таъминлаш савдо хизмати кўрсатишни муттасил такомиллаштириб боришнинг муҳим шартидир. Ҳозирги вақтда республика Савдо министрлиги системасига қарашли корхоналар сотувчилар, ошпазлар, омбор ходимлари меҳнатини енгиллаштирувчи, тез бузиладиган маҳсулотларнинг яхши сақланишини таъминловчи, савдо хизмати маданиятини оширувчи механизм ва агрегатларнинг кўп турлари билан жиҳозланган.

Аммо чакана савдо корхоналарида меҳнатни механизациялаш даражаси ҳали ҳам паст. Шу сабабли ҳозирги пайтда меҳнатни механизациялаш ва илмий асосда ташкил этиш ишларини кучайтириш муҳим вазифалардан биридир. Жумладан, бу йил ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазинларида тара-ускуналарнинг ўзидан товарларни сотиш ва сақлаш учун якка ва марказий тартибда совуқлик билан таъминланган 30 комплекс холодильник ускуналарини жорий этиш мўлжалланган. Бешта автоматлаштирилган умумий овқатланиш корхонаси, 10 та комплекс овқатларни ҳисобга олиш ва сотиш комплект системалари яратилади. Ҳар бир йирик саноат корхонасида, қурилишда озиқ-овқат ярим фабрикатларини ва кондитер маҳсулотларини сотиш магазинларига эга бўлиш, буюртмалар столи очиш мақсад қилиб қўйилган.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди аҳолига маданий хизмат кўрсатишни қатъият билан юксалтириш, унинг талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш вазифасини қўйди. Маълумки, айрим товарлар билан таъминлашдаги узилиб туришлар кўп жиҳатдан объектив қийинчиликлар билан боғлиқ, аммо бу ҳол товар билан таъминлаш ташкилотларининг уқувсизлигини, баъзан эса масъулиятсизлигини, магазинлар, ошхоналар, ресторанлар ишидаги камчиликларни асло оқламайди. Совет савдоси қонун-қоидаларини бузадиган, харидорлар билан қўпол муомалада бўлишга йўл қўядиган баъзи бир сотувчиларнинг интизомсизлигини ҳеч қандай баҳоналар билан оқлаб бўлмайди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида бундай деди: «Биз гап юритаётган нарсалар — озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, хизмат кўрсатиш соҳаси — миллион-миллион кишиларнинг кундалик турмуши масалаларидир. Магазин, ошхона, кир ювиш хонаси, кийимларни химиёвий тозалаш корхонаси — бу ерларда одамлар ҳар куни бўлишади. Улар нима харид қилишлари мумкин? Уларни қандай кутиб олишади? Улар билан қандай муомалада бўлишади? Улар ҳар хил рўзғор ташвишларига қанча вақтларини сарфлашяпти? Одамлар бизнинг ишимиз ҳақида кўпроқ ана шу масалалар қай даражада ҳал этилаётганига қараб фикр юритишади. Ҳа, қатъий талаб-

чанлик билан фикр юритишади. Буни ёдда тутмоқ керак, ўртоқлар». Бу сўзлар биринчи навбатда биз савдо ходимларига қарата айтилган сўзлар. Гап меҳнат коллективларидаги тарбиявий иш учун, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш учун савдо ташкилотлари раҳбарларига нисбатан талабчанликни ошириш ҳақида боради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бизнинг министрлигимизнинг савдони аҳволи ва кадрлар билан ишлаш ҳақидаги ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб туради. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов аҳолининг маданий турмуш даражасини ошириш республика Кенгашининг мажлисида сўзлаб, шуни таъкидладики, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш — умумпартия, умумдавлат ишидир. Бу вазифани ҳал қилиш — партия XXVI съезди кўрсатмаларини амалга оширишда янги-янги муваффақиятларга эришиш демакдир.

Савдо — бу фақат иқтисодий тармоқгина бўлиб қолмай, балки чуқур социал, психологик соҳа ҳамдир, чунки товар обороти планларининг бажарилиши тамомила унинг аҳволига боғлиқ, харидорларнинг кайфияти, улар меҳнатининг унумдорлиги ва сифати эса ҳар бир савдо ходимига боғлиқдир. Ана шунинг учун ҳам кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Кейинги йилларда тармоқ малакали кадрлар билан анчагина мустаҳкамланди. Ҳозирги кунда республика Савдо министрлиги системасида ўн минглаб киши ишламоқдаки, уларнинг 62 процентдан кўпроғи хотин-қизлар ва деярли 40 проценти 29 ёшгача бўлган йигит ва қизлардир. Партия ва комсомол қатлами йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Раҳбар ходимларнинг 78 проценти — олий маълумотли ва 14 проценти ўрта махсус маълумотли мутахассислардир.

Савдо министрлиги Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети билан биргаликда савдо ташкилотлари ва корхоналарида меҳнат қилаётган ёшлар билан тарбиявий ишни яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқди. Республика ЛКСМ Марказий Комитети комсомолнинг савдога оталиғини кучайтириш чора-тадбирларини белгилаб чиқди. Кўпгина умумий таълим мактабларида юқори синф ўқувчиларига касб танлаш ишида ёрдам кўрсатилмоқда.

Тармоқда мураббийлик бетўхтов ривожланиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш маданияти юксалмоқда, республика ва Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида фахрли ўринларни эгаллаган бригадалар, сменалар, магазинлар, умумий овқатланиш корхоналари, савдо бошқармалари ва трестлари сони кўпайиб бормоқда. Чунончи, ўнинчи беш йиллик якунларига кўра Ўзбекистон давлат савдоси ходимларининг катта бир группаси ССР Иттифоқи орден ва медалларига сазовор бўлдилар. Кўп корхоналар ва ташкилотларнинг коллективлари кўчма Қизил байроқлар, фахрий ёрлиқлар, дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Тармоқ ходимларининг кўпчилиги социалистик мусобақада, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун ҳаракатда қатнашиб, юксак натижаларга эришмоқда. 1981 йилнинг дастлабки беш ойи ичида Ўзбекистон давлат савдоси системаси бўйича асосий кўрсаткичлар ошириб бажарилди.

«Савдо» тармоғи катта иш тажрибаси тўплаб, ўн биринчи беш йилликка қадам қўйди. Савдо министрлиги, жойлардаги бошқарув органлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг қарорларини амалга ошириш юзасидан ўз фаолиятларини авж олдирмоқдалар. Партия ўз олдиларига қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун савдо ходимларида барча имкониятлар бор.

ИККИЛАМЧИ РЕСУРСЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

В. АНДРЕЙЧЕНКО

МАМЛАКАТИМИЗ халқ хўжалигининг жуда катта ва тобора ошиб борувчи кўламлари моддий ресурсларни ғоят катта ва тўхтовсиз ўсиб борадиган миқдорда жалб қилишни тақозо этади. Шуни айтиш кифояки, Ўзбекистон индустриясида хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергия учун кетган сарфлар 1978 йилда ишлаб чиқариш харажатларининг умумий структурасида 86 процентни, шу жумладан енгил саноатда 94 процентни ташкил қилди.

Бирламчи ресурслардан фойдаланишни яхшилаш ва иккиламчи ресурсларни ишлаб чиқариш оборотига мумкин қадар кўпроқ жалб қилиш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлларидан биридир. Масалан, агар Ўзбекистонда моддий ишлаб чиқариш соҳасида моддий сарфларни бир процент камайтириш 1965 йилда 64,8 миллион сўмга тенг бўлган, 1975 йилда 95,9 миллион сўмга тўғри келган бўлса, ҳозирги вақтда у 115 миллион сўмдан ошиб кетди.

КПСС XXVI съезди иқтисодий тежамкорлик халқ хўжалигини ривожлантириш ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти сифатида зарур деб кўрсатди. Шу билан бирга моддий, меҳнат, молиявий ресурслар ҳамда табиий бойликлардан оқилона ва самарали фойдаланишга, унумсиз чиқимларни ва ҳар хил нобудгарчиликларни бартараф қилишга алоҳида эътибор берилади. КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ҳамда хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида (1979 йил июль) «ижтимоий ишлаб чиқаришни тинмай юксалтириш фақат табиий хом ашёдангина эмас, балки ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларидан ҳам оқилона фойдаланиш проблемаси билан чамбарчас боғлиқдир», деб таъкидланган.

Кенг маънода олганда иккиламчи моддий ресурслар жумласига фан ва техника тараққиётининг ҳозирги босқичида халқ хўжалигида фойдаланилиши ва бунда тегишли иқтисодий фойда бериши ёки экологик масалаларни ҳал қилишда қатнашиши мумкин бўлган чиқиндилар киради.

Саноатнинг кўпгина тармоқларида бирламчи хом ашёни иккиламчи хом ашё билан алмаштириш техникавий жиҳатдан деярли ҳамиша мақсадга мувофиқ ва иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Масалан, макулатурадан тайёрланган қоғоз ва картоннинг таннархи янги толали материаллардан (целлюлоза ва ёғочдан) тайёрланган қоғоз ва картонникидан ўртача ҳисобда 50 процент пастдир. Қоғозга айлантириладиган макулатуранинг ҳар бир тоннаси целлюлоза ва ёғоч массаси тайёрлаш учун сарфланадиган 4 кубометрга яқин ярокли ёғочни ҳамда 1000 ки-

ловатт-соатга қадар электр энергияни тежаб қолиш имконини беради. Бир тонна макулатура 750 килограмм қоғоз ёки 25 минг дона ўқувчилар дафтари тайёрлаш учун етарлидир.

Пахта хом ашёсини қайта ишлашда чиқитга чиқадиган толали чиқиндилар — ўлик ва момиқдан ҳар хил номдаги 200 га қадар буюм, шу жумладан нотўқима ва қоплама материаллар, целлюлоза-қоғоз буюмлари, лимон кислота, глюкоза, целлюлоза олиш, целлюлоза асосида эса пластмассалар, пленкалар, елим, лаклар, ацетат ва вискоза тола ва кўпгина бошқа нарсалар тайёрлаш мумкин. 1978 йилнинг ўзидагина мамлакатимизда СССР Госснаби органлари тайёрлаган 600 минг тоннага яқин тўқимачилик чиқиндиларидан фойдаланиш халқ хўжалиги учун 240 миллион сўм фойда олиш ва 400 минг тоннадан кўпроқ бирламчи хом ашёни тежаб қолиш имконини берди.

Иккиламчи хом ашёдан фойдаланиш афзалликлари бирламчи ресурсларнинг тежалиши билангина чекланмайди. Тажрибанинг кўрсатишича, иккиламчи хом ашё асосида ташкил қилинган ишлаб чиқариш атроф муҳитга камроқ негатив таъсир кўрсатади, ҳолбуки бирламчи моддий ресурсларни қайта ишлашнинг тўла технологик цикли атмосфера ва гидросферага зарарли моддалар чиқарилиши билан боғлиқдир. Баъзи маълумотларга кўра инсоният ҳар йили атроф муҳитга унга хос бўлмаган, аксари ҳолларда эса антагонистик моддий элементларни чиқаради, бу элементлар ер куррасидаги аҳоли жон бошига ўртача ҳисобда 3,5 тоннадан 7 тоннагача тўғри келади, шуларнинг 3—6 тоннаси кончилик, металлургия ва энергетика саноати чиқиндилари, 0,2—0,6 тоннаси бошқа хил саноат чиқиндилари ва 0,2—0,4 тоннаси рўзғор чиқиндиларидир. Инсоннинг табиатга интенсив таъсир кўрсатаётганлиги атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар комплексини амалга оширишни талаб қилмоқда, улар шунинг учун ҳам зарурки, тахминий ҳисобларга кўра 2000 йилга бориб зарарли ташландилар миқдори икки баравар ортади.

Ана шундай тадбирлардан бири — иккиламчи ресурсларни хўжалик оборотига кенг жалб қилишдир. Бироқ чиқиндиларни йиғиш, дастлабки қайта ишлаш ва утилизация қилиш базаси заиф эканлиги ушбу вазифани тўла ҳажмда бажариш имконини бермайди. Ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилинаётган жамики хом ашё миқдори тўғрисида аниқ маълумотлар йўқлигини амалий ишимиздаги қандайдир етишмовчилик деб бўлмайди. Бу кўпроқ тарихан вужудга келган шароитлар оқибатидир, ушбу шароитлар шундан иборатки, яқин вақтларга қадар инсон иккиламчи хом ашёни қайта ишлашга маблағ сарфлаб ўтиргандан кўра янги хом ашё тайёрлаш арзонроққа тушади, деб ҳисоблаб табиий ресурсларни эксплуатация қилиб келди ва бунда уларнинг Ердаги запаслари чексиз эмаслиги тўғрисида ўйламади ҳам. Натижада кўпгина табиий ресурслар (жумладан бир қатор рангли ва қимматбаҳо металлар) ҳозирги юз йиллик чегарасидаёқ тугаб қолиш ёқасида турибди, атроф муҳитда инсон интенсив фаолиятининг салбий таъсири оқибатларининг тўпланиши эса йўл қўйилиши мумкин бўлган сўнгги даражага деярли етиб қолди.

Иккиламчи хом ашёни йиғиш ва утилизация қилиш (фойдаланиш)ни кўпайтириш проблемасини ҳаётнинг ўзи олдинга сурмоқда, чунки ҳозирги технология ва ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ривожланиши шароитида унинг кўламлари жуда катта миқдорларга етмоқда. Шунинг учун саноат ва рўзғор чиқиндиларидан иккиламчи фойдаланиш ҳисобига уларни хўжалик оборотига жалб қилиш ресурслар потенциалини кенгайтиришнинг зарурий шарти бўлиб қолмоқда.

Технологиянинг нисбатан такомиллашмаганлиги ва хом ашёнинг нокомплекс равишда қайта ишланиши, шунингдек ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ўзининг дастлабки истеъмол хосса-

ларини йўқотиши орқасида уларнинг оборотдан чиқиб қолиши ана шундай чиқиндиларни вужудга келтирувчи манбалардир. Келгусида фан-техниканинг юксак суръатлар билан тараққий қилиши, технологик жараёнларнинг такомиллашуви ва кўпгина хом ашё турларининг комплекс равишда қайта ишланиши шунга олиб келадики, саноат чиқиндилари миқдори нисбатан камая боради; шу билан бирга индустриал ишлаб чиқаришнинг анча ўсиши чиқиндиларнинг умумий миқдори кўпайишига олиб келади. Рўзғор чиқиндиларига келсак, аҳолининг кўпайиши ва унинг саноат молларини истеъмол қилиши кенгайиши туфайли, уларнинг миқдори тўхтовсиз орта боради. Ана шу муҳим ҳолатлар иккиламчи ресурслардан оқилона фойдаланиш проблемасини халқ хўжалигининг муҳим вазифаларидан бири сифатида олдинга сурмоқда, бу нарса СССР Министрлар Советининг «Халқ хўжалигида иккиламчи хом ашёдан фойдаланишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида (1980 йил март) кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон шароитида енгил саноатнинг тегишли тармоқлари ишлаб туриши натижасида, шунингдек аҳоли томонидан фойдаланилган тайёр буюмларнинг муомаладан чиқиб қолиши туфайли вужудга келадиган тўқимачилик саноатининг иккиламчи ресурсларига алоҳида эътибор берилиши керак. Ўзбекистоннинг ҳозирги енгил саноати ўз кўламлари ва ривожланиш даражасига кўра йирик тармоқ ҳисобланади: республикада ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотининг салкам 40 проценти унинг ҳиссасига тўғри келади. Келгусида Қарши, Жиззах ва Сурхон-Шеробод даштларида янги ерлар ўзлаштирилиши, шунингдек қишлоқ хўжалигининг интенсивлаштирилиши туфайли техникавий хом ашё ресурслари анча кўпаяди, бу эса енгил саноатнинг ривожланиш суръатларини жадаллаштиради. Унинг тармоқ структураси такомиллаштирилиши аҳолининг ялпи истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш ва иккиламчи хом ашёдан буюмлар ишлаб чиқариш учун унинг катта потенциал ресурсларини вужудга келтириш имконини беради. Бинобарин рўзғор чиқиндиларининг ҳажми ва уларнинг структураси республикада аҳоли сонининг тез суръатлар билан ўсишига ҳамда саноат товарларининг истеъмол қилиниши нормаларига ва уларнинг структурасига бевосита боғлиқ бўлади. Бундан ташқари шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, яқин 10—12 йил ичида меҳнаткашларнинг даромадлари анча ошади, уй-жой шароити яхшиланади, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси кенгаяди, шаҳарлар янада интенсивроқ ривожлана бошлайди.

Ўзбекистонда иккиламчи хом ашёни ишлаб чиқаришга энг кўп жалб қилиш саноатда ва аҳоли орасида вужудга келадиган чиқиндиларни тўла тайёрлашни таъминлайдиган шароитларни вужудга келтириш билан боғлиқдир. Ҳозирги вақтда тўқимачилик саноати иккиламчи ресурсларини амалда тайёрлаш даражаси имконият даражасидан анча пастдир. Масалан, 1978 йилги маълумотларга кўра енгил саноатнинг турли тармоқларидаги чиқиндилар ҳажми 115 минг тоннани, аҳоли орасида эса 60 минг тоннани ташкил қилди, шундан тайёрланганини ва фойдаланилгани 67 минг тонна ва 13 минг тоннага, яъни мавжуд ресурсларнинг салкам ярмисига тенг бўлди.

Тўқимачилик соҳасида иккиламчи хом ашё тайёрлаш даражасининг пасайишига таъсир этувчи омиллардан бири тайёрлаш тармоғининг суст ривожланганлиги ва унинг Ўзбекистон территориясида ҳаддан ташқари нотекис жойлашганлигидадир. Аслида бу тармоқ Тошкент шаҳри ва Тошкент областида жамланган бўлиб, бу ерда унинг ҳиссасига бутун республикада тайёрланадиган иккиламчи хом ашёнинг 60 проценти тўғри келади.

Ўзбекистонда иккиламчи хом ашё тайёрловчи асосий база «Ўзбеквторсирьё» бўлиб, ҳар йили унинг пунктларига 70 минг тоннадан кўп-

роқ ҳар хил чиқиндилар келиб тушади. Бу чиқиндиларнинг умумий ҳажмида тўқимачилик иккиламчи хом ашёсининг улуши вазн ўлчовида 20 процентдан кўпроқни ташкил қилади, қиймат жиҳатидан эса салкам 70 процентга боради. Бу шуни кўрсатадики, барча иккиламчи хом ашё турлари орасида тўқимачилик иккиламчи хом ашёси энг фойдалидир. 1978 йилда 18,5 минг тонна шундай хом ашё тўпланди, халқ хўжалигига 4 миллион сўмлик топширилди. Республика корхоналарида мазкур хом ашёдан кўп миқдорда хилма-хил маҳсулотлар тайёрланди. Масалан, «Узбеквторсирьё» трестининг «Труд» фабрикасида 600 минг квадрат метрга яқин линолеум тагига ёпиштириладиган иссиқлик ва товушни изоляцияловчи материал, 3 минг тоннадан кўпроқ артиниш (сочиқ) материаллари, 3,5 минг тонна қурилиш лоси ва 6 миллион сўмликдан кўпроқ бошқа хил буюмлар ишлаб чиқарилди.

Иккиламчи хом ашё тайёрлашнинг ўсишига бир қатор тадбирлар кўп жиҳатдан ёрдам берди: тайёрлаш ташкилотларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди; «Ўзбекистон ССРда саноат чиқиндиларидан фойдаланиш тўғрисида Низом» амалдадир, республика Марказий статистика бошқармаси иккиламчи хом ашё ҳосил қилиш ва уни истифода этиш тўғрисида ҳисоб-китоб жорий қилди. Бироқ, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, уни тайёрлаш, айниқса аҳолидан йиғиб олиш даражаси ҳамон паст бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, иккиламчи ресурслар ҳажми тўхтовсиз ошиб бормоқда. Бутуниттифоқ иккиламчи ресурслар институти (ВИВР)нинг тавсияларига мувофиқ қилинган ҳисобларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда, масалан, тўқимачилик чиқиндилари миқдори келгусида 300 минг тоннага етади. Бинобарин, иккиламчи ресурсларни тайёрлаш ва қайта ишлашнинг ўсиши билан бир вақтда унинг моддий-техника базаси илдам суръатлар билан янада кенгайиб бориши керак.

Тўқимачилик соҳасининг иккиламчи ресурсларидан у ёки бу йўналишда фойдаланиш ҳозирги босқичда ва келгусида кўпгина омилларга боғлиқдир. Ана шу омилларни ҳисобга олганда ва республикамиз эҳтиёжларини назарда тутганда тикувчилик буюмлари (костюмлар, пальтолар ва ҳоказо) тайёрлаш учун прокладка (қўйма) материаллар, саноатнинг турли тармоқлари — тикувчилик, мебель ва бошқалар учун ҳар хил вата турлари, тара-ўров материаллари, ип газламадан тайёрланган ватин, артиниш материаллари, линолеум тагига ёпиштириладиган иссиқлик ва товушни изоляцияловчи асослар, пол қопламалари, герметизацияловчи материаллар, жумладан, қурилиш лоси ва синтетик зичлаштирувчи чилвир ишлаб чиқариш, шунингдек ўзлаштирилган технологик жараёнларда ва ширпотреб цехларида иккиламчи тўқимачилик материаллари улушини кўпайтириш республикамизда тўқимачилик иккиламчи хом ашёсидан фойдаланишнинг перспектив йўналишлари ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон химия саноати ўзининг целлюлозага бўлган бутун эҳтиёжини мамлакатнинг бошқа районларидан ташиб келтириш ҳисобига қопламоқда, ваҳоланки пахта тозалаш саноати чиқиндиларининг миқёслари ва замонавий технология уни шу жойнинг ўзида ишлаб чиқариш имконини беради. Бунинг қанчалик фойдали экани қуйидаги мисолда кўриниб турибди: пахта тозалаш саноати чиқиндилари таркибида 90 процентга қадар целлюлоза бўлади. Ҳолбуки, энг яхши ёғоч атиги 50 процент целлюлозага эга. Намангандаги эфир мойлар комбинатини целлюлоза билан таъминлаш ва шунингдек Фарғонадаги азотли ўғитлар заводида триацетилцеллюлоза ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун пахтадан целлюлоза ишлаб чиқаришни ташкил қилиш натижасидагина пахта тозалаш саноатининг 67 минг тоннага қадар толали чиқиндиларидан, шу жумладан, 35 минг тонна

ўлик толадан, 3 минг тонна регенерацияланган толадан ва 29 минг тонна пахта момиғидан фойдаланиш мумкин бўлади.

Кўпгина илмий-тадқиқот институтларининг чиқарган хулосаларига кўра тўқимачилик материаллари тайёрлашнинг нотўқима усули ҳам чиқиндиларни истифода қилиш учун катта имкониятлар очиб беради. Масалан, регенерацияланган толадан ўров материаллари, пойабзал патаклари, ошхона ассортиментига кирувчи газламалар, пайпоқлар, одеяллар ва ҳоказо ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Бундан ташқари, ушбу толадан гиламлар ва гилам буюмлар, мебелларга қопланадиган полотнолар, болалар кийимлари учун материаллар ва шу кабилар ишлаб чиқаришда дастлабки хом ашё билан аралаштириб фойдаланиш мумкин.

Газламалар, ички трикотаж, пайпоқ буюмлари ва бошқа баъзи бир хил молларни келгусида мўлжалланган ҳажмда ишлаб чиқаришни таъминлаш учун Ўзбекистон тўқимачилик саноати 250 минг тонна чамасида бирламчи ресурслардан фойдаланиши керак, бундай ресурсларни республика тўла миқдорда ололмаслиги ҳам мумкин. Шу муносабат билан уни қисман регенерацияланган тола билан алмаштириш имконини берадиган тадбирлар ишлаб чиқилиши керак.

Ўзбекистоннинг иккиламчи тўқимачилик ресурсларидан фойдаланиш юқорида айтилган йўналишлар билангина чекланиб қолмайди. Бу йўналишлар анча кўпдир, шунинг учун иқтисодий район, республика ёки мамлакатнинг айрим маҳсулот турларига бўлган эҳтиёжига қараб мазкур йўналишлар ўзгартирилиши мумкин.

Иккиламчи тўқимачилик ресурсларини энг кўп тайёрлашни йўлга қўйиш учун унинг моддий-техника базасини жадал суръатлар билан ривожлантириш таъминланиши керак, бу база ишлаб чиқариш-тайёрлаш, саралаш ҳамда иккиламчи ресурслардан пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни ўз ичига олади. Келгусида иккиламчи тўқимачилик ресурслари ҳажми муқаррар суратда ортиб боришини ва шу муносабат билан мазкур ресурслардан ишлаб чиқариш-техника буюмлари ҳамда рўзғор ашёлари тайёрлашнинг прогрессив технологиясини ишлаб чиқиш зарур эканини ҳисобга олиб, республиканинг турли шаҳарларида «Узбеквторсирьё» трестининг «Труд» фабрикаси типидаги 9 та янги корхона, шунингдек пахта целлюлозаси комбинати қуриш мақсадга мувофиқдир, юқорида кўрсатиб ўтилган ресурслар ушбу корхоналар учун хом ашё базаси хизматини ўтайди. Бу эса (ҳатто комбинат мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам, лекин ҳозирда ишлаб турган «Труд» фабрикасининг маҳсулоти билан биргаликда) келгусида ялпи маҳсулот ҳажмини 101 миллион сўмга қадар, яъни қарийб 30 баравар ошириш имконини беради.

Иккиламчи ресурсларни қайта ишлаш корхоналарини қура бошлаш учун келгуси йилларда 48 миллион сўм талаб қилинади. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, сарфланган капитал маблағларнинг ҳар бир сўми ҳисобига олинадиган фойда икки баравар ортади. Шуни ҳам айтиш керакки, 1990 йилдан кейин корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш туфайли ишлаб чиқариш самарадорлиги кескин ошади (бу корхоналарнинг ўзи 1986 йилдан 1990 йилгача бўлган даврда ишга туширилади).

Юқорида тавсия қилинган номенклатурадаги буюмларни ишлаб чиқаришда бирламчи тўқимачилик хом ашёсини иккиламчи хом ашё билан алмаштириш келгусида 1980 йилдаги 6,5 миллион сўм ўрнига 80 миллион сўмни тежаш имконини беради.

СССР Министрлар Советининг «Халқ хўжалигида иккиламчи хом ашёдан фойдаланишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун Ўзбекистоннинг регионал шароитида чуқур илмий тавсиялар ва амалий тадбирларни

ишлаб чиқиш талаб этилади. Булар асосан қуйидагилардан иборат:

Биринчи. Планлаштиришни, иккиламчи ресурсларни, хусусан тўқимачилик ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий, социал ва бошқа нормативлар системасини белгилаб олиш билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу нормативлар республика миқёсида ва айрим территорияларда иккиламчи тўқимачилик ресурслари балансини тузишга асос қилиб олиниши керак. Бу ишга республикадаги илмий-тадқиқот институтлари ва ҳисоблаш марказларини жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Иккиламчи ресурсларни планлаштириш ва ҳисобга олиш ҳамда область балансларини ишлаб чиқиш учун область ва шаҳар план комиссияларида махсус звенолар ташкил қилиниши керак.

Иккинчи. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг шу йўналишдаги фундаментал ва татбиқий тадқиқотларини кенг қулоч ёйдириш асосида иккиламчи ресурсларни, аввало қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини қайта ишлашнинг қўшимча имкониятларини излаб топиш, шунингдек иккиламчи хом ашёдан ишлаб чиқариладиган маҳсулот номенклатурасини кенгайтириш мақсадида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан республикада пахтачилик, пиллачилик, лубкорлик ва ҳоказо чиқиндиларидан фойдаланишга асосланган технологик жараёнларни ишлаб чиқиш учун ВИВР филиалини ташкил этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчи. Иккиламчи тўқимачилик ресурсларини вужудга келтиришнинг тавсия этилаётган схемаси ва улардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ушбу ресурсларни тайёрлаш ва фойдаланиш учун керакли моддий-техника базасини ривожлантиришнинг техника-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш йўли билан уларни аниқлаштиришни ҳамда республика территориясида корхоналарни жойлаштиришни, келгусида эса тегишли лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Тўртинчи. Иккиламчи тўқимачилик ресурсларини тайёрлаш ва қайта ишлаш корхоналарини бошқариш системаси қайта кўриб чиқилиши керак. Гап шундаки, ҳозир республикада бу иш билан бир нечта министрлик ва идоралар шуғулланади,- шунинг учун улар фаолиятини уйғунлаштириш зарур. Маҳаллий саноат, бинокорлик материаллари саноати, маиший хизмат кўрсатиш сингари ва бошқа министрликлар ишлаб чиқариш-тайёрлаш ва иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш корхоналарини, саралаш ва ювиш фабрикаларини барпо қилишга биринчи навбатда маблағ йўллашни кўзда тутсалар мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бешинчи. Иккиламчи хом ашё тайёрлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг кенгайтирилиши, ишловчилар сонининг бир неча марта кўпайишига олиб келишини назарда тутиб, ҳунар-техника билим юртларида кадр ишчилар ва енгил саноат техникумларида ўрта звено мутахассисларини тайёрлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш лозим.

Иккиламчи ресурслардан ва тўқимачилик хом ашёсидан оқилона фойдаланиш маҳаллий Советлар, министрликлар ва идоралар томонидан контролни кучайтиришни талаб этади. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган, КПСС XXVI съезди тасдиқлаган Асосий йўналишларида кўрсатилганидек, барча мавжуд ресурслар ва маблағларни қаттиқ тежаш мамлакат халқ хўжалигини янада юксалтиришнинг, совет кишилари фаровонлигини оширишнинг муҳим шарти бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

ИДЕОЛОГИЯ, ФАН, МАДАНИЯТ

ФАННИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН АЛОҚАСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

А. ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг секретари

КПССнинг ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ самарадорлигини юксалтириш йўлини амалга ошириш кўп жиҳатдан фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини янада мустаҳкамлашга боғлиқ. «80-йилларда халқ хўжалиги ривожланадиган шарт-шароитлар,— деб таъкидлади КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездидаги докладида,— фан-техника тараққиёти жадаллаштирилишини яна ҳам кўпроқ зарур қилиб қўяди... Коммунистлар партияси янги жамият қурилишини илм-фансиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди, деган фикрга асосланади».

Фан-техника революцияси ютуқларини социалистик хўжалик системасининг афзалликлари билан узвий равишда бирлаштириш бениҳоя муҳим вазифадир. Ўн биринчи беш йилликда, дейилади СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида, фан ва техниканинг тараққиёти совет жамиятининг иқтисодий ва социал вазифаларини ҳал этишга, экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказишни тезлаштиришга, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга янада кўпроқ даражада бўйсундириш керак, бунда илм-фаннинг роли жуда катта.

КПСС олимлар, мутахассислар, ихтирочилар ва рационализаторларнинг куч-ғайратларини ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан такомиллаштириш ва интенсивлашнинг туб проблемаларини ҳал этишга, механизация ва автоматлашнинг энг янги воситаларини, илғор технологияни ишлаб чиқиш ва жорий этишга, меҳнатни илмий ташкил қилишга қаратмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўнлаб муассасалари, тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари Тошкент областида жойлашган, улар ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг, КПСС иқтисодий ва социал сиёсатининг, янги инсонни вояга етказишнинг актуал проблемаларини тадқиқ этмоқда. Уларда 99 академик ва мухбир аъзоси, 746 фан доктори ва профессор, 8397 доцент ва фан кандидати меҳнат қилмоқда. Область партия комитети, илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг бошланғич партия ташкилотлари шу илмий потенциалдан халқ хўжалигининг катта-катта проблемаларини ҳал этиш, кафедраларнинг ва бошқа ижодий бўлинмаларнинг ишлаб чиқариш коллективлари билан алоқасини мустаҳкамлаш учун максимал фойдаланишга интилмоқдалар.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олимлари салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Чунончи, бултур улар халқ хўжалигининг турли соҳаларига жорий этиш

учун янги техникага ва илғор технологияга доир, автомат бошқарув системаларидан, табиий ресурслардан фойдаланишга доир 723 та таклиф тайёрладилар. Саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари билан алоқани мустаҳкамлашга, илмий ишнинг аниқ мақсадга йўналганлигини кучайтиришга, тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларини жорий этиш муддатларини қисқартиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтда областда комплекс программа, шу жумладан ғўзанинг янги навларини етиштириш ва улардан фойдаланиш билан, республика автомат бошқарув системасини вужудга келтириш билан боғлиқ бўлган 13 та комплекс программа бажарилмоқда. Ўнинчи беш йилликда олимларнинг йилига 1,5 миллиард сўмга яқин иқтисодий наф берадиган 485 та таклифи халқ хўжалигига жорий қилинди.

Фанлар академиясининг муассасаларида ўтга чидамли юксак соф металларни, яримўтказгичларни, алюминий ва магнийнинг енгил қотишмаларини анализ қилишнинг халқ хўжалиги учун жуда муҳим аҳамиятга молик методлари ишлаб чиқилди, уруғлик чигитни калибрлаб, саралаб, дорилаб берадиган агрегатлар билан бирга комплекс линия яратилди, бу эса шу қимматли экин ҳосилдорлигини анча оширишни таъминлайди.

Фанлар академиясининг олимлари мелиоратив системаларни бошқаришнинг автомат системаларини, қувурлар ва новларни шохобчали тарзда қуриш ҳисоб-китобларини ишлаб чиқишга, Ғарбий Ўзбекистонни ва Туркманистон ССРга туташ территорияларни сейсмик жиҳатдан районлаштиришнинг схематик хариталарини тузишга, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг инсон ва атроф муҳит учун ҳеч бир зарарсиз янги самарали воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришга катта ҳисса қўшдилар.

Коммунистик бунёдкорликнинг янги улуғвор вазифалари ижтимоий фанлар соҳасидаги тадқиқотларни кенгайтиришни талаб қилади. Фанлар академияси муассасаларининг партия ташкилотлари олимлар куч-ғайратларини ривожланган социализмнинг туб иқтисодий ва социал проблемаларини ҳамда унинг ўсиб, коммунизмга айланиш қонуниятларини, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш масалаларини ҳал этишга йўналтирмоқдалар. Ўзбекистон ССРни социал-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантириш, колхозчи деҳқонларнинг социал қиёфасини ўзгартириш, техника соҳасидаги зиёлиларга партиявий раҳбарлик қилиш масалаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Экономика институти олимларининг ижтимоий ишлаб чиқариш асосий пропорцияларини яхшилашга, республика қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга оид тадқиқотлари катта иқтисодий наф бермоқда. Иқтисодий қонунлар амал қилишининг регионал жиҳати методологик асосларини ўрганиш, колхоз-кооператив мулкининг умумхалқ мулки билан яқинлашишидаги асосий йўналишларни аниқлаш соҳасидаги ишлар тугалланди.

КПСС МК 1979 йил ноябрь Пленумининг қарорларига, КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорига биноан олимларимизнинг тадқиқотларида капитал маблағларни прогноз қилиш ва Ўзбекистон халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларини ривожлантириш, корхоналарнинг маҳсулот сифатини оширишга ва янги техникани ўзлаштиришга қаратилган фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш мезони ҳамда кўрсаткичлар системасини белгилаш катта ўрин олмоқда. Аҳолини иш билан таъминлашнинг тармоқлар бўйича прогноз қилиш программасини тузиш вазифаси муваффақиятли ҳал этилди.

Фалсафа ва ҳуқуқ, тарих, шарқшунослик, тил ва адабиёт институтларининг партия ташкилотлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида таърифлаб берилган проблемаларни ишлаб чиқишга алоҳида катта аҳамият бермоқдалар. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг совет давлатчилигини вужудга келтириш ва ривожлантириш, жамият, давлат ва шахс манфаатлари бирлигини мустаҳкамлаш, атеистик тарбия, ишлаб чиқариш коллективининг тарбиявий ролини кучайтириш, социалистик турмуш тарзини қарор топтириш масалаларига бағишланган салмоқли тадқиқотлар шундан далолат беради. Мамлакатимизда социалистик миллатлар ва миллий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш жараёнлари, Октябрь революцияси, СССРдаги социалистик ва коммунистик қурилиш, ижтимоий-сиёсий тафаккур ва жаҳон маданияти тарихи муваффақиятли равишда ўрганилмоқда.

Фанлар академияси муассасалари, олий ўқув юртлари ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг комплекс-тармоқ характеридаги муҳим проблемаларни ҳал этишдаги куч-ғайратларини бирлаштиришнинг афзаллигини турмушнинг ўзи яққол тасдиқлади. Шу муносабат билан область партия ташкилоти Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олимларининг мамлакатдаги энг муҳим математика марказлари билан, Дубнадаги ядро тадқиқотлари бирлашган институти, П. Н. Лебедев номидаги физика институти, металл-физикаси, ер физикаси институтлари билан, шунингдек энг катта олий мактаблар — М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, А. А. Жданов номидаги Ленинград Давлат университети, Н. Э. Бауман номидаги Москва олий техника билим юрти билан, Украина, Озарбайжон, бошқа қардош республикалардаги институтлар билан актив ҳамкорлик қилишига алоҳида эътибор бермоқда. Польша, Монголия, Чехословакия ва бошқа социалистик мамлакатларнинг олимлари билан биргаликда муваффақиятли иш олиб борилмоқда.

Комплекс тадқиқотларнинг аниқ ташкил этилиши, техника соҳасидаги ҳамкорликнинг хилма-хил илғор формаларидан фойдаланиш туфайли Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олимлари юксак энергиядан ва космик нурлар физикаси, қуёш энергиясидан, ядро реакцияларидан фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, зилзилаларни электр-магнит усулида текшириш ва прогноз қилиш методикаси, халқ хўжалигига лазер технологиясини жорий этиш ва бошқа кўпгина соҳалардаги катта-катта ишларни илмий жиҳатдан юқори даражада бажармоқдалар. Бу ишлар республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш суръатларини жадаллаштиришда, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, ўнинчи беш йиллик режаларини муваффақиятли бажаришда муҳим роль ўйнади.

Областнинг олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот иши учун жуда катта имкониятлар бор. Бу иш областимизда тобора мустаҳкам позицияларни эгалламоқда: олий ўқув юртларининг партия ташкилотлари ва кафедралари муҳим проблемаларни дадил ўртага қўйиб ҳал этмоқдалар. Чунончи, Тошкент халқ хўжалиги институтининг партия комитети ижодий ходимларнинг бутун диққат-эътиборини республика учун катта аҳамиятга эга бўлган масалаларга қаратмоқда.

Бу институтда илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини оширишнинг изчил йўли шу тадқиқотларни планлаштириш ва ташкил этиш схемасига тузатишлар киритишни, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси янги формаларини қидиришни талаб қилди. Натижада институтнинг ижодий кучлари умуман ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ва ундаги айрим тармоқларнинг самарадорлигини ошириш, экономикада-

ги иқтисодий-математик методлар ва техникавий воситалардан фойдаланиш, ривожланган социализм шароитида ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш каби комплекс проблемаларни ишлаб чиқишга жалб этилди.

Институт парткомининг ташаббуси билан тузилган проблема — координация кенгашлари илмий-тадқиқот ишини яхшилашда муҳим роль ўйнамоқда. Улар шу институт кафедралари, лабораториялари, ҳисоблаш маркази ва бошқа илмий бўлинмалари фаолиятини йўналтириб турибди, тавсиялар тайёрламоқда ва бажариб бўлинган тадқиқотларни жорий қилишни ташкил этмоқда, бошқа олий мактаблар, илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳа ташкилотлари ва ишлаб чиқариш коллективлари билан ижодий ҳамкорлик қилиш масалаларига катта эътибор бермоқда. Жумладан, ҳозирги вақтда меҳнатга коммунистик муносабат проблемалари юзасидан Фалсафа ва ҳуқуқ институти билан, республика саноатини энг мақбул тарзда ривожлантириш ва жойлаштиришнинг иқтисодий-математик моделларини ишлаб чиқиш юзасидан Кибернетика институти билан амалга оширилаётган ва бошқа тадқиқотлар мазкур кенгашларнинг диққат марказида турибди.

КПСС аграр сиёсатини рўёбга чиқариш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини изчиллик билан интенсивлаш, ирригация ва мелиорацияни ривожлантириш, капитал маблағ ҳажми ва сув хўжалиги қурилиши суръатларини кўпайтириш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу муносабат билан Тошкент халқ хўжалиги институтида тузилган капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлигини ўрганувчи проблема лабораторияси фаолияти тобора катта аҳамият касб этмоқда. Институт олимлари бу мавзунинг энг муҳим методологик ва методик мақсадларини бир неча йилдан бери ўрганиб келмоқдалар ва ҳозиргача бу соҳада бир талай резервлар борлигини аниқладилар, сув хўжалиги қурилишини такомиллаштириш, суғоришнинг янги техникасини жорий этиш, суғориш системаларини реконструкция қилиш йўлларини белгиладилар.

Институт мазкур проблемалар юзасидан тўртта Бутуниттифоқ олий ўқув юртлараро илмий конференция ўтказиш ташаббускори бўлди. Бу конференцияларнинг тавсияларини рўёбга чиқариш туфайли сув ресурсларидан тўла-тўкис фойдаланиш, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш мумкин бўлди. Конференциялар материаллари ҳозирги замон шароитида жуда катта аҳамият касб этмоқда. Уларда Сибирь дарёлари оқимининг бир қисмини Қозоғистон ва Ўрта Осиёга буриб юбориш соҳасидаги илмий тадқиқот, лойиҳа ва қидирув ишларини авж олдириш масалалари ҳамда бунинг эҳтимолга яқин экологик ва бошқа оқибатлари муҳокама қилинди.

Мазкур институт ректорати ва парткоми фаолиятининг энг муҳим йўналиши — кафедраларнинг ишлаб чиқариш бирлашмалари, колхозлар ва совхозлар билан алоқасини мустаҳкамлашдан иборат, бу эса илм-фанни бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айлантиришга ёрдам бермоқда. Тобора тез-тез тузилаётган ҳамдўстлик тўғрисидаги комплекс шартномалар олимларнинг диққат-эътиборини меҳнат коллективларини иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантириш, хўжалик механизмининг ҳамма элементларини такомиллаштиришнинг энг муҳим проблемаларига қаратишга кўмаклашмоқда, шунингдек илм-фаннинг моддий негизини анча мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ходимларини олимларнинг фаолиятига кенгроқ жалб этиш, инженер-техник ходимларнинг, айниқса иқтисодчиларнинг малакасини ошириш имконини бермоқда. Бир неча мисол келтирамиз.

Давлат банки Ўзбекистон республика конторасн билан тузилган шартнома асосида халқ хўжалигида кредитнинг ролини ошириш юзасидан қўшма тадқиқотлар, илмий-ишлаб чиқариш конференциялари ва

семинарлар ўтказилмоқда; Тошкент шаҳар ижроия комитетининг молия бўлими билан ҳамдўстликда область саноат корхоналарининг хўжалик фаолияти таҳлил этилди, бюджетдаги ташкилотлар ревизия қилинди, шаҳар молия ходимлари учун туркум лекциялар ўқилди.

Қишлоқ хўжалик экономикаси ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кафедрасининг олимлари Ғалаба районининг колхоз ва совхозларига ҳамда Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозига амалий ёрдам бердилар — улар учун планлаштиришни, нормалашни, моддий рағбатлантиришни, ҳисобот ва ҳисоб-китоб системасини такомиллаштириш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқдилар, шу тавсияномаларга риоя этиш мазкур хўжаликларда ишлаб чиқариш самарадорлигини анча оширишн имконини берди.

Хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ва анализи кафедрасида тузилган иккита махсус комплекс бригада, масалан, Янгийўл ёғ комбинатининг хўжалик-молия фаолиятини анализ қилиб, у ерда моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг, меҳнат унумдорлигини оширишнинг, маҳсулот таннархини камайтиришнинг каттагина ички резервларини аниқладилар.

Беруний номидаги Тошкент политехника институти коллективи олимларнинг ишлаб чиқариш ходимлари билан ҳамкорлиги соҳасида қимматли тажриба орттирди. Шу институтнинг партия комитети корхоналар ва ишлаб чиқариш бирлашмаларининг буюртмаларига мувофиқ хўжалик шартномаси асосида илмий-тадқиқот ишларининг қандай бажарилаётганини, илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида икки томонлама ва уч томонлама шартномалар тузилишини, тармоқ илмий лабораториялари тузилишини ва бошқа кўп ишларни доимо назорат қилиб турибди. Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили ичидагина институт ходимлари ўтказган 184 та тадқиқотнинг натижалари халқ хўжалигига жорий этилди. 23,5 миллион сўмга яқин иқтисодий наф кўрилди. Чунончи, институт академиянинг 25 та ва турли тармоқларнинг 38 та илмий тадқиқот муассасаси билан ҳамда тармоқ министрликларининг 120 тадан кўпроқ ташкилоти ва корхоналари билан илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисида шартномалар тузди. «Тадқиқот — ишлаб чиқиш — саноатда тажриба қилиб синаб кўриш — жорий этиш» схемасига биноан бажариладиган комплекс шартномалар энг кўп самара бераётганини практика кўрсатиб турибди.

Жумладан коллоид химияси кафедрасида сувда эрийдиган полимер реагенти ҳосил қилишнинг янги технологияси ишлаб чиқилди, бу моддадан пармалаш техникасида ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш йилига икки миллион сўмга яқин маблағни тежаш имконини бермоқда. Химиявий ишлаб чиқаришни автоматлаш кафедрасининг коллективи катта-катта химия корхоналарини автомат усулда бошқариш системаларини конструкциялашнинг янги принципларини таклиф этди, бу принципларнинг «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида қўлланилиши уч миллион сўмни тежаб қолди.

Механика-машинасозлик факультетининг кафедра ҳамда лабораторияларида металл қирқиш станокларини рақамли программа асосида бошқарадиган система самарали равишда соддалаштирилиб, такомиллаштирилди. Институт олимлари пахтачиликка мослаштирилган тракторларнинг кабиналари ҳавосини совутиб-тозалайдиган агрегат схемасини ҳам яратдилар, у механизаторларни чанглатилаётган химикатларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилади. Агрегат синовдан муваффақиятли ўтди ва кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ҳам партия ташкилотининг илмий ишга раҳбарликни такомиллаштириш соҳасидаги собитқадам фаолияти яхши самаралар бермоқда. Институт кафед-

ралари кўп йиллардан бери Тошкент тўқимачилик комбинати билан, «Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш-техника бирлашмаси, бошқа ташкилот ва корхоналар билан ижодий алоқа ўрнатган. Бу алоқалар ўзаро фикрлашувларда, янги техника ва технологияни ўзлаштириш, маҳсулот сифатини бошқариш, меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг зарур масалаларини ҳал этишда ўз ифодасини топмоқда. Масалан, ташкил қилиш ва планлаштириш кафедрасида, жумладан, пахта ипини йигириш корхоналарини қайта қуроллантиришнинг энг мақбул иқтисодий вариантини танлаб олиш, тўқув корхоналарида ички хўжалик ҳисобини ташкил этиш билан боғлиқ 8 та мавзу ишлаб чиқилмоқда. Платификация машиналаридан атмосферага чиқариладиган газни тозалаш, хавфсизлик техникасини ривожлантириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан теплотехника кафедраси ўтказаётган тадқиқотлар актуалдир. Тўқимачилик материалшунослиги кафедрасининг ходимлари пахта толаси хусусиятларининг калава ип ва тикувчилик ипи сифатига таъсирини ўрганмоқдалар. Улар деталлар тайёрлашнинг янги технологиясини таклиф этдилар, технология жараёнларини автоматлаштириш учун манипулятор ишлаб чиқмоқдалар ва ҳоказо.

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида илмий-тадқиқот фаолияти соҳасида сезиларли муваффақиятларга эришилди. Институт коллективининг Ўрта Осиё, Олмаота, Ғарбий Қозоғистон ва Приволжье темир йўллари, Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи, шунингдек Ўзбекистон қурилиш ташкилотларининг ходимлари билан ижодий ҳамдўстлиги йил сайин мустаҳкамланмоқда. Институтнинг илмий кучлари сон назариясининг, энергетика принципларининг ҳамда қаттиқ жисмнинг турли хил бузилишлардаги емирилиш жараёнини баҳолашнинг, тебранишларнинг машиналар динамик пухталигига таъсири сингари мураккаб проблемаларни ва бошқа актуал илмий вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг партия ташкилоти профессор-муаллимларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини қишлоқ хўжалик самарадорлигини ошириш проблемаларини ҳал қилишга йўналтирмоқда. Институт олимларининг ишлаб чиқариш ходимлари билан ҳамдўстлиги уруғликбоп ва техникавий пахта ҳосилини териб олиш технологиясини такомиллаштиришда, уруғликбоп пахтазорларда, ғўза баргини тўктириш усулларини қўлланишда муҳим роль ўйнади; 12 та тавсиянома боғдорчиликни янада ривожлантиришга қаратилгандир. Ўрмон мелиорацияси кафедрасининг бир қанча таклифларини қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари ғоят қизиқиб кутиб олдилар.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг коллективи республика Мелиорация ва сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги министрликлари, пахтачилик учун машиналар Давлат махсус конструкторлик бюроси, «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», трактор заводлари билан, шунингдек Тошкент ва Сирдарё областларининг колхоз ҳамда совхозлари билан узоқ муддатли ижодий алоқа ўрнатди. Бу ҳамкорлик таркибида заҳарли моддалари кам бўлган янги дефолиантларни ва ғўзанинг ўсишига ёрдам берадиган дориворларни, суғоришнинг серунум усулларини халқ хўжалигига жорий этишга, суғориш системаларининг фойдали иш коэффициентини яхшилашга имкон берди. Мелиоратив пахтачилик машиналарининг, суғориш ва сув кўтариш техникасини суюқлик ёрдамида ҳаракатга келтирадиган узеллари пишиқ-пухталиги оширилганлиги, ер қазийдиган дизель машиналарнинг техникавий қарови илғор системаси ишлаб чиқилганлиги, шунингдек механизаторларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва уни илмий ташкил этиш соҳасидаги тавсиялар катта самара берди.

Илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик муассасаларининг бошлангич партия ташкилотларига маъмурият фаолиятини контрол қилиш ҳуқуқи берилганидан кейин илмий изланишларнинг самарадорлигини янада ошириш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштириш учун коммунистларнинг масъулияти анча ошди. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети, алоқа, транспорт, қишлоқ хўжалиги институтлари, кўпгина тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг партия ташкилотларида контрол комиссиялари бутун диққат-эътиборини илмий-тадқиқот планларини бажаришга, ишларнинг тематикаси фан-техника тараққиётининг энг муҳим йўналишларига, кадрлар малакасини оширишга мувофиқ келиши нуқтаи назаридан анализ қилишга сафарбар этмоқдалар. Монографиялар ва илмий ишларни нашр этиш, илмий кенгашларнинг илмий тадқиқотларни ташкил этишдаги ролини ошириш масалалари махсус кўриб чиқилмоқда.

Жумладан, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг партия ташкилоти контрол қилиш ҳуқуқидан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги, биология ва иқтисод фанларининг энг зарур проблемаларини ҳал этиш билан, тадқиқотларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ишларнинг натижаларини жорий этишга кўмаклашмоқда. Ҳар бир масалани ўрганиш учун 8—10 кишилик комиссия тузилмоқда, бу комиссия доимо янгилаб турилади, унинг ёрдами билан институтда маъмуриятнинг иш услуби ва методлари takомиллаштирилмоқда, тадқиқот ўтказиш пайтида меҳнатни илмий ташкил этиш жорий қилинмоқда, патент бюроси ва фан-техника ахбороти бўлимининг фаолияти анча яхшиланди. Олий мактаб раҳбарларининг, илмий лабораториялар ва кафедраларнинг ҳисоботи сингари контрол қилиш формасидан кенг фойдаланилмоқда. Ишнинг у ёки бу соҳасидаги аҳволини синчиклаб текшириш чоғида камчиликлар очиб ташланмоқда ва уларни тугатиш йўллари белгиланмоқда. Контролнинг мана шу таъсирчан формаси партия ташкилотига қабул қилинган қарорлар қандай бажарилаётганлигини доимо назорат қилиб туриш имконини бермоқда.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурияти фаолиятини контрол қилиш комиссияси асосий эътиборини илмий тадқиқот сифатига ва уларнинг иқтисодий асосланишига, уларни рўёбга чиқариш муддатларига, комплекс мавзуларнинг ишланишига, олимларнинг куч-ғайрати техника тараққиётининг принципиал янги имкониятларини аниқлашга йўналтирилишига қаратмоқда. Бу эса коллективларга саноат корхоналари билан илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномалар тузишга ижодий ёндашиш, тугалланган илмий тадқиқот ишларини жорий этиш миқёсини кенгайтириш, енгил ва тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан мунтазам таклифлар киритиш имконини бермоқда.

Тошкент область партия комитети илмий тадқиқотларни ташкил этишнинг илғор тажрибасини доимо умумлаштирмоқда, бу тадбирларни оммалаштиришга интилмоқда. КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Олий мактабни янада ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида»ги ва «Олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш ҳақида»ги қарорларини бажариш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш — обком бюросининг, фан ва ўқув юртлари бўлимининг алоҳида диққат марказида турибди.

Илмий иш самарадорлигини ошириш ва унинг ишлаб чиқариш билан боғланишини кучайтириш юзасидан олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар партия ташкилотларининг, партком ва район партия комитетларининг вазифалари республика партия активи йиғи-

лишларида бир неча бор муҳокама қилинди. Қабул қилинган қарорлар социалистик экономика ривожининг чуқур жараёнларини тадқиқ этишга ва фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишга доир тадбирларнинг кенг комплексини ўз ичига олади.

Илмий кучларни энг муҳим фундаментал ва амалий тадқиқотларни бажаришга сафарбар этишда, кўп мавзули ва майда мавзуликни тугатишда, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлашда, комплекс проблемаларни ишлаб чиқишнинг илғор тажрибасини умумлаштириш ва жорий этишда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ҳузуридаги илм-фан жамоат кенгашининг роли катта. Кенгаш республика Фанлар академиясининг институтлари ўтказган ва тугалланган илмий тадқиқотларни жорий этишнинг ҳолатини, олий ўқув юртларидаги ишлаб чиқариш ва тажриба-экспериментал базаларининг ривожини батафсил таҳлил этди, халқ хўжалигида ҳисоблаш техникасидан фойдаланишни яхшилаш юзасидан семинар-кенгаш ўтказди. ТошДУда ва Алоқа институтида илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш масалалари муфассал кўриб чиқилди, тўқимачилик ва енгил саноат ҳамда Низомий номидаги педагогика институтлари ректорларининг студентларни хўжалик шартномаси ишларини бажаришга жалб қилиш соҳасидаги ҳисоботлари тингланди. 1980 йил декабрида ўтказилган область илмий-амалий конференцияси Тошкент шаҳри ва области илмий муассасалари ва олий мактабларининг саноат, транспорт ва алоқа корхоналари билан ижодий алоқаларини кучайтириш проблемаларини муҳокама қилди.

Область партия ташкилоти, илмий муассасалар ва олий мактабларнинг раҳбарлари партия XXVI съезди, КПСС МК 1979 йил ноябрь ва 1980 йил июнь Пленумлари қарорлари талабларига мувофиқ илмий тадқиқот ишини яхшилаш учун нақадар кўп иш қилинишини лозимлигини биладилар.

Тошкент область партия комитети КПСС XXVI съездининг фан билан ишлаб чиқариш интеграциясини янада кучайтириш йўлини амалга ошира бориб, тадқиқот коллективларининг куч-ғайратларини область халқ хўжалигининг асосий тармоқларида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларини комплекс ҳал этишга қаратишга интилмоқда. Яқин вақт ичида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан Тошкент область корхоналари, ташкилотлари ва хўжаликлари ўртасида илмий-техникавий ҳамдўстлик тўғрисида тузиладиган шартнома бу ишда муҳим сафарбар этувчи омил бўлади. Шу асосда ҳар бир тармоқ учун бир мақсадга қаратилган комплекс илмий-техникавий программалар тузилиши ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишга ҳамда экономикани ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларини муваффақиятли ҳал этишга кўмаклашади.

Область партия ташкилотлари олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасалари коллективларининг ижодий фаолиятига раҳбарликни бундан буён ҳам такомиллаштиришга, коммунистик қурилишда олимлар ҳиссасини кўпайтириш учун фаннинг ишлаб чиқариш билан самарали иттифоқини таъминлашга азму қарор қилганлар.

МЕҲНАТКАШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ҒОЯВИЙ АСОСЛАРИ

Қ. ЗАЙНУЛЛИН,
тарих фанлари кандидати

ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИНИНГ материаллари, аввало КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитет номидан қилган Ҳисобот доклади коммунистларни, барча совет кишиларини Ватанимизнинг иқтисодий ҳамда мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш учун, тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш олиб боришнинг мақсадлари ва истиқболлари ҳақидаги аниқ тушунча билан қуроллантиради. Партия В. И. Лениннинг «мамлакатнинг мудофаа қобилияти ва ҳарбий тайёргарлиги масаласига *жиддий* муносабатда бўлиш» (Тўла асарлар тўплами, 35-том, 439-бет) зарурлиги ҳақидаги васиятларига амал қилиб, Совет давлатининг мудофаа потенциалини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларнинг жанговар қобилиятини ошириш масалаларини ҳамма вақт диққат марказида тутиб, бу масалаларни коммунистик қурилиш умумий вазифаларининг энг муҳим таркибий қисми, бутун халқнинг иши, социалистик давлатнинг асосий функцияларидан бири деб ҳисоблаб келмоқда.

КПСС XXVI съезди материалларида СССР Қуролли Кучларининг ҳозирги жанговар қудрати унинг техника жиҳатидан жуда яхши жиҳозланганлигининг, Совет жангчиларининг ҳарбий маҳорати ва енгилмас маънавий руҳининг мустаҳкам қотишмасидан иборатдир, деб ишонарли таъриф берилди. «Ҳозир, энди Ватан ҳимоячиларининг сафларида Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг ўғиллари ва неваралари турибдилар,— деб айтди съездда ўртоқ Л. И. Брежнев.— Улар ўз ота ва боболарининг қисматига тушган оғир синовларни бошларидан кечирмаганлар. Шунга қарамай, улар армиямизнинг, халқимизнинг қаҳрамонона анъаналарига содиқдирлар. Бинобарин, мамлакат хавфсизлиги, тинчликни ҳимоя қилиш манфаатлари талаб қилган, агрессия қурбонларига ёрдам бериш зарур бўлиб қолган вақтда совет жангчиси бутун дунё олдида ҳар қандай қийинчиликларни енгишга тайёр турган беғараз ва жасур ватанпарвар, интернационалист сифатида намоён бўлади».

Партиянинг мамлакат мудофаа қудратини кучайтириш борасидаги фаолияти кўп қирралидир. Бу фаолият Совет Қуролли Кучларининг қудратини мустаҳкамлашда, уларни энг янги қурол турлари ва ҳарбий техника билан таъминлашда, армия билан флотнинг жанговар тайёргарлигини оширишда ўз ифодасини топмоқда. Партия мамлакат экономикасини, унинг аҳолиси, халқ хўжалиги ва Қуролли Кучларининг эҳтиёжларини таъминлаш қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда. Қардош социалистик давлатларнинг армиялари билан жанговар ҳамдўстликни мустаҳкамлашга катта аҳа-

мият берилмоқда. Демак, социалистик давлатнинг мудофаа қобилияти моддий ҳамда маънавий элементлардан таркиб топиб, иқтисодий, маънавий-сиёсий, илмий-техникавий ва соф ҳарбий потенциалнинг мужассамидан иборатдир.

Мамлакатнинг мудофаа қобилиятини янада ошириш вазифаларини ҳал қилишда меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг роли катта бўлиб, у КПСС амалга ошираётган идеология ишининг таркибий қисмидир. Ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш — бу совет кишиларида социалистик Ватанни мудофаа қилишдек муқаддас бурчни бажариш учун зарур бўлган юксак маънавий-сиёсий, жанговар ва психологик фазилатларни собитқадамлик билан шакллантириб бориш жараёнидан иборатдир. Совет жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий вазифалари КПСС XXV съезди томонидан белгилаб берилди. «Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм ғояларини, Советлар Мамлакати учун, Ватанимиз учун фахрланиш, социализм ғалабаларини ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туриш ғояларини меҳнаткашлар, аввало ёш авлод онгига сингдириш партиянинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади» (КПСС XXV съездининг материаллари, 102-бет).

Коммунистик партия ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаб берди: меҳнаткашларда ва Совет Армияси жангчиларида юксак сиёсий онгни, чуқур ғоявий эътиқодни, Ватанга, партия ишига садоқатни шакллантириш, уларни социализм душманларига муросасиз бўлган, душманларнинг кирдикорларига сергак турувчи оташин ватанпарвар ва интернационалист қилиб тарбиялаш; юксак маънавий-жанговар фазилатларни — қатъият, мардлик, жасорат, интизомлилик, қаҳрамонлик кўрсатишга, ўзини қурбон қилишга тайёр туришдек юксак фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш; бутун аҳолини уруш ва армия тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот билан, урушнинг характери ва хусусиятлари билан таништириш; Совет Қуролли Кучларига меҳр-муҳаббат ва ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашга, уларга ҳарбий-техникавий билимларни бериш ва уларни жисмонан чиниқтиришга кўмаклашиш; меҳнаткашларни янги ижтимоий тузум ғалабаларининг мустаҳкамлиги учун курашда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари ва қуролли кучларининг қардошларча жипслиги руҳида тарбиялаш.

Меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада яхшилаш зарурлигини бир қанча сабаблар тақозо этмоқда.

Биринчидан, империализм анча заифлашган бўлишига қарамай, унинг агрессив табиати ўзгармай қолди. Империализм тинчлик, демократия ва социализм душмани, уруш хавфининг манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. У социализмни ҳарбий воситалар билан йўқ қилиб ташлашдан иборат ўз глобал стратегиясидан воз кечгани йўқ ва инсониятга қарши даҳшатли жиноятни — жаҳон термоядро урушини тайёрламоқда.

Шу билан бирга, жаҳонда таркиб топган ҳарбий кучлардаги тенгликни ўз фойдасига ўзгартириш, халқаро кескинликни юмшатишга ва халқлар хавфсизлигига зарар келтирган ҳолда тўхтовсиз қуролланиш пойгасини агрессив НАТО блоки раҳбарлари билан биргаликда ўзи учун асосий йўл қилиб олган Америка империализми ҳозирги даврнинг асосий реакцион кучидир, жаҳон жандармидир. КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил июнь Пленуми кўрсатиб ўтганидек, Ғарбдаги агрессив доираларнинг, биринчи навбатда АҚШнинг Хитой раҳбарлари билан яқинлашуви айни антисоветизм асосида амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш вазифаларини

ҳал қилишда халқ оммасининг роли ошиб бормоқда. Ҳақиқатан ҳам халқ қуролли курашда бевосита ва актив иштирок этган, бутун халқ Қуролли Кучларни қўллаб-қувватлаган тақдирдагина социализм ғалабаларини империалистик агрессорлар ҳужумидан ҳимоя қилиб қолиш мумкин. Армия ва флот халқдан ташкил топади. Халқ ҳарбий техникани яратади, армияни озиқ-овқат билан таъминлайди. Эндиликда, деб кўрсатган эди В. И. Ленин, урушларни халқлар олиб борадилар.

Учинчидан, фан-техника революцияси ҳарбий ишнинг ривожланишига таъсир этмоқда, ёшларнинг, армия ва флот жангчиларининг ҳарбий-техникавий тайёргарлигига бўлган талаб ошмоқда. Янги ҳарбий техника Ватан ҳимоячисидан вазиятни тез ўрганиб олишни, уни аниқ баҳолай билишни ҳамда тўғри қарорлар қабул қилишни, ўз ҳаракатларини жангчилар коллективининг ҳаракатлари билан мувофиқлаштиришни талаб этади. Ҳозирги ҳарбий хизматчи ҳарбий ҳамда техникавий жиҳатлардан ўтмишдагига қараганда анча билимдонроқ бўлмоғи керак. «Ҳозирги пайтда ҳарбий техника,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев ВЛКСМ Марказий Комитетининг комсомол 50 йиллигига бағишланган тантанали Пленумида,— 20-йиллардаги парусина қопланган «Фарман»-лар ва ҳатто Ватан уруши давридаги «ястреб» ва «уточка» қирувчи самолётлари ҳам эмас. Ҳозирги вақтда Совет Ватанининг ҳимоячилари қитъалараро ракеталарни, товушдан тез учадиган самолётларни, сув ости атом кемаларини бошқариш маҳоратини эгаллаб олишлари, бошқа кўпгина жуда мураккаб қурол-яроғларни яхши билишлари лозим... Шундай қилиб, бу соҳадаги вазифалар ҳам анча мураккаб, масъулиятли бўлиб қолди, янги поғонага кўтарилди» (Ленин йўлидан, 2-том, 306—307-бетлар).

Тўртинчидан, 1967 йил октябрда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонуни асосида оддий аскарлар ва сержантлар составининг ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатлари қисқарди. Эндиликда шахсий состав аввалгига қараганда анча қисқа муддатларда янги мураккаб ҳарбий техникани эгаллаб олишига тўғри келмоқда. Тажриба шуни кўрсатдики, армияга чақирилишдан олдиноқ тегишли маънавий-сиёсий, психологик ва ҳарбий тайёргарликдан ўтган, ҳарбий ихтисосларни эгаллаган, ҳарбий тартиботлар билан танишиб чиққан жангчилар жанговар техникани муваффақиятлироқ эгаллаб оладилар.

Ленинниңг социалистик Ватанни ҳимоя қилиш ҳақидаги таълимоти ҳарбий-ватанпарварлик ишининг назарий асосидир. В. И. Ленин Октябрь Ватанини қурол билан ҳимоя қилиш объектив тарихий заруратдир, чунки социализмнинг бир мамлакатда ғалаба қилиши «бошқа мамлакатлар буржуазияси билан социалистик давлатнинг ғолиб пролетариати ўртасида низо туғдириши билан бирга, шу мамлакатлар буржуазиясининг социалистик давлат пролетариатини тор-мор қилишга очиқдан-очиқ интилишига ҳам сабаб бўлиши турган гап. Бундай ҳолларда бизнинг томонимиздан бўладиган уруш қонуний ва адолатли уруш бўлади. Бу уруш социализм учун, бошқа халқларни буржуазиядан озод қилиш учун олиб бориладиган уруш бўлади» деб кўрсатди (Тўла асарлар тўплами, 30-том, 160-бет).

Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ленинча таълимот ғалаба қилган пролетариат давлатини империалистик агрессорлардан ҳимоя қилиш зарурлигини асослашни, бундай ҳимоя формалари тўғрисидаги, мамлакатни мудофаага иқтисодий, маънавий-сиёсий ва илмий-техникавий жиҳатдан тайёрлаш йўллари тўғрисидаги, социалистик давлатнинг ҳарбий ташкилотини вужудга келтириш тўғрисидаги, мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашнинг, Совет Қуролли Кучларини ташкил этишнинг барча вазифаларини ҳал қилишда Коммунистик партиянинг раҳбарлик ва раҳнамолик роли тўғрисидаги хулосаларни ўз ичига олади.

КПССнинг Қуролли Кучларга раҳбарлик қилиши — совет ҳарбий қурилишининг энг муҳим қонунияти, армия ва флот енгилмаслигининг ҳал қилувчи факторидир. Коммунистлар партияси доно стратег, синалган коллектив саркарда бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай, келажакда ҳам шундай бўлиб қолади. Ленин партиясининг иродаси билан дунёга келган СССР Қуролли Кучлари ўзларининг Ватанни ҳимоя қилиш борасидаги тарихий вазифаларини шараф билан бажариб келдилар ва бажармоқдалар.

В. И. Ленин социалистик ғалабаларни ҳимоя қилиш социализм қураётган мамлакат ишчилар синфи, меҳнаткашларинингина эмас, балки бутун халқаро пролетариатнинг ҳам олий интернационал бурчидир деб ҳисоблаган эди. Владимир Ильич социализм қуриш ва уни ҳимоя қилишда миллий манфаатлар билан интернационал манфаатларни ҳамма вақт бузилмас бирликда олиб қарашни ўргатган, бу манфаатларни бир-бирига ҳар қанақасига қарама-қарши қўйишни қатъий қоралаган эди.

Совет давлати тараққиётининг тажрибаси социалистик Ватанни қурол ёрдамида ҳимоя қилиш ҳақидаги ленинча ғояларнинг куч ва ҳаётийлигини тасдиқлади. Халқимиз қисматига оғир ва даҳшатли синовлар тушди. Маълумки, Совет ҳокимияти мавжуд бўлиб турган бутун даврнинг салкам йигирма йили империализм халқимиз бошига солган урушларга ва улардан кейинги халқ хўжалигини тиклаш йилларига тўғри келди. Ленин ғоялари совет халқини ва унинг жангчиларини гражданлар уруши йилларида ҳам, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам илҳомлантириб турди.

Партия В. И. Лениннинг социалистик Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ғояларини оғишмай амалга ошириш билан бирга бу ғояларни ҳозирги давр талаблари асосида янги хулосалар ва қондалар билан бойитмоқда. Бу ғоялар КПСС Программасида, партия съездлари ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг материалларида, СССРнинг янги Конституциясида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг, партия ва давлатимиз бошқа раҳбарларининг докладлари ва нутқларида янада ривожлантирилди. Бу ҳужжатларда Совет Иттифоқининг тинчликсевар сиёсати билан унинг ҳар қандай агрессорга қатъий зарба беришга тайёрлиги ўртасидаги диалектик бирлик ғоят аниқ ва ишонарли қилиб белгилаб берилган.

Урушдан кейинги йилларда, социалистик мамлакатлар қардошларча ҳамдўстлиги вужудга келиши натижасида Совет давлати, унинг Қуролли Кучларининг интернационал вазифалари анча кенгайди. Бу вазифалардан энг муҳими — реал социализмни ҳимоя қилишдан иборатдир. Ҳаёт шуни кўрсатдики, совет халқи КПСС раҳбарлиги остида социалистик ғалабаларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ўз интернационал вазифасини шараф билан адо этиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда социализмни ҳимоя қилишнинг туб хусусияти шундан иборатки, бу иш социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан амалга оширилмоқда. Мана чорак асрдирки, Варшава Шартномаси Ташкилоти тинчлик ва социализм манфаатлари йўлида ишонч билан хизмат қилиб келмоқда. Бу иттифоқнинг тузилиши ва мустаҳкамланиши — социалистик Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисидаги маркс-ленинча таълимотни ривожлантиришда ва амалга оширишда қўйилган катта қадамдир.

Совет халқининг сиёсий йўлбошчиси — Коммунистик партия ҳарбий-ватанпарварлик ишининг раҳбари ва ташкилотчисидир. Эндиликда коммунистик қурилиш кўлами ошиб борган, КПСС ва Совет давлатининг халқаро майдондаги фаолияти кенгайиб борган сари экономика ва маданиятни ривожлантиришга, омма орасида олиб борилаётган таш-

килотчилик ва ғоявий-сиёсий ишга партия раҳбарлигининг савияси ҳам кучайиб бормоқда. Бу ҳол мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни такомиллаштиришга ҳам батамом тааллуқлидир.

КПССнинг ҳарбий-ватанпарварлик ишини ташкил этишдаги раҳбарлик роли тўхтовсиз ошиб бормоқда. Бунинг сабаби шундаки, партия давлат ва жамоат ташкилотларининг, турли социал коллективларнинг, армия ва флот командирлари, сиёсий ходимлари, партия ва комсомол ташкилотларининг ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги фаолиятини йўналтириб турибди. Бизнинг кадрларимизни кўпгина йўналишларда — назарий, сиёсий, ғоявий-тарбиявий ва ташкилотчилик соҳасида амалга оширилаётган ҳарбий-ватанпарварлик ишининг илмий асослари билан қуроллантираётган ҳам партиямиздир.

Меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш КПССнинг ҳарбий соҳадаги сиёсати билан белгиланади. Бу сиёсат социалистик давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, қуролли кучларни такомиллаштириш партия билан халқ бажараётган умумий вазифаларнинг бир қисми эканлиги тўғрисидаги, ҳарбий ишнинг моддий ва маънавий факторлари ўзаро мустаҳкам бирликда бўлиб, улар бир-бирларини тақозо этишлари ҳақидаги қоидага асосланади. «Мамлакат мудофаа ва иқтисодий потенциалининг аҳамияти жуда катта эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз,— деб кўрсатган эди Л. И. Брежнев.— Жамиятнинг маънавий-сиёсий ҳолати, халқнинг руҳий ва ахлоқий қиёфаси ҳам аҳамияти жиҳатидан бундан қолишмайди. Кези келганда шуни айтиш керакки, давлатимиз мудофаасининг мустаҳкамлиги ҳам... кўп жиҳатдан мана шунга боғлиқ» (Ленин йўлидан, 3-том, 389-бет).

Партия амалга ошираётган ҳарбий сиёсатнинг, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг, совет халқини мамлакат мудофаасига тайёрлашнинг муҳим назарий ва амалий проблемалари КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил 7 майда қабул қилинган «Армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи кўнгилли жамият (СССР ДОСААФИ) ишининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги, 1967 йил 21 январда қабул қилинган «Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотида ҳарбий-сиёсий ишни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорларида ва партиянинг бошқа ҳужжатларида янада ишлаб чиқилди.

КПСС XXV ва XXVI съездлари ҳарбий-ватантпарварлик ишини янада такомиллаштиришнинг конкрет программасини белгилаб берди. Ҳозирги халқаро вазиятни анализ қилиш асосида Лениннинг ҳар қандай революция ўзини ҳимоя қила олган тақдирдагина бирон-бир даражада аҳамиятли бўлади деган қоидасининг актуаллиги яна бир карра тасдиқланди. Съездларда Лениннинг армия билан халқ бирлиги тўғрисидаги ғояси, совет кишиларидаги ўз жонажон армияларига бўлган муҳаббатнинг битмас-туганмас кучи ҳам таъкидланди, Қуролли Кучларнинг жангчиларда, СССРнинг барча меҳнаткашларида ватанпарвар-интернационалистга, коммунистик жамиятнинг актив қурувчиси ва унинг ҳимоячисига хос юксак маънавий-сиёсий фазилатларни шакллантиришдаги жуда катта роли кўрсатиб берилди.

Партиянинг бутун ғоявий-тарбиявий фаолияти самарадорлигини ошириш, унга комплекс ёндашишни жорий этиш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмалари ҳозирги шароитда ҳарбий-ватанпарварлик иши назарияси ва практикасини янада ривожлантириш учун катта аҳамиятга эгадир. Ҳарбий-ватанпарварлик ишига татбиқ қилинса, бу талаб мамлакат мудофаасига ҳарбий-сиёсий, психологик, жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик кўришнинг бирлигини таъминлаш, совет халқининг барча группалари ва қатламларини, айниқса ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик ишига албатта жалб этиш; коммунистик тарбиянинг барча фор-

ма, усул ҳамда воситаларидан, шунингдек барча давлат ташкилотлари, оммавий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг меҳнаткашларни социалистик Ватанни ҳимоя қилишга доимо тайёр туриш руҳида тарбиялаш борасидаги куч-ғайратларидан фойдаланиш демакдир.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори (1979 йил апрель) КПСС XXV съездининг идеологик фаолиятни такомиллаштириш вазифалари ва йўллари тўғрисидаги кўрсатмаларини ижодий ривожлантиришдан иборат бўлди. Бу қарор партия комитетлари зиммасига партия ташкилотлари, идеология муассасалари ва активларининг эътиборини пропаганда ва агитациянинг юксак илмий савияда бўлишини таъминлашга, унинг амалийлиги ва конкретлилигини, ҳаёт билан, хўжалик ҳамда сиёсий вазифаларни ҳал қилиш билан алоқасини кучайтиришга, пропаганда ва агитациянинг ҳужумкорлик характерини ривожлантиришга қаратиш вазифасини юклади. Равшанки, бу кўрсатмаларни бажариш бутун сиёсий-тарбиявий ишнинг ғоявий савиясини ва самарадорлигини янада оширади, уни янада собитқадам ва ҳужумкор қилади.

Ёшларни мамлакат мудофаасига тайёрлаш соҳасида партиянинг сиёсати қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишга қаратилгандир.

Биринчидан, мамлакатимизнинг ҳар бир гражданида социалистик Ватанни ҳимоя қилиш соҳасидаги ўз бурчини бажариш учун зарур бўлган юксак маънавий-сиёсий фазилатларни тарбиялаш. Бу ишга ўсиб келаётган авлоднинг сиёсий онгини ошириш, унда коммунистик дунёқарашни, қилаётган ишимизнинг ҳаққонийлигига чуқур ишонч ҳиссини шакллантириш тўғрисидаги ғамхўрлик асос бўлади.

Иккинчидан, социалистик Ватан ҳимоячисида маънавий-жанговар фазилатларни тарбиялаш. Бу фазилатлар ҳарбий хизматнинг характери ҳамда жанговар фаолиятининг хусусиятлари билан белгиланади. «Давримизнинг шафқатсизлилиги, синфий курашнинг беаёв қонунлари ва, аввало, империализмнинг халқларни эзиш, қул қилишга ҳамда уруш очишга интилиши,— деб кўрсатган эди ўртоқ Л. И. Брежнев,— тинчлик, социализм, озодлик ва мустақиллик учун курашаётган барча халқлар қатори биздан ҳам халқимизнинг бир қисми, шу билан бирга энг актив ва кучли қисми ўз меҳнатини, ўз ақлини, ўз талантини, ўзининг бутун ҳаётини ҳарбий санъатга, ўз Ватанини қурол билан ҳимоя қилиш ишига бағишлашини талаб қилмоқда» (КПСС Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари тўғрисида. 1917—1968 йиллар ҳужжатлари. М., Воениздат, 1969, 405-бет).

Партия ғоявий-тарбиявий ишни ёшларда Қуролли Кучларда хизмат қилиш заруратини СССР гражданининг фахрли бурчи деб тушунишни тарбиялашга, уларда бошланғич ҳарбий тайёргарлик ва граждан мудофааси бўйича ўтказиладиган машғулотларга қизиқишни ошириш, ҳарбий ишни ўрганишга интилишни, оммавий мудофаа ишларида актив қатнашишга, спортнинг ҳарбий-техникавий ва ҳарбий амалий турларини эгаллаб олишга интилишни кучайтиришга қаратмоқда.

Учинчидан, тинч шароитда ҳам, жанговар вазиятда ҳам ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш учун ҳар бир йигитга зарур бўлган психологик фазилатларни шакллантириш. «Урушда,— деб кўрсатган эди М. И. Калинин,— одам бир ёки бир неча ой ичида шунча кўп нарсаларни бошдан кечирадики, тинчлик даврида шунча нарсани ҳатто ўн йилда ҳам кечирмаслиги мумкин, у битта жангда ярим умри давомида кечирмайдиган ҳодисаларни бошдан кечириши мумкин». Жангчиларнинг тинч шароитда ҳам: машқларда, денгиз сафарларида катта психологик нагрузкани бошдан кечиришларига тўғри келади.

Буларнинг барчаси Ленин партияси, совет халқи, СССР Қуролли Кучларининг коммунизм ишига, Ватанга, социализм мамлакатларига

чексиз садоқатни, меҳнатда ва жангда букилмас ирода, жасорат ва оммавий қаҳрамонликни, меҳнаткашлар душманларига синфий ғазабни ва пролетар бирдамлигини, социалистик мусобақада ҳамда коммунистик меҳнат ҳаракатида актив иштирок этишни, жанговар байроққа садоқатни, дўстликни ва жангчига хос ўртоқлик ҳиссини қардош социалистик мамлакатлар жангчилари билан жанговар ҳамдўстликни англатувчи революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини кенг пропаганда қилишни тақозо этади.

Оммавий жамоат ташкилотлари, биринчи навбатда Ленин комсомоли ҳарбий-ватанпарварлик ишида партия сиёсатини амалга оширувчилардир. Комсомол аъзолари ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги кўпгина формаларнинг ташаббускорлари бўлиб чиқмоқдалар. Бундай ташаббуслар орасида совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат шуҳрати жойлари бўйлаб Бутуниттифоқ сафари айниқса машҳурдир. Йигитларни Қуролли Кучларда хизмат қилишга тайёрлаш муҳим ўрин тутади. Комсомол ташкилотлари бошланғич ҳарбий тайёргарликнинг сифатини ошириш, ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларнинг жисмоний чиниқишини такомиллаштириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар.

Чунончи, Тошкент шаҳрининг комсомоллари Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи музейини қизиқиб томоша қиладилар. Унинг залларида кўпинча комсомол, пионер сафларига қабул қиладилар. Ёш томошабинлар музей экспозициялари билан танишадилар. Бу экспозициялар совет жангчилари Улуғ Октябрь ғалабаларини қаҳрамонларча ҳимоя қилганликларини, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларига Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда ёрдам берганликларини, туркистонлик жангчилар Улуғ Ватан уруши фронтларида қандай жанг қилганликлари ва ҳозир жанубий чегараларимизни сергаклик билан қўриқлаб турганликларини ишонарли қилиб кўрсатиб беради.

ДОСААФ ташкилотлари республика меҳнаткашлари орасида кўп қиррали ҳарбий-ватанпарварлик ишларини олиб бормоқдалар. Мудофаа жамиятининг активистлари ўқув муассасаларида, меҳнат коллективларида ленинча ўқишлар ва Ленин дарсларини ташкил этмоқдалар. Катта жанговар тажриба ва зарур ҳарбий билимларга эга бўлган истеъфодаги генерал-майор В. Е. Сохацкий бундай машғулотларни қизиқарли ўтказмоқда. Шу сабабли Тошкентнинг Билимлар уйида ўтадиган бўлажак офицер университетидаги унинг чиқишлари ҳамма вақт йигитларда чуқур таассурот қолдирмоқда.

ДОСААФ фаолиятида Қуролли Кучлар учун муносиб ўринбосарлар тайёрлаш етакчи ўринда туради. Бу иш армия ва флот учун мутахассисларни ўқитиш, корхоналар, муассасалар, колхозлар ва совхозларнинг ўқув пунктларида армия сафига чақиришдан олдин ёшларни тайёрлашда қатнашиш ҳамда мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника таълими билим юртларида бошланғич ҳарбий тайёргарликни ташкил этиш йўли билан амалга оширилмоқда. ДОСААФ комитетлари ҳам халқ хўжалиги учун аҳамияти бўлган, ҳам амалий ҳарбий аҳамияти бўлган оммавий-техника касблари эгаларини тайёрлаш сингари муҳим вазифани ҳал қилмоқдалар, спортнинг ҳарбий-техникавий турларини ривожлантириш соҳасида иш олиб бормоқдалар.

Меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг ҳам роли катта. Жамият аъзолари Совет ватанпарварлиги ҳамда пролетар интернационализми тўғрисида, социалистик Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисида, Совет Қуролли Кучлари тўғрисида, революцион, жанговар ҳамда меҳнат анъаналари тўғрисида лекциялар ўқимоқдалар. Бўлажак жангчи лекторийлари ҳамда университетлари кенг ривож топди. «Билим» жамияти ташкилотлари ҳарбий-ватанпарварлик тематикасида адабиёт нашр этмоқда.

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти ҳамда унинг область ташкилотлари правлениелари ҳузурида ҳарбий билимларни пропаганда қилиш ва меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича илмий-методик кенгашлар тузилган. Чунончи, Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениеси ҳузурида ташкил этилган, запасдаги генерал-лейтенант Ф. Х. Норхўжаев раҳбарлик қилаётган илмий-методик кенгаш аъзолари запасдаги ва истеъфодаги генераллар, офицерлардан, ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув юртлари, ҳарбий комиссариатлар ҳамда граждан мудофааси органлари вакилларидан, активистлардан иборатдир. Бу кенгаш ҳарбий билимларни пропаганда қилиш ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ғоявий ва тематик йўналишини, юксак илмий савиясини ва таъсирчанлигини таъминлаб берадиган тадбирларни ишлаб чиқиб амалга оширмоқда, лекторларга илмий-методик ёрдам кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти кунларига бағишлаб ҳарбий-оммавий ишлар ойлигини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ойлик мобайнида В. И. Лениннинг социалистик Ватанни ҳимоя қилиш масалаларига доир васиятлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарлари, СССР Конституциясининг қоидалари, КПСС съездларининг материаллари ҳамда бошқа партиявий ҳужжатлар, партия, совет халқи ва унинг Қуролли Кучларининг шонли революцион, жанговар ҳамда меҳнат анъаналари пропаганда қилинмоқда.

Республиканинг барча областларида тузилган Жанговар ва меҳнат шуҳрати уйлари ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг марказларига айланиб қолди. Уларда кўплаб қизиқарли тадбирлар, жумладан, ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари бўйича назарий, илмий-амалий семинарлар, лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Леонид Ильич хотираларидан иборат ана шу трилогия ғоявий тарбия воситалари хазинасини бойитди, коммунистик қурилиш вазифаларини, мамлакат мудофаа қобилиятини, СССР Қуролли Кучлари жанговар қудратини ва ҳарбий тайёргарлигини мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал қилишда самарали восита бўлиб қолди. «Кичик ер» китобига келсак, бу китоб социалистик Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ленинча ғояларнинг синтезидир. Унга мамлакатни мудофаага тайёрлаш ва душманни тор-мор қилишни ташкил этишда Коммунистик партиянинг ҳал қилувчи роли тўғрисидаги фикр бошдан-оёқ сингдириб юборилган. Кичик ерда бўлган жанглар тажрибасида ғалаба учун фронт билан фронт орқасининг бирлиги зарурлиги тўғрисидаги, кучли ва маккор душман устидан ғалаба қозониш учун маънавий факторнинг ҳал қилувчи аҳамияти тўғрисидаги ленинча қоидаларнинг ҳаётийлиги ўзининг мужассам ифодасини топгандир.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи Сиёсий бошқармаси билан Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти ташкилотлари биргаликда кўпгина тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг назарияси ва практикасига доир актуал масалалар юзасидан илмий конференциялар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бу конференцияларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари ҳамда округ ҳарбий кенгашининг аъзолари сўзга чиқмоқдалар.

Шундай қилиб, меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш Коммунистик партиянинг ҳар бир совет кишисида Ватан тақдири учун юксак шахсий масъулият ҳиссини, исталган дақиқада уни ҳимоя қилишга тайёр туриш, унинг эрки ва мустақиллиги учун, коммунизм тантанаси учун фидокорона курашиш ҳиссини тарбиялашга қаратилган идеологик ва ташкилотчилик фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

ЎЗБЕКИСТОНДА РУС ТИЛИ

И. АСФАНДИЕРОВ,
филология фанлари кандидати

1979 ЙИЛ майда Тошкентда бўлиб ўтган «Рус тили — СССР халқларининг дўстлик ва ҳамкорлик тили» деган Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси қатнашчиларини табриклаб, КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деган эди: «Мамлакатимиз экономикаси яхлит халқ хўжалик комплексига айланган, янги тарихий бирлик — совет халқи вужудга келган ривожланган социализм шароитида рус тилининг коммунизм қурилишида, янги инсонни вояга етказишда миллатлараро алоқа тили сифатидаги роли объектив равишда ортмоқда. Она тили билан бирга барча совет кишиларининг муштарак тарихий мулки деб ихтиёрий равишда қабул этилган рус тилини яхши билиш совет халқининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий бирлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради».

КПСС XXVI съезди қарорлари нуқтаи назаридан олганда рус тилининг мамлакатимиздаги миллий тиллардан ҳар бирининг янада ривожланиш ва бойиш жараёнига асло зид бўлмаган ҳолда, СССР халқлари ўртасида миллатлараро алоқа воситаси сифатида амал қилиши алоҳида аҳамият касб этади.

СССРдаги барча миллий республикаларнинг, шу жумладан Ўзбекистон ССРнинг ҳам бугунги кундаги ютуқлари маълум даражада, она тиллари билан бир қаторда рус тилининг ҳам амал қилиб келганлиги туфайли мумкин бўлдики, бу тил КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг таърифича, «совет халқлари ўзаро алоқаси ва якдиллигининг қудратли қуроли, Ватан ва жаҳон маданиятининг энг яхши ютуқларидан баҳраманд бўлиш воситаси бўлиб қолди» (Дўстлик, биродарлик ва ҳамкорлик тили. Тошкент, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти, 1979, 12-бет).

Рус тилидан миллатлараро алоқа воситаси сифатида фойдаланиш тилларнинг ўзаро мулоқотда бўлиши, уларнинг ўзаро бир-бирига таъсири ва бир-бирини бойитиши учун, Совет Иттифоқида энг кўп тарқалган икки тиллик тури бўлган миллий рус билингвизмини ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиб беради.

Билингвизмнинг энг оддий формалари узоқ ўтмишдаёқ мавжуд эди. Масалан, Ўрта Осиё регионида (ҳозирги Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари территорияси) қулдорлик тузуми даврида (эрамиздан олдинги VI—IV асрларда) қадимий форс тили, эрамизнинг VII асридан бошлаб эса — араб тили маъмурий тил ролини ўйнаб келган эди. Иккаласи ҳам — истилочилар тили бўлиб, улардан иккинчиси маълум вақтгача регионда миллатлараро алоқа воситаси сифатида

хизмат қилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг IX—XI асрлардаги буюк шоир ва олимлари ўз асарларини форс ва араб тилларида ратишга мажбур эдилар. Революциядан илгариги Ўзбекистонда (XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошида) рус ва ўзбек тиллари социал ҳаётнинг бир қатор соҳаларида параллел равишда амал қилиб келди.

Туркистон ўлкаси аҳолисининг тил соҳасида ривожланишидаги энг муҳим босқич унинг Россияга қўшиб олинишидан кейин бошланди. Ўша вақтда вужудга келган вазият ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг юқорида кўрсатилган асарида кенг характерлаб берилган: «Ўтган асрнинг иккинчи ярмида ва XX асрнинг бошларида рус маданиятига ва рус тилига муносабат масаласи бу ерда биринчи ўринга чиқди, сиёсий тус олди... Айрим давлатлар ичида ҳам, шунингдек, жаҳон майдонида ҳам бир қанча халқларнинг шу кунги ҳаётинигина эмас, келажагини ҳам белгилаб берадиган воқеалар етилиб кела бошлаган эди. Ўрта Осиёнинг ва Россия Шарқидаги бошқа чекка ўлкаларнинг халқлари шундай халқлар жумласига кирар эди. Ўша пайтда ким билан бирга бўлиш, қайси мамлакатга суяниш керак, деган жуда муҳим савол юзага чиқди.

...Реакцион идеологлар жамиятни орқага судрамоқчи бўлдилар, меҳнаткаш халқни шафқатсиз феодал зулм исканжасида ушлаб қолишга уриндилар, шу боисдан ҳам Россияга қарши, рус халқига, унинг тили ва маданиятига жон-жаҳдлари билан қарши чиқдилар» (24—25-бетлар).

Чор маъмурлари ва ўзбек миллий буржуазиясининг рус ва ўзбек меҳнаткашлари ўртасига нифоқ солишга уринишларига қарамай, маҳаллий аҳоли рус халқи билан дўстлашишга, унинг тилини ўрганишга интилди. Бундай интилиш 1905—1907 йиллардаги рус революцияси таъсири остида айниқса кучайди.

Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш кераки, ўша даврда, Россиядаги миллатлар ва элатлар тенг ҳуқуқли бўлмаган бир шароитда рус тилининг мажбурий давлат тили сифатида қўлланилиши миллий дискриминация қуролига айланган эди. В. И. Ленин ҳамиша давлат тилига қарши бўлган эди. Масалан, 1914 йилда Шаумянга ёзган хатида у: «Давлат тили деб туриб олиш — бу шармандалик» деб айтган (Тўла асарлар тўплами, 48-том, 360-бет), рус тилини мажбуран қабул қилдириш сиёсатининг синфий табиати ва мақсадини тушунтириб эса, мажбур қилиш... фақат биргина нарсага сабаб бўлади: у бошқа миллий группаларнинг улуғ ва қудратли рус тилини ўрганишини қийинлаштиради, ҳаммадан ҳам кўра — душманликни кучайтиради, сон-саноқсиз низолар туғдиради, ғазабланиш, бир-бирини тушунмаслик ва ҳоказоларни кучайтиради» (Тўла асарлар тўплами, 24-том, 331-бет) деб айтган эди. В. И. Ленин рус тилини ихтиёрий равишда ўрганиш, мажбурий давлат тили бўлмагани ҳолда аҳолини барча маҳаллий тилларда дарс бериладиган мактаблар билан таъминлашгина маҳаллий тилларни камситишни бартараф эта олади, деб доимо ишонтириб келди.

Ленин даҳоси илгари сурган қоидалар Улуғ Октябрь ғалабасидан кейин ҳаётга татбиқ этилди: социалистик тузум барча миллат ва тилларнинг тўла тенг ҳуқуқлилигини таъминлади.

Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йиллардан бошлабоқ Коммунистик партия илгари эзилиб келган халқларнинг экономикаси, маданияти ва тилларини ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилди. Масалан, 1921 йилда РКП(б)нинг X съезди: а) ўз юртларида бу халқларнинг миллий турмуш шароитларига мувофиқ келадиган формаларда Совет давлатини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш; б) ўз юртларида маҳаллий аҳолининг турмуши ва психологиясини биладиган ерли кишилардан тузилган ва она тилида иш кўрадиган суд, маъмурият, хўжалик органлари, ҳокимият органларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш; в) ўз юртларида она тилида матбуот, мактаб, театр,

клуб ишларини ва умуман маданий-оқартув муассасаларини ривожлантириш; г) давлатни идора қилишнинг барча соҳаларида ва аввало маориф соҳасида ишлайдиган малакали маҳаллий ишчи кадрларни ва совет-партия ходимларини тезда тайёрлаб етказиш учун она тилида (биринчи навбатда қирғиз, бошқирд, туркман, ўзбек, тожик, озарбайжонлик, татар ва доғистонликлар учун) умумий ва профессионал-техник маълумот берадиган курс ва мактабларни кенг миқёсда йўлга қўйиш ва ривожлантириш...» ҳақида қарор қабул қилган эди (КПСС резолюцияларида, 7-нашр, 1-том, 632-бет).

Ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш туфайли мамлакатимизда 50 га яқин халқлар ўз она тилларида ёзувга эга бўлдилар. Миллий тилларни ва уларнинг ижтимоий функцияларини ҳар томонлама ривожлантириш миллатлараро алоқа воситаси бўлган рус тилини ривожлантириш билан бир вақтда ва мустаҳкам бирликда амалга оширилди. Бу икки жараённинг диалектик жиҳатдан бирлигини В. И. Ленин Октябрь революциясидан илгарнёқ олдиндан кўрган эди, СССРдаги барча халқлар тилларининг тенг ҳуқуқлилиги Конституцияда мустаҳкамланиши эса бунинг учун қулай замин яратиб берди. Совет Ўзбекистонида тил қурилишига доир ленинча принципларнинг тинмай амалга оширилиши туфайли ўзбек тилининг ижтимоий функциялари тубдан ривож топди: агар революцияга қадар она тили бу ерда социал ҳаётнинг фақатгина бир неча соҳаларида — ўзбекларнинг ўзаро алоқа воситаси сифатида, ўзбек болаларини бошлангич синфларда ўқитишда; бадиий адабиёт, санъат, маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт тили сифатида, транспортда, қишлоқ хўжалигида, алоқа муассасаларида, хизмат кўрсатиш соҳасида ўзаро муомала қилиш учун фойдаланилиб келган бўлса, ҳозирги вақтда у вақтли матбуот, радиоэшиттириш, телевидение, умумтаълим мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқитиш, фан ва техника, давлат муассасалари, суд ва иш юритиш, расмий ёзишмалар, маданий-оқартув муассасалари тили ҳам бўлиб қолди. Бунда ўзбек тили ижтимоий функцияларининг кенгайиши билан бир вақтда юқорида кўрсатилган барча соҳаларда миллатлараро алоқа воситаси бўлган рус тилининг ҳам позициялари мустаҳкамланиб борди.

Бундай ҳаётбахш ўзгаришлар ССР Иттифоқининг барча миллий республикаларида ҳам содир бўлди. Бу буржуа идеологларининг гўё рус тилидан миллатлараро алоқа воситаси сифатида фойдаланиш рус бўлмаган халқлар ўз она тиллари роли, функциялари, қўлланиш соҳаларининг торайишига олиб келади, деган сохта даъволарини ишончли тарзда рад этади. Чунки, миллий республикаларда гўё рус тилининг мажбуран тарқатилаётганлиги ҳақидаги уйдирмалар сингари бу даъволар ҳам мутлақо асоссиздир.

У ёки бу республика шароитида рус тилининг миллатлараро алоқа воситаси сифатидаги функцияларини аниқ мақсадга қаратилган ҳолда тадқиқ этиш, она тили билан бир қаторда рус тилини қўлланишни оптимал равишда активлаштириш ва ундан фойдаланиш соҳаларини кенгайтириш йўлларини аниқлашга ёрдам беради. Бугунги кунда тил соҳасидаги сиёсатнинг асосий мақсади — СССР халқларининг миллий тилларини янада равнақ топтиришга ва мамлакатимиз барча гражданларининг рус тилини яхши билишига ёрдам беришдан иборатдир. Шу муносабат билан миллий республика ва областларда икки тиллик ривожланишда давом этмоқда.

1979 йилда Ўзбекистонда 15 миллион 391 минг киши яшаб, шундан 10 миллион 569 мингги — 68,7 проценти ўзбеклардир. Республика аҳолисининг қолган 31,3 процентини СССРдаги бошқа миллат ва элатларнинг вакиллари: руслар (1 миллион 666 минг), қорақалпоқлар (298 минг), татарлар (649 минг), қозоқлар (620 минг), тожиклар, (595 минг), корейцлар (163 минг), қирғизлар (142 минг), украинлар (114 минг),

яҳудийлар (100 минг), туркманлар (92 минг) ва бошқалар ташкил этади.

Аҳоли составининг бундай кўп миллатли эканлиги — она тили билан бир қаторда республикада яшовчи барча халқларга ўзаро ва шунингдек марказий муассасалар ҳамда мамлакат бошқа миллий республикалари ва областлари билан алоқа қилиши учун зарур бўлган рус тилининг актив ва самарали амал қилишида объектив шартлардан биридир. Бу шартдан ташқари яна бир бутун лингво-социологик характеристикалар комплексини келтириш мумкинки, бу характеристикалар миллий-рус икки тиллигининг муттасил ривожланиб бораётганлигини ҳамда рус тилини она тили даражасида эгаллаб олишга бўлган тенденциянинг кучаяётганини исботлайди. Масалан, 1970 йилдаги бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш вақтида 141,8 миллион киши, 1979 йилдаги рўйхатга олишда эса — 153,5 миллион киши рус тилини ўз она тили деб атаган бўлиб, булардан 16,3 миллиони — рус бўлмаган миллат кишиларидир. Бундан ташқари 61,3 миллион киши (1970 йилда 41,9 миллион) рус тилини иккинчи тил сифатида яхши билишларини айтишган.

Бу рақамлар — узоқ вақтлардан бери давом этиб келаётган тарихий жараён якуни бўлиб, у революциядан олдинги даврдан бошланади. У вақтда икки тиллик доираси муайян сиёсий ва социал шароитлар туфайли чекланган характерда бўлиб, лекин Октябрь революцияси ғалабасидан кейин тезда тобора кенг миқёс касб эта бошлади, чунки рус бўлмаган аҳолининг рус тилини эгаллашга бўлган интилиши давлат ва партия органлари томонидан чексиз равишда қўллаб-қувватланди. Хусусан, бунга Туркистон компартиясининг V ўлка съезди (1920 йил) ва Ўзбекистон Компартиясининг III (1924 йил), VIII (1938 йил), X (1949 йил), XI (1952 йил), XIII (1956 йил) съездлари қарорларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон миллий республикаларда рус тилини ўрганиш ва ўқитиш масалалари бўйича республикалараро (1956, 1962 йиллар) ва бутуниттифоқ (1975, 1979 йиллар) конференциялари ўтказиб турилаётган марказлардан бири бўлиб қолди.

Ўрта Осиё регионида маҳаллий тиллар билан бир қаторда рус тилининг амал қилиши аҳоли деярли ёппасига саводсиз бўлган Россия империяси собиқ миллий ўлкаларининг асрлар бўйи давом этиб келган маданий қолоқлигини тарихан қисқа муддат ичида бартараф этишда ҳал қилувчи шартлардан бири бўлди. Ҳозирда эса ўртоқ Л. И. Брежнев «Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида»ги докладида қайд қилганидек, «Ўзбекистон ССРнинг бир ўзида ишлаб турган олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар 20-йилларнинг охирларидаги бутун Совет Иттифоқи халқ хўжалигидаги ана шундай маълумотли мутахассислардан кўпдир».

Яна рус бўлмаган аҳоли ўртасида рус тилининг тарқалиши тўғрисидаги масалага қайтамиз. Агар 1970 йилда СССРда яшаб турган ўзбекларнинг 14,5 проценти рус тилини яхши билган бўлса, 1979 йилда бу 49,3 процентга етди. Бу эса рус бўлмаган халқларнинг ватан ва жаҳон маданияти хазиналарига йўл очиб берган улуғ Ленин тилини мумкин қадар яхшироқ билишга бўлган интилишининг ёрқин кўрсаткичи, шунингдек партия ҳамда совет органларининг ана шу иштиёқни қондириш тўғрисида ғамхўрлигининг далилидир. Рус тилини ўрганиш ва ўқитиш масалалари бўйича юқорида тилга олинган Бутуниттифоқ конференциясида (1979 йил) қилган докладида ўртоқ Ш. Р. Рашидов «Рус тилининг миллатлараро алоқа воситаси сифатида илгари сурилиши объектив зарурат эди, чунки социализм мамлакат барча миллат ва элатларининг биргаликдаги меҳнати, ҳамжиҳатликда қилган ҳаракати билан бунёд этилаётган эди» деб қайд қилди.

Миллий республикаларда рус тилининг ишлатилиши рус ва миллий тилларнинг ўзаро алоқаси (аввало сўз бойлиги ва сўз ҳосил қилиш

соҳаларидаги алоқаси) натижасида уларнинг бир-бирини бойитишига ҳамда миллий-рус икки тиллигининг янада ривожланишига олиб келади. Буни ўртоқ Ш. Р. Рашидов «Рус тили — Совет Иттифоқидаги барча миллат ва элатларнинг ўзаро бир-бирини бойитиш ва ҳамкорлик қилиш тили» деган мақоласида яхши характерлаб берган: «Рус тили миллий тилларни ривожлантиришга ҳар томонлама ва самарали таъсир этиб келди ва таъсир этмоқда. Айни вақтда унинг ўзи ҳам миллий тиллардан кўп нарсани ўрганиб, миллий сўз воситаларини ўзига қабул қилиб ва ўзлаштириб олмоқда ва бу билан ўз сўз запасларини бойитмоқда. Бу ўз моҳияти билан чуқур прогрессив бўлган бир бутун ягона объектив, қонуниятли ўзаро ҳаракат процессининг икки томонидир».

Ўзбек тилидан рус тилига ва рус тилидан ўзбек тилига сўз бойлиги сифатида қабул қилиб олинган сўзларни ўрганиб чиқиш ривожланган кўп миллатли социалистик жамиятга хос иккита принципиал жиҳатдан:

биринчидан, мамлакатимизда Коммунистик партия раҳбарлиги остида тилларни тенг ҳуқуқли ва эркин тарзда ривожлантириш ҳақидаги ленинча наказни амалга ошириш асосида миллий тил, хусусан ўзбек тили ва миллатлараро алоқа воситаси бўлмиш рус тили луғат составларининг ўзаро бир-бирини бойитишидан иборат ўз моҳияти билан прогрессив жараённинг интенсивлашиб бораётганлигидан;

иккинчидан, миллатлараро алоқа воситаси бўлмиш рус тили миллий республика ва областларда амал қилган шароитда унинг луғат составида регионал ўзлаштириб олишлар мавжудлигидан далолат беради.

Мамлакатимизнинг бошқа миллий республикалари ва областларида бўлганидек, ҳозирги Ўзбекистонда ҳам ватан ва чет эл ахборотларининг анчагина қисми инсон фаолиятининг барча соҳаларида тарихан вужудга келган шароитлар туфайли олдин рус тилида, сўнгра эса миллий тилларда пайдо бўлади. Бу объектив ҳол рус тилининг миллий республикалар экономикаси, фан ва маданиятини ривожлантиришдаги, ана шу республикаларнинг ҳар томонлама яқинлашув жараёнини жадаллаштиришдаги аҳамиятини фақат филологик жиҳатдан эмас, балки комплекс равишда тадқиқ қилишни талаб этадики, бу жараён ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездидаги докладидан олинган сўзлар билан айтганда, «бизда социализм даврига хос тарзда: тенглик, қардошларча ҳамкорлик ва ихтиёрийлик асосида бормоқда».

МЕҲНАТ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — КАСАБА СОЮЗЛАРНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

В. ЧЕРВОВ,
Узсовпроф бўлимининг мудири
Л. ХАМАГАЕВА

СОВЕТ ДАВЛАТИ РИВОЖИНИНГ ҳамма босқичларида партия меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, ишда уюшқоқлик ва пухталикка катта аҳамият бериб келди. В. И. Ленин бунга социализмни муваффақиятли қуришнинг муҳим шартларидан бири деб қаради, мусобақани уюштириш билан меҳнат интизомини яхшилаш ва меҳнат унумини ошириш орасида яқин алоқа бўлиши кераклигини уқтирган эди.

Ишлаб чиқариш миқёслари беқиёс кенгайган, хўжалик алоқалари мураккаблашган, фан-техника тараққиёти мислсиз қулоч ёйган ҳозирги шароитда иш вақтидан самарали фойдаланиш, барқарор меҳнат коллективлари барпо қилишнинг аҳамияти янада кўпроқ ошди. Сўнгги йилларда КПСС МКнинг бир қатор Пленумлари бу муҳим проблемага эътиборни тортди. 1980 йил январда КПСС МК, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари, хўжалик раҳбарлари олдига — бу соҳада ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишни анча яхшилаш, бунга партия иқтисодий ва социал сиёсатини турмушга ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини кўпайтиришнинг, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш хислатини тарбиялашнинг асосий йўлларидан бири деб қараш вазифаси қўйилди. КПСС XXVI съезди тасдиқлаган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида қуйидаги сатрлар ёзилгани тасодифий эмас: «Ишлаб чиқаришда меҳнат интизомини, тартиб ва уюшқоқликни анча яхшилашга эришилсин. Бу — иқтисодий ва социал ривожланиш планларини муваффақиятли бажариш, совет кишиларининг фаровонлигини янада ўстиришнинг зарур шартидир».

Ўзбекистон касаба союзлари, бутун мамлакат касаба союзлари сингари, партия ва ҳукуматнинг кўрсатмаларини бажара бориб, меҳнаткашлар кенг оммасининг онглилигини ошириш, уларнинг ижодий ташаббусини ривожлантириш борасида қунт билан ишламоқдалар, миллион-миллион кишиларни давлат ишларини ва ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб қилмоқдалар. Оммавий социалистик мусобақа унинг ёрдамида иқтисодий вазифаларнинг ҳал этилишига, беш йиллик планларнинг бажарилишига кўмаклашади. Унда қатнашиш аввало ишлаб чиқариш фаолиятида намоён бўладиган коммунистик онгнинг шаклланишига ёрдам беради. Партия ташкилотларининг раҳбарлигида касаба союз комитетлари самарали ишнинг натижаси сифатида шу фактни тилга олиш мумкинки, ҳозир мусобақада тўрт миллиондан зиёд киши ёки республика меҳнатчиларининг 33 проценти қатнашмоқда. 500 дан

знёд корхона ва ташкилот, 13 мингдан ортиқ цех ва 42 минг бригада коммунистик меҳнат коллективи деган номга сазовор бўлди. Ўнинчи беш йиллик якунларига кўра Бутуниттифоқ социалистик мусобақасидаги муваффақиятлари учун Ўзбекистон ССР, унинг бир қатор областлари, шаҳар ва районлари, илғор бирлашмалар ва корхоналар, колхоз ва совхозлар, муассаса ва ташкилотларнинг коллективлари КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МКнинг Кўчма қизил байроқлари билан мукофотланди.

Мусобақа, янги техниканинг, энг яхши иш усулларининг, қимматли ташаббусларнинг жорий этилишига кўмаклашар экан, меҳнат интизомининг мустаҳкамланишига ҳам тўғридан-тўғри таъсир қилади. Масалан, республикада кенг ёйилган «Қолоқларсиз ишлаш» ташаббусини олайлик. Маъмурият, партия ва касаба союз ташкилоти прогул ва кечга қолишга барҳам бера олган, коллектив аъзоларининг истисносиз ҳаммаси аҳиллик билан муайян мақсадни кўзлаб ишлашини йўлга қўйган, унда яхши маънавий-психологик иқлимни вужудга келтирган жойда мусобақа ривож топади.

Республикада социалистик мусобақани ташкил этиш йилдан-йилга тобора такомиллашмоқда. Бу масаланинг хилма-хил жиҳатлари, шу жумладан иш вақтидан самарали фойдаланиш, кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш каби жиҳатлари ҳам Узсовпрофнинг, касаба союзлари советлари ва комитетларининг доимо назар-эътиборида бўлиб, президиум мажлисларида, пленумлар ва кенгашларда муҳокама қилинади. Янгийўл билан Ангренда ўтган республика кенгашлари «Қолоқларсиз ишлаш» ташаббусига ҳамда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатининг 20 йиллигига бағишланди. Ишлаб чиқариш илғорлари, почин ташаббускорлари тажрибасини алмашиш мақсадида касаба союз органларининг газета редакциялари, радио ва телевидение билан биргаликда ўтказаётган стол теварагидаги амалий учрашувлар каби фойдали фаолият формаси ҳам расм бўлмоқда.

Лекин касаба союз ишининг оғирлик маркази меҳнат коллективидадир. Ахир пировард натижада барча планларимизнинг муваффақияти айни шу ерда ҳал этилади. Қуйи касаба союз ташкилоти бевосита ишчи, колхозчи, хизматчи билан иш кўради, қуйи ташкилот унинг кундалик қизиқишлари, интилишларидан бохабардир, шу сабабли айрим кишиларнинг умуман жамият олдида турган вазифаларни ҳал қилишга бўлган куч-ғайратларини йўлга солиб, бир бутун қилиб жамлаш айни унинг зиммасидадир. Корхона, қурилишда, колхоз, совхозда, муассасада мустаҳкам, аҳил коллектив яратиб, чуқур ғоявийлик, умумхалқ идеалларини амалга ошириш учун биргаликда кураш негизида уни жипслаштириш, кишиларни тарбиялаш тўғрисида, социалистик демократияни ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш — ҳар бир касаба союз ташкилотининг олижаноб мақсадидир. КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев шундай таъкидлаган эди: «Социалистик жамиятдаги меҳнаткаш инсон — у ёки бу операцияларнинг, у ёки бу кўрсатмаларнинг механик ижрочиси эмас. Унинг учун ўз куч-ғайратининг бевосита натижасигина эмас, бу натижаларни умумий меҳнат жараёнидаги ўрни ва аҳамияти ҳам муҳимдир. Умумий ишга ўз шахсий ҳиссасини қўшиш муддаоси ва имконияти меҳнат фаолиятининг жуда катта омили бўлиб хизмат қилади, давлат манфаатларини кўзлаб кенг кўламда фикрлашга, муштарак юмушларни ўз юмушлари деб билишга ўргатади.»

Ишчи инсон ўз овозига қулоқ солинаётганлигини, унинг фикри инобатга олинаётганини, социал ва хўжалик планларини ишлаб чиқиш пайтида унинг позицияси ҳақиқатан ҳам ҳисобга олинаётганини билиб турган жойларда — фақат шу жойлардагина у ўзини ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий хўжайини деб, ўз тақдирининг хўжайини деб ҳис этади.

Сиёсий вазифалар билан ишлаб чиқариш вазифалари шу тариқа бирбири билан чатишиб кетади» (Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 6-том, 368—369-бетлар).

Мусобақанинг яхши ташкил қилиниши коллективда шундай муҳит яратадики, бунда ким қандай ишлаётганини ҳамма билади, ҳалол меҳнат қилиш ва муносиб хулқ-атвор албатта ўроқларнинг таҳсинига, ҳурматига ва ташаккурига сазовор бўлишлигини билади. Коллектив ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларини актив қўллаб-қувватлар экан, интизомни бузувчиларга таъсир қилиш учун етарлича самарали воситаларга ҳам эга бўлади. Чунончи, кўпгина корхоналарда тарбия масалалари билан ҳам шуғулланадиган меҳнат интизоми комиссиялари, мастерлар кенгашлари, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашувчи оператив отрядлар, жамоатчи кадрлар бўлимлари муваффақиятли ишламоқда.

Тошкентдаги В. И. Ленин номли электрон техника, «Компрессор» заводларида, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги агрегат заводида, Янгийўлдаги биохимия ва Олмалиқдаги химия заводларида меҳнат интизомини яхшилаш тадбирларининг пухта ўйланган системаси амалга оширилмоқда. Аввалги иш жойида интизомни бузган кишилар бу корхоналарга келганида фақат улар ишлайдиган участка, бригада коллективида жиддий гаплашиб олинганидан кейин, шу коллективнинг розилиги билан ишга қабул қилинадилар. Жамоатчи кадрлар бўлими ишлаб чиқаришга биринчи марта келган ёш ишчилар билан индивидуал суҳбат ўтказади, анъаналар, завод ички тартиб қоидалари билан таништиради, янги ишчини мураббийга бириктиб қўяди. Мастер кенгаши ҳам янги ишчига оталиқ қилишни зиммасига олади. У жамоатчи кадрлар бўлими билан биргаликда энди иш бошлаган кишилар малакаси ўсишини, меҳнатнинг илғор усулларини ўзлаштиришини кузатиб боради.

Қўқондаги нон комбинати, Бухоро пахта тозалаш заводи, Тошкентдаги К. Е. Ворошилов номли қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи интизомни мустаҳкамлаш ишида орттирган тажриба ҳам ўрганишга ва ёйишга лойиқдир. Самарқанддаги 8 март номли ишлаб чиқариш тикувчилик бирлашмасида ҳам бу соҳада қизиқарли иш қилинмоқда. Бу ерда СССР Конституцияси асосида ҳамда коллектив анъаналарини ҳисобга олган ҳолда тузилган КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида қилинган ҳалол меҳнат учун фабрика меҳнатчиларини маънавий ва моддий рағбатлантириш тўғрисидаги қоидалар тўплами мусобақани энг яхши уюштиришга, унинг қатнашчиларини юксак онглилик руҳида тарбиялашга кўмаклашмоқда. Корхонада ташаккур эълон қилиш, илғорнинг оиласига табрикнома юбориш, меҳнат шуҳрати байроғини кўтариш, фабрика байроғи олдида суратга олиш, ишчилар синфи сафига кузатиш каби маънавий стимулларнинг обрўси кўтарилди. 1979—1980 йилларда бу ерда иш вақтидан фойдаланиш ҳамда кадрларнинг корхонада турғун бўлиб қолиши тадбирларининг жамоат кўриги ўтказилди. Натижаларни якунлаш вақтида бошқа кўрсаткичлар қаторида кадрлар қўнимсизлигини ҳамда иш вақтининг бекор ўтишини камайтириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, санитария-соғломлаштириш тадбирларининг амалга оширилиши, мураббийликнинг ривожлантирилиши каби кўрсаткичлар ҳам ҳисобга олинди.

Бу ишнинг натижалари қандай? Мана, икки йил бўлибдики, бирлашмада меҳнат интизомини бузиш ҳоллари йўқ, иш вақтининг бекор ўтиши камайган. Ўнинчи беш йиллик плани муддатидан аввал бажарилди. Маҳсулотнинг қирқ проценти давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу коллективнинг ўн биринчи беш йилликда техника даражасини ва маҳсулот

сифатини ошириш, юқори категорияли сифатли буюмлар чиқаришни кўпайтириш борасидаги социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Сўнгги йилларда республика касаба союз ташкилотлари меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва Ўзбекистон халқ хўжалигида кадрлар қўнимизлигини қисқартириш соҳасидаги тажрибасини диққат билан ўрганмоқда ва таҳлил этмоқда. Яхши нарсаларнинг ҳаммаси умумлаштирилмоқда ҳамда кўп корхоналарда татбиқ қилинмоқда. Бир неча энг самарали йўналишларни алоҳида кўрсатиш мумкинки, ҳозир ишлаб чиқаришда тартибни таъминлаш ва барқарор меҳнат коллективларини вужудга келтириш учун кураш шу йўналишларда бормоқда.

Аввало бу — социалистик мусобақани ташкил қилишнинг ленинча принципларига амал қилишдир. Мусобақанинг кенг ошкоралиги таъминланган, меҳнаткашлар ҳар бир киши эришган натижаларни қиёс қилиш имкониятига эга бўлган, ким олдинда бораётгани, ким орқада судралаётгани, ўз бурчларига виждонан муносабатда бўлмаётгани тўғрисида, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга нималар ёрдам бериб, нималар бунга халақит бераётгани тўғрисида ўзлари ҳукм чиқара оладиган ерда касаба союз ташкилоти шундай маънавий-психологик иқлимни осонликча вужудга келтира оладики, бунда танбаллар, прогулчилар, учарлар ва бракчиларга, камчиликлар билан муроса қилишга ўрин қолмаган бўлур эди. Шу нарсани таъкидлаш муҳимки, меҳнат соҳасидаги беллашув якунларини сарҳисоб қилиш вақтида меҳнат интизомининг аҳволи ва кадрларнинг қўнимсизлиги асосий кўрсаткичлар сирасига киради. Белгиланган тартибнинг жиддий бузилишига йўл қўйган цех, участка, бригада совринли ўринга даъвогар бўла олмайди. Ишга баҳо бериш вақтида шундай омиллар ҳам ҳисобга олинадики, улар, масалан, касаллик туфайли, маъмурият рухсати билан отпуска берилиши ва шу кабилар сабабли иш вақти бой берилишининг камайишига ўз вақтида жиддий бир нарса деб қаралмас эди.

Маънавий ва моддий рағбатлантириш принципининг тўғри амалга оширилиши жуда муҳим аҳамиятга моликдир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXVI съездидаги докладида бу хусусда шундай кўрсатма бор:

«Социализм шароитида фақатгина меҳнат — унинг миқдори ва сифати тақсимотнинг бош мезони бўлиши мумкин. Афсуски, амалда ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди. Турли хилдаги текисчилик, ишнинг аниқ натижасига қараб эмас, балки энди қилинмоқчи бўлинган иш учун ойлик тўлаш, асоссиз равишда мукофотлар бериш ҳоллари буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ҳам, одамларнинг психологиясига ҳам ғоят зарарли таъсир қилади.

Бизнинг моддий ва маънавий рағбатлантириш тартибимиз ҳар бир кишининг ўз меҳнати билан қўшган ҳиссасига ҳамиша ва ҳар ерда одилона ҳамда объектив баҳо берилишини таъминламоғи даркор. Ҳалол ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўзи енгил-елпи ишлаган ҳолда яхши ҳаёт кечирмоқчи бўлган дангасалар ва бракчиларга заррача имкон бермаслик керак».

Ҳар бир ходимнинг ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъиян амал қилишига эришмоқ учун корхона маъмурияти ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг пухта, бир маромда ташкил этилишини, иш жойларининг яхши жиҳозланишини, кишилардан ихтисоси ва малакасига қараб фойдаланилишини таъминлаши, меҳнат унумининг ўсиши учун шароит яратиши, меҳнат қонунларига оғишмай риоя қилиши, меҳнаткашларнинг муҳим эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши зарур. Комплекс ҳолда амалга ошириладиган бу тадбирлар ҳам кимнинг меҳнатда ўзини кўрсатишига, илғор тажрибадан фойдаланишига, ўртоғига ёрдам қилишига имконият беради. Бироқ, афсуски, амалда бу

масалалар ҳамиша ҳам тегишлича ҳал этилавермайди, бу эса интизомга ҳам, барқарор коллективларнинг шаклланишига ҳам таъсир қилади, пировард натижада эса планларнинг бажарилишига салбий таъсир кўрсатади. Чунончи, республика қурилиш ташкилотларида ўнинчи беш йилликнинг дастлабки 4 йили ичида кадрлар қўнимсизлиги сабабларини анализ қилиш шуни кўрсатдики, ишдан бўшаганларнинг тахминан 20 процентини иш ҳақидан қаноатланмаганлар, ишлаб чиқаришнинг бир маромда эмаслигидан, оғир жисмоний меҳнатнинг кўплигидан норози бўлганлар ташкил қилган, 68 процент одам тураржой олишига, болалар боғчасига боласини жойлаштиришга кўзи етмаганлиги, шунингдек транспорт хизмати ёмон бўлиб, яшаётган жойининг иш жойидан олис эканлиги туфайли ишдан кетиш тўғрисида ариза берган.

Ҳозир касаба союз комитетлари хўжалик раҳбарлари билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлашнинг прогрессив формаларига изчил равишда ўтилишини таъминлашга, бригада кенгашларининг ролини оширишга интилмоқдалар, моддий-техника таъминотини ва нормалаштиришни яхшиламоқдалар, меҳнатни ва бошқаришни илмий ташкил қилиш тўғрисида қайғурмоқдалар, Москва ва Ленинград, Латвия ССР, Запорожье, Куйбишев, Челябинск областларининг қўл операцияларини бутун чоралар билан қисқартириш соҳасидаги тажрибасини ўзлаштирмоқдалар.

Республикамиз саноатида қўл меҳнати механизациялашган меҳнатдан ҳали ҳам устунлик қилиб, 50 процентдан кўпроқни ташкил этади. Шу муносабат билан республика саноатида қўл меҳнатини механизациялашнинг комплекс программаси ишлаб чиқилди. Уни амалга оширишда 28 министрлик ва идора, иттифоққа бўйсунадиган 57 бирлашма ва корхона қатнашмоқда. Тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида механизациялаш даражаси 3,6 процент кўтарилади, бу эса 30 минг ишчининг меҳнатини енгиллаштиради. Оғир жисмоний меҳнат билан банд бўлганлар сони 4,5 минг кишига камаяди (шулардан 1,4 мингги — хотин-қизлар). Бинокорлик материаллари, пахта тозалаш, рангли металлургия, қишлоқ хўжалик машинасозлиги саноати ва бир қатор бошқа тармоқларда айниқса катта ўзгаришлар юз беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир жиддий раҳбар ишчи кадрларнинг турғун бўлишига ёрдам берадиган проблемаларни ҳал этиш устида чуқур ўйлайди. Ҳамма ерда корхона маъмурияти меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини қондиришга интилади. Ўнинчи беш йилликда республикада 27 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой қурилди. Бу уч миллиондан зиёд киши янги квартираларга кўчиб кирди ёки ўз тураржой шароитини яхшилади деган гапдир. Шу вақт ичида 234 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари қурилди, улардаги болалар сони қарийб 338 мингтага кўпайди ва ҳозир салкам бир миллионни ташкил қилмоқда.

Ободончилик даражаси, шаҳар ва қишлоқларнинг водопровод, канализация, иссиқлик ва газ билан таъминланиши ошди, аҳолига транспорт хизмати яхшиланди. Тошкент метрополитени ишламоқда, унинг узунлиги ошиб боради. Буларнинг ҳаммасида республика касаба союзларининг хизмати оз эмас. Узсовпроф президиуми ўз мажлисларида меҳнаткашларнинг муҳим эҳтиёжларини қондириш масалаларини доимо муҳокама қилиб туради. Булар орасида «Ташсельмаш» заводида тураржой майдонининг тақсимланишини ҳамда тураржойга муҳтож гражданларнинг ҳисобга олинишини тартибга солиш тўғрисида», «Матлубот кооперацияси ва қишлоқ хўжалиги касаба союз ва хўжалик органларининг қишлоқда умумий овқатланишни яхшилаш соҳасидаги иши тўғрисида», «Тошкент шаҳри ишчи ва хизматчиларига пассажир транспорти хизматини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» каби масалалар бор.

Кадрларни турғун қилишнинг бошқа тадбирларини ҳам тилга олиш мумкин. Қурилиш, темир йўл транспорти, индустриянинг мудофаа тармоқлари ходимларига, шунингдек кўмир, сланец, кон-руда ва металлургия саноати, гражданавиацияси меҳнатчилари айрим категорияларига узоқ йиллар хизмат қилганлиги учун мукофот тўлаш жорий этилди, қурилиш ташкилотларининг олисда ишловчи ходимларининг лавозим окладлари кўпайтирилди, ишчи, хизматчиларга қариганлиги учун тўланадиган пенсияга узлуксиз иш стажи учун 10 процентдан 20 процентгача устама кўзда тутилди.

Лекин ҳар қалай уй-жой қурилиши, коммунал хўжаликда, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида талайгина жиддий камчиликлар бор. Республиканинг кўпгина министрликлари ва идоралари, бир қатор область, шаҳар ва районлари уй-жойларни фойдаланишга топширишнинг беш йиллик планларини уддаламадилар. Бунда қурилишнинг бориши ва сифатини назорат қилишга тегишлича эътибор бермаётган, ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланмаётган касаба союз комитетлари ва советларининг айби бор. Қорақалпоғистон АССР, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм областлари уй-жой, мактабгача тарбия муассасалари, маданий-маиший аҳамиятга эга объектлар қуриш планларини йилдан-йилга бажармай келадилар.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездидаги докладида меҳнаткашларнинг эҳтиёжларига бундай муносабатда бўлишга тегишли баҳо берилди ва у билан курашнинг яхши воситаси кўрсатиб ўтилди: «Шу нарса равшанки, одамлар, ўзларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатилаётган жойда яхшироқ, астойдил меҳнат қиладилар... Афсуски, бизда бундай масалаларга қандайдир иккинчи даражали, ноасосий масала, деб қарайдиган хўжалик раҳбарлари ҳали ҳам топилиб туради... Янги саноат объектлари ишга туширилганлиги ҳақида жойлардан олинадиган рапортларда, одатда, бу ерда ишлайдиган одамлар учун нималар қилинганлиги, қанча уй-жой, болалар боғчалари, кутубхона ва профилакторийлар қурилганлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Келинг, келишиб олайлик,— бундан кейин объектда планда кўзда тутилган уй-жой ва маданий-маиший муассасалар қурилиш программаси ҳам бажарилган тақдирдагина бундай рапортлар ҳақиқий, деб ҳисоблансин».

Маъмурият билан меҳнат коллективлари ўртасида тузиладиган коллектив шартномаларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтишни хоҳлар эдик. Уларнинг роли сўнгги вақтларда яъни корхоналарнинг ҳуқуқлари ва хўжалик мустақиллиги кенгайган, уларда иқтисодий рағбатлантириш фондлари вужудга келган бир пайтда айниқса ошиб кетди. Коллектив шартномаларга томонларнинг ўзаро мажбуриятлари, шу жумладан ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг ташкил этилишини такомиллаштириш, меҳнат шароити ва хавфсизлик техникасини яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлаш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш юзасидан бўлган мажбуриятлар киритилмоқда. Совет қонунлари коллектив шартнома шартларининг бузилганлиги учун маъмуриятнинг қаттиқ жавобгарлигини кўзда тутади. Ҳозир кўплар «Коллектив шартнома — корхона ҳаётининг қонуни» деган шиор остида ишламоқда. Касаба союз ташкилотлари меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун курашиб, жамоатчилик таъсирини ишчилар йиғилишлари, доимий ишлаб чиқариш кенгашлари, ишлаб чиқариш резервларининг кўриклари каби формалари ролини ҳам кучайтириб бормоқдалар.

Коммунистик меҳнат мактаблари меҳнат коллективи аъзоларини ўз касб-коридан фахрланиш, корхонанинг юксак маркаси учун масъулият, интизомни ва ҳуқуқ тартиботни бузувчиларга муросасизлик, фан ютуқлари ва илғор тажрибани жорий этиш учун кураш руҳида тарбия-

лашнинг самарали воситасидир. Бундай мактабларнинг фаолиятига раҳбарлик қилишни партия касаба союзларига юклаган.

Республикада ҳозир ўн мингдан зиёд коммунистик меҳнат мактаблари бўлиб, практика ҳар бир корхонада уларни ташкил этиш зарурлигини исботлади. Энг яхши мактабларнинг тажрибаси улар меҳнаткашларнинг онглилиги ўсишига, прогрессив иш усуллари ва методларининг кенг ёйилишига актив кўмаклашаётганлигидан, меҳнатга виждонан муносабатда бўлишни тарбиялаётганлигидан далолат бермоқда. Чунончи, Олмалиқ рух заводи, В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия комбинати, Нукусдаги 16-авторемонт заводи, Янгийўлдаги «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмасидаги коммунистик меҳнат мактабларида ўқув жараёнининг яхши ташкил этилганлиги бу коллективларда интизомнинг бузилишига барҳам берилишига ёрдам қилди, меҳнат унуми ва маҳсулот сифатининг ошишига кўмаклашди.

Умуман ёшларда меҳнат аҳлига ҳурмат, ўзи танлаб олган ишчи касбидан фахрланиш, ўз фаолиятининг натижалари учун жамият олдида масъулият сезиш туйғусини шакллантиришга қаратилган тарбиявий иш методлари теран ва хилма-хил бўлиб қолди. Кўпгина корхоналарда, масалан, Олмалиқдаги кон-металлургия комбинатида, Чирчиқдаги «Электрохимпром», «Средазкабель», Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаларида, Фарғонадаги уйсозлик комбинатида ишчилар синфи сафига кузатиш, разряд берилишига бағишланган байрамлар, турли авлод ишлаб чиқарувчиларининг учрашувлари, ишчилар сулолаларини муборакбод қилиш маросимлари мунтазам ўтказиб турилади. Касаба союз клублари ва кутубхоналар уюштираётган оммавий-сиёсий тадбирларнинг ижтимоий аҳамияти ошди, бу тадбирларнинг мақсади меҳнатга ва социалистик мулкка виждонан муносабатда бўлиш, саранжомлик, камчиликларга, шу жумладан интизом ва ҳуқуқ тартиботининг бузилишига муросасизлик ҳар бир киши хулқ-атворининг нормасига айланишига эришишдир. Бироқ маданий-оқартув муассасалари бундай ишнинг имкониятларидан ҳали тўла фойдаланмаётирлар. Лекциялар, суҳбатлар, докладларни кўпроқ ўтказишга интилганда, одатда, уларнинг сифати тўғрисида қайғурилмайди, бунинг натижасида тарбиявий наф кам бўлади.

Оммавий пропаганданинг хилма-хил формалари — тематик кечалар завод радиоси ва матбуоти, огзаки журналлар, агитбригадаларнинг чиқишлари — меҳнат интизомини бузувчилар, бракчилар, учарлар тўғрисида жамоатчилик фикрининг туғилишига актив ёрдам бериши, асбоб-ускуналарнинг ишламай туриши, прогуллар, брак маҳсулот чиқариш коллективга зарар етказажагини кўрсатиб бериши керак.

Республика касаба союз ташкилотлари ишчилар синфи ёш авлодни тарбиялашга алоҳида катта куч-ғайрат сарфламоқдалар. Бунда мураббийчиликнинг роли бебаҳодир. Бугунги кунда республиканинг энг яхши ишлаб чиқарувчиларидан 110 мингдан зиёд киши ёш ишчи ва колхозчиларга ўз тажрибаларини саҳийлик билан ўргатмоқда. Улар 230 минг ёш ходимларга оталиқ қилмоқдалар. Мураббийлар орасида 330 дан зиёд Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ва 17 минг орден ва медаллар билан мукофотланган кишилар, 30 СССР Олий Советининг депутати, 150 Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, 8 мингдан зиёд маҳаллий Советларнинг депутати бор. Уларнинг фаолиятига мураббийларнинг кенгашлари раҳбарлик қилади. Тошкент тўқимачилик комбинати, Самарқанддаги «Красний двигатель» заводи, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида, Қаршидаги СССР 50 йиллиги номидаги тикувчилик фабрикасида, «Узбекшахтострой» тресги ва бошқа коллективларда ёшлар билан ишлаш яхши ташкил этилган.

Кўплаб ёшлар ишлаётган Тошкент агрегат заводининг тажрибаси ибратлидир. Бу ерда мураббийлар кенгаши ҳар ой ўзининг мажлисларида ёш бўғинни ўқитиш ва тарбиялаш, унинг турмуши ва дам олиши, меҳнати ва иш ҳақи, ишчи ёшлар мактаблари ва техникумлардаги ўқиш, ишлаб чиқариш интизоми, мусобақани ривожлантириш ва бошқа масалаларни муҳокама қилади ва ҳал этади. Заводга янги келганларга алоҳида эътибор берилади. Касаба союз комитетининг ёрдамида кенгаш ишчи маҳорати бўйича конкурслар, ёш ишлаб чиқарувчилар ҳамда заводнинг бўлғуси ишчилари — техника билим юрти талабалари билан учрашувлар ташкил этиб туради. Мураббийлар ҳамда улар васийлигидагиларнинг «Ҳар бир ёш ишчи мураббий маррасига етсин!» — деган шиор остидаги социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилди.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун курашда ўртоқлик судларининг фаолияти муҳим ўрин тутади. Узсовпроф, касаба союзлари советлари ва комитетлари улар ишини такомиллаштиришга доимий эътибор бермоқдалар, жойларда амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ҳозирги вақтда республикадаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тўққиз мингдан зиёд ўртоқлик судлари барпо қилинган бўлиб, уларнинг составига меҳнат коллективларининг 49 мингдан зиёд энг яхши вакиллари сайланган.

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Таштексильмаш» заводи, Фарғона пойабзал фабрикаси, Андижон гидролиз заводининг ўртоқлик судлари меҳнат интизоми ва жамоат тартиби бузилишининг анча камайишига эришди. Бироқ кўпгина бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг ўртоқлик судлари тўғрисида бу гапни айтиб бўлмайди. Масалан, қурилиш тармоғида талайгина ишчилар прогул қиладилар, бироқ бу хилда интизомни бузишларнинг атиги 20—25 проценти муҳокама қилинади. Касаба союз ташкилотлари ўртоқлик судлари фаолиятини такомиллаштириш устида қунт билан ишлашлари зарур.

КПСС XXVI съездининг қарорлари, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган **Асосий йўналишларида белгиланган** ўсиш марраларимиз интизомни ҳамда меҳнат коллективларининг барқарорлигини мустаҳкамлаш масалаларига янада кўпроқ эътибор беришни юклайди. Бу соҳада собитқадамлик билан изчил иш олиб бормай туриб, партия XXVI съездининг иқтисодий сиёсат соҳасидаги асосий йўл-йўриғини — бутун ишнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш тўғрисидаги йўл-йўриғини амалга ошириш қийин. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этишга бутун чоралар билан кўмаклашиш — ҳар бир касаба союз ташкилотининг бурчидир.

МУҲИМ САНАЛАР ВА ВОҚЕАЛАР

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК НАМУНАСИ

СССР ВА ҲИНДИСТОН ЎРТАСИДА ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

И. ҲОШИМОВ,
тарих фанлари кандидати

СССР ВА ҲИНДИСТОН ХАЛҚЛАРИ ўзларининг тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали муносабатларининг ривожидаги муҳим санани нишонламоқдалар. 1981 йилнинг 9 августида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Деҳлида Шартнома имзоланган кунга 10 йил тўлади. Шартноманинг тузилишини мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бутун жараёни тақозо этган бўлиб, у анъанавий дўстона алоқалар ривожида сифат жиҳатдан янги бир босқич бўлди.

КПСС МКнинг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездидаги докладида шундай деб таъкидлади: «Совет—Ҳиндистон дўстлиги ҳар иккала мамлакатимизда мустаҳкам томир ёйган халқ анъанаси бўлиб қолди... Тинчликсевар мустақил Ҳиндистон билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиш келгусида ҳам совет ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолади».

Ўтган ўн йил 1971 йилдаги Совет—Ҳиндистон Шартномасининг халқларимиз ҳаётида катта роль ўйнаганлигини, унинг фақат Жанубий Осиёдагина эмас, балки бутун дунёда халқаро вазиятга стабиллаштирувчи таъсир этганини кўрсатди.

Шартнома мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг намунаси, социал-иқтисодий системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсатининг яхши намунасидир. У СССР ва Ҳиндистоннинг экономика, фан, техника ва маданият соҳасида ҳар томонлама ҳамкорлик қилиши учун янги уфқлар очиб берди. Шунинг учун ҳам СССР ва Ҳиндистон халқлари бу муҳим тарихий ҳужжатнинг имзоланишини зўр завқ-шавқ билан олқишладилар.

Л. И. Брежневнинг 1973 йилнинг ноябрида Ҳиндистон Республикасига қилган расмий визити давлатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўлида жуда катта воқеа бўлди. Ўшанда Ҳиндистон раҳбарлари билан ўзаро чуқур ҳурмат, самимийлик ва Совет-Ҳиндистон ҳамкорлигини чуқурлаштириш масалаларини ҳал этишга конструктив ёндашиш руҳидаги музокаралар интенсив равишда олиб борилди, халқаро аҳволнинг актуал проблемалари муҳокама қилинди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Деҳлида Қизил қалъа олдидаги жамоатчилик митингида сўзлаган нутқи Ҳиндистон ва жаҳон афкор оммасининг диққат-эътиборида бўлди. «Дўстлигимизнинг ривожини,— деди Леонид Ильич,— чўққига кўтарилишга ўхшатса бўлади: биз тобора баланд кўтарилганимиз сари, кўз ўнгимизда янги-янги уфқлар очила боради. Зотан тобора янги, жозибадор истиқболлар очилмоғи учун янада баланд кўтарила беришни истаймиз». Ўртоқ

Л. И. Брежневнинг Ҳиндистон парламентида, Ҳиндистон — Совет маданий жамияти активистлари олдида сўзлаган нутқлари, Ҳиндистон Компартиясининг раҳбарлари билан бўлган учрашувлар икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг визити Совет-Ҳиндистон қўшма декларациясининг имзоланиши, СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий ва савдо алоқаларини янада ривожлантириш, СССР Госплани билан Ҳиндистон план комиссияси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, шунингдек консуллар ҳақидаги конвенциянинг тузилиши билан якунланди. Гап 15 йилга мўлжалланган ва муддати тугагандан кейин ўз-ўзидан узайтириладиган узоқ муддатли битим ҳақида борарди. Бу ҳужжатларнинг ҳаммаси икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни совет экономикасининг социалистик характерини ва Ҳиндистон экономикасининг планли равишда ривожланишини ҳисобга олган ҳолда янги босқичга кўтарди.

Совет-Ҳиндистон ҳамкорлиги Ҳиндистоннинг иқтисодий мустақиллликка эришишига ёрдам берди. Бу мустақиллик комплекс асосда ва биринчи навбатда Ҳиндистон экономикасининг база бўладиган тармоқларида амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ҳиндистон иқтисодий соҳада катта тараққиётга эришди. Ҳозирги вақтда у пўлат ва прокат, станоклар ва экскаваторлар, электрон-ҳисоблаш машиналари ва товушдан тез учувчи реактив самолётлар, саноатнинг кўп тармоқлари учун ускуналар, қишлоқ хўжалиги учун техника ишлаб чиқармоқда, космосга ернинг сунъий йўлдошларини учирмоқда. Саноат ишлаб чиқариши маҳсулотларининг анчагина кўпайишига эришилди, унда давлат сектори муҳим роль ўйнамоқда. Қишлоқ хўжалигининг юксалиши натижасида йилига 130 миллион тоннага етказиб озуқа дон ўриб-йиғиб олинадиган бўлдики, бу уни импорт қилишдан воз кечиш имконини берди.

Ҳиндистон халқи бу ютуқлар кўп даражада Совет-Ҳиндистон иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлигининг натижаси эканлигини яхши тушунади. Бхилай ва Бокародаги металлургия заводлари, Хордвордаги оғир электр ускуналари заводи, Ранчидаги оғир машинасозлик заводи, Обр, Қобр, Нейвели, Бхакрдаги электр станциялари, Бараунн, Койяли ва Матхурдаги нефтни қайта ишлаш заводлари, Котдаги аниқ приборлар, Мадрасдаги хирургия асбоблари, Ришикешдаги антибиотиклар, Ҳайдарободдаги химик-фармацевтик препаратлар заводлари, Анклешвардаги нефть конлари — булар Совет Иттифоқининг ёрдамида Ҳиндистонда қурилган ва қурилаётган 70 дан ортиқ корхонанинг энг йирикларидир. Ҳозирги кунда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган пўлатнинг 34 проценти, прокатнинг 36,4 проценти, нефтнинг 77 проценти, нефть маҳсулотларининг 30 проценти, электр қувватининг 20 проценти, металлургия, кон-шахта ва бошқа оғир асбоб-ускуналарнинг 80 проценти ўша корхоналар улушига тўғри келади. Совет-Ҳиндистон ҳамкорлиги йилларида Ҳиндистон учун олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган 100 мингдан зиёд мутахассис ва малакали ишчилар тайёрлаб берилди. Кейинги беш йил ичида СССР билан Ҳиндистон ўртасида товар обороти икки баравардан зиёд ортиб, ҳозирги кунда қарийб 13 миллиард ҳинд рупийсини ташкил этди, яъни бир ярим миллиард сўмдан ошиб кетди.

Ҳиндистон экономикаси айрим тармоқларининг ривожланиши икки мамлакат ўртасидаги дўстона ва ўзаро фойдали ҳамкорликнинг ёрқин ифодасидир. Чунончи, мустақиллик эълон қилингандан кейин Ж. Неру бошчилигидаги Ҳиндистон ҳукумати мамлакатни хом ашё ва ёқилғининг асосий турлари, шу жумладан нефть билан ўзини ўзи таъминлаш йўлини тутди. Лекин бунинг учун зарур маблағ, замонавий техноло-

гия, малакали кадрлар керак эди. Ташқаридан ёрдам талаб қилинарди. Чет эл кампанияларининг вакиллари, мамлакатда истиқболли нефть конлари йўқ, деб даъво қилдилар. Ана шундан кейин Ҳиндистон Совет Иттифоқига мурожаат этди. Орадан кўп вақт ўтмай, бу ерга бир гуруҳ совет нефтчилари ва олимлари келишди, уларнинг ёрдамида Деҳродун шаҳрида нефтни разведка қилиш институти ва пармалаш технологияси институтлари барпо этилди. Ўшандан буён нефтни разведка қилиш институтига нефть ва газ бўйича жуда кўп совет мутахассислари келиб кетишди. Улар миллий кадрларни тайёрлашда жуда катта ёрдам бердилар.

Ҳиндистон ва совет геологларининг биргаликдаги куч-ғайрати билан мамлакатнинг турли районларида қирқдан ортиқ нефть ва газ конлари топилди, улардан йилига бутун ҳинд нефтининг 70 процентдан кўпроғи қазиб олинмоқда. Ҳозирги вақтда бир йилда қазиб олинаётган нефть 14 миллион тоннадан кўпроқни ташкил этади. Лекин мамлакатнинг нефтга бўлган талаби 30 миллион тоннадан ортади. Ҳиндистон ҳукуматининг илтимосига кўра бир гуруҳ совет мутахассислари 1981—1990 йилларда нефть ва табиий газни разведка қилиш ҳамда қазиб олишнинг перспектив планини тузишда иштирок этишмоқда.

Ҳиндистон экономикаси олдида турган жуда муҳим, долзарб ёқилғи-энергетика проблемаларидан бири — бу кўмир саноатини жадал ривожлантиришдир. Олтинчи беш йилликда (1980—1985 йиллар) кўмир қазиб чиқаришни 113,5 миллион тоннадан 180 миллион тоннага етказиш белгиланган. Яқинда Ҳиндистон ҳукумати 20 янги йирик кўмир шахталари лойиҳаларини маъқуллади, уларни қуриш яқин кунларда бошланади. Бу планларни амалга оширишда Ҳиндистон Совет Иттифоқи билан ҳамкорликка катта ўрин беради. Масалан, СССР ёрдамида Жонбод шаҳри яқинида Ҳиндистондаги энг йирик Жагария кўмир қазиб олиш корхонаси қурилади.

1980 йилнинг апрелида Деҳлида СССР билан Ҳиндистон ўртасида ирригация соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида амалий программа имзоланди. Программада ирригацион объектларни лойиҳалаштиришда, қидириш ва тадқиқот ишларини ўтказишда ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган. Томонлар, шунингдек, ярим чўл ва чўл зоналарини ривожлантириш, йирик каналлар системасини қуришга оид ахборот ва ҳужжатларни ўзаро алмашиш хусусида ҳам келишиб олишди.

Кўп йиллар давомида СССР билан Ҳиндистон ўртасида электр энергияси соҳасидаги ҳамкорлик муваффақиятли амалга ошириліб келинмоқда. Иқтисодий ривожланиш планларида мамлакатни электрлаштириш, ўз электр техника базасини барпо этиш кўзда тутилган. Совет Иттифоқи ёрдамида Ҳиндистонда ҳозирнинг ўзидаёқ ўндан ортиқ иссиқлик ва гидроэлектр станциялари қурилди. Уларнинг қуввати ҳозир уч миллион киловаттдан ошиб кетди.

Икки мамлакат ўртасидаги илмий алоқалар йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Масалан, космик фазони биргаликда тадқиқ этиш бу алоқаларда катта ўрин тутади. Чунончи Ернинг биринчи ҳинд йўлдоши «Ариабата» 1975 йилнинг апрелида учирилган эди. Иккинчи йўлдош «Бхаксара» совет учирувчи ракетаси ёрдамида ва СССР территориясидан ер атрофи орбитасига 1979 йилнинг июнида чиқарилди. 1980 йилнинг 18 июлида Ернинг учинчи ҳинд сунъий йўлдоши «Рохини» муваффақиятли учирилди. Бу йўлдош биринчи марта Ҳиндистоннинг ўзида яратилган «СЛВ-3» ракетаси ёрдамида Ҳиндистон космодроми Шрихарикотадан учирилди. Эндиликда Ҳиндистон жаҳонда ўз ракетаси ёрдамида сунъий йўлдош учирган олтинчи давлат бўлди. 1985 йилда 600 килограммлик йўлдошни қутб орбитасига чиқариш мўлжалланмоқда. Яқинда тузилган шартномага асосан совет ва ҳинд космонавтларининг биргаликда парвозига тайёргарлик кўрилмоқда.

Йирик саноат ва маданият маркази — Калькуттада метронинг қурилаётган икки мамлакат ҳамкорлигининг муҳим объектидир. Совет экспертларининг таклифи билан бешта трасса қуриш планлаштирилганки, улар келгусида ер ости транспорт йўлларининг ягона шохобчасини ташкил этади. Ҳозирги вақтда метронинг биринчи линияси қурилиши авжида. Совет мутахассислари ҳинд дўстларга барча зарур масалалар юзасидан маслаҳат бериб турибдилар. Ҳозир Калькуттада бизнинг эксперт-метроқурувчиларимизнинг бешинчи группаси ишлаб турибди. Биринчи синов поезди шу йилнинг охири ва келгуси йилнинг бошида ўтиши керак, поезд вагонлари Мадрасдаги давлат заводида тайёрланмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1980 йилнинг декабрида Ҳиндистон Республикасига қилган расмий дўстона визити буюк халқлар ҳамкорлиги ва дўстлиги янада мустаҳкамланаётганлигининг янги бир далили бўлди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳиндистон президенти Н. С. Редди, бош министр И. Ганди, Ҳиндистоннинг бошқа давлат, сиёсий ва жамоат арбоблари билан учрашувлари ҳамда суҳбатлари инсоният олдида турган бош вазифа тинчликни мустаҳкамлаш, янги жаҳон урушининг олдини олиш вазифаси эканлигига иккала томоннинг ишончини тасдиқлади. Юксак даражадаги музокаралардан кейин Деҳлида муҳим ҳужжатлар имзоландики, улар СССР ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учунгина эмас, шунингдек умуман ер юзидаги халқаро сиёсий иқлимни соғломлаштириш учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу ҳужжатлар орасида — қўшма Совет-Ҳиндистон декларацияси, иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисида битим, 1981—1985 йилларга мўлжалланган савдо битими, 1981—1982 йилларда маданият, фан ва таълим соҳасидаги алмашувлар программаси, кинематография соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим бор. Буларнинг ҳаммаси СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар кенг қулоч ёзаётганидан далолат берадики, бу алоқалар мамлакатларимиз халқлари ҳаётининг барча энг муҳим соҳаларини ўз ичига олади.

Ҳиндистон Компартияси Миллий кенгашининг бош секретари Раджешвара Рао Леонид Ильич Брежневнинг Ҳиндистонга қилган расмий дўстона визити катта муваффақият билан тугалланганлигини, ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга ёрдам берганини, икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, илмий техника ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш учун янги истиқболлар очганини таъкидлади.

Совет Иттифоқи Ҳиндистоннинг тинчлик, тинч-тотув яшаш, қўшилмаслик принципларига асосланган ташқи сиёсатига катта ҳурмат билан қарайди. СССР Ҳиндистоннинг халқларнинг тинчлик ва кескинликни юмшатиш учун, империализм, мустамлакачилик, янги мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши, зулм ва тенгсизликнинг барча формаларига қарши олиб бораётган курашга қўшаётган ҳиссасини юксак қадрлайди.

АҚШ империализми, унинг НАТОдаги иттифоқдошлари ва пекинлик гегемончиларнинг хатти-ҳаракати туфайли халқаро вазият кескинлашган ҳозирги шароитда СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги яхши муносабатлар, ҳозирги замоннинг асосий проблемалари бўйича улар позицияларининг мос келиши ёки яқинлашуви, халқлар мустақиллиги учун кураш ишига, тинчлик ва давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги ишига, қуролсизланиш ва янги жаҳон урушининг олдини олиш учун курашга уларнинг тарафдорлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Кўпгина халқаро анжуманларда СССР ва Ҳиндистон Осиё ва бутун дунёда тинчлик ҳамда стабиллик бўлишини, давлатлар ўртасидаги суверенитет, тенглик, территориал бутунликни ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, қуролланиш пойгасини тўхтатиш принципларига асосланган муносабатларни актив ёқлаб чиқмоқда. СССР ва Ҳин-

дистон ядро қуролини синашни тўла ва бутунлай тақиқлашга, химия қуролини тақиқлаш ва тугатишга, ялпи қирғин қуролининг янги турлари яратилишини тақиқлашга қаратилган тадбирларни тезроқ амалга оширишга даъват этмоқда. Бу билан улар ўзларининг БМТнинг Ҳинд океанини тинчлик зонаси деб эълон қилиш тўғрисидаги Декларациясини тезроқ амалга оширишга ёрдам беришга тайёр эканликларини тасдиқлайдилар, бу районидаги барча мавжуд чет эл ҳарбий базаларини йўқотишга чақирмоқдалар.

Ўзбекистон Совет-Ҳиндистон дўстлик муносабатларининг мустаҳкамланишига муҳим ҳисса қўшмоқда. Тошкент ва республикамиз бошқа шаҳарларининг саноат корхоналари кўтарма кранлар, компрессорли станциялар, дизеллар, насослар, турли хил кабеллар, тўқув станоклари, тракторлар, культиваторлар, пахта териш машиналари, химик аппаратлар, электр-техника ускуналари — ҳаммаси бўлиб 40 дан ортиқ саноат буюмлари тайёрлаш бўйича Ҳиндистон буюртмаларини бажармоқдалар.

Ўзбекистон мутахассислари саноат корхоналарини лойиҳалаштириш ва қуришда, қишлоқ хўжалиги айрим тармоқларини ривожлантиришда ҳинд дўстларига ёрдам бермоқдалар, ўзларининг бой ишлаб чиқариш-техника тажрибаси билан ўртоқлашмоқдалар. Кўпгина ҳиндлар Ўзбекистон заводлари, корхоналари, ўқув ва илмий марказларида тайёргарлик ҳамда ишлаб чиқариш практикасидан ўтмоқдалар.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон олимлари ўртасида қалин дўстлик алоқалари ўрнатилган. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг қатор илмий-тадқиқот институтлари Ҳиндистоннинг илмий марказлари ва олий ўқув юртлари билан доимо алоқа қилиб туради. Сув хўжалиги соҳасидаги ҳинд олимлари ва мутахассисларидан бир гуруҳи республикада ирригациянинг аҳволи, ирригацион техника ютуқларининг қандай татбиқ этилаётганлиги билан танишиб чиққандан кейин қуйидагиларни таъкидлади: «Биз Ўзбекистонда ўзимиз учун фойдали, ватанимизда ҳам қўлланса бўладиган жуда кўп нарсаларни ўргандик. Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш борасидаги тажрибаси, ерларни суғориш ва мелиорация қилишнинг айрим усуллари биз учун айниқса қизиқарлидир».

Мустақил Ҳиндистоннинг биринчи бош министри Ж. Неру, ҳиндлар Совет Иттифоқидан жуда кўп қимматли туҳфалар олдилар, шулардан энг қимматлиси дўстликдир, деб таъкидлаган эди. Ленин ватани, Октябрь социалистик революцияси ватани билан мустаҳкам дўстлик, империализм ва янги мустамлакачилик кучларига қарши, янги, гуллабяшнаётган Ҳиндистон учун олиб бораётган курашида ҳинд халқига янги куч бахш этмоқда. Совет-Ҳиндистон муносабатларининг истиқболи катта, чунки улар мамлакатларимизнинг туб манфаатларига мос тушади ва Осиё ҳамда бутун дунёда тинчликнинг қудратли омили бўлиб хизмат қилади.

ПУБЛИЦИСТИКА, ОЧЕРКЛАР, ХАБАРЛАР

ДАЛА ВА ФЕРМА

Н. АЛЕЕВ

Ўн биринчи беш йиллик Ўзбекистон меҳнаткашлари учун алоҳида аҳамиятга эга: йилига ўрта ҳисобда камида 5,9 миллион тонна пахта етиштиришни таъминлаш, гўшт етиштиришни 400—410 минг тоннага (сўйилган вазнда), сутни 2,5—2,7 миллион тоннага етказиш керак—пахтакор ва чорвадорлар олдида ана шундай вазифалар турибди. Бу нима дегани?

Бу пахтакорлар ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришилган муваффақиятни мустаҳкамлашлари керак дегани, чунки улар 1980 йилдаёқ олти миллионлик маррани босиб ўтдилар. Чорвачиликда аҳвол ўзгача: гўшт ва сут етиштириш бўйича белгиланган топшириқни бажариш эришилган даражага нисбатан икки баравардан кўпроқ маҳсулот етиштириш демакдир. Шундай қилиб, чорвачиликни кескин юксалтириш эмас, балки бу тармоқни ривожлантиришда кучли сакраш, туб ўзгариш ясаш вазифаси қўйилган.

Ўн биринчи беш йилликда республика чорвачилигига катта маблағлар сарфланади, бу маблағлар қарийб 800 минг бош қорамолга мўлжалланган бўрдоқичилик ва сутчилик комплекслари ҳамда 85 миллион бошдан кўпроқ парранда учун паррандачилик комплекслари қуриш имконини беради. Колхоз ва совхозлар фермалари, шунингдек хонадонларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида мол ва паррандалар сони анча кўпаяди. 100 гектар экинзорга тўғри келадиган моллар сонининг зичлигини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш чорвачилигимиз соҳасидаги асосий резервдир.

Аммо озуқа масаласи нима бўлади? Ахир биз чорвачиликдан олмоқчи бўлган ҳамма нарса — гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларнинг сероб бўлиши пировард натижада хилма-хил ва юқори сифатли озуқанинг мўл-кўл бўлишига боғлиқ-ку. Озуқа етиштиришни кескин яхшилаш бизнинг республикамиз учун энг қийин ва энг мураккаб проблемалардандир. Партия XXVI съездида кўрсатиб ўтилганидек, чорва озуқаси етишмаслиги умуман мамлакат бўйича асосий қийинчиликдир. Ўртоқ Л. И. Брежнев Тбилисидаги тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида озуқа базасини мустаҳкамлашни чорвачиликни ривожлантиришнинг бош вазифаси деб атаганди, шу маънода ҳозирги беш йиллик «маълум даражада озуқа беш йиллиги бўлиши керак», деб таъкидлаганди.

НИМА БИЛАН БОҚИШ КЕРАК!

Маълумки, Ўзбекистон тупроқ таркибига кўра СССРнинг саҳро-чўл зонасига киради. Республика ер фонди қуйидагича тақсимланади: водийлардаги асосан пахтачилик учун фойдаланиладиган (ахир республикамиз мамлакатнинг асосий пахта базаси эди ва шундай бўлиб қолади) суғориладиган экин майдони, дон экинлари паст ҳосил берадиган қурғоқчил лалми ерлар, кўпчилик қисми шип-шийдам, ўрмонсиз, яъни мол боқишга яроқсиз бўлган тоғлар ва, ниҳоят, туя ва қоракўл қўйлар сингари хўра моллар ҳам етарли озуқа топа олмайдиган улкан чўл ва ярим чўл массивлардан иборат.

Чорвачиликни ривожлантириш учун жуда қулай бўлган ерлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда кенг ўтлоқзорлар ва табиий текин пичанга бой майдонлар йўқ, мавжуд яйловлар ва ўтлоқзорлар эса ўт-ўланга жуда камбағал, бунинг устига, суғорилиб қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун ўзлаштирилиши, шунингдек, шаҳар ва саноат қурилишига ажратиб олиниши эвазига бундай ерлар борган сайин камайиб кетмоқда. Республика озуқа ресурслари оз бўлишидан ташқари хашакларни ташиб келтириш ҳам қийин, шунинг учун чорва озуқаси бизга жуда қимматга тушади.

Шундай бўлса-да, озуқа етиштиришни кўпайтириш резервлари бизда узил-кесил тугаган, деб бўлмайди. Бу резервлар орасида энг муҳими — суғориладиган гектарнинг қудратли кучли. «Озуқа экинлари учун ажратилган ерлардан интенсив фойдаланиш,— деб кўрсатилганди Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида,— ҳар гектардан юз центнер ва ундан кўпроқ озуқа бирлиги олишни таъминлаш учун беда, маккажўхори ва бошқа озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш зарур».

Ҳозир қанчадан ҳосил олмоқдамиз? Республика бўйича қуруқ хашак ҳисобида 100 центнердан сал ошиқроқ беда ва силос учун. 250—270 центнер маккажўхори ҳосили олинмоқда. Биринчи ҳолатда бу қарийб 50 центнер озуқа бирлиги, иккинчи ҳолатда эса бор-йўғи 40 центнер озуқа бирлиги демакдир. Бундай суғориладиган камбағал гектардан олинган чорва озуқаси билан йирик қорамолни 250—300 килограмм семиртириш ёки ундан 1,5 тоннага қадар сут олиш мумкин. Демак, агар бир бош сигирни ҳам тўйғиза олмаса, бундай суғориладиган гектар олтин баравар қимматга тушар экан-да!

Ўн биринчи беш йилликда Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштириш давом этади, аммо биринчи марта бу ерларнинг кўп қисми пахта учун эмас, балки республика Компартияси XX съездида айтилганидек, алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш, озуқа ва ембоп экинлар майдонини кенгайтириш учун ажратилади, чунки буларсиз чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мумкин эмас. Демак, озуқа экинлари майдони анча кенгаяди, аммо биз янги ерлардан мўл озуқа ҳосили олишни ўрганиб олмасак, чорвачилик маҳсулотлари кам кўпаяди.

Лекин республикада суғориладиган гектарни юксак самарадорлик билан «ишлашга» мажбур этаётган хўжаликлар оз эмас: масалан, Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозни олиб кўрайлик. Бу ердаги шағалли ерлар чириндига камбағал, аммо алмашлаб экишни қунт билан жорий этиш туфайли уларнинг ҳосилдорлиги муттасил ошиб бормоқда, бу ўсиш озуқа экинлари майдонида ҳам, пахта майдонида ҳам сезилмоқда. Охунбобоевликлар пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказган ҳолда бедадан қуруқ пичан ҳисобига 200 центнердан, силосбоп маккажўхоридан 450—500 центнердан ҳосил етиштиряптилар. Колхоз ўзи етиштирган чорва озуқаси ўзига етади, озуқа арзон тушмоқда, ҳар бош сигирдан 3700 килограммдан ортиқ сут соғиб олиняпти, шунинг учун чорвачилик рентабеллигина эмас, жуда даромадли ҳам.

Ўн биринчи беш йиллик топшириқларида кўндаланг қилиб қўйилган вазифаларни бажаришга зарур бўлган озуқа проблемасини қисқа муддатда ҳал этиш мумкинми? Ахир республикамизда шу йилнинг ўзидаёқ камида 360 минг тонна гўшт, 2,3 миллион тонна сут етиштириш таъминланиши керак-ку.

Шу маънода Тошкент областининг Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз тажрибаси диққатга сазовордир. Хўжалик кўп йиллар давомида чорва озуқасидан қийналиб, чорвачиликнинг ҳамма кўрсаткичлари бўйича оқсаб келарди. Сегизбоевликлар дон учун маккажўхори эка бошладилар. Маккажўхорининг энг мақбул ВИР-388 навини танладилар, яхшилаб ўргандилар, уни ўстириш учун тавсия этиладиган агротехникани аниқ қўлладилар (жумладан, минерал ва маҳаллий ўғитларни тўла миқдорда ишлатдилар) ва биринчи йилнинг ўзидаёқ 200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан қарийб 80 центнердан дон етиштирдилар. 80 центнер маккажўхорида эса юздан ортиқ озуқа бирлиги бор.

Совхоздагилар биргина маккажўхори билан чорва озуқаси масаласини ҳал қилиб бўлмаслигини яхши тушунишиб, келгуси йили уни лавлаги билан қўшиб экдилар. 83 центнердан дон, 450 центнердан лавлаги етиштирдилар, яъни ҳар гектардан 160—170 центнердан озуқа бирлиги олинди! Мана шундай бир гектар ер қанча чорвачилик маҳсулоти беришини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас — бўрдоқига боқилган қо-

рамол бир тоннага яқин, чўчқалар эса ҳатто бир ярим тонна қўшимча эт қўшади, ёки 5—6 тонна сут олиш мумкин.

Шуниси қувончилики, айрим қўриқ хўжаликларнинг суғориладиган ерларидаги озуқа экинлари ҳосилдорлиги йил сайин ошиб бормоқда. Масалан, Сирдарё область, Оқ олтин районидаги «Фарғона» совхозида ўтган йили 1000 гектар ернинг ҳар гектаридан 72 центнердан маккажўхори дони ва қуруқ пичан ҳисобида 200 центнердан кўпроқ беда ҳосили етиштирилди. Бу ерда 400 сигирнинг ҳар биридан 3100 килограммдан сут соғиб олинди. Бу Сирдарё, Қашқадарё ва Жиззах областларидаги чорва озуқаси етиштириш яхши йўлга қўйилмаган, бинобарин моллар кам, маҳсулдорлиги эса паст бўлган қўриқ совхозлар учун яхши намунадир.

Қашқадарё областида, масалан, 100 гектар экинзорга 6 бош сигир тўғри келади ва Тошкент областидагига қараганда гўшт 2,5 баравар, сут қарийб 4 баравар кам етиштирилади. Бу ердаги хўжаликлар раҳбарларининг баҳонаси битта: «озуқа йўқ». Текширилганда эса алмашлаб экиш жорий этилмаётганлиги, озуқа экинлари экиладиган суғориладиган ерлардан паст ҳосил олинаётганлиги маълум бўлди. Аммо ўша Қашқадарёдаги «Қарши» чорвачилик саноат комплексида маккажўхори ёмон ўсадиган, шартли шўр босган ерларда бир неча йиллардан буён ҳар гектардан 220—230 центнердан ширин жўхори озуқа бирлиги олинмоқда. Мана шундай бир гектарда учтўрт сигирни бузоғи билан бемалол боқиш мумкин.

Нима учун кўпгина колхоз ва совхозларда (нафақат қўриқ ерлардаги хўжаликларда) суғориладиган гектардан шарт-шароити бир хил, баъзида ёмонроқ бўлган бошқа хўжаликлардагига қараганда икки, уч, айрим ҳолларда ҳатто тўрт баравар кам чорва озуқаси олинмоқда? Чорва озуқаси етиштириш соҳасидаги камчиликлар очиқойдин кўриниб турибди. Планлаштирилган майдонга озуқа экинларини тўла экишмайди, беда, маккажўхори ва бошқа озуқа экинлари экилган ерларга ўз вақтида ўғит, сув беришмайди, яхши парвариш қилишмайди, бор ҳосилни ҳам мавридида йиғиштириб олишмайди.

Бедани ўз вақтида ўриб-йиғиб олмаслик нима дегани? Бир ҳафта кечикдингми, ҳазм қилинадиган протеиннинг ярми йўқолди, деган гап. Шундан кейин бўрдоқига боқилаётган молни бир килограмм семиртириш ёки бир килограмм сут соғиб олиш учун икки баравар кўп озуқа сарфланади. Ёки ўрилган беда далада, офтобда йиғиштирилмай қолиб кетди, ғарам қилиш кечиктирилди, дейлик. Барглар қуриб, тўкилиб тушади, ваҳоланки, беданинг бутун тўйимлилиги тупларида эмас, баргларидадир.

Молларга қандай озуқа бериш ем-хашакнинг қандай сақланишига боғлиқ. Масалан, силос тупроқ ўрага босилса, унинг тўйимлилик сифати икки баравар камаяди. Ким буни билмайди дейсиз? Лекин кўпчилик колхоз ва совхозларда силос босиладиган бетон ўралар қуриш плани йилдан-йилга бажарилмай келмоқда.

Дарвоқе, тайёрланган озуқалар сифати ҳақида хўжаликлар раҳбарларининг ўзлари ҳам бирон-бир фикр айтгани қийналадилар, чунки колхоз ва совхозларнинг ярмида тегишли лабораториялар йўқ. Чамалаб баҳолаш эса кўп ҳолда аҳволни чигаллаштириб қўяди: кўкламгача етади, деб ўйланган озуқа баъзан қишнинг ўртасидаёқ тугаб қолади. Тўғри, йирик қорамолнинг бир килограмм семириши учун сарфланган озуқага қараб унинг сифати ҳақида билвосита фикр юритиш мумкин: республика колхозларида ўрта ҳисобда 21,4 озуқа бирлиги, Бухоро областида 25, Хоразм областида 32 озуқа бирлиги сарфланади. Буни қорамолларни бир килограмм семиртиришга 7,2 озуқа бирлиги сарфланаётган машҳур Каттақўрғон комплекси билан солиштириб кўринг.

Бизнинг назаримизда, чорва озуқаси етиштиришдаги барча камчиликларнинг асосий сабаби айрим колхоз ва совхоз раҳбарларининг иқтисодий фикр юритишида ҳали ҳам қолоқ тушунчаларнинг ҳукмронлик қилишидадир. Улар шундай ўйлайдилар: пахтачилик даромадли, чорвачилик эса зарарли экан, гўшт ва сутни қанча кўп етиштирсанг, хўжаликнинг ўзи учун шунчалик оғир бўлади. Шунинг учун жамоат чорвачилигига ҳам, озуқа етиштириш ишига ҳам муносабат юқоридагидай фикр юритишга яраша бўлмоқда. Айрим хўжаликларда озуқа экинларига ажратилган суғориладиган ерлар анча кўп бўлса-да, лекин бундан кам фойда тегади.

Ҳолбуки, бугунги кундаги суғориладиган гектар фақат жамоат чорвачилигини боқибгина қолмай, кишиларнинг шахсий молларини ҳам тўйғиза олиши керак. Бунинг

уддасидан чиқса бўладими? Энг аввало, суғориладиган гектар амалда бўлиши керак, аслида-чи, бундай ерлар кўпинча қоғоздагина бўлади. Ўтган йили экин майдонларини ўлчаш натижасида Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Самарқанд ва бошқа областларда ўша йили экилган 27 минг гектар ва аввалги йиллар экилган қарийб 20 минг гектар бедапоялар кам чиқди. Бу — чорвадорлар қарийб 3,5 миллион центнер озуқа бирлиги, истеъмолчилар эса 20 минг тоннадан кўпроқ гўшт ёки 120 минг тонна сут кам олди, демакдир.

ҚАНДАЙ БОҚИШ КЕРАК!

Молларнинг тез семириши ёки кўп сут бериши фақат озуқагагина боғлиқ бўлиб қолмай, балки чорва озуқасининг барча хиллари бўйича балансланган рационлар тузилишига ҳам боғлиқ. «Красний водопад» экспериментал хўжалигидаги машҳур сут соғувчи Анастасия Чудная ишларни ана шундай яхши йўлга қўйган. Унинг Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозидаги машҳур шогирди ва издоши Мунаввар Исоқованинг ишлари ҳам намуналидир. Мунаввар Исоқованинг иш тажрибаси ҳақида батафсил тўхталиб ўтсак ёмон бўлмайди.

...У Тошкент область комсомол комитети йўлланмаси билан «Анастасия Чудная мактаби»га келган эди. Республикамизнинг турли бурчакларидан бу ерга тўпланган йигирма нафар ёш шогирд қизлар орасидан негадир худди Мунавварга А. Чудная нинг алоҳида ишқи тушиб, бир куни: «Эртага ҳамма сигирларимни ўзинг соғасан. Ёнингда бўлмайман», деди унга.

Нима учундир машҳур токарь, тракторчи, сут соғувчи ҳақида «истеъдодли одам» деб гапириш расм бўлган эмас. Фақат олим, ёзувчи, артист, спортчи истеъдодли бўлиши мумкин, деб ҳисоблашади. Аммо худди ана шу Мунаввар ўқиш бошлангандан сўнг ўн кун ўтгач «тандем»да мустақил равишда юз эллик сигирни соғиб улгургач, Анастасия Ивановна у ҳақда: «Бу қизнинг бизнинг ишимиз соҳасида катта истеъдоди бор экан», дегани маълум.

Сигирларни боқишнинг барча нозик сирларини диққат билан ўрганиб олаётганлигини сезган Анастасия Ивановна Мунавварни яна бир бор мақтаб қўйди. Бу иш чиндан ҳам жуда нозик. Экспериментал хўжаликда боқилаётган соғин сигирлар рационини Ўзбекистон Чорвачилик илмий тадқиқот институти олимлари тузиши бежиз эмас, «Бунисидан қанча-ю, унисидан қанча?.. Нега бунча?» деб эзмалик билан сўраб оларди Мунаввар. Анастасия Ивановна тушунтирар, изоҳ берар, сўнг: «Балли! Агар сигирнинг сути оғзида эканлигини шунчаки эмас, балки илмий нуқтаи назардан яхшилаб тушуниб олсанг, чинакам моҳир сут соғувчи бўлиб етишасан», деб қўярди.

Мунавварнинг сигир боқишни барча икир-чикирларигача илмий тушунишига ҳали узоқ эди, аммо «Анастасия Чудная мактаби»дан колхоз фермасига қайтиб келгач, у ўз қарамоғидаги тарғиллар манфаатини ёқлаб қаттиқ кураша бошлади. Ўша пайтларда колхозда чорва озуқаси анча камчил эди: гоҳ у, гоҳ бу хил озуқа етишмасди, хуллас, нима бор бўлса, ўша билан боқишаверарди. Мунаввар колхоз правлениеси йиғилишларида, мажлисларда талаб қилар, талашиб тортишар, ўзининг ҳақлигини исботларди. Аммо фойдаси бўлмасди, шундан кейин ҳасратини айтган Анастасия Ивановнанинг олдига келарди. Устози эса дарров ёрдам берарди — унинг ҳурмат-эътибори олдида колхоз раиси ҳам бўйин эгарди.

Чорва озуқаси йилдан-йилга кўпайиб борди. Мунаввар Исоқовага бириктилган сигирлардан соғиб олинаётган сут миқдори ҳам йил сайин ошиб бораверди: 3, 4, 4,5, 5 минг килограммга етди. Ферма бўйича соғиб олинаётган сут ҳам кўпаяверди. Ҳар бир сут соғувчига 20—25 бош сигир бириктиш, ҳар бир сигирдан 3—3,5 минг килограммдан сут соғиб олиш нормага айланиб қолди, энг илғор соғувчилар эса 4 минг килограммга қадар сут соғиб ола бошладилар.

Мунаввар барча дугоналарини эришилган муваффақиятлар билан чекланиб қолмасликка, янада каттароқ ютуқларни қўлга киритишга чорларди. У 30 сигирга хизмат кўрсатиш ва ҳар биридан 5 минг килограммдан сут соғиб олиш билан қаноатланмай, яна 10 сигирни қўшиб олди ва иккита «Волга» аппаратидан учта соғиш аппаратига ўтди. Мунаввар ҳар бир сигирдан 6 минг килограммдан сут соғиб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Сут етиштиришнинг илғор тажрибаси ҳақидаги китобларни ўқий бошлади, мураббияси Анастасия Ивановна билан, чорвачилик институти

олимлари билан тез-тез учрашадиган бўлиб қолди. Агар соғиб олинадиган сут миқдорини 6 минг килограммгача етказмоқчи бўлсанг, нима қилиш керак?— устозларидан мана шуни билиб олишни истарди. Олимлар Мунавварнинг қарамоғидаги сигирларни боқиш учун, қиш, баҳор, ёз ва кузга мўлжалланган махсус рационлар тузиб беришди. Мана, қишга тузилган рацион: ҳар бир сигирга 20 килограмм силос, 15 килограмм сенаж, 4 килограмм беда пичани, 3 килограмм омихта озуқа, 10 килограмм пиво бардаси, 10 килограмм вино бардаси, сирасини айтганда, қиёмига етган рационлар ҳосил қилиш учун турли озуқалар хўжаликда доим ҳам топилавермасди, аммо юқори сифатли озуқалар берилиб, овқатлантириш режимига қатъий риоя қилиш йўли билан бу етишмовчиликлар ўрни маълум даражада тўлдириларди. Ниҳоят, 1979 йили Мунаввар Исоқова орзу қилган олти минг килограммлик маррасини эгаллади.

«Мунаввар Исоқова мактаби» ...Эндиликда машинада сут соғиш ва қорамоллар маҳсулдорлигини ошириш тажрибасини ўрганиш учун машҳур сут соғувчи ҳузурига Ўзбекистоннинг ҳамма бурчакларидан одамлар келишмоқда. Бу мактабдан ўнлаб уста сут соғувчилар етишиб чиқди. Булар орасида ҳар бир сигирдан 5800 килограммдан сут соғиб олган Волида Мусаева ҳам бор. Мунаввар бугунги кундаги шогирдларидан Солиҳа Эргашева, Алима Асқарбоева, Маъсума Файзиеванинг келажакда катта меҳнат муваффақиятларига эришишига ишонч билан қарайди.

Оддий ўзбек қизидан тажрибали сут соғувчи ва ёшларнинг ажойиб мураббийсигина эмас, балки жамоат ва давлат арбоби ҳам чиқди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мунаввар Исоқованинг овози баланд минбарлардан, газета ва журнал саҳифалари, радио ва телевидение орқали баралла эшитилиб турибди. Мунаввар республиканинг чорвачилик соҳасида оқсаётган районларига бориб туради. У сут соғувчи ва молбоқарлар билан ўз тажрибасини ўртоқлашади, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари: пахта хом ашёси етиштиришни кўпайтириш, сифатини тубдан яхшилаш билан бирга халққа тобора кўпроқ чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш масаласини комплекс равишда ҳал этишни истамаган ёки ҳал этишни ҳали ўргана олмаган раҳбарларни қаттиқ танқид қилади.

— Яхши озуқа базасини яратмай ва илмий асосланган рационларни жорий этмай туриб кўп сут соғиб олиш, молларни жуда яхши семиртириш ва кўплаб насл олиш мумкин эмас,— деб қайта-қайта таъкидлайди Мунаввархон.— Аммо агар мол зоти паст бўлса, яхши озуқа базаси ёрдамида ҳам чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда юксак натижаларга эришиб бўлмайди.

Шу билан бирга у яна бир нарсани дам-бадам такрорлайди: агар хўжаликда, район ва областда чорвадорларнинг ўзлари ҳақида, уларнинг касб маҳоратини ошириш, меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилинмаса, чорва озуқасининг мўл-кўллиги ҳам, молларнинг юксак зотдорлиги ҳам ёрдам бермайди.

Бир куни республикада машҳур раислардан бири Мунаввар Исоқова ишлайдиган фермада бўлиб, донгдор сут соғувчини колхозига келишни ва иш тажрибаси ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Фермангизда қанчадан сут соғиб олинади?— деб сўради Мунаввархон.

— Ўрта ҳисобда ҳар бир сигирдан 2,5 минг килограммдан,— жавоб берди раис.

— Оз-ку... Моллар рационида лавлагидан фойдаланасизларми?— яна савол берди Мунаввархон.

— Йўқ, лавлаги экмаймиз.

— Ундай бўлса, колхозингизга боришимнинг ҳожати йўқ экан,— деди у раисга.— Сигирлар рационида лавлаги бўлмас экан, сут булоғи ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Машҳур раис уялиб қолди. Аммо тўғри хулоса чиқарди: маккажўхори билан аралаш экин сифатида лавлаги ҳам эка бошлади, шундан сўнг колхозда сут булоғи қайнаб-тошди.

Ҳа, молларга овқатни рацион бўйича тарқатиш нозик иш. Лекин республикадаги кўпгина колхоз ва совхозларда ҳозирча рационли овқатлантиришнинг нозик томонлари ҳақида эмас, балки дастлаб бор озуқадан оқилона фойдаланиш тўғрисида гап кетяпти. У ёки бу озуқадан, айтайлик, бедадан қандай кўринишда фойдаланган яхшироқ? Бир тонна яшил беда билан боқилса 200 килограмм сут олинади, шу беда

қуритилиб, пичан ҳолида молларга берилса, атиги 80 килограмм сутга эга бўламиз. Ўришди, қуритишди, ғарам қилишди, ғарамлардан фермага ташишди, сигирларга тарқатишди... Оқибатда сутнинг ярмидан маҳрум бўлишди! Беда, рапс, судан ўтининг эрта баҳордан то кеч кузгача давом этадиган яшил конвейери кўп ва арзон сут берадиган энг мақбул вариантдир.

Кейинги вақтларда, айниқса ўтган беш йилликда республикамизда дон учун маккажўхори экиш яхши йўлга қўйилди. Ўтган йилги бир миллион тонна маккажўхори озуқа ресурсларига қўшилган салмоқли ҳиссадир. Лекин яна бир савол туғилади: молларга уни қандай турда едирса яхши бўлади? Агар барча маккажўхори омихта озуқа корхоналарида қайта ишланса — оқсил билан, бошқа қўшимчалар, микроэлементлар билан бойитилса, энг мақбул иш бўларди. Шундай қилинганда мол ва паррандаларнинг ҳар бир тури ва ёш группасига мос тушадиган чиндан ҳам тўла қимматли озуқа олиш мумкин эди. Аммо ҳозирча колхоз ва совхозлар омборхоналарида жуда кўп маккажўхори дони босилиб ётибди ва улар молларга ҳатто майдаланмай, намланмай шу туришда едирилмоқда. Ҳолбуки, бир килограмм маккажўхори донида 1,4 озуқа бирлиги бор, аммо молларга қуруқ ҳолида едирилганда бу «озуқа бирлиги» тўла ўзлаштирилмайди.

Республика колхоз ва совхозларида уюлиб ётган минглаб тонна сомон ҳам яхши озуқа бўлиши мумкин. Аммо тегишли равишда ишлаб чиқилгандагина у яхши озуқага айланади. «Ғаллаорол» совхозида 8 йилдан буён сомонни гидролизлаш ва ачитиш цехи ишлаб турибди, шу тарзда унинг тўйимлилик хусусияти икки баравар оширилади. Хўжалик молларни асосан қайта ишланган сомон билан овқатлантириб 2 минг тоннадан ортиқ гўшт етиштиради.

Бошқа кўпгина колхоз ва совхозларда эса давлат фондидан олинадиган концентратларга кўз тикиб ўтиришиб, ўзларида мавжуд имкониятлардан яхши фойдаланишмайди. Ҳолбуки, ўзларидаги озуқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳам озуқа етиштиришни кўпайтиришдан кам бўлмаган муҳим резервдир.

НИМАНИ БОҚИШ КЕРАК!

Буғдой бошоғи ва картошкадан тортиб қордай оппоқ пахта кўсаклари ва қаҳрабодай товланиб турган узум шингилигача — ҳамма нарсани инъом эта олишга қодир бўлган бизнинг суғориладиган гектаримиз бебаҳодир. Ваҳоланки, ундан озуқа экинлари ўстириш учун фойдалана бошлаган эканмиз, бу ердан қандай қилиб кўп озуқа олиш, уни қандай сақлаш, қандай қилиб едириш ва қандай молларни боқиш ҳақида чуқур ўйлаб олишимиз керак.

Сирасини айтганда, қайси молни нима билан боқиш кераклигини одамлар қадимдан яхши билишарди. Чинакам чавандоз ўзининг севимли қорабайирини пойга ёки улоққа тайёрлар экан, тўй-байрамдан бир ой аввал алоҳида ем, бир ҳафта қолганда яна бошқа ем бериб боқади. Чавандозлар отларинигина эмас, ҳатто бераётган озуқа-емларини ҳам бир-биридан сир тутардилар. «Озиқли от ҳоримас» деган мақол ҳам ўша даврларда туғилган бўлса керак.

Бугунги кун тажрибаси шуни тасдиқламоқдаки, моллар зотдорлигини кучайтириш ҳақида ғамхўрлик қилинаётган хўжаликларда гўшт ҳам, сут ҳам кўп олинмоқда. Анастасия Чудная ишлаётган «Красний водопад»да ёки Мунаввар Исоқова рекорд миқдорда сут соғиб олаётган «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози фермасида молларнинг зотдорлиги ва наслчилик ишларини кучайтириш ҳисобига подани доим яхшилаб бориш юксак маҳсулдорликнинг энг биринчи шарти эканлигига аллақачон ишонч ҳосил қилганлар.

Аммо шу билан ҳам иш битмайди. Айтайлик, юқори зотли, серсут сигир-у, лекин қариб бораётган бўлсин. Энди у сут беришни кўпайтирмай, борган сайин камайтириб бораверади, шунинг учун уни бошқа яхши сигир билан алмаштириш чорасини кўриш керак. Подани тўлдирадиган ғунажинларни боқишни яхши ташкил этмай туриб, сигирлар сонини қатъий планлаштириш практикаси шунга олиб келмоқдаки, кўпгина колхоз ва совхозларда сут ҳам бермайдиган, бузоқ ҳам туғмайдиган қари сигирларни асрашга, боқишга мажбур бўлишмоқда.

Озуқанинг сарфланиши ва ўз-ўзини оқлаши нуқтаи назаридан қараганда молни ёшига қараб боқиш ҳам жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Олти ойлик буқани бўрдоқига

боқиш бошқаю, бир ярим-икки ёшлисини боқиш бошқа. Олти ойлик буқа боқилганда, суткалик семириш ҳам юқори бўлади, бир килограмм семиртириш учун сарфланган озуқа ҳам 1,5 баравар кам бўлади.

Нимани боқиш кераклиги чорвачиликни ихтисослаштириш масаласидир. Соғин сигирга бир хил озуқа, бўрдоқи буқага бошқа хил, чўчқага учинчи хил, ўстиришга қўйилган бузоққа бошқа хил озуқа керак бўлади. Пахтачилик хўжаликларида чорвачилик сут етиштиришга ихтисослаштирилмоқда. Нега? Чунки пахта-беда алмашлаб экиш соғин сигирлар подасини боқиш учун жуда қўл келадиган озуқалар билан таъминлайди. Бундай хўжаликларда пахтачилик билан сутчилик ёнма-ён ривожланадиган тармоқлардир.

Гўшт етиштириш эса молларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш комплексларининг ишидир. Бу комплекслардан энг яхшиларининг тажрибаси кўрсатишича, бундай ишлар бу ерда анча самарали бормоқда: республиканинг барча комплекслари бўйича йирик қорамолларнинг бир суткалик ўртача семириши 500 граммдан ошмоқда, колхоз ва совхозлар бўйича эса атиги 300 граммни ташкил этади, бунинг устига устак бир килограмм семиртириш учун икки баравар кўп озуқа сарфланмоқда. Подани тўлдирадиган бузоқларни ўстириш ҳам пахтачилик хўжаликларини чорвачилик бўйича ихтисослаштириш ишига «мос» тушмаяпти. Бу иш колхоз ва совхозларнинг соғин сигирлар подасини тўлдириш учун ғунажинлар тайёрлаш билан махсус шуғулланувчи хўжаликлараро корхоналарга кўпроқ қўл келади. Тажрибанинг кўрсатишича, бундай корхоналар етказиб берувчи подани тўлдирадиган бузоқлар нисбатан кўпроқ сут берувчи сигирлар бўлиб етишади.

Лекин кўпгина пахтачилик колхоз ва совхозларида чорвачилик бўйича аниқ бир ихтисослашиш бўлмаяпти: бу хўжаликларда соғин сигирлар подаси ҳам, бўрдоқи моллар ҳам, чўчқачилик ҳам, паррандачилик ҳам — ҳаммасидан оз-оздан бор, оқибатда чорвачилик кам маҳсулдор бўлиб, зарар келтирмоқда. Йўқ, бу тармоқлардан бирини тугатиш ҳақида гап бораётгани йўқ. Ихтисослашган комплексларимиз тўла қувват билан ишлай бошламагунларига қадар бундай қилиш нотўғри бўлур эди. Бунда гап пахтачилик хўжаликларидаги чорвачиликни аста-секин сут етиштиришга табиий равишда ихтисослаштириш ҳақида бормоқда.

Дарвоқе, агар чорвачилик комплексларимиз аниқ ихтисослаштирилганда эди, у ҳолда улар янада самаралироқ ишлаган бўларди. Масалан, сутчилик комплексларидаги йирик қорамоллар умумий сонининг учдан бир қисминигина сигирлар ташкил этади. «Номи «сутчилиг»у аслида бўрдоқичиликка ўхшаб кетади.

Чорвачилик комплексларининг ўзини аниқ ихтисослаштириш қанча кўп фойда келтиришини Бухоро областидаги йирик «Зарафшон» хўжалиги мисолида кўриш мумкин. Бу ерда 1 килограмм семиртириш учун атиги 8,3 озуқа бирлиги, меҳнатига 10,3 киши-соат сарфлаб, ҳар йили 80 мингдан ортиқ қўйни бўрдоқига боқишади, таннархи 85 сўмга тушади. Каттақўрғондаги «Ҳурмат белгиси» орденли йирик қорамолларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш бўйича хўжаликлараро чорвачилик комплекси ишлари кўрсаткичлари ҳам қувончлидир. Биз юқорида айтиб ўтган эдик — бу ерда бир килограмм семиртириш учун 7,2 озуқа бирлиги сарфланади. Суткалик ўртача семириш 700 граммдан ортиб кетади, 1 центнер эт қўшиш таннархи 75 сўм 33 тийин. Ўтган беш йилликда бу хўжаликнинг даромади 23 миллион сўмдан ошиб кетди.

Кам озуқа сарфлаб гўшт етиштиришни тез ва кескин кўпайтириш нуқтаи назаридан чўчқачилик, айниқса бройлер паррандачилиги жуда самаралидир. Бир килограмм семиртиришга атиги 5—6 озуқа бирлиги сарфлаб, бир йил ичида 100 килограммдан ошиқ келадиган товар чўчқа маҳсулотига, ёки 2,5—3 озуқа бирлиги сарфлаб, бир неча ўн кун ичида товар бройлер гўштига эга бўлиш мумкин. Шунинг учун ҳам ўн биринчи беш йилликда асосий эътибор чўчқачилик комплекслари ва бройлер фабрикалари қурилишига қаратилади. Агар ўтган беш йилликда республикамизда 157 минг бош чўчқага мўлжалланган комплекслар қурилган бўлса, бу беш йилликда 594 минг бошга мўлжалланган комплекслар ишга тушади. Шунинг учун чорвадорларимиз чўчқачиликнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиб, бу тармоқни ривожлантиришга астойдил киришишлари лозим.

Чўчқа ва парранда гўшти етиштириш кўп дон сарфлашни талаб қилади. Демак, бизнинг суғориладиган гектаримиз дон йўналишида икки баравар кўпроқ самарадор-

лик билан «ишлаши» керак. Тўла асос билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон деҳқонлари дон учун маккажўхори етиштиришни яхши ўрганиб олдилар. Ҳар гектардан 100 центнер ва ундан ошириб маккажўхори дони олаётган илғор бригада ва звенолар тажрибаси ҳали фойдаланилмаган жуда кўп резервлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Илғор бригадалар ёнига яна юзлаб ва минглаб маккажўхоричилик бригадалари ҳамда звенолари қўшилса, гўштчилик тармоғи учун мустаҳкам озуқа базаси яратилади.

ОЛИМЛАР — ЧОРВАДОРЛАРГА

Академик Д. Н. Прянишников иссиқлик ва қуёш нурининг мўл-кўллиги Ўрта Осиёдаги деҳқончиликнинг афзалликларидандир, шунинг учун бу жойларда қишгача бир гектар ерни ҳам экмай қолдирмаслик керак, деб кўрсатган эди. Ўзбекистон олимлари чорва озуқаси етиштиришни кескин кўпайтириш проблемасини ҳал этиш чорасини мана шу йўлда изламоқдалар. Ҳозир битта бошоқ дон олинаётган ерда иккита бошоқ олиш уларнинг азалий орзусидир. Республикамиз шароитида мазкур проблема шундай турибди: икки марта икки, яъни бир йилда бир марта эмас, икки марта мўл ҳосил олиш керак. Бу проблеманинг илмий ечимлари ҳозирнинг ўзидаёқ амалда қўлланмоқда. Оққўрғондаги ўша С. Сегизбоев номли совхозда олимлар тавсияси билан қиш арафасида арпа экишди, у 28—30 центнердан дон берди, арпа ўриб олиниши билан ўрнига маккажўхори экилди. Натижада кузга бориб яна 420—450 центнер сутмумлик ҳолидаги силосбоп ёки қарийб пишиб етилган маккажўхори ҳосили йиғиштириб олинди. Бир даладан шу тариқа икки марта ҳосил олиниши ҳар гектардан 200 центнерга яқин озуқа бирлиги беради. Каттақўрғон комплексидаги озуқа сарфланиш ўлчамлари билан ҳисобланганда бу 2,5 тонна мол гўшти демак, Мунаввар Исоқова сарфлаётган озуқаларга нисбатан олганда эса 15 тоннадан ортиқроқ сут демакдир.

Республикада 700 минг гектар ерга озуқа экинлари экилади. Бу гектарларнинг ҳар биридан шунча миқдорда озуқа бирлиги олинганда эди! Ваҳоланки, ўша натижага эришиш мумкин, чунки бу шунчаки хомчўт эмас, балки жонли тажриба. Барча комплекслар, колхоз ва совхозлар фермалари янада каттароқ самарадорлик билан ишлаши мумкин — бу ҳам хомхаёл бўлмай, ҳозирнинг ўзидаёқ ўнлаб хўжаликлар эришаётган ажойиб натижаларга асосланган эътиқоддир.

Олимлар шу нарсани жуда ишонарли қилиб исботладилар, практика эса тасдиқламоқдаки, маккажўхорини дон учун ўриб-йиғиб олгандан кейин ўрнига қишлик раж ёки сули экиб, эрта баҳорда эса 300—400 центнердан яшил озуқа олиш мумкин, кейин эса тағин ўша маккажўхорини экиб, яна бир бор тўла қимматли ҳосил олса бўлади. Сурхондарё областида такрорий экинлардан ҳозир 16 минг тоннагача баҳорикор бошоқли донлар, 150 минг тоннагача маккажўхори силоси ва 70 минг тоннадан ортиқ яшил озуқа, шунингдек минглаб тонна сабзавот-полиз экинлари маҳсулоти олинмоқда.

Қишга экилмаган бир гектар ҳам ер қолмасин... Бу пахта гектарига ҳам тегишлими? Пахта экиладиган ерлардан асосий экиндан ташқари озуқа экинлари ҳам етиштириш мумкинми? Чигит экиш қарийб май ойи охиригача давом этиб, ҳосилни йиғиб-териб олиш қор ёққунча давом этадиган йилларда бу ҳақда сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди. Аммо олимлар тезпишар янги навларни етиштириш устида, конструкторлар юксак унумли техника ихтиро этиш устида ўйлаб кўп иш олиб бордилар, эндиликда кўп колхоз ва совхозлар экишни қисқа муддатларда тугаллаб, илиқ-иссиқ кунлардаёқ ҳосилни йиғиб-теришга улгурмоқдалар.

Олимлар кичик ва катта майдонларда ўтказган кўпгина тажрибаларда пахта экиладиган ерга йил давомида озуқа экинлари ҳам экиш мумкинлигини исботладилар. Оддийгина вариант: айтайлик, октябрь ойи охирида ҳосилни йиғиб-териб бўлгач март ойи ўрталаридаёқ ўриб олиш мумкин бўлган рапс экиш керак — уни ўриб олиб далани чигит экишга тайёрлаш учун вақт бемалол етади.

Пахта гектаридан озуқа экинлари учун фойдаланиш ҳақидаги фан бугунги кунда колхоз ва совхоз далаларига чиқиб бормоқда. Бир мисол. Сурхондарё область Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозида пахта ҳосили йиғиштириб олингач, чорва озуқаси учун нўхат экишади, кейин озиқлантиришади, суғоришади, кўкламда эса

27—30 центнердан дон ва кўп миқдорда тўйимли сомон йиғиштириб олишади. Шундай қилиб, хўжалик пахта гектаридан 50 центнердан кўпроқ озуқа бирлиги олади ва тупроқнинг азот билан бойиши эвазига пахта ҳосилдорлигини оширишга эришади.

Тўғри, пахта даласидан йил ўн икки ой давомида фойдаланиш барча ишларни ниҳоятда аниқ ва пухта ташкил этишни, бинобарин техниканинг ҳамиша шай бўлиб туришини, механизаторларнинг юксак малакали бўлишини талаб этади. Ҳозирги техника ва механизатор кадрларнинг бугунги малакаси, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бугунги даражаси билан ҳам пахта гектаридан икки ҳосил — асосий экин ҳосили ва озуқа экинлари ҳосили олиш мумкинлигини Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг иш тажрибаси ишонарли исботлаб турибди.

Республикамиз олимлари пахтанинг янги, янада тезпишар навларини, конструкторлар янги, янада қувватли техникани яратиш устида ишламоқдалар. Демак, пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни эрта якунлаймиз, чигит экишни ҳам тез тугатамиз. Умид қилиш мумкинки, олимларнинг пахта гектаридан йил бўйи фойдаланиш ҳақидаги илмий хулосалари ва Жарқўрғондаги колхоз тажрибаси яқин келажакда кўп хўжаликларга керак бўлиб қолади. Бунинг устига, ҳисоб-китобларга қараганда, 1990 йилга бориб истеъмолчилар сони Ўзбекистонда 22 миллион кишига етар экан!

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга сарфланадиган барча харажатларнинг ярмидан кўпи озуқага кетади. Озуқа қиммат бўлса, чорвачилик зарарли бўлади. Масалан, 1980 йили Ўзбекистоннинг совхозлар сектори бўйича йирик қорамолни 1 килограмм семиртириш таннархи пландаги 177 сўм 88 тийин ўрнига 232 сўм 21 тийинга тушди, чорвачилик маҳсулотининг умумий қимматлашуви 88 миллион сўмга етди. Чорва озуқаси проблемасининг муваффақиятли ҳал этилиши республика чорвачилигини юксак маҳсулдор тармоқгагина эмас, юксак рентабелли тармоққа ҳам айлантириши керак.

Бунда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини илмий ташкил этиш ва қишлоқ экономикаси соҳасидаги олимлар катта роль ўйнашлари зарур. Улар колхоз ва совхозларда чорва озуқаси етиштиришни мустақил тармоққа ажратиш ва уни чорвачилик билан мустаҳкам хўжалик ҳисоби алоқалари билан боғлаб қўйишни кўпдан буён тавсия қиладилар. Ҳозир эса бошқача: озуқа экинлари пахтачилик бригадалари ва бўлимларига бўлиб юборилган, уларга иккинчи даражали экин сифатида қаралади, ҳосилдорлик паст, шунинг учун озуқанинг таннархи жуда баланд, бу эса чорвачилик маҳсулотининг таннархига ҳам кучли таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Чорвачилик илмий-тадқиқот институти олимлари, республиканинг жуда кўп илмий муассасалари, селекционерлари, тупроқшунослари, биологлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассислари озуқа етиштириш проблемалари устида ишламоқдалар. Улар бу проблемани ҳал этишга катта ҳисса қўшдилар, лекин бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Гап шундаки, илмий кучлар тарқоқ ҳолда. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлими раҳбарларининг фикрича, иш манфаати озуқа проблемасини ҳал этиш учун Ўзбекистондаги илмий кучларни ягона коллектив — озуқалар илмий-текшириш институтига бирлаштиришни қатъий талаб қилади. Янги озуқа экинлари селекциясидан тортиб уларни далага экишни жорий этишгача, ҳосилдорлигини ошириш бўйича тавсиялар беришдан тортиб то амалда юқори ҳосил олишни исботлашгача, илмий асосланган рационларни ишлаб чиқишдан то колхоз фермалари ва саноат комплексларидаги молларни илмий асосда боқишгача бўлган ҳамма ишлар кўзда тутилаётган институтнинг илмий фаолияти марказида бўлиши керак.

Республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш соҳасидаги вазифалари оғир, мураккаб ва масъулиятлидир. Уларни бажармоқ — озиқ-овқат программасини ҳал этишга, совет халқи фаровонлигини янада оширишга муносиб ҳисса қўшмоқ демакдир.

ҲОЗИРГИ ДУНЁДА ҒОЯЛАР КУРАШИ

ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТНИНГ ҲАЁТИЙ КУЧИ ВА УНИНГ БУРЖУА ТАНҚИДЧИЛАРИНИНГ ИНҚИРОЗИ

Ш. ТЎЛАГАНОВ

ҲОЗИРГИ ВАҚТДА СОЦИАЛИЗМ миллионларча меҳнаткашлар учун, Ленин сўзлари билан айтганда, «бугунги ҳақиқий қурилиш иши» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 458-бет) бўлиб қолди, капитализмга қарама қарши бирдан-бир реал альтернатив бўлиб хизмат қилмоқда. СССРда ривожланган социалистик жамият қурилганлиги ва бир қатор қардош социалистик мамлакатларнинг уни қуриш даврига қадам қўйганлиги буни ишонарли равишда тасдиқлайди.

КПСС XXVI съездида қайд қилинганидек, мамлакатимиз коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришнинг барча соҳаларида олға қараб жиддий қадам қўйди. Совет жамиятининг ишлаб чиқарувчи кучлари сифат жиҳатдан янги даражага эришди. Фан-техника революцияси чуқурлашиб ва кенгайиб, кўплаб ишлаб чиқаришлар ва бутун-бутун тармоқларнинг қиёфасини ўзгартирмоқда. Совет фани билимнинг энг муҳим соҳаларида етакчи позицияларни эгаллаб турибди. Мамлакатнинг иқтисодий қудрати коммунистик қурилиш йўлидан янада тараққий этишимизни ишончли равишда гарантиялайди.

Ана шу чинакам улкан ютуқларда партия ленинча миллий сиёсатининг, совет жамияти энг муҳим ғалабаси ва асосий куч манбаларидан бири бўлган СССР халқлари қардошларча ўзаро ёрдами ва бузилмас дўстлигининг роли ғоятда каттадир. Принципиал жиҳатдан янги типдаги миллатлараро муносабатларнинг қарор топганлиги, СССР миллатлари ва элатлари ҳар томонлама ҳамкорлигининг ривожланганлиги, кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи шаклланганлиги — КПСС миллий масалани ҳал қилиш соҳасида олиб борган революцион-ўзгартирувчилик, бунёдкорлик фаолиятининг ажойиб якунлари ана шундай. Партия XXVI съезди ҳар бир республиканинг моддий ва маънавий потенциалини янада ўстириш ва шу билан бирга ундан бутун мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш учун максимал фойдаланиш йўлини тутди. «Ҳар бир республикамизнинг жадал иқтисодий ва социал тараққиёти,— деди съездда КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев,— уларнинг ҳар томонлама яқинлашув жараёнини тезлаштираётганлигини ҳаёт кўрсатиб турибди». Айни шу ўсиб бораётган бирлигимиз қудрати ленинча миллий сиёсатни, унинг жуда катта муваффақиятларини ҳар қандай йўл билан бадном қилишга уринаётган социал тараққиёт душманларини ваҳимага солмоқда.

Социализм шароитида миллий муносабатларни ривожлантириш марксча-ленинча назариянинг мустаҳкам негизида амалга ошириладики, у халқлар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатларни ўрнатиш мумкинлиги ва зарурлигини биринчи марта чуқур асослаб берди. Ленин партияси миллий масалани энг демократик тарзда — миллатлар ва элатларнинг ўз хоҳишини ихтиёрий равишда билдириши асосида ҳал этишни таклиф этди, уларнинг ҳар томонлама тараққий этиши учун реал гарантияларни таъминлади. Бизнинг партиямиз ўз идеологияси

ташкилий тузилиши ва фаолият характерига кўра чуқур интернационал партия эканлиги ҳам КПССга ана шу ғоят мураккаб социал проблемани муваффақиятли ҳал этишига ёрдам берди. Реал социализмнинг оламшумул-тарихий ғалабаларини акс эттирган СССР Конституцияси миллати ва ирқидан қатъи назар барча совет гражданларига тенг ҳуқуқларни гарантиялайди.

Маълумки, социализм аввало мамлакатнинг илгари қолоқ бўлган районлари экономикасини ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам империализм маддоҳлари капиталистик ишлаб чиқаришнинг иллатларини турли йўллар билан хаспўшлаб ва оқлаб, умуман мамлакатимизда ва хусусан миллий республикаларда халқ хўжалигини социалистик асосда ташкил этиш ва планлаштиришга ҳаммадан кўпроқ туҳмат ёғдирадилар. Шу билан бирга бутун социалистик тартибларни асоссиз танқид қилишдан аста-секин воз кечиб, объектив тадқиқотчилар бўлиб кўриниш мақсадида, антикоммунистлар, масалан, ишлаб чиқариш тараққиётининг ҳозирги даражаси шароитида СССРдаги ва бошқа социализм мамлакатларидаги мавжуд социал-сиёсий система доирасида янада юқорироқ турмуш даражасини таъминлаш мумкин бўлур эди, деган тасаввурни кишилар онгига сингдиришга уринмоқдалар.

Иқтисодий муносабатлардаги интернационализмни буржуа идеологлари «иқтисодий ҳукмронлик» деб, хўжаликни ихтисослаштиришни — уни ривожлантиришдаги «бир ёқламалик» деб, республикалараро иқтисодий алоқаларни — рус бўлмаган халқларга нисбатан «камситиш сиёсати» деб тасвирламоқдалар. Масалан, инглиз ҳафталик журнали «Экономист» гўё «чекка миллий республикалар»да саноатнинг ўсишидан ташвишга тушган руслар ана шу республикаларнинг «мустақиллик томон тойиб кетишларига» йўл қўймаслик учун уларга экономиканинг «монотовар» структурасини мажбуран қабул қилдирмоқдалар, деб ёзади.

Бироқ ҳақиқий аҳвол бутунлай бошқа нарсани кўрсатади. Мисол учун, бугунги Ўзбекистон — бу кўп тармоқли ва интенсив экономикага эга бўлган, гуллаб-яшнаётган, муттасил ривожланиб бораётган ўлкадир. Энергетика, химия, газ, тоғ-руда, металлургия, олтин қазиб чиқариш, электротехника, самолётсозлик, электрон саноатлари, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган кўплаб тармоқлар унинг индустриал қиёфасини белгилайди. Республика халқ хўжалиги қудратли аграр секторига эга. Эндиликда унинг далаларида юз мингларча тракторлар, пахта териш, ғалла ва маккажўхори ўриб-йиғадиган комбайнлар, ўн минглаб автомобиллар ишлаб турибди. Совет Ўзбекистони қишлоқ хўжалигининг энергетика қуввати 20 миллиондан ортиқ от кучини ташкил этадики, бу 1960 йилдагидан 4 баравар кўпдир.

Империализм билимдон малайларининг республикамиз иқтисодий потенциалининг чекланган миқдорда эканлиги ҳақидаги даъволари ҳам танқид қилишга арзимайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон жаҳондаги 70 дан ортиқ мамлакатга, шу жумладан АҚШ ва Европадаги 19 мамлакатга 200 хил номда саноат маҳсулотлари етказиб беради, ў экспорт маҳсулотларининг ҳажми бўйича Совет Иттифоқида учинчи ўринни эгаллайди. Ана шу буюмлар орасида химия ва пахта тозалаш заводлари, тўқимачилик корхоналари, йирик гидротехника иншоотлари учун машина ва ускуналар, ғўзани комплекс парвариш қилиш учун машиналар, кабель, экскаваторлар, компрессорлар, кўприкли кранлар, дизеллар, трансформаторлар, электрон приборлар, киноаппаратура, насослар, қаттиқ қотишмалар, холодильниклар ва кўплаб бошқа буюмлар бор.

Барча иттифоқдош республикалар сингари Ўзбекистон чиндан ҳам жуда катта иқтисодий муваффақиятларга эришди. Эндиликда СССР-

даги қардош халқларнинг ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўймоқда, ишлаб чиқарувчи кучлар, табиий ресурслар ва бутун совет жамиятини оптимал ривожлантиришга олиб келадиган бошқа омиллардан энг рационал фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда умумиттифоқ меҳнат тақсимоти асосида умумий биргаликдаги меҳнат формасини касб этмоқда.

Етук социализм шароитида қўлга киритилган социалистик миллатлар ва элатларнинг ресурслари ва куч-ғайратини ихтиёрий ва самарали равишда бирлаштириш мамлакат халқ хўжалигини ягона иқтисодий комплекс сифатида планли бошқаришнинг афзалликларини кенг рўёбга чиқариш имкониятини беради. Ҳар бир социалистик миллатнинг равнақи — бу барча совет халқлари катта меҳнат ғалабаларининг, улар ўртасидаги қардошларча ҳамкорликнинг натижаси бўлиб, ундан келадиган умумий фойда ҳар бир республика куч-ғайрати оддий йиғиндисидан анча ортиқдир.

Ихтисослаштириш ва комплекс ривожлантиришни оқилона бирга қўшиб олиб бориш туфайли индустрлаштириш натижалари халқлар ўртасида бир хилда тақсимланиб келди ва тақсимланмоқда, ҳеч кимнинг манфаатлари камситилмаётир. Масалан, ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР ҳиссасига умуман иттифоқ бўйича етиштириладиган пахтанинг учдан икки қисмидан ортиқроғи тўғри келади. Лекин бу бизнинг республикамиз «бир хилдаги экинлар экиладиган» регион бўлиб қолди» ва бошқа саноат жиҳатдан ривожланган республикалар томонидан «камситилмоқда» деган маънони билдирадими? Асло билдирмайди. Биринчидан, Ўзбекистон ССРда, юқорида айтилганидек, пахта етиштиришдан ташқари фойдали қазилмалар олинади, рангли металлургия, химия, енгил ва кўплаб бошқа саноат тармоқлари ривожланган. Иккинчидан, республика ўзи ишлаб чиқармайдиган маҳсулот ва буюмларни талаб қилган миқдорда олиб туради. Ёки, айтайлик, етиштириладиган пахтани ташиб чиқариш учун Ўзбекистонга транспорт маҳсулотлари керак. Ҳолбуки, мамлакатдаги барча тепловоз ва электровозларнинг тўртдан уч қисми ўз пахтасига эга бўлмаган Украинада ишлаб чиқарилади. Бу — қардош республикалар иқтисодий ҳамкорлигининг ўзаро бир-бирига боғлиқ эканлиги ва ўзаро фойдали эканлигига яққол мисолдир.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг равнақи фақат яхши пахта ҳосили билангина эмас, балки мамлакатдаги кўплаб корхоналар ва меҳнат коллективларининг иши билан белгиланади. Айни вақтда қардош республикаларнинг социал-иқтисодий ривожланиши бизнинг ўлкамиз меҳнаткашларининг куч-ғайратига ҳам боғлиқ, чунки ягона халқ хўжалик комплексининг ажралмас қисми бўлган ҳар бир республиканинг экономикаси ўзича ажралган ҳолда ривожланиши мумкин эмас.

СССР тажрибаси совет халқларининг мустаҳкам ва муттасил чуқурлашиб борадиган иқтисодий бирлигини вужудга келтириш — ана шу халқлардан ҳар бирини муваффақиятли ривожлантиришнинг энг муҳим шарти эканлигидан ишончли равишда далолат беради. Айни вақтда умумиттифоқ экономикасининг мустаҳкамланиши социалистик миллатлар ва элатларнинг равнақи билан бир вақтда содир бўлади.

Совет республикалари, шу жумладан Ўрта Осиё республикаларининг жуда катта ютуқлари, уларнинг энг муҳим социал-иқтисодий ва маданий проблемаларни ҳал қилишдаги тажрибаси ривожланаётган мамлакатлар учун жуда катта қизиқиш уйғотади, чунки миллий озодлик ҳаракатининг муваффақиятлари реал социализмнинг тарихий ғалабалари билан бевосита боғлиқдир.

Империализм идеологлари буларнинг ҳаммасини билмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам улар кўп миллатли Совет давлатининг ютуқларини камайтириб кўрсатишга интилмоқдалар, СССР халқлари-

нинг ўзаро муносабатларидаги «қийинчиликлар» тўғрисида уйдирмалар ва ёлғон-яшиқ гапларни ишга солмоқдалар, «совет мустамлакачилиги», «руслаштириш» тўғрисида айюҳаннос солмоқдалар, КПССнинг миллий масалани ҳал этишдаги тажрибаси аҳамиятини турли йўллар билан камситишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу тариқа мустамлакачилик зулмидан озод бўлган халқлар кўз олдида социалистик ривожланиш йўлининг афзалликларини обрўсизлантиришга, маркснча-ленинча таълимотнинг буюк жозиба кучини заифлаштиришга уриниб кўрилмоқда.

Бу ерда антикоммунистларнинг синфий, социализмга ниҳоятда душман ниятлари аниқ-равшан намоён бўлмоқдаки, улар СССРдаги ва бошқа социалистик мамлакатлардаги социал тараққиётдан дунёдаги ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ қўрқадилар. Етакчи буржуа идеологларидан бири Р. Пайпснинг эътироф этишича, кейинги йилларда Ғарбда СССРдаги миллий муносабатлар тўғрисида «тадқиқотлар» шунчалик кўпайиб кетганки, бундай «илмий асарлар»нинг номларини ҳатто кузатиб улгуриш ҳам қийин. Уларнинг авторлари зўр бериб реал социализмни миллатга қарши тузум деб, КПССни эса — «миллий нигилизм» партияси, гўё рус ҳукмронлигини қарор топтирувчи инструмент деб кўрсатишга уринадилар.

КПССнинг миллий сиёсатига ҳамла қилиш ҳозирги замон антикоммунизми учун жуда характерлидир. Маълумки, АҚШда «СССРдаги миллий масалани» ўрганиш бўйича махсус программа ишлаб чиқилган. Кейинги йилларда кўплаб турли хилдаги «асарлар» эълон қилиниб, уларда Совет Иттифоқи халқларини бир-бирига қарама-қарши қўйишга, сепаратистик, миллатчилик кайфиятларини авж олдиришга ва ҳоказоларга уриниш яққол кўзга ташланади. Миллий республикаларни, шу жумладан Ўрта Осиё республикаларини «ўрганувчи» «советология» муассасалари ана шу йўлда зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. Айни мана шу «илмий марказлар» даргоҳида СССРда қандайдир «ғоят жиддий» миллий масала мавжуд эканлиги тўғрисидаги уйдирмадан иборат тезис вужудга келди. «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» ниқоби остида фисқи-фасодли кампанияни авж олдириб, СССРда гўё миллатчилик шиорлари остида ўтаётган қандайдир «демократик» ҳаракатлар тўғрисида бир овоздан айюҳаннос солаётган империализм билимдон малайларининг овози ҳам худди ана шу марказлардан эшитилмоқда.

Аслида эса биз Ғарб жамоатчилигининг капиталистик дунёнинг ўзида инсон ҳуқуқлари, айниқса майда миллатларнинг, аввало АҚШдаги негрлар ва ерли индеецларнинг ҳуқуқлари ғоят қўпол равишда поймол қилинаётганлигидан тобора ўсиб бораётган қаҳр-ғазабининг доимо гувоҳи бўлмоқдамизки, бу мақталган буржуа турмуш тарзининг яна бир «социал иллати»ни очиб ташлайди. Душманларимиз реал социализм тўғрисида қандай уйдирмаларни илгари сурмасинлар, уларнинг барибир учи билан чириб бораётган капиталистик дунё асосларига зарба бўлиб тегмоқда.

Мисол учун рус тилининг СССР халқлари мазмунан социалистик, шаклан миллий маданиятини ривожлантиришдаги роли, барчанинг ёппасига рус тилини чуқур ўрганишга интилаётганлиги сингари воқелигимизнинг характерли хусусиятларини олиб кўрайлик. Совет Иттифоқидаги рус бўлмаган халқларнинг миллатлараро алоқанинг ана шу қудратли воситасини эгаллашга бўлган зарур эҳтиёжини яхши билган антикоммунизм идеологлари рус маданияти ва рус тили СССРдаги барча бошқа халқларга «мажбуран қабул қилдирилаётганлиги» тўғрисидаги афсонани зўр бериб тарқатмоқдалар. Рус тилига нисбатан бўлган чуқур англанган ва доимо ўсиб бораётган интилишни буржуа сохтакорлари зўрлик билан «руслаштириш» деб «талқин» этмоқдалар

Ўз ожизликларидан ғазабга келган империализм идеологлари КПССнинг миллий сиёсати гўё миллий маданиятлар ва тилларни ассимиляция қилишга қаратилган деб исботлашга уринмоқдалар. Турли хилдаги «советологлар» СССР халқлари ўзаро маънавий муносабатлари моҳиятини атайлаб бузиб кўрсатмоқдалар. Бироқ бутун тараққиётимиз социализм шароитида миллий тиллар, адабиётлар ва маданиятларнинг эркин ривожланиши юз беришини ишонарли тарзда намойиш қилади. Миллий сиёсатнинг ленинча принципларига асосланиб. СССР Конституциясида барча миллатдаги гражданларнинг тенг ҳуқуқлилиги, жумладан, ўз она тилидан ҳамда СССРдаги бошқа халқлар тилидан фойдаланиш мумкинлиги билан ҳам таъминланади, деб ёзиб қўйилган.

Кўп тиллиликка келганда эса, буржуа уйдирмаларига кўра, бу миллий низоларнинг ўсишига олиб келиши лозим эмиш, рус тилига бўлган қизиқиш эса, гўё бошқа тилларга хавф туғдирар эмиш. Ҳолбуки бизнинг давлатимизда ниҳоятда ижобий ҳодиса — икки тиллилик тобора кенг ва чуқур қарор топмоқда. СССР гражданлари ўз она тилларидан кенг фойдаланиш билан бирга, рус тилини ҳам билишга бўлган ўз эҳтиёжларини қондиришга интилмоқдалар. Бунинг устига бу жараён барча миллий тилларнинг ривожланиши ва бойишига ёрдам бермоқда.

Қардошлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам асосида социалистик миллатлар бирлигининг чуқурлашуви фақат моддий соҳаларнигина эмас, балки маънавий ҳаёт соҳаларини ҳам ўз ичига олади. Сўнгги йиллар ичида ҳар қайси иттифоқдош республика миллий маданиятларнинг ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатиши ва бир-бирини бойитишидан иборат объектив процессни жадаллаштириш учун кўп иш қилди. Қардош халқлар маданий алоқалари ва ҳамкорлигининг турли-туман формалари умумсовет маданияти хазинасини муттасил бойитиб бормоқда.

Яқинда республикамизда бўлиб ўтган Озарбайжон, Россия Федерацияси ва Тожикистон адабиёти ва санъати кунлари социалистик миллатлар монолит бирлигининг ёрқин намойиши бўлди. Қардош халқлар ижодий коллективлари, адабиёт ва санъат арбобларининг ҳаяжонли, ғоятда илиқ учрашувлари жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Қардош халқлар маънавий бирлигининг бу умумхалқ байрами шаклан кўпмиллатли, мазмунан социалистик, руҳан умумсовет маданиятга яхши хизмат кўрсатди, миллий маданиятларнинг яқинлашув ва ўзаро бир-бирини бойитиш объектив процессини жадаллаштиришга ёрдам берди. «Бизнинг мамлакатимизда,— деди ўртоқ Ш. Р. Рашидов республикамизда Тожикистон адабиёти ва санъати кунларининг очилишига бағишланган тантанали учрашувда 1981 йил 19 майда сўзлаган нутқида,— иттифоқдош республикалар адабиёти ва санъати декадалари, ҳафталиклари кунларини, кинофестиваллар, рассомлик санъати асарлари виставкалари, биргаликдаги илмий сессиялар, конференциялар ва симпозиумлар, санъат усталарининг гастрол сафарларини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бундай турли-туман формадаги алоқа ва ҳамкорлик маънавий ҳаётимизни бойитади, кўп миллатли совет маданияти хазинасидан баҳраманд бўлишга ёрдам беради».

Фақат сўнгги уч йил ичида Ўзбекистонда 20 мартадан ортиқ турли хилдаги йирик учрашувлар, конференциялар, симпозиумлар ва биргаликдаги илмий сессиялар ўтказилди. Осиё ва Африка мамлакатлари Тошкентдаги халқаро кинофестивалининг шуҳрати ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Бу ва шунга ўхшаш ҳаммага маълум фактлар фақат ўз хўжайинларининг социал заказларини бажариб, турли йўллар билан бунинг аксини «исботлашга» уринаётган буржуа журналистларигагина «маълум эмас».

Шуни ҳам эслатиб ўтиш ўринлики, совет халқларининг ютуқлари шунчалик салмоқли, реал социализм муваффақиятлари шунчалик аён ва шубҳасиздирки, буржуа идеологлари уларни асоссиз равишда инкор эта олмайдилар, яқин-яқинларда бўлганидек, ҳадеб оқни қора деб айтишга қодир эмаслар. Эндиликда бундай очиқдан-очиқ сурбетларча иш тутишда муайян ўзгаришлар ясалганлиги, воқеа ва ҳодисаларни анча усталик билан ва ниқобланган формада сохталаштиришга интилиш яққол кўзга ташланмоқда. Масалан, эндиликда буржуа «асарларида» социализмнинг кенг бўлмаган имкониятлари ҳақидаги, унинг кўпгина иқтисодий ва социал проблемаларни охиригача ҳал қилишга қодир эмаслиги тўғрисидаги спекулятив уйдирмалар билан бирга Коммунистик партия социал-иқтисодий ва миллий сиёсатининг муваффақиятларини эътироф этишга мажбур бўлмоқдалар. Бу билан социалистик ўзгаришларнинг қандайдир чекланган характерга эга эканлиги тўғрисидаги фикрни сингдирмоқчи бўладилар. Лекин бундай уриниш ўта кетган гўлликдир. Жумладан, яқинда америка журнали «Ю. С. ньюс энд Уорлд рипорт»да пайдо бўлган «Нима учун Россия ўз мусулмонлари хусусида ташвишланмоқда» деган мақола масалага ана шундай ёндашиш билан ажралиб туради. Бу туҳматдан иборат «асарнинг» автори — Москвадаги мухбирлар пунктининг собиқ шефи Робин Найт ишнинг ҳақиқий аҳволини объектив акс эттирувчи журналистлар тоифасидан эмас. Бироқ Тошкентдан юборган репортажида ҳатто ана шу ўтакетган антисоветчи ҳам «бу регионга келган ҳар бир киши ҳам бунинг ҳаммаси Европа эмас, балки Осиё эканлигига, тарихий бойликлар — Ўрта Шарқники эканлигига», Тошкентда автомобиль радиоприёмникларидан шарқ куйлари эшитилаётганлигига шубҳа қилмайди, деб айтишга мажбур бўлган.

Ҳатто ана шу ярим эътирофлар ҳам «совуқ уруш» авлодидан бўлган «советологларга» ёқмаса керак. Ахир автор, буни ўзи ҳам асло истамаган ҳолда, бундай «советологлар»дан кўпларини хунук аҳволга солиб қўядики, булар ўн йиллар давомида нуқул Ўрта Осиёда кишилар ўз ўтмишлари, маданиятлари, халқнинг ўзига хос барча нарсаларини аллақачон унутиб юборган деб уқтириб келган эдилар. Хўш, энди анча катта тиражга эга бўлган журнал саҳифаларида Ўзбекистонда ўз миллий кийимларида юрган, ўз миллий урф-одат ва анъаналарига риоя қиладиган кишиларни ўз кўзи билан кўрганлигини уқтириб ёзган ана шу Найтни нима қилиш керак.

Буларнинг ҳаммаси ҳозирги вақтда антикоммунист бўлиш, кишиларга очиқдан-очиқ ёлғон-яшиқ ва туҳмат гапларни тарқатиш қанчалик мушкул эканлигидан далолат беради. Советлар мамлакатининг, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг қудратли одими жаҳондаги миллионларча меҳнат аҳлларининг ақли ва қалбини антикоммунизм оғусидан тозалайди, уларга реал социализмнинг жуда катта ютуқлари ҳақидаги ҳақиқатни етказади, эксплуатация қилинаётганларни сиёсий ҳуқуқлар ва социал адолат учун, бутун дунёда тинчлик учун янгидан-янги курашга илҳомлантиради.

Бугунги кунда империализм идеологлари «кўр-кўрона, «газабланган» антикоммунизм мақсадга эриша олмаслиги, аксинча, тескари таъсир кўрсатишини яхши биладилар. Улар умид қилиб бўлмайдиган даражада заифлашиб қолган аҳволни тузатиб олишга, халқаро майдонда социализм фойдасига ўзгарган кучларнинг янги нисбатига мослашишга жон-жаҳдлари билан уринмоқдалар, социал бўҳтон тарқатишнинг янги тактикасини ишлаб чиқишга беҳуда куч сарфламоқдалар. Ўша Найт ўз репортажига «Кучли ютуқлар» деган бўлимни киритишга мажбур бўлган, буни у социализмни яхши кўргани учун қилгани йўқ. Унда «Ўзбекистонда 1917 йиллаги 98 процент саводсиз ўрнига эндиликда деярли ҳар бир киши ўқиш ва ёзишни билади» деб қайд

қилинган. Умрнинг узунлиги 1912 йилдаги 40 ёш ўрнига 70 ёшга кўтарилди. Ҳозир Покистонда ҳар 6 минг кишига бир врач, бу ерда эса 386 кишига бир врач тўғри келади. Ирригация туфайли пахта ҳосили анча ортди, турмуш даражаси Ўрта Осиёга қўшни бўлган мамлакатлардагига нисбатан анча юқори».

Шу билан бирга Найт ўзини уринтириб фактлар излаб ўтирмасдан ва қандай бўлмасин ўз хўжайинларининг социал заказини бажаришга интилиб, ҳар ҳолда «ҳар бир республиканинг асосий роли — бу совет индустрияси учун материаллар ишлаб чиқаришдан иборат», мамлакатнинг турли районларида турмуш даражаси бир хилда эмас ва шунинг учун ҳам (бу автор айтмоқчи бўлган асосий фикр) Ўрта Осиё озод бўлган давлатлар учун ривожланиш намунаси бўла олмайди, деган ва аллақачон ҳамманинг меъдасига тегиб бўлган уйдирмаларни зўр бериб такрорлайди.

Империалистик пропаганданинг характерли хусусияти шунда ҳамки, у ёвузларча туҳмат қилиш учун баҳонани уни топиб бўлмайдиган жойдан ахтаради. Маълумки, СССР аҳолисини 1979 йилдаги рўйхатга олиш турли районларда аҳоли турлича суратда ўсаётганлигини кўрсатди. Агар бутун мамлакат аҳолисининг сони 1979 йилда 1970 йилдаги даражага нисбатан 109 процентни ташкил этган бўлса, Қирғизистонда — 120, Туркманистонда — 128, Ўзбекистонда — 130, Тожикистонда — 131 процентни ташкил этди.

Ўрта Осиё республикаларининг демографик ва социал-иқтисодий ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларни ўрганар эканлар, социализмнинг ғоявий душманлари ана шу хусусиятларнинг Совет давлати тақдирига таъсири ҳақидаги турли-туман фикрларни, ҳатто улар «муайян структура ўзгаришларига олиб келиши» мумкин деган фикрни илгари сурмоқдалар. Бунда совет халқларини ирқий, миллий ва диний белгилари бўйича бир-бирига қарама-қарши қўйиб, буржуа оммавий ахборот воситалари «СССРда мусулмонлар хавфи ўсаётганлиги ҳақида ақл бовар қилмайдиган шовқин-сурон кўтармоқдалар, бир вақтлардаги диний низоларни ҳар қандай йўл билан бўрттириб кўрсатмоқдалар. Ана шу сохта масала хусусида ўртоқ Л. И. Брежнев 1977 йил 15 июнда Франциянинг «Монд» газетаси саволларига жавобида тушунтириб берган. «Барча ватандошларим каби мен ҳам,— деб таъкидлади Леонид Ильич,— ўз Ватанимнинг келажагига комил ишонч ва битмас-туганмас умидворлик билан қарайман... Мамлакатимизнинг у ёки бу республикаларидаги аҳолининг кўпайишига келганда бу ҳолиса бизни ташвишга солмайди, аксинча у бизни қувонтиради, чунки, аввало республикаларимиз иқтисодий даражасининг қудратли равишда юксалишини, шу жумладан, чор Россиясининг собиқ чекка ўлкаларидаги аҳоли фаровонлигининг ғоят ўсганлигини, улар социалистик ўзгаришлар йўлидан бориб улкан тараққиётга эришганликларини ифода этади. Шуларнинг ҳаммаси пировард натижада биз янги тарихий бирлик деб атаётган ягона қотишма — совет халқини мустаҳкамлайди» (Ленин йўлидан, 6-том, 478-бет).

Реал социализм тўғрисида турли хилдаги буржуа уйдирмалари капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларнинг СССРга келиб кетган прогрессив жамоат арбоблари томонидан қатъий рад этилмоқда. Дюссельдорфда (ГФР) чиқадиган «Унзере цайт» газетасининг мухбири Герберт Райхель Ўзбекистонга бағишланган «Асрий орзу ажойиб ҳақиқатга айланди» деган мақоласида антисовет пропагандасининг ёлғончиликдан иборат асосини яхши очиб берган. «Москвадан Тошкентга учаётган вақтимда,— деб ёзади у, — мен «Шпигель» журналида «Бугунги коммунизм» деган умумий сарлавҳа остида босилган бир қатор антисовет мақолаларни ўқиган эдим. Тошкентда ана шу мақолалар тўғрисида эслаб, маҳаллий театрларнинг репертуарини синчиклаб ўр-

ганиб чиқдим. Бу ердаги маданий ҳаётнинг «маънавий қашшоқлиги» ва «руслаштирилганлиги» тўғрисида — «Шпигель» газетаси айни ана шулар хусусида кўз ёши қилган — гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Театрларда «Мадам Баттерфляй», «Антигона», «Кармен» сингари пьесалар кетаётган эди. Шиллер, Шекспир асарларининг постановкалари муваффақият қозонган, ҳозирги замон темаларида пьесалар кетмоқда. Мен ажойиб ўзбек балетини томоша қилдим». Бинобарин, «Шпигель» журнали ўйлаб чиқарган антисовет уйдирма Тошкент узоқда ва буржуа қаламкаши ёзган хабарларнинг тўғрилигини ҳеч ким текширолмайди деган мўлжал билан эълон қилинган.

Шундай қилиб, икки социал система ўртасидаги идеологик кураш бўшашмаётир. Аксинча империалистик пропаганда, КПСС XXVI съезди таъкидлаганидек, «социализмдан одамлар ихлосини қайтариш» учун ёлғон-яшиқ ва бўҳтоннинг энг маккорона, разил формаларидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Яқингинада «Свободная Европа» ва «Свобода» радиостанцияларининг қўпорувчилик фаолияти тўғрисида қўшимча материаллар кенг маълум бўлди. Маълумки, «Свобода» радиостанциясининг акс садоси бўлган «Озодлик» станцияси неча йиллардан бери ўзбек тилида туҳмат ёғдириб келмоқда. Америка ҳомийларининг ҳаракати билан 1981 йилда антикоммунистик пропаганда жарчиси бўлган передатчикларнинг қувватини икки баравар ошириш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, уларнинг эҳтиёжлари учун АҚШ конгресси йирик фондлар ажратган бўлиб, булардан тўсатдан инфляция кучайиб кетган ёки жаҳонда «кескин» сиёсий вазиятлар пайдо бўлиб қолган ҳолларда резерв сифатида фойдаланиш мумкин. «Свобода» ва «Свободная Европа»нинг ёвуз радиоэшиттиришларига «Марказий (Ўрта деб ўқинг) Осиёдаги совет халқларига аталган программаларни тайёрлашга ўтган йиллардагига қараганда кўпроқ эътибор бериш»ни, бу ишга рус масалалари ва Совет Иттифоқидаги миллатлар масалалари бўйича энг тажрибали (ЦРУ нуқтаи назаридан) консультантлар ва тадқиқотчиларни янада кўпроқ жалб этиш учун маблағ аямасликни тавсия этаётганларини ҳам сир тутмаётирлар.

Ҳозирги босқичда идеология кураши тобора кескинлашиб, социализм билан капитализм ўртасидаги тарихий қарама-қаршиликнинг ўзига хос «устқурмаси», синфий курашнинг муҳим формаси бўлиб қолмоқда. Буларнинг ҳаммаси социалистик дунё муваффақиятларини, КПСС ленинча миллий сиёсати тантанасини пропаганда қилишнинг таъсирчанлигини доимо ошириб боришни, душман идеологик диверсияларига қарши ўз вақтида, кескин ва асосли зарба беришни, барча йўналишдаги антикоммунизм кирдикорларини доимо фош этишни талаб қилади.

Афтидан, буржуа пропагандасининг Совет кўпмиллатли давлати бирлигига қаҳр-ғазаб билан ҳамла қилишини, социализм душманларининг социалистик миллатлар ўртасидаги муносабатларга раҳна солишга, бу муносабатларнинг қардошлик характерини заифлаштиришга уринишларини бундан кейин ҳам кутиш мумкин. Худди шунинг учун турли хилдаги «советологлар»нинг уйдирмалари ва бузиб кўрсатишларига қарши қатъият билан муросасиз кураш олиб бориш лозим.

Совет халқларининг дўстлиги бузилмас ва пўлатдек мустаҳкам, социалистик миллатлар ва элатларнинг бирлиги монолитдек маҳкамдир. Коммунистик қурилиш жараёнида улар янада муттасил яқинлашиб, уларнинг маданиятлари ўртасидаги ўзаро бир-бирини бойитиш, бир-бирига таъсир кўрсатиш кучайиб бормоқда. Бунинг асосини — байроғимиз, кучимиз, келажакка ишончимизнинг рамзи, совет турмуш тарзининг асосий принципи бўлган пролетарча социалистик интернационализм ташкил этади.

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Журналхон П. И. Круглов капитализмнинг умумий кризиси шароитида империалистик зиддиятлар, хусусан автомобиль саноатида рақобат қандай кескинлашаётгани ҳақида ҳикоя қилишимизни илтимос қилган.

«АВТОМОБИЛДА КРИЗИС ЖАРЛИГИ САРИ»

КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида таъкидлаганидек, кейинги йилларда «капитализмнинг умумий кризиси янада кескинлашиб борди. Капитализм, албатта, ўз тараққиётида қотиб қолгани йўқ. Аммо эндиликда у сўнгги ўн йил мобайнида учинчи иқтисодий таназзулни бошидан кечирмоқда».

Ушбу таназзул автомобиль саноатига ҳаммадан кўра кучлироқ таъсир этди ва шу боисдан «Америка автомобилда шитоб билан кризис жарлиги сари кетмоқда» деган маънодор ибора кенг тарқалди. 1929—1933 йиллардаги «буюк депрессия»дан кейин ҳеч бир тармоқ ҳали бунчалик зарар кўрмаган эди. АҚШнинг уч автомобиль монополияси — «Женерал моторс», «Форд», «Крайслер»нинг хабар беришича, 1980 йилнинг иккинчи ярмидагина улар жами 2 миллиард доллардан кўпроқ зарар кўрганлар.

Ғарбий Европа мамлакатларининг автомобиль саноатида ҳам аҳвол кундан-кунга мушкуллашмоқда. Франциянинг «Пежо» компанияси кейинги йилларда жаҳон автомобиль бозорида рақобат кучайганлиги сабабли ўз корхоналарида 10 минг иш ўрнини, Англиянинг «Бритиш Лейланд» компанияси эса 15 минг иш ўрнини қисқартирди. Ғарбий Германиянинг «Оппель» компанияси автомобилларининг сотилиши бу йил 11 минг донадан зиёд камайди, шунинг учун у яқин уч йил ичида ўз ишчилари сонини учдан бир ҳисса, яъни 20 минг кишига қисқартирмоқчи. Бельгия, Голландиянинг автомобиль йиғиш корхоналарида ишсизлар сони кўпаймоқда.

Автомобиль саноатидаги тушкунлик экономиканинг бошқа ҳаётий муҳим тармоқларида ҳам акс садо бермоқда. АҚШда енгил автомобилизм гипертрофияга учраганлиги, автомобилсозлик йўналишидаги ишлаб чиқариш жараёнларида деформация юз бергани сабабли, бу ҳодиса сезиларлироқ кечмоқда. Автомобиллар ишлаб чиқариш ва ремонт қилиш, автомобиль йўллари қуриш ва уларни асраш, ҳайдовчилар ва автомобилларга йўлда хизмат кўрсатиш меҳнатга қобилиятли америкаликларнинг тахминан ҳар беш кишидан бирини иш билан таъминлайди. Автомобиль саноати мамлакатда ишлаб чиқарилаётган синтетик каучукнинг 60 процентини, чўяннинг 50 процентини, рухнинг 3… процентини, пўлатнинг 25 процентини, алюминийнинг 17 процентини истеъмол қилади. Мамлакатда ҳар йили истеъмол қилинадиган нефтнинг қарийб 40 проценти автомобилларда сарфланади. Ҳозирги вақтда АҚШдаги шина ишлаб чиқарувчи Акрон заводларининг ишчиларига, шунингдек автомобилсозларга ёппасига ишдан бўшатилиш хавф солмоқда. Детройт автомобиль заводлари таркибида олтингугурт кам бўлган кўмирга муҳтож эмаслиги сабабли Монтана кончилари ишдан маҳрум бўлиб қолмоқдалар. Шимолий Каролинадаги тўқимачилик корхоналарининг ишчилари бирин-кетин ишдан ҳайдалмоқда, чунки улар ишлаб чиқарадиган автомобиль салонлари драпировкасига талаб камайиб кетмоқда. Автомобилларни реализация қилиш ҳажмининг қисқариши бу йил ҳаммаси бўлиб 650 минг иш ўрни йўқолишига олиб келди.

Автомобиль саноатидаги ҳозирги кризиснинг замирида аввало капиталистик ишлаб чиқариш зиддиятларидан бири — ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги зиддият ётади. В. И. Ленин бундай деган эди: «Ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги зиддият, капитализмга хос бўлган бу зиддият фақат шундан иборатки, миллий бойлик ўсиши билан бир қаторда халқнинг қашшоқлиги кучаяди, жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ўсади-ю, халқ истеъмоли шунга мувофиқ равишда ўсмайди, бу ишлаб чиқарувчи кучлар меҳнаткашлар оммаси фойдасига истифода қилинмайди» (ТАТ, 4-том, 185-бет).

1 бўлинма, яъни ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи ва айни вақтда аҳолининг шахсий эҳтиёжларига хизмат қилувчи тармоқ бўлган автомобилсозликка автомобиллар ишлаб чиқариш билан тўлаш қобилиятига эга бўлган талаб ўртасидаги номувофиқлик ниҳоятда кескин таъсир этади. Автомобилсозликда 1974—1975 йилларда юз берган таназзулнинг сабабларидан бири бўлган ушбу номувофиқлик кейинги йилларда инфляциянинг тўхтовсиз кучайиши, истеъмол моллари нархлари ва оммавий ишсизликнинг ўсиб бориши оқибатида янада орта борди.

Ана шу йилларда аҳолининг реал даромадлари тобора камайган бир пайтда ав…

гомобиль монополияларининг капитал маблағ сарфлаши юқори суръатлар билан ўсишда давом этди. Тармоқда ишлаб чиқариш ва капиталнинг концентрацияланиши ва марказлашуви кучайиши, шу асосда монополияларнинг иқтисодий плацдарми кенгайиши, буржуа ҳукуматларининг инвестицияларни рағбатлантиришга қаратилган тадбирлари: корпорацияларнинг фойдасидан олинадиган солиқлар ставкаларининг пасайтирилиши, амортизация қонунларининг либераллаштирилиши, компанияларга имтиёзли кредитлар, дотациялар, экспорт субсидиялари берилиши бу аҳволни авж олдириб юборди.

1974—1975 йиллардаги иқтисодий тангликдан кейин энергетика, хом ашё, валюта-молиявий танглик бир оз бўлсада юмшатилгани йўқ, буларнинг ҳаммаси автомобиль компаниялари кучларининг жаҳон бозорида жойлаштирилишига жиддий таъсир кўрсатмоқда ва бу бозорда монополистик конкуренцияни кучайтирмоқда.

Автомобиль саноати пайдо бўлган пайтдан бошлабоқ ишлаб чиқаришнинг юксак даражада концентрациялашган ва монополия қилинган тармоғи бўлиб келди. Қозирги вақтда барча етакчи капиталистик мамлакатларда автомобиль ишлаб чиқаришнинг 80—90 проценти йилига миллионлаб автомобиль чиқарадиган 2—3 та, кўпи билан 4 та монополия корхоналарида концентрациялашгандир. Ва бу аҳвол кўпгина буржуа мамлакатларининг миллий бозорлари янги автомобиллар ва ўтмиш йилларда чиқарилган ва сотилмаётган автомобиллар билан тўлиб кетган бир шароитда юз бермоқда. Иккинчи томондан, автомобилларга бўлган талаб аввало уларнинг тежамли бўлиши ва атроф муҳитни қўриқлаш нуқтаи назаридан ўзгарди. Бироқ автомобилсозлик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини тезлик билан алмаштириш ёки модернизациялаш мумкин эмас. Ана шу омиллар натижасида автомобилсозлик кейинги иқтисодий кризисдан ускуналарининг талайгина қисми эскирган ҳолда чиқди. Кўпгина компаниялар фақат давлат бюджетидан мунтазам равишда маблағ ажратилаётганлиги туфайлигина мавжуд бўлиб турибди. Яна бир муҳим томони шундаки, автомобиль монополияларига берилаётган субсидиялар ва бошқа имтиёзлар жуда кам наф келтираётгани у ёқда турсин, баъзан тўғридан-тўғри тескари таъсир кўрсатмоқда: катта молиявий мадад олаётган бу монополиялар ишлаб чиқаришни модернизациялашдан манфаатдор бўлмай қолмоқдалар.

Шундай қилиб, автомобиль саноатидаги қозирги кризис ушбу тармоқдаги ишлаб чиқариш қувватлари реал ижтимоий истеъмолга нисбатан узоқ вақт давомида ва кўп даражада (ёқилғи-энергетика танглиги шароитида) ортиқча бўлиб келганлиги оқибатида келиб чиққандир. Ушбу ортиқчаликни эса хўжалик юритишнинг хусусий капиталистик методи келтириб чиқарган.

Барча автомобиль монополиялари ушбу аҳволдан қутилиш чораларини излар эканлар, келгусида ташқи иқтисодий экспансия, тайёр автомобилларни экспорт қилиш ёки чет элларда уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш йўли билан муваффақиятга эришиш мумкин деб ҳисобламоқдалар. Бу тамомила қонуний бир ҳол. Бугунги кунда ҳеч бир капиталистик мамлакатнинг ички бозори ялпи серияда ишлаб чиқарилаётган — юксак даражада унификация қилинган ҳамда узел ва деталлари стандартлаштирилган автомобилларни ҳазм қилолмайди. Монополиялар ўз маҳсулотларини экспорт қилишга мажбурлар. Иккинчи жаҳон урушидан кейин кўпгина саноат тармоқларидан товар капитал олиб чиқиб кетилаётганлигининг типик сабаби ҳам мана шу. Фан-техника тараққиёти келтириб чиқарган бу аҳвол автомобилсозлик учун кўп даражада характерлидир.

Тўғри, чет эллардаги операцияларни ривожлантириш ажнабий бозорларнинг етарлича ишончли эмаслиги, иқтисодий ва сиёсий қалқишлар келиб чиқиши, нархларнинг бўғиб қўйилиши ва протекцион тарифлар жорий қилиниши мумкинлиги орқасида келиб чиқадиган хавф-хатарлар билан боғлиқдир. Янги проблемалар ҳам пайдо бўлмоқда: экспорт операцияларининг қимматлиги; транспорт харажатлари; ўраб жойлаштириш; ҳар хил тарифлар ва комиссион ҳақлар; капитал оборотининг секинлашиб қолиши; маҳаллий шароитларга мувофиқлаштирилган техникавий ҳужжат ҳамда иқлимга мослаштирилган конструктив вариантларни ишлаб чиқиш зарурлиги; автомобиль концернлари томонидан чет элларда чиқариладиган маҳсулот таннархининг (иш кучи анча арзон эканлигига қарамай) кадрларнинг малакаси паст экани, кам сериялилик, турдош ишлаб чиқаришлар йўқлиги туфайли юқори бўлиши шулар жумласига киради.

Ана шу проблемаларнинг ҳаммасини жуда йирик монополиялар давлатнинг ёрдамидагина ҳал қила оладилар. Кўпгина капиталистик мамлакатларнинг ҳукуматлари ана шундай ёрдамни кўрсатмоқдалар, жумладан автомобилсозликда ишлаб чиқариш ва капитални концентрациялашни рағбатлантирмоқдалар, компаниялар ўртасидаги, ҳатто миллий қонунчиликка зид бўлган кўпгина битимларга ижозат бермоқдалар.

Япония автомобиль монополиялари экспортга айниқса боғлиқдир. Бунинг боиси, биринчидан, ички бозорнинг автотранспорт воситалари билан ниҳоятда тўлиб кетганлигида (бунда аҳолининг велосипед ва мотоцикллардан кенг фойдаланиши ҳам ҳисобга олиниши керак), иккинчидан, автомобиль эгаларига катта солиқлар солиниши сабабли эксплуатацион харажатлар кўпайиб кетганлигидадир (масалан, машиналарнинг эгалари олти йил ичида 430 минг иен тўлайдилар, АҚШда бу солиқ тўрт баравар, Буюк Британия ва Францияда учдан бир ҳисса камроқдир), учинчидан, ишланган газларнинг заҳарлилигини ва машиналар шовқинини камайтириш мақсадида махсус конструкциялар учун катта харажатлар қилиниши туфайли ички бозорда автомобилларнинг нархлари анча

юқори эканлигидадир — атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун ҳукумат томонидан белгиланган нормалар ана шундай харажатларни талаб этади, ушбу нормалар эса Японияда бошқа капиталистик мамлакатлардагига нисбатан анча қаттиқроқ қилиб қўйилган.

Ташқи бозорларни кенгайтириш учун монополиялар автомобилларни қисмларга ажратилган ҳолда экспорт қилишдан кенг фойдаланмоқдалар. Ҳозирги вақтда автомобилларни жойларнинг ўзида йиғиш учун узел ва деталларни четга чиқариш 3 миллиард доллардан ошади. Ушбу сумманинг 75—85 проценти АҚШ ва Буюк Британияга тўғри келади. АҚШда узел ва деталларни экспорт қилишнинг улуши четга автомобиль чиқаришнинг қарийб ярмисини ташкил этади. ГФР, Франция, Швеция, Буюк Британия, яъни ўзлари мазкур буюмларни етказиб берувчилар қаторига кирадиган мамлакатлар автомобиль компонентларини сотиб олувчи йирик импортчилар ҳисобланади.

Автомобилларни қисмларга ажратилган ҳолда экспорт қилишни кенгайтириш бошқалар эгаллаб олган сотиш бозорларини мазкур соҳага бевосита капитал маблағ киритиш йўли билан ўзига қаратиб олиш имконини беради. 1985 йилга бориб ушбу капитал маблағлар миқдори бир неча баравар кўпаяди, деб тахмин қилинмоқда. Масалан, Японияда капитал маблағларнинг ўсиши, мавжуд прогнозларнинг кўрсатишича, йилига 14,7 процентни ташкил қилади. Бу эса тайёр автомобилларни экспорт қилишнинг мўлжалланаётган ўсишидан анча юқоридир.

Капиталнинг четга чиқарилиши (унинг ҳар қандай функционал формасида — товар ёки ишлаб чиқарувчи формада) жаҳон автомобиль бозорида курашни кескинлаштирмоқда. Япония монополиялари ғарбий европалик ва америкалик ўз рақобатчиларини сиқиб чиқармоқдалар. АҚШда улар ҳозирдаёқ ички бозорнинг 30 процентини эгаллаб олдилар. АҚШда сотилаётган ҳар тўрт автомобилнинг бири Японияникидир. Лекин кейинчалик Американинг янги, янада тежамли моделлари улар учун жиддий рақобат туғдириши мумкинлиги билан ҳисоблашишга мажбур бўлган японлар ўз маҳсулотларини бошқа бозорларда, аввало Ғарбий Европа бозорида сотишни кенгайтиришга зўр бериб интилмоқдалар. 1979 йилда Япониядан Ғарбий Европага автомобиль экспорт қилиш 28,3 процент ўсди ва 957 минг донани ташкил қилди. Бу йил Ғарбий Европа мамлакатлари Япониядан 1,2 миллион автомобиль олсалар керак, деб тахмин қилинмоқда. Япония ҳозирдаёқ Англия бозорининг 10 проценти, Франция бозорининг 3 проценти, Ғарбий Германия бозорининг 9 проценти устидан контроллик қилмоқда. Япония автомобиль саноати ҳар йили олти миллиондан ортиқ енгил автомобиль ишлаб чиқаради ва шу миқдорнинг ярмидан кўпроғи экспортга кетади.

Ғарбий Европадаги автомобиль концернлари Японияга қарши рақобатчилик курашида бирлашишга уринмоқдалар, ишлаб чиқариш ёппасига рационализация қилинмоқда, ҳамкорлик тўғрисида кўпдан-кўп битимлар тузилмоқда. Натижада ишсизлик ошмоқда, автомобиль гигантларининг ҳукмронлиги кучаймоқда, такрор ишлаб чиқариш процессларининг зиддиятлари кескинлашмоқда, структуравий мувозанатсизликлар чуқурлашмоқда, мамлакатларнинг ҳар бирида социал-иқтисодий зиддиятлар кучаймоқда.

Ривожланаётган мамлакатлардан капитал экспорт қилиниши бир қатор зиддиятларни келтириб чиқармоқда, бу зиддиятлар эса бутун капиталистик дунёнинг беқарорлигини кучайтирмоқда. Улардан бири шундан иборатки, агар илгари мазкур мамлакатлардаги йиғув заводларининг маҳсулоти бутунлай ички бозор талабини қондиришга кетган бўлса, кейинги йилларда ривожланаётган мамлакатларда автомобиллар ҳамда маҳаллий корхоналар ишлаб чиқараётган узел ва деталларни экспорт қилишни йўлга қўйишга уриниш анча кучайди.

Масалан, ҳозирги вақтда Бразилиядан четга чиқарилаётган автомобиллар миқдори четдан киритилаётган миқдордан анча ортиқдир. Бу мамлакатдан автомобиллар фақат Лотин Америкаси мамлакатларига эмас, балки Осиё ва Ғарбий Европага ҳам экспорт қилинмоқда. Юк автомобиллари ҳатто АҚШга ҳам олиб кетилмоқда. 80-йилларнинг ўрталарига бориб Бразилияда автомобиллар ишлаб чиқаришнинг Буюк Британияда чиқарилаётган миқдорга етиши, ҳозирги асрнинг охирида эса икки баравар кўпайиши кутилмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг капиталистик дунёнинг жаҳон автомобиль бозорига кириб бориши империалистик мамлакатлараро рақобатни, конкуренция курашини кучайтиради, автомобиль саноатининг ҳозирги кризиси шароитида эса ушбу тармоқдаги таназзулни янада чуқурлаштиради.

Автомобиль саноатида банд бўлган капиталнинг интернационаллашувидан иборат қонуний жараён миллий алоҳидалик манфаатларига зид бўлиб қолмоқда. Шубҳасиз, автомобиль монополиялари ўз капиталларини экспорт қилиш билан автомобилсозликнинг ҳозирги кризисдаги аҳволини баттар ёмонлаштирадилар.

Ҳозирги вақтда биз империализм келтириб чиқарган эски халқаро меҳнат тақсимоти ўзгараётганлигининг, капиталистик система тақдири учун катта иқтисодий ва социал оқибатларга олиб келадиган ўзгаришнинг шоҳидлари бўлиб турибмиз. Бинобарин, ҳозирги кунда кучайиб бораётган жаҳон автомобиль кризисини конъюнктура характеридаги эмас, балки узоқ давом этадиган чуқур жараёнлар келтириб чиқаргандир.

Д. РУЗИЕВ,
иқтисод фанлари доктори.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

ИНТЕРНАЦИОНАЛ ТАРБИЯНИНГ АКТУАЛ ПРОБЛЕМАЛАРИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ Коммунистик партияси интернационал тарбияга ҳамиша катта эътибор бериб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида таъкидлаганидек, меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида, ягона улуғ Совет Ватанига мансубликдан фахрланиш руҳида тарбиялаш партиянинг муқаддас бурчидир.

Пропагандистлар ва илмий жамоатчилик томонидан қизиқиш билан кутиб олинган биз тақриз қилаётган монографияда* интернационал тарбиянинг энг муҳим масалалари ёритиб берилган. Бундай қизиқишга, биринчидан, коммунистик қурилиш авж ола борган сари шу мавзудаги жиддий тадқиқотларга эҳтиёж ошиб бораётганлиги ва, иккинчидан, адабиётимизда камёб ҳодиса бўлмиш проблеманинг чуқур, комплекс таҳлил қилинганлиги сабаб бўлган. Афсуски, интернационал тарбия агитация-пропаганда ишининг бир қисмигина бўлиб, унинг эҳтиёжларини илмий-оммабоп мақола ва брошюралар ҳисобига бемалол қондириш мумкин, деган фикр ҳанузгача давом этиб келяпти.

М. Жунусовнинг китобида интернационал тарбия назарияси, унинг йўналишлари, таркибий қисмлари вужудга келиши ва ривожланиши, унинг ижтимоий тарбия системасидаги бошқа элементлар билан ўзаро бир-бирига таъсири манзараси китобхон кўз олдида намоён бўлади. Ватанпарварлик, ахлоқий, эстетик тарбия кўп асрлик ва ибратли тарихга эга бўлса, интернационал тарбия ишчилар синфи юзага келиши, унинг миллий отрядлари революцион курашда жипслашуви туфайли социал тарбия системасида ҳосил бўлган элементдир, деб таъкидлайди автор. Шу боисдан ҳам кам ишланган ва айни пайтда социалистик революцияни тайёрлаш ва амалга ошириш, социализм ва коммунизм қуриш учун беқиёс катта аҳамиятга эга бўлган интернационал тарбия масаласи чуқур ўрганишни талаб қилади.

Интернационализм негизида, деб ёзади М. Жунусов, миллий масалага синфий ёндашиш, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, социалистик жамият ҳар бир аъзосининг ишчилар синфи дунёқарашини ўз эътиқоди, ўз ҳаётий позицияси сифатида қабул қилиши ётади. Қарашлар муштараклиги барча миллат меҳнаткашларини социал тараққиёт йўлида бирлашиб ҳаракат қилишга олиб келади.

Китобда миллий масалани ҳал қилишда, миллий-озодлик ҳаракатининг барча отрядларини, барча мазлум ва тенг ҳуқуқсиз халқларни чуқур социал ўзгаришлар ясаш учун курашга уюштиришда раҳбарлик ролини ўйнайдиган ишчилар синфининг дунёқараши бўлган пролетар интернационализми интернационал тарбия негизини ташкил қилади, деган принципиал қоида ҳар томонлама очиб берилган (74—96-бетлар). М. Жунусов пролетар, социалистик интернационализм билан буржуазия ва майда буржуазия мафкурасининг ажралмас қисми бўлган миллатчиликнинг бир-бирига қарама-қаршилигини кўрсатган.

Интернационал тарбия — бу энг аввало миллатчилик, миллий маҳдудлик ва биқиқлик кўринишларига қарши курашдан иборат, деб ёзади автор. Миллатчилик аста-секин ёйилиб борганлигининг тарихий илдизларини, манбаларини очиб берар экан, у барча миллатларга мансуб совет кишиларига комил-ишончли интернационалистлар бўлишда кўмаклашиш учун ўтмишдан сарқит қолган миллатчилик қарашлари ва эътиқодини ҳамма жойда таг-томири билан тугатиш соҳасида сабр-чидам билан иш олиб бориш зарурлигини асослаб беради.

Совет халқи кишиларнинг тарихда биринчи бирлиги бўлиб, унинг келиб чиқиши ва равнақ топишида собитқадам интернационал тарбия муҳим роль ўйнади. Шу сабабдан ҳам М. Жунусов эътиборни мазкур масалага қаратиб, совет халқи фақат социалистик миллатлар ва элатлардан ташкил топган интернационал бирлик бўлмасдан, балки шунингдек интернационализм ғояларининг эътиқодли пропагандистлари ва амалга оширувчиларидан иборат интернационал бирликдир, деб таъкидлади. Китобдан совет халқининг интернационалистлар бирлиги сифатида шаклланишини асослаб берувчи бой фактик материал ўрин олган.

Автор интернационал партиянинг ахлоқий аспекти устида алоҳида тўхталган. Илгари бу масала бир қатор илмий асарларда юзаки тилга олиб ўтилган эди, холос. М. Жунусов эса проблемани батафсил таҳлил қилади ва мамлакатимизда социалистик интернационализм ахлоқий принцип, кишиларга баҳо беришнинг энг муҳим мезони, совет турмуш тарзининг ажрал-

---

* М. Джунусов. Вопросы теории интернационального воспитания. Ташкент, «Узбекистан», 1980, 280 стр.

мас қисми сифатида қарор топганлигини, кўрсатиб беради.

Китобда миллатчилик сарқитларига қарши курашда ижтимоий фанлар ва маданият ўйнайдиган роль очиб берилган. Мактабгача тарбия муассасалари ва умумий таълим мактабларидаги интернационал тарбияга бағишланган бўлимлар катта қизиқиш билан ўқилади. Автор интернационал тарбияга кампания сифатида қаралмаслик лозим, деган ҳақ гапни айтган. Бундай тарбияни жуда ёшликдан бошлаб, инсоннинг бутун умри бўйи давом эттириш керак.

М. Жунусов кўп миллатли коллективнинг интернационал тарбиядаги ролини белгилаш учун ҳам анчагина конкрет социологик материалдан фойдаланган. Социалистик жамият кишиси энг аввало коллективда шаклланади: кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонуниятлари ва принципларини, ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиб олади. Шунинг учун ҳам коллектив қанчалик кўп миллатли бўлса, унинг меҳнаткашларга интернационал тарбия беришда ўйнайдиган объектив роли шу қадар юқори бўлишини таъкидлаш билан автор ҳақдир.

Интернационал тарбия ватанпарварлик, эстетик тарбия билан бир комплексда олиб борилиши лозим. Шундагина у мавҳумликдан халос бўлиб, «аниқ манзил»га эга бўлади. Бундан ташқари, интернационал тарбия муқаррар равишда атеистик тарбия билан қўшиб олиб борилган ҳолдагина самарали бўлади. Зеро, буржуазия мафкураси сингари дин ҳам миллий ва диний алоҳидаликни тарғиб қилиб, халқларни бир-бирига қарши қўяди.

Китобда қараб чиқилган масалаларнинг ихчамгина рўйхати қўлимизда интернационал тарбия назарияси ва практикасининг энг муҳим соҳаларини тилга олган қимматли тадқиқот турганлигидан далолат беради. Шунинг билан бирга китобнинг камчиликларини таъкидлаб ўтишни ҳам хоҳлардик.

Интернационал тарбия хусусида гап кетганда четлаб ўтиш мумкин бўлмаган айрим масалалар мавжуд. Биз бу ўринда интернационализм билан социалистик турмуш тарзининг боғлиқлигини назарда тутяпмиз: улар ажралмас ва бир-бирини тақозо этади. Шу сабабдан ҳам мазкур проблемага алоҳида эътибор берилиши зарур эди. Ҳали ҳам буюк ғалабамиз бўлмиш совет турмуш тарзининг интернационализм билан боғлиқлигини англаб етмаган кишилар топилиши боисидан ҳам шундай қилиш мақсадга мувофиқ эди.

М. Жунусовнинг китоби бутун мазмуни билан интернационал тарбиянинг назарий асослари ва амалий йўлларини очиб беришга қаратилган. Ана шу негизда «Миллатчилик — империализмнинг зарбдор мафкуравий кучи» деган боб бир қадар сунъий чиққандек кўринади. Унинг мазмуни асосан олдинги учта бобда батафсил очиб берилган эди. Бобнинг мўъжазлиги ва у қадар аҳамиятли бўлмаган материал ҳам буни исботлаб турибди. Айни чоқда автор шовинизм ва айтайлик, антисемитизм, сионизм сингари турли миллатчилик иллатларидан иборат социализм табиатига мутлақо ёт қусурларга қарши кураш масалаларини умуман тилга олмайди. Ҳолбуки ана шу масалаларни қараб чиқиш китобнинг мўлжалланганлик даражасини ва аҳамиятини янада оширган бўларди.

Учинчи боб номида «дунёқараш» сўзи ўрнига «дунёни идрок қилиш» («миросозерцание») термини қўлланилганлиги ҳам муваффақиятли, деб бўлмайди. Чунки, «дунёни идрок қилиш» тушунчаси мазмун жиҳатдан ҳам фаол асосга эга бўлган «дунёқараш» тушунчасига нисбатан анча камбағалдир. Китобда жузъий ноаниқликларга ҳам йўл қўйилган.

Умуман олганда интернационал тарбиянинг асосий проблемалари илмий асарда ишнинг кўзини билиб ёритилган. Унинг айниқса қимматли томони шундаки, автор ғоят бой фактик материалдан моҳирона фойдаланиш билан бирга проблеманинг шу вақтгача бошқа авторларнинг эътибор даражасидан четда қолиб келаётган ёки юзаки тилга олиб ўтилаётган жиҳатларини теран таҳлил қилишга ҳам эришган.

Қ. ХОНАЗАРОВ,
философия фанлари доктори.

ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИ АСОСИДА

БАРЧА ҚАРДОШ иттифоқдош республикалар жамиятшунослари томонидан пролетар, социалистик интернационализм, халқлар дўстлиги масалалари бўйича анчагина асарлар яратилди. Тақриз қилинаётган китоб* Ўзбекистон ва Тожикистон олимларининг мазкур масалаларни ишлашга қўшган яна бир ҳиссасидир.

Авторлар жуда катта тарихий материалдан фойдаланиб (унинг кўпчилик қисми илмий оборотга биринчи бор киритиляпти), ўзбек ва тожик халқлари дўстлигининг қарор топиши ҳамда ривожланиш тарихини кўрсатиб берганлар. Бу дўстлик қадим асрлардан бошланган бўлиб, ўша даврларда ўзбек ва тожик халқлари синфий зулм ва чет эл босқинчиларига қарши биргаликда кураш олиб борганлар. Китобхон ўрта асрдаги халқ қўзғолонларидан бошлаб, то Осиёни уйғотган 1905—1907 йиллардаги биринчи рус революциясигача бўлган бу кураш босқичлари билан танишади.

* Э. Ю. Юсупов, А. Я. Вишневский, Х. Г. Гадоев. Одной дорогой — к единой цели. Ташкент, «Узбекистан», 1980, 309 стр.

Совет ҳокимияти учун контрреволюция кучларига қарши олиб борилган курашда тожик ва ўзбек халқлари орасидан юзлаб қаҳрамонлар етишиб чиқдики, биз уларнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Шунинг учун ҳам китобнинг ўша воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи саҳифалари зўр қизиқиш билан ўқилади. Авторлар тасвир этилаётган воқеа аа ҳодисаларга абстракт ёндашишмайди, муҳим тарихий даврлар китобда турли кишилар: атоқли партия ва давлат арбоблари, оддий коммунистлар ҳамда партиясизлар биографияси орқали кўрсатиб берилган.

Ўзбек ва тожик халқларининг дўстлиги социалистик қурилиш йилларида янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон партия ташкилотининг контрреволюцион босмачилар томонидан вайрон қилинган хўжаликни тиклаш, партия ва совет ходимларини, мутахассисларни тайёрлашда ёш Тожикистон республикасига кўрсатган жуда катта ёрдами китобда бой фактик материалдан фойдаланилган ҳолда батафсил ҳикоя қилинади.

Ўзбек ва тожик халқларининг, мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг дўстлиги бугунги кунда улуғ рус халқи раҳбарлигида тобора кенгайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Бу фикр китобнинг бутун мазмунига сингдириб юборилган. Совет халқлари дўстлиги солномасига Улуғ Ватан уруши даврида ёрқин саҳифалар битилди. Китобда Ўзбекистон ва Тожикистон фарзандларининг Совет Ватани учун олиб борилган жангларда кўрсатган қаҳрамонликлари ва жасоратини акс эттирувчи жуда кўплаб мисоллар келтирилган. Шуниси қимматлики, китобхон улардан кўпларининг биографиясига оид маълумотлар билан танишиш имконига эга бўлди. Ўзбекистон билан Тожикистон уруш йилларида фронтдан жуда узоқда бўлган ҳолда фронтнинг аслаҳахоналаридан бири эди. Фронтни барча зарур нарсалар билан таъминлаш учун икки қардош республика меҳнаткашлари фидокорона меҳнат қилдилар. Китоб саҳифаларида бу ҳақда тўлқинланиб ҳикоя қилинади.

Социалистик қурилиш жараёнида совет халқлари бир-бирларига беғараз ёрдам бериш борасида бой тажриба орттирдилар. Ўзбекистон билан Тожикистон ССРнинг ривожланган социализм давридаги иқтисодий алоқалари — бунинг ёрқин далилидир. Муаллифлар, умумиттифоқ халқ хўжалиги комплекси доирасида меҳнатнинг территориал тақсимланиши самарадорлигининг қанчалик ортишини кўрсатиб беришган. Китобда 60—70-йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон территорияларида йирик саноат объектларининг биргаликда қурилганлиги иқтисодий ва техникага оид мураккаб проблемаларнинг ҳамкорликда ҳал этилганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Тожик халқининг дўстона ёрдами Ўзбекистон пойтахтида 1966 йил апрелида юз берган зилзила оқибатларини тугатиш даврида айниқса ёрқин намоён бўлди. Китобда келтирилган қизиқарли, унутилмас фактлар бундан гувоҳлик беради.

Қардош республикалар дала ва ферма, завод ва фабрикалар меҳнатчиларининг социалистик мусобақасини ташкил этиш сингари муҳим масаланинг ёритилишини тақдирламоқ керак. Жумладан, авторлар ўзбек ва тожик пахтакорларининг меҳнат соҳасидаги беллашуви тарихидан конкрет материал келтириб, шуни ҳаққоний таъкидлайдиларки, улкан пахта хирмони учун республикалар ўртасидаги социалистик мусобақадан кутилган асосий мақсад натижаларга якун ясаш эмас, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг умумий юксалишига эришиш учун қийинчиликларни биргаликда бартараф этишдир.

Ўзбек ва тожик халқлари ўртасида, мамлакатимиздаги барча халқлар ўртасида бўлгани каби, мустаҳкам маданий алоқалар ҳам ўрнатилган. Бунда С. Айний ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийларнинг хизмати жуда катта бўлиб, улар ўз асарларини икки тилда — ўзбек ва тожик тилларида яратганлар. Икки тиллилик яхши анъанага айланиб қолди. Китобнинг икки халқнинг театр санъати соҳасидаги ижодий алоқалари ҳақида ҳикоя қилувчи саҳифалари катта қизиқиш билан ўқилади. Авторлар катта, ёрқин байрамга, халқлар дўстлигининг намойишига айланиб кетувчи адабиёт ва санъат декадалари, кунлари ва ҳафталикларини ҳамкорликнинг янги, самарали формаси сифатида юқори баҳолайдилар.

Илмий алоқалар, кадрларни тайёрлашда кўрсатиладиган ёрдам, халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган регионал проблемаларни биргаликда ишлаб чиқиш — бу китобда кўриб чиқилган яна бир соҳадир. Китобхон ўтказилган илмий конференциялар, Ўрта Осиё республикалари Фанлар академиялари фаолиятини координациялаш борасида қилинаётган ишларни билиб олади.

КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев шундай деган эди: «Халқлар жипслигининг ва ўзаро ёрдамлашувининг кучи барча республикалар тараққиётини мисли кўрилмаган равишда тезлаштириб юборди. Миллатлар ўртасидаги муносабатларда душманлик ва ишончсизлик ўрнини дўстлик ва ўзаро ҳурмат эгаллади. Асрлардан бери сингдириб келинган миллий худбинлик психологияси ўрнига интернационализм мустаҳкам қарор топди. Ягона совет социалистик маданиятини ташкил этган ва бир-бирини бойитган миллий маданиятлар янги ранг-баранг бўёқлар билан жилваланди.

...Миллатларнинг бир-бири билан тобора кўпроқ яқинлашиб бораётганлиги жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларини ўз ичига олмоқда» (Ленин йўлидан, 6-том, 649-бет).

Икки республика олимларининг ҳамкорлигида яратилган мазкур монография бунга ёрқин мисол бўла олади.

С. РАЖАБОВ,
Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги;

В. ЧЕБОТАРЕВА,
тарих фанлари доктори.

ОИЛА ВА СОЦИАЛИСТИК ТУРМУШ ТАРЗИ

СОЦИАЛИСТИК ТУРМУШ ТАРЗИ — совет халқининг энг асосий ютуқларидан биридир. Унинг мамлакатимизда қарор топиши фақат социализм ва коммунизм қураётган халқлар учунгина эмас, балки озодлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашаётган бутун дунё меҳнаткашлари учун ҳам жуда катта тарихий аҳамиятга эга.

Социализм йирик ғалабаларидан бири — мамлакатимизда оила-турмуш муносабатларининг тубдан қайта қурилганлигидир. Иқтисодий ва социал ютуқлар асосида бу муносабатларни янада такомиллаштириш оиланинг тарбиявий функцияларини анча кенгайтиради, коммунистик дунёқарашни шакллантиришда унинг ролини оширади.

Тақриз қилинаётган асар* муаллифи совет оиласига социалистик турмуш тарзининг компонентларидан бири сифатида қарар экан, Ўрта Осиё регионининг ўзига хос шароитларида иқтисодий, социал ва маънавий факторларнинг оиланинг қарор топиши ва мустаҳкамланишига таъсирини кўрсатишга ҳаракат қилган.

Жамиятнинг ячейкаси бўлган оила бошқа ижтимоий тузилмалар билан ўзаро бир-бирига боғлиқликдан ҳоли бўлиши мумкин эмас. Оила-турмуш муносабатларининг иқтисодий муносабатларга боғлиқ эканлиги, (бу айниқса капитализм шароитида яққол ифодаланади) К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан аниқ таърифлаб берилган бўлиб, улар «буржуазия тарихан оилага буржуа оиласи характерини сингдиради, унда зерикиш ва пул боғловчи бўғин ҳисобланади, унга шунингдек буржуача айниш ҳам хос бўлиб, бу ҳол оиланинг яшашда давом этишига халақит бермайди. Унинг чиркин ҳаёт кечиришига унинг ҳақида расмий равишда қуруқ гаплар ва умумий риёкорлик билан айтиладиган муқаддас тушунча мос бўлиб тушади» деб таъкидлаган эдилар (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 3-том, 168-бет).

Ўзининг иқтисодий ва социал базасига кўра буржуа оиласидан тубдан фарқ қиладиган совет оиласининг вужудга келишига эса муаллиф янги ижтимоий ҳодиса деб қарайди. Шу билан бирга, асарда жуда тўғри қайд қилинганидек, совет оиласи муайян босқичда жамиятнинг қанчалик ривожланганлигини шунчаки пассив акс эттирувчи эмас, асло. Оила-турмуш муносабатлари социалистик ўзгаришлар жараёнида фақат социал-иқтисодий омиллар ҳисобигагина эмас, балки илгари жамиятнинг социал жиҳатдан бир хилда эмаслиги туфайли рўёбга чиқмай келган ички резервлар ҳисобига ҳам бойиб борди. Кўплаб фактлар асосида ана шу қоиданинг анализ қилинганлиги ва илмий жиҳатдан асослаб берилганлиги монографиянинг шубҳасиз ютуғидир.

Оила-турмуш муносабатларининг иқтисодий ва социал жараёнларга фақат социализм шароитидагина мумкин бўлган бунчалик интенсив таъсири партия, Совет давлатининг совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлиги туфайли содир бўлмоқда, деб қилинган хулоса, бизнингча, жуда асосли ва тўғридир КПСС XXVI съездининг қарорлари ана шундай ғамхўрлик билан суғорилган. Съезддаги докладида КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев саноат объектларини уй-жой, болалар боғчалари, маданий-маиший объектлар қуришнинг тегишли программаси бажарилган тақдирдагина ишга тушириш лозим, деб кўрсатди. Леонид Ильич шунингдек меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг соғлиғини сақлаш, маориф, болаларни тарбиялаш ва ҳоказоларга тобора кўпроқ ажратилаётган маблағлардан рационал ва самарали фойдаланиш зарурлигини ҳам кўрсатди.

Муаллиф Ўзбекистон ССР экономикасини, маданиятини, фанини юксалтиришга оилавий муносабатларни янада қайта қуришнинг, янги, социалистик оилани шакллантиришнинг белгиловчи омили сифатида қарар экан, тамомила ҳақлидир. Совет оиласининг қарор топиш умумий қонуниятларини очиб бериб, бу процесснинг Ўзбекистондаги ўзига хос хусусиятларини характерлаб, Г. Ҳамидова реал социализмнинг оила-турмуш муносабатлари сингари жамият ҳаётининг муҳим соҳасида эришган ютуқларини кўрсатади, муайян методологик хулосалар чиқаради.

Шуни айтиш керакки, муаллиф жиддий социологик тадқиқотлар ўтказган, катта статистик материалларни қайта ишлаб чиққан. Натижада барча хулосалар асосли бўлиб чиққан.

Оила-турмуш муносабатлари соҳасидаги мавжуд салбий ҳодисаларнинг объектив анализ қилинганлиги ва уларни бартараф этиш юзасидан берилган тавсиялар ҳам диққатга сазовордир. Г. Ҳамидованинг «буржуа ахлоқи сарқитлари ҳаётимизга ўтмишдан келиб тушади, лекин шундай ҳоллар ҳам кўпки, бундай сарқитлар аъзолари совет воқелиги шароитида тарбияланган ҳамда замонавий билим ва тарбия олган оилаларда ҳам яшаб келади» (89-бет) деган фикрига қўшилмасдан бўлмайди.

Муаллифнинг тушунтиришича обивателлик ахлоқи ва психологиясининг кўп учраб турадиган рецидивларига сабаб шуки, барча оилаларда ҳам ўсмирлар уй ишларига ва ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилмайди, кўпинча ота-оналар ўз болаларининг қизиқишини керакли томонга йўналтиришни, уларга яхши ахлоқий фа-

* Г. М. Хамидова. Семья как важный фактор развития социалистического образа жизни (на материалах Узбекистана). Ташкент. «Фан», 1981. 160 стр.

илатларни сингдиришни билмайдилар. Ота-оналарнинг хулқ-атворда намуна кўрсатиши сингари тарбия омилининг роли ҳам жуда катта. Шу муносабат билан . Ҳамидова «Ота-оналар қанчалик билимли, маданиятли, маънавий жиҳатдан бой бўлса, уларнинг оиладаги обрўси ҳам шунчалик юқори, уларнинг тарбиявий имкониятлари ҳам шунчалик кенг бўлади» 101-бет) деб таъкидлайди.

Муаллиф оиладаги тарбиянинг вазифаси — етук социализм имкониятларидан ижтимоий тараққиётнинг ана шу фазасига хос келадиган ахлоқий принципларни такрор ишлаб чиқариш учунгина эмас, балки социалистик ахлоқни аста-секин коммунистик ахлоққа айлантириш мақсадида ана шу принципларни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш учун ҳам максимал фойдаланишдан иборат деган хулосага келади 103-бет).

Социалистик турмуш тарзининг маънавий-ахлоқий аспектларидан бири янги анъаналар ва урф-одатлар йиғиндисидир. . Ҳамидова ана шу проблемага тўхталар экан, уларнинг оила-турмуш муносабатларига таъсирини кўрсатиб беради, ўзбек оилалари ҳаётидан қизиқарли фактлар келтиради.

Совет аёлининг социал активлиги ва унинг социалистик турмуш тарзини ривожлантиришдаги роли — тақриз қилинаётган асарда ёритилган яна бир масаладир. Муаллиф ҳаққоний равишда кўрсатганидек, Ўрта Осиёда хотин-қизларни озод қилиш учун курашнинг энг муҳим якуни улар ижтимоий ролининг оилавий муносабатлар доирасидан ташқарига чиққанлигидир» (128-бет). Ўзбекистон хотин-қизлари мамлакатимизда коммунизмнинг актив қурувчилари бўлиб қолди.

Маориф, соғлиқни сақлаш, маданият муассасалари ва шунингдек бир қатор бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари тармоқларнинг феминизациялашуви Ўзбекистон хотин-қизларининг социал активлиги ва сиёсий етуклиги ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Муаллифнинг таъкидлашича, хотин-қизлар профессионал фаолияти мотивларининг социал йўналиши ҳам ўзгарди: совет социологларининг маълумотларига қараганда улардан 80 процентга яқини ўз профессионал фаолиятларини болаларни тарбиялаш қандай бўлса, бу ҳам ахлоқий жиҳатдан шунчалик муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайдилар.

Янги социалистик оилавий муносабатлар, оиланинг тарбиявий функцияси ортаётганлиги, хотин-қизлар социал активлигининг ўсганлиги совет оиласининг турмуш тарзини жиддий ўзгартирди, унинг социализмдан коммунизмга ўтиш даврида ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш омили сифатидаги имкониятларини кенгайтирди. Бу хулосани юқорида айтилганлардан мантиқий равишда келиб чиқадиган чуқур асосланган, қонуний хулоса деб айтиш мумкин.

Афсуски, китоб камчиликлардан холи эмас. Улардан асосийси — буржуа социологлари, антикоммунистларнинг оила-турмуш муносабатларига оид қарашларини суст танқид қилинганлигидир. Совет ижтимоиётчиларининг оила-турмуш муносабатлари масалалари ҳақидаги асарлари илмий анализ қилинмаган. Муаллиф А. Г. Харчев, О. П. Умрзоқова, А. Г. Григорьев, А. И. Кривелев, З. А. Янкова ва бошқаларнинг ҳаққоний равишда эътироф этилган асарларини қайта-қайта тилга олади-ю, бироқ уларга илмий баҳо бермайди.

Ўйлаймизки, ижтимоий фанлар ўқитувчилари, гуманитар олий ўқув юртларининг студентлари, пропагандистлар (тақриз қилинаётган асар шуларга мўлжалланган) фойдали китоб олганлар.

С. СВИРСКИЙ,
философия фанлари доктори.

КИТОБЛАР ТЎҒРИСИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

К. М. Нарынский. Целина служит коммунизму.
Ташкент, „Укитувчи", 1981. 144 стр.

ЎЗБЕКИСТОНДА қўриқ ерларни ўзлаштириш — республикамиз ва бошқа қардош республикалар меҳнаткашларининг ривожланган социализмнинг моддий-техника базасини яратиш учун олиб борган кураши тарихининг шонли саҳифаларидан биридир. Қўриқ янги ижодий ташаббусларни, янги меҳнат қаҳрамонларини юзага келтирди. Тақриз қилинаётган китоб муаллифи қўриқ улкан ҳаётга йўлланма берган кишилар ҳақида ҳикоя қилар экан, қўриқчи характерларни чиниқтириш, маънавий камолот, профессионал маҳоратни оширишнинг ажойиб мактаби деб атайди. Уларнинг шонли ишлари халқларимиз қалбларидан мустаҳкам ўрин олган «чўлқувар» деган фахрли сўз билан халқлар хотирасида абадий сақланиб қолади.

К. Наринский қўриқ ер меҳнатчиларининг оммавий қаҳрамонлигини кўрсатар экан, бу улкан ва муҳим ишнинг олдинги маррасида борганлар — коммунист ва комсомоллар тўғрисида алоҳида бир меҳр билан ҳикоя қилади. Қўриқ ерларни ўзлаштиришда КПССнинг раҳбарлик ва раҳнамолик роли ҳақидаги фикр китобнинг бутун мазмунига сингдириб юборилган.

Ишнинг муваффақияти суғоришнинг ноёб лойиҳаларини ишлаб чиққан ва қўриқ ерларни ўзлаштириш йилларида уларни жорий этган олимлар, инженер-мелиораторларга кўп жиҳатдан боғлиқ эдики, ана шу лойиҳалар туфайли Қарши ва Мирзачўл ерларини ўзлаштиришда, шунингдек Катта Андижон канали қурилишида ирригация проблемаларини мутлақо янги принципларда ҳал қилиш имконияти туғилди. Бу-

гунги кунда шу тажрибадан мамлакатимизнинг бошқа республикалари ва хорижий мамлакатлар кенг фойдаланмоқдалар.

Қўриқ ерларни ўзлаштириш — қаҳрамонлик эпопеясидир. Бу эпопея иштирокчилари мисли кўрилмаган мардлик, ташаббускорлик, ҳар қандай қийинчиликларни енга олиш намуналарини кўрсатдилар. Муаллиф ўша «ўлик» ерларни одамларга тезроқ хизмат қилдириш учун курашган ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, бу улкан ишда қатнашган барча кишиларнинг ғайрат-шижоатини, фидойилигини кўрсата олган.

Автор хўжаликни юритишнинг янги методларини жорий этишда, техника ва илғор тажрибадан янада самарали фойдаланишда қўриқ катта имкониятлар яратганини қатор қўриқ совхозлар мисолида ишонарли тарзда кўрсатиб беради. Қўриқ ерларни ўзлаштириш пахтачиликни анча кенгайтириш, уни механизациялаш даражасини, пахта ҳосилдорлигини ва ялпи ҳосилни оширишга имкон берди.

Қўриқ ерларни ўзлаштиришда қийинчиликлар қанчалик кўп бўлмасин, лекин барибир у яхши натижалар берди. Бепоён кенгликларда совхозлар ва саноат корхоналари барпо этилди, янги шаҳар ва посёлкалар қад кўтарди. Буларнинг ҳаммаси бутун-бутун районларнинг қиёфасини ўзгартириб юборди, республика экономикаси ва халқ фаровонлигини ўстиришга ёрдам берди. Қўриқ эпопеяси партиявий раҳбарликнинг бой тажрибаси ҳақида гапиришга имкон берадики, бу тажриба улкан қурилишнинг мураккаб шароитларида тўпланди.

Қўриқ коммунизмга хизмат қилади — тақриз қилинаётган китобнинг бу номи унинг мазмунига тўла жавоб беради. Лекин, афсуски, китоб камчиликлардан холи эмас. Автор келтирган айрим рақамлар аниқлашни талаб этади. Бизнинг фикримизча, қўриқ ерлар турли миллат вакиллари томонидан ўзлаштирилганлигини, қўриқ совхоз ва колхозлар, фабрика ва заводлар — бу республикадаги энг интернационал коллективлар эканлигини яққолроқ кўрсатиш керак эди.

Бой фактик материал асосида ёзилган бу китоб, шубҳасиз, ёш авлодни биринчи чўлқуварларнинг меҳнат ва қаҳрамонона анъаналари руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Р. АМИНОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

З. ОРИФХОНОВА,
тарих фанлари кандидати.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01, 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-65; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Н. Шарипова.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 10.07. 1981 й. Босишга рухсат этилди 24.07. 1981 й.
Формати $70 \times 108^{1}/_{16}$. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4.
Нашриёт ҳисоб листи 8,7. Тиражи 31282. Нашр № М-56. Заказ № 1408.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси
Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ISSN 0134—2193

Баҳоси 20 тийин

Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК КП Узбекистана» —
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА» —
«УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

12

ДЕКАБРЬ

1981

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 12
ДЕКАБРЬ
1981 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

...Оддий ва шунчаки кундалик бир юмуш бўлиб кўринган иш — жамоат бойлигига омилкорлик билан муносабатда бўлиш, ўзимиздаги ҳамма нарсалардан тўла-тўкис, мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш маҳорати иқтисодий сиёсатнинг ўзаги бўлиб қолмоқда. Меҳнат коллективларининг ташаббуси, партиявий-оммавий иш мана шунга қаратилиши керак. Техника сиёсати ҳам, капитал маблағлар сиёсати ҳам, план, ҳисобот кўрсаткичлари системаси ҳам мана шунга қаратилмоғи лозим.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездидаги докладидан.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1981 йил 16 ноябрда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлди. Пленум СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси ўртоқ Н. К. Байбаковнинг «1981—1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида ва 1982 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Давлат плани ҳақида»ги докладини ҳамда СССР молия министри ўртоқ В. Ф. Гарбузовнинг «СССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети тўғрисида»ги докладини тинглади.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев катта нутқ сўзлади.

Докладлар юзасидан музокараларда КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Я. Киселёв, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари О. С. Мирошхин, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. П. Гришкявичус, КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари В. С. Мураховский, Украина Компартияси Днепропетровск область комитетининг биринчи секретари Е. В. Качаловский, нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министри Б. Е. Шчербина, В. И. Ленин номли Иваново камволь комбинати тўқувчиси В. Н. Голубева, чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машинасозлик министри К. Н. Беляк, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Шу билан Марказий Комитет Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

1981—1985 ЙИЛЛАРДА СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИ, 1982 ЙИЛДА СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҲАМДА СССРнинг 1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1981—1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани, 1982 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Давлат плани ҳамда СССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети лойиҳалари асосан маъқуллансин.

СССР Министрлар Совети мазкур лойиҳаларни СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этсин.

Партия XXVI съезди ишлаб чиққан ички ва ташқи сиёсат, коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш соҳасидаги стратегик йўлни амалга ошириш борасида КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюросининг фаолияти тўла-тўкис маъқуллансин.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, партия ташкилотлари, совет, касаба союз ва комсомол органлари, министрликлар ва идоралар КПСС Марказий Қомитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосаларга амал қилиб, шу йилнинг топшириқлари муваффақиятли якунланишига, 1982 йил плани ва умуман беш йиллик планининг тўла ва ошириб бажарилишига эътиборни жалб қилсинлар. Шу мақсадда партиянинг халқ хўжалиги самарадорлигини оширишдан, уни интенсивлашдан иборат ғоят муҳим йўл-йўриғини рўёбга чиқаришга бутун куч-ғайрат сафарбар этилсин. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, халқ хўжалигининг барча бўғинларида меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш учун мавжуд имкониятлардан энг кўп даражада фойдаланилсин. Капитал қурилишни анча яхшилашга алоҳида эътибор берилиши керак. Металл, электр энергияси, хом ашё ва материаллар, молиявий ва меҳнат ресурслари оқилона ва тежаб-тергаб сарфланишини таъминлаш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилсин, экономикамиз тежамли бўлмоғи учун ҳамма ишлар қилинсин. Фаннинг роли оширилсин, илмий-тадқиқот, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотлари фаолиятида янада самарали натижаларга эришилсин. Экономикани планлаштириш ва бошқаришни янада яхшилаш, хўжалик юритиш услуб ва методларини такомиллаштириш соҳасидаги ишлар сабот билан ўтказилсин.

Ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлигини ўстиришга, биринчи навбатда социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлик кенгайтирилишига эришилсин.

КПСС Марказий Комитети партиянинг мамлакат иқтисодий потенциалини ошириш, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, ёқилғи-энергетика комплексини муттасил ривожлантириш, озиқ-овқат проблемасини ҳал этиш, совет кишиларининг моддий ва маданий турмуш даражасини янада юксалтириш борасида белгиланган катта кўламдаги вазифалари ҳар бир соҳадан, ҳар бир иттифоқдош республика, ўлка, область, шаҳар ва райондан, барча меҳнат коллективларидан резерв ҳамда имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш соҳасида куч-ғайратларини кўпайтиришларини талаб этажагини таъкидлайди. Шу муносабат билан ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида, бошқарувнинг ҳамма соҳасида уюшқоқликни, ишчанликни оширишга, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга биринчи даражали аҳамият берилиши керак.

КПСС Марказий Комитети коммунистлар, барча меҳнаткашлар социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб юборадилар, ўн биринчи беш йилликни зарбдор меҳнат билан, КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар билан нишонлайдилар, деб қатъий ишонч билдиради.

КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил 16 ноябрдаги Пленумида ўрток Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!

КПСС XXVI съездидан кейин ўтган вақт ичида катта сиёсий, ташкилий ва хўжалик ишлари бажарилди. Омманинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги ошди. Совет халқи янги беш йилликка зўр умидворлик, ўз кучига ишонч туйғуси билан қадам қўйди.

Съезд ўртага қўйган коммунистик бунёдкорлик соҳасидаги катта ва мураккаб вазифалар муваффақиятли ҳал этилишига совет халқининг ишончи комил.

Марказий Комитетнинг ҳозирги Пленумини съезд ишининг тўғридан-тўғри, бевосита давоми деб билиш мумкин. Биз съездда саксонинчи йилларга мўлжалланган иқтисодий сиёсатни маъқулладик, мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишларини тасдиқладик. Энди биз КПСС Марказий Комитетининг Пленумида навбатдаги қадамни қўймоқдамиз. Биз беш йиллик план лойиҳасини муҳокама қилишимиз лозим, унда партия XXVI съездининг йўл-йўриқлари 80-йилларнинг биринчи ярмига татбиқан конкретлаштирилади.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси СССР Госпланн билан Министрлар Совети тақдим этган материалларни кўриб чиқиб, 1981—1985 йилларга мўлжалланган план топшириқлари асосан съезд талабларига мувофиқ, деган хулосага келди. Бу — планга баҳо беришда катта аҳамиятга эгадир, ўртоқлар.

Лойиҳада беш йилликнинг бош вазифасини ҳал этиш йўллари аниқ белгиланган. Партиянинг мамлакат иқтисодий потенциалини кўпайтириш, халқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш йўли мустаҳкамлаб берилган. Лойиҳа съезднинг социал программа соҳасидаги қарорларини бажаришни кўзлайди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги узлуксиз ривожланаверади. Капитал маблағларни марказлаштирнш тадбирлари кўрилмоқда. Сибирь ва Узоқ Шарқни ўзлаштиришда янги катта қадам қўйилади. Ҳар бир иттифоқдош республиканинг экономикаси янада ривож топади. Мудофаа эҳтиёжлари пухта таъминланади.

Мана шуларни назарда тутиб КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси XI беш йиллик план, шунингдек 1982 йилги план ва бюджет лойиҳаларини ҳам умуман тасдиқлади ва бу ҳужжатларни партия Марказий Комитетининг Пленуми муҳокамасига тақдим этади.

Беш йиллик анчагина мураккаб шароитларда шаклланганлиги ўртоқ Н. К. Байбаковнинг докладидан кўриниб турибди. Бу — икки группа сабаблар билан боғланган.

Батамом ёки қисман бизнинг контроллигимиздан ташқарида бўлган омилларнинг амал қилиши экономикадаги ишларнинг аҳволига таъсир ўтказмоқда. Сурункасига уч йилдан бери содир бўлаётган қурғоқчилик қишлоқ хўжалигига, бинобарин, бутун экономикага ҳам кат-

та зиён етказмоқда. Планларни ишлаб чиқишда халқаро вазиятнинг мураккаблашувини ҳам эътиборга олишга тўғри келганлиги табиий.

Бошқа бир ҳолатнинг ҳам таъсири сезилиб турибди. Биз халқ хўжалиги ривожининг ҳозирги босқичи ўртага қўяётган янги талаблар ҳақида тўғри гаплар айтаяпмиз. Бироқ, афсуски, хўжалик фаолияти ва иқтисодий фикрлар услуби, планлаштириш методлари, бошқарув системаси унчалик зўр ғайрат билан қайта қурилаётгани йўқ.

Мана шуларнинг ҳаммаси беш йиллик план лойиҳасига таъсир қилмай қола олмади. План — қийин, тиғиз пландир. Хўш, бунинг маъноси нима? Бунинг маъноси шуки, уни бажариш учун куч-ғайратни икки, уч ҳисса ошириш керак. Бунинг маъноси шуки, хўжалик юритиш услуби ва методларини қайта қуришни жадаллаштириш керак.

Сўнгра Л. И. Брежнев хўжалик қурилишининг энг муҳим масалаларига ва бу масалаларни ҳал этиш йўлларига тўхталиб ўтди.

Гапни **озиқ-овқатдан** бошлайман, деди у. Озиқ-овқат проблемаси — ҳам хўжалик, ҳам сиёсий жиҳатдан бутун беш йилликнинг марказий проблемасидир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг юксак суръатлари — бу проблемани ҳал этишнинг негизидир. План лойиҳасида мана шундай суръатлар белгилаб берилади. Доннинг ялпи ҳосили йилига ўрта ҳисобда беш йиллик мобайнида қарийб 35 миллион тонна, гўшт етиштириш эса 2 миллион тоннадан зиёд кўпайиши лозим. Картошка, сабзавот ва мева етиштиришни анчагина кўпайтириш белгиланган.

Беш йиллик ҳосилсиз йилдан бошланди. Аммо бу нарса бизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни тез ва муттасил кўпайтиришга қаратилган йўл-йўриқларимизни ўзгартира олмайди ва ўзгартириши ҳам мумкин эмас.

Дарвоқе, қишлоқ хўжалиги учун ноқулай об-ҳаво бизнинг мамлакатимизда деярли йил оша содир бўлиб туришини кўп йиллик тажриба кўрсатади. Бинобарин, бу ҳолни истисно деб эмас, балки бизнинг иқлимимиз учун одатдаги, табиий бир ҳодиса деб ҳисобламоқ керак. Бундан бир қанча амалий хулосалар келиб чиқади.

Ҳозирча биз об-ҳавони бошқаришни ўрганиб олмаган эканмиз, қишлоқ хўжалигидаги ишни иқлим инжиқликларига янада моҳирона мослаштиришимиз керак. Бу эса регионлар бўйича бирмунча қатъийроқ ихтисослаштиришни тақозо этади. Бу нам етарли бўлмаган шароитда ҳам, ортиқча бўлган шароитда ҳам мўл ҳосил олинишини таъминлайдиган экинлар, агротехника усулларини жорий қилишни тақозо этади. Ниҳоят, бу, тегишли машина-механизмларни ишлаб чиқаришни ва улардан яхшироқ фойдаланишни тақозо этади. Мана шуларнинг ҳаммаси мелиорацияни ривожлантириш, тобора кўп миқдордаги ўғитдан янада самарали фойдаланиш билан бирга қишлоқ хўжалигининг об-ҳавога боғлиқлигини камайтиришга ёрдам беради.

Қишлоқ хўжалиги учун белгиланган топшириқлар, нормативлар ва кўрсаткичларни ишлаб чиқиш вақтида ҳар бир регион учун энг қулай, энг реал шароитларни синчиклаб инобатга олиш муҳимдир. Қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган кишиларнинг иши тўғрисида бир йилнинг натижаларига қараб ҳукм чиқариб бўлмайди. Одамларга, уларнинг меҳнатига баҳо берганда, улар об-ҳаво яхши бўлганида ҳам, ёмон келганида ҳам қандай натижаларга эришаётганликларини, уларнинг меҳнат натижалари нақадар барқарор, стабил эканини эътиборга олмоқ керак.

Қозоғистон ғаллакорлари яхши, стабил ишлаш намунасини кўрсатмоқдалар. Унинчи беш йилликда республика дон етиштириш ва харид қилиш планини ошириб бажарди ҳамда ҳар йили давлатга бир миллиард пуд дон сотиш маррасига амалий равишда чиқиб олди. Бу йил Қозоғистон меҳнаткашлари мураккаб об-ҳаво шароитларида ишлаб, 960

миллион пуддан кўпроқ ғалла сотдилар. Бу — катта ғалабадир, ўртоқлар. **(Қарсаклар).**

Украина меҳнаткашлари қурғоқчил йил қийинчиликларини бартараф этиб, дон сотиш юзасидан белгиланган топшириқни бажардилар ва давлат омборига 827 миллион пуд дон топширдилар. Ҳамиша бўлганидек, Ўзбекистон пахтакорлари, Грузия чойкорлари, шу республикаларнинг барча қишлоқ хўжалик ходимлари яхши ишладилар.

Белоруссия, Литва меҳнаткашлари, шунингдек Ставрополь, Кубань, Россия Федерациясининг Ростов, Тюмень ва бошқа бир қанча областлари меҳнаткашлари каттагина муваффақиятларга эришдилар. Уларда ҳам об-ҳаво унчалик яхши бўлмади, шунинг учун ҳам бу республикалар ва областларнинг ютуқлари кўпроқ ҳурматга сазовордир. **(Қарсаклар).**

Озарбайжон меҳнаткашлари икки беш йилликдан бери барча қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни муттасил ўстиришга эришмоқдалар. Бу йил эса об-ҳаво қийинчиликларига қарамай дон, пахта, узум, сабзавотдан рекорд ҳосил олинди. **(Қарсаклар).**

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ҳозирги беш йилликнинг биринчи йилида катта муваффақиятларга эришган коммунистларни, барча меҳнаткашларни табриклашга ҳақлидир деб ўйлайман. Уларга янги ғалабалар тилашни истайман. **(Давомли қарсаклар).**

Халқни юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш учун қишлоқ хўжалигининг ҳам, шунингдек бошқа кўп тармоқларнинг ҳам яхши ишлаши керак бўлади, деб уқтирди Л. И. Брежнев. Айни шу боисдан ҳам партия XXVI съезди озиқ-овқат комплекс программасини тайёрлаш ва беш йиллик планга қўшишни зарур деб ҳисоблади.

Бу программани тузиш — олий даражада ижодий ва ҳеч бир яширмай айтиш керакки, мураккаб ишдир. Бу иш қишлоқ хўжалигининг ўзидаги, саноатнинг қишлоқ хўжалигига хизмат қиладиган тармоқларидаги, қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, ташиш ва савдо қилиш системаларидаги куч-ғайратларни бир бутун қилиб бирлаштириши керак. Бу иш мазкур ҳамма тармоқларнинг ишини битта муштарак пировард мақсадга бўйсундириши — мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини таъминлаши керак.

Программани тузиш пайтида аграр-саноат комплекси структурасини пухта равишда таҳлил этиш ва ундаги номувофиқликларни тугатиш лозим. Тақдим этилган планда қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайдиган, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотини анча чуқур қайта ишлайдиган ва унинг сақланишини таъминлайдиган тармоқларни ривожлантиришга бирмунча кўпроқ ресурслар ажратилади. Келгусида ҳам шу йўлдан бориш — элеваторлар ва музхоналарнинг сиғимини зўр ғайрат билан кўпайтириш, транспорт (айниқса, махсус транспорт), идишлар билан, маҳсулотни дастлабки қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган танг жойларни тугатиш лозим.

Харид қилиш системасини жиддий равишда яхшилаш керак. Ҳозирги вақтда харид қилинган доннинг деярли ҳаммаси элеваторларга (кўпинча олис ерларда жойлашган элеваторларга) ташиб олиб борилмоқда, аммо шу доннинг анчагина қисми тез орада қайтариб олиб келинмоқда. Чамаси, катта элеваторлар қуриш билан бир қаторда колхоз ва совхозларга яқин жойларда чоғроқ омборлар ҳамда омихта ем цехлари қуришга аста-секин ўтиш лозим. Сутни қайта ишлайдиган, мол сўядиган ва гўштни қайта ишлайдиган фақат йирик корхоналарни қуриш ҳам унчалик ўринли эмас. Бу корхоналарга чорва молларни ва сутни кўпинча юзлаб километр жойдан олиб боришга тўғри келади. Бу ҳам нобудгарчиликларга ва унумсиз харажатларга олиб боради. Буни кескин камайтириш мумкин ва лозим.

Ёки бошқа бир масала. Маълумки, кўпгина шаҳарларда картошка ва сабзавотни сақлашда катта исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Аҳволни тузатиб олиш учун план лойиҳасида омборлар барпо этишга капитал маблағ сарфлашни 1,6 баравар ва қаттиқ қопламали ички хўжалик йўллари қурилишига капитал маблағ сарфлашни 1,4 баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Бунда сабзавот омборларини шаҳарларда ҳам, шунингдек колхоз ва совхозларда ҳам қуриш керак. Бу эса маҳсулотни заруратга қараб тўппа-тўғри магазин ва ошхоналарга ташиб бериш имконини туғдиради ва исрофгарчиликни анча камайтиришга олиб боради.

Л. И. Брежнев қишлоқ хўжалик машинасозлигидаги аҳволни таҳлил этиб, машиналарнинг техникавий даражасини кўтариш, уларнинг пишиқ-пухталиги ва чидамлигини ошириш вазифасини қўйди. Фақат янги заводлар қуриш йўли билан бу проблемани ҳал этиб бўлмайди, деди у. Бинобарин, ишлаб турган корхоналардаги ишни яхшилаш керак. Бунинг учун имкониятлар мавжуд. Беш йиллик план айни шундай қилишни кўзда тутади. Министрлар А. А. Ежевский, Қ. Н. Беляк, Л. И. Хитрун СССР Госплани билан биргаликда бу иш билан яқиндан шуғулланиб, бу соҳада тартиб ўрнатишлари лозим.

Озиқ-овқат программасини ишлаб чиқишда иқтисодий механизмни ва бошқарув системасини — умуман қишлоқ хўжалигини ва аграр-саноат комплексини бошқариш системасини такомиллаштиришдек катта-катта проблемаларга ҳам муҳим ўрин бериш керак. Жойлардаги бошқариш системаси ҳам такомиллаштирилиши зарур, албатта.

Ерларга қайси экинларни экиш, у ёки бу ишни қачон бошлаш масаласида колхоз ва совхозларнинг ўзлари ҳал қилувчи сўзни айтадиган бўлишлари керак. Бошқарувнинг район бўғинини ҳам бутун чоралар билан мустаҳкамлаш лозим. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг интенсивлигини ўстириш ва оширишни янада активроқ рағбатлантирадиган, колхоз ва совхозларнинг, аграр-саноат комплекси ҳамма бўғинларининг ташаббусига йўл очадиган, уларни ўртача кўрсаткичлар даражасида эмас, балки юксак пировард натижасини кўзлаб ишлашга мажбур этадиган шароитлар вужудга келтирилиши керак.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси масаланинг аҳамиятини эътиборга олиб, озиқ-овқат программасини КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги пленумларидан бирида муҳокама қилишни таклиф этади. Партия Марказий Комитети бу таклифни қўллаб-қувватлайди, деб ишонч билдирилди. Чунки халқнинг энг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришдан ҳам муҳимроқ, олижаноброқ иш йўқ. **(Қарсаклар).**

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети, — деди сўнгра Л. И. Брежнев,— таъминотдаги узилишларни имкони борича тезроқ тугатиш учун шошилинч чоралар кўрдилар. Маҳаллий озиқ-овқат ресурсларидан, шунингдек ёрдамчи хўжаликларнинг имкониятларидан иложи борича тўлароқ фойдаланиш зарур, деб таъкидлади у. Бу ишда район ва шаҳар партия ҳамда совет органларининг, саноат корхоналари ва бирлашмаларининг, колхоз ва совхозларнинг ташаббусини, омилкорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак.

Хуллас, қишлоқ хўжалигида, унга хизмат қилувчи тармоқларда ҳали кўп ва мураккаб ишлар қилиниши керак. Партиямиз, халқимиз бу ишларни уддалай оладилар деб ишонч билан айта оламан. **(Давомли қарсаклар).**

Л. И. Брежневнинг нутқида саноат, транспорт ва алоқа олдида турган вазифаларга катта ўрин берилди.

Шу вазифаларнинг бири **ёқилғи-энергетика комплексини** муваффақиятли ривожлантиришдан иборат бўлиб, бу вазифа бутун халқ хўжалигига дахлдордир. Планда энергия ва ёқилғи ишлаб чиқаришни, айниқса газ қазиб олишни сезиларли равишда кўпайтириш кўзда тутил-

ган. Аммо мамлакатнинг эҳтиёжи ҳам тез ўсиб бормоқда. Шу сабабли планда ёқилғи ва энергияни тежаш учун мавжуд ҳамма воситалар ва омиллардан фойдаланиш кўзда тутилади. Шу билан бирга ёқилғи ва энергия ишлаб чиқариш топшириқлари ошириб бажарилиши лозим. Бу — марказий хўжалик органларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Н. А. Мальцев, Б. Ф. Братченко, П. С. Непорожний, Б. Е. Шчербина, В. А. Динков ўртоқлар бошчилик қилаётган министрликлар зиммасига аввало, мамлакат нефть, кўмир, газ, электр энергия билан узлуксиз таъминланиши учун, қардош мамлакатларга ва жаҳон бозорига зарур миқдордаги ёқилғи экспорт қилиниши учун масъулият тушади.

Ғарбий Сибирь бойликларига йўл очган газчилар, нефтчилар, қурувчиларнинг қаҳрамонона ишидан мамлакат ғоят миннатдордир. Ўн биринчи беш йилликда уларнинг олдига янада каттароқ вазифалар қўйилмоқда. Янги конларни ўзлаштириш, Ғарбий-Сибирь — Марказ ўртасида бешта жуда катта магистрал газ қувури, шунингдек, Уренгой-Ужгород ўртасида экспорт газ қувурини қуриб ишга тушириш лозим. Булар — беш йилликнинг марказий қурилишлари эканлиги шубҳасиз, шу сабабли бу қурилишлар белгиланган муддатда албатта битказилиши керак. Қурувчилар бу вазифани шараф билан уддалашларига ҳаммамизнинг ишончимиз комил эканини изҳор этишга ижозат бергайсизлар! **(Қарсаклар).**

Л. И. Брежнев истиқбол тўғрисида гапириб, қуйидагиларни маълум қилди: Ғарбий Сибирдаги газ, нефть ва конденсат запаслари яқинда аниқ чамалаб кўрилганида табиат биздан ўз саҳоватини аямаслиги яна бир бор маълум бўлди. Мамлакатимиз ихтиёридаги ресурслар келажакка комил ишонч билан қараш имконини беради. Бу ресурслардан омилкорлик билан, оқилона фойдаланиш керак, холос. Ёқилғи-энергетика комплексини, шу жумладан янги энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш соҳасидаги куч-ғайратларни бўшаштириш мумкин эмас. Айни вақтда энергияни тежайдиган техника ва технологияни тезроқ жорий этиш лозим.

Булар — халқ хўжалигини ривожлантиришнинг марказий вазифаларидир. Улар доимо республика, область, шаҳар партия ташкилотларининг, барча хўжалик органларининг, илмий муассасаларнинг диққат марказида туриши керак. Худди шундай бўлишига КПСС Марказий Комитетининг ишончи комил. **(Қарсаклар).**

Капитал қурилиш — беш йилликнинг бошқа бир ҳал қилувчи соҳасидир. Беш йиллик ва 1982 йил план лойиҳаларининг хусусияти шундан иборатки, улар капитал маблағни камроқ ўстириб, асосий фондларни ишга туширишни анча кўпайтиришни кўзда тутади. Ҳукуматнинг беш йиллик учун илгари белгиланган капитал маблағ ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини 30 миллиард сўмлик миқдорида қисқартириш тўғрисидаги таклифини КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси қўллаб-қувватлади. Хўш, бунинг сабаби нима?

Мавжуд моддий ва меҳнат ресурслари, қурилиш ташкилотларининг қувватлари, шунингдек битмай қолган қурилишнинг катта ҳажмлари эътиборга олинди. Моҳият эътибори билан ҳозир капитал қурилишнинг реал, жуда яхши мувозанатлаштирилган плани бор. Бу план нормал ишлаш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Мамлакатда бирталай яхши коллективлар бор. Масалан, беш йилликдан беш йилликка планлаштирилган объектларни ўз вақтида ёки муддатидан илгари ишга тушираётган Ленинград «Главзапстрой»ни, Новолипецк металлургия заводининг қурувчилари ва монтажчиларини, Украина рангли металлургия, Белоруссия енгил саноат корхоналари қурувчиларини кўрсатиш мумкин. Шу коллективлардан ўрганиш мумкин ва лозим.

Бироқ, ҳамма қурувчи ва монтажчилар ҳам шундай ишламоқдалар,

деб бўлмайди. Л. И. Брежнев ишга тушириладиган объектларни топширишда орқада қолаётган бир қанча министрликларни танқид қилди, ҳамда министрлардан П. С. Непорожний, Н. В. Голдин, Г. А. Караваев, А. М. Токаревни аҳволни тезроқ тузатиб олишга чақирди. Меҳнат моддий ва молиявий ресурслар айни ишга тушириладиган қурилишларга имкони борича марказлаштирилишини таъминлаш, уларни тезроқ ишга тушириш учун зарур бўлган ҳамма нарсани бериш керак. Бунинг учун қурилиш ташкилотлари эпчиллигини ошириш, техника ва кадрларни ўз вақтида энг зарур жойларга юбориб туришни йўлга қўйиш лозим.

Ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ўзлаштириш ҳам муҳим вазифадир. Шу муносабат билан Л. И. Брежнев компенсация битимлари асосида қурилаётган объектларни доимо диққат марказида тутиш зарурлигига Л. А. Костандов, В. Я. Исаев, Н. А. Мальцев, В. В. Листов, А. Г. Петришчев ўртоқларнинг эътиборини жалб қилди.

Л. И. Брежнев капитал қурилиш тўғрисидаги гапни тамомлай туриб, яна икки моментни эслатиб ўтди. Биринчиси — қурилиш вақтинча тўхтатиб қўйилган объектларнинг яхши сақланишини таъминлаш зарур. Иккинчиси — ўн иккинчи беш йилликда нормал ишлаш учун айниқса хом ашё тармоқларида зарур ишларни бошлаб қўйиш ҳам керак.

Сўнгра Л. И. Брежнев партиянинг **халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, уни интенсивлаш** тўғрисидаги жуда муҳим йўл-йўриғи янги беш йиллик план лойиҳасида қандай рўёбга чиқарилаётганини таҳлил этди.

План лойиҳасида капитал маблағнинг умумий ҳажми 10 процент кўпайтирилиши билан бирга, миллий даромадни 18 процент ошириш кўзда тутилади. Бунга эришиш осон бўлмаслиги шубҳасиз. Аммо шу икки рақамни қиёс қилишнинг ўзи барча ресурслардан яхшироқ фойдаланиш йўли планга асос қилиб олинганидан дарак беради. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш тадбирлари кўзда тутилган. КПСС Марказий Комитети билан Министрлар Совети шу йил июнида қабул қилган қарор техника тараққиётини ва капитал маблағ сиёсатини, хўжалик ходимларининг омилкорлигини ва меҳнат коллективларининг ташаббусини моддий ресурсларни тежаб-тергашга сафарбар этишни кўзлайди.

Шу билан бирга, самарадорлик билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар юзасидан лойиҳада гарчи юксак топшириқлар белгиланган бўлса ҳам, лойиҳа ҳали халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида фонд самарадорлигининг пасайиши тенденциясини бартараф этмайди. Маҳсулот тайёрлаш учун ишлатилаётган материал ҳажми суст ўзгармоқда ва маҳсулот таннархи суст пасаймоқда. Умуман экономикани чинакамига самарадор қилиш учун ҳали сабот билан кўп иш қилиниши лозим. Шу сабабли барча ишлаб чиқариш коллективлари, хўжалик раҳбарлари, қуйидан юқоригача барча партия комитетлари партиянинг иқтисодий сиёсатини ҳаётга татбиқ қилиш учун зўр қатъият билан курашишлари лозим.

План лойиҳасига мувофиқ техникани янгилаш суръатлари тахминан бир ярим баравар ортади. Бу эса илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари олдига катта ва масъулиятли вазифаларни қўяди.

Афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичи талаб қилганидек ишлаётгани йўқ. Таклиф этилаётган техникавий ва технологик ечимлар ҳамиша ҳам шу даражага мос бўлиб тушаётгани йўқ. Кучларни беҳуда сочиб юбориш давом этмоқда. Илмфан соҳасида мусобақа принципи амал қилиши кераклиги табиийдир. Аммо, айтайлик, иттифоқ қарамоғида бир хил типдаги лойиҳалаш билан шуғулланувчи 200 тадан кўпроқ ташкилотнинг мавжудлиги ўринлимикан?

Фан ва техника давлат комитети, Фанлар академияси, министрликлар ва идоралар КПСС XXVI съездининг жамғарилган илмий-техникавий потенциалдан самарали фойдаланиш тўғрисидаги қарорларини янада зўр ғайрат билан бажаришлари, янги техникани жорий этишни жадаллаштиришлари керак.

Ҳозирги демография вазияти, деб таъкидлади Л. И. Брежнев, меҳнат ресурсларидан яхшироқ фойдаланишни талаб қилади. Планда баъзи бир ноишлаб чиқариш тармоқларида ишлаб турган ходимлар сонининг кўпайишини қисқартириш, пенсионерлар, уй-рўзғор ишидаги аёлларни, қишлоқ аҳолисини ишлаб чиқаришга актив жалб этиш тадбирлари белгиланган. Аммо бу мутлақо етарли эмас. Қўл меҳнатининг суст қисқартирилаётганлиги катта иллат бўлиб қолди. Умуман саноатдаги ишчиларнинг 40 процентга яқини, қурилишдаги, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларнинг бундан ҳам кўпроқ қисми қўл меҳнати билан шуғулланмоқда. СССР Госплани ҳамда Фан ва техника давлат комитети қўлда бажариладиган меҳнатни, айниқса, оғир қўл меҳнатини қисқартиришнинг аниқ мақсадни кўзловчи комплекс программасини тезроқ ишлаб чиқишлари керак.

Социализм ижтимоий тузуми замирида жамиятнинг бош ишлаб чиқарувчи кучи — меҳнат аҳлидан оқилона ва инсонпарварлик билан фойдаланишнинг жуда катта имкониятлари яшириниб ётибди. Мана шу имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш лозим. **(Давомли қарсаклар.)**

Ташқи иқтисодий алоқаларни пухта ўйлаб мувозанатли равишда ривожлантириш, биринчи галда социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш — экономикамиз самарадорлигини оширишнинг катта резервидир, деди Л. И. Брежнев. Бу ҳамкорлик, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан биринчи даражали муҳим соҳадир. Шу сабабли биз барча хўжалик раҳбарларидан бу соҳада КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорлар янада масъулият билан бажарилишини талаб қилишимиз зарур.

Л. И. Брежнев яна бир катта проблемага — экономикани бошқаришни, хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш проблемасига тўхталиб ўтди. Бу масалаларнинг ҳал этилиши — партия сиёсий ва назарий ишининг таркибий қисмидир. Хўжаликка раҳбарликни яхшилаш учун кўп иш қилинди. Бироқ, экономика бир жойда турмайди. Тармоқлараро ва ички тармоқ алоқалари системаси ўсиб, мураккаблашиб бормоқда. Шу сабабли халқ хўжалигининг барча бўғинлари ишидаги уюшқоқлик экономика самарадорлигининг тобора муҳим шарти бўлиб қолмоқда.

Съезд «экономика тежамли бўлиши керак» деган шиорни ўртага ташлади. Бутун хўжалик механизми ҳам шу талабга мувофиқ ҳолга келтирилиши керак. Бироқ, ҳозирча бу соҳада дуруст иш қилинмаганини тан олиш лозим. Айни шунинг учун ҳам корхоналар ва бирлашмаларнинг тиғиз планларни қабул қилиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, маҳсулот сифатини ошириш улар учун иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлмаган хўжалик вазиятига дуч келиб турибмиз. Айни шунинг учун ҳам аслида исрофгарчиликка олиб борадиган кўрсаткичлардан ҳамон халос бўла олганимиз йўқ. Масалан, станок ишлаб чиқариш ва нон ёпиш тўғрисида гап борганида тонна ёки сўм билан ҳисобланадиган, ёхуд транспортнинг ишига баҳо беришга тўғри келганда тонна-километр билан ўлчанадиган машъум «ялпи кўрсаткич» назарда тутилади.

Корхоналар ва бирлашмалар бизнинг шароитимизда асосий ишлаб чиқариш бирликлари эканлиги яхши маълум. Бунинг маъноси шуки, барча бошқарув органлари, бутун хўжалик механизми шу бирликларнинг яхшироқ ишлашига кўмаклашишлари лозим. Аммо яхши ва ёмон

ишлаётган корхоналар амалда баъзан бир хил шароитга солиб қўйилмоқда. План топшириқларининг бажарилмаслиги айрим ҳолларда планга тузатиш киритиб уни камайтириш йўли билан ниқобланади. Айни вақтда илғор корхоналар ҳосил қилган тежам турли баҳона билан тортиб олинмоқда. Кўпинча корхоналар ривожланиш фондларини мустақил ишлатиш ҳуқуқидан маҳрум этилмоқда.

Моддий-техника таъминоти системасини анча яхшилаш керак, таъминотдаги ҳатто қисқа муддатли узилишлар ҳам кўпгина корхона ва қурилишларнинг ишини издан чиқариб юборади. Буларнинг ҳаммаси ҳал этиш учун қўшимча чиқим талаб қилмайдиган, аммо халқ хўжалигига катта наф бериши мумкин бўлган масалалардир.

Ўртага қўйилган масалаларнинг кўплари хўжалик механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги маълум қарорда у ёки бу даражада акс этган эди, дейишлари мумкин. Дарҳақиқат шундай. Бироқ, икки йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам, қарор суст, ярим-ёрти жорий этилмоқда.

Айтилган гапларнинг ҳаммасидан чиқадиган хулоса битта: биз беш йиллик планни бажариш устида ишлар эканмиз, айни вақтда хўжалик механизмини, хўжаликни бошқариш системасини такомиллаштиришимиз керак. Сиёсий Бюро КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги пленумларидан бирини мазкур масалаларга бағишлаши мақсадга мувофиқ бўлур эди, деган хулосага келди. Сиз, Марказий Комитет аъзолари бу фикрга қўшиласиз, деб умид қиламан, ўртоқлар. **(Қарсаклар).**

Ривожланган социалистик жамиятга хос бўлган иқтисодий ва социал тараққиётнинг кучайиб бораётган ўзаро алоқаси **социал программанинг** планларимиздаги етакчи ўрнини белгилаб турибди, деди сўнгра Л. И. Брежнев. Тақдим этилган лойиҳада истеъмол учун фойдаланиладиган миллий даромаднинг улуши ортади. Истеъмол фондининг ўзи 1985 йилда 1980 йилга нисбатан 73 миллиард сўм миқдорида кўпаяди. Съезднинг «Б» группасини илдам ўстириш тўғрисидаги кўрсатмасига риоя қилинган.

Газлама, пойафзал, трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш ўтган беш йилликка нисбатан анча кўп миқдорда ўсади. Маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш 1,4 баравар кўпаяди. Маҳсулотнинг турлари кўпаяди ва сифати яхшиланади. Ҳозирнинг ўзидаёқ бир талай корхоналарнинг маҳсулоти ҳақли равишда кўплаб талаб қилинмоқда. Пойтахтдаги «Сокол» ва «Москва» тикувчилик бирлашмалари, Ленинграддаги М. В. Ломоносов номли чинни заводи, «Киевлянка» трикотаж бирлашмаси, Еревандаги «Масис» пойафзал бирлашмаси ва бошқа бир қанча корхоналар шулар жумласига киради. Э. К. Первишин ва А. И. Шокин раҳбарлик қилаётган министрликларнинг корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни мақтаса арзийди.

Аҳолининг даромадларини кўпайтириш йўли давом эттирилмоқда. Иш ҳақини ошириш ва такомиллаштириш юзасидан умумдавлат миқёсида катта тадбирлар бошланди. Чунончи, 1982 йилдан бошлаб кўмир саноатида техника билан қайта қуроллантиришни жадаллаштириш билан айни бир вақтда ставка ва окладлар оширилади.

Болалари бўлган оилаларга, ишловчи оналарга ва янги оила курган келин-куёвларга давлат ёрдами, шунингдек аёллар учун тўлиқсиз иш куни жорий этиш практикаси кенгайтирилади. Болалар муассасалари қурилиши жадаллаштирилади. Пенсияларнинг минимал миқдори оширилади ва пенсия таъминотини яхшилаш юзасидан бошқа тадбирлар ўтказилади.

Соғлиқни сақлашни ва халқ маорифини ривожлантиришга аввалгидек катта маблағ ажратилади.

Уй-жой қурилишига 93 миллиард сўм ажратилади. Квартиралар-

нинг жойлаштирилиши анча қулай бўлиб қолади. Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига алоҳида эътибор берилади. Қишлоқ жойларида ўнинчи беш йилликка нисбатан 30 миллион квадрат метр кўп уй-жой қуриш планлаштирилмоқда.

Шу билан бирга партия мавжуд қийинчиликларни ҳам кўриб турибди. Юқорида кўрсатиб ўтилган сабабларга кўра, ҳозирча гўшт, сут маҳсулотлари, ип газлама ва бошқа бир қанча моллар билан таъминлашда узилишлар бўлиб турибди. Мана шу ва бошқа проблемаларни ҳал этишнинг фақат битта йўли бор. У ҳам бўлса, партия неча марталаб уқтириб ўтганидек, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, экономика самарадорлигини кучайтириш йўлидир. Беш йиллик **лойиҳаси** айни шу мақсадни кўзлайди.

Ўтмишда ҳам қийинчиликлар бўлганини ўз тарихимиздан биламиз. Келгусида ҳам қийинчиликлар бўлиши мумкин. Янгилик туғилиши чоғида, олға томон ҳаракат қилинаётган пайтда шундай бўлиши табиий. В. И. Ленин таълим бериб айтганидек, энг муҳими қийинчиликлардан кўз юммасликдан, уларни бартараф этишнинг тўғри йўлларини топишдан, оммани шу қийинчиликларни тугатиш йўлидаги курашга сафарбар эта билишдан иборат. Большевикларнинг бу ажойиб анъанаси ҳозир ҳам коммунистларнинг, барча совет кишиларининг ишларида давом этиб келмоқда. **(Давомли қарсаклар).**

Бизда муваффақиятли ишлаш учун ҳамма нарса: Юксак даражада ривожланган ишлаб чиқарувчи кучлар, совет халқининг социал-сиёсий ва маънавий бирлиги, олға томон ҳаракат қилишнинг съезд қарорларида ифодалаб берилган аниқ стратегияси бор. Энди гап бутун партия иқтисодий қурилиш соҳасидаги ташкилотчилик иши савиясини янада баланд кўтаришга боғлиқ.

Ўн биринчи беш йиллик совет халқининг тарихий зафарлари йўлида шонли босқич бўлиб қолиши лозим ва шундай бўлиб қолади. Мамлакатимиз меҳнаткашлари шу йўлда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритиш учун бутун куч ва ғайратларини, ижод ва ташаббусларини сарф қилишларига шак-шубҳа йўқ. **(Давомли қарсаклар).**

Л. И. Брежнев 1982 йилги план тўғрисида гапириб, қуйидагиларни уқтириб ўтди: бу планда мўътадил ўсиш суръатлари кўзда тутилган Биз планни қабул этиш пайтида реал имкониятларга қатъият билан асосландик. Биз бу планнинг сўзсиз бажарилишини ҳам худди шундай қатъият билан талаб қиламиз. Шуни айтиб қўяйки, ўртоқлар, Министрлар Совети планларга йил охирида тузатиш киритишдан иборат ўтмишда йўл қўйилган практикага қарши кескин курашишни ният қилиб олган. Келинглар, шу ниятни қўллаб-қувватлайлик **(Қарсаклар).** Зеро, план тасдиқлангандан кейин ҳаётимиз ва фаолиятимизнинг қонуни бўлиб қолади, бас, шундай экан, ишчидан тортиб министргача — ҳамма планни қонун деб, партия ва давлатнинг жуда муҳим ҳужжати деб билиб, шунга яраша муносабатда бўлишга мажбур.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 1982 йилги план бажарилибгина қолмай, шу билан бирга ошириб ҳам бажарилиши керак, деган вазифани қўймоқда. Бунинг учун нималар қилиш керак?

Биринчидан, ресурсларнинг ҳамма турларидан фойдаланишда жуда қаттиқ иқтисодий тежаш таъминланиши, хўжасизлик ва исрофгарчилик оператив равишда қаттиққўллик билан тугатилиши керак.

Иккинчидан, капитал қурилишда амалий равишда туб силжишларга эришиш, истисносиз ҳамма объектларда планда кўзда тутилган ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиши лозим.

Учинчидан, чорва қишлови уюшқоқлик билан, ҳеч бир нобудгарчиликсиз ўтказилиши, 1982 йилда мўл ҳосил олиш учун зарур бўлган ишларнинг бутун комплекси муддатида ва сифатли қилиб бажарилиши зарур.

Ва, ниҳоят, планни бажариш жараёнида «Б» группаси ривожини жадаллаштириш ва шу тариқа аҳолини харидоргир моллар ва озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш керак.

Булар — халқ хўжалигининг барча тармоқлари пухта ҳамжиҳатликда ишлашини талаб қиладиган мураккаб, кенг миқёсли вазифалардир. Зотан, бу вазифаларни муваффақиятли уддалаш учун план рақамларини иқтисодий ва ташкилий-сиёсий тадбирлар билан мустаҳкамлаб, шу рақамларнинг бажарилишини гарантиялаш лозим. Уюшқоқлик, ишчанлик, интизом — марказда ҳам, жойларда ҳам энг зарур талаблардир. Барча партия, давлат, хўжалик органларининг фаолияти айни мана шу нуқтаи назар асосига қурилиши керак. **(Қарсаклар).**

Биз иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетлари экономикага раҳбарлик қилиш соҳасидаги катта ва кўп қиррали тажрибага таяниб, хўжалик ҳаётига ўз таъсирини анча кучайтиришларига умид қилишга ҳақлимиз. Бу ўринда гап икир-чикир масалаларда воселик қилиш, совет ва хўжалик органларига хос ишлар билан шуғулланиш тўғрисида бораётгани йўқ. Гап бошқа нарса ҳақида — пухта ўйланган ва талабчан кадр сиёсати тўғрисида, умумдавлат манфаатларини ҳимоя қилишда саботли, собитқадам бўлиш тўғрисида, қабул этилган қарорларни, айниқса совет қонунларини бузишнинг ҳар бир фактига қарши, партиявий, коммунистик ахлоқ-одобни ҳар қандай бузишга қарши қатъият билан курашиш ҳақида бормоқда.

Марказий Комитет бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини оширишга жуда катта аҳамият бермоқда. Меҳнат коллективларидаги вазият, кайфият, демакки, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам коммунистларнинг қандай ишлашига боғлик.

Ҳар бир коммунист — бизда салкам 18 миллион коммунист бор — ўз участкасида бутун куч, тажриба ва билимини резервларни қидириб топишга, меҳнат самарадорлигини оширишга сарфлайдиган бўлиши керак, меҳнатдаги фидокорликнинг муносиб намунасини кўрсатиши лозим. **(Қарсаклар).**

1982 йилда йирик сиёсий воқеалар кўп бўлади. Касаба союзлари ва комсомолнинг съездлари ўтказилади. Халқ депутатларининг маҳаллий Советларига сайлов бўлади. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг олтмиш йиллиги нишонланади. Шу воқеалардан ҳар бирининг ўзига хос хусусияти, ўз сиёсий мазмуни бор. Шу билан бирга уларнинг ҳаммаси партия билан халқнинг бирлигини янада мустаҳкамлашнинг, мамлакатдаги барча миллат ва элатларни янада мустаҳкам жипслаштиришнинг, омма сиёсий, ижодий активлигини юксалтиришнинг янги қудратли омили бўлиб қолиши керак.

Сўзимнинг охирида, оддий бир фикрни таъкидлаб ўтмоқчиман, деди ўртоқ Л. И. Брежнев. Бу фикр кимнинг қайси лавозимни эгаллашидан, кимнинг қаерда меҳнат қилишидан қатъи назар ҳаммага тааллуқлидир. Яхшироқ ишлаш керак. Планларни яхшироқ тузиш ва уларни яхшироқ бажариш лозим. Ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил этиш ва маҳсулотни яхшироқ ишлаб чиқариш зарур. Хуллас, самаралироқ ишлаш керак. Бу — пировард натижада асосий ҳал қилувчи масаладир, ўртоқлар. **(Давомли қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ УЛКАН МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумига, Ўзбекистон ССР Миннстрлар Советига, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги меҳнатчиларига, олимлари ва мутахассисларига, партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари ходимларига, барча меҳнаткашларига

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, ажойиб меҳнат муваффақиятларига эришганликлари — шу йилнинг оғир об-ҳаво шароитларида барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириб, йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказганликлари ва давлатга пахта, дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, бошқа деҳқончилик маҳсулотлари сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажарганликлари тўғрисидаги хабар КПСС Марказий Комитетида зўр мамнуният билан кутиб олинди.

Республика пахтакорлари яна юксак марраларга эришдилар. Улар 6 миллион тонна пахта, шу жумладан 370 минг тонна энг қимматли ингичка толали пахта териб олиб, тайёрлов пунктларига етказиб бердилар. Бу — мамлакат экономикасини ривожлантиришга қўшилган катта ҳиссадир.

Шу нарса жуда муҳимки, республикада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқлари барқарор суръатда ривожланиб бормоқда. Дон, сабзавот, картошка ҳосилдорлиги муттасил ошмоқда, уларнинг ялпи ҳосили ортмоқда, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпаймоқда.

Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган ютуқлар — колхозчилар ва совхоз ходимлари, мутахассислар ва олимларнинг фидокорона меҳнати натижаси, қишлоқ хўжалик ходимлари билан шаҳарларнинг меҳнаткашлари ўртасидаги қалин ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам натижаси, суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришга давлатнинг доимо ортиб бораётган маблағларидан, механизациялаш ва химиялаш имкониятларидан моҳирона фойдаланиш, кадрлар маҳоратини ошириш натижасидир. Бу — партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари олиб борган актив ва собитқадам ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг натижасидир.

Ўзбекистон меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси билан қизғин ва сидқидилдан табриклайман ҳамда ўн биринчи беш йиллик биринчи

йили ҳосили учун курашда актив иштирок этган колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, хўжаликларнинг механизаторлари, раҳбарлари ва мутахассисларига, партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларининг ходимларига, ўқувчилар ва студентларга, барча кишиларга чуқур миннатдорчилик изҳор қиламан.

КПСС Марказий Комитети қатъий аминдирки, республика меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш тадбирларини амалга ошириш соҳасида бундан буён ҳам сабот билан ишлайверадилар ва озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга ҳамда мамлакатни қимматли қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлашга тобора кўпроқ салмоқли ҳисса қўшаверадилар.

Л. БРЕЖНЕВ.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВга

Азиз Леонид Ильич!

Биз, Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва зиёлилари вакиллари митингининг қатнашчилари республиканинг барча меҳнаткашлари каби катта меҳнат ғалабаси — давлатга пахта, дон, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева, узум, каноп ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планлари ҳамда социалистик мажбуриятлари муваффақиятли бажарилганлиги муносабати билан Сиз йўллаган самимий табрикнома ва қутловни зўр миннатдорчилик ва астойдил ташаккур ҳис-туйғулари билан кутиб олдик.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Сизнинг табрикномангизни, Сизнинг илҳомбахш сўзларингизни ўз ютуқларига берилган юксак баҳо деб, КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати СССР қардош халқлари ягона оиласида Ўзбекистон ССРни янада равнақ топтириш тўғрисида, халқ фаровонлигини муттасил ошириш ҳақида тинимсиз эътибор бериб ғамхўрлик қилаётганлигининг яна бир ёрқин ифодаси деб биладилар.

Ўзбекистон ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида бутун халқ хўжалигида бўлгани каби агросаноат комплексини ривожлантиришда эришган муваффақиятлари — Коммунистик партия доно раҳбарлигининг, КПСС тарихий XXVI съезди қарорлари изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг натижасидир. 1981 йилги меҳнат ғалабаси республикага улуғ рус халқи ва мамлакатимиздаги барча қардош халқлар бераётган бебаҳо, доимо ортиб бораётган интернационал ёрдам туфайли қўлга киритилди.

Биз улкан пахта хирмони учун, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини янада юксалтириш учун курашда ҳамиша ва ҳар ишда доимо шахсан Сизнинг, азиз Леонид Ильич, меҳри-

бонлигингизни ва бераётган эътиборингизни сезиб турибмиз ва бу бизга янги куч бахш этмоқда, севикли Ватанимиз шон-шуҳрати йўлида, коммунизм барпо этиш йўлида янги-янги зафарларга илҳомлантирмоқда.

Бу йил «оқ олтин» ижодкорлари учун об-ҳаво шароити мураккаб, қийин йил бўлди. Ҳавонинг совуқ келганлиги ўсимликнинг ривожини кечиктирди. Аммо қуёш ҳароратининг тақчиллиги пахтакорларнинг қалб қўри билан, ҳар бир меҳнаткашнинг фидокорлиги ва ғайрат-шижоати билан тўлдирилди.

Республика деҳқонлари, барча меҳнаткашлари ўз меҳнат ғалабасини КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг олтинчи сессияси арафасида қўлга киритганлари билан фахрланадилар.

Сизнинг Пленумда сўзлаган ленинча доно нутқингизда беш йиллик биринчи йилидаги ишларнинг якунлари чиқарилди, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш тенденциялари чуқур анализ қилинди, ривожланган социализм жамиятининг асосий, туб халқ хўжалик проблемалари белгилаб берилди, ҳозирги босқичдаги асосий вазифалар ўртага қўйилди ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилди.

Бутун партия, барча совет халқи каби республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари Сизнинг нутқингизни эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмасдан халқ хўжалигининг барча соҳаларида янги резервлар ва имкониятларни доимо қидиришга, ҳар доим олға бориб, кўпроқ натижаларга эришишга, ўн биринчи беш йиллик ҳамда 1982 йилги планларни шараф билан тўла ва ошириб бажаришга қаратилган конкрет жанговар ҳаракат программаси деб биладилар.

Сизнинг: «ҳамиша бўлганидек, Ўзбекистон пахтакорлари яхши ишладилар...», деган сўзларингиз республикамизнинг барча меҳнаткашларида алоҳида ифтихор ва масъулият ҳисси уйғотди. Шу ажойиб баҳодан руҳланган республика меҳнаткашлари эришилган марраларни мустаҳкамлашга, барча турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни бундан буён ҳам таъминлашга, озиқ-овқат программасини бажаришга ўз ҳиссаларини қўшишга, коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги-янги муваффақиятларга эришишга азму қарор беришган. Биз пахта тайёрлашни муттасил кўпайтиришни, унинг сифатини оширишни ўзимизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимизни бажариш соҳасидаги бош вазифа деб биламиз. 30 дан кўпроқ ҳорижий давлат Ўзбекистоннинг пахта толасини бир маромда, планга қатъий мувофиқ равишда олиб турибди. Биз бундан буён ҳам кучимизни аямай ялпи пахта ҳосилини кўпайтиришга, унинг сифатини оширишга, тармоқ янада интенсивлаштирилишига эришишга астойдил аҳд қилганмиз.

Азиз Леонид Ильич, партиямиз, унинг ленинча Марказий Комитети Сизнинг синалган раҳбарлигингизда мамлакатни коммунизм сари комил ишонч билан бошлаб бормоқдалар. Биз КПССнинг доно ички ва ташқи сиёсатини қизғин ва якдиллик билан, чин қалбдан маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Бутун дунёда тинчлик, совет кишиларининг бахт-саодати ва фаровонлиги — КПСС сиёсатининг олий мақсадидир.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Сизнинг халқаро кескинликни юмшатиш йўлидаги қаҳрамонона курашингизни юксак қадрламоқдалар. Сиз ҳозир Германия Федератив Республикасида олиб бораётган музокаралар ана шу олижаноб мақсадларга хизмат қилади, биз шу музокараларнинг муваффақиятли якунланишини тилаймиз.

Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, зиёлилари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини тугаллар эканлар, партия XXVI съезди

белгилаб берган улуғвор режаларни амалга ошириш борасида яна ҳам кўпроқ сабот-матонат билан ишлашга, улкан ва порлоқ байрам — ССР Иттифоқининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга азму қарор бергандирлар.

Азиз Леонид Ильич, Улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, ҳозирги замоннинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги йўлидаги эҳтиросли курашчи бўлган Сизга Ватанимиз бахт-саодати, порлоқ коммунистик идеаллар тантанаси йўлидаги кўп қиррали фаолиятингизда чин қалбдан битмас-туганмас ғайрат-шижоат, сиҳат-саломатлик, янгидан-янги катта муваффақиятлар тилаб билдирган ғоят қизғин, ғоят самимий истакларимизни йўллаймиз.

КПСС ленинчи Марказий Комитетини, СССР Олий Совети Президиумини, СССР Министрлар Советини, азиз Леонид Ильич, шахсан Сизни ишонтириб айтамизки, жонажон ленинчи партия теварагига маҳкам жипслашган Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари ўзларининг бутун кучларини, билимлари ва тажрибаларини бундан буён ҳам кўп миллатли социалистик Ватанимизнинг шон-шуҳрати ва қудратини янада мустаҳкамлашга, равнақ топтиришга сарфлай берадилар.

Яшасин Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1981 йил 25—26 ноябрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг IV пленуми бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов «КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг якунлари ва республика партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларидан ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқида ўртага қўйилган йўл-йўриқлардан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Пленум Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси ўртоқ Қ. А. Аҳмедовнинг «1981 — 1985 йилларда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат беш йиллик плани ва 1982 йилги плани тўғрисида»ги, Ўзбекистон ССР молия министри ўртоқ В. Муродхўжаевнинг «Ўзбекистон ССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССР 1980 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида»ги докладларини тинглади.

Музокараларда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, КПСС XXV съезди номидаги Бухоро тўқимачилик комбинатининг ип ўровчиси О. И. Черноволова, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. Қамолов, Тўрткўл район партия комитетининг биринчи секретари Қ. Нурумбетов, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Ҳ. Жўрабеков, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов, «Ташсельмаш» заводининг пайвандчиси М. Мўйдинов, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи Н. Р. Ҳамроев, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри В. У. Усмонов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум «КПСС XXVI съезди қарорлари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида республикада чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштиришга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги докладни тинглади. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов шу тўғрида доклад қилди.

Музокараларда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. Қ. Каримов, Сирдарё областндаги «Малик» совхозининг директори М. Е. Красильников, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Боймиров, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғойипов, балиқ саноатн «Балиқчи» тажриба-намуна ишлаб чиқариш бнрлашмасининг бош директори В. Н. Труш, Бухоро область Томди районидаги Ленин номли совхоз директори Т. Мирзабеков, Наманган область Косонсой районидаги «Дўстлик» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи А. Шарипов, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Хоразм область Боғот районидаги Наримонов номли колхоз правлениесининг раиси А. Искандаров, Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтининг директори И. Ҳ. Эргашев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов якунловчи нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ IV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг якунлари ва республика партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларидан ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқида ўртага қўйилган йўл-йўриқлардан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида

1. КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг «1981—1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани, 1982 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда СССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети лойиҳалари тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида баён этилган қоида ва хулосалар тўла-тўкис маъқуллансин ҳамда дастуриламал деб қабул қилинсин. Бу ғоят муҳим сиёсий ҳужжатлар шу йилги топшириқларни муваффақиятли туғаллаш, 1982 йил ҳамда бутун беш йиллик планларини тўла ва ошириб бажариш учун курашда республика партия, совет, хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, коммунистлари, барча меҳнаткашлари амалий фаолиятининг жанговар программаси деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шуни қайд этадики, КПСС Марказий Комитети, унинг сиёсий бюроси, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг зўр сафарбар этувчилик ва ташкилотчилик иши КПСС XXVI съезди қарорларини, партиянинг халқ фаровонлигини янада ошириш, совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондириш соҳасидаги иқтисодий стратегиясини амалда рўёбга чиқаришнинг ўзидир. Пленум партия XXVI съезди йўл-йўриқларига ва КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларига асосланиб, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг юксак пировард натижаларига эришиш учун халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини интенсивлаш асосида унинг самарадорлигини ошириш соҳасидаги ишни сабот ва изчиллик билан давом эттириш зарур деб ҳисоблайди. Республиканинг ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан имкони борича фойдаланишга, меҳнат унумдорлигини жадал ўстириш, асосий ишлаб чиқариш фондларининг самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга материал ишлатилишини ва унинг таннархини камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасидаги ҳамма резервларни сафарбар этишга алоҳида диққат-эътибор берилиши лозим.

Ўзбекистон ССРнинг пахта комплексини, газ саноатини, рангли металлургия, химия, машинасозликни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни бундан буён ҳам юксак суръатлар билан ривожлантириш зарур. Ҳамма турдаги транспорт ва алоқа воситаларининг иши анча яхшиланишини, меҳнат ресурслари оқилона жойлаштирилиши ва улардан унумли фойдаланишни таъминлаш керак.

Область, шаҳар, район партия комитетлари фан билан ишлаб чиқаришнинг боғланишини мустаҳкамлаш жараёнига доимо эътибор беришлари, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни жадал жорий этиш, манипуляторларни, илғор тажрибани қўлланиш, қўл меҳнатиҳинг улушини кескин қисқартириш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозим. Шу мақсадда илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг иши самарасини ошириш, уларнинг куч-ғайратини камроқ чиқим қилиб, маҳсулотнинг техникавий савиясини юксалтиришга қаратиш зарур. Ўзбекистон ССР Госплани ва Фанлар академияси министрликлар ҳамда идоралар билан биргаликда партиянинг илмий-тадқиқотларни планлаштириш ва ташкил этишни яхшилаш, фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш тўғрисидаги йўл-йўриқларни янада зўр ғайрат билан бажаришлари лозим.

Коммунистлар ва барча меҳнаткашларнинг асосий куч-ғайратлари партиянинг: «Экономика тежамли бўлиши керак» деган шиорини амалга оширишга қаратилиши лозим. Унумсиз чиқимлар ва исрофгарчиликларни бутун чоралар билан тугатиш, хом ашё, ёқилғи, энергетика материаллари ва молия маблағлари тежаб-тергаб сарфланишига ҳаракат қилиш, исрофгарчилик ва хўжасизлик ҳолларини тугатиш зарур.

Капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволини қатъиян яхшилаш, янги қувватлар ўз вақтида ишга туширилиши ва ўзлаштирилишини таъминлаш, бутун куч ва воситаларни ишга тушириладиган қурилишларга марказлаштириш керак. Маданий-маиший объектлар, уй-жой, мактабгача тарбия муассасалари қурилишининг муҳимлигига, ишларнинг сифати яхшиланишига эътибор берилсин. Саноат ва қишлоқ хўжалигидаги энг муҳим объектларни қуриб битказиш биринчи галдаги вазифадир.

3. Пленум шуни таъкидлайдики, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада интенсивлаш аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга бўйсундирилиши лозим. Аграр-саноат комплекси жадал суръатлар билан рувожлантирилиши, деҳқончилик ва чорвачиликни кескин юксалтириш таъминланиши зарур. Пахта, дон, мева-сабзавот маҳсулотлари, ҳўл мева, узумнинг ялпи ҳосилини кўпайтиришга, гўшт, сут, тухум ва жун етиштиришни оширишга алоҳида эътибор берилсин.

Қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи саноат тармоқларидаги, маҳсулот тайёрлаш, асраш, ташиш, қайта ишлаш ва савдо қилиш системаларидаги иш савияси доимо оширилсин. Аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш давом эттирилсин.

Партия комитетлари қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналаридаги ва уларнинг конструкторлик бюроларидаги ишларнинг ҳолатини назорат остига олсинлар, машиналарнинг техникавий даражасини, пишиқ-пухталиги ва чидамлилигини ошириш бош вазифа ҳисоблансин.

Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий механизм ва район бошқарув органлари бутун чоралар билан мустаҳкамлансин.

Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг интенсивлигини ўстириш ва оширишни янада активроқ рағбатлантирадиган, колхоз ва совхозларнинг, агросаноат комплекси ҳамма бўғинларининг ташаббусига йўл очадиган, уларни ўртача кўрсаткичлар даражасига эмас, балки юксак пировард натижани кўзлаб ишлашга мажбур этадиган шароитлар вужудга келтирилиши керак».

4. Пленум партия, совет ва хўжалик органлари зиммасига планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмини такомиллаштириш

юзасидан КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорларида белгиланган тадбирларни сабот билан амалга ошириш вазифасини юклайди. Корхона ва бирлашмаларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини планлаштириш, техникавий-иқтисодий кўрсаткичларни бажариш практикасига, моддий-техника таъминотини ташкил этишга эътибор берилсин. Маъмурият фаолиятини контрол қилиш соҳасида берилган ҳуқуқдан тўла-тўкис фойдаланиш, коммунистларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун, ишнинг ҳамма соҳаларида интизомни ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун, шу жумладан, план топшириқлари ва қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан контроллик қилиш учун курашга активроқ сафарбар қилиш бошланғич партия ташкилотларининг бурчидир.

Ҳамма жойда В. И. Ленин туғилган куннинг 112 йиллигини ва СССР ташкил этилган куннинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили планлари ва мажбуриятларини бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олдирилиши, ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари учун курашда меҳнаткашларнинг кенг оммавийлиги ва активлигига эришиш лозим.

5. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми партия ташкилотлари зиммасига экономикага раҳбарлик қилиш услуби ва методларини сабот билан такомиллаштириш вазифасини юклайди. Улар ўз амалий фаолиятида партия, совет ва хўжалик кадрларининг коллектив тажрибасидан кенг фойдалансинлар, коммунистлар ва партиясизларнинг кучайиб бораётган активлиги ва ташаббусига доимо таянсинлар. Фан-техника тараққиётини кучайтириш, коллективларни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш проблемалари мунтазам равишда ўрганилиб, муҳокама қилиб турилсин, раҳбар ходимларнинг топширилган иш учун, партия ва ҳукумат директиваларининг ижросини контрол қилиш ва бажариш учун шахсий масъулияти оширилсин. Ташкилий-партиявий ва идеологик иш яхшилансин, бу иш меҳнаткашларнинг меҳнат ва жамоат активлигини ҳар томонлама ривожлантиришга, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида, бошқарувнинг ҳамма соҳаларида уюшқоқлик, ишчанликни оширишга, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратилсин. Коллективларнинг ишлаб чиқариш ва жамоат турмушида коммунистларнинг авангардлик роли оширилсин.

6. КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг якунлари ҳамда Пленум қарорларидан ўрток Л. И. Брежневнинг нутқида баён этилган қоида ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифалар область, шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларида ҳамда актив йиғилишларида, бошланғич партия ташкилотларининг ва меҳнат коллективларининг йиғилишларида муҳокама қилинсин. Муҳокама ишчанлик, ижодкорлик характерида ўтказилсин, унда ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили планлари ва мажбуриятлари қандай бажарилаётганлиги чуқур анализ қилинсин, ишдаги камчилик ва нуқсонлар очиб ташлансин, уларни тугатиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилансин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари Ватанимизнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш соҳасидаги куч-ғайратларини кўпайтирадилар, ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини турмушга татбиқ этиш соҳасида зарбдор иш йилига айлантирадилар, деб КПСС Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросини, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ IV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

1981—1985 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИ, 1982 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН ССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1981—1985 йилларда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани, 1982 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда Ўзбекистон ССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети лойиҳалари асосан маъқуллансин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мазкур лойиҳаларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритсин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ IV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ ВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ КЎРСАТМАЛАРИ АСОСИДА РЕСПУБЛИКАДА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, шуни қайд этдики, республиканинг партия, совет ва хўжалик органлари қишлоқ хўжалигини янада ҳар томонлама ривожлантириш, маҳсулот етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш тўғрисида КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини бажариш юзасидан собитқадам иш олиб бормоқдалар. Озиқ-ов-

қат программасини амалга ошириш мақсадида чорвачиликни юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Колхоз ва совхозларнинг моддий техника базаси анча мустаҳкамланди. Ихтисослаштириш ва концентрациялаш янада ривожлантирилди. Чорва ва паррандаларни кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасидаги тадбирлар изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда.

Натижада ўнинчи беш йилликда жамоат секторидаги чорвачилик ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 30 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 18 процент ошди. Гўшт етиштириш 31 процент, сут етиштириш 42 процент, тухум етиштириш 65 процент ўсди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг шу масалага доир қарорларини амалга ошириш борасида катта ишлар қилинмоқда. 1981 йилнинг ўн ойи мобайнида республиканинг колхозлари, совхозлари ва хўжаликлараро корхоналарида ҳамма турдаги чорва ва паррандалар кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ошди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлатга гўшт сотиш 9 процент, сут сотиш 8 процент, тухум сотиш ўн процент ортди. Ем-хашак базаси мустаҳкамланди, хашак ва ширали озуқа ўтган йилдагидан анча кўп тайёрланди, уларнинг сифати яхшиланди.

Қашқадарё, Тошкент областларининг, Калинин, Ғиждувон, Ғузор, Шаҳрисабз, Фориш, Самарқанд, Хива районлари ҳамда бошқа бир қанча областлар ва районларнинг чорвадорлари маҳсулот етиштириш ва тайёрлашни ўстириш юзасидан айниқса юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Шу билан бирга пленум чорвачилик маҳсулоти, даставвал гўшт, ва сут етиштиришда эришилган даража аҳолининг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини ҳали ҳамон қондира олмайди, деб ҳисоблайди. Кўпгина хўжаликлар ва районлар чорвачиликни интенсив, тобора жадал ривожлантириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаяптилар, чорва ва паррандалар, айниқса сигирлар сони суст кўпаймоқда, ем-хашак етиштиришни кўпайтириш суръатлари етарли даражада эмас, хашаки экинларни аралаш, такрорий оралатиб экиш кенг қўлланилаётгани йўқ. Бир қанча колхозлар, совхозлар, чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикаларида ишлаб чиқариш қувватларидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти, наслчилик базаси орқада қолмоқда, чўчқачилик ва паррандачиликда зотли моллар ва паррандалар етиштириладиган хўжаликлар сусткашлик билан қурилмоқда.

Бир қанча областларда корхоналар ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларида гўшт ҳамда бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан ҳали ҳам суст фойдаланилмоқда, аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмаяпти, балиқчилик суст ривожлантирилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми, чорвачиликни ривожлантиришдаги камчиликларнинг мавжудлиги айрим область ва район партия комитетларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган тадбирларнинг бажарилиши устидан қаттиқ контроллик йўлга қўйилмаганлиги, ташкилотчилик иши бўшаштириб юборилганлиги, план ва давлат интизомини бузаётган, белгиланган планлар бажарилишини ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашга доир ўзлари белгилаган тадбирларни бажармаётган раҳбарларга

нисбатан қатъий талабчанлик қилинмаётганлиги оқибати деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми **қарор қилади:**

1. КПСС XXVI съездининг чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашни анча кўпайтириш тўғрисидаги қарорларини бажариш, шу беш йилликда ўрта ҳисобда йилига 660 минг тонна ҳажмда гўшт (тирик вазнда), 2,6 миллион тонна сут, 2,2 миллиард дона тухум, 20—21 минг тонна жун, 2 миллион 250 минг дона қоракўл тери тайёрлашни таъминлаш республикадаги барча партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органларининг, колхоз ва совхозларнинг, чорвачилик комплексларининг, илмий муассасаларнинг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

2. Область ва район партия комитетлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, министрликлар ва идоралар, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг докладида ва мазкур қарорда қайд этиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўриш, ўн биринчи беш йилликнинг ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг чорвачилик барча тармоқларини ривожлантириш соҳасидаги топшириқлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш мажбурияти юклансин. Гўшт етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилсин. Чорва ва паррандаларнинг барча турлари сонининг, хусусан урғочиларни анча кўпайтириш таъминлансин, подаларни урчитиб кўпайтириш ва фермалардаги наслчилик ишлари яхшилансин, сигирларнинг сут маҳсулдорлиги оширилсин. Корхоналар ва ташкилотларда ёрдамчи хўжаликларни вужудга келтириш борасидаги ташкилотчилик ишлари кучайтирилсин. Маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун аҳолининг имкониятларидан кенг фойдаланилсин.

Илмий лойиҳалар ва тавсиялар ишлаб чиқаришга жорий этилиши учун илмий тадқиқот муассасалари ва қишлоқ хўжалик органларининг роли ва масъулияти оширилсин, илмий ташкилотларнинг колхозлар ва совхозлар билан ижодий ҳамкорлиги активроқ ривожлантирилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги «Живпром», «Птицепром», «Каракульпром» фаолиятини анча яхшиласин, гўшт чорвачилигини, чўчқачилик, паррандачиликни, қоракўлчиликни ва гўшт-жун қўйчилигини, майин юнгли эчкичиликни ривожлантиришнинг бирмунча юксак суръатларини таъминласин. Йилқичилик, туячилик, қуёнчилик, асаларичилик, кўл-ҳовуз балиқчилиги бутун чоралар билан ривожлантирилсин.

Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитети кўл-ҳовуз балиқчилигини янада интенсивлаш тадбирларини сабот билан амалга оширсин, янги кўл-ҳовузлар ва ҳавзалар ўз вақтида ишга туширилишини таъминласин, уларда балиқ маҳсулдорлигини анча оширсин, 1985 йилда балиқ овлашни 500 минг центнерга етказсин.

3. Пленум чорвачиликни юксалтиришнинг асоси бўлмиш мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтиришга биринчи даражали аҳамият бериб, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари зиммасига 1981—1985 йилларда ем-хашак етиштиришни ривожлантириш комплекс программасини ҳар бир колхоз, совхоз, комплекс, бошқа барча чорвачилик корхоналарининг сўзсиз бажаришини таъминловчи тадбирларни амалга ошириш мажбуриятини юклайди. Ем-хашак етиштиришни ҳамма жойда ихтисослаштирилган тармоқ негизида ўтказиш, ембоп дон етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш, ўн биринчи беш йилликда дағал хашак ва ширали озуқа етиштиришни ҳар бир

шартли чорва мол ҳисобига 20—25 центнер озуқа бирлигига етказиш хашаки экинларнинг ҳар гектаридан 90—100 центнер озуқа бирлиги олиш зарур.

Оқсил проблемасини тезроқ ҳал этишга алоҳида эътибор берилсин. Беда, соя экиладиган майдонлар, оралатиб такрор экиладиган рапс, перко, третикал, жавдар экинзорлари кенгайтирилсин ва уларнинг ҳосилдорлиги оширилсин, шу экинлар уруғчилиги сабот билан кенгайтирилсин. Озуқа ачитқилари, гўшт, суяк уни, қаймоғи олинмаган сут ўрнини босадиган маҳсулотлар ва бошқа оқсилли қўшимчалар етиштириш кўпайтирилсин. Озиқ-овқат ва саноат озуқа чиқитларидан тўлароқ фойдаланилсин, етиштирилаётган маҳсулот бирлигига ем-хашак, хусусан ембоп дон сарфи қисқартирилсин. Давлат ва хўжаликлараро омухта ем корхоналарининг қувватлари ҳар томонлама оширилсин, ишлаб чиқарилаётган омухта ем сифати яхшилансин.

4. Ўзбекистон ССР Госплани, Госстройи, республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва идоралари партия, совет органлари чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ажратиб берилаётган капитал маблағлардан самаралироқ фойдаланишга эришсинлар Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги, Қурилиш министрлиги, «Узколхозстрой» чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикалари ва фермалар, озуқа ишлаб чиқариш объектлари барпо этиш муддатларини қисқартирсинлар, чўчқачилик ва паррандачилик соҳасида зотли чорва ва паррандаларни етиштириб берадиган объектлар ҳамда хўжаликларни қуришни жадаллаштиришга алоҳида эътибор берсинлар.

5. Область ва район партия комитетлари чорвачиликни малакали кадрлар билан янада мустаҳкамлаш тадбирларини кўрсинлар. Шу беш йилликнинг ўзидаёқ комплекслар, фермалар ва бригадаларга дипломли мутахассислар раҳбарлик қилишига эришилсин. Оммавий касбдаги кадрларни тайёрлаш кенгайтирилсин, чорвадорларнинг касб маҳорати сабот билан такомиллаштирилсин. Чорвачиликка доир план топшириқлари сўзсиз бажарилиши учун, тармоқни янада юксалтириш учун курашда хўжаликлар ва бошланғич партия ташкилотлари раҳбарларининг масъулияти оширилсин, ишлаб чиқаришда коммунистлар билан комсомолларнинг авангардлик роли кучайтирилсин.

Чорвадорлар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишнинг форма ва методлари такомиллаштирилсин, социалистик мусобақанинг таъсирчанлиги ҳар томонлама оширилсин, фермалар меҳнаткашларининг ижодий ташаббускорлиги ривожлантирилсин ва қўллаб-қувватлансин. Чорвадорларнинг меҳнат, маданий-маиший шароитларини, уларга савдо ва медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилинсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми республиканинг партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари, барча меҳнаткашлари чорвачиликни қишлоқ хўжалигининг юксак даражада ривожланган тармоғига айлантириш учун ҳамма зарур ишларни қиладилар, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни анча кўпайтиришни таъминлайдилар, КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб қатъий ишонч билдиради.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

ХАЛҚ БОЙЛИГИНИ ТЕЖАБ-ТЕРГАЙЛИК

ХАЛҚ ХУЖАЛИГИГА РАҲБАРЛИК Коммунистик партия ва Совет давлати бутун фаолиятининг асосини ташкил этади. КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездидаги докладида таъкидлаб ўтганидек, социал вазифаларни ҳал этиш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, актив ташқи сиёсатни олиб бориш пойдевори айни шу экономика соҳасида яратилади. Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун деган ўзгармас программ талаб экономикага партиявий, сиёсий ёндашишнинг бош пункти ҳисобланади.

КПСС XXVI съезди халқ хўжалигини кўпроқ интенсив ривожлантириш йўлига кўчиришни тезлаштириш, мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан рационал фойдаланиш, моддий, меҳнат ва молия ресурсларини ҳар томонлама тежаш халқ хўжалигини муттасил юксалтиришнинг энг муҳим йўналиши, деб белгилади. «Экономика тежамли бўлиши керак»— бу съезд талаби бўлиб, у жамоат бойлигини тежаб-тергаш, бисотимизда бор нарсалардан тўла-тўкис, аниқ мақсадни кўзлаб фойдалана олиш партия иқтисодий сиёсатининг негизи бўлиб қолди, деб таъкидлади.

КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг партия XXVI съезди қарорлари асосида қабул қилган «Хом ашё, ёқилғи-энергетика ва бошқа моддий ресурсларни тежаш ҳамда улардан рационал фойдаланиш ишини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, экономикани интенсивлаштиришга, жамоат бойлигига омилкорлик билан муносабатда бўлишга қаратилган конкрет тадбирларнинг кенг программаси берилган. Қарор диққат-эътиборни ишлаб чиқариш натижалари унга кетган харажатга қараганда тезроқ ўсишига, кам ресурслар билан маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳар томонлама кўпайтиришга эришишга қаратди.

Нега энди ҳозир, ривожланган социализм шароитида умумхалқ бойлигини тежаб-тергаш учун курашни кучайтириш зарур бўлиб қолди? Бу биринчи навбатда шу билан боғлиқки, ишлаб чиқариш кўлами ортган сайин ресурсларни тежашнинг ҳар бир процентининг салмоғи ошади ва, аксинча, уларни ортиқча сарф қилишнинг ҳар бир проценти жамият учун жиддий нобудгарчиликка олиб келади. Чунончи, ижтимоий ишлаб чиқаришда материал сарфи бир процентга қисқартирилса, мамлакатимиз йиллик миллий даромадни олти миллиард сўмга кўпайтириши мумкин. Бу пулга 660 минг янги қулай, шинам квартира қурса бўлади. Агар ижтимоий маҳсулот етиштиришда материал сарфи беш йил ичида атиги бир тийинга камайтирилса, тахминан ўттиз миллиард сўмлик бойликни хўжалик оборотига қўшимча равишда киритиш мумкин бўлади. Бинобарин, жамиятимиз бойлиги қанчалик кўпайса, ре-

сурслардан рационал фойдаланиш ва уларни эҳтиёт қилиш проблемаси тобора муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи фактор — хом ашё, ёқилғи, энергияга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда, уларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун мамлакатнинг шимоли ва шарқидаги бориш қийин бўлган ноободжойларнинг янгидан-янги районларини ўзлаштиришга, ер бағридан унча кўп бўлмаган рудаларни қазиб олишга тўғри келади. Натижада фойдали моддаларни қазиб олиш тобора қимматга тушяпти, капитал маблағларни тобора кўп сарфлашни талаб этяпти. Ҳар бир тонна нефть, кўмир, металл тобора кўп харажат талаб қилаётгани учун уни тежаш самарадорлиги ортмоқда, ундан норационал фойдаланиш зарари тобора сезиларли бўлиб бормоқда. Чунончи, бир тонна нефть ёки кўмирни тежашга уларни ер остидан қазиб олишга қараганда уч баравар кам маблағ талаб этилади.

Учинчи фактор — бу меҳнат ресурслари проблемасининг кескинлашуви бўлиб, 80-йилларда уларнинг ўсиши анча камаяди, бу эса қурилаётган корхоналарни иш кучи билан таъминлашда муайян қийинчиликлар туғдиради. Бу аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир йўли — меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш, уларни тўғри тақсимлаш, ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш ва механизациялаш ҳисобига жонли меҳнатни эҳтиёт қилиш, асбоб-ускуналарни модернизация қилиш, корхоналарни реконструкция этишдир. Машина ва асбоб-ускуналарнинг бекор туриб қолиши, иш вақтининг бекор кетиши ва унумсиз меҳнат сарфини қисқартириш ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш ресурсларини жуда қаттиқ тежашни, улардан рационал фойдаланишни талаб этувчи бошқа сабаблар ҳам бор. Чунончи, бизда миллий даромад бирлигига жаҳондаги энг яхши кўрсаткичларга нисбатан кўп хом ашё ва энергия сарфланади. Бу халқ хўжалигидаги мавжуд ресурслардан охирги маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун бизда йирик резервлар борлигидан далолат беради. Гарчи кўпгина илғор коллективлар иқтисод қилиш режимини амалга оширишда қимматли тажриба орттирган бўлсалар ҳам, бизда жамоат бойлигини эҳтиёт қилмаслик, исроф этиш фактлари ҳали ҳам кўплаб учрайди.

Ҳа, Ватанимиз бадавлат. Миллий бойликнинг орта бориши Ватанимиз иқтисодий қудратининг энг муҳим кўрсаткичидир. Бу бойлик жамиятимиз ихтиёрида бўлган жами моддий неъматлардан иборатдир. Совет ҳокимияти йилларида СССРнинг миллий бойлиги (ер, ер ости бойликлари, ўрмонларни ҳисобламаганда) 30 баробардан зиёд ўсди ва 1980 йилнинг охирига келиб 2,7 триллион сўмдан ортиб кетди.

Миллий бойликлар составига кирадиган моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва ташкил топишининг табиий базиси табиий ресурслардир. Давлатимиз уларни умумхалқ мулки сифатида кўз қорачиғидай сақлайди.

Совет Иттифоқи — атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишида кашшофдир: 20-йиллардаёқ бу иш давлат сиёсати даражасига кўтарилган эди. Мамлакатимиз Конституциясида шундай деб ёзилган: «СССРда ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, ер ва ер ости бойликларини... қўриқлаш ва улардан илмий асосда, оқилона фойдаланиш... учун зарур чоралар кўрилади». Шу билан Конституция СССР гражданлари зиммасига табиатни авайлаш, унинг бойликларини муҳофаза қилиш, социалистик мулкни мустаҳкамлаш вазифасини юклайди.

Совет Иттифоқи табиатни, унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, минерал ресурсларини муҳофаза қилиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилмоқда. «Буни бизга Ленин васият қилган,— деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев.— Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида

да табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида қабул этилган юздан ортиқ ҳужжатга Ленин имзо чеккан... Биз бундан буён ҳам шу йўлдан бораверамиз» (Ленин йўлидан, 7-том, 373-бет).

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига давлат бюджетидан жуда кўп маблағ ажратилади — ўн биринчи беш йилликда 10 миллиард сўмдан кўпроқ сарфлаш мўлжалланади. Лекин бу асосан тозалаш иншоотларини қуришга мўлжалланган бевосита харажатлардир. Агар бунга сув ва шамол эрозиясига қарши курашга, ўрмонларни тиклашга, ерларни қайта культивациялашга ва бошқа тадбирларга сарф қилинадиган маблағ қўшилса, ҳаммаси бўлиб тахминан 55 миллиард сўмни, ҳар йили ўрта ҳисобда 11 миллиард сўмни, яъни миллий даромаднинг деярли 3 процентини ташкил этади.

Ҳар беш йилликда мамлакатимизнинг индустриал потенциали мустаҳкамланиб бормоқда, ҳозирги вақтда жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг 20 проценти унинг улушига тўғри келмоқда. Совет Иттифоқи нефть, пўлат, цемент, минерал ўғитлар, буғдой, пахта, магистрал электровозлар, тепловозлар ва маҳсулотнинг бошқа муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олди. Бизда дунёдаги энг катта станоклар парки бор. Биз булар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Лекин шу билан бирга ҳар бир меҳнатчи совет халқи яратган жуда катта потенциалдан оқилона, ишнинг кўзини билиб фойдаланиши учун юксак масъулият ҳис этиши керак.

Шунинг учун ҳам аҳоли барча табақалари орасида тарбиявий иш олиб бориш, қўлимизда бор нарсаларни тежаб-тергаш нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигини одамлар онгига сингдириш ҳозир жуда муҳимдир. Партия ва ҳукуматимизнинг хом ашё, ёқилғи-энергетика ҳамда бошқа моддий ресурсларни тежаш ва улардан рационал фойдаланиш бўйича ишни кучайтириш тўғрисидаги юқорида тилга олиб ўтилган қарорида ишнинг бу томонига катта аҳамият берилган.

Хўжаликни режали, тежамли юритиш айни бир миқдордаги хом ашё ва материаллардан, илгариги миқдорда ёқилғи, энергия, меҳнат сарфлаган ҳолда, анча кўп маҳсулот олиш имконини беради. Бунинг натижасида экономикамиз тезроқ ривожланади, совет кишиларининг талаб ва эҳтиёжлари тўлароқ қондирилади. Шундай қилиб, иқтисодий тежаш режими халқ манфаатларига хизмат қилади, тежамкорлик учун курашни авж олдиришнинг сиёсий аҳамияти ҳам ана шундадир.

Иш вақтини ҳам мана шундай тежаш, ундан унумли фойдаланиш керак. Вақт — бутун жамият учун ҳам, алоҳида ҳар бир киши учун ҳам катта, бебаҳо бойликдир. Ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида, жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида ундан қанчалик самарали, унумли фойдалансак, олдинга қараб шу қадар тез ҳаракат қиламиз.

Мамлакатимизда иш минутининг салмоғи, қадри жуда каттадир: саноат 60 секунд ичида бир миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаради, қишлоқ хўжалигида салкам 450 тонна дон, 200 тонна сут, 120 минг дона тухум етиштирилади. Табиийки, йўқотилган ҳар бир минутнинг қадри ҳам ана шунга тенг нобудгарчилик билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам станок, механизмнинг бекор туриб қолиши, ишга кеч келиб, вақтидан илгари кетишлар, чўзилиб кетувчи «дам олишлар» ва ташкилий тартибсизликлар айрим коллективлар меҳнати натижасигагина эмас, балки бутун бир тармоққа салбий таъсир этади. Масалан, айтайлик, «Узшвейпром» республика бирлашмасида иш вақтининг бекор кетиши ўтган йилнинг январидан бошлаб шу йилнинг сентябригача 7,3 процентни ташкил этган. Натижада истеъмолчиларга деярли тўрт миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилган.

Иш вақтини беҳуда кетказишнинг, интизомсизликнинг маънавий томонини ҳам ҳисобга олиш кераккки, улар меҳнат завқини, ташаббусни

сўндиради, коллективда маънавий психологик иқлимнинг ёмонлашувига олиб келади.

Иш вақтидан унумли, рационал фойдаланиш учун курашни партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бошқаришлари керак. Улар меҳнат интизомини бузувчиларга таъсир кўрсатишнинг самарали воситаларига эга, ҳам ижтимоий, ҳам маъмурий характердаги чораларни кўришлари мумкин.

Социалистик мусобақа кишиларда халқ бойлигини тежаб-тергаш туйғусини тарбиялашнинг самарали воситасидир. КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МКнинг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорида бу беш йилликдаги социалистик мусобақанинг конкрет вазифалари белгилаб берилган. «Самарали ва сифатли ишлаш» унинг асосий шиоридир. Бу, ижтимоий бойликни тежаб-тергаш барча мавжуд ресурслардан, бутун ишлаб чиқариш потенциалидан моҳирона фойдаланиш, кам сарфлаб, юқори натижаларга эришиш демакдир.

Ўзбекистонда социалистик мусобақада тўрт миллиондан зиёд киши ёки меҳнатчиларнинг 93 проценти иштирок этмоқда. Экономикани ривожлантиришнинг интенсив омилларига кўпроқ эътибор берилаётган бу беш йиллик муваффақиятлари ишчи қўллари билан ишлаб чиқарилган, яратилган, қурилган барча нарсаларни эҳтиёт қилиш ва улардан рационал фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолган бизнинг кунларда кўпгина меҳнат коллективлари иқтисод қилиш резервларини зўр бериб қидирмоқдалар. Улар: «Ҳар бир коллективга — иқтисод қилиш фонди, ҳар бир меҳнатчига — шахсий счёт!» деган чақириққа жавобан ана шундай фонд яратмоқдалар. Бу фонд ҳар бир цех, бўлим, участка, бригаданинг қўшган ҳиссасидан, улар эса ўз навбатида ҳар бир ишловчининг шахсий ҳиссасидан ташкил топади.

«Бир беш йилликда — икки шахсий беш йиллик», «Беш йилликни — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60-йиллигига бажарамиз» деган шиор остида бошланган ватанпарварлик ташаббусини Главташкентстрой бўлинмаларидагилар қизғин қўллаб-қувватладилар, Н. Злобин методи издошларининг сафи тобора кўпаймоқда.

Ўзбекистоннинг 15 донгдор ишчиси ташаббуси билан бошланган социалистик мусобақа давомида 10 мингдан ортиқ меҳнатчи ўзларининг йиллик планларини бажардилар, кўпгина коллективлар йиллик программани Октябрнинг 64 йиллигига тугалладилар.

Тежамкорлик тушунчаси — кенг кўламли категориядир. Дарҳақиқат, ходим ёки бутун бир коллектив социалистик мусобақада қандай шиор остида қатнашмасин, барибир, унинг асосида бевосита иқтисод қилиш, тежамкорлик принципи ётади. Масалан, бошланғич маҳсулотни эҳтиёт қилмай, уни тежамай туриб юқори сифатли маҳсулот чиқаришни кўпайтириб бўладими, ҳар бир иш минутидан рационал фойдаланмай хом ашё ва металл сарфини камайтириб ёки меҳнат унумдорлигини ошириб бўладими?

Катта ва кичик нарсада иқтисод қилиш — партиянинг бу чақириғи жуда чуқур маънога эга. Бугунги ишчи ўз тежамкорлигининг натижасини фақат маҳсулотда эмас, шунингдек маънавий жиҳатдан ҳам кўришни истайди. У ўз иш жойида исрофгарчиликка, яъни халқ мулкининг бирор бўлагининг, бу буёқ ёки брезент парчаси бўладими, асбест парчаси ёхуд меҳнатнинг кейинги босқичларидаги ўртоғининг иш вақти бўладими, нобуд бўлишига, бекор кетишига йўл қўймай ақл билан, режа билан ишлаётганидан фахрланади.

Афсуски, мана шундай юксак масъулият ҳисси, умумхалқ мулкини кўз қорачиғидай асраш тўғрисида ғамхўрлик қилиш хислати ҳаммада ҳам бор деб бўлмайди. Баъзи бировлар, мамлакатимиз бой, биз

назари паст одамлар эмасмиз, қандайдир деталлар ҳалол ишланмаганидан, брак заготовкалардан келган зарар от билан туя бўлармиди баъзида қанчадан-қанча нарсани совуриб юборамиз-у, ушоқ-увоқлаб териб ўтирамизми, дейишиб давлат ҳисобидан сахийлик қилишади! Бундай гап-сўзларни кўплаб эшитиш мумкин, аммо уларни маъқуллаб бўлмайди. Бинобарин, ана шундай исрофгарчилик айбдорларини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қаттиқ жазолаш керак.

Тежамкорлик учун ва исрофгарчиликка қарши умумхалқ курашининг бош ғояси кишининг иш жойидаги шахсий масъулиятини ошириш, унда, у таъминотчи ёки омбор ходими, диспетчер ёхуд кранчи, конструктор ёки технолог, колхозчи ёхуд хизматчи бўладими, бундан қатъи назар, юксак маънавий фазилатларни тарбиялашдан иборатдир.

Ҳар бир коллектив ўз резервларини излайди. Масалан, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги системасида машиналарнинг ремонтсиз ишлаш муддатини узайтиришга интилмаётган биронта ҳам автокорхона йўқ. Бу ватанпарварлик ҳаракатида йигирма мингдан ортиқ ҳайдовчи иштирок этмоқда. Фақат ўнинчи беш йилликнинг ўзида улар 3,5 миллион сўмлик ёнилғи, 4,4 миллион сўмлик запас қисмлар, 1,9 миллион сўмлик автомобиль шиналарини тежаб қолишди. Бунга яна автомобиллар хизмат муддатини узайтириш туфайли неча миллион тонна халқ хўжалик юкларини қўшимча ташишдан келган катта иқтисодий фойдани қўшиш керак.

Лекин ҳаммаерда ҳам моддий бойликлар кўз қорачиғидай сақланмайди, эҳтиёт қилинмайди. Масалан, республика матбуотининг хабар қилишича, Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлимининг майдонида жуда кўп юк йиғилиб қолганки, буюртмачилар уларни ташиб олишга шошилмайдилар. Оҳангарон цемент комбинати, «Узбекзолото» бирлашмаси, «Узгипроводхлопок» институти, Ангрен сопол буюмлар заводи ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар адресига келган станоклар, машиналар, механизмлар, агрегатлар ойлаб очиқ ҳавода қолиб кетади. Бундай ўтакетган хўжасизлик юқорида номлари тилга олинган ташкилотлар раҳбарларининг халқ бойлигини тежаб-тергашни, уни кўз қорачиғидай асрашни истамаётганликларини кўрсатади.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети «Союзузбекгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмасини текшириб, шундай хулосага келдики, унинг айрим бўлинмаларида хилма-хил бузилишларга, хўжасизлик, исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Фақат кейинги икки ярим йил ичида тармоқда шартли ёқилғини ошиқча сарфлаш 430 минг тоннадан ортиб кетди. 1980 йилда белгиланган нормадан ортиқча 1,8 миллион сўмлик асосий материаллар харажатлар ҳисобига ёзиб қўйилди.

Бошланғич партия ташкилотлари ўзларига берилган маъмурият фаолиятини контрол қилиш ҳуқуқидан кенг фойдаланишлари, хўжасизлик ва исрофгарчиликка, молия интизомининг бузилишларига, ўғрилик ва социалистик мулкка кўз олайтиришларга қарши курашни уюштириш учун корхона раҳбарларига қўйиладиган талабни кескин оширишлари керак. Халқ контроли постлари ва группаларининг, «Комсомол прожектори», иқтисодий анализ бюроси ва меҳнат коллективларининг бошқа жамоатчилик органларининг ишини активлаштириш керак бўлади.

Халқ мулкини асраш, ресурсларнинг барча турларини тежаб-тергаб сарфлаш ишига халқ контролёрлари катта ҳисса қўшмоқдаларки, уларнинг сони республикамизда 420 минг кишидан ортиб кетди. Кўпгина саноат корхоналари, муассасалар, колхоз ва совхозларда халқ контроли постлари ҳамда группалари ишлаб турибди. Улар тежамкорликнинг жамоат кўрикларида, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишнинг оммавий текширувларида иштирок этмоқдалар.

Халқ назоратчиларининг ташаббуси билан металлнинг исроф бўлишини камайтиришга, уни қайта ишлашнинг прогрессив процессларини жорий этишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Чунончи, «Таштекстильмаш» заводи «дозорчиларининг» таклифи билан металлни группа бўлиб бичиш методи жорий қилиндики, натижада 81 тонна металл тежаб қолинди. «Узбекхиммаш» заводи халқ назоратчилари химия аппаратуралари учун арматурани тайёрлашни унификация қилишни, углеродли ва зангламайдиган пўлатни бичишни ўзгартиришни қаттиқ туриб талаб қилдилар. Бу таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этиш 400 тонна қимматбаҳо металлни тежаб қолишга имкон берди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишни текшириш давомида шу нарса аниқландики, республикамизнинг кўпгина корхоналари ва ташкилотларида асбоб-ускуналар ҳамда аппаратуралардан норационал фойдаланиш, технологияни бузиш, брак маҳсулот ишлаб чиқариш, кундузи чироқларнинг бемақсад ёниб туриши туфайли электр энергияси ортиқча сарф қилинади. Буғнинг чиқиб кетиши, паропроводларнинг ёмон изоляция қилинганлиги туфайли иссиқлик энергиясининг анчагина қисми исроф бўлади. «Дозорчиларнинг» таклифи билан электр ва ёқилғи энергиясини тежашнинг анчагина резервлари ишга туширилди. Масалан, Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасида назоратчиларнинг қатъий талаби билан конденсаторларнинг икки батареяси монтаж қилинди, бу электр қурилмаси қуввати коэффициентини ошириб, ҳар йили 60 минг киловатт-соат электр энергияни тежаб қолишга имкон берди. Самарқанд лифтсозлик заводида «дозорчиларнинг» ғайрат-шижоати туфайли 1981 йилнинг биринчи олти ойида нормадагидан 92 минг киловатт-соат электр энергияси ва 16 тонна шартли ёқилғи тежаб қолинди.

Халқ назоратчилари бу йилги йиғим-теримнинг ҳамма процессларида актив иштирок этдилар. Йиғим-транспорт отрядларида, тайёрлов пунктларида, хирмонларда халқ контролининг вақтинчалик постлари ишлаб турди, улар 6 миллион тонна «оқ олтинни» тайёрлашда пахтакорларга катта ёрдам бердилар.

Партия ташкилотлари контролни амалга оширишга меҳнаткашларни кенг жалб қилиш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишлари, ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда ўзларини яхши танитган коммунистлар, комсомоллар, ташаббускор, ҳалол ходимларни халқ назоратчилари қилиб кўтаришлари керак. Бу — партия талаби бўлиб, у Марказий Комитет яқинда қабул қилган «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ижрони контрол қилиш ва текширишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида баён этилган.

Республикамиздаги 60 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш илғорларининг фаолияти халқ мулкини тежаб-тергашнинг конкрет кўринишларидан биридир. Ўзбекистон ихтирочилари ва рационализаторлари ўнинчи беш йилликда 315 минг таклиф киритдилар, уларни жорий этиш салкам 800 миллион сўм самара берди.

Ўзбекистон Компартияси МКнинг бу йил сентябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган республикамиз ихтирочилари ва рационализаторларининг II слёти қатнашчиларига йўллаган табрикномасида ишлаб чиқариш новаторлари ўз куч-ғайратлари ва талантларини меҳнат унумини анча оширишга, электр энергияни, металлни, хом ашё ва моддий ресурслар барча турларини тежашга ёрдам берадиган янада мукаммал техник ечимларни қидириб топишга бундан буён ҳам сафарбар этадилар, деб ишонч билдирилди.

Ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига ўн биринчи беш йилликда республикада 820 миллион сўмни тежаб қолиш мўлжалланмоқда. Бу новаторларимизнинг КПСС XXVI

съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажаришга қўшган муносиб ҳиссаси бўлади.

Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ кураши кун сайин кенгайиб, кучайиб бормоқда. Партия талаб қилганидек социалистик мусобақада асосий эътибор моддий ва бошқа ресурсларни бутун чораларни кўриб тежашга қаратилиши керак. Тежамкорлик учун курашда кишиларнинг қатнашувини рағбатлантиришнинг маънавий стимуллари билан бирга моддий стимулларни ҳам кучайтириш керак. Шахсий ва ижтимоий манфаатларни уйғунлаштириш — партия ва касаба союз ташкилотларининг, корхоналар иқтисодий хизматларининг бурчидир. Шундай қилиш кераккн, тежаб қолинган ҳар бир киловатт-соат энергия, ҳар бир тонна металл, кубометр ёғоч ва дециметр кўн буюмлари, муддатидан олдин ремонт қилинган механизм ва кичик майдонларда жойлаштирилган автомат линияси учун меҳнатчилар моддий жиҳатдан тегишли равишда мукофотланиши керак. Хўжаликни тежаб-тергаб юргизиш КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг юқорида тилга олиб ўтилган қарорининг руҳи ва мазмунига мос тушади.

Моддий ресурсларни тежаш имкониятлари чиндан ҳам чексиздир. Шулардан бири — ишлаб чиқариш ва маиший чиқитлар, ҳамроҳ моддалардан, яъни иккиламчи хом ашёни ташкил этадиган ҳамма нарсалардан кенг фойдаланишдир. Иккиламчи ресурсларни ишлатиш халқ хўжалигида катта самара беради. Чунончи, ўнинчи беш йилликда улардан фойдаланиш ишлаб чиқариш-техника мақсадида ишлатиладиган ва кўпчилик талаб қиладиган товарларни 5 миллиард сўмликдан ҳам кўпроқ ишлаб чиқариш имконини берди.

Ишлаб чиқариш процесси давомида иккиламчи ресурслар пайдо бўлмайдиган экономиканинг бирор тармоғи йўқ. Улар ҳар хил — кул ва шлак, темир-терсак, газлама ва жун буюмларнинг қийқимлари, қипиқ ва пайраҳалар, ишлатилиб бўлинган полимер материаллар ва автомобиль шиналари ва ҳоказолар. Пахта хом ашёсини қайта ишлашда тўқимачилик саноатида ҳам кўп ҳамроҳ моддалар пайдо бўлади. Шунингдек шахсий истеъмол чиқитлари — кийиб тўздирилган уст-бош ва пойабзал, ишлатилиб бўлинган маиший техника ва эски мебель, макулатура, шиша идишлар, овқат чиқитлари ва ҳоказолар ҳам иккиламчи хом ашё учун катта манба бўлиб хизмат қилади.

Иккиламчи хом ашёни хўжалик оборотига киритиш бирламчи ресурсларни тежашга имкон беради. Иккитагина мисол келтирамиз. 1980 йилда мамлакатимизда 148 миллион тонна пўлат ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг ҳар иккинчи тоннаси темир-терсакдан эритилди. Қоғоз қилиб қайта ишланган макулатуранинг ҳар бир тоннаси салкам 4 кубометр ёғочни тежаб қолишга имкон беради. Шуни таъкидлаш кераккн, бир тонна макулатурадан 750 килограмм қоғоз тайёрлаш, ундан эса 25 минг ўқувчилар дафтари қилиш мумкин.

Иккиламчи ресурслардан максимал равишда фойдаланиш ишига катта аҳамият берилмоқда. Ўн биринчи беш йиллик ва 1990 йилгача бўлган давр учун уларни тайёрлаш ва қайта ишлаш кўлами белгилаб қўйилган, корхоналар ва қурилишлар планларида иккиламчи хом ашёдан фойдаланиш ҳақида бўлим киритилган.

Ўзбекистонда пахта тозалаш ва тўқимачилик саноатининг чиқиндиларидан анча яхши фойдаланилмоқда, улардан пахта, нотўқима ва тунука материаллари, линолеум ясаш учун иссиқлик ва овоз ўтказмайдиган таглик, пластмассалар, полиэтилен плёнкалар, елим, лаклар, ацетат ва вискозли тола ҳамда бошқа кўплаб материаллар тайёрланади. Баъзи корхоналарда ҳамма чиқиндилардан, ҳатто яроқсиз чиқиндилардан ҳам фойдаланишади. Чунончи, Оҳангарон қурилиш материаллари комбинатида полиэтилен плёнкаларининг қийқимлари ва қуймала-

ри қайта ишланиб, грануляция қилинади, улардан эса канализация қувурлари тайёрланади. Фақат шу йилнинг саккиз ойи ичида 10 тоннадан ортиқ полиэтилен қувурлар тайёрланадики, уларни реализация қилиш комбинатга 6 минг сўмдан кўп даромад келтирди.

Аҳолида жуда кўп тўпланиб қоладиган маиший чиқитлардан ҳозирча кўнгилдагидай фойдаланилмаётир. Республикада шахсий истеъмол чиқиндиларини қабул қиладиган ва тайёрлайдиган пунктлар, қайта ишлайдиган корхоналар етарли эмас. Бу одамларга керак бўлмайдиган мулкдан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўяди.

Иккиламчи хом ашёдан рационал фойдаланиш — моддий бойликларни авайлаш, тежаб-тергашнинг самарали йўлларидан биридир. Ишлаб чиқариш ва шахсий истеъмол чиқиндиларини йиғиш, қайта ишлаш, утилизация қилиш ишини кучайтириш керак. Бу ишни халқ депутатлари маҳаллий Советлари бошқаришлари лозим, бунга уй-жой-коммунал хўжаликларини, жамоат ташкилотларини, пенсионерлар ва мактаб ўқувчиларини жалб қилиш керак.

КПСС XXVI съездида қишлоқ хўжалигида ҳали ҳам нобудгарчиликка кўп йўл қўйилаётганлиги тўғрисида гапирилди. Улар дон, пахта, сабзавот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ҳам, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда ҳам юз бермоқда. Айниқса уларни ортиш, тушириш, сақлаш ва қайта ишлаш процессида нобудгарчилик кўп бўляпти. Масалан, баъзида буғдой кузовлари тешик машиналарда, пахта брезент ёпилмаган тележкаларда, сабзавот махсус идишларда эмас, машина кузовларида пала-партиш ташилаверади. Катта қийинчиликлар билан йиғиб-териб олинган маҳсулот кўпинча мутлақо нобоп жойларда, очиқ ҳавода сақланади, улар қуёш нури ёки ёмғирдан бузилади, айнийди, сорти пасаяди.

Пахта йиғим-терими пайтида, республика матбуотининг хабар қилишича, айрим хўжаликлар далаларида пахта йўл чеккаларида, эгат ораларида, чаноқларда, ғарамлаш жойларида қолиб кетади. Пахтани молга едириш эса жуда катта жиноят бўлиб, айбдорлар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Етиштирилган нарсанинг ҳаммасини эҳтиёт қилиш, ҳосилни сақлаб қолиш, уни истеъмолчига етказиш — қишлоқ хўжалигининг ҳамма меҳнатчилари ва қайта ишловчи корхоналарнинг ходимлари шу ҳақда ғамхўрлик қилишлари керак. Агар тез бузиладиган маҳсулотни тез олиб чиқиб кетишнинг иложи бўлмаса, ўзбек халқининг кўп асрлик тажрибасига амал қилиб, уни ўша жойнинг ўзида қайта ишлаш мумкин — узумдан майиз, ўрикдан баргак, қовундан қовунқоқи қилиш ва помидорларни қуритиш мумкин. Бундай маҳсулотнинг баҳоси ҳўл меваникига қараганда юқори бўлади. Етиштирилган ҳосилни сақлаб қолиш тўғрисида ғамхўрлик қилаётган хўжаликларда худди шундай иш тутишмоқда.

Халқ бойлиги, бизни боқадиган ер ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилишимиз керак, зеро дон-дунни ҳам, пахтани ҳам, мол учун ем-хашакни ҳам ана шу сахий ердан оламиз. Ундан оқилона фойдаланишимиз, уни талон-торож қилмаслигимиз, ҳар қаричига экин экишимиз, унинг унумдорлигини оширишимиз керак. Агротехникани муттасил такомиллаштириб боришимиз, деҳқончилик маданиятини оширишимиз, ўғитлардан фойдаланишнинг оптимал режимларини жорий этишимиз, маҳаллий ўғитлардан кенг фойдаланишимиз керак. Устма-уст химик воситалар билан ортиқча ишлов беришдан ерни асраш лозим. Ҳосилдорликни оширишнинг ишлаб чиқаришда самарали ва атроф муҳит учун зарарсиз бўлган биологик методларидан кўпроқ фойдаланиш керак. Бу — аграрчи олимлар ва агрономларнинг бурчидир.

Халқ мулкини эҳтиёт қилиш, уни кўз қорачиғидай асраш тушунча-

си — кенг маънодаги тушунчадир. Бу одамларга фақат ишлаб чиқариш процессидагина эмас, шунингдек оилада ҳам тааллуқлидир. Қани, холисона бир кўрайлик-чи, хонадонимиздаги бойликларга, ноз-неъматларга бизнинг муносабатимиз қандай?

Биз уйда электр чироғини кўпинча ўринсиз ёқиб қўямиз. Масалан, ишдан келамиз-у, телевизорни қўямиз, лекин қўшни хонадаги ёки йўлакдаги чироқни ўчиришни унутамиз. Гапиришга арзимайди дейсизми! Лекин шу майда-чуйда бўлиб кўринган нарса мамлакат миқёсида биз учун жуда қимматга тушади: агар ҳар бир квартирада биттадан 40 ваттли лампочкани атиги беш минутга ўчириб қўйилса, биз 306 минг киловатт-соат электр энергияни тежаб қолган бўламиз. 30 килограмм нефть ёки 15 килограмм темир рудаси қазиб олиш ёхуд 39 килограмм шакар ишлаб чиқариш ёки 36 буханка нон ёпиш учун бир киловатт соат электр энергия кифоя қилади.

Энди сувни олиб кўрайлик. Сувни оилада ортиқча исроф қилиш, мақсадсиз ишлатиш халқ хўжалигига қанчалик катта зарар келтириши ҳақида доим ҳам ўйламаймиз. Охиригача буралмаган крандан сувнинг жилдираб оқиб туриши натижасида суткасига 60 литр сув исроф бўлади. Ёзнинг иссиқ кунларида баъзида одамларнинг шлангадан уйларининг олдидаги участкаларни суғораётганини кўрамиз ёки қўни-қўшниларнинг квартирада салқин бўлсин деб ваннадаги лейкани охиригача шариллатиб оқизиб қўйганини эшитасиз.

Коммунал эҳтиёжлар учун электр энергияси, тозаланган чучук сув сарфи муттасил ортиб бормоқда, ҳолбуки бу сарфларни уй эгалари тўлайдиган ҳақ қопламайди. Шунинг учун ҳам бу ресурсларни оилада тежаб-тергаб сарфлаш жуда муҳимдир.

Бошқа бир муҳим масала — озиқ-овқатга, хусусан нонга муносабат масаласи. Халқимиз: «Нон ҳам нон, увоғи ҳам нон» дейди. Нон — ҳаётимиз асоси, ризқ-рўзимиз, азалдан емишларнинг энг муҳими, барча бойликларнинг мезони бўлиб келган.

Гербида буғдой бошоғи бўлган совет давлати инсоннинг тўқ яшаш ҳуқуқини таъминлади. Дастурхонимизда арзон, тотли нон доим етарли бўлади. Лекин ўша нон қандай меҳнатлар эвазига, деҳқонларнинг пешона тери, уйқусиз тунлари эвазига келишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ аҳолиси магазиндан ҳар куни харид қиладиган тайёр нон — бу халқ бойлиги, маъмурчиликнинг рамзидир. Бинобарин одамнинг инсофлилиги, одоблилиги нонни қанчалик қадрлаши билан ҳам белгиланади. Баъзи бировлар нонни молига бериш учун харид қилади ёки жуда кўп харид қилади-да, ейилмай, йиғилиб қолган нонни ўйламай-нетмай ахлатга ташлайди. Бу ўтакетган, сира кечириб бўлмайдиган жиноятдир. Режали уй бекаси ортиб қолган нонни ишлатишнинг жуда кўп йўлларини билади, — сухари, талқон, пудинг, квас ва бошқа нарсалар тайёрлайди. Нонни кўз қорачиғидай асрашни, увол қилмасликни болаликдан, оилада, мактабда сингдириб бориш керак. Худди ўша ахлат уюмида кўпинча бошқа овқат қолдиқларини ҳам ташлашганини кўриш мумкин.

Баъзилар: «Ҳозир турмушимиз яхши, маъмурчилик, қурумсоқлик қилмасак ҳам бўлади» дейишади. Лекин озиқ-овқатни исроф қилмасдан, тежаб-тергаб ишлатишга даъват этиш — бу Қори Ишкамбадай бир гугурт чўпи билан ўнта чироқни ёқишга даъват эмас, балки инсон ақл-идрокига мурожаатдир. Бизнингча, ўзини «кўрсатиш», бойлигини кўз-кўз қилиш учун дабдабали тўйлар ўтказиш, оилавий ўтириш, зиёфатларда ҳамма нарсани «тўкиб ташлаш» бугунги кун кишисига ярашмайди. Ахир кишининг маданийлиги ҳозирги вақтда унинг билим даражаси билангина эмас, балки ўз рўзғорини қанчалик оқилона юри-

тиши билан ҳам белгиланади. Буни чукур тушуниш ҳам шахсий, ҳам бутун жамият манфаатлари нуқтаи назаридан ҳам фойдалидир.

Уй-жой фондини асраш тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳозирги кунда жуда катта аҳамият касб этди. Ўтган беш йилликда мамлакатимизда 530 миллион квадрат метр тураржой фойдаланишга топширилди, ўн биринчи беш йилликда яна ўшанча уй-жой қуриш мўлжалланмоқда. Уй-жой хўжалигининг асосий фонди қиймати ҳозирги вақтда 339 миллиард сўмни — СССР асосий фондларининг қарийб бешдан бир қисмини ташкил этади. Ўнинчи беш йилликда Ўзбекистонда 2? миллион квадрат метр уй-жой қурилдики, бу уч миллиондан ортиқ кишининг янги квартираларга кўчиб киришига ёки уй-жой шароитининг яхшилашига имкон берди.

Мамлакатимизда бунёд этилган жуда катта уй-жой фонди — 6 жамоат бойлиги бўлиб, уни кўз қорачиғидай асрашимиз керак. Маълумки СССРда квартира ҳақи жаҳондаги энг паст квартира ҳақи бўлиб, уй-жойга қараш ва уни ремонт қилишга кетадиган харажатларнинг салкам 70 проценти давлат томонидан қопланади. 1980 йилда бу мақсадлар учун 4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди, ўн биринчи беш йилликда ҳам катта маблағлар сарфланади. Ўз квартираларини, уйларини, улардаги коммуникацияларни намунали бир тарзда сақлаш, уларни кўз қорачиғидай асраш совет гражданларининг бурчидир.

Моддий ва маънавий бойликнинг қадрига ета билиш, уни кўз қорачиғидай асрай олиш социалистик тузумнинг энг муҳим афзалликларидан биридир. Лекин ҳаётда шундай одамлар ҳали ҳам учраб турадики, улар жамият ҳисобига бойлик орттиришга, унга кам бериб ундан кўпроқ олишга интиладилар. Булар ҳалол меҳнат қилишни истамайдиган ичкиликбозлар, текинхўрлар, савдогарлар ва бошқа жамият учун зарарли элементлардир. Айрим кишилар совет қонунларини тўғридан-тўғри бузадилар, халқ мулкини талон-торож қиладилар ва ўзиники қилиб оладилар. Бу одамларнинг ҳаммаси жамиятга зарар етказишади, бинобарин уларга қарши муросасиз курашиш давлат органларининг ҳам, жамоат ташкилотларининг ҳам вазифасидир. Партия XXVI съездида текинхўрлик, порахўрлик, савдогарчиликнинг, меҳнат қилмай пул топишнинг, социалистик мулкка кўз олайтиришнинг ҳар қандай йўлларини бутунлай беркитиб ташлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС МКнинг ноябрь (1981 йил) Пленумида шундай деди: «Мамлакатимиз ихтиёридаги ресурслар келажакка комил-ишонч билан қараш имконини беради. Бу ресурслардан омилкорлик билан, оқилона фойдаланиш керак». Ҳа, ватанимизнинг миллий бойликлари битмас-туганмасдир. Улар халқимизнинг ижодий меҳнати билан яратилган, халқнинг ўзи уларни асраши керак.

ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИ ВА ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

П. ЛАТИБЖОНОВ,

Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг секретари

ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИ доимо такомиллаштириш — турмуш талабидир. Партия XXVI съездининг қарорлари ва КПСС МҚнинг шундан олдин қабул қилинган ва узоқ муддат амал қилувчи ҳужжат бўлган «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори ҳам шу фикр билан суғорилган. Уларда коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида идеология фаолиятининг асосий йўналишлари аниқ белгилаб берилган.

КПСС XXVI съездида идеология ишининг кўпгина участкалари ва соҳаларини қайта қуриш масаласи қўйилди. Аммо бундан коммунистик тарбиянинг таркиб топган системасини ўзгартириш керак, деган маъно келиб чиқмайди, аксинча, биз мазкур кўрсатмани бу ишда партия комитетлари ва ташкилотлари орттирган жамики қимматли тажрибани мустаҳкамлаш ва кўпайтириш зарур, деган маънода тушунамиз. Қайта қуришнинг моҳияти — пропаганда ва агитациянинг мазмунини бойитишдан, унинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлашдан, унинг илмий савиясини ва жанговарлигини оширишдан иборат. Эскирган иш методларини янги, янада самарали усуллар билан алмаштириш муҳимлиги ўз-ўзидан равшан. Съезднинг ғоявий-тарбиявий иш сийқа ибораларсиз ва тайёр формулаларнинг стандарт йиғиндисисиз, мароқли олиб борилсин, инсоннинг ошиб бораётган маънавий эҳтиёжларига муносиб бўлсин, деган талабини қатъият билан бажариш лозим. Идеология фаолияти жараёни совет кишиларини юксак онглилик, партия режаларини турмушга қатъият билан татбиқ этиш руҳида тарбиялашга хизмат қилиши керак. Идеология ишини такомиллаштириш масалалари юзасидан шу йил июлда бўлиб ўтган республика семинар-кенгашида уқтирилганидек, маънавий, мафкуравий омил хўжалик вазифаларини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга кўмаклашади.

Фарғона область партия ташкилотлари бу борада талайгина муваффақиятларга эришдилар. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш учун партия комитетларининг масъулияти ошди. Улар идеология иши масалаларини муҳокама қилганда одамларни меҳнатсеварлик руҳида, сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг ҳолатини атрофлича таҳлил этадилар. Бу масалага конкрет ёндашиш туфайли ғоявий-тарбиявий ишнинг сифати ва таъсирчанлиги ошди, бу эса меҳнат коллективларининг конкрет ишларида, ўн биринчи беш йиллик планларини бажариш учун социалистик мусобақанинг авж олишида ўз ифодасини топмоқда. Бунга кўплаб мисол келтириш мумкин. Аммо ҳозир меҳнаткашларни ғоявий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашни таъ-

минлайдиган шарт-шароитларга ва иш йўналишларига тўхталиб ўт-моқчиман.

Сиёсий ўқиш совет кишиларининг илмий дунёқарашини шакллантиришда жуда муҳим ўрин тутади. КПСС XXVI съезди унинг сифати ва натижадорлигини қатъиян ошириш вазифасини ўртага қўйди. Бу соҳадаги куч-ғайратлар моҳияти Марказий Комитетнинг съездга Ҳисобот докладида равшан ифодалаб берилди: «Биз нималарга эришмоқни истаймиз? Биз партия сиёсатининг омма фаолияти билан қўшилиб кетишини, партия маорифи кишиларни, В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, «ҳақиқатан коммунизм талаб қилгандай иш» қилишга ўргатишини истаймиз. Бошқача қилиб айтганда, бунда гап партиянинг ғоявий-назарий, сиёсий-тарбиявий, ташкилотчилик ва хўжалик ишларининг бирлигига амалда эришиш тўғрисида боряпти. Бизнинг мақсадимиз шундай».

КПСС МҚ съезд йўл-йўриқларига, партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмаларига амал қилиб, «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди, партия ўқувининг мазмуни ва формаларини ривожланган социализм талабларига, жаҳон майдонидаги идеология кураши эҳтиёжларига, меҳнаткашларнинг умумий таълим ва юксак сиёсий билим савиясига мувофиқ ҳолга келтириш имконини берадиган тадбирлар системасини ишлаб чиқди.

Ҳозир областимизда партия, комсомол ўқуви ва иқтисодий таълим системасида 224 минг коммунист ва партиясиз ўқимоқда. Мактаб ва семинарларнинг тингловчиларини аниқлаш, пропагандистлар танлаш иши КПСС МҚ тасдиқлаган партия ўқувининг янги структурасига мувофиқ ҳар бир партия ташкилотида таркиб топган аҳволни эътиборга олиб ўтказилди. Биринчи бор илмий коммунизм мактаблари тузилди ва шу мактаблар фаолияти билан боғлиқ ҳамма масалаларга алоҳида эътибор бераяпмиз.

Партия ташкилотлари ҳамма жойдаги сиёсий машғулотлар актив характерда ўтиши учун кўп иш қилмоқдалар, доклад ва рефератларни муҳокама қилиш, мунозара ва конференциялар, суҳбатлар ўтказиш сингари формаларни жорий этмоқдалар, тингловчиларнинг ижтимоий-сиёсий практикасини кенгайтирмоқдалар.

КПСС МҚ қарорида таъкидланганидек, марксча-ленинча ўқишга партия раҳбарлигининг асосий бўғини — пропагандистлар билан ишлашдир. Пропагандистнинг ҳар бир жиҳати — билими ҳам, маънавий фазилатлари ҳам, ишчанлиги ҳам, ниҳоят тингловчиларни ишонтира олиши, шахсий намунаси билан одамларга ибрат бўла олиши ҳам аҳамиятлидир. Ишлаб чиқаришдан ажратилган ҳолда таълим бериладиган икки ҳафталик курслар пропагандистларнинг маҳоратини оширишга кўп жиҳатдан кўмаклашди. Умуман пропагандистларнинг сифат состави кейинги вақтларда анча яхшиланди: уларнинг 92 проценти олий маълумотли, 60 проценти идеология иши соҳасида беш йилдан ортиқ бой тажриба орттирган, 4200 киши халқ хўжалиги мутахассислари, мингдан ортиқ киши корхоналар, ташкилотлар, хўжаликларнинг раҳбарларидир. Партия ташкилотлари пропагандистларнинг диққат-эътиборини ўқишнинг энг муҳим ва актуал проблемаларни қамраб олишига, назария одамларни қизиқтирувчи ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмуш масалалари билан узвий равишда боғлаб ўргатилишига қаратмоқдалар.

Меҳнаткашларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш учун КПСС XXVI съезди материалларини пропаганда қилишнинг аҳамияти жуда катта. Ўтган йилнинг декабридаёқ областимизда 3000 га махсус сиёсий мактаби тузилган эди, уларда 1981 йил 2 мартдан бошлаб партия ўқувининг барча бўғинларида бўлгани каби тингловчи-

лар съезд материалларини ўрганишга киришдилар. Шу машғулотлар бошланишидан аввал ҳамма шаҳар ва районларда пропагандистларнинг семинарлари ўтказилди, уларда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари суҳбат ўтказдилар. КПССнинг ички ва ташқи сиёсати тўғрисида, область шаҳар ва районларининг ўн биринчи беш йилликдаги иқтисодий ва социал ривожи ҳамда бу йилги вазифалар тўғрисида лекциялар ўқилди, ўқув планлари тузилиб, ҳаммага тарқатилди, тегишли тавсиялар берилди.

Область партия комитети сиёсий докладчилар ва штатсиз лекторлар, шаҳар ва район партия комитетларининг пропаганда ва агитация бўлимлари мудирлари, «Билим» жамиятининг область, шаҳар ва район ташкилотлари масъул ходимлари, газета ва радиоэшиттириш редакторлари иштирокида кенгаш ўтказди. Область партия комитетининг биринчи секретари ўрток Ҳ. У. Умаров КПСС XXVI съезди ишининг якунлари тўғрисида доклад қилди.

10 март куни ўтказилган ягона сиёсий куннинг навбатдаги машғулоти ҳам съезд қарорларини тушунтиришга бағишланди. Бу ишга съезд делегатлари актив жалб этилди. Улар меҳнат коллективларининг йиғилишларида сўзга чиқдилар, суҳбатлар ўтказиб коммунистлар тарихий анжумани ғояларини ҳар бир кишининг онги ва дилига етказишга интилдилар. Бундай учрашувлар келгусида ҳам ўтказилади, чунки улар тингловчиларга кучли таъсир қилади, ишчиларни, колхозчиларни, ақлий меҳнат кишиларини партиянинг иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, социалистик Ватан қудратини мустаҳкамлаш тўғрисидаги даъватига амалий иш билан жавоб беришга руҳлантиради. Область партия ташкилотлари съезд материалларини пропаганда қилиш учун, сиёсий ўқишнинг ҳаёт билан узвий боғланишини таъминлаш учун амалга оширган тадбирлар ўз самараларини берди. Чунончи, 900 тадан кўпроқ ишлаб чиқариш коллективи аввалгидан кўра юксакроқ социалистик мажбурият қабул қилди. «Кокандтекстильмаш» заводининг 500 дан кўпроқ новатори меҳнат унумдорлигини ошириш шахсий планлари асосида ишламоқда. Шу корхонада «ўн кунлик топшириқни саккиз кунда бажарамиз» шиори остидаги ҳаракат кенгайиб бормоқда. Область саноати, қурилиш ва монтаж ташкилотларининг 20 нафар илғори 1981—1985 йилларда икки беш йиллик планни бажариш ташаббусини бошлади. Илғор бригадаларнинг раҳбарлари, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг делегатлари А. Алимқулов, А. Бойбуваев, М. Жўраева, Қ. Ортиқовлар областнинг барча пахтакор коллективларига мурожаат этиб, 50—60 центнерлик ҳосил учун курашишга чақирдилар. Бизда «Ёнимизда битта ҳам қолоқ бўлмасин!», «Кам сарфлаб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарамиз!», «Ишчи ташаббусига — инженер мадади!» деган ва бошқа ташаббуслар кенг қўллаб-қувватланди.

Кўпгина мисоллар шуни кўрсатадики, сиёсий ва иқтисодий ўқиш хўжалик вазифаларини ҳал этиш билан моҳирона боғланган жойларда одамларнинг ижодий активлиги юқори, янги, илғор усулларни излашга иштиёқи кучли бўлади. Жумладан, шойи комбинатидаги бошқарма бўлимининг бошлиғи А. Абдураззоқов раҳбарлик қилаётган техникавий-иқтисодий билимлар университети ишини кўриб бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. У ўтказаётган машғулотларда тингловчилар рефератлар тайёрлаб келадилар, ишлаб чиқаришнинг у ёки бу участкаларини ривожлантириш планларини ишлаб чиқадилар. Масалан, инженер З. Данилованинг таклифига биноан крепжожетга гул босиш учун уни оҳорлашнинг технология режими ўзгартирилди. Шу туфайли маҳсулот сифати яхшиланди, 9 минг сўмдан кўпроқ тежам олинди. Университет тингловчиси инженер Г. Бочков пилла тортиш машиналари конструкциясига ўзгартириш киритди, бу машиналар унумдорлигини

оширишга ва маҳсулот тўқиладиган материал ва хом ашёдан янада оқилона фойдаланишга имкон берди. Университетнинг бошқа бир тингловчиси — ремонт-механика цехининг бошлиғи И. Отабоев рационализаторларнинг актив иштироки билан пилла ўраш машинасининг конструкциясини такомиллаштирди, шу туфайли материалларнинг бир қисми тежаб қолинмоқда.

Областдаги бошқа корхоналарда ҳам партия ташкилотлари ғоявий-тарбиявий ишнинг ҳозирги кун талабларига, одамларнинг маънавий эҳтиёжларига мос келадиган форма ва воситаларидан фойдаланмоқдалар.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, агар баъзи жойларда расмиятчилик элементларига йўл қўйилмаганида эди, идеология ишининг натижаси бундан ҳам юқори бўларди. Бир факт келтирамиз. Обком пропаганда ва агитация бўлими ходимлари нефть химияси саноатининг айрим корхоналарида бўлишди. Уларнинг территориясида, цехларида чиройли қилиб безатилган шиорлар, плакатлар, диаграммаларни кўришди. Аммо мана шу кўргазмали агитация воситаларининг кўплари нишонга аниқ тегмас, чунки улар умумий чақириқлардангина иборат эди. Обком ходимлари мана шу ва бошқа камчиликларни тугатишга ёрдам беришди. Натижада Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи партқомининг идеология комиссияси кўргазмали агитацияни янгилашга доир конкрет тадбирларни таклиф қилди, бу ишга маҳаллий рассомларни жалб этди, энди кўргазмали агитация ўзининг ишчанлиги билан ажралиб турибди, коллективнинг энг зарур ишларини акс эттирмоқда, фактлар билан ишонтирмоқда, ишлаб чиқариш резервларини қидириб топишга ёрдам бермоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, энди халқ хўжалигининг мана шу ва бошқа тармоқларидаги корхоналарда кўргазмали агитация меҳнаткашларни ўн биринчи беш йиллик плани ва социалистик мажбуриятларини бажаришга давлат манфаатларини кўзлаб онгли ёндашиш руҳида тарбиялашда область партия ташкилотларига яхши кўмак бермоқда.

Лекция пропагандаси КПСС XXVI съезди материалларини меҳнаткашларга тушунтириб беришда катта роль ўйнамоқда. Областимизда партия комитетларининг штатли лекторларидан ташқари 52 нафар штатсиз лектори, шунингдек, «Билим» жамиятининг 13 минг аъзоси бор.

Ҳозир область шаҳар ва районларида илм-фаннинг турли тармоқларига, шу жумладан ижтимоий-сиёсий билимларга бағишланган ойликлар «КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширамиз!» шиори остида ўтмоқда. Илмий-амалий ва назарий конференциялар, лекторийлар ва радиолекторийлар яхши самаралар берди. Қўқон, Қувада, Ленинград, Риштон ва бошқа районларда оғзаки пропаганданинг турли формаларидан моҳирона фойдаланилмоқда. Область партия комитети бу ишга доимий эътибор бериши туфайли сиёсий-тарбиявий иш яхшиланмоқда. Унинг бу соҳадаги фаолияти кейинги вақтларда тобора собитқадамлиги, анализ қилиш асосида ёндашиши, тавсияларни чуқур ишлаб чиқиш билан характерланади.

Бу йил обком бюросида аҳолининг кенг оммасида коммунистик онгни шакллантиришнинг кўпгина зарур масалалари кўриб чиқилди. Чунончи, бюронинг қатор мажлисларида Фарғона район партия комитетининг КПСС XXVI съезди ҳужжатларини пропаганда қилишга доир иши, Қўқон шаҳар партия комитетининг КПСС МК «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашга доир иши муҳокама қилинди, марксизм-ленинизм университетларида ўқув жараёнини такомиллаштириш масалалари ва бошқа проблемалар кўриб чиқилди. Партия ташкилотлари обком бюросининг қарорларини

ҳамда пропаганда ва агитация бўлимининг оммавий-сиёсий ишни яхшилашга доир тавсияларни бажариш тадбирларини ишлаб чиқишга жуда жиддий ёндашганликларини уқтириб ўтиш керак.

КПСС XXVI съезди материалларини пропаганда қилиш кўп йилларга мўлжалланган иш. Область партия комитети бу муҳим ишга халқ хўжалиги мутахассисларини, олимларни жалб этди, ўзининг жамоатчилик кенгашларини мустаҳкамлади. Докладчилар состави кучайтирилди. Чунончи область партия комитетининг докладчилари групписи юз кишидан ошиб кетди. Унга обком секретарлари, бюро аъзолари, бўлим мудирлари, оближроком раиси ва унинг ўринбосарлари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, йирик парткомларнинг секретарлари, олимлар киритилган. Анъанага кўра кўпгина докладчилар меҳнаткашлар ҳузурига ойига камида бир марта бориб турадилар. Махсус журналда ўқилган докладлар қайд этиб борилади. Область партия комитети ҳар бир доклад одамларга батафсил маълумот беришига, чуқур ишлаб чиқилишига интилмоқда. Шу мақсадда докладчилар муайян тарзда ихтисослаштирилмоқда.

Бошқа партия комитетларининг ҳузуридаги докладчилар группаларида ҳам иш тахминан шундай ташкил этилмоқда. 18 та мана шундай парткомнинг докладчилар группасида 1086 киши бор. Ленин ўқувлари, савол ва жавоб кечалари докладчилар иштирокида ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан докладчиларнинг ўқиши, уларга амалий йўл-йўриқ бериб туриш ғоят муҳимлигини таъкидлаш керак. Обком ва бошқа партия комитетларининг кўпчилик докладчилари штатдаги идеология ходимларининг область партия комитети ҳузуридаги назарий семинарида, марксизм-ленинизм университетида таълим олмоқда. Бундан ташқари докладчиларга мунтазам равишда ахборот бериб турилади.

Бошланғич партия ташкилотлари ҳузурида тузиладиган сиёсий ахборотчилар группалари ишлаб чиқариш коллективларида ва истиқомат жойларида катта ишларни олиб бормоқдалар. Бу группаларни тузишда тайёргарлиги яхши кадрларнинг борлиги, уларни мамлакатнинг сиёсий турмуши, партиянинг иқтисодий сиёсати, маданият ва ахлоқий тарбия, халқаро аҳвол масалалари бўйича ихтисослаштириш имконияти эътиборга олинмоқда.

Жуда кўпчилик партия ташкилотлари ихтисослаштириш — сиёсий ахборотчилар фаолиятида энг асосий ўзига хос хусусиятлардан бири эканини яхши тушунмоқдалар. Ихтисослаштириш танлаб олинган соҳадаги манбаларни чуқур ўрганиш, суҳбатларга пухта тайёргарлик кўриш, рўй бераётган воқеаларни яхши билиб шарҳлаш имконини беради.

«Атлас» бирлашмасининг салкам 200 сиёсий ахборотчиси фаолияти мана шу принцип асосида ташкил этилган. Улар асосан олий ва ўрта махсус маълумотли КПСС аъзоларидан иборат, уларнинг 80 проценти раҳбар инженер-техник ходимлардир. Улардан 60 киши ички сиёсат, 50 киши халқаро аҳвол, 40 киши иқтисодий ва 30 киши ахлоқий тарбия, этика, маданият масалаларига ихтисослашган.

Бу ерда сиёсий маориф ва одамларни тарбиялаш ишини шойи газлама ишлаб чиқариш хусусиятлари билан узвий равишда боғлашга интиладилар. Табиийки, бундай меҳнат ҳар бир ишчидан маҳорат, юксак малаканигина эмас, шунингдек гўзалликни сезишни, юксак дид ва маданиятни талаб қилади. Корхона чет элларга маҳсулот юборишда актив қатнашаётганлиги муносабати билан ҳам меҳнат коллективи зиммасига катта масъулият тушади. Сиёсий ахборотчиларнинг ишида мана шуларнинг ҳаммаси эътиборга олинади. Одатда суҳбатлар сменадан олдин бошланади ва чамаси 15—20 минут давом этади. Ҳар бир сиёсий ахборотчи ой давомида бир мавзуда уч-тўрт марта, ҳар сафар

янги кишилар ҳузурида суҳбат ўтказади. Иш шундай ташкил этилса унинг билимидан анча самарали фойдаланилади ва ҳар бир айрим коллективда барча энг муҳим масалалар юзасидан мунтазам ахборот бериб борилади.

Янги мавзуларни ишлаб чиқишда обком сиёсий ахборотчиларга ёрдам беради. Бултур унинг ҳузурида катта стажга эга бўлган сиёсий ахборотчи А. Зокиров тажрибасини оммалаштириш мактаби тузилди Парткомнинг идеология комиссияси суҳбатларнинг сифатига катта аҳамият беради. Энг тажрибали сиёсий ахборотчилар ёш касбдошларига суҳбатга тайёрланишда ёрдам берадилар, бир-бирларининг суҳбатида қатнашиш йўлга қўйилади, етук проблемалар биргаликда муҳокама қилинади. Сиёсий ахборотчилар учун коллективнинг турмуши тўғрисидаги зарур материаллар, «Съезддан съездгача», «Катта йўлнинг босқичлари», «Ресурслардан тежаб фойдаланиш — ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг жуда муҳим омили», «Илғор тажриба» ва бошқа мавзуларда материаллар тайёрлаб қўйилган. Бу ишда сиёсий маориф кабинети катта ёрдам бермоқда. Материалларни системалашда фан-техника ахбороти бюроси ва иқтисодий анализ бюроси қатнашади.

Агитколлективлар идеология ишида партия комитетларининг фаол ёрдамчиларидир. Улар кўпгина бошланғич партия ташкилотлари ҳузурида тузилган. Конкрет ишлар — одамларни сиёсий жиҳатдан муваффақиятли тарбиялаш мезони эканига энг яхши агитаторларимизнинг ишончи комил. Шу сабабли улар тежамкорлик, интизомлилик учун курашга имкони борича кўпроқ меҳнатчиларни жалб этишни, социалистик мусобақани ривожлантиришга, илғорлар тажрибасини жорий этишга кўмаклашишни ўзларининг бош вазифаси деб биладилар.

...Ип йигирув-пайпоқ тўқув комбинатининг агитколлективида 160 киши бор. Уларнинг ҳаммалари обрўли, сиёсий саводли коммунистлар комсомол аъзолари, партиясиз кишилардир. Улар орасида смена ва участка бошлиқлари, бригадирлар, мастерлар, илғор ишчилар бор Уларнинг кўплари одамлар билан ишлай олиш тажрибасига эга.

Бу коллективнинг бутун фаолияти план асосида қурилади. Унда комбинат олдидаги энг зарур вазифалар акс эттирилади. Агитаторлар социалистик мусобақани мунтазам равишда ёритиб, илғор тажрибани қимматли ватанпарварлик ташаббусларини пропаганда қилиб борадилар. Бригадалар ва участкаларда мунтазам ўтказиб туриладиган группа ва якка тартибдаги суҳбатлар прогулчиларга, дангасаларга ичкиликбозларга қарши жамоатчилик фикрини вужудга келтиришга кўмаклашади. Агитаторлар диндорлар билан якка тартибда иш олиб борадилар, мураббийлик ҳаракатида қатнашадилар. Агитколлективда хотин-қизлар оз эмас. Трикотажчилар бу йил асосий техникавий-иқтисодий кўрсаткичларни сезиларли равишда яхшилаган эканлар, бунда корхона парткоми жанговар ёрдамчиларининг хизмати катта.

Қўқонда ишлаб чиқаришдаги агитация-оммавий ишлар истиқомат жойидаги тарбиявий тадбирлар билан бирга қўшиб олиб борилади Шаҳар партия комитети бунинг учун муайян системани ишлаб чиққан. Мактаблар, уй бошқармалари, маданият, маърифат муассасалари уй-жой кварталларида ўтказиладиган тадбирларда актив қатнашадилар. Бутун фаолиятни оммавий-сиёсий ишлар жамоатчилик кенгаши мувофиқлаштириб туради, унинг планини шаҳар партия комитети тасдиқлайди. Лекторлар, докладчилар, сиёсий ахборотчилар аҳоли хонадонларига тез-тез бориб турадилар. Улар муайян кварталга, кўчага бириктириб қўйилганликлари сабабли улардан ҳар бири ўз тингловчиларини, уларнинг талаб ва истакларини яхши билади, микрорайон ёки маҳалланинг етилган проблемаларини улар билан бирга муҳокама қилади, зарур масалаларнинг ҳал этилишига интилади.

Пенсия ёшидаги кишиларга алоҳида эътибор берилади. Идеология ходимлари шу категориядаги аҳолининг истаклари ҳуқуқ-тартибот органларига, шаҳар ижроия комитетидаги хўжалик, маданият бошқармасига бориб етишига интиладилар.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари агитация-оммавий ишни такомиллаштиришда кенг активларга таянадилар. Пропаганда ва агитация бўлимлари раҳбарлигида 600 та жамоат кенгаши ва комиссияси ишлаб турибди. Масалан, кўргазмали агитация кенгашининг аъзолари шаҳар ва қишлоқларни муаяйн мавзуда ва байрамга атаб жиҳозлашнинг перспектив планларини ишлаб чиқишда, энг яхши дала шийпони, сиёсий маориф кабинети учун кўргазмали агитация кўрик-конкурсларини ўтказишда ёрдам бермоқдалар.

Қурувчилар бригадири, коммунист С. Шодмонов раҳбарлигида мураббийларнинг область кенгаши ишлаб турибди. Шаҳарларда, районларда, корхона ва қурилишларда, ташкилот ва муассасаларда ҳаммаси бўлиб 260 та шундай кенгаш тузилган. Улардаги салкам 11 минг мураббийга 19 мингдан кўпроқ ёш ишчи бириктириб қўйилган. Мураббийларнинг тармоқ слётлари йил сайин, область слётлари эса ҳар икки йилда ўтказилмоқда. Масалан, бу йил тўқимачилик ва ип йигирув-пайпоқ тўқув комбинатларида, Фарғона нефтни қайта ишлаш ва химиявий тола заводларида слётлар бўлиб ўтди.

Область кенгаши область партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими билан биргаликда мураббийлик ҳаракати ривожининг илк босқичида планларни, кундалик формаларни, тавсияномаларни ишлаб чиқдилар. Кенгаш аъзолари обкомдаги кенгашларда кўриб чиқиладиган масалаларни тайёрлашда ёрдам бермоқдалар, мураббийларнинг область слётларига ҳозирлик кўришда актив қатнашмоқдалар. Бу йилги слёт «Область корхоналарида, колхоз ва совхозларида ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида мураббийларнинг иши» деган мавзуга бағишланди. Ёш ишчилар ва мураббийлар орасида социологик тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Обком жамоат кенгашларига ва комиссияларига таяниб агитация-оммавий иш форма ва методларини бойитиш ҳамда такомиллаштиришга, меҳнаткашларни тарбиялашнинг самарали йўлларини излашга, уларни коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишга сафарбар қилишга интилмоқда. Одамларнинг диққат-эътиборини ижтимоий-сиёсий проблемаларга, область меҳнат коллективлари турмушидаги муҳим воқеаларга қаратиш учун жойларда клублар барпо этилмоқда, раҳбарлар, партия ва совет ходимлари, олимлар, мутахассислар иштирокида савол ва жавоб кечалари уюштирилмоқда. Одамларнинг коммунистик онглилигини шакллантиришда, ишлаб чиқаришдаги активлигини оширишда илғорларга ва ишчи сулолаларига бағишланган кечалар, коммунистик меҳнат зарбдорларининг слётлари, ветеранларни шарафлаш, ёш авлодни ишчилар сафига тантанали қабул қилиш сингари тадбирлар катта роль ўйнамоқда. Гражданлар ва Улуғ Ватан урушларининг қатнашчилари билан суҳбатлар, Фарғона водийсида Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун жанг олиб борилган унутилмас жойларга экскурсиялар, дўстлик кечалари, бошқа қардош республикалардаги турдош корхоналар билан социалистик мусобақани якунлаш маросими ватанпарварлик ва интернационал туйғуларни тарбиялашга ёрдамлашмоқда.

Областдаги «Коммуна» ва «Ферганская правда» газеталари, районлардаги газеталар ва радиоэшиттириш комитети КПСС XXVI съезди қарорларини пропаганда қилишда партия комитетларининг жанговар ёрдамчилари бўлмоқдалар. Улардаги «Беш йиллик проблемалари», «Сиз мусобақани қандай ташкил этдингиз?», «Чорвачилик —

зарбдор фронт», «Ёрдамчи хўжалик» ва бошқа рубрикалар газетхонлар эътиборини тортмоқда. Область радиоси орқали мунтазам берилаётган «КПСС XXVI съезди қарорларини бажарамиз!» радиолекторийсида съезд делегатлари — Ўзбекистон Компартияси область комитетининг иккинчи секретари П. В. Догонкин, область ижроия комитетининг раиси А. Рустамов, тўқимачилик комбинатининг ип ўровчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Мирзабобоева, механика заводининг директори И. Каримов қатнашмоқдалар.

Хуллас, область партия ташкилотлари жамоатчилик кучини КПСС XXVI съезди материалларини батафсил тушунтиришга сафарбар этишга муваффақ бўлдилар, сиёсий-тарбиявий ишни съезд кўрсатмалари асосида қайта қурдилар. Агитация-оммавий ишнинг бош ташкилотчилари — партия ташкилотлари секретарларининг идеология иши билан шуғулланувчи ўринбосарларига миннатдорчилик билдирса арзийди.

Шу билан бирга пропаганда ва агитациянинг самарадорлигини пасайтираётган, унинг тўла куч билан ривожланишига халақит бераётган камчиликларни ҳам айтиб ўтмоқ керак. Масалан, Охунбобоев ва Фарғона районларида лекция пропагандасини съезд йўл-йўриқлари асосида қайта қуришда сусткашлик қилинмоқда. Мана шу район партия комитетларининг бўлимлари КПСС МКнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан зарур конкрет тадбирларни кўрмаётганликлари учун ҳам область партия комитети ўз зиммасидаги айбни соқит қилмайди. Қоғозларга қараганда бу районлардаги иш чакки эмас, бироқ, амалда расмиятчилик ва дабдабабозлик кўзга ташланади. Пропаганда ва агитация ҳамиша ҳам актив, ҳужумкор тусда эмас, баъзан турмушдан ажралиб қолмоқда. Партия ташкилотлари секретарларининг семинарларини ўтказиш чоғида шу нуқсонлар кўрсатиб ўтилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ бирмунча силжишга эришилди. Аммо, назаримизда, жойлардаги бутун идеология ишини назорат қилиш, уни такомиллаштириш билан пухта ўйлаб, мунтазам шуғулланиш, пайдо бўлаётган ҳамма проблемаларни ишчанлик билан ҳал қилиш лозим.

Баъзи партия ташкилотлари эскичасига ишлашни афзал кўрмоқдалар, ғоявий-тарбиявий иш масалаларини комплекс ҳал этишга интилмаяптилар. Улардаги асосий иллат шуки, бу иш коллективлар олдида турган конкрет вазифалар билан боғлаб олиб борилмаяпти, идеология кадрларини тайёрлаш сифатига дуруст эътибор берилмаяпти, ҳатто улар айрим ҳолларда ахборот материаллари билан ўз вақтида таъминланмаяпти. Бундай ҳолларда эса пропагандистларнинг одамлар билан жонли, дилкаш суҳбат қуришлари, назарий қоидаларни тингловчиларга конкрет мисоллар ва фактлар асосида яққол тушунтириб беришлари қийин.

Дала шийпонларида ва истиқомат жойида агитация-оммавий иш мунтазам ўтказилмаяпти. Бу — биринчи галда район партия комитетларининг камчилиги, албатта.

Ҳозир биз камчиликларни тугатишга сабот билан интилаяпмиз. Сиёсий агитация, бутун идеология иши меҳнаткашларни белгиланган планларни муваффақиятли бажаришга сафарбар қилишнинг тобора таъсирчан воситаси бўлиб қолмоқда, янги инсонни камол топтиришни эса партия ўз сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири деб билаётганлиги КПСС XXVI съездида таъкидлаб ўтилди.

ПАРТИЯ СЎЗИ—ОММАГА

М. ПОДЛИПСКИЙ,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими лекторлар группасининг раҳбари

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ идеологик, сиёсий-тарбиявий фаолиятини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишда лектор, агитатор, пропагандистнинг сўзи катта роль ўйнайди. Конкрет аудитория билан жонли мулоқотда бўлганида оғзаки пропаганда ёркин ва тушунарли мисоллар асосида коммунистик қурилишдаги муваффақиятларни кўрсатиш, партия сиёсатини тушунтириш, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий активлигини оширишга амалий таъсир қилиш имконини беради. Ана шу омилларни ҳисобга олиб, В. И. Ленин ёзган эдики, ҳар қандай пропагандист билан агитаторнинг вазифаси «мазкур тингловчиларга жуда яхши таъсир қилиш учун маълум ҳақиқатни унга мумкин қадар ишонадиган қилиб, мумкин қадар осон тушунадиган қилиб, мумкин қадар аниқ ва эсда қаттиқ сақланадиган қилиб гапиришдан иборат» (Тўла асарлар тўплами, 21-том, 24—25-бетлар).

Оғзаки пропаганда партия фаолиятининг ҳамиша муҳим соҳаси, КПССнинг омма билан доимий алоқасининг, уни партия теварагига, ленинчи Марказий Комитет теварагига жипслаштиришнинг актив формаларидан бири, сиёсий раҳбарликнинг таъсирчан қуроли, меҳнаткашларни коммунистик қурилиш планларини муваффақиятли бажариш учун курашга сафарбар қилишнинг қудратли воситаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съезди минбаридан туриб партия сўзини оммага элитаётган, унинг сиёсатини тушунтираётган, халқ учун фойдали ва керакли ишни қилаётган лекторлар, пропагандистлар, агитаторлар ва докладчиларга миннатдорчилик билдирди. Айни ўшалар, жойлардаги — корхона, колхоз, совхоздаги аҳволни яхши билганлари учун ҳар бир коллективнинг шарт-шароитига татбиқан умумсиёсий вазифаларни конкретлаштириш учун кўп иш қилмоқдалар.

Ўзбекистондаги партия комитетлари, партия XXVI съездининг ҳужжатларига, КПСС МКнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорига амал қилган ҳолда, марксча ленинча назариянинг актуал проблемаларини, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини кенг пропаганда қилмоқдалар. КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов республика Компартиясининг XX съездида идеологик таъсир кўрсатишнинг бой хазинасида лекция пропагандаси муҳим ўринни ишғол қилишини таъкидлаб ўтди. Лекторларнинг самарали меҳнати юксак мукофот билан тақдирланди. Самарадорликни ва иш сифатини ошириш, 1980 йил ҳамда ўнинчи беш йиллик халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа якунларига кўра республика «Билим» жамияти Ўзбекистон Компартияси МК, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф

ва Ўзбекистон ЛКСМ МҚнинг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Ҳозирги вақтда лекторларнинг куч-ғайрати XXVI съезд қарорларининг, ўртоқ Л. И. Брежневнинг съезддаги доклади қоидалари ва хулосаларининг тарихий аҳамиятини ҳар тарафлама тушунтиришга, республика меҳнатчиларининг ижтимоий-сиёсий ва ишлаб чиқариш активлигини оширишга қаратилгандир. Партия комитетларининг 72 штатдаги ва 6440 штатсиз лекторлари, «Билим» жамиятининг 142 мингдан зиёд аъзоси шу иш билан шуғулланмоқда.

Лекция пропагандасини перспектив ва жорий планлаштиришни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш манфаатларини, тингловчиларнинг демографик ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш унинг илмий савиясини ҳамда самарадорлигини оширишга ёрдам бермоқда. Партия комитетлари лекциялар тематикасининг актуаллигини, уларнинг меҳнат коллективларини социал-иқтисодий ривожлантириш комплекс планларини амалга ошириш билан маҳкам боғлиқ бўлишини таъминлашга эришмоқдалар. Меҳнаткашларнинг лектор сўзига қизиқиши ошиб бораётганлигига қуйидаги маълумотлар далилдир: 1980 йилда республикада бир ярим миллиондан зиёд лекция ўқилди. Бу 1978 йилдагидан 300 мингта ортиқдир.

Ижтимоий-сиёсий тематикага биринчи даражали аҳамият берилмоқда, ўтган йилда ўқилган лекцияларнинг 52 проценти ана шу тематикага бағишланди. Ривожланган социализмнинг характерли хусусиятларини очиб бериш, жамиятимизнинг социал-сиёсий ривожланиши, социалистик турмуш тарзи лекцияларда муҳим ўрин ишғол қилмоқда.

Партиямиз иқтисодий сиёсатининг актуал проблемаларини пропаганда қилиш соҳасидаги иш активлаштирилди. Бунда ўн биринчи беш йилликнинг муҳим вазифаларига, уни муддатидан аввал бажариш учун социалистик мусобақани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Партия комитетларининг, «Билим» жамияти ташкилотларининг лекторлик группалари КПСС XXVI съездининг кўрсатмаларидан келиб чиқиб, ленинча миллий сиёсатни пропаганда қилишни, меҳнаткашларни кўп миллатли совет давлатига бирлашган барча миллатлар ва элатларнинг бузилмас дўстлиги руҳида тарбиялаш ишини кучайтирдилар.

Партия XXVI съездининг жаҳон революцион процессини ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари юзасидан чиқарган хулосалари ва қоидаларини, КПССнинг тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашини пропаганда қилиш муҳим аҳамиятга моликдир. Лекция ишида буржуа идеологиясини танқид қилиш, империалистик давлатлар пропагандистик хизматлари идеологик қўпорувчилигини фош этиш катта ўринни ишғол қилади.

Партия комитетларининг раҳбарлигида республикада оммавий пропаганданинг хилма-хил формалари кенг барпо қилинди. У: сиёсий ва илмий билимларни систематик ёйишни таъминлаш, тингловчиларнинг онгига муайян мақсад билан ғоявий таъсир кўрсатиш; ҳозирги замоннинг актуал проблемаларини тушунтиришга меҳнаткашларнинг турли категориялари интеллектуал эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш, мустақил билим олиш методларининг улар учун энг мақбулларини танлашда уларнинг имкониятларини кенгайтириш; «Билим» жамияти ташкилотлари фаолиятини комсомол комитетлари, касаба союз ташкилотлари, турли идоралар ва муассасаларнинг лектор кадрлари иши билан координация қилиш асосида пропаганда оммавий формаларининг меҳнаткашларга сиёсий ва иқтисодий билим бериш системаси билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилишини

мустаҳкамлаш; оммавий пропаганда турли формаларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда лекторлар танлаш ва уларни ўқитишни такомиллаштириш вазифаларини комплекс ҳал этиш имконини беради.

Сиёсий ва илмий билимларни ёйишда лекция ишининг лекция туркумлари, кино ва радиолекторийлар, савол ва жавоб кечалари, давра суҳбатлари ва шу каби формаларидан кенг фойдаланилмоқда. «Ленинизм яшамоқда ва ғалаба қилмоқда», «Бунёдкорлик ва тинчликнинг ленинча йўлидан» ижтимоий-сиёсий ўқувлари катта таассурот туғдирди.

Меҳнат коллективларида ташкил этилаётган тематик лекциялар туркумлари коммунистик тарбиянинг таъсирли формасидир, бундай лекцияларда марксизм-ленинизмнинг асосий принциплари, ривожланган социалистик жамиятнинг қонуниятлари, КПСС ички ва ташқи сиёсатининг масалалари, совет турмуш тарзининг социал жиҳатлари ва шу кабилар ёритилади. Ҳаммаерда «КПСС XXVI съездининг қарорлари — ҳаётга» мавзуидаги лекция туркумлари ташкил этилди. Лекторлар ҳар бир кишининг умумий иш муваффақияти учун, ижтимоий меҳнат унумини ошириш учун, моддий ресурсларни тежаш учун шахсий жавобгарликни тушуниб олишда тингловчиларга ёрдам беришга интилмоқдалар. Шу мақсадда меҳнат коллективларидаги идеологик иш комплекс планларида: илғорлар тажрибасини ёйишда лекторлар иштирокини активлаштириш; барча меҳнаткашларни ўз коллективи шон-шарафи учун курашга жалб қилишда, уларда ўз касбидан фахрланиш туйғусини тарбиялашда лекция пропагандасидан фойдаланиш; мусобақанинг бориши, ҳар бир меҳнаткаш ва бутун коллективнинг иш натижалари тўғрисида мунтазам ахборот бериб туришда лекция пропагандасининг ролини ошириш; меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун лекция пропагандасидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Партия комитетлари меҳнат коллективларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, лекцияларнинг тематикасини кенгайтиришга эришмоқдалар. Масалан, Мирзачўл районида 46 лектор КПСС иқтисодий стратегиясини ва қишлоқ хўжалик билимларини пропаганда қилиш масалаларига ихтисослашмоқда. Активларнинг лекторлик маҳоратини такомиллаштириш, уларнинг чиқишлари мазмунини яхшилаш ва яхши тушунарли бўлиши учун район партия комитетининг кўрсатмаси билан «Дўстлик» район газетасида қишлоқ хўжалик экономикаси проблемалари юзасидан «Пропагандист ва лекторларнинг давра суҳбати» доимий рубрикаси жорий этилди.

Пропагандани ташкил этишнинг ягона сиёсий кун сингари формаси ҳаммаерда расм бўлди. Ҳар ойнинг муайян кунида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, область, шаҳар ва район партия комитетларининг аъзолари, депутатлар, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, корхоналар ва хўжаликларнинг раҳбар ходимлари, партия комитетларининг штатсиз лекторлари ҳамда «Билим» жамиятининг аъзолари меҳнат коллективларида лекциялар билан чиқиб турадилар. Сиёсий кунларда катта аудитория — бир миллиондан зиёд киши йиғилади. Масалан, Андижон ва Шофиркон районида бу иш пухта ўтказилмоқда. Бу ерда чиқишлар ўзгарувчи график асосида ташкил этилади. Лекторлар билан докладчилар республика, областлар, шаҳар ва районлар ҳаётидан олинган ахборий материаллар билан танишиш имкониятига эга бўладилар. Бу материалларни экспресс-ахборот формасида партия комитетлари «Билим» жамияти ташкилотлари иштирокида тайёрлайдилар. Моҳирлик билан ташкил этилган сиёсий кунлар бир қатор жойларда турли инстанцияларга тушаётган шикоят ва аризалар сонини учдан бир қисмга камайтириш имконини берди.

Меҳнаткашларни коммунистик тарбиялашда, кадрлар малакасини оширишда халқ университетларининг роли тобора ошиб бормоқда, республикада бундай университетлар салкам 2,5 мингтадир. Уларда 25 мингдан зиёд юқори малакали мутахассислар машғулотлар ўтказадилар. Халқ университетларининг тармоғи ва тингловчиларнинг сони 1980 йилда 1975 йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўпайди. Саноат корхоналари, колхоз ва совхозларда университетлар сони анча ошди. Ижтимоий профилдаги университетларнинг проблемавий йўналиши кенгаймоқда.

Навоий шаҳарида халқ университетлари иши қизиқарли йўлга қўйилган. Шу нарса характерлики, улар айрим корхоналарда эмас, балки университет уларнинг самарали ишлаши учун қулай шарт-шароитлар яратилган шаҳардаги «Фарҳод» маданият саройида ташкил этилган. Ўзбекистоннинг кичик ва ўрта шаҳарлари шароитига мос бўлган халқ университетларини ташкил этишнинг бундай формаси ҳаммаерда ёйилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги билимлари халқ университетлари самарали ишламоқда. Масалан, Тошкент областида чорвачилик университети очилган бўлиб, унда кўпгина раҳбар партия, совет ва хўжалик ходимлари таълим олди.

Лекция пропагандасини кучайтириш мақсадида бир неча минг олим ва малакали лекторлар лекциялар ўқиш ва жойларда методик ёрдам кўрсатиш учун областларга мунтазам чиқиб турибдилар. Партия ва меҳнат ветеранлари, гражданлар ва Улуғ Ватан урушлари қатнашчилари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, республиканинг донгдор пахтакорлари ва чорвадорлари меҳнаткашлар олдида чиқишга кенг жалб этила бошлади.

Лекторлар кунлари, фан кунлари ўтказиш пропаганда иши практикасига мустаҳкам сингиб кетди, бундай кунларда олимлар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари лекциялар ўқиш, савол ва жавоб кечалари, оғзаки журналлар, давра суҳбатлари, тематик кечалар ташкил этиш учун меҳнат коллективлари ҳамда аҳолининг тураржойларига оммавий равишда бориб турибдилар. Бундай тадбирлар республика меҳнаткашлари ўртасида жуда машҳурдир.

Ишнинг лекторлик эстафетаси сингари қизиқарли формаси ҳам расм бўлди. Масалан, Бухоро областида ўтказилаётган илғор тажриба эстафетасида илғор хўжаликларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари қатнашмоқдалар, улар фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, хўжалик механизмини такомиллаштириш, иқтисод ва тежамкорлик, ёшларнинг меҳнат тарбияси самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан лекция қилмоқдалар. Эстафета группалари қатнашчилари социалистик мусобақани ташкил этишга, унинг ошкоралилигини, натижаларининг қиёсийлигини таъминлашга, мусобақанинг ўз вақтида якунланиши ва ғолибларнинг рағбатлантирилишига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Лекция ишининг самарадорлигини ошириш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими ҳузурида уни координациялаштириш юзасидан жамоатчилик совети ташкил этилган. Бу советнинг вазифаси ташкилотлар ва муассасалар лекция-пропаганда фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштириш; ижобий тажрибани умумлаштириш ва ёйиш мақсадида лекция пропагандаси тажрибасини ўрганиш; назарий семинарлар, илмий-методик конференцияларни тайёрлаш ва ўтказишга кўмаклашиш, лекторлик маҳорати масалалари ва шу каби масалалар юзасидан материаллар ишлаб чиқиш; лекция ишининг у ёки бу масалалари юзасидан ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг ахборотларини муҳокама қилишдир. Советнинг мажлисларида юстиция ва ички ишлар министр-

ликлари, прокуратуранинг, республика Давлат телерадиосининг лекция пропагандаси масалалари юзасидан фаолияти, «Билим» жамиятининг бир қатор область бўлимлари иши муҳокама қилинди.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида партия комитетларининг лекторлик группалари ҳар кварталда лекцияларда бериладиган энг характерли саволларнинг сводкаларини тузадилар. Бунда муассасалар, корхоналар ва хўжаликлар раҳбарларининг уларга пухта ва оператив муносабатда бўлиши зарурлигига эътибор берилади. Чунончи, Олмалиқ шаҳар партия комитети кўрган тадбирлар натижасида автобуслар парки иши бирмунча изга тушди, умумий овқатланиш яхшиланди ва ҳоказо. Наманган областида тингловчилар асбоб-ускуналардан оқилона фойдаланишга, тежамкорлик режимига риоя қилишга қаратилган 200 дан зиёд таклиф киритдилар.

Вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган социологик тадқиқотлар республикада лекция пропагандаси самарадорлигини ўрганишга кўмаклашмоқда. Тегишли партия комитетлари конкрет тадбирлар кўриш учун уларнинг натижаларидан фойдаланмоқдалар. Масалан, Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Самарқанд, Тошкент областларида ва Тошкент шаҳрида аҳоли турли группаларидан сўраб чиқилгандан кейин партия талаблари асосида лекция пропагандасини ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга жамоатчилик онгини шакллантириш, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари сиёсий ҳамда ишлаб чиқариш соҳасидаги активлигини ошириш учун лекция пропагандасининг имкониятларидан ҳали тўла фойдаланилаётгани йўқ. Лекцияларнинг тематикаси ва сифати ҳамиша ҳам тингловчиларнинг ошиб бораётган эҳтиёжларини қондираётир деб бўлмайди. Олис жойларда ва аҳоли яшайдиган ерларда, хусусан ишчилар ва студентларнинг умумий ётоқхоналарида ҳали ҳам лекциялар кам ўқилмоқда. Баъзи чиқишлар меҳнат коллективлари ҳал этаётган конкрет вазифалар билан суст боғланган бўлади. «Билим» жамияти аъзоларининг тўртдан бир қисмидан кўпроғи аудиторияларда аҳён-аҳёнда чиқмоқдалар. Кўпгина методика советлари ва секциялари суст ишламоқда, лекциялар кам тақриз этилмоқда. Штатдаги лекторларга бошқа вазифаларнинг юкланиши, «Билим» жамияти район ташкилотлари масъул секретарларининг тез-тез алмашиб турилиши лекция пропагандасининг аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда. Техника воситаларидан ҳали ҳам етарлича фойдаланилаётгани йўқ.

Лектор сўзи совет кишилари ўртасида орттирган обрў унга кўп нарсани юклайди. Вазифа шундан иборатки, лекция пропагандаси меҳнаткашларда юксак ғоявийликни, сиёсий маданиятни, гражданлик масъулиятини, меҳнатга виждонан муносабатда бўлишни, маънавий покликни, совет ватанпарварлиги ва пролетар, социалистик интернационализм, Ватанни ҳимоя қилишга шайлик туйғусини тарбиялашга хизмат қилсин, коммунистик ғояларнинг, Ленин партияси бунёдкорлик фаолиятининг улуғворлигини ёрқин ва ишонарли қилиб кўрсатиб берсин. Ғоявий таъсир кўрсатишнинг бошқа воситалари билан бир қаторда у республика олдида турган хўжалик-сиёсий вазифаларни муваффақиятли бажаришга кўмаклашишга даъват этилган.

Шу мақсадда лекция пропагандасининг илмий савиясини, унинг таъсирчанлигини оширишга эришиш зарур, токи лекцияларнинг мазмуни актуалроқ бўлсин, формалари эса меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжларига жавоб берсин. Лекция ишида ҳозирги шарт-шароитларнинг хусусиятларини, кишилар билимининг савияси, маънавий эҳтиёжлари юксалганлигини ҳисобга олиш, унинг амалий тусда бўлиши ва конкретлигини, турмуш билан алоқасини кучайтириш керак. Бунда ўқи-

лаётган лекцияларнинг ғоявий-назарий мазмуни ва тематикасини янада яхшилашга биринчи даражали эътибор бериш керак.

Лекция пропагандасига қўйилаётган ҳозирги талабларнинг савияси уни ривожлантириш истиқболларини жиддий равишда асослаш зарурлигини тақозо этади. Республикада кўпдан бери ҳамма даражаларда лекция ишини перспектив планлаштириш амалга оширилмоқда. Бу келгусидаги иш ҳажмини кўзда тутиш, мавжуд воситалар хазинасини кенгайтириш ва янгилаш имконини беради. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бундай планларни тайёрлаш вақтида умумий мақсадлардан келиб чиқиб тарбиявий фаолиятнинг турли йўналишларида эришиш зарур бўлган конкрет кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, шунингдек уларга эришиш воситалари ва формаларини белгилаб олиш жуда муҳимдир. Бу ўринда, иқтисодий планлаштиришда бўлгани каби, биз оралиқ бўғинлари билан пировард натижаларни моҳирлик билан уйғунлаштириш вазифасини бажарамиз.

КПСС XXVI съезди цехлар, бригадалар ва бошқа ишлаб чиқариш объектларида лекция пропагандасини, амалий, конкрет, муайян коллективга мўлжалланган пропагандани бутун чоралар билан кенгайтиришга эътибор беришга даъват этади. Бу ўринда меҳнаткашларнинг тобора кенг қатламларини оташин партиявий сўз билан қамраб олиш тўғрисида гап бормоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР «Билим» жамиятида автоматик бошқарув системаси барпо қилишни жадаллаштириш, жамиятнинг бошланғич ташкилотлари составини инженерлар, техниклар, агрономлар, механизаторлар, бригадирлар, яъни ишлаб чиқаришдаги ишнинг аҳволини яхши билган ҳолда ўз чиқишларида умумий сиёсий вазифаларни шу коллективларнинг ишлари билан самарали боғлай оладиган кишилар билан мустаҳкамлаш зарур.

Ҳозирги шароитда меҳнат коллективларида лекторлар ўтказаётган амалий машғулотларнинг роли ошиб бормоқда. Бундай машғулотлар тингловчиларни таҳлил этишга, ҳисоблашга, қиёс қилишга ўргатади. Иқтисодий анализ кўникмалари уларни асбоб-ускуналар, иш вақти, хом ашё, материаллардан самаралироқ фойдаланиш йўлларини ижодий излашга ундайди. Анализ жараёнида, одатда, ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, ҳар бир иш ўрнида мавжуд резервларни тўлароқ сафарбар этиш юзасидан конкрет таклифлар ҳам пайдо бўлади.

Бироқ қишлоқ жойларда кўпгина лекторлар ҳали шундай машғулотлар ўтказиш учун етарлича тажрибага эга эмаслар. Уларни иқтисодий анализ усулларига ўргатишда лекциялар ўқиш учун тез-тез районлардаги хўжаликларга бориб турадиган шаҳарлик оталиқ қилувчилар катта роль ўйнаши мумкин эди. Бундай алоқалар янада мустаҳкамроқ бўлсин учун, афтидан, фан, техника ва илғор ишлаб чиқариш тажрибасини пропаганда қилиш юзасидан «Билим» жамиятининг район ташкилотлари билан оталиқ қилувчи районларнинг меҳнат коллективлари ўртасида ижодий ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузиш тўғрисида ўйлаб кўриш лозим бўлади. Бундай шартномаларда, жумладан, қишлоқлардаги меҳнат коллективларида фан ва экономика проблемалари юзасидан лекция туркумлари, зарур бўлиб қолган ҳолларда эса бир даъфа лекция ўқиш учун малакали лекторлар билан таъминлаш; иқтисодий ва илмий-техникавий билимлар ҳамда илғор тажрибани пропаганда қилиш юзасидан пропагандистлар ва лекторлар учун қўшма семинарлар, илмий-амалий конференциялар ўтказиш; махсус ишлаб чиқилган план асосида қишлоқ хўжалик мутахассислари малакасини ошириш ва шу кабиларни кўзда тутиш мумкин бўлар эди

Империализм идеологлари ва уларнинг пекинлик жўровозларининг КПСС ички ва ташқи сиёсатини қоралаш йўлидаги уринишларининг бутунлай сохталигини англаб олишда совет кишиларига ёрдам бериш

оғзаки пропаганданинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Антикоммунизм ва антисоветизмнинг ёлғон фисқи-фасодларини, «ҳуқуқ» ва «эркинлик»нинг мунофиқ ҳимоячиларининг ҳақиқий қиёфасини ишчанлик билан, юксак илмий савияда, мантиқан пухта ва асосли равишда фош этиш, пекинлик шовинистларнинг гегемонлик йўлини, уларнинг агрессив муддаоларини, империализм, реакция ва уруш кучлари билан бир ёқадан бош чиқарганлигини ошкор қилиш зарур.

КПСС миллий сиёсатини буржуача сохталаштиришга қатъий зарба бериш лозим. «Америка овози», «Би-би-си», «Озодлик» каби радиостанциялар ўз эшиттиришларида Ўрта Осиё халқлари тилларида, шу жумладан ўзбек тилида, «миллий анъаналар ва миллий тил»ни ҳимоя қилиш ниқоби остида миллатчилик туйғуси туғдиришга, бир халқни иккинчи халққа қарши қўйишга уринмоқдалар. Душман пропагандасининг маккорона методларини конкрет ва ишонарли тарзда фош этиш, дунёда биринчи марта социализм ғалаба қилган мамлакат тўғрисидаги ҳақиқатни, илгари тарихда мисли кўрилмаган СССР халқларининг бирлик ва дўстлик муносабатлари тўғрисидаги ҳақиқатни кишиларга етказиш зарур. Идеология курашида позициямизнинг ҳужумкорлигини таъминлайдиган муҳим нарса — бу марксча-ленинча ғояларнинг буюк ҳаётий кучи, социалистик ва коммунистик қурилишнинг муваффақиятларидир. Бу совет кишилари интилаётган энг инсонпарварона идеаллардир.

Шу боисдан ҳам сиёсий-тарбиявий иш савиясини ва аввало агитация-пропаганда кадрлари малакасини бундан буён ҳам юксалтириш зарур. Шуни кўзда тутиш лозимки, идеология иши ўз мазмунига кўра бир вақтнинг ўзида ҳам фан, ҳам санъатдир. У шунинг учун фанки, ижтимоий ривожланишнинг объектив қонунларидан келиб чиқади ва марксизм-ленинизмнинг мустаҳкам заминига асосланади, у шунинг учун санъатки, уни идеология ишига дахлдор бўлган кишиларнинг ташаббуси ва ижодисиз, юксак маҳорати, маданиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ғоявий-тарбиявий ишнинг сифати муайян даражада пропагандистлар, лекторлар, агитаторлар, сиёсий ахборотчиларнинг тайёргарлик даражасига боғлиқдир. Ҳозирги мавжуд тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системаси КПСС XXVI съезди талабларини ҳисобга олган ҳолда янада ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши керак. Шу билан бирга практика аввало икки йўналишда ташкилий қайта қуриш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу лекторларни оғзаки пропаганда санъатига ўргатишни яхшилаш ва лекторлар, пропагандистлар, докладчиларнинг хабардорлик даражасини анча оширишдан иборат.

Лекцияларнинг ғоявий-сиёсий мазмуни бутунлай лекторлар состави билан белгиланишлиги тўғрисидаги ленинча қоидага амал қилиб, уларни тайёрлашнинг мавжуд уч бўғинли системасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мўлжалланмоқда. Унинг бошланғич бўғини олий ўқув юртлари ҳамда йирик корхоналарда барпо қилинган 365 та ёш лектор мактабларидир. 1980/81 ўқув йилида уларда 15 мингдан зиёд киши таълим олди. Ўрта звено — лекторлик маҳорати асослари шаҳар ва район мактабларидир. Ҳозирги вақтда улар 155 та бўлиб, тингловчилари қарийб 5,5 минг кишига етиб қолди. Ниҳоят лекторлар тайёрлашнинг юқори формаси (23 та лекторлик маҳорати университети) 1500 дан кўпроқ кишини жалб қилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими лекторлик группасининг тавсияси билан Тошкент шаҳар партия комитетининг марксизм-ленинизм университети кейинги уч йил мобайнида идеология кадрлари факультетида экономист-лекторлар ва халқаро масалалар билан шуғулланувчи лекторлар тайёрламоқда. Шунингдек, Фарғона, Самарқанд, Хоразм ва Қорақалпоғистон область партия комитетларининг марксизм-ленинизм университетлари ҳам

лекторлар тайёрлай бошладилар. Кўпгина лекторлар КПСС МҚ ҳамда Ўзбекистон Қомпартияси МҚ, «Билим» жамиятининг йирик ташкилотлари ташкил этаётган курслар ва семинарларда қайта тайёрловдан ўтдилар. КПСС XXVI съезди қарорлари асосида идеология ишини такомиллаштириш масалаларига бағишланган республика семинар-кенгаши, унда КПСС МҚ Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП МҚ биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг сўзлаган нутқи, КПСС МҚ пропагандистлар группаси иштирок этган лекторларнинг республика семинари лекторлик маҳоратининг яхши мактаби бўлди.

Партия комитетлари ҳузурида ташкил этилган ахборот-пропаганда марказлари лекторларга доимий ёрдам кўрсатмоқда. Улар методик ва справка материалларини мунтазам тайёрламоқда, шунингдек лекторлик маҳорати кабинетлари ва бўрчаклари ҳам лекторларга ёрдам бериб турибди. Тошкент область партия комитетлари идеология активи учун ўтказган ахборий конференциялар манзур бўлди.

Вазифалар юксаклигида бўлиш — лектор учун чинакам ленинча пропаганда санъатини эгаллаш, ўз чиқишларида партиявийлик, ғоявий эътиқодни, ҳозирги турмуш ҳодисаларини таҳлил этиш ва умумлаштиришга илмий ёндашишни мужассамлаштириш, темани чуқур билиш, большевистик жўшқинлик, тингловчилар харектерини ҳисобга ола билиш, уларнинг манфаатларини кўзда тутиш демакдир. Лекторларимизнинг аксар кўпчилиги ана шу хислатларга эга бўлиб, тингловчиларнинг катта ҳурматига сазовордир.

Совет кишиларининг тобора ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжлари барча лекторларнинг жонли сўз санъатини, оғзаки пропаганда санъатини эгаллаш вазифасини жуда кескин қилиб қўяди.

Бунинг учун лекторларнинг яхши методик тайёргарлиги лозим. Кўпгина ташкилотларда уларга фактик ва назарий материални ўзлаштириш ёрдам беради, лекин омма қаршисида сўзлаш методикаси масалаларига етарлича эътибор берилмаётир. Практика эса шуни кўрсатмоқдаки, агар лектор ўз лекциясини методик жиҳатдан тўғри тузмаса, бу ҳол оғзаки пропаганда самарадорлигини оширишга тўсиқ бўлади. Шу боисдан методик ишни, лекцияларни тақриз этишни, текстларни тинглаш ва муҳокама қилишни ҳаммаерда активлаштириш керак.

Лекция пропагандаси самарадорлигини оширишда социологик тадқиқотлар анча ёрдам бериши мумкин. Гарчанд бу ишда ҳали катта қийинчиликлар мавжуд бўлса-да орттирилган тажриба муайян мақсад билан аҳоли ва лекторлар активига анкета орқали саволлар тарқатиш — оғзаки чиқишларнинг таъсирчанлигига эришишнинг пухта асоси эканлигидан далолат беради.

Бошқа бир муҳим проблема —таълимнинг техникавий воситаларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишдан иборат. Республика «Билим» жамияти правлениеси базасида Ўзбекистоннинг барча шаҳарлари ва районларида лекция пропагандаси ташкилотчилари учун ўқув маркази ташкил этишни биз ана шу проблемани ҳал этишнинг йўли деб биламиз.

Тингловчилар лекторлардан фактларни ижодий мушоҳада этиш асосида назарий умумлаштиришларни, жиддий, чуқур анализни, жонли ва тушунарли формада келтириладиган далилларнинг ишонтирарли бўлишини, ўртоқларча, самимий мулоқотда бўлишни талаб қиладилар. Лекторлар ўз ишларини чуқур билишлари ва қизғин севишлари, ҳаётни пухта ўрганишлари, ҳамиша халқ орасида бўлишлари, меҳнаткашларнинг кайфияти ва эҳтиёжларини зийраклик билан пайқаб олишлари, партия ташкилотларининг жанговар ёрдамчилари бўлишлари керак.

КОМПЛЕКС ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ПРОБЛЕМАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШГА ОЛИМЛАР ҚЎШАЁТГАН ҲИССА

С. ЗИЕДУЛЛАЕВ,

академик, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш советининг раиси

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ ривожлантириш кўрсаткичлари, КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида қилган докладида айтиб ўтганидек, партиянинг иқтисодий стратегияси тўғри эканлигини ишонарли тарзда тасдиқлаб турибди: мамлакат коммунизм моддий-техника базасини яратишнинг ҳамма йўналишларида анча олға силжиди, совет жамиятининг ишлаб чиқарувчи кучлари янги сифат даражасига эришди.

Ушбу ютуқларда совет фанининг роли катта. Бу фаннинг кўпдан-кўп тармоқлари орасида илмий прогнозлаш тобора катта аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда бу масъулиятли иш Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш совети (ИКЎС) коллективи зиммасига юкланган. Бу совет илмий муассасалар ва лойиҳалаш институтларининг куч-ҳаракатларини уйғунлаштириши ва республиканинг ресурслар потенциалини аниқлаб олиш ва белгилаш, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш мақсадида уларни ўрганиш соҳасидаги комплекс тадқиқотлар, шунингдек Ўзбекистон экономикасини территориал асосда ташкил этишни такомиллаштириш натижаларини умумлаштириши лозим.

ИКЎСнинг илмий фаолиятидаги учта ўзаро боғланган йўналишни кўрсатиб ўтиш мумкин: районлар бўйича комплекс проблемаларини тадқиқ қилиш; табиий ресурсларни хўжалик учун янада тўлароқ ўзлаштириш имкониятлари ва йўлларини ўрганиб чиқиш; умуман республикадаги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг узоқ муддатли прогнозларини ишлаб чиқиш.

Районлар бўйича комплекс проблемаларни тадқиқ қилиш юзасидан Ўзбекистон ССР Госплани ва республика Фанлар академиясининг Экономика институти билан биргаликда, кўпгина илмий муассасалар ҳамда лойиҳалаш институтлари иштирокида ИКЎС олиб борган тадқиқотлар орасида Ўзбекистоннинг аҳоли энг зич яшайдиган ва табиий-иқтисодий жиҳатдан яхши истиқболли райони бўлмиш Фарғона водийсида олиб борилган тадқиқотлар алоҳида ўрин тутади. Азалдан суғорилиб келадиган ерларнинг табиий шароити ва ресурсларини, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда асрлар бўйи ҳувиллаб ётган Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш, тоғ этакларидан фойдаланиш масалалари ҳар томонлама ўрганиб чиқилди; қишлоқ хўжалик комплексини, энергетикани, нефть, енгил, озиқ-овқат саноати ва бошқа саноат тармоқларини янада ривожлантириш истиқболлари аниқланди. Ангрен-Олмалиқ кон-саноат районининг ИКЎС ходимлари томонидан комплекс ўрганиб чиқилиши натижасида бу районда кўмир қазиб олишни, рангли металлургияни, химия саноатини, энергетика ва бошқа

тармоқларни маҳаллий табиий ресурслардан фойдаланиш асосида анча ривожлантириш имконияти мавжуд экани аниқланди.

Ушбу районларни тадқиқ қилиш якунларига мамлакатдаги нуфузли органлар ва етакчи мутахассислар юксак баҳо бердилар. Ўзбекистонда районлар бўйича комплекс проблемаларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган қизиқарли илмий йўналиш вужудга келганлиги эътироф қилинди; тадқиқотларнинг Ўзбекистон олимлари қўлланган методологик ва ташкилий принциплари СССРнинг бошқа районларида ҳам фойдаланиш учун тавсия этилди. ИҚЎС коллективи Мирзачўлни ўзлаштиришга сезиларли ҳисса қўшди. Илмий тадқиқот ишлари жараёнида унинг табиий ва инженерлик-геологик шароитларининг муфассал характеристикаси ва бу ерда суғориш режими ҳамда пахта етиштириш агротехникаси, чорвачиликни, мевачиликни, пиллачиликни ривожлантириш, кўкаламзорлаштириш ва бошқа масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Ушбу тавсиялардан фойдаланиш Мирзачўлнинг қўриқ ерларида улкан пахтачилик базасини вужудга келтириш юзасидан партия ва ҳукумат қўйган вазифани муваффақиятли ҳал қилишга ёрдам берди. Бухоро-Навоий территориал ишлаб чиқариш комплексининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ИҚЎС коллективининг фаолиятида янги босқич бўлди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг жуда катта ёрдамида ИҚЎС фаолиятида муҳим силжишлар юз берди — тематик планлар кенгайди, ишларнинг ҳажмлари анча катталашди, илмий ходимлар кўпайди, министрликлар, идоралар, илмий ва лойиҳалаш марказлари билан алоқалар кенгайди. 1978 йилда ИҚЎС институтга айлантирилди.

Ўзбекистоннинг табиий ресурсларини комплекс ўрганиш ва ўзлаштириш юзасидан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. М. Абдуллаев номидаги геология институти, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети олимлари, республика Геология министрлигининг мутахассислари билан биргаликда олиб борилган кўп йиллик ишларнинг натижалари «Ўзбекистоннинг минерал-хом ашё ресурслари» («Минерально-сыревые ресурсы Узбекистана») деган икки томлик монографияда баён қилинган (биринчи том 1976 йилда, иккинчиси 1977 йилда босилиб чиққан). Ушбу монографияда минерал-хом ашё базаси ўрганилганлигининг ҳозирги даражаси кўриб чиқилган, фойдали қазилмалар ҳамма турларининг ва уларнинг энг муҳим конларининг классификацияси ҳамда характеристикаси берилган, илмий-тадқиқот ва геологик-қидирув ишларининг геологик-иқтисодий баҳоси ва йўналишлари келтирилган. Ўзбекистондаги конларни саноат учун ўзлаштириш ва улар асосида кончилик районларини вужудга келтириш масалаларига катта эътибор берилган. Ушбу асар олимлар билан амалиётчилар ижодий ҳамкорлиги самарадорлигининг яққол далолатидир.

1978 йилда Ўзбекистондаги тоғ этаги-тоғли территорияларнинг қишлоқ хўжалик потенциалини ва бу потенциалдан самарали фойдаланиш йўлларини комплекс ўрганиб чиқиш ниҳоясига етказилди. Бу ишда ИҚЎС билан бир қаторда ботаника, тупроқшунослик, чорвачилик ва бошқа институтлар ҳам қатнашди. Тоғ яйловларида гўштдор ва гўштдор-сержун қўйлар туёғини анча кўпайтириш, лалми ва шартли суғориладиган ерларда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, лалмикор деҳқончилик маданиятини ошириш, озиқ-овқат ва ем учун яроқли дон, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш имконини берадиган тадбирлар системаси илмий асослаб берилди.

Кейинги йилларда катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган худди шундай ишлар республиканинг анча территориясини эгаллаган чўл зонасида ҳам олиб борилди. Чўл-яйлов хўжаликларини интенсив-

лаш, чорвачилик посёлкалари учун майда воҳали суғориш усулини қўлланиш, минерал-хом ашё ресурсларини ўзлаштириш ва кончилик саноатини ривожлантириш, саноат районлари ва узелларини, кичик шаҳарларни вужудга келтириш имкониятлари аниқлаб чиқилди.

«Ўзбекистон ирригацияси» деб аталмиш тўрт томлик фундаментал асарда баён қилинган ишлар (биринчи томи 1975 йилда, тўртинчиси 1981 йилда босилиб чиқди) ИКЎС коллективининг катта ютуғи бўлди. Бу асарни нашр қилиш Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов раҳбарлиги остида, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. В. Пославский, республика Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Б. Д. Коржавин, бошқа таниқли олимлар ва мутахассислар иштирокида амалга оширилди. Ўзбекистонда ирригация-мелиорация қурилиши соҳасидаги бой тажрибанинг, янги суғориладиган ерларда ана шу тажрибани қўлланишнинг ёритилиши ва умумлаштирилиши жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Бу асар республикада ирригациянинг ривожланиш тарихи, унинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари билан чуқур таништиради, унинг сув артериялари, социалистик қурилиш йилларида барпо этилган инженерлик, гидротехника иншоотлари ҳақида батафсил баён қилади. Бу асар мамлакатимизда ва чет элларда юксак баҳоланганлиги тасодифий эмас.

ИКЎСнинг фаолиятида ёқилғи-энергетика ресурсларини прогнозлашга катта аҳамият берилмоқда: олимлар кўмир, нефтни қайта ишлаш, газ саноатларини ривожлантириш истиқболларини, электр истеъмол қилиш ва ёқилғи билан таъминлашнинг турли вариантларида энергетикада юз берадиган структура ўзгаришларини аниқлаб чиқараётирлар. Ушбу тадқиқотлар республика энергетика ва электрлаштириш министрлиги, Госплани, «Средазэнергосетьпроект» институти ва бошқа ташкилотларнинг мутахассислари иштирокида амалга оширилмоқда.

ИКЎСнинг олимлари Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизишнинг социал-иқтисодий оқибатларини илмий асослаб бериш масалаларига жиддий эътибор бермоқдалар. Маълумки, сув хўжалиги қурилиши ниҳоятда кенгайганлиги ва янги суғориладиган ерлар интенсив ўзлаштирилаётганлиги натижасида кейинги 10—15 йил мобайнида Амударё билан Сирдарёнинг сув ресурслари жуда камайиб кетди, бу эса Орол денгизининг сатҳи пасайишига олиб келмоқда. Олимлар ва мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, 1990 йилга бориб ушбу ресурслар батамом тугайди. Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизиш мўлжалланаётганлиги муносабати билан ИКЎСнинг олимлари томонидан бажарилган ишнинг актуаллиги ҳам мана шундадир. Уларнинг хулосалари Москвадаги бош институтлар томонидан юксак баҳоланди ва СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «Союзгипроводхоз» институти томонидан ишлаб чиқилган оқизиш ишларини техника-иқтисодий жиҳатдан асослашга киритилди. КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов 1980 йил майда бўлиб ўтган республика партия активи йиғилишида сўзлаган нутқида ИКЎСнинг ана шу йўналишдаги ишларини ниҳоятда муҳим халқ хўжалиги проблемасини ҳал қилишга қўшилган қимматли ҳисса деб атади. Бу ИКЎС коллективини қувонтиради ва унинг зиммасига тағин ҳам самаралироқ ишлаш вазифасини юклайди.

1977—1980 йилларда ИКЎС Орол денгизи сатҳи пасайишининг социал-иқтисодий оқибатларини баҳолаш ва ушбу ҳодисанинг салбий таъсирини мумкин қадар камайтиришга қаратилган тадбирларни асослаб бериш борасида тадқиқот ишлари олиб борди. Олимлар Орол

денгизининг сатҳи пасайиши орқасида Жанубий Оролбўйи (Амударё этаклари)даги агросаноат комплексининг тармоқларига, бутун табиий ресурслар потенциалига етадиган зарарнинг ҳажмларини аниқлаб чиқдилар ва мазкур зарарни жуда камайтириш воситаларини: Амударё дельтасини қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш, унинг этакларида балиқчилик, ондатрачилик, овчилик хўжаликларини ривожлантириш, Оролбўйи соҳилларини рекреацион ўзлаштириш ва бошқа тадбирларни таклиф қилдилар.

1974 йилдан 1979 йилга қадар ИКУС Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали билан биргаликда, бошқа ташкилот ва идораларнинг кенг иштирокида Амударё этаклари — Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг узоқ муддатли прогнозини ишлаб чиқди. Кейинги 15—20 йил мобайнида бу ўлка партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлиги туфайли анча ўзгарди: Ўрта Осиёдан СССРнинг марказий районларига чиқадиган иккинчи йўл — Чоржўй — Қўнғирот — Макат темир йўли ҳамда Амударё устидан кўприк орқали ўтадиган Тахиатош — Нукус темир йўли қурилди, Тахиатош ГРЭСи барпо этилди, районнинг халқ хўжалигини электр энергия билан узлуксиз таъминлаш имконини берадиган электр узатиш линиялари ўтказилди, бошқа мураккаб гидротехника ва инженерлик объектлари барпо этилди, қурилиш индустриясининг ишлаб чиқариш базаси вужудга келтирилди, янги ерларнинг йирик массивлари ўзлаштирилди ва ўзлаштирилмоқда, бир қатор йирик саноат корхоналари — Хива гиламдўзлик комбинати, Урганч ёғ-экстракциялаш заводи ва бошқалар ишга туширилди, автомобиль йўллари, кўприклар, маданий-маиший муассасалар ва ўқув юртлари қурилди, фойдали қазилмалар топилди.

Район экономикаси ҳолатини анализ қилиш бу ерда унинг катта табиий ва меҳнат ресурсларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш борасида катта потенциал имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Олимлар райондаги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган асосий йўналишлари ва кўламларини, тез кўпайиб бораётган аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришда янада тўлароқ банд қилишга эришиш йўлларини аниқладилар, моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоқларини, янги йирик саноат узелларини яратиш зарурлигини ва у билан боғлиқ бўлган социал-иқтисодий вазифаларни илмий асослаб бердилар.

Қилинган ишларнинг натижалари илмий-ишлаб чиқариш конференциясида ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 1980 йилнинг охирида Нукусда бўлган сайёр мажлисида муҳокама қилинди. Конференция янги топилган табиий газ, нефть, фосфоритлар, гранит ва мармар, темир рудалари, цемент хом ашёси, тальк ва бошқа фойдали қазилмалар конларини саноат учун ўзлаштиришни давом эттириш, саноат ва қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва структурасини такомиллаштириш, ирригация системалари қуриш, янги ер массивларини ўзлаштириш, Амударё дельтасини сақлаб қолиш ва ундан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурани, шаҳар ва посёлкаларни ривожлантириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқди ва тўла-тўкис маъқуллади. Шу билан бирга Амударё этакларининг истиқболлари Орол денгизи проблемаси ва Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизиш проблемаларини ҳал қилиш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўриб чиқилмоқда.

Кейинги йиллар мобайнида ИКУС бир қатор бошқа ташкилотлар билан биргаликда партия ва ҳукуматнинг Қарши даштини ўзлаштириш тўғрисидаги қорорларини амалга оширишда қатнашмоқда — Қашқадарё территориал-ишлаб чиқариш комплексини (ТИК) вужудга келтиришнинг ва унинг 2000 йилга қадар ишлай бошлашининг илмий асос-

ларини ишлаб чиқмоқда. Бу ерда фақат пахтачиликни эмас, балки боғдорчилик ва узумчиликни, сабзавотчилик, субтропик мевачилик, қоракўлчилик, пиллачилик, озиқ-овқат ва енгил саноатни ҳам ривожлантириш, табиий газ, нефть, ҳар хил тузлар, қурилиш материаллари қазиб олиш ва қайта ишлашни кўпайтириш, Толимаржон ГРЭСини қуриш, шунингдек ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурани ривожлантириш кўзда тутилади. Олимларнинг дастлабки мулоҳазалари 1980 йил апрелда Қаршида бўлиб ўтган партия-хўжалик активида маъқулланди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва республика Госплани илмий-ишлаб чиқариш конференцияси ўтказишга тайёргарлик кўрмоқдалар, бу конференцияда Қашқадарё ТИҚнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг 10—20 йилга мўлжалланган прогнозлари кўриб чиқилади.

ИКЎС ходимлари Ўрта Осиё иқтисодий райони доираси ичида ва СССРнинг шарқий районлари системасида Ўзбекистоннинг транспорт-иқтисодий алоқаларини такомиллаштириш проблемалари билан ҳам шуғулланмоқдалар. Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда районлараро иқтисодий алоқаларнинг республика экономикасидаги такрор ишлаб чиқариш жараёнларига таъсири ўрганиб чиқилди, транспорт системасининг аҳволи анализ қилинмоқда ва Ўзбекистоннинг темир йўл ҳамда автомобиль йўлларини ривожлантиришнинг келгуси 20 йилга мўлжалланган истиқболлари белгилаб чиқилди.

ИКЎС ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг социал жиҳатларини ўрганишга тобора кўпроқ эътибор бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Экономика институти ва Давлат меҳнат комитети билан биргаликда республика аҳолиси юқори ва барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётган бир шароитда (иттифоқ бўйича ўртача даражадан тахминан 3 баравар юқори) меҳнат ресурсларини иш билан банд қилишни илмий асослаш ва прогноз қилиш борасидаги тавсиялар амалга оширилди. Олимлар меҳнат сарфлаш соҳасини жадал кенгайтириш, ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш, меҳнат ресурсларидан янада тўлароқ ва оқилона фойдаланиш мақсадида иш жойлари миқдорини кўпайтириш юзасидан, ҳунар-техника таълими системаси орқали малакали ишчи кадрларни муваффақиятли тайёрлаш ва бошқа масалалар бўйича тавсиялар тақдим этдилар.

ИКЎСнинг илмий проблематикасида атроф муҳит билан одамнинг ишлаб чиқариш фаолияти ўртасидаги ўзаро таъсир масалалари ҳам бор. Кейинги йилларда табиий ресурслардан фойдаланиш ва ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг Ангрен-Олмалиқ ва Қашқадарё ТИКдаги, Фарғона водийси ҳамда Амударё этакларидаги атроф муҳитнинг ҳолатига таъсирини прогноз қилиш борасида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди.

1978 йилдан 1980 йилга қадар ИКЎСнинг фаолиятида Ўзбекистон ССРда 2000 йилга қадар бўлган даврга мўлжалланган илмий-техника тараққиёти комплекс программаси ва унинг социал-иқтисодий оқибатлари устида олиб борилган ишлар алоҳида ўриннни эгаллаб келди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумининг қарорига биноан ИКЎС бу ишда бош институт ва координаторлик ролини бажарди, бу ишда республика Фанлар академиясининг деярли барча институтлари, етакчи олимлари, конструкторлар, турли министрлик ва идораларнинг, Ўзбекистон ССР Госстройи ва ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг мутахассислари иштирок этдилар. ИКЎС илмий ходимлари тақдим этилган барча илмий-техникавий прогнозларни ва техника-иқтисодий ҳисоб-китобларни анализ қилиш ва умумлаштириш ишларини амалга оширдилар.

Комплекс программада республикадаги иқтисодий ва илмий-техника тараққиётининг ҳозирги даражаси характерлаб ва уларни ривожлантиришнинг асосий йўли белгилаб берилган. Жумладан, меҳнат ва минерал-хом ашё ресурсларининг ўсиши ҳамда улардан фойдаланиш, саноат ҳамда қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларида, ирригацияда, транспортда, бошқариш соҳасида фан ва техника ютуқларини қўлланиш прогнози берилган. Ўзбекистон шароитида фан-техника тараққиётининг социал-иқтисодий оқибатларига алоҳида эътибор қилинган.

ИКЎСнинг вазифалари жумласига Ўзбекистондаги ишлаб чиқарувчи кучларни перспектив ривожлантириш ва жойлаштириш схемасини ишлаб чиқиш ҳам киради, бу коллективнинг илмий тадқиқот фаолиятидаги энг муҳим йўналишни белгилайди. Шу билан бирга, аҳолининг сони ва асосий эҳтиёжи, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўллари, ер-сув, минерал-хом ашё, ўсимлик, ёқилғи-энергетика ресурсларининг миқдорлари, улардан фойдаланиш хусусиятлари ҳам аниқланади. Фан-техника тараққиётини ҳисобга олган ҳолда саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, транспортни ривожлантириш йўналишлари, миқёслари ва суръатлари, улардаги структура ўзгаришлари, транспорт-иқтисодий алоқаларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқарувчи кучларни республика ичида жойлаштириш прогнозлаштирилади.

ИКЎСнинг мамлакат Фанлар академиясининг «СССР ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш» проблемаси билан шуғулланувчи илмий советининг Урта Осиё комиссияси составидаги фаолияти катта аҳамиятга эга. Кейинги йилларда бу комиссия 7 марта республикалараро конференция ўтказди, улар Урта Осиё регионидаги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш соҳасида иқтисодий тадқиқотларни ташкил қилиш ва уларни координациялашнинг муҳим формасидир.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида йирик халқ хўжалик проблемаларини, шу жумладан ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш проблемасини ишлаб чикиш турли ихтисосдаги олимларнинг — экономистлар, социологлар, географлар, табиёт ва техника фанлари вакилларининг коллектив куч-ғайратларини талаб этади. ИКЎС тадқиқотларни республика Фанлар академиясининг Экономика институти, Тошкент халқ хўжалиги институти, ЎзССР Госпланининг Иқтисодий тадқиқотлар институти, Қишлоқ хўжалик экономикаси институти билан, кўпгина бошқа илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотлари билан мустаҳкам ижодий ҳамкорликда олиб бормоқда. Министрликлар ва идоралар билан, хусусан геология, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги, енгил ва пахта тозалаш саноати министрликлари ва бошқалар билан алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда. Ана шундай ҳамкорлик натижасида кўпгина амалий тавсиялар халқ хўжалигида жорий қилиш учун тақдим этилди.

Уртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида қилган докладида таъкидлаб айтдики, 80-йилларда халқ хўжалиги ривожланадиган шароит фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни янада қатъият билан талаб этади, зеро янги жамиятни илм-фансиз қуриб бўлмайди. Фаннинг ролига берилган бундай юксак баҳодан руҳланган ЎзССР Фанлар академиясининг ИКЎС коллективи 30 йил мобайнида тўпланган тажрибага, вужудга келган илмий анъаналарга ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумининг кун сайин кўрсатаётган ёрдамига таяниб, партия белгилаган планларнинг бажарилишига тобора салмоқлироқ ҳисса қўшишга астойдил бел боғлаган.

ПАРТИЯ ЎҚУВИ СИСТЕМАСИ УЧУН

„Коммунистик ахлоқийлик асослари“ курси бўйича методик маслаҳатлар

ЕТУК СОЦИАЛИЗМ ЖАМИЯТИ АЪЗОЛАРИ АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ. КОММУНИЗМ ҚУРУВЧИСИНИНГ АХЛОҚ КОДЕКСИ

Бу темани баён қилишда пропагандистнинг вазифаси — коммунистик ахлоқ принциплари ва нормаларини, етук социализм жамияти ахлоқий маданиятининг қарор топишидан иборат жараённи мужассам формада очиб беришдир. Машғулот жараёнида қуйидаги асосий масалаларни ажратиб кўрсатишни тавсия қиламиз:

1. **Совет кишилари ахлоқий маданиятининг шаклланиши — янги инсон камол топишининг қонунияти.**
2. **Коммунистик ахлоқ — инсоният ахлоқий тараққиётининг олий босқичи.**
3. **Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси — янги инсон ахлоқий фазилатларининг мужассам ифодаси.**

СОВЕТ КИШИЛАРИ АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ — ЯНГИ ИНСОН КАМОЛ ТОПИШИНИНГ ҚОНУНИЯТИ.

Октябрь туфайли вужудга келган янги совет турмуш тарзи тантана қилаётган етук социализм шароитида кишиларнинг коммунистик онгини шакллантириш, шахсни тобора тўла камол топтириш соҳасидаги партиямизнинг программ мақсадларини амалга ошириш учун ғоят катта имкониятлар очилмоқда.

Совет халқининг коммунизм қурилишидаги бундан буёнги муваффақиятлари кўп жиҳатдан гармоник тарзда камол топган кишини тарбиялашга қаратилган ишнинг қандай йўлга қўйилишига боғлиқ. Партия шунга асосланадики, тегишли моддий-техника базасисиз коммунизм бўлиши мумкин бўлмаганидек, кишиларнинг юксак даражадаги маданияти, маълумоти, ижтимоий онглилиги, ғоявий етуклиги бўлмаса ҳам коммунизм бўлиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, янги инсонни шакллантириш янги жамият қурилишининг натижасигина эмас, жуда муҳим шарти ҳамдир.

КПСС 1920 йилда комсомол III съездининг минбаридан янграган Лениннинг қуйидаги доно наказига доимо амал қилиб келди: «Ҳозирги замон ёшларини тарбиялаш, ўқитиш ва уларга таълим бериш ишларининг ҳаммаси уларни коммунистик ахлоқли қилиб тарбиялашдан иборат бўлсин» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 344-бет). Ривожланган социалистик жамиятда ахлоқий негизлар роли муттасил ошиб боради, ахлоқ регулятив функциясининг аҳамияти ортиб боради.

Пропагандист тингловчилар эътиборини шунга қаратадики, коммунистик ахлоқийлик — энг адолатли, чинакам гуманистик ахлоқийликдир, чунки у меҳнаткаш халқ идеаллари ва манфаатларини ифодалайди. Сўнгра мамлакатимизда ривожланган социализм қуриш жараёнида жаҳоншумул-тарихий ўзгаришлар ахлоқий принциплар ва нормаларни ҳамда уларга асосланган одамлар ўртасидаги муносабатларни тубдан ўзгартириб юборганини кўриб чиқишга ўтиш керак. Совет кишиларининг ахлоқий-сиёсий хислатлари ҳаётимизнинг бутун социалистик укладн билан, жамиятдаги бутун ишларнинг бориши билан, ва аввало, партиянинг собитқадамлик ва қунт билан олиб бораётган ғоявий-тарбиявий иши туфайли шакллантирилаётир.

Шуни таъкидлаш муҳимки, коммунизм қурувчисининг ахлоқий фазилатларини, совет кишиларининг ахлоқий маданиятини шакллантириш — мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бу нарса узоқ тарихий давр мобайнида ҳукмронлик қилиб келган эксплуататорлик жамиятининг ахлоқ принциплари ва нормаларини изчил тугатиш билан боғлиқдир. Пропагандист инсон психологияси унинг ҳаётининг моддий асосларига нисбатан анча секин ўзгаришини айтиб, тингловчилар эътиборини шунга қаратадики, марксча-ленинча дунёқарашнинг узвий таркибий қисми сифатида коммунистик ахлоқийлик шаклланаётган жараёнда эски қарашлар, принциплар, анъаналар, урф-одатлар, умуман ахлоқий-психологик маданият кўринишлари бартараф этилибгина қолмай, коммунистик ахлоқий маданият ҳам ривожланади, такомиллашиб боради.

Жамиятимиз ўз тараққиётида қанча илгарилаб борса, коммунистик ахлоқ нормаларидан чекланишларга муросасизлик шунча ошиб боради. Етук социализмнинг ахлоқий маданияти одамларнинг онги, психологияси сферасида ҳам, уларнинг социал хатти-ҳаракатлари, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида улар ўртасидаги муносабатлар сферасида ҳам намоён бўлади.

Гап ривожланган социализм ахлоқий маданиятининг қарор топишидан иборат жараён ҳақида борар экан, тингловчи эътиборини ахлоқ принциплари ва нормалари тарихан ўткинчи эканлигига қаратиш керак. Ахлоқий принципларнинг абадий ва бузилмас эканлигини асослашга, бу билан буржуазия ахлоқини абадийлаштиришга уринган Е. Дюрингни танқид қилиб, Ф. Энгельс шуни ишончли тарзда кўрсатдики, жамият ҳаётининг моддий шароитлари, ва аввало, моддий неъматларни ишлаб чиқариш усули ўзгариши билан ахлоқнинг ўзи ҳам, у келтириб чиқарадиган ахлоқий маданият ҳам ўзгаради. Ф. Энгельс шуни таъкидладики, ҳар бир авлод ахлоқий қарашларни онгли ёки онгсиз равишда ишлаб чиқариш ва айирбошлаш рўй берадиган амалий муносабатлардан олади (қаранг: Ф. Энгельс. Анти-Дюринг. «Ўзбекистон» нашриёти, 1979 йил, 89—90-бетлар). Шундай қилиб, жамиятимизнинг ахлоқий маданиятида рўй берган туб ўзгаришлар — Улуғ Октябрь вужудга келтирган социал ўзгаришларнинг, социалистик турмуш тарзи қарор топганлигининг, янги инсон шаклланганлигининг натижасидир.

КОММУНИСТИК АХЛОҚ — ИНСОНИЯТ АХЛОҚИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ОЛИЙ БОСҚИЧИ

Бу масалани ёритишни ахлоқийлик устқурма жумласига кирувчи нодир категория бўлиб, уни келтириб чиқарувчи иқтисодий базис билан биргаликда ўзгаришини эслатиб ўтишдан бошлаш тавсия этилади. Иқтисодий базиснинг ўзгариши натижасида сиёсий ва юридик устқурмада ҳамда ижтимоий онгнинг тегишли формаларида тўнтариш рўй бергач, эски ахлоқий принциплар, нормалар ва тақиқлар ўз ўрнини янгиларига бўшатиб беради. Аммо синфий жамиятда «бировлар учун неъмат бўлган ҳар бир нарса бошқа бировлар учун албатта кулфат бўлади, бир синфнинг қайси тарзда бўлса ҳам янгидан озодликка чиқиши бошқа синфнинг янгидан эзилиши демакдир» (К. Маркс, Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар, 3-том, «Ўзбекистон» нашриёти, 1981 йил, 393-бет).

Яхшилик ва ёмонлик, шараф ва виждон, адолат ва адолатсизлик тушунчалари қул билан қул эгасида, крепостной билан феодалда, пролетарий билан буржуада тамомила қарама-қаршидир. Эксплуататорлар учун яхши бўлган нарса эксплуатация қилинувчилар учун ёмонликдир. Масалан, ҳар қандай усул ва воситалардан қайтмасдан, ҳар қандай йўл билан энг кўп фойда олиш капиталистнинг синфий позициясидан тамомила табиий ва адолатлидир. Адолат ҳақидаги бундай тасаввурга ишчилар синфи ҳам, меҳнаткашларнинг пролетар бўлмаган оммаси ҳам қўшила олмайди, албатта. Бу ерда тингловчилар эътиборини шунга қаратиш керакки, синфий-антагонистик формацияларда ҳукмрон синфлар ўз ахлоқларининг эксплуататорлик характерини ниқоблашга интиладилар, уни умуминсоний, ўзгармайдиган, абадий ахлоқ деб кўрсатишга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қиладилар.

Капиталистик жамиятнинг экономикаси ва сиёсатида ҳукмронлик қилувчи буржуазия оқибат-натижада ахлоқ соҳасида ҳам ҳукмронлик қилади, ўз ахлоқий идеалларини бутун имкони бўлган воситалар билан меҳнаткашларга сингдиришга интилади. Синфий-антагонистик жамиятда ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларининг хусусий мулк эканлигини муқаддас ва дахлсиз деб эълон қилувчи эксплуататорлар ахлоқига одамни одам эксплуатация қилишининг негизи — хусусий мулкнинг тугатилишини талаб қилувчи мазлум меҳнаткашлар оммасининг ахлоқи қарама-қарши туради. Шу сабабли, деб таъкидлайди пропагандист, синфлар антагонизми бўлмаган жамиятдагина чинакам умуминсоний ахлоқийлик бўлиши мумкин.

Чинакам инсоний ахлоқ даставвал пролетар муҳитда таркиб топади. Бу ерда коммунистик ахлоқнинг шаклланиши ишчилар синфи ахлоқий маданиятининг энг яхши хусусиятларини ривожлантиришни тақозо этишини таъкидлаш ғоят муҳимдир. Коммунистнинг нуқтаи назаридан, эски, эксплуататорлар жамиятини емиришга ҳамда барча меҳнаткашларни янги, адолатли жамият қураётган пролетариат теварагига жипслаштиришга хизмат қиладиган ҳамма нарсалар ахлоқийдир. В. И. Ленин кўрсатиб ўтганидек, «коммунизмни мустаҳкамлаш ва батамом қуриш учун курашиш коммунистик ахлоқнинг асосидир» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 350-бет).

Коммунистик ахлоқийликнинг қарор топиш жараёни буржуазия ахлоқига қарши кураш билан ўтганлиги сабабли уларни бир-бирига таққослаш зарур. Тингловчилар шуни аниқ билиб олишлари керакки буржуазия ахлоқи одамлар орасига нифоқ соладиган, индивидуализм ва худбинликни авж олдирадиган хусусий мулкчиликка асосланади; коммунистик ахлоқнинг асоси эса, одамларни бир-бирига яқинлаштирадиган, бирлаштирадиган ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклигидир. Буржуазия ахлоқнинг моҳияти — индивидуализм, коммунистик ахлоқнинг моҳияти эса — коллективизм, ўртоқларча ҳамкорлик, ўзаро ёрдамдир. Буржуазия жамиятида одамлар ўртасидаги муносабатлар «ҳамманинг ҳаммага қарши уруши», «одам одамга бўри» деган принципларга қурилса, социалистик жамиятда бу муносабатлар «одам

одамга дўст, ўртоқ ва биродар», «бир киши ҳамма учун ва ҳамма бир киши учун» деган қоидалари билан белгиланади.

Совет кишиси ахлоқий маданиятини шакллантиришда В. И. Лениннинг коммунизм қураётганда эски жамиятдан қолган «ҳар ким ўзи учун, бир худо ҳамма учун» деган машъум қоидани бартараф этиш йўлида астойдил иш олиб бориш керак, деган кўрсатмаси ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. «Коммунистик тарбия, — деб таълим берган эди Владимир Ильич, — эксплуататорларга қарши кураш тарбияси, пролетариат билан иттифоқлашиб туриб, худбинлар ва майда мулкдорларга қарши, мен ўз фойдам учун курашаман, бошқалар билан ишим йўқ, деб айтувчиларнинг психологияси ва одатларига қарши янги коммунистик тарбия бошланди» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 349-бет).

Ҳеч нарсадан қайтмасдан ҳар қандай йўл билан бўлса-да бойлик орттиришга, энг кўп фойда олишга жон-жаҳди билан интилиш буржуазиянинг ахлоқий принципларини белгилайди, у барча ахлоқий тақиқларни олиб ташлайди. К. Маркс билан Ф. Энгельс «Коммунистик партия манифести»да таъкидлаган эдиларки, буржуазия «кишилар ўртасида нуқул манфаатпарастлик ва шафқатсиз «нақдина» асосидаги муносабатдан бошқа ҳеч қандай муносабатни қолдирмади. Буржуазия диний жазава, жувонмардлик завқ-шавқи ва мешчанлик кўнгилчанликларини манфаатпарастликнинг муз дарёсига ғарқ этди. У инсон шахсининг қадр-қимматини алмашув қийматига айлантириб қўйди ва инъом қилинган ҳамда ҳалоллик билан эришилган жуда кўп эркинликлар ўрнига шарм-ҳаёни билмайдиган биргина савдо-сотиқ эркинлигини келтириб чиқарди» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар, 1-том, «Ўзбекистон» нашриёти, 1980 йил, 109-бет).

Худбинлик ва индивидуализм социализм ахлоқига тамомила ёт нарсалардир. Пропагандистнинг вазифаси — социализм ва коммунизм қурилиши жараёнида кишиларнинг ахлоқий янгиланиши, эски анъаналар ва ярамас одатлардан холи бўлиши қандай рўй беришини, кишиларнинг ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига, бир-бирларига муносабатлари сифат жиҳатидан қандай ўзгарганини ҳамда ишчилар, колхозчилар ва халқ зиёлиларининг социал-синфий, ғоявий-сиёсий ва ахлоқий-психологик бирлиги қандай таркиб топганини кўрсатиб беришдан иборат.

Совет коллективизми жамоатчилик манфаатларида белгиловчи роль ўйнагани ҳолда ижтимоий ва шахсий манфаатларни гармоник тарзда қўшиб олиб бора олишнинг ўзгинасидир. Бизнинг мамлакатимизда шахсий бахтга эришмоқчи бўлган киши бутун меҳнаткаш халқ бахти учун курашмоғи керак. Совет коллективизми шундай бир серфайз заминки, унда кишилар ўртасидаги муносабатларда ўртоқлик ва дўстлик равнақ топаверади. Бу муносабатлар коммунизм қуришдан иборат мақсад бирлиги билан, ҳар бир кишининг бахти умумий ишдаги муваффақиятларга боғлиқ эканлигини чуқур англаш билан мустаҳкамланади. Бунда ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, улфатчилик, оилачилик, «керакли одамлар» билан алоқа боғлаш сингари иллатларни дўстлик ва коллективизм туйғулари билан оқлаш йўлидаги ҳар қандай уринишларни фош қилиб ташлаш керак.

Коммунистик ахлоқийликнинг энг муҳим талаби — жамият бахт-саодати йўлида актив ижодий меҳнат қилишдир. Кўпчилик совет гражданлари учун бу талаб нормага айланиб қолган. КПСС XXVI съезди шуни алоҳида таъкидладики, «ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаш социализм принципларига зиддир. Бунинг маъноси шуки, барча ташкилий, молиявий, юридик воситалар ёрдамида текинхўрлик, порахўрлик, чайқовчиликка, меҳнатсиз даромад қиладиганларга, социалистик мулкка кўз олайтиришларга олиб борадиган ҳар қандай йўлларни маҳкам беркитиб ташлаш керак».

Коммунистик ахлоқийликнинг «ишламаган тишламайди» деган принципи СССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. КПСС Программасида таъкидланадики, коммунистик жамиятда инсоннинг меҳнат қилмаслиги мумкин эмас. Унинг онги ҳам, жамоатчилик фикри ҳам бунга йўл қўймайди. Қобилиятига яраша меҳнат қилиш жамият барча аъзоларининг одати, биринчи ҳаётий талаби бўлиб қолади. Ривожланган социализм шароитида меҳнаткашларнинг ахлоқий тарбияси меҳнат тарбияси билан чамбарчас диалектик бирликда эканлиги тасодифий эмас.

Партия кенг меҳнаткашлар оммасида меҳнатга янгича, коммунистик муносабатни тарбиялашни идеология ишининг олдинги ўринларидан бирига қўяди, чунки совет меҳнаткашларининг ғоявий етуклиги, партияга, коммунизм идеалларига чуқур садоқати ана шу меҳнатга онгли муносабатда ўз ифодасини топади.

Владимир Ильич Лениннинг, янги меҳнат интизомини қуриш, кишилар ўртасидаги ижтимоий алоқаларнинг янги формаларини қуриш, одамларни меҳнатга жалб қилишнинг янги формалари ва усулларини қуриш — неча ўн йиллаб давом этадиган ишдир деб айтган гаплари ҳақ эканлигини ҳаёт тасдиқлади. Меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялаш воситалари хилма-хилдир: социалистик мусобақа, мураббийлик ҳаракати, ишлаб чиқариш илғорлари тажрибасини ўрганиш ва ёйиш, мактаб ўқувчиларига политехника таълими бериш ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Меҳнатга янгича коммунистик муносабат интизомсизлик, дангасалик, хизмат вазифаларини бажаришдан бўйин товлаш, эскича ишлайверишга уриниш кўринишларига қарши курашда ўсади ва мустаҳкамланади.

У ёки бу кишининг маънавий қиёфасига аввало унга топширилган ишга муносабатига қараб баҳо берилади: у жон-дилини бериб ишлаяптими ёки ишни оғир бир

мажбурият деб билиб, «фалон вақтдан фалон вақтгача» принципи асосида меҳнат қилаётирми, — ҳамма нарса шунга боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг бир ходимга кўп меҳнати шароитида юзларча ва мингларча кишилар талаб қилинадиган ҳажмдаги ишни бажариш имконини берадиган ҳозирги замон техникаси билан таъминланиши меҳнат унумдорлигининг меҳнат интизомига боғлиқлигини бир неча баробар ошириб юборди. Интизом суст бўлган, техника бекор турадиган, бир меъёрда ишланмайдиган, ой, квартал ёки йил охирида ҳайбаракаллачиликка ўрганиб қолинган жойларда меҳнатга коммунистик муносабатни қарор топтириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ёшларни меҳнат қилиш руҳида планли асосда ва собитқадамлик билан тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки йигит ва қизларнинг ҳозирги авлоди кекса авлод босиб ўтган революцион кураш ва чиниқишнинг шиддатли мактабини ўтмагандир. Бу эса айрим ёшларда худбинлик, бировнинг қарамоғида бўлиш кайфияти, жамиятга ҳеч нарса бермаган ҳолда мумкин қадар кўпроқ нарса олиш истагини туғдираётир.

Ишлаб чиқариш практикаси, қишлоқ хўжалик ишларида, студентларнинг қурилиш отрядлари фаолиятида қатнашиш ёшларнинг меҳнат тарбиясининг муҳим формаларидир. Комсомол йўлланмалари билан мамлакатнинг энг муҳим қурилишларига бораётган ёшлар меҳнатда чиниқишнинг ажойиб сабоғини олмоқдалар.

КПСС XXVI съезди таъкидладики, совет кишиси — янги дунё қурувчисининг тўлақонли ҳаёти билан яшаётган ҳалол меҳнаткаш, юксак сиёсий маданиятли киши, ватанпарвар ва интернационалистдир. Съезд диққат-эътиборни ҳар бир кишидаги энг яхши фазилатларни аниқлаш, унинг ташаббуси учун кенг имкониятлар яратиш, ҳалол меҳнат қадрини ошириш кераклигига қаратди.

Сўнгра ривожланган социализмнинг ахлоқий маданиятини шакллантиришда жамиятнинг бошланғич ячейкаси бўлган оиладаги муносабатларнинг ролини кўриб чиқиш керак. Маълумки, эр-хотин тенг бўлмаса, улар ўртасида муҳаббат ва ҳурмат бўлмаса, ота-оналар билан фарзандлар ўртасида оқибат бўлмаса оила мустаҳкам, соғлом бўлиши мумкин эмас. Тингловчиларга Лениннинг қуйидаги талабларини эслатиб ўтиш ўринлидир: «мешчанлар-интеллигентлар-деҳқонларнинг... бир-бирини севмасдан бўладиган тубан ва ифлос никоҳига бир-бирини севадиган пролетарча гражданлик никоҳини қарама-қарши қўйиш керак» (Тўла асарлар тўплами, 49-том, 63-бет).

Шуни айтиш керакки, совет оилаларининг кўпчилиги севгига асосланган бўлиб, бу нарса барқарор турмушни, ўзаро қўллаб-қувватлашни, оила аъзоларининг бирбирлари ҳақида ғамхўрлик қилишларини гарантиялайди. Шу билан бирга оила-никоҳ муносабатларида ҳамон эски ахлоқ сарқитлари учраб туришини, бу эса баъзан оиланинг бузилишига олиб келишини айтиб ўтиш керак. Оилавий муносабатлар фақат шахсий иш, «бировнинг оиласида нима бўлаётганини билиш қийин» деган нотўғри фикрни рад этиш зарур. Оила-турмуш муносабатларида социалистик турмуш тарзининг принциплари ва нормаларининг қўпол равишда бузилишидан иборат фактларга лоқайдлик билан қараш коммунистик ахлоқийликка зиддир.

Соғлом турмуш, оилани мустаҳкамлаш тўғрисида, оилада коммунизмнинг бўлажак қурувчиларини тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик қилиш — етук социализм жамияти ахлоқий маданиятини шакллантиришнинг муҳим вазифаларидан биридир. Аммо жамият таъсирини ўтказиш қийин бўлган оила-турмуш сферасида эски анъаналар, одатлар, хурофотларнинг инерция кучи кўпроқ намоён бўлади. Шу муносабат билан тингловчилар эътиборини ичкиликбозлик сингари оилага, бинобарин умуман давлатга ҳам ғоят катта маънавий зарар етказувчи социал иллатга қаратиш муҳимдир. Турмушдаги кўплаб жиноятлар, прогуллар, ишга кечикишлар, брак маҳсулот чиқариш, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, ишлаб чиқариш ва транспортдаги авариялар ва ҳоказолар ичкиликбозлик туфайли содир бўлади. Ичкиликбозлик — коммунистик ахлоқийликнинг жиддий душмани, бинобарин партия бу социал иллатга қарши муросасиз курашишга даъват этади. Тингловчиларга ўртоқ Л. И. Брежневнинг қуйидаги гапларини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир: «Жамиятга зид кўринишларга маънавий қашшоқликка ва унинг муқаррар йўлдошлари бўлмиш ичкиликбозликка безориликка, меҳнат интизомини бузишларга қарши доимо ва саботли курашмасдан туриб, коммунистик ахлоқ нормалари ва принципларини қарор топтириб бўлмайди. Яширин, бир қарашда ҳамиша ҳам сезилавермайдиган ахлоқсизлик кўринишлари ҳам жуда хатарлидир. Бепарволик, текинхўрлик, беодоблик, жамиятга камроқ бериб кўпроқ даъво қилиш сингари ахлоқсизлик нишонлари... бутун жамоатчиликнинг ҳам диққат-эътиборидан четда қолмаслиги керак» (Ленин йўлидан, 7-том, 329-бет).

В. И. Ленин бир неча бор таъкидлаган эдики, партиямизнинг барча фазилатлари орасида энг муҳими ва меҳнаткашлар орасида унинг маънавий обрўсини таъминловчи нарса — унинг ғоявий бойлиги, унинг принципиал йўлидир. КПСС XXV съезди коммунистик ғоявийликни билимлар, эътиқодлар ва амалий ишлар қотишмаси сифатида таърифлади. Худди мана шу қотишма янги жамият қурувчиларининг энг муҳим ахлоқий принциплари негизини — коммунизм, тинчлик ва халқлар озодлиги иши, барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан қардошларча ҳамкорлик душманларига нисбатан муросасизликнинг асосини ташкил қилади. Амалда ана шу принципларга марксча-ленинча назарияни чуқур эгаллаб олган кишигина риоя қила олади. Шунинг учун ҳам марксизм-ленинизмни ўрганиш — юксак, коммунистик ғоявийликни тарбиялашнинг биринчи шартидир.

КПСС, унинг Марказий Комитети ва Сиёсий бюросининг принципиал позицияси

нинг марксизм-ленинизм таълимотининг софлиги учун муросасиз кураши — мамлакат ичида ҳам, халқаро майдонда ҳам партия обрўсининг муҳим шартидир. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, «биз марксизм-ленинизмнинг туб принципларига содиқ бўлиб келдик ва содиқ бўлиб қолаверамиз, ғоявий масалаларда ҳеч қандай ён беришларга ҳеч қачон йўл қўймаймиз» (Ленин йўлидан, 3-том, 347-бет).

Принципиаллик — ҳар бир коммунистнинг муҳим ахлоқий хусусиятидир. Бу нарса танқидни дадил қабул қилишда ва кўрсатилган камчиликларни тузатишда ёрдам беради. Принципсизлик эса ўзига ва ишдаги ўртоқларига, дўстларга нисбатан талабчанликнинг камайишига ва йўқолишига олиб келадики, бу нарса коммунистик ахлоққа зиддир.

КПСС XXV съездида айтилганидек, партия раҳбарлигининг муваффақиятларида ленинча иш услуби, субъективизм ёт бўлган ижодий услуб, барча ижтимоий жараёнларга илмий ёндашиш билан суғорилган услуб ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу нарса ўзига ва бошқаларга талабчанликни тақозо қилади, мағрурликни, ҳар қандай бюрократизм ва формализм кўринишларини истисно қилади.

Тингловчилар эътиборини партиямиз ҳозирги замон раҳбарининг маънавий қиёфасига нақадар катта аҳамият бераётганлигига қаратиш керак: раҳбар ўзида партиявийликни чуқур билимдонлик, интизомликни ташаббускорлик ва ишга ижодий ёндашиш билан узвий қўшиши, социал-сиёсий ва тарбиявий жиҳатларни ҳисобга олиши, одамларга, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига нисбатан сезгир бўлиши, ишда ва турмушда намуна кўрсатиши керак.

Коммунизм қурувчисининг принципиаллик сингари ахлоқий хусусияти дадиллик, жасорат, қатъият билан боғлиқдир. Юксак ахлоқли киши қийинчиликлардан қўрқмайди, кўпроқ ҳақ тўланадиган осонроқ ишни қидирмайди, энг осон йўлдан боришга интилмайди.

Коммунистик ахлоқийлик қўрқоқларга — ўз жони учун титраб-қақшайдиган, иссиқ жойидан ва мешчанларча фаровон ҳаётидан ажралиб қолишдан ҳадиксираб юрадиган, ўз манфаати йўлида умумий ишни қурбон қилишга, оғир дамларда дўстлари ва ўртоқларига хизмат қилишдан ҳам қайтмайдиган кишиларга нафрат билан қарашни талаб қилади.

Чинакам ленинчи бўлиш учун, деб таълим беради партия, ҳалол меҳнат қилишнинг ўзи кифоя қилмайди — мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини ошириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиш, партия ишига, коммунизм ишига астойдил содиқ бўлиш, ижтимоий мулкни кўз қорачиғидай асраш, социалистик меҳнат интизомига риоя қилиш, юлғичлик, бюрократизм, шалоқликка қарши, совет қонунларининг ва коммунистик ахлоқ нормаларининг бузилишига қарши принципиал ва мардона кураш олиб бориши зарур.

Коммунистик ахлоқнинг социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги сингари муҳим принципларини алоҳида кўриб чиқиш лозим. СССР гражданлари ўз Ватанларини қизғин ва астойдил севадилар, айни вақтда улар энг изчил интернационалистлардир. Бу қонуний бир ҳолдир, чунки ўз халқини чиндан севадиган киши бошқа халқларни ҳам жуда ҳурмат қилади, уларнинг ватанпарварлик туйғуларини қадрлайди. Ватанпарварлик билан интернационализм сув билан ўтдек бир-бирига тўғри келмайди, интернационалистлар — ғайриватанпарварлардир, чинакам ватанпарварлар интернационалист бўлолмайдилар, деб тарғиб қилаётган буржуа миллатчилик ва ревизионистик концепцияларига қарама-қарши ўлароқ мамлакатимиз Коммунистик партияси, қардош марксча-ленинча партиялар барча миллат пролетарийларининг бирлиги ва иттифоқини ҳамма нарсадан кўпроқ қадрлайдилар. Маркс, Энгельс, Лениннинг чуқур интернационал таълими дунёқарашининг пойдеворини ташкил қилувчи совет кишиларига буржуазия миллатчилиги ҳам, буюк давлатчилик шовинизми ҳам ётдир. Антикоммунизм идеологлари ҳар қанча уринмасин, улар Совет мамлакати халқларида бир-бирларига ҳамда ўз меҳнатсеварлиги, беғаразлиги ва чуқур интернационализми билан ғоят катта ҳурмат қозонган улуғ рус халқига нисбатан ишончсизлик, адоват уйғота олмайдилар. Партия барча меҳнаткашларни социалистик интернационализм руҳида, миллатчилик ва шовинизм кўринишларига, ҳар қандай формадаги миллий маҳдудлик ва мумтозлик кўринишларига муросасизлик руҳида, барча миллат ва элатларга чуқур ҳурмат руҳида тарбиялайди. КПСС XXVI съездида ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деб таъкидлади: «Мамлакатимизда миллий ҳис-туйғулар, ҳар бир кишининг миллий қадр-қиммати ҳурмат қилинади. КПСС социализм табиатига ёт бўлган шовинизм ёки миллатчилик кўринишларига қарши,.. ҳар қандай миллатчилик оғмачиликларига қарши ҳаммавақт курашиб келди ва қатъий курашажак».

КОММУНИЗМ ҚУРУВЧИСИНИНГ АХЛОҚ КОДЕКСИ — ЯНГИ ИНСОН АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИНГ МУЖАССАМ ИФОДАСИ

Коммунистик жамият кишисининг маънавий маданиятини белгиловчи энг яхши ахлоқий фазилатлари коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексида мужассам ифодалангандир. Бу принциплар қуйидагилардан иборат:

— коммунизм ишига садоқат, социалистик Ватанга, социализм мамлакатларига муҳаббат;

— жамият бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш: ишламаган тишламайди;
— жамият бойлигини сақлаш ва кўпайтириш тўғрисида ҳар бир кишининг ғамхўрлик қилиши;
— ижтимоий бурчни юксак даражада англаш, жамият манфаатларини бузишларга нисбатан шафқатсиз бўлиш;
— коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдам: бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун;
— кишилар ўртасида инсонпарварлик муносабатлари ва ўзаро ҳурмат: киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар;
— ижтимоий ва шахсий ҳаётда ҳалоллик ва ростгўйлик, ахлоқий поклик, оддийлик ва камтарлик;
— оилада бир-бирини ҳурмат қилиш, болалар тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиш;
— адолатсизликка, текинхўрликка, виждонсизликка, мансабпарастликка нисбатан муросасиз бўлиш;
— СССРдаги барча халқларнинг дўстлиги ва қардошлиги, миллий ва ирқий адоватларга нисбатан шафқатсиз бўлиш;
— коммунизмнинг, тинчлик ва халқлар озодлиги ишининг душманларга нисбатан муросасиз бўлиш;
— ҳамма мамлакат меҳнаткашлари билан, ҳамма халқлар билан қардошларча бирдамлик.

КПСС Программасида баён қилиб берилган коммунизм қурувчиси ахлоқ кодексининг принциплари ҳаммага яхши маълум. Улар совет кишилари кўпчилигининг тан-қонига сингиб кетди, улар хулқ-атворининг нормаси бўлиб қолди. Аммо бу принципларни жуда яхши била туриб, амалий ҳаётда бошқа принципларга — буржуазия жамиятидан сарқит бўлиб қолган ярамас принципларга амал қиладиган кишилар ҳамон учраб туради. Буржуазия жамиятида эса сўз билан ишнинг бир-бирига тўғри келмаслиги кундалик ахлоқий норма бўлиб қолмоқда.

Ҳақиқатан ҳам гапи биру, иши бошқа бўлиб, ёлғончилик ва иккиюзламачилик қилиш — шахснинг энг ёмон иллатидир. Сўз билан ишнинг ҳар қандай шаклда тўғри келмаслиги хўжалик қурилишига ҳам, айниқса меҳнаткашларнинг ахлоқий тарбиясига ҳам зарар етказади. Аммо ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, «ҳаётда актив позицияда туриш, ижтимоий бурчга онгли муносабатда бўлиш, сўз билан ишнинг бирлиги кундалик хулқ-атвор нормасига айланиши инсон шахсини улуғлайдиган энг зарур фазилатлардир. Шундай позицияни вужудга келтириш ахлоқий тарбиянинг вазифасидир» (Ленин йўлидан, 5-том, 606-бет).

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

Ф. Энгельс. **Анти-Дюринг**, I бўлим. IX—XI боблар. «Ўзбекистон» нашриёти 1979 йил.

В. И. Ленин. **Ёшлар союзларининг вазифалари.** Тўла асарлар тўплами, 41-том.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси. «Ўзбекистон» нашриёти, 1976 йил, II қисм, V бўлим.

Л. И. Брежнев. **КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари.** КПСС XXV съездининг материаллари. «Ўзбекистон» нашриёти, 1976 йил, III бўлим.

Л. И. Брежнев. **КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари.** КПСС XXVI съездининг материаллари «Ўзбекистон» нашриёти, 1981 йил, III, IV бўлимлар.

М. А. Суслов. **Дело всей партии.** М., Политиздат, 1980.

БУЮК ЖАНГ

ГИТЛЕРЧИ ҚЎШИНЛАР МОСКВА ОСТОНАСИДА ТОР-МОР ЭТИЛГАНИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Қ. ЯН-БОРИСОВА,
тарих фанлари кандидати

ИНСОНИЯТ ТАРИХИДА урушлар кўп бўлган, аммо фашист давлатлар блоки жаҳонга ҳукмрон бўлиш мақсадида бошлаған иккинчи жаҳон уруши улар орасида энг даҳшатли ва энг кўп қон тўкилган уруш бўлди. Уруш ўн миллионлаб кишининг ёстиғини қуритди, халқларга чексиз азоб-уқубат келтирди, бутун-бутун авлодларнинг меҳнати билан вужудга келтирилган жуда катта моддий бойликларни яксон қилди. 6 йил давом этган иккинчи жаҳон уруши фашистлар Германияси ва унинг малайларининг тўла тор-мор бўлиши билан тугади. Бунда Совет Иттифоқи ҳал қилувчи роль ўйнади.

1941 йил 22 июнда жаҳон империализмининг бош зарбдор кучи — фашистлар Германияси ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани хиёнаткорона бузиб, ўз иттифоқчилари билан биргаликда СССРнинг бутун ғарбий чегараси бўйлаб унга қарши уруш ҳаракатлари бошлади. Совет халқининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши бошланди, бу уруш мамлакатимиз учун жуда оғир синов бўлди. Бу урушда дунёда биринчи социалистик давлатнинг тақдири, совет халқларининг озодлиги ва мустақиллиги, бутун инсониятнинг келажаги ҳал этилди.

1941 йилнинг кузига келиб Совет-Германия фронтида кенг миқёсдаги шиддатли жанглар авж олиб кетди. Душман СССР ғарбий областларининг анчагина қисмини босиб олиб, жон-жаҳди билан Москвага ёпирилиб кела бошлади. Москвани қўлга киритиш Гитлер қўмондонлигининг сиёсий ва стратегик мақсади бўлган эди. У Советлар мамлакатининг юрагига зарба уриш билан «яшин тезлигидаги уруш»ни ғолибона тугалламоқчи эди.

Гитлер Шарқий фронт қўшинларига махсус мурожаатида бундай деди: «Солдатлар! Олдингизда Москва турибди! Икки йил ичида қитъадаги ҳамма пойтахтлар сизларга тиз чўкди, сизлар энг яхши шаҳарларнинг кўчаларидан юриб ўтдингиз. Навбат Москвага келди. Уни бўйсунишга мажбур этингиз, қуролингиз кучини унга кўрсатингиз, унинг майдонларидан ўтингиз. Москва — урушнинг охири демакдир, шундан кейин дам оласизлар. Олға!». Фюрернинг башорати «ушалди»— фашист солдатлари ҳақиқатан ҳам Совет пойтахти майдонларидан ўтдилар, аммо асир тариқасида юриб ўтдилар. Охири ҳам бўлди, аммо урушнинг эмас, балки Москвага зарба бермоқчи бўлган фашист қўшинларининг охирги куни келди.

Москва яқинидаги жанг иккинчи жаҳон урушининг энг катта жанги бўлди. Бу уруш икки босқичга — мудофаа (1941 йил 30 сентябрь — 5 декабрь) ва ҳужум (1941 йил 6 декабрь — 1942 йил 20 апрель) босқичларига бўлинади.

6 сентябрь куни Гитлер Москвага ҳужум бошлашга ҳозирлик кў риш тўғрисида директива берди. Гитлерчилар қўмондонлиги Москва яқинида жуда катта куч — ўша пайт Совет-Германия фронтидаги пиёда қўшинларининг бешдан икки қисмидан кўпроғини, танкларнинг тўртдан уч қисмини, тўп ва миномётларнинг қарийб ярмисини, самолётларнинг учдан бир қисмига яқинини тўплаган эди.

«Тайфун» операцияси (гитлерчилар қўмондонлиги Москвани босиб олиш режасини шундай деб атаган эди) 1941 йил кузида бошланди. 30 сентябрь — 2 октябрь кунлари Германия армияси совет пойтахтига кенг жабҳа бўйлаб ҳужум қилди, натижада Москва хатарли хавф остида қолди.

Коммунистик партия Москва яқинида гитлерчи қўшинларни тормор қилишнинг ва умуман Улуғ Ватан урушида совет халқи ғалабасининг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деб уқтирди: «Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқи кўрсатган буюк жасоратни коммунистлар партиясининг муайян мақсадни кўзлаб олиб борган кўп қиррали фаолиятидан ажратиб бўлмайди. Партия Марказий Комитети уруш ҳаракатларига олий сиёсий ва стратегик раҳбарлик қилиб турган штаб бўлди. Партиямиз ўн миллионлаб кишиларни уюштириб ва жипслаштириб, уларнинг ғайратини, иродасини ва ҳаракатларини битта мақсадга — ғалабани қўлга киритишга йўллаб турди. Партия билан халқ бир бутун эканлигини, бу бузилмас бирликни бўшаштира оладиган куч йўқ эканлигини уруш яна ва яна бир марта исботлаб берди» (Ленин йўлидан, 5-том, 324-бет).

ВКП(б) МҚ Лениннинг реакцион кучлар билан ғоят кескин кураш даврида, мамлакат ва халқ тақдири ҳал этилаётган пайтда «пролетариат партиясининг идеали жанговар партиядир» (Тўла асарлар тўплами, 14-том, 3-бет) деган кўрсатмасига амал қилиб партиянинг бутун турмушини, унинг иш формалари ва методларини ўша пайтдаги вазифага мувофиқ қайта қурди, унинг фаолиятини душманга зарба беришни ташкил этишга қаратди. Урушнинг дастлабки ойларидаги бениҳоя оғир шароитда Коммунистик партия совет халқини руҳлантирди, уни фашист босқинчиларга қарши Ватан урушига отлантирди, мамлакатни жанговар лагерга айлантирди.

Коммунистик партия Москва мудофаасини мустаҳкамлаш соҳасида зўр сафарбар этувчилик, ташкилий ва сиёсий иш олиб борди.

Давлат Мудофаа Комитети 1941 йил 20 октябридан бошлаб Москвада ва унинг атрофларида қамал ҳолати жорий этди. Москва партия ташкилоти ВКП(б) МҚ кўрсатмаси билан ўзининг бутун фаолиятини бевосита пойтахт мудофаасига қаратди. Партия Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет, Москва область ва шаҳар партия комитетларининг секретари А. С. Щербаков 1941 йил 17 октябрь куни ВКП(б) МҚ топшириғига биноан радио орқали гапирди. «Москва учун бир томчи қонимиз қолгунча сабот билан шиддатли жанг қиламиз», — деди у. Ўша пайтдаёқ Москва области шаҳарларида мудофаа комитетлари тузилди.

Партия ташкилоти раҳбарлигида москваликлар кўкракларини қалқон қилиб жонажон шаҳарларини ҳимоя этдилар. Урушнинг биринчи йили дастлабки беш ойидагина бу ердан фронтга юз минг коммунист ва 260 минг комсомол юборилди. Партия даъвати билан Москванинг 600 мингдан ортиқ меҳнаткашлари мудофаа иншоотлари қурилишига чиқди.

Москва партия ташкилоти ВКП(б) МҚнинг «Германия қўшинлари орқа томонидаги курашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, Москва областида большевистик подполье ва партизан ҳаракатини ташкил қилишга тайёргарлик ишларини авж олдириб юбор-

ди. Москва мудофааси вақтида душманнинг орқа томонида партизанлар полки, ўнлаб партизан отрядлари ва қирувчи-қўпорувчи группалар ҳаракат қилди.

Коммунистик партия, ҳукумат ва совет қўмондонлиги кўрган тадбирлар натижасида, Москва ҳимоячиларининг зўр қаҳрамонлиги туфайли 1941 йил октябрининг охирида душман тўхтатилди.

Германия қўмондонлиги мадад кучлар келтириб ва ўз қўшинларини қайта гуруҳлаб 1941 йил 15—16 ноябрда Москвага яна ҳужум бошлади. Шу пайтда душман кучлари Қизил Армия қисмларидан одамлар жиҳатидан 1,9 баравар, артиллерия жиҳатидан 2,5, танклар жиҳатидан 1,5 баравар устун эди. Душман асосий зарбаларни Москвани айланиб ўтиб, шимолдан ва жанубдан бера бошлади. У катта талафотлар кўришига қарамай Клин, Солнечногорск, Кирюковани ишғол қилиб, баъзи участкаларда совет пойтахтига 25—30 километр яқинлашиб қолди. Душманга яна бир зўр берса Москва таслим бўладигандек туйилди. Гитлернинг қуруқликдаги қўшини штабининг бошлиғи генерал Гальдер 1941 йил 2 декабрда ўз кундалигига бундай деб ёзди: «Душманнинг қаршилиги юксак нуқтасига етди. Энди унинг ихтиёрида ҳеч қандай янги куч қолмади». Аммо душман жуда янглишган эди. Гарчи у мақсадига етай деб қолган бўлса ҳам, бироқ унинг ҳужум қилиш имкониятлари тугаган эди. Унинг энг яхши дивизиялари ҳолдан тойган, мажақланган ва ёндириб юборилган немис танклари Москва атрофида қалашиб ётар эди. 1941 йил 16 ноябридан 5 декабригача Москва яқинида фашист қўшинларидан 55 минг киши ўлдирилди, 100 мингдан ортиқ киши жароҳатланди ва музлаб қолди, 777 та танк, 300 тага яқин тўп ва миномёт мажақланди.

Партия совет халқини жонажон Москвани ҳимоя қилишга чақирди. Партия даъвати билан бутун мамлакат азиз пойтахтни ҳимоя қилишга отланди.

Ўзбекистонлик жангчилар ҳам Москва ҳимоячилари сафларида мардона жанг қилдилар. Туркистончи жангчилардан Олмаотада тузилган машҳур гвардиячи Қизил Байроқ орденли генерал И. В. Панфилов дивизиясининг командирлар ва сиёсий ходимлар состави асосан В. И. Ленин номидаги Тошкент пиёдалар билим юртининг ва Ўрта Осиё ҳарбий округи ҳарбий-сиёсий билим юртининг талабаларидан иборат эди. 1941 йил 16 ноябрь куни шу дивизиянинг сиёсий раҳбари В. Г. Клочков бошлиқ 28 жангчиси Дубосеково разъезди ёнида сўнмас жасорат кўрсатди. Улар душманнинг 50 та танки йўлини тўсдилар. Совет жангчиларининг афсонавий олишуви тўрт соат давом этди. Душман шиддатли жангда 18 танки ва ўнлаб солдатидан маҳрум бўлди, аммо мудофаани ёриб ўта олмади. Сиёсий раҳбар В. Г. Клочковнинг «Россия каттаю, лекин чекинадиган жой қолмади, орқада Москва турибди!» деган ажойиб сўзлари Москванинг барча қаҳрамон ҳимоячиларининг фикри-зикрини ифодалади.

Тошкентда тузилган 44-отлиқ аскарлар дивизияси ва асосан ўзбекистонликлардан иборат бўлган 258-ўқчи дивизия (бу дивизия 1942 йил январида 12-гвардиячи ўқчи дивизияга айлантирилди); 1941 йил охирида Ўрта Осиё ҳарбий округининг ҳарбий билим юртлари курсантларидан тузилган 34, 35, 36, 37, 38, 39 ва 40-алоҳида бригадалар; Фарғонада тузилган 38-ўқчилар бригадаси (сиёсий жангчи коммунист Ш. Р. Рашидов шу бригада составида мардона жанг қилди ва жангчилар орасида сиёсий-тарбиявий иш олиб борди) Москва атрофидаги жангларда қатнашди (Улуғ Ватан уруши (1941—1945) йилларида Ўзбекистон ССР, 1-том, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1981, 324-бет). Москва яқинидаги жангларда жасорат ва мардлик кўрсатган ўзбекистонлик юзлаб жангчилар, командирлар, сиёсий ходимлар СССР орден ва медаллари билан мукофотланди.

Ўзбекистонликлар Москва ҳимоячилари учун совға-салом билан юборган эшелонлар уруш даврида фронт билан мамлакат ичкариси бирлигининг ёрқин намойиши бўлди. 1942 йил арафасида Қизил Армиянинг ўзбекистонлик командирлари ва сиёсий ходимларига янги йил совғаси топшириш учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси Й. Охунбобоев бошчилигидаги делегация фронтга жўнаб кетди. Делегация ҳаракатдаги армиянинг кўпгина қисмларида бўлди. Генерал-лейтенант Л. А. Говоров делегациямиз ҳузурида сўзлаган янги йил нутқида Ғарбий фронт жангчиларининг фикрлари ва ҳис-туйғуларини ифодалаб бундай деди: «Қор босган Москва билан серқуёш Ўзбекистон орасида минглаб километр масофа бор, аммо масофа олис бўлса ҳам кўнгил яқин. Биз сизни нақадар қадрласак, сизлар ҳам бизни шу қадар қадрлашингизни биламиз». Қизил Армиянинг 24 йиллиги арафасида гўшт, қуруқ мева, кондитер маҳсулотлар жойланган 43 та вагондан иборат эшелон Тошкентдан Москвага жўнатилди. 1942 йил 4 март куни Ўзбекистон меҳнаткашларининг совға-саломи жойлашган учинчи эшелони Ғарбий фронт жангчилари учун Москвага етказилди. Бошқа қардош республикалардан ҳам Москва ҳимоячилари учун озиқ-овқат, иссиқ кийим солинган эшелонлар кетма-кет келиб турди. Бутун халқнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлаши жангчиларнинг маънавий руҳини кўтарди, уларни янгидан-янги қаҳрамонликларга илҳомлантирди.

Ҳарбий қўмондонлик, партия ва совет органлари партиянинг 1941 йил ноябрида ўртага ташлаган: «Немис-фашист босқинчиларини тор-мор қилиш Москва ёнидан бошланиши керак!» — деган шиори остида Қизил Армиянинг қарши ҳужумига тайёргарлик кўриш соҳасида жуда катта иш қилдилар. Жанговар резервлар, моддий-техника воситалари тўплана берди.

Буржуа тарихчилари ва мағлуб бўлган гитлерчи генераллар фашистлар Германияси қўшинларининг Москва яқинидаги мағлубиятини қарши ҳужум даврида совет қўшинлари сон жиҳатдан устун эди, деб оқлашга уринадилар. Фактлар бу даъвони бутунлай рад қилади. Москва яқинида қарши ҳужум бошланган пайтда совет қўшинлари сафида 718 минг, душман қўшинларида эса 801 минг киши; совет қўшинларида 5900, душманда эса 10.400 тўп ва миномёт, совет қўшинларида 667 та, душманда эса 1000 та танк, совет қўшинларида 762 та ва душманда 615 та самолёт бор эди. Шундай қилиб авиациядан ташқари (дарвоқе ўша пайтда немис самолётларининг кўпчилиги бизникидан яхшироқ эди) одамларнинг ва техниканинг кўплиги жиҳатидан устунлик ҳам душман томонида эди.

Шу сабабли Қизил Армиянинг ўша даврдаги устунлиги ҳақида гапборганида, бу устунлик аввало унинг маънавий-сиёсий жиҳатидан Гитлер қўшинларига нисбатан устунлигидан, ғалабага бўлган зўр иродасидан иборат эди. Армиядаги коммунистлар Совет жангчиларининг юксак маънавий руҳини мустаҳкамладилар. 1941 йил декабрида армиядаги коммунистлар 200 минг кишига етди ёки совет пойтахтини ҳимоя қилган жангчиларнинг қарийб чорак қисми коммунистлар эди.

Москва ёнидаги жанг Лениннинг ҳар қандай урушда «ғалаба пировард натижада жанг майдонида ўз қонини тўкаётган кўпчилик кишиларнинг руҳий ҳолатига боғлиқ бўлади. Урушнинг адолатли уруш эканига ишониш, қардошларининг бахти-саодати учун жон фидо қилиш зарурлигини тушуниш солдатларнинг руҳини кўтаради ва уларни мисли кўрилмаган оғир машаққатларга бардош беришга мажбур этади» (41-том, 132-бет) деган қоидасининг тарихан ҳақлигини яққол тасдиқлади.

1941 йил 5—6 декабрь кунлари Қизил Армиянинг Москвани мудофаа қилиб турган қўшинлари қарши ҳужумга ўтдилар. Қарши ҳужумни жуда мураккаб вазиятда — қўшинларнинг сони душмандан устун

бўлмаган бир пайтда, оғир иқлим шароитларида (қаҳратон совуқ, қалин қор ёққан эди) олиб боришга тўғри келди. Бу ҳужум айни бир вақтда Калининдан Елецгача бўлган жуда катта масофада бошлаб юборилди ва муваффақиятли ривожланиб борди. Москва яқинидаги қарши ҳужум Қизил Армиянинг стратегик мудофаадан стратегик ҳужумга ўтишини бошлаб берди.

Фашистларнинг Москва ёнида тор-мор қилиниши зўр стратегик ва сиёсий оқибатларга эга бўлди. Аввало «Блицкриг» («Яшин тезлигидаги уруш») батамом ва узил-кесил барбод бўлди. Гитлер армиясининг «енгилмаслиги» тўғрисидаги афсона бутун дунё олдида пучга чиқарилди.

Совет қўшинларининг Москва ёнидаги ғалабаси Улуғ Ватан урушидагина эмас, бутун иккинчи жаҳон урушида ҳам муҳим бурилиш босқичи бўлди. Немис-фашист армияси Европадаги уруш ҳаракатларидан кейин биринчи марта катта мағлубиятга учради. Немис вице-адмирали К. Ассман «Германиянинг фалокатли йиллари» китобида бундай эътироф қилди: «Урушнинг боришида бурилиш Москва яқинидаги жанг майдонларида содир бўлди. Бу ерда 1941 йил охирида қурби етмайдиган вазифага дуч келган Германия қуролли кучларининг ҳужумкорлик қудрати биринчи бор букилди. Бу ерда душман биринчи марта ташаббусни қўлга олди. Германия армияси жанговар кучидан оғир талафотлар бериш эвазигагина душманнинг ҳужумига қарши тура олди».

Москва яқинидаги мағлубият Гитлер армияси учун катта маънавий-сиёсий зарба бўлди. Германия ичкарисида чуқур кризис чиқарди, бутун фашистлар блокини ларзага келтирди.

Қизил Армиянинг Москва яқинидаги ғалабаси Европа халқларининг фашизм зулмига қарши курашини ривожлантиришда янги босқич очди. Халқаро ишчилар ҳаракатининг таниқли арбобларидан бири Уильям Фостернинг образли таъбири билан айтганда Қизил Армиянинг Москва ёнидаги қарши ҳужуми халқларнинг фашизмга қарши буюк юришини бошлаб берди.

Москва яқинидаги жанг совет халқи ва армиясининг зўр кучи ва матонатини кўрсатди. «Совет жангчилари оғир мудофаа жангларида немис армиясининг тинкасини қуритиб,— деган эди Л. И. Брежнев,— 1941 йил декабрида гитлерчи галаларни пойтахт бўсағасидан улоқтириб ташладилар ва уларни Ғарбга қувиб юбордилар. Фашистлар армияси Москва ёнида тор-мор келтирилганлиги бу армия енгилмайди, деган афсонани пучга чиқарди. Москва ёнидаги тарихий ғалаба совет кишиларини янги жасоратлар кўрсатишга руҳлантирди, уларнинг душман муқаррар емирилади, деган ишончини мустаҳкамлади (Ленин йўлидан, 1-том, 144—145-бетлар).

Партия билан халқ Москва ҳимоячиларининг сўнмас жасоратини юксак баҳоладилар. Ватан олдидаги буюк хизматлари, СССР пойтахти — Москва шаҳри меҳнаткашларининг немис-фашист босқинчиларига қарши курашдаги оммавий қаҳрамонлиги, мардлиги ва матонати учун Москвага «Қаҳрамон шаҳар» фахрий унвони берилди.

Гитлерчи қўшинлар Москва яқинида тор-мор этилганлигининг 40 йиллигини мамлакатимиз, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа давлатларнинг халқлари, бутун тараққийпарвар инсоният кенг нишонламоқдалар. Бу воқеа Улуғ Ватан уруши тарихининг энг ёрқин саҳифаларидан биридир. Москва ёнидаги ғалаба Германия фашизми устидан совет халқи ғалабасининг дебочаси бўлди.

КОММУНИСТ АДИБ

А. А. ФАДЕЕВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

О. ШАРОФИДДИНОВ

ШУНДАЙ ЁЗУВЧИЛАР бўладики, уларнинг ижоди авж пардалари ёниб-жўшиб куйланган якнафас қўшиққа ўхшайди. Ижодкор қалбининг энг теран жойларидан булоқдай тошиб чиққан бу қўшиқ олий жаноб мақсадларга хизмат қилади — у одамларни нурли истиқбол сари етаклайди, буюк идеаллар йўлида буюк курашлар сари отлантиради, уларнинг қалбида ўз кучига ишонч туйғусини, инсоний ғурурини алангалантиради. Бундай қўшиқ завол билмай мангу яшайди — у авлодлардан авлодларга ўтиб, ҳар гал уларнинг қалбида гўзаллик ва яхшилик туйғуларини мустаҳкамлайди, инсон руҳиятининг қудрати, улуғворлиги ҳақидаги эътиқодни юксалтиради. Бундай қўшиқни тинглаган одамда ўзининг Инсоният тоифасига мансублиги учун чексиз ифтихор пайдо бўлади. Бундай қўшиқни яратган ижодкорнинг ўзи ҳам халқ қалбида мангу яшайди. Совет адабиётининг атоқли намояндаси Александр Фадеев ана шундай сўз санъаткорларидан эди. Унинг адабиётимизнинг олтин хазинасига кирган «Тор-мор», «Сўнгги удэгей» каби романлари совет кишиларини юксак ғоявийлик руҳида тарбиялашда ҳамон актив хизмат қилиб келмоқда. Совет кишиларининг фашист босқинчиларига қарши курашида кўрсатган мислсиз қаҳрамонликларини бекиёс кўтаринки руҳда тасвирланган «Ёш гвардия» романи эса «Пўлат қандай тобланди», «Чин инсон қиссаси» каби ҳамон ёшлар учун «қандай яшамоқ керак?» деган саволга мукаммал жавоб берувчи энг мўътабар устоз, доно маслаҳатгўй, содиқ дўст бўлиб келмоқда. Вақтлар ўтар, замонлар ўзгарар, янги-янги ёзувчилар пайдо бўлар, улар янги-янги юксак фазилатли асарлар яратар. Лекин шунда ҳам «Ёш гвардия» романи уларнинг соясида қолиб кетмайди, балки совет кишисининг руҳий гўзаллигини, мислсиз шижоатини куйлаган асар сифатида китобхонларни лол қолдириб, уларга битмас-туганмас эстетик завқ бағишлаб, уларни Ватанни севишга ундаб, яшашда давом этаверади. Бунинг сабаби шундаки, «Тор-мор»да ҳам, «Ёш гвардия»да ҳам совет кишилари босиб ўтган тарихий йўлнинг бетакрор ўзига хослиги, давр руҳи ёрқин акс этган. Уларда ўзи халқдан чиққан, бутун кучини, илҳомини, кўз нурини халқига, Ватанга, партияга фидо этган коммунист ижодкорнинг қалби тепиб турипти.

Александр Фадеев совет адабиётининг тўнғич авлодига мансубдир. Бу авлодни адибнинг ўзи «бахтиёр авлод» деб атаганди. Ҳақиқатан ҳам шундай — бу авлод революция бўронларида туғилди, гражданлар уруши оловларида тобланди, муросасиз синфий жанглар жараёнида балоғатга етди. Тарих бу авлод зиммасига буюк вазифа юклади — улар социализм даврининг янги адабиётини барпо этишлари керак эди. Бу жуда қийин эди Чунки ҳали революция туфайли одамлар

онгида, турмушида юз берган буюк ўзгаришларни санъатда қандай ифодалаш кераклиги, уларнинг тарихий ва ижтимоий моҳиятига мос келадиган янги бадиий сўзни қандай ва қаердан топиш маълум эмас эди. Шиддатли курашлар ҳали тинмаган, синфий жанглар олови гуруллаб ёниб турган шароитда ҳатто бундай санъатни яратишнинг иложи йўқдай кўринарди. Шунга қарамай, адабиётимизнинг тўнғич авлод вакиллари ҳали жаҳонда ҳеч ким айтмаган сўзларни топиб, буюк революциянинг оламшумул кўламига муносиб санъат яратдилар. Бу — ҳақиқий жасорат эди. Бу шундай тенгсиз жасорат эдики, унинг оқибатида, бугун турли-туман жанрларда, хилма-хил услубларда, бекиёс ижодий ташаббусларда гуллаб-яшнаётган, чинакам гуманизми билан, юксак интернационализми билан, теран ҳаққонийлиги билан жаҳонни ҳайрон қолдираётган кўп миллатли совет адабиётининг мустаҳкам ва муҳташам биносига пойдевор қўйилганди. Адабиётимизнинг тўнғич авлоди бу тарихий вазифани шараф билан бажарди, шунинг учун у ўзини тўла асос билан бахтиёр авлод деб ҳисоблаши мумкин. Фадеев шу авлоднинг энг олдинги сафларида эди. У революция фарзанди эди ва адабиётда ҳам революциянинг оташин куйчиси сифатида қолди. «Мен ёзувчи бўлишдан аввал революционер бўлгандим,— деб ёзади Фадеев.— Қўлга қалам олганимда пишиб етилган большевик эдим. Ҳеч шубҳасиз, шу сабабдан ижодим ҳам революцион руҳ касб этди». Фадеевнинг аввал революцияга ва у орқали адабиётга келиши тасодифий эмас эди.

Фадеев 1901 йилнинг 24 декабрида Тверь губернасининг (ҳозирги Калинин области) Кимри шаҳарида революционер-народоволец оиласида туғилади. Александрнинг болалик ва ўсмирлик йиллари Узоқ Шарқда ўтди. 1918 йилда Александр Фадеев Коммунистик партия сафига киради. Бўлажак адибнинг партизанлар ҳаракатида фаол иштирок этиши ва Халқ-революцион армиясида сиёсий иш олиб бориши дунёқарашининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. «Мен халқимнинг энг яхши жиҳатларини билиб олдим,— деб ёзади Фадеев шу йилларда ўтган ҳаёт университетлари ҳақида,— уч йил мобайнида мен халқ билан бирга минглаб километр йўл босдим, у билан бир шинелни ёпиниб ухладим, бир котелокдан овқатландим. Мен биринчи марта халқни қандай одамлар етаклаб бораётганини билиб олдим. Улар ҳам бошқаларга ўхшаган одам эканини, лекин халқнинг энг асил ўғил-қизлари эканини тушундим. Агар халқ ўз орасидан уларни қидириб топмаганда, қашшоқлик ва ҳақсизлик чангалларида мангу қолиб кетарди. Партиянинг халқ тақдиридаги аҳамиятини тушундим, унинг сафида эканлигимдан фахрланаман».

1921 йилнинг баҳорида Фадеев РКП(б) нинг X съездига делегат қилиб сайланди Партия съезди ўтаётган кунларда Кронштатда оқлар исён кўтаради. Исённи бостиришга сафарбар қилинган съезд делегатлари орасида 20 ёшли коммунист Александр Фадеев ҳам бор эди. У оғир яраланиб узоқ даволанади. Гражданлар урушидан кейин Москвада, Кончилик академиясида ўқиди, бир неча йил Москва, Шимолий Кавказда, Краснодар ўлкасида, Кубанда, Ростовда ҳар хил партия ишларида хизмат қилади ва журналистик фаолият билан шуғулланади. 1926 йилнинг кузида Фадеев Москвага кўчиб ўтади ва тўлалигича ижодий фаолият билан машғул бўлади. Бу даврга келиб, Фадеев бағоят истеъдодли, ўзига хос ёзувчилик нигоҳига эга, ўз услубини яратган, 1923 йилда эълон қилинган «Тошқин» қиссаси ва «Оқимга қарши» ҳикоясининг автори сифатида кенг китобхонлар оммасининг диққатини жалб қилган эди. Табиийки, Октябрь революцияси ва гражданлар уруши темаси Фадеев ижодида марказий мавзу бўлиб қолди. Орадан кўп ўтмай, Фадеевнинг «Тор-мор» романи босилди. Роман адабиётимизда социалистик реализм методининг шаклланишида муҳим бир босқич

бўлди. Унда ёзувчи гражданлар урушини тасвирлашида, давримизнинг асил қаҳрамонлари — коммунистлар образини яратишда принципиал муваффақиятларга эришди. 20-йилларнинг биринчи ярмида совет прозасида янги қаҳрамон образи — ишчи коммунист образи яратилди. Бу соҳада муваффақиятлар билан бирга анча жиддий камчиликлар ҳам мавжуд эди. Кўпгина асарларда коммунистлар мавҳум тарзда, ҳаётдан, реал тарихий вазиятлардан ажратилган ҳолда тасвирланарди. Шундай шароитда Узоқ Шарқда социалистик революцияни амалга оширган, кейин мислсиз машаққатларга дош бериб, қўлда қурол билан бу революция ғалабаларини турли душманлардан ҳимоя қилган коммунистларни реал ва жонли инсонлар сифатида тасвирлаган «Тор-мор» романи адабий-маданий ҳаётда катта воқеа бўлди. Роман кўп тилларга, жумладан ўзбек тилига ҳам 30-йилларнинг бошидаёқ таржима қилинган ва босиб чиқарилган эди. «Тор-мор» романида олдинга сурилган асосий фикрлар қандай? Бу саволга Фадеевнинг ўзи 30-йилларда ёзган «Менинг адабий тажрибам — бошловчи авторга» деган мақоласида шундай жавоб берган: «Биринчи ва асосий фикр: гражданлар урушида инсоний материални танлаш жараёни содир бўлади. Революция ҳар қандай душман кучни улоқтириб ташлайди, чинакам революцион курашга ноқобил, революция лагерига тасодифан кирган, ҳар қандай кучлар ғалвирдан тушиб қолади, аксинча, революциянинг ҳақиқий илдизларидан, миллионлаб халқ оммаси ичидан кўтарилган кучлар бу курашда чиниқади, ўсади, тараққий этади. Одамларни қайта тарбиялаб ўзгартириш шу сабабдан муваффақиятли содир бўладики, революцияга ишчилар синфининг вакиллари — коммунистлар раҳбарлик қилади. Улар ҳаракат мақсадини жуда яхши билади ва қолоқларни ўз орқаларидан эргаштириб, уларнинг қайтадан тарбияланишларига ёрдам беришади.

Романнинг асосий мавзуини мен ана шу тарзда белгилашим мумкин».

«Тор-мор» романининг характерли хусусиятларидан бири шундаки, у бевосита ҳаётда бўлиб ўтган воқеаларга асосланган, унинг қаҳрамонлари ҳам реал прототипларга эга, ҳатто уларнинг баъзилари асарга исмлари ўзгартирилмай киритилган. Масалан, «Тор-мор» романидаги асосий қаҳрамонлардан бири Метелица ҳаётда Сергей Лазонинг яқин дўсти, Амгун полкининг комиссари бўлган. Лекин шундай бўлса-да, «Тор-мор» ҳужжатли асар эмас, том маънодаги бадиий асардир. Ёзувчи реал воқеаларга, реал шахсларга таяниб, революцион воқеликни бадиий идрок этади, унинг муҳим маънавий-фалсафий масалаларини ўртага қўяди. «Тор-мор»нинг сюжети мураккаб эмас — унда бир кичик партизанлар отрядининг тақдири кўрсатилган. Оқлар бу отрядни таъқиб этади, қуршаб олади. Отряд тор-мор бўлиши керак. Лекин партизанлар таслим бўлмайди — оғир талафотлар кўриб, уларнинг бир қисми қуршовни ёриб чиқади. Роман воқеалари жуда қисқа вақт ичида бўлиб ўтади. Александр Фадеев ана шу зоҳиран содда воқеада даврнинг улуғ ҳақиқатини ифодалаб берган. Бу ҳақиқат шундан иборатки, социалистик революция халқ оммасини курашга қўзғайди, янги ҳаётга чорлайди ва шу ҳаёт учун кураш жараёнида ишчилар синфи ва унинг илғор қисми бўлмиш Коммунистик партия халқни зулмга қарши онгли, фаол курашчилар қилиб тарбиялайди. Кўриниб турибтики, асарнинг ғояси том маънода партиявий руҳга эга бўлган.

Романнинг бош қаҳрамони — партизан отрядининг командири коммунист Левинсондир. У ташқи кўриниши жиҳатидан қаҳрамонга ўхшамайди — бўйи паст, ўзи малла, юрганда лапанглаб юради. Лекин шунга қарамай, у одамларни ўзига жалб қиладиган кучга эга — бу куч унинг эътиқодида, иродасида, мақсад сари ишонч билан ҳаракат қилишида. У революцион кураш йўлини танлайди. Бу уни коммунистлар

афига олиб келади. Левинсон ҳаракат одами. У ҳарбий вазият тақо-о қилганда қурол ишлатишдан чўчимайди. У юз эллик кишилик отряд ақдири учун ўзини масъул деб билади ва ана шу масъулият ҳисси энг ураккаб шароитда ҳам уни топқир бўлишга, мақсад сари дадил инти-ишга ундайди.

Левинсон образининг принципиал аҳамияти, 20-йиллар совет про-асидаги янгилиги шу билан белгиланадики, унда адиб коммунист раҳ-арнинг халқ оммасини уюштириш, унинг кучини, иродасини муайян мақсад сари йўналтириш, уни қайта тарбиялаш соҳасидаги тарихий зазифасини кўрсатиш билан чекланмай, айни чоқда инқилобчининг маънавий ҳаётини кенг таҳлил қилади, психологиясини чуқур очиб беради ва шу йўл билан ўша йиллардаги айрим асарларда коммунист образи тасвирида тез-тез учраб турадиган схематизмга кескин зарба беради.

«Тор-мор» романида фақат Левинсоннинг эмас, бошқа ижобий қаҳрамонлар образи ҳам чуқур ҳаётийлик билан яратилган. Бу жи-ҳатдан, айниқса, партизанлардан Тимофей Дубов, Морозко, Метелица, Бакланов каби образлар диққатга сазовор. Тимофей Дубов — шахтёр. У отряднинг оддий аъзоси, лекин курашларда чиниққан, революция туфайли ўзининг етакчилик ролини англаб етган илғор ишчи. Дубов романда пролетар диктатурасининг таянч кучи сифатида тасвирланган. Иван Морозко ҳам шахтёрлардан, бироқ у Дубовдан фарқ қилади. Унинг маданий савияси унча юксак эмас, революцион интизомга ҳам дош беролмайди, ҳаётда анча қўпол, сўкинишда унинг олдига туша-диган кимса йўқ. Адиб ўз қаҳрамонининг ана шундай салбий қирра-ларини ҳам батафсил кўрсатишдан чўчимайди. Шу нуқсонларига қа-рамай, автор уни муҳаббат билан тасвирлайди. Адиб талқинида Мо-розко характерида унинг нуқсонларини босиб кетадиган муҳим хислат бор — бу Морозконинг революцияга садоқати, Ватан ва халққа садо-қати Левинсон, Дубов, Морозко, Метелица, Бакланов, Варя каби ижо-бий қаҳрамонлар образида Фадеевга хос ижодий методнинг жуда му-ҳим бир қирраси кўринади. Фадеев реалист ёзувчи, лекин айни чоқда, романтик кўтаринкилик унга бегона эмас. «Менинг характерим шуна-қаки,— деб эътироф этган эди Фадеев — мен одамлардаги жамики ях-ши сифатларни кўришга ва одамларнинг кўз ўнгида лоақал бирон ўр-нак туриши учун айни шу сифатларни тасвирлашга кўпроқ мойилман. Лекин... ҳаётни ҳаққоний, реал кўрсатиш керак, унинг оғирликларидан, қўполликларидан, қабоҳатидан, мушкулликларидан қочиш ярамайди. Ана шунда яхши ва илғор нарсалар бўяб кўрсатиш эмас, жонли ин-соний уринишларнинг самараси бўлади».

Ёзувчи ана шу принципга амал қилиб, романда Мечик образини яратади. Мечик ҳам отряд аъзоси, партизан, у ҳам революция лагери-га ўз ихтиёри билан келган, янги ҳаёт ҳақида орзу қиладию, лекин унинг орзуси мешчанлик оғуси билан заҳарланган. Адиб Мечик обра-зи орқали интеллигенция ва революция проблемасини ўзига хос тарзда қўяди. Унинг тасвирида революцияни чуқур тушунган ва том маънода курашчига айланган зиёлилар бор, ва айни чоқда, Мечикка ўхшаган революциянинг моҳиятини англамай, унга бир лаҳзалик кечинма ту-файли қўшилиб қолган, кураш жараёнида ўзининг мешчанлик психо-логиясини, худбинлигини енгиб ўтолмаган зиёлилар бор. Бундайларни революция ўз йўлида четга итқитиб ташлайди. Шу тарзда «Тор-мор» романи давримизнинг улуғ ҳақиқатини юксак бадиият билан ифодала-ган асар сифатидагина эмас, совет адабиётида ижобий қаҳрамон маса-ласини тўғри ҳал қилишга ҳисса қўшган асар сифатида ҳам катта қимматга эга.

Социалистик революция ва гражданлар урушининг кенг манзара-ларини тасвирловчи «Сўнгги удэгей» романи ҳам совет адабиётида кат-

та ҳодиса бўлди. Бу роман ўзига хос мураккаб ижодий тарихга эга. Роман устидаги иш 20-йилларнинг охиридаёқ бошланган эди, айрим боблари 30-йилларнинг бошида эълон қилинади. У олти қисмдан иборат эпопея яратишни мақсад қилиб қўяди, бироқ салкам йигирма беш йил давомида бу эпопеянинг тўрт қисмини ёзиб тугатади, холос. Романнинг мавзуини, ғоявий мазмунини Фадеевнинг ўзи жуда яхши таъриф лаб берган: «Мен революция жараёнида коммунизм учун курашувчи илғор кучлар қай тарзда қолоқ халқлар билан иттифоққа киришишини, курашда уларга ёрдам беришини ва ўз ортидан эргаштиришини кўрсатмоқчи, революцион кураш жараёнида буржуазиянинг жамики эксплуататорлик ғоялари қай йўсинда улоқтириб ташланишини, миллионлаб ишчилар синфи ва деҳқонлар оммасининг вакиллари қандай қайта тарбияланишини, революция қандай қилиб уруғчилик тузуми даражасида яшаган ва яшаётган ибтидоий халқлар вакилларининг онгига етиб борганини кўрсатмоқчи эдим. Революция уларни ҳам ўз кураши қўйнига жалб қилади, ижтимоий тараққиётнинг кўпгина босқичларидан сакраб ўтишга мажбур этади ва социалистик жамиятнинг онгли қурувчиларига айлантиради». Романдаги воқеалар Узоқ Шарқда, Приморье ўлкасида 1919 йилнинг кўклами ва ёзида бўлиб ўтади. Адибнинг диққат марказида революцион халқ оммасининг оқгвардиячилар ва интервенциячиларга қарши кураши туради. Ана шу сюжет рамкасида ёзувчи ўз қаҳрамонларининг биографиясини тасвирлар экан, тез-тез тарихий чекинишлар қилади — Приморье ўлкасининг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ижтимоий ҳаётини кўрсатади ва удэгей халқининг фожиали тарихи ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Шундай қилиб, «Сўнгги удэгей» романи ўз проблематикаси жиҳатдан А. Толстойнинг «Сарсонлик — саргардонлик», М. Шолоховнинг «Тинч дон», Ф. Панферовнинг «Бруски» каби эпопеяларига яқин туради. «Сўнгги удэгей» романида ҳам даврнинг энг муҳим ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, маънавий масалалари бир-бири билан узвий алоқада ҳаққоний ёритилади. «Сўнгги удэгей» романининг бош қаҳрамони — Шарқ партизанларининг командири ва ревком раиси Пётр Сурков ишчи оиласидан чиққан. Ёзувчи унинг болалик ва ўсмирлик йиллари ҳақида ҳикоя қиларкан, «Пётрнинг қандай омиллар сабабли большевиклар сафига келиб қолганини, унинг революцион кураш жараёнида ғоявий ва маънавий жиҳатдан жуда тез чиниқиб, том маънодаги коммунист бўлиб етишганини ҳаққоний тасвирлайди. Романда Пётр Сурков турли-туман ҳаётий алоқаларда кўрсатилган. У оқгвардиячилар ва интервентларга қарши курашда конкрет ҳарбий масалаларни ҳал қилади, севади, биз унинг дўстларига, онасига, севимли қизига муносабатини кўрамиз, унинг ишчилар, деҳқонлар билан алоқасига гувоҳ бўламиз. Бу эпизодларнинг барчасида унинг характерида ишчи-коммунистга хос бўлган сифатлар яққол намоён бўлади. «Сўнгги удэгей» романида ҳам «Тор-мор»даги каби коммунистнинг ички дунёсини, маънавий оламини, психологиясини кенг тасвирлашга алоҳида ўрин берилган.

Улуғ Ватан уруши йилларида бошқа совет ёзувчилари каби Фадеев ижодида ҳам янги сифатлар пайдо бўлди. Ўзини революция томонидан сафарбар қилинган деб билган, бутун онгли ҳаёти ва ижодини коммунистик идеаллар тантанаси учун курашга бағишлаган Фадеев уруш йилларида совет ёзувчисининг бурчи ҳақида шундай деган эди: «Халқинг учун оғир ҳарб даври келганда сенинг қалбингдан қайноқ сўзлар қуйилиб чиқмаса, сен қандай санъаткорсан? Ўз лиранг билан кимни мадҳ этаоласан ёки кимнинг юрагида нафрат ўтини ёқаоласан? Агар халқинг энг асл фарзандлари тарихнинг энг юксак паллаларидаги ҳаёти ва кураши сени четлаб ўтса, туйғулар оташини ва тафаккур қудратини қаердан оласан?» Фадеевнинг уруш йилларидаги ижоди ана шу оташин чақириққа жавоб бўлди. Адиб юзлаб очерклар, нутқлар,

ıублицистик мақолаларда, «Ленинград қамалда» каби қиссаларида, ;нкояларида совет кишисининг мислсиз қаҳрамонлигига муносиб ёниқ ўзлар топди. Унинг асарлари халқимизнинг ёвуз фашизмга, босқин:иларга қарши муқаддас нафратини янада мустаҳкамлади, унинг ғаıабага ишончини чуқурлаштирди. Лекин шундай бўлса-да, Фадеев ижоıнинг гултожи деб «Ёш гвардия» романини ҳисоблаш керак.

«Ёш гвардия» романи ҳам Фадеевнинг бошқа романлари каби)еал воқеалар, фактларга асосланган. Унинг қаҳрамонлари ҳам реал ıахслар. Айни чоқда, «Ёш гвардия» ҳам ҳужжатли, ҳам бадиий асар ўлиб, ёзилишининг ҳам ўз тарихи бор. Краснодон ёшларининг фаıист босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураши ҳақида роман ёзишıи Фадеевга комсомол Марказий Комитети таклиф қилган эди. 1943 йилнинг февралида, Краснодон шаҳари душмандан озод қилинганидан кейин ёш гвардиячиларнинг фашистлар томонидан ёвузларча ўлдирилганлиги маълум бўлади. ВЛКСМ Марказий Комитети комиссияси олти)й давомида ишни ўрганади, гувоҳларни сўроқ қилади, ҳужжатларни гекширади, ёш гвардиячиларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари биıан суҳбатлашади, гестапонинг сўроқ протоколлари билан синчиклаб ганишади. 1943 йилнинг 15 сентябрида «Правда» газетасида СССР Элий Советининг «Ёш гвардия» ташкилотининг беш аъзосига — Олег Кошевой, Ульяна Громова, Сергей Тюленин, Люба Шевцова ва Иван Земнуховларга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини бериш, ташкилотнинг ўлган ва тирик қолган бошқа аъзоларини ҳам СССР орденлари билан мукофотлаш тўғрисидаги фармони босилиб чиқди. Газетанинг худди шу сонида Александр Фадеевнинг «Мангулик» деган мақоласи эълон қилиниб, унда адибнинг Коммунистик партия томонидан тарбияланган совет ёшлари учун ифтихори яққол сезилиб туради. Фадеев роман устида илҳом билан ишлайди. Шу туфайли у асарни бир йил-у тўққиз ойда ёзиб тугатади. Роман 1945 йилда эълон қилинади ва дарҳол кенг китобхонлар оммасининг муҳаббатини қозонади. Роман асосида кинофильм яратилади, инсценировкалар пайдо бўлади. Бироқ романда жиддий нуқсонлар ҳам бор эди. 1947 йилнинг 3 декабрида «Правда» газетасида эълон қилинган «Ёш гвардия» романда ва саҳнада» деган редакцион мақолада Коммунистик партиянинг Краснодондаги яширин ташкилотлар фаолиятига раҳбарлиги етарли ва ҳаққоний кўрсатилмагани танқид қилинади. Фадеев партиявий танқиддан тўғри хулоса чиқаради ва янги материалларни ўрганиб, романни қайта ишлайди. Романнинг янги варианти 1951 йилда эълон қилинади. Матбуот, жамоатчилик «Ёш гвардия»нинг янги вариантини мамлакатимиз адабий ҳаётидаги муҳим воқеа деб баҳолайди, унинг ғоявий теранлиги кучайгани, реализми чуқурлашгани таъкидланади. Адиб махфий ташкилотнинг етакчилари образини яратиш билан чекланмай, улар атрофида ҳаракат қилган яна кўпгина ёшлар образини чизади. Уларда илғор совет ёшларига хос энг яхши фазилатлар умумлаштириб берилган. Бу ёшларда коллективизм руҳи, адолат туйғуси кучли. Улар ўзларини озод ва мағрур Инсон деб, буюк советлар диёрининг тўлақонли фарзанди деб биладилар. Фарзандлик эса улар учун фахргина эмас, буюк масъулият ҳам. Улар халқ тақдири учун, социалистик Ватан озодлиги учун ўзларини масъулиятли деб биладилар. «Ёш гвардиячи»ларнинг ана шу сифатларида уларни гражданлар уруши йилларининг қаҳрамонлари билан чамбарчас боғлайдиган белгилар яққол кўриниб туради.

«Ёш гвардия» романида коммунистлар образи ҳам кенг ўрин тутади. Фадеев Махфий обком секретари Проценко, кекса большевик Матвей Шульга, яширин ташкилот раҳбари Лютиков образларида Коммунистик партиянинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ташкилотчилик ва раҳбарлик ролини яхши кўрсатган. Уларнинг ҳам ҳар қайсиси ўз индивидуал характерига, ўз тақдирига эга. Айни чоқда, коммунистик иде-

алларга садоқат, фашист босқинчиларига нафрат, юксак ватанпарварлик, халқ учун, Ватан учун жонини ҳам фидо қилишдан қайтмаслиги, темир ирода, ўткир ақл уларни бирлаштириб туради ва уларга енгилмас қудрат бахш этади.

«Ёш гвардия» романида Фадеев услубининг айрим жиҳатлари янада камол топган. Биз санъаткорнинг романтик кўтаринкиликка мойиллигини айтган эдик. Ана шу мойиллик бу романда жуда зўр самара берган. Фадеев романнинг бирор саҳифасида ҳаёт ҳақиқатидан чекинмаган ҳолда ўз қаҳрамонларини романтиклаштириб кўрсатади.

«Ёш гвардия» романидан сўнг Фадеев янги роман устида иш бошлади. «Қора металлургия» деб аталган бу романнинг дастлабки боблари матбуотда 1955 йилда эълон қилинди. Афсуски, роман тугалланмай, чала қолди. Шунинг учун бу роман ҳақида батафсил гапиришнинг имкони йўқ.

Фадеев фақат ажойиб романлар, бақувват қиссалар ва ҳикояларнинг муаллифигина эмас, йирик адабиётшунос, танқидчи, теран адабиёт назариячиси эди. Унинг мақолалари 20-йиллардаёқ матбуотда эълон қилина бошлаган. Айниқса, унинг «Адабиёт ва ҳаёт» (1939) «30 йил мобайнида» каби китоблари (1957) совет адабиётшунослигининг ривожида салмоқли ўрин тутади.

Фадеевнинг илмий-танқидий мероси ўзининг ранг-баранглиги билан, тематик диапазонининг кенглиги билан кишини ҳайрон қолдиради. У рус классиклари ҳақида ҳам, совет ёзувчилари тўғрисида ҳам, Ғарб адабиёти ҳақида ҳам, СССР халқлари адабиёти ҳақида ҳам шундай билимдонлик ва теранлик билан ёзарди. Бироқ Фадеев нима тўғрисида ёзмасин, қайси масала ҳақида баҳс юритмасин, ҳамиша маркс-ча-ленинча позицияда турар ва коммунист сифатида санъат ва адабиётнинг юксак ижтимоий ролини тасдиқларди. У, айниқса, янги типдаги ёзувчи бўлмиш совет адибининг ижоди томир-томирлари билан халқ ҳаётига уланишини, унинг учун халқ манфаатларига хизмат қилишдан муқаддасроқ мақсад йўқлигини кўп таъкидларди. Бир мақоласида Фадеев совет ёзувчисининг зиммасидаги масъулият ҳақида шундай дейди: «Адабиётнинг ҳар қандай буюк ҳодисасини туғдирадиган замин халқдир. Шунинг учун ҳам ҳар қандай улкан ёзувчи миллат олдида, халқ олдида ўз масъулиятини ҳис қилмаслиги мумкин эмас».

Қисқа бўлса-да, Фадеевнинг ташкилотчилик ва жамоатчилик фаолияти ҳақида гапирмасак, унинг ҳақидаги тасаввуримиз тўла бўлмайди. Фадеев улкан санъаткор ва теран назариётчигина эмас, жуда йирик давлат ва жамоат арбоби ҳам бўлган. У кўп йиллар давомида партиямиз Марказий Комитетининг аъзоси ва СССР Олий Советининг депутати бўлган эди. Фадеев бу юксак лавозимларни ўтар экан, мамлакат ҳаётидаги ҳамма йирик воқеалардан хабардор бўлган ва уларни ҳал қилишда иштирок этган. Шу билан бирга у кўпгина одамларнинг чигал тақдирини ҳал қилишга, оғирини енгиллатишга ёрдам берган.

Фадеев йирик жамоат арбоби сифатида тинчлик учун курашчиларнинг олдинги сафида борган эди. У урушдан кейинги йилларда Париж ва Прагада, Варшава ва Москвада, Стокгольм ва Венада энг юксак минбарлардан оташин нутқлар сўзлаб, янги уруш оловини ёқишни истаганларни қоралайди. Унинг мағрур ва қатъий чақириқлари тинчлик тарафдорларининг кучига куч қўшиб, жаҳон бўйлаб баралла янграган эди.

Фадеев узоқ йиллар давомида СССР Ёзувчилар Союзининг раҳбари бўлиб ишлади ва серғайрат фаолияти, ёзувчиларга ғамхўрлиги билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонди. Бу лавозимда Фадеев М. Горький анъаналарини давом эттирди.

Фадеев Ёзувчилар союзининг раҳбари сифатида миллий адабиёт-

ларнинг ўзаро дўстлиги ва ҳамкорлигини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор берган. У ҳамма миллий адабиётларнинг ривожи учун, миллий адабиётларда пайдо бўлган бақувват асарларни тезроқ умумиттифоқ китобхонининг мулкига айлантириш учун зарур шароитларни яратишга ҳаракат қиларди. Фадеев ўзбек адабиётининг ҳам дўсти эди. Алишер Навоий, Бобир, Муқимий, Фурқат каби классикларимиз ижодини яхши билар ва кўпгина мақолаларида уларнинг номини тез-тез тилга олиб турарди. У ҳозирги адабиётимиздан ҳам яхши хабардор эди, уни ўзбек халқининг ифтихори дерди. Фадеевнинг 1945 йилда ўзбек адабиёти ҳақида ёзган мақоласини шу ном билан атагани бежиз эмас. Бу мақолада ўзбек адабиётининг уруш йилларидаги фаолияти ҳақида гап кетади ва адиб Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Зулфия, Абдулла Қаҳҳор, Иззат Султон, Амин Умарий, Уйғун, Яшин каби ёзувчиларнинг ижодига юксак баҳо беради. Фадеев бошқа мақолаларида ҳам ўзбек адабиётидаги янгиликларни қўллаб-қувватлаб турган. Масалан, бир мақоласида Асқад Мухторнинг «Пўлат қуювчи» поэмасини тилга олиб, ёш шоирга маслаҳатлар берган.

Фадеев улкан санъаткор, йирик давлат арбоби, атоқли жамоатчи бўлишига қарамай, ҳаётда жуда камсуқум ва камтар эди. Унинг характерини кўрсатадиган иккита мактубни эслатиб ўтаман. Буларнинг бири нашриётга йўлланган бўлиб, унда автор гонорарларидан бир қисмини (ўн процентини) доимий равишда болалар боғчасига ўтказишни топширган. Иккинчи мактуб 1951 йилнинг 12-ноябрида ёзилган бўлиб, СССР Ёзувчилар союзининг Секретариатига йўлланган. Бу мактубда Фадеев ўзининг 50 йиллик юбилейи нишонланишига қарши эътироз билдиради ва Ёзувчилар союзининг клубидагина ижодий кеча ўтказилишига розилик билдириб, кеча сўнгида «қабул» ёхуд «зиёфат» ўтказишни қатъий ман этади. Ўйлайманки, Фадеевнинг бундай камсуқумлиги ҳар бир совет ёзувчиси учун доимий ўрнак бўлмоғи керак.

Ҳа, Фадеев ажойиб ёзувчи ва бағри кенг, гўзал инсон эди. Унинг ижодий йўли ҳам, ҳаёт йўли ҳам ажиб бир ички яхлитликка эга. У революция фарзанди эди — бутун умри давомида Революцияга, унинг юксак ғояларига, порлоқ идеалига садоқат ва эътиқод билан хизмат қилган революция солдати бўлди.

ЖАҲОН РЕВОЛЮЦИОН ПРОЦЕССИ ВА КПССнинг ХАЛҚАРО СИЁСАТИ

П. ҲАМДАМОВ,
тарих фанлари кандидати

ҒОЯВИЙ-НАЗАРИЙ ИШНИ ўзининг энг зарур вазифаси ва муҳим интернационал бурчи деб билган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси революцион таълимотнинг куч-қудратини ошириб бормоқда, совет халқини, бутун прогрессив инсониятни тарихий истиқболни тўғри тушуниш билан қуроллантирмоқда. КПСС XXVI съезди илгари сурилган проблемаларнинг миқёси жиҳатидан ҳам, унда қатнашган чет эл делегацияларининг сони жиҳатидан ҳам жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Унинг ишида барча қитъаларнинг 109 мамлакатидан коммунистик, ишчи, миллий-демократик ва бошқа партиялар ҳамда ташкилотларнинг 123 делегацияси иштирок этди. Бу партиямизнинг коммунистик ҳаракат, бошқа антиимпериалистик кучлар, жаҳон революцион процесси барча оқимлари билан интернационал алоқалари янада кенгайиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигининг ёрқин далили, КПСС жуда катта халқаро обрўга эга эканлигининг аён ифодасидир.

XXVI съезд жаҳон революцион процесси назариясини ишлаб чиқишга йирик ҳисса қўшди, партиямиз ва Совет давлати социалистик ташқи сиёсатнинг асосий принципларига — пролетар интернационализми ва тинч-тотув яшаш принципларига муттасил содиқ эканлигини тасдиқлади. СССР социалистик давлатларнинг халқлари билан, халқаро ишчилар синфи, озод бўлган мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтириб ва мустаҳкамлаб борар, меҳнаткашлар оммасининг антиимпериалистик, миллий-озодлик курашини қўллаб-қувватлар экан, жаҳон революцион процессини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Совет халқининг бунёдкорлик меҳнатида эришган улуғвор муваффақиятлари жаҳон социализми куч-қудратини кўпайтиради, бу эса, В. И. Ленин олдиндан кўриб айтганидек, бутун жаҳон тарихининг боришига тобора кўпроқ таъсир кўрсатади, илмий коммунизм ғояларининг жозиба кучини оширади.

КПССнинг халқаро сиёсати, унинг тинчликни мустаҳкамлаш, уруш хавфини бартараф этиш, кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш ва чуқурлаштириш учун қунт билан олиб бораётган кураши совет халқи олдида турган бунёдкорлик вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ташқи шароитларни таъминлашга интилиш билан суғорилгандир. «Биз бутун кучимизни,— деб қайд қилди КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездини ёпиш вақтида сўзлаган нутқида,— бир-бири билан боғлиқ бўлган икки йўналишда жамлаш ниятидамиз. Бу йўналишларнинг бири коммунистик бунёдкорлик бўлса, иккинчиси тинчликни мустаҳкамлашдир». КПСС ер юзидаги барча халқлар олдида тинчлик, кескинликни юмшатиш учун, қуролсизланиш учун кураш байроқдори сифатида майдонга чиқмоқда. Партиямизнинг КПСС

XXVI съездида илгари сурилган янги конструктив таклифлари халқаро хавфсизликни таъминлашга, ядро уруши хавфининг олдини олишга қаратилган. Улар КПССнинг XXIV ва XXV съездлари ишлаб чиққан Тинчлик программасини ривожлантиради ва тўлдиради, тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамкорлик учун кураш ишига қўшилган янги йирик ҳиссадир.

КПСС XXVI съезди томонидан Совет давлатининг ташқи сиёсати соҳасида қўйилган вазифалар ҳозирги замоннинг энг актуал масалаларини ҳал қилишга қаратилган.

— Жаҳон социализм системасининг ривожланиш истиқболлари, унинг жаҳонни революцион ўзгартириш процессига бўлган таъсирининг ортиши;

— антиимпериалистик ҳаракатнинг ўсиши ва озод бўлган мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантириш;

— жаҳон революцион процессида коммунистик ва ишчи партиялар ролининг ошуви ва ҳозирги замон революцион кучларни мустаҳкамлаш;

— капитализм умумий кризисининг чуқурлашуви, ҳозирги босқичда икки жаҳон системаси ўртасидаги қарама-қарши курашнинг ўзига хос хусусиятлари ва формалари;

— КПСС ва Совет давлатининг олий мақсади бўлган тинчликни таъминлаш, империализмнинг агрессив кирдикорларига мустаҳкам ва қатъий зарба бериш, тинчликсевар кучларнинг, тинчликни чиндан ҳам қадрлайдиган барча кишиларнинг ҳамжиҳатлик билан актив, ҳужумкор ҳаракат қилишлари учун курашиш ана шундай актуал масалалар жумласидандир.

Анализ шуни кўрсатадики, жаҳон революцион процесси учун ҳозирги вақтда жаҳоннинг кўпгина районларида антиимпериалистик ҳаракатнинг анча кучайганлиги характерлидир. Капитал мамлакатларида забастовкаларда қатнашувчиларнинг сони ўн йиллик ичида учдан бир ҳисса кўпайиб, фақат расмий маълумотларгагина кўра чорак миллиард кишига етди. Вьетнам халқи жуда катта ғалаба қозонди. Лаосда халқ ҳокимияти мустаҳкамланди. Кампучияда полпотчилар режими тугатилди. Эфиопия, Ангола, Мозамбик империализм кишанларидан озод бўлишга эришиб, эндиликда Африкада социалистик ориентация қўрғони сифатида майдонга чиқмоқдалар. Никарагуада диктаторлик режими қулатилди. Афғонистондаги революция, Эронда шоҳ истибдодининг тугатилиши, Зимбабве ватанпарварларининг ғалабаси империализмга зарба берди.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари жипслигининг мустаҳкамланганлиги, уларнинг жаҳон воқеаларига таъсири ошганлиги ҳозирги замон революцион процессининг етакчи тенденцияларидан биридир. «Давлатлар ўртасидаги муносабатлар қадим замонлардан халқаро муносабатлар деб аталиб келган,— деди КПСС XXVI съездидаги докладида ўрток Л. И. Брежнев.— Аммо бизнинг давримизда, социализм дунёсида, бу муносабатлар ҳақиқатан ҳам халқлар ўртасидаги муносабатлар бўлиб қолди. Бу муносабатларда миллион-миллион кишилар бевосита қатнашмоқдалар. Бу — социализмнинг принципиал ғалабаси, унинг инсоният олдидаги буюк хизматидир...». Социализм мамлакатларининг меҳнаткашлари биргаликда янги дунёнинг муҳташам биносини қурмоқдалар, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳали тарихда мисли кўрилмаган типини қарор топтирмоқдаларки, бунда марксизм-ленинизм, социалистик интернационализм ғояларининг ҳаётийлиги яққол ифодаланмоқда.

Ўтган йиллар СССРнинг қардош социализм мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорлиги янада кенгайганлиги ва чуқурлашганлиги, улар ҳамжиҳатликда олиб бораётган сиёсат тарихий процесснинг бу-

тун боришига таъсири ўсганлиги билан нишонланди. КПСС Совет Иттифоқининг қардош социализм мамлакатлари билан дўстлиги ва ҳамкорлигини, уларнинг биргаликдаги ҳаракатини мустаҳкамлашнинг турли-туман формаларини доимо ривожлантириб бормоқда. Барча йирик социал-иқтисодий проблемалар, халқаро сиёсат масалалари юзасидан социалистик давлатлар ҳамдўстлигида қарашларнинг принципиал бирлиги қарор топди.

Қардош коммунистик партияларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати ана шундай йил сайин мустаҳкамланиб бораётган яқин ҳамкорликнинг асосини ташкил этади. XXVI съездда қайд қилинганидек, ўтган йиллар мобайнида Қримда олий даражада ўттиз етти марта дўстона учрашув бўлиб ўтди. Уларда қардош партиялар ва мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш истиқболлари, жаҳон сиёсатининг асосий проблемалари, келажакдаги вазифалар муҳокама қилинди. Шунингдек партия-ҳукумат делегациялари билан алмашиш ҳам мунтазам тус олди, халқаро муносабатлар, идеологик ва ташкилий-партиявий иш масалалари юзасидан МК секретарларининг кенгашлари амалий тус олди.

Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорлик ғоялари қардош давлатларнинг конституцияларида қайд қилинган. Ўз навбатида СССРнинг янги Конституцияси социализм мамлакатлари билан дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдамни совет ташқи сиёсатининг асоси деб эълон қилади. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг партия, давлат ва жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш коллективлари ўртасида мустаҳкам алоқалар қарор топди, маънавий ҳаёт соҳасидаги, идеология ва маданиятдаги ҳамкорлик кучайди.

Қардош социализм мамлакатлари иқтисодий қурилишда, кишиларнинг турмуш даражасини оширишда жуда катта муваффақиятларга эришдилар. 70-йилларда уларда катта миқёсларда социал-иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилди, беш йиллик планларнинг бунёдкорлик вазифалари муваффақиятли ҳал этилди, жаҳон экономикасида ва капитализм билан бўлган иқтисодий мусобақада уларнинг позициялари мустаҳкамланди. Гарчи кейинги йиллар бир қатор социалистик давлатларнинг халқ хўжалиги учун унча қулай келмаган бўлса-да, ЎИЁК аъзолари жаҳондаги энг муттасил ривожланиб бораётган мамлакатлар группаси бўлиб қолаверди: уларнинг ҳиссасига 1980 йилда жаҳон миллий даромадининг тўртдан бир қисми тўғри келди, улардаги саноат ишлаб чиқариши аҳоли жон бошига ҳисоблаганда жаҳондаги ўртача даражадан уч баравардан ҳам кўпроқ ошиб кетди. Иқтисодий ўсиш суръатларига кўра улар ривожланган капиталистик давлатлардан юқори туради. Агар, масалан, 1951—1980 йиллар ичида саноат ишлаб чиқариши ЎИЁК аъзолари бўлган мамлакатларда 14 баравар кўпайган бўлса, капитал мамлакатларида эса — 4 баравардан ҳам камроқ ўсди.

Социалистик қурилиш йиллари ичида қардош мамлакатлар ишлаб чиқаришни ташкил этишда, бошқарувда, халқ хўжалик проблемаларини ҳал этишда турли-туман ижобий тажриба тўпладилар. Улар 80-йилларни социализм мамлакатларини интенсив ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий кооперациялаш даврига айлантириш йўлини тутдилар.

КПСС мустамлакачилик зулмини улоқтириб ташлаган мамлакатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, жаҳон социализми билан миллий-озодлик ҳаракати иттифоқини маҳкамлашни жаҳон революцион процессини янада ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. КПССнинг озод бўлган ёш давлатларга нисбатан сиёсати яхши маълум. Совет Иттифоқи империализм ва реакцияга қарши қатъий курашаётган, прогрессив социал-иқтисодий ўзгаришлар йўлидан дадил бораётган кучлар томонида бўлиб келди ва ҳамиша шундай бўлиб қолаверади. Фақат шундай позициягина тинчлик, демократия, бутун инсоният тараққиёти манфаатларига жавоб беради. Кейинги

йиллардаги миллий-озодлик ҳаракатининг бориши КПСС XXV съездининг жаҳон сиёсатида ривожланаётган мамлакатлар роли ортаётганлиги тўғрисидаги хулосасини тасдиқлади. Шу билан бирга ҳозирги босқичда бу ҳаракат дуч келаётган проблемалар муносабати билан кураш янада кескинлашмоқда. Нотекис ривожланиш қонунининг таъсири натижасида озод бўлган мамлакатлар ўртасидаги тафовутлар чуқурлашмоқда.

Империализмга қарши янги сиёсий негизда кураш давом этаётганлиги сабабли Осиё ва Африканинг кўпгина давлатларида сиёсий кучларнинг қайтадан группаланиш процесси юз бермоқда. Иқтисодий мустақилликка эришиш, халқ оммасининг манфаатларига жавоб берадиган социал ривожланиш йўлини танлаб олиш, миллий-демократик революцияни охирига етказиш — бу курашнинг асосий масалаларидир.

КПСС социалистик ривожланиш йўлини танлаб олган мамлакатлар билан алоқа ва муносабатларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқда. Ҳозирги вақтда Осиё ва Африкадаги йигирмага яқин давлат ана шу йўлга ўтиб олди. Социалистик ориентация социализмни ўз мақсади қилиб танлаб олган мамлакатларда социализмдан олдинги ўзига хос бир босқичдир. Уларнинг ривожланиши бир хилда бўлмай, мураккаб шароитларда кечаётган бўлса ҳам, лекин асосий йўналишлари бир-бирига ўхшашдир. Империалистик монополиялар, маҳаллий йирик буржуазия ва феодалларнинг позицияларини аста-секин тугатиш, чет эл капитали фаолиятини чеклаб қўйиш; экономикада халқ давлатининг етакчилик мавқеини таъминлаш ва ишлаб чиқарувчи кучларни планли равишда ривожлантиришга ўтиш, қишлоқда кооператив ҳаракатини рағбатлантириш; ижтимоий ҳаётда меҳнаткашлар оммаси ролини ошириш, давлат аппаратини аста-секин халққа содиқ бўлган маҳаллий кадрлар билан мустаҳкамлаш; ана шу мамлакатлар ташқи сиёсатининг антиимпериалистик характерга эга эканлиги — ана шундай йўналишлардир. Бу давлатларда кенг меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини ифодаловчи революцион партиялар мустаҳкамланиб бормоқда.

Озод бўлган мамлакатлар ҳаётидаги жиддий ўзгаришлар антиимпериалистик ҳаракатда кенг халқ фронти зарур эканлиги тўғрисидаги, ишчилар синфининг авангардлик роли ва деҳқонларнинг революцион потенциали тўғрисидаги ленинча хулосаларни тасдиқлайди. Антиимпериалистик курашда ва ҳозирги замон революцион процессининг янада ривожланишида ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи биринчи даражали аҳамиятга эгадир, у миллий-озодлик революциясини охирига етказишга, мустамлакачилик қолдиқларини батамом тугатишга, социализм сари ҳаракатни дадил ва аниқ мақсадга қаратиб олиб боришга имкон беради.

Совет Иттифоқи, бошқа социализм мамлакатлари социалистик ориентациядаги давлатларга ўзаро фойдали асосда кенг ёрдам ва мадад бермоқдалар. СССР Ангола, Эфиопия, Мозамбик, Афгонистон, Яман Халқ Демократик республикаси, Сурия билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузган. СССРнинг иштироки билан ривожланаётган давлатлар экономикасида етакчи бўлиб қолган талайгина объектлар ишга туширилди. Бу, масалан, Суриядаги Ас-Саура гидроэнергетика комплекси бўлиб, у мамлакатда ҳосил қилинаётган электр энергиясининг 70 процентдан ортиқрогини беради, Жазоирдаги металлургия заводининг иккинчи навбати, у ана шу заводнинг қувватини 2 миллион тонна пўлат ишлаб чиқаришгача оширди, Гвинеядаги 2,5 миллион тонна боксит ишлаб чиқарадиган корхоналар ва ҳоказо. Совет Иттифоқи шунингдек кадрлар — инженерлар, техниклар, врачлар, малакали ишчилар, ўқитувчилар тайёрлашда ҳам ёрдам бермоқда. Масалан, фақат Африканинг ўзида СССРнинг ёрдами билан 100 дан ортиқ турли ўқув юртлари барпо этилган ва этилаётган бўлиб, улардан 15 таси — олий

ўқув юртларидир. Мамлакатимизда ўқиётган африкалик студентларнинг сони 7 мингдан ошади.

Бошқа қардош мамлакатлар билан биргаликда Совет Иттифоқи озод бўлган давлатлар илтимос қилган тақдирда уларга мустақилликни ҳимоя қилишда ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда ёрдам кўрсатмоқда. СССР революцияни экспорт қилишга қаршидир, лекин империализмнинг «халқаро терроризмга» қарши кураш ниқоби остида ер куррасининг у ёки бу бурчагидаги миллий-озодлик ҳаракатини бостиришга уринишларига четдан кузатувчи бўлиб қараб тура олмайди. Бунга Афғонистондаги воқеалар мисол бўла олади. Афғонистон Халқ-демократик партияси раҳбарлиги остида афғон халқи томонидан амалга оширилган миллий-демократик революция мамлакатда социал тараққиёт ва адолат принципларига асосланган янги жамият, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишидан озод бўлган жамият қуриш учун шарт-шароит яратиб берди. АХДПнинг пухта ўйланган, мамлакатнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган сиёсий йўли мамлакатдаги барча прогрессив ва ватанпарвар кучлар иттифоқини мустаҳкамлашга олиб келди, ҳаётнинг барча томонларини тубдан қайта қуриш, халқ хўжалигини юксалтириш, Афғонистон халқининг моддий фаровонлиги ва маданий даражасини ошириш ишида муваффақиятларга эришиш гарови бўлди. Афғонистон Демократик Республикаси халқаро майдонда Жануби-Ғарбий Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлини изчиллик билан олиб бормоқда. Совет Иттифоқи Афғонистоннинг конструктив ташқи сиёсатига, унинг бетараф мамлакат сифатидаги статусига нисбатан ҳурмат билан қарайди, империалистлар ва уларнинг малайларининг АДРга қарши агрессив ҳаракатлари натижасига Афғонистон теварагида вужудга келган вазиятни сиёсий йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлиб чиқмоқда.

Жаҳондаги кучларнинг умумий нисбати жаҳон тараққиёти марказида турган ишчилар синфининг куч-қудрати ва позициялари у ёки бу мамлакатларда миллий-озодлик революциялари келиб чиқадиган революцион вазиятнинг пишиб етилишига тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Энг узоқ районлар ҳам планета ҳаётига аралашмоқда ва, озод бўлган мамлакатлардаги ижтимоий структураларнинг ўтиш ҳолатида эканлиги ва синфий ажралиш процессининг мураккаблиги туфайли вужудга келган ўзига хос ғоявий-сиёсий, социал-иқтисодий ва социал-психологик хусусиятларга қарамай, ижтимоий тараққиёт ва синфий курашнинг қонуниятлари ана шу мамлакатларнинг тарихига нисбатан ҳам тўла-тўкис қўлланилиши мумкин. Шунинг учун ҳам «шарқий хусусият»ни, Осиё ва Африка мамлакатларининг «алоҳида йўли»ни абсолютлаштиришга ҳар қандай уриниш ғайриилмий назарий хулосаларга ва амалий хатоларга олиб келади. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, социалистик революция ва социализм қурилиши давомида бир қатор умумий қонуниятлар, умумий принциплар амал қиладики, улар ҳар бир мамлакатнинг конкрет шароитларига мувофиқ ижодий равишда қўлланишни талаб қилади.

Социалистик ва озод бўлган мамлакатларнинг халқаро майдондаги ҳамкорлиги, қўшилмаслик ҳаракати обрўсининг ўсиши умумий антиимпериалистик фронт базасини кескинликни юмшатиш фойдасига кенгайтиради, тинчликни мустаҳкамлаш ва миллий-озодлик ҳаракатини ривожлантириш учун энг яхши имкониятлар яратади. Жаҳондаги очлик проблемаси, саводсизлик, атроф муҳитни ҳимоя қилиш ва шу каби мураккаб ва туб проблемаларни ҳал қилиш мустамлакачилик ва янги мустамлакачиликни тугатишни, барча мамлакатларнинг, биринчи навбатда энг қолоқ мамлакатларнинг иқтисодий ва социал ривожланиши учун шарт-шароитларни таъминлашни, озод бўлган давлатлар халқларининг ана шу давлатлар билан ривожланган мамлакатлар ўр-

тасидаги фарқни йўқотишга қаратилган куч-ғайратини қўллаб-қувватлайдиган кенг халқаро ҳамкорликни ташкил этишни талаб қилади. Шу билан бирга яқинда мустақилликка эришган халқларнинг империализмга, зўравонлик ва эксплуатациянинг ҳар қандай формаларига қарши, янги, ўз манфаатларига жавоб берадиган халқаро иқтисодий тартиб учун кураши жаҳонни прогрессив тарзда ўзгартириш учун катта аҳамиятга эгадир ва ривожланган мамлакатлар халқларининг тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик ва социал тараққиёт учун курашида қудратли мададдир.

КПСС жаҳон коммунистик ҳаракатини янада ривожлантириш проблемаларига катта эътибор беради. Унинг XXVI съездида қайд қилинганидек, 80-йиллар бошланишига халқаро ишчилар синфи ва унинг сиёсий авангарди — коммунистик ва ишчи партиялар шахдам қадамлар билан келдилар. Коммунистик ҳаракат ўз сафларини кенгайтираверди, оммага бўлган ўз таъсирини кучайтираверди. Ҳозирги кунда компартиялар дунёнинг 94 мамлакатида актив ҳаракат қилмоқдалар. Жаҳоннинг социалистик бўлмаган зонасида коммунистларнинг сони 10 йил ичида бир миллионга кўпайиб, ҳозирги вақтда қарийб 4,5 миллион кишини ташкил этади. Фақат Ғарбий Европанинг ўзидагина компартиялар сафларига 800 мингга яқин янги курашчилар келиб қўшилди. Шимолий ва Жанубий Америкада, Африкада коммунистларнинг сони икки баравардан зиёд кўпайди. Осиёдаги бир қатор мамлакатларда коммунистик партиялар ўз позицияларини мустаҳкамламоқдалар. Социалистик бўлмаган давлатларнинг коммунистлари ҳозирги вақтда парламентлар ва муниципалитетларга бўлган сайловларда ўнларча миллион овоз олмоқдалар. Кейинги 34 йил мобайнида биринчи марта француз ҳукумати составига Коммунистик партия вакиллари кирди. Бугунги кунда коммунистик ҳаракатсиз биронта ҳам жиддий халқаро проблема, ҳозирги замоннинг биронта ҳам туб масаласи ҳал қилиниши мумкин эмас.

Антикоммунистик, антисовет кампаниялар кескин кучайган, капиталистик мамлакатлардаги компартияларда оппортунистик, ревизионистик тенденцияларни авж олдириш мақсадида империалистик пропаганданинг тазйиқи ошган бир вазиятда бизнинг партиямиз сиёсий жипслик учун курашни коммунистларнинг ғоявий бирлиги учун кураш билан изчил бирга қўшиб олиб бормоқда, улар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмоқда. КПСС XXVI съезди шуни таъкидладики, турлича қарашлар ва позицияларни сабр-тоқат билан ўртоқларча муҳокама қилиш марксчи-ленинчиларнинг умумий мақсадига энг яхши тарзда жавоб беради.

КПСС, унинг Марказий Комитети қардош партиялар билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган актив иш олиб бормоқда. КПССнинг XXV ва XXVI съездлари ўртасидаги даврда Совет Иттифоқида бир неча юз чет эл партия делегациялари меҳмон бўлди. КПСС вакиллари қардош партияларнинг съездлари ишида ва бошқа тадбирларида иштирок этдилар. Европадаги 29 коммунистик ва ишчи партияларнинг 1976 йилда Берлинда бўлиб ўтган конференцияси, Европадаги 22 коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1980 йилда Парижда бўлган учрашуви ўзаро бир-бирини тушуниш, тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш билан боғлиқ бўлган ҳозирги замоннинг энг муҳим масалалари юзасидан биргаликдаги ҳаракат мустаҳкамланаётганлигининг далилидир.

Ҳозирги замон революцион тараққиёти проблемалари орасида ишчилар ҳаракати бирлиги масаласи муҳим ўрин тутади. Коммунистлар билан социал-демократлар ўртасидаги ўзаро муносабат ана шу проблеманинг ўзагини ташкил этади. Кейинги йилларда КПССнинг Финляндия, Бельгия, Швеция, Япония, Испания ва бир қатор бошқа мамлакатлар социалистик ва социал-демократик партиялари билан —

асосан уруш хавфига қарши кураш масалаларидаги алоқалари ривож топди. КПСС социалистик интернационалнинг қуролсизланиш бўйича конференциясида иштирок этди, у билан бошқа алоқаларни боғлади. 1981 йил июлда Л. И. Брежнев билан Социнтерн раиси В. Брандт ўртасида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, халқаро вазиятни соғломлаштириш масалалари юзасидан самарали суҳбат бўлиб ўтди.

Коммунистларнинг тинчлик учун, империализмнинг агрессив сиёсатига, қуролланиш пойгасига қарши кураши, деб кўрсатилди КПСС XXVI съездида, жаҳон коммунистик ҳаракатини янада жипслаштиришда ва унинг обрў-эътиборини оширишда буюк бирлаштирувчи асос, қудратли омил бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими шундаки, марксча-ленинча таълимот билан қуролланган коммунистлар дунёда содир бўлаётган жараёнларнинг моҳиятини ва истиқболини ҳаммадан кўра чуқурроқ ва тўғрироқ кўра биладилар, ўз мамлакатларининг ишчилар синфи, меҳнаткашлари манфаатлари учун, демократия, тинчлик ва социализм учун кураш фойдасига бундан тўғри хулосалар чиқариб оладилар. XXVI съезд коммунистик ва ишчи партиялар билан, шунингдек меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари учун, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун актив курашга тайёр эканликларини изҳор этаётган демократик кучлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бундан буён ҳам КПСС халқаро фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб қолаверади, деб таъкидлади.

Совет Иттифоқи тинч-тотув яшаш ва капиталистик давлатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш, империализмнинг агрессив кирдикорларига қарши қатъий зарба бериш ленинча сиёсатини актив олиб бормоқда. Капитализм ўз бошидан кечираётган қийинчиликлар унинг ташқи сиёсатига ҳам таъсир кўрсатмоқда. КПСС XXVI съездида кўрсатиб ўтилганидек, кейинги вақтларда кескинликни юмшатиш, қурол-яроғларни чеклаш, Совет Иттифоқи ва бошқа социализм мамлакатлари билан муносабатларни яхшилаш душманлари анча активлашди. Империализм энг агрессив доираларининг сиёсатида авантюризм, ўзларининг тор, ғаразли ниятлари йўлида инсониятнинг ҳаётий манфаатларини хавф остида қолдиришга тайёр туриш айниқса яққол намоён бўлмоқда. Улар халқ оммасининг озодлик курашини «терроризм» деб кўрсатишга, жаҳондаги прогрессив ўзгаришлар йўлига ғов солишга, ўзларига халқлар тақдирини ҳал этувчилар ролини яна қайтариб олишга уринмоқдалар. Ҳарбий харажатлар сурбетларча оширилмоқда, улардан катта қисми янги хилдаги стратегик ядро қуролларини жадал ривожлантиришга сарфланмоқда.

Кескинликни юмшатиш жиддий синовларга дуч келтирилаётган бир шароитда Совет Иттифоқи вазиятни соғломлаштириш йўлидан сира ҳам чекинмаётир, империалистик доираларнинг агрессив ниятларини изчиллик билан фош этмоқда. СССР ўз иттифоқчилари билан биргаликда ҳозирда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ер юзида тинчликнинг асосий таянчи бўлиб майдонга чиқмоқда. КПСС XXVI съезди минбаридан тинчликни сақлаб қолиш, ядро уруши оловига йўл қўймаслик, бемаъни, ғоятда хавфли қуролланиш пойгасини жиловлаш тўғрисидаги қизғин даъват яна бир бор жаранглаб эшитилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан илгари сурилган глобал характерга эга бўлган тинчлик ҳақидаги янги ташаббуслар чинакам инсонпарварлик билан суғорилгандир. **«Ҳозир партиямиз, халқимиз учун, қолаверса, планетадаги барча халқлар учун халқаро майдонда тинчликни сақлаб қолишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ,**— деб таъкидлади Леонид Ильич.— Биз тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилар эканмиз, ҳозир яшаб турган кишилар учунгина, фарзандларимиз ва набираларимиз учунгина ишлаётганимиз йўқ: биз ўнлаб келажак авлодларнинг бахт-саодати учун ишлаяпмиз».

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига Ҳисобот

докладининг ана шу қоидалари ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан унинг ГФРга қилган визити вақтида яна бир бор тасдиқлаб ва чуқур асослаб берилди. 1981 йил 25 ноябрда Боннда Германия Коммунистик партиясининг Раиси Г. Мис билан суҳбатда Л. И. Брежнев ҳозир инсоният ўз ривожининг масъулиятли пайтини бошидан кечираётганини уқтириб, гап унинг учинчи минг йилликка нималар билан келиши тўғрисида бораётганини таъкидлади. Ҳамма нарса, деди Л. И. Брежнев, уруш ва тинчлик масаласининг ҳал этилиши ва социал тараққиёт қандай суръатлар билан давом этиши тўғрисидаги иккита бош проблеманинг ҳал этилишига боғлиқ. Бироқ лозим даражада сергак бўлиб туриш билан бирга вазиятни ҳаддан ташқари кескинлаштириш жоиз эмас. Агрессив кучларнинг, аввало АҚШ ва НАТОнинг йўли Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам тобора кўпроқ қаршиликка дуч келмоқда.

Жаҳон революцион процесси ҳозирги босқичининг ўзига хос хусусияти — уни ташкил этувчи турли-туман кучларнинг ўсиб бораётганлиги, тобора кўпроқ кишиларнинг актив тарихий ижодиётга жалб этилаётганлиги, антиимпериалистик фронтнинг кенгайиб ва чуқурлашиб бораётганлигидадир. Демак, ана шу кучларнинг ҳаракат бирлиги, жипслигидан иборат объектив зарурат кучаймоқда.

КПСС пролетар интернационализми — коммунистлар фаолиятининг энг муҳим, ҳаётда синалган принципи эканлигига асосланади. Илмий коммунизм назарияси ва практикасининг бутун мазмуни ана шу принцип билан суғорилгандир. Интернационализм байроғи остида Октябрь ғалаба қозонди, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг позициялари мустаҳкамланди, жаҳон социализм системаси вужудга келди, социалистик давлатлар ҳамдўстлиги мустаҳкамланиб ва ривожланиб бормоқда, халқаро коммунистик ҳаракат ўсмоқда ва жипслашмоқда. Ишчилар синфининг, барча мамлакатлар коммунистларининг умумий мақсадлар учун курашдаги бирдамлиги, улар томонидан халқларнинг миллий-озодлик ва социал тараққиёт учун курашини қўллаб-қувватлаётганлиги, тенг ҳуқуқли, мустақил қардош партияларнинг ихтиёрий ҳамкорлиги, улар ўз сиёсатида меҳнаткашларнинг миллий ва интернационал манфаатларини мустаҳкам бирга қўшиб олиб бораётганлиги — бу амалдаги пролетар интернационализмидир. У барча қитъаларда революцион процессни ривожлантиришнинг қудратли омилига айланди. Халқаро бирдамлик ғоялари ва принциплари барча антиимпериалистик кучларни бирлаштиришга, уларнинг социалистик давлатлар билан ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга ёрдам бермоқда. Революцион ҳаракатда интернационализм ролининг кучайиши — ижтимоий тараққиётнинг реал факторидир.

КПССнинг бутун сиёсати ғоят буюк оптимизм билан суғорилган. Мақсадларнинг аниқлиги, уларга эришиш учун бўлган ишонч — ривожланишини ленинча коммунистлар партияси йўналтириб бораётган совет жамиятининг характерли хусусиятларидан биридир. Тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда КПСС назарий ва амалий фаолиятининг, совет халқининг коммунистик идеаллар тантанаси сари ҳаракатининг асоси бўлган марксизм-ленинизмнинг қудратли, ўзгартирувчилик, ижодий кучи тобора тўлароқ ва ёрқинроқ намоён бўлмоқда.

КИТОБЛАР ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

А. М. Омаров. Социальное управление: некоторые вопросы теории и практики.
М., „Мысль", 1980, 269 стр.

Монографияда фаннинг нисбатан янги, аммо анча истиқболли соҳаси бўлган социал бошқарувнинг баъзи бир проблемаларини қараб чиқишга ҳаракат қилинган. Автор бошқарувнинг социал табиатини ёритар экан, фақат социализм шароитидагина у меҳнаткашларнинг манфаатларини ифодалайди ва бутун мамлакат миқёсида планли амалга оширилиши мумкин, деб ҳаққоний равишда қайд қилади. «Социал системанинг манфаатларини амалга оширишдан мақсад шу системанинг вазифаларини олдиндан белгилаб беради» (19-бет), деган фикр диққатга сазовордир. Ана шу позициядан туриб тамомила асосли равишда бошқарув мақсадини танлаш, мақсадларнинг ўзаро боғлиқлиги, бир-бирига таъсири, уларнинг характерли хусусиятларини — кўплиги ва динамизмини аниқлаш тўғрисида гап юритилади.

А. Омаров социал бошқарув ҳақидаги мавжуд таърифларни анализ қилар, айрим авторлар билан мунозара этар, баъзиларининг фикрига қўшилар экан, қуйидаги таърифни таклиф этади: «Социал бошқарув — бу бошқарув субъектларининг ижтимоий системага, уни ана шу система олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратиш мақсадидаги илмий жиҳатдан асосланган таъсир кўрсатишидир» (29-бет). Авторнинг, бу фан конкрет бошқарув фанларидан фарқли ўлароқ. бошқарувнинг барча жиҳатларини яхлит равишда тадқиқ қилиш билан шуғулланади, деган фикри эътиборга сазовордир.

Китобда социал бошқарувнинг қонунлари ва қонуниятлари қараб чиқилган. Автор социал бошқарув механизмида объектив қонунларнинг талабларини бажариш: жамият тараққиёти қонунлари — бошқарув қонуниятлари — бошқарув функцияларини рўёбга чиқариш схемаси бўйича кечади, деган хулосага келади. Бошқарув функциялари тўғрисидаги масала мунозарали характерга эга эканлигини таъкидлар экан, автор ҳақлидир. Унинг фикрича, функциялар деганда бошқарув фаолиятининг турларини тушунмоқ керак. Бундай таъриф К. Маркснинг бошқарувнинг функционал мазмуни тўғрисидаги қоидасига тамомила мувофиқ келади.

Асарда бошқарув системаси фаолиятининг функциялари, ташкилий структураси ва мазмуни ўртасидаги ўзаро алоқа кўрсатиб берилган. Бошқарувнинг янги, янада мукаммалроқ ташкилий структурага ўтиши уни лойиҳалаш билан боғлиқдир. Бу процесс анча мураккаб бўлиб, уни ишлаб чиқиш муайян принциплар асосида, хилма-хил методлар ёрдамида ва мураккаб социал системаларни лойиҳалашнинг барча босқичларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим. У ёки бу омилларни ҳисобга олмаслик амалда функцияларнинг бир-бирини такрорлашига, муайян тартибсизликка олиб келади. Шу муносабат билан автор бошқарув органларини лойиҳалаш ва тузиш вақтида структурани «сон ва сифат жиҳатдан шундай қилиб тузиш керакки, бунда у бошқарув объектининг талабларига жавоб берадиган бўлсин ва системанинг ишлаши учун энг рационал режимни ҳосил қилсин» (149-бет), деб тўғри қайд этади. Шу мақсадда, деб эслатади автор, бошқарув структурасининг энг муҳим параметрларини: иерархия, бошқарув диапазони, бошқарув ишлари ҳажми ва шунингдек бошқарув структураларининг самарадорлигини тўғри белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Монографияда социал системаларни бошқаришнинг ташкилий формаларини қараб чиқишга катта ўрин ажратилган. Партиявий раҳбарлик, давлат бошқарув органларининг, регионал бошқарув системасининг, жамоат ташкилотларининг структурасига алоҳида эътибор берилган. Автор давлат бошқаруви барча бўғинларининг: олий ваколатли органлар, комитет ва министрликлар, туташ ва бир хилдаги тармоқлар группаларини бошқариш органлари ва шунингдек республика бошқарув органларининг биргаликда аниқ ҳаракат қилиши йўлларини аниқлашга интилади. Автор тармоқ ва территориал бошқарувни бир-бирига қўшиб олиб боришнинг ривожланган социализм босқичига мос келадиган янги формаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

А. Омаров социал ахборотнинг табиатини, унинг бошқарув системасидаги ўрнини

арактерлар экан, «ахборот социал бошқа-
увпроцессининг асосини ташкил этади,
унки айни шу ахборот вазиятни баҳолаш
а бошқарув қарорини қабул қилиш учун
арур бўлган маълумотларни беради» (209-
ет), деб таъкидлайди. Асарда ахборот
процессининг шаклланиши ва ташкил эти-
ишининг асосий босқичлари кўздан кечи-
илган, ахборот жавоб бериши лозим бўл-
ан асосий талаблар ишлаб чиқилган.

Кишилар хулқ-атворининг социал норма-
арига риоя қилмай туриб бошқарув му-
осабатларини яхши йўлга қўйиб бўлмай-
и. Хўш, бу нормаларнинг мазмуни, тур-
ари, функциялари қандай? Ҳуқуқий тар-
ибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари
а вазифалари нимадан иборат? Нормалар-
ни ишлаб чиқишда жамоат ташкилотлари иштирокининг характери қандай? Ва, ниҳоят, ахлоқ нормаларининг ўзига хос хусусияти нимадан иборат? Ана шу саволларнинг ҳаммасига китобхон асарнинг охирги бобида муфассал жавоб топади.

Умуман китоб ягона методик услубда ёзилган. Унинг асосий фазилати — назарий анализнинг баён этилган тавсиялардан амалий ишда фойдаланишга ундаш билан уйғунлашганлигидадир. У социал бошқарув сингари мураккаб ва қизиқарли проблема билан қизиқувчи барча кишилар учун, шубҳасиз, фойдали бўлиши мумкин.

Х. МУРОДОВА,
иқтисод фанлари кандидати.

1981 йилда «Ўзбекистон коммунисти» журналида босилиб чиққан мақолалар ва материаллар кўрсаткичи

БОШ ВА РЕДАКЦИОН МАҚОЛАЛАР

МАҚОЛАЛАР

ПАРТИЯ ЎҚУВИ СИСТЕМАСИ УЧУН

ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

МУҲИМ САНАЛАР ВА ВОҚЕАЛАР

ХАЛҚАРО ТЕМАЛАРДА

ҲОЗИРГИ ДУНЁДА ҒОЯЛАР КУРАШИ

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01, 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Н. Шарипова.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 10.11.1981 й. Босишга рухсат этилди 8.12.1981 й.
Формати 70×108¹/₁₆. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4.
Нашриёт ҳисоб листи 8,5. Тиражи 31262. Нашр № М-60. Заказ № 2185.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри. «Правда Востока» кўчаси, 26.

ISSN 0134—2193

Баҳоси 20 тийин

Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК КП Узбекистана» —
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА» —
«УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

3 0000 087 741 660